Б.Ж. Эшов, А.А. Сапаров

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

1



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

Б.Ж. Эшов, А.А. Одилов

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

1



ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ
Б.Ж. Эшов, А.А. Одилов
1

УЎК: 94(575.1)
КБК: 63.3(5Ў)
Э-99
Эшов Б.Ж., Одилов А.А.
Ўзбекистон тарихи: Ж. 1. Энг қадимги даврдан XIX аср ўрталаригача: олий ўқув юрти талабалари учун дарслик / Эшов Б.Ж., Одилов А.А.; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 628 б.

ISBN 978-9943-27-165-4

УЎК: 94(575.1)
КБК: 63.3(5Ў)

Масъул муҳаррир:
Р.Ҳ.МУРТАЗАЕВА,
тарих фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:
А.С. САГДУЛЛАЕВ, тарих фанлари доктори, профессор
Н.У. МУСАЕВ, тарих фанлари доктори, профессор
Ў.М. МАВЛОНОВ, тарих фанлари доктори
Н.Т. ПОЛВОНОВ, тарих фанлари номзоди, доцент

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги «Гуманитар фанлар таълим йўналиши» бўйича ўқув-услубий комиссияси (16.10.2013 й., 23-сонли баённома) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ (21.01.2014 й, 25-сонли хат) томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-27-165-4
© Эшов Б.Ж., Одилов А.А. «Ўзбекистон тарихи: энг қадимги даврдан XIX аср ўрталаригача». «Янги аср авлоди», 2014 й.

КИРИШ

Уч минг йиллик давлатчилик тарихи, бой маданият ва бебаҳо маънавиятига эга, инсоният тамаддуни тараққиётига улкан ҳисса қўшган, буюк алломаларни вояга етказган ўзбек халқи ҳаётида истиқлол туб маънавий янгиланиш жабҳасини бошлаб берди. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, маънавий янгиланишлар боис мамлакатимиз янги асрга замонавий тараққиёт йўли билан кириб келди.

Истиқлол шарофати билан тарих фанига бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мамлакатимиз тарихини холис ва илмий жиҳатдан ўрганиш, уни таҳлил этишда бирламчи манбаларга таяниш Республикамиз Президенти И.Каримовнинг қатор нутқ ва асарларида ўз аксини топган. «Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади»,[1] деб алоҳида таъкидлайди Юртбошимиз.

Ўзбекистон тарихи, аждодларимиз маданий мероси, уларнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда таълим-тарбия соҳасида ундан кенг фойдаланиш ўсиб келаётган авлодни баркамол шахс сифатида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, маънавиятнинг асоси бўлмиш тарих, ўтмиш воқелиги миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини юксалтиришга, тарихий хотира эса инсонни ўзлигини танитишга, иродасини мустаҳкамлашга, унинг дунёқарашини кенгайтиришга кўмак берувчи катта куч ҳисобланади.

Мамлакатимизда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди. Унинг натижасида юксак билимли ва интеллектуал ривожланган, маънавий баркамол авлодни юзага келтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Мазкур соҳада эришилган ютуқлар ҳозирги кунда халқаро ҳамжамият томонидан ҳақли тарзда эътироф этилмоқда.

Глобаллашув асри бўлмиш – XXI аср бир томондан умуминсоний қадриятларни олдинги ўринга чиқиши, интеллектуал салоҳият ижтимоий ҳаёт мезонини белгиловчи даражага айланиши, информацион технологиялар тараққий этиши билан характерланса, иккинчи

---

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият. – Б. 29-31.

томондан умумжаҳон миқёсида маънавий таҳдидлар, “оммавий маданият”ни кенг омма, айниқса, ёшлар онгига сингдириш, таълим-тарбия соҳасида салбий иллатларнинг илдиз отишига сабаб бўлаётган аср ҳам ҳисобланади. Шу боисдан ҳам ҳозирги кунда ўсиб келаётган авлод онги ва шуурини салбий иллатлардан ҳимоя қилиш маъносида уларда маънавий иммунитетни ҳосил қилиш, ёшларга аждодларимиздан мерос бўлиб қолган азалий қадриятлар – эзгулик, одамийлик, меҳр-муҳаббат, ватанпарварлик, юртга садоқат руҳини сингдиришда тарих фанининг ўрни беқиёс даражададир. Айнан Ватан тарихини англаш орқали ёшлар, талабалар нафақат шонли ўтмиш тарихини, балки истиқлолнинг халқимиз учун буюк неъмат эканлигини, унинг истиқболига қаратилган давлатимиз сиёсати моҳиятини янада теран тушуниб етадилар.

Мустақилликнинг ўтган йилларида республика тарихчи олимлари томонидан катта аҳамиятга молик, долзарб мавзуларга бағишланган илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди, қатор ўқув адабиётлари, дарслик, қўлланма, монографиялар чоп этилди. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда ҳам халқимиз тарихини холис ва илмий асноda ўрганиш жараёни давом этмоқда.

Шубҳасиз, янги авлод адабиётлари ҳам юқорида таъкидланган мулоҳазаларга ҳамоҳанг равишда замонавий талабларга жавоб бериши даркор. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, таълим тизими сифат жиҳатидан такомиллашуви учун унга аввало илм-фан янгиликлари, инновациялар жо этилиши лозим.

Олий ўқув юртлари бакалавриат босқичида таълим олаётган талабалари учун ҳавола этилаётган мазкур дарслик юқорида қайд этилган фикр-мулоҳазаларда илгари сурилган масалаларни ўзида жам этган дарсликларнинг I-жилдини ташкил этиб, у ўз ичига Ўзбекистоннинг энг қадимги давридан то XIX асрнинг ўрталарига қадар бўлган тарихий даврини қамраб олади. Дарсликни тайёрлаш жараёнида археологик, антропологик, нумизматик материаллар, бирламчи тарихий манбалар ва Ўзбекистон тарихининг турли даврларига оид сўнгги тадқиқотлар натижалари: диссертациялар, монографиялар, рисолалар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ҳужжат ва материалларидан кенг фойдаланилди.

Хусусан, сўнгги йилларда нашр юзини кўрган олимлар асарлари А.Асқаров (этногенез, илк шаҳарлар тарихи, даврлаштириш, миграция масалалари), Э.Ртвеладзе (қадимги йўллар, нумизматика, давлат-

чилик масалалари), А.Сагдуллаев (қадимги шаҳарлар, қадимги даврни даврлаштириш, давлатчилик), М.Исҳоқов («Авесто» ва ёзма манбалар), Р.Сулаймонов (давлатчилик, қадимги шаҳарлар), Ш.Шайдуллаев, Ў.Мавлонов, Б.Матбобоев (давлатчилик, қадимги йўллар, қадимги шаҳарлар, миграция жараёнлари, ўзаро муносабатлар), Р.Муқминова, Г.Агзамова, Ш.Воҳидов (ўрта аср шаҳарлари, хонликлар даври, ер эгалиги, солиқлар, унвонлар ва мансаблар масалалари) ҳамда кўплаб тадқиқотчиларнинг илмий ишларидан ҳам фойдаланилди.

Дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси"да илгари сурилган талабларга мос равишда тайёрланган. Зеро концепцияда қайд этилганидек, ўқув адабиётларининг мазмуни билим олувчиларда мустақил ва эркин фикрлаш, олинган билимларни босқичма-босқич бойитиш, мукаммаллаштириб бориш, мустақил таълим олиш, янги билимларни ўқув адабиётларидан излаб топиш кўникмаларини ҳосил қилишни таъминлаши керак.

Дарслик 2012–2015 йилларга мўлжалланган Ф-1-32 "Ўзбекистон тарихи фанидаги инновацияларни олий таълим тизимига татбиқ этиш" мавзусидаги грант ижроси бўйича яратилган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг олий ўқув юртлари талабалари учун янги дарслик яратиш хусусидаги кўрсатмаси ҳамда юқорида қайд этилган грант режасига мувофиқ Ўзбекистон тарихининг учта жилдини яратиш ҳамда ўқув жараёнига жорий этиш белгиланган. Бу қуйидаги тарзда амалга оширилиши режалаштирилган:

1. Б.Ж.Эшов, А.А.Одилов "Ўзбекистон тарихи (Энг қадимги даврдан XIX аср ўрталаригача)". (Олий ўқув юртлари бакалавр босқичи талабалари учун дарслик), I жилд.

2. "Ўзбекистон тарихи (Россия империяси мустамлакачилиги ва совет ҳукмронлиги даври)". (Олий ўқув юртлари бакалавр босқичи талабалари учун дарслик), II жилд.

3. "Ўзбекистон тарихи (Мустақиллик даври)". (Олий ўқув юртлари бакалавр босқичи талабалари учун дарслик), III жилд.

Бу эса ўз навбатида ОЎМТВ ва грант режасининг ижроси ҳисобланади.

Ушбу китоб шу вақтгача республика профессор-ўқитувчилари, тарихчи олимлар томонидан яратилган дарсликлардан фарқли ўлароқ, қуйидаги жиҳатларни ўзида акс эттирган:

– дарсликда асосан мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар натижалари, Ўзбекистон тарихи фанида юзага келган инновациялардан кенг фойдаланилди;

– фаннинг манбавий асосларига маълум янгиликлар киритилган ҳолда мазкур дарслик даврлаштириш бўйича янгича ёндашув асносида яратилди;

– ўзбек давлатчилиги, унинг шаклланиши, шаҳарсозлик маданияти хусусида қатор янги маълумотлар тегишли мавзуларга жорий этилди;

– «Авесто» хусусидаги маълумотлар янада кенгайтирилиб, унинг маънавий ҳаётдаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди;

– «Буюк Ипак йўли» мавзуси энг қадимги ва ўрта асрларда мавжуд савдо йўлларига узвий боғланган ҳолда янги материаллар билан бойитилди;

– IX –XII асрларда ҳукмронлик қилган сулолалар, давлатлар хусусида бирламчи тарихий манбаларга таяниб, давр тарихий воқелиги янгича аснода кўрсатилди;

– маълум тарихий шахслар, хусусан, Маҳмуд Ғазнавий, Султон Санжар, Хоразмшоҳ Отсиз ва бошқаларнинг фаолиятига янгича баҳо берилди;

– ривожланган ва сўнгги ўрта асрлар давлатчилиги мавзуларида унвонлар ва мансаблар, бошқарув, солиқлар, ислоҳотлар масалаларига катта эътибор қаратилиб, сўфийлик таълимоти алоҳида бўлим сифатида киритилди;

– «Темур тузуклари» алоҳида бўлим сифатида берилиб, ушбу асарнинг мазмун-моҳияти ҳамда ўз даври ва бугунги кундаги тарбиявий аҳамияти кўрсатиб берилди;

– XVI–XIX аср биринчи ярми ўзбек хонликлари тарихи тегишли манбалардаги маълумотлар асосида бойитилди;

– мавзуларда масала моҳиятини акс эттирувчи манбалар ва тарихий адабиётлар, шу мавзу юзасидан олиб борилган илмий тадқиқотлар алоҳида қайд этилди.

Ҳар бир мавзу сўнгида фойдаланилган адабиётлар рўйхати, таянч тушунчалар, назорат саволлари ва топшириқлар берилди.

Мазкур ўқув адабиётига "Ўзбекистон тарихи" (Тошкент: Янги аср авлоди, 2003, 645 б.) дарслиги асос қилиб олинган. Айрим мавзулар Б.Эшовнинг "Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи" (Тошкент: Янги аср авлоди, 2012, 555 б.) дарслиги асосида тўлдирилган.

Дарслик юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар муаллифлар жамоаси томонидан миннатдорчилик билан қабул қилинади.

1-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ОБЪЕКТИ, УНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ, МАНБАЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

Режа:

1. Ўзбекистон тарихи фанининг фан сифатида тутган ўрни. Унинг ўрганиш предмети ва объекти.
2. Ўзбекистон тарихи фанининг методологик, илмий-назарий асослари, усуллари ва тамойиллари.
3. Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масалалари.
4. Ўзбекистон тарихини ўрганишда манбалар ва ёрдамчи фанлар.
5. Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг аҳамияти.

1. Ўзбекистон тарихи фанининг фан сифатида тутган ўрни. Унинг ўрганиш предмети ва объекти

Тарих фани ижтимоий тараққиёт ва ўтмишга оид ҳар хил воқеа-ҳодисаларнинг изчил ривожланиши, уларнинг қачон, қаерда, қандай ҳолатда юз берганлиги, инсониятнинг пайдо бўлиши ва унинг тадрижий-эволюцион ривожланиш жараёни ва бошқаларни ўрганади. Шунингдек, Ўзбекистон тарихи умумжаҳон-инсоният тарихининг ажралмас қисми ҳисобланиб, у оламшумул воқеликларга жуда бой. Ўзбекистон тарихи фани мана шу воқеликларни бошидан кечирган қадим ва яқин аждодларимизнинг ҳаёти қандай бўлганлигини, жаҳон тарихи тараққиётига қўшган ҳиссаларини холисона ва ҳаққоний ўрганади.

Таъкидлаш лозимки, тарихий, миллий-маданий, ахлоқий ва диний қадриятларни ўрганиш, тиклаш ва янги асосларда ривожлантириш – ёшлар, таълим ва тарбия тизимидаги талабаларнинг дунёқарашида миллий ғурур ҳамда ўзликни англаш, улар онгида ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларини янада мустаҳкамлаш бугунги давр талабидир. Айнан шунинг учун ҳам олий таълим тизимида «Ўзбекистон тарихи» фанини ҳар томонлама ҳамда чуқур ўқитиш мақсадида янги авлод ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалар ва дарсликлар яратилиб, бу борадаги илмий тадқиқотлар натижалари ўқув жараёнига жорий этилмоқда.

Тарихий ҳақиқат тўла рўёбга чиқиши, ҳаққоний ёзилишида тарих фанининг предмети ва объектини тўғри белгиланиши ўта муҳим

аҳамиятга эга. Чунки Ўзбекистон тарихи фани учун ҳам бошқа барча фанлар қатори предмет ва объект масаласи асосий масала ҳисобланади. Зеро, фаннинг ўрганиш предмети ва объекти аниқ бўлмаса, унинг олдидаги вазифа ноаниқ бўлиб, мақсадга эришиш мушкул бўлади. Бундай ҳолат ўқув жараёни самарадорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон тарихи фани бошқа ижтимоий ва табиат фанларидан фарқли ўлароқ, мустақил фан. Шунингдек, у барча фанлар орасида ўз ўрни ва мавқеига эга. У барча фанлар тарихини ҳам ўз ичига олган ҳолда уларнинг ривожига катта таъсир этади. Бу унинг ўрганиш предмети ва объекти ҳамда вазифасида тўла намоён бўлмоғи керак. Тарих фани ўз хусусиятига кўра, **биринчидан,** ўзининг бутун диққат-эътиборини фақат ўтмишга қаратади, ундан сабоқ беради, хулоса чиқаради, аждодларимизнинг мозийда қолган ҳаёт тарзини, улар яратган моддий-маданий, маънавий-мафкуравий қадриятларни ўрганади.

Иккинчидан, Ўзбекистон тарихи фани бошқа ижтимоий фанларга нисбатан аниқ фан. У математика усулидан кенг фойдаланади. Тарихий воқеа ва ҳодисалар қатъий аниқликда, даврий кетма-кетлик – хронологик асосда ўрганилади. Шунингдек, тарихий воқеа ва ҳодисалар, ҳужжат ва далилларнинг ҳақиқий ва ҳақиқий эмаслиги, улар қачон, қаерда, қандай тарихий муҳит ва шароитларда тарихан воқеъ бўлганлиги аниқланади. Ва ниҳоят, бўлиб ўтган воқеликларнинг аниқ сабаб ва оқибатлари, шу билан бирга, уларнинг аниқ шакл-шамойиллари ва ҳолати аниқланади.

Учинчидан, Ўзбекистон тарихи фани мамлакатимиз ўтмишидаги иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг аҳволи, ривожланиши ва таназзулининг сабаб ҳамда оқибатларини ўрганади, улардан келажак учун сабоқ ва хулоса чиқаради. Бу эса келажак авлодлар учун дастурилмал бўлади.

Тўртинчидан, Ўзбекистон тарихи фани кўп қиррали бўлиб, хилма-хиллик хусусиятига ҳам эга. У жамият тараққиёти ва инқирозларининг фақат бир томонинигина эмас, балки жамиятнинг ҳамма томонларини узвий ўзаро боғлиқликда, бир бутунликда ўрганади. Ўзбекистон тарихи фани Ўзбекистоннинг ўтмишидаги ва ҳозирги ҳудудида энг қадимги даврлардан то ҳозиргача кечган воқеликлар, инсоният ҳаёти, табиат ва жамият тараққиёти ҳамда таназзулини таҳлил

қилади. Унинг ўрганиш предметига эса мана шу макондаги жамики хилма-хил воқеа ва ҳодисалар, улардаги умумий алоқадорлик ва яхлит бирлик ҳалда қонуниятлар ҳодисаси ва жараёнлар, умуман, халқ ва инсоннинг ижтувчанлик фаолияти киради.

Бу ўринда таъкидлаш лозимки, бутун бир халқлар, элатлар, миллатлар ва давлатларга тааллуқли бўлган мураккаб ижтимоий-сиёсий иқтисодий ва маданий жараёнлар тарихда ўз аксини топади. Тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича, инсон ҳар қандай тарихнинг предмети ҳисобланади. Ҳар бир воқеа, ҳодиса инсон (ёки унинг бир гуруҳи – халқ) хатти-ҳаракати, унинг кўзлаган маълум мақсадга интилиши жараёнида содир бўлади. Ўзбекистон тарихи фанининг ўрганиш макони – объекти Ўзбекистоннинг тарихидир. Тарихий объект (макон)га нисбатан Ўзбекистон тарихи фанининг мақсади, вазифаси, йўналиши ва ҳаракат (фаолият) доираси ёки чегараси белгиланади. Маълум бир маънода объект билан предмет бир-бирига жуда яқин тушунча бўлса-да, улар тарих фанида тутган ўрни ва вазифаси билан фарқланади.

Объект аниқ тарихий давр, макон, замон ва географик минтақавий чегаралар, маълум бир халқ, миллат, мамлакат тарихи билан боғлиқ бўлиб, маълум ҳудуд доирасидаги воқеа ва ҳодисаларни бир бутун ва яхлитликда ўз ичига олади. Предмет эса мана шу бир бутун объект ичидаги аниқ сиёсий, тарихий-маданий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлардан иборат бўлади.

Ўзбекистон тарихи фани ижтимоий-сиёсий, умуминсоний фан бўлиб, инсон ва миллат ўз ўтмишини билиши, ўзлигини англаши ҳамда келажагини белгилашида асосий дастуриламал ҳисобланади. Шу билан бирга, у ижтимоий-сиёсий ҳаёт соҳасидаги ягона фан ҳам эмас. Жамият, инсоният ва табиатнинг ўтмишини ўрганувчи бошқа соҳа фанлари ҳам бор. Масалан, археология, этнология, геология, антропология, демография, маданият, иқтисодиёт ва бошқа фанлар шулар жумласидандир. Аммо бошқа фанларнинг ҳаммаси ҳам, табиат, жамият ҳам аввало, катта тарихда акс этади. Соҳа тарихи фанлари ҳам тарих фанининг ўрганиш объекти ва предмети ҳисобланади.

Тарих фани бошқа, айниқса, ижтимоий-гуманитар фанлари билан мустаҳкам ва узвий алоқа бирлигида ривожланади. Шунинг учун ҳам, тарихчилар фалсафани, адабиёт ва тилни, диншуносликни ва бошқа фанларни билмай туриб, тарихни тўла ёритиб беролмайдилар.

Шуни ҳам айтиш лозимки, тарих билан бошқа ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрганиш объекти битта, яъни жамиятдир. Предмети эса инсон ва табиатдир. Шунинг учун ҳам бошқа фанлар тарих фани тараққиётига, тарихий ҳақиқатларнинг рўёбга чиқишига бевосита ёрдам беради. Шунингдек, тарих фани ҳам бошқа соҳа фанлари ривожига катта таъсир этади. Аммо, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, тарих бошқа фанларни, шунингдек ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳам тарихидир. Чунки бошқа фанларнинг ҳаммаси тарих маҳсулидир.

Қисқа қилиб айтганда, тарих фани Ватан тарихи, миллат ва Ватан келажагининг равнақ топишида муҳим аҳамиятга эга. Масаланинг моҳияти шундаки, биринчидан, ижтимоий-гуманитар фанларнинг ривожланиши ҳар жиҳатдан тарих фанининг нақадар ҳаққоний бўлишига боғлиқдир. Чунки улар тарих билан бевосита боғлиқ. Иккинчидан, тарих фалсафаси қанчалик тўла ва равон юзага чиқса, бошқа ижтимоий-гуманитар фанларнинг мазмун ва моҳияти ҳамда таъсирчанлиги ҳам шунчалик юксак даражада бўлади.

Тарих фалсафаси деганда, тарих яъни ўтмиш тажрибаси ва сабоғидан тўғри хулоса чиқара олиш тушунилади. Бошқача айтганда, ўтмиш – тарихга қараб, келажакни ҳис этиш, кўра билиш ва тўғри белгилай олиш ҳам тарих фалсафасини англашни билдиради.

Тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича, инсоннинг шахсий манфаат ва эҳтиёжлари, қолаверса, унинг қобилияти, истеъдоди, воқеаларни теран идрок этиши тарих фалсафасини англаб етишда муҳим аҳамият касб этади. Айнан шу нуқтаи назардан олиб қараганда, инсон ақл-идроки, унинг тафаккур даражаси, ҳаётий фалсафаси, жамият тараққиёти йўлидаги барча саъй-ҳаракатлари ва интилишлари маълум миллат ва жамият менталитетини белгилаб беради. Мана шу менталитет миллат ёки халқнинг умуммаданий-маънавий даражаси, ақл-идроки ва тафаккур майдонининг салоҳиятига қараб ўзига хос мазмун-моҳият касб этади. Тарих эса ана шу ўта мураккаб, ўта зиддиятли, шу билан бирга ниҳоятда қудратли руҳият орқали, фаолият орқали хотирага айланади. Назаримизда, бу ҳолат тарих фалсафасини ўзида ифода этади.

2. Ўзбекистон тарихи фанининг методологик, илмий-назарий асослари, усуллари ва тамойиллари

Ҳар қандай фан каби Ўзбекистон тарихи фани ҳам ўзининг методологик илмий-назарий асослари ва тамойилларига эга. Булар Ўзбекистон тарихи фанининг асосини ташкил этиб, унинг ривожланиши, жамият ва миллат манфаати йўлидаги нуфузи ортиб боришида ўта муҳим аҳамиятга эга. Энг муҳими, илмий-назарий тамойиллар Ватан тарихининг ҳаққоний ёзилиши, тарихий ҳақиқатни юзага чиқишига хизмат қилади.

Агар тарих инсоният яшаб ривожланиши учун ижтимоий зарурият ва маънавий-маърифий эҳтиёж бўлса, тарих фани эса бу эҳтиёжларни рўёбга чиқиши учун масъул бўлган юксак интеллектуал илмий-амалий фаолиятдир. Бунинг самарали бўлиши яъни, тарих фани ривожланишида методологик илмий ғоя ва назариялар ҳамда усул ва услубий тамойилларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Чунки булар тарихнинг мазмун ва моҳияти ҳамда фалсафасини чуқурроқ очиб беришга, шунингдек, тарих фанининг мақсад ва вазифасини тўлароқ рўёбга чиқишига бевосита ёрдам беради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон тарихи фанининг методологик илмий-назарий асослари, ғоя ва таълимотлари нималардан иборат бўлиши ўта муҳим масала ҳисобланади. Юртбошимиз Ислом Каримов тарихнинг энг муқаддас миллий ва умуминсоний хотира ҳамда қадрият эканлигини таъкидлаб, «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади», «Тарих халқ маънавиятининг асосидир» каби кўплаб тарихий ҳақиқатни тўғри англатувчи ўта теран фикрларни олға сурди.

Мутахассисларнинг фикрича, тарих мозийни ўрганиш ҳақидаги фан бўлиб, илмий атама сифатида икки ўзаро алоқадорликдаги тушунчани ифодалайди. Биринчидан, тарих жамият тараққиёти тўғрисидаги фан бўлиб, унинг мавзуи кишилик жамияти ўтмишининг, унинг турли-туман соҳалардаги тараққиёти ва ўзгариб бориш жараёнини ўрганадиган фандир. Иккинчидан, тарих бу инсоният тўғрисидаги фан бўлиб, жамиятнинг ўтмишини тадқиқот йўли билан аниқлаб, ўтмишда инсон томонидан яратилган, инсон заковатининг натижалари бўлган жараёнини тадқиқ этиш ва бизгача бўлган даврни ўрганиб, келажак авлодга етказадиган фандир.

Тарихшуносликдан маълумки, тарихий жараён тарих қонунлари билан асосланади. Тарих фанининг асосий таянч тушунчасини тарихий асос ва тарихий манба, тарихий макон ва тарихий замон ташкил этади. Соҳа мутахассисларининг эътироф этишларича, тарих фанини ўрганишдаги энг долзарб муаммо – бу тарихий воқелик ва тарихий манбалар бўлиб, мана шу икки муаммога том маънода илмий ёндашиш тарих фанининг назарияси ва методологиясини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, ҳар бир фанда бўлганидек, тарих, жумладан, Ўзбекистон тарихи фанининг ҳам ўз назарияси ва методологияси мавжуд. **Назария** – бу илмий билимлар йиғиндиси ва бошқа фанлар билан мавжуд бўлган алоқадорликни билиш жараёнидир.

Тарихчи олимлар бутун инсоният, миллат, халқ ва ўрганиш объекти (маълум мавзу) эволюциясини, унинг маъно ва мазмунини тўғри билиши, таҳлил қила олиши керак. Агар тарих фалсафаси тарихий воқеликлар таҳлилидан келиб чиқадиган ҳақиқат (хулоса)ларнинг сўздаги аниқ ифодаси бўлса, тарих фани методологияси мана шу тарихий ҳақиқатларни рўёбга чиқиши – тарих ҳақиқий ёзилиши учун бирдан-бир тўғри йўл кўрсатувчи дастурдир. Энг қисқа ва тушунарли қилиб айтсак, умуман методология фанларнинг фанидир.

Кейинги пайтда Ўзбекистон тарихи фани методологиясини яратиш имконияти пайдо бўлди. Аввало, **методология** ҳақида тўхталсак, методологиянинг луғавий маъноси грекча «Metodos» ва «Logos» деган икки сўз бирикмасидан иборат бўлиб, метод, яъни усул – тадқиқот олиб бориш усули (йўли), назария, таълимот, логия эса фан деганидир. Демакки, методология яъни, услубият илмий тадқиқот олиб бориш ёки бирор-бир масалани илмий ўрганишнинг энг қулай усуллари, энг тўғри ва мукаммал ғояси, назарияси ва таълимотлари мажмуидан иборат бир бутун фандир. Бошқа маънода эса методология илмий билиш ёки маълум бир илмий фаолиятни ташкил этиш ва амалга оширишда қўлланиладиган усуллар ҳақидаги фандир. Демак, тарих фани методологияси тарихни ўрганувчиларни ва ўқитувчиларни аниқ мақсад сари тўғри етаклайди, яъни тарих ҳаққоний ёзилиши ва ўрганилишига йўл-йўриқ кўрсатади.

Ҳар қандай фаннинг методологияси хусусида гап борар экан, одатда, шу фанга хос метод (усул)лар мажмуи тушунилади. Тарих фани-

ни ўқитиш методологияси деганда, бу йўналишдаги илмий билимларнинг тузилиши ва ривожланиши, уларнинг натижаларини асослаш йўлларини амалиётда мазкур фанга хос бўлган илмий билимлар механизмини самарали тадбиқ этилиши тушунилади. Тарих фани методологияси деганда, тарих фанлари доирасидаги илмий билимларнинг тузилиши тамойилларига, шакли ва илмий жиҳатдан тарих фани доирасида қўлланиладиган таълимотига айтилади. Ўзбекистон тарихи фанининг фан сифатидаги назарий-методологик асослари ўзида мазкур фаннинг қонуниятлари ва тамойилларини, фақатгина шу фанга хос бўлган қатъий тушунчалар мажмуи ва билиш методларини ўз ичига олади.

Тарих фанининг ривожи унинг методологияси ривожига боғлиқ бўлганидек, тарих фани методологияси юксак даражада такомил топиши тарих фани қай даражада эканлигига ҳам боғлиқ. Бу ҳолдаги узвий ва икки томонлама боғлиқлик ҳар иккала йўналишнинг умумий қонуниятидир. Мана шу ўзаро алоқадорлик қонуниятини мумтоз тарихшунослигимиз ва ҳозирги замон цивилизацион ёндашувларга асосланган ҳолда Ўзбекистон тарихи фани методологиясини қуйидаги икки қисмга бўлиш тавсия этилади:

1. Ўзбекистон тарихи фанининг методологик (услубий) илмий-назарий, ғоявий-мафкуравий ва фалсафий асослари. Бунга қуйидагилар киради:

– дин билан дунёвийлик ўртасида мўътадил муносабат бўлиши ва дунёвийлик асло даҳрийлик эмаслиги;

– тарихни миллий, умуминсоний, муқаддас ҳодиса ҳамда қадрият деб тушунмоқ;

– тарихга ҳозирги замон цивилизацияси нуқтаи назари ва бағрикенглик асосида ёндашиш;

– тарихий тараққиёт асосини эволюцион – тадрижий йўл ва ислоҳотчилик ташкил этади деб англамоқ;

– тарихга миллий менталитет нуқтаи назаридан ўзгалар тарихига ҳурмат руҳида мурожаат этиш;

– тарих, жамият ва табиат ҳамда инсоният (барча тарихий воқелик ва жараёнлар) диалектика (Гегел) ҳамда синергетика (Пригожин) қонуниятлари асосларида ривожланиши ҳақиқат эканлиги;

– тарих миллий ва умуминсоний хотира, миллат ва халқларнинг жони, тани ҳамда ғоявий-мафкуравий муҳофаза қуроли эканлиги.

2. Ўзбекистон тарихи фанининг методологик (услубий), илмий усул ва тамойиллари. Улар қуйидагилардан иборат:

– илмий холислик (объективлик);

– тарихий – таҳлилийлик;

– мантиқий – узвийлик;

– ворислик ва хронологик изчиллик;

– ғоявийлик ва ватанпарварлик;

– қиёслаш, кузатиш ва умумийлаштириш;

– баҳслашиш, мунозара юритиш ва асослаб бериш;

– математик ҳисоблаш;

– шакллаш ва моделлаштириш;

– айримликдан умумийликка (индуксия) ва умумийликдан айрим (жузъий)ликка (дедуксия);

– этнография, археология, антропология, генеология, математика каби кўплаб ёрдамчи фанларнинг ютуқлари ҳамда усулларидан ҳам кенг фойдаланиш.

Бизнинг тарихимиз ҳам, жаҳон тарихи ҳам дин (аниқроғи динлар) тарихи билан узвий боғлиқ. Ижтимоий ҳаётни диндан, динни ижтимоий ҳаётдан ажратиб бўлмайди. Агар ажратилса, тарихга ҳам, динга ҳам, мантиққа ҳам зид бўлади. Маълумки, совет тарих фани тарихни сохталаштирди, дин илмга зид, тарихий тараққиётга тўсқинлик қилади деган даҳрийликка амал қилди. Тарих қандай бўлса, уни шундайлигича ўрганиш устувор бўлмоғи керак. Шунинг учун ҳам у дин билан мўътадил, мутаносиблик асосида ўрганилмоғи ҳозир энг асосий зарурият бўлиб турибди. Бу эса ёшларни ҳар хил дин ниқобидаги динга алоқаси бўлмаган террористик гуруҳларга адашиб кириб қолишларининг олдини олади, шунингдек, тарихимизни ҳаққоний ва тўла ёзилишига имкон беради.

Тарихий-танқидийлик тамойили тарихимизда қадимдан муаррихлар томонидан қўлланиб келинган энг қулай усул ҳисобланади. Бу усул тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг нечоғлик тўғри ҳамда нотўғрилигини аниқлашга, тарихни ҳаққоний ва тўғри ёзилишига яқиндан ёрдам беради.

Истиқлол туфайли ўз тарихимизни ўзимиз ёзиш ва тарих фани методологиясини ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлдик. Ўтган давр ичида Ўзбекистоннинг янги тарихи ёзилди ва тарих фани жадал ривожланмоқда. Бутунлай янги руҳ ва мазмундаги илмий қараш (кон-

цепция)лар пайдо бўлди, ўқув қўлланма ва дарсликлар, тарихий асарлар чоп этилди. Бу ўринда юқоридаги методологик илмий-назарий асос ва уларнинг аҳамияти катта бўлди.

3. Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масалалари[2]

Ўрта Осиё минтақаси жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми бўлиб, инсоният қадимги тарихи ва маданияти ўчоғларидан бири ҳисобланади. Узоқ йиллар мобайнида олиб борилган тадқиқотлар натижасида минтақанинг турли вилоятларида умумий, бир-бирига ўхшаш, кўп ҳолларда бир-бирини такрорлайдиган маданиятга оид ёдгорликлар топиб ўрганилган. Чунончи, Ўрта Осиё ҳудудларида қадимги даврларда юз берган тарихий-маданий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар бир-бирига яқин бўлиб, турли миграцион жараёнларга қарамасдан, бу ҳудудда яшаган қадимги қабилалар ва элатларни умумий ва этник илдизлар бирлаштириб турган. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё халқларининг тарихий тақдири қадимги даврлардан бошлаб бир-бирига узвий боғланган бўлиб, қадимги даврлар ҳақида сўзлаганимизда «Ўрта Осиё тарихи» ва «Ўзбекистон тарихи» атамаларини ёнма-ён ишлатишимизнинг боиси ҳам ана шундадир.

Маълумки, нафақат Ўзбекистон, балки бутун инсоният тарихи узоқ ва мураккаб жараён бўлиб, тарихий-маданий воқеаларга ниҳоятда бой ҳисобланади. Сўнгги йилларда Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида археология, антропология, этнография ва нумизматикага оид кўплаб кашфиётлар қилинди ҳамда тарихимизни холисона ёритиш учун хизмат қиладиган муҳим маълумотлар тўпланди. Ушбу маълумотлар ва ашёлар ўлка тарихининг қадимги босқичларидаги иқтисодий, маданий ва ижтимоий-сиёсий жараёнлари ҳақида янада тўлароқ тасаввурлар ҳосил қилиш имконини бериб, улар энг қадимги хўжаликлар ва меҳнат қуроллари, замонавий қиёфадаги одамнинг пайдо бўлиши, хўжаликнинг ишлаб чиқарувчи шаклларига ўтилиши, ишлаб чиқаришда металлнинг ишлатила бошланиши, айирбошлаш ва савдо-сотиқ, илк шаҳарлар ва давлатларнинг ташкил топиши каби

---

[2] Ўзбекистон тарихини даврлаштириш проф.Б.Эшов томонидан таклиф этилган.

кўплаб тарихий-маданий жараёнлар билан боғланади. Тарихни даврлаштиришда ушбу жараёнларга асосий эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихини замон талабларига асосланиб даврлаштириш масаласида олимлар орасида ҳамон баҳслар давом этмоқда. Бу масала юзасидан, хусусан, энг қадимги даврлардан бугунги кунга қадар бўлган тарихимизни даврлаштиришда эътибор берилиши лозим бўлган тарихий-маданий жараёнлар масалага цивилизацион ёндашув, даврлаштиришнинг методологик асослари кабиларга А. Асқаров, Э. Ртвеладзе, А. Сагдуллаев ва бошқа олимлар эътибор қаратган бўлишларига қарамай, даврлаштириш масалалари тўла ечимини топмаган. Сўнгги йилларда амалга оширилган тадқиқотлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масалаларига ҳам қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик. Чунки ўрганилаётган тарихни аввало, хронологик изчилликда даврларга бўлиб, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб дарслик нуқтаи назаридан маърузалар белгилаш ҳамда дарс соатларини тақсимлаш мақсадга мувофиқдир. Қанчалик содда кўринмасин, ушбу жиҳат ҳам мураккаб масала ҳисобланган тарихни тўғри даврлаштиришни талаб этади. Масаланинг энг муҳим томони эса ёшларимизга илмий асосланган даврлаштириш асосида тарих фанидан таълим беришдир.

Юқорида таъкидланганидек, мустақиллик даврига келиб, ҳаққоний тарихимизни яратиш борасида олиб борилган тадқиқотлар туфайли совет даври мафкурасига асосланган беш босқичли формацион даврлаштириш инкор этилди. Қадимги тарихни даврлаштириш масаласида тарихий-маданий тараққиётнинг ижтимоий-иқтисодий омилларига асосий эътиборни қаратиш ғоялари пайдо бўлди. Хусусан, А. Сагдуллаевнинг фикрича, Ўрта Осиё тарихининг энг қадимги даври бир неча юз минг йилларни ўз ичига олади. Европа ва Осиё ҳудудларида тарихий ва маданий жараёнлар ривожланишининг нотекислиги, айниқса, турли даврларда моддий маданиятдаги ўзгаришларнинг бир-бирига мос келмаслиги туфайли, айрим ҳудудларга тегишли тарихий сана ва даврлаштириш бир-биридан фарқланади.

А.Асқаровнинг фикрича, Ўзбекистон тарихи жаҳон тарихининг таркибий қисмидир. Бу заминда юз берган тарихий жараёнларни жаҳон тарихидан ажратиб ўрганиш мумкин эмас. Улар ўртасидаги

ўзаро боғлиқлик жамият тараққиёти қонуниятларининг маҳсулидир. Ҳар бир халқ ер куррасининг қайси минтақасида яшамасин, тараққиётнинг барча босқичларини у ёки бу даражада босиб ўтиши шарт. Аммо жамият ривожланиши ҳамма ерда бирдай кечмаган. Жамиятнинг нотекис ривожланиш қонунияти эса қадимги замонларда кўпроқ минтақанинг табиий-географик ва экологик имкониятларига боғлиқ бўлган. Жамият ҳаётида юз берадиган туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, Ўрта Осиё тарихининг ривожланиш даражаси ва ана шу минтақа тарихи тақозо этган ҳолатдан келиб чиқиб, Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихини даврлаштириш мумкин. Тадқиқотчи қиёсий таҳлиллар ҳамда тарихий жараёнларни объектив акс эттирувчи омилларга асосланиб, Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даврдан бугунгача бўлган даврини еттита катта хронологик даврга бўлади.[3] Аммо олимнинг бу даврлаштириши бироз ихчамлаштиришни талаб этади.

Бизга қадар олиб борилган тадқиқотларнинг қиёсий таҳлиллари ҳамда мавжуд адабиётларни ўрганиш асосида Ўзбекистон тарихини даврлаштириш қуйидаги кўринишда таклиф этилади:

1. **Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даври.** Бу даврни, ўз навбатида, қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин: а)Ўрта Осиёда ибтидоий тўда даври – бу давр моддий маданият тараққиётига қараб хронологик жиҳатдан 1 млн. – 40 минг йил аввал яъни, илк ва ўрта палеолит даврларини ўз ичига олади; б) уруғчилик жамоаси даври – сўнгги палеолитдан бошлаб уруғчилик жамоаларининг шаклланиши ва мезолит, неолит, энеолит даврларида уларнинг тараққий этиши (12–4 м.й.). Бу давр ижтимоий бошқарувнинг вужудга келиши ва ривожланиши билан изоҳланади.

2. **Илк давлатчиликка ўтиш ва давлатчиликнинг ривожланиши даври.** Ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт нуқтаи назаридан бу давр қуйидаги босқичларга бўлинади: а) Ўрта Осиёда илк шаҳар маданиятининг пайдо бўлиши ҳамда дастлабки давлатчилик тизимига ўтиш даври (мил. авв. III – II минг йилликнинг биринчи ярми); б) илк давлатларнинг пайдо бўлиши ҳамда маъмурий-ҳуду-

---

[3] Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: Университет, 2007. – Б.15-23.

дий бошқарувининг ривожланиш босқичлари (мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми – антик даври). Бу давр даставвал бронза, кейинроқ эса темирнинг хўжалик соҳаларига жадаллик билан кириб келиши натижасида меҳнатнинг дастлабки ижтимоий тақсимоти, ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёти, сиёсий бирлашмалар, Қадимги Бақтрия ва Хоразм кабиларнинг пайдо бўлиши, Ўрта Осиёнинг Аҳамонийлар, Македониялик Александр, Салавкийлар каби полиэтник давлатлар таркибида ривожланиши, халқаро ва ўзаро маданий-иқтисодий алоқаларнинг тараққий этиши билан изоҳланади.

3. **Ўзбекистон тарихининг ўрта асрлар даври.** Бу давр, ўз навбатида, қуйидаги босқичларга бўлинади: а) илк ўрта асрлар; б) ривожланган ўрта асрлар; в) сўнгги ўрта асрлар босқичи. Хронологик жиҳатдан V асрдан XVIII –XIX асрнинг ўрталаригача бўлган даврни ўз ичига олган бу даврнинг биринчи босқичида Ўрта Осиёда ер эгалиги муносабатлари ўзгариб, мулкчиликнинг турли шакллари (хусусий мулк, жамоа мулки, вағнзе) пайдо бўлди, этномаданий жараёнлар жадалланиб, маҳаллий ҳокимиятчилик давлат тизимининг асосига айланади. Иккинчи босқичда марказлашган давлатчилик анъаналари кучайиб, Ўрта Осиёда ислом дини кенг ёйилади, илм-фан ва маданият юқори даражада ривожланиб, бу соҳада уйғониш юз берди, этник жиҳатдан халқларнинг шаклланиши ниҳоясига етди, ер эгалиги ва мулкчиликнинг турли кўринишлари мавжуд бўлди. Учинчи босқичда (XVII асрдан бошлаб) ҳокимият учун ўзаро курашлар авж олиб, Ўрта Осиё ҳудудлари хонликларга бўлиниб кетди.

4. **Ўзбекистонда чоризм мустамлакачилиги ва советлар ҳукмронлиги даври.** Хронологик жиҳатдан XIX асрнинг ўрталаридан 1991 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган бу давр мустамлакачилик даври ва совет даври босқичларига бўлинади. Биринчи босқичда чоризм босқинчилиги туфайли Ўрта Осиё Россиянинг хом ашё базасига айланиб, бу ҳудудларга рус капитали жадаллик билан кириб келди, маҳаллий ишлаб чиқариш ва ҳунармандчиликка путур етди, миллий-маданий қадриятларга эътибор берилмади, натижада миллий озодлик ҳаракатлари авж олиб, жадид намояндалари рахнамолигида миллий маърифпарварлик ғоялари ёйилди. Иккинчи босқичда даставвал миллий мустақиллик учун қуролли ва ғоявий курашлар авж олган бўлса-да, улар беаёв бостирилиб, жамият тараққиёти коммунистик мафкурага бўйсундирилди, мулкчиликда давлат монополияси устун-

лик қилди, «ўз тақдирини ўзи белгилайдиган халқлар» ва совет республикалари амалда «марказ» манфаатларига бўйсундирилди.

5. **Ўзбекистоннинг мустақиллик ва миллий истиқлол даври**. Республика Президенти Ислом Каримов мустақиллик даврида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилган улкан ўзгаришларни, республика аҳолисининг серғайрат ва фидокорона меҳнати туфайли қўлга киритилган катта ютуқ ва натижаларни, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ҳисобга олиб, мустақил тараққиёт икки босқичга бўлинишини илмий-назарий жиҳатдан асослаб берди. Биринчи босқич 1991–2000 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда мустақилликнинг мустаҳкам пойдевори бунёд этилиб, «ўзбек модели» асосида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт сари йўл тутилди, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинди, миллий истиқлол мафкураси жамият ҳаётига кенг кириб борди.

2001–2007 йилларни ўз ичига олган иккинчи босқич, И.Каримов таъбири билан айтганда, «фан демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври эса иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлашда ғоят муҳим роль ўйнаган давр бўлди». 2007 йилдан кейинги давр эса давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд ҳуқуқи ва ахборот соҳаларини ислоҳ қилиш, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш, фуқаролик институтларини ривожлантириш, бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш даври бўлиб қолди.


Таъкидлаш лозимки, таклиф этилаётган ушбу даврлаштириш бу мавзуни якунламайди. Тарих фанини ўқитиш борасида долзарб бўлиб турган даврлаштириш масалалари ҳали жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўлиши табиийдир. Аммо бу йўналишда аниқ концепция ишлаб чиқилиб, ўқув жараёнига жорий этилиши давр талабидир.

4. Ўзбекистон тарихини ўрганишда манбалар ва ёрдамчи фанлар

Ўзбекистон тарихи фани ва тарихни ўрганишда манбаларнинг ўрни ва аҳамияти беҳад катта. Шунинг учун ҳам улар миллат ва халқнинг маънавий-маданий мероси, бебаҳо маданий-тарихий бойлиги

ҳисобланиб, махсус ҳужжатхона (архив)ларда, кутубхона ва музейларда ҳамда оилавий архивларда жуда авайлаб, эҳтиёткорлик билан сақланмоқда. Бинобарин, айнан тарихий манба ва ёдгорликлар орқалигина тарихни ёритиш – тарихий маълумотларни, далилларни олиш, уларни қиёсий солиштириш ва тарихий умумлаштириш, бўлиб ўтган тарихий-маданий жараёнлар ҳамда воқеа-ҳодисаларнинг сабаблари ва оқибатларини, мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш, таҳлиллар асосида эса илмий асосланган хулосалар бериш имкониятлари кенгаяди. Оддийроқ қилиб айтганда, маълум манбалар ва уларни умумлаштирмасдан туриб ҳаққоний тарихни яратиш мумкин эмас.

Археологик ёдгорликлар ва моддий манбалар турлари



Тарихий манбалар давр нуқтаи назаридан қадимий ва жорий (кундалик) аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, улар ўз мазмуни ва моҳиятига кўра бирламчи ва иккиламчи аҳамият мақомига ҳам эгадирлар. Бирламчи манбага тарихий ҳужжатларнинг асл нусхаси киради. Иккиламчи манба деб эса бирламчи манбаларнинг эълон қилинган нусхалари, мақола ва китоб ҳолатига келтирилганларига айтилади.

Тарихий манбаларга қадимдан қолган барча нарсалар, яъни инсоният қўли ва ақл-заковати билан яратилган барча моддий маданият буюмлари ва ашёлар, иншоотлар, ёзма ёдгорликлар, урф-одатлар, анъаналар, тиллар кабилар киради. Замонавий адабиётларда Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг манбалари шартли равишда қуйидаги олтита гуруҳга бўлинади:

1. Ёзма манбалар – эпиграфик ёдгорликлар, яъни тош, металл, суяк ва сополга битилган битиклар, «Авесто», қадимги ва ўрта асрлар муаллифларининг хабарлари, граффитлар, яъни қўл билан бинолар, металл буюмлар, идишларда қолдирилган излар, папирус, пергамент ва қоғозлардаги қўлёзмалар, чоп этилган материаллар.

2. Моддий ёки археологик манбалар – археологик тадқиқотлар натижасида ўрганиладиган меҳнат ва жанговар қуроллар, ҳунармандчилик буюмлари, идишлар, уй-рўзғор буюмлари, кийимлар, чорвачилик анжомлари, тангалар, санъат буюмлари, меъморчилик, мудофаа иншоотлари, уй-жой қолдиқлари кабилардир. Моддий манбалар ёзувсиз замонлардаги тарихимизни тиклаш учун улкан аҳамият касб этади.

3. Этнографик маълумотлар – энг қадимги даврдан бошлаб сўнгги ўрта асрларга қадар одамларнинг яшаш тарзи ва турмуши, урф-одатлари ва анъаналари, байрамлар ва диний эътиқодлар, хўжалик юритиш удумлари, маълум қабилалар, элатлар ва этник гуруҳларга хос бўлган анъаналар ҳақида қимматли маълумотлар беради.

4. Лингвистик маълумотлар – қадимги тилларнинг ёзма, бадиий ва оғзаки нутқда акс этиши, турли халқлар тили ва лаҳжасидаги ўхшашликларнинг тарихий илдизлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Ушбу маълумотлар халқлар ва элатларнинг этник келиб чиқиши ҳамда машғулотлари, миграцион жараёнлар, диний эътиқодлар, маданият, турмуш тарзини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

5. **Кинофотоҳужжатлар** – нисбатан янги воқеа-ҳодисалар ва маълум шахслар бўйича илгари сурилган фикрларнинг тасдиғи ҳисобланади.

6. **Архив материаллари** – XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб бугунга қадар ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий жараёнларни ўрганишда марказий ва жорий архивларда сақланаётган маълумотлар жуда муҳим аҳамият касб этади.

Тарихий манбаларни ўрганиш, яъни манбашунослик – тарих фанининг махсус соҳаси бўлиб, тарих фани ривожланиши ва тарих ёзилишида ўта муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда манбашунослик фани кенг ривожланмоқда. У юқорида кўрсатилган методологик илмий-назарий, ғоявий-мафкуравий асос ва илмий усулларга таянади.

Манбашунослик фани асосан тарихий манбаларни ўрганиш билан машғул бўлиб, манбаларнинг қимматини, ҳақиқий ва ҳақиқий эмаслигини аниқлаш билан бирга, уларни туркумларга ажратади. Масалан, моддий ва маънавий ёдгорликлар ҳамда ашёвий – этнографик, лингвистик ва оғзаки (фолклор) манбалар шулар жумласидандир. Манбашунослик манбаларни аниқлаш ва саралаш, уларнинг илмий қимматини белгилаш, таҳлил қилиш, яратилиш тарихи, шарт-шароитини ўрганиш каби соҳаларга бўлинади.

Хулоса шуки, манбалар тарихий жараён ва воқеликларни ўзида реал акс эттирган бўлиб, тарихийликнинг инъикоси бўлмоғи керак. Мана шунда уларнинг тарихий аҳамияти юқори бўлиб, тарихий ҳақиқатнинг юзага чиқишига яқиндан ёрдам беради.

Маълумки, тарихни халқ яратади. Минглаб йиллар давомида яратилган ушбу тарихни ўқитиш ва ўрганишда ёрдамчи фанларнинг аҳамияти беқиёсдир. Чунончи, археология, этнография, антропология, нумизматика, лингвистика, тарихшунослик, атамашунослик, социология, тарихий демография, тарихий география, геополитика, фалсафа, ўлкашунослик, картография, иқтисод, маданиятшунослик, диншунослик каби йўналишлар ёрдамчи фанлар жумласидандир. Лекин Ўзбекистон тарихини яратишда бир қатор ёрдамчи фанлар маълумотлари олимлар эътиборидан четда қолмоқда.

Масалан, мавжуд ўқув қўлланмалари ва дарсликларнинг аксариятида ёритилаётган мавзунинг **тарихшунослиги** берилмайди. Мутахассис талабалар учун яратилаётган дарсликларда қисқача, экскурсия тарзида маълум давр, мавзу ва муаммо бўйича тарихшунослик

ёритиб берилса, келажакда тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин бўлган иқтидорли ёшларимиз учун фойдадан ҳоли бўлмайди. Шунингдек, тарихшуносликдан бохабар бўлиш – ёш олимларнинг истиқболли ва долзарб мавзуларни танлашлари учун катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон тарихи бўйича янги авлод ўқув адабиётларини яратишда эътибор берилиши лозим бўлган муҳим масалалардан яна бири – **тарихий демография** масалаларидир. Бу йўналишда маълумотлар кўп. Чунки илгариги даврларда бўлгани каби бугунги кунда ҳам мамлакатимизда аҳоли билан боғлиқ бўлган муаммолар нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳам муҳим тадқиқот объектига айланган. Бинобарин, мутахассисларнинг эътироф этишларича, жамият тараққиётининг турли даврларига оид аҳоли сонининг ўсиши ёки камайиши, уларнинг сабаблари ва омиллари, табиий шароит туфайли бўлиб ўтган миграция жараёнлари ёки мустамлака ва совет давридаги кўчиришлар туфайли ҳудудлардаги этник ҳолатларнинг ўзгариши масалалари талабалар ўрганиши ва билиши лозим бўлган мавзулар сарасига киради.

«Ўзбекистон тарихи» фани бўйича ўқув адабиётлари яратишда **тарихий география** ва **топонимика** масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Мактаб ва ўрта махсус таълим учун яратилган айрим дарсликларда хариталар берилган бўлса-да, олий таълим адабиётларида бу нарса деярли йўқ ҳисоби. Тарихий география ва топонимика билан боғлиқ бўлган тоғлар, дарёлар, кўллар, дашт ҳудудлари, текисликлар, воҳа ва водийлар, қадимги маконларнинг жойлашуви, ҳудудларнинг чегаралари, жой номлари ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти, келиб чиқиши каби кўплаб масалалар бўйича маълумотлар олиш талабалар билимининг янада чуқурлашувига кенг имкониятлар яратади.

Шунингдек, географик номларнинг маълум халқлар ва элатлар яшайдиган ҳудудларда пайдо бўлганлиги, бу жараён табиий-географик шарт-шароит, хўжалик шакли, турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналар билан боғлиқ бўлганлиги боис, соҳа мутахассислари тор йўналишли тадқиқотларда тарихий географияни ва топонимикани четлаб ўтолмайдилар.

Олимларнинг эътибор беришлари лозим бўлган яна бир муҳим жиҳат – **маданий мерос** масаласидир. Чунки ўз тарихини чуқур анг-

лаган, ўрганган ва билган халқ ёки миллат ҳеч қачон ўзлигини йўқотмаслиги барчага аён. Шунингдек, сўнгги йилларда халқимизнинг ўз юрти маданияти, қадриятлари ва маданий меросига бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Айнан шунинг учун ҳам маданий меросни тарғиб этиш ёшларимизда тарихий онгнинг ривожланишига, ўз аждодларининг қандай буюк шахслар бўлганлигини, маҳаллий маданиятнинг жаҳон цивилизацияда тутган ўрнини англаб етишларида муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш лозимки, маданий тараққиёт натижаси бўлган цивилизация ўчоғларининг пайдо бўлиши тасодифий ҳол бўлмасдан, маълум ҳудудлар учун хос бўлган қонуниятлар асосида юз берган воқеликдир. Маданий минтақаларнинг шаклланишида ландшафт, хўжалик юритиш усуллари, аҳоли нуфузи, этник-маданий омиллар, эҳтиёжлар хилма-хиллиги, маънавий омиллар (дин, ахлоқ, тил, анъаналар, урф-одатлар) иштирок этади ва улар турли маданий минтақаларда чуқур из қолдиради. Чунончи, цивилизацион тараққиёт – ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг хилма-хиллиги, ривожланиш даражаси, ўзаро алоқалар ва муносабатлар ҳамда ижтимоий-сиёсий вазиятга бевосита боғлиқдир. Ушбу жараёнларни билиш ва ҳис этиш формацион ёндашувлардан воз кечилган бугунги кунда талабаларимиз учун жуда муҳим масала ҳисобланади.

5. Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг аҳамияти

Тараққий этган миллатларнинг ўз тарихини яхши билиши ва қадрлаши, тарихий ёдгорлик ва обидаларини эъзозлаши, кўз қорачиғидек асрашининг кўпгина сабаблари бор. Бу энг аввало, тарих инсоният пайдо бўлганидан то ҳозиргача давом этиб келаётган ижтимоий жараён ойнаси эканлиги билан боғлиқдир. Иккинчидан эса бутун инсоният шу тарихга қараб, ўз ўтмиши ва борлигини англайди, келажак режаларини белгилайди. Тарих буюк файласуф ва донишмандир. Унинг мана шу доно фалсафасини тўғри англагандагина халқлар ўз келажаги учун мустаҳкам пойдевор яратади.

Насроний (христиан)лик фалсафаси асосчиси А.Августиан (354–430 йй.) ҳозирги эрамиз бошидаёқ, яъни бундан бир минг олти юз йил олдин тарихнинг халқ ва миллатнинг тақдирида тутажак ўрнини кўрсатиб шундай деган эди: «Ғафлатда ётган халқни уйғотиш учун аввало, унинг тарихини уйғот». XII асрнинг буюк алломаси

Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий ҳам бу фикрни ўзининг қуйидаги содда кўринган тўртлигида янада теран маънода мана бундай баён этади:

Кимки тутмас қалбида тарихини,
У инсон ҳам эмас, олим ҳам эмас.
Бироқ кимки уқса ўтмишини,
Кўп бойитар ўз турмушини.

XXI асрга ривожланишнинг замонавий тараққиёт йўли билан кириб келган, бой маданияти ва бебаҳо маънавиятига эга бўлган ўзбек халқи ўзининг минг йилликлар қаърига кириб борган тарихий ўтмиши билан алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида бўлиб ўтган тарихий-маданий жараёнлар, ижтимоий-иқтисодий юксалишлар, турли даврларда халқ фаровонлиги ва тараққиётини кўзлаб ўтказилган кўплаб испоҳотлар, шунингдек, юксалиш ва инқироз ҳолатлари, чет эл босқинчиларига қарши озодлик курашлари юртимизнинг серқирра ва ранг - баранг тарихидан далолат беради. Шу боис ҳам бу тарих энг қадимги даврдан бошлаб кўп минг йиллар давомида аждодларимиз ва халқимиз тарихи сифатида нафақат ўзбекистонлик, балки хориж олимлари томонидан ҳам тан олиниб ўрганилди, тадқиқ этилди ва айни пайтда ҳам шу йўналишдаги илмий тадқиқотлар изчиллик билан давом этмоқда.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгач, мустабид совет давридаги тарихга муносабатдан фарқ қилган ҳолда, ўтмиш тарихига муносабат тубдан ўзгарди. Ҳаққоний тарихни тадқиқ этиш бошланиб, аввало, тарихни даврлаштиришдаги беш формацияли ноилмий «изм»лардан воз кечилди. Зеро, тарих ижтимоий-иқтисодий формациялар алмашинуви бўлмасдан, балки бир-бирини алмаштириб ва тўлдириб турувчи, маълум халқлар ва элатлар, этник гуруҳлар томонидан яратилган цивилизациялар ҳосиласи ҳамда занжири эканлиги республика олимлари томонидан якдиллик билан эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг жамият ижтимоий ҳаётида тарихнинг беқиёс аҳамияти ҳақидаги, тарихчи олимларимизни асл манбалар ва далилларга асосланган тарихимизни яратиш борасида илгари сурган «Тарихий хотирасиз келажак йўқ»,

«Тарих – миллат кўзгуси», «Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон», «Халқимизни тарих билан қуроллантириш зарур», «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади» каби кўплаб асосли ва катта аҳамиятга молик ғоялари республика тарихчи олимларини янгидан-янги илмий тадқиқотларга даъват этаётганлигини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Зеро, Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Миллий мафкурани шакллантиришдаги энг катта манба – бу ҳаққоний ёритилган тарихдир. Тарихни билмай туриб, мафкуранинг фалсафий негизларини англаб бўлмайди».

Тарихнинг яратувчиси ва ижодкори халқдир. Бўлиб ўтган тарихий-маданий жараёнлар, воқеа ва ҳодисалар, ислоҳотларни халқсиз ва тарихий шахсларсиз тасаввур этиш асло мумкин эмас. Тарих – халқнинг фикр ҳамда тафаккурининг ҳосиласидир. Айнан шунинг учун ҳам тарих – ибрат мактаби бўлиб, ўтмишда йўл қўйилган нуқсонларни англаш ва улардан тегишли сабоқ чиқариш, ҳушёрлик ва огоҳликка, бузғунчи ғояларга қарши туришга ундовчи, миллий бирлик, ҳамкорлик ва бағрикенгликка чақирувчи беқиёс аҳамиятли мактабдир. Шундан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, қадим ўтмиш билан бугунги куннинг, ўтмиш аждодларимиз билан бугунги авлодларимиз ўртасидаги боғлиқликни унутмасдан янада мустаҳкамлаш миллий тараққиётнинг асосий кафолати ҳисобланади. Бундай боғланишда эса тарих асосий кўприк вазифасини бажаради.

Ҳаққоний ёзилган Ватан тарихини ўрганиш ва ўқитиш шунинг учун ҳам керакки, у сохта тарихий тушунча ва тарихий хотирасизликка барҳам беради, миллий ғоя ва мафкура такомиллашувини тезлаштиради. Ватан тарихини ўқитиш ва ўрганиш яна шунинг учун ҳам зарурки, халқимиз ундан руҳий қувват олиб, душманга бош эгмаслик, қайта мустамлака қопқонига тушмаслик, бошқаларга бўйсунмаслик, бегона ғоя ва мафкура ҳамда зуғумлар таъсирига берилмаслик маънавиятига эга бўлади. Тарихни мукаммал билиш, унинг мазмун ва моҳияти, фалсафасини теран англаш миллат учун юксак фазилат ҳисобланади.

Ўзбекистон тарихи фани олдида турган асосий вазифа қуйидагилардан иборатдир: биринчидан, ёшларга ва бўлажак мутахассис кадрларга чуқур миллий ва умуминсоний тарихий, ғоявий-сиёсий, илмий-назарий дунёқарашни сингдириш; иккинчидан, ёшларда миллий тафаккур, ғурур ва ўзликни, миллий виждон ва умуминсоний барка-

молликни тарбиялаш; учинчидан, ёшларда оташин ватанпарварлик ва миллий жасоратни, миллат ва Ватанга садоқатликни ривожлантириш; тўртинчидан, ёшларга миллий ва тарихий қадриятларни эъзозлаш, асраб-авайлаш руҳини сингдириш, уларда юксак ахлоқий фазилатлар (ҳалоллик, поклик, одиллик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, камтаринлик, имон ва эътиқодлик)ни тарбиялаш; бешинчидан, ёшларни Ватан ва халқ, миллат, ота-она, фарзанд, табиат ва жамият олдидаги муқаддас бурчларни чуқур ҳис этиш ва уларни садоқатлик руҳида камол топтириш.

Ўзбекистон тарихи фани юқорида таъкидлаб ўтилган ва булардан бошқа ўзининг хилма-хил имкониятларидан келиб чиқиб, комил инсонни тарбиялашга беҳад катта ҳисса қўшади. Ватан тарихининг давлат бошқаруви ва қурилишида, жамият ва инсоният тараққиётида, миллат ва халқ ҳаётида тутган ўрни ҳамда аҳамияти бениҳоя катта эканлиги қадим-қадимдан эътироф этиб келинмоқда. Бунга тарихимизнинг ўзи гувоҳ. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тарихнинг бу ажойиб хислати ва тарбиявий аҳамияти, куч-қудратини барчамиз теран ҳис этишимиз ва англаб етмоғимиз лозимдир.

Таянч сўзлар

Фаннинг предмети ва объекти, ўқув жараёни, ижтимоий фанлар, инсон омили, миллат ўтмиши, тарихий макон, воқеа-ҳодисалар, боғлиқ фанлар, соҳа тарихи, инсон ва табиат, миллат тарихи, тарих фалсафаси, ўтмиш тажрибаси, менталитет, фан методологияси, илмий-назарий асослар, усуллар, тамойиллар, ижтимоий зарурият, назария, ўрганиш эволюцияси, фан тамойиллари, цивилизацион ёндошув, методологиянинг тамойиллари, даврлаштириш, тарихий манбалар, ёзма манбалар, моддий манбалар, этнографик маълумотлар, лингвистик маълумотлар, кино-фото ҳужжатлар, архив манбалари, ёрдамчи фанлар, манбашунослик, тарихий география, тарихий демография, топонимика, маданий мерос, фаннинг аҳамияти ва вазифалари.

Савол ва топшириқлар

1. Ўзбекистон тарихи фанининг фан сифатида тутган ўрнига баҳо беринг.
2. Ўзбекистон тарихи фанининг предмети ва объекти ҳақида маълумот беринг.

3. Ўзбекистон тарихи фанининг усуллари ва тамойиллари ҳақида нималарни биласиз?

4. Ўзбекистон тарихини даврлаштиришда нималарга асосий эътибор бериш лозим?

5. Ўзбекистон тарихи фанининг методологияси деганда нимани тушунасиз?

6. Ўзбекистон тарихини ўрганишдаги манбалар ҳақида маълумот беринг.

7. Ўзбекистон тарихини ўрганишда ёрдамчи фанлар ҳақида қандай фикр билдирасиз?

8. Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг аҳамияти тўғрисида гапириб беринг.

1-мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Тошкент: O‘zbekiston, 2007.

2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998.

3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.

4. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: Университет, 2007. – Б.15-23.

5. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. – Тошкент: Университет, 2004. – Б.18-21.

6. Тошпўлатов Т., Ғаффоров Я. Тарих ўқитиш методикаси. – Тошкент: Турон-Иқбол, 2010.

7. Расулов А., Исоқбоев А. Тарих фанининг илмий тадқиқот асослари ва услубиёти. – Наманган: 2008.

8. Эшов Б. Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масалалари. // Ўзбекистон тарихи фанидаги инновациялар. – Тошкент: Ношир, 2012. –Б.278-385.

9. Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. 1-мавзу.

I. ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИНГ ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВРИ

2-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН – ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

Режа:

1. Ўзбекистон цивилизацияси ҳақида қисқача маълумот.
2. Инсониятнинг дастлабки аждодлари. Антропогенез жараёни.
3. Энг қадимги даврни даврлаштириш. Палеолит даври.
4. Мил.авв. XII-IV минг йилликларда Ўрта Осиё.
5. Ибтидоий тасвирий санъат. Бронза даври ютуқлари. Ёзув ҳақида янги маълумотлар.
6. Ўзбекистон ҳудудларида илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши жараёнлари.
7. «Авесто» – Ўзбекистон тарихини ўрганишдаги муҳим манба ва маънавий мерос.

1. Ўзбекистон цивилизацияси ҳақида қисқача маълумот

Ўзбекистон – инсоният тараққиёти ўчоқларидан бири, жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми эканлиги олимлар томонидан эътироф этилган. Дастлабки цивилизациялар, уларнинг пайдо бўлиши ва тараққий этиши, цивилизациянинг илмий-назарий таҳлили, цивилизацияларга тарихий-фалсафий ёндашув, умуман Шарқ ва Ғарб цивилизацияларининг қиёсий таҳлили тарихшунослигига назар ташлайдиган бўлсак, бу йўналишда А.Тойнби, О.Шпенглер, К.Ясперс, И.М.Дьяконов, В.Массон, А.Васильев, М.Барг, М.Альбедил, А.Коптев, Ю.Яковец каби олимлар тадқиқот ишлари олиб борганлар. Сўнгги йилларда А.Асқаров, Р.Сулаймонов, Э.Ртвеладзе, А.Сагдуллаев, Ў.Мавлонов, Т.Ширинов, Ш.Шайдуллаев, Б.Эшовларнинг тарихий тадқиқотларида «Турон цивилизацияси», «Ўрта Осиё цивилизацияси», «Ўзбекистон цивилизацияси» кабилар қиёсий таҳлиллар асосида эътироф этилган.

Дунё тарихидаги турли ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ва табиий шароитлардан келиб чиқиб, турли даврларда ўзига хос цивилизациялар тараққий этганлигини кузатиш мумкин. Ўзбекистон ҳудудларида ҳам цивилизация жараёнлари ўзига хос йўналишда та-

раққий этиб борган бўлса-да, бу йўналишдаги ўзаро таъсир инкор этилмайди. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганидек, «тарихимиз каби, қадимги маданиятнинг яратилишида ҳам кўплаб этник гуруҳлар, элэлатлар ўз улушини қўшган. Бу табиий ҳол, чунки ҳеч қачон, ҳеч қаерда фақат битта миллатга мансуб маданият бўлмайди. Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир».

«Цивилизация» – лотинча сўз бўлиб («civilis»), айнан таржимаси «гражданлар», «жамиятнинг эркин, озод аъзоларидан ташкил топган тузум, давлатчилик» деган маънони англатади. Ижтимоий фанларда цивилизация тушунчаси асосан маданият ва маданий тараққиётнинг барча қирраларини ифодаловчи тушунча сифатидаги мазмун касб этади. Ушбу мазмунни қисқача таърифлайдиган бўлсак, цивилизация тушунчаси – муайян ҳудудларда яшайдиган одамларнинг турмуш тарзи ва хўжалик юритиш фаолияти, ушбу одамлар ҳамда ҳудудлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, маълум даврларда яратилган маънавий ва моддий маданият, жамиятнинг тараққий этиш жараёнида одамларнинг ижодий имкониятлари ва қобилиятининг самарасини англатади. Шу нуқтаи назардан ҳам цивилизация инсоният тараққиётининг асосий мезони сифатида талқин этилади. Бинобарин, Ўзбекистон ҳудудларида тараққий этган цивилизация ҳам жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Дунёнинг турли бурчакларида яшайдиган халқларнинг тарихнинг турли даврларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларда эришган ютуқлари ҳамда тараққиёт босқичига кўтарилишини цивилизация тушунчаси ўзида акс эттиради. Бу тараққиёт босқичи инсониятнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, жамиятнинг ривожланиш даражаси, моддий ва маънавий маданиятнинг юксалиши, қабилалар ва халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар билан изоҳланади.

Сўнгги йилларда Ўрта Осиё ва унга қўшни ҳудудларда олиб борилган кўплаб тарихий-археологик тадқиқотлар бу минтақа қадимги Шарқ цивилизациясининг шаклланиши ва ривожланишида ўзига хос ўрин тутганлигини асослаб берувчи кўплаб маълумотлар – ашёвий далилларни юзага чиқарди. Уларнинг натижаси ўлароқ, юқорида эслатганимиздек, «Ўрта Осиё цивилизацияси», «Турон цивилизацияси», «Ўзбекистон цивилизацияси» каби атамалар илмий тадқиқотлар ва нашрларда кенг ишлатила бошланди.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларининг улкан Евроосиё минтақаси марказида, муҳим савдо-маданий йўллар кесишган чорраҳасида жойлашганлиги тарихан белгиланган бўлиб, бу ҳолат мамлакатимизни кишилик тарихининг илк босқичларидаёқ Шарқ ва Ғарб дунёси ўзаро мулоқотга киришадиган жой сифатидаги аҳамиятини белгилаб берди. Шунинг учун ҳам тарих фанининг ҳозирги тараққиёт босқичида Ватанимиз тарихини жаҳон цивилизациясининг ажралмас муҳим таркибий қисми сифатида ўрганиш талабалар учун ўта аҳамиятли ҳисобланади.

Ўқувчилар шунга алоҳида эътибор беришлари лозимки, Ўрта Осиё цивилизацияси турли ҳудудларда турли даврларда шаклланди ва ривожланди. Мисол учун, минтақанинг жанубий ҳудудларида яшаган қадимги қабилалар мил.авв. VI минг йилликдаёқ деҳқончиликка ўтиб, унумдор хўжаликни ривожлантирган бўлсалар, бу даврда шимолий ҳудудлардаги қабилалар асосан овчилик, балиқчилик ва чорвачиликнинг илк шакллари билан шуғулланганлар. Бу нотекислик жараёнини табиий-географик шароитлар ва ўзаро алоқалар билан изоҳлаш мумкин. Бу ўринда, Ўрта Осиёнинг чўл ва дашт ҳудудларидаги ҳамда дарё воҳалари ҳудудларининг ривожланиш даражасидаги маданий нотекисликни қиёсий таққослаб кўриш (Копетдоғ, Ҳисор, Зарафшон тоғ олди ҳудудлари ҳамда Қизилқум, Қашқадарё ва Зарафшон воҳасининг дашт ҳудудлари) муҳимдир.

Ундан ташқари, Ўрта Осиёда турли-туман маданият яратган қадимги аҳолининг неолит давридаёқ, яъни мил.авв.VI–IV минг йилликлардаги ўзаро муносабатлари ва бу аҳолининг Шарқдаги, даставвал Олд Осиёдаги бошқа қадимги цивилизация ўчоғлари билан узвий алоқада бўлиши ҳам маҳаллий цивилизациянинг ривожланишига катта таъсир кўрсатган.

Талабалар яна шунга эътибор беришлари лозимки, Ўзбекистон цивилизациясининг шаклланиши ва босқичма-босқич ривожланиб боришида минтақавий ва трансминтақавий иқтисодий-маданий алоқалар тизими жараёни асосий ўрин эгаллайди. Чунончи, маҳаллий цивилизациянинг шаклланиши ва ривожланиши мураккаб тарихий жараён бўлиб, у иқтисодий ва ишлаб чиқарувчи хўжалик турларининг пайдо бўлиши, ёйилиши ва эволюцияси, илк бошқарув шаклларининг пайдо бўлиши ва тараққиёти, қадимги аҳоли жойлашуви, миграцияси ҳамда этногенез жараёнлари, давлатчилик, урбанизация

ва шаҳар маданияти ривожи, ўзаро маҳсулот алмашуви, савдо-сотиқнинг вужудга келиши ва тараққий этиши, илк улов ва транспорт воситаларидан фойдаланишига ўтилиши каби кўплаб ижтимоий-сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ҳамда маданий жараёнлар билан бевосита боғлиқ ҳолда кечган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, узоқ асрлар давомида халқаро савдо ва алоқа йўллари чорраҳасида жойлашган, ҳунармандчиликда, деҳкончиликда ва савдо-сотиқда қадим анъаналарга эга бўлган Ўзбекистон ва умуман, Ўрта Осиёда ўтган аср ва асримиз бошларида олиб борилган тадқиқотлар маҳаллий цивилизациялар тараққиёти масалаларига кўплаб аниқликлар киритиш имконини берди. Хусусан, тадқиқотлар натижасида топилган кўпдан-кўп моддий маданият буюмлари Ўрта Осиё халқлари илк ёзма манбалар – Оссурия ҳужжатлари, Авесто, аҳомонийлар подшоларининг миххат ёзувлари, қадимги Юнон, Рим, Хитой тарихчи ҳамда географларининг асарларида тилга олинишидан анча илгари даврлардаёқ ривожланган маданият яратганликларидан далолат беради. Бу эса замонавий талабалар билиши муҳим бўлган ҳолатдир.

Замонавий адабиётларда цивилизация тараққиёти шартли равишда икки даврга бўлинади. **Биринчи давр** – бу дастлабки деҳқончилик ўчоқларида ёки уларга яқин жойларда вужудга келган бирламчи цивилизациялар – қадимги Миср, Месопотамия, Ҳинд, Хитой, Месоамерика, Анд цивизацияларидир. Цивилизацияларнинг ўзини ўраб турган олам билан алоқалари уларнинг ютуқларини қўшни ҳудудларга тарқатиш учун шарт-шароитлар яратиши натижасида иккиламчи цивилизациялар – Сурия, Бактрия, Марғиёна, Анатолия, Миной, Крит-Микен, Япон ва бошқа цивилизациялар пайдо бўлган. Уларнинг маданияти бирламчи цивилизациялар маданиятига ўхшаш бўлиши билан бирга, қайсидир жиҳатлари билан фарқланади. Айрим ҳолатларда бу жараён ўзини вужудга келтирган цивилизациядан ажралиб, мустақил цивилизацияга айланишга имконият яратганки, антик давр цивилизацияси бунга мисол бўлиши мумкин.

Иккинчи давр. Иккиламчи цивилизациялар муттасил кенгайишга интилиб, ўз атрофида жуда кўп аҳолини, баъзан бир нечта маҳаллий цивилизацияларни бирлаштирган. Натижада, жамият динлари шаклидаги мафкура пайдо бўлган. Шу тариқа цивилизацияларнинг тараққиётида иккинчи давр бошланади. Бу жараён Ўрта Осиёда мил.

авв. VIII–VI асрлар давомида, Ҳиндистонда мил.авв. VI–III асрларда, Хитойда мил.авв. III–II асрларда, Европада милодга яқин даврларда, Жанубий Америкада XV асрда пишиб етилган эди.

Хуллас, бирламчи ёки иккиламчи бўлишидан қатъи назар, цивилизация – бу деҳқончилик билан шуғулланувчи, шаҳарлар барпо этувчи, ўз ёзувига эга ва маълум қадриятлар билан бирлаштирилган ижтимоий организмларнинг муайян тарихий тараққиёт босқичидир.

2. Инсониятнинг дастлабки аждодлари. Антропогенез жараёни

Ҳозирги даврда олимларнинг катта гуруҳи одамзотнинг дастлабки ватани Африка деган фикрни илгари сурса, яна бир гуруҳ олимлар Европа дейдилар. Бошқа бир гуруҳ олимлар эса одам даставвал Осиёнинг жанубида пайдо бўлган деган ғояни илгари сурадилар.

Инсониятнинг келиб чиқиши ва ривожланиши бир неча асрлар давомида тадқиқотчилар томонидан ўрганилиб, турли назариялар юзага келган. Чунки **«антропогенез»** энг қадимги давр тарихини ўрганишдаги муҳим ва долзарб муаммолардан ҳисобланади. Турли мамлакатларда турли даврларда яшаган мутафаккирлар инсониятнинг пайдо бўлиши ҳақида илмий таърифга яқин фикрларни баён этганлар. Хитой, юнон файласуфлари мил. авв. VI–V асрлардаёқ одамнинг келиб чиқиши тамомила табиий ҳодиса деб таърифлашга уринганлар. Кўпчилик тадқиқотчилар инсонни меҳнат ва ақлий жиҳатдан камол топиши натижасида ҳозирги даражасига етиб келган, деган фикрни илгари суришларига қарамай, одамни худо яратганлиги ёки бошқа коинотдан келиб ерга тарқалганлиги ҳақидаги назариялар ҳам бор.

Олимларнинг илмий фаразига кўра, биз яшаётган Она замин бундан беш миллиард йил илгари пайдо бўлиб, унда дастлаб ҳеч қандай ҳаёт бўлмаган. Она ер тарихи геологик жиҳатдан **архей, палеозой, мезозой** ва **кайназой** эраларига бўлинади. Архей эраси охирларида Ерда жуда оддий мавжудотлар, палеозойда эса сувда ва қуруқликда яшовчи ҳайвонлар, мезозойда судралиб юрувчи жонзотлар, кайназойда сут эмизувчи ҳайвонлар пайдо бўлади. Кайназой эрасининг тўртинчи даври бундан 3–3,5 млн. йил илгариги даврни ўз ичига олиб, бу даврда одамзотнинг дастлабки аждодлари пайдо бўлади.

Фанда инсониятнинг пайдо бўлиши жуда мураккаб масала бўлиб, бу жараён асосан археологик ва антропологик маълумотлар бўйича ўрганилади. Аммо инсоният пайдо бўлишининг афсоналар, ривоятлар, илоҳиёт ва коинот билан боғлиқ бўлган назариялари ҳам мавжуддир. Мисол учун, якка худоликни тарғиб этган барча диний таълимотларда инсоннинг пайдо бўлиши ёки яратилиши илоҳиёт билан боғланади. Хусусан, «Библия» таълимотига кўра, одамзот худо томонидан 7 минг йил илгари «қизил лойдан» яратилган. Муқаддас Қуръони Каримда эса одамнинг лойдан яратилиб, Оллоҳнинг иродаси билан унга жон ато этилгани таъкидланади. Зардўштийлик динида ҳам шунга ўхшаш ривоятлар мавжуд. Инсониятнинг илк вакиллари сифатида «Библия»да Адам ва Ева, Қуръони Каримда Одам Ато ва Момо Ҳаво, зардўштийликда эса Ийим номлари келтирилади. Ундан ташқари, Европа олимларининг инсоният қандайдир кичик мавжудотлар (бактериялар)дан пайдо бўлганлиги ёки коинотдан тушган одам қиёфасидаги жонзотлар ҳақидаги назариялари ҳам бор.

Дунёвий фанлар, хусусан, тарих фани юқоридаги ғоя ва назарияларни, ҳатто ҳозирги пайтдаги гипотезалар – кўринмас одам ёки коинотдаги одамлар кабиларни инкор этмаган ҳолда антропогенез жараёнини илм-фан ютуқларида эришилган натижаларнинг далилларига асосланиб ўрганади. Тарих фанида инсоният табиатнинг бир қисми бўлиб, у ердаги тараққиётнинг маълум босқичида вужудга келиб, узлуксиз изланиш ва меҳнат туфайли такомиллашиб борганлиги ҳақидаги хулосалар қолган барча назариялар ҳамда ривоятлардан устунлик қилади. Фанда одамнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёни антропогенез (юнонча «антропос» – одам, «генезис» – ривожланиш) деб аталади.

Илмий адабиётларда антропогенез жараёни қуйидаги тўртта босқичга бўлиб ўрганилади:

1. Одамнинг илк аждодлари.
2. Энг қадимги одамлар.
3. Қадимги одамлар.
4. Ҳозирги қиёфадаги одамлар.

Одамнинг ҳайвонот дунёсидаги аждодлар билан боғлиқлиги ҳақидаги ғоя инглиз олими Ч.Дарвинга тегишли бўлиб, унинг назарияси бўйича инсоннинг ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиқишидаги

асосий омиллар – табиий сараланиш ва жинсий танланишдир. Жамиятшунос олимлар бу жараёнда меҳнатнинг роли юксак бўлганлигини ҳам таъкидлайдилар.

Инглиз олимлари ота-бола Ликилар ўтган асрнинг 50–60-йилларида Шарқий Африкада (Олдувой дарасида) қазишма ишлари олиб бориб, оддий тош қуроллар ва қазилма одам қолдиқларини топиб, улар бундан 3–3,5млн. йил илгари мавжуд бўлган, деган ғояни илгари сурдилар.





Энг қадимги одамлар

Фанда энг қадимги одамлар австралопитек, зинжантроп, питекантроп ва синантроплар деб аталади. Олимлар уларни Homo habilis – хомохабилис – «ишбилармон одамлар» турига киритган. Австралопитек (лотинча «аустралис» – жанубий, «питиекос» – маймун, жануб маймуни)лар бундан 6-5 миллион йил илгари шаклланганлар.

Танзаниянинг Зинж қишлоғи яқинидан топилган энг қадимги одамлар зинжантроп деб номлаган, улар **Австралопитек** бундан 2-1,5 миллион йил илгари яшаганлар.

Зинжантроплардан кейинги даврда яшаган қазилма одамлар қолдиқлари Индонезиядаги Ява оролидан XIX асрнинг охирларида топилган бўлиб, фанда уларни «Питекантроп» («Маймун - одам») деб аташ расм бўлган. Питекантроплар бундан тахминан 1 млн. – 700–600 минг йил илгари (Э.Дюбуа) яшаганлари аниқланган. Шунингдек, 1927 йилда Хитой ҳудудларидан топилган (Д.Блек) қадимги одам қолдиқлари («Синантроп» – **Синантроп** «Хитой одами») бундан 600–500 минг йил илгариги даврга оидлиги аниқланган. Ундан ташқари, энг қадимги қазилма одам қолдиқлари Германиянинг Гейделберг, Венгриянинг Будапешт шаҳри яқинидан ҳам топилган. Олимлар питекантроп ва синантропларни Homo erectus (хомоэректус), яъни тик юрувчи одам турига киритадилар.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, зинжантроп, питекантроп, синатроплар энг қадимги одамлар шаклланиб ривожланишининг турли тарихий босқичларидир. Бу турдаги қадимги одамлар гавдаларини тик тутиб юрганлар ва тошдан турли меҳнат қуроллари ясаб, улардан фойдалана билганлар. Қурол ясай билиши, ўсим-

лик илдизлари ва меваларни истеъмол қилишда шу қуроллардан фойдаланиши, шунингдек, айрим ҳайвонларни овлаши қадимги одамларни ҳайвонот оламидан ажратиб турган.

Архантроплар – энг қадимги одамсимон маймунларнинг одамга айланиши жараёнидаги оралиқ мавжудотлар бўлиб, уларда маймун ва одамнинг белгилари мужассамлашган. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, «Архантроп»лар (қадимги одамлар) энг қадимги одамлардан фарқланиб, улар замонамиздан 100–50 минг йил кейин яшаганлар.




Неандертал одами

Қадимги одамларнинг қазилма қолдиқлари даставвал Германиянинг Неандертал водийсидан топилганлиги сабабли фанда уларни «Неандертал одами» деб номлаш қабул қилинган. Неандертал қиёфадаги одамларнинг суяк қолдиқлари бугунги кунга қадар Африка, Ўрта Ер денгизи қирғоқлари, Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ҳудудларидан, Қора денгиз бўйларидан, Шимолий Европа ҳамда Осиё ерларидан кўплаб топилган. Бу қиёфадаги одамлар жисмоний жиҳатдан нисбатан анча бақувват бўлиб, 25-26 йил умр кўрган. **Неандертал одами** тошдан хилма-хил қуроллар ясашни билганлар.

Неандерталларнинг ташқи қиёфаси, гавда тутиши ва фикрлашида ҳайвонотга хос бўлган белгилар сақланиб қолган бўлиб, уларнинг бош мияси у қадар ривожланмаган. Лекин замонавий қиёфадаги одамга анча яқинлашиб қолган эдилар.

1968 йилда тадқиқотчилар Франциянинг Тордони вилояти, Кроманьон ғоридан 5 та одам дафн этилган мозорни очиб ўрганадилар. Тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, бу ерга баланд бўйли (180 см), ташқи кўриниши ва қиёфаси, мия ҳажми замонавий одамларга ўхшаш одамлар дафн этилган. Олимлар ғордан топилган одамлар қолдиқларини ғор номи билан «кроманьон одами», яъни Homo sapiens (Хомосапиенс – ақл-идрокли одам) деб атадилар. Замонавий одам қолдиқлари бугунги кунда ер юзининг юздан зиёд маконларидан очиб ўрганилган. Таъкидлаш лозимки, кроманьон одами замонасига келиб дастлабки аждодларимизнинг биологик ва жисмоний қиёфаси ҳозирги замон одамидан фарқ қилмайдиган даражада эди. Кроманьонлар даври уруғчилик жамоаси даври эди.

Жамият тараққиётининг цивилизацион кўриниши



Энг қадимги одамлар ўзларининг ривожланиш босқичларида меҳнат қуролларининг турларини кўпайтириб ва сифатини яхшилаб борганлар. Натижада, уларнинг турмуш тарзида, жисмоний кўринишида ўзгаришлар бўлиб борган. Шунингдек, мия ҳажми ҳам ўзгариб борган. Ўрта тош асридаги турли сабабларга кўра, биринчи навбатда, тинимсиз меҳнат жараёнида инсон тафаккурининг ривожланиши натижасида неандертал қиёфасидаги одамлар ҳозирги қиёфали одамларга айлана бордилар. Улар жисмоний ва ақлий жиҳатдан камол топиб, ҳозирги қиёфадаги кишилар вужудга келди ва шу билан антропогенез жараёни ниҳоясига етди. Одамнинг пайдо бўлиши ердаги энг буюк ҳодисалардан бири бўлиб, у дастлаб тошдан оддий тўқмоқ ясаган бўлса, узлуксиз меҳнат, тинимсиз интилиш натижасида юксак маданият яратиш даражасига етиб келди.

Антропогенез жараёнида **меҳнатнинг ўзгартирувчанлик моҳиятини** археологияга оид турли-туман манбалар тасдиқлайди. Турли даврларга оид моддий маданиятнинг алмашиши ҳамда янги асосларда ривожланиши моддий манбаларнинг ташқи кўринишидан ҳам аниқланади. Кўп минг йиллар давомида ривожланган тарихий жараёнлар одам ва жамият тараққиётида асосий бош мезон – меҳнат эканлигидан далолат беради.

3. Энг қадимги даврни даврлаштириш. Палеолит даври

Илмий тадқиқотларда тарихимизнинг энг қадимги даври тарихий жиҳатдан иккита йирик даврга: ибтидоий тўда ва уруғчилик жамоаси даврига бўлинади. Уруғчилик жамоаси, ўз навбатида, икки босқичга: матриархат (она уруғи) ва патриархат (ота уруғи)га ажратилади. Археологик жиҳатдан эса энг қадимги давр меҳнат қуролларининг тайёрланиши ва такомиллашувига қараб **палеолит, мезолит, неолит, энеолит, бронза ва илк темир** даврларига бўлинади.

Палеолит (юнонча «палайос» – қадимги, «литос» – тош) – инсоният тарихининг энг қадимги даври бўлиб, унинг бошланиш санаси тахминан бундан 3 млн. йил илгариги давр билан белгиланади. Бу давр асосан тош қуроллар даври эди. Инсоният минглаб йиллар давомида яшаш зарурияти туфайли тошга ишлов бериш техникасини такомиллаштириб ва ривожлантириб борган, турмуш тарзи ҳамда яшаш шароитини яхшилашга ҳаракат қилган. Палеолит даври архе-

ологик нуқтаи назаридан уч босқичда: илк, ўрта ва сўнгги босқичларга бўлиб ўрганилади. Ушбу босқичлар археологик даврлаштиришга мансуб бўлиб, у фақат ибтидоий жамиятдаги қуроллар ясаш хом ашёсига, уни ишлаш техникасига қараб бўлинган. Шунинг учун ҳам бу даврлаштириш ижтимоий муносабатлар эволюциясини билдирмайди ва белгиламайди.

Илк палеолитнинг дастлабки даврида (1,5-2 млн. йил илгари) Жанубий ва Ўрта Европада иқлим субтропик, Жанубий Осиё ва Африкада тропик бўлиб, иссиқсевар ҳайвонлар кенг тарқалган. Мисол учун, Европада филлар, бегемотлар, ёввойи отлар, Осиёда ибтидоий ҳўкизлар, каркидонлар, отлар, зебралар пайдо бўлган. Бу ҳудудларда иссиқсевар ўсимликлар кенг тарқалган.

Яқин йилларга қадар Ўзбекистон ҳудудлари энг қадимги одамлар томонидан 100 минг йиллар илгари ўзлаштирилган деб ҳисобланиб келинар эди. Кўпчилик тадқиқотчилар Ўрта Осиё палеолити ҳақидаги баҳсларда бу жараённи асосан Европа палеолити билан боғлаб келар эдилар. Аммо сўнгги йилларда Ўзбекистон археологлари томонидан олиб борилган кўпгина тадқиқотлар бу масалага анча ойдинлик киритди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида археолог Ў.Исломов бошчилигидаги тадқиқотчилар Фарғона водийсидаги Селунгур (Сўх тумани) ғоридан палеолит даври маконини очишга муваффақ бўлдилар. Сўнгги тадқиқотлар натижаларига қараганда, Селунгур илк палеолит даврига оид бўлиб, қалинлиги 30 см дан 1 метргача бўлган 5 та маданий қатламдан иборат. Бу қатламлардан табиий жинс парчалари ва синиқларидан тайёрланган қўл чопқиси, тўмтоқ болталар, пичоқсимон ва тишли ҳамда қуш тумшуғига ўхшаш қуроллар топилган. Шунингдек, маданий қатламлардан 32 турдаги сут эмизувчи ҳайвонларга тегишли бўлган 5 тингдан ортиқ суяк қолдиқлари тадқиқ этилиб, Селенгур ҳайвонот дунёси мажмуаси қайта тикланган.

Бу қатламлардан жуда кўплаб ибтидоий тош қуроллар топилган. Бу қуроллар кўп ҳолларда Олдувой қуролларига ўхшаб кетади. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, Селунгур топилмаларининг ёши 1 млн. йилдан зиёдроқдир. Селунгур топилмалари орасидан энг аҳамиятлиси қадимги одам жағ суяклари, тишлари ва елка суякларидир. Фанда «Фарғона одами» – «Фергантроп» деб номланган бу қазилма одам қолдиқлари энг қадимги одам ҳақидаги тасаввурларимизни

янада кенгайтириш билан бирга, Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистоннинг инсоният пайдо бўлиб ривожланган ўчоқлардан бири эканлигини узил-кесил исботлайди.

Энг қадимги даврни даврлаштириш схематик тарзда қуйидагича намоён бўлади:[4]



Ундан ташқари, Кўлбулоқ маконидан (Шимоли-шарқий Ўзбекистон, Тошкент вил.) ҳам кўп қатламли ёдгорлик очилган бўлиб, унинг энг пастки қатламлари илк палеолит даврига оиддир. Шунингдек, Қизилолмасой ва Тошсой (Оҳангарон) маконларидан ҳам илк палеолит қатламлари очилган ҳамда бу ердан 100 дан зиёд чоппер, нуклеус, қирғич ва тарашлагич тош қуроллар топилган.

Кўлбулоқда 1993–1998 йилларда ўзбекистонлик археологларнинг чет эллик ҳамкасблари билан қўшма ишлари натижасида палеолитнинг барча босқичларига оид кўплаб маданий қатламлар, хусусан,

---


[4] А.С.Сагдуллаев асарлари бўйича

илк палеолитга оид 22 та, ўрта палеолитга оид 24 та, сўнгги палеолитга оид 3 та маданий қатлам аниқланди. 2007 йилда қазишмалар қайта бошланиб, Қизилолмасойда тадқиқотлар давом эттирилди. Янги тадқиқотлар натижасида топилган моддий маданият буюмлари қадимги тош даври индустриясининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларига янада аниқлик киритиш имкониятини берди.

Тадқиқотчилар Тянь-Шань этакларидаги Онарча (Қирғизистон) маконидан ҳамда Помир этакларидаги Қоратов (Жанубий Тожикистон) маконларидан ҳам илк палеолит даври қатламларини аниқлаб, бу қатламлардан жуда кўплаб тош қуроллар топганлар.

Илк палеолит даври одамлари тошдан қурол ясаш жараёнида бу қуролларни такомиллаштириб, ўзлари ҳам ривожланиб борганлар. Бундан 500 минг – 1 млн. йил илгари ўзига хос ибтидоий маданият яратган, оддий тош қурол-чўқмор ясаш орқали кишилик маданиятига асос солган одамлар ўзлари яшаш учун қулай бўлган ҳудудларга ўрнашадилар. Уларнинг фаолияти излари ҳозирги кунда ноёб моддий ёдгорликлар ҳисобланган маконлар ва улардаги маданий қатламларда қолдирилган. Ўрта Осиё, жумладан ҳозирги Ўзбекистоннинг географик шароити ибтидоий одамларнинг яшаши ҳамда турмуш тарзи учун қулай бўлганлигини ҳам таъкидлаш лозимдир.

Илк палеолит (Ашел маданияти) даври энг қадимги одамларнинг маконларидаги топилмаларда содда ва қўпол тош қуроллар кўпчиликни ташкил этади. Бу давр кишиларининг қуроллари ўзининг соддалиги, қўполлиги, турларининг камлиги жиҳатидан кейинги давр-



Палеолит даври тош қуроллари

лардан кескин фарқланади. Илк палеолит даври одамлари жисмоний жиҳатдан ҳам, ақлий жиҳатдан ҳам ҳозирги қиёфадаги ақл-идрокли одамлардан ажралиб турадилар. Улар асосан термачилик ва овчилик билан тирикчилик ўтказганлар ҳамда табиат олдида жуда ожиз бўлиб, унда мавжуд бўлган тайёр маҳсулотларни ўзлаштириб яшаганлар. Улар на диний тушунчани, на ҳунармандчиликни ва на чорвачиликни билганлар.

Ўрта палеолит (Мусте маданияти) – қадимги тош асрининг муҳим ва ажралмас қисми ҳисобланади. Ўрта палеолит даврига келиб (бундан 100–40 минг йил муқаддам) неандертал қиёфали одамлар кенг ҳудудларга ёйиладилар ҳамда аввалги даврга нисбатан табиат билан фаолроқ муносабатга киришадилар. Бу даврда табиий шароит ўзгариб, Европа, Осиё ва Американинг катта қисмини улкан музликлар қоплайди. Натижада, мамонтлар, шимол буғулари, айиқлар, умуман совуқсевар ҳайвонлар кенг тарқалади. Музликнинг силжиши оқибатида об-ҳавонинг совуши неандертал одамларининг табиий шароитга мослашишига туртки бўлган эди. Бундай мослашув яшаш заруриятининг турли кўринишлари – совуқдан сақланиш, бошпана излаш, кийим кийиш, оловни кашф этиш кабилар билан изоҳланади. Ундан ташқари, бу давр одамлари ўз фаолиятлари давомида дунёни билиш, табиат тўғрисида, ундаги ўзгаришлар ва воқеаларга муносабат борасида маълум дунёқарашга эга бўлиб, ибтидоий билимлар ҳамда фикрлаш кўникмаларини эгаллай бошлайдилар.

Бу даврда тош қуроллар турлари ва уларнинг функцияси такомиллашувида анчагина ўзгаришлар кузатилади. Ҳозирги кунда ўрта палеолит даври тош қуролларининг 60 дан зиёд турлари аниқланган бўлиб, улар орасида ўткир учли қуроллар ва тарашлагичлар кенг тарқалган.

Бу даврга оид Ўзбекистондаги дастлабки ёдгорлик Тешиктош (Сурхондарё) ғор макони 1938 йилда А.Окладников томонидан очилган эди. Кейинчалик Ўрта Осиё ҳудудларида тадқиқотчилар томонидан ўрта палеолит даврига оид кўплаб маконлар аниқланди ва уларда тадқиқот ишлари олиб борилди. Омонқўтон (Тахтақорача довони, Самарқанд), Қўтирбулоқ ва Зирабулоқ (Зарафшон водийси), Қорабура (Вахш воҳаси), Жарқўрғон (Шимолий Тожикистон), Обираҳмат (Тошкент вилояти), Кўлбулоқнинг юқори қатламлари (Тошкент вилояти), Қизилнур (Қизилқум), Тоссор (Қирғизистон), Оғзикичик

(Тожикистон), Хўжакент (Тошкент вилояти), Қопчигай (Қирғизистон) каби кўплаб маконлар ўрта палеолит даврига оид бўлиб, уларнинг жами 300 га яқинлашиб қолади. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, Ўрта Осиё ҳудудларида ўрта палеолит нисбий тарзда мил. авв. 100–40 минг йилликларни ўз ичига олади.

Сурхон воҳасидаги (Бойсунтоғ) Тешиктош ғор-макони топилмалари нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё археология фанида машҳурдир. Ўрта палеолит даврига мансуб бу ғор-макон шимоли шарққа қараган бўлиб, кенглиги 20 м, баландлиги 9 м, чуқурлиги 21 м. Тадқиқотлар натижасида ғор-макондан бешта маданий қатлам аниқланиб, бу қатламлардан 3000 га яқин тош қуроллар топилган. Ундан ташқари, турли ҳайвонлар: қоплон, ёввойи от, эшак, қуён ва турли қушларнинг суяк қолдиқлари аниқланган. Тош қуроллар орасида қирғич-тарашлағичлар алоҳида ўрин эгаллаб, уларнинг баъзилари кесгич қурол вазифасида ишлатилган бўлиши ҳам мумкин.

Энг муҳими, Тешиктош ғор-маконининг юқори қатламларидан 9 яшар боланинг скелет суяклари топилган. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, бу бола неандертал типидаги қадимги одам вакилидир. Бу бола дафн этилганда ибтидоий дафн маросимларига амал қилиниб, жасад атрофига тоғ эчкиси шохлари қадаб қўйилган. Шунингдек, ғор-макондан гулхан излари ва кул қолдиқлари топилиб, гулхан ўрни ва атрофларидан тоғ эчкиси суяк қолдиқлари аниқланган.

Тошкент вилоятидаги Обираҳмат макони (1962 йилда очилган, ғор яқинидаги булоқ номи билан номланган) Тяншан-Чотқол тизмасидаги Палтов сойининг юқори оқимидан топилган. Ғор-макон ёйсимон шаклда бўлиб, жанубга қараган, саҳни кенг, қуруқ ва ёруғ. Ғорда 10 метр қалинликдаги 21та маданий қатлам аниқланган бўлиб, ушбу қатламлар қадимги одамлар бу ерда узоқ вақт яшаганларидан далолат беради. Маданий қатламлардан оҳак тошли чақмоқ тошдан ясалган хилма-хил меҳнат қуроллари, жумладан, нуклеуслар, парракчалар, ўткир учли сихчалар, қирғичлар ва куракчалар, учриндидан тайёрланган кесгичлар топилган бўлиб, уларнинг умумий сони 30 мингдан ошади. Шунингдек, Обираҳматдан ҳайвон суякларидан ясалган бигизлар ҳамда буғу, тоғ эчкиси, тўнғиз, жайрон, архар ва бошқа ҳайвонларнинг суяклари, гулхан, кул, кўмир ва бошқа нарсалар қолдиқлари ҳам топилган. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда,

Обираҳматда қадимги одамлар милоддан 120–40 минг йил илгари яшаб, териб-термачилик ва ёввойи ҳайвонларни овлаб тирикчилик қилганлар.

Обираҳматда тадқиқотлар янгидан бошланиб, 2003 йилнинг ёзида археологлар ғор-макондан замонамиздан камида 50 минг йил муқаддам яшаган қадимги одамларнинг суяк қолдиқларини топдилар. Бу ердан топилган қадимги одам суяклари фақат Ўзбекистон эмас, балки Марказий Осиё қадимги тош даври учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунки топилган калла суяги ва тишлар ҳозирги замон одамининг неандертал одами билан омухталашганлигини намоён этади. Шунинг учун ҳам унинг кўпгина морфологик жиҳатлари ноёб бўлиб, палеоантропологик жиҳатдан ўхшаши деярли йўқ. Ундан ташқари, бу топилма яқин-яқинларгача эҳтимолдан узоқ деб ҳисоблаб келинган ҳозирги одамларнинг аждодлари билан неандерталнинг чатишганлигига далилдир. Ушбу қадимги одам суяк қолдиқлари қадимги тош даври Ўрта Осиё аҳолиси ташқи қиёфасига янада аниқликлар киритиш учун муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Топилмалари билан машҳур бўлган Қўтирбулоқ макони Самарқанд вилояти Каттақўрғон ҳудудларидан топилган. Тадқиқотлар натижасида макондан 5 та маданий қатлам аниқланган. Қатламларнинг қалинлиги ҳар хил бўлиб, улардаги топилмалар ҳам бир хилда тарқалмаган. Бу қатламларда ўткир учли пойконлар, қирғичлар, тешгичлар, икки томонига ишлов берилган баргсимон қуроллар ва бошқа турли-туман тош қуроллар топилган. Шунингдек, кўплаб ёввойи ҳайвонлар – фил, буғу, ёввойи от, қуён кабиларнинг суяклари аниқланган. Қўтирбулоқда яшаган қадимги одамлар мевалар ва ўсимлик илдизлари ҳамда ёввойи ҳайвонларни овлаб турмуш тарзи юритганлар.

Шунингдек, Бойсун тоғидаги Амир Темур ғори, Тошкент воҳасининг Хўжакент, Бўзсув, Кўлбулоқ маконлари, Фарғона водийсидаги Жарқўтон, Бўрибулоқ, Томчисув ёдгорликлари, Зарафшон воҳасидаги Омонқўтон, Тўрдара, Қўтирбулоқ маконлари ҳам ўрта палеолит даврига оиддир.

Ўрта палеолит даврига келиб қадимги одамлар Ўрта Осиёнинг кенг ҳудудларига тарқала бошлайдилар. Бу даврда, айниқса, унинг сўнгги босқичида қадимги одамларнинг турмуш тарзида ва меҳнат қуролларида янги унсурлар пайдо бўлади. Қуролларнинг турлари

кўпаяди. Айниқса, овчилик билан боғлиқ бўлган найзасимон ўткир пайконлар, турли пичоқлар, қирғичлар, кечгичлар шулар жумласидандир. Бу даврнинг ижтимоий **кроманьон одами** ҳаётидаги энг муҳим хусусият шундаки, бу даврда ибтидоий тўдадан уруғчилик жамоасига ўтила бошланди. Ҳозирги замон одамларига ўхшаш одамлар (кроманьон) пайдо бўлиши учун замин ҳозирланди.



Кроманьон одами

Бу шарт-шароитларнинг негизида меҳнат қилиш билан бевосита боғлиқ меҳнат қуролларининг такомиллашуви ва шу асосда ўша давр кишиларининг хўжалик ҳаётидаги дастлабки силжишлар ётади. Демак, бу давр – ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган қуроллар такомиллашаётган, нутқ маданияти ўсиб бориб, фикрлаш нисбатан анча ошган, олов сунъий тарзда яратила бошланган, овчилик анча ривожланиб, кенг ҳудудларга тарқалган давр эди.

Ўрта палеолит даврида Ўрта Осиё ҳудудларида табиий иқлим ўзига хос бўлиб, ёзда об-ҳаво илиқ ва қуруқ, қишда эса совуқ ва намгарчилик бўлган. Бу даврнинг ўрталари ва охирларига келиб шимолдан улкан музликнинг силжиб келиши натижасида иқлим тамоман ўзгаради. Натижада, қадимги одамлар турмуш тарзида катта ўзгаришлар бўлиб ўтди. Совуқ иқлим туфайли одамлар кўпроқ ғорларга жойлаша бошлайдилар. Жанубдаги кичик туёқли иссиқсевар ҳайвонлар қирилиб кетиб, шимол буғулари, мамонтлар, улкан айиқлар пайдо бўлади. Улкан ҳайвонларнинг пайдо бўлиши эса, ўз навбатида, жамоа бўлиб овчилик қилишнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Бундан ташқари, совуқ иқлим туфайли ўрта палеолит даври одамлари оловни кашф этдилар ҳамда сунъий олов чиқариш ва уни сақлашни ўзлаштирдилар. Ғор ва унгурларни ўзлаштириш, ўчоқ ясаб унинг атрофида тўпланиш ва ниҳоят жамоа бўлиб ов қилиш услубларининг пайдо бўлиши минтақамиздаги қадимги одамлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Сўнгги палеолит узоқ давом этган қадимги тош асрининг охирги босқичи бўлиб, нисбий тарзда мил. авв. 40–12 минг йилликларни ўз ичига олади. Бу давр ёдгорликлари мустье маданияти ёдгорликлари маданиятига нисбатан камроқ ўрганилган. Ҳозирги кунга қадар Ўрта

Осиёда бу даврга оид 30 дан зиёд маконлар очилган. Самарқанд (шаҳарнинг ўзида), Хўжағор (Фарғона водийси), Шуғнов (Помир этаклари), Кўлбулоқ (Тошкент вилояти), Қоракамар (Тожикистон), Ачисай (Қозоғистон) ёдгорликлари шулар жумласидандир.

Сўнгги палеолит даври қадимги одамларнинг замонавий жисмоний қиёфаси шаклланишида, ибтидоий тўдадан жамоага ўтилишида, тош қуроллар тайёрлашда янги ютуқлар қўлга киритилишида муҳим аҳамият касб этган даврдир. Чунки бу даврга келиб, меҳнат қуроллари ясаш техникасида, ибтидоий хўжалик шаклларида, қадимги одамларнинг яшаш шароити ҳамда турмуш тарзида, уларнинг ижтимоий муносабатларида, фикрлаш ва дунёқарашида, жисмоний қиёфасида кескин ўзгаришлар бўлиб ўтди.

Бу даврдаги моддий маданият ўз хусусиятлари ҳамда тайёрланиш услублари билан илгариги давр тош қуролларига нисбатан анча такомиллашади. Хусусан, бу даврда кенг тарқалган тош қуроллар тўғри ва узун шаклда бўлиб, улардан асосан пичоқ сифатида фойдаланилган. Шунинг учун ҳам археология фанида улар пичоқсимон қуроллар деб аталади. Ушбу даврнинг ажралиб турадиган муҳим хусусиятларидан яна бири – суякдан қуроллар ясаш эди. Масалан, бу давр топилмалари орасида суякдан ясалган гарпунлар ва игналар кўплаб учрайди.

Бу давр маконларидан топилган топилмалар ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлардан ҳам далолат беради. Хўжаликдаги асосий машғулот овчилик ва темирчилик бўлиб, эркаклар овчилик билан, аёллар эса термачилик билан шуғулланганлар. Ундан ташқари, хўжаликни бошқариш, оловни сақлаш ҳам аёллар зиммасида бўлган. Шу боис, уруғчилик тузумига асосланган ибтидоий жамоа – матриархат (уруғи жамоаси) деб аталган.

Сўнгги палеолит даврига келиб, ҳозирги замон қиёфасидаги одамнинг шаклланиши бир вақтнинг ўзида европоид, негроид ва монголоид ирқларининг пайдо бўлишига олиб келган эди. Улар бир-бирларидан терисининг ранги, соч ва кўзларининг шакли ҳамда ранги, мускуллар ва бўйларининг узун-калталиги, бош суягининг шакли, юз тузилиши ва бошқа белгилари билан фарқланган. Ирқларнинг шаклланишида табиий шароит ҳам муҳим аҳамият касб этган. Негроидлар Африкада, европоидлар Европада, монголоидлар Осиё ҳудудларида кенг тарқалганлар.

Тошкент вилоятида (Оҳангарон) жойлашган Кўлбулоқ маконининг энг тепадаги учта қатлами сўнгги палеолит даврига оиддир. Бу қатламлардан нисбатан такомиллашган тош қуроллар ҳамда кўплаб ҳайвон суяклари топилган. Шунингдек, сўнгги йилларда Тошкентнинг ғарбидаги Бўзсув I макони ҳам сўнгги палеолит даврига оид эканлиги аниқланган.

Самарқанд шаҳрида 1939 йилда очилган ёдгорлик минтақадаги сўнгги палеолит даврига оид дастлабки макон ҳисобланади. Самарқанд макони кўп қатламли бўлиб, бу қатламлардан кўп сонли (7,5 минг) хилма-хил топилмалар топилган. Улар орасида қирғичлар, кесгичлар, сихчалар, пичоқлар, ушатгичлар, болталар каби иш қуроллари бор. Шунингдек, маданий қатламлардан гулхан қолдиғи, кўмир парчалари ва гулхан атрофидан ҳайвонлар ҳамда ўсимликлар қолдиқлари, чайла устунлари, кроманьон одамнинг суяк қолдиқлари аниқланган. Бу топилмалар бу ерда яшаган кишиларнинг овчилик ва термачилик билан шуғулланганликларидан далолат беради.

Бундан ташқари, турли йилларда Ўзбекистон ҳудудларида сўнгги палеолит даврига оид кўплаб маконлар аниқланган бўлиб, уларнинг нисбатан машҳурлари қуйидагилардир:

Бўзсув I макони – Тошкент шаҳридаги Қорақамишсойнинг (ҳозирги Чилонзор тумани ва Эркин мавзеси ҳудудлари) бўйларида жойлашган. Тадқиқотчилар томонидан турли йилларда бу макондан 100 га яқин тош қуроллар (тош пичоқлар, тош қирғичлар ва бошқ.) топиб ўрганилган.

Бўзсув II макони – Тошкент шаҳрининг Бўзсув соҳилидаги Шўралисой деган жойдан топиб ўрганилган. Олимлар томонидан бу ердаги маданий қатламдан 100 дан зиёд тош қуроллар (икки томонлама ишлов берилган тош пичоқлар, қирғичлар, нуклеуслар ва бошқ.) топиб тадқиқ этилган.

Туябўғиз маконлари – Тошкент вилоятида жойлашган бўлиб, унда сўнгги палеолит даврига оид олтита макон мавжуд. Бу маконлар Туябўғиз сув омбори ҳавзасидан топиб ўрганилган. Маконлардаги маданий қатламлардан парракчалар, тешгичлар, қирғичлар каби кўплаб тош қуроллар тадқиқ этилган.

Такалисой ғори – Самарқанд вилояти ҳудудида жойлашган бўлиб, олимлар томонидан бу макондан нуклеуслар, қирғичлар, тош пичоқлар ва турли ҳайвонларнинг кўплаб суяклари топилган. Бу ерда яша-

ган қадимги одамларнинг асосий машғулоти овчиликдан иборат бўлган.

Хўжамазгил макони – бу макон ҳам Самарқанд вилоятида жойлашган бўлиб, макондан турли рангли чақмоқтошдан ясалган қуроллар, кесгичлар, ўроқ-рандалар, пичоқлар, чопқилар, учриндилар, нуклеуслар кабилар топиб ўрганилган.

Умуман олганда, кўпчилик тадқиқотчилар Ўрта Осиё сўнгги палеолит даврини асосан учта – **Самарқанд, Хўжағор ва Кўлбулоқ** маданиятларига ажратадилар. Бу даврга оид маданиятлардан фақат Самарқанд шаҳридан сўнгги палеолит даври одамининг қолдиқлари, яъни елка суяк қисмлари, пастки жағ ва тишлар топилган бўлиб, тадқиқотчилар бу суякларни 25-30 ёшли кроманьон қиёфали аёлга тегишли бўлган, деб ҳисоблайдилар.

Сўнгги палеолит даврига келиб одамларнинг ҳаёти ва турмуш тарзида ҳам турли ўзгаришлар бўлиб ўтади. Хусусан, одамлар ғорлардан чиқиб енгил турар-жойлар – чайла ва ярим ертўлаларда яшай бошладилар. Улар энди фақат тоғли ҳудудларда яшаб қолмай, воҳалар бўйлаб тарқалиб, текисликларда, дарё ва кўллар бўйларида жойлашадилар ҳамда қариндош-уруғчилик жамоаларига бўлинадилар. Натижада, жамиятда жуфт оилалар пайдо бўлади ҳамда улар айрим уруғларни бирлаштириб, уруғ жамоасини ташкил этадилар.

Ўрта Осиёда палеолит давр ёдгорликлари ва қуролларнинг ривожланиши

Сана (м.й.)	Давр	Ёдгорликлар	Қуроллар
-12 -20 -30	Сўнгги палеолит	Бўзсув Учбулоқ Самарқанд макони	Найзасимон, тош чопқич, тош парракча
-40 -50 -60 -70 -80 -90 -100	Ўрта палеолит	Обираҳмат Хўжакент Кўлбулоқ Тешиктош Қайроққум Омонқўтон	Тош қирғич, тош парракча, найзасимон тош учи нуклеус, ўткир пайконлар, қўл чопқичлари, куракчалар

-200 -300 -400 -500 -600 -700	Илк палеолит	Кулбулоқ Бўриқазилган Тандирқазган Қизқалъа Селенғур Онарча	Қўл чўқмоқлари, тош-қирғич, тош пайчалари, чоппер – дарё тошларидан ишланган қуроллар

Уруғчилик (матриархат) қадимги жамият тарихининг алоҳида босқичини ташкил этиб, бу жараён ижтимоий ҳаётдаги қатор ўзгаришларнинг пайдо бўлишига замин яратди. Лекин дастлабки уруғчилик тузуми нисбатан ривожланишнинг юқори босқичига кўтарилган бўлишига қарамай, бу давр одамлари овчилик, термачилик ва балиқчилик билан кун кечирар эдилар.

Палеолит даврига хулоса ясаб шуни айтиш мумкинки, бу даврда одамнинг пайдо бўлиши жараёни (антропогенез) асосан тугади. Қадимги одамлар хўжалик юритишнинг энг оддий йўлларидан (териб-термачлаб) мураккаброқ кўринишлари (овчилик, балиқчилик)га ўтдилар. Олов кашф этилди. Инсоният тўда давридан уруғчилик тузумига ўтди. Меҳнат қуроллари такомиллашиб, уларнинг турлари кўпайди ва сифати яхшиланиб борди.

Бу даврда қадимги одамлар орасида дастлабки диний қарашлар пайдо бўлди. Тешиктошда мурдани махсус қабр қазиб кўмилиши, унинг ёнига тоғ эчкисининг шохлари ва тош қуроллар қўйилиши мутлақо тасодифий ҳол эмас эди. Бу жараён палеолит даври неандертал одамлари гарчи содда бўлса-да, кўмиш маросимларига риоя қилганликларидан далолат беради.

4. Мил. авв. XII–IV минг йилликларда Ўрта Осиё

Тош асрининг кейинги ривожланиш даври фанда мезолит (ўрта тош асри) асри Ўрта Осиёда нисбий тарзда мил. авв. 12-7 минг йилликлар деб қабул қилинган. Мезолит – одамларнинг ер юзи бўйлаб кенг тарқалиш даври бўлиб, улар шимол томонга ҳам, Помир каби баланд тоғли ҳудудларга ҳам тарқала бошлайдилар. Каспий бўйларидан Тяншан-Помиргача, Марказий Қозоғистондан Копеттоғ этакларигача бўлган ҳудудлардан мезолит даври ёдгорликларининг на-

муналари топиб ўрганилган. Мачай (Сурхондарё), Обишир (Фарғона водийси), Марказий Фарғона, Бўзсув, Қўшилиш (Тошкент), Айдабол, Жайронқудуқ (Устюрт), Ошхона, Чилчорчашма (Тожикистон), Дарайи шўр (Вахш воҳаси) каби Ўрта Осиёдаги 50 дан зиёд ёдгорликлар шулар жумласидандир.

Мезолит даврига хос бўлган хусусиятлар, чегараси ва номланиши борасида олимлар орасида кўплаб баҳс-мунозаралар мавжуд эди. Чунончи, бир гуруҳ олимлар бу даврга қадимги тош асрининг алоҳида босқичи деб баҳо берган бўлсалар, айримлари тош асрининг сўнгги босқичи деган фикрни билдирганлар. Аммо кўплаб олиб борилган тадқиқотлар натижасида тош қуроллар шакли, қўллаш ва ишлаш техникасидаги ўзгаришлар илмий ўрганилиб, янги хусусиятлар аниқланди ҳамда бу давр тош асрининг ўрта босқичи эканлиги эътироф этилди. Ўрта тош асрининг қуйи ва юқори чегараларини белгилашда таадқиқотчилар географик шарт-шароит, тошни қайта ишлаш техникаси ва одамларнинг турмуш тарзи ҳамда машғулотларига асосий эътибор қаратадилар.

Мезолит даврига келиб ер юзидаги улкан музликнинг яна шимолга томон силжиши натижасида иқлим барқарорлашиб, ҳозирги даврдагига анча ўхшаб қолган эди. Бунинг натижасида Ўрта Осиё ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёсида анча ўзгаришлар содир бўлди.

Палеолит даврининг йирик ҳайвонлари йўқола бориб, улар ўрнига кичик туёқли, тез югурувчан ҳайвонлар – жайрон, сайғоқ, буғулар, тоғ эчкиси, арслон, йўлбарс, қоплон, қуён кабилар кўпая боради. Шунингдек, жанубга хос иссиқсевар, ёввойи бошоқли ўсимлик ва дарахтлар ҳам тобора кўпайиб борди. Табиат ва иқлимдаги бу ўзгаришлар мезолит даври кишиларининг ҳаётида ҳам ўзгаришлар содир бўлишига сабаб бўлди.

Бу даврга келиб кишилар нисбатан нозикроқ қуроллар тайёрлашни ўзлаштира бошладилар. Хусусан, жанубий ўлкаларда, шунингдек, Ўрта Осиёда турли геометрик шаклдаги майда қуролчалар-микролитлар пайдо бўлиб, улар учун суяк ва ёғоч дастачалардан қадама сифатида фойдаланилган. Ундан ташқари, бу даврда инсоният ўз тарихидаги дастлабки мураккаб мослама – ўқ-ёйни кашф этди. Натижада, чопқир, кичик туёқли ҳайвонлар ва паррандаларни ов қилиш имконияти пайдо бўлди.

Бу даврнинг энг катта ютуқларидан яна бири ёввойи ҳайвонлар – ит, қўй, эчки кабиларнинг қўлга ўргатила бошланиб, хонакилаштирилишидир. Археологик тадқиқотлар натижаларига қараганда, мезолит даврига келиб, Олд, Яқин ва Ўрта Осиёнинг баъзи жойларида термачиликдан ёввойи ўсимликларни хонакилаштиришга ҳамда овчиликдан чорвачиликка ўтиш бошланади. Бу жараён илғор, унумдор ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси ва табиий-географик иқлими билан бевосита боғлиқ эди.

Мезолит даврининг машҳур ёдгорликларидан бири Сурхон воҳасидаги Мачай (Бойсун) ғор маконидир. Дарё сатҳидан 70 метрча баландликда жойлашган бу маконда қалинлиги 40 смдан 1 метр оралиғида бўлган 2 та маданий қатлам бўлиб, ушбу қатламлардан кўплаб суяк ва асосан тош қуроллар топилган. Суяк қуроллар бигиз, игна, сўзан кабилардан иборат бўлса, тош қуроллар – пичоқлар, аррасимон қуроллар, кесгичлар, ушатгич тошлар, найза ва ўқ учлари кабилардир. Бу қуролларнинг ўзига хос белгилари мавжуд бўлса ҳам Жанубий Қозоғистон ва Яқин Шарқдаги мезолит ёдгорликларидан топилган тош қуролларига ўхшаб кетади.

Мачай макони топилмаларининг энг аҳамиятли томони шундаки, бу ердан антропологик топилмалар – одам бош суяклари, тиши, жағи ва бошқа аъзолари қолдиқлари топилган бўлиб, бу топилмаларни ўрганиш тадқиқотчиларга Ўрта Осиёнинг жанубидаги мезолит даври кишиларининг европоид ирқига мансуб эканлигини аниқлаш имконини берди.

Одам суякларидан ташқари Мачайнинг маданий қатламларидан бўри, тулки, барс, мўйнали сувсар, қуён, жайра, олмахон каби ҳайвонларнинг ҳам суяк қолдиқлари топилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу ерда 20 турдан зиёд ҳайвон суяклари мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти майда, синдирилган ва оловда куйдирилган. Демак, мачайлик мезолит даври одамлари оловдан кенг фойдаланганлар ҳамда ҳайвон ва парранда гўштларини оловда пиширib еганлар.

Ўзбекистоннинг жанубидаги яна бир мезолит даври ёдгорлиги Айритом макони бўлиб, у Термиздан 18 км узоқликда жойлашган. Ушбу ёдгорликнинг кўп қаватли маданий қатламларидан тош пармалагичлар, нуклеуслар, тош учриндилар, ўқ учлари кабилар топиб ўрганилган.

Фарғона водийсидан мезолит даврига оид Обишир ғор-маконидан тош қуроллар, бигизлар, қирғичлар, пичоқ қадамалари топилган. Шунингдек, топилмалар орасида ёввойи ҳайвонларнинг майдаланган ва синдирилган суяклари, балиқ тутишда ишлатиладиган қадоқ тошлар ҳам бор. Топилган ашёларга асосланиб, обиширликлар балиқчилик, овчилик ва термачилик билан шуғулланган дейишимиз мумкин.

Кейинги 30–35 йил ичида Марказий Фарғона ҳудудларидан Шўркўл, Аччиққўл, Янгиқадам, Бекобод, Замбар, Тойпоққўл каби 80га яқин мезолит даври ёдгорликлари аниқланди. Уларнинг кўпчилиги кўл ёқаларидан топилган бўлиб, афтидан бу жойлар мезолит даври кишиларининг яшашлари учун кўпгина қулайликларга эга бўлган. Бу ерлардан топилган кўпгина қурол ва тош буюмлар ўзининг нисбатан нозиклиги, ихчамлиги билан палеолит даври қуролларидан ажралиб туради. Марказий Фарғона тоғлари орасида яшаган мезолит даври қабилаларининг турмуш тарзи ёввойи ҳайвонларни овлаш ва термачилик билан боғлиқ бўлиб, Марказий Фарғонадаги мезолит даври қабилалари хўжалик ҳаётида овчилик, термачилик ҳамда балиқчилик устунлик қилиб, қулай табиий-географик шароит мазкур ҳудудларда қадимги одамларнинг кенг тарқалиб яшашлари учун имконият яратган.

Марказий Фарғона мезолит ёдгорликлари очиқ маконлар бўлиб, уларда маданий қатламлар сақланган. Ушбу маконларда яшаган мезолит даври қабилалари овчилик, балиқчилик ва термачилик машғулотлари ва турмуш тарзи билан кун кечирганлар. Ўрта Осиёнинг Марказий Фарғона мезолит даври қуйидаги икки босқичга бўлиб ўрганилади:

1. Илк мезолит – Иттак қалъа, Аччиққўл, Янгиқадам, Тойпоққўл кабилар бўлиб, улар мил.авв. IX–VIII минг йилликлар билан саналади.

2. Сўнгги мезолит – Аччиққўл, Янгиқадам, Бекобод, Шўркўл, Мадиёр, Замбар, Тайпоққўл маконлари (кўпларининг юқори қатламлари) бўлиб, улар мил.авв. VII минг йиллик билан саналади.

Тошкентнинг ғарбида, қадимги Бўзсув анҳори соҳилидан Қўшилиш мезолит макони топилиб, тадқиқ этилган. Ушбу макондан чақмоқтошдан ишланган нуклеуслар, майда парракчалар, учриндилар, қирғичлар, ҳар хил шаклдаги қуроллар, тош пичоқлар, силлиқланган тош қуроллар топилган. Қўшилиш макони топилмалари мил.авв. XI–

X минг йилликларига оид бўлиб, бу ерда яшаган қадимги қабилалар овчилик ва термачилик билан шуғулланганлар.

Хуллас, мил.авв. XI–X минг йилликларига келиб, Каспий бўйларидан Помир тоғларигача, Копетдоғ этакларидан Марказий Қозоғистонгача бўлган кенг ҳудудларда мезолит даври қабилалари ёйиладилар. Ушбу ҳудудларнинг географик шароити хилма-хил бўлиб, мезолит даври маконлари паст текисликлар, дарё ва сой бўйлари ҳамда тоғ олди ҳудудларида жойлашган. Бу давр қабилалари ва уруғлари овчилик, балиқчилик ҳамда термачилик билан кун кечирганлар. Маконлардан топилган кўплаб ҳайвон суяклари бу даврдаги чорвачиликнинг илк босқичидан далолат беради.

Ўрта Осиё тарихида **неолит даврининг** (янги тош асри) юқори чегараси мил.авв.VI–қуйи чегараси IV минг йилликлар билан белгиланади. Бу давр Ўрта Осиёда учта: Жойтун, Калтаминор ва Ҳисор маданиятларининг ривожланиши билан изоҳланади. Неолит даври қабилалари аксарият ҳолларда дарё соҳиллари ва тармоқлари ёқасида, кўл бўйларида яшаб, табиий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда балиқчилик ва овчилик ёки деҳқончилик ва чорвачилик, айни вақтда қисман ҳунармандчилик билан шуғулланганлар. Неолит даври турли шароитларда яшаган одамларнинг меҳнат қуроллари мезолит давридагига нисбатан такомиллаша борган.

Жамоа меҳнати, ишлаб чиқариш воситаларининг жамоа мулки ҳисобланганлиги ўша давр турмуш тарзининг асосий мезони ҳисобланган.

Маълумки, археологик даврлаштириш бўйича неолит даври тош даврининг сўнгги – якунловчи тараққиёт босқичи ҳисобланади. Бу даврда уруғчилик тузуми ривожланган бўлиб, жамоада оналар ҳукмрон бўлган.

Бу даврда муҳим ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар рўй берган бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқарила бошланган. Тўқимачилик, кемасозлик, кулолчилик пайдо бўлган. Меҳнат воситаларида ўзгариш юз бериб, хусусан, тош, суяк ва ёғочга ишлов беришнинг анъанавий услублари юксакликка эришган. Айниқса, тошни силлиқлаш, пармалаб тешиш сингари технологиялар кашф этилган, микролит қуроллар янада такомиллашган.


Энг муҳими, бу даврда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг хўжалик асослари, деҳқончилик ва чорвачилик пайдо бўлади. Бу воқелик,

Хонакилаштирилган ҳайвонлар ва ўсимликларнинг дастлабки марказлари



Тош даври маданиятининг ривожланиши





ридир. Жойтун қишлоғи аҳолиси мил. авв. VI–V минг йилликларда яшаб асосан деҳқончилик, чорвачилик, қисман эса овчилик билан шуғулланганлар. Жойтунда Ўрта Осиёдаги дастлабки деҳқончилик маданияти ривожланади ва бу макон ҳозирча минтақадаги дастлабки деҳқончилик қишлоғи ҳисобланади. Жойтунликлар табиий сувлардан (қор, ёмғир, тошқин) фойдаланиб, деҳқончиликка асос солганлар. Умуман олганда, Копетдоғ билан Қорақум оралиғидаги ҳудудлардан кўплаб неолит даври маконлари очилган. Бу маконлардаги хўжалик ишлаб чиқариши ва маданияти бир-бирига жуда ўхшашлиги сабабли уларни фанда Жойтун маданияти (дастлабки топилган жой номи билан) деб аташ қабул қилинган.


Калтаминор маданиятига оид маконлар дастлаб Амударё этакларида ва Хоразм ҳудудидан топилган бўлиб, булар орасида Хоразмдаги Жонбосқалъа макони диққатга сазовордир. Бу ерни қазиш пайтида чайла ва ярим ертўла шаклидаги макон очилган. Бу макон ёғоч устун, синчлар билан кўтарилган. Устига кўндаланг ёғочлар ташланиб, уларнинг усти қамиш билан беркитилган. Чайла ўртасидан катта марказий ўчоқ қолдиғи, атрофида майда ўчоқ қолдиқлари аниқланган. Макондан найза пойконлар, камон ўқларининг учлари ва бошқа тош қуроллар топилган. Шунингдек, маданий қатламлардан балиқ, ёввойи чўчқа, қирғовул суяклари ва жийда данаклари ҳам топилган. Топилмалар орасида сопол идиш намуналари ҳам бўлиб, тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда улар мил. авв. V–IV минг йилликларга оиддир.

Калтаминор маданиятига оид ёдгорликлар Зарафшон этакларидаги Дарвозақир маконидан ҳам топиб ўрганилган. Бу ердан топилган сопол идиш намуналари Жонбосқалъа сополларига жуда ўхшашдир. Қуйи Зарафшон ва Қашқадарё этакларидаги Дарвозақир, Катта ва Кичик Тузкон, Қоронғишўр, Пойкент маконларидан топилган тош қуроллар ва сопол буюмлар ҳамда бошқа ашёларни ўрганиш, таҳлил этиш, Яқин Шарқ, Қозоғистон, Урал ва бошқа жойлардан топилган неолит даври ашёлари билан қиёслаш натижасида тадқиқотчилар юқорида эслатилган маконлар Калтаминор маданиятига мансуб бўлиб, мил. авв. IV–III минг йилликларга оид деган хулосага келдилар. Бу маконларда яшаган неолит даври одамлари термачилик, жайрон, ёввойи чўчқа, буғу ва бошқа ҳайвонлар ҳамда балиқ овлаб кун кечиришган.

Сўнгги йилларда Ўрта Осиёнинг шарқий ҳудудларидан, Ҳисор-Помир тоғларидан кўплаб неолит даври ёдгорликлари очилди ва ўрганилди. Бу ўзига хос маданият фанда **Ҳисор маданияти** деган ном олди. Асосан тоғолди ва тоғликларга хос бўлган Ҳисор маданиятига мансуб ёдгорликлар 200 дан зиёд бўлиб, Тутқовул, Сойсайёд, Қуйи Булён, Дарайи Шўр, Газиёнтепа кабилар шулар жумласидандир. Ҳисор маданиятига мансуб ёдгорликлар асосан мил. авв. V–III минг йилликларга оиддир.

Ҳисор маданияти соҳиблари сопол идишлар ясаб, асосан чорвачилик, овчилик, қисман термачилик билан шуғулланганлар. Ҳисор маконларидан топилган турли-туман топилмалар ушбу жараёнлардан далолат беради.

Демак, Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларидан-шимолдаги Устюртдан, Марказий ва Жанубий Қозиғистондан, Қизилқум ва Қорақумдан, Қашқадарё ва Зарафшон воҳалари, Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсидан кўплаб неолит даври маконлари очилган. Хусусан, неолит даври **Марказий Фарғона маданияти** фанда Ўрта Осиёда тўртинчи неолит даври маданияти деб киритилган.



Неолит даври меҳнат қуроллари

Ушбу маконларда олиб борилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, неолит даврига келиб, мезолитнинг сўнгги босқичларида кашф этилган тош болталар анча кенг тарқалади. Парракчалар, найза ва камон ўқларининг учлари, пичоқлар, тешгичлар, пармалар, қирғичлар, ёрма тошлар, ўроқ ва бошқа қуроллар такомиллашади. Энг қадимги даврнинг дастлабки даврида қўлга киритилган барча ютуқлар бу даврга келиб якунланади. Неолит даври одамлари ўзларининг тинимсиз меҳнати, кузатувчанлик қобилияти, ибтидоий билимларини сафарбар қилиб, хўжаликнинг илғор, унумдор шаклини – деҳқончилик ва чорвачиликни кашф этдилар. География муҳит ва шарт-шароитнинг турли-туманлиги бу давр қабилаларида меҳнат қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, турар-жойлар ва хўжаликларнинг турлича бўлишига олиб келди. Хусусан, Ўрта Осиёнинг жанубидаги неолит даври қабилалари хўжаликнинг деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик шаклларини ривожлантирган бўлса, шимолдаги қабилалар эса табиий шароитнинг ноқулайлиги туфайли узоқ вақт ривожланишдан орқада қолган. Бу ҳолат эса ҳудудлардаги хўжалик ҳаётининг нотекис ривожланишига сабаб бўлган эди.

Неолит даврида қадимги аждодларимиз лойдан идишлар ясаб, уларни оловда пиширish йўли билан кулолчиликка асос солдилар. Шунингдек, ип йигириш асосида тўқимачиликни кашф этдилар. Одамлар ёғоч ва қамишдан қайиқ ясаб (қайиқсозлик), сувда сузишни ҳам ўзлаштирдилар. Хуллас, неолит даври ютуқларга бой бўлиб, ўзидан илгариги даврларга нисбатан юксак ривожланиш даври бўлди.

Тадқиқотлар натижаларига қараганда тош ва бронза даврлари ўртасида **мис-тош (энеолит)** даври бўлганлиги аниқланган. Бу давр металл қуролларнинг барчаси бронзадан қилинмай, соф мисдан ясалганлиги маълум. Ўрта Осиёда энеолит даври нисбий тарзда мил. авв. IV минг йилликнинг охири – III минг йилликнинг бошларини ўз ичига олади. Бу даврда мис ўзининг кимёвий хоссалари (тез эрувчанлик, эгилувчанлик) туфайли хўжалик ҳаётида устунлик қила олмади. Ишлаб чиқаришда аввалгидек тош қуроллар асосий ўринда бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам бу давр мис-тош асри деб юритилади.

Мезолит охирида ва неолит даврида териб-термачлаб овқат топишдан ёввойи ўсимликларни экиш ва ўтказиш йўли билан маданийлаштириш орқали вужудга келган деҳқончилик энеолит замонида юқори хўжалик турига айланиб борди. Деҳқончилик билан уй чор-

вачилиги ортиқча маҳсулот етиштиришга ва мол айирбошлашни тартибга солишга асос бўлган. Ўрта Осиё ҳудудларида қуйидаги янги тарихий-маданий жараёнлар энеолит даври билан боғлиқдир:

1. Хўжаликнинг бошқа ҳамма турларига қараганда ҳайдама деҳқончиликнинг устунлик қила бошлаши.

2. Тошдан ишланган қуроллар кўп бўлган ҳолда мис қуролларнинг пайдо бўлиши.

3. Катта-катта жамоаларнинг пахсадан ва хом ғиштдан тикланган катта-катта уйлари.

4. Кулолчиликда муҳим техника ютуғи – хумдонларнинг ишлатилиши.

5. Ўтроқчилик хўжалигининг ривожланиши, жамоа бирлашмаларининг уйлари ва қурилишида хом ғиштнинг пайдо бўлиши.

6. Турли ҳайвонларнинг лойдан ясалган ва она уруғи тузумига (матриархатга) хос ҳайкалчалари.

7. Рангдор сопол буюмлар, яъни турли тасвирлар ишланган сопол буюмларнинг мавжудлиги.

Энеолит даврида Ўрта Осиё аҳолисининг маданияти бир босқич юқорига кўтарилади. Лекин бу ҳудудлардаги қабилаларнинг маданий ва ижтимоий тараққиёти бир хил даражада эмас эди.

Қадимги қабилалар мис-тош даврига ўтгач, маданий, хўжалик ва ишлаб чиқариш тараққиётининг янги босқичи бошланади. Янги хўжалик турлари – деҳқончилик ва чорвачилик аввалгидек, Туркманистоннинг жануби-ғарбидаги қулай географик шароитда ривожланади. Бу пайтда қуйи Зарафшон ва Амударё ҳавзаларида яшовчи қабилалар ҳали маданий ўсимликлар ўстиришга ўтмаган эдилар. Ўрта Осиёнинг шарқий қисмидаги тоғли ҳудудлар аҳолиси хўжалигида эса овчилик устун эди. Демак, илк ва ривожланган мис-тош даврида Ўрта Осиё қабилаларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишида катта фарқлар ва нотекисликлар сақланиб қолади.

Дашт ва тоғ ҳудудларидан топилган хилма-хил моддий манбаларни ўрганиш натижалари (сопол идишлар, тош қуроллар, ҳайвонлар ва қушлар суяклари) қабилаларнинг иқтисодий ҳаётида қўшимча хўжаликлар – овчилик ва балиқчилик асосий манба бўлганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, дашт одамлари тарихида чорвачиликнинг илк босқичи бошланади дейиш мумкин. Лекин неолит даври анъаналари ўз аҳамиятини йўқотмаган. Аҳолининг асосий қисми

дарёларнинг ирмоқлари соҳилида ва кўллар атрофида яшаган. Табиий бойликлар энеолит даври одамлари учун ҳаёт манбаи ҳисобланган.

Энеолит даврига оид муҳим ёдгорликлар Жанубий Туркманистондаги Анов ва Намозгоҳтепа ҳудудларида аниқланган. Бу ердаги уй-жойлар хом ғиштдан қурилган. Моддий топилмалар орасида мис қуроллар тош қуролларга нисбатан камчиликни ташкил этади. Шунингдек, бу маконлардан топилган гулдор сопол буюмлар кулолчиликнинг ҳам анча ривожланганлигидан далолат беради. Сирти қора бўёқда геометрик чизиқлар ва ҳайвон ёки қуш расмлари билан безатилган бу топилмалар мил.авв. IV минг йилликка оиддир.

Ўзбекистон ҳудудларида энеолит даври ёдгорликлари ҳозирча яхши ўрганилмаган. Мил. авв. IV-III минг йиллик бошларида Амударё ва Зарафшон қуйи оқимларида Калтаминор маданияти тош қуроллари, сопол идишлари ва уй-жойлари кенг тарқалган. Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқ даштларида ва Орол денгизи соҳилларида овчилик, балиқчилик ва илк чорвачилик хўжаликлари ривожланади. Бухоро воҳасидаги Лавлакон, Бешбулоқ маконлари ва Замонбобо қабристонининг энг пастки қатламлари энеолит даврига оиддир. Бу ёдгорликлардан сўнгги Калтаминор топилмаларига ўхшаш сопол идишлар бўлаклари ва чақмоқтош билан бирга мисдан ясалган игналар ва мунчоқлар топилган.


Юқори Зарафшоннинг Панжикент шаҳридан 15 км ғарбда жойлашган Саразм қишлоғи харобаси энеолит даври деҳқончилик қабилаларининг Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқига ёйилганидан далолат бериб, қадимги аҳолининг деҳқончилик чегараларини ҳам кўрсатади.

Умумий майдони 90 гектар бўлган Саразм қишлоғи харобалари 10 та тепаликда жойлашиб, 4 та даврга бўлинади. Улар топилмаларга қараб бир-биридан фарқ қилади. Дастлабки икки давр энеолит, кейинги икки давр эса бронза даврига оиддир. Саразмдан уй-жой ва рўзғор-хўжалик иншоотлари қолдиқлари очиб ўрганилган. Бу ерлардан сопол идишлар, металлдан ва тошдан ишланган қуроллар, (жумладан тош кетмонлар) зеб-зийнат буюмлари кўплаб топилган.

Саразм моддий топилмаларида Жанубий Туркманистон, Жанубий Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон маданиятларига мансуб буюмлар ҳам бор. Улар энеолит даври қабилалари ўртасидаги кенг маданий ва иқтисодий алоқалардан далолат беради.

5. Ибтидоий тасвирий санъат. Бронза даври ютуқлари. Ёзув ҳақида янги маълумотлар





Дунё тарихида ибтидоий тасвирий санъат, хусусан, ғорларнинг деворларига турли тасвирлар тушириш сўнгги палеолит даврига оиддир (Испаниядаги Алтамир ғори). Ўрта Осиёда унгурлар ва қоятошларга ишланган расмлар мезолит даврида пайдо бўлади. Неолит даврига келиб бу санъат янги асосда ривожланиш босқичига ўтади. Калтаминор, Ҳисор, айниқса Жойтун маданиятига мансуб ёдгорликлардан ибтидоий санъатнинг намуналари топилган. Ўтмиш тарихимизнинг хилма-хил ёдгорликлари орасида муҳим аҳамиятга эга бўлган ва Ўрта Осиёнинг тоғли туманларида кенг тарқалган қоятош расмлари ишланиш усулига кўра икки хилдир. Бу ҳолатда бир хиллари бўёқ (охра) билан, **Альтамир ғори (Испания),** иккинчи хиллари эса-уриб-ўйиб ишқалаш, **ҳайвон тасвири** чизиш усули билан ишланган расмлар (петроглифлар) кенг тарқалган.

Ўлкамиздаги қоятош расмларнинг энг нодир намуналари Зараутсой, Сармишсой, Биронсой, Кўксарой, Такатош, Тераклисой, Хўжакент ҳудудларида бўлиб, улар юздан зиёддир. Мазкур жойлардаги қоятошларда Ўзбекистоннинг қадимги ва ҳозирги ҳайвонот олами



Зараутсойдаги ҳайвонларни овлаш манзаралари

вакилларининг расмларини кузатиш мумкин. Улар буқалар, шерлар ва йўлбарслар, қоплон, тулки ва бўрилар, буғу ва жайронлар кабилардир. Расмлар орасида ўқ-ёй, қопқон каби нарсалар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Мавжуд қоятош расмлари мазмунан бой ва манзараси жиҳатдан хилма-хилдир. Унда одамлар, ов, йиртқич ҳайвонлар тўқнашувлари манзаралари тасвирланган.

Республикамиздаги энг қадимги расмлар Зараутсойда бўлиб (Сурхондарё), бу расмлар мезолит-неолит, яъни, мил.авв. VIII–IV минг йилликларга оиддир. Қоятош расмлари орқали ўша давр одамларининг ов, меҳнат ва жанговар қуролларини билиб олишимиз мумкин. Шунингдек, қоятош расмлар қадимги авлодларимизнинг ғоявий қарашлари ва диний эътиқодларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир. Ундан ташқари, қоятош суратлари мазмун ва манзараларининг бойлиги билан ажралиб туради ва улар кенг тарқалади. Ушбу суратларнинг ишланиш услуби хилма-хил бўлиб, археологик ёдгорликларнинг бир тури ҳисобланади. Уларнинг мазмун ва манзараси маъносидан келиб чиқиб, ибтидоий ёки қадимги давр кишиларининг хўжалик ҳаёти ҳақида, ҳайвонларни ов қилиш, қўлга ўргатиш ва хонакилаштириш, чорвачиликни пайдо бўлиши ҳақида маълум тасаввурларга эга бўлишимиз мумкин. Айни пайтда қоятош расмлари ўзига хос санъат асари бўлиб, улар орқали биз ибтидоий ва қадимги одамларнинг санъати, эстетик истеъдоди ўша давр нуқтаи назаридан юқори даражада бўлганлигини билиб олишимиз мумкин.

Тошкент воҳаси қоятош тасвирлари Ғарбий Тяншандаги энг кўп тарқалган қадимги санъат тури ҳисобланади. Бу ҳудуд тарихий ёдгорликларга жуда бой бўлиб, ҳозирги вақтда уларнинг сони 10 мингдан ошади. Улар мавзуларнинг турли-туманлиги, юқори бадиий даражаси, манзараларининг оригиналлиги ва ажойиблиги билан ажралиб туради. Тошкент воҳасидаги айрим петроглифлар Марказий Осиёда машҳур ҳисобланади. Ўзига хос ва бетакрор қоятош суратларини Хўжакент, Қорақиясой, Бошқизилсой, Чотқол, Оҳангарон каби жойларда учратиш мумкин.

Ушбу ёдгорликлардаги қоятош расмларининг хронологик санаси – энеолит – бронза давридан антик давргача боради. Мазкур суратлар мазмун ва мавзу жиҳатидан анча бой ва ранг-барангдир. Улар орасида от, ит, туя, қўй, эчки, тоғ такаси, архар, бўри, тулки, қоплон каби ҳайвонлар тасвирлари, шунингдек, маъноси ҳозиргача номаъ-

лум бўлган турли шакл ва белгилар сақланиб қолган. Таъкидлаш лозимки, расмлар орасида якка ҳолда, тўда ҳолда ва рақсга тушаётган бирор-бир одатни ижро этаётган кишиларнинг тасвирлари ҳам учрайди.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида кенг тарқалган қоятош суратларини ўрганиш катта илмий аҳамиятга эга. Чунки улар ҳам бошқа моддий манбалар қатори қадимги аждодларимизнинг турмуш тарзи, ижтимоий ҳаёти, маданияти ва санъати, диний тасаввурлари ҳақидаги муҳим манба ҳисобланади. Қоятош суратларининг аҳамияти яна шундаки, улар Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистоннинг ҳайвонот дунёси тарихини, ҳайвонларнинг хонакилаштирилиши, чорвачиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихини ўрганишда кенг имкониятлар очиб беради.

Кўпчилик тадқиқотчилар фикрига қараганда бронзанинг ватани Кичик Осиё ва Месопотамия бўлган. Қадимги Миср, Месопотамия, Кичик Осиё ва Эроннинг жануби-ғарбида мил авв. III–II минг йилликнинг бошларида ривожланган жамият кенг равнақ топади. Ўрта Осиёда **бронза даври** мил. авв. III минг йиллик ўрталаридан I минг йилликнинг бошларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, бронза асри учта хронологик даврга: илк, ривожланган ва сўнгги бронза даврларига бўлинади. Ўрта Осиёнинг шимолий ва шарқий ҳудудларида мавжуд бўлган бронза даври ёдгорликлари маданияти жанубий ҳудудлардаги ўтроқ маданиятдан ажралиб туради.

Ўзбекистон ҳудудида бронза даврида асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган қабилаларнинг моддий-маданий ёдгорликлари Хоразмда 50 дан зиёд очилган бўлиб, улар фанда **Тозабоғёб маданияти** номи билан машҳурдир. Бу маданиятга мансуб сопол буюмлар Қозоғистон ва Сибир ҳудудларидан топилган сопол буюмларга анча ўхшаб кетса-да, ўзига хос хусусиятлари билан Шарқий Европа чорвадорлари яратган бронза даври Ёғочбанд маданиятидан, Қозоғистон ва Сибирдаги Андроново маданиятидан ҳам фарқ қилади. Бунга асосий сабаб, тозабоғёбликлар орасида деҳқончилик кенг тарқалган. Тозабоғёб маданиятига оид маконларнинг айримларидан қадимий мозорлар (Кўкча), кўпчилигидан эса ярим ертўла шаклидаги уй-жой қолдиқлари очилган. Улардан зебзийнатлар, ҳайвон суяклари, сопол идишлар, тошдан ва бронзадан

ишланган қуроллар топилган. Тозабоғёб сопол идишлари, асосан, қўлда ишланган.

Хоразмдаги сўнгги бронза даврига оид ёдгорликлар **Амиробод маданияти** номи билан машҳур бўлиб, мил. авв. IX–VIII асрларга оиддир. Бу маданият соҳиблари Тозабоғёб маданияти хусусиятларини сақлаб, ярим ертўла турар-жой, суғориш иншоотлари излари ва қўлда ясалган сопол идишлар билан изоҳланади. Амиробод маданиятига оид қатор ёдгорликлар очилган бўлиб, улар орасида энг яхши сақланган ва бой археологик материаллар бергани Якка-Парсон 2 макони ҳисобланади. Маконни қазиш вақтида 20 га яқин ертўла типидаги турар-жойлар очилган. Ёдгорликдан ғалла ўралари, омборлар, ўчоқ, бигиз ва кўплаб ҳайвон суяклари топилган. Сопол идишлар қўлда ясалган.

Қуйи Зарафшоннинг бронза даври ёдгорликлари **Замонбобо маданияти** номи билан аталади. Бу даврга мансуб ёдгорликлар орасида Замонбобо кўли ёқасидан топилган қадимги қабристон, айниқса, диққатга сазовордир. Қабрлар якка ва жуфт қабрлар бўлиб, дафн этиш жараёнида кўмиш маросимларига амал қилинган. Қазишмалар жараёнида эркаклар қабрларидан ўқ-ёй пойконлари, пичоқлар, пичоқсимон тош қуроллар ва турли шаклдаги сопол идишлар; аёллар қабрларидан сопол идишлар, бронза кўзгу, упадон, сурмадон каби пардоз буюмлари ва ярим қимматбаҳо тошлардан турли шаклда ишланган мунчоқ ва маржонлар топилган.

Замонбоболиклар чайласимон кулбаларда истиқомат қилиб, деҳқончилик ва хонаки чорвачилик билан шуғулланганлар. Топилган кўплаб меҳнат қуроллари, бошоқли ўсимликлар қолдиқлари ва ҳайвонлар суяклари шундан далолат беради. Шунингдек, замонбоболиклар жамоасида ҳунармандчиликнинг турли тармоқлари, хусусан, кулолчилик, бронзани эритиб ундан ҳар хил ашёлар ясаш, айниқса, тошни ишлаш техникаси анча ривожланган.

Замонбобо маданияти жанубдаги ўтроқ деҳқончилик жамоалари таъсирида шаклланган. Бу маданият хонаки чорвачилик ва мотига (кетмонча) деҳқончилиги билан кун кечирган Бухоронинг туб аҳолисига мансубдир. Бронза даврида Бухоро воҳасининг дарё адоқларида эндигина деҳқончилик ва хонаки чорвачилик билан шуғулланувчи илк қишлоқлар пайдо бўлиб, улар ярим ертўла ва шох-шабба енгил чайлалардан иборат турар жойлардан ташкил топган. Буларда уй

ҳунармандчилигининг мисгарлик, тоштарошлик, тўқимачилик каби турлари мавжуд бўлса-да, аммо ҳали улар касб-ҳунарнинг ривож топган даражасига етиб бормаган эди.

Ўзбекистоннинг жанубидаги бронза даври ёдгорликлари қадимги суғориш ҳудудлари – Улонбулоқсой, Шеробод, Бандихон ва Миршодида топиб текширилган. Улар **Сополли маданияти** номи билан машҳурдир.

Сополлитепа Шеробод чўлида жойлашган бўлиб, уч қатор мудофаа деворлари билан ўраб олинган йирик қишлоқ бўлган. Унинг умумий майдони 4 гектарга яқин. Ёдгорликда узоқ йиллар тадқиқотлар олиб борган А.Асқаровнинг фикрича, Сополлитепа мустаҳкам асосда қад кўтарган бўлиб, қуйидаги ажралиб турувчи белгиларига эга: икки қисмли тузилиш – мустаҳкам марказий қисм ва унинг атрофида мустаҳкамланмаган маскан; унча катта бўлмаган майдони; асосий қисмнинг аниқ режавий тузилиши; саккизта турар-жойлар қисмларининг марказлашуви ва уларнинг йўлаклар билан ажралиб туриши; бўлма (отсек)лари бўлган ҳимоя деворлари. Ундан ташқари, кулолчилик ва металлга ишлов бериш ҳунармандчилиги ҳамда деҳқончиликнинг етакчи мавқега эга бўлиши ҳам Сополлитепа учун хосдир.

Амударёнинг ўнг қирғоғида шаклланган Сополлитепа – бронза давридаги дарёдан кечув йўлини ҳимоя қилувчи мустаҳкам олдинги истеҳком (форпост) сифатида пайдо бўлган. Кейинчалик ўтроқ деҳқончилик жамоалари шимолий чегараларининг кенгайиши муносабати билан Сополлитепа ўзининг илгариги аҳамиятини йўқота бошлайди ва бўшаб қолади. Асосий марказ вазифаси эса тоғ дарасидан



Сополлитепа. Бронза кўзгу



Сополлитепа. Бронза идишлари

чиқувчи йўл устидаги мустаҳкам қалъа сифатида пайдо бўлган Жарқўтонга ўтади.

Мил.авв. II минг йилликнинг ўрталарига келиб **Жарқўтон** ўша ҳудудлардаги деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли қабилалари уюшмаларининг мустаҳкам истеҳкомига айланади. Айнан мана шу истеҳком орқали Ҳисор тоғ олди воҳалари ва жанубий Тожикистоннинг ғарбий ҳудудларига шимолдаги аҳоли кўчиб ўтади. Бу ҳудудлардан топилган ёдгорликлар топографияси ва уларни давлатлаштириш ушбу жараён изчиллик билан бўлиб ўтганлигини кўрсатади. Бу жараённинг ривожланиши мил.авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ўтроқ деҳқончилик турмуш тарзи кечирувчи аҳоли манзилгоҳларида аҳоли сонининг ўсиши ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёти учун ҳам кенг имкониятлар яратди.

Ўзбекистон ҳудудида чорвадор қабилаларга мансуб бронза даври қабристони Самарқанд яқинидаги **Мўминобод** қишлоғида ҳам топилган.

Қуйи Қашқадарё **Гужайли** қабристонидан чорвачилик ва деҳқончилик қабилалаларига тегишли бўлган ашёлар, Фарғона водийси Янгиариқ ҳудудида деҳқончилик буюмлари ва деҳқончилик билан боғлиқ қоятош суратлар, Чустдан ҳунармандчилик ва деҳқончиликка оид буюмлар кўплаб топилган.

Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, Фарғона водийсида деҳқончилик маданиятининг тараққиёти мил.авв.II минг йилликнинг охирги чорагида бошланади. Бу маданият фанда биринчи топиб ўрганилган жой номи билан **Чуст маданияти** деб номланган. Даврий жиҳатдан Чуст маданияти ёдгорликлари иккига бўлинади ва биринчи босқич мил.авв.XII–IX асрлар, иккинчи босқич кейинги асрлар билан саналади.

Қадимги Фарғона деҳқонлари кўп ҳолларда сув манбалари атрофларида ўз маконларини бунёд этганлар. Сўнгги йилларда Фарғонадаги бронза даври аҳолисининг ерни ҳайдаб деҳқончилик қилганлари ҳақида янги маълумотлар олинди. Хусусан, Фарғона тоғ тизмаларидаги Соймалитош ҳамда Сўх яқинидаги Янгиариқсой қоятош суратларида қўш ёрдамида ерга ишлов бераётган инсон тасвири аниқланган. Умуман, Фарғона водийсида Чуст маданиятининг 80 дан ортиқ ёдгорликлари ҳисобга олинган.

Бу даврда ҳунармандчилик соҳасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилади. Хусусан, кулолчилик чархида тайёрланган сопол идишлар кенг тарқалади. Бундай идишлар қўлда ишланган сополлардан анча фарқ қилиб, асосан деҳқончилик маданияти учун хосдир. Кулолчилик чархининг ҳунармандчиликка кенг кириб келиши сополчилик ишлаб чиқариши янги техникасининг яратилишига сабаб бўлиб, кейинчалик ихтисослашган ҳунармандчиликка ўтишининг асосий омилларидан бири бўлиб хизмат қилди.


Мил.авв. II минг йилликка келиб, Ўзбекистоннинг дашт ҳудудларига чорвадор қабилалар аста ўрнаша бошлайдилар. Уларнинг маконларидан топилган моддий манбалар Жанубий Қозоғистон чўлларидаги Андронов маданиятига ўхшаб кетади. Дашт қабилалари тарқалганлигидан, айниқса, сопол идишлар, металл буюмлар ва чорвадор қабилаларга мансуб қадимги қабрлар тузилиши далолат беради. Бу ўринда тадқиқотчилар бронза давридаёқ Ўрта Осиё ҳудудларида маълум даражада этник маданий жараёнлар бўлиб ўтган деган фикрни илгари сурадилар.

Бронза даврининг хўжалик соҳасида эришган энг катта ютуқларидан бири қадимги деҳқончиликнинг кенг ёйилиши ва мил.авв.II минг йилликда **чорвачиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқишидир.** Металл қуроллар қадимги ижтимоий-иқтисодий тараққиётни тезлаштиргани туфайли Ўрта Осиё дашт ва тоғ олди ҳудудларида яшаган аҳоли бошқа аҳолидан (деҳқонлардан) ажралиб чиқади ва асосан чорвачилик билан машғул бўлади. Бу тарихий жараён кишилик жамияти тараққиётидаги дастлабки йирик меҳнат тақсимоти эди.

Бу давр манзилгоҳларини ўрганиб, унда икки хил маданият ҳукм сурган дейиш мумкин. Биринчиси, қадимги қабилалар деҳкончилик учун қулай ерларга жойлашиб, юксак деҳқончилик маданиятини яратган бўлсалар, иккинчиси, худди биринчи маданият соҳиблари даражасида ишлаб чиқарувчи кучларга эга бўлган ҳолда дашт ва тоғ олди яйловларида чорвачилик маданиятини яратганлар.

Бронза даврида Ўрта Осиёнинг ижтимоий тузумида ҳам ўзгаришлар содир бўлиб ўтди. Уруғчилик тузуми бу даврда ҳам давом этди. Аммо бу даврда она уруғнинг мавқеи йўқолиб борди. Металл эритиш ва хўжаликнинг ривожланиши натижасида жамиятда эркаклар меҳнати аҳамиятга эга бўлиб борди. Натижада, жамият тараққиётида, деҳқончилик, чорвачилик, овчилик ва чорвачиликнинг ривож-

Ибтидоий жамиятнинг асосий белгилари



ланишида эркаклар етакчилик қиладилар. Хотинлар эркаклар ишлаб чиқарган нарсаларни истеъмол қилишда иштирок этсалар ҳам, унга эгалик қилишдан маҳрум бўладилар. Ишлаб чиқаришда ҳукмронлик қилиш шу тариқа эркаклар қўлига ўтади ва она уруғи тузуми ўрнини ота уруғи (патриархат) тузуми эгаллайди.

Ўрта Осиё ҳудудларида ёзув яқин кунларгача мил.авв.V–IV асрларда пайдо бўлган деб келинар эди. Сўнгги йиллардаги тадқиқотлар бошқачароқ хулосалар бермоқда. Хусусан, 2000 йилда Жанубий Туркманистондаги Гонуртепа қўҳна шаҳрида очилган қабрларнинг биридан мил.авв.III йилликка оид ўйма сопол муҳр топилди. Унда миххат ёзувлар бор эди. Жанубий Туркманистон қадимиятининг билимдони В.Сарианиди ва америкалик мутахассис Т.Шарлачнинг фикрича, бу хилдаги муҳрлар фақат подшо атрофидаги, подшо саройига яқин шахсларга тегишли бўлиши мумкин. Месопотамиядаги Саргон муҳрларини (мил.авв.2250–2200 йй.) эслатувчи Гонуртепа муҳри маҳаллий хом ашёдан тайёрланган бўлиб, ундаги миххат ёзувлар **«Лукакс хўжалик ва қуллар ҳукмдори»** деб ўқилди. Ушбу ёзув бу ердаги бронза давридаёқ якка ҳукмдор бошқаруви ва Месопотамия билан ўзаро алоқалардан далолат беради.

Шунингдек, сўнгги археологик маълумотларга кўра, Ўзбекистоннинг жанубидан ҳам пиктографик белги-ёзувлар топилган. Тадқиқотчи Ш.Шайдуллаевнинг фикрича, Жарқўтон ёдгорлигидан сопollарга битилган 47 та белгидан иборат ёзувнинг топилиши аждодларимизнинг бронза даврида пиктографик ёзувни яратгани ва ўз фикрини турли белгиларда ифодалаганини кўрсатади. Шунингдек, Шероботдаги Ғоз қишлоғи ёнидаги илк темир асрига оид ёдгорликдан тош ўғир (кели) топилган бўлиб, унинг сиртида умумий сони 14 та бўлган пиктографик белги-ёзув мавжуд. Ш.Шайдуллаев бу белгини Миср иероглификаси билан солиштириб, улардан бири **«ҳақиқат»**, яна бири эса дунёнинг айланиши, яъни **«чархпалак»** деб ўқилиши мумкинлигини тахмин қилади.

6. Ўзбекистон ҳудудларида илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши жараёнлари

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўзбекистоннинг бронза даврига оид ёдгорликларни кенг миқёсда тадқиқ этилиши натижасида ушбу ҳудудларнинг қадимги тарихи ва маданияти тўғрисида бой маълумотлар олинди. Турли йилларда жанубий Ўзбекистон ҳудудларида илк, ривожланган ва сўнгги бронза даври илк деҳқончиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, урбанизация жараёнлари ҳамда илк давлатчилик масалалари, маданий ва иқтисодий алоқалар, ҳунармандчиликнинг тараққий этиши масалалари, уларни қиёслаш ва умумлаштириш бўйича А.Асқаров, Э.Ртвеладзе, А.Сагдуллаев, Т.Ширинов, Б.Абдуллаев, У.Раҳмонов, Э.Сайко, Ш.Шайдуллаев, Б.Эшов, Ў.Мавлонов каби олимлар тадқиқот ишлари олиб бордилар. Ушбу тадқиқотлар натижасида бронза ва илк темир даври ўлкамиз жанубий ҳудудларида бўлиб ўтган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёт масалалари ва айниқса, ушбу ҳудудларда илк шаҳарларнинг пайдо бўлиш асослари ва ривожланиш босқичлари, илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши жараёнларига кўплаб аниқликлар киритилди. Ушбу масалалар бўйича жуда кўп янги маълумотлар фанга жорий этилди ва этилмоқда.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, неолит даврига келиб «ҳисорлик» овчилар кичик ва йирик дарёлар воҳаларини, Бойсунтоғ ва Кўҳитанггача бўлган тоғ ва тоғ олди ҳудудларини ўзлаштирадилар. Бронза даврига келиб эса бу ҳудудларда бошқа кўринишга эга бўлган ҳамда ўзига хос хўжалик шаклидаги янги маданиятлар шакллана бошлайди.

Ушбу маданият соҳиблари яшаган масканлардан бири Сополлитепа бўлиб, бу ёдгорлик Сурхондарё вилояти Шеробод тумани ҳудудида, Кўҳитангтоғдан оқиб тушувчи кичик дарёнинг қадимги ирмоғи бўйида жойлашган. Сополлитепа пайдо бўлган сой маҳаллий аҳоли орасида Ўланбулоқсой деб аталади. Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида ҳозирги кунга қадар аниқ бўлган энг қадимги ўтроқ деҳқончилик жараёнлари тадқиқотчиларнинг фикрича, қуйидаги бешта асосий босқичга бўлинади:

1. Сополлитепа босқичи – мил.авв. 1700–1500 йй.
2. Жарқўтон босқичи – мил.авв.1500–1350 йй.

3. Кўзали босқичи – мил.авв.1350–1200 йй.

4. Молали босқичи – мил.авв.1200–1050 йй.

5. Бўстон босқичи – мил.авв. 1050–900 йй.

Ушбу босқичларнинг саналари тадқиқотчилар томонидан махсус таҳлил этилиб, илмий жиҳатдан асосланган (А.Асқаров).

Сополли маданияти ҳукм сурган давр тарихий-маданий жараёнларига назар ташлайдиган бўлсак, мил.авв.II минг йилликда Амударёнинг ўнг ва чап қирғоғида кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича иккита: Сополли маданияти ва Дашли маданияти ёки Сополли-Дашли маданиятининг икки хил кўриниши кенг тарқалади.

Амударёнинг ўнг қирғоғида шаклланган Сополлитепа-бронза давридаги дастлабки ўтроқ деҳқончилик қишлоғи ҳисобланади. Аммо кейинчалик асосий марказ вазифаси Жарқўтонга ўтади. Жарқўтон ёдгорлиги Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Шеробод дарёсининг кўҳна ўзани Бўстонсой ёқасида жойлашган. Ушбу ёдгорликда 1973 йилдан бошлаб узлуксиз олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида бу ҳудудларда рўй берган урбанизация жараёнларига кўплаб аниқликлар киритиш имконияти пайдо бўлди. Хусусан, Жарқўтондаги 100 гектардан кам бўлмаган ҳудуддан арки аъло, шаҳристон, улкан ибодатхона қолдиқлари, металл эритувчи печлар, 20 га қабристон, кўплаб моддий маданият буюмлари топиб ўрганилган. Ундан ташқари, Жарқўтон ҳудудида олиб борилган тадқиқотлар кўҳна шаҳарнинг пайдо бўлиб ривожланган санасини аниқлаш ҳамда ушбу ҳудудларда юз берган тарихий-маданий жараёнларни бир неча босқичларга ажратиб ўрганиш имкониятини берди.

Ушбу тадқиқотлар натижаларига кўра, Жарқўтондаги қадимги шаҳар ҳаёти дастлаб уч босқичга, яъни Жарқўтон (мил.авв.1500–1350 йй.), Кўзали (мил.авв.1350–1200 йй.) ва Молали (мил.авв.1200–1000 йй.) босқичларига бўлинади. Кейинроқ Жарқўтоннинг қарама-қаршисида, Бўстонсойнинг ўнг соҳилида ўрганилган ёдгорликлардаги тадқиқотлар натижасида Молали босқичини икки фазага, яъни Молали (мил.авв.1200–1000 йй.) ва Бўстон (мил.авв.1000–900 йй.) фазаларига бўлиб ўрганиш имконияти пайдо бўлди.

Олиб борилган тадқиқотлар таҳлилидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, мил.авв.II минг йилликнинг ўрталарига келиб, Жарқўтон ўша ҳудудларда деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли қабилалари уюшмаларининг мустаҳкам истеҳкомига айланади. Афтидан, айнан

мана шу истеҳком орқали Ҳисор тоғ олди воҳалари ва жанубий Тожикистоннинг ғарбий ҳудудларига шимолдан аҳолининг кўчишлари бўлиб ўтади. Айнан мана шу ҳудудлардан топилган ёдгорликлар топографияси ва уларни даврлаштириш ушбу жараён изчиллик билан бўлиб ўтганлигини кўрсатади. Ундан ташқари яна шу нарса ҳам маълумки, бу жараённинг ривожланиши мил.авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ўтроқ деҳқончилик турмуш тарзи кечирувчи аҳоли манзилгоҳларида аҳоли сонининг ўсиши ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёти учун ҳам кенг имкониятлар яратди.

Бронза даври Жанубий Ўзбекистоннинг ўтроқ жамоалари деҳқончилик маданияти ривожининг янги даражасига ўтадилар. Агар Сополлитепада аввалдан ўйланган режа бўйича қурилган шаҳармонанд (протогород)нинг белгилари кўзга ташланса, Жарқўтон эса Ўзбекистон ҳудудларидаги илк шаҳар ривожининг бошқачароқ намунасини акс эттиради. Э.В.Ртвеладзенинг фикрича, Жарқўтон бир неча қишлоқдан иборат бўлиб, унинг ҳудуди аҳолининг турли гуруҳлари томонидан босқичма-босқич ўзлаштирилган. Олимнинг ҳисоблашича, шаҳар тизимининг ривожи маълум схемада бўлиб ўтган: **илк қишлоқ ёки қишлоқлар гуруҳи – шаҳармонанд – шаҳар.**

Бронза даври Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида яшаган ўтроқ деҳқончилик жамоалари жамият тараққиётининг юқори поғонасида бўлиб, ибтидоийликнинг сўнгги босқичидан цивилизацияга ўтадилар. Ушбу цивилизациянинг бошланиши шаҳармонанд (протогород) белгиларни ўзида акс эттирган Сополлитепа бўлган бўлса, Жарқўтон Ўзбекистон ҳудудларидаги илк шаҳарларнинг ёрқин мисоли эди. Шеробод воҳасидаги шу даврга оид Жарқўтон мажмуига кирувчи масканлар гуруҳини эса шаҳар-давлат ёки давлатлар билан қиёсий солиштириш мумкин. Ёки ҳеч бўлмаганда, мил.авв.II минг йилликнинг сўнгги чорагидаги Шимолий Бақтрия ҳудудларида йирик ва мустаҳкамланган марказларга эга бўлган, ном ёки воҳа кўринишидаги давлатларнинг бошланиш босқичида бўлган ҳудудий-сиёсий бирлашмалар шакллана бошлаган деган ғояни илгари суришимиз мумкин.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича, ўзига хос тараққиёт босқичини босиб ўтган илк шаҳарсозлик ривожи занжирига Фарғона водийси ҳам киради. Водийдаги ўзида илк шаҳарсозлик бел-

гиларини акс эттирувчи (катта майдон, мураккаб тузилиши ва мудофаа тартиби, алоҳида арк, ҳунармандчилик маркази ва бошқ.) археологик ёдгорликлар ҳақидаги концепция 1973 йилдаёқ Ю.А.Задрепровский томонидан ишлаб чиқилган эди. Шундан сўнг ушбу масала юзасидан айрим мулоҳазалар билдирилган бўлишига қарамай, юқоридаги концепция ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Сўнгги йилларда олиб борилган археологик-палеогеографик тадқиқотлар натижасида Фарғона водийси қадимги даврининг инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларига кўпгина аниқликлар киритилди. Фарғоналик қадимги бободеҳқонлар суғориладиган ерларни ўзлаштира бориб, қатор сифатлари, аввало, тупроқ экологик шароитлари билан фарқланиб турадиган ҳудудларда жойлашадилар. Улар табиий ландшафтлардан тўғри ва оқилона фойдаланишлари натижасида ўзларига зарур бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирганлар. Сунъий суғориш ва ерга ишлов бериш билан бирга, сув чўкиндилари ҳам ҳосилдорликни ошириб борган.

Фарғона водийсидаги қадимги зироатчиларнинг маконлари сувга яқин жойлардаги унумдор ерларнинг ўзлаштирилишига қараб алоҳида воҳа ёки гуруҳ тарзида (икки ва ундан ортиқ ёдгорлик) жойлашган. Бунинг исботи сифатида кейинги 50 йил ичида водийда ўрганилган Чуст маданияти ёдгорликлари таркибига кирувчи манзилгоҳларнинг жойлашиш тизимини келтириб ўтиш мумкин. Ана шундай воҳалар Фарғона водийсидаги 15 та географик районда топиб ўрганилган. Булар Ғовасой, Косонсой, Аравансой, Чортоқсой ва бошқалардир. Қадимги деҳқончилик воҳаларининг ҳар бири ёдгорликлар ўлчамлари ҳамда жойлашишига кўра маълум ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши тадқиқотчилар томонидан аниқланган. Ушбу воҳаларда истиқомат қилган аҳоли ўзига хос деҳқончилик жамоаларини ташкил этган. Ҳар бир воҳа ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳамда уларнинг бирлашувидан деҳқончилик марказлари пайдо бўлган.

Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудлари билан қиёсий таҳлил этган Ю.А.Заднепровскийнинг фикрича, қадимги Фарғона каби Ўрта Осиёнинг кўпгина ҳудудларида ҳам деҳқончилик марказлари пайдо бўлади. Буларга Ёз, Яшилли (Туркманистон), Кучуктепа, Чироқчи, Бургулук, Чуст (Ўзбекистон), Шаҳристон (Тожикистон) ва бошқа деҳқончилик марказлари киради. Ушбу бир-бирига ўхшаш деҳқончилик

марказлари орасида даврий жиҳатдан нисбатан қадимгиси Чуст ёдгорликлари ҳисобланади.

Чуст маданияти ёдгорликлари тартибига кирувчи асосий катта манзилгоҳлар Далварзинтепа, Чуст, Ашқолтепалар Фарғона водийсидаги ўзида илк шаҳарсозлик белгиларини акс эттирувчи ёдгорликлар ҳисобланади. Айнан Далварзинтепа ва Чустнинг атрофи ҳимоя деворлари билан ўраб олинган бўлиб, уларда ҳукмдор яшаган арк ажралиб туради.

Кўп йиллик тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқландики, Далварзинтепада яшайдиган аҳоли уни уч қисмдан иборат қилиб қурган. Ҳар бир қисм алоҳида мудофаа деворлари билан ўралган ҳамда уларнинг ўз вазифаси бўлган. Далварзинтепа ҳудудининг 18 га турар-жойлар, 5 га – хавф туғилган пайтда атроф аҳоли жон сақлайдиган бошпана қисми, 2 га эса махсус алоҳида ажратилган қисм бўлиб, бу ерда ҳукмдорлар яшаганлар. Демак, Далварзинтепа пухта ўйланган режа асосида қурилган аҳоли пункти бўлиб, ушбу ёдгорликда илк шаҳарсозликнинг деярли барча белгилари аниқланган.

Далварзинтепада олиб борилган тадқиқот натижаларидан қуйидаги хулоса келиб чиқади.

1. Далварзинтепанинг майдони катта, яъни 25га бўлиб, бу ўлчам ижтимоий-иқтисодий тараққиёт натижаси ҳисобланади.

2. Кўҳна шаҳарда мураккаб режавий тузилиш, учга бўлинган таркибий қисм ҳамда арк мавжуд эди.

3. Ёдгорликда мукаммал мудофаа тартиби мавжуд бўлиб, кўҳна шаҳарнинг ҳар бир қисми алоҳида ҳимояланган эди. Булар орасида аркка алоҳида эътибор берилиб, у анча пухта ўйланган режа асосида мудофаа этилган.

4. Далварзинтепада ҳунармандчиликнинг турли соҳалари – кулолчилик, металл, тош ва суякка ишлов бериш кабилар нисбатан яхши ривожланган.

Юқорида келтириб ўтилган белгиларга кўра, Далварзинтепани илк шаҳар кўринишидаги ёдгорлик деб таърифлаш учун етарли асос бор, деб ҳисоблаш мумкин. Бу йўналишда илмий баҳслар давом этаётган бўлса-да, Далварзинтепа мил.авв.II минг йилликнинг сўнгги чорагидан бошлаб маълум муддат Фарғона водийсининг йирик маданий ва иқтисодий маркази бўлган, деган фикрни илгари суриш мумкин. Ундан ташқари, водийда суғорма деҳқончиликнинг жадаллик билан

ривожланиши урбанизация жараёнларининг тезлашувига олиб келди ва натижада ўтроқ деҳқончилик маданияти ёйилган чегаралар кенгайиб борди.

7. «Авесто» – Ўзбекистон тарихини ўрганишдаги муҳим манба ва маънавий мерос[5]

Ўрта Осиёдаги турли халқларнинг қадимги даврлардаги диний қарашлари ва эътиқодлари, пайғамбарлари ва улар таълимотларининг ёйилиши масалалари узоқ йиллардан буён тадқиқ этилаётган бўлса-да, ҳамон кўпгина олимлар орасида илмий мунозараларга сабаб бўлаётган масаладир. Маълумки, аҳамонийлар давридан бошлаб (балки ундан ҳам олдинроқ) араб босқинига қадар Ўрта Осиё халқлари орасида кенг ёйилган ва асосий дин – зардўштийлик дини эди. Бу диннинг асосчиси Заратуштра ва унинг фаолияти, бу диннинг муқаддас китоби «Авесто» ва у пайдо бўлган ҳудуд ҳақидаги масалалар ҳам ҳозирги кунда кўпчилик тадқиқотчиларнинг диққат марказида турибди.

Жуда кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, Заратуштра афсонавий бўлмасдан, тарихий шахс ҳисобланади. У юнон-рим манбаларида Зороастр, қадимги форс тилида Зардушт, ўрта форс тилида Заратуштра номи билан эслатилади. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, у Спитама авлодидан (Суғдийча Спитаман деган исм ҳам шундан келиб чиққан) бўлиб, отасини Поурўшасп, онасини Дугдова деб аташган. Унинг номи «олтин туяли», «олтин туя етаклаган одам» маъносини беради. Заратуштранинг отаси коҳинлар табақасига мансуб бўлиб, у туғилган мамлакат бизга номаълум. Буларнинг барчаси Заратуштра ҳаёти тарихи, унинг туғилган жойи ва санаси, зардўштийликнинг ватани ҳамда дастлабки ёйилган ҳудудлари ҳақида тўла маълумот бера олмайди. Аммо Авестонинг махсус боблари Заратуштрани тарихий шахс сифатида ёритади.

Заратуштранинг қайси йилда туғилганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ. Тадқиқотчилар фикрларидан хулоса чиқарадиган бўлсак,

---

[5] Ушбу параграфни ёритишда А.Сагдуллаевнинг «Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда» (1996) китобидан кенг фойдаланилди.

унинг туғилган йили кенг тарихий саналар билан боғланади (мил. авв. 1500–1000 йиллардан бошлаб, мил. авв. VII–VI асрларгача). Юнон-рим тарихчилари ҳам Заратуштра қачон туғилганлиги ҳақида аниқ маълумот бермайдилар. Фақатгина лидиялик Ксанф (мил. авв. II аср) Заратуштранинг фаолиятини Ксеркcдан 600 йил аввал эди, деб маълумот беради. Бошқа грек муаллифларининг хабарлари бундан ҳам ишончсиз. Сосонийлар даври (III–VII аср) зардўштийлар анъаналарига эътибор берадиган бўлсак, Заратуштранинг ҳаёти мил. авв. VII асрнинг охири – VI асрнинг бошларига тўғри келади.

Абу Райҳон Беруний Заратуштранинг туғилган йилини Александр Македонскийдан 258 йил олдин эди, деб белгилайди. Айрим тадқиқотчилар бу санани тўғри деса, баъзилари нотўғри деб ҳисоблайдилар. 330 йилда аҳамонийларнинг сўнгги вакили бўлган Доро III вафот этади. Ҳокимият Александринг қўлига ўтади. Агар Беруний маълумотларидан хулоса чиқарадиган бўлсак (330+258=588), Заратуштра мил. авв. 588 йилда туғилган. В.И. Абаев ва И.М.Дьяконов хулосаларига кўра, Заратуштра яшаб ўтган вақт – бу мил. авв. VII–VI асрлардир. Олимлар фикрига кўра, Заратуштра мил. авв. 553–541 йиллар атрофида 77 ёшида вафот этган. Бу сана ҳисобидан Заратуштра 630–553 йиллар ёки 618–541 йиллар давомида яшаб, фаолият кўрсатган.

Заратуштранинг туғилган жойи ҳақида ҳозиргача ҳам баҳслар давом этаётган бўлишига қарамасдан, бу муаммога тўла аниқликлар киритилмаган. У ҳақида турли фикрлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар Заратуштрани ҳозирги Озарбайжон ҳудудида туғилган деб ҳисоблайдилар. Бу олимлар Авестода келтирилган Арьянам Вайжа (Эрон текислиги) вилоятини ўзларига асос қилиб оладилар. Яна бир гуруҳ олимлар Заратуштрани Бақтрияда туғилган деб ҳисоблайдилар. Бу олимлар грек тарихчиси Ктесий маълумотларига асосланадилар. Шунингдек, бу гуруҳ олимлар Авестонинг энг қадимги қисмлари Бақтрияда ёзилганлигини таъкидлайдилар. Яна бошқа бир олимлар гуруҳи Заратуштранинг ватани – қадимги Хоразм деб ҳисоблайдилар. Олимлар орасида Заратуштра ва Авестонинг ватани Суғдиёна деган фикрлар ҳам бор. Авесто матнларида эса Заратуштра туғилган жой ва унинг ватани ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Авестода келтирилган географик ҳудудларни ўрганишдан хулоса чиқарган кўпчилик ҳозирги тадқиқотчилар Заратуштранинг Ўрта

Осиё вилоятларидан бирида, ҳеч бўлмаганда, бу ҳудудга қўшни бўлган шимоли-ғарбий Эрон ҳудудида туғилганлигини эътироф этадилар. Умуман олганда, Заратуштранинг ватани Ўрта Осиё – Хоразм ёки Бақтрия деб ҳисобловчи олимлар кўпчиликни ташкил этади.

Заратуштранинг диний ислоҳотлари ўз ватанида тарафдорларини топмаганлиги боис, пайғамбар ўз юртидан кетишга мажбур бўлган. Заратуштра эътиқодини қабул қилган биринчи тарафдорлари – бу қадимги Бақтрия подшоси Кави Виштасп, малика Хутаоса ва уларнинг яқин қариндошларидир. Заратуштра ўз ғояларида қонли қурбонлик (мил. авв. VII асргача бўлган динларда одамлар ва ҳайвонлар худоларга қурбонлик қилинган) қилишни қатъиян қоралайди. Заратуштра яна шуни таъкидлайдики, одамзод яшашга ҳақли бўлиб, бу ҳуқуқдан уни маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Заратуштра ўз ғояларини тарғиб қила бошлаган давр Ўрта Осиё ва Эрон халқлари тарихида энг муҳим давр эди. Яъни ибтидоий жамоа муносабатлари ўзгариб, давлатчилик тизими муносабатлари қарор топмоқда эди. Янги дин бу ўзгаришларни ўзида акс эттирар ва туғилаётган янги жамиятга хизмат қиларди. У бирлашишга ва кучли марказлашган ҳокимият тузишга, ўша даврда ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланувчи воҳалар аҳолиси учун «худонинг қамчиси (тиғи)» ҳисобланган кўчманчи халқларга қарши кескин курашга чақирди.

Заратуштра ислоҳотлари диний жиҳатдан ҳам, ижтимоий жиҳатдан ҳам битта – улуғ ва донишманд худо Ахурамаздага (сўзма-сўз таржимаси «жаноби доно») сиғинишга ва Ахурамазданинг душманлари деб эълон қилинган собиқ қабила худолари – асуралар ва девларга қарши курашга олиб келди.

Зардўштийларнинг диний фалсафаси қарама-қарши кучларнинг курашига асосланган. Бу кураш худолар ўртасида бошланиб, табиатда ва инсоният ҳаётида ҳам давом этган. Ўшандан бошлаб яхшилик ва ёмонлик, рост ва ёлғон, ёруғлик ва зулмат ўртасида доимий ва муросасиз кураш бошланган. Улар ўртасидаги кураш бутун коинотга ёйилади ва зардўштийларнинг асосий фалсафий таълимоти бўлиб қолади. Ёруғлик, яхшилик кучларини Ахурамазда (Ормуз), ёвузлик, қора ва зулмат кучларни Анхро-Манё (Ахриман) бошқаради.


Ахурамазда яхшилик, ёруғлик, соғлик, бахт-саодат келтирувчи худо ҳисобланган. Заратуштра бундай хабар қилади: «Биз Ахурамаздани

улуғлаймиз, у чорвани, сувни ва ўсимликларни, ёруғликни ва ерни яратган...». Шунингдек, Ахурамазда ҳаётни ва дастлабки одамни яратган худо деб фараз қилинган. Анхро-Манё ёмонлик, ўлим ва зулмат келтирувчи худо ҳисобланган.

Заратуштранинг дини вақт ўтиши билан аста-секин турли халқлар орасида тарқалар экан, ўз асосини сақлаган ҳолда бироз ўзгаради. Ахурамазда ва Ахриман худоларидан ташқари, Авесто бир қатор бошқа улуғ худолар фаолияти ҳақида ҳам ҳикоя қилади.

Митра, Хоума, Анахита, Аши ва Зурвон кабилар шулар жумласидандир. Воҳу Манах (олиҳиммат фикр) чорвага, Аши Ваҳишта эса оловга ҳомийлик қилади ва ҳоказо. Ўтмишнинг энг аҳамиятли динларидан бўлган зардўштийлик диний-фалсафий иккиликни (дуализмни), қадимги урф-одатлар ва тарихий ривоятларни ўзига сингдиради ва бундан ташқари зардўштийлик, пайғамбар Заратуштрадан олдинги даврларга оид қадимги қабилаларнинг фалсафаси ва дунёқарашларини ҳам ўз ичига олади.

Зардўштийлик Сосонийлар даврида (милоднинг III–VII асрлари) узил-кесил расмийлашган. Бу даврда зардўштийликнинг адабиёти ҳам кенг тарқалади. Шуни айтиш керакки, дастлабки пайтларда зардўштийлик динининг муқаддас матнлари авлодлардан оғзаки етказилган



Амударё хазинаси. Митранинг аравада чиқиши. Олтин

ва Заратуштра ўлимидан кейин бир неча аср ўтгач маълумотлар тўпланиб, ягона матн ёзилган.

Зардўштийларнинг муқаддас китоби Авесто шу тариқа юзага келган. Бир қатор олимлар зардўштийлик анъаналарига таяниб, Авестони илк сосонийлар (III–IV асрлар) даврига боғласалар-да, шунга қарамай унинг биринчи таҳрири мил. авв. I асрларда бўлиб ўтган деб ҳисобланади. Авесто жумласи ҳам ўша пайтда пайдо бўлган бўлиб, у ўрта форс тилида «апастак», яъни «асос», «асосий матн» деган маънони билдиради.

Мусулмонларда «Қуръон», насронийларда «Библия» бўлганидек, Авесто – зардўштийлик динининг матнлари тўпламидир. Бу тўпламлар турли вақтларда ва турли жойларда вужудга келган. Эронда ислом дини қабул қилингач, Авестонинг катта қисми йўқ бўлиб кетади. Бизгача унинг кундалик диний амалиётлари учун зарур бўлган матнларигина етиб келган холос.

Энг қизиғи Вадевдат бўлиб, тўпламнинг маъноси – «девларга қарши қонун» демакдир. У коҳинлар мажмуи бўлиб, покланиш маросимлари қоидалари, гуноҳларни ювиш ва саховатли бўлиш, ҳар хил урф-одат қоидалари, шу билан бирга дафн этиш маросимлари ҳақидаги бўлимдир.

Зардўштийлик мураккаб ва ғоят ўзига хос дафн маросимини ишлаб чиқди. Авестодаги ерга, сувга, оловга ўликни теккизиб ҳаром қилишни қатъий тақиқлаш – унинг асосини ташкил этади. Кимки инсонни ёки итни ерга кўмса, катта гуноҳ қилган ҳисобланиб, бу гуноҳи учун «отнинг қамчиси» билан 500 марта урилган. Инсон ёки итнинг ўлиги кўмилган ерга бир йилгача экин экиш тақиқланган. Демак, зардўштийларнинг қонунларига кўра жасадни ерга кўмиш, сувга ташлаш, гулханда куйдириш ман қилинган. Шунинг учун ҳам жасадни зардўштийлар уйдан, манзилгоҳдан, шаҳардан, тупроқдан, муқаддас оловдан, сувдан четлаштириб, уни тошли ва қумли тепаликларга ёки бошқа махсус жойларга олиб бориб қолдирганлар. Йил давомида қор ва ёмғир сувлари мурда суякларини ювиб, уларни қуёшнинг муқаддас нури яна тозалагандан сўнг, махсус одамлар – «гўрковлар» («ристокашлар») зардўштийларнинг очиқ қабристонларига келиб, тозаланган суякларни қишлоқ – шаҳарларга олиб келганлар. Фақат шундагина, яъни мураккаб дафн маросимларидан кейин суякларни ерга кўмиш ёки

махсус хоналарда, сопол идишларда ва тобутчаларга сақлаш мумкин эди.

Видевдатда бу суяк сақланадиган жой «исдона» деб юритилади, ундан қадимгироқ паҳлавий матнларда эса «остадон» дейилади. Унинг таржимаси ҳалигача аниқ эмас ва икки хил маъно беради. Айрим олимларнинг фикрича, исдона – остадон, сопол тобут – оссуарий бўлиб, улар Ўрта Осиё қадимги ёдгорликларида тез-тез учраб туради. Айрим тадқиқотчилар, жумладан, В.Б. Хеннинг бу сўзни «ер остидаги сағана» деб таржима қилган.

Мил. авв. VI–IV асрларга оид оссуарийлар Ўрта Осиё ҳудудидан кўплаб топилган. Дафн маросими билан алоҳида одамлар гуруҳи шуғулланган бўлиб, уларни «ристокаш», яъни «ифлос ва тоза бўлмас одамлар» деб ҳисоблашган. Улар олов ва сувдан 30 метр узоқликда юришлари керак бўлган. Шунингдек, улар одамларга 3 метргача яқин юрмаслиги лозим бўлган. Умуман зардўштийлик таълимоти ер, сув, ҳаво ва оловни муқаддас деб ҳисоблаган. Бу анъаналардан баъзилари (сувга тупурмаслик ва пешоб қилмаслик, никоҳ тўйларида келинни оловдан айлантириш ва ҳоказо) бизгача сақланиб қолган.

VII–VIII асрларда араблар Ўрта Осиё ва Эронни босиб олгач, бу ҳудудларда Заратуштра таълимоти йўқ қилиниб, ислом дини ёйилди, зардўштийларнинг катта қисми XVIII асрда Ҳиндистонга кўчиб ўтдилар. Ҳозирги кунда зардўштийликка сиғинувчи халқлар фақат Ҳиндистон ва Эронда яшайдилар. Заратуштра ўз замонасида ҳам ва ундан кейин ҳам тарихий шахс бўлиб қолди. У яратган таълимот эса маълум муддат деярли бутун Шарққа ва Ўрта Осиёга ёйилиб, кўпчилик давлатлар динига айланди.

Умуман олганда, Заратуштранинг диний-фалсафий ақидалари ва таълимоти уруғ қабилачилик ва яккахудоликка сиғинишни тарғиб қилади ҳамда унда адолат, меҳнат ва меҳнатсеварлик, ҳалоллик, яхшилик, ёруғлик, олиҳимматлик, бағрикенглик ва эзгулик ҳақидаги олқишлар асосий ўринда туради. Айниқса, Заратуштранинг маънавий-ахлоқий таълимотида яхши фикр (гумата), яхши сўз (гугта) ва яхши иш (гвориштa)га алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, Заратуштра таълимотида одамларнинг тенг ҳуқуқли бўлиб яшаши, бир-бирига яхши муносабатда бўлиш, бир-бирига ёрдам бериш тарғиб қилинади ҳамда адолатсизлик, шафқатсизлик, зўравонлик ва табиатга бемеҳрлик қаттиқ қораланади. Заратуштранинг асосий ғояла-

рида дунёдаги барча ишлар яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат ўртасидаги курашларга боғлаб талқин қилинади.

Авесто китобидан ўрин олган Ўрта Осиё ҳудудида яшаган қабилалар ва элатларнинг энг қадимги даврдан бошланган ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний ва дунёвий мафкураси, дунёни билиш ҳақидаги тушунчалари, урф-одатлари, маънавий-маданий ривожланишига доир маълумотлар катта аҳамият касб этади.

Зардўштийлик таълимотида Ахурамазда азалдан мавжуд бўлган ҳамда абадий илоҳ сифатида алоҳида ўринга қўйилади. Шу сабабдан ҳам Авестода барча эзгулик ва ёруғлик Ахурамазда томонидан яратилганлиги таъкидланади. Унга қарама-қарши ўлароқ, ёвузлик ва жаҳолат худоси Ахриман ўзининг барча ёмон ниятларини амалга ошира бориб, Ахурамазда яратган моддий оламга маънавий зарар етказади ва жамиятга хос бўлмаган ахлоқий бузуқликларни келтириб чиқаради. Ахриманнинг бундай ёвуз ниятларига қарши курашиш учун Ахурамазда яратган зардўштийлик ақидаларини қабул қилиш ҳамда унга итоат этиш таъкидланади.

Заратуштранинг фикрича, энг эзгу ниятлар, умумбахш ва олижаноб фикрлар Ахурамазда тарафдорларининг қалбидан жой олиши лозим. Фақат шундагина одамларнинг хатти-ҳаракатида, одил жамият барпо этишдаги фаолиятида, табиатга ва бир-бириларига бўлган муносабатда ёмонлик ва жоҳиллик бўлмайди. Шундан сўнг эзгу ниятли кишиларнинг ҳаракатлари Ахурамазданинг эзгу ниятлари билан қўшилиб, маънавий курашда ёвуз ва зулмат кучлари устидан ғолиб келади.

Заратуштра таълимотининг жамият ва инсоният тараққиётидаги энг муҳим ва диққатга молик бўлган томони шундаки, унда бутун табиатни – ер, сув, дарахт, ўсимлик ва жониворларни эъзозлаш, ерга ишлов бериб, суғориб, боғ-роғлар ва экинзорлар барпо этиш, чорвачиликни кенг йўлга қўйиш, сув ва оловни муқаддас тутиш шарт бўлган.

Шундай қилиб, зардўштийлик таълимоти яхшилик ва эзгулик ғоялари билан суғорилган бўлиб, бу таълимот ёвузликка нисбатан нафрат туйғуларини уйғотади ҳамда кишиларни комилликка, яратувчанликка, эзгуликка ундайди.

Авестонинг энг қимматли томонларидан бири – у Ўзбекистон халқлари қадимги тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Авес-

тони тўплам ҳолда тўплаган олим Анкетил Дюпперон (Франция) бўлиб, у XVIII асрнинг ўрталарида бу муқаддас китобни Ҳиндистондаги Гужарат вилоятидан келтиради ва француз тилида чоп эттиради. Тадқиқотчилар уни қуйидаги қисмлардан иборат деб ҳисоблайдилар: «Ясна» – «қурбонлик келтириш», «Яшт» – «қадрлаш», «Видевдат» – «девларга қарши қонунлар», «Виспрат» – «барча ҳукмдорлар». «Ясна» даги 72 та бобдан 17 таси пайғамбар Заратуштрага тегишли. Улар – «Гота» лар номли «муқаддас қўшиқлар» ёки мадҳиялардир.

Видевдатда Ўрта Осиёдаги вилоятлар ва давлатлар ҳақида қуйидагича маълумотлар берилади: «Мен, Ахурамазда энг яхши ерлар ва мамлакатлар орасида биринчи бўлиб Ванхви Даити бўйида (кўпчилик тадқиқотчилар уни Амударё дейдилар – Эшов Б.) Арянам Вайжони яратдим, шунда ўлим келтирувчи Анхро Манё... девлар ва қишни яратди...Мен Ахурамазда яхши ерлар ва мамлакатлар орасида иккинчи бўлиб Суғдийлар яшайдиган Гава маконига асос солдим». Шундан сўнг Моуру (Марғиёна), Баҳди (Бақтрия), Нисайа (Парфия), Харайва (Ҳирот), Воиха-Гирта (Қобул атрофлари), Аврара (Тус), Хийрман (Ҳилменд воҳаси) кабилар эслатилади. Ҳаммаси бўлиб Авестода 16 та мамлакат-вилоят тилга олинган бўлиб, улардан Гава, Баҳди, Нисайа ва Моуру аниқ локализацияга эга. Қолганлари эса ҳозирча қайси ҳудудлар эканлиги тахмин қилинади.

Баъзи олимлар Александр Македонский қадимги форслар сулоласини тор-мор этганидан сўнг Авесто китобининг эски қисмлари йўқ қилинган деб ҳисоблайдилар. Аммо Парфия подшоси Вологез I даврида (милоднинг 51–78 йиллари) бу китобнинг қолган-қутган қисмлари тўпланади ва кейинроқ таҳрир қилинади.

Авестонинг энг қадимги қисмлари кенг ҳудудда жойлашган жамиятни тасвирлаб, бу жамият ҳақида ёзувсиз замонларга оид тасаввурларни ҳам сақлаганлар. Авесто китоблари турли хил маълумотларни ўз ичига олади. Булар: қадимги географик тушунчалар – дарёлар, тоғлар, кўллар номлари, ҳудудий- этник қабилалар ва вилоятлар номлари, қадимги мамлакатларнинг рўйхати, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар, ижтимоий ва сиёсий тузум, диний насиҳатлар, зардўштийларнинг фалсафаси, дунё тарихи ривожланиши ҳақидаги маълумотлар ва бошқалардир.

Олимларнинг эътироф этишларича, Авесто Шарқ халқлари қадимги даврларини тадқиқ этишда ҳозиргача муҳим манба бўлиб, у ўзининг бу аҳамиятини бундан буён ҳам сақлаб қолди. Бу китоб дастлабки эътиқодлар, тиллар ва динлар, бир сўз билан айтганда, маънавият ва маданиятнинг ривожланиш босқичлари ҳақидаги илк тўплам ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, бу жараёнлар давлатчилик ва иқтисодиёт ривожланишининг умумий доирасида бўлиб ўтган.

Авесто маълумотларини археологик материаллар билан қиёсий ўрганган олимларнинг фикрича, мил. авв. II минг йилликнинг ўрталарига келиб Ўрта Осиё халқлари сиёсий ҳаётида ўзгаришлар содир бўлиб, давлатчиликнинг илк кўриниши шакллана бошлайди. Бу даврда ушбу ҳудудларда яшаган аҳолининг катта қисми йирик воҳаларни жадаллик билан ўзлаштириши натижасида чорвадор кўчмачиликдан ўтроқ деҳқончиликка ўта бошлайди. Бу эса кейинроқ Бақтрия, Хоразм, Марғиёна, Парфия, Суғдиёна кабиларда давлатчилик тизимининг вужудга келишига асос бўлган эди. Мисол учун, Авестонинг «Вандидод» китобида Олий худо Ахурамазда яратган ўн олтита мамлакат (ўлка)нинг ҳудудий – маъмурий, сиёсий ҳамда қонунчилик тизимига оид маълумотлар берилган.

Ушбу маълумотларга кўра давлатни кави – бошқарув тизими билан боғлиқ бўлган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар билан шуғулланувчи шахс (подшо) бошқарган. Ўз навбатида, давлатни бошқариш ҳуқуқи сулоланинг бир вакили қўлидан иккинчисига мерос сифатида ўтиши диний ва дунёвий жиҳатдан қонунлаштирилган.

Авесто давлат бошқарувининг мураккаб тизими ҳақида маълумотлар беради. Бу маълумотларга кўра, мил. авв. VII–VI асрларда Ўрта Осиё жамиятининг асоси кичик-кичик оилалардан иборат бўлиб, ҳар бир оила ўртача 5-6 кишидан ташкил топган. Улар катта патриархал оила аъзолари ҳисобланган. Катта оила эса 20–25 кишидан ташкил топган. Жамоалар ҳаётида уруғчилик тузумининг айрим хусусиятлари сақланиб қолган. Катта оила аъзолари томонидан хўжаликни ташкил этиш, ерга биргаликда эгалик қилиш ва умумий турар жойда – уй-қўрғонларда яшаш одати юқоридаги фикр далилидир.

Давлатнинг бошқарув тизими оилалар ёки уй-жой бирлашмаси – «нмана» ёки «дмана», катта оила оқсоқоли – «нманапати», уруғ жамоаси бошлиғи – «вис», катта қишлоқ оқсоқоли «виспати», қабила

бошлиғи – «зантупати», вилоят ҳокими – «дахюпати», бир неча вилоятлар ҳокими – «дахюсастар», мамлакат ҳокими – «кави» лардан ташкил топган. Авестода оила, уруғ ва қабила бошлиғини англатиш учун «пати» сўзи ишлатилган. «Кави» ёки «састар» мамлакатни идора қилган шахсга нисбатан ишлатилган. Авестонинг Яшт китобида қуйидагича маълумот бор: «Кўп яйловларга эга бўлган Митрани биз улуғлаймиз .Унга ҳеч ким ёлғон гапира олмайди: уйда оила бошлиғи, уруғ оқсоқоли, қабила йўлбошчиси ва мамлакат ҳокими ҳам ёлғончи бўлса, ғазабланган Митра бутунлай оилани, уруғни, қабилани, мамлакатни ва уларнинг бошлиқларини ҳам тамоман йўқ қилади».

Айрим тадқиқотчилар илмий таҳлилларга асосланиб Авестода тасвирланган ва Ўрта Осиё ҳудудида шаклланган илк давлатчилик асосларининг вужудга келиш жараёнини қуйидаги уч даврга ажратадилар: Биринчи давр – энг қадимги давр бўлиб, бунда адолат ва инсоний бахт-саодат ҳукмрон бўлган. Иккинчи даврда яхшилик руҳлари билан ёмонлик руҳлари ўртасидаги адолат учун кураш давом этган. Учинчи даврда ақл-идрок ва адолат тантана қилиб, деҳқонлар бадавлат, давлатнинг сиёсий ва қонунчилик тизими мустаҳкам бўлган. А. С. Сагдуллаев узоқ йиллик қиёсий тадқиқотлар асосида Авесто даври давлат бошқарувини қуйидагича изоҳлайди:

Бошқарув тизими		Авесто тушунчалари
Уй қўрғон жамоаси	Уй эгаси	«Нманопати»
Қишлоқ жамоаси	Қишлоқ оқсоқоли	«Виспати»
Туман – бир неча қишлоқ жамоалари	Оқсоқоллар кенгаши	«Ханжамана»
Вилоят (бир неча туман)	Вилоят ҳокими	«Даҳюпати»
Мамлакат	Мамлакат ҳокими	«Кави»

Шунингдек, олимнинг фикрича, Авестонинг Яшт китобида келтирилган маълумотлар Ўрта Осиёда қабилалар сиёсий бирлашмасининг таркиб топган даврларига мансуб бўлиши мумкин. Авесто даврида хусусий мулк қуйидагилардан иборат бўлган: уй-жой, чорва, томорқа ерлари, ишлаб чиқариш қуроллари, барча рўзғор ва шахсий буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотлари.

Авесто китобларида қадимги чорвачилик ва деҳқончилик ҳаёти ҳақида маълумотлар турли қисмларда сақланган бўлиб, уларда шундай дейилади: «Биз Ахурамаздани улуғлаймиз, Ахурамазда яратган барча нарсанинг ичида энг муҳими бўлиб, биринчи ўринда чорва туради. Биз чорвага тинч ўтлов ва емиш таъминлашга чақирамиз». Ёки Видевдат китобида деҳқончилик савоб иш эканлиги таъкидланган: «Ким агар чап ва ўнг қўли, ўнг ва чап қўли билан бу заминга ишлов берса, О, Спитама Заратуштра, у ерга манфаат келтиради».

Таъкидлаш жоизки, Авесто даври қабилалар ва жамоалар эътиқодларининг мукаммал жаҳон дини даражасидаги дин билан алмашаётган даври эди. Шунингдек, бу давр туб иқтисодий ўзгаришлар ва ишлаб чиқаришда сифатий олға силжишлар даври бўлганлиги билан ҳам изоҳланадики, бу ҳолат иерархик тузумга эга бўлган давлатчилик ҳамда урбанизациянинг янги босқичга кўтарилишига, касбий ҳунармандчилик, биринчи галда металлургиянинг ривожланишига имконият яратган эди.

Мис, бронза кейинроқ темирнинг пайдо бўлиши ишлаб чиқаришдаги катта ўзгаришларга, жумладан ҳунармандчиликнинг махсус тармоқларга ажралишига ва маҳсулот айирбошлашга олиб келдики, бу жараён Ўрта Осиё қадимги шаҳар ва қишлоқларининг ривожланишига, зироаткор ва чорвадор аҳоли турмуш тарзининг тубдан ўзгаришига сабаб бўлди.

Авесто кўпгина маълумотлар қатори металлургия соҳасида эришилган ютуқлар ҳақида ҳам маълумотлар беради. Бунга Авесто худоларининг бой қурол-яроғлари мисол бўла олади. Масалан, зардўштийларнинг улуғ худоларидан бири Митра «олтин арава»да тасвирланиб, қўлида «сариқ маъдандан ясалган, тилла билан қопланган, юз тиғли ва юз зарбали, энг кучли ва энг зафарли» болта ушлаб туради. Митранинг аравасида ёки қалқонида кумуш ва олтиндан безаклар солинади. Митранинг аравасида «ўткир, яхши чархланган, илоҳий учадиган ва илоҳий кесадиган» минглаб ўткир ўқлар ва найзалар, минглаб пичоқлар ва чўқморлар тасвирланган.

Авестода тилга олинган вилоятлар (ўлкалар) – Арйанам Вайжо, Гава Суғда, Моуру, Баҳди, Нисайа кабилар Ўрта Осиё, Жанубий Уралолди ва Марказий Қозоғистон ҳудудларида жойлашган бўлиб, бу улкан минтақада муҳим полиметаллар базаси, Амударё ва Сир-

дарё қуйи оқимларида кенг яйлов ҳудудлар, Бақтрия, Марв, Нисо ва Суғдда урбанизациялашган марказлар мавжуд эди.

Авесто мадҳияларида маълум ижтимоий босқичлардаги изчиллик ва иерархияни ҳам ажратиш мумкин. Шунингдек, Авестода илк шаҳарлар шаклланиш босқичлари Ахурамазда фармони билан дастлабки одам Йима томонидан мустаҳкамланган «вара» бунёд этиши мисолида кузатилади. Бундай «вара» лардан бири археологлар томонидан Жанубий Урал – Қозоғистондаги «шаҳарлар ўлкаси» дан топилган бронза даврига оид Аркаим ёдгорлигида бўлиши мумкин. Аркаим ёдгорлиги бир нечта мустаҳкамланган манзилгоҳлардан иборат бўлиб, хандақлар ва қаторли мудофаа деворлари билан ўраб олинган, кириш қисми ҳимояланган. Ёдгорлик мураккаб ва аниқ тузилишга эга. Ёдгорлик ҳудудларидан, ҳунармандчиликнинг аввало, металл эритиш ва унга ишлов беришнинг излари, бронзадан ясалган буюмлар, турар-жойларнинг Авесто мадҳияларида эслатилган «вара» шаклидаги бунёд этилиши шаҳар маданияти белгиларини, ижтимоий ва маданий тараққиётининг юқори даражасини, ном-давлатлар кўринишидаги шаҳарлар шаклланишини ўзида акс эттиради. Бу жараённинг босқичма-босқич ривожланиши эса Ўрта Осиёнинг жанубий ва марказий ҳудудларида кузатилади.

Бизнинг кунларимизга қадар етиб келган Авесто китоби ва зардўштийларнинг анъаналари ҳамда таълимоти, инсон ҳаёти ва одамларнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари маълум қонун-қоидаларга ёки маълум ҳуқуқий тартибга асосланган ҳақида маълумот беради.

Тарихий маълумотлардан маълумки, Заратуштра яшаган давр ижтимоий-сиёсий муносабатлар қарор топаётган нотинч ва мураккаб давр эди. Бир неча бор адолатсизлик, шафқатсизлик ва зўравонликларнинг гувоҳи бўлган Заратуштра ўзининг дастлабки таълимотини ёвузлик ва зўравонликка қарши қаратади. Айнан шунинг учун ҳам Заратуштра таълимотининг асосини тартибга чақириш, ҳуқуқий нормаларни белгилаш, адолатга интилиш, хулқ-одод тантанаси, тинчликка интилиш ҳамда эзгуликка даъват этиш ташкил этган.

Авесто маълумотларига кўра, яхши сўз ва яхши мақсад, поклик ва эзгуликка интилиш, доимий ҳақиқатни рўёбга чиқариш, сув, ер, олов, хонадон ва чорвани асраб-авайлаш барча нарсадан устун ахлоқий бурч саналган. Инсон ўзига юклатилган эзгу бурчлар, ўзининг қил-

ган ишлари ва фикрлари билан эзгулик, яхшилик, ёруғлик ва бахт келтирувчи, ҳаёт ва ҳақиқат бахшида этувчи олий худо Ахурамаздага ёрдамчи бўлиб, касаллик ва ўлим келтирувчи ёвуз худо Ахриманга қарши бўлиши лозим эди.

Авестода кишиларнинг ўзаро муомала ва муносабатларида берилган ваъданинг устидан чиқиш, мажбурият ва қасамига содиқ қолиш одатий қонунлар эканлигини кузатиш мумкин. Агар қасам ичиб аҳд қилган киши ўз аҳдини бажармаган ёки бузган бўлса, даъвогар ўз ҳақлигини исботлаш учун синаш ва жазоланиш усулидан фойдаланган. Адолатли суд қилиш учун синаш ва жазолашнинг 33 та усули мавжуд бўлиб, агар сўз қасами бузилса, сув билан синаш агар шартномага оид бўлса, олов билан синаш жараёнида айбдорга ўзининг ҳақлигини исботлашга имкон берилган.

Оила ёки жамоада берилган сўздан ё қасамдан воз кечиш, одамлар ўртасида тузилган аҳдномани бузиш катта гуноҳ ҳисобланган. Яштнинг X бобида бу хусусда шундай дейилган: «О, Спитама, шартномани бузувчи киши бутун мамлакатни бузади, шу билан бирга, Артага тегишли барча мулку молларга путур етказади. О, Спитама аҳдингни бузма...» Заратуштра «куч ва имконим борича мен одамларни ҳақиқат «аша» га чорлайман» дея, улуғ худо Ахурамаздага қасамёд қилади. «Аша» – тартиб, имон ва адолат тимсоли бўлиб, унга яхши ният, яхши сўз ва савобли ишлар билангина эришиш мумкин бўлган.

Авесто китобларида келтирилишича, «бир-бирини қўлловчи икки қадрдон дўст ўртасида тузилган аҳднома йигирма қиррали кучга эга; бир жамоанинг икки аъзоси ўртасида тузилса, ўттиз баравар кучга эга; икки ҳамкор ўртасидаги аҳднома қирқ бор ўз кучини сақлайди; эр ва хотин ўртасидаги аҳднома эллик даражали кучга эга; икки уммат орасидаги аҳднома олтмиш карра кучга эга; устоз ва шогирд шартномасининг етмиш карралик кучи бор; куёв ва қайнота аҳдномаси тўқсон ҳиссалик кучга эга; ота ва ўғил ўртасидаги тузилгани юз карра, икки мамлакат ўртасидаги тузилган шартнома минг карра кучга эгадир».

Тадқиқотчилар бундан шундай хулоса чиқарадиларки, оила ва жамиятдаги ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатлар (хонадон эгаси ва оила аъзолари, эр ва хотин, ота ва ўғил, куёв ва қайнота, қўшнилар ўртасидаги) кенг қамровли бўлиб, улар ёлғон, зўравонлик ва ноҳақликка қарши қаратилган. Шу билан бирга, Авесто таълимоти олтита аҳд-

номага (қасам ёки кафолатга) риоя қилишга (сўз, қўл, қўй, сигир, одам, вилоят қасами) чақиради.

Гуноҳлар ичида энг оғири – одам ва итлар жасадини «тупроққа топшириш», яъни ерга кўмиш, сувга ташлаш, гулханда куйдириш жинояти бўлиб, Авестода таъкидланишича, «дунёда ҳеч бир жазо, ҳеч бир товон бундай гуноҳни поклай олмайди».

Авестода жиноят ва жазо масалалари ҳар томонлама тартибга солинганлигини кузатиш мумкин. Мисол учун, жиноятлар қуйидаги турларга бўлинган: динга қарши жиноят, шахсга қарши жиноят, ҳайвонларга қарши жиноят, мулкка қарши жиноят, табиатга қарши жиноятлар кабилар.

Шахсга қарши ҳаракатлар ичида қурол олиб таҳдид солиш, бировни калтаклаб ҳушидан кетказиш, унга жароҳат етказиш, қонини оқизиш, суягини синдириш, бошини ёриш каби ҳаракатлар қаттиқ жазоланган. Мулкий жиноятлардан ўғрилик, фирибгарлик, талонтарож, босқинчилик, қарздорлик кабилар Авестода гуноҳ ҳисобланган. Унга кўра, «кимда ким қарзни ўз эгасига қайтармаса, унинг бу амали ўша омонатни ўғирлаган билан баробар бўлади». Олинган қарзни ўзлаштириш ҳам жиноят ҳисобланган.

Динга қарши жиноятлар, қасддан қилинган жиноятлар ва такрорий жиноятлар учун, айниқса, қаттиқ жазолар белгиланган. Бировни қасддан уриб, унинг қонини тўккан кимсани эллик қамчидан тўқсон қамчигача савалашган. Шунингдек, агар кимки бировни уриб суягини синдирса, жиноятчига нисбатан отнинг терисидан ясалган қамчин билан, етмишдан тўқсон қамчигача уриш жазоси белгиланган.

Авесто оилани, фарзандларни, уй-жойни асраб-авайлашга чақиради: «кимнинг уйи бўлса, у уйсиз бехонумон одамдан яхшироқдир». Оила ва жамиятдаги, хусусан, маълум хонадон эгаси ва оила аъзолари, эр ва хотин, ота ва ўғил, куёв ва қайнота, қўни-қўшнилар ўртасидаги ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатлар кенг қамровли бўлиб, улар ёлғон, зўравонлик ва ноҳақликка қарши қаратилган. Ноҳақлик ва жиноятга тўсиқ қўйиш, уларнинг олдини олиш мақсадида Авесто қонунлари инсон ва жамоанинг ҳуқуқий назорат қилишга қаратилган.

Авестодаги диний-фалсафий ва маданий таълимот, давлатчилик ва қонунчилик тизими ўша даврдаги жамият ва фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини бойитишда муҳим аҳамиятга эга бўлган эди. Ушбу муқаддас китобда юксак ахлоқ, покиза виждон, марҳамат-

лилик, бағрикенглик, инсонларга ва она заминга нисбатан доимий ғамхўрлик тарғиб этилган. Авестонинг асосини ташкил этган бундай тушунча, йўл-йўриқ, комил инсонга хос фазилатлар, қатъий хулоса ва фикрлар давлатнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий қудратини ошириб, уни янада мустаҳкамланишига хизмат қилган. Бу муқаддас китобнинг ўша даврдаги қадр-қиммати ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолганлиги шубҳасиздир.

Таянч сўзлар

Цивилизация, Ўзбекистон цивилизацияси, иқтисодий ва маданий алоқалар, Ғарб ва Шарқ цивилизацияси, маданий нотекислик, бирламчи ва иккиламчи цивилизациялар, антропогенез, мезозой, кайнозой, энг қадимги ва қадимги одамлар, назариялар, ишбилармон одамлар, гомоэректус, питекантроп, синантроп, архантроп, неандерталь, кроманьон, ақл-идрокли одам, меҳнатнинг ўзгартирувчанлик моҳияти, энг қадимги даврни даврлаштириш, илк, ўрта ва сўнгги палеолит, мезолит, неолит, энеолит, бронза, энг қадимги маконлар, фергантроп, мезолит ютуқлари, неолит инқилоби, илк деҳқончилик, ҳайвонларни хонакилаштириш, кулолчилик, тўқимачилик, қайиқсозлик, бронза даври маданиятлари, меҳнатнинг биринчи йирик тақсимоти, ибтидоий тасвирий санъат, ёзув, зардўштийлик, Авесто.

Савол ва топшириқлар

1. «Цивилизация» тушунчасини изоҳлаб беринг.
2. Ўзбекистон цивилизацияси ҳақида маълумот беринг.
3. Антропогенез жараёни нима? Бу жараён ҳақида нималарни биласиз?
4. Инсониятнинг дастлабки аждодлари ҳақида нималарни биласиз?
5. Энг қадимги давр қандай даврлаштирилади?
6. Палеолит даври ҳақида гапириб беринг.
7. Мезолит даври ҳақидаги тасаввурларингиз қандай?
8. Неолит даври ютуқлари ҳақида нималарни биласиз?
9. Бронза даври маданиятлари ҳақида сўзлаб беринг.
10. Ибтидоий тасвирий санъат ҳақида маълумот беринг.
11. Авестонинг манба сифатидаги аҳамияти нимада?
12. Авесто –маданий мерос.

2-мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.

2. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. – Тошкент: Университет, 2004.

3. Исламов У., Тимофеев В.И. Культура каменного века Центральной Азии. – Ташкент: 1986.

4. Асқаров А. Энг қадимги шаҳар. – Тошкент: Фан, 2001.

5. Эшов Б. Цивилизация тизимида илк шаҳарлар. – Тошкент: Зарқалам, 2004.

6. Виноградов А. Древние охотники и рыболовы Средней Азии. – М.: 1981.

7. Грот Оби-Рахмат. Сб.статей. – Новосибирск: РАН, 2004.

8. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. –Тошкент: Шарқ, 2001.

9. Бобоев Ҳ., Дўстжонов Т., Ҳасанов С., Олламов Я. Авесто ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. – Урганч: 2002.

10. Авесто. Избранные гимны. Пер. В.А, Лившица. – Душанбе: Ирфон, 1990.

11. Авесто. «Санъат». 1991. - № 5-12, 1992. - № 1.

12. Авесто. «Гулистон», 1999. - № 1-5.

13. Абаев В.И. Миф и история В Гатах Зороастра. Историко-филологические исследования. – М.: Наука, 1974.

14. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Тошкент: Ўзбекистон. 1996.

3-МАВЗУ. ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНИК ШАКЛЛАНИШИ

Режа:

1. Этногенез ва уни ўрганиш масалалари.
2. Ўлкамиз ҳудудларидаги қадимги маҳаллий аҳоли ва ўзбек халқининг шаклланиш босқичлари.
3. Ўрта асрлардаги этник-маданий жараёнлар. «Ўзбек» атамаси.

1. Этногенез ва уни ўрганиш масалалари

Ҳозирги кунга келиб Республикамизда миллий-маънавий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, миллий мафкура ғояларини фуқароларимиз онгига янада чуқурроқ сингдириш ва янада теран англатиш кучайиб, Ўзбекистон халқларининг ўз ўтмиш ва келиб чиқишига қизиқиши ортиб бормоқда. Хусусан, ўзбек халқининг этник тарихи, унинг халқ сифатида шаклланиши масалалари долзарб эканлиги Юртбошимиз И.А.Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида (1998) ҳар томонлама асослаб берилди. Бу йўналишда тарихчиларимиз олдига ечими ҳаётий зарур бўлган вазифалар қўйилди. Жумладан, юртбошимиз таъкидлаганидек, «Мовароуннаҳр сарҳадларига узоқ тарихимиз давомида не-не босқинчилар кириб келмаган, кўп йиллар, балки асрлар давомида юртимизда не-не ўзга сулолалар ҳукмронлик қилмаган дейсиз... Эрондан Аҳмонийлар, Юнонистондан Александр келди, Арабистондан Қутайба, Мўғулистондан Чингизхон келди, рус истилочилари келди. Лекин халқ қолдику?.. Ана шундай ҳар томонлама мудҳиш, четдан қараганда халқимиз, унинг маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари, турмуш тарзи, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, насл-насаби йўқ бўлиб кетиши керак бўлган шароитда барибир, қатор йўқотишлар билан бўлса ҳам, миллатимиз ўзлигини сақлаб қололдими ё йўқми? Олимларимиз ана шу саволга жавоб берсинлар».

Этногенез масалалари, ўзбек халқининг келиб чиқиши, туркий халқлар ва этнослар тарихи бўйича турли йилларда С.Ю.Якубовский, С.П.Толстов, Л.Н.Гумилёв, Т.К.Ходжаев, И.М.Жабборов, К.Ш.Шониёзов, А.А.Асқаров каби олимлар тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Этногенез ёки бирорта халқнинг келиб чиқиши тарихи масалалари тарих фанининг ютуқлари билан чамбарчас боғлиқлиги кўпчилик

тадқиқотчилар томонидан эътироф этилгани маълум. Аммо тарих фанининг бошқа йўналишларига (археология, этнография, антрополия ва бошқ.) нисбатан ўзбек халқи этногенези ҳамон жиддий тадқиқотлар талаб этади. Этногенез ва этник тарих масалалари тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу йўналишдаги айрим кузатишларни юнон, хитой, рим, араб, эроний ва туркий тилларда ёзилган қадимги ҳамда ўрта аср муаллифлари ва сайёҳлари асарларида учратиш мумкин. Улар ўз асарларида халқларнинг ташқи қиёфасидаги умумийлик, баъзи урф-одатларнинг яқинлиги ва тилларнинг ўхшашлигини таъкидлаганлар. Аммо улар бу жараёнларнинг асл сабабларини очиб бера олмаганлар. XIX–XX аср бошларида олиб борилган тадқиқотлар нисбатан самарали бўлишига қарамай, бу тадқиқотлар ҳам халқларнинг этник келиб чиқиши, маданияти ва тилларидаги ўхшашлик сабаблари ва моҳиятини тўла очиб бера олмади.

Сўнгги 20–25 йил ичида Республикамиз ҳудудларида олиб борилган археологик, антропологик ва этнографик тадқиқотлар натижаларини умумлаштирган антрополог олим Т.Қ.Хўжаев ҳар бир халқнинг этногенезини ўрганишда қуйидаги тамойилларга асосий эътибор беришни таклиф этади:

1) бирор халқнинг келиб чиқиши тарихи кўп қиррали жараён бўлиб, у ўз ичига шу халқнинг маданияти ва ижтимоий тузилмаси, унинг биологик хусусиятлари, ўзининг жамиятда тутган ўрнини тушуниш, тили ва ўзлигини танишни қамраб олади;

2) этногенез масаласига бир томонлама қараб, уни соддалаштириш билан чегараланиб қолмасдан, шу халқнинг келиб чиқиш тарихида маълум аҳамият касб этган барча таркибий қисмлар ҳам эътиборга олиниши шарт;

3) этногенез мураккаб ва узоқ давом этган жараён. Бинобарин, бу жараённи босқичма-босқич тиклаш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, А.А.Асқаров ўзбек халқи этногенезига бағишланган сўнгги йиллардаги (2007 й.) ишларидан бирида ҳар бир халқ этногенези ва этник тарихини ўрганишда қуйидаги назарий ва илмий-методологик тамойилларга амал қилиш талаб этилишини таъкидлайди:

– **биринчидан,** этногенез ва этник тарихни ўрганишда тадқиқотчи, биринчи навбатда, ўрганаётган халқ этногенезиси қачондан бошланганлигини аниқлаб олмоғи керак. Чунки этнос фақат кишилик

жамияти тараққиётининг маълум бир босқичида пайдо бўлади. Ўзбекларнинг илк аждодларининг нафақат иқтисодий ва маданий, балки этник жиҳатдан бир-бирига яқинлашиши, аралашиши, қоришиш жараёни сўнгги бронза давридан бошланди. Этногенезнинг бошланғич нуқтаси ҳам этноснинг қадим замонларда яшаган «аждодлари»га бориб тақалади. Бу жараён мил.авв. II минг йиллик охирларида юз берди;

– **иккинчидан,** этнос аждодларнинг антропологик типи ва тили ҳеч қачон этнос тили ва типи билан бир вақтда юз бермайди. Чунки этногенез тарихининг илк босқичларида этник бирликлар, айниқса, уларнинг тили ва типи ҳали шаклланмаган. Тил, тип ва этник бирлик тушунчалари ҳар хил давр воқелиги бўлиб, уларнинг шаклланиш жараёни бир даврда содир бўлмайди;

– **учинчидан,** этнос бу биологик ҳосила эмас, балки ижтимоий ҳодисадир. У кишилик тараққиёти маълум бир босқичининг ҳосиласидир. Этнос ўзининг шаклланиш жараёнида маълум сабабларга кўра, унинг таркибига янгидан-янги этник қатламлар қўшилиб боради. Ер юзининг барча халқлари келиб чиқиши жиҳатидан кўп этник қатламлидир. Ўзбек халқи этногенезининг илк босқичларидан то халқ сифатида шаклланиб бўлгунига қадар ўзининг асосий таркибини ташкил этган автохтон (маҳаллий) қатламлардан ташқари ўзига турли даврда ҳар хил миқдорда маҳаллий ва теварак атрофлардан келиб қўшилган этник гуруҳларни сингдириб юборган;

– **тўртинчидан,** ҳар бир халқнинг этник тарихини ўрганиш этник бирликнинг шаклланиш жараёнини илк босқичидан бошлашни тақозо этади. Чунки этник бирликнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва унинг этносга айланиши жуда қадим-қадим замонлардан бошланиб, ҳозирги кунгача давом этаётган бутун бир тарихий жараёндир;

– **бешинчидан,** ҳар бир халқнинг этник тарихи билан шуғулланганда нафақат этник бирликнинг бошланғич жараёнини, балки унинг кейинги даврларини, унга хос муҳим этник белги ва аломатларни аниқлаб, ўрганиб бориш талаб этилади;

– **олтинчидан,** этногенетик жараённи ўрганишда масалага ҳар томонлама ёндошиш, яъни этногенезга алоқадор фан ютуқларидан фойдаланиш муаммо ечимига объектив илмийлик бағишлайди. Этногенез муаммоларини ҳал этишда фойдаланилаётган бирламчи манбаларнинг нисбати ва хусусиятини билиш муҳимдир. Бу манбалар

антропология, археология, этнография, ёзма ёдгорликлар, тилшунослик, эпиграфика ва бошқалардир;

– **еттинчидан,** этнологик жараённи ўрганишда аввало қуйидаги учта масалага ойдинлик киритиб олиш зарур бўлади: 1. Ўрганилаётган этнос тубжой аҳолими ёки келгиндими? 2. Ўрганилаётган этноснинг асоси бир компонентлими ёки кўп компонентлими? 3. Ўрганилаётган халқ этник уюшмасининг ўзаги дастлаб қаерда таркиб топган?

Юқоридаги тамойилларга тўла риоя қилинган ҳолдагина айрим халқ этногенезига оид муаммоларни илмий нуқтаи назардан мукаммал ва ҳар томонлама очиб бериш имконияти пайдо бўлади. Аммо Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистон ҳудудларида қадимги даврлардан содир бўлиб келаётган этник жараёнларни ҳар томонлама ёритишдан аввал айрим фанлар соҳасида қўлга киритилган ютуқларни охирига етказиш билан ундан бошқа соҳа мутахассислари ҳам фойдаланиши мумкин бўлган даражасига чиқариш мақсадга мувофиқдир. Сўнгги йиллардаги археологик изланишлар қадимги аҳолининг моддий ва маънавий маданияти, унинг турмуш тарзи, уй-рўзғор ашёлари, анъанавий хўжалиги ва бошқалар ҳақида муҳим маълумотлар олиш имконини берди. Бу жараён эса янги антропологик маълумотлар тўплаш ва уларни таҳлил этишга асос бўлди.

Этногенез ва халқнинг этник ривожланишини ўрганишда **этник белгилар ва омилларнинг** таркиб топиш жараёнини кузатиб бориш этногенетик тадқиқотларни тўғри йўналишга солади. Этник омиллар таркибини ҳудудий бирлик, иқтисодий-хўжалик бирлиги, этномаданий бирлик, антропологик тип бирлиги ва сиёсий уюшма бирлиги, яъни этноснинг маълум бир давлат доирасида уюшқоқлиги ташкил этади. Этник белгиларга эса тил бирлиги, этник ном ва ўзликни англаш бирлиги, яъни тарихий тақдирнинг умумийлиги киради. Юқорида таъкидланганидек, уларнинг таркиб топиши бир даврда юз бермайди, балки узоқ давом этган тарихий жараёнда бирин-кетин шаклланиб боради. Уларнинг асосий қисми таркиб топгач, элат халқ сифатида шаклланади, этногенетик жараён якун топиб, этник тарих, халқ тарихи бошланади.

Тарихий адабиётлардан бизга маълумки, фаннинг кўпгина тармоқларига, жумладан, халқлар ҳақидаги фанга бундан 2-2,5 минг йил илгари қадимги Юнонистонда асос солинган. Шунинг учун ҳам замонавий фанда юнон тилидан олинган сўзлар кўп учрайди. Бундай

сўзларни халқлар ҳақидаги фанларда ҳам учратиш мумкин. Қадимги юнонларда **«халқ»** тушунчасини ифодаловчи бир неча сўзлар бўлган. Шулардан бири **«демос»** бўлиб, бу сўз орқали аҳолининг асосий қисми тушунилган (мас. «демократия» – «халқ ҳокимияти», «демография» – «халқларни таърифлаш» ва бошқ.). Шундай сўзлардан яна бири «этнос» бўлиб, айнан таржимаси «халқ» демакдир. Этнографик тадқиқотлар натижаларига кўра, ҳар қандай этнос ўз шаклланишининг дастлабки палласида бир-бири билан иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқ одамлар жамоасидан иборат бўлади.

Таъкидлаш жоизки, халқларнинг келиб чиқиши тарихини ўрганишда ижтимоий-гуманитар фанларда **«этник бирлик» ва «этнос»** атамалари ишлатилади. Этник бирлик – маълум бир ижтимоий тузумда, табиий-тарихий тараққиёт жараёнида вужудга келган ижтимоий ва этник уюшмадир. Уларнинг синоними эса этносдир. Аммо этник бирлик «халқ» тушунчасига нисбатан маъно жиҳатидан аниқ тушунчадир. Этнос атамаси, яъни халқ жуда кенг маънода ҳам, тор маънода ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан, кенг маънода Америка халқи, Россия халқи, дунё халқи, Ўзбекистон халқи; тор маънода эса рус халқи, инглиз халқи, ўзбек халқи, қозоқ халқи ва бошқ. Кичик бир гуруҳга нисбатан ҳам «халқ» ибораси қўлланилиши мумкин. Масалан, маҳалла халқи, оролча халқи, қишлоқ халқи, гузар халқи ва бошқ.

Фанда этник бирликнинг уч босқичи, яъни уч тури мавжуд: қабила, элат (халқ) ва миллат. Кетма-кет келган бу атамалар турли даврда вужудга келган бўлиб, улар ўз даврига хос хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади. Қабила – ибтидоий жамоа тузумининг сўнгги босқичига хос этник бирлик ҳисобланади. Қабила уруғларга бўлиниш хусусиятлари билан элатдан фарқ қилади. Қабиланинг ўзига хос тили (лаҳжаси), ҳудуди, қабила номи (этнонимлар)нинг бўлиши ва қабила анъаналарига унинг аъзолари бўйсуниши билан бошқа қабилалардан ажралиб туради. Кишилик жамиятининг тараққий этиб бориши ва мулкий жамиятнинг пайдо бўлиши билан қабила уюшмаси ўз аҳамиятини йўқотади. Аммо қабила атамаси ва унга тегишли бўлган баъзи хусусиятлар айрим жамиятларда (уларга мослашган ҳолда) сақланиб қолган.

«Элат» атамаси туркий ва форсий тилли аҳоли ўртасида қабила, қабила иттифоқи, давлат ёки маълум ҳудуд аҳолисига нисбатан «халқ»

атамаси ўрнида ишлатиб келинган. Шунинг учун «элат» атамаси туркий ва форсий тил муҳити ҳукмрон доирасида яратилган оғзаки ва ёзма манбаларда учрайди. Кейинчалик ўтроқ ҳаёт узоқ вақт кундалик турмуш тарзига айланган этник бирликлар уюшмасига нисбатан «халқ» атамаси «эл», «элат» ўрнида ишлатиб келинади.

Этнография фанида **«этнографик гуруҳ» ва «этник гуруҳ»** атамалари ҳам кенг қўлланилади. Этнографик гуруҳ – маълум бир этноснинг ажралмас қисми, унинг таркибидаги бўлинмаларидан бири бўлиб, ўзига хос лаҳжаси, хўжалик фаолияти, турмуш тарзининг баъзи бир томонлари билан муайян элатдан фарқ қилади. Этнографик гуруҳ деб, одатда бир қабила ёки элатнинг бошқа ерга бориб, иккинчи бир халқ таркибига ҳали мутлақо сингиб кетмай, балки у бирга яшаб келаётган этник бирликка айтилади. Тарихдан бизга маълум, қипчоқлар, қурамалар, умуман кўчманчи туркий қабилалар этнографик гуруҳлар бўлганлар. Айрим этнослар (эронийлар, арабларнинг саид ва хўжа тоифаси) асрлар давомида маҳаллий аҳоли орасига сингиб кетиб, баъзи ҳолларда ўз тили ва урф-одатларини сақлаб қоладилар. Ҳозирги кунда халқ, миллат даражасига кўтарилган этнографик гуруҳлар мавжуд эмас.

Этник гуруҳ эса муайян бир халқнинг парчаланиб, алоҳида қисмларга бўлиниб кетиши натижасида вужудга келади. Бу гуруҳнинг этнографик гуруҳдан фарқи шундаки, парчаланган халқ таркибида узоқ муддат яшаб, шу халқнинг тили, хўжалик фаолияти, маданияти, урф-одатлари ва турмуш тарзини қабул қилиб, уларни ўзига сингдириб, ўзини унинг номи билан атайдиган бўлади.

Этник бирликлар таркибига кирган этник гуруҳлар ўртасидаги этник, иқтисодий-хўжалик ва маданий алоқаларнинг узлуксиз ривожланиб боришига **«этник жараёнлар»** дейилади. Тадқиқотчилар этник жараёнларни бўлиниб кетиш ва бирлашишга мойил жараёнларга ажратадилар. Бўлиниб кетиш кўпроқ кўчманчи чорвадорларга, бирлашиш тамойили эса ўтроқ турмуш тарзи кечирган аҳолига хосдир.

Айрим этносларни бир-биридан фарқловчи муҳим белгиларидан бири бу маданий хусусиятлардир. Бу хусусиятларни ҳар бир халқ ўз тарихий-маданий ривожланиши жараёнида ўзлаштиради ва авлоддан авлодга қолдиради. Фанда бу жараён **«этник анъаналар»** дейилади. Бундай анъаналар ҳар бир халқнинг ижтимоий-иқтисодий ва табиий географик шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлган у ёки бу та-

рихий даврларда шаклланади. Этносни қисқача қилиб уюшган тил маданий жамоаси дейиш мумкин. Илмий адабиётларда **«этник жамоа»** деган сўз ҳам кўп ишлатилади. Фақатгина алоҳида халқларни эмас, балки уларнинг келиб чиқишида қариндошчилиги бўлган гуруҳларни ҳам этник жамоа деб аташ мумкин.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, қариндош-уруғчилик этник жамоалари аста-секинлик билан уруғ жамоаларига айланиб боради. Уруғ бирга яшаб, ҳамкорликда меҳнат қилган қариндошлар уюшмаси бўлиб, маълум халқларнинг этник шаклланишидаги дастлабки босқичлардан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

2. Ўлкамиз ҳудудларидаги қадимги маҳаллий аҳоли ва ўзбек халқининг шаклланиш босқичлари

Ўрта Осиё ижтимоий-сиёсий ҳаётида туркий этник гуруҳлар жуда катта аҳамиятга эга бўлганлиги ва бу қатламнинг илдизлари жуда қадимий эканлиги археологик маълумотлар асосида исботланмоқда. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бронза даврига келиб Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларида баланд бўйли, юзи тор ирқнинг вакиллари тарқалган. Шимолий дашт ва чўл ҳудудларида эса жануб аҳолисидан фарқ қилувчи боши думалоқ, юзи жуда кенг ва чўзиқ бўлмаган қабилалар яшаганлар. Фанда жанубий қиёфали одамлар Ўрта Ер денгизи ирқининг вакиллари деб аталади. Улар Олд Осиё, Месопотамия, Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиё, Ҳиндистон каби катта географик ҳудудга ёйилганлар. Шимолий қиёфали одамлар Жанубий Сибир ҳудудидан то Қозоғистон, Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий қисмидан Урал, Волга бўйи ерларигача тарқалган.

А.Сагдуллаевнинг тадқиқотларига кўра, бронза даврига келиб, Ўрта Осиё ҳудудида қадимги жанубий ва шимолий қиёфадаги одамлар вакилларининг қўшилиш жараёни бошланади ҳамда айнан мана шу даврда ўлкамизда яшаб ўтган бронза даври қабилалари, Ўрта Осиёнинг қадимги халқларига асос солганлар. Бу давр ўлкамиз ҳудудларида мураккаб этник-маданий жараёнлар бўлиб ўтгани билан изоҳланади. Хусусан, жанубий ҳудудлардаги ҳосилдор воҳалар ўтроқ деҳқончилик аҳолиси томонидан ўзлаштирила бошлаган бўлса, шимолий вилоятларда кўчманчи чорвадор қабилалар тарқала бошлайди. Кўчманчи чорвадорлар ва ўтроқ аҳолининг узвий

муносабатлари асосида ижтимоий-иқтисодий ва маданий-этник жараёнлар авж олади.

Мил. авв. II минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиё ҳудудларига шимоли-шарқдан чорвачилик билан шуғулланувчи янги этник гуруҳлар кириб кела бошлайди. Маҳаллий маданиятдан фарқланувчи бу гуруҳлар маданияти тадқиқотчилар томонидан «Тозабоғёб маданияти» номи билан фанга киритилган.

Тозабоғёб кўринишидаги ёдгорликлар кейинчалик Зарафшон дарёсининг қуйи ҳавзаси ҳудудларидан топиб ўрганилди. Худди шунга ўхшаш этносларнинг излари Тошкент воҳасидан, Фарғона водийсидан ва шимолий Бақтриянинг тоғли ва тоғолди ҳудудларидан топиб ўрганилган. Жуда катта ҳудудлардан, хусусан, Қозоғистон чўллари, Олтой, Жанубий Сибир, Уралолди ҳудудларидан текширилган ўзига хос маданият «Андронов маданияти» номи билан фанга киритилган. Айрим тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича, бу маданият соҳиблари бронза давридаёқ туркий тилда сўзлашганлар. Аммо бу фикр ҳали тўла илмий асосланмаган.

Ўзбекистон Ўрта Осиёнинг қадимдан ўтроқ деҳқончилик маданияти ўчоқлари таркиб топган ҳудудда жойлашганлиги бой археологик ва меъморчилик маданиятлари билан изоҳланади. Фарғона водийсининг Селунғур ғоридан топилган қадимги тош даврига оид топилмалар ва Тешиктошдан топилган ўрта палеолит даврига оид одамзод қолдиқлари, бизнинг юртимиз Африка ва Олд Осиё ҳудудлари билан бир қаторда инсоният пайдо бўлган ҳудудлар таркибига кирганлигини ҳозирги кунда узил-кесил исботлайди. Шунингдек, мезолит даврига оид Мачай ғоридан топилган ёдгорликлар, неолит даврига оид овчилик ва балиқчилик маданиятини ўзида аск эттирувчи Калтаминор, жанубдаги илк деҳқончилик маданиятига оид бўлган Жойтун, Ҳисор тоғ маданияти, бронза даврига оид бўлган хилмахил Замонбобо, Сополли, Жарқўтон, Саразм, Сувёрган, Чуст маданиятлари ўлкамизда қадимги аждодларимиз хўжалигининг жадаллик билан ривожланганлигини исботлайди.

Ўлкамиздаги қадимги аҳоли тош ва бронза даврида қандай ном билан аталганликлари бизга номаълум. Ўрта Осиё аҳолиси ҳақидаги маълумотлар дастлаб Шарқ ва юнон-рим манбаларида тилга олинади. Юнон тарихчилари маълумотларига қараганда, Евросиёнинг катта ҳудудларида яшовчи қабилалар умумий «скифлар» номи билан ата-

лади. Геродот «бу халқ қадимийликда мисрликлардан қолишмайди», деб юқори баҳо берган эди. Плиний эса Ўрта Осиё ҳудудларида 20 га яқин қабилалар борлиги хусусида эслатиб ўтади. Ёзма манбаларда скифларнинг иккита йирик қабиласи: саклар ва массагетлар хусусида кўпроқ эслатилади. Аҳмонийлар миххат ёзувларида саклар учта қисмга (хаумаварка, тиграхауда, тиай-тара-дарайя) бўлиб кўрсатилади. Массагетлар хусусида ҳам турли фикрлар мавжуд бўлиб, улар маҳаллий чорвадор-ҳарбий қабилалар бўлганлиги таъкидланади. Аммо ёзма манбалар бу халқлар ва қабилаларнинг қайси ирққа мансублиги ҳақида маълумот бермайди.

Айрим олимлар томонидан билдирилган Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон қадимги даврлардаги монголоид ирқи шаклланган ҳудудга киради, деган илмий ёндашув нотўғри ва асоссиз эканлиги сўнгги йиллардаги антропологик маълумотлар натижасида аниқланди. Т.Хўжаевнинг фикрича, ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихини ўрганишни қанча эрта даврлардан бошласак, унинг таркибида ҳозирги кунларгача сақланиб келинаётган ирқий ва этник унсурларнинг маҳаллий халқ таркибига кирган даври ва унинг нисбий миқдори тўғрисида шунчалик кенг фикр юрита оламиз.

Ўзбек халқига хос Ўрта Осиё икки дарё оралиғи ирқининг шаклланиш даври, макони ва тарихи масалаларида фанда яқингача ягона фикр йўқ эди. Бир гуруҳ олимлар бу ирқ бундан 6-8 минг йил илгари, иккинчи бир гуруҳ тадқиқотчилар бундан 3 минг йил илгари шаклланган деса, учинчи гуруҳ олимлари эса VI асрда шаклланди, деб ҳисоблар эдилар. Кейинги йиллардаги бой археологик топилмалар натижасида тадқиқотчилар Ўрта Осиё иккидарё оралиғи ирқининг шаклланиши бундан 2200–2300 йил илгари бошланганлигини асослаб бердилар.

Кўпгина илмий адабиётларда ўзбек халқининг шаклланишида саккизта муҳим давр санаб ўтилади. Булар қаторида Аҳмонийлар, Александр Македонский, Араб халифалиги, Мўғуллар истилоси тилга олинади. Ҳақиқатан, бу забт этишлар Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон халқлари маданиятига, тилига, турмуш тарзига, албатта, ўз таъсирини ўтказган. Аммо бу юришларнинг маҳаллий халқларни ирқий ва этник тарихига бўлган таъсири кам эканлигини таъкидлаш жоиз. Антропологик нуқтаи назардан улар маҳаллий халқ «қонини» ёки генетикасини тубдан ўзгартира олмадилар. Улар сон жиҳатидан

кўпчиликни ташкил этган маҳаллий аҳоли таркибига сингиб кетганлар. Бу ўринда маҳаллий (субстрат) ва келгинди (суперстрат) аҳоли орасидаги ўзаро муносабатларнинг фанда маълум ҳолатларини эслатиб ўтиш жоиз. Яъни кўп сонли маҳаллий аҳоли таркибига келгинди гуруҳларнинг сингиб кетиши; келгинди гуруҳларнинг маҳаллий аҳолидан устун бўлиши; келгинди аҳоли тенг сонли бўлиши ва ниҳоят, маҳаллий ва келгинди халқлар аралашуви натижасида иккаласига ҳам ўхшаш янги халқ, гуруҳ, элат пайдо бўлишини кузатиш мумкин. Т.Хўжаевнинг махсус антропологик тадқиқотларига қараганда, барча тарихий даврларда маҳаллий халқ келгинди аҳолидан ҳамиша устун бўлган.

Илк темир давридан бошлаб (мил. авв. IX–VII асрлар) ўлкамизнинг қадимги деҳқончилик воҳаларида яшовчи ўтроқ аҳоли ўзлари яшаб турган ҳудуд номлари билан атала бошлаганлар. Булар Суғдиёнадаги суғдийлар, қадимги Хоразмдаги хоразмийлар, қадимги Бақтриядаги бахтарлар, қадимги Чочдаги чочликлар, Фарғонадаги парканаликлардир. Бу тарихий номларнинг айримларини илк ёзма манбаларда, хусусан, зардўштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да, Аҳмонийлар миххатларида, юнон-рим муаллифлари асарларида учратиш мумкин.

Антропологик изланишлар натижаларига таяниб, ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихида муҳим аҳамият касб этган уч тарихий даврга алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. **Биринчидан, мил. авв. III–II асрларда** Ўрта Осиё дашт минтақаларида ҳозирги ўзбек халқига хос антропологик қиёфа шакллана бошлаган. Бу эса фанда яқингача кенг тарқалган фикрлар, яъни ўзбекларга хос Ўрта Осиё икки дарё оралиғи ирқи, аввало, Волга дарёси бўйларида ва Уралда сармат қабилалари таркибида шаклланиб тарқалди, деган ҳамда бу ирқ Байкал кўли атрофида ва Мўғулистон чўлларида шаклланиб, тайёр ҳолда маҳаллий аҳолига ўз ирқини тарқатди, деган фикрлардан воз кечишни тақозо этади.

Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида ўзбекларга хос антропологик қиёфа даставвал Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси туманларида, яъни Тошкент воҳаси, Фарғона водийси, қисман Хоразм ва Жанубий Қозоғистоннинг Чимкент вилоятларида, Еттисув минтақасида мил. авв. I минг йиллик охирида шаклланa бошлаганлиги аниқланди.

Мил. авв. III–II асрларда бу аҳоли бир неча йўналишда Ўрта Осиёнинг марказий ва жанубий вилоятларига кириб борган. Ушбу антропологик тадқиқотлар натижалари ёзма манбаларда маълум бўлган халқларнинг жанубга юриши ва Юнон-Бақтрия давлатининг истило этилиши ҳамда Буюк Кушон салтанатининг барпо бўлиш даврига мос келади. Антропология бу юриш ҳақида қуйидаги маълумотларни беради. Кўчманчи ва ярим кўчманчи чўл аҳолиси Сирдарё қуйи оқимидан Марказий Қизилқум орқали (Учқудуқ, Томди, Юзқудуқ, Кўкпатош), Самарқанд атрофларига (Каттақўрғон, Орлат), сўнгра Қашқадарёнинг Қарши шаҳри атрофлари (Ерқўрғон) орқали Сурхондарё вилоятидаги (Кўҳна Термиз, Далварзин, Шоҳтепа, Айртом) қадимги шаҳар ва қишлоқларга кириб жойлашганлар. Кейинчалик улар жанубий Тожикистонга ўтиб кетганлар. Уларнинг иккинчи гуруҳи қадимий Бухоро воҳаси орқали Туркманистоннинг жанубий вилоятларига, бир қисми эса ҳозирги Шимолий Афғонистоннинг Шибирғон шаҳри атрофларигача етиб борган (Тиллатепа). Натижада, ўзбеклар ва текисликларда яшовчи тожикларга хос Помир-Фарғона антропологик унсур Ўрта Осиёда кенг тарқалган.

Ўзбек халқи шаклланишидаги иккинчи муҳим давр – бу IX–XII асрлар ҳисобланади. Бу даврда Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳозирги ўзбекларга хос қиёфа маҳаллий аҳолининг асосий қисмини ташкил этади. Антрополог Т. Хўжаев тадқиқотларига қараганда IX асрга келиб аҳолининг антропологик қиёфасида кескин ўзгаришлар юз берганлиги кузатилади. Бу ўзгаришларни археологик тадқиқотлар натижалари ҳам тасдиқлайди. Жумладан, марҳумларни астодонларда кўмиш маросимлари, аҳоли орасида кенг тарқалган бош шаклини сунъий ўзгартириш одатлари йўқолади. Антропологик тадқиқотлар натижаларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, ўзбекларнинг **элат сифатида шаклланиш даври IX–X асрларга оид** дейишга жиддий асослар бор.

Фанда мўғул истилоси Ўрта Осиё аҳолисини кескин мўғуллаштириб, ўзгартириб юборди, деган фикр кенг тарқалган. Лекин тадқиқотчиларимиз бу масалага ҳам ойдинлик киритдилар. Мўғул истилоси Ўзбекистон аҳолисининг ташқи қиёфасига сезиларли изларни қолдирмаганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Сабаби Чингизхон XIII аср бошида ташкил этган йирик мўғул давлатида мўғуллар сони тахминан 0,7 миллион кишидан иборат бўлган. Агар ҳар 6 кишидан

биттаси аскарликка олинган бўлса, унда унинг қўшинлари сони 100–110 минг кишидан иборат бўлган. Лекин ўша даврда мўғуллар қўшинларининг кўп қисмини йўқотганлар. Улар Ўрта Осиёга бостириб келганида қўшинларнинг кўпчилиги туркий халқлардан ташкил топганлиги маълум. Бу даврда Муҳаммад Хоразмшоҳ давлатида 20 миллион аҳоли яшаган. Мўғул қўшинлари кўп сонли маҳаллий аҳоли таркибига ўз асоратини ўтказа олмаган. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳолида мўғул ирқи аломатлари деярли намоён бўлмаганлигини кўриш мумкин.

Ўзбек халқининг шаклланишида **учинчи муҳим давр XV аср охири ва XVI аср** ҳисобланади. Бу даврда Дашти Қипчоқ ўзбеклари Ўрта Осиёга кириб келади ва улар маҳаллий аҳолига ўз номини беради.

Шундай қилиб, ўзбек халқини этник шаклланиши узоқ давом этган мураккаб жараёндир. Ўзбек халқининг асосини ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида бир неча минг йиллар давомида яшаб келган маҳаллий суғдийлар, бахтарлар, хоразмийлар, саклар, массагетлар, қанғлилар ва довонликлар ташкил қилган. Турли даврларда турли мақсадларда кириб келган қабилалар, элатлар ва халқлар давр ўтиши билан маҳаллий аҳолига ўз таъсирини қисман ўтказган. Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ўзбек халқи шаклланиш жараёнининг барча босқичларида маҳаллий аҳоли ташқаридан келган аҳолига нисбатан доимо устунлик қилган. Келгинди аҳоли маҳаллий аҳолига ўз тилини берганлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Лекин антропологик нуқтаи назардан маҳаллий аҳолининг этник қиёфасини ва ташқи кўринишини тубдан ўзгартира олмади. Мисол учун, кейинги икки минг йил давомида Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда маҳаллий аҳолининг тили уч марта ўзгарди. Шарқий эрон тиллари ўрнига ғарбий эрон тиллари (форс тили) ва милоднинг бошларидан туркий тиллар кенг тарқала бошлади. Аммо маҳаллий халқнинг «қони», яъни генетикаси айтарли ўзгармади ва қадимий халқларимизга хос антропологик хусусиятлар шу кунларга қадар сақланиб келмоқда. Ўзбек халқининг келиб чиқиш асосини қадимги даврлардан бошлаб ўлкамиз ҳудудларида яшаб келган маҳаллий халқлар ташкил этган. Икки ярим минг йил давомида маҳаллий аҳолига келиб қўшилган туркий тилли элат ва халқлар ўзбек халқи шаклланишида асосий таркибий қисм сифатида қатнашган.

3. Ўрта асрлардаги этник-маданий жараёнлар. «Ўзбек» атамаси

Ўрта Осиё халқларининг этник шаклланишида бу ҳудудга кўчиб келган турли элат ва қабилалар ҳам маълум маънода иштирок этганлар. Юечжилар, хионийлар, кидарийлар, эфталийлар шулар жумласидандир. Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида аниқ антропологик тип бўлиб шаклланган даврда бу ҳудудларда «Қовунчи маданияти» шаклланади. Сўнгги археологик тадқиқотлар натижаларига кўра милодий II–III асрлардан бошлаб Фарғона водийси, Самарқанд ҳудудлари, IV–V асрда эса Бухоро воҳаси, Қашқадарё ва Сурхон воҳаларида Қовунчи маданиятининг таъсири сезилади.

IV асрнинг охирларидан бошлаб Ўрта Осиёда йирик туркий этнослар хионийлар ва эфталийларнинг ўтроқлашув жараёнлари кучаяди. V–VI асрларга келиб эфталийлар ва хионийларнинг асосий қисми турғун ҳаётга ўтадилар. Бу қабилалар ўтроқ ҳаёт кечириб, анъанавий чорвачилик билан бир вақтда деҳқончилик билан шуғулланганликлари ҳақида ёзма ва археологик манбалар маълумотлар беради.

VI асрнинг ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиёда эфталийлар ва Туркий хоқонлик ўртасида кураш бошланади. Тарихий манбалардан бизга маълумки, VI асрнинг ўрталарида Олтойда, Жанубий Сибир, Еттисув, Шарқий Туркистондаги бир неча қабилалар бирлашуви натижасида йирик Туркий хоқонлик ташкил топади. Қисқа вақт ичида хоқонлик кучайиб, Ўрта Осиёнинг катта қисмини босиб олади. Туркий хоқонлик даврида (VI–VIII асрлар) Тошкент воҳаси, Зарафшон, Қашқардарё воҳалари, Сурхондарё ва Фарғона водийлари Хоразм ҳудудларига туркийзабон гуруҳларнинг кириб келиши янада кучайди ва уларнинг кўпчилиги бу ҳудудларда турғунлашиб қолди.

VIII аср бошларида араблар Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудларига бостириб кирган вақтларда бу ҳудудларда ўтроқ ва ярим ўтроқ туркийзабон аҳоли, суғдийлар, тохарлар, чочликлар ва Хоразмнинг туб ерли аҳолиси босқинчиларга қарши тинимсиз кураш олиб борган бўлишларига қарамай, сиёсий парокандалик туфайли улар зулми остига тушиб қоладилар.

Маълумки, VIII асрнинг 2-ярмидан туркий қарлуқ қабилалари кучая бошлайдилар. IX асрнинг ўрталарига келиб Еттисув, Чимкент

вилояти, Тошкент воҳаси, Фарғонанинг шимолий қисмларини ўз ичига олган Қарлуқ давлати ташкил топади. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътироф этилишларича, ўзбек элатининг шаклланишида Қарлуқ давлатининг аҳамияти катта бўлади. X аср ўрталаридан бошлаб бу давлат тарихий манбаларда Қорахонийлар давлати номи билан тилга олинади.

Ёзма манбаларнинг маълумот беришича («Ҳудуд ал-олам»), IX–X асрлар қарлуқлар эгаллаб турган ҳудудларда 20 дан ошиқ шаҳар, кўплаб қишлоқлар бўлган. Қарлуқлар кўп сонли, нуфузли «халқ» бўлиб, бир қисми чорвачилик билан шуғулланган. Қарлуқлар яшаган ҳудудларда йирик этнослар – чиғиллар, яғмолар, халачлар ҳам яшаган бўлиб, тадқиқотчиларнинг фикрича, улар бир-бирига қонқариндош бўлиб, туркий тилда сўзлашганлар.

XI асрнинг биринчи ўн йиллигидаёқ Жанубий ҳудудларнинг то Балх вилоятигача бўлган ерлари дастлаб қорахоний туркийлар, сўнг эса ғазнавийлар қўлига ўтди. Бунинг натижасида, навбатдаги катта туркий қатлам Суғдиёна, Хоразм ва Тохаристон ерларига кириб боради. Қорахонийлар даврида Мовароуннаҳрнинг барча ҳудудларида туркий қатламлар мавжуд эди.

Қорахонийлар давлатида қарлуқ-чиғил туркий тил лаҳжаси кенг тарқалди. Кейинчалик шу тил асосида адабий туркий тил юзага келиб, уни Маҳмуд Қошғарий «энг очиқ ва равон тил» деб атаган. Туркий тилда IX–XII асрлар мобайнида бир қатор асарлар ёзилган бўлиб, Аҳмад Югнакийнинг (775–869) «Ҳибатул ҳақойиқ» (Ҳақиқатлар туҳфаси) достони, Юсуф Хос Хожибнинг (XI аср) «Қутадғу билик» (Саодатга йўлловчи билим) асари, Аҳмад Яссавийнинг (1041–1167) «Ҳикматлар»и ҳамда «Ўғузнома», «Алпомиш», «Гўруғли» каби достонлар шулар жумласидандир.

Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг форсий-дарий тилда сўзлашувчи аҳолиси X асрдан бошлаб ўзини «тозик», яъни «тожик» деб юрита бошлайдилар. Сомонийлар ва Қорахонийлар (IX аср ўрталаридан 1213 йилгача)дан кейин ҳукумронлик қилган кейинги сулолалар, Ғазнавийлар (997–1187), Салжуқийлар (1040–1147), Хоразмшоҳ-Ануштагенийлар (1097–1231)нинг барчаси туркий қавмга тегишли бўлиб, ўз вақтида нафақат Ўрта Осиё, балки Ўрта Шарқда ҳам ҳукмронлик мавқеига эга бўлганлар. Мўғуллар истилоси гарчи аҳоли бошига ниҳоятда оғир кулфатлар ва йўқотишлар олиб келган бўлса-да, тад-

қиқотчилар фикрича, ўзбек халқи этногенези ва ирқига деярли таъсири бўлмади.

«Ўзбек» этнонимининг келиб чиқиши ҳақида қисқача фикр юритадиган бўлсак, бу этнонимнинг келиб чиқишини айрим гуруҳ тадқиқотчилар Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг (1312–1341) номи билан боғлайдилар. Бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар эса бу фикрни инкор этадилар ва «ўзбек» номи Ўзбекхонгача Оқ Ўрда минтақасида, унинг Ғарбий Сибир ва Қозоғистон қисмида яшаган туркий қабилаларига мансуб (хон номи қабилалар номидан олинган бўлиши мумкин) деган фикрни илгари сурадилар. Айрим тадқиқотчилар эса «ўзбек» атамасини «ўзи бек», «эркин», «мустақил» сўзидан келиб чиқиб XII–XIV асрларда халқимизга нисбатан ишлатила бошланган, деб ҳисоблайдилар.

Сўнгги йилларда филолог мутахассис А.Шукуров «ўзбек» атамасининг келиб чиқишини Ўғузхон номи билан боғлайди. У ўзининг «Ўзбек» атамасининг келиб чиқиши ҳақида» («Насаф» нашриёти, 2010) рисоласида (34-бет) «... туркий менталитетдан (анъаналарга содиқлик) келиб чиқиб, Турк отанинг довруқли набираси Ўғузхон исми ҳозирги пайтда Озарбайжон, Туркманистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон давлатлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Афғонистондаги туркий қавмларнинг асосий қисми номларида мавжуд ва улар бу ерларда дунё яралгандан буён яшаб келмоқдалар», деган фикрни билдиради. Афсуски, ёзувчининг бу фикри ўта мавҳум бўлиб, ҳиссиётларга берилиб талқин этилган ҳамда ниҳоятда жиддий илмий асосланишни талаб этадиган муаммодир. Ёзувчининг юқоридаги рисоласини таҳлил этиш эса алоҳида мавзу ҳисобланади.

Ўзбек этноними келиб чиқиши даврига қараб ўзбек, туркман, қозоқ, қорақалпоқ халқларини аниқ бир вақтда пайдо бўлган деб айтиб бўлмайди. Бу халқлар минг йиллар давомида ҳозирги яшаётган минтақаларида яшаганлар. Лекин у пайтда ҳали ҳозирги номи билан аталган эмас ва бу номлари билан айтилмаган. Улар умумий ном билан «туркий» ёки бўлмаса ўз қабилалари номлари билан аталганлар.

Тарихнинг қадимги даврларида аҳоли кўп ҳолларда ўзлари яшаган жой номи билан аталган бўлиб, ўрта асрларга келиб бу номлар ўзгаради. Хусусан, Дашти Қипчоқ ҳудудларида яшаган туркий аҳоли Мовароуннаҳр ерларига келиб, бу ерда яшаётган ўтроқ аҳоли билан

уйғунлашиб кетган ва аҳоли номи «ўзбек» деб аталган. Ўрта асрлар тарихий адабиётларида ҳам бу ном «ўзбек», «ўзбеклар» сифатида тилга олинади. Аммо шу нарса аниқки, Дашти Қипчоқ ҳудудларидан келган туркий қабилалар маҳаллий аҳоли этногенезига, урф-одат ва анъаналарига сезиларли даражада таъсир этмадилар. Аксинча, улар орасига сингиб кетиб, юқори даражадаги маданият таъсирида бўлдилар.

Тадқиқотларга кўра, ўзбек халқи асосан икки этник қатламдан ташкил топган. Биринчи қатлам Турон-Туркистон ҳудудларида шаклланган. Иккинчи қатлам эса Волга (Итил) дарё бўйларидан тортиб, то Хоразмнинг шимоли, Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларигача бўлган ҳудудларда шаклланган. Бу макон ўтмишда турли номлар, чунончи, Дашти Қипчоқ, Олтин Ўрда, ўзбек вилояти, ўзбек мамлакати, ўзбек улуси деб аталган. Халқимизнинг бу қатламини шартли равишда шимолий қатлам деб аташ мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўзбек халқининг асосини ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида бир неча минг йиллар давомида яшаб келган маҳаллий саклар, массагетлар, суғдийлар, бахтарлар, хоразмийлар, қанғлилар, довонликлар, чочликлар ташкил этган. Келгинди аҳоли маҳаллий аҳолига қисман таъсир этса-да, унинг генетикасини тубдан ўзгартира олмаган.

Таянч сўзлар

Этногенез, этник шаклланиш, этник тарих, урф-одатлар ва анъаналар, ижтимоий тузилмалар, биологик хусусият, автохтон қатлам, субстрат аҳоли, этногенетик жараён, кўп компонентли аҳоли, этник белгилар, этник омиллар, этник тил бирлиги, этник ном, этник бирлик, этнос, халқ, элат, эл, қабила, этнографик гуруҳ, этник гуруҳ, этник бирлашиш, этник бўлиниб кетиш, этник анъаналар, этник жамоа, уруғ, маҳаллий аҳоли, Ўрта Осиё иккидарё оралиғи ирқи, Ўрта ер денгизи ирқи, саклар, массагетлар, хоразмийлар, бахтарлар, суғдийлар, ўзбекларга хос антропологик қиёфа, этник-маданий жараёнлар, ўзбек этноними, ўзбеклар.

Савол ва топшириқлар

1. Этник тарих ҳақида маълумот беринг.
2. Этногенез ва уни ўрганиш масалалари бўйича нималарни биласиз?
3. Этногенез ва этник тарихнинг назарий ва илмий-методологик тамойиллари нималардан иборат?

4. Этник атамалар ҳақида маълумот беринг.
5. Ўлкамиз ҳудудларидаги қадимги аҳоли ҳақида гапириб беринг.
6. Ўзбек халқининг шаклланиш босқичлари ҳақида нималар биласиз?
7. «Ўзбек» атамаси ҳақида маълумот беринг.

3-мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар

1. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: Университет, 2007.
2. Шониёзов К.Ш. Қанғ давлати ва қанғлилар. – Тошкент: Фан, 1990.
3. Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Фан, 2001.
4. Вишневская О.А. Культура сакских племен низовьев Сырдарьи в VII–V вв. до н.э. – М.: Наука, 1983.
5. Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. – Ташкент: Уз ФАН, 1941.
6. Толстов С.П. Основные проблемы этногенеза народов Средней Азии. // СЭ. - № VI-VII, 1947.
7. Гумилёв Л.Н. Этногенез и биосфера земли. – М.: Наука, 1993.
8. Краткий этнологический словарь. – М.: Социальный мониторинг, 2000.
9. История таджикского народа. – Душанбе, 1999.
10. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. 4-мавзу.
11. Ходжаев Т.К. К палеантропологии древнего Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1986.
12. Ходжаев Т.К. Ўзбек халқи этногенези тарихидан. – Тошкент: 1995.

II. ИЛК ДАВЛАТЧИЛИККА ЎТИШ ВА ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДАВРИ

4-МАВЗУ. ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ДАСТЛАБКИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

Режа:

1. Илк давлатлар пайдо бўлишининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий асослари.
2. Илк давлатлар ҳақидаги ёзма манбалар. Қадимги аҳоли.
3. Қадимги Бақтрия, Хоразм ва Суғдиёна давлатлари.
4. Аҳамонийлар даврида Ўрта Осиё.
5. Александр Македонскийнинг ҳарбий юришлари ва унга қарши кураш. Ўзбекистоннинг антик давр давлатлари.

1. Илк давлатлар пайдо бўлишининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий асослари

Давлат бошқарувининг пайдо бўлиши инсоният тарихида муҳим муваффақият ва сифатий янги босқич бўлди. Дунё тарихидаги қадимги давлатларнинг пайдо бўлиши ва такомиллашувида Ўрта Осиё ва унга қўшни ҳудудларда яшаган халқларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

Дунё тарихида шаҳарлар, сиёсий бирлашмалар, уюшмалар, кейинроқ эса давлатларнинг пайдо бўлиши узоқ давом этган жараёндир. Э.В.Ртвеладзенинг фикрича, бу жараён турли халқларда турли йўллар билан бўлиб ўтган.

Биринчидан, давлатлар пайдо бўлишининг осиёча ишлаб чиқариш усулига асосланган «Шарқ йўли» бўлиб, унда иқтисодиётнинг асосини суғорма деҳқончилик ташкил этган; деҳқончилик жамоаси жамиятнинг бирламчи ячейкаси эди; аҳолининг катта қисмини сафарбар этиш зарурияти принципиал бошқарувчиларни тақозо этган.

Ишлаб чиқаришнинг осиёча усули мил.авв. IV минг йилликдан милодий I асргача йирик дарёлар водийларида жойлашган Миср, Бобил, Хитой, Ҳиндистон, Ўрта Осиё каби ҳудудларда ёйилган.

Давлат тузилмасининг иккинчи, «Европача йўли» Европа ҳудудида мил.авв. V асрдан бошлаб милодий III асргача қадимги юнон полисларида мавжуд бўлган. Уларда хусусий мулкчилик шаклланиши

туфайли келиб чиққан жамиятнинг ижтимоий мулкий табақаланиш жараёни (табақалар шаклланиш жараёни) асосий омил бўлди.

Маълум бир қабила, элат ва халққа хос ҳамда муайян ривожланиш босқичлари бошқа халқ ва ҳудудлардаги давлатчилик жараёнларига асло мос тушмайди. Шунга қарамай, қадимги Шарқдаги илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши кўпгина умумий жиҳатларга эга эканлигини таъкидлаш жоиздир. Айнан мана шунинг учун ҳам Ўрта Осиёда илк давлатларнинг пайдо бўлиши қадимги Шарқ давлатчилиги тарихи билан узвий боғликдир.

Ўрта Осиё, умуман Ўзбекистон ҳудудларида дастлабки давлатчиликнинг пайдо бўлиши масалалари тадқиқотчилар орасида ҳамон баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Бу ўринда ушбу жараёнга асосий туртки бўлиб янада жадаллаштирган омилларни аниқлаш ниҳоятда муҳимдир. Бронза давридаёқ сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик Ўрта Осиё хўжалигининг асосини ташкил этган. Суғорма деҳқончиликнинг юқори унумдор шакллари жамиятда ҳал қилувчи ўзгаришларга олиб келди. Хусусан, деҳқончилик ривожи натижасида қўшимча маҳсулот ва хусусий мулк кўринишлари пайдо бўлди.

Ўрта Осиёда илк давлат уюшмалари сунъий суғориш бирламчи қулай бўлган Амударё (юқори, ўрта, қуйи) оқимлари бўйларида, Мурғоб воҳасида, Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида шаклланиб ривожланади. Бундай ҳолатни дунё тарихидаги дастлабки давлатлар – Миср (Нил) ва Месопотамия (Дожла ва Фрот) мисолида ҳам кузатишимиз мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, дастлабки йирик шаҳар марказларининг пайдо бўлиш муаммолари давлатлар пайдо бўлиши масалалари билан узвий боғлиқ муаммо ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, бизга қадар етиб келган ёзма манбалар Ўрта Осиё ҳудудларида илк давлатлар пайдо бўлгани ҳақида нисбатан аниқ маълумотлар бермайди. Бу ўринда археологик маълумотларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Жамият ҳаётида металлнинг кенг ёйилиши – дастлабки шаҳарлар ва давлатчиликнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунга келиб Ўрта Осиёнинг жуда кўплаб бронза ва илк темир даври ёдгорликларидан (Анов, Сополли, Жарқўтон, Қизилтепа, Кўзалиқир, Афросиёб, Даратепа, Чуст, Далварзин ва бошқ.) ишлаб чиқарувчи хўжалик билан бевосита боғлиқ бўлган металл қуроллар то-

пиб ўрганилган. Меҳнат қуролларининг металлдан ишланиши меҳнат унумдорлигининг янада ошишига кенг имкониятлар яратди.

Сўнгги бронза даврига келиб ҳунармандчиликнинг ихтисослашуви ва алоҳида хўжалик тармоғи сифатида шаклланиб ривожланиши жамиятдаги иқтисодий тараққиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, асосини илк шаҳарлар ташкил этган давлатчиликнинг пайдо бўлиши учун муҳим бўлган қўшимча маҳсулот кўпайишига туртки бўлди. Илк давлатларнинг пайдо бўлишида илк шаҳарлардаги ўзаро айирбошлашлар, савдо-сотиқ ва маданий алоқаларнинг ҳам аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Сўнгги бронза даврига келиб шимолдаги кўчманчи чорвадор қабилалар ва жанубдаги ўтроқ деҳқончилик аҳолиси ўртасида ўзаро мол айирбошлаш ва маданий алоқалар янада жадаллашади. Жанубий ва шимолий ҳудудларидан топилган топилмалардаги жуда кўпгина ўхшашликлар бу ҳудудлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалардан, қадимги йўлларнинг тараққий этганлигидан далолат беради, бу жараёнлар ҳам дастлабки шаҳарлар билан бирга илк давлатчиликнинг асосий омилларидан ҳисобланади.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, Ўрта Осиёда энг қадимги давлатларнинг шаклланиш жараёни деҳқон-чорвачилик иқтисодиёти, ихтисослашган ҳунармандчилик ва шаҳар марказларининг пайдо бўлиши билан узвий боғлиқдир. Ҳозирги кунга қадар олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари бу ҳудудларда илк темир давридаги ижтимоий-сиёсий ривожланишнинг айрим муҳим масалаларини янги асосда изоҳлашга имконият яратади. Аммо шунга қарамасдан, бу масала тўлиқ ечимини топмаган бўлиб, хусусан, Ўрта Осиё қадимги давлатлари типологияси ва хронологияси, давлатчилик тараққиётида илк шаҳарларнинг аҳамияти муаммоси шулар жумласидандир.

XIX асрнинг охирларидан бошлаб ҳозирги кунга қадар олиб борилган «Авесто» маълумотлари (вилоятларнинг Арёшаёна бўйича бирлашиши), Геродот ва Гекатей асарлари («Катта Хоразм»), шунингдек, Ктесийнинг Қадимги Бақтрия давлати ҳақидаги маълумотлари ва ниҳоят, археологик тадқиқотлар натижалари Ўрта Осиёда илк давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши муаммоларини ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотчилар Ўрта Осиёда илк давлатларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини аҳмонийларгача бўлган даврда деб ҳисоб-

лайдилар ва мил. авв. IX–VII асрлар билан белгилайдилар (М.Дункер, В.Томашек, Ф.Альтхайм, С.П.Толстов, М.М.Дьяконов, И.М.-Дьяконов, В.М.Массон, М.Дандамаев, Я.Ғуломов, Б.А.Литвинский, Э.В.Ртвеладзе, И.В.Пьянков, А.С.Сагдуллаев ва бошқалар).

Сўнгги бронза ва илк темир даврига келиб аҳоли сони ва зичлигининг ўсиб бориши, ҳосилдор ер майдонларининг ўзлаштирилиши ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг жадаллик билан ривожланиши аҳоли жойлашувининг ҳаётий зарур ҳудудларга бўлиниб кетишига олиб келади. Бундай шароитда чорвадор аҳолининг маълум бир қисми хўжаликнинг ярим ўтроқ ва чорвачилик шаклига ўтишга мажбур бўладилар. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёдаги мил.авв. VI–IV асрларга оид кўчманчилар ёдгорликлари ўтроқ аҳоли ҳудудлари чегараларида (Оролбўйи, шимолий Туркманистон, Зарафшоннинг қуйи оқими, Помир ва бошқ.) жойлашганлиги тасодифий ҳол эмас.

А.Сагдуллаевнинг фикрича, Арёшаёна каби вилоятлар уюшмаси вақтинчалик ва қолоқ бўлиб, Қадимги Бақтрия каби нисбатан йирик сиёсий уюшмаларнинг пайдо бўлишига Ўрта Осиё ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасидаги доимий сиёсий қарама-қаршиликлар сабаб бўлади.

Аҳоли аралаш жойлашуви ҳудудларида ўтроқ вилоятлар сиёсий уюшмаларининг шаклланишига туртки бўлган омиллардан бири – Ўрта Осиёнинг жанубидаги дашт ҳудудларда жойлашган кўчманчи қабилалар ҳужуми эди. Мил.авв.VII–VI асрларга келиб бундай ҳужумлар тез-тез бўлиши муқаррар эди. Чунки Ўрта Осиёнинг кўпгина тоғ ва дашт ҳудудларида йилқичилик кенг тарқалиб, кўчманчиларнинг ўзлари эса катта жанговар муваффақиятларга эришиб, жиддий хавф туғдира бошлайдилар.

Мил.авв.VIII асрнинг охири – VII асрга келиб Ўрта Осиёнинг жанубидаги қишлоқлар ривожланишида жадаллик билан ўзгаришлар бошланиб, Бақтрия ва Суғдиёна ҳудудларида шаҳарсозлик белгиларини (мустаҳкам деворлар, саройлар, буржлар, хандақлар, деворлардаги ўқ отиш йўлаклари ва бошқ.) акс эттирувчи маконлар пайдо бўлади. Илк темир даврига оид бундай манзилгоҳларнинг сони Бақтрия, Марғиёна ва Суғдиёнада 20 тадан зиёдроқ. Асосий манзилгоҳлар эса (майдони 5 гадан кам) қишлоқ қўрғонлари учун катта бўлмаган алоҳида қалъалар ва деҳқончилик қишлоқларидан иборат. Шаҳарлар турига киритиш мумкин бўлган каттагина қўрғонли мус-

таҳкамланган манзилгоҳлар айрим қадимги деҳқончилик вилоятларида (Сурхон, Қашқадарё, Зарафшон ҳавзалари ва бошқ.) битта ёки иккитадан кўп бўлмаган.

Илк давлатларнинг асосий белгилари

Ижтимоий-иқтисодий белгилар	Археологик белгилар
Аҳоли сонининг ошиши ва ижтимоий табақаланишни кўрсатувчи белгилар	Турар жой манзилгоҳларининг ошиши; манзилгоҳларнинг ҳудудий кенгайиши; қабрлар ва уларда учрайдиган топилмаларнинг сон ва сифат кўрсаткичлари
Илк давлат маркази – шаҳарнинг мавжудлиги	Шаҳарларнинг пайдо бўлиши; шаҳар атрофида қишлоқ-манзилгоҳларнинг жамланиш жараёни
Ҳунармандчиликнинг ривожланиши	Ҳунармандчилик соҳаларининг марказлашиш жараёни; ҳунармандчилик маҳсулотлари турларининг ошиши, сифатий ўзгаришлар
Деҳқончиликнинг ривожланиши	Меҳнат қуролларининг такомиллашуви; сунъий суғориш шохобчалари ва каналларнинг пайдо бўлиши; экин турлари сонининг ошиши
Чорвачиликнинг ривожланиши	Уй ҳайвонлари суяклари сонининг ошиши
Ҳарбий ишларнинг такомиллашуви	Ҳарбий истеҳкомлар мавжудлиги; қуролларнинг такомиллашуви; мудофаа иншоотлари, буржлар
Кишиларни руҳий бирлаштирувчи марказлашган дин	Оила алтарларининг мавжудлиги; монументал ибодатхоналар
Савдо ва маданий алоқалар	Бошқа маданиятларга хос бўлган моддий маданият намуналари; қадимги алоқа йўлларининг такомиллашуви
Хусусий мулк, сиёсий бирлашма белгиси	Муҳр
Жамиятнинг цивилизацияси даражаси	Ёзув

Давлатчилик пайдо бўлишидаги айрим назариялар ва уларга қисқача таъриф

Теология назарияси. Тарафдорлари: XIII аср, Фома Аквинский; XIX аср, Жозеф Местр, ислом мафкураси ва католик черкови. Бу назария давлатлар келиб чиқишини илоҳийлик билан боғлайди. Қадимги даврдаёқ пайдо бўлган бу назария илк давлатларнинг диний бошқарув шаклларини (теократик) қаттиқ туриб ҳимоя қилади.

Патриархал назария. Бу назария дастлаб Аристотел асарларида асосланиб, XIII аср Р.Фильмер томонидан ривожлантирилди.
Бу назария тарафдорлари дастлабки давлат бевосита оиладан ўсиб чиққан, деб ҳисоблайди. Унга кўра давлат ҳокимияти отанинг оила аъзолари устидан ҳокимлигини белгилаб беради.

Патремониал назария. XIX асрда яшаган француз олими А.Галлер томонидан ишлаб чиқилган. Бу назария тарафдорлари давлат ерга мулкчилик ҳуқуқидан келиб чиққан (патримомум) деб ҳисоблашади. Яъни ҳокимият ерга эгалик қилиш ҳуқуқидан бевосита у ерда яшовчи одамларга ёйилади.

Шартномавий назария. XVII–XVIII асрларда кенг ёйилган бу назария тарафдорлари А.Горций, Ж.Локк, Т.Гобс, Ж.Руссо, Д.Дидро, Ш.Монтескье кабилар эди. Бу назарияга кўра давлат одамлар ўртасида тузилган шартнома асосида одамларнинг онгли равишда бирлашишидир. Одамлар шартноманинг кучи билан ўз эркинлиги, ўз ҳокимиятининг бир қисмини давлатга берадилар.

Зўравонлик назарияси. Тарафдорлари: Е.Дюринг, Л.Гумилович, К.Каутский. Бу назария тарафдорлари давлат чексиз ва ҳимоясиз қабилаларнинг кучли ва уюшган қабилалар томонидан босиб олиниши йўли билан зўравонлик ёки куч ишлатиш орқали пайдо бўлган, деб ҳисоблайдилар.

Ирригация назарияси. Немис олими К.Виттфогель томонидан ишлаб чиқилган. Бу назарияга кўра, давлатларнинг пайдо бўлиши, уларнинг бирламчи деспотик шакллари шарқий аграр вилоятларда улкан иншоотлар қурилиши билан боғланади.

Психология назарияси. Тарафдорлари: Л.Петражетский, З.Фрейд, Г.Тард. Бу назария тарафдорлари давлатнинг пайдо бўлишини инсон психологияси, шахснинг жамоада яшашга эҳтиёжи, обрўли кишиларни излаш, буйруқ бериш ва итоат истаги билан изоҳлайдилар.

Синфий назария. Тарафдорлари: К.Маркс, Ф.Энгельс, В.Ленин, Г.Плеханов. Бу назарияга кўра, синфлар пайдо бўлиши ва улар ўртасида синфий кураш кескинлашувининг якунидир. Давлат бир синфнинг бошқа синф устидан ҳукмронлик қуролидир.

Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши ва ҳунармандчилик натижасида бронза давридаёқ Ўрта Осиё ҳудудларида ижтимоий табақаланиш ва мулкий тенгсизлик пайдо бўлади. Жанубий ҳудудларидаги бу жараён фақат ички сабабларга боғлиқ бўлмай, Яқин Шарқдаги юқори даражада ривожланган анъанавий тарихий-маданий алоқаларга ҳам боғлиқ эди. Ҳар бир жамоанинг ривожланиши ички қонуниятларидан келиб чиқса ҳам, дастлабки марказлардан келиб чиққан ташқи таъсир четдаги вилоятларнинг тақдирида катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин эди.

Юқоридагилардан хулоса чиқариб айтиш мумкинки, қадимги давлатлар ўз ривожланиш босқичларида турли хусусиятлар ва тарихий қонуниятларга эга бўлган. Дастлабки давлатлар хўжаликнинг ишлаб чиқарувчи шакллари – деҳқончилик ва чорвачилик қаерда олдинроқ ривожланган бўлса, ўша ҳудудларда пайдо бўлган. Давлатчилик жаҳон тарихида мил.авв.IV минг йилликнинг охирида вужудга келган бўлиб, инсоният цивилизациясининг сўнгги 5 минг йили билан боғланади.

Давлат тушунчасига таъриф беришда қуйидаги умумлашган ёндашув айни ҳақиқатдир: давлат – бу муайян олий ҳокимиятни амалга оширувчи, махсус бошқарув ва мажбурлов аппаратига эга бўлган, жамиятдаги барча ижтимоий-сиёсий гуруҳларнинг манфаатини ифода этувчи, уларни бирлаштириб ва мувофиқлаштириб турадиган сиёсий ташкилотдир. Давлатнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

1. Аҳолининг ҳудудий асосга кўра бирлашганлиги.
2. Миллий суверенитетга эгалиги (ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишдаги мустақиллик).
3. Махсус бошқарув ва мажбурлов аппаратининг мавжудлиги.
4. Ҳуқуқ тизимининг мавжудлиги.
5. Солиқ тизимига эгалиги.

Давлатларни типларга ажратишда формацион ва цивилизацион ёндашувлар мавжуд. **Формацион ёндашув** – давлатларни ижтимоий, иқтисодий даражасини, базис ва устқурмаси, синфий моҳияти, мақсади, вазифалари ҳамда функциялари мезонига кўра типларга ажратишдир. **Цивилизацион ёндошув** – давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тузуми ва функциялари билан бир қаторда, кўпроқ уларнинг тарихий-маданий тараққиёти, анъанавий, ахлоқий ва маданий ривожла-

ниш даражасига қараб типларга ажратишдир. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда давлатчилик масалалари билан шуғулланаётган тадқиқотчиларнинг аксарияти цивилизацион ёндошувни қўллаб-қувватлайдилар. А.С.Сагдуллаев қадимги бошқарув тизими қуйидаги функциялар билан боғлиқ ҳолда амалга оширилганлигини таъкидлайди: иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий ва ҳудудий.

Давлатнинг жамият тараққиёти ва унинг сиёсий тизимида тутган ўрни қуйидагича изоҳланади:

1. Маълум ҳудудлардаги давлат ўз ҳудуди доирасида яшовчи тилидан, динидан, миллатидан қатъи назар, барча аҳолига ҳокимият таъсири ўтказадиган ягона сиёсий ташкилотдир.

2. Давлат ўз ичида ва ташқи алоқаларда йўлга қўйиладиган муносабатларда бошқа ижтимоий-сиёсий ташкилотлардан фарқ қилган ҳолда, олий ҳокимиятга, тўла суверенитетга эгадир.

3. Давлат жамият ҳаёти тараққиётининг турли соҳалари ва йўналишларини мувофақлаштириб туради.

2. Илк давлатлар ҳақидаги ёзма манбалар. Қадимги аҳоли

Янги маълумотларга кўра, Ўрта Осиё ҳудудларидан топилган пиктографик белги-ёзувлар бронза даврига оид бўлса-да, улар ҳозирча кам сонли бўлиб, қадимги жамият ҳақида тўлиқ маълумотлар бера олмайди. Милоддан аввалги V–IV асрларга оид айрим кам сонли топилмалар ҳам (Хоразм, сак ёзувлари) тўлиқ эмас. Ўрта Осиё ҳудудларидан милоддан аввалги III–II асрларга оид кўплаб танга пуллар топилганки, улар қадимги тарихни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Ундан ташқари, то ўрта асрларга қадар етиб келган кўп сонли ёзма манбалар маълумотлари ҳам муҳимдир.

Ўрта Осиё ҳудудларидаги дастлабки давлат уюшмалари ҳақидаги ёзма манбалар – зардўштийларнинг муқаддас диний китоби «Авесто», аҳамонийлар даври миххат ёзувлари, юнон-рим тарихчиларининг асарлари ҳисобланиб, уларнинг барчаси юртимиздан четда битилган. Шунинг учун ҳам уларда баъзи ҳолларда чалкашликлар ва ноаниқликлар, бир-бирини инкор этиш ҳоллари учраб турадики, бу ўринда мавжуд ёзма манбаларни археологик тадқиқотлар натижалари билан солиштириш ва таҳлил этиш ниҳоятда муҳимдир. Архео-

логик маълумотлар ёзма манбалар маълумотларини кенгайтиради, уларга аниқлик киритади, тарихий тараққиётнинг аниқ йўналишларини кўрсатиб, маълум давр ҳақидаги тасаввурларимизни янада бойитади.

Мил авв. VI асрнинг ўрталарига келиб Эрондаги Аҳамонийлар сулоласи ҳукмдорлари Қадимги Шарқдаги кўпгина мамлакатлар устидан, жумладан, Ўрта Осиёдаги Парфия, Марғиёна, Бақтрия, Суғдиёна, Хоразм, «Саклар ўлкаси» устидан ўз ҳокимиятини ўрнатдилар. Аҳамонийлар даврида битилган миххат манбаларда Ўрта Осиё халқлари ва вилоятлари ҳақида турли маълумотларни учратишимиз мумкин.

Бу ёзувлар мил авв. VI–IV асрларга оид бўлиб, Эрон ҳудудларида, хусусан, Беҳистун ва Нақши Рустам қояларида, Суза, Персепол ва Ҳамадон шаҳарларидан топиб ўрганилган. Булар орасида энг муҳими Беҳистун ёзувлари бўлиб, у Доро I даврида ёзилган. Бу ёзувларда Доро I босиб олган ўлкалар санаб ўтилади. Шунингдек, босиб олинган ҳудудларда форсларга қарши қўзғолонлар ҳақида маълумотлар берилади.

Суза шаҳридан топилган ёзувларда Доро I бундай эълон қилади: «Сузадаги саройни мен бино қилганимда унинг безаклари узоқ юртлардан олиб келинган. Уака ёғочи Ганхарадан, олтин – Сард ва Бақтриядан, ялтироқ тошлар ва ложувард – Суғдиёнадан, феруза – Хоразмдан, кумуш ва бронза – Арахозиядан, тош устунлар – Эламдан етказиб келинган».

Персепол шаҳридаги сарой деворларида бақтрияликлар, хоразмликлар, суғдлар ва сакларнинг ўйиб ишланган расмлари топилган. Бу расмларда Суғдиёна, Бақтрия, Хоразм ва саклар ўлкасидан бўлган солиқ тўловчиларнинг аҳамонийларга турли хил буюмлар (ҳунармандчилик, тикувчилик, заргарлик, ҳарбий қуроллар) ҳамда қадимги Шарқда машҳур бўлган отлар ва туяларни солиқ сифатида олиб келаётгани тасвирланган. Хуллас, аҳамонийлар даври ёзувларида ўлкамиз халқларининг қадимги тарихига оид қуйидаги маълумотлар сақланган: вилоятлар ва халқларнинг номлари, айрим сиёсий жараёнлар, саклар юртига қарши юришлар, иқтисодий тузум ва моддий маданият маълумотлари.

Юнон-рим тарихчиларидан биринчи бўлиб «тарихнинг отаси» Геродот (мил.авв. V аср) Ўрта Осиё халқлари ҳақида маълумотлар



Кир II



Тўмарис

беради. Геродот ўзининг машҳур «Тарих» китобини мил. авв. 455–445 йилларда ёзган. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, Геродот Ўрта Осиё вилоятларининг бирортасида ҳам бўлмаган. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёдаги халқлар, вилоятлар жойлашувидаги нафақат аниқ, балки умумий чегараларидан ҳам бехабар бўлган. Ўрта Осиё вилоятлари ҳақида эса ўзи эшитган ҳикоялари, суриштириб билганлари асосида ёзган.

А.Сагдуллаевнинг ҳисобига қараганда, Геродот «Тарих» китобида Бақтрия, Бақтра, бақтрияликларни 45 марта, суғдларни 2 марта, хоразмликларни 3 марта, сакларни 11 марта, массагетларни 19 марта тилга олиб, уларнинг моддий маданияти, урф-одатлари, дини ва тарихи ҳақида ҳикоя қилган.

Геродотнинг Ўрта Осиё тўғрисидаги асосий фикрлари форсларнинг сак-массагетларга қарши юришлари, Кир II ва Тўмарис ўртасидаги сиёсий муносабатлар, аҳамонийлар ҳарбий қўшинлари сафида юртимиз халқлари жангчиларининг иштироки, уларнинг яроғ-аслаҳалари, йўлбошчилари, форс-юнон урушларида уларнинг жасорат кўрсатганлиги, халқларнинг аҳамонийлар давлатига бўйсуниши ва солиқ тартиби, сак-массагетларнинг турмуш тарзи, диний эътиқоди ва бошқа айрим маълумотлардан иборат.

Масалан, Геродот массагетлар ҳақида шундай хабар қилади: «Буғдойни массагетлар экмайдилар, чорвачилик ва балиқчилик билан (Аракс дарёсида балиқ сероб) шуғулланадилар ҳамда сут ичадилар. Массагетлар ичида улуғланган ягона худо – бу Қуёшдир, Қуёшга улар отларни қурбон қиладилар, чунки худога дунёдаги энг чаққон, тезчопар жонликни қурбон қилиш лозим деб ўйлайдилар».

Асли Кичик Осиёдаги Книд шаҳрилик бўлган юнон тарихчиси Ктесий аҳамонийлар подшоси Артаксеркс (мил.авв. 404–359 йй.) саройида табиблик қилган. Ктесий қаламига мансуб «Персика» асарининг катта бир қисми бақтрияликлар тарихига бағишланган.

Ктесий Оссурия подшоси Ниннинг Бақтрияга қилган юришлари, Бақтриянинг пойтахти ва кўп сонли мустаҳкам истеҳком ва шаҳарлар ҳақида маълумотлар бериб, жумладан шундай ёзади: «Бақтриядаги кўпдан-кўп шаҳарлар орасида Бақтра номли машҳур бир шаҳар бўлган. Бу шаҳар мамлакатнинг маркази бўлиб, кўп шаҳарлар ўртасида, баланд ва мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган, унда подшо қалъаси жойлашган».

Яна бир юнон муаллифи Ксенофонт «Киропедия» номли асарида Ктесий хабарларига ўхшаш, Бақтра шаҳарларининг оссурияликлар томонидан қамал қилиниши тўғрисида маълумот беради. Шунингдек, Ксенофонт Кир II ва Бақтрия урушлари ҳақида ҳам ёзади.

Мил. авв. IV асрнинг иккинчи ярмида Александр Македонскийнинг Шарққа қилган юришлари натижасида Ўрта Осиёдаги қадимги вилоятлар ҳақида кўплаб янги тарихий-географик маълумотлар пайдо бўлди. Кейинги антик давр муаллифлари (Арриан, Курций Руф, Страбон ва бошқ.) асарларидаги маълумотлар илк антик давр муаллифлариникига нисбатан кенгроқ берилган. Александр юришлари ҳақида ёзган тарихчилар асарларида қадимги Ўзбекистон вилоятлари, шаҳарлар, қалъалар, манзилгоҳлар, ҳимоя деворлари, хўжалик ва маданий ҳаёт ҳақида кенгроқ ва батафсилроқ маълумотлар олиш мумкин.

Олиб борилган археологик ва антропологик тадқиқотлар натижалари қиёсий таҳлил этилар экан, қадимги даврдаги Ўрта Осиё ҳудудида яшаган қадимги аҳоли тарихини тадқиқ этиш бир неча сабабларга кўра катта аҳамият касб этиши кузатилади. Ушбу аҳамиятли ҳолатни қуйидагича изоҳлаш мумкин: биринчидан, бу даврда аҳолининг табиий ҳудудлар бўйича хўжалик жиҳатидан табақаланиши содир бўладики, олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари

Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг асосан деҳқончилик билан шуғулланган жанубий ҳамда чорвачилик билан шуғулланган шимолий ҳудудларини ажратиш ва ўзаро таққослаш имконини беради. Иккинчидан, деҳқончиликка ва ишлаб чиқарувчи иқтисодга эрта ўтиш деҳқончилик жамоалари сонининг ортишини ҳамда илк шаҳарларнинг ривожланишини белгилаб берди ва демографик жиҳатдан таъсир кўрсатиб, ортиқча аҳолининг турли археологик маданиятларга ва хўжалик юритиш тартибига мансуб бўлган табақаларнинг кўчиб кетишига туртки берди. Учинчидан, Ўрта Осиё ҳудудида мураккаб этно-маданий жараёнларнинг содир бўлиши, ҳозирги замон ўлкамиз халқларининг шаклланишида узоқ қадимга бориб тақалувчи маҳаллий унсурларнинг устунлиги қадимги даврлар билан бевосита боғлиқдир. Тўртинчидан, айнан мана шу аҳоли илк шаҳарлар маданиятини ривожлантириш жараёнида ўлкамиз ҳудудларидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бошқарувчилари бўлиб, уларнинг илк деҳқончилик манзилгоҳлари ва дастлабки шаҳарсозлик маданиятининг яратувчанлиги хусусиятини ҳам алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.



Александр Македонский

Турли археологик маданиятлар кенг тарқалган Ўрта Осиё ҳудудида сўнгги бронза ва илк темир даврида кузатилувчи манзара муайян тарихий-маданий жараёнлар ўта мураккаб кечганлигини кўрсатади. Шимол чорвадорлари маданияти бу бронза даврининг Андронов маданияти бўлиб, Қозоғистон ҳудудларини тўла қамраб олиб, ғарбда Волга орти чўлларигача, шарқда Минусинск ҳавзасигача чўзилади. Чорвадорлар маданиятининг излари ўша даврнинг кўпгина қўрғонларидан аниқланган бўлиб, улардан кўп сонли бронза ва сопол буюмлар, меҳнат ва жанговар қуроллар ҳамда санъат асарлари топилган. Улар қадимийлиги жиҳатидан Олд Осиёдан кейинда туради.

Қадимда Ўрта Осиёнинг шимолий ва жанубий вилоятлари аҳолиси билан марказий ҳудудлар аҳолисининг мураккаб этномаданий алоқалари қизғин ривожланиб, бу алоқалар маҳаллий аҳоли ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган бошқа ўхшаш маданиятлар тараққиётига ҳам таъсир ўтказган.

Маълумки, Ўзбекистон қадимги тарихининг жуда катта даври ёзма манбаларсиз, археология ва антропологияга оид манбаларга таянган ҳолда ўрганилади. Қадимги Шарқ ёзма манбаларидан (Ҳинд, Оссурия ва Эрон манбалари) маълумки, мил. авв. II минг йилликнинг ўрталари ва охирлари (бронза даври) – Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон тарихи ҳинд-эрон қабилалари ёйилиши билан боғлиқ бўлган. Ҳинд-эрон қабилалари дастлаб жуда кенг ҳудудларда – Волга, Урал ва Жанубий Сибир оралиғидаги ерларда яшаганлар.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, Ўрта Осиёда аҳоли жойлашуви этник ҳудудларининг ажрала бошлаши мил. авв. IX–VIII асрларга оид бўлиши мумкин. Мил. авв. VI асрда Эрондаги аҳамонийлар сулоласи подшолари юртимизда юриш қилганда бу халқларнинг ажралиб бориш жараёни бутунлай тугаган ва турли халқларнинг ҳудудий жойлашув чегаралари, вилоятларнинг маъмурий чегаралари аҳмонийлардан анча олдинги даврда пайдо бўлган.

Минг йиллар давомида Ўзбекистон ҳудудларида яшаб ўтган қабилалар ва элатларнинг тарихи ҳамда маданияти изсиз йўқолиб кетмаган. Ушбу элатларнинг айримлари аждодларимизнинг йирик гуруҳларини ташкил этиб, энг қадимги ёзма манбаларда тилга олинган. Ушбу манбаларнинг гувоҳлик беришича, мил. авв. VII–VI асрларда Ўзбекистоннинг деҳқончилик воҳаларида суғдийлар, бақтрияликлар ва хоразмийлар яшаганлар. Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг тоғлари, даштлари ва чўлларида яшаган саклар ва массагетлар чорвадор қабилалардир.

Мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида юртимиз ҳудудларида жойлашган турли халқлар қадимги шарқ-эроний тиллар шеваларида гаплашганлар. Уларнинг этник қиёфаси ва тиллари бир-бирига яқин бўлган. Шунинг учун ҳам суғдлар, бақтрийлар, хоразмийлар, сак-массагетлар қариндош халқлар бўлиб, бир-бирларини тушунганлар. Айниқса, деҳқончилик билан шуғулланиб, ўтроқ хўжалик юритган аҳолининг моддий ва маънавий маданияти бир-бирига анча ўхшаш бўлган.

3. Қадимги Бақтрия, Хоразм ва Суғдиёна давлатлари

Ҳозирги Афғонистоннинг шимоли-шарқи, Ўзбекистоннинг жанубби ва Тожикистоннинг жануби-ғарбида жойлашган ҳудудлар турли ёзма манбаларда Баҳди, Бақтриш, Бақтриёна, Бақтрия, Бахли, Бахлика, Тухоло каби номлар билан эслатиб ўтилади. Замонавий адабиётларда уни Бақтрия деб аташ эътироф этилган («Шоҳнома»да Бахтар замин, қадимги туркийларда Баҳодирлар юрти).

Археологик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, милоддан аввалги II минг йиллик ўрталарига келиб Сурхон воҳасида қадимги деҳқончилик маданиятининг жадаллик билан ривожланиши асосида илк давлатчиликка ўтиш жараёни бошланади. Бу жараён босқичма-босқич ривожланишнинг ўзига хос хусусият ва қонунларига эга эди. Агар давлатчилик асосини шаҳар маданияти ташкил этилишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу жараён Ўзбекистоннинг жанубида, Бақтрия ҳудудида милоддан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярмидаёқ шаҳармонанд қишлоқ Сополлитепа мисолида бошланган эди. А.Асқаровнинг фикрича, агар Сополлитепа ўзининг қадимги шаҳарсозлик маданиятига хос барча аломатлари билан протошаҳар, яъни Авестода тилга олинган «вара» иншоотини эслатса, Жарқўтон ёдгорлиги Ўзбекистон ҳудудида биринчи бор шаклланган том маънодаги шаҳар эди. Жарқўтон қадимги Шарқ шаҳарларидан таркибий жиҳатидан фарқ қилмайди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Жарқўтон кўринишидаги кўҳна шаҳарларни қадимги Шарқдаги ном-давлатлар шакллари билан қиёслаш учун далиллар етарли. Аммо Месопатамия ном-давлатларининг асосий белгиларидан бўлган ёзув Жарқўтонда мавжудлиги ҳозирча баҳсларга сабаб бўлмоқда. Умуман олганда, милоддан аввалги II минг йилликнинг сўнгги чорагига келиб қадимги Бақтрия ҳудудларида давлатчиликнинг ном ёки воҳа типидаги сиёсий уюшмалари шаклланa бошлаганлигига илмий асослар бор.

Милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмида Бақтрия ҳудудларида кўпгина тарихий-маданий ўзгаришлар бўлиб ўтади. Бу ўзгаришлар қуйидаги жараёнлар билан боғлиқ эди:

1. Темир буюмларининг пайдо бўлиши ва кенг тарқалиши.

2. Қалъалари бўлган қишлоқларнинг пайдо бўлиши ва кейин уларнинг шаҳарларга айланиш.

3. Моддий маданиятнинг сезиларли даражада ўзгариши.

4. Шарқий Эрон қабилаларининг миграцияси.

Археологик нуқтаи назардан юқоридаги давр Марғиёна типидаги Ёз I маданияти мавжуд бўлган даврга тўғри келади. Тадқиқотчилар Ёз I маданияти даврини милоддан аввалги II-I минг йиллик бўсағаси – VIII–VII асрлар билан белгилайдилар. Сурхон воҳасидан айнан мана шу маданиятга ўхшаш ёдгорликлар кўплаб очиб ўрганилган. Бу даврда Бақтриянинг тўртта – Улонбулоқсой, Бўстонсой, Ургул ва Ҳалқажар воҳалари ўзлаштирилган бўлиб, археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, Кучуктепа, Жарқўтон, Бандихон ва Қизилтепа уларнинг марказлари эди. Юқоридаги воҳалар ўтроқ зироаткорлар ва чорвадор-састарлар ҳарбий бошлиқларининг мулклари, марказлар эса уларнинг қароргоҳлари бўлган бўлиши мумкин.

Тарихнинг отаси Геродотнинг «Тарих» асарида Бақтрия халқи Миср ва Бобил каби йирик давлатлар қаторида тилга олинади. Юнон тарихчиси Ктесий Книдский Бақтрия ҳақида қимматли маълумотлар беради. Тарихчи давлатдаги кўплаб шаҳарлар, мустаҳкам пойтахт шаҳар Бақтра (Балх), Бақтрия подшоси Оксиарт, унинг битмас-туганмас бойликлари ҳақида ҳикоя қилади. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, қадимги Бақтрия подшолиги қудратлилиги жиҳатидан қўшни вилоятлардан анча устун бўлиб, улар орасида алоҳида мавқега эга бўлган. Бақтриянинг табиий бойликлари ҳудудда ҳам Олд Осиёга қадар машҳур эди. Айниқса, Бадахшон ложуварди (лазурит) ва лаъли жуда қадрланган.

Авестонинг эски қисмларида Ахурамазда яратган «энг яхши ўлкалар ва мамлакатлар орасида тўртинчи бўлиб гўзал ва байроқлари баланд кўтарилган «Баҳди мамлакати» атамаси учрайди. Айрим олимларнинг фикрича бу – «бахтар» атамасига мос келса керак. Бақтрия ҳақидаги кейинги қадимги маълумотлар Ахамонийлар подшоларининг миххатларида ва бўртма тасвирларида учрайди. Мисол учун, Ахамонийлар подшоларининг марказларидан бири Персепол шаҳридаги сарой деворларида бўртма расмларда бақтрияликлар идишлар кўтарган ва икки ўркачли Бақтрия туялари билан тасвирланади. Демак, Бақтрия мустақил сатраплик сифатида Ахамонийлар давлатининг иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

А.Сагдуллаевнинг тадқиқотларига кўра, Бақтрия ҳақидаги турли маълумотлар қадимги юнон тарихчилари: Геродот, Ктесий, Арри-

ан, Страбон, Курций Руф, Диадор, Плиний кабиларнинг асарларида ҳам мавжуд бўлиб, улар бу давлатнинг қадимийлиги ва юксак маданияти ҳақида маълумотлар беради. Хусусан, Ктесий Книдский Оссурия подшоси Нин Белиднинг Бақтрияга қилган юриши, унинг бақтриялик аёл Семирамидага уйланганлиги, Бақтрия подшоси Оксиарт ва унинг бой хазинаси ҳақида маълумот беради. Ктесийнинг Бақтрия чегаралари ҳақидаги маълумотлари ҳам қизиқарлидир. Унинг хабар беришича, ғарб томондан Бақтрия текислигига борадиган йўлни тоғлар тўсиб турадилар, улардан фақат довонлар орқали ўтиб бориш мумкин. Бақтрия Танаисдан Ҳинд дарёсига қадар чўзилган бўлиб, Танаис уни Европадан, Ҳинд дарёси эса Ҳиндистондан ажратиб туради.

Геродот ўзининг «Тарих» асарида Бақтрия ва бақтрияликларни 45 марта тилга олади. «Бақтрия» атамаси Эсхилнинг милоддан аввалги V асрда саҳнага қўйилган «Форс»лар трагедиясида ҳам учрайди. Яна бир қадимги тарихчи Страбон Бақтрияни «орийлар ўлкасининг жавоҳири» сифатида таърифлайди.

Ёзма манбалар маълумотлари кўп ҳолларда археологик маълумотлар билан тасдиқланади. Археология маълумотларининг гувоҳлик беришича, милоддан аввалги VII–VI асрларда Бақтрияда шаҳарлар шаклланиб бўлган эди. Олтиндилёртепа (Аорн), Бақтрия (Болои Ҳисор) ва Қизилтепа каби кўҳна шаҳарлар мустаҳкам ҳимоя деворлар билан ўраб олинадики, улар бу ҳудудларда давлатчилик ривожланишининг асоси эди.

Э.В.Ртвеладзе Бақтриядаги бу даврга оид тадқиқотларни умумлаштириб, ушбу ҳудудлардаги аҳоли жойлашувининг қуйидаги ўнта воҳасини ажратади: Уланбулоқсой, Шеробод, Ургул (Бандихон), Ҳалқажар, Юқори Сурхон, Ўрта Сурхон, Амударё, Вахш, Қуйи Кофирниҳон, Бойтудашт.

Шундай қилиб, милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарига келиб, қадимги Ўзбекистоннинг жанубида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ кўплаб ўзгаришлар бўлиб ўтади. Юқоридаги санаб ўтилган воҳаларнинг ҳар бири маълум ҳудудий-сиёсий бирлашмани ташкил этган бўлиб, ўз номига, маъмурий марказларига, йирик шаҳарларига эга бўлган бўлиши мумкин эди. Мисол учун, Сурхондарёдаги Қизилтепа кўҳна шаҳри атрофида тўртбурчак шаклда қурилган қадимги уй-қўрғонлари (Қизилча) 3-4 та қўшни уйлар-

дан иборат бўлиб, алоҳида жойлашган қишлоқ жамоасини ташкил этганлар. Ҳар бир катта оила жамоаси уй-жой, чорва ва ерга эгалик қилиб, маълум даражада иқтисодий мустақил бўлган. Қишлоқ жамоаларининг ҳудудий, иқтисодий ва ижтимоий бирлашуви ибтидоий даврларга оид уруғ-қабилавий бирлашувдан тубдан фарқ қилиб, илк давлатчилик шакллари пайдо бўлганлигидан далолат беради.

Мил. авв. VII–VI асрлар Бақтрия жамиятида ҳудудий бўлиниш шаклланиб, аҳолининг ўтроқлашув жараёнлари янада кучаяди. Кўҳна шаҳарлар қишлоқ хўжалик атрофларига эга бўлиб, қалъалар пайдо бўлади, муҳим савдо йўллари бўйларида таянч истеҳкомлар барпо этилади. Турли бинолар бунёд этишда мудофаа иншоотларининг аҳамияти етакчи ўрин эгаллайди.

Қадимги Бақтрия деҳқончилик районларининг тузилиши табиий-географик жойлашув ва шарт-шароитларга қараб турлича бўлган. Манзилгоҳларнинг сони ва ўзлаштирилган ерларнинг умумий майдонига қараб маданий-хўжалик воҳалари бир нечта гуруҳларга бўлинган. Воҳаларнинг чегаралари суғорма деҳқончилик ҳудудлари ва суғориш тармоқларининг чегаралари билан узвий боғлиқ эди.

Тарихий таҳлил шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда давлатчилик жамиятнинг ичида, ўз ички қонуниятлари асосида пайдо бўлади ва ривожланади. Шакллана бошлагани 3,5 минг йилдан кам эмаслиги илмий жиҳатдан асосланган Бақтрия давлатчилиги бунинг ёрқин мисолидир.

Қадимги Хоразм давлати

Ўрта Осиёдаги яна бир йирик давлат уюшмаси – Қадимги Хоразм давлати ҳисобланади. «Катта Хоразм» ва «Қадимги Хоразм» масаласи бўйича ўзбекистонлик ва хорижлик кўплаб олимлар турли-туман тадқиқотлар олиб борган бўлсалар-да бу масалалар ҳамон тадқиқотчиларнинг баҳс-мунозараларига сабаб бўлиб келмоқда. Авесто ва юнон-рим тарихчилари маълумотлари бу мунозараларнинг асосини ташкил этади. Ундан ташқари, ўтган асрнинг 50–60 йилларидан бошлаб бугунга қадар олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари ҳам Хоразм давлатчилиги тарихи бўйича бой материаллар берди.

Аввало, сўнгги йиллардаги ибтидоий давр ёдгорликларининг қиёсий тадқиқотларидан (Х.Матёқубов) хулоса чиқарадиган бўлсак, Хоразм мил.авв IV–III минг йилликлардаёқ Ўрта Шарқнинг қадимги цивилизациялар олами билан узоқ Шимолни бевосита боғловчи ҳалқа ролини ўтай бошлаган. Бронза даври Сувёрган ва Тозабоғёб маданиятлари қадимги Хоразм ерларини ўзлаштириб, бир-бири билан қизғин алоқада бўлган, Шимол ва Жанубдан таъсирида янги тараққиёт босқичига кўтарилган қабилалар маданияти эди.

Уларнинг уруғ жамоалари ярим ертўла уй-жойларда истиқомат қилиб, мотига деҳқончилиги ва чорвачилик билан шуғулланиб, ибтидоий ишлаб чиқариш хўжалиги сари илк қадам ташлаганлар. Аммо уларнинг моддий хўжалик тараққиёти даражаси Ўрта Осиёнинг жанубий минтақалари (Бақтрия, Марғиёна) даги қабилаларга нисбатан анча орқада эди.

Амиробод маданияти (мил.авв IX–VIII асрлар) даврида Амударё қуйи ҳавзасида яшовчи аҳоли ҳали давлатчиликдан бехабар бўлиб, ирригация хусусияти ибтидоий уруғ-қабилачилик анъаналарини сақлаб қолган аҳоли жамиятига хос эди. Ўрта Осиёнинг Жанубий минтақаларига қараганда Хоразм воҳаси аҳолиси узоқ вақт беқарор сув оқими шароитида, ноқулай табиат инжиқликлари гирдобида қолиб келган. Қадимги ёзма манбалар маълумотлари ва мавжуд археологик ёдгорликларнинг қиёсий таҳлилига кўра, Хоразмда давлатчилик илдизларининг пайдо бўлишига асос бўлган илк шаҳарсозлик маданияти соҳиблари – Хоразмийлар кўчиб келгач таркиб топди ва ривожланди.

«Хоразм» атамасининг келиб чиқиши ҳақида кўплаб фикрлар мавжуд. Олимларнинг катта гуруҳи «Хоразм» атамасининг иккинчи компоненти –zmi, - zamni ҳинд-европа тилларига мансуб – zemo – ер, ўлка, мамлакат маъносини беради, деган хулосага келганлар. Сўзнинг биринчи компонентига келганда олимлар фикрларидаги якдиллик йўқолади ва у турлича – «Озуқага бой мамлакат», «Унумдор ер» (Е.Бюрнуф, Э.Захау, У.Гейгер, У.Томашек), «Гўзал мамлакат» (Ф.Юсти), «Унумсиз, ёмон ер» (Ф.Шпигель), «Пастлик ер» (П.Лерх, Н.Веселовский, Х.Клиперт), «Қуёшли ёки Шарқий ўлка» (С.Толстов, П.Савельев, Ф.Сулаймонова), «Шарқий замин», «Кунчиқар мамлакат» (И.Мўминов) тарзида талқин этилади.

Яна бир гуруҳ олимлар «Хоразм» атамаси уч лексема асосида (Uvarizami, u – «яхши»+ vara – «қалъа», «қўрғон»+zimi – «ер») пайдо бўлган деб ҳисоблаб, мазкур тарихий атаманинг маъносини «яхши қўрали ер», «Ажойиб қалъали ўлка» ёки «Мустаҳкам қўрғонли диёр» (Боголюбов, А.Муҳаммаджонов) деб таржима қиладилар. Сўнгги тадқиқодларда «Хоразм» атамасининг ўзаги қадимги туркий асосларга эга бўлиши мумкин, деган фикрлар илгари сурилиб («Хуар» («Сувар») – «сув»(«ху») – сув, «Ар» – ер, одам, «м» – биринчи шахс қўшимчаси) ва у «Сув (дарё) одамлари» ёки «сув эгалари» (М.Закиев, Ш.Камолиддин, Ў.Носиров) деб таржима қилинган.

Олимларнинг таъкидлашича, Авестода тилга олинган Арёшаёна ёки Арянам Вайчах шу манбада эслатилган Кави Виштаспнинг подшолиги бўлиб, милоддан аввалги IX–VIII асрларда Дранғиёна, Сатагадия, Ария, Марғёна ва Амударёнинг ўрта оқимидаги вилоятларни бирлаштирган. Ғарб тадқиқотчилари В.Хеннинг ва И.Гершевичлар Кави Виштапснинг давлати Марв ва Ҳирот атрофида жойлашган «Катта Хоразм» деб ҳисоблайдилар. «Катта Хоразм» муаммоси Геродот маълумотларидан бошланган. У «Тарих» асарининг учинчи китобида қуйидагича маълумот беради: «Осиёда бир водий бор. Унинг барча томони тоғ билан ўралган, тоғни эса бешта дара кесиб туради. Бир вақтлар бу водий хорасмийларга тегишли бўлиб, хорасмийлар, парфияликлар, саранглар ва таманейларга чегарадош ерларда жойлашган. Водийни ўраб турган тоғдан Акес номли йирик дарё бошланади». Шунингдек, Геродот, Акес дарёсида тўғон қурилгани ва бу тўғон хорасмийларга тегишли эканлиги ҳақида маълумот беради.

Геродотдан сал олдинроқ яшаб ўтган Гекатей парфияликларнинг шарқий томонида жойлашган «Хоразм»ни, «бир қисми текисликларда, бир қисми тоғларда яшовчи хоразмликларни» эслатиб ўтади. Тадқиқотчи В.А.Лившиц ҳам бу «Катта Хоразм»ни Марв ва Ҳиротнинг тўртта районига жойлаштиради.

С.П.Толстов ва Я.Ғуломовлар бу назарияга қарши бўлиб, хоразмликлар Ўрта Осиёнинг жанубидан кўчиб келмаганлар, балки Хоразм давлати Қуйи Амударёда қадимги замонлардаёқ вужудга келган, деб хулоса қилганлар. Аммо бу давлатнинг чегаралари ҳозирги Хоразм вилояти ҳудудларидан анча кенг бўлган.

Ўрта Осиёнинг тарихий географияси билан шуғулланувчи олим И.Н.Хлопин «Катта Хоразм»нинг йирик сиёсий бирлашма сифати-

да Аҳамонийлардан олдинги даврда мавжуд бўлганлиги ва Акеснинг Гажан-Херируд дарёси билан бир эканлиги ҳақидаги фикрларни асоссиз деб ҳисоблайди. Олимнинг таъкидлашича, «Аҳамонийлардан олдинги даврда Ўрта Осиё ҳудудида халқларнинг хоразмийлар бошчилигида ҳеч қандай илк давлат бирлашмалари йўқ эди». Шу билан бирга, у Аҳамонийлардан олдинги даврда Ўрта Осиёнинг жанубида «бир неча унча катта бўлмаган марказлар» мавжуд бўлган бўлиши мумкинлигини эътироф этади.

Ўрта Осиё жанубидаги деҳқончилик маданияти ва илк шаҳарлар бўйича мутахассис ҳисобланган А.А.Асқаров сўнгги йилларда Қадимги Хоразм масалаларига ўз эътиборини қаратди. Олимнинг эътироф этишича, Хоразм воҳасининг қадимги даври ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ҳудудий кенглик Амударёнинг қуйи ҳавзаси ҳисобланиб, Ўрта Осиёнинг бу йирик дарёси бир неча юз йиллар давомида юқори оқимлардан қуйига унумдор лойқа оқизиб келиб, жанубий Орол бўйларида суғорма деҳқончилик маданиятининг ривожланиши учун замин яратган. Аммо бу замин энг қадимги даврларда аждодларимиз томонидан ўзлаштирилиб, суғорма деҳқончилик маданиятининг Марғиёна ва Бақтрия сингари макони бўла олмади.

Археологик манбаларнинг маълумот беришича, илк темир даврига келиб Хоразм ҳудудларида пайдо бўлган Амиробод маданияти даврида жанубий Хоразм аҳолиси Амударё қуйи ҳавзасининг ўзанлари бўйлаб барпо этилган кенг ва саёз каналлар ёрдамида зироатчиликка қулай жойларда деҳқончилик қила бошлайдилар ҳамда ўтроқ ҳаёт астасекин уларнинг турмуш тарзига айлана бошлайди. Аммо Амударёнинг қуйи ҳавзалари, унинг тўқайзор ва қамишзор кенг майдонлари, серунум яйловлари чорвачилик хўжалигининг тараққий этиши учун жуда қулай эди. Шунинг учун ҳам қадимги Хоразмда Қуйи Сирдарё сак-чорвадорларнинг Қуйисой маданияти кенг ривожланган.

Юнон географи Страбон хоразмийларнинг аждодлари массагетларга бориб тақалиши ҳақида маълумотлар беради. С.П.Толстовнинг фикрича, Хоразм тарихининг массагетларгача бўлган даврида бу заминда Сувёрган ва Тозабоғёб маданиятлари аралашувидан таркиб топган Қовунчи қабилалари яшар эдилар. Улар милоддан аввалги II минг йилликнинг сўнгги чорагида қадимги Хоразмнинг массагет номи остида юритилган кўчманчи қабилаларининг асосини ташкил этган.

Қадимги Хоразм хўжалик тартибининг тузилиши жанубий ҳудудлардаги суғориш тизимини эслатса-да, ўлчамлари жиҳатидан анча кичик. М.А.Итинанинг фикрича, бу даврда уруғдошларнинг қишлоқлари бўлиши мумкин бўлган манзилгоҳларнинг майдонлари кенгайганлиги кузатилади. Бу манзилгоҳларда катта оилалар яшаган бўлиб, улар бир вақтнинг ўзида хўжалик вазифалари, жумладан, суғориш тармоқларини сақлаш ва ривожлантириш билан шуғулланганлар.

Сўнгги бронза даврида ҳам қадимги Хоразм хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири – чорвачилик хўжалиги эди. Бу даврга оид маконлардан жуда кўплаб турли ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари топиб ўрганилган. Чорвачилик хўжалигида от асосий ўринда бўлиб, улардан юк ташиш ва сафарга чиқишда фойдаланилган. Айрим манзилгоҳлардан от анжомларининг топилиши шу жараёндан далолат беради. Бу ўринда таъкидлаш жоизки, олимлар орасида массагет қабилалари тотемларида от культи марказий ўринда туриши ҳақидаги фикрлар ҳам бор.

Ўтроқ деҳқончилик қабилаларининг чорвачилиги уй чорвачилиги хусусиятига эга эди. Тадқиқотлар натижаларига кўра, мил. авв. I минг йилликнинг бошларига келиб Орол бўйидаги хўжалиги асосини деҳқончилик ва чорвачилик ташкил этган қабилалар ўртасида фарқлар шакллана бошлайди. Мил. авв. VII–VI асрларга келиб эса улар маданияти ўртасида кескин фарқланиш сезилади.

Фикримизча, айнан мана шу даврдан бошлаб, Шарқий Орол бўйида ярим кўчманчи чорвадор хўжалик маданий шакли устунлик қилган бўлса, Амударёнинг жанубий ўзанларида эса юқори даражадаги сунъий суғоришга асосланган ўтроқ деҳқончилик хўжаликлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди. Мил. авв. I минг йилликнинг иккинчи чорагига келиб Орол бўйида ҳунармандчилик ажралиб чиқишининг дастлабки белгилари кузатилади. Ортиқча маҳсулотнинг кўпайиши эса мулкий ва ижтимоий табақаланиш учун имкониятлар яратади.

Мил. авв. I минг йилликнинг биринчи чорагига келиб қадимги Хоразм ҳудудларида суғорма деҳқончиликнинг тараққий этиши ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши натижасида ибтидоий жамоа муносабатлари ўрнига давлатчилик тизими шакллана бошлайди. Ушбу тизимнинг шаклланишида қадимги шаҳарларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлди. Аммо таъкидлаш жоизки, Хоразм кўҳна

шаҳарлари орасида энг дастлабки пойтахт қайси шаҳар эканлиги ҳозиргача аниқ эмас. Бу борада тадқиқотлар эндиликда самара бермоқда.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, қадимги Хоразм шаҳарларининг режавий услублари – ички ва ташқи тузилиши, ҳимоя иншоотлари, табиий жойлашуви нуқтаи назаридан кўп ҳолларда бир-бири билан ўхшашлик топади. Тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган Хоразмнинг энг қадимги шаҳар-қалъаларидан бири бўлган Кўзалиқирнинг қуйи маданий қатламларини С.П.Толстов мил.авв. VII–VI асрлар билан, В.Массон эса мил.авв. V-IV асрлар бошлари билан белгилаган эди. Сўнгги тадқиқотларда эса Кўзалиқирда ҳаёт бутун мил.-авв. VI ва V асрнинг биринчи ярмида мавжуд бўлган деган хулосалар устунлик қилмоқда.

Кўзалиқир кўҳна шаҳри илгари тахмин қилинганидек, «Катта хоразм» давлатининг пойтахти эмас, балки янги тадқиқотларга кўра, мил. авв. VI асрда Чирманёб деҳқончилик марказини ҳосил қилган кичик воҳанинг бош шаҳри сифатида ушбу ҳудудларнинг сиёсий-маъмурий ва диний маркази вазифасини ўтаган. Фанда Хоразм цивилизацияси ва шаҳарсозлик маданияти айнан Кўзалиқирдан бошланган, деган хулоса устунлик қилар эди. Аммо сўнгги йиллардаги тадқиқотлар воҳанинг бошланиш қисмида жойлашган Хазорасп шаҳри ҳам Кўзалиқирга замондош ёдгорлик деб ҳисоблашга асос бўлмоқда. Хусусан, Хазорасп яқинида мил. авв. – VI асрга оид сопол ишлаб чиқариш маркази Хумбўзтепанинг мавжудлиги кўҳна шаҳарнинг қадимийлигидан далолат беради.

Фанда маълум бўлган «Катта Хоразм» масаласи бугунги кунда ўз ечимини топган, деб бўлмайди. Аввало, ўтган асрнинг бошларида мавжуд ёзма манбаларнинг қисқа маълумотларига таянган И.Марквварт томонидан ушбу масала кўтарилган эди. У Авестодаги «Арьянам Вайжо»ни Хоразм деб ҳисоблаб, Аҳамонийларга қадар Шимолий –Шарқий Эрон қабилаларининг хорасмийлар бошчилигидаги катта давлат бирлашмаси «Катта Хоразм», деган тахминни илгари сурган эди. Мазкур ғоя В.Бартольд, В.Тарнлар томонидан қабул қилиниб, С.Толстов, В.Хеннинг, Ф.Альтхайм ва И.Гершевичлар ҳам бу фикрни тасдиқладилар.

С.Толстов Амударёнинг қуйи ҳавзалари «Катта Хоразм» таркибига кирганлиги ҳақидаги концепцияни илгари суриб, Хоразмда

мил.авв. VIII–VII асрларда дастлаб қабилаларнинг ҳарбий конфедерацияси пайдо бўлиб, ундан давлат уюшмаси ўсиб чиқди деган фикрга келган бўлса, В.Массон бу фикрга қарши чиқиб, археологик материаллар таҳлили Хоразмда Аҳамонийларга қадар марказлашган давлат ташкил топганлигини тасдиқламайди, деган фикрга келди.

Археологик тадқиқотлар натижаларига таянган В.Т.Воробьева ўтган асрнинг 70-йилларида «Катта Хоразм»нинг жанубий чегараси Амударёнинг ўрта ҳавзалари (Қўшқалъа, Одойтепа атрофлари)дан ўтган ва унинг шимолий чегаралари Амударёнинг қуйи ҳавзаларини қамраб олганлиги ҳамда қадимги Хоразм давлати «Катта Хоразм» давлат конфедерациясининг таркибига кирганлиги ҳақидаги ғояни илгари сурди. Б.Вайнберг ва С.Баратовлар ҳам В.Воробьева ғояларига яқин фикр билдирганлар.

Р.Фрай «Катта Хоразм» давлатининг ҳудуди Марв – Ҳирот атрофларини қамраб олиб, Аҳамонийлар босқинидан сўнг бу ҳудуд аҳолиси Окс (Амударё)нинг шимолига кўчганлиги ҳақида фикр билдирган бўлса, И.Хлопин ва И.Пьянковлар Хоразмдаги аҳамонийларгача бўлган давлатчиликни инкор этадилар. А.Асқаров эса хорасмийларнинг Тажан (Ҳерируд) ва Хильменд дарёлари ҳавзаларидан шимолга, қуйи Амударё ҳавзаларига кўчиши мил.авв. VI асрда рўй берган бўлиб, «Катта Хоразм» давлати конфедерациясининг шимолий чегараси Амударёнинг ўрта чегарасигача бўлган ҳудудларни ўз ичига олганлиги ҳақидаги фикрларни илгари суради.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, аҳамонийларгача мавжуд бўлган Хоразм давлатининг пойтахти масаласи фанда аниқ ечимини топмаган. Х.Матёқубовнинг фикрича, қадимги Хоразм давлатининг пойтахтини аниқлаш борасидаги изланишлар ўтган асрнинг 80-йилларида ўз самарасини бера бошлади ва Ақчахонқалъа қадимги Хоразм давлатининг пойтахти бўлиши мумкинлиги ҳақидаги илк фикрлар айтилди. Тадқиқотларга кўра, умумий майдони 50 га дан зиёд бўлган Ақчахонқалъа ички ва ташқи қалъадан иборат тўғри тўртбурчак шаклга эга. Улар алоҳида ҳимоя деворлари билан ўраб олинган. Сўнгги тадқиқотларга кўра, ушбу кўҳна шаҳарда сарой маросимлари ва диний эътиқодлар билан боғлиқ деворий расмларнинг қайд этилиши, улар орасида шоҳона кийимда бошига тож кийган ҳукмдор суратининг мавжудлиги, шоҳ бошига илоҳий қуш (Ҳумо) қўниб турганлиги Ақчахонқалъа қадимги Хоразм давлати-

нинг пойтахт шаҳри эканлигининг рамзий белгиси сифатида эътироф этилди.

Фикримизча, Хоразм қадимги шаҳар маданияти ва давлатчилигининг шаклланишида бутун Ўрта Осиё ҳудудларида бўлгани каби ташқи таъсир ва маданий алоқаларни инкор этмаган ҳолда бу ҳудудларда ўтроқ деҳқончиликка ўтиш, суғориш тартибининг шаклланиши, ўтроқ аҳоли хўжаликларининг тараққий этиши кейинги даврлардаги давлатчилик анъаналари шаклланиши учун асос бўлганлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, бутун Ўрта Осиё минтақасида бўлгани каби қадимги Хоразм шаҳар маданияти ва давлатчилиги асослари ҳисобланган илғор хўжалик тизими юритиш, суғориш тармоқларини сақлаш ва ривожлантириш, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ кабилар – ўзаро тарихий-маданий алоқалар билан боғлиқ эди. Бу жараёнлар айниқса, мил.авв. VI–V асрларда анча тараққий этган бўлиб, бу ҳолат Хоразм давлатчилигининг ўзига хос хусусиятларида ҳам намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мил.авв. VI–IV асрларда Хоразм ва унга қўшни бўлган ҳудудларни урбанизация жараёнлари қамраб олган эди. Натижада, бу ҳудудларда тарихий-маданий деҳқончилик воҳалари пайдо бўлади ва улар илк давлатчиликнинг асоси эди. Мил. авв. VI асрдан бошлаб эса ҳозирги Хоразм воҳасида давлатчилик шаклланиб, у қадимги Шарқ цивилизацияси марказларидан бирига айланиб борди.

Қадимги Суғдиёна

Илк темир даври Ўрта Осиё ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган Суғдиёна ўлкаси турли қадимги манбаларда Суғда, Суғуда, Суғдиёна номлари остида эслатиб ўтилади. Бу номларнинг келиб чиқиши ва уларнинг маъноси ҳақида ҳозирчи аниқ фикр йўқ. Айрим тадқиқотчилар (В.Томашек) бу номни эронча «SUS» – «ёнмоқ, ялтирамоқ, нур таратмоқ» сўзидан олинган деса, айримлари (О.Смирнова) бу сўз «ҳосилдор воҳалар ўлкаси» деган маънони билдиради, деб ҳисоблайдилар. Авестонинг Яшт китобида тилга олинган «Суғд макони Гава» – Суғдиёнанинг энг қадимги вилояти бўлган бўлиши мумкин. Баъзи маълумотларга кўра (А.Сагдуллаев), Гава (Гау) – «буқа», «пода» Қашқадарё воҳаси билан боғланади. Бу сўз

вилоятнинг жуда кўп географик номларида такрорланиб сақланган (Гавдара, Гаухона, Гаумурда, тоғлар Гау, чўққи Гау ва бошқалар).

Ҳозирги Қашқадарё ва Зарафшон воҳаларини (Бухоро, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари, Тожикистоннинг Панжикент атрофлари) ўз ичига олувчи Қадимги Суғдиёна ва суғдийлар ҳақида илк ёзма манбаларда маълумотлар деярли кам. Авестода вилоятларнинг номи икки хил кўрсатилган – Гава Суғда ва алоҳида Суғда. Геродот эса суғдийларни икки маротаба – Аҳамонийлар давлатининг XVI сатрап ўлкасидаги халқларни санаб ўтганда ва форсларнинг қўшинлари сафида жангчи – суғдийларнинг ўрнини кўрсатиб берганда тилга олган. Аммо тарихчи Суғд шаҳарлари, дарёлари, тоғлари, ҳудудий чегаралари ҳақида бизга ҳеч қандай маълумотлар қолдирмаган. Аҳамонийлар миххатлари Суғдиёна ҳақида, асосан, расмий даражада эълон қиладилар ва турли хил тарихий муаммоларни ўрганишда улардан фойдаланиш оғир кечади. Гекатей, Ктесий ва Ксенофонт асарларида суғдийлар ҳақида маълумотлар йўқ.

Александр Македонский даври ва сўнгги юнон-рим тарихшунослари асарларида тарихий-географик маълумотлар анча кенг берилган. Суғдиёнадаги алоҳида жойларда, вилоятлар, қалъалар – Наутака, Ксениппа, Мароқанда, Баги, Басилейа – «подшо шаҳри», Политемет-Зарафшон, «Оксиарт, Суғд қояси» ва бошқа хабарлар шулар жумласидандир.

Бу маълумотлар асосида турли фикрларга эга бўлиш мумкин. Даставвал мил. авв. IV асрга келиб, суғдийларнинг ҳудудий жойлашуви, уларнинг яшаш учун фойдаланган асосий ерларининг чегаралари, дарё воҳалари ва вилоятлари аниқроқ кўринади. Аммо бу жараённинг тарихий анъаналари – суғдийларнинг ёйилиши, ўтроқ воҳаларининг пайдо бўлиши ва шу жойларда йирик шаҳар марказларига асос солиниши янада қадимги даврларга бориб тақалади.

Илк темир даври Суғдиёнада, алоҳида ҳудудий тартиб гуруҳида бўлиб, марказ вазифасини бажарган бир неча манзилгоҳлар турлари мавжуд эди. Булар майдони 5 гектардан 15 гектаргача бўлиб, туман – воҳа маркази вазифасини бажарувчи марказлар – Даратепа, Конимех, Чордара; майдони 20 гектардан 80 гектаргача бўлган вилоят марказлари вазифасини бажариши мумкин бўлган шаҳарлар – Узунқир, Ерқўрғон, Хўжа Бўстон; бир неча вилоятлар маркази вази-

фасини бажарувчи шаҳарлар – Афросиёб (Мароқанда) ва Бухоро кабилардир.

Археологик маълумотларга қараганда, ҳунармандчилик муассасалари йирик манзилгоҳлар ичида марказлашиб боради. Бу манзарани Афросиёб топилмалари тасдиқлайди. Бундай манзилгоҳлар астасекинлик билан ҳунармандчилик, савдо ва маданий марказларга айланиб боради. Бу жараёнда қадимги йўллар ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлаб ўтишимиз жоиздир. Афросиёб, Узунқир, Ерқўрғон каби кўҳна шаҳарлар Ўрта Осиё шимолий дашт ҳудудларидан келувчи йўллар устида жойлашган.

Тадқиқотчи Ш.Одилов Суғдиёнада, хусусан, Бухоро ва Зарафшон воҳаларида топиб текширилган илк темир даврига оид археологик маълумотларни бошқа ҳудудлар билан солиштириб, чуқур таҳлил этади. Бухоро ҳудудларидан топилган «аҳамонийлар даври» ёдгорликлари унча катта бўлмаган ҳудудларда жойлашган бўлиб, бу ерларнинг кенг ҳудудларга ёйилган этно-маданий вилоят таркибига киритиш лозимки, илк темир даврида бу ҳудудларда ташқи кўриниши бир хил бўлган деҳқончилик маданияти шаклланади. Бу этно-маданий вилоят даставвал Амударё воҳаси (Хоразм, Марғиёна, Бақтрия), Жанубий Суғд, марказий Суғднинг бир қисми, Бухоро Суғдининг шимоли-ғарбий ва шимолий-шарқий ҳудудлари, шунингдек, Уструшона каби тарихий вилоятларини ўз ичига олган.

Қадимги Бақтрия ҳудудларидан кўчиб бориш бевосита Амударё, Сурхон, Қашқадарё сув ҳавзалари ва уларнинг ирмоқлари орқали бўлиб ўтган. Сўнгги бронза давридаёқ Қашқадарё юқори оқимларида мавжуд бўлган маданият соҳиблари тоғлар орқали Марказий Суғд (Самарқанд) ҳудудларига етиб келадилар. Зарафшон воҳасига келсак, Ш.Одиловнинг фикрича, Марказий Суғднинг каттагина қисми (бир томондан Афросиёб кўҳна шаҳри атрофлари ва Кўктепа, иккинчи томондан, Сармишсой ва Конимех ёдгорликларигача) сўнгги бронза ва «аҳамонийлар даври»да (мил. авв. IV асрнинг бошларигача) умуман ўзлаштирилмаган эди. Аммо бизнинг фикримизча, айнан мана шу даврда Жанубий Суғднинг каттагина қисми ўтроқ деҳқончилик аҳолиси томонидан эгалланиб, дарё воҳалари ва текисликлар ҳайдама деҳқончилик аҳолиси томонидан ўзлаштирилиб, бу ҳудудлар ҳайдама деҳқончиликка ихтисослашган эди. Қўшни Қадимги Бақ-

триянинг каттагина ҳудудларида ҳам айнан мана шу жараённи кузатишимиз мумкин.

Энг сўнгги археологик тадқиқотлар натижаларини таҳлил этар эканмиз, Қизилтепа (Сурхондарё), Ёзтепа (Туркманистон), Узунқир, Ерқўрғон (Қашқадарё), Афросиёб, Кўктепа (Самарқанд) каби кўҳна шаҳар ва манзилгоҳларининг сопол буюмлари ва қурилиш усуллари бир-бирига ниҳоятда ўхшаш эканлигининг гувоҳи бўламиз. Аммо Ерқўрғон, Кучуктепа, Қизилтепа, Ёзтепадан топилган мил. авв. IX–VII асрларга оид буюмларга ўхшаш буюмлар Хоразм ҳудудларидан шу пайтга қадар топилмаган.

Демак, қурилиш усуллари ва моддий маданиятдаги ўзаро ўхшашлик, мил. авв. I минг йилликнинг бошлари Бақтрия, Марғиёна ва Суғдиёна ҳудудлари ўртасида, ҳеч бўлмаганда, этник тарихий-маданий бирлик мавжуд бўлганлигидан далолат бериб, бу ўхшашлик савдо-сотиқ муносабатлари, ўзаро алмашинув ва қадимги савдо-транзит йўлларига ҳам боғлиқ эди. Мил. авв. VI асрга келиб эса Хоразм мустақил давлат сифатида ташкил топади. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, ўзаро алмашинувда муҳим аҳамиятга эга бўлган Хоразмдаги илк темир даври савдо-транзит йўллари воҳа ичидаги ички ёки иккинчи даражадаги йўллар вазифасини ўтар эди. Асосий савдо йўллари эса Бақтриядан Жанубий Суғд (Қашқадарё), Марказий Суғд (Самарқанд) орқали Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсига ўтиб кетарди.

Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши ва ихтисослашган ҳунармандчилик натижасида бронза давридаёқ Ўрта Осиё ҳудудларида ижтимоий табақаланиш ва мулкий тенгсизлик пайдо бўлади. Бу жараён фақат ички сабабларга боғлиқ бўлмай, Яқин Шарқдаги юқори даражада ривожланган анъанавий тарихий-маданий алоқаларга ҳам боғлиқ эди. Ҳар бир жамоанинг ривожланиши унинг ички қонуниятларидан келиб чиқса ҳам, дастлабки марказлардан бўладиган ташқи таъсир четдаги вилоятларнинг тақдирида катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин эди.

Ўзбекистон ҳудудларидан олинган янги археологик маълумотлар илк давлат уюшмалари пайдо бўлишини янади кенгроқ изоҳлаш имконини яратади. Бу маълумотларга қараганда, илк темир даврида умумий жамоалардаги асосий ишлаб чиқарувчи кучларни бир неча кичик оиладан иборат уй жамоалари ташкил этган. Манзилгоҳлар

жойлашувининг ташқи белгилариёқ катта оилали уй жамоалари анча йирик уюшмаларга кирганлигидан далолат беради. Бошқарув тартибида катта оилалар жамоаси бошлиқлари ёки уй хўжайинлари, шунингдек, алоҳида қишлоқ қўрғонларини бошқарувчи эски жамоалар катта ўрин тутган. Ҳар бир катта оила мумкин бўлган қариндошлик алоқаларига қарамасдан, алоҳида уйга, ишлаб чиқариш буюмларига эга бўлишган, ўзининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захиралари ва чорвалари бўлган ёки ўзини иқтисодий жиҳатдан таъминлай оладиган хўжаликни акс эттирган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларини солиштириб ва умумлаштириб шундай хулосага келиш мумкинки, Суғдиёна ҳудудларига одамлар энг қадимги даврлардаёқ кириб келиб, тоғолди ҳудудлари, дарё воҳалари, кейинчалик эса дашт ҳудудларига тарқаладилар. Бу ҳудудларда мавжуд бўлган қулай табиий шароит ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратган.

Қадимги Суғд шаҳар ва қишлоқлари (мил.авв. VII–IV асрлар)

Номи	Санаси	Майдони	Қаерда жойлашган?
Афросиёб I, II	мил.авв. VII–IV асрлар	219 гектар	Самарқанд Суғди
Ерқўрғон I, II	мил.авв. VIII–V асрлар	40 гектар	Қашқадарё Суғди
Узунқир	мил.авв. VIII–VI асрлар	68 гектар	Қашқадарё Суғди
Сангиртепа	мил.авв. IX–VI асрлар	4 гектар	Қашқадарё Суғди
Даратепа	мил.авв. VII–VI асрлар	10 гектар	Қашқадарё Суғди
Саройтепа, Тўртбурчактепа, Сомонтепа	мил.авв. VII–IV асрлар	0,2 дан 1 гектаргача	Қашқадарё Суғди
Қумрабод, Арабон, Чордара, Хўжа Бўстон	мил.авв. VI–IV асрлар	0,2 дан 1 гектаргача	Бухоро Суғди
Ўратепа	мил.авв. IV аср	0,3 гектар	Бухоро Суғди
Кўктепа	мил.авв. VII–VI асрлар	20 гектар	Самарқанд Суғди
Лайлакўйтепа	мил.авв. IV аср	2 гектар	Самарқанд Суғди
Қўрғонча	мил.авв. IV–III асрлар	–	Қашқадарё Суғди

Турли қадимги манбаларда Суғдиёна номи тилга олинса ҳам, алоҳида давлат сифатида эслатилмайди. Бу ҳол тадқиқотчиларнинг турли баҳсларига сабаб бўлишига қарамасдан, археологик тадқиқотлар бу масалага кўпгина аниқликлар киритади.

Ушбу тадқиқотларни таҳлил қилиб ва бошқа маълумотларни умумлаштириб шундай хулоса чиқариш мумкин:

– мил. авв. I минг йилликнинг бошларига оид тарихий-маданий ёдгорликлар Суғдиёна ҳудудларида давлатчилик тарихи айнан мана шу даврдан бошланганлигидан далолат беради;

– Суғдиёна давлатчилиги тарихида нафақат четдан бўлган ташқи таъсир, балки ички омиллар имкониятларининг ҳам аҳамияти катта бўлди;

– мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида Суғдиёна Бақтрия давлати доирасида нафақат сиёсий, балки этник-маданий бирликни ташкил этарди. Қурилиш усуллари, меъморчилик санъати ва моддий маданиятдаги ўхшашлик фикримиз далилидир. Зеро, бундай ўхшашлик иқтисодий, маданий муносабатлар ҳамда сиёсий бирлик асосида пайдо бўлиши мумкин эди;

– македониялик Александр юришларидан кейинги даврларда Суғдиёна мустақил давлат сифатида мавжуд бўлиб, қўшни давлатлар билан ўзаро алоқаларини янада ривожлантиради.

Ўзбекистон ҳудудларида илк давлатлар пайдо бўлиши ва ривожланишининг даврларга бўлиниши

1-давр Мил.авв. II минг йилликнинг 2-ярми	Ўзбекистоннинг жанубида эмбрионал шаклдаги давлатга ўхшаш тузилманинг қарор топиши. Давлат нинг бундай намунасини Жарқўтон мисолида кўриш мумкин
2-давр Мил.авв. I минг йиллик боши – мил.авв. 539 йил	Бақтрия, Суғдиёна, Хоразм каби тарихий-маданий вилоятлар ва кўчманчи қабилаларнинг турли конфедерациялари. Бу сиёсий уюшмаларда сиёсий ҳокимият тизимининг илк шакллари мавжуд эди
3-давр Мил.авв. 539–330 йй.	Аҳамонийлар босқини туфайли қадимги Ўзбекистон ҳудудларининг Аҳамонийлар давлати таркибига кириши ҳамда Аҳамонийлар давлат бошқарувининг жорий этилиши

4-давр Мил.авв. IV аср охири – мил.авв. II асрнинг иккинчи ярми	IV асрнинг охирги чорагида Хоразмда подшолик пайдо бўлади. Бухорода, Даванда, Суғдда алоҳида мулклар шаклланади. Қанғ давлати қарор топади
5-давр Мил.авв. II асрнинг иккинчи ярми – мил. I аср боши	Маҳаллий давлатлар – Қанғ, Хоразм подшолиги, Бухоро, Суғд, Даван мулкларининг мустаҳкамланиши ва янада ривожланиши, Юэчжи давлатининг қарор топиши
6-давр I асрнинг боши – III асрнинг биринчи ярми	Антик даврда маҳаллий давлатчиликнинг ривожланиши. Ўзбекистоннинг жанубида Кушон давлати, Чоч ҳудудларида янги мулкчилик, Хоразмда Африғийлар давлатлари

4. Аҳамонийлар даврида Ўрта Осиё

Мил.авв. VI асрнинг ўрталарига келиб шафқатсиз курашлар натижасида Мидия подшолиги ўрнида Аҳамонийлар давлати ташкил топади. Кўпчилик илмий-тарихий адабиётларда Кир II Аҳамонийлар давлатининг асосчиси сифатида эътироф этилади. Аҳамонийларнинг Кир II, Камбиз, Доро I, Ксеркс каби ҳукмдорлари қадимги Шарқдаги жуда кўплаб мамлакатлар устидан ўз ҳокимиятини ўрнатишни режалаштирганлар ва шундай сиёсат олиб борганлар. Қадимги дунё муаллифлари Геродот, Ксенофонт, Ктесий, Юстин кабиларнинг маълумотларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, Кир II мил.авв. 545–539 йилларда Шарқий Эрон ва Ўрта Осиё вилоятларини босиб олади. Доро I даврида (мил.авв. 522–486 йй.) Аҳамонийлар сулоласи Ҳинд водийсидан Ўрта Ер денгизига қадар бўлган кенг ҳудудга ўз ҳукмронлигини ўрнатган. Жуда кўп сонли давлатлар, вилоятлар, шаҳарлар ва халқларни бирлаштирган Аҳамонийлар салтанати тарихда биринчи йирик дунё давлати ҳисобланади.

Мил. авв. VI асрнинг ўрталарида Кир II ўзининг содиқ лашкарбошиларидан бири бўлган Гарпагга Кичик Осиёдаги шаҳар-давлатларни босиб олишни буюради. Ўзи эса Ўрта Осиё ҳудудидаги вилоятларни (Бақтрия, Хоразм, Суғдиёна, Марғиёна ва бошқ.) босиб олишга тайёргарлик кўра бошлайди. Геродот Кир II нинг массагетларга қарши юриши ҳақида сўзлар экан, бу юришларнинг кўпчилиги

ҳақида тўхталмасдан, фақат форсларни ташвишга солган юришлар ҳақида эслатиб ўтади. Тарихчининг маълумот беришича, Гарпаг Кичик Осиё шаҳарларини бирин-кетин босиб олгунча Кир II бутун Осиё халқларини бўйсундиради ва шундан кейингина Бобилга юриш бошлайди.

Тарихий манбаларнинг маълумот беришича, Ўрта Осиё халқлари аҳамонийлар босқинига қарши қаттиқ кураш олиб борганлар. Хусусан, массагет қабилалари малика Тўмарис (Томирис) бошчилигида форсларнинг турли ҳийла-найранглар ишлатишига қарамасдан, уларнинг катта қўшинини тор-мор этадилар. Малика Тўмарис ва массагетларнинг ҳарбий маҳорати туфайли бу жангда аҳамонийлар ҳукмдори Кир II ҳам ҳалок бўлади. Геродот хабар беришича, «Бу жанг варварлар (массагетлар) иштирок этган жанглар орасида энг даҳшатлиси эди... Камон ўқлари тугагач, қўл жанги бошланиб, найза ва қилич билан курашдилар. Қўшинлар жанги узоқ вақт давом этди. Ниҳоят массагетлар ғалаба қозондилар.» Кир II қўшинларининг массагетлар томонидан тор-мор этилиши мил. авв. 530 йилга тўғри келади.

Тарихчи Полиен форсларга қарши курашган Широқ қаҳрамонлиги ҳақидаги афсона тўғрисида хабар беради. Унинг хабарига кўра, сак қабилаларининг вакили бўлган Широқ исмли чўпон ҳийла йўли билан форсларнинг катта қўшинларини сувсиз саҳро ичкарисига адаштириб қўяди. Широқ ҳам, форс қўшинлари ҳам очлик ва ташналикдан ҳалок бўладилар.

Мил. авв. 522 йилда аҳамонийлар тахтига Доро I ўтиради. У тахтга ўтириши биланоқ Парфия, Марғиёна ва «саклар ўлкаси»да форсларга қарши қўзғолонлар кўтарилади. Беҳистун ёзувларига қараганда, 522 йилнинг охирида Марғиёнада кўтарилган қўзғолонга Фрада исмли киши бошчилик қилади. Доро I Бақтрия сатрапи Дадаршиш бошчилигидаги қўшинларни қўзғолончиларга қарши жўнатади. Қўзғолон шафқатсизларча бостирилиб, 55 минг марғиёналик ҳалок бўлади. Фрада ҳам қўлга олиниб қатл эттирилади.

«Саклар ўлкаси»даги форсларга қарши курашга Скунҳа бошчилик қилади. 519–518 йилларда бўлиб ўтган бу курашда саклар форслар томонидан мағлубиятга учрайди. Сакларнинг кўпчилиги ўлдирилиб, кўпчилиги асир олинади. Уларнинг йўлбошчиси Скунҳа асир олиниб, ўрнига бошқа йўлбошчи тайинланади. Хуллас, форслар Ўрта

Осиёдаги маҳаллий аҳолининг қаҳрамонона қаршилигини қийинчилик билан синдирганидан кейингина бу ҳудудларни батамом ўзларига бўйсундирдилар.

Марказий бошқарув органлари. Аҳамонийлар даврида давлат бошқаруви шоҳлар шоҳи – шаҳаншоҳ қўлида бўлган. Ҳокимият иерархиясида шаҳаншоҳдан кейин бой форс оилаларининг бошлиқлари турган. Шаҳаншоҳ саройида Кенгаш мавжуд бўлиб, унинг таркибига бой оила бошлиқлари, сарой аёнлари, юқори лавозимдаги амалдорлар ва ноиблар кирган. Давлат аҳамиятига молик муҳим бўлган барча масалалар ушбу кенгашда кўриб чиқилса-да, ҳал қилувчи қарорни шаҳаншоҳ қабул қилган.

Шоҳлар шоҳидан кейинги шахс хазарпат (мингбоши) деб аталган. Хазарпат шаҳаншоҳ гвардиясининг бошлиғи ва давлат бошқарувида шаҳаншоҳнинг бош ёрдамчиси ҳисобланган.

Аҳамонийлар давлатининг бош маъмурий маркази Суза шаҳри эди. Бу ерда шаҳаншоҳ девонхонаси жойлашган бўлиб, барча ҳужжатлар шу ерда сақланган. Шаҳаншоҳ девонхонаси бошлиғи дапирпат (мирзабоши) деб аталган. Девонхонада бош хазиначилар, ҳисобчилар, қозилар, мирзалар ва бошқа амалдорлар ишлаганлар.

Ҳудудий бўлиниш. Мил.авв. VI асрларнинг ўрталарида ташкил топган улкан аҳамонийлар давлати таркибига ҳозирги Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиёнинг катта қисми, Шимолий Ҳиндистон, Яқин Шарқ, Кичик Осиё, Миср каби ҳудудлар кирган эди. Бу улкан давлат маъмурий қарам ўлкалар – сатрапияларга бўлинган эди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, бу анъана Мидия давлатидан қабул қилинган, Доро I даврида маъмурий бошқарувда ислоҳотлар ўтказилиб, бутун давлат 20 та маъмурий- қарам сатрапияларга бўлинади. Уларни сатраплар (шаҳаншоҳ ноиблари) бошқарган. Сатрапиялар анча йирик бўлиб, айрим ҳолларда бир неча ўлка ва вилоятларни бирлаштирган. Масалан, Парфия, Гиркания, Арея, Хорасмия ва Суғдиёна битта сатрап таркибига кирган.

Сатрапияларнинг чегаралари айрим ҳолларда ўзгариб турган. Эътибор бериш лозимки, аҳамонийлар давлатида сатрапиялар этник келиб чиқишига қараб эмас, балки иқтисодий салоҳиятига қараб ташкил этилган. Сатрапиялар шаҳаншоҳнинг ноиби сифатида асосан форслардан тайинланган. Сатрапиянинг маъмурияти ва бошқаруви шаҳаншоҳ маъмурияти ва марказий бошқарув аппаратини

қисқартирилган ҳолда такрорлаган. Яъни, сатрапда иккита ёрдамчи, девонхона ва мирзалар бўлган. Бир вақтнинг ўзида сатрап ўзи ноиблик қилиб турган ҳудудда бош қози вазифасини ҳам бажарган. Айрим ҳолларни истисно қилганда сатрап ҳарбий бошлиқлик вазифасини бажармаган. Мисол учун, Доро I барча сатрапларнинг ҳарбий вазифаларини бекор қилган ва уларга фақат ўзига бўйсунувчи ҳарбий бошлиқларни жўнатган. Сатрапларнинг фаолияти марказдан қаттиқ назорат остига олинган. Ҳаттоки шаҳаншоҳ ҳузуридаги амалдорлар тез-тез келиб, сатраплар фаолиятини текшириб турганлар.

Қўшинлар. Аҳамонийлар давлатида мунтазам қўшин мавжуд бўлиб, унинг асосини таркибида ўн минг жангчи бўлган «абадий ўлмас» полк ташкил этган. Қўшинларнинг бош қўмондони шаҳаншоҳ эди. Ҳарбий тузилмада кейинги ўринда «хазарпат» – мингбоши турган. Аҳамонийлар қўшинлари қуйидаги қисмлардан иборат бўлган: 1-«абадий ўлмас» полк; 2-пиёда қўшинлар; 3-отлиқ қўшинлар (суворийлар); 4-сатраплар қўшинлари; 5-юнон ёлланмалари; 6-кўнгилли қўшин. Қўшиннинг қисмлари 10,100,1000, 10000 кишилик ҳарбийлардан иборат бўлиб, ҳар бир қисмнинг тайинлаб қўйилган бошлиғи бўлган.

Бутун давлат ҳудуди 4 та ҳарбий округга бўлинган. Ҳар бир округнинг ҳарбий бошлиғи бўлиб, у бевосита шаҳаншоҳга бўйсунган. Бўйсундирилган ўлкалар ва чегара туманларида ҳарбий гарнизонлар жойлаштирилган. Ҳарбий бошлиқларнинг деярли барчаси форслардан тайинланган.

Солиқлар ва мажбуриятлар. Геродот маълумотларига кўра, улкан Аҳамонийлар салтанати алоҳида вилоятлар (ўлкалар) – сатрапияларга бўлинган бўлиб, уларнинг сони 20 та эди. Ҳар бир сатрапия ҳар йили маълум миқдорда солиқ тўлаб туриши шарт эди. Солиқларнинг миқдори кўп ҳолларда кумуш талант (талант – пул бирлиги, бир талант 30 кг кумушга тенг бўлган) билан белгиланган. Солиқлар келиб тушишини тизимга солиш учун Доро I ягона пул тартибини жорий этади. Бу тартиб асосининг оғирлигини 8,4 г келадиган олтин дарик ташкил этарди. Олтин дарикнинг бир донаси оғирлиги 5,6 г бўлиб, уни 20 та кумуш тангага алмаштириш мумкин бўлган. Олтин дарик фақат подшо томонидан, кумуш тангалар эса айрим вилоятлар ҳукмдорлари томонидан зарб этилган.

Қарам ўлкалар пул солиғидан ташқари маҳсулот билан ҳам солиқлар тўлаганлар. Ушбу солиқлар ҳисобидан Персеполда, Сузада ва Экбатанда форс подшоларининг ҳашаматли саройлари қад кўтарган. Мисол учун, Сузадаги саройни қуриш ҳақида Доро I ёзувларида шундай хабар берилади: «Бу ерда ишлатилган олтин Лидия ва Бақтриядан келтирилган. Кўк тош «капа-утака» (ложувард) ва «синкаброш» (ярим қимматбаҳо тош – сердолик) Суғддан келтирилган. «Ахшайна» тоши (феруза) Хоразмдан келтирилган». Шунингдек, Геродот Аҳамонийлар давридаги яна бир солиқ тури – сунъий кўллардан далалар учун олинадиган сув пули ҳақида ҳам маълумот беради. Тарихчининг таъкидлашича, кўлларнинг тўғонини очгани учун форс подшоси «одатдаги солиқдан ташқари катта пул олади».

Аҳамонийлар давлатида мажбурий ҳарбий хизмат ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Элефантин оролидаги (Мисрнинг жанубий чегаралари яқинида) гарнизон архивидан маълумки, бу ерда мил.авв. V аср охирида хоразмлик жангчи Даргамон хизмат қилган. Сак жангчилари ҳайкалчаларининг топилиши Мисрдаги йирик ҳарбий базалардан бири бўлган форсларнинг Мемфис гарнизони таркибида сак отлиқлари ҳам бўлганлигидан гувоҳлик беради. Юнонларга қарши чиққан Ксеркс қўшинлари таркибини санаб ўтар экан, Геродот бақтрийлар, сак-аморглар, парфиёнлар, хоразмийлар, суғдийлар ва сакларни ҳам тилга олади.

Деҳқончилик. Сунъий суғориш. Жуда кўпчилик тадқиқотчилар Ўрта Осиёнинг ўтроқ воҳаларидаги суғориш тартибида мил.авв. VI-IV асрларда сезиларли ўзгаришлар бўлиб ўтганлигини эътироф этадилар. Бу даврда кўп жойлардаги тўпланиб қолган сувлардан фойдаланиладиган мавсумий табиий суғориш ўрнини кенг ҳудудларни суғориш имкониятини берувчи йирик магистрал каналлар тартиби эгаллайди. Бундай ўзгаришлар натижасида нисбатан кенгроқ ҳудудларни ўзлаштириш имкониятлари пайдо бўлади. Ўрта Осиёнинг деярли барча тарихий-маданий вилоятларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида ўтроқ аҳоли томонидан янги ерларнинг ўзлаштирилганлиги кузатилади.

Шимолий Бақтрия ҳудудларида бу даврда Сурхон ва Кобадиён воҳалари кенг миқёсда ўзлаштирилиб, ўнг қирғоқ Амударё ирмоқларидан магистрал каналлар ўтказилади. Вахш воҳасида Болдай канали қазилиб, унинг атрофларида мил.авв. V-IV асрларга оид манзил-

гоҳ аниқланган. Хоразм ҳудудларида, чап қирғоқ Амударёдаги Сариқамиш ҳавзасида жойлашган Кўзалиқир яқинида Аҳамонийлар даврига оид йирик деҳқончилик воҳаси аниқланган. Бу ердан ўша даврга оид бир нечта каналлар аниқланган.

Таъкидлаш жоизки, Аҳамоний подшолари ва сатраплари қишлоқ хўжалигининг ривожланишига, аввало, деҳқончиликка катта эътибор бериб турганлар. Ксенофонтнинг хабар беришича, «подшо ўз мамлакатининг айрим қисмларини ўзи айланиб чиқади, айрим қисмларига ўз ишончли одамини юборади. Агар ҳокимлар ўзлаштирилиб обод этилган, боғ-роғлар барпо этилиб, экинлар экилган ерларни кўрсатсалар, уларга яна янги ерлар қўшиб берилиб, турли мукофотлар инъом этилади». Ўрта Осиёдаги дастлабки коризлар ер ости суғориш каналлари ҳам Аҳамонийлар даврида пайдо бўлади. Полибий салавкийлар ҳукмдори Антиох III нинг Парфия даштлари орқали юришини таърифлар экан, бу ерда суғориш ишлари қудуқлари бўлган бир нечта ер ости каналлари орқали амалга оширилиб, улар «форслар даврида» бунёд этилгани ҳақида маълумот беради.

Мил.авв. VI–IV асрлар суғориш иншоотлари такомиллашуви билан бирга, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигида деҳқончилик тараққиётига сезиларли туртки берган темир буюмлардан фойдаланиш ҳам кенг тарқалади. Шимолий Бақтриядаги Қизилча 6, Хоразмдаги Динғилжа ва Кўзалиқир, Суғдиёнадаги Афросиёб ва Даратепа ҳамда бошқалардан топилган темир буюмлар шу жараёндан далолат беради.

Бу даврда Ўрта Осиё ўтроқ тарихий-маданий вилоятлари хўжалиги доирасида чорвачилик ҳам тараққий этади. Хўжаликнинг бу тури катта ва кичик дарёлар ҳавзалари ҳудудларида, тоғ ва тоғ олдиларида, дашт чегара ҳудудларида, айниқса, жадаллик билан ривожланади. Қадимги Хоразмдаги Кўзалиқирдан мил.авв. VI–IV асрларга оид ҳайвонлар суякларининг топиб тадқиқ этилиши бу ерда хўжаликнинг асосини чорвачилик, аввало, йирик туёқли ҳайвонлар ташкил этганлигидан далолат беради. Персепол тасвирларида кўпгина Ўрта Осиё халқлари форс подшоларига солиқ сифатида турли ҳайвонларни етаклаб келаётганлигининг тасвирланиши ҳам тасодифий ҳол эмас.

Ҳунармандчилик. Мил.авв. VI–IV асрлар Ўрта Осиё вилоятларида ҳунармандчилик, хусусан, сопол ҳунармандчилиги юқори даражада ривожланади. Кулолчилик чархида тайёрланиб, махсус хумдонларда пиширилган сопол идишлар кўпчилик Ўрта Осиё вилоятлари-

га хос шаклларга эга эди. Бу ўринда цилиндрсимон ва цилиндр конуссимон идишларнинг кенг тарқалганлигини таъкидлаш жоиздир. Бундай кўринишдаги идишлар Бақтриядаги Балх, Кобадиён, Болдайтепа, Талашкан, Қизилтепа, Суғдиёнадаги Афросиёб, Хўжа Бўстон, Узунқир, Сармиш, Хоразмдаги Кўзалиқир, Қалъалиқир, Динғилжа, Марғиёдаги Ёздепа ва Говурқалъалардан топиб ўрганилган. Металларни бадиий жиҳатдан қайта ишлаш услублари юқори даражада бўлганлиги ҳақида Амударё хазинаси буюмлари ҳамда «ёввойи скиф услуби» га оид ёдгорликлар қимматли маълумотлар беради. Кам сонли бўлса-да, ҳунармандчиликнинг бошқа турлари – тўқимачилик, тошга ишлов бериш, суякни қайта ишлашга оид бўлган топилмалар топиб ўрганилган.

Ўтроқ деҳқончилик ва кўчманчи чорвадор турмуш тарзининг ёнмаён ёки биргаликда кечиши билан боғлиқ мил.авв. I минг йиллик Ўрта Осиё учун хос бўлган меҳнат тақсимоти – савдо-сотиқнинг ривожланишига олиб келган ҳамда маҳсулот хусусиятига эга бўлган ҳунармандчилик ишлаб чиқаришнинг ривожланишига туртки бўлди. Кўпгина давлатларнинг улкан Аҳамонийлар салтанати таркибига кириши, аввало, ташқи савдонинг тараққиётига таъсир кўрсатди. Аммо Аҳамонийлар даври Ўрта Осиёга келтирилган ёки бу ҳудудлардан олиб чиқилган маҳсулотлар ҳақида жуда кам маълумотлар сақланган. Шунга қарамасдан, Кичик Осиёдаги Эфес шаҳридан Бақтрияга, ундан Ҳиндистонга кетувчи йўл ҳақидаги маълумотлар Ўрта Осиёнинг Аҳамонийлар давлатининг ғарбий вилоятлари билан савдо алоқалари олиб борганлигини тасдиқлайди. Суғдиёнадан ва айниқса Бақтриядан топилган тангаларга қараб хулоса чиқарадиган бўлсак, мил.авв. VI–IV асрлар Ўрта Осиёга нафақат марказий аҳамонийлар ҳокимияти ҳукмдорлари зарб этган тангалар, балки Кичик Осиё ва юнон тангалари ҳам муомалада бўлган.

Манзилгоҳлар ва меъморчилик. Ўтган асрнинг 30-йилларида Аҳамонийлар даври маданий қатламлари фақат Жанубий Тожикистон ҳудудларидагина маълум эди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг мил.авв. VI–IV асрларга оид ёдгорликлар кўпгина ҳудудларда аниқланиб, тадқиқотлар кўлами кенгайди. Ҳозирги кунда бу даврга оид манзилгоҳлар нафақат Жанубий Туркманистон, балки Шимолий ва Жанубий Бақтриядан, Суғдиёнадан, Парфия ва Марғиёнадан, Хоразмдан, Чоч ва Фарғонадан топиб ўрганилган бўлса, Фарғонадан,

Олойдан, Шарқий Помирдан ҳамда Орол бўйидан кўмиш маросимига оид ёдгорликлар топиб текширилган.

Бу даврга оид манзилгоҳ ва кўҳна шаҳарлар меъморчилиги Жанубий Туркманистонда нисбатан кўпроқ ўрганилган. Бу ҳудудлардаги энг йирик кўҳна шаҳар Марвдаги Говурқалъа ҳисобланади. Говурқалъа ўлчамларининг йиғиндиси 7,5 км. га тенг. Аҳамонийлар даври Марвнинг маркази Говурқалъа шимолий томонининг марказида жойлашган Эркқалъа истеҳкоми бўлган. Мил.авв. I минг йиллик ўрталарида ушбу истеҳком баланд лой девор билан ўраб олинади. Эркқалъанинг марказида йирик меъморий иншоотлар – ҳукмдор саройи ва диний мажмуа қад кўтаради. Истеҳком хом ғиштдан бунёд этилган мустаҳкам пойдевор устига қурилиб, ягона дарвозаси шаҳар томонга қаратилган.

Марв воҳасининг қадимги марказида Аҳамонийлар даврига оид Ёздепа манзилгоҳи очиб ўрганилган. Ёздепа бирмунча илгарироқ даврда пайдо бўлган бўлиб, мил.авв. I минг йиллик ўрталарида ўзининг аввалги ҳарбий-маъмурий аҳамиятини йўқота бошлайди. Аммо Ёздепа манзилгоҳи бутунлай йўқолиб кетмайди ва қазишмалар натижасида бу ердан тўғри бурчакли ғиштлардан қад кўтарган деворлар, иншоотлар қолдиқлари аниқланган.

Копетдоғнинг тоғ олди ҳудудларидан мил.авв. VI–IV асрларга оид йирик кўҳна шаҳар Елкендепе харобалари очиб ўрганилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Елкендепе Шимолий Парфиянинг ҳарбий-маъмурий маркази бўлиб, бу ерга Аҳамонийлар подшолари келиб турган. Кўҳна шаҳар нотўғри айлана шаклида бунёд этилган бўлиб, узунлиги 500 метр, эни 300 метрга яқин. Шаҳар ўрнидаги дастлабки манзилгоҳ тўғри бурчакли йирик ғиштлардан қад кўтарган мустаҳкам девор билан ўраб олинган. Марказда истеҳком қад кўтарган.

Хоразм экспедициясининг саъй-ҳаракатлари туфайли қадимги Хоразм ҳудудларида ҳам Аҳамонийлар даври ёдгорликлари аниқланган. Улардан бири – сатрапнинг қуриб битказилмаган саройи Қалъалиқир I ҳисобланади. Яна бир бу даврга оид кўҳна шаҳар Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Кўзалиқир бўлиб, у табиий тепалик устида жойлашган. Унинг максимал узунлиги 1000 метр, эни эса 500 метрдан зиёдроқдир. Қазишмалар натижаларига кўра, кўҳна шаҳар икки қатор девор билан ўраб олиниб, ташқи девор миноралар билан мустаҳкамланган. Ички девор эса турли қурилишларга туташиб турган.

Ўнг қирғоқ Хоразмдаги Аҳамонийлар даврига оид яна бир ёдгорлик Динғилжа яқинидаги манзилгоҳ ҳисобланади. Қазишмалар натижасида бу ердан 2600 кв. м. майдонга эга бўлган кўп хонали катта бино очиб ўрганилган. Бинодан турар жой, хўжалик ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган 17 та хона аниқланган. Девор тўғри бурчакли ва тўртбурчак йирик ғиштлардан бунёд этилган. Бино қурилишлари мил.авв. V аср охири – IV асрнинг биринчи ярмида қурилган.

Суғдиёнанинг йирик маданий маркази ва пойтахти бўлган Афросиёб кўҳна шаҳри бу даврда, айниқса, гуллаб-яшнади. Бу даврга келиб умумий майдони 219 гектар бўлган Афросиёб марказий ва йирик шаҳар сифатида анча ривожланиб, бу ерда шаҳар ҳаётининг ривожланиши Суғдиёна ва бутун Ўрта Осиёдаги сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг юксалиши ҳамда инқирози билан мувофиқ тарзда кечган. Аҳамонийлар давридаги Самарқанд Суғди хўжалик ҳаёти ва маданий тараққиёти ҳақида Лолазор, Лайлакқўйтепа, Кўктепа, Тўрткўлтепа каби ёдгорликлардан топилган топилмалар ҳам қимматли маълумотлар беради. Бу топилмаларга қараб (жанговар ва меҳнат қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, тақинчоқлар, қурилиш услуби ва ҳоказо) Самарқанд ва унинг атрофларидаги ҳудудларда мил.авв. I минг йилликнинг ўрталарида яшаган аҳоли хўжаликнинг деҳқончилик, чорвачилик, уй ҳунармандчилиги ва ихтисослашган ҳунармандчилик турларини анчагина ривожлантирганлар деган хулоса чиқариш мумкин.

Бухоро воҳасидаги Хўжа Бўстон, Конимех, Қумрабод, Арабон, Чордара, Қузмонтепа каби ўнлаб кўҳна шаҳар ва манзилгоҳлар Аҳамонийлар даврига оиддир. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, улар йирик этно-маданий вилоятнинг унча катта бўлмаган туманлари бўлиб, бу ҳудудларда мил.авв. VI–IV асрларда умумий кўриниши бир хил бўлган деҳқончилик маданияти шаклланади. Топилган топилмаларнинг ниҳоятда ўхшашлиги шундан далолат беради.

Кейинги йилларда Бухоро шаҳри ва унинг атрофларида кўпгина археологик тадқиқотлар олиб борилди. Бу тадқиқотлар натижаларига қараганда, мил.авв. I минг йилликнинг ўрталарида Зарафшоннинг йирик бир ирмоғи Бухоро шаҳари ҳудудларидан оқиб ўтиб, унинг ўнг ва чап қирғоғида шаҳарга асос солинади. Яна шу нарса

ҳам аниқландики, бу даврда арк ҳудуди пахса девор билан ўраб олинади. Бухоро атрофларидан эса бу даврга оид қалъалар ва қўрғонлар ҳам очилганки, улар атроф қишлоқларни ташкил этган. Тадқиқотлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Бухоро – воҳадаги урбанистик жараёнларнинг маркази бўлибгина қолмасдан, географик нуқтаи назардан ҳам воҳанинг марказида жойлашиб, вилоят маркази вазифасини бажарган.

Қашқадарё воҳаси мил.авв. VI–IV асрлар ёдгорликлари Суғдиёнанинг бошқа ҳудудларига нисбатан яхшироқ ўрганилган. Воҳадаги кўҳна шаҳарлардан бири Ерқўрғон мил.авв. VIII–VII асрларда шаклланади ва Аҳамонийлар даврига келганда ҳудудлари анча кенгайиб, тўртбурчак шаклда деворлар билан ўраб олинади. Бундан ташқари, бу даврга келиб кўҳна шаҳар атрофида алоҳида қишлоқ манзилгоҳлари пайдо бўлади. Бу даврда деҳқончилик воҳалари атрофларининг ўзлаштирилиши шаҳарлар билан боғлиқ бўлиб, ўзлаштирилган ҳудудлар шаҳарларга воситачи ёки таянч вазифасини бажарган. Бундай кичик қишлоқларнинг бир қисми шаҳар аҳолисининг шаҳар ташқарисидаги ерлари бўлган бўлиши ҳам мумкин. Мил.авв. VI–V асрлар воҳа ва шаҳар ягона жамоадан иборат бўлиб, яхлит Суғд ўлка – сатрапияси ташкил этган бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда Тожикистон қадимияти билан шуғулланувчи олимлар томонидан Сирдарё ўрта оқимининг чап қирғоғи ҳудудларидаги Хўжанд ва унинг атрофларидан (ўрта асрлардаги Уструшона) мил. авв. VI–IV асрларга оид ёдгорликлар очиб ўрганилган. Хўжанд шаҳрини ўрганган тадқиқотчилар кўҳна шаҳар истеҳкомининг пастки қатламларини, хусусан, умумий майдони 20 гектарга яқин бўлган (шундан истеҳком 1 гектарга яқин) тўртбурчак шаклидаги шаҳар майдонини ўраб турган қалъа девори қолдиқларини мил.авв. VI–IV асрларга оид деб ҳисоблайдилар. Бу давр маданий қатламлари Ширин, Муғтепа (Ўратепа шаҳрида) ва Нуртепа (Ўратепа шаҳридан шимолроқда) кўҳна шаҳарлардан ҳам аниқланган.

Нуртепа кўҳна шаҳри баланд тоғ тепалигида жойлашган. Н. Негматов ва бошқаларнинг фикрича, кўҳна шаҳар ўрнидаги манзилгоҳ мил.авв. VII асрда пайдо бўлган. Мил.авв. VI–IV асрларда эса Нуртепа умумий майдони 18 гектар бўлган пахса ва хом ғишт деворлардан қад кўтарган қалъа ҳамда ҳимоя деворлари бўлган шаҳар ҳисобланар эди. Бу ердан топилган кўплаб топилмаларга қараб шундай

хулоса чиқариш мумкинки, Нуртепа аҳолиси асосан деҳқончилик ва ҳунармандчилик ишлаб чиқариш билан шуғулланган. Хўжанд ва Нуртепа кўҳна шаҳарлари македониялик Александр юришлари даврида таянч нуқталар бўлган бўлиши мумкин.

Мил.авв. VII–VI асрларда Бақтрия ҳудудларида ҳимоя деворлари билан ўраб олинган шаҳарлар шакллана бошлайди. Олтиндирёр (Аорн), Бақтра, Қизилтепа кабилар бу ҳудудлардаги йирик шаҳарлар эди. Аҳамонийлар даври Шимолий Бақтрия ҳақида тўғридан-тўғри ёзма манбаларда маълумотлар берилмаса ҳам, археологик тадқиқотлар бу масалага кўпгина аниқликлар киритади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Бақтрия Кир II нинг мил.авв. 539–530 ёки 547–539 йиллардаги юришларидан сўнг Аҳамонийлар давлатига бўйсундирилади. Айрим тадқиқотчилар бу даврда Бақтриянинг шимоли-ғарбий чегараларидаги Темир дарвоза атрофларида Сисимифр қалъаси бўлган деб ҳисоблайдилар. И. В. Пьянковнинг фикрича, бу ерда Бақтрия ва Суғдиёна ўртасидаги чегарани белгилайдиган ҳамда катта йўлни назорат қилиб турадиган пункт жойлашган бўлиши мумкин. Аммо бу тахминлар археологик тадқиқотлар билан тасдиқланмайди. Шу билан бирга, Амударёдан кечув жойида ва бу кечувга келувчи йўллар устида мил.авв. I минг йиллик ўрталарида қалъалар (Шўртепа, Талашкан I, Термиз, Хирмонтепа) бунёд этилади. Бу жараён Аҳамонийларнинг Бақтриядан Суғдиёнага ўтувчи барча йўлларни қатъий назорат остига олганларидан далолат беради.

Бу даврга келиб аҳоли пунктларининг турли шакллари: ўтроқ деҳқончилик зодагонларининг мустаҳкамланган қўрғонлари (Қизилча), йирик манзилгоҳлар (Бандихон II), мураккаб мудофаа-режавий тузилишга эга қўрғонли шаҳарлар (Қизилтепа) пайдо бўлади.

Бандихон II қалъа ва қалъанинг шимоли-шарқий томонида жойлашган мустаҳкамланмаган манзилгоҳдан иборат. Манзилгоҳнинг жануби-шарқий бурчагида жойлашган қалъа (110x100 м) ҳамма томонидан хандақ ва пахса девор билан ўраб олинган бўлиб, бурчаклари ён томондан ҳимоя қилинган ва ярим айлана шаклидаги миноралари ҳамда учбурчак шинаклари мавжуд. Қалъа ичидаги маданий қатлам турли суяклар, гўнг, сопол парчалари, қурилиш излари бўлмаган кул қатламларидан иборатки, тадқиқотчиларнинг фикрича, бу ер ҳарбий хавф туғилган пайтда аҳоли ва чорва учун бошпана вазифасини бажарган. Бандихон II учун режанинг маълум зичлиги, ҳимоя

тартибининг мураккаблиги (минорали деворлар, хандақлар), манзилгоҳ барча қисмларининг бир вақтда шаклланиши ва ривожланиши хосдир. Қандайдир вазифани бажариши нуқтаи назаридан бу манзилгоҳ унча катта бўлмаган деҳқончилик воҳасининг маъмурий маркази бўлган бўлиши мумкин. Бандихон II ҳимоя иншоотлари мураккаблашган тартиби ва қалъасининг ички тузилиши билан фарқланган ҳолда бронза даври Сополлитепа анъаналарини (икки қисмли тузилиш) такрорлайди.

Мил.авв. VI–IV асрлар Фарғона ва Чирчиқ-Ангрен воҳаларининг Аҳамонийлар давлати таркибига кирганлиги ҳақида маълумотлар сақланмаган. Ушбу ҳудудлардаги бу даврга оид ёдгорликларнинг маданий анъаналари бошқа ҳудудларга нисбатан бошқачароқ кечган. Бу даврга келиб Чирчиқ-Ангрен воҳасидаги Бургулик маданияти инқирозга учрайди. Бу маданият манзилгоҳлари ярим ертўла ва хом ғишт қурилишлар билан изоҳланади. Айрим тадқиқотчилар Жўнариқ бўйидаги Шоштепани мил.авв. VI–IV асрларга оид деб ҳисоблаб, Бургулик маданиятининг сўнгги босқичига хос, деган фикрни билдирадилар. Агар бу фикр тўғри бўлса, Шоштепа ушбу ҳудудлардаги дастлабки қадимги деҳқончилик манзилгоҳидир.

Мил.авв. VI–IV асрларга оид ёдгорликлар Фарғона водийсидан нисбатан кўпроқ аниқланган бўлиб, улар манзилгоҳлар ва мозор-қўрғонлардан иборат. Улар орасида нисбатан яхши ўрганилганлари Эйлатон кўҳна шаҳри, Оқтом, Кунгай ва Ниёзботир ҳисобланади.

Эйлатон кўҳна шаҳри харобалари Андижон вилояти, Избоскан туманидаги Илотон қишлоғи ёнида жойлашган. Маҳаллий аҳоли орасида бу кўҳна шаҳар Шаҳри Хайбер номи билан машҳурдир. Мил.авв. VI–IV асрларга оид[6] бу кўҳна шаҳар нисбатан яхшироқ ўрганилган бўлиб, Эйлатон маданияти ёдгорликлари водийнинг деярли барча ҳудудларида аниқланган. Эйлатон кўҳна шаҳри икки қисмдан иборат. Ички қисм деворлар билан ўралган, 20 гектардан иборат, лекин истеҳкоми йўқ. Ташқи қисм 200 гектардан иборат бўлиб, бу ҳудудда қурилишлар қурилмаган. Бу қисм ҳам уюм-деворлар би-

---

[6] Айрим тадқиқотчилар Эйлатон маданиятини мил.авв. VII–VI асрларга оид деб ҳисоблайдилар. Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. 1962, № 118; Литвинский Б.А. Орудия труда и утварь из могильников Западной Ферганы. – М.: 1978.

лан ўраб олинган. Қазишмалар натижасида доимий турар жойлар, хўжалик хоналари, сопол идишлар, меҳнат ва жанговар қуроллар, тақинчоқлар топиб ўрганилган. Ушбу топилмаларга қараб хулоса чиқарадиган бўлсак, фақат Фарғонанинг ўзида Эйлатондан топилган ашёвий далилларга давр жиҳатидан яқин ёдгорликлар Шўрабашот, Симтепа ва Озгор II лардир. Шўрабашотдан олинган археологик ашёларнинг асосий хусусияти бу ерда оч рангли сопол идишларнинг қизил рангли сопол идишлар билан бир мажмуада учраши ҳисобланади. Шунингдек, Шўрабашотда кўза ва қадаҳлар ҳам учрайди. Ундан ташқари, Шўрабашот кўҳна шаҳри тузилиши ҳам Эйлатон кўҳна шаҳари тузилишига ўхшайди. Шундан хулоса чиқарган С. Қудратов Шўрабашот кўҳна шаҳрининг бир қисмини мил.авв. III–II асрлар билан белгилаш лозим, деган таклифни илгари суради.

Бу давр водийдаги деҳқончилик маданияти мозор-қўрғонлар топилмалари билан бевосита боғлиқдир. Шундай қўрғонлардан бири Оқтом Фарғонадан 9 км жанубда жойлашган. Бу ердан 31 та қабр очиб ўрганилган. Топилган топилмаларга қараб Оқтом қабилаларининг кўпчилиги деҳқончилик билан шуғулланган, деган фикрлар ҳам билдирилган. Оқтом қабилаларининг деҳқончилик билан шуғулланишга ўтиши қуйидаги жараёнларга асос бўлган бўлиши мумкин: Фарғона шароитида доимий манзилгоҳлар қурилиши ва бу манзилгоҳларда собиқ чорвадорларнинг хом ғишт меъморчилиги; ўтроқ деҳқончилик аҳолиси устидан сак-чорвадор аҳолисининг сиёсий устунлик қилиши; Фарғонада дастлабки давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши ва маъмурий марказларнинг шаклланиши ҳамда буларда ҳам сиёсий устунлик. Шунингдек, ҳарбий ҳаракатлар пайтида асир олинган қулларнинг мавжудлиги кўп сонли одамларни, жумладан, тажрибали мутахассисларни йирик қурилиш ишларига жалб этиш имконини берган.

Ушбу жараёнларнинг барчаси Фарғонада Эйлатонга ўхшаш манзилгоҳларнинг пайдо бўлиши учун замин яратган бўлиши мумкин. Кейинроқ эса ўтроқ деҳқончилик туманлари чегарасида жойлашган бундай маъмурий марказлар аста-секинлик билан ҳунармандчилик ва савдо марказига айланади. Улар ичида турли қурилишлар ривожланиб (Марҳамат кўҳна шаҳри мисолида), шаҳарларга айланиб боради. Г. Ивановнинг фикрича, балки зодагонлар ва бошқарув маъмурияти хизматкор аҳлининг кўпайиши асосида пайдо бўлади.

Хуллас, Эйлатон-Оқтом типидаги манзилгоҳлар ва мозор-қўрғонлардаги топилмалардан хулоса чиқарадиган бўлсак, мил.авв. VI–IV асрлар Фарғонада Чочда бўлгани каби ўтроқ деҳқончилик аҳолиси яшаган. Аммо бу аҳолининг маданий анъаналари Бақтрия, Суғд, Марғиёна ва Хоразмникига нисбатан бошқароқ эди. Ушбу маданиятнинг илдизлари мил.авв. II–I минг йиллик бошлари бронза даври маҳаллий Фарғона маданиятига бориб тақалади. Мил.авв. VI–IV асрлар Фарғона ёдгорликлари эса қадимги Фарғона маҳаллий маданиятининг янги босқичи ҳисобланади.

Тасвирий санъат. Мил.авв. VI–IV асрлар Ўрта Осиё санъати ҳақида ҳозирги кунда «Амударё хазинаси» (ёки «Окс хазинаси») даги айрим буюмлар, Тахтисангин кўҳна шаҳри (Окс ибодатхонаси) баъзи топилмалари, Помир ва Оролбўйи саклари мозор-қўрғонларидаги бронза буюмлар ҳамда Фарғона сополларидаги ўзига хос нақшларга қараб фикр юритишимиз мумкин.

1877 йилда Тожикистоннинг Кобадиён беклигидаги аҳоли канал қазиш пайтида тилла ва кумуш буюмлардан иборат хазина топиб олади. Ушбу хазина дастлаб бухоролик савдогарларга, кейин Ҳиндистонга, сўнгра эса Лондондаги Британия музейига бориб тушади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Англиядаги ушбу хазинанинг асосий қисмини ҳақиқатан ҳам Шимолий Бақтриядан топилган топилмалар ташкил этади. Ундан ташқари, И. Р. Пичикян тадқиқотларига кўра, «Амударё хазинаси» Панж дарёсининг Вахш дарёсига қуйилиш жойида жойлашган Тахтисангин кўҳна шаҳридаги Окс ибодатхонаси (мил.авв. IV аср) хазинасининг бир қисмидир.

«Амударё хазинаси» буюмлари орасида Аҳамонийларгача бўлган давр Ғарбий Эрон усталари маҳсулоти бўлган буюмлар, Аҳамонийлар подшолари ва сатрапларига тегишли буюмлар ва тангалар, Александр Македонский юришларига қадар Кичик Осиёда тайёрланган буюмлар бор. Шу билан бирга, тадқиқотчилар айнан маҳаллий Бақтрия ва скиф-сибир қабилалари усталарининг асарлари ҳам борлигини эътироф этадилар.

Бақтрия санъатини изоҳлаш учун олтин пластинкаларга ўйиб нақш солинган тасвирлар, айниқса, қизиқарлидир. Худди шундай пластинкалар «Амударё хазинаси» дан 50 дан зиёд, Тахтисангиндан эса 3 та топилган. Уларга коҳинлар, ҳарбийлар, сават кўтарган совғачилар, гуллар ва қуроллар, шунингдек, от ва туялар тасвири туши-

рилган. Пластинкалардаги тасвирлар турлича. Тажрибали усталар томонидан юқори сифатда тайёрланган пластинкалар билан бир қаторда, тасвирлар ёмон туширилган ва паст сифатли асарлар ҳам учрайди.

Етарли маълумотлар бўлмаганлиги туфайли Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларидаги амалий санъат ҳақида фикр юритиш қийинроқ. Мил.авв. VI–IV асрлар Суғдда бадиий санъат асарлари намуналари ҳозирча топилмаган. Қадимги Чоч ҳудудларидан фақат битта амалий санъат намунаси – дастаси қуш бошининг нақшли тасвири билан безатилган қуйма бронза пичоқ топилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу тасвир «скиф-сибир услуби» ёдгорликлари доирасига киради. Ушбу услубдаги асарлар чорвадор қабилалар яшаган Ўрта Осиёнинг шарқий ва шимолий вилоятларида, уларга туташ бўлган деҳқончилик туманларида тарқалган эди. Булар Помир ва Оролбўйи мозор-қўрғонлари қазишмалари пайтида топилган от-улов анжомлари, қуйма бронза қозонлардаги тасвирлар, ханжар дастасидаги турли тасвирлар кабилардан иборат. Ушбу топилмалар Ўрта Осиё халқларининг илгариги даврлардаги маданий анъаналарини ривожлантириб, мил.авв. VI–IV асрларда амалий санъат борасида катта ютуқларни қўлга киритганликларидан далолат беради. Бу жараёнда ўзбек халқи аждодларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Хуллас, мил.авв. VI–IV асрлар Ўрта Осиё вилоятларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт ривожланади. Бу даврда Бақтрия йирик давлат бўлиб, форс подшоларининг Шарқдаги йирик марказларидан бири эди. Сўнгги йилларда Ўрта Осиёнинг жанубида олиб борилган археологик қазишмалар натижасида Қадимги Бақтрия ҳудудидан ўттиздан зиёд Аҳамонийлар даврига оид ёдгорликлар очилган. Уларнинг ҳар бирида ўзлаштирилган майдонлар ва суғориш тартибидан ташқари турар жойлар ва хўжалик, меҳнат ва ҳарбий қуроллар, кулолчилик буюмларининг қолдиқлари мавжуддир. Бу давр Бақтрия аҳолисининг асосий машғулоти деҳқончилик эди. Қалаимир, Кучуктепа, Қизилча, Бандихон каби ўнлаб ёдгорликлардан деҳқончилик билан боғлиқ меҳнат қуроллари – ўроқлар, кетмонлар, ёрғучоқ ва деҳқончилик маҳсулотлари қолдиқларининг топилиши деҳқончиликдан далолат бериб, деҳқончилик сунъий суғоришга асосланганлигини кўрсатса, меъморчилик маданияти шаҳарсозликнинг юқори даражасини ифода этади.

Ўрта Осиё халқлари Аҳамонийлар маданият ёдгорликлари бунёд этилишида катта ҳисса қўшдилар. Бу даврда Ўрта Осиё халқлари илк марта зарб қилинган танга пуллар билан танишдилар ва муомала қилдилар. Ўрта Осиё ҳудудидан Аҳамонийлар пул тартибига оид олтин дариклар ва бошқа тангалар топилган. Аҳамонийлар даврида кўпгина шарқ халқларининг сиёсий бирлиги – бутун жаҳон тарихида, иқтисодий ва маданий ривожланишида муҳим давр бўлиб қолди. Бу ўринда Ўрта Осиё ҳудудидаги халқлар ва қабилаларнинг ҳам ҳиссаси ниҳоятда катта бўлди.

5. Александр Македонскийнинг ҳарбий юришлари ва унга қарши кураш. Ўзбекистоннинг антик давр давлатлари

Ўтган асрнинг 40–50 йилларидан бошлаб мил.авв. IV – милодий IV асрлар даври Ўрта Осиё тарихини ўрганиш жараёнида «антик», «антик давр» жумлалари муомалага кирган эди. Айрим тадқиқотчилар бу жумлаларни фақат Греция ва Рим тарихига нисбатан ишлатиш лозим деган ғояни илгари сурган бўлишларига қарамай, Ўрта Осиё қадимги даври билан шуғулланувчи тадқиқотчи олимлар – археологлар, тарихчилар, антропологлар, санъатшунослар кабиларнинг кўпчилиги бу атамани Ўрта Осиё тарихига нисбатан ҳам ишлатиш мумкин, деган нуқтаи назар тарафдори бўлдилар.

Мил. авв. IV асрдан бошлаб Ўрта Осиёнинг асосий деҳқончилик воҳалари ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг батамом янги, фаол йўлига ўтдики, бу ривожланиш милодий III–IV асрларда инқирозга учрай бошлайди. Шаҳарсозлик маданияти ва суғориш тартиби, ёзув ва пул муомаласи, моддий ва бадиий маданиятга оид кўп сонли ва турли-туман ёдгорликлар айнан мана шу ривожланиш жараёнидан далолат беради. Таъкидлаш жоизки, бу давр – қадимги дунё кўпгина давлатлари жамияти тараққиётининг ижтимоий-иқтисодий ва умуммаданий жабҳаларида намоён бўлган янги босқичи билан изоҳланади. Бу янги босқич турли давлатларда ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ундан ташқари, бу давр бутун Қадимги дунё давлатларини қамраб олган жаҳон тарихидаги ҳодисаларнинг баъзи белги ва хусусиятлари жиҳатидан бир-бирига ўхшашлиги жараёнларидан бири эди. **«Антик»** жумласи европа тилларида «antiguite», «antigutiy, antigue»

қабилида ишлатилиб, **«узоқ ўтмиш», «ўтмиш қадимият», «қадимги»** деб таржима қилиниши мумкин. Биз ушбу дарсликда кўпчилик олимлар томонидан эътироф этилган «антик» жумласини қўллашни лозим топдик.

Улкан Аҳамонийлар салтанати ўзининг ғарбга қилган экспансияси натижасида юнон давлатлари билан тўқнашади ва бунинг натижасида мил.авв. V асрнинг биринчи чорагида юнон-форс урушлари бошланади. Мил.авв. V аср давомида бетиним урушлар, саройдаги фитналар, босиб олинган халқларнинг озодлик учун курашлари Аҳамонийлар давлатини анча заифлаштириб қўйган эди. Мил.авв. IV асрнинг ўрталаридан бошлаб эса Болқон ярим оролидаги шаҳар-давлатлар кучая бошлайди. Бу даврда Македония подшоси Филипп II Болқон ярим оролида ўз мавқеини мустаҳкамлаб олиб, Аҳамонийларга қарши курашга тайёргарлик кўра бошлайди.

Филипп II ўз даврига мос ҳарбий ислоҳотлар ўтказиб, тартибли ва яхши қуролланган қўшин тузишга муваффақ бўлди. Мил.авв. 336 йилда Аҳамонийлар давлатига қарши кураш бошланди. Аммо Филипп II нинг ўлдирилиши туфайли бу кураш тўхтаб қолди. Ўша йили тахтга Филипп II нинг ўғли 20 ёшли Александр тахтга ўтирди. У Аҳамонийларга қарши урушга жиддий киришиб, Кичик Осиёдан Парменион бошлиқ қўшинларни чақиртирди. Ҳарбий кенгаш тузиб, қуруқликда ва сувда ҳаракат қилаётган қўшинлар олдига аниқ вазифалар қўйди.

Мил.авв. 334 йил майида (Граник дарёси ёнида), 333 йил октябрида (Гавгамела, Шимоли-шарқий Месопотамияда) бўлган жангларда форс қўшинлари тўла мағлубиятга учради. Шундан сўнг Александр учун Аҳамонийлар давлатининг марказларига йўл очилган эди. Александр даставвал Бобилни, сўнгра Суза, Персепол, Пасаргада шаҳарларини эгаллаб, форс подшоларининг хазиналарини қўлга киритди. Сўнгги Аҳамоний ҳукмдори Доро III аввал Мидияга, кейин эса Бақтрияга қочиб кетди. Курций Руфнинг маълумотларига кўра, Бақтрияга Доро III га қарши фитна уюштирилиб, у ўлдирилади ва фитнага бошчилик қилган Бесс ўзини Аҳамонийлар подшоси деб эълон қилади. Аммо Бесс Александрга ҳарбий қўшинларни қарши қўя олмади.

Мил.авв. 329 йилнинг баҳорига қадар Александр Ария, Дранғиёна, Арахосия каби вилоятларни эгаллаб, Окс-Амударё бўйларига чиқиб келади. Арриан ва Курций маълумотларига кўра бу пайтда

дарё жуда серсув бўлиб, тўлиб оқарди. Амударёдан кечув жойини тадқиқотчилар Келиф атрофлари, Чушқагузар, Термиз атрофлари ва Шўроб деб ҳисоблайдилар. Нима бўлганда ҳам, Александр қўшинлари қопларга сомон-хашак тўлдириб, улар орқали беш кун давомида Амударёдан кечиб ўтганлиги ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар сақланган.

Александр қўшинлари дарёдан ўтгач, Бессни таъқиб этиб, «Суғд вилояти Навтакага» йўл оладилар (Аввал Птоломей Лаг бошчилигидаги илғор қисм, кейин асосий кучлар). Суғд ерларида Спитаман бошлиқ маҳаллий саркардалар Александрни тўхтатиб қолиш мақсадида Бессни асир олиб унга топширадилар. Аммо Александрда ҳарбий юришларни тўхтатиш нияти йўқ эди. Навтакадан сўнг юнон-македон қўшинлари Суғдиёнанинг пойтахти Смаракандага юриш қилиб, уни эгаллайдилар. Курций Руф маълумотларига кўра юнон-македонлар «шаҳарда ўзларининг кичик горнизонларини қолдириб, яқин атрофдаги қишлоқларни ёндириб ва вайрон этиб», шимолишарққа томон ҳаракат қила бошлайдилар. Жиззах ва Ўратепа оралиғидаги тоғли ҳудудларда юнон-македон қўшинлари қаттиқ талофат кўрадилар. Александрнинг ўзи ҳам оғир яралар бўлади. Шунга қарамасдан, тоғли ҳудуд аҳолисини қийинчилик билан мағлуб этган юнон-македонлар дашт кўчманчилари саклар ва суғдийлар ўртасида чегара бўлган Яксарт-Сирдарёга томон ҳаракат қиладилар.

Юнон-македонлар Яксарт бўйида тўхтаб, бу ердаги шаҳарларга ўз ҳарбий қисмларини жойлаштира бошладилар. Кўп ўтмай, бу шаҳарлар аҳолиси Александрга қарши қўзғолон кўтарадилар. Дарёнинг ўнг қирғоғидаги саклар ҳам ўз қўшинларини бир ерга тўплай бошлайдилар. Худди шу пайтда Бақтрия ва Суғдиёна ҳудудларида ҳам Александрга қарши қўзғолонлар бошланиб кетади.

Александр дастлаб Яксарт бўйида ўз мавқеини мустаҳкамлашга қарор қилиб, бу ердаги қўзғолонларни бостирди. Суғдиёнада мил.-авв. 329 йил кузида Спитаман бошчилигидаги қўзғолонни (Мароқандда) бостириш учун саркарда Фарнухни қўшинлари билан жўнатди. Ўзи асосий кучлар билан саклар устига юриш қилди. Аммо бу юриш муваффақиятсиз тугади.

Фарнух бошчилигидаги Мароқандга жўнатилган қўшинлар Спитаман томонидан мағлубиятга учради. Александрнинг ўзи асосий кучлари билан Суғдиёнага қайтишга мажбур бўлди. Ўрта Осиё ҳудуд-

ларида кўтарилган қўзғолонлар юнон-македон зулмидан озод бўлишга қаратилган бўлиб, Александрнинг «варвар» ларни осонликча босиб олмоқчи бўлган режаларини пучга чиқарди.

Суғдиёнанинг тоғли ҳудудларидаги босқинчилар қадами етмаган жойларда қўзғолончилар яшириниб олган эдилар. Суғдиёнанинг деярли барча аҳолиси Спитаман томонида бўлиб, унинг ғалабаларига катта умид боғлаган эдилар. Александр эса мил.авв. 329–328 йиллар қишловини Бақтрияда (баъзи манбаларда Навтакада дейилади) ўтказар экан, вақтни беҳуда кетказмади. У бу ерда Хоразм ҳукмдори Фарасман билан музокаралар олиб борди. Натижада, Александрнинг Хоразмга юриш режаси тўхтатилди (бунга Фарасманнинг «дарё ортидаги саклар давлати» ҳужумидан хавфсираши ҳамда Александрнинг юришларини тўхтатиш ҳаракатлари сабаб қилиб кўрсатилади).

Мил.авв. 328 йилнинг баҳоридан юнон-македонларга қарши кураш яна авж олди. Маҳаллий аҳоли йирик шаҳарлар, қалъалар, тоғли ҳудудларда курашни давом эттирдилар. Аҳвол жиддийлашганидан хавотирга тушган Александр 30 минг қўшинини 5 гуруҳга бўлиб, бу гуруҳларга ишончли саркардалар – Гефестион, Птолемей Лаг, Пердикка, Кен ва Артабозларни бошлиқ этиб тайинлади.

Юнон-македонларнинг шафқатсиз урушлари натижасида кўпгина маҳаллий аҳоли қирилиб кетди. Қолганлари ҳам тоғли ҳудудларда курашни давом эттирдилар. Бу ўринда Спитаманнинг жасорати ҳақида тўхталиш жоиздир. У доимо рақибларининг заиф жойларини излар ва уларга айнан ўша жойлардан зарбалар берар эди. Спитаман Суғдий ва бақтриялик зодагонлар ҳамда саклар билан иттифоқликда душманга қарши курашишга ҳаракат қилди. Манбаларнинг маълумот беришича, мил.авв. 328 йилнинг охирида Спитаман ўз ватандошлари хиёнатининг қурбони бўлади. Спитаман тажрибали давлат арбоби ва саркарда бўлиб, у босқинчиларни она юртидан ҳайдаб чиқариш учун имконияти бўлган барча тадбирни кўрди, ҳар бир вазиятдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилди. У моҳир саркарда бўлиб, душманнинг кичик хатосидан ҳам унумли фойдаланар ва унинг заиф томонларини топишга ҳаракат қиларди. Аммо Александр ҳарбий куч-қудрати жиҳатидан Спитамандан устун эди.

Спитаман ҳалок бўлганидан сўнг асосан тоғ қалъалари қўзғолон ўчоқларига айланади. Ёзма манбаларда эслатилган «Суғд қояси» (ёки «Аримаз қояси»), «Хориен қояси» шулар жумласидандир.

Александр Македонский маҳаллий аҳолини куч билан енгиш ниҳоятда оғир эканлигини англаб етганидан сўнг турли йўллар билан уларга яқинлашишга қарор қилди. Маҳаллий халқ вакилларига нисбатан сиёсатини тубдан ўзгартирди. Хусусан, зардўштий коҳинларига бирмунча эркинликлар бериб, ўзи ҳам бу динни қабул қилди. Қўзғолон бошлиқлари Оксиарт, Сисимитр, Хориен кабиларни авф этиб, мол-мулкларини қайтариб берди. Ҳатто қўзғолонга қатнашганларга мукофотлар тарқата бошлади. Маҳаллий аҳоли билан қариндошлик муносабатларини ўрнатиб, Оксиартнинг қизи гўзал Роксанага (Роҳшанак) уйланди. Натижада, маҳаллий зодагонларнинг деярли барчаси Александр ҳокимиятини тан олиб, унинг хизматига ўтиб кетдилар. Мил.авв. 327 йилнинг охирида Суғдиёнадаги қўзғолоннинг сўнгги ўчоқлари ҳам бостирилди.

Юнон-македон босқинчиларига қарши уч йил давомида кураш олиб борар экан, Ўрта Осиё халқлари мислсиз жасорат намуналарини кўрсатдилар. Улар юнонлар ўйлаганидек, «варварлар» ва маданиятдан орқага қолган эмас, балки ўз даврининг юксак ҳарбий санъати ва маданиятига эга эканликларини намойиш этдилар. Александр қўшинлари бутун Шарқ давлатларини ўзларига бўйсундирганларида Суғдиёна ва Бақтриядаги каби қаттиқ қаршиликка учрамаган эдилар. Бу ҳолни Александр тарихини ёзган кўпгина қадимги давр тарихчилари ҳам эътироф этадилар.

Ўзбекистон ҳудудларида яшаган маҳаллий аҳоли ўз озодлиги ва мустақиллиги йўлида бир тан-бир жон бўлиб ҳаракат қилганлар. Аммо кучлар нисбати ва ҳарбий техниканинг тенг эмаслиги кўп ҳолларда босқинчилар устунлигини таъминлаган. Шунга қарамасдан, бундай ҳолатлар давлатчилик тарихида муҳим из қолдирган.

Шундай қилиб, Хоразм, Чоч (Тошкент воҳаси), Фарғона ва саклар юрти Александрдан мустақил бўлиб қолади. Суғдиёна, Бақтрия, Марғиёна ва Парфия Александрнинг давлатига қўшилиб, кейинчалик уларнинг ҳудудида айрим юнон-македон давлатлари вужудга келади.

Александр босиб олган ҳудудларда унинг бошқарув фаолияти дастлаб Грециянинг айрим демократик анъаналарига (ҳарбий йўлбошчилар кенгаши, қўшинлар йиғини) асосланган эди. Қўшинлар йиғинида суд ишлари кўриб чиқилиб, жиноят ва жазо масалалари қатъий муҳокама қилинган. Жиноят турлари ичида энг оғирлари – подшога

қарши фитна, хиёнат, исёнга даъват этиш ҳисобланиб, ушбу ҳаракатлар учун ягона жазо – ўлим жазоси белгиланган. Қатл этиш ҳақидаги қарор қўшинлар йиғинида қабул қилинган. Шарққа қилган юришлари тугаганидан сўнг Александр бу ҳудудларда барпо этган ўз салтанатида Аҳамонийлар давлат бошқарувидаги идора-тартиб усулларини ўзгартирмаган. Яъни, сатраплик бошқаруви ва солиқлар йиғиб олиш тизими ўзининг илгариги аҳамиятини сақлаб қолган.

Ўрта Осиёда истило этилган вилоятлар ва шаҳарларни бошқариш учун юнон-македон саркардалари билан бирга, маҳаллий ҳокимлар ҳам жалб этилган. Ёзма манбаларнинг маълумот беришича, Александр даврида маҳаллий аҳоли вакилларидан Фратафарн – Гирканияда, Артабоз – Бақтрияда, Оксиарт ва Хориен-Суғдиёна вилоятларида ҳокимлик қилганлар. Мил.авв. 325 йилда Оксиарт қўл остига Паропамис-Ҳиндиқуш вилояти топширилади.

Мил.авв. 325–324 йилларда македонлар яроқ-аслаҳалари билан қуролланган маҳаллий аҳоли қўшинлари юнон-македон армияси сафига жалб этилади. Александр маҳаллий ҳокимият вакилларига нисбатан мақсадли сиёсат олиб борган. Мил. авв 324 йилда Суза шаҳрида ўн мингта юнон-македон аскарлари маҳаллий аёлларга уйланадилар. Александрнинг ўзи ва саркарда Гефестион Доро III нинг қизларини ҳамда саркарда Салавка Спитаманнинг қизи Апамани хотинликка оладилар.

А. Сагдуллаевнинг фикрича, бундай ёндашув аниқ сиёсий мақсад – янги давлатчилик барпо этиш ғояси билан боғланган эди. Бу давлат нафақат турли халқларнинг сиёсий бирлашмаси бўлибгина қолмай, балки унинг келажакда македонлар ва Шарқ зодагонлари қонқариндошлиги ворислигига таянган давлатга айланиши режалаштирилган эди.

Кўплаб халқлар ва мамлакатларни бирлаштириб, ягона давлат барпо этиш, инсонларни умумий онг ва ягона тафаккурга бўйсундириш ғояси янгилик эмас эди. Бундай ғояни қадимги форс подшолари ҳам ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар ва оқибатда мил.авв. 490 йилда юнон-форс урушлари бошланган.

Александрнинг ҳарбий юришларидан сўнг Шарқ ва Ғарб ўртасидаги кенг савдо-сотиқ ва маданий алоқалар ривожлана бошлади. Сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ўзгариши натижасида

маҳаллий ва юнон маданиятининг қўшилиш жараёни бошланади. Бу жараённинг таъсирини моддий маданиятнинг ривожланишида, қурилиш ва меъморчилик, кулолчилик ва тасвирий санъат, янги ёзувларнинг тарқалиши, тангашунослик ҳамда диний эътиқодларда кўриш мумкин. Юнонлар, ўз навбатида, қадимги Шарқнинг жуда кўплаб маданий ютуқларини қабул қиладилар ҳамда маҳаллий аҳоли маданиятига ҳам таъсир ўтказадилар. Александр давридан бошлаб, бир неча асрлар давомида, Шарқнинг сиёсий тарихи (давлат тизими, бошқарув усуллари, қонунлар ва ҳуқуқ) да турли анъаналарнинг қўшилиб, ривожланганлигини кузатишимиз мумкин.

Хуллас, Александр Македонскийнинг мил.авв. 334–324 йиллардаги ҳарбий юришлари натижасида Болқон ярим ороли, Эгей денгизи ороллари, Кичик Осиё, Миср, Олд ва Ўрта Осиё, Ҳинд дарёсининг юқори оқимигача бўлган ҳудудни қамраб олувчи улкан давлат ташкил топди. Юнон-македонларнинг 330–327 йиллардаги Ўрта Осиёга босқинчилик юришларига қарамасдан, ўша даврда бу ҳудудларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим ўзгаришлар бўлиб ўтди. Ўрта Осиёга Эллин (Эллада, Болқон ярим ороли) маданияти кириб келди. Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятлари йирик эллинистик давлатлар таркибига кириб, бу вилоятларда янги сиёсий-маъмурий тартиб жорий этилди. Бу тартиб Ўрта Осиёда маданий, иқтисодий, товар-пул муносабатларининг ривожига туртки бўлди. Маҳаллий ва эллин маданиятининг уйғунлашуви бўлиб ўтди.

Салавкийлар давлати

Мил.авв. 323 йилда Александр Бобилда тўсатдан вафот этди. Унинг вафот этиши биланоқ давлатдаги марказдан қочувчи кучларнинг ҳаракатлари фаоллашуви натижасида Александр тузган давлат парчаланиб, унинг ўрнига нисбатан барқарорроқ бўлган давлат уюшмалари пайдо бўлади. Таъкидлаш лозимки, Александр давлатининг парчаланиши ва унинг харобаларида янги давлатлар тизимининг пайдо бўлиши тинчлик йўли билан эмас, балки Александр Македонскийнинг яқин саркардалари – диадохлар ўртасидаги тинимсиз урушлар туфайли бўлиб ўтди. Диадохлар ўртасида 40 йилдан зиёдроқ давом этган жангу жадаллар натижасида Александр мулклари бўлиб олинади.

Бу пайтда юнонлар ва македонлар Ўрта Осиёда ҳокимиятни бошқарувчи қатламларини ташкил этар эдилар. Александр вафотига қадар Бақтрия ва Суғдиёна сатрапи асли македонлардан бўлган Филипп эди. Ундан кейин эса бу ҳудудлар асли Кипр оролидан бўлган юнон Стасанор қўл остига ўтади. Бу пайтда икки диадох – Евмен ва Антигон Александр давлатининг асосий ерларини қўлга киритиш учун ўзаро курашаётган эдилар. Филиппнинг катта қўшинлари билан ёрдам бергани туфайли Антигон Александр давлатининг катта қисмига ҳукмрон бўлишга эришди. Аммо унинг бу ҳукмронлиги узоққа чўзилмади.

Александр Македонский мулкларига эгалик қилиш шу билан якунландики, мил.авв. 306 йилда нисбатан кучли бўлган диадохлар – Антигон Биркўзли (Одноглазый), Деметрий Полиоркет, Птоломей Лаг, Лазимах, Салавка, Кассандрлар ўзларини подшо деб эълон қилдилар ҳамда бу билан Александр давлати харобаларида ўз давлатларини барпо этишни маълум қилдилар. Шу тариқа тарих саҳнасида Ғарб ва Шарқ анъаналарини уйғунлаштирган эллинистик давлатлар пайдо бўлди. Ана шундай йирик давлатлардан бири – Салавкийлар давлати эди.

Ўзининг энг гуллаб-яшнаган даврида бу давлат илгари Александр салтанатига кирган катта ҳудудларни эгаллаб, ғарбда Эгей денгизидан Шарқда Ҳинд субконтинентигача чўзилган ҳамда Кичик Осиёнинг жанубий қисмини, Сурия, Шимолий Месопотамия, Бобил, Эрон, Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятлари ва Афғонистоннинг катта қисмини ўз ичига олган эди. Бу улкан давлатнинг асосчиси – даставвал Александрнинг тансоқчиси, кейинроқ йирик саркардаси бўлган Салавка эди.

Юнон тарихчиси Помпей Трогнинг ёзишича, «Салавка баъзи бир ўлкаларни музокаралар йўли билан эгаллади, аммо Бақтрия, Парфия, Суғд ерларида у қаттиқ қаршиликка учради ва оғир жанглар олиб боришига тўғри келди». Бу маълумотни қадимги тарихчи Арриан ҳам тасдиқлайди. Яъни у шундай хабар беради: «Салавка I бақтрияликлар, Суғдийлар, парфияликлар ва гирканияликлар билан кўп урушлар олиб боргач, улар ерларига ҳукмронлик қила бошлади». Тадқиқотчиларнинг фикрича, Ўрта Осиё ерларининг Салавка томонидан босиб олиниши мил.авв. 306–301 йилларга тўғри келади.

Аммо Ҳиндистондаги ҳарбий-сиёсий вазият туфайли бу ҳудудлардаги юришлар Салавкийлар фойдасига ҳал бўлмади. Мил.авв. IV асрнинг охирларида бу ердаги Чандрагупта асос солган кучли Мауря давлати Салавкага қаттиқ қаршилик кўрсатганлиги сабабли Салавка сулҳ тузишга мажбур бўлди.

Унинг Ҳиндистондаги мағлубияти салавкийларнинг Ўрта Осиёдаги ноиблари аҳволига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатди. Бу ҳолат бу ерда салавкийларга қарши кураш кучайишига сабаб бўлди. Маҳаллий ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг кўп сонли қўзғолонлари бу курашлардан далолат берди. Улар салавкийларнинг таянч нуқталари бўлган Марғиёнадаги Александрия (Мари атрофлари) ва Александр Эсхата (Чеккадаги Александрия, Хўжанд атрофлари)ни вайрон этадилар. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу курашлар натижасида йирик этник кўчишлар бўлиб ўтган бўлиши мумкин. Хуллас, салавкийлар ҳокимиятни эгаллаган пайтдаёқ уларнинг Ўрта Осиёдаги аҳволи таҳликали эди. Айнан шу сабабли Ўрта Осиё вилоятлари ерларидан маҳрум бўлишидан қўрқиб кетган Салавка I ўз вориси Антиох I бошчилигидаги Шарқий ноиблик (сатраплик)ларни таъсис этган эди.

Мил.авв.293 йилда Салавка I ўғли Антиох Іни Шарқий сатрапликларга, яъни Ўрта Осиё вилоятларига ўзининг ноиби этиб тайинлайди. Антиох I вайрон этилган қалъаларни тиклади, йирик ва қалин девор (Марғиёна девори) бунёд этди, қўзғолонларни бостирди. У салавкийлар қудратини намойиш этиш мақсадида атроф ўтроқ ва кўчманчи аҳоли устига ҳарбий юришлар уюштирди. Антиох I томонидан ўтказилган бир қанча ҳарбий-сиёсий ва дипломатик тадбирлар туфайли Ўрта Осиёдаги салавкийларга қарши ҳаракатлар бостирилди.

Ўрта Осиё вилоятлари салавкийлар давлати сиёсий тарихида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ўзининг узоқ йиллик ҳукмронлиги даврида (мил.авв.293–261 йй.) Антиох I Ғарбга қилган кўпгина юришлари билан шуҳрат қозонди. У ўз давлатининг шарқига, жумладан, Ўрта Осиё ерларига кам эътибор қаратди. Бу пайтда Ўрта Осиё вилоятларида иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Анча тинч ҳаёт бошланиб, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ сезиларли ривожланади. Салавкийлар давлати марказдан четда бўлишига қарамай, Ўрта Осиё вилоятлари улар давлатининг энг муҳим қисми

эди. Ўрта Осиё ҳарбий-стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, салавкийлар бу ҳудуд бўйлаб ўтган савдо йўллари бўйида шаҳарлар ва қишлоқлар қурдириб, уларда ҳунармандчилик, ўзаро алмашинув ва савдо-сотиқни ривожлантирганлари бежиз эмас эди.

Салавка I ва Антиох I (мил.авв. 281–261 йиллар мустақил) ҳукмронлиги даврида Салавкийлар давлати сиёсатининг асосий йўналишлари шаклланади. Салавкийлар учта минтақада – Жанубий Сурия, Кичик Осиё ва Шарқда фаол ташқи сиёсат олиб боришга мажбур бўлган эдилар. Жанубий Сурия ва Кичик Осиё учун Птолемейлар (Птоломей Лаг асос солган Ўрта ер денгизининг шарқидаги давлат сулоласи) билан тинимсиз урушлар бўлиб турган. Чунки бу ҳудудларда муҳим савдо йўллари тугаб, гуллаб-яшнаган порт-шаҳарлар мавжуд эди. Кичик Осиёнинг юнон шаҳарлари ҳам муҳим аҳамиятга эга эди.

Шарқий вилоятларда, хусусан, Ўрта Осиёда аҳвол бирмунча мураккаб вазиятда эди. Биринчидан, бу ҳудуд бошқарув марказларидан анча узоқда жойлашган бўлиб, бу вилоятлар билан алоқа қилишда қийинчиликлар мавжуд эди. Иккинчидан, Салавкийлар давлатининг чегараларида жойлашган кўчманчиларнинг доимий хавфи мавжуд эди. Мил.авв. III асрдан бошлаб кўчманчиларнинг кўчишлари бошланиши натижасида чегаралардаги бу хавф янада кучаяди.

Салавкийлар давлатида ички сиёсий бошқарув масалалари ҳам анча мураккаб эди (монархия). Катта ҳудудларни қамраб олган бу давлатда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва жамият сиёсий ташкилоти турлича бўлган кўплаб вилоятлар мавжуд бўлиб, бу ҳолат ушбу кучларни ягона давлатга бирлаштириб туришни анча қийинлаштирар эди. Бу давлатнинг ўзига хос хусусиятларидан бири у фақат ҳарбий юришлар натижасида, куч ишлатиш йўли билан пайдо бўлган эди. Шунинг учун ҳам давлатнинг асосий вазифаларидан бири қарам этилган халқларни зўравонлик билан ушлаб туриш ёки бирлаштириб туриш эди. Шарқ халқлари маҳаллий зодагонларидан бир қисми ёки айримлари бошқарув тизимига жалб этилган бўлсада, асосий бошқарувчилар македонлар ва юнонлардан иборат бўлган.

Салавкийлар сулоласида давлат бошлиғи подшо бўлиб, унинг ҳокимияти мутлақ эди. Подшо бир вақтнинг ўзида фуқаролар маъмурияти олий бошлиғи, қўшинларнинг бош қўмондони, олий судья ва ҳатто бош қонун чиқарувчи вазифаларини бажарган. Манбалар-

нинг маълумот беришича, сулола асосчиси Салавка I «Подшо томонидан буюрилган барча нарсалар доимо адолатлидир», деган тамойилга қатъий амал қилган. Салавкийлар сулоласи подшолари қуйидаги иккита ҳуқуқий асосга эга эдилар: 1. Босиб олиш ҳуқуқи. 2. Ҳокимиятни отадан болага мерос қолдириш ҳуқуқи. Кўп ҳолларда салавкийлар подшолари илоҳийлаштирилган. Масалан, тангашунослик маълумотлари Сотер – Қутқарувчи, Дикайос – Адолатпарвар, Эвергет – Эзгулик каби подшолар бўлганлигини тасдиқлайди.

Давлатнинг ниҳоятда катта ҳудудларни қамраб олганлиги айрим ҳолларда маъмурий назоратнинг сусайиб кетишига олиб келган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, бир нечта маҳаллий сиёсий уюшмалар (алоҳида қабилалар, юнон полислари, ибодатхона жамоалари, маҳаллий сулолалар) ички ишларда мустақил сиёсат олиб боришга ҳаракат қилганлар.

Ўз даврида салавкийлар ҳукмдорлари шаҳарсозлик билан фаол шуғулланганлар ва кейинчалик «Салавкия» деб аталган шаҳар марказларига асос солганлар. Марказ сулола вакилларидан бирининг номи билан аталган ҳолларда унга полис ҳуқуқи (тўлиқ мустақил бўлмаган) берилган. Бундай шаҳарлар маъмурий назорат остига олинган. Шунингдек, бу шаҳарларда юнон аҳолиси жамланиши лозим эди. Салавкийларнинг шаҳарсозлик фаолияти ҳақида Плиний, Страбон, Аммиан Марселлин каби антик давр муаллифлари маълумотлар берадилар. Бу маълумотларга кўра, Марғиёна Антиохияси, Скифиядаги Антиохия, Тармат Антиохияси (Термиз бўлиши мумкин), Ойхоним кабилар полис ҳуқуқига эга бўлган. Салавкийлар давлатида шаҳарларга тобе қишлоқлар ўзининг жамоа тузилишини сақлаб қолган бўлиб, уларнинг тобелиги жамоавий хусусиятга эга бўлган ва улар полис ҳудудига киритилмаган.

Манбаларнинг маълумот беришича, Салавка I Птоломейлар билан ҳокимият талашиб, шарқий ҳудудлар ва Кичик Осиё учун кураш олиб бориш жараёнидаёқ ўз ҳокимиятида бошқарув тартибини жорий эта бошлаган эди. У Александр анъаналарига содиқ қолганлигини кўрсатиш мақсадида сатрапияларни йирик вилоят уюшмалари сифатида сақлаб қолди. Тангашунослик маълумотларига қараганда, Салавка I давлати Аҳамонийлар ва Александр давлатига нисбатан анча кичик бўлиб, ҳокимият 27-28 та сатрапияга бўлинган.

Ҳар қайси сатрапияни подшо томонидан тайинланиб қўйилган сатрап ёки стратег мансабидаги шахс бошқарган. Форс сатрапла-

ридан фарқ қилган ҳолда улар ҳам маъмурий, ҳам ҳарбий бошқарувни қўлга олганлар. Сатрап-стратег маъмурий бошқарувда энг яқин одамларидан ўзига ёрдамчи танлаган. Бу ёрдамчи солиқ йиғувчилар фаолияти, ички ва ташқи савдо, хўжалик ҳаётини назорат қилиб борган.


Тарихий манбаларда салавкийлар сатрап-стратеглари юнонча номда (Стратоник, Александр, Гиераке, Антиох ва бошқалар) тилга олинади. Демак, салавкийлар ҳукмдорлари асосан юнонлардан ва айрим ҳолларда эллинлашган маҳаллий зодагонлардан тайинланган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Ўрта Осиёда юнон ҳокимлари ва улар атрофида тўпланган юнон зодагонлари билан бирга маҳаллий зодагонлар ҳам ҳокимлик қилар эдилар. Салавкийлар ҳокимияти Ўрта Осиёдаги ҳарбий пунктларда (катойкиялар) жойлашган ҳарбий кучларга таянган эди.

Салавкийлар даврида Бақтрия, Марғиёна, Суғдиёна ва Парфия ҳудудларида кўп аҳолили шаҳарлар етарли эди. Мароқанд, Бақтра, Нисо каби кўплаб қадимги шаҳар харобаларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида топилган топилмалар бу ҳудудларда ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва хўжалик ишлари ривожланганлигидан далолат беради.

Салавкийлар давлати маълум бир халқ ёки элатлардан иборат бўлмай, кўпдан-кўп этник гуруҳларни ҳарбий йўл билан бирлаштиришдан ташкил топган уюшма эди. Давлат бошқарувининг барча сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий йўналишлари подшо саройи билан боғлиқ бўлиб, бу ҳолат давлат бошқарувида катта аҳамиятга эга бўлган. Аҳамонийлар давлатида бўлгани каби салавкийлар давлатида ҳам кўпгина давлат ишларини олиб борувчи девонхона мавжуд бўлган. Айрим манбалар салавкийлар саройидаги хат-ҳужжат ишларининг бошлиғи лавозими ҳақида маълумотлар беради.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, салавкийлар даврида анчагина мураккаб солиқ тартиби жорий қилинган бўлиб, салавкийлар ҳукмдорлари ўзларигача мавжуд бўлган солиқ тартибини ўзлаштирган ҳолда унга ўзгартиришлар киритиб, мукаммаллаштирганлар. Деҳқонлардан ер солиғини йиғиб олиш сатрап-стратегларнинг вазифаси бўлган. Бундай солиқларнинг миқдори аниқ белгиланган бўлиб, вилоятлардан келадиган солиқларнинг умумий миқдори қишлоқ жамоаларидан тушадиган солиқларга боғлиқ бўлган.

Салавкийлар давлат бошқаруви



Ўрта Осиёдаги юнонлар билан алоқалар маҳаллий халқлар маданиятининг баъзи томонларини Ғарбга тарқатувчи муҳим омиллардан бирига айланди. Айрим тадқиқотчилар тўғри таъкидлаганликларидек, эллин маданиятида соф юнон маданий ижоди эмас, балки юнон ва Шарқ мамлакатларининг ўзига хос қўшилиши ўз аксини топган. Эллин маданиятининг ривожланишида Ўрта Осиё халқлари ҳам муҳим рол ўйнадилар. Ўрта Осиёнинг катта қисми салавкийлар давлатига ҳарбий йўл билан қўшиб олиниши маълум даражада Ғарб ва Шарқ ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ривожланишига туртки бўлди. Шу билан бирга, маҳаллий маданият, савдосотиқ, шаҳар ҳаёти, ҳунармандчилик ва суғориш ишлари изчил ривожланиб борди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёнинг салавкийлар давлати таркибига кирган даври юнон-македон истилоси туфайли вайрон этилган иқти-

содий ҳаётни тиклаш, бақтрияликлар, суғдийлар, парфияликлар ва бошқа Ўрта Осиё халқларининг салавкийларга қарши курашда бирлашув даври бўлди.

Мил.авв. III асрнинг 60–50-йилларига келиб Кичик Осиё ва Болқон ярим оролида Салавкий ҳукмдорлари ўртасида ҳокимият учун курашлар авж олди. Натижада, салавкийлар давлатининг шарқий вилоятларида сиёсий вазият ўзгариб, марказдан қочувчи кучларнинг ҳаракатлари фаоллашади. Мил.авв. 250 йилга келиб дастлаб Парфия, кейин эса Юнон-Бақтрия давлатлари салавкийлар давлатидан ажралиб чиқиб, ўзларини мустақил деб эълон қиладилар.

Юнон-Бақтрия давлати

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича, Юнон-Бақтрия давлатининг салавкийлардан ажралиб чиқиши юнон зодагонларининг қўзғолони хусусиятига эга бўлиб, унга Бақтрия аҳолиси томонидан қўллаб-қувватланган Диодот бошчилик қилади. Тадқиқотчилар Юнон-Бақтрия давлати пайдо бўлган турли саналарни белгилайдилар (мил.авв. 256, 250, 248 ва 246–245 йй). Бу давлатнинг асоси Бақтрия бўлиб, баъзи ҳукмдорлар даврида (Евтидем, Деметрий, Евкратид) Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисми, Амударё ва Сирдарё ўртасидаги катта ерлар қўшиб олинади.

Бақтриянинг салавкийлар давлатидан ажралиб чиқиши хусусида римлик тарихчилар Помпей Трог ва Юстинда узуқ-юлуқ маълумотлар сақланган бўлса-да, бу ҳақда батафсил маълумотлар учрамайди. Шунга қарамасдан, мавжуд тангашунослик, айрим хўжалик ҳужжат-



Деметрий тангалари



Диадохлар тангалари

лари, санъат ёдгорликлари, суғориш иншоотлари ва иморатлар қолдиқлари берган маълумотлар асосида бу давлатдаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт ҳақида маълум тасаввурларга эга бўлиш мумкин. Аммо Юнон-Бақтрия давлатининг сиёсий тарихи кўп ҳолларда қиёсий солиштириш ва тахминларга асосланади.

Юнон-Бақтрияда давлат подшо томонидан бошқарилган бўлиб, тангашунослик маълумотлари Диодот I,II,III, Евтидем I,II, Деметрий, Гелиокл, Платон каби подшолари ҳақида хабар беради. Салавкийлар каби Юнон-Бақтрия подшолари ҳам давлатни сатрапликларга бўлиб идора этганлар.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, Юнон-Бақтрия мулкларининг чегаралари доимий мустаҳкам бўлмасдан, ҳарбий-сиёсий вазиятдан келиб чиқиб ўзгариб турган. Мил.авв. III асрнинг охирлари Ўрта Осиё жанубидаги ҳарбий-сиёсий вазият ҳақида Полибий маълумотлар беради. Унинг ёзишича, салавкийлар томонидан Бақтрияда қамал қилинган Евтидем уларнинг ҳукмдори Антиох III га «чегарада кўчманчи қабилалар турганлиги ва улар чегарадан ўтадиган бўлса, ҳар иккала томоннинг ҳам аҳволи оғир бўлиши мумкинлигини» билдиради. Полибий маълумот берган ушбу кўчманчилар мил. авв. III асрнинг охирларида Зарафшон дарёсига қадар деярли бутун Суғдни эгаллаган бўлиб, бу ҳудудлар Юнон-Бақтрия давлатининг

вақтинчалик шимолий чегараси бўлиб қолади. Шунингдек, ғарбий Ҳисор тоғлари ҳам шимолий чегаралар бўлган бўлиши мумкин.



Антиох тетрадрахми

Юнон-Бақтрия давлатининг гуллаб-яшнаган даври мил.авв. III асрнинг иккинчи ярми ва II асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Жанубий ҳудудлардаги бу даврга оид Жондавлаттепа, Далварзин (пастки қатламлар), Ойхоним, Қорабоғтепа каби ёдгорликлардан ҳокимлар саройлари, ибодатхоналар, турар жойлар, меҳнат ва жанговар қуроллар, турли ҳунармандчилик буюмлари ҳамда кўплаб танга пулларнинг топилиши бу ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ривожланиш жараёнларидан далолат беради.

Юнон-Бақтрия марказлашган давлат бўлиб, ҳокимиятни подшо бошқарар эди. Давлат бир нечта вилоят (сатрапия)ларга бўлинган бўлиб, бу вилоятлар бошқарувчилари ёки ҳокимлари подшога бўйсунар эдилар. Аммо бу даврда давлатда нечта сатрапиялар бўлганлиги ва улар қандай номланганлиги маълум эмас. Страбон маълумотларига кўра, сатрапияларга ноиб сатрапларни тайинлашда қариндошчилик анъаналарига амал қилинган бўлиши мумкин.

Юнон-Бақтрия подшолиги давлат тузилишининг муҳим томони – қўшин ва уни ташкил этиш эди. Аввало, таъкидлаш лозимки, Юнон-Бақтрия қўшинларининг катта қисмини бақтрияликлар ва бошқа маҳаллий аҳоли ташкил этган. Қўшиннинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари отлиқ-суворийлардан иборат бўлган. Қўшинлар таркибида ҳарбий филлар ҳам бўлган.

Ўз вақтида В. В. Григорьев Бақтриядаги юнон ҳокимияти ягона монархия томонидан амалга оширилмай, давлатлар уюшмаси (иттифоқи) томонидан амалга оширилгани, даставвал нисбатан кучлилар, улар орасидан «бақтрияликлар», кейин эса «уларга тобе бўлганлар» ҳақидаги концепцияни илгари сурган эди. Ҳозирги вақтда кўпчилик тадқиқотчилар Юнон-Бақтрия подшоларининг бошқарган ҳудудлари Шимолий Афғонистон, Жанубий Ўзбекистон ва Ҳиндиқушдан жанубдаги айрим вилоятлар бўлганлигини эътироф этадилар. Бу ҳудудлардаги марказлашган давлатда Диодот I, кейин эса Евтидем I (яъни, мил.авв. III асрнинг иккинчи ярми) даврларида кучли подшо

ҳокимияти мавжуд эди. Мил.авв. II асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб Юнон-Бақтрия подшолигининг инқирозига қадар давлатда мутлақ бирлик ва барқарорлик бўлмаган.

Сўнгги йилларда олиб борилган қазишмалар натижасида топилган жуда кўплаб археологик топилмалар Амударё ўрта оқимининг ўнг ва чап қирғоғи аҳолисининг мил.авв. III–II асрлардаги ўзаро алоқаларидан дарак берибгина қолмай, бу ерларни Юнон-Бақтрия давлати таркибига кирганлигидан далолат беради. Э.В.Ртвеладзенинг фикрича, мил.авв. 250–140/130 йиллар давомида Юнон-Бақтрия давлати мустақил давлат сифатида мавжуд бўлиб, бу даврда Диодот, Евтидем, Евкратид, Гелиокл каби подшолар ҳокимиятни бошқарганлар. Мил.авв. II асрнинг иккинчи ярмига келиб, кўчманчилар зарбалари ва ўзаро тахт учун курашлар натижасида Юнон-Бақтрия давлати инқирозга учради.

Яқин ва Ўрта Шарқнинг турли давлатлари, жумладан, Ўрта Осиё ҳудудларида катта хронологик давр юнон-македон сулолалари сиёсий ҳукмронлиги даври сифатида изоҳланиб, фанда бу давр – эллинизм даври деб аталади. Эллинизм – (Болқон ярим оролидаги Эллада шаҳри номи билан боғлиқ) бу аниқ тарихий мавжудлик бўлиб, иқтисодий ҳаётда, ижтимоий ва сиёсий тузумда, мафкура ва маданиятда эллин (юнон) ҳамда Шарқ анъаналарининг ўзаро уйғунлашуви ифодасидир.

Қадимги (антик) даврда эллин дунёси Юнонистондан Ҳинд дарёси водийсигача бўлган улкан ҳудудни қамраб олган эди. Тадқиқотчилар эллинлашув даражасига қараб бу ҳудудни учта минтақага бўладилар. 1. Эллада; 2. Кичик Осиё, Сурия ва Миср; 3. Ефрат дарёсининг шарқидаги вилоятлар. Бу ҳудудлар тарихий адабиётларда «Эллинлашган Шарқ» тушунчасида акс этган бўлиб, унинг таркибига Месопотамия, Эрон, Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятлари, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистоннинг Александр босиб олган ҳудудлари кирган.

Александр Македонский юришлари натижасида кенг миқёсда бошланган эллинизм маданиятининг кириб келиши Бақтрия, Парфия ва Суғдиёна шаҳарлари, ҳунармандчилиги ва бадиий-амалий санъатига катта таъсир кўрсатди. Ёзма манбалар Александр номи билан боғлиқ учта шаҳар: Александрия Оксиана (Окс бўйидаги Александрия), Александрия Марғиёна (Марғиёна Александрияси), Александ-

рия Эсхата (Чеккадаги Александрия) ҳақида маълумотлар беради. Улардан ташқари, »катойкиялар» деб номланган юнон ҳарбийлари манзилгоҳлари ҳам мавжуд эди.

Олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларидан эллинизм маданияти билан боғлиқ бўлган турар жойлар, моддий-маънавий маданият буюмлари, танга пулларнинг топилиши бу ҳудудлардаги маҳаллий маданиятга эллин анъаналари (шаҳарсозлик, ҳайкалтарошлик, бадиий-амалий санъат, алифбо ва бошқ.) кучли таъсир этганидан далолат беради. Шу билан биргаликда, бу топилмалар маҳаллий маданиятдаги ривожланиш қадимги (антик) давр Шарқ ва Ғарб маданиятининг ўзаро уйғунлашуви натижасида ўзига хос маданият даражасига кўтарилишининг ҳам гувоҳидир.

Қанғ давлати

Антик давр Ўзбекистон ҳудудларида тараққий этган давлатлардан бири – Қанғ давлатидир. Қадимги Хитой манбаларида Қанғ давлати мавжуд бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар мил.авв. III аср охири – II аср бошларига тўғри келади. Аммо Қанғ давлати ва қанғарлар тарихининг машҳур билимдони К. Ш. Шониёзовнинг фикрича, бу давлат мил. авв. III асрнинг бошларида пайдо бўлади. Кейинроқ эса Юнон-Бақтрия давлати ва қўшни кўчманчи қабилалар билан бўлган курашлар натижасида Қанғ давлати янада мустаҳкамланади ҳамда манбаларда Ўрта Осиёдаги йирик давлатлардан бири сифатида тилга олинади. Давлатнинг номи «қанғ», «қанғар», «қанғуй» деб номланувчи қабиланинг номидан олинган бўлиб, этимологияси мунозарали ҳисобланади.

Қанғ давлати асосини ташкил этган қабилалар Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида истиқомат қилганлар. Давлат ташкил топган дастлабки даврда унинг ҳудудий асосини Тошкент воҳаси ташкил этган. Ташқи ҳарбий ҳужумлар туфайли Қанғ давлати нафақат мустаҳкамланиб олади, балки ўз чегараларини ҳам кенгайтириб боради. Яъни мил.авв. II ва милодий I асрда Қанғ давлатининг ҳудуди анча кенгайиб, Тошкент воҳаси, Ўрта Сирдарё ерлари, Талас водийси ва Чу дарёсининг қуйи оқимидаги ерларни ўз ичига олар эди.

Қанғ давлати ҳақида бизгача етиб келган манбаларда бу давлат ҳокимияти қандай идора қилингани, бошқарув тартиби ва шакллари ҳақида аниқ маълумотлар сақланиб қолмаган. Катта Хан сулоласи тарихида (мил.авв. 202-мил. 25 йй.) Қанғ подшоси ўз оқсоқоллари билан маслаҳатлашиб иш тутганлиги ҳақида маълумот берилади. Бундан хулоса чиқарган тадқиқотчилар ўша даврда ташкил топган Қанғ давлатида кенгаш муҳим рол ўйнаганлигини, давлат кенгашида қабила бошлиқлари, ҳарбий саркардалар фаол қатнашганликларини ҳамда уларнинг фикри ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлайдилар. Демак, ўша даврларда подшо саройи қошида кенгаш мавжуд бўлиб, подшонинг ички ҳамда ташқи сиёсати ва бошқа барча давлат ишлари, бошқаруви билан боғлиқ масалалар ана шу кенгаш йиғилишида ҳал қилинган.

Қанғ давлатига қарашли ерлар бир нечта вилоятларга (ёки мулкларга) бўлинган бўлиб, уларнинг ҳар бирини жобғу ёки ёбғу (қад. Хитой манбаларида – чжаову) деб номланган ҳокимлар бошқарган. Жобғулар мамлакат бошқарувида Қанғ подшоларининг асосий таянчи ҳисобланган. Жобғулар подшоларга яқин кишилардан, уларнинг қариндошларидан, йирик уруғ-қабила бошлиқларидан тайинланган.

М.И. Филановичнинг фикрича, сиёсий тузилма сифатида Қанғ, эҳтимол, мил. авв. II асргача шаклланган кўчманчи ва ярим ўтроқ қабилаларнинг Қанғ йўлбошчилари қўл остида бирлаштирилган турли-туман иттифоқларидан иборат бўлган. Дастлаб у унча катта бўлмаган қабилалар иттифоқидан иборат бўлиб, жанубда юечжилар ҳокимиятига бўйсунса, шарқда хуннларга қарам эди. Аммо мил.авв. II–мил. II асрда аста-секинлик билан у қудратли давлатга айланади. Бу даврда Қанғ давлати манбаларда 120 минг деб кўрсатилувчи кучли қўшинга эга бўлган ва қўшни Хитойга нисбатан ғоятда мустақил сиёсат олиб борган.

Археологик манбаларнинг гувоҳлик беришича, Қанғ қўшинларидаги отлиқ суворийлар юечжи суворийлари каби юбка шаклидаги бурмали совут, кўкракка тақиладиган қалқон кийишган. Баланд пўлат ёқалар уларнинг бўйнини ҳимоя қилса, дубулғалар бошни омон сақлаган. Қуроллардан қиличлар, найзалар, жанговар болталар, камон ва ўқлар кенг тарқалган эди. Ҳар бир бўлинма аждар шаклидаги ўзининг махсус туғига эга бўлган. Демак, Қанғ давлати

қўшинларида қуролланиш ва ҳарбий санъатга алоҳида эътибор берилган.

Катта Хан сулоласи тарихида «қанғлилар мамлакати подшосининг турар жойи Лоюенидаги Битян шаҳрида» деб маълумот берилади. Бошқа тарихий манбаларда Лоюени номи учрамайди. Бинобарин, унинг қаерда жойлашганлиги аниқланмаган. К. Шониёзов Битян шаҳрини Тошкент воҳасида жойлашган, деб ҳисоблайди. Чунки тарихий манбаларда айтилишича, Яксарт-Сирдарё бўйида қадимги Канҳа – Канка шаҳри харобалари жойлашган. Ю.Буряков узоқ йиллик археологик тадқиқотлар олиб бориш натижасида Канха шаҳри мил.авв. III-II асрларда пайдо бўлганлигини аниқлади. Демак, манбаларда эслатилган Битяннинг ташкил топган вақти Канка шаҳри пайдо бўлган даврга мос келади. Бу номлар битта шаҳарнинг икки хил номланишидир. Ушбу шаҳар Сирдарёнинг ўнг ирмоқларидан бири Оҳангароннинг қуйи оқимида (ҳозирги Тошкент вил. Оққўрғон тумани ҳудудида) жойлашган.

Канка ҳақида дастлабки маълумотлар Авестонинг энг эски қисмлари бўлган Яштларда Турон қабилаларининг турар жойлари сифатида эслатилади. Сосонийлар даври (224–651 йй.) манбаларида бу шаҳар «Қандеш» ёки «Қандиз» шаклида тилга олинади. Шунингдек, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида ҳам Канка шаҳри бир нечта марта тилга олинади. Ундан ташқари, ўрта асрлар географлари асарларида бу кўҳна шаҳар «Кенкрак», «Харашкент», «Тарбанд» номлари билан эслатиб ўтилади.

Юқорида эслатилган Катта Хан сулоласи тарихида «Қанғ подшосининг ёзги қароргоҳи Лоюенидан етти кун йўл юриб бориладиган ерда жойлашган» деган маълумот берилади. Ши-гу солномаларида таъкидланишича, «Қанғ ҳокими қишда (совуқда), ёзда (иссиқ пайтларда) бир ерда яшамас эди». Бу билан бу фаслларда уларнинг турар жойлари бошқа-бошқа ерда бўлиши уқтириб ўтилади. К. Шониёзовнинг фикрича, келтирилган ахборотдан Қанғ давлати ўша даврларда (мил.авв. III–I, мил. I–V асрлар), асосан, ярим ўтроқ қабилалар давлати эканлигини тушуниб олиш қийин эмас. Ўтроқ аҳолидан ташқари, Қанғ давлатининг чегарасида бир қанча қабилалар мавжуд бўлиб, улар деҳқончилик билан бир қаторда, чорвачилик билан ҳам шуғулланиб келганлар. Улар баҳор ва ёз ойларида ўз

чорвалари билан кўчиб, ёзги яйловларда яшаганлар. Қишда эса анъанавий қишлов жойларига кўчганлар.

Антик даврда Қанғ подшоларининг ёзги қароргоҳлари анъанавий қишлов жойларидан шимолда ўрта асрлардаги Ўтрор шаҳри ўрнида ҳозирги Қозоғистоннинг Арис ва Туркистон шаҳарлари ўртасида жойлашган. Кейинроқ, яъни илк ўрта асрлар даврига келиб ярим мустақил Чоч ҳукмдорлари Ўтрорни ўз қўлларида сақлаб қолганлар. Бу шаҳар уларнинг ёзги қароргоҳи ҳисобланган.

Мил.авв. II-I асрларга келиб Қанғ давлати кучайиши натижасида бир қанча вилоятлар унга тобе этилади. Н. Я. Бичурин Хитой солномаларида қанғлиларга тегишли қуйидаги бешта вилоятлар ҳақида маълумотлар борлигини таъкидлайди: Сусе (Сусйе), Фуму, Юни, Ги, Юегянь. Ушбу вилоятларнинг қайси ҳудудларда жойлашганлиги ҳақида тадқиқотчилар орасида ягона фикр йўқ. Айрим тадқиқотчилар (В. В. Бартольд, М. Е. Масон, С. П. Толстов) Сусени-Кеш (Шаҳрисабз), Фумуни-Зарафшондаги Кушония, Юнини-Тошкент, Гини-Бухоро, Юегянни-Урганч ва унинг атрофлари билан айнан бир деб ҳисоблайдилар. Аммо Қанғга тобе вилоятларнинг бундай жойлаштириш тўла ҳолда илмий асосланмаган бўлиб, мунозарали ҳисобланади.

Қанғ давлатининг этник таркиби хилма-хил бўлиб, унинг анчагина катта ҳудудларида Суғдиёна, Хоразм ва Тошкент воҳасида яшовчи деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланиб келган ўтроқ аҳоли билан биргаликда кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадор қабилалар (саклар, массагетлар, тоҳарлар, аланлар ва бошқалар) истиқомат қилганлар. Сирдарёнинг ўрта оқимида яшаган қанғлилар Қанғ давлати ташкил топишида асосий ўринни эгаллаган бўлиб, Қанғ подшолари асосан қанғлилар бўлган.

Мил.авв. II – мил. II асрларда Қанғ давлати ўз ривожланишининг юқори чўққисига кўтарилади. Қанғ подшоларига бўйсунувчи ярим мустақил вилоятларни бирлаштирган бу давлат ўз вақтида анчагина кучли бўлиб, ўзбек давлатчилиги тарихида ўз ўрнига эгадир. Агарда антик даврда Ўрта Осиёнинг жанубида шаклланган Кушон ва Парфия давлатлари Аҳамонийлар, Александр Македонский, Салавкийлар асос солган давлатлар анъаналарини ўзлаштириб тараққий этган бўлса, Қанғ давлати тараққиётида кўчманчилар давлатчилиги белгилари борлиги билан ажралиб туради.



Кушон танғалари

Бизга қадар етиб келган ёзма манбалар ва бугунга қадар олинган археологик маълумотларга асосланган тадқиқотчилар Қанғ давлати, унинг таркиби, сиёсий, маданий ва иқтисодий тарихини ёритишга, мазкур сиёсий бирлашмада давлатчилик бошқарувининг шаклланиши ва ривожланиши хусусида ўз муносабатларини билдирадилар.

Манбалар Қанғ подшоларининг номлари ҳақида маълумотлар бермайди. Фақат шу нарса маълумки, улар ўз номлари билан биргаликда уруғ номини ҳам қўллаганлар ва «Қанғ хонадони ҳукмдори» деб аталганлар. Қанғда сайланган ҳукмдорнинг ҳокимияти оқсоқоллар кенгашига таянгани ва айни пайтда кенгаш томонидан чеклаб қўйилганини кузатиш мумкин. Қанғ ҳукмдорларининг қандай унвон билан аталганлиги маълум. Аммо кенгашдаги зодагонлар вакиллари қандай аталганлиги турли баҳсларга сабаб бўлган. Антик даврдаги усунлар, юечжилар ва қанғларнинг ҳукмдорлари ябғу унвони билан аталган.

Қанғ давлати олиб борган ташқи сиёсат қўшни давлатлар билан савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатиш, кескинлашган вазиятнинг олдини олиш ва ўз чегарасида осойишталик сақлашга қаратилган эди. Шу билан биргаликда, пайти келганда атрофдаги кучсизланиб қолган қабилаларга, воҳаларга, вилоятлар устига ҳужум қилиб, уларни ўзига қарам қилиш айрим ҳолларда ташқи сиёсатни белгилаб берар эди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, қанғлиларнинг энг ашаддий душманларидан бири – усунлар эди. Қанғ давлати ҳокимият бошлиқлари усунларнинг босқинчилик сиёсатини чеклаш мақсадида хуннлар билан яқинлашиб, улар билан дўстона муносабатлар ўрнатадилар. Мил. авв. II-I ва мил. I асрда усунлар Хитой ҳукмдорлари билан яқин муносабатлар ўрнатиб, хунлар ва қанғлиларга қарши кураш олиб борадилар. Ўз навбатида, Хитой императорлари кўчманчиларнинг

ўзаро курашларидан фойдаланиб, ўз ерларини кенгайтириш мақсадида Қашғар, Ёркент ва Даван ерларига ҳужумлар уюштирадилар. Қанғлилар хитойликларнинг ҳарбий ва сиёсий мақсадларини тушуниб, уларни ўз чегараларига яқинлаштирмасликка ҳаракат қиладилар. Чунончи, Хитой қўшинлари мил.авв. 104,102,65 йиллар ва милодий I асрда Даван, Ёркент ва Қашғар вилоятларига босқинчилик юришлари уюштирган вақтларда қанғлилар ёрдамга келиб, хитойликларнинг босқинчилик юришларини бартараф этишда фаол иштирок этадилар.

Қанғ давлатининг жанубдаги қўшниси – антик даврдаги улкан ва қудратли салтанатлардан бири Кушон давлати эди. Қанғлилар бу давлат билан дўстона муносабат ўрнатишга ҳаракат қилишларига қарамасдан, мил. I асрда кушонлар қанғлиларнинг мулклари ҳисобланган айрим вилоятларни ўз чегараларига қўшиб оладилар.

Қанғ давлатининг асосий аҳолиси ўтроқ ва ярим ўтроқ турмуш тарзи кечирганлар ва уларнинг атрофида кўчманчи чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли яшаган. Ўтроқ аҳоли асосан водийда, дарё воҳаларида яшаб, деҳқончилик, боғдорчилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланганлар. Қанғлилар деҳқончилигида арпа, буғдой, тариқ, нўхат, шоли ва бошқа донли маҳсулотлар етиштириш асосий ўринда турган.

Мил. авв. IX–III асрларда, яъни Бурғулик (Бурканлик) маданияти ривожланган даврда меҳнат қуролларининг барчаси асосан тош ва бронзадан ясалган бўлса, қанғлилар даврига келиб темир буюмлар кенг тарқалади. Мил.авв. II мил. – VI асрларда Тошкент воҳасида чорва қўшиб, омоч билан ер ҳайдаш кенг ривожланган эди. Шунингдек, бу даврда ерни сунъий суғориб экин экиш, катта ва кичик каналлар қазиш, сув иншоотларини бунёд этиш ҳам тараққий топади.

Воҳаларда яшовчи ўтроқ аҳоли деҳқончилик билан бир қаторда, чорвачилик билан ҳам шуғулланганлар. Ёзма манбаларда бу аҳолининг сут-қатиқлари ва зотдор отлари борлиги ҳақида маълумотлар берилади. Чорва молларининг кўпчилик қисми кўчманчи ва ярим ўтроқ аҳоли ихтиёрида бўлган. Кўп сонли чорва молларини эса мавсумга қараб, бир жойдан иккинчи жойга ҳайдаб боққанлар. Қанғ подшолари ва уларга яқин бўлган кишилар ниҳоятда бой чорвадорлар бўлганлар. Улар баҳор келиши билан яқинлари, қариндош-уруғлари билан биргаликда ёзги қароргоҳда, яъни Ўтрорга бориб ёзни

ўтказганлар. Кузда эса қишловни ўтказиш учун Канкага қайтиб кетганлар.

Археологик тадқиқотлар натижаларига қараганда Ўтрор, Оқтепа, Қоровултепа, Қовунчи, Чоштепа, Мингўрик харобалари ўрнида қанғарларнинг қўрғонлари ва кўҳна шаҳарлари бўлган. Шаҳар ва қишлоқларда яшовчи ўтроқ халқлар кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолига нисбатан юқори турганлар. Тошкент воҳасида яшовчилар, асосан, деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланганлар. Улар арпа, буғдой, тариқ, нўхат, шоли ва бошқа донли экинлар етиштирганлар. Мевали дарахтзор ва узумзорлари кўп бўлган. Сирдарёнинг ўрта оқимида яшовчи қанғарлар, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар.

Қорамозор, Қурама ва Чотқол тоғларида темирчилик, мисгарлик ҳунарининг ривожланиши учун керакли маъданлар бўлган. Бу жойлардан жуда кўплаб мис, темир, кумуш ва бошқа металлар олинган. Усталар турли металларни бир-бирига қўшиб, мустаҳкам қуроллар ясашни ҳам ўзлаштирганлар. Шунингдек, кундалик эҳтиёж буюмлари ишлаб чиқарилиб, ички ва ташқи савдо учун турли маҳсулотлар тайёрланган.

Қанғ шаҳарлари қалин ва баланд деворлар билан ўралган. Деворларнинг ташқарисида қалъа атрофи гир айлантирилиб чуқур ва кенг қилиб ҳандақ қазилган. Шаҳарлар ичида мустаҳкам истеҳком (арк) ва шаҳристонларнинг ҳам баланд мудофаа деворлари, бир неча дарвозалари бўлган. Йирик шаҳарлардан ташқари, Тошкент воҳасида юзга яқин аҳоли яшайдиган катта ва кичик қўрғонлар ҳам мавжуд бўлган.

Тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича, қанғлиларнинг кўпчилиги шаҳарларда ва катта-кичик қишлоқларда яшаганлар. Шаҳарлар мустаҳкам ҳимоя иншоотлари билан ўраб олиниб, уларда қалъалар ҳам мавжуд бўлган. Кўпчилик шаҳарларнинг аввалдан ўйланган режавий тузум асосида қурилганлиги Қанғ давлатида шаҳарсозлик маданияти ривожланганлигидан далолат беради.

Мустаҳкам ҳимоя иншоотлари ва қалъаларга эга бўлган шаҳарларда ҳамда йирик қишлоқ ва қўрғонларда қабила бошлиқлари, уруғ ёки жамоа оқсоқоллари, бой-бадавлат оилалар ва қисман ҳунармандлар яшаганлар. Турар жойлар асосан пахса ва хом ғиштдан қад кўтарган. Қанғ давлати аҳолисининг кўпчилик қисми тарқоқ ҳолда кичик-

кичик қишлоқларда, ертўлаларда, капа уйларда ва ўтовларда яшаб, ярим ўтроқ ва кўчманчи турмуш тарзи юритганлар.

Шаҳар ва қишлоқларда ҳунармандчиликнинг кўплаб соҳалари – кулолчилик, темирчилик, терига ишлов бериш, заргарлик, тоштарошлик, тўқимачилик каби ўнлаб турлари ривожланган эди. Археологик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, йирик шаҳарларда ҳунармандчиликнинг маълум соҳасига ихтисослашган усталарнинг маҳаллалари мавжуд бўлган. Тадқиқотлар натижасида топилган рангдор сопол идишлар, турли матолар қолдиқлари, чарм буюмлар, от-улов анжомлари ҳамда турли зеб-зийнатлар Қанғ давлати маданияти ниҳоятда ривожланганлигидан далолат беради. Шунингдек, Канка харобаларидан, Жўнариқ атрофларидаги тепаликлардан, Қовунчитепа, Чоштепа ва Тошкент воҳасининг кўпгина ҳудудларидан мил.авв. III – милодий V асрга оид археологик топилмалар ҳам Қанғ маданияти ривожининг намунасидир.

Тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича, бу давлат маданиятининг юқори даражаси тасодифий ҳол эмас. Яксарт-Сирдарёнинг ўрта оқимида яшовчи қанғлиларнинг Суғдиёна, Фарғона ҳамда дарёнинг қуйи оқимида яшовчи кўплаб халқлар билан ўзаро маданий ва иқтисодий алоқалари Қанғ давлати маданияти тараққиётига асос бўлган эди. Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда улар маданиятидаги умумийлик кўзга ташланади. Ундан ташқари Қанғ давлати ҳудудларидан Буюк ипак йўли тармоқларининг ўтганлиги ҳам давлатнинг иқтисодий ва маданий ривожига, қўшни давлатлар билан сиёсий ва дипломатик алоқаларнинг тараққий этиши учун омил бўлиб хизмат қилган эди.

Даван давлати

Ўрта Осиёнинг Шарқида, Сирдарёнинг юқори ҳавзасида жойлашган қадимги Фарғона антик давр ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган эди. Фарғона ҳақида юнон-рим муаллифлари маълумотлар бермайдилар. Бу давлат ҳақидаги ёзма маълумотлар асосан Хитой манбаларида – Чжан Цян маълумотларида, Сима Цяннинг «Тарихий хотиралар», Бан Гуннинг «Биринчи хан сулоласи тарихи» асарларида берилади. Бу манбаларда ушбу давлат «Даюан» ёки «Да-ван» номи остида эслатилади. Фарғона сўзи Суғд манбаларида «Фрагоник» шаклида ёзилиб, «тоғлар орасидаги водий,

атрофи берк сойлик» маъносини беради. Хитой манбаларидаги Дайюан ҳам «тоғлар орасидаги водий» маъносини беради.

Даван давлати тарихи бўйича узоқ йиллардан буён тадқиқот ишлари олиб борилиб, сўнгги йилларда ўзбек олимларидан А.Асқаров, А.Хўжаев, Б.Матбобоев, А.Анорбоев, С.Қудратов, Б.Абулғозиева, Б.Абдуллаев, Абдуҳолиқ Абдурасул ўғли кабилар археологик маълумотларни ёзма манбалар билан қиёсий ўрганиш асосида самарали ишлар олиб бораётган бўлишларига қарамай, бу йўналишда ҳали кўпгина масалалар ўз ечимини топмаган. Даван давлати шаҳарларининг аниқ жойлашуви, давлат тизими ва бошқаруви, давлатнинг чегаралари, қўшни давлатлар билан муносабатлар, маҳаллий маданиятнинг қўшни маданиятлар билан муносабатлари масалалари шулар жумласидандир.

Қадимги Фарғона аҳолиси бронза давридаёқ булоқ сувлари бирлашувидан пайдо бўлган Қорадарё тармоқлари ҳавзаларида ўзига хос суғорма деҳқончилик маданиятини яратадилар. Илк темир ва антик даврга келиб Фарғонада маҳаллий маданиятлар анъаналари асосида тараққий этаётган қадимги деҳқончилик маданиятлари бутун водийни қамраб олади ва аҳолининг ўтроқ ҳаёт тарзи жамият иқтисодий асосини ташкил этади. Тадқиқотлар натижаларига кўра, мил.авв. III асрдан бошлаб бутун Фарғона водийсида шаҳарсозлик маданияти кенг ёйилади. Айнан мана шу даврда Фарғона водийси орқали ўтган Буюк ипак йўли тармоқлари бўйлаб Ахсикент, Марҳамат, Кубо, Марғилон, Боб (Поп) каби кўҳна шаҳарлар пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам мил.авв. II асрга оид Хитой манбалари Фарғонада 70 та катта-кичик шаҳарлар борлиги ҳақида маълумот беради.

Сима Цяннинг «Тарихий хотиралар» асарида Даваннинг иккита пойтахти – Эрши ва Ючен бўлганлиги ҳақида хабар берилади. Бу шаҳарларнинг жойлашуви масаласида олимлар орасида ягона фикр йўқ. Улар Ўзган, Мингтепа (Марҳамат), Қўқон, Косон, Ахсикент, Ўратепа ёки Жиззах ўрнида жойлаштирилади.

Энг қадимги ёзма манбалар Ўрта Осиёдаги айрим илк давлат уюшмалари ҳақида маълумотлар берса-да, Фарғона ҳақида бундай далиллар учрамайди. Шунга қарамасдан, Ю.А.Заднепровский Қадимги Фарғона (Даван) подшолигининг мавжуд бўлганлигини тахмин қилади. А. Асқаровнинг фикрича, мил.авв. I минг йилликнинг ўрталаридан олдинги даврдаги Фарғона ҳақида сўз юритилганда, одат-

да, фақат «чифдом» (воҳа) шаклидаги қадимги давлат асосларининг пайдо бўлиши англашилади. Олимнинг фикрича, мана шу ҳолатни ҳисобга олиб, Фарғонада давлатчилик, афтидан, мил. авв V–IV асрларда пайдо бўлган бўлиши мумкин.

Б.Матбобоевнинг фикрича, А. Асқаровнинг бу хулосаси иккита тарихий далилга асосланган. Биринчиси, айнан мана шу даврга оид археологик топилмалар (Шўрабашот маданияти) ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлиги (маҳсулот ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқнинг ўсиши) ҳақидаги тахминларни илгари суриш имконини беради. Иккинчиси, мил.авв. II асрдаёқ Фарғонада кўп сонли шаҳарлар мавжудлиги ҳақида маълумотлар бор.

Мил. авв. II асрдан бошлаб Қашғардан Даванга шимолий йўлдан карвон йўли ҳаракати бошланади. Бу йўлдан ипак ва бошқа маҳсулотларнинг халқаро транзит савдоси амалга оша бошлайди. Бу пайтга келиб Даван аҳолиси кўпая бошлайди ва кўплаб мустаҳкамланган аҳоли манзилгоҳлари пайдо бўлади. Савдо йўлида Даван муҳим аҳамиятга эга бўлиб боради. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Ясса ва Қорадарё воҳаларида кўпгина қалъалар савдо йўлини қўриқлаш мақсадида барпо этилади.

Мил.авв. 125 йилда Даванга келган Хитой элчиси Чжан Цян бу ерда қишлоқ ва шаҳарлари обод, суғорма деҳқончилик ва ҳунармандчилик хўжаликлари юксак ривожланган, кучли ҳарбий кучларга эга давлатни кўради. Чжан Цян Даваннинг қишлоқ хўжалиги ҳақида маълумот бериб, шундай ёзади: «Ўтроқ аҳоли ер ҳайдайди, ғалла ва шоли экади, уларда мусаллас навли узум, жуда кўплаб яхши отлар бор. Даваннинг барча жойларида узум виноси тайёрлайдилар. Бой хонадонлар уни катта миқдорда тайёрлайди, бу ичимлик хумларда бир неча ўн йилларда ҳам бузилмай сақланади». Шунингдек, элчи бу давлат аҳолиси жуда хушмуомала, меҳмондўст, кўнгли очиқ одамлар эканлиги ҳақида маълумот беради.

Хитой манбалари қадимги Фарғонада деҳқончилик маданияти юқори даражада ривожланганлигини исботлайди. Хитойликларни, айниқса, ўзлари учун нотаниш бўлган беда ва узум ҳайратга солган. Манбаларда яна шундай маълумот бор: «Хитой элчиси уруғ келтирди, шунда осмон фарзанди (Хитой императори) унумдор ерга беда ва узум экди». Даванликларнинг боғларида узумдан ташқари анор, ўрик ва бошқа мевали дарахтлар кўп бўлган. Хитой тарихчи-

лари бу меваларнинг Хитойда пайдо бўлишини Даван билан боғлайдилар.

Хитой манбалари, шунингдек, қадимги Фарғона чорвачилигининг ўзига хос томони бўлган йилқичиликнинг юқори даражада ровожланганлиги ҳақида ҳам маълумотлар беради. Даван давлати антик даврда машҳур зотдор отлари билан шуҳрат қозонган эди. Манбалардан маълум бўлишича, уларни етиштириш билан ўтроқ аҳоли шуғулланган. «Даванда яхши отлар бўлиб, улар Эрши шаҳридадир, отларни яширадилар ва Хан элчисига беришга рози бўлмайдилар». Даваннинг машҳур «самовий отлари» тасвирлари туширилган қоятош суратлари бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган.

Хусусан, Ўшдан 8 км узоқликдаги Айримчатовнинг қоя адирларида 30 та чиройли зотдор отларнинг тасвирлари бор. Худди шунга ўхшаш тасвирлар Марҳамат яқинидаги Аравон қоясидан, Навқат воҳаси ва Обиширсойдан ҳам топилган. Бу тасвирлар Даван ўзининг самовий отлари билан қадимдан машҳур бўлганлигини тасдиқлабгина қолмай, фарғоналикларнинг юксак санъат соҳиблари бўлганликларидан ҳам далолат беради. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, қўшни давлатлар, хусусан, Хитой императорлари Даван отларини ниҳоятда қадрлаганлар.

Даван давлати маълум бир сиёсий уюшмани ташкил этган бўлиб, давлатни бошқарувчи ҳукмдор манбаларда «Ван» (подшо) унвони билан иш юритгани эслатилади. Манбаларда «Ван» унвонига эга бўлган Моцай, Чань Финь, Муғуа, Янълю каби ҳукмдорларнинг номлари сақланиб қолган. Ягона ҳукмдор бўлган подшо, яъни «Ван» давлат аҳамиятига молик бўлган ишларни оқсоқоллар кенгашига суянган ҳолда олиб борган. Манбаларнинг маълумот беришича, подшога яқин кишилар (одатда, унинг қариндошлари) орасидан ёрдамчилар – битта катта ёрдамчи (Фу ван) ва битта кичик ёрдамчи (Фуго-ван) тайинланган. Давлат ҳукмдори ёки подшо мамлакатнинг сиёсий ва диний ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган. Бу жараёнда оқсоқоллар кенгашининг ҳам аҳамияти кам бўлмаган. Оқсоқоллар уруш ва сулҳ тузиш масалаларини ҳал этишда иштирок этганлар, баъзан улар ҳукмдорнинг тақдирини ҳам ҳал қилганлар. Мисол учун, манбаларда қайд этилишича, урушда мағлубиятга учраганлиги учун ҳукмдор Ван Моцай оқсоқоллар кенгашидаги умумий овоз беришда айбдор деб топилган ва қатл қилинган.

Даван давлати ҳудудлари шаҳарлар ва воҳаларга бўлинган ҳолда идора этилган бўлиши мумкин. Чунки манбаларнинг маълумот беришича, Ючен шаҳрининг ҳокими Хитой қўшинига озиқ-овқат етказиб беришдан бош тортган. Тадқиқотчи Н. Горбунова ҳар бир шаҳарнинг, эҳтимол, воҳанинг ўз ҳокими бўлганлиги ҳақидаги тахминни илгари суради. Олиманинг фикрича, айнан мана шу ҳокимлар оқсоқоллар кенгаши таркибига кирган ва унда ҳал қилувчи мавқега эга бўлган. А. Асқаровнинг фикрича, оқсоқоллар кенгаши олдида подшо-ҳукмдорнинг ҳуқуқлари чекланган эди. Айниқса, уруш ва тинчлик, дипломатик масалаларда ҳал этувчи куч ва ҳуқуқ оқсоқоллар кенгаши қўлида эди.

Сўнгги йилларда Даван давлати тарихи бўйича самарали иш олиб бораётган Б.Х.Матбобоевнинг ёзишича, ички тартибни сақлаш ва мамлакатни ташқи душмандан ҳимоя қилиш учун Даван давлатида, асосан, пиёда аскарлар ва отлиқ суворийлардан иборат бўлган 60 минг кишилик қўшин мавжуд эди. Манбаларнинг маълумот беришича, даванликлар «отда кетаётиб ўқ отишда моҳир бўлганлар». Жангчиларнинг қуроллари ўқ-ёй ва найзадан иборат бўлган. Даван қўшинлари очиқ жангга киришга ҳам, узоқ муддатли мудофаа урушлари олиб боришга ҳам қодир бўлган.

Даваннинг «самовий отлари» ва давлатнинг серунум ерлари учун мил. авв II асрнинг охирларида Хитой ва Даван ўртасида ҳарбий тўқнашувлар бўлиб ўтади. Чжан Цян ва Сима Цянларнинг берган маълумотларига кўра, Хитой императорлари Даванга икки марта юриш қиладилар. Биринчи юриш мил.авв. 104 йилда уюштирилиб, хитойликлар Даваннинг маркази Эршига етиб кела олмай, Лобнорда қаттиқ қаршиликка учрайдилар. Ундан ташқари, Ўзгандда катта талофат кўрган Хитой қўшинлари қанғлилардан ёрдам келаётганини эшитгач, император қўшинлари даванликлардан 3 мингта «самовий тулпор» ни олиб, Хитойга қайтишга мажбур бўладилар. Шундай қилиб, Даван давлати хитойликлардан ўз мустақиллигини сақлаб қолишга муваффақ бўлган.

Ўзининг бутун тарихи давомида Даван давлати йирик императорлар ва кучли давлатлар таъсири остига тушмасдан ўз сиёсий эркинлигини сақлаб қолган. Археологик топилмалар ҳам қадимги Даваннинг ўзига хос ривожланиш йўлига эга бўлганлигидан далолат беради. Мисол учун, Фарғона водийси мил.авв. VI–IV асрларда Эрон

Ахамонийлари ва Александр Македонский босқинларидан четда қолган. Александр фақат Хўжанд шаҳригача келганлиги тахмин қилинади. Салавкийларнинг ҳам Фарғона водийсига кириб борганлари ҳақида маълумотлар йўқ.

Милоднинг I–II асрларига келиб қадимги Фарғона аҳолисининг ўтроқ деҳқончилик маданияти юқори даражага кўтарилади. Олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Фарғона водийсида бу даврга оид кўп сонли аҳоли манзилгоҳлари, қалъалар, қўрғонлар, кўҳна шаҳарлар харобалари аниқланган. Аҳоли манзилгоҳларини водийнинг турли ҳудудларида кенг ёйилиши суғорма деҳқончилик ва ирригация ишларининг юқори даражада ривожланиши натижаси эди. Давлатнинг сиёсий ва маданий ривожланишида ҳунармандчиликнинг маркази бўлган қадимги шаҳарлар, айниқса, катта аҳамиятга эга бўлди.

Бу даврга оид археологик топилмалар деҳқончиликдан ихтисослашган ҳунармандчиликнинг ажралиб чиққанлигидан далолат беради. Бу жараён, ўз навбатида, ҳунармандчилик ва тоғ-кон саноатининг (турли маъданлар қазиб олиш) янада ривожланиши учун кенг имкониятлар яратади. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, Хитой манбаларида Даванда қўрғошин, олтин, темир рудалари қазиб олинганлиги ҳақида маълумотлар бор. Қўрғошин Ҳайдаркондан, темир, кумуш ва зумрад эса Фарғонанинг жанубидан, шимолидан ва шимолғарбидан қазиб олинган. Ушбу ҳудудлардан кўплаб аниқланган қадимги конлар қолдиқлари ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Ҳунармандчиликнинг ривожланиши ва қадимги йўлларнинг мавжудлиги туфайли Фарғона водийсида Шарқий Туркистон билан олиб борилган ташқи савдо билан бир қаторда, атрофдаги тоғ водийларда яшовчи чорвадор – кўчманчи аҳоли билан ҳам ўзаро алмашинув ривожланади. Антик давр Фарғона ёдгорликларининг айримларида Хитой тангалари (у-ши) учраса ҳам маҳаллий тангалар учрамайди. Бу ҳол натурал хўжалик (маҳсулот айирбошлаш) устунлик қилганлигидан далолат беради.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Даван давлати мил.авв. III – милодий III асрларда мавжуд бўлган бўлиб, бошқарув тизимига кўра подшолик ҳисобланган. Аҳолининг кўпчилиги шаҳарларда истиқомат қилган. Буюк Ипак йўлининг пайдо бўлиши ҳам ушбу давлатнинг гуллаб-яшнаган даврига тўғри келади. Хитойдан Ўрта ер денгизига-

ча чўзилган бу йўлдаги қитъалараро савдода шарқий Суғдиёна чегараларидан то Тан давридаги Хитой империясигача бўлган йўлнинг хавфсизлигини таъминлашда, озиқ-овқат, йўл кўрсатувчилар ва таржимонлар етказиб беришда Даван давлати асосий рол ўйнаган.

Демак, подшолик бошқарув тизими ва оқсоқоллар кенгашига асосланган Даван давлати – ўз даврида қадимги ўзбек халқи давлатчилиги тараққиёти анъаналарини давом эттирган давлат бўлиб, давлатчилигимиз тарихида алоҳида аҳамият касб этади. Кейинги олиб борилажак тадқиқотлар Даван давлати тарихи муаммолари билан боғлиқ кўпгина масалаларга аниқлик киритиши шубҳасиздир.

Кушон давлати

Тарихий манбалар Юнон-Бақтрия давлати кўчманчи қабилалар томонидан тор-мор этилганлиги ҳақида маълумот беради. Страбон маълумотларига кўра, Бақтрияни ассийлар, пассианлар, тохарлар, саклар қабилалари босиб оладилар. Помпей Трог хабар беришича, «Бақтрия ва Суғдиёнанинг скиф қабилалари сараукалар ва ассианлар босиб оладилар». Тадқиқотчиларнинг фикрича, ҳар иккала тарихчи битта қабила ҳақида маълумот берган.

Қадимги Хитой манбалари Бақтрияни юечжи қабилалари босиб олганлиги ҳақида маълумот беради. Мил.авв. II асрнинг иккинчи чорагида (тадқиқотчилар бу санани мил.авв. 172–161 йиллар оралиғида деб белгилайдилар) юечжилар хунлардан мағлубиятга учраганидан сўнг Ўрта Осиёнинг шимолий ҳудудларида кўчиб юрадилар. Бу қабилалар Хитой манбаларида «Да-юечжи» – «Буюк» ёки «Катта юечжи» деб эслатилади. Чжан Цзян маълумотларига кўра, юечжилар хунн қабилаларидан мағлубиятга учрагач, Ўрта Осиёнинг жанубига томон ҳаракат қилиб, Даҳя (Бақтрия)ни босиб оладилар ва Гуйшуй (Амударё)нинг шимолий томонида жойлашадилар. Катта Хан уйи тарихида ҳам юечжилар Гуйшуй дарёсининг шимолий томонида ўз пойтахтларига асос солганликлари таъкидланади.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, юечжилар мил.авв. 140–130 йиллар оралиғида Бақтрияга бостириб кирганлар. Орадан кўп ўтмай, Бақтрияда Катта юечжи давлати ташкил топади. Кичик Хан уйи тарихи маълумотларига кўра, Катта юечжи ҳукмдорлари қўл остида бешта ҳокимлик (Хи-хэу) бор бўлиб, улар Хюми, Шаунми, Гуйшу-

ан, Хисе ва Думилардан иборат эди. Хитой манбаларидан хулоса чиқарган кўпчилик тадқиқотчилар Бақтрия тарихидаги бутун юечжи даврини уч босқичга бўладилар:

1. Мил.авв. 139–125 йиллар – Катта юечжи Даҳя вилоятини босиб олади, аммо уларнинг асосий мулклари Амударёдан шимол томонда эди.

2. Мил.авв. 25 йилга қадар – Катта юечжи давлатининг шаклланиши ва кейинги ривожланиши. Давлатнинг пойтахти Амударёдан шимол томонда бўлиб, жанубий чегараси Гибин атрофларида (Кашмир ёки Қандаҳор) эди. Юечжилар бўйсундирган ҳудудлар Хисе, Шаунми, Гуйшуан, Хюми, Думи мулкларидан иборат бўлиб, улар хи-хоу (ябғу) томонидан бирлаштирилган.

3. Мил.авв. 25 йилдан кейин Катта юечжи давлатининг инқирози ва юқорида эслатилган мулкларнинг мустақил бўлиши. Кушон (Гуйшуан) ябғуси Киоцзюкю (Кужула Кадфиз) қолган тўртта мулкни бирлаштириб, Кушон давлатига асос солди.

Таъкидлаш лозимки, маданий ва ижтимоий-иқтисодий тарихга нисбатан Кушон давлатининг сиёсий тарихи кам ўрганилган масала ҳисобланади. Кушонларнинг ҳокимият тепасига келиш санаси, ушбу давлат тарихини даврлаштириш айрим кушон ёзувлари, тангашунослик маълумотлари, қисман Хитой манбалари, буддавий маълумотлар ва илк ўрта асрлар манбаларига асосланади. Тадқиқотчилар Кушон давлати тарихини қуйидаги учта босқичга ажратадилар:

1. Юнон-Бақтрия подшолари ҳукмронлигининг тугатилиши ҳамда Ўрта Осиё ва Шимолий Афғонистон ҳудудларида бир нечта алоҳида давлат уюшмаларининг ташкил топиши (мил.авв. II асрнинг охири – I аср).

2. Буюк Кушон давлатининг пайдо бўлиши ва гуллаб-яшнаши (милодий I–III асрлар).

3. Кўчманчиларнинг тинимсиз урушлари натижасида Кушон давлатининг инқирози ва қулаши (III аср охири – IV аср).

Кушон давлатининг пайдо бўлиши ҳақида кўпроқ Хитой манбалари ва тангашунослик маълумотлари хабар беради. Умуман, Кушонлар салтанатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши узоқ вақт тадқиқотчилар орасида баҳсларга сабаб бўлган бўлса-да, ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу масалага жуда кўплаб аниқликлар киритиш имконини берган тадқиқотлар олиб борилди. Айниқса, 1961

йил Лондонда ўтказилган халқаро симпозиум, 1968 йил Душанбеда ЮНЕСКОнинг конференцияси, 1970 йил Қобулдаги халқаро анжуман Кушон давлати масалаларига бағишланган бўлиб, ундан кейин ҳам бу масала бўйича кўплаб халқаро анжуманлар бўлиб ўтди.

Мил.авв. I асрнинг охири – мил. I асрнинг бошларига келиб, Гуйшуан ҳокими Киоцзюкю барча мулкларни бирлаштириб, Қобулистон ва Қандаҳорни забт этади. Натижада, бу даврга келиб дастлабки пойтахти Сурхон воҳасидаги Далварзин кўҳна шаҳри харобалари бўлган Кушон давлати ўз аҳамиятига кўра антик давр Хитойдаги Хан давлати, Парфия подшолиги, Рим салтанати билан рақобатлаша оладиган қадимги дунёнинг энг қудратли ва забардаст давлатларидан бири сифатида ташкил топди. Хитой манбаларидаги «Гуйшуан ҳокими Киоцзюкю» илк Кушон даврига оид топилма тангалар акс эттирилган «Кушон подшоси Кужула Кадфиз»га айнан мос тушади.

Тангашунослик маълумотларига таянган тадқиқотчиларнинг фикрича, Кужула Кадфиз ёки Кадфиз I 80 йилдан зиёдроқ умр кўриб 50–60 йил давлатни бошқариб, тахминан милодий 35 йилда вафот этади. Ўзининг ҳукмронлиги даврида Кадфиз I Бақтриядаги унча катта бўлмаган юечжи мулклари ҳукмдоридан Бақтриядан ташқари Ғарбий ва Жанубий Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистонни ўз таркибига олган қудратли давлатнинг подшоси даражасига кўтарилади. Аммо манбаларнинг гувоҳлик беришича, Кадфиз I даврида Кушон давлати тўла шаклланиб бўлмаган эди. Ҳар ҳолда бу даврда Кушонлар ўз тангаларига эга бўлмай, Кадфиз I Рим императорларига (Август ва Тиберийга) тақлид қилиб, танга зарб эттирган.

Манбаларнинг далолат беришича, Кужуладан кейин тахтга унинг ўғли Вима (Гима) Кадфиз (Кадфиз II) ўтиради. Хитой муаллифлари Кадфиз II тахтга ўтирганидан сўнг «Тянчжу (Марказий Ҳиндистон)ни забт этди ва у ерга ўз саркардаларидан бирини бошқариш учун қолдирди. Шу даврдан бошлаб юечжи кучли ва бой давлатга айланди», деб хабар берадилар. Бу хабарни тангашунослик маълумотлари ҳам таъкидлайди. Кадфиз II зарб эттирган тангаларнинг ўнг қирғоқ Бақтриядан, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг жанубий туманларидан топилиши бу ҳудудларнинг Кушон давлати таркибига киганлигидан далолат беради. Тангашуносларнинг сўнгги йиллардаги тадқиқотларига кўра, Кадфиз II зарб эттирган «Шоҳлар шоҳи – буюк

халоскор» деган ёзув бор тангалар Ҳиндистон, Афғонистон ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Бундай тангалар Ашхобод, Хоразм, Тошкент воҳаси, Сурхондарё, Қашқадарё, Панжикент ҳудудларидан ҳам топилган. Кадфиз II нинг Рим салтанати билан алоқалар ўрнатганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Кушон подшолари ичида энг машҳури Канишка ҳисобланади. Унинг ҳукмронлиги даврида Кушонлар салтанати гуллаб-яшнайди. Канишка даврида Панжоб, Кашмир вилоятлари мамлакатга қўшиб олинади. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, давлатнинг пойтахти Далварзиндан Пешовар (Афғонистон) атрофларига кўчирилади. Бу даврда (мил. II аср) мамлакатнинг ҳудуди Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, Ўрта Осиёнинг катта қисми, Шарқий Туркманистондан иборат эди. Сюань Цзяннинг ёзишича, «Канишка подшолик қилган даврда унинг шон-шуҳрати қўшни мамлакатларга ёйилди. Мамлакатнинг ҳарбий қудрати кўпчилик томонидан тан олинди. Хитойнинг ғарб томонидагилар ҳам Канишканинг ҳокимиятини тан олиб, унга ўз гаровга қўйган одамларини юборар эдилар».

Кушонлар сулоласи ёзма манбалар асосида ва тангашунослик тадқиқотлари орқали ўрганилган. Кушонлар даврида чиқарилган илк тангаларнинг бир томонида Юнон-Бақтриянинг сўнгги подшоси Гермей тасвири, иккинчи томонида эса «кушонлар ябғуси Кужула Кадфиз» деган сўзлар бор. Демак, дастлаб Кушон ҳокимлари ўз номларини «подшо», «шоҳ» тушунчалари билан боғламаганлар. Аммо Кушон давлати ҳудудининг кенгайиши ва сиёсий-ҳарбий аҳамиятининг ортиб бориши билан бирга танга пулларда «шоҳ», «шоҳлар шоҳи» атамаси кўплаб учрайди. Бундай ўзгаришлар Хитой муаллифи берган маълумотларни, яъни давлатнинг ҳарбий қудрати кўпчилик мамлакатлар томонидан тан олинганлигини исботлайди.

Подшо Канишка I ўзидан олдинги давлат бошқаруви анъаналарини сақлаб қолди ва давом эттирди. Маълум вилоятлар ва шаҳарлар давлат тепасида турувчи олий ҳукмдор ноиблари томонидан бошқарилар эди. Бундай ноиблар подшо томонидан тайинланиб, унинг энг яқин ва ишончли вакиллари ҳисобланган. Улар олий ҳукмдорга, яъни подшога сўзсиз итоат этиб, доимий равишда давлат хазинасига ўлпонлар тўлаб турганлар. Кушонлар даврида маҳаллий аҳолидан йиғиладиган солиқ тартиби ҳақида маълумотлар бизгача сақланмаган бўлса-да, бундай тартиб мавжуд бўлганлиги аниқ.

Кушон подшолиги руҳонийлар қўлидаги давлат бўлиб, бу давлатда подшо ҳокимиятни бошқариш билан бирга, бош коҳин ҳам ҳисобланган. Подшолик сатрапияларга бўлинган бўлиб, уларнинг ноиблари подшо томонидан тайинланган. Кушон подшолиги марказлашган давлат ҳисобланиб, давлатда қишлоқ жамоаларининг аҳамияти ниҳоятда катта бўлган.

Сўнгги йилларда олиб борилган кўплаб археологик тадқиқотлар Кушон даври Ўрта Осиё халқларининг моддий маданиятини ўрганиш бўйича бой материаллар бериб, кенг имкониятлар яратди. Ушбу тадқиқотлар натижаларига кўра, мил.авв. I минг йилликнинг охири – милоднинг дастлабки асрлари Ўрта Осиёда хўжалик ва маданий ҳаёт даражасининг кўтарилган даври бўлди. Жанубий Туркманистон ва Хоразм, Бухоро ва Самарқанд, Сурхон воҳаси, Вахш, Қашқадарё ва Фарғона водийсидан топилган шу даврга оид археологик топилмалар суғорма деҳқончиликнинг анчагина ривожланганлигидан далолат беради.

Деҳқончиликнинг ривожи туфайли кенг ҳудудлар ўтроқ аҳоли томонидан жадаллик билан ўзлаштирилади. Мисол учун, Э.В.Ртвеладзенинг тадқиқотларига кўра, фақатгина Шимолий Бақтрияда (Сурхон воҳаси) 120 дан зиёд кушон даврига оид аҳоли шаҳар ва қишлоқлари аниқланган. Бу даврда деҳқончилик нафақат текисликларда, балки тоғли ҳудудларга ёйилади. Зарафшон ва Қашқадарёнинг юқори оқимидаги тоғли ҳудудлардан деҳқончилик манзилгоҳлари топиб ўрганилган. Бу даврда шунингдек, Хоразмда, Зарафшонда, Сурхон воҳасида илгариги даврдагига нисбатан анчагина мураккаблашган суғориш иншоотлари барпо этилади. Деҳқончилик қуролларида ҳам ўзгаришлар содир бўлади. Самарқанд яқинидаги Талибарзу ёдгорлигидан II–III асрларга оид ер ҳайдайдиган омочнинг темир учи топилган.

Бу даврда Ўрта Осиё шаҳарлари ҳам юқори даражада ривож топади. Кушон даври кўпгина вилоятлар ва воҳаларда ўтган даврларга нисбатан йирик шаҳар марказлари, кичик шаҳарчалар ва шаҳар типидаги манзилгоҳлар сонининг анча кўпайганлиги кузатилади. Кушон даври шаҳарлари вилоятлар, айрим воҳалар ва туманларнинг маъмурий-сиёсий марказлари ҳисобланиб, уларнинг сақланиб қолган харобаларида қалъалар алоҳида ажралиб туради. Бундай қалъалар Самарқанддаги Афросиёбда, Марвдаги Говурқалъада, Қарши

воҳасидаги Ерқўрғонда, Эски Термизда, Далварзинтепа ва бошқаларда яққол кўзга ташланади.

Шунингдек, Кушон даври шаҳарлари диний-мафкуравий марказлар вазифасини ҳам бажариб, уларда йирик-йирик топиниш жойлари ва диний маросимлар ўтказиладиган иншоотлар жойлашган. Хоразмдаги Тупроққалъа, Балхдаги будда мажмуаси, Термиздаги будда ибодатхоналари, Қувадаги будда саройи шулар жумласидандир.

Кушон даври шаҳарлари ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ҳам маркази эди. Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларидан жуда кўп сонли ҳунармандчилик буюмлари, сопол хумдонлар, металлни қайта ишлашнинг излари, заргарлик буюмлари, ҳарбий ва хўжалик қурол-яроғлари топиб ўрганилган.

Кушон давлатида ташқи ва ички савдо ҳам тараққий этади. Кушонлар буюк ипак йўлининг шарқий қисми назоратини ўз қўлларига олган эдилар. Четдан келтирилган ипак, мўйна, бронза кўзгулар, муҳрлар, шиша идишлар,ҳайкалчалар ташқи савдо тараққиётидан далолат берса, кўплаб ҳунармандчилик буюмлари ҳамда кумуш ва бронза тетрадрахмлар (тангалар) ички савдо ривожланганлигини исботлайди.

Кушон давлати гуллаб-яшнаган даврида кўплаб халқлар ва элатлар яшаб турган ҳудудларни эгаллаган эди. Ушбу халқлар ва элатлар турли тилларда гаплашганлар, ёзувнинг турли тартибидан фойдаланганлар ҳамда турли диний эътиқодларда бўлганлар. Моддий маданият буюмларида ҳам айрим фарқлар кузатилади. Шунга қарамасдан, Кушонлар даври маданиятида кўпгина умумийлик сезилади. Аммо бутун Кушон давлатида ягона маданият ҳукм сурган деб бўлмайди. Бу улкан давлатнинг ҳар бир вилояти қайсидир томонлари билан ўзига хос бўлган маданиятга эга бўлган.

Аввалambор, Шимолий Бақтрия (Сурхон воҳаси) ҳақида сўз юритадиган бўлсак, бу вилоят Кушон давлатининг энг йирик вилоятларидан бири бўлиб, маданияти юксак даражада ривожланган эди. Таъкидлаш лозимки, Ўрта Осиёда буддизмнинг ёйилиши милоднинг биринчи асридан бошлаб айнан Бақтрия-Тохаристон ҳудудларидан бошланган. Ҳозирги кунда бу ҳудудлардан ўндан зиёд будда ибодатхоналари, юздан ортиқ будда ҳайкаллари аниқланиб ўрганилган. Улардан энг машҳурлари Термиз яқинидаги Қоратепа ибодатхоналари, Зартепа ва Айритом топилмалари, Далварзинтепа ибодатхо-

налари ҳисобланади. Шимолий Бақтриянинг ўзига хос маданияти меъморчилик санъатида (бинолар устунлари ва пештоқларининг безатилиши), шаҳарсозлик маданиятида, кулолчилик ва заргарлик буюмларида ҳам ўз аксини топади.

Кушон даври Хоразм маданияти ҳам ўзига хос эди. Бу ҳудудларда буддизмнинг излари аниқ кузатилмаса-да, аёл худоларга сиғиниш аниқланган ва кўплаб терракота ҳайкалчалар топилган. Кушон даврига оид Хоразмдаги нафақат меъморчилик, балки моддий ва бадиий маданият намунаси машҳур Тупроққалъа ҳисобланади. Бу ерда иккита йирик сарой мажмуаси, сиғиниш, ҳарбийлар ва подшоҳлар заллари ҳамда кўплаб моддий маданият буюмлари топилган ва ўрганилган. Хоразм кулолчилик буюмларида ҳам кўпгина ўзига хосликлар аниқланган. Кушонлар даврида Суғд кичик мулкларга бўлинган эди. Маданий жиҳатдан бу вилоятни уч қисмга – Самарқанд Суғди (Зарафшоннинг юқори ва ўрта оқими), Бухоро Суғди (Зарафшоннинг қуйи оқими) ва Қашқадарё Суғди (Қашқадарё воҳаси)га ажратилади. Бу ҳудудлардаги диний иншоотлар Сангзор дарёси воҳасидан, Киндикли тепа ва Ерқўрғондан, Сеталк I (Бухоро)дан, Самарқанд яқинидаги Қўрғонтепадан топиб тадқиқ этилган.

Умуман, Кушонлар даврида маданий ҳаётнинг янада юксалганлиги яққол кўзга ташланади. Хусусан, Канишка даврида Ҳиндистондан тарқалган будда дини давлат динига айланди. Оромий ва юнон ёзувлари асосида кушон ёзуви мавжуд бўлган. Шунингдек, бу даврда Суғдча ва хоразмийча ёзувлар ҳам бор эди. Ушбу ёзувлар ёдгорликларида ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётни акс эттирувчи айрим маълумотлар сақланиб қолган. Шунингдек, Кушонлар даврида Ўрта Осиё халқлари маданий ҳаётининг қурувчилик, ҳайкалтарошлик, рассомлик, наққошлик каби соҳаларида ҳам катта ютуқларга эришилган. Хоразм, Суғдиёна, Бақтрия, Фарғона, Чоч, Шарқий Туркистон ва Шимолий Ҳиндистондан очилган кўплаб маданий ёдгорликлар юқоридаги ҳудудлардаги маданий ҳаёт ўзининг юқори чўққисига чиққанлигидан далолат беради.

Кушонлар даврида бинокорлик ва меъморчилик ҳам шаклан, ҳам мазмунан ривож топганлиги кузатилади. Чунки бу даврдаги маъмурий, диний, ишлаб чиқариш, турар жой, мудофаа иншоотлари, Шарқ меъморчилиги билан айрим ўхшашликлар топса-да, ўзига хос томонлари устунлик қилади. Меъморчиликнинг ўзига хос намуналари Дал-



Фаёзтепа



Холчаён

варзин, Холчаён, Эски Термиз, Кампиртепа, Фаёзтепа, Қоратепа кабилардан ўрганилган бўлиб, улар жаҳон миқёсида машҳур бўлган обидалардир.

Кушон давлатининг инқирозга учраши Герк-Бақтрия ва Рим салтанати тарихий тақдирига анча ўхшаб кетади. Бу давлатларнинг барчаси қулаш арафасида тинимсиз юришлар олиб боришга мажбур бўлганлар. Ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш учун ички ва ташқи сабабларга кўра, заифлашган йирик давлатларда етарли ҳарбий имконият топилмади. Милодий IV асрга келиб Кушон подшолиги ўзининг асосий ҳудудларидан маҳрум бўлди. Бу подшоликнинг айрим мулклари Шимолий Ҳиндистонда сақланиб қолди.

Шундай қилиб, Кушон подшолиги ўз таркибига кўпгина ҳудудлар ва кўплаб халқлар ва элатларни бирлаштирган бўлса-да, унинг тарихи Ўзбекистон тарихи билан узвий боғлиқ бўлган. Ўзбек халқи давлатчилиги тарихига Кушон даври ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва айниқса, маданий ҳаёт ва ташқи алоқалар соҳасида улкан ютуқларга эришилган давр бўлиб кирди.

Таянч сўзлар

Бошқарув, ном давлатлар, сиёсий ҳокимият, маҳаллий ва умумбашарий маданиятлар, Осиёча ишлаб чиқариш усули, Шарқ йўли, жамиятнинг бирламчи ячейкаси, принципиал бошқарувлар табақаси, Европа йўли, полислари, ижтимоий ва ҳудудий бирлик, қишлоқ жамоалари, ишлаб чиқарувчи хўжалик, қўшимча маҳсулот, қадимги давлатлар типологияси, аҳоли сони ва зичлигининг ўсиши, давлатчилик тушунчаси, давлатнинг

асосий белгилари, давлатнинг типлари, формацион ёндашув, цивилизацион ёндашув, Қадимги Шарқ давлатчилиги, Бронза даври маданиятлари, Намозгоҳ, Дашли, Олтинтепа, Гонур, Сополлитепа, Жарқўтон, тарихий-маданий жараёнлар, меҳнатнинг биринчи йирик тақсимоти, ибтидоий муносабатлар инқирози, архаик элементлар, район-воҳа, районлашув, район-марказ, археологик мажмуалар, Намозгоҳ тарихий-маданий бирлиги, «маҳаллий маданий жамоа», Бақтрия-Марғиёна археологик мажмуалари, «Окс цивилизацияси», Чуст маданияти, қадимги аҳолининг деҳқончилик маданияти, деҳқончилик марказлари, Аҳамонийлар, эллинизм, антик давр давлатлари.

Савол ва топшириқлар

1. Давлат нима? Давлат тушунчасига изоҳ беринг.
2. Илк давлатларнинг типологияси ва хронологияси ҳақида гапириб беринг.
3. Илк давлатлар пайдо бўлишининг ижтимоий-иқтисодий омиллари нималарда деб ҳисоблайсиз?
4. Бақтрия давлати ҳақида гапириб беринг.
5. Қадимги Хоразм давлати ҳақида нималарни биласиз?
6. Суғдиёна давлати ҳақида фикр билдиринг.
7. Аҳамонийлар даври давлатчилиги ҳақида маълумот беринг.
8. Македониялик Александр ва унинг ворислари даври давлатчилиги ҳақида маълумот беринг.
9. Даван давлати ҳақида нималарни биласиз?
10. Қанғ давлати ва қанғлилар ҳақида маълумот беринг.
11. Ўзбек давлатчилиги тарихида Кушон давлатининг тутган ўрнини қандай изоҳлайсиз?
12. Қадимги Шарқ ва Ўрта Осиё давлатчилиги ривожидаги ўзига хослик ва умумийлик ҳақида гапириб беринг.

4-мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев Ў. Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослиги. – Тошкент: Академия, 2009.
2. Аскаров А.А Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977.
3. Асқаров А.А. Энг қадимги шаҳар. – Тошкент: Фан, 2001.
4. Асқаров А.А., Ширинов Т. Ранняя городская культура юга Средней Азии в эпоху бронзы. – Самарқанд: 1993.

5. Асқаров А. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Қадимги Фарғона // Фарғона кеча, бугун ва келажакда. – Фарғона: 2003.
6. Асқаров А. Қадимги Хоразм тарихига оид баъзи бир масалалар // Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. – Тошкент: 2004.
7. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: Университет, 2004.
8. Авеста. Избранные гимны. Пер. с Авест. И комментарий И.М.Стеблин-Каминского. – Душанбе: 1990.
9. Бикерман Э. Государство Селевкидов. – М.: 1985.
10. Дандамаев М.А., Луконин В.Г. Культура и экономика древнего Ирана. – М.: 1980.
11. Дандамаев М.А. Политическая история Ахеменидской державы. – М.: 1985.
12. Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. Отв.ред. Г.А.Кошеленко. – М.: 1985.
13. Жўраев Н., Азизов А. Ижтимоиёт асослари. Цивилизациялар – ижтимоий-маданий жараён. – Тошкент: Фан, 2003.
14. Захидов П. Государство Кангюй. – Ташкент: 2009.
15. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. Вып. 118. – М.: 1. 1962.
16. Исамиддинов М.Х., Сулайманов Р.Х. Еркурган (стратиграфия и периодизация). – Т.: 1984.
17. Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. – Т.: 2002.
18. История Древнего Востока. Под. ред. В.И. Кузищина. – М.: 1988.
19. История таджикского народа. Под ред. Б.А. Литвинского и Б.А. Ранова. – Душанбе: 1998.
20. Массон В.М. Первые цивилизации. – Л.: 1989.
21. Массон В.М. Культурогенез Древней Центральной Азии. – СПб.: Из-во С.Петербург. Ун-та, 2006.
22. Матбобаев Б.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Фарғона. //Ўзбек давлатчилиги тарихида қадимги Фарғона. Маъруза матнлари. – Наманган: 2001.
23. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия-Тохаристан. Древность и средневековье. – Ташкент: Фан, 1990
24. Павленко Ю.В. Раннеклассовые общества. Генезис и пути развития. – Киев: 1989.
25. Ртвеладзе Э. Цивилизации, государство, культуры Центральной Азии. – Ташкент: 2005.

26. История государственности Узбекистана. Ответ.ред. Ртвеладзе Э.В., Алимова Д.А. Т.1. – Ташкент: Узбекистан, 2009.
27. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Адолат, 2001.
28. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Т.: 1996.
29. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. – Тошкент: Университет, 2004.
30. Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. – Тошкент: Академия, 2006.
31. Сагдуллаев А.С. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т.: 2000.
32. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Узбекистана VII в до н.э. – VII в н.э. – Т.: 2000.
33. Тойнби А.Дж. Постижение истории – М.: Айрис Пресс, 2004.
34. Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. – Тошкент: 1995.
35. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Масъул муҳаррирлар: Д.Алимова, Э.Ртвеладзе. – Тошкент: Шарқ, 2001.
36. Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.
37. Эшов Б. Суғдиёна тарихидан лавҳалар. – Т.: 2002.
38. Эшов Б.Ж. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. – Тошкент: Фан ва технология, 2008.
39. Эшов Б.Ж. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012.
40. Қудратов С.С. Марказий Осиё ҳудудларида илк давлатларнинг пайдо бўлиши. – Гулистон: 1998.
41. Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бақтрия мисолида). Докт. дисс. автореф. – Самарқанд: 2009.
42. Матёқубов Х.Ҳ. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичида қадимги Хоразм. Ном.дисс. автореф.– Тошкент: 2012.
43. Голамреза Джавади. История государственного управления в Иране и Средней Азии в древности. Автореф. дисс. канд. ист.наук. – Душанбе: 2004.

5-МАВЗУ. БУЮК ИПАК ЙЎЛИ – МУЛОҚОТ ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИ[7]

Режа:
1. Энг қадимги йўллар.
2. Буюк Ипак йўли.
3. Ўрта асрлар даври йўллари.
4. Буюк Ипак йўли ва ҳозирги замон.

1. Энг қадимги йўллар

Ўтган мавзуларда таъкидлаганимиздек, бронза даврига келиб, Ўрта Осиёдаги тарихий-маданий тараққиётни тезлаштирган бир қанча жараёнлар бўлиб ўтди. Бронзанинг кашф этилиши ва жадаллик билан хўжалик ҳаётига кириб келиши, ўтроқ деҳқончилик хўжаликларининг ривожланиши натижасида янги ерларнинг ўзлаштирилиши, қишлоқларнинг ривожланиб илк шаҳарларга айланиши, бошқарув тизимининг янада мураккаблашуви, қадимги йўлларнинг шаклланиши ва ниҳоят, дастлабки улов ва транспорт воситаларининг пайдо бўлиши ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун улкан аҳамиятга эга бўлди. Айнан бронза давридан бошлаб Ўрта Осиёни Қадимги Шарқ дунёси билан боғлайдиган алоқа, савдо-транзит йўллари тизимининг пайдо бўлиши ва шаклланиши минтақанинг халқаро алоқалар тизимига қўшилишига асос бўлди.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, Яқин ва Ўрта Шарқдаги турли ўлкалар ва тарихий-маданий вилоятларни боғлаб турувчи маълум маънодаги карвон йўллари тартиби ҳамда маданий, сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий алоқалар илдизи неолит - энеолит даври билан боғланади. Чунки айнан мана шу даврда Ўрта Осиёда илк деҳқончилик маданияти пайдо бўлиб, янги ерлар ўтроқ аҳоли томонидан жадаллик билан ўзлаштириб борилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу жараён бронза даврига келиб янада кучаяди.

Бу даврга келиб Ўрта Осиёда кўп сонли қабилалар ва этник гуруҳлар жойлашган бўлиб, Қорақум ва Қизилқум чўлларининг ички ҳудудлари ҳамда Помир ва Олойнинг юқори минтақаларидан таш-

---

[7] Ушбу мавзу бўйича т.ф.д. Ў.М.Мавлонов муаллифлик ҳуқуқига эга.

қари барча ҳудудлар ўзлаштириб бўлинган эди. Бу ҳудудлардаги моддий маданият умумий ҳолатда икки гуруҳга – чорвачилик хўжалиги соҳиблари бўлган Андроново тарихий-маданий жамоалари (шимолий минтақа) ва деҳқончилик хўжалиги юритган Намозгоҳ тарихий-маданий жамоаларига (жанубий минтақа) бўлинади. Улар ва уларга қўшни бўлган ҳудудлар ўртасида турли алоқалар мавжуд эди. Ушбу алоқалар чорвадор ва ўтроқ деҳқончилик аҳолиси ўртасида алмашинув-савдо муносабатларининг жадаллашувига имконият яратди. Маълум ҳудудларда тайёрланган маҳсулотлар ёки хом ашёнинг бошқа ҳудудлардан топилиши шу жараёндан далолат беради. Мисол учун, Андроново маданиятига хос идишлар Марғиёна, Бақтрия, Суғдиёна ҳудудларидан топилган бўлса, Хоразмда тайёрланган сопол ва металл буюмлар шимолий ҳудудларда кўплаб учрайди. Замонбобо ва Гужайли ёдгорликларидан Бадахшон ложувардидан тайёрланган маҳсулотлар топилган.

Таъкидлаш лозимки, бронза даврида Ўрта Осиёни Қадимги Шарқнинг цивилизация марказлари билан боғлайдиган дастлабки савдо-транзит йўлларининг пайдо бўлишида иқтисодий омиллар муҳим аҳамият касб этган. Масалан, Қадимги Шарқ цивилизацияси ўчоқларига Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларидан, аввало, Суғдиёна ва Бақтриядан олиб кетиладиган металл ва нометалл маҳсулотлар, қимматбаҳо тошлар ва нодир минералларга талаб катта бўлган. Бундай маҳсулотлар ичида Қадимги Шарқда юксак қадрланган Бадахшон ложуварди, айниқса, катта аҳамиятга эга эди.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, қадимги савдо-транзит йўллари бронза давридаёқ пайдо бўлади. Кўпчилик тадқиқотчилар бу йўлни «Ложувард йўли» деб атайдилар. Бу йўл тоғли Бадахшондан бошланиб Месопотамия, Миср, Ҳиндистон ҳудудигача етиб борган эди. Бу даврдаги Ўрта Осиёнинг савдо йўлларидан бири Бақтрия ва Марғиёнани Қадимги Хоразм, Суғдиёна, Марказий Қозоғистон ва Урал билан боғлаган.

Мил. авв. III минг йилликда Месопотамияда Бадахшон ложуварди машҳур бўлган. Шумер ва Аккаддаги тарихий-археологик тадқиқотлар натижасида топилган ложуварддан ясалган турли буюмлар шундан далолат беради. Ундан ташқари, Месопотамиянинг Урук, Ур, Киш, Лагаш шаҳарларидан Бадахшон ложувардидан ясалган турли буюмлар топилган. Шумер сопол битикларида ҳам узоқ тоғли

ўлкадан олтин, кумуш ва ложувард олиб келингани ҳақида маълумот сақланган. Демакки, бронза давридаги яна бир йўл Бадахшондан жануби-шарққа томон Афғонистон орқали Ўрта Осиёнинг қадимги халқларини Месопотамиянинг шаҳар-давлатлари билан боғлаган.

«Ложувард йўли»нинг яна бир йўналиши мил.авв. II минг йилликда Амударёнинг юқори оқимидан Эрон ҳудуди орқали Кичик Осиёга ҳам кириб борган. Кичик Осиёдаги машҳур Троя шаҳри харобаларидан Бадахшон ложувардидан тайёрланган буюмларнинг топилиши шундан далолат беради. Бронза даврининг яна бир йўли Ўрта Осиёнинг жанубидаги Бақтрия ва Марғиёнани Ҳиндистондаги Хараппа ва Моҳинжо-Даро, Эрондаги Шаҳри Сўхта, Афғонистондаги Мундигак каби маданият марказлари билан боғлаган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Бадахшондаги ложувард конларидан бошланган бу йўл Амударёнинг чап қирғоғида, Кўкча дарёсининг Амударёга қуйилиш жойидан шимолроқда жойлашган Шўртўқай макони орқали ўтган ва бу ердан бир неча тармоқларга бўлинган.

Мил.авв. II минг йилликка келиб Фарғона ва Шош ҳудудлари ҳам Қадимги Шарқ билан алоқалар ўрнатади. Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, бу даврда Месопотамия шаҳарларидан чиққан савдо йўллари Эрон ва Жанубий Туркманистон орқали Бақтрия ва Суғдиёнадан ўтиб Фарғонага келган. Бу йўлнинг бир тармоғи Фарғонадан ғарбга Қозоғистон чўллари орқали Урал ва Волга бўйига кетган. Яна бир тармоғи эса Фарғонадан шарққа, довон орқали Синцзян, Шимолий Хитойга кетган. Бу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бизга маълум бўлган маълумотлар мил.авв. II минг йиллик охирларига келиб, Ўрта Осиё ва Хитой ўртасида қизғин алоқалар йўлга қўйила бошланганидан далолат беради. Хусусан, хитойлик археологлар Тяншаннинг жанубий ёнбағирларидаги сўнгги бронза-илк темир даврига оид Укунбака (Циньбака) маконидан Ўрта Осиёдан келтирилган темир ўроқ ва дастали бронза ойна каби буюмларни топганлиги ҳам минтақанинг Шарқий Туркистон билан алоқаларининг қадимийлигини асослаб берди. Қадимги хитойлик деҳқонларнинг бу маконидан нақши ва шаклига кўра Чуст ва Бургулик маданиятлари сопол идишларига ўхшаш идишларнинг топилиши эса Ўрта Осиё ва Хитойнинг қадимги алоқаларидан ва бу алоқаларда қадимги Чоч воҳаси ва Фарғона водийсининг тутган ўрнидан далолат беради.

Ўқувчилар эътибор беришлари лозимки, Ўрта Осиёнинг Қадимги Шарқ цивилизацияси марказлари билан олиб борган алоқаларида нафақат қимматбаҳо тошлар, биринчи галда ложувард катта ўрин тутган, балки бу алоқалар бронза давридан бошлабоқ иқтисодий-маданий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган эди. Мил. авв. III–II минг йилликларга келиб, Ўрта Осиёнинг Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Месопотамия, Миср каби ҳудудлар ва ўлкалар билан турли-туман алоқалари янада фаоллашади. Буни кўпгина ҳудудлардаги ибодатхоналар, шаҳарсозлик маданияти, сопол идишлар ва буюмлар, терракота ҳайкалчаларидаги ўхшашликлар мисолида ҳам кузатишимиз мумкин.

Сўнгги йиллардаги тадқиқотлар натижаларига кўра, бир-бирига нисбатан узоқда жойлашган ҳудудларда мавжуд бўлган, айрим жиҳатлари маҳаллий (локал) хусусиятга эга бўлган моддий маданиятдаги ўхшашлик ёки яқинлик ўша даврга оид алоқа йўллари ва ушбу йўллар бўйлаб олиб борилган иқтисодий-маданий алоқалардан далолат беради. Хусусан, Ўрта Осиёнинг жанубий ва марказий ҳудудларини Эрон ва Месопотамия билан боғловчи савдо-транзит ва алоқа йўллари мил.авв. II минг йилликда шаклланиб бўлган эди. Бу йўлларнинг асосий йўналишлари Жанубий Туркманистондаги Анов, Намозгоҳ ва Олтиндепа, Зарафшон воҳасидаги Замонбобо ва Саразм каби шаҳар ва қишлоқлардан ўтиб, Ўрта Осиёнинг ички ҳудудларига олиб келган.

Бу даврдаги Ўрта Осиёнинг ташқи иқтисодий ва маданий алоқаларини Шимолий Ҳиндистон мисолида ҳам кузатиш мумкин. Чунончи, Ҳинд дарёси водийсидаги цивилизация марказлари бўлган Хараппа ва Моҳинжо-Даро маданиятларининг Ўрта Осиёнинг жанубидаги илк шаҳар маданиятлари бўлган Олтиндепа ва Намозгоҳ билан иқтисодий-маданий алоқалари моддий топилмаларда, айниқса, яққол кўзга ташланади. Жанубий Туркманистон ва Ҳиндистондаги Хараппа маданиятига оид ёдгорликларда бир-бирига ўхшаш сопол ҳайкалчаларнинг учраши, Олтиндепанинг турли маданий қатламларидан фил суягидан ишланган буюмларнинг топилиши, баъзи сопол ва металлдан ишланган буюмларда Хараппа ва Моҳинжо-Даро маданиятининг таъсири борлиги ҳамда бошқа моддий маданият буюмлари ҳудудлар ўртасидаги фаол иқтисодий ва маданий алоқалардан далолат беради.

Ҳиндистоннинг Ўрта Осиё билан алоқаларидаги яна бир муҳим йўналиш йўли Шимолий Афғонистон ва Сурхон воҳасидаги бронза даври маконларидан – Дашли, Сополли, Жарқўтон кабилар орқали ўтиб минтақанинг ички ҳудудларига олиб келган. Тадқиқотларга кўра, бу йўналишдаги алоқа йўли бўйлаб мил.авв. II минг йилликда олиб борилган иқтисодий-маданий алоқаларни Сополлитепа қишлоғидан топилган тош ва металлдан ясалган бургут тасвирли муҳрлар ҳамда Жарқўтон кўҳна шаҳридаги моддий маданият буюмлари ҳам тасдиқлайди.

Таъкидлаш лозимки, Зарафшоннинг юқори оқимидаги Саразм маданиятига оид турли топилмалар ичида Ҳинд океанида учрайдиган чиғаноқдан ясалган тақинчоқ ва мунчоқлар, шимоли-ғарбий Ҳиндистондаги қадимги сопол буюмларга ўхшаш кулолчилик маҳсулотлари учрайди. В.М.Массоннинг фикрича, бу топилмалар Саразм макони шаклланишида Ҳинд дарёси водийсидан кўчиб келган аҳоли ҳам сезиларли ўрин тутганлигини, хусусан, бу манзилгоҳ харапаликларнинг Ўрта Осиё тоғларида мавжуд бўлган полиметалл рудаларни ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжларини қондиришда катта аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатади.

Узоқ йиллар мобайнида Ўрта Осиёнинг қадимги йўллари масалалари бўйича илмий изланишлар олиб борган Ў.Мавлоновнинг тадқиқотлари хулосаларига кўра, энеолит ва бронза даврида Ўрта Осиёда ички ва ташқи иқтисодий-маданий алоқаларга хизмат қилган йўллар тизими шаклланади. Минтақадаги асосий алоқа йўллари асосан тоғ довонлари, дарё водийлари, дашт ва чўллар орқали ўтган йўллардан кенг фойдаланиш бошланади. Бунинг натижасида қадимги аждодларимизнинг минтақа табиати ва географик ҳолати ҳамда жойлашуви хақидаги, шу билан биргаликда, қўшни ўлкалар тўғрисидаги тасаввурлари ҳам кенгайиб борди. Бу амалий билимлар, ўз навбатида, **маҳаллий, минтақавий ва трансминтақавий алоқа** йўллари шаклланишига асос бўлди.

Энг қадимги йўлларнинг биринчи гуруҳига маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўллар кирган бўлиб, улар аввало, ўтроқ деҳқончилик марказларини деҳқончилик қилинадиган ер майдонлари, ов қилинадиган ҳудудлар, хом ашё захиралари мавжуд бўлган жойлар, сув манбалари ва бошқалар билан боғлашга; ягона маданиятга мансуб маконларнинг ўзаро алоқаларини таъминлашга; чорвадор қабилалар

хўжалигида муҳим ўрин эгаллаган қишлоқ-яйлов-қишлоқ йўналишдаги ҳаракатни бошқаришга ҳизмат қилган.

Минтақавий аҳамиятга эга бўлган иккинчи гуруҳ йўллари, аввало, Ўрта Осиёдаги энеолит ва бронза даврига мансуб турли маданиятларнинг ўзаро алоқаларини таъминлашга хизмат қилган. Минтақанинг ички иқтисодий-маданий тараққиётида муҳим ўрин тутган кўп тармоқли бу йўллар йўналишлари Ўрта Осиё ўтроқ воҳалари ўзлаштирилишига мос равишда кенгайиб борган. Минтақавий алоқа йўллари бўйларида маҳаллий қабилалар ва халқлар назоратида бўлган турли иншоотлар ва тегишли инфратузилмалар шаклланиб, илк улов ва транспорт воситаларидан фойдаланишга ўтилади.

Энг қадимги йўлларнинг учинчи гуруҳи трансминтақавий аҳамиятга эга бўлган йўллардир. Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида металл ва нометалл қазилма бойликлари ҳамда бошқа хом ашё захираларининг мавжудлиги ва Қадимги Шарқ мамлакатларида уларга бўлган катта талаб, яъни иқтисодий омиллар минтақада транзит аҳамиятга эга бўлган йўллар йўналишларининг пайдо бўлишига олиб келган эди. Ўрта Осиёни Ҳиндистон, Эрон ва Месопотамия орқали Олд Осиё, Миср, Шарқий Туркистон ва Хитой ҳамда минтақа шимолидаги даштлар орқали Сибир ва Уралорти ҳудудлари билан боғловчи транзит йўллар – алоқа йўллари тизимининг энг муҳим қисми бўлиб, бу йўллар орқали олиб борилган иқтисодий-маданий алоқалар Ўрта Осиёда цивилизация марказларининг пайдо бўлиши, аввало, илк шаҳар маданиятининг шаклланиши, кейинчалик, давлатчилик жараёнлари тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган эди.

Мил.авв. I минг йилликнинг бошларига келиб Ўрта Осиёда темир металлургиясининг пайдо бўлиши ва кенг ёйила бошлаши минтақадаги кўпгина йирик дарёлар воҳаларида суғорма деҳқончиликнинг кенг ёйилиши, янги ерларнинг ўзлаштирилиши, қадимги шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва илк давлатларга асос солиниши, бепоён даштларда ва тоғ олди ҳудудларида кўчманчи чорвачиликнинг ривожланиши ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги бошқа ўзгаришларда катта аҳамият касб этган эди. Бу даврнинг Ўзбекистон тарихи учун энг муҳим хусусияти шундаки, бу даврда Ўрта Осиё ҳудудларида бир нечта тарихий-маданий вилоятлар – Бақтрия, Хоразм, Марғиёна, Суғдиёна, кейинроқ Фарғона, Чоч кабилар шаклланиб, уларнинг

айримлари (Бақтрия давлати, Қадимги Хоразм) йирик давлат уюшмаларига бирикадилар.

Бу даврга келиб Ўрта Осиёнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаётида бўлиб ўтган янгиликлар ва ўзгаришлар қадимги савдо-транзит йўллари тармоқларининг кенгайиши ва алоқа йўлларининг янги йўналишлари пайдо бўлиши учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Бу даврдаги тор доирадаги ҳудудларни боғловчи ички алоқа йўлларидан ташқари **Дашт йўли, «Олтин йўли», «Шоҳ йўли»** кабилар минтақадаги иқтисодий ва маданий ҳаёт тараққиётини таъминлаган эди.

Илк темир даври ички алоқа йўллари йўналишларини аниқлаштиришда минтақадаги бу давр маконлари жойлашуви катта аҳқамиятга эгадир. Археологик тадқиқотлар ва ёзма манбалар маълумотлари натижаларига кўра, мил.авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёнинг жанубий ва шимоли-шарқий ҳудудлари бир неча йўналишдаги алоқа йўллари тизими билан ўзаро боғланган эди. Улар орасида Парфиядаги Улуғдепа, Улкандепа ва бошқаларни, Жанубий Туркманистондаги Сарахс воҳасидан Марғиёна орқали Қадимги Хоразм, Суғдиёна ва Бақтрияга элтувчи йўллар катта аҳамиятга эга.

Мурғоб воҳасини Амударёнинг ўрта оқимидаги кечувлар орқали Суғдиёна билан боғлаган алоқа йўли Марғиёнадаги Ёздепадан бошланиб, Тоҳирбой воҳасидаги маконлар орқали Амударёнинг ўрта оқимида жойлашган Одойдепага олиб келган. Бу ерда Мурғоб воҳасидан келувчи йўл тармоқланган. Унинг бир йўналиши Амударёнинг чап қирғоғи бўйлаб Хоразм воҳасига, иккинчиси шу кечув орқали Зарафшон дарёсининг қуйи ва ўрта оқими томон кетган.

А.Сагдуллаев ва Э.Ртвеладзеларнинг фикрича, Ўрта Осиёнинг илк темир даври савдо-транзит йўллари тизимида Марғиёнани Қадимги Бақтрия ҳудуди билан боғловчи йўллар ҳам катта аҳамиятга эга эди. Сурхон воҳаси ва Жанубий Тожикистон ҳудудларида (Шимолий Бақтрия) бу даврдаги аҳоли пунктлари, асосан, дарёлар ва уларнинг ирмоқларидаги бир қанча деҳқончилик воҳалари бўйлаб жойлашган бўлиб, ҳар бир деҳқончилик воҳаси йирик шаҳар типидаги макон атрофида жойлашган мустаҳкамланган қўрғонлар ва қалъаларга эга эди. Марғиёнани Шимолий Бақтрия билан боғлаган алоқа йўли Жанубий Бақтрия орқали (Шимолий Афғонистон) ўтган. Бу ҳудудлардаги илк темир даврига оид Тиллатепа, Маймана, Давлатобод,

Шибирғон ва Оқча маконлари мазкур алоқа йўлининг муҳим оралиқ пунктлари ҳисобланган. Шимолий Афғонистондан йўл Амударёдаги Чўчқагузар ва Шўроб кечувлари орқали Сурхон воҳаси ва Жанубий Тожикистонга ўтган.

Бу даврда Бақтрия ва Марғиёнадан, Хоразмдан келган йўллар Самарқанд орқали Фарғона, қадимги Чоч воҳасига ва минтақа шимолидаги дашт ҳудудларга қараб кетган. Қадимги Бақтрия ва Хоразм Амударёнинг чап қирғоғи бўйлаб ўтувчи алоқа йўли орқали боғланган. Шунингдек, бу ҳудудларнинг ўзаро алоқалари Амударё сув йўли орқали ҳам олиб борилган. Суғдиёна ва Хоразм воҳасини боғлайдиган йўллар бир нечта йўналишда бўлган. Асосий йўналиш Зарафшон дарёси бўйлаб жойлашган маконлар орқали Амударёга олиб чиққан.

Мил.авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё жанубини Фарғона водийси, Тошкент воҳаси ва Уструшона ҳудудлари билан боғловчи алоқа йўлларининг бир неча йўналишлари фаолият кўрсата бошлайди. Ю.Буряковнинг фикрича, бу йўлнинг асосий йўналишларидан бири Фарғона водийси ва Чоч воҳасини ажратиб турувчи Чотқол-Қурама тоғларидаги довонлар орқали Ангрен ва Чирчиқ дарёлари бўйида жойлашган қадимги Чоч воҳасига олиб келган. Ҳозирги кунга қадар Чотқол-Қурама тоғ ён бағирларидан ва Сирдарёнинг воҳадаги асосий ирмоқлари Ангрен ва Чирчиқ дарёлари водийларидан Бургулик маданиятига оид кўплаб ёдгорликлар очиб ўрганилган. Улар Фарғона-Чоч-Суғдиёна алоқа йўлида жойлашган ёки бу йўл билан ёрдамчи тармоқлар орқали боғланган. Чунончи, Фарғонадаги Чуст ва Эйлатон ҳамда Тошкент воҳасидаги Бургулик маданиятларига оид маконлардан топилган моддий маданият буюмлари бу тарихий-маданий вилоятлар ўртасидаги доимий алоқалардан далолат беради.

Илк темир даври Ўрта Осиёнинг ташқи алоқаларида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу ҳолат, аввало, ташқи алоқалардаги иқтисодий омиллар билан бир қаторда, сиёсий манфаатдорлик билан ҳам боғлиқ эди. Чунки бу даврда қадимги шаҳарлар ривожланиб, илк давлатчилик шаклланаётган давр эди. Бу даврдаги Дашт йўли ҳақида гапирадиган бўлсак, бу даврда Ўрта Осиё ҳудудлари орқали ўтган савдо-транзит йўллари ичида Олтойдан бошланиб Эрон, Месопотамия, Арабистон ва Шимолий Африкага ҳамда Волга ва Урал

дарёлари оралиғидаги даштлардан Ҳиндистонга олиб борувчи йўллар муҳим аҳамиятга эга эди. Қора денгизнинг шимолидаги даштлардан Олтойга қадар чўзилган бу йўл тарихий адабиётларда «Дашт йўли» деб аталади. Бу йўл Қора денгиз шимолидаги савдо шаҳарларидан бошланиб, Дон дарёсининг қуйи оқимидан Танаис шаҳри, Қуйи Волгабўйи, Оролбўйи, Жанубий Қозоғистон орқали Юқори Иртиш ва Зайсан кўли ҳудудига, Олтой ва Шарқий Туркистонга олиб чиққан.

И.В.Пьянковнинг фикрича, Олтой халқлари тасвирий санъатида, Аҳамонийлар даври форс анъаналарининг пайдо бўлишида Ўрта Осиё транзит ҳудуд сифатида катта ўрин тутган бўлиши мумкин. Шунингдек, Олтойдаги Пазириқ мозор-қўрғонларидан топилган, жундан тўқилган гилам қолдиқлари ўз хусусияти билан Ўрта Осиё гиламларига ўхшаб кетишини, машҳур «Амударё хазинаси»даги олтин буюмлардаги тасвирларни Пазириқдан топилган матодаги тасвирлар билан ўхшашлик топишини ҳудудлар ўртасидаги алоқалар билан изоҳлаш мумкин.

Мил.авв. I минг йилликнинг бошларига келиб Олтойни Оссурия ва кейинчалик Аҳамонийлар давлати марказий шаҳарлари билан боғлайдиган йўлларнинг икки йўналиши – кўчманчилар ҳудудлари орқали ўтувчи Дашт йўли ва Ўрта Осиё ҳудуди орқали ўтувчи йўл фаолият кўрсатган. Олтойнинг Осиё давлатлари ва Месопотамия билан маданий алоқаларини тўқимачилик, тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик намуналари мисолида кузатиш мумкин. Олтойдаги Пазириқ, Башадар, Туэктин каби мозор-қўрғонлардан топилган гиламлар, кийимлар, ҳайкалчаларда Олд Осиё ва Месопотамия, Эрон ва Ўрта Осиёга хос тасвирларнинг учраши бу алоқаларнинг анча кенг кўламли бўлганлигидан далолат беради.

Қадимги Шарқ давлатларида қимматбаҳо ва нодир металлар ҳисобланган олтин ва кумушга бўлган талаб Аҳамонийлар давридан олдинроқ, илмий адабиётларда «Олтин йўли» деб ном олган минтақалараро алоқа йўли пайдо бўлишига сабаб бўлган эди. Тоғли Олтойдаги олтин конларидан бошланиб, Ўрта Осиё орқали Ҳиндистон ва Эронга борувчи бу йўл қадимги даврнинг катта сиёсий ва стратегик аҳамиятга эга бўлган йўлларидан ҳисобланган. Бу даврда минтақамиз ҳудудларида сиёсий бирлашмалар, тарихий-маданий вилоятлар, илк давлат уюшмалари шаклланиб, қадимги шаҳарлар ривожла-

наётган давр эканлигини ҳисобга олсак, бу йўлнинг давлатчилик тараққиётидаги аҳамияти жуда катта бўлганлиги кузатилади.

Сўнгги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар ва уларни мавжуд ёзма манбалар маълумотлари билан солиштириш натижасида Олтойда кончилик ишлаб чиқариш, олтин қумларни тозалаш сўнгги бронза ва илк темир даврига тўғри келиши, Олтойдаги қабилалар «олтин қўриқловчи грифлар» деб аталиши, Олтой халқларининг ташқи алоқаларида олтин қазиб олиш етакчи ўринда турганлиги ҳақида маълум тасаввурларга эга бўлиш мумкин. Ў.Мавлоновнинг тадқиқотларига кўра, Олтой ва Гоби саҳроси (ёки Тибет) ҳудудларидан қазиб олинадиган олтиннинг жанубга келтирилиш йўналишлари қуйидагича бўлиши мумкин:

– Олтой - Шарқий Туркистон - Еттисув - Суғд - Бақтрия;

– Олтой - Шарқий Туркистон - Фарғона водийси - Чоч воҳаси - Уструшона - Суғд - Бақтрия;

– Олтой - Гоби саҳроси - Тибет - Помир тоғ довонлари (Вахон йўлаги) - Бақтрия.

Ўрта Осиёнинг жануби ва марказий ҳудудларининг Сибирь, Олтой ва Шарқий Туркистон билан алоқаларида ўзининг жойлашувига кўра Тошкент воҳаси ва Еттисув оралиқ ҳудудлар сифатида катта аҳамиятга эга бўлган эди. Ю.Буряковнинг фикрича, Тошкент воҳасидаги илк темир даврига оид маконлардан топилган бронзадан ясалган бурама пичоқлар Сибирдаги Қорасук маданиятига тегишли маконларда ҳам учраши Ўрта Осиё - Сибирь ҳудудлари ўртасидаги алоқалар йўналишлари ва бу алоқаларда қадимги Чоч воҳасининг тутган ўрни ҳақида муҳим маълумотлар беради.

А.Сагдуллаевнинг тадқиқотларига кўра, илк темир даврида Ўрта Осиёнинг Ҳиндистон билан алоқалари давом этган бўлиб, бу алоқалар олиб борилган йўллар йўналишларида бирмунча ўзгаришлар рўй беради. Бу даврда Ҳинд дарёси водийсини Ҳиндиқуш тоғ довонлари орқали Амударёнинг юқори оқими билан боғловчи йўл Хонобод-дарё ва Қундуз ёки Дарёи Банги-Панж дарёлари водийлари бўйлаб ўтган. Бу оралиқда Калафаган, Кўкча, Ойхоним, Рустак, Янги қалъа каби илк темир даврига оид маконларнинг топилиши бу алоқа йўли йўналишларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мил.авв. I минг йилликнинг биринчи ярмига келиб Греция ва Мисрдан Ўрта Осиё ва Ҳиндистонга қадар улкан ҳудудларда ташкил

топган Аҳамонийлар давлати кўпгина давлатлар, халқлар ва элатларнинг ҳар томонлама алоқаларида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Доро I ҳукмронлиги даврида «Шоҳ йўли» номини олган савдо-гранзит йўли ўз фаолиятини бошлаган эди.

Аҳамонийлар давлати таркибига кирган Ўрта Осиё қадимги тарихий-маданий вилоятларидаги шаҳар ва қишлоқлардан Персепол, Суза ва империянинг бошқа шаҳарларига элтувчи савдо-транзит йўллари мил.авв. VI–IV асрларда минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган эди. Бу йўлнинг бир тармоғи мил.авв. VI–IV асрларда Кичик Осиё шаҳарларини ҳамда Ўрта Ер денгизи бўйидаги Эфес, Сарди шаҳарларини Эроннинг марказларидан бири – Суза билан боғлаган бўлса, яна бир тармоғи Эрондан Бақтрия орқали ўтиб Олтойгача борган. Бақтра – Марв –Ниса – Экбатан – Персепол – Суза йўналишидаги марказий алоқа йўлига Ўрта Осиёнинг шимолидан, Қадимги Суғд шаҳарларидан, минтақанинг шимолидаги кўчманчи чорвадорлар эгаллаган ҳудудлардан келувчи йўллар Бақтриядан келувчи йўлга Мурғоб воҳасининг марказий шаҳри бўлган Марвда қўшилган бўлиб, бу шаҳар «Шоҳ йўли»нинг муҳим бўғинини ташкил этган.

Хуллас, мил.авв. I минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб мавжуд «Дашт йўли», «Олтин йўли», «Шоҳ йўли» кабилардан нафақат турли қабилалар ва халқларнинг бир ҳудуддан бошқа ҳудудга кўчишида, турли ҳудудларда яшовчи қабилаларнинг ўзаро маданий ва иқтисодий алоқаларида, балки ҳарбий-сиёсий мақсадларда ҳам изчил фойдаланилган. Бу ҳолат аввал Аҳамонийлар, сўнгра эса Александр Македонский юришлари йўналишларида яққол кузатилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, энг қадимги даврларда савдо карвонлари минг-минглаб километрга чўзилган йўллар орқали кўзлаган манзилига ўша давр нуқтаи назаридан етиб боргани шубҳали бўлсада, маҳсулот айирбошлаш қабиладан қабилага, тумандан туманга, вилоятдан вилоятга, воҳадан воҳага ўтиб, кенг ҳудудларни қамраб олганлиги бугунги кунда илмий жиҳатдан асосланган. Ушбу ҳудудлар тизимида Ўрта Осиё ҳудудида яшаган қадимги қабилалар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг саъй-ҳаракатлари ва фаолиятлари натижаси ўлароқ, минтақада илк шаҳар маданияти шаклланиб, дастлабки давлат уюшмаларига асос солинди. Бу жараёнда қадимги савдо-транзит ва маданий алоқалар йўлларининг аҳамияти беқиёсдир.

2. Буюк Ипак йўли

Нафақат ўзбек халқи, балки дунёдаги кўпгина халқлар давлатчилиги тарихида, ривожланиш босқичларида Буюк Ипак йўлининг аҳамияти катта бўлган эди. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, мил.авв. III асрнинг охири – II асрнинг ўрталаридан бошлаб, Хитой сайёҳи ва дипломати Чжан Цзян хитойликлар учун илк марта Ғарбий ўлка – Ўрта Осиё вилоятларига йўл очган даврдан бошлаб Буюк Ипак йўли шаклланади. «Буюк Ипак йўли» деган ном ўша даврларда Ғарб давлатлари учун жуда қимматбаҳо ҳисобланган ипак маҳсулотлари билан боғлиқдир. Аммо бу дегани ушбу йўлдан фақат ипак маҳсулотлари олиб ўтилган, деган маънони бермайди. Тадқиқотчилар ипак қуртидан ипак олиш сирларини хитойликлар бундан беш минг йил илгари ўзлаштирган, деб ҳисоблайдилар. Айрим тадқиқотчилар ипакчиликнинг ватани Ҳиндистоннинг тоғли туманлари, Ғарбий Ҳимолай ва ҳатто Эрон деб ҳисобласалар-да, ипакнинг ватани Шимолий Хитой, аниқроғи Шандун вилояти эканлиги аксарият олимлар ва хитойшунослар томонидан эътироф этилган.

Хитой элчиси ва дипломати томонидан очилган бу йўл аслида иккита буюк йўлни бирлаштирган эди. Улардан бири – Ғарбдан, Ўрта Ер денгизи ҳудудларидан Ўрта Осиёга келган бўлиб, Александр Македонский ва Салавкийлар саркардаси Демодам юришлари даврида Яксарт – Сирдарёгача чўзилган. Иккинчиси эса Шарқдан, Хан империясидан Ўрта Осиёга йўналган бўлиб, Чжан Цзян бу йўл бўйлаб шимолдан Даван, Қанғ, Суғд, Бақтрия орқали жанубга чиққан эди. Иккита буюк цивилизация – Ғарб ва Шарқ цивилизацияларини бирлаштиришда бу йўллар устида жойлашган Ўрта Осиё халқлари фаолияти катта аҳамиятга эга бўлди. Хитой ва Юнон-рим манбаларининг маълумот беришича, пайдо бўлган давридан бошлабоқ бу йўлдан савдо карвонлари ва дипломатик элчилар қатнай бошлаган. Бу йўл XIX асрнинг иккинчи ярмида (1877 йилда) немис олими Фердинанд Паул Вильгельм Рихтгофен томонидан дастлабки марта «Ипак йўли» деб ном олди ва кейинчалик бутун дунё тадқиқотчилари томонидан «Буюк Ипак йўли» деб эътироф этилди.

Бу йўлнинг қисқача тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Хан империясининг У-Ди ҳукмронлиги даврида (мил.авв. 140–86 йй.) Хитойнинг ғарбий томонидаги ҳудудларга бўлган қизиқиш кучаяди.

Хитойликлар бу ҳудудларда ўша даврда анча хавфли бўлган ҳарбий кучлар – хуннлар билан тўқнашадилар. Хуннларга қарши курашда иттифоқчилар топиш ва улар билан ҳарбий иттифоқ тузиш мақсадида император У-Ди мил.авв. 138 йилда юқорида номи тилга олинган дипломат, саёҳатчи ва савдогар Чжан Цзянни Ўрта Осиёга жўнатади. Чжан Цзян бир неча йил хуннлар қўлида асирликда бўлади ва мил.авв. 128–126 йилларда Даван (Фарғона)га келади. Даван ҳукмдорлари билан ҳарбий иттифоқ тузишда муваффақиятсизликка учраган Чжан Цзян кўп кийинчиликлардан сўнг юртига етиб келади. Унинг миссияси Хитой учун Ғарбий ўлкаларга чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Кейинчалик Хитой императори билан Даван ҳукмдорлари ўртасида қонли урушлар бўлиб ўтди. Бу урушларга асосий сабаб хитойликларни ҳайратга солган Даван «самовий отлари» эди.

Мил.авв. 101–105 йилларда император У Ди Парфия (Хитой манбаларида Аньси деб эслатилади) подшоҳларига, Қанғ ҳукмдорларига, кейинроқ эса Бақтрия (Кушонлар) ерларига ўз элчиларини жўнатиб, улар билан дипломатик – савдо алоқаларини ўрнатади. Шу тариқа мил.авв. II–I асрларда Шарқ билан Ғарбни боғловчи Буюк Ипак йўлига асос солинади. Ўз вақтида ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган бу йўлнинг дастлабки тармоғи Хитойдаги Сиань шаҳридан бошланиб, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистон, Месопотамия орқали Ўрта Ер денгизигача чўзилган. Евросиё материгининг катта қисми айнан Буюк Ипак йўлини ташкил этувчи тизим билан боғланиб, бу йўл орқали моддий ва маънавий бойликлар алмашинуви жадал олиб борилган. Бу ўринда Ўрта Осиёнинг қадимги тарихий-маданий вилоятлари ўзига хос воситачилик вазифасини бажарганлар.

Э.Ртвеладзенинг тадқиқотларига кўра, типологик жиҳатдан бу йўллар (иккита континент – Осиё ва Европани боғловчи Буюк Ипак йўли) континентал аҳамиятга эга бўлган йўллар (бир континентдаги турли минтақаларни боғлайдиган йўллар, масалан, Бақтрия ва Ҳиндистон, Бақтрия ва Хитой); минтақавий аҳамиятга эга бўлган йўллар (Ўрта Осиё континентининг ички ҳудудларини боғлайдиган йўллар, масалан, Бақтрия ва Суғд, Бақтрия ва Хоразм); вилоят аҳамиятига эга бўлган йўллар (маълум тарихий - маданий вилоят ичидаги йирик аҳоли пунктларини боғлайдиган йўллар, масалан, Афросиёб ва Кўктепа, Узунқир ва Еркўрғон); маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўллар

(шаҳар ва атроф аҳоли пунктларини боғлайдиган йўллар); қишлоқлар ўртасидаги сўқмоқ йўлларга бўлинган. Олимнинг фикрича, турли йўллар ўртасидаги масофа турлича бўлиши мумкин. Мисол учун, континентлараро йўллар – 10 ва ундан ортиқ минг км., континентал йўллар – бир неча минг км., маҳаллий йўллар – бир неча ўн км., сўқмоқ йўллар – бир неча юз метрдан бир неча км.гача.

Буюк Ипак йўлининг Хитойдан Ўрта Осиёга келувчи йўналишида дастлабки ҳудуд сифатида Фарғона водийси муҳим ўрин тутган эди. Ушбу ҳудуд орқали ўтган транзит савдо йўллари йўналишлари бўйича кейинги йилларда кўплаб янги маълумотлар пайдо бўлдики, уларнинг таҳлилларига асосланиб, Фарғона водийсидаги йирик шаҳарларнинг бу трансминтақавий алоқа йўли йўналишларида тутган ўрни ва аҳамияти ҳамда бу давр Фарғона давлатчилиги ривожи ҳақида муҳим ҳулосалар чиқариш мумкин.

Хитой манбаларининг маълумот беришича, бу даврда Даван давлатида 70 дан ортиқ шаҳарлар мавжуд бўлиб, улар Буюк Ипак йўли йўналишларида жойлашган ёки улар билан маҳаллий аҳамиятга молик йўллар орқали боғланган эди. Бу шаҳарлар Буюк Ипак йўли шаклланган дастлабки даврлардан бошлаб Фарғона водийсининг муҳим иқтисодий ва маданий марказлари, айримлари (Эрши, Шўрабашат) эса сиёсий-маъмурий марказлар сифатида минтақанинг ички ва ташқи алоқаларида фаол иштирок этиб келган.

Буюк Ипак йўлининг Фарғона водийси шаҳарлари орқали ўтган асосий йўналишлари Ашт даштлари орқали Хўжандга ёки Чотқол тоғларидаги Камчиқ ва Резак довонлари орқали Чоч воҳасига олиб келган. Бу йўллар Оҳангарон ва Чирчиқ дарёси водийларидаги шаҳарлар ва маконлар орқали Сирдарёдаги муҳим кечувлар томонга йўналган. Тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, мил.авв. III—II асрларда Тошкент воҳасида кейинги даврлар учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар бўлиб ўтади ва бу жараёнда алоқа йўлларининг аҳамияти улкан бўлди. Бу ҳолат биринчи галда воҳанинг қудрати Қанғ давлати шаклланган ҳудуд сифатидаги ўрни билан ҳамда қадимги шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий, маъмурий-сиёсий аҳамияти ошиб бориши билан изоҳланади.

Тошкент воҳасидаги қадимги шаҳарларнинг Сирдарёнинг ўнг қирғоқ ҳудудларида, Оҳангарон ва Чирчиқнинг қуйи оқимларида

шаклланганлигидан хулоса чиқарган айрим тадқиқотчилар воҳада урбанизация жараёнлари бошланишида қўшни Суғднинг таъсири катта бўлган деб ҳисоблайдилар. Ўз навбатида, Ўрта Осиёнинг бу икки тарихий-маданий вилоятлари ўртасидаги қизғин иқтисодий-маданий муносабатлар ҳамда воҳани Суғдиёна билан боғловчи алоқа йўллари жадал фаолият кўрсатганлиги таъкидланади.

Уструшона ва Тошкент воҳасидан Зомин ва Жиззах орқали келган савдо йўли Суғдиёнанинг пойтахти Афросиёб (Самарқанд)га олиб келган. Бу шаҳарнинг ўша давр Ўрта Осиёнинг ички ва ташқи иқтисодий ва маданий алоқаларида муҳим ўрин тутган йирик савдо йўллари чорраҳасида жойлашганлигини алоҳида таъкидлаш лозимдир. Афросиёбдан Амударё кечувларига томон кетувчи йўллар бу даврда Жанубий Суғд, ҳозирги Қашқадарё вилояти ҳудудлари орқали ўтган. Кеш (Узунқир), Никшапа (Ерқўрғон), Нахшаб каби йирик шаҳарлар воҳанинг ички ва ташқи иқтисодий-маданий алоқаларида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Суғдиёнадаги йўллар Буюк Ипак йўли шаклланиб, минтақанинг ташқи иқтисодий алоқалари ривожланиб боришига мос равишда кенгайиб боради. Самарқанддан қуйи Қашқадарё воҳаси орқали Амударёнинг ўрта оқимидаги кечувларга олиб чиқувчи йўллар Суғдиёнанинг минтақавий аҳамиятга эга карвон йўллари эди. Бу давр Зарафшон дарёсининг қуйи қисмига, Бухоро воҳасига чиқувчи йўлларда ҳам қизғин алоқалар давом этган. Бу давр Хоразм воҳасидаги асосий пунктлар – шаҳарлар, қалъалар, қўрғонлар Амударёнинг қуйи оқимидан дарёнинг ҳар иккала қирғоғига чиқилган йирик каналлар бўйлаб жойлашган эди.

Сурхон воҳасида (Шимолий Бақтрия) минтақавий аҳамиятга эга бўлган йўллар билан боғланган Термиз шаҳри алоҳида аҳамиятга эга. Амударёдан кечув жойида жойлашган бу кўҳна шаҳар минтақанинг марказий ҳудудларини Шимолий Афғонистон ва Ҳиндистон шаҳарлари билан боғлайдиган муҳим халқаро савдо-транзит йўли устида эди. Ундан ташқари, бу шаҳар Амударё суви йўлидаги муҳим пунктларга эгалиги билан ҳам бошқа шаҳарлардан ажралиб туради.

Ипак йўлининг Бухорога келган тармоғи иккига бўлинган. Бу тармоқнинг жанубий йўналиши Бухоро - Қарши - Ғузор - Кеш - Термиз орқали Ҳиндистонга ўтиб кетган. Нишопурдаги тармоқларидан бири Теҳрон - Қазвин - Ҳамадон - Бағдод - Палмира йўналиши бўйлаб

Ўрта Ер денгизи бўйидаги Тир шаҳригача чўзилган. Умуман олганда, Буюк Ипак йўлининг жанубий тармоғи Ўзган орқали Ўшга ўтиб, Қува - Марғилон - Қўқон орқали Хўжанд, Самарқанд, Бухорога қадар борган. Шимолий йўналиши эса Хазар хоқонлиги ва Булғор давлати орқали Киев Руси ва Европа мамлакатларига бориб, бу тармоқ VI асрдан бошлаб ривожлана бошлаган. Юқорида таъкидлаганимиздек, Ипак йўлининг асосий карвон йўлларидан ташқари ички савдо йўллари ҳам мавжуд эди.

Хуллас, мил.авв. I минг йилликнинг охири – милодий I минг йилликнинг бошларига келиб, Тинч океанидан Атлантика океанига қадар чўзилган улкан географик ҳудуд – маданияти юксак даражада ривожланган цивилизацияларнинг ягона тизимига бирлашади. Бу ҳудудда жойлашган давлатлар – Хитойдаги Хан салтанати, Кушон подшоҳлиги, Канғ давлати, Парфия давлати, Рим салтанатининг чегаралари ушбу йўллар орқали бир-бирига туташ эди. Ўз даврининг бундай забардаст салтанатлари ва цивилизациялар марказлари инсоният тарихида биринчи бўлиб «Буюк Ипак йўли» деб номланувчи бир йўл билан боғландилар. Умумий узунлиги 12 минг километр бўлиб, Хитойдан Ўрта Ер денгизининг шимолий қирғоқларига қадар чўзилган бу йўл орқали кўпгина халқлар ва элатлар, жумладан, қадимги Ўзбекистон ҳудудларида яшаган халқлар ҳам турли томонлама муносабатлар ўрнатдилар. Подшоҳларнинг ўзаро элчилар юборишлари, бир-бирларига ҳар хил совғалар инъом этишлари анъанага айланди. Шарқ билан Ғарб маданиятининг бир-бирига таъсири кучайди. Ўша даврдаги кўплаб маданий ўхшашликлар ҳам шу туфайли юзага келди.

Агар географик харитага эътибор берадиган бўлсак, Ўрта Осиёни қадимги цивилизациялар ўзаро алоқалар тизимининг марказида жойлашганлигини кузатишимиз мумкин. Айнан мана шундай географик жойлашув туфайли қадимги Ўрта Осиёда муҳим этник жараёнлар (ҳинд-европа, ҳинд-эроний, туркларнинг кўчиши, кўчманчилар миграцияси) бўлиб ўтишига, маданиятларнинг ўзаро таъсир доираси фаоллашувига кенг имкониятлар яратилди. Буюк Ипак йўли бўйлаб кенг миқёсдаги савдо-сотиқ жараёнлари бўлиб ўтди, дипломатик шартномалар ҳамда ҳарбий иттифоқлар тузилди. Осиёнинг ичкарисига ва Узоқ Шарққа ҳарфий ёзув ва дунё динларининг (буддавийлик, христианлик, зардўштийлик, моний, ислом) ёйилишида

Ўрта Осиё халқлари улкан ҳисса қўшдилар. Буюк Ипак йўли фақат карвон йўли бўлибгина қолмасдан, Евросиё халқлари цивилизациясида, жумладан, ўзбек халқи давлатчилиги ривожи ҳамда бошқарув тизимининг такомиллашувида, шаҳарлар ва маданиятлар тараққиёти тарихида ўчмас из қолдирган жараёндир.

3.Ўрта асрлар даври йўллари

Ўрта Осиё ҳудудлари орқали ўтган қадимги савдо карвон йўллари ўрта асрлар даврида ҳам ички ва ташқи халқаро иқтисодий, маданий ва дипломатик алоқаларда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Илк ўрта асрларда суғдлар, ривожланган ўрта асрларда Мовароуннаҳр ва хоразмликлар, сўнгги ўрта асрларда бухороликлар ва хиваликлар халқаро алоқаларда катта ўрин тутиб, турли ҳудудлар халқларини ўзаро боғлашда асосий воситачи бўлган эдилар.

Милоднинг III асри иккинчи ярми – IV асрда Ўрта Осиёнинг ўтроқ деҳқончилик воҳаларига кўчманчи халқлар – кидарийлар, хионийлар ва эфталийлар бостириб кирадилар. Бунинг натижасида кўчманчи ва ўтроқ халқлар ўртасида қонли урушлар бошланиб, этник ҳудудлар ўзгаради, эски сулолалар инқирозга учраб, янгилари пайдо бўлади, маданиятлар ўзгариб, янги ижтимоий-иқтисодий тузум пайдо бўлади. Юзага келган вазият, геосиёсий ўзгаришлар Буюк Ипак йўлидаги савдо жараёнларига, Ғарб ва Яқин ҳамда Узоқ Шарқ мамлакатлари ўртасидаги маданий ва дипломатик муносабатларга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Ўз аҳамиятини йўқота бошлаган йўллар ўрнига мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятга боғлиқ ҳолда халқаро транзит алоқа йўлларининг янги тармоқлари вужудга кела бошлайди.

Бу даврдаги Самарқанд ва Бухородан келувчи йўллар қуйи Қашқадарёнинг йирик шаҳри Нахшабда туташиб, бу ердан Амударёнинг ўрта оқимидаги кечувларга ёки Темир дарвоза орқали Термизга олиб чиққан. Турк хоқонлиги даврида Қашқадарё воҳасидаги Кеш шаҳрининг ҳам ижтимоий-сиёсий мавқеи анча ошганлиги кузатилади. Кеш шаҳри ривожида воҳа орқали ўтган муҳим савдо йўллари катта аҳамият касб этиб, бу йўллар Фарғона, Чоч воҳаси ва Самарқандни Оқработ довони ва Темир дарвоза орқали Тохаристон билан боғлаган. Бу даврда Хитойдан Сосонийлар Эрони ва Қора денгиз орқали Византияга ўтувчи халқаро савдо йўли ва ипак савдоси назоратини қўлга

олган турклар ва уларнинг ҳомийлигида савдо-сотиқ билан шуғулланган Суғд савдогарлари Марказий Осиёда ипак савдоси устидан тўлиқ назорат ўрнатдилар. Таъкидлаш лозимки, бу даврда ипак савдоси, нафақат иқтисодий, шу билан бирга, муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳарбий-сиёсий вазифаларни ҳал этишда ҳам катта ўрин тутар эди.

Э.Ртвеладзенинг маълумотларига кўра, VI асрнинг охири – VII асрнинг бошларида яшаган Хитой географи Пэй Цзюй ўзининг бизга қадар айрим парчалари сақланиб қолган «Ғарбий ўлка эсдаликлари ва харитаси» асарида Дунхуандан Ўрта Ер денгизига борувчи учта йўл ҳақида ёзиб қолдирган. Булар шимолий йўл – Хами - Баркул кўли - Иссиққўл - Жанубий Қирғизистон чўллари - Волга бўйи - Шимолий Кавказ орқали Византияга ва ундан Ўрта Ер денгизига; ўрта йўл – Турфан - Корашар - Кучи - Помир орқали - Уструшона - Самарқанд - Бухоро орқали - Марв - Сосонийлар Эронидан Ўрта Ер денгизига; жанубий йўл – Дунхуан - Лобнор кўли - Такла Макон саҳроси - Ваҳон йўлаги - Тохаристон орқали - Ҳиндикуш бўйлаб -Сосонийлар Эрони орқали Ўрта Ер денгизига чиққан.

Бу асосий йўналишларга таъриф берган Хитой географи Пэй Цзюй ушбу йўналишлар бир-бирлари билан кесиб ўтувчи йўллар тармоқлари орқали боғланганлигини ҳамда улар орқали ҳар учала йўналиш бир-бири билан боғланганлигини таъкидлаб ўтади.

Бу даврда Хоразм воҳаси Африғийлар давлати таркибига кирган бўлиб, унинг йирик шаҳарларидан бири бўлган пойтахт Кат шаҳри Амударё сув йўли ва Суғдиёнадан Византияга кетувчи карвон йўли ўтган йирик савдо шаҳри эди. Воҳанинг карвон йўллари ва уларнинг тармоқлари бўйларида жойлашган йирик қишлоқлари ҳам минтақадаги иқтисодий-маданий алоқаларда ва шу жабҳалардаги тараққиётда маълум аҳамиятга эга бўлган эди.

V–VI асрларда Чоч воҳаси ҳам Ўрта Осиёнинг ички ва ташқи алоқаларида катта аҳамиятга эга бўлган. Ю.Буряковнинг сўнгги йиллардаги тадқиқотларига кўра, бу даврда Чочда 30 дан зиёд шаҳарлар мавжуд бўлиб, уларнинг кўплари янги шаҳарлар эди. Археологик маълумотларни ёзма манбалар билан солиштириш натижасида бу даврдаги Чочнинг шаҳар ва қишлоқлари, пойтахт шаҳри Сирдарё - Яксартга яқин жойларда ҳамда унинг ирмоқлари бўйларида жойлашганлиги аниқланган. Бу даврда Чоч воҳаси орқали шарқдан – Фарғо-

на водийси ва Шимолий дашт ҳудудларидан Суғдиёна орқали Амударё кечувларига, ундан Тохаристон ҳудудларига йўллар ўтган. Шунингдек, Чоч воҳаси шимолдаги дашт чорвадорлари ва Сибир ҳамда Хитой билан алоқаларда ҳам асосий ўринни эгаллаган ҳудудлардан бири эди.

Хуллас, бўлиб ўтган турли тарихий-сиёсий воқеалар ҳудудий-этник ўзгаришлар, миграция жараёнларига қарамасдан, V–VIII асрларда Ўрта Осиё халқларининг ташқи алоқалари кўлами кенгайиб борди. Айниқса, Ўрта Осиё – Византия алоқалари асосида тарихий-маданий алоқаларнинг янги йўналишлари пайдо бўлди ва ривожланди. Таъкидлаш лозимки, туркларнинг Сосонийлар Эрони билан зиддиятлари Турк хоқонлигининг Византия билан қалин савдо-дипломатик алоқалари ўрнатилишига ҳамда тегишли алоқа йўллари ривожланишига олиб келди.

Ўрта асрларнинг IX–XIII асрнинг бошлари даври савдо-сотиқ ва маданият марказлари бўлган йирик шаҳарларнинг кўпайиши ва тараққиёти даври бўлиб, ички ҳамда ташқи савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар ривожида муҳим ўрин тутади. Савдо карвон йўллари йўналишлари бўйларида жойлашган Мовароуннаҳр шаҳарлари, нафақат Шарқ дунёсида, балки улкан Евросиё минтақаси миқёсида амалга ошириладиган транзит алоқаларда улкан аҳамиятга эга бўлган эди. Бу йўллар ҳунармандчилик, маданият ва ишлаб чиқариш марказлари бўлган шаҳарларни қишлоқлар, хом ашё манбалари ва фойдали қазилмалар олинадиган конлар билан, шаҳарлар ва вилоятларни бир-бири билан боғлар эди, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган савдо йўллари қаторида Бухоро, Самарқанд, Кеш, Насаф, Шош, Фарғона, Термиз ва Хоразм воҳаси орқали ўтган йўллар катта аҳамиятга эга бўлиб, улар транзит савдо йўлларининг муҳим таркибий қисми ҳисобланар эди.

Мовароуннаҳрнинг бу даврдаги йирик савдо шаҳарларидан бири Бухоро шаҳри эди. X аср бошларида Бухоро арк, шаҳристон ва работдан иборат йирик шаҳар бўлиб, минтақавий ва халқаро савдо алоқаларида катта аҳамиятга эга бўлган. Савдо йўллари Бухорони Мовароуннаҳр, Еттисув, Хоразм ва Хуросоннинг турли шаҳарлари ва улар орқали Шарқ ва Fарб билан боғлаган эди. Маълумотларга кўра, Бухоро шаҳри X асрдан бошлаб Мовароуннаҳрнинг шимолидаги мамлакатлар – булғор ва хазарлар юрти, Киев Руси ва Шарқий Европа давлатлари билан алоқаларда муҳим ўрин тута бошлайди.

Бу даврдаги Бухородан чиққан йўналиш Пойканд - Фароб - Амударё ўнг қирғоғи - Кат орқали Хоразм шаҳарларига йўналган. Тадқиқотларга кўра, бу даврда Хоразм иқтисодий жиҳатдан юксалади ва шаҳарлар сони ортиб боради. XI–XII аср бошларида Хоразм воҳасида Урганчдан кейинги йирик шаҳар Дарғон шаҳри бўлиб, бу шаҳар Эрон ва Хуросон билан бўлган алоқаларда муҳим ўрин тутган. Хоразм орқали Шарқий Европадан Хуросонга, Кат ва Урганчдан Эронга, Уғуз чўли орқали Хазар ва Булғор подшоҳликларига, минтақа шимолидаги даштларга ҳам йўллар ўтган.

Ўрта асрларда Мовароуннаҳрнинг икки пойтахт шаҳри Бухоро ва Самарқандни Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистон билан боғловчи транзит савдо йўллари Қашқадарё воҳаси орқали ўтган. Бу даврда воҳанинг бош шаҳарларидан бири Насаф ҳисобланиб, у уч қисмдан – куҳандиз, работ ва шаҳристондан иборат йирик шаҳар эди. Шаҳар мустаҳкам девор билан ўраб олинган бўлиб, бу деворнинг жанубишарқий қисмида Кеш дарвозаси жойлашган, ундан Қашқадарёнинг чап қирғоғи бўйлаб Кеш шаҳрига элтувчи йўл, шимоли-шарқий қисмидаги Самарқанд дарвозасидан Жом орқали Самарқандга элтувчи йўл, шимоли-ғарбий қисмда жойлашган Бухоро дарвозасидан Бухорога олиб кетувчи йўл, жануби-ғарбий қисмидаги Губдин дарвозасидан Амударёдаги кечувларга элтувчи йўллар бошланган.

Бу даврда Эрон ва Хуросондан Насаф, Кеш ва Бухоро орқали Хитойга ўтувчи савдо йўлининг асосий йўналиши Самарқанд, Шош воҳаси, Фарғона водийси орқали ўтган. Самарқанд ўрта асрларда йирик маданият маркази сифатидагина эмас, балки йирик савдо маркази сифатида ҳам машҳур бўлиб, бу ерда кўплаб халқаро аҳамиятга эга бўлган йирик бозорлар, ҳунармандчилик маҳаллалари, карвонсаройлар мавжуд бўлган. Ўрта Осиёнинг йирик савдо-иқтисодий шаҳри бўлган Самарқанд бу даврда минтақанинг жануби-ғарбий вилоятларини (Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё) Уструшона, Тошкент воҳаси ва Фарғона водийлари билан боғловчи асосий йўл устида жойлашган.

XIII асрнинг биринчи чорагига келиб Шарқнинг каттагина ҳудудларида, жумладан, Мовароуннаҳрда ҳам мўғуллар ҳукмронлиги ўрнатилади. Мўғуллар истилоси туфайли Буюк Ипак йўлининг Ўрта Осиё ҳудудлари орқали ўтган йўналишлари XIII асрнинг биринчи ярмида савдо карвонлари учун фаолиятини тўхтатиб, улардан асосан ҳар-

бий-сиёсий мақсадлар ва элчилик алоқаларида фойдаланилган. Мовароуннаҳрда XIII асрнинг 60–70-йилларидан бошлаб шаҳарлар тикланиб, ички ва ташқи савдо йўлга қўйила бошланди.

Ўрта асрлар Мовароуннаҳр ва Хуросон, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида йўлларнинг тикланиши, шаҳарлар тараққиёти, иқтисодий ва маданий юксалиш, марказлашган давлатчилик анъаналари Амир Темур ва Темурийлар даври билан боғлиқ эди. Хусусан, Амир Темур 1370 йилда Мовароуннаҳр тахтига ўтирган даврдан бошлабоқ марказлашган давлат барпо этишга, кучли ва мустаҳкам ҳокимият бошқаруви тизимини йўлга қўйишга, шаҳарлар тараққиётига, ички ва ташқи савдо йўллари фаолиятини йўлга қўйиш ва уларни хавфсизлигини таъминлашга асосий эътибор қаратган эди. Амир Темурнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Мовароуннаҳр бўйлаб халқаро савдо карвонлари ҳаракатининг қайтадан жонланиши шаҳарлар тараққиётига, иқтисодий-маданий алоқаларнинг юксалишига сабаб бўлган эди.

Бу даврда Амир Темур давлатининг пойтахти Самарқандни Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг йирик шаҳарлари билан боғловчи йўллар минтақадаги ички савдо йўллари тизимининг бош бўғинини ташкил этар эди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, карвон йўлларида хавфсизликни таъминлаш соҳасида олиб борилган тадбирлар, кўплаб йўл бўйи иншоотлари барпо этилиши ички ва ташқи савдони ривожлантиришнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан далолат беради.

Амир Темур ва Темурийлар даврида муҳим ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга бўлган Ҳиротдан Марв орқали Бухоро ва Урганчга ҳамда Балх орқали Самарқандга олиб келувчи йўллар фаолият кўрсатган. Самарқанд ва Ҳирот шаҳарларини мамлакатнинг шимолий қисмлари, хусусан, Хоразм воҳаси билан боғловчи йўллар ҳам бу даврда катта аҳамиятга эга бўлган. Темурийлар ҳукмдорларининг Олтин Ўрда билан бўлган алоқаларида Хоразмнинг бош шаҳри Урганчдан Ҳиротга, асосан, Мурғоб воҳаси орқали ўтилган. Урганч ва Хоразмнинг бошқа шаҳарларида жанубга кетган йўл Марв шаҳрида туташган.

Амир Темур ва Темурийлар даврида Европа ва Осиёнинг кўпгина давлатлари билан алоқалар олиб борилган. Хусусан, пойтахт Самарқандни жанубда Ҳиндистон, Хуросон, Эрон, Ироқ, Миср, шимоли-

ғарбда Олтин Ўрда шаҳарлари, шарқда Шарқий Туркистон ва Хитой билан боғловчи муҳим халқаро йўллар алоҳида аҳамиятга эга эди. Мавжуд манбалар, айниқса, Ҳиндистон ва Хитой билан олиб борилган алоқалар йўналишлари ҳақида аниқ маълумотлар беради.

1402–1404 йилларда Ўрта Ер денгизидан Ироқ - Эрон - Хуросон орқали Самарқандга ташриф буюрган испан элчиси Руи Гонзалес де Клавихо маълумотлари Европа давлатлари билан олиб борилган алоқаларидан далолат беради. Клавихо маълумотларига кўра, унинг расмий элчилик ташрифи қуйидаги йўналишда бўлган: Хуросондан - Термиз - Дарбанд - Темир Дарвоза - Оқработ - Кеш орқали - Самарқандга.

Хуллас, Амир Темур ва Темурийлар даври Ўрта Осиёнинг давлатчилик тарихи, ички ва ташқи алоқалари тараққиётида муҳим давр бўлди. Бу даврда Буюк Ипак йўлининг Олтин Ўрда давлати таркибида бўлган Дашти Қипчоқ ерлари орқали ўтган шимолий йўналишлари ўз аҳамиятини йўқота борди. Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарлари эса Буюк Ипак йўлининг марказий йўналишлари бўйлаб халқаро иқтисодий-маданий алоқаларда катта роль ўйнай бошлади. Аммо бу жараён узоқ чўзилмади.

Маълумки, XV асрнинг охирларида юз берган буюк географик кашфиётлар натижасида халқаро денгиз йўлларининг очилиши туфайли Европа ва Осиё давлатларининг кўпчилиги ҳаётида, халқаро алоқалар ва савдо йўллари тизимида кескин ўзгаришлар рўй бера бошлади. Ундан ташқари, XV–XVI асрларда Усмонли туркларнинг истилолари ҳам Ғарбий Европа халқлари билан Марказий Осиё ўртасида мавжуд азалий алоқа йўллари йўналишларининг ўзгаришига олиб келди. Натижада, улкан ҳудудларни қамраб олган Буюк Ипак йўли XVI асрдан бошлаб ўз аҳамиятини йўқота бошлади.

Бу ҳолат, биринчи навбатда, Буюк географик кашфиётлар туфайли Ғарбий Европадан Хитой ва Ҳиндистонга олиб борувчи денгиз йўлларининг очилиши ва улардан изчил фойдаланишнинг бошланиши билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, бу даврда Ўрта Осиёда бошланган ўзаро сулолавий курашлар марказий давлат ҳокимиятининг заифлашувига, карвон йўллари хавфсизлигининг тўлиқ таъминланмаганлигига олиб келди. Натижада, асрлар давомида Шарқ ва Ғарб дунёсини боғлаб турган Буюк Ипак йўли инқирозга учради. Бу даврда Ўрта Осиёнинг Эрон, Туркия, Ҳиндистон ва Хитой каби давлат-

лар билан анъанавий алоқалари қисман давом этган бўлса-да, унинг халқаро алоқалари йўналишларида ўзгаришлар юз берди. Шу даврдан бошлаб Москва князлиги билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатила бошланди. Шунингдек, Буюк Ипак йўли фаолиятининг тўхтаб қолиши ички савдо-алоқа йўлларининг фаолиятига ўта салбий таъсир кўрсатмади.

Бу даврда Бухоро - Балх – Қарши; Қарши - Ғузор - Оқработ - Темир Дарвоза - Термиз - Балх; Самарқандни Шарқий Хуросон билан боғловчи йўл - Самарқанд - Тахтақорача - Шаҳрисабз - Яккабоғ - Тошқўрғон - Юрчи -Денов - Термиз - Балх; Фарғона водийси - Хўжанд - Ўратепа - Жиззах - Самарқанд; Бухоро - Чоржўй - Хазорасп - Хива - Кўҳна Урганч каби савдо-алоқа йўллари ўз фаолиятини давом эттирди.

Хуллас, Ўрта Осиёнинг қадимги давр ва ўрта асрлардаги ташқи ва ички савдо-иқтисодий ва маданий алоқалари тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики, Хоразм воҳаси қадимдан Волга бўйи ва Шарқий Европа билан, Бақтрия - Тохаристон Афғонистон ва Ҳиндистоннинг савдо шаҳарлари билан, Суғдиёна Эрон ва Византия билан, Фарғона Хитой ва Қашғар билан, Чоч воҳаси шимолдан дашт қабилалари билан алоқаларда асосий ўрин тутган. Ўрта асрлар давридаги маданий алоқалар, ягона дин, ёзув, давлат бошқаруви ва ижтимоий ҳаётдаги яқинлик Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида умумминтақавий маданият шаклланишига олиб келиши билан бирга, барча мусулмон мамлакатлари маданиятида ҳам умумийлик ва яқинликни келтириб чиқарди.

4. Буюк Ипак йўли ва ҳозирги замон

1987 йилда ЮНЕСКО БМТнинг бутунжаҳон декадаси доирасида маданий ривожланиш бўйича «Буюк Ипак йўли – мулоқот йўли» дастурини қабул қилди. Ушбу дастурда Ўрта Осиё цивилизацияси тарихини ҳар томонлама ва чуқур ўрганишга катта эътибор қаратилди. Ундан ташқари, бу дастурнинг асосий мақсади – Шарқ ва Ғарб ўртасидаги маданий ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, бу улкан минтақаларда яшаётган кўп сонли халқларнинг ўзаро муносабатларини янада яхшилашдан иборат эди. 2000 йилга қадар мўлжалланган ушбу дастур асосида кўпгина экспедициялар («Марко Поло изидан», 1987,

Истамбул-Пекин; «Денгиз» экспедицияси, 23.X.90.-23.II.91; Хивада якунланган «Марказий Осиё республикалари бўйлаб», 1991; «Кўчманчи маданиятлар йўналиши бўйлаб экспедиция», июн-август, 1992; «Европа ипак йўли», 1995, Истамбул-Леон), кўплаб илмий-амалий халқаро анжуманлар (Самарқанд, 1990; Турку, Финляндия, 1993; Кипр, 1994; Бухоро,1996; Боку, 1998) ўтказилди.

Буюк Ипак йўлини ўрганиш ва қайта тиклашга Ўзбекистон раҳбарияти ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунончи, республикамиз ҳудудларида уюштирилган экспедициялар натижасида кўпгина тарихий-маданий обидалар, қадимги йўллар ва йўналишлар аниқланди, миллий-маънавий бойлигимиз ҳамда анъаналаримиз ўрганилди. Самарқандда Марказий Осиё тадқиқотлари Халқаро Институти очилган бўлиб, унинг асосий йўналишларидан бири Буюк Ипак йўли ва унинг бўйларида жойлашган шаҳарларни ўрганишдир.

1997 йилнинг майида Ўзбекистон ҳам ўз ҳиссасини қўшган Машҳад-Сарахс, Сарахс-Машҳад темир йўли очилди. Бу билан Ўрта Осиё мамлакатлари Форс қўлтиғига, Европа халқлари эса Ўрта Осиёга темир йўл орқали чиқиш имкониятига эга бўлдилар. 1998 йил Боку шаҳридаги Буюк ипак йўлини қуруқликда Европадан Японияга қайта тиклаш масалаларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Европа-Кавказ-Осиёни боғлайдиган ушбу транспорт йўли (ТРАСЕКА) қурилишида Ўзбекистон ҳам иштирок этмоқда ва бу йўл бутун дунё иқтисодиётини юксалтиришига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Бугунги кунда «Буюк Ипак йўли»нинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу йўлни тиклаш мақсадида Ўзбекистон давлати билан бир қатор мамлакатлар ўртасида кўплаб шартномалар тузилди. Буюк Ипак йўлини тиклаш мақсадида Ўзбекистон-Туркия-Эрон давлатлари ўзаро иқтисодий, маданий, илмий-техникавий ҳамкорликни таъминлаш учун бир неча йўл вариантларида иш олиб борилди. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги темир йўллардан фойдаланиб, Красноводск ва Боку портларидан Жулфа бекатига ўтиш, ундан Форс қўлтиғига, сўнгра Туркия орқали Европага чиқиш йўллари устида ҳам иш олиб бормоқда. Афғонистонга анъанавий савдо йўлларидан фойдаланиб, Пешовар (Покистон) орқали Карачи портига ва ундан Шарқ бозорига чиқиш устида ҳам самарали изланишлар олиб борилмоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида давлатимиз саъй-ҳаракати билан минтақавий иқтисодий ҳамкорлигидаги давлатлар

томонидан 1996 йилнинг декабрида 295 километрли Тажан-Сарахс темир йўли қурилиб ишга туширилдики, натижада Ўзбекистондан четга олиб чиқиладиган юклар муддати икки ҳафтага қисқарди.

Буюк Ипак йўли анъаналарини тиклаш билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Булар қуйидагилар:

1. Ўзбекистон Республикаси қанчалик табиий бойликларга бой, геополитик жиҳатдан қулай бўлмасин, денгиз давлати эмас. Ҳозир халқаро савдо-сотиқда савдонинг 80% денгиз савдоси салмоғига тўғри келади.

2. Республикамизнинг хориж билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилиш имкониятлари кам. Чунки қўшни Афғонистонда салкам ўттиз йилдан ортиқ давом этаётган уруш ва унинг асоратлари ҳанузгача тўхтаган эмас.

Бу муаммоларнинг бартараф этилиши эса мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига чиқиши учун кенг истиқболлар очиб беради.

1998 йил май ойида Брюсселда Европа Комиссияси, Марказий Осиё ҳамда Кавказ орти мамлакатлари, шунингдек, Европа Иттифоқи давлатларининг вакиллари учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувдан кўзда тутилган мақсад – янги мустақил давлатлар – Марказий Осиё ва Кавказ орти мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви имкониятларини кўриб чиқиш эди. Бу масала, аввало, транспорт ва коммуникация тизимини ривожлантириш билан боғлиқ эди. Хусусан, биргина Ўзбекистон мисолида айтадиган бўлсак, Европага чиқиш учун фақат Россия орқали ўтишга тўғри келар, бу эса бизга жуда қимматга тушарди. Шу боисдан давлатимиз раҳбари И.А.Каримов Ватанимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистонни жаҳон бозорига олиб чиқадиган қулай ва қисқа йўллар ҳақида қайғурди.

Брюссел учрашувида Европа ва Осиёни бир-бирига боғлайдиган «Европа-Кавказ-Осиё» транс йўлагини барпо этиш масаласи кўриб чиқилди ва шу бўйича Декларация қабул қилинди. Айтиш мумкинки, айни шу учрашув Буюк Ипак йўли анъаналарини тиклаш борасидаги дастлабки қадам бўлди. Европа ва Осиёни боғлайдиган ТРАСЕКА йўли дастури ишлаб чиқилди.

1998 йил 8 сентябрда Боку шаҳрида халқаро конференция чақирилди. Унда ТРАСЕКА дастурини амалга ошириш масалалари муҳокама этилди. Конференцияда Президент И.А.Каримов нутқ сўзла-

ди. Мазкур анжуманда жаҳоннинг 32 мамлакати ҳамда БМТ, Европа тиклаш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки каби ўндан ортиқ нуфузли халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этдилар.

ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш Ўзбекистонни Европа ва Осиё транспорт тармоқларига туташтирибгина қолмасдан, унинг экспорт имкониятларини оширди, лойиҳада иштирок этувчи мамлакатлар билан савдо алоқаларини янада кенгайтирди. Дастлабки йиллар маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, 1996 йил Транскавказ йўлаги бўйича Ўзбекистонга келтирилган ва олиб чиқиб кетилган маҳсулот ҳажми салкам 140 минг тоннани ташкил этган бўлса, 1997 йил бу кўрсаткич 285 минг тоннага етди. 1998 йилнинг саккиз ойи ичида эса ташилган юк ҳажми 240 минг тоннадан зиёд бўлди.

Ҳозирга қадар жаҳоннинг 50 та мамлакати ТРАСЕКА йўлаги орқали ўз юкларини манзилларига етказмоқда. Мазкур лойиҳага қўшилишни истовчи мамлакатлар сони ҳам тобора ошиб боряпти. Ўзбекистон бугун ТРАСЕКА дастури бўйича амалга оширилаётган ишларда фаол иштирок этиш билан чекланиб қолмай, транспорт коммуникацияси имкониятларини кенгайтириш борасида бошқа лойиҳаларни ҳам амалга оширмоқда. Ўзбекистон қўшни Қирғизистон ҳамда Хитой билан Тошкент-Андижон-Ўш-Иркештом йўлини қуриш ва таъмирлаш бўйича яқиндан ҳамкорлик қилаётир. Буюк Ипак йўлининг бир қисми ҳисобланмиш бу йўналиш Европа мамлакатларини Жанубий Шарқий Осиё давлатлари ва Тинч океани билан боғлайди.

Боку анжуманида Европа-Кавказ-Осиё транс йўлагини ривожлантириш бўйича халқаро транспорт тўғрисидаги кўп томонлама битим имзоланди. Мазкур ҳужжат халқаро юк ва йўловчи ташишни ривожлантириш ва бошқариш, транспорт соҳасидаги ҳуқуқий мезонларни ўзаро мувофиқлаштиришни кўзда тутади. Шунингдек, анжуманда Боку Декларацияси ҳамда Буюк Ипак йўлини тиклашга бағишланган халқаро конференция бўйича якуний Комюнике ҳам қабул қилинди. ТРАСЕКА лойиҳасига аъзо давлатлар ҳудудларида ўзаро йўловчи ва товарларни барча турдаги транспорт воситаларида эркин айланиши, юкларнинг хавфсизлиги ва сақланиши, транспорт соҳасида божхона ишлари ҳамда ҳуқуқий меъёрларни ўзаро уйғунлаштиришни кўзда тутувчи мазкур ҳужжатлар транс-миллий йўлакни барпо этиш йўлидаги ҳаракатларга янги куч берди.

Бугунги кунда Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш тобора глобал

аҳамият касб этмоқда. Неча асрлар давомида кўплаб мамлакатларнинг тараққиётига хизмат қилган Буюк Ипак йўли бугун яна қайтадан туғилмоқда. Бу йўл мамлакатлар ўртасидаги дўстлик, маданият, иқтисодий равнақ, ҳамкорлик, бир сўз билан айтганда, тараққиёт йўлидир.

Таянч сўзлар

Энг қадимги йўллар, улов, транспорт воситалари, Ложувар йўли, шимолий минтақа, жанубий минтақа, трансминтақавий ва минтақавий йўллар, маҳаллий йўллар, Дашт йўли, Олтин йўли, Шоҳ йўли, Буюк Ипак йўли, Чжан Цзян, ўрта асрлар йўллари, буюк географик кашфиётлар.

Савол ва топшириқлар

1. Энг қадимги йўллар пайдо бўлишининг асосий омиллари ҳақида гапириб беринг.
2. Энг қадимги йўллар ҳақида нималарни биласиз?
3. Буюк Ипак йўли ҳақида гапиринг.
4. Минтақавий Буюк Ипак йўли ва маҳаллий йўллар ҳақида маълумот беринг.
5. Буюк Ипак йўлидаги Фарғона ҳақида нималар биласиз?
6. Ўрта асрлар йўллари ҳақида гапириб беринг.
7. Ҳозирги даврда Буюк Ипак йўли тикланишидаги ҳаракатлар ҳақида гапириб беринг.

5-мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар

1. Агзамова Г. А. Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарлари – ҳунармандчилик ва савдо марказлари. – Тошкент: Ўзбекистан, 2000.

2. Анарбаев А. Благоустройства средневекового города Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1981.

3. Байпаков К.М. Средневековые города Казахстана на Великом шелковом пути. – Алматы: Ылым, 1998.

4. Буряков Ю.Ф. По древным караванным путям Ташкентского оазиса. – Ташкент: Фан, 1978.

5. Буряков Ю.Ф., Грицина А. Мавераннахр на Великом шелковом пути. – Самарканд-Бишкек; 2006.

6. Зиёев Ҳ. Сибирь, Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар (энг қадимги даврлардан XX аср бошларигача). Ўзбек ва рус тилларида. – Тошкент: Шарқ, 2003.

7. Камалиддинов Ш.С. Историческая топография Южного Согда Тохаристана. – Ташкент: Фан, 1996.

8. Кобзева О.П. Великий шелковый путь: история и современность. – Ташкент: Фан, 2005.

9. Мавлонов У. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. – Тошкент: Академия, 2008.

10. Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. – Ташкент: Шарк, 1999.

III. ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИНГ ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ

6-МАВЗУ. ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ, МАДАНИЙ ҲАЁТ

Режа:

1. Милодий IV–VI асрларда Турон замин тарихи.
2. Туркий хоқонлик даврида Ўрта Осиё.
3. Ислом дини. Араб халифалиги даврида Мовароуннаҳр.

1.Милодий IV-VI асрларда Турон замин тарихи

Кидарийлар, хионийлар ва эфталитларнинг сиёсий ҳамда этник тарихи. Милоднинг IV–V асрлари Ўрта Осиё қадимги тарихининг муҳим босқичларидан ҳисобланади. Улкан Кушонлар давлати ички ва ташқи курашлар натижасида бир қанча мустақил давлатларга бўлиниб кетади. Ўрта Осиёнинг жанубида унинг тарихидан Тохаристон ва Марв ажралиб чиқади. Улардан шимолда эса Суғд алоҳида бўлса, унинг шарқий томонида Уструшона жойлашади. Уструшонага туташ ҳудудларда Фарғона, Ўрта Осиёнинг шимолий ҳудудларида Чоч ва Хоразм мулклари мустақил эди.

Бу даврда Ўрта Осиёда бўлиб ўтган сиёсий жараёнлар кўп сонли ички ва ташқи урушлар билан боғлиқ эди. Шунингдек, милодий IV–V асрлар Ўрта Осиё ҳудудларига кўчманчи қабилаларнинг кириб келиши, қабилалар иттифоқи юзага келиши натижаси бўлган янги сиёсий кучлардан бири Кидарийлар бўлиб, улар ҳақидаги асосий маълумотлар Хитойнинг Бэйши солномасида ҳамда ғарб муаллиф тарихчиларидан бири Приск Панийский маълумотларида учрайди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, кидарийларнинг дастлабки ватани Шарқий Туркистон эди. Бэйши солномасида берилишича, юечжилар ҳукмдори Цидоло жужанлар ҳужуми туфайли ўз қароргоҳини Боло (Балхга) га кўчирган. Яна шу манба хабар беришича, Кидар Шимолий Ҳиндистонга юриш қилиб, Гандхардан шимолдаги 5 та давлатни ўзига бўйсундирган. Айрим тадқиқотчилар кидарийлар Шарқий Туркистондан кўчишни бошлагандан сўнг улар икки қисмга бўлиниб, катта қисми шимоли-ғарбий Ҳиндистонга, кичик қисми эса Ўрта Осиёга жойлашадилар, деган фикрни илгари сурадилар.

Кидарийларнинг Ўрта Осиёга жойлашуви масалалари билан шуғулланган С.К.Кабановнинг фикрича, уларнинг маркази Балх эмас, балки Қарши атрофларидаги Ерқўрғон кўҳна шаҳри бўлган. Бу фикрни Л.Н.Гумилёв ҳам қўллаб-қувватлайди. Аммо бу фикрни кўпчилик олимлар эътироф этмайдилар ва балки Қарши атрофларида кидарийларнинг қандайдир кичик гуруҳлари жойлашган бўлиши мумкин, деган фикрни билдирадилар.

Япониялик тадқиқотчи К.Еноки брахмий ёзувида зарб этилган «Кидара Кушон ша» деган ёзув битилган тангаларни ўрганиб, улар тахминан 390–430 йилларга мансуб, деган хулосага келади. Ҳинд олими А.Биварнинг хулосаларига кўра, бундай тангалар иккита ҳоким томонидан бир вақтнинг ўзида зарб этилган бўлиши мумкин. Енокининг фикрича, Кидарийлар Тохаристон ва Гардхарни 412–437 йиллар оралиғида ўз қўл остиларига бирлаштирганлар.

Айрим тадқиқотчилар Кидарийларни Шарқий Туркистондан кириб келган кушонлар қолдиғи бўлиши мумкин, деган фикрни илгари суришади. Шунингдек, Кидарийларнинг Ўрта Осиёнинг жанубидаги Хионийлар билан иттифоқчилиги ҳамда уларнинг Эронга қарши биргаликдаги ҳаракатлари тўғрисидаги тахминлар ҳам бор.

Тадқиқотчилар Кидар ҳукмронлик қилган даврни IV асрнинг иккинчи ярми ва V асрнинг биринчи чораги билан белгилайдилар. Кидар (ёки Кидара) аввал бошда Эрон шоҳи Шопур II га бўйсунган. Оқ хунлар бостириб келиши билан ўз ўғли Пирони Пешоварда қолдириб, Шимолга йўл олган. Оқ хунлар билан кураш манбаларда 400 йилларга тўғри келиши таъкидланган. Кидар Шопур II (309–379 йй.)нинг замондоши бўлиб, аввалambор кушонлар ҳокимиятининг давомчиси сифатида уларга бўйсуниб келган ҳамда хионийлар ёрдамида Бақтрияда кушонлар ҳокимиятига чек қўйган.

Кидарийлар тез орада Амударё ўнг ва чап қирғоқ ҳавзаси ҳамда Суғднинг катта қисмини эгаллайдилар. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, кидарийлар Эрон сосонийлари билан кўп марталаб урушлар олиб борадилар. Бу урушлар, айниқса, сосоний подшолари Варахран V (420–438 йй.) ва Ёздигард II (438–457 йй.) даврларида авжига чиқади. 456 йилда бўлиб ўтган навбатдаги ҳарбий тўқнашувлардан сўнг катта талофатга учраган кидарийлар қайта ўзларини ўнглаб ололмадилар. Бу воқеадан кейин кидарийлар ҳақида маълумотлар деярли йўқ. Фақатгина улар Ҳиндистонда Гупта давлатини

эгаллаб, бу ерда 75 йил ҳукмронлик қилгани, 477 йилда Гандхардан Хитойга элчилар юборгани маълум холос.

IV аср ўрталарида Ўрта Осиё ерларига шимоли шарқдан хион қабилалари бостириб кирадилар. Тарихда хионийлар номи билан машҳур бўлган бу қабилаларнинг асли ватанини айрим тадқиқотчилар Орол бўйида деб ҳисоблайдилар. Хионийлар хун қабилаларига қон-қариндош бўлганликларидан бўлса керак, ғарб тарихчилари уларни «оқ хунлар» деб атайдилар. IV асрнинг ўрталарида анча кучайган хионийлар жанубга томон ҳаракат қилиб, сосонийлар билан тўқнашадилар. Бу тўқнашувлар ҳамда хионийлар йўлбошчиси Грумбат, уларнинг Суриядаги Умда шаҳрини қамал қилганликлари ҳақида Аммиан Марцеллин маълумотлар беради. Дастлабки ҳаракатларда хионийлар мағлубиятга учрасалар-да, кейинроқ улар шарққа томон юришлар қилган сосонийлар шоҳи Шопур II га қаттиқ зарбалар берадилар. К.Треверниг фикрича, хионийлар IV асрнинг 70-йилларида ўзининг кучайган палласига киради. Ўрта Осиёда кидарийлар ва эфталитлар ҳукмронлиги ўрнатилгач, хионийларнинг сиёсий аҳволи ўзгаради ва улар эфталитларга тобе бўлиб қолади. Афсуски, хионийлар ва кидарийларнинг ижтимоий-иқтисодий тизими ҳақидаги маълумотлар бизгача етиб келмаган.

Хионийлар ва кидарийларга нисбатан эфталитлар ҳақидаги маълумотлар нисбатан кўпроқ сақланган. Эфталитлар тарихи юзасидан маълумотлар римлик, византиялик, суриялик, арман ва араб тарихчиларининг асарларида, Хитой солномаларида, паҳлавий матнларда, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида учрайди. Шунга қарамасдан, эфталитларнинг келиб чиқиши ҳақидаги олимларнинг фикрлари турлича. Мисол учун, С.П.Толстов, А.Н.Бернштам, К.В.Тревер каби олимлар эфталитларнинг илк ватани Сирдарёнинг қуйи оқими деб ҳисобласалар, А.Мандельштам, Р.Гришман, Л.Гумилёв, К.Еноки каби олимлар эса эфталитлар ватанини Бадахшон деб ҳисоблайдилар. Б.Литвинский ва К.Иностранцевлар эфталитларнинг илк ватани Фарғонанинг тоғ олди ҳудудлари бўлганлиги ҳақидаги фикрни илгари сурадилар. Уларнинг туркий халқлар бўлганлиги ҳақидаги масала узил-кесил ечимини топмаган.

Эфталитлар турли манбаларда турлича номланадилар. Мисол учун, хитой манбаларида улар «ида, иеда, идан, идян» деб, сурия ва лотин манбаларида эса «эпталит, эфталит, абдал», араб ва форс

муаллифларида «ҳайтал, йафтал, ефтал» деган номлар билан юритилади.

Хитой манбалари эфталитларни турклар (тукюе) билан боғлиқ равишда таърифлайдилар. Византиялик тарихчилар, масалан, Прокопий (VI аср) эфталитларни хунлардан деб кўрсатар экан, «улар (яъни эфталитлар) хунлардандир, таналари эса оқ», деб қайд этиб ўтади. Эфталитларнинг кучайган даври V асрнинг ўрталарига (456–457 йй.), яъни улар Хитойга биринчи марта элчи юборган даврга тўғри келади. Маълумотларга кўра, шу даврдан то 531 йилга қадар эфталитлар Хитойга 13 марта элчи жўнатадилар. Куч-қудрат жиҳатидан мустаҳкамланиб олган эфталитлар Ўрта Осиё ва Шимолий Ҳиндистондаги катта ерларни ишғол этишга киришадилар.

Эфталитларнинг жанубдаги асосий рақиблари Эрон сосонийлари эди. Эфталитлар аста-секин жанубий ҳудудларни ўзларига бўйсундирар эканлар, уларнинг сосонийлар билан муносабатлари кескинлаша боради. Эфталитлар ва сосонийлар ўртасидаги курашлар подшо Перўз (459–484 йй.) даврига тўғри келади. 484 йилда эфталитлар ва сосонийлар ўртасида Марв яқинида бўлиб ўтган жангда сосонийлар мағлубиятга учрайдилар. Эфталитлар 467–473 йилларда Суғдда мустаҳкам ўрнашиб олган бўлсалар, 477–520 йиллар мобайнида Гандхарни ишғол этиб, у ердан кидарийларни сиқиб чиқарадилар. 490 йилда эфталитлар Урумчини, 497–509 йиллар орасида Қашғарни босиб, деярли бутун Шарқий Туркистонда ўз ҳукмронликларини ўрнатадилар.

Шундай қилиб, VI асрнинг бошларига келиб, эфталитлар анчагина катта ҳудудларни эгаллаган эдилар, кўпчилик манбалар эфталитларнинг даставвал кўчманчи халқлар бўлиб, кейинчалик ўтроқлашганлиги ҳақида маълумот беради. Шунинг учун ҳам айрим тадқиқотчилар уларни кўчманчилар деб ҳисобласа, айримлари уларни шаҳар ва қишлоқларда яшаганлигини таъкидлайдилар. Эфталитларнинг пойтахти Балх шаҳри эди. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича, эфталитлар давлати унчалик ҳам мустаҳкам эмас эди ва шунинг учун ҳам узоқ яшамади.

Таъкидлаш жоизки, эфталитлар ўзларига тобе бўлган халқлар ҳаётига жуда чуқур таъсир этмасдан, ўлпон ва солиқлар ундириш билан чекланганлар. Эфталитларнинг Ўрта Осиёдаги ҳукмронлиги, асосан, ҳарбий кучларга таянар эди. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё

халқлари уларни турклар билан бўлган курашда қўллаб-қувватламаганлар. Эфталитлар давлати ярим асрга яқин яшаган бўлса-да Ўрта Осиё халқлари тарихида муҳим роль ўйнади.

Эфталитларнинг этник келиб чиқиши масалалари анча мураккаб ҳисобланади. Бу мураккаблик шу билан изоҳланадики, араб манбалари ва тангашунослик маълумотларида эфталитлар подшолари фақат туркларга хос бўлган унвон – тегин, хоқон унвонлари билан тилга олинади. Шу билан биргаликда, тангаларда акс этган подшолар аниқ европоид ирқини беради. Бу ҳолатлар айрим тадқиқотчиларнинг эфталитларни туркий халқлар деб ҳисоблашларига сабаб бўлди.

Прокопий Кесарский эфталитлар ҳақида шундай маълумот беради: «Эфталитлар хун халқлари қабиласи бўлиб, барча хунлар ичида улар ягона оқ танлидир. Турмуш тарзи жиҳатидан ҳам улар бошқа хунларга ўхшамайдилар ва бошқа хунларга ўхшаб ҳайвонлардек яшамайдилар. Улар битта подшо бошқарувида турадилар. Бу подшо римликлар ёки бошқалардан қолишмайдиган ҳолда аҳолига ғамхўрлик кўрсатади, ўзаро ва қўшнилар билан бўлган муносабатларда адолат мезонларига амал қилади».

V асрда яшаган Лазар Парбский эфталитларни етти қабиладан иборат массагетларнинг етакчи уруғларидан бири эканлиги ҳақида маълумот беради. Хитой манбаларида эфталитлар юечжиларнинг бошқа бир кўриниши ёки гаогюй қабиласининг тармоғи ё қанғлиларнинг авлодлари сифатида талқин қилинади. Ундан ташқари, ўзларини алхонлар деб атаган эфталитлар Бақтрия-Тохаристон ерларида яшаб ўтган азалий бақтр қабилаларидан чиққан этник гуруҳ эканлиги ҳақидаги фикрлар ҳам бор. Умуман олганда, эфталитларнинг туркий халқлар эканлиги ҳамда уларнинг ҳақиқий ватани Бақтрия-Тохаристон эканлигини эътироф этувчи олимлар кўпчиликни ташкил этади.

Хуллас, ўз даврида эфталитлар йирик давлат тизимини вужудга келтирдилар. Улар Ўрта Осиё, Шимолий Ҳиндистон, Шарқий Туркистон, Шарқий Эронни бирлаштирган улкан давлатга асос солиб, Кушон давлати ўрнида ундан ҳам каттароқ ҳудудларни бирлаштирдилар. Эфталитлар Эроннинг сосонийлар давлатига, унинг ҳарбий ҳаракатларига қарши тура олдилар ҳамда сосонийларнинг Ўрта Шарқдаги ҳукмронлигига чек қўйдилар. Эфталитлар сосонийларнинг

ички ишларига ҳам аралашиб турдилар, ҳатто шоҳлардан қайси бирини сайлаш ва тайинлаш масаласини ҳал қилиш уларнинг қўлида эди. Эрон давлати ҳар йили уларга катта миқдорда ўлпон тўлаб турган.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. Эфталитлар юқорида эслатилган улкан ҳудудда бошқарувни қўлга киритгач, обод деҳқончилик воҳаларига, ривожланган шаҳар ва қишлоқларга, савдо йўлларига эга бўладилар. Вақт ўтиши билан эса маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетадилар. Натижада, бевосита маҳаллий аҳолининг ворисига айланадилар. Шу боис, 568–569 йилларда Византия императори Юстин II ҳузурида бўлган турк элчиси императорнинг «эфталитлар шаҳарларда яшайдиларми ёки қишлоқлардами?» деган саволга «улар шаҳарлик сулолалар, олий ҳазратлари» деб жавоб берган.

Дарҳақиқат, олиб борилган археологик тадқиқотлар илк ўрта асрлар Ўрта Осиёда шаҳар маданияти тараққий этганлигидан далолат беради. Жумладан, V асрда Панжикентда нисбатан қадимгироқ бўлган қишлоқ ўрнига янги шаҳар барпо этилади. Умумий майдони 18 гектар бўлган бу шаҳар VI асрнинг бошларига келиб мустаҳкам ҳимоя тартибига, ибодатхона, сарой ва ижтимоий жиҳатдан ажралиб турадиган турар жойларга эга эди. Суғд шаҳарларидан яна бири Пойкандда ҳам қизғин тадқиқот ишлари олиб борилган. Янада қадимгироқ даврда (антик) асос солинган ушбу кўҳна шаҳар илк ўрта асрлар даврига келиб кенгайиб боради ва V–VI асрнинг бошларига келганда уч қисмли йирик марказга айланади ҳамда умумий майдони 18 гектарга етади. Пойканд қазишмаларида илк ўрта асрларга оид кўплаб моддий маданият буюмлари топилган бўлиб, улар ҳақиқатдан ҳам Пойканд бу даврда араб манбаларида таърифланганидек, «Мадина-ат-тужжор» – «Савдогарлар шаҳри» бўлганлигидан далолат беради.

Илк ўрта асрлар даври ижтимоий-иқтисодий ҳаётда муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик марказлардан (эҳтимол, пойтахт шаҳарлардан) бири Бухоро эди. Тўғри тўртбурчак шаклдаги ушбу шаҳарнинг асоси 21 гектар бўлиб, бу ерда мустаҳкам ҳимоя иншоотлари, ҳукмдор саройи, мафкуравий иншоотлар, турар жой қолдиқлари очиб ўрганилган. Топилган моддий маданият буюмлари Бухоро илк ўрта асрлардан бошлаб Ўрта Осиёнинг йирик маданий ва иқтисодий марказларидан бири бўлганлигидан далолат беради. Шунингдек, бу

даврда шаҳарнинг еттита дарвозаси бўлиб, бу ҳолат унинг муҳим савдо-транзит йўли устида жойлашганлигини билдиради. Бу даврда Термиз ва унинг атрофларида ҳам шаҳарсозлик маданиятининг жадаллик билан ривожланганлигини кузатишимиз мумкин. Термиз атрофидаги Зартепа шаҳри ана шундай шаҳарлардан биридир. Антик даврда кичик манзилгоҳ пайдо бўлган Зартепа илк ўрта асрларга келиб майдони 17 гектар бўлган йирик шаҳарга айланади.

Бу даврда суғориш иншоотлари такомиллашиб, янги-янги ерлар ўзлаштирилади. Ўзлаштирилган ерларда, йирик суғориш иншоотлари бошида, марказий шаҳарларнинг атрофларида, деҳқончилик воҳаларининг чегараларида қўрғонлар, қасрлар ва истеҳкомлар қад кўтаради. Истеҳкомларнинг тўрт бурчаги баланд мустаҳкамланиб, девору мўрилари бир неча қатор камондан ўқ ўзгич нишон туйнуклари ва истеҳкомлар билан таъминланган. Қалин мудофаали зодагонлар қўрғонлари илк ўрта асрларнинг мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт тақозоси билан бунёд этилган бўлиб, асосан, ташқи душман ҳужумига қарши мудофаа иншооти, ҳарбий гарнизон тўпланадиган жой, маъмурий марказ, ҳамда озиқ-овқат ва қурол-яроғ сақланадиган омбор вазифасини ўтаган. Умуман, қалъа, қўрғон ва истеҳкомлар илк ўрта асрлар даврининг ўзига хос меъморчилик намуналаридан бўлиб, Нахшаб воҳасидаги Заҳоки Марон, Бухородаги Шаҳри Вайрон, Хоразмдаги Фир қалъаси шулар жумласидандир.

Воҳаларни ташқи душмандан ҳимоя қилиш мақсадида бир неча чақиримлаб қалин деворлар барпо этилган. Самарқанд воҳасидаги 12 та дарвозага эга бўлган Девори қиёмат, Бухоро воҳасидаги 336 километрли Кампирак, Тошкент воҳасидаги Кампирдевор истеҳком деворлари шулар жумласига киради. Бу давр меъморчилигида қасрлар қурилиши, айниқса, аҳамиятли бўлган. Қасрлар, одатда, 2 қаватли, шипи текис, гумбазсимон ва равоқсимон ёпилган бир неча хоналардан иборат бўлган. V асрдан бошлаб сарой, қасрлар қурилишида хом ғишт билан бир қаторда пишиқ ғиштлар ҳам ишлатила бошланган.

Эфталитлар даврида ҳунармандчилик ҳам ривожланган. Айниқса, кулолчилик, шишасозлик, чилангарлик, бўзчилик, заргарлик, қуролсозлик касб-ҳунарлари равнақ топган. Чочда ясалган ўқ ва ёй «камони чочий» номи билан машҳур бўлган. Катта-кичик шаҳарлар сони кўпайган. Биргина Зарафшон воҳасида Ривдад, Кушония, Хариман, Арқуд, Ромитан, Варахша, Пойканд каби савдо-ҳунарманд-

чилик шаҳарлари мавжуд эди. Айрим маълумотларга кўра, Пойканд шаҳри эфталитларнинг пойтахти бўлган.

Эфталитлар даврида деҳқончилик, асосан, суғорма деҳқончиликка асосланган эди. Қадимги зироаткорлар катта ва кичик дарёлар, жилғалар сувларидан фойдаланганлар. Бундай шароитда каналлар қазиш ва уларни мавсумий тозалаб туриш муҳим аҳамият касб этган. Вахш воҳасидан, Уструшонадан, Суғддан, Хоразмдан ва Тошкент воҳаларидан шундай каналларнинг излари топиб ўрганилган.

V–VI асрларда деҳқончилик воҳаларида эфталитларнинг ўтроқлашуви кучаяди ва бунинг натижасида суғорма ерларга бўлган эҳтиёж ортади. Кичик-кичик суғориш каналлари қазиб чиқарилиб, минглаб гектар янги ер майдонлари ўзлаштирилади. Суғориш услуби такомиллашади, шоҳариқлар чуқурлашиб, серсув суғориш тармоқларига айланади. Ҳозирги вақтда ҳам мавжуд бўлган Заҳариқ, Бўзсув, Дарғом каналлари V асрда барпо этилган энг йирик суғориш тармоқларидан бўлган. Шунингдек, тоғ олдиларига сув чиқариш учун сув чиқариш асбобларидан кенг фойдаланилган. Янги ўзлаштирилган ерларда зодагон деҳқонларнинг қалин хом ғиштдан уриб чиқилган ҳамда баланд пойдевор устига қурилган улкан қўрғонлари, истеҳкомлар юзага кела бошлаган.

Тохаристон ва Суғдда деҳқончилик билан биргаликда боғдорчилик ҳам ривожланган. Қашқадарё ва Зарафшон водийларида ғалладан ташқари шоли ҳам етиштирилган. Хитой манбаларининг маълумот беришича, V–VI асрларда Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё иккидарё оралиғи ерларида кўплаб пахта етиштирилар эди. Ўрта Осиёнинг пахта толаси Хитойда ҳам машҳур бўлган. Бу даврга келиб ер эгалиги муносабатларининг такомиллашуви натижасида суғориладиган ер майдонларининг маълум бир қисми мулкдор зодагон табақа вакиллари – «деҳқонлар» қўлида тўплана бошланган эди. Бунинг натижасида қишлоқ жамоасининг эркин деҳқонлари маълум даражада зодагон деҳқонлар асоратига тушиб, уларга қарам бўлган «кадивар»ларга айланиб боради.

IV–V асрлар Ўрта Осиёнинг пул муомаласида сезиларли ўзгаришлар бўлиб ўтади. Бу ўзгаришлар тангалар зарб этишнинг марказлашуви ҳамда минтақанинг турли ҳудудларида зарбхоналарнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ эди. Бу даврнинг бошларида Э.Ртвеладзе-

нинг тадқиқотларига кўра, шимолий Тохаристонда кушон тангалари ва уларга тақлид қилиб зарб этилган тангалар муомалада бўлган. Бутун V аср давомида Термизда маҳаллий ҳукмдор тасвири туширилган мис тангалар зарб этилган. Чағаниёнда шаҳаншоҳ Перўз (459–448) давридан бошлаб жуда кўплаб сосонийларнинг кумуш тангалари кириб келади.

Бухоро Суғдида ўнг томонида соқолдор ҳукмдорлар тасвири туширилган кумуш ва мис тангалар зарб этилган бўлса, Самарқанд Суғдида V–VI асрларда терс томонида тик турган камончи тасвири туширилган кумуш тангалар зарб этилган. Қарши воҳасида ўнг томонида подшо боши тасвири туширилган маҳаллий кумуш ва мис тангалар муомалада бўлган. Хоразмда эса ўнг томонида ҳукмдор боши, терс томонида отлиқ чавандоз тасвири туширилган кумуш ва мис тангалар зарб этилган.

Евросиё минтақасидаги умумий вазият ва кушон давлатининг инқирози халқаро савдога бирмунча салбий таъсир кўрсатган эди. Сосонийлар Эрони билан муносабатлар кўп ҳолларда урушларга айланиб кетиши туфайли ўзаро савдо алоқаларига путур етган эди. Буддавийликнинг инқирози туфайли Ўрта Осиёнинг Ҳиндистон билан муносабатлари ҳам ёмонлашган эди. Аммо Хитой билан савдо муносабатлари аввалгидек яхши эди. Илгари бўлганидек, V–VI асрларда ҳам Хитойга рангдор шишалар, қимматбаҳо тошлар олиб кетилган бўлса, Хитойдан, асосан, ипак ва атир-упа келтирилган. Бу даврда Византия билан ҳам савдо алоқалари тараққий этади. Халқаро савдо ривожида, айниқса, суғдийларнинг аҳамияти катта эди. Манбаларнинг маълумот беришича, Шарқий Туркистонда суғдийларнинг қишлоқлари ҳам бўлган. Юртларидан узоқда яшаган суғдийлар ўз ватандошлари билан доимий алоқа қилиб турганлар.

Археологик тадқиқотлар (тангашунослик маълумотлари, ҳунармандчилик буюмлари) бу даврда Ўрта Осиёда халқаро савдо билан бир қаторда, ички савдо ҳам тараққий этганлигидан далолат беради. Бу даврда Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқларида олтин, кумуш, Бадахшон лаълиси, ҳунармандчилик буюмлари, ҳарбий қурол-яроқлар, турли тақинчоқлар, рангли шиша ва шиша буюмлар, турли хил мевалар, ип-газлама, қоракўл, зотдор отлар билан савдо қилинарди. Термиз, Нахшаб, Кеш, Самарқанд, Пойканд, Бухоро, Чоч, Варахша каби ҳудудлар ўша даврдаги йирик савдо-сотиқ марказлари эди.

Маданий ҳаёт. Илк ўрта асрлардаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар Ўрта Осиё маданиятига ҳам таъсир этмасдан қолмади. Бу даврдаги маданий ҳаёт даставвал антик давр маданий анъаналари асосида ривожланган бўлса-да, Кушон давлати харобаларида бир нечта мустақил давлатлар ва мулкларнинг пайдо бўлиши ўзига хос маҳаллий маданиятларнинг пайдо бўлишига имкон яратган эди. Илк ўрта асрлар маданиятининг шаклланишига, шунингдек, қўшни давлатлар, аввало, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Хитой ҳамда кўчманчи чорвадорлар билан бўлган алоқалар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган эди.

Бу давр меъморчилиги Ўрта Осиё халқлари ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни ўзида акс эттиради. Шаклланаётган мулкдорлар тоифаси Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида йирик қалъалар қуриб, улар атрофини ҳимоя иншоотлари билан ўраб оладилар. Бундай қалъалар воҳаларда кўпинча табиий тепаликлар устига бунёд этилган. Қалъалар Хоразм, Тохаристон, Суғд, Уструшона, Марв ҳудудларидан топиб ўрганилган. Меъморчиликда асосан тош, пахса, хом ғишт ва ёғоч қурилиш материали сифатида ишлатилган.

Мил. IV–VI асрлар Ўрта Осиё халқларининг диний қарашлари зардўштийлик, буддавийлик, христианлик ва монийлик диний эътиқодлари билан боғлиқ эди. IV–V асрларга оид зардўштийлик анъаналари билан боғлиқ бўлган оташкадалар Қашқадарёдаги Ерқўрғондан, Панжикент атрофларидан, Бухоро воҳасидан топиб ўрганилган. Уларнинг барчасида зардўштийлик билан боғлиқ бўлган оссуарий (астадон)лар учрайди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу даврда зардўштийлик динига Ўрта Осиёнинг марказий ва шимолий ҳудудларида сиғинишган бўлса, минтақанинг жанубий ҳудудларида буддавийлик дини тарқалган эди. Буддавийлик динининг ибодатхоналари Қоратепа, Фаёзтепа (Термиз), Уштурмулло (Кобадиён), Ажинатепа, Ғишттепа, Қалаикофирниҳон (Тохаристон), Марв кабилардан топиб тадқиқ этилган.

Ўрта Осиёдаги христианликнинг маркази Марв шаҳри эди. Беруний маълумотларига кўра, Исо пайғамбар туғилганидан 200 йил ўтгач, христианлар Марвда пайдо бўлган эдилар. «Тожик халқи тарихи» китобида берилишича, 334 йилдаёқ Марвда епископлик, кейинроқ эса Митрополия мавжуд эди. Говурқалъадан христианлик ибодатхонаси қолдиқлари ва христианлар дафн этилган қабристон очиб

ўрганилган. Суғднинг айрим ҳудудларида (Самарқанд ва Панжикент) ҳам христианлик тарқалганлиги ҳақида маълумотлар бор.

III асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиёда монийлик дини тарқала бошлайди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, Монийлик динига, асосан, Шарқий Туркистон ва қисман Чағаниён ҳамда Суғд аҳолиси эътиқод қилган.

V–VI асрларда диний эътиқод ва тасаввур билан узвий боғлиқ бўлган тасвирий санъат – коропластика – маъбудаларнинг сопол ҳайкалчаларини ясаш ва уларга топиниш кенг ёйилади. Сопол ҳайкалчалар ҳудудларга кўра турлича бўлиб, кийим-кечаклари, юз сиймолари, тақинчоқлари жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқланган.

Улкан ҳудуддаги эфталитлар давлати жуда кўп халқларни ўзида бирлаштирганлиги сабабли ундаги диний эътиқодлар ҳам турлича бўлган. Суғдда зардўштийлик кенг тарқалган бўлса, Тоҳаристон ва Шарқий Туркистонда буддизмга эътиқод қилувчилар кўпчиликни ташкил этган. Шаҳарларда христиан ва яҳудий жамоалари ҳам мавжуд эди. Монийлик ва Маздак таълимоти тарафдорлари ҳам пайдо бўлаётган эди. Зардўштлар Ноҳид, Митра, Сиёвуш каби маҳаллий маъбудаларга ҳам сиғинганлар. Наврўз куни Бухоро оташпарастлари Сиёвуш қабри устида хўроз сўйиб, қурбонлик қилар эдилар. Жанубда буддизмнинг таъсири кўпроқ бўлган эди.

Илк ўрта асрларда Ўрта Осиё халқлари санъати деворий суратлар, ҳайкалтарошлик, турли тақинчоқ буюмлари орқали изоҳланади. Деворий суратлар Дилбаржин (Афғонистон), Варахша, Афросиёб, Панжикентдан топиб ўрганилган бўлса, Куёвқўрғон, Вахш воҳаси, Афғонистондаги Чақалоқтепа, Ерқўрғондан турли ҳажмдаги ҳайкаллар, заргарлик буюмлари топиб ўрганилган. Умуман олганда, бой безаклар, сопол, металл идишлар, деворий суратлар, ҳатто кийимлардаги тасвирлар бу даврда Ўрта Осиёдаги тасвирий санъатнинг ривожидан далолат беради.

Эфталитлар даврида чорвадор аҳоли туркийча сўзлашганлиги сабабли туркий тил тобора кўпроқ ёйила бошлайди. Бу даврда ўтроқ аҳолининг катта қисми суғдий тилда сўзлашар эдилар. Суғд тили ва ёзуви Еттисув, Фарғонадан ўтиб, Шарқий Туркистонга қадар етиб боради. Унинг «Самарқанд усули» кенг ёйилган эди. Бундан ташқари Хоразм, Кхароштий, Бухоро ёзувлари ҳам мавжуд бўлган. Эфталитлар ёзуви бақтрия ёзуви асосида пайдо бўлган. Сюан Цзяннинг

маълумот беришича, у 25 та ҳарфдан иборат бўлиб, хат чапдан ўнгга қараб кўндалангига ёзилган. Бундай ёзув ёдгорликлари Зангтепа, Қоратепа, Афросиёб харобаларидан, Кофирқалъадан топиб ўрганилган.

2.Туркий хоқонлик даврида Ўрта Осиё

VI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Жанубий Сибир ва Шимолий Монголия, яъни Олтой ҳудудларида туркий қабилалар иттифоқи шакллана бошлайди. Халқларимиз давлатчилиги тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган Турк хоқонлиги хусусида талайгина манбалар бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган бўлса-да, уларнинг айримлари бир-бирини инкор этади. Ушбу манбалар VI асрнинг охирларида яшаган византиялик тарихчилар Менандр Протектор, Феофан Византийский, суриялик тарихчи Ионна Эфессийларнинг тарихий асарлари, эпиграфик ёдгорликлар – Урхун-Енисей, руний ёзувлари, Хитойнинг «Тан хонадони тарихи» кабилардир. Ундан ташқари, ўрта асрлар муаллифлари ат-Табарий, Деноварий, Беруний, Наршахийлар асарларида ҳам Турк хоқонлиги тўғрисида маълумотлар учрайди.

«Алпомиш», «Гўрўғли», «Манас», «Дада Қўрқут» каби умумтуркий халқ достонлари, ўрта асрлардаги Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқалар асарларида туркий маданият, адабиёт, тарих тўғрисида турли қимматли маълумотлар келтирилади. 1999 йили Алпомишнинг 1000 йиллиги Республикамизда кенг нишонланиб, Термизда қаҳрамон Алпомишга маҳобатли ҳайкал ҳам ўрнатилди.

Таъкидлаш жоизки, турк атамасининг илк маротаба тилга олиниши 542 йилга тўғри келади. Турли манбаларда турклар «турк эл», «турк», «туркаш», «тукдус», «ту-кю», «тук-ют» каби номлар билан тилга олинади. Кучли, бақувват, ботир каби маъноларни англатувчи «турк» атамаси даставвал этник хусусиятга эга бўлмай, ижтимоий маънога эга бўлган. Туркларнинг келиб чиқиши хусусида кўплаб афсоналар мавжуддир. Айрим афсоналарда туркларнинг келиб чиқиши Нуҳ пайғамбарга бориб тақалса, айримларида улар ўн яшар бола ва она бўридан тарқалганлиги таъкидланади. Яна бошқа бир афсонага кўра, турк қабиласининг аждодлари Олтойнинг шимолий ён бағир-

ларида жойлашган Со вилоятидан келиб чиққан бўлиб, бу ердаги қабила бошлиғи Абанбу уларнинг илк йўлбошчиси бўлган.

Тарихий манбалардаги маълумотларга кўра, Турк хоқонлигининг пайдо бўлиши 551–552 йилларга тўғри келади. Даставвал, туркларнинг Ашин уруғидан бўлган Асан (Асян, Асян-шод) ва Туу туркий қабилалар иттифоқига асос соладилар. Туунинг ўғли Бумин (Хитойча Тумин) қўшни Теле қабиласини ўзига бўйсундириб, анча мустаҳкамланиб олишга муваффақ бўлади. Бу пайтга келиб, анчагина мустаҳкамланган Бумин бошчилигидаги қабилалар иттифоқи Олтойдаги ўзлари қарам бўлиб турган жужан (жуан-жуан)лар қабилаларига қарши кураш бошлаб, 551 йилда (айрим адабиётларда 552 йилда) уларни тор-мор этадилар. Мана шу даврдан бошлаб туркий ҳукмдорлар ўзларини жужанлар эгаллаб турган ерларнинг ҳақиқий эгалари ҳамда жужанларнинг мавқеи ва куч-қудратининг ворислари сифатида Анагуй хоқон (каған) унвонини кабул қиладилар. Жужанлар ҳукмдори Анагуй жонига қасд қилиб, ўзини ўлдиради.

551 йилда Бумин Турк элининг хоқони сифатида оқ кигизга ўтказилиб кўтарилади. Аммо 552 йилда Бумин тўсатдан вафот этиб, унинг ўрнига укаси Истами тахтга ўтиради. Истами хоқон Ўрта Осиё, Волга ва Шимолий Кавказ ерлари учун кураш олиб борган бўлса, унинг ўғиллари Муған хоқон ва Таспар хоқонлар Марказий Осиё ва Жанубий Сибирда ўз ҳукмронликларини ўрнатадилар. Бу пайтга келиб, туркларнинг ашаддий душмани бўлган жужанларнинг кичик бир қисми Корея ва Шимолий Хитойга жойлашади, яна бир қисми эса гарбга жойлашиб, аварлар номини олади.

Шундай қилиб, манбаларнинг маълумот беришича, Бумин хоқонининг вориси бўлган Муған хоқон жануби-ғарбий Манчжуриядаги





мўғул қабилалари бўлган киданларни ва Енисей қирғизларини бўйсундириб, Марказий Осиё ва Жанубий Сибирда Турк эли ҳукмронлигини ўрнатади. Туркларнинг ғарбий юришлари, айниқса, муваффақиятли эди. VI асрнинг 60-йиллари охирларига келиб, Турк хоқонлиги ўша даврдаги йирик давлатлар бўлган Византия, Сосонийлар Эрони, Хитой кабиларнинг сиёсий ва иқтисодий муносабатлар тартибига қўшилиб, Узоқ Шарқни Ўрта ер денгизи мамлакатлари билан боғловчи савдо йўли назорати учун кураш олиб борди.

VIII аср турк муаллифлари ўзларининг аждодлари бўлган илк хоқонларнинг ҳарбий юришлари ҳақида шундай ёзган эдилар: «Улар (хоқонлар – Эшов Б.) шарқда Қодиркон адирларигача, ғарбда Темир дарвозагача ўз халқларини жойлаштирдилар». Қодиркон адирлари бу – Катта Хинган тоғлари, Темир дарвоза эса Бойсун тоғдаги Бўзгалахона довонида жойлашган.

576 йилга келиб Турк хоқонлиги Манчжуриядан Киммерий Боспоригача, Енисей юқори оқимларидан Амударё юқори оқимларигача чўзилган эди. Шу тариқа турк хоқонлари сиёсий ва маданий мероси Ўрта Осиё ва жануби-шарқий Европа тарихига сезиларли таъсир кўрсатган дастлабки Евросиё империясига асос солган эдилар.

VI аср 50-йилларининг охирларида Истами хоқонда эфталитларга қарши ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш учун қулай имконият пайдо бўлади. Эрон шоҳи Хусрав I Анушервон (531–579 йй.) эфталитларга ўлпон тўлашни тўхтатиб қўяди ва уларга қарши урушга тайёргарлик кўра бошлайди ҳамда Византия билан алоқаларни йўлга қўяди. Хусрав I сиёсий жиҳатдан бироз ўнгланиб олгач, Турк хоқонлигига эфталитларга қарши иттифоқ таклиф этади. Айни вақтда Византиядан фойдаланган Эрон эфталитлардан Тохаристон, Чағаниён, Қобул атрофидаги ерларни тортиб олади.

563 йилда эфталитларга қарши шимолдан турклар Чоч водийсига бостириб киradилар. Тез орада улар томонидан Самарқанд, Кеш, Нахшаб эгалланади. «Шоҳнома»да маълумот берилишича, ҳал қилувчи жанг Бухоро атрофларида бўлиб ўтади ва эфталитларнинг Гатифар бошчилигидаги қўшинлари тор-мор этилади. Шундан сўнг турклар тезлик билан ҳаракат қилиб, иложи борича эфталитларнинг кўпроқ ерларини ўз қўлларига олишга ҳаракат қиладилар. Амударёнинг жанубий соҳилигача бўлган ерлар, Эрон, унинг шимолидан Каспий соҳилларигача бўлган ерлар турклар қўлига ўтади. Эфталит-

ларнинг мағлубиятидан сўнг бевосита иттифоқчилар ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўла бошлайдики, бу ҳолат савдо йўли назорати билан боғлиқ эди.

Турклар Ўрта Осиё ерларини босиб олгач, Буюк Ипак йўли катта қисмининг назоратини ўз қўлларига оладилар. Бу йўлнинг Ўрта Осиё ҳудудларидан ўтувчи қисмида, асосан, Суғдийлар ипак билан савдо қилишни назорат қилар эдилар. Ипак матоларнинг асосий харидори Византия бўлиб, ипак савдоси Суғд савдогарлари ва турк хоқонларига катта даромад келтирар эди. IV асрнинг охирларидан бошлаб Суғдда, VI асрда Эрон ва Византияда ўз ипакчилик ишлаб чиқаришининг пайдо бўлиши бу маҳсулот сотилишини янада қийинлаштиради.

Хоқонликнинг бевосита ғарбий қисмини бошқариб турган Истами ва бош хоқон Муқан хоқон ипак савдоси можаросини тинчлик билан ҳал қилишга ҳаракат қила бошлайдилар. Истами хоқон ўз қўл остидаги Суғд ихшидига бу масалани ҳал этиш вазифасини топширади. Эронга Турк хоқони номидан машҳур Суғд савдогари ва дипломати Маниах бошчилигида элчилар гуруҳи жўнатилади. Хусравшоҳ ўз атрофидаги амалдорларнинг маслаҳатига кириб, суғдийлар олиб келган ипак матоларни сотиб олиб, уни элчилар кўз ўнгида ёқиб ташлайди. Шундан сўнг Маниах бошқа харидор – Византия билан келишишга ҳаракат қилади. 567 йилда у Турк хоқонлигининг Константинополга юборган элчиларига бошчилик қилади. Византия ҳам Эрон каби Суғд ипак матоларига унчалик эҳтиёж сезмас эди. Аммо эронийларга қарши турклар билан иттифоқчилик тарафдори эди. Шу туфайли Турк хоқонлиги элчилари император саройида иззат-ҳурмат билан кутиб олинади.

Ушбу элчилик давомида Турк хоқонлиги билан Византия ўртасида Эронга қарши иттифоқ тузилади. Маниах орқага қайтишда у билан бирга Византия императорининг элчиси, киликиялик Земарх Турк хоқони қароргоҳига келади. Хоқон Земархни Тянь-Шандаги «Олтин тоғ» яқинидаги қароргоҳида қабул қилади ва турк қўшинларининг Эронга юришида йўлбошловчилик қилишни таклиф этади. Эрон шоҳининг турклар ҳужумини дипломатик йўл билан тўхтатишга уриниши ҳеч қандай натижа бермади. Шиддатли ҳужумлар билан турклар Гургонни ва бир неча бой шаҳарларни эгаллаб, 569 йилда Суғдга қайтадилар.

Туркларнинг Эронга иккинчи маротаба юришлари 588–589 йилларга тўғри келади. Туркларнинг Чур Баға хоқон (айрим адабиётларда Савғ ёки Шаба дейилади) бошчилигидаги қўшини Хуросонга бостириб киради. Ҳирот ёнида турк қўшинлари эронийларнинг машҳур Баҳром Чубин бошчилигидаги қўшинлари билан тўқнашади. Бу жангда Баҳром Чубин турк қўшинларини тор-мор этиб, турклар йўлбошчисини камон ўқи билан ҳалок этади. Қайта қаршилик кўрсатиш фойдасиз эканлигини англаган турклар эронийлар билан сулҳ тузишга мажбур бўладилар.

Араблар Ўрта Осиёни босиб олгунларига қадар туркларнинг Ўрта Осиёдаги мулклари билан Эрон ўртасидаги чегаралар ўзгармади. Араб босқинига қадар ипак ва бошқа маҳсулотлар ортилган карвонлар у ёки бу даражадаги барқарорлик билан Эрон, Хоразм ва Волгабўйи орқали ғарбга қатнаб турди.

576 йилда Муқан хоқон вафотидан сўнг хоқонлик тахтига унинг укаси Арслон Тўба ўтиради. У мамлакатнинг куч-қудратини мустаҳкамлаш мақсадида Хитойнинг Ци салтанати билан шартнома тузади. Бундан ташқари, у мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чораларини ҳам кўради. Аммо 581 йилда Арслон Тўба вафотидан сўнг Турк хоқонлари ўртасида ўзаро ички курашлар авж олиб, натижада мамлакат ичида аҳвол кескинлашиб, иқтисодий таназзул бошланиб кетди.

Айнан мана шундай кескин вазият шароитида туркий шаҳзода Абруй бошчилигида 585–586 йилларда халқ ҳаракати бўлиб ўтди. Муҳаммад Наршахийнинг маълумот беришича, Абруйнинг қароргоҳи Пойканд атрофида бўлиб, у бой зодагонлар ва савдогарлар устидан қаттиқ назорат ўрнатганлиги боис, бу тоифа аҳолиси Бухоро вилоятидан кўчиб, Туркистон ва Тароз атрофига бориб ўрнашадилар. Қочиб борганлар Турк хоқонидан ёрдам сўраганлар. Натижада, турк саркардаси Шери Кишвар бошчилигидаги қўшинлар қўзғолонни бостирадилар ва Абруйни ўлдирадилар.

Ғарбий Турк хоқонлиги. Турк хоқонлари ўртасидаги ўзаро курашлар 20 йилдан зиёдроқ давом этиб, 603 йилда давлатнинг 2 та: Ғарбий ва Шарқий қисмларига бўлиниб кетиши билан якунланди. Шарқий Турк хоқонлиги Мўғулистон ҳудудларини, Ғарбий Турк хоқонлиги эса Еттисув, Чу водийси, Волга, Кубаннинг қуйи қисми, Иртиш, Ишим дарёси бўйидаги ерлар, Ўрта Осиё ва Шарқий Туркис-

тоннинг бир қисмини ўз ичига олган. Хоқонлар Шегуй ва Тўн ябғу даврларида Ғарбий Турк хоқонлиги вақтинчалик ривожланиш жараёнларини бошдан кечирди. Бу даврда хоқонликнинг ҳудудлари кенгайди, давлат бойиди ва ҳарбий қабила зодагонларининг мавқеи кучайиб, улар хоқонлар ҳокимиятидаги ҳарбий муваффақиятларни таъминлаб турдилар. Шагуй Ғарбий хоқонликнинг шарқий чегараларини Олтой қилиб белгилади ва ўз ҳокимиятини Тарим ҳавзаси ва шарқий Помир олдигача чўзишга муваффақ бўлди. Тўн ябғу (Тўн Баҳодир) хоқонликнинг ғарбий ҳудудларида фаол сиёсат олиб бориб, хоқонликнинг қишки қароргоҳини Чу дарёси воҳасидаги йирик савдо ҳунармандчилик маркази бўлган Суёбга (ҳозирга Тўқмоқ яқинидаги Оқбешим кўҳна шаҳри), ёзги қароргоҳини эса Исфижоб яқинидаги Мингбулоққа (ҳозирги Туркистон шаҳри яқинида) кўчиради. Тўн ябғунинг янги юришлари туфайли хоқонлик чегараси Амударёнинг юқори оқимларидан Ҳиндиқушгача чўзилади.

Тўн ябғу ҳукмронлиги даврида амалда мустақил бўлган Ўрта Осиё давлатлари устидан нисбатан қаттиқ сиёсий назорат ўрнатилади. Чунки бу давлатларнинг вассаллиги фақат ўлпон тўлаш билан чегараланар эди. Исфижобдан Тошкент воҳасигача, шимолда Жанубий Афғонистон ва шимоли-ғарбий Покистонгача бўлган ҳудудларга хоқон Тўн ябғунинг ишончли вакиллари – тудунлар юборилиб, улар солиқлар йиғиш ва хоқон қароргоҳига юбориладиган ўлпонларни қаттиқ назоратга олдилар. Маҳаллий ҳокимларга уларни хоқонлик маъмурий бошқарувига қўшилганлик рамзи сифатида турк унвонлари берилди. Шу билан биргаликда, Тўн ябғу нисбатан кучли бўлган маҳаллий ҳукмдорлар билан шахсий муносабатларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Манбаларда Тўн ябғунинг Самарқанд ҳокимига ўз қизини хотинликка берганлиги ҳақида маълумот бор. Хитой манбаси Тўн ябғу ҳақида маълумот берар экан, шундай хабар беради: «Ғарб варварлари ҳали ҳеч қачон бунчалик қудратли бўлган эмас».

Ўта яккахокимлик хусусиятига эга бўлган Тўн ябғу бошқаруви – талон-тарожлик урушлари натижасида бойиб кетган қабила зодагонлари орасида норозилик ҳаракатларини кучайтириб юборди. Бошланиб кетган ўзаро курашларни бартараф этишга ҳаракат қилган Тўн ябғунинг тоғаси Қўл Баҳодир жиянини ўлдириб, ўзини Қўл Элбилга хоқон деб эълон қилади. Аммо қабила бошлиқларининг айримлари бошқа даъвогарни қўллаб-қувватлаганлари туфай-

ли яна қабилалараро курашлар бошланиб кетади. 630–634 йилларга келиб хоқонлик ўзининг Сирдарёнинг ғарбидаги Ўрта Осиё мулкларидан маҳрум бўлди. Ғарбий турк хоқонлигининг асоси бўлган дулу ва нушиби қабилалари ўртасида ўзаро курашлар авж олиб кетди.

634 йилда нушиби қабиласи томонидан қўллаб-қувватланган Ишбара Элтериш Шер хоқон ҳокимият тепасига келди. У ҳарбий маъмурий тартиб бўлган «ўн ўқ эли» бошқарувини қайта тиклашга ҳаракат қилиб, қабила бошлиқларини ўзига шахсан тобе қилиш мақсадида ислоҳотлар ўтказди. Ундан ташқари, амалдаги назоратни амалга ошириш мақсадида Ишбара ҳар бир мулкка хоқон уруғи аъзоси – шодни жўнатади. Шодлар қабила зодагонлари билан ҳеч қандай алоқада бўлмай, уларнинг марказий ҳокимиятга интилишини кузатиб борган. Бу маҳаллий ҳокимларнинг сиёсий ташаббусларини ниҳоятда чегаралаб қўяр эди. Аммо Ишбара Элтериш Шер бошчилигидаги хоқонлик ҳокимиятининг ҳарбий-сиёсий лаёқати қарам мулклар ва қабилаларни ушлаб туришга қодир эмас эди. 638 йилда дулу қабиласи ўзларига жўнатилган шодни хоқон деб эълон қилдилар. Шундан сўнг дулу ва нушиби қабилалари ўртасида оғир ва қонли урушлар бўлиб ўтиб, ғарбий хоқонлик икки қисмга бўлиниб кетди. Шундай бўлса-да, хоқонликдаги қабилалараро ва сулолалараро урушлар 17 йил (640–657 йй.) давом этди.

VII асрнинг ўрталарида Ғарбий турк хоқонлиги заифлашиб, бир неча қисмларга бўлиниб кетди. Вазиятдан фойдаланган Хитойнинг Тан империяси қўшинлари 657–659 йилларда Еттисувга бостириб кирдилар. Хитой босқинчиларига қарши курашлар узоқ йиллар давом этди. Фақатгина VII асрнинг охирларига келиб хоқонлик ўз мустақиллигини тиклашга муваффақ бўлди ва хитойликлар вакили Хусрав Бўришод мамлакатдан ҳайдаб юборилди.

Давлат бошқаруви. Турк хоқонлигида давлатнинг олий ҳукмдори «хоқон» унвонига эга бўлган. Хитой манбалари маълумотларига кўра, туркийлар хонни тахтга ўтказишда махсус маросим ўтказишган. Яъни, амалдорлар бўлажак хонни кигизга ўтказиб, қуёш юриши бўйлаб 9 маротаба айлантирганлар, иштирокчилар эса уни қутлаб ва улуғлаб турганлар. Сўнгра хонни отга ўтказиб, бўйнига ипак мато боғлаганлар ва ундан «Сиз неча йил хон бўлмоқчисиз?» деб сўраганлар. У неча йил хон бўлишини айтган ва шу муддат тугагач, тахтдан кетган.


Қадимги туркий афсоналарда берилишича, туркларнинг тасаввурига кўра, давлатчиликнинг маркази, давлатни ўз қўлида бирлаштирувчи шахс хоқон ҳисобланган. Бошқарувда хоқонларнинг ҳукмрон сулоласи асосий бўлиб, у учта куч – осмон (тангри), ер-сувнинг куч ва иродаси ҳамда турк халқининг яратувчанлик фаолияти туфайли юзага келтирилади.

Хоқондан кейинги шахс биринчи амалдор **«Ябғу» (Баҳодир)** бўлиб, у бош саркарда ҳисобланган. Аммо ябғу тахтга меросхўрлик қила олмас эди. Турк хоқонлиги тахтига ворислик тартиби турк давлатчилиги тузилиши учун хос бўлган улусларга бўлиниш тизимига асосланиб белгиланар эди. Ушбу тизимга кўра тахт аксарият ҳолларда отадан ўғилга эмас, акадан укага, амакидан жиянга мерос қолар эди. Тахт меросхўри **тегин (шаҳзода)** деб юритилган. Шаҳзодалар то тахтга ўтиргунларига қадар ўзларига берилган улусларни бошқариб турганлар. Ўрта Осиёдаги маҳаллий ҳокимларнинг фаолиятини назорат қилувчи амалдор, хоқоннинг назоратчиси – **«тудун»** деб аталган. Турк хоқонлиги конфедератив давлат бўлган. Туркийлар ўз юрти ва давлатини «эл» деб аташган. Биринчи турк хоқони Буминхон **элхон** унвонига эга бўлганлиги бежиз эмас.

Хоқонлик таркибидаги кўплаб қабила ва элатларни бирлаштириш ва бошқариб туриш, улардан маълум миқдордаги солиқлар ва ўлпонларни ўз вақтида йиғиб олиш мақсадида хоқонликда махсус маъмурий ва ҳарбий-сиёсий бошқарув тизими жорий этилган эди. Давлатни бошқаришда олий ҳукмдорга унинг яқин қариндошлари, аввало, ҳукмрон сулола аъзолари ҳамда улар томонидан барпо этилган бошқарув тизими ёрдам берар эди. Манбаларнинг маълумот беришича, у тўртга бўлинган. Яъни, қариндошлар, хоқонга иттифоқдош бўлган қабила ва халқлар; хоқоннинг ўнг томонида ўтирувчи амалдорлар ва маъмурий ходимлар; хоқоннинг чап томонида ўтирувчи амалдорлар ва ходимлардан иборат бўлган. Хоқоннинг қариндошлари – ўғиллари, амакиси, жиянлари ва ака-укаларига «тегин» унвони берилган. Хитой манбаларида маълумот берилишича, хоқонликда бешта олий мансаб – еху (ябғу), ше (шод), деле (тегин), силифа (элтабар) ва тутунфа (тудун) кабилар мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси мерос қилиб қолдирилган.

Турк хоқонлиги давлатининг асосини ер билан бирга халқ ташкил этар эди. Ўз даврида Ўрта Осиёда давлатчиликнинг мустақил ва

Турк хоқонлигида давлат бошқаруви ва мансаблар



анъанавий шаклларини ривожлантирган туркийлар давлати мавжуд жамиятнинг муайян ижтимоий тузилмаларига ва қадимги туркларнинг давлат томонидан ташкил этилган ҳамда назорат қилинадиган хўжалик фаолиятига таянар эди. Тарихий адабиётларда берилишича, бу фаолиятнинг асосини кўчманчи чорвачилик ташкил этган. Чорвадор туркларда уруғ-қабилачилик анъаналари ниҳоятда кучли бўлиб, қабила ва уруғ жамоаларининг асоси катта оилалардан ибо-

рат бўлган. Кўчманчи чорвадорлар оммасини турклар «будун» ёки «қора будун»деб аташган.

Хоқонликда кенг миқёсда деҳқончилик ҳам қилинар эди. Хитой манбалари «гарчи турклар доимий яшаш жойларига эга бўлмаса ҳам, лекин уларнинг ҳар бирининг ажратиб берилган ери бор»лиги ҳақида маълумот беради. Айнан мана шундай «ажратиб берилган ер»ларда деҳқонлар мавжуд сув манбалари ҳамда лалмикор ерлар имкониятидан фойдаланиб, асосан, донли экинлар етиштирганлар. Мевали дарахтлардан боғ-роғлар яратишга алоҳида аҳамият берганлар. Манба тили билан айтганда, «(мевали) дарахтлар савлат тўкиб турган».

Турклардаги қабила ва уруғ жамоаларининг катта оилаларида уй қуллари ҳам мавжуд эди. Қулларнинг кўпайиши билан синфий муносабатлар таркиб топа бошлаган. Лекин қулчилик ижтимоий ҳаётга кенг кириб келмаган. Шу боис бўлса керак, манбалар хоқонликда қуллар меҳнатидан кенг фойдаланиш ҳақида амалда ҳеч қандай маълумот бермайди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, кўпроқ аёллар меҳнатидан фойдаланилган ва қуллар, асосан, уй ишлари билан шуғулланишган. Кўпинча жамоада аёллар қул қилиб олиб кетилар эди. Лекин қул аёллар ҳам оғир ишларда фойдаланилмай, балки уй-рўзғор ишларида ишлатилинар эди. Қул эркакми, аёлми барибир қочиб кетар эди.

Қочган қул таъқиб қилинмаган ва унинг учун ҳеч ким товон тўламаган. Турк хоқонлигининг марказий бошқарув тизими, асосан, йирик сиёсий давлат тадбирлари (давлат осойишталигини сақлаш, давлат сарҳадларини кенгайтириш, солиқ тизими, ички ва ташқи савдо, дипломатик муносабатлар ва бошқ.) билан машғул бўлиб, ўзлари забт этган ҳудудлардаги бошқарув тизимига маълум даражада эркинлик берилган. Шунинг учун ҳам Фарғона, Суғд, Шош, Тохаристон, Хоразм ва бошқа мулклардаги бошқарув тартиби, асосан, маҳаллий сулолалар қўлида бўлган. Мисол учун, Суғд ва Фарғонада олий ҳукмдор – «ихшид» Тохаристонда – «маликшоҳ», Хоразмда – «хоразмшоҳ», Кешда – «иҳрид», Бухорода – «худот», Уструшонада – «афшин»', Чоч ва Илокда – «будун» деб аталган.

Турк хоқонлиги даврида Суғд ҳудудларига ҳозирги Панжикентдан Карманагача бўлган ерлар кирган. Бухоро эса VII асрдан бошлаб мустақил мулклар иттифоқидан иборат бўлган. Суғднинг маҳаллий ҳокимлари айрим вақтларда Чоч ва Хоразмнинг мустақил ҳукм-

дорлари билан бирлашар эдилар. Бундай йирик сиёсий бирлашмалар маълум муддатларда йирик шаҳарларда ўз қурултойларини ўтказиб турганлар.

Фарғона Суғд сиёсий иттифоқига кирмаган бўлиб, у алоҳида мустақил давлат эди. Уни афшин бошқарган бўлиб, фарғоналиклар Тянь-Шан халқлари билан ўзаро алоқада бўлганлар. Хоразм бошқа мулкларга нисбатан анча мустақил эди. Мамлакатни Африғийлар сулоласига мансуб подшолар бошқариб турган.

Таъкидлаш лозимки, Турк хоқонлиги маълум даражада тўлиқ ишлаб чиқилган жиноий қонунчиликка эга бўлган. Содир этилган жиноят учун жазонинг асосий турлари – қатл этиш, одам аъзоларини кесиб ташлаш, зарарни тўлаш, мол-мулк тарзида товон тўлашдан иборат эди. Мисол учун, манбаларнинг маълумот беришича, ўлим жазоси давлатга қарши жиноятлар учун (исён кўтариш, сотқинлик) ҳамда ноҳақ ёки қасддан одам ўлдирганлик учун берилган. Ўғирлик ёки бузуқлик қилган шахснинг қўли ёки оёғи кесилган. Шахсга қарши қаратилган бошқа жиноятлар етказилган зарарни ўн баробар қилиб тўлаш, жароҳат етказгани ёхуд майиб қилгани учун мол-мулк тарзида товон тўлаш, қизи, хотинини қулликка бериш, суягини синдирганлик учун эса от бериш йўли билан жазоланарди.

Маданий ҳаёт. Ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ. Ўз даврида Турк хоқонлигидаги маданий жараёнлар Буюк ипак йўлидаги кенг кўламдаги халқаро алоқалар туфайли жамиятдаги сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий воқеалар билан ўзаро боғлиқликда ривожланиб борди. Ўтроқ деҳқончилик воҳалари аҳолиси ва дашт қабилалари ўртасидаги маданий алоқалар, айниқса, кучайди. Бу даврдаги маданий ҳаёт моддий маданият буюмлари, меъморчилик ва санъат, дин ва ёзув кабиларда ўз ифодасини топди.

Таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиёнинг турк хоқонлиги таркибига кирган давридаги моддий маданияти ўзида маҳаллий ўтроқ халқлар ва кўчманчи туркларнинг муштараклигини акс эттиради. Уларнинг умумийлиги қурол-аслаҳа, зеб-зийнат буюмларининг ўхшашлигида, қимматбаҳо металлардан ишланган буюмлар кўринишида ўз аксини топган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, моддий маданиятдаги умумийлик, аввало, Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқлари ҳамда турк хоқонлари манфаатларининг умумийлиги билан боғлиқ эди.

Турк хоқонлиги даврида Ўрта Осиё халқлари зардўштийлик, буддавийлик, насронийлик, монийлик, шомонлик каби динларга эътиқод қилган бўлсалар-да, диний қарашларда зардўштийлик етакчи ўринда турган. Зардўштийларнинг улуғ худоси Ахурамазда (Ормўз, Хурмўз) «само ва ернинг асосчиси» бўлиб, унинг шарафига қурбонликлар келтирганлар. Бу дин, айниқса, Хоразм, Суғд ва Чоч вилоятларида кенг тарқалган эди. Бу даврда Тохаристон, Фарғона, Еттисув ва Шарқий Туркистон шаҳар аҳолиси ўртасида буддавийлик дини кенг тарқалган эди. Балхдан, Термиздан, Кобадиёндан, Қувадан илк ўрта асрларга оид будда ибодатхоналари қолдиқлари очиб ўрганилган. Шунингдек, суғдийларнинг Еттисувдаги айрим ерларга бориб ўрнашишлари оқибатида зардўштийлик дини билан Еттисувга хос шомонийлик динларининг бир-бири билан қўшилиши юз беради.

Туркийларнинг дини ҳақида «Бэй-ши» ва «Суй-ши» Хитой йилномаларида қайд этилади. Уларда туркийларнинг диний одатлари ҳақида қуйидаги маълумотлар бор: 1) Хоқон қароргоҳига Шарқ томондан кирилган ва бу билан кун чиқиш тарафга ҳурмат маъноси ифодаланган ҳамда айни пайтда қуёшга сиғинишни ҳам билдирган. 2) Ҳар йили хоқон ўз амалдорлари билан ғорга бориб, ота-боболари руҳига қурбонлик келтирган. 3) Ҳар йилда 5 марта хоқон ой чиқишида яқинларини йиғиб, дарё бўйига борган ва осмон руҳи (Тангри)га қурбонлик келтирган. Қабилалар учун ягона асосий худо бўлиб, унга доимий равишда қурбонлик келтириб турганлар. Улар руҳ абадийлиги, нариги дунё борлигига ишонганлар.

Турк хоқонлиги даврида Ўрта Осиёда кўплаб йирик шаҳарлар мавжуд эди. Катта ва кичик шаҳарларда ҳунармандчилик, меъморчилик, рассомлик, ҳайкалтарошлик кабилар ривожланади. Уларнинг айрим намуналари ўша даврда бунёд этилган қаср ва саройларни безаган деворий суратлар ва ганчкор нақшлар, ҳайкаллар ва ҳайкалчалар, тангаларда зарб этилган рамзлар сифатида бизнинг кунларимизгача сақланиб келган. Уларда ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар ўз аксини топган. Сурхон воҳасидаги Болаликтепа, Зарафшон водийсидаги Панжикент, Варахша ва Афросиёб, Фарғонадаги Қува харобаларидан топилган деворий суратлар манзаралари шулар жумласидандир.

Бу даврда улкан ҳудудларда яшаган турли халқларнинг тил ва ёзувлари бир-бирларига таъсир ўтказган эди. Араб ёзувига қадар турк-

руний, уйғур, моний, суғд, брахма, кхароштий, хоразмий ва сурёний ёзувлари мавжуд эди. Суғд, Хоразм ва Тохаристон аҳолисининг алоҳида-алоҳида ёзувлари бор эди. Суғд ва Хоразм ёзувлари оромий ёзуви асосида пайдо бўлган бўлса, бу ёзувлар асосида тохаристон ёзуви пайдо бўлади. Суғд ёзувлари кенг ҳудудларга тарқалган бўлиб, бу жараён суғдийларнинг янги ерларни ўзлаштириш фаолияти ва савдогарларнинг Ипак йўлидаги саъй-ҳаракатлари билан боғлиқ эди. Шу боис бўлса керакки, суғд тилидаги ёзма ёдгорликлар Ўрта Осиё, Қозоғистон, Шарқий Туркистон, Покистон ва Мўғулистон ҳудудларидан топиб текширилган. Суғд ёзуви иш юритишда, савдо ва маданий алоқаларда катта аҳамиятга эга бўлиб, қадимги уйғур, мўғул ва манжурлар ёзувлари пайдо бўлишига асос бўлди.

Бу даврда Хоразмда маҳаллий ёзув кенг тарқалган ва амалда бўлган. Тупроққалъадан шоҳ архивларининг топилиши бунга мисол бўла олади. Бой безаклар, сопол, металл идишлар, деворий суратлар, кийимлардаги тасвирлар бу ерда тасвирий санъат ривожланганидан далолат беради.

Хоқонликдаги шаҳар аҳолиси, асосан, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланганлар. Деҳқончиликдаги тараққиёт кўлами ва сифати ўзидан кейинги уч тармоқ – ҳунармандчилик, қурилиш, савдо-сотиқ равнақи учун катта туртки бўлган эди. Айнан шунинг учун ҳам бу вақтда темирчилик, заргарлик, кулолчилик, дурадгорлик, қуролсозлик, тўқимачилик, шишасозлик, чармгарлик каби ҳунармандчилик тармоқлари тобора ривож топади. Турклар саррожлик, руда қазиб олиш ва ундан қурол-яроғ ясашда, айниқса, моҳир эдилар. Турклар ясаган қурол-яроғ ва зеб-зийнат буюмлари ўзининг хилма-хиллиги ва пишиқлиги билан ажралиб турган.

Бу даврда кончилик ишлари ҳам анча ривожланган. Олтин, темир, кумуш, мис, тузнинг бир неча хили, қимматбаҳо тошлар, турли маъданлар – Суғд, Шош, Фарғона, Қашғар, Тохаристон каби вилоятлардан қазиб олинганлиги манбаларда аниқ кўрсатилган.

Хоқонлик даврида савдо-сотиқ ишларига алоҳида эътибор берилганлиги боис, Буюк Ипак йўли самарали ишлашда давом этди. Ўрта Осиё халқларининг бу даврдаги асосий ҳамкорлари Эрон, Хитой, Ҳиндистон, Византия эди. Бу мамлакатларга тўқимачилик, ипакчилик маҳсулотлари, қимматбаҳо тошлар, улардан ишланган буюмлар, тақинчоқлар, дориворлар, наслдор арғумоқлар, бир неча хил туз,

боғдорчилик маҳсулотлари, қазилма бойликлар ва ҳоказолар олиб борилган. Савдо-сотиқда, айниқса, суғдий савдогарларнинг мавқеи кучли бўлган. Шу ўринда хитойлик муаллифнинг қуйидаги маълумоти диққатга сазовордир: «(Суғдий) эркаклар йигирма ёшга тўлишлари билан қўшни мамлакатларга ошиқадилар ва (савдо-сотиқда) қаерда (қулайлик) манфаат бўлса (албатта), у ерга қадам ранжида этадилар».

Хуллас, Ўрта Осиёнинг Турк хоқонлиги таркибида бўлиши ўша давр давлатчилик тарихи, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Аввало, Турк хоқонлиги жуда катта ҳудудлардаги туркий қабилаларнинг бирлашуви ва жипслашувига кенг имкониятлар яратиб, Ўрта Осиёдаги айрим туркий халқлар шаклланишига асос солди. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, аввал Турк хоқонлиги, кейин эса Ғарбий турк хоқонлигининг қудратли ва кўчманчиларга хос шиддатли ҳарбий ташкилоти, суғдийларнинг бевосита аралашуви туфайли олиб борган дипломатик сиёсати Хитой, Византия ва Эроннинг Ўрта Осиё илк ўрта асрлар даври халқлари ва элатларига нисбатан олиб бораётган тажовузкорлик сиёсати йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйди.

Бепоён дашт ва чўл ҳудудларида, серҳосил ва сersув воҳаларда ташкил топган улкан давлат бирлашмалари каттагина ҳудудлардаги шаҳарлар, ҳунармандчилик, маданият, савдо-сотиқ ва ўзаро алоқаларнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар очиб берди. Масаланинг яна бир энг муҳим томони шундаки, Турк хоқонлиги мавжудлиги даври – кўчманчилар маданияти инсоният цивилизациясининг ўз йўналиши ва жиҳатларига эга бўлган ўзига хос ва бетакрор тармоғи бўлиб, ўтроқ аҳоли маданияти билан аралашиб, уйғунлашган маданият пайдо бўлиши даври бўлди.

3.Ислом дини. Араб халифалиги даврида Мовароуннаҳр

Жаҳон тарихида улкан из қолдирган давлатлардан бири – бу Араб халифалигидир. Араб халифалиги даври Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Яқин ва Ўрта Шарқ, шимолий Ҳиндистон, Пиреней ярим ороли ва шимолий Африка халқларининг ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиётида ўзига хос юксалиш даврини белгилаб берди. Араб истилочилари хусусида, шубҳасиз, энг асосий маълумотларни араб,

мусулмон муаллифлари бериб ўтганлар. Шу хусусда, жумладан, ал-Балазурийнинг «Футуҳ ал булдон» (Мамлакатларнинг фатҳ этилиши), ат-Табарийнинг «Тарихи расули ва мулук» (Пайғамбарлар ва подшолар тарихи) асарлари алоҳида аҳамият касб этади.

Ислом динининг ватани Арабистон ярим оролидир. Араблар семит қабилалари гуруҳига мансуб бўлиб, асосан, кўчманчи чорвачилик билан ҳаёт кечирганлар. Кўчманчилар бадавийлар деб юритилган. Воҳалардаги аҳоли деҳқончилик билан шуғулланган. Денгиз бўйлари, воҳаларда шаҳарлар қад ростлаган бўлиб, уларда асосан савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик билан кун кўрадиган аҳоли яшар эди.

VI асрнинг иккинчи ярми, VII асрнинг биринчи ярмидаги араб ижтимоий ҳаёти жуда мураккаб ва ранг-баранг эди. Унда уруғ-аймоқчилик муносабатлари эндигина куртак очиб келаётган феодал муносабатлар билан чатишиб кетган эди. Асосий савдо йўлларининг бу ҳудуддан ўтишидан араб зодагон-савдо аҳли жуда манфаатдор эди. Лекин мамлакатда бу пайтда сиёсий парокандалик ҳукм сурар эди. Ўзаро қабилавий урушлар натижасида деҳқончилик ва савдо-сотиқ ишларига катта зарар етказилар, хонавайронлик авж олган эди. Бу ҳолат араб аслзода гуруҳлари, зодагонлари манфаатига зид бўлиб, мамлакат иқтисодий йўналишида юқоридаги салбий ҳолатлар катта зарар етказар эди. Юқоридаги вазият ҳам турли табақа, тоифа кишиларининг ўзаро ҳамжиҳатликка, ягона, кучли давлат атрофига бирлашишга чақирар эди. Аҳоли ичида кўп худолик – бутпарастлик урф эди (хусусан, Каъбада 360 та бут бўлиб, уларнинг энг йириклари Ҳубал ва Лут бўлган).

Шундай вазиятда Ислом тўғри ва ҳақ йўлни кўрсатувчи дин сифатида юзага келди. Ислом – Аллоҳ ягона деб эътироф этиб, унга бўйсунмоқлик ва бутун қалби билан унга ихлос қилмоқлик ҳамда Аллоҳ буюрган диний эътиқодга имон келтирмоқлик демакдир. Ислом «итоат», «бўйсуниш» маъноларини билдиради. Бу диннинг асосчиси Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) (570–632) маккалик Абдуллоҳнинг ўғли бўлган. Унинг бобоси Абумуталлиб қурайш қабиласининг бошлиғи бўлган.

Муҳаммад пайғамбарнинг таълимотига эргашганларни «муслим» («мусулмон»), яъни «итоаткорлар» деб юритганлар. Ўз пайғамбарлик фаолиятини Муҳаммад Маккада бошлаган. Макка Арабистон ярим оролининг ғарбий қисмидаги Ҳижоз вилоятида жойлашган

шаҳар бўлиб, бу ерда Каъба жойлашган эди. Диний таълимотга кўра, Каъбани Одам Ато барпо қилган бўлиб, уни Иброҳим пайғамбар ўз ўғли Исмоил билан бирга қайта қурган ва биринчи Ҳаж сафарини уюштирган. Каъбанинг ичида муқаддас тош – «Ҳажар-ул-асвод» ўрнатилган. Ҳар йили бу муқаддас жойга миллионлаб мусулмонлар зиёратга келадилар.

Муҳаммад пайғамбар муслим (мусулмон)ларнинг ягона Аллоҳ олдида тенг эканликларини, Яратганнинг ўзи ризқ-рўз улашишини, жамиятдаги адолатсизликка қарши жазо муқаррар ва ҳар бир киши бу дунёдаги ишларига кўра тақдирланиши, инсон Яратганга, ёлғиз Аллоҳгагина эътиқод қилишини тарғиб қилади. Бу таълимот аҳолининг барча қатламлари манфаатларига мос бўлиб, тез орада, биринчи навбатда, шаҳар аҳли ичида тарқала бошлайди. Лекин янги дин тарафдорларининг аҳволи уларнинг эътиқодларига кўра оғирлашиб боргандан сўнг бир қисм мусулмон аҳоли Ҳабашистонга, баъзилари шимолга қараб кетишга мажбур бўлдилар. Муҳаммад ҳам ўзига қарши турган қурайш қабиласи аъзоларининг таъқиби кучайиб кетган 622 йил 16 июлда (баъзи адабиётларда 15 июл дейилади) ўзининг энг яқин дўсти ва сафдоши Абу Бакр билан Маккадан Мадинага кўчишга мажбур бўлади. Бу араб тилида «ҳижрат» деб аталиб, шу кундан бошлаб мусулмон оламида қабул қилинган ҳижрий йил бошланади (Ҳижрий йил ҳисоби 2 хил бўлади: ҳижрий-қамарий, яъни ой ҳисоби бўйича ва ҳижрий-шамсий, қуёш ҳисоби бўйича).

Мадинада Муҳаммад ўз таълимотини давом эттиради. Мадинада шуҳрат қозонган маккаликлар бутпарастлик ғояларига қарши ҳам ҳарбий, ҳам сиёсий зарба бера бошлайдилар. Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар вафот этгач (632 й), кетма-кет «Хулофоий рашоддин» (ҳақ йўлдан борган саҳиҳ халифалар) номларини олган Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алилар (661 йилгача) пайғамбар сиёсатини давом эттириб, Арабистон ярим оролида марказлашган Араб халифалиги давлатига асос соладилар. Ўзаро қабилалар бирлашуви, дини исломнинг ёйилишида илоҳий муқаддас китоб – Қуръоннинг ўрни ниҳоятда катта бўлди.

VII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб халифалик кенгая бориб, ўз чегараларини ғарб ва шарқ томон қадаргача етказишга ҳаракат қилди. Яқин ва Ўрта Шарқнинг бой вилоятлари босиб олиниб, ниҳоятда уюшган ва жанговар араб қўшини шиддат билан ҳаракатла-

рини бошлаб юборган эди. Бир вақтнинг ўзида араблар ўз юришларини Византия ва Эронга қарши олиб бордилар. Сосонийларнинг сўнгги вакили Эрон шоҳи Ёздигард III (632–651) арабларга қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилди. Лекин Кадисия (636 й.) ва Наҳаванд (642 й.)даги жангларда араблар қўшини форсларга қақшатқич зарба бериб, Сосонийлар сулоласига барҳам бердилар. Византияга қарши қилинган ҳарбий ҳаракатлар натижасида Фаластин, Миср, Сурия, Ироқ эгалланди. Халифа Умар ибн ал-Хаттоб (634–644) даврида илк бора араб истилочилари Хуросон чегараларида пайдо бўлган эдилар.

Араб халифалиги VII асрнинг бошларидан бошлаб ўз ҳудудларини ғарб ва шарқ томонга кенгайтириш ҳаракатини бошлади. Хусусан, 642 йилда Нахаванддаги жангда Эрон сосонийлари тор-мор этилгач, Ўрта Осиё ерларига ҳужум учун имконият яратилади.

Арабларнинг Ўрта Осиёга дастлабки юришлар Убайдуллоҳ ибн Зиёд бошчилигида 651 йилда Марвни эгаллаш билан бошланди. Араблар Амударё (Жайҳун)дан шимолда жойлашган ерларга «Мовароуннаҳр», яъни «дарёнинг ортидаги ерлар» деб ном беришади. Наршахий ва араб муаллифи Ёқут берган маълумотларга кўра, Муҳаммад пайғамбарнинг шахсан ўзи Мовароуннаҳрни буйсундиришни муқаддас деб ҳисоблаган ва исломга эътиқод этувчиларни бу муқаддас ишга даъват этган.

652 йилда араблар Балх шаҳрини эгаллашга муваффақ бўлдилар. Ўша йили Амударёдан ўтиб, Мовароуннаҳрга ҳужум қилиш режаси араблар учун муваффақиятсиз тугайди. Аммо Хуросон ноиби Абдуллоҳ ибн Амир 652 йилда Чағониённи эгаллашга муваффақ бўлди. Бу эса илк бор Мовароуннаҳр ерларини эгаллаш эди. 654 йилда Суғддаги Маймурғ қалъасига арабларнинг биринчи ҳужуми бўлади. 657 йилда араблар Чағониёнга қайта юриш қилиб, эфталитларга кучли зарба бердилар. Араблар кенг миқёсдаги ҳужумларга тайёргарлик кўра бошлаган эдилар. Манбаларнинг маълумот беришича, Мовароуннаҳрга юриш қилишдаги ҳарбий-сиёсий тайёргарликдан бири халифаликнинг Басра ва Куфа шаҳарларидан 50 минг араб оиласи кўчириб келтирилиши ва Хуросоннинг турли шаҳарларига гарнизон сифатида жойлаштирилиши бўлди.

673 йилнинг охири – 674 йилнинг бошларида арабларнинг Хуросондаги ноиби Убайдуллоҳ ибн Зиёд Мовароуннаҳрга ҳужум қилиб,

Ромитон ва Пойкандни эгаллайди ҳамда Бухоро шаҳрини қамал қилади. Аммо бухороликлар ва туркларнинг иттифоқчи қўшинларидан қаттиқ қаршиликка учрагач, сулҳ тузишга мажбур бўлади.

676 йилда Хуросоннинг янги ноиби Саид ибн Усмон Бухорога юриш қилиб, Бухоро маликаси Хутакхотўн қўшинларини тор-мор этади ва Самарқандга ҳужум бошлайди. Аммо бир ой давом этган бу урушда Суғдийлар арабларга қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Натижада, араблар сулҳ тузиб орқага қайтадилар ва йўл-йўлакай Термизни талон-тарож этадилар. 683 йилда халифа Язид вафот этганидан сўнг халифаликда тож-тахт учун кураш бошланиб кетади. Бундай вазиятда араблар яна Мовароуннаҳрга ҳужум қилишдан деярли тўхтаб, ўз ички низолари билан банд бўлиб қоладилар. Халифа Абдумалик ибн Марвон (685–705 йй.) даврида ўзаро ички курашларга чек қўйилиб, араблар Мовароуннаҳрга жиддий ҳарбий харакатлар бошладилар.

Умуман олганда, арабларнинг ярим аср давомида Хуросон ноиблари Абдуллоҳ ибн Амир, Убайдуллоҳ ибн Зиёд, Сайд ибн Усмон, Салмо ибн Зиёд кабилар томонидан уюштирилган ҳужумлари талон-тарож қилиш, ўлкадаги ҳарбий-сиёсий вазиятни ўрганиш, бойликларини олиб кетиш мақсадида уюштирилган эди. 705 йилда Қутайба ибн Муслим Хуросон ноиби этиб тайинлангач, Мовароуннаҳрни бутунлай босиб олиш ҳаракати бошланади. Ўрта Осиёдаги сиёсий парокандалик ва кичик давлатларнинг бир-бирлари билан тез-тез низоларга бориб туриши Қутайбага ниҳоятда қўл келган эди. 706 йилда у катта қўшин билан Мовароуннаҳрга юриш бошлади ва Пойканд шаҳри 15 кунлик қамалдан сўнг эгалланди.

Арабларга қарши турклар, суғдийлар умуман, маҳаллий аҳоли ўзаро иттифоқ тузишга эришган бўлса-да, Қутайба найранг йўли билан бу иттифоқни бузишга муваффақ бўлди ва 708–709 йилларда Бухоро ва унинг атрофларига бир неча марта юришлар қилиб, Бухорони забт этди. Қутайба 710 йилда Шуман, Насаф ва Кешни эгаллади. 710–712 йилларда Самарқанд ихшиди Тархун ва Хоразмшоҳ Хурзод Қутайба билан тинчлик сулҳи тузиб, унга йирик миқдорда бож тўлайдилар. Аммо Самарқанд аҳолисининг товон тўлашга қаршилик кўрсатиши, норозилик натижасида Тархуннинг тахтдан кетиши ва ўлими, Суғд подшоси ва Самарқанд афшини сифатида Гуракнинг тахтга ўтириши арабларнинг Самарқандга ҳужумлари учун

баҳона бўлган эди. Шунингдек, Қутайба «Тархуннинг ўлими учун қасд оламан», деб эълон қилди ва Самарқандга ҳужум уюштириб, 712 йилда уни босиб олди. Муғ тоғи ҳужжатларининг маълумот беришича, 712–713 йилларда Суғд, Чоч, Фарғона ва Панжикент ҳокимлари арабларга қарши иттифоқ тузиб, вақтинча ғалабаларга эришган бўлса-да, Қутайба бу иттифоққа рахна солиб, уларни тор-мор этишга муваффақ бўлди. 714 йилда Қутайба ибн Муслим турклардан келаётган ёрдам кучини тўхтатиб қўйиш мақсадида Чоч воҳасига қайта бостириб кирди ва Исфижобни эгаллади. 715 йилда Қутайба Фарғонага иккинчи маротаба юриш уюштиради. Шу йили Қутайба ўзига душман бўлган халифа Сулаймонга қарши исён кўтаради ва мағлубиятга учраб, ўлдирилади. Шундай қилиб, араблар қисқа муддат ичида Мовароуннаҳр ҳудудларини босиб олдилар, бунинг сабаблари қуйидагича эди:

1. Ўлкада ҳукм сураётган сиёсий тарқоқлик ва маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзаро курашлари арабларга жуда қўл келган эди. Чунки пароканда ва сиёсий жиҳатдан тарқоқ ҳудудларни алоҳида-алоҳида забт этиш Қутайба учун қулай эди.

2. Ўзаро бирлашиш ҳаракатида бўлган ва иттифоқчилик учун ҳаракат қилган маҳаллий ҳокимлар орасига Қутайба турли найранглар билан рахна солишга эришган эди.

3. Араблар ўзаро курашаётган ҳокимларнинг бирига иккинчисини енгиши учун ёрдам кўрсатиб, кейин уларнинг ҳар иккисини ҳам бирин-кетин буйсундирдилар. Мисол учун, Суғдни забт этишда Қутайба араб қўшини билан бир қаторда, Хоразм, Бухоро ва Насафнинг кучларидан фойдаланган эди.

4. Араблар Мовароуннаҳрга қадар жуда катта ҳудудларни босиб олган бўлиб, катта бойлик ва ҳарбий захираларга эга эдилар. Араблар қўшинига мунтазам равишда босиб олинган ерлар ва ички вилоятлардан янги ҳарбий кучлар сафарбар қилиниб турилар эди.

Араб босқинига қарши халқ озодлик ҳаракатлари

Мовароуннаҳрда ҳижрийнинг 100 йилида (719 йил) араб ҳокимияти тугайди, деган гап-сўзлар тарқала бошлайди. Араблар олиб бораётган босқинчилик сиёсатига қарши биринчи бўлиб 720 йилда Суғд аҳолиси бош кўтаради. Қўзғолонга Самарқанд ихшиди Ғурак ва Панжикент ҳокими Деваштичлар бошчилик қиладилар.

Суғдларга ёрдам бериш учун Туркий хоқон шаҳзода Кўрсул бошчилигидаги туркий лашкарини Самарқандга юборади. Суғддаги қўзғолон умумхалқ қўзғолонига айланиб кетди. Қўзғолончилар арабларга зарба бера бошладилар. Фақат айрим шаҳар ва қалъалар ичида қуршовда қолган араб ҳарбий қисмларигина катта бож ва эътиборли вакилларни қўзғолончилар ихтиёрига гаровга бериш билан жон сақладилар. Хуросон ноиби Сайид ибн Абдулазиз бу қўзғолонни бостиришга муваффақ бўлолмади.

721 йил халифа Язид ибн Абдумаликнинг тавсияси билан Хуросон ноиби этиб Сайид ибн Амир ал-Хароший тайинланади. У Ироқдаги халқ қўзғолонини бостиришда ўз шафқатсизлиги билан ном чиқарган эди. Сайид ал-Хароший қўзғолончилар билан олиб борган музокаралар натижасида Ғурак бошлиқ зодагонларнинг бир қисми араблар томонига ўтиб кетади. Қўзғолончилардан бир қисми эса курашни давом эттиришни лозим кўрадилар. Араблар 400 та бой савдогарлардан бошқа ҳамма Суғд қўзғолончиларини қириб ташладилар. Қўзғолончиларга ёрдам берган Хўжанд аҳли ҳам жазоланди.

Мовароуннаҳр аҳолисини тинчлантириш ва араб ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида Хуросон ноиби Ашрас ибн Абдуллоҳ (727–730 й.) ислом динини қабул қилганлардан хирож ва жизя солиғи олишни бекор қилади. У ислом динини кенг тарғиб қила бошлайди. Чегарадаги ерларда янги истеҳком қурилиб, чегаралар мустаҳкамлана борди. Лекин ғазнага кам даромад тушаётганлиги, зодагонларнинг шикояти туфайли хирожни қайта тиклайди. Ўз сиёсатини тарғиб қилиш мақсадида, иккита таниқли араб руҳонийси Ас-Сайид Солиқ ва Робия ибн Умранни Самарқанд ва Бухорога жўнатади. Хирож солиғи зодагонлардан ҳам, камбағаллардан ҳам зўрлаб ундирила бошланади.

Самарқандда Абу Сайид бошчилигидаги 700 та суғдликлар хирож тўлашдан бош тортадилар. Улар шаҳардан 7 фарсах нарига ўтиб, қаршилик ҳаракатига тайёргарлик кўра бошладилар. Абу Сайидни ҳийла ишлатиб музокара учун Самарқандга чақиртиришади ва ўша ернинг ўзида уни ва сафдошларини зиндонбанд этадилар.

Ўзаро курашлар, 733–734 йиллар Зарафшон воҳасидаги қурғоқчилик, мустамлака зулмининг кучайиши – буларнинг ҳаммаси Мовароуннаҳрдаги норозиликнинг янада авж олишига олиб келди. Норозилик араб ҳарбийлари ва қисман зодагонлар ичида ҳам кучая бор-

ди. Бу пайтга келиб, хорижийлар ҳаракати ва мафкураси янада кенг тарқала бошланди. Хорижийлар юқорида қайд қилинганидек, шиалар гуруҳидан VII аср охирида ажралиб чиққан бўлиб, бу сўзнинг луғавий маъноси қўзғолончилар дегани эди. Аввал бошда бу ҳаракат оддий араб ва бошқа мусулмон халқларнинг манфаатларини ҳимоя қилар эди. Кейинчалик бу гуруҳдан ибодийлар, азракийлар ва бошқа жамоалар ажралиб чиққан. Хорижийлар таълимотига кўра мусулмонлар-зиммийлар (бошқа диндагилар) устидан ҳукмрон бўлишлари керак эди.

Мовароуннаҳрда хорижийлар ҳаракатига шу пайтда Хорис ибн Сурайж бошчилик қилади. Хорис Мовароуннаҳрда тезда шуҳрат қозонди. У Самарқанд ва Дабусиядаги Абу Сайид тарафдорларини ўз қўли остида тўплади. Абу Фотима унинг ёрдамчиси ва ҳарбий маслаҳатчиси этиб тайинланди.

Хорис Уммавий халифаларни исломга риоя этмасликда айблаб, бутун Хуросон ва Марв аҳолисини хирож ва жизядан озод қилишни талаб этади. Кеш халқ оммасига таяниб, у Хуросоннинг шимолига юриш қилади. Унинг қўшини таркибида Хутталон шаҳзодаси Сабил, қарлуқ ябғуси ва Абу Фотима гуруҳи ҳам бор эди. Халқ ҳаракатларидан норози бўлган халифа Хуросонга янги ноиб Осим ибн Абдуллоҳни тайинлайди. Хорис қўшинлари Хуросоннинг катта қисмини эгаллаб, Осимни чекинишга мажбур этишади. 735 йилга келибгина халифа янги ноиб Асад ибн Абдуллоҳни Хуросон валийси этиб тайинлаб, катта куч билан Хорисга қарши кураш бошлайди. 736–737 йилларда Асаднинг қўшини Хуросондан Хорисни сиқиб чиқаришга муваффақ бўлади. Қўзғолончиларнинг ижтимоий таркиби ҳам, талаблари ҳам турлича эди. Қўзғолонда аҳолининг деярли ҳамма табақалари қатнашади.

Албатта, ҳукмдорлар ўртасида ўзаро низолар, хиёнаткорона ҳаракатлар, қурол-яроғнинг етишмаслиги, яхши уюшмаганлик ва бошқалар ўзининг таъсирини кўрсатди. Шундай бўлса ҳам қўзғолончилар изсиз қолмай, халифалик сиёсий ҳаракатида ўзининг аксини топди.

Улкан халифаликни 661 йилдан бошлаб Уммавийлар сулоласи бошқариб келар эди. Бу сулола даврида жуда кўп сиёсий ўзгаришлар, диний мазҳаблар, гуруҳларнинг кучайиши, бошқаришдаги номутаносиблик, мустамлакачилик сиёсати, зўравонлик, адолатсизликнинг авж олиши рўй бердики, бу нарса сулоланинг кейинги даврида

унинг фаолиятини қийин аҳволга солиб қўйди. Ўрта Осиёда ва бошқа халифалик ерларида халифаликка қарши норозилик кайфиятлари кучли эди. Уларнинг солиқ сиёсатидан, зўравонлигидан қуйи табақалар, ўз ҳуқуқларининг камситилганидан эса юқори табақалар норози эди. Уммавийларнинг ҳокимиятини араб аҳолиси ҳам қўлламас эди. Уларнинг ҳокимиятга келишини турли гуруҳлар, мухолифат кучлари ноқонуний деб билишар эди. Аввало хорижийлар уларга қарши бўлиб, халифалик тахтининг меросий бўлишини нотўғри деб баҳолар эдилар.

718 йилдан бошлаб махфий тарзда Муҳаммад Пайғамбарнинг амакилари Аббоснинг тарафдорлари ўз ғояларини тарғиб қила бошладилар. Улар ҳошимийлар уруғи (Пайғамбар шу уруғдан) вакиллари ҳокимиятга даъвогардирлар, деб ҳисоблашар эдилар. Кейинчалик улар ўз курашларида шиалар билан бирга ҳаракат қила бошлайдилар.

Ерга эгалик муносабатларининг ривожланиши, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши уммавийларнинг сиёсий саҳнадан кетишларини, уларнинг аввалги мавқеи тугаганлигини кўрсатиб турар эди. Уммавийлар сиёсатидан оммавий норозилик, айниқса, Марвон II (744–750 й.) ҳукмронлиги даврида кучайиб кетди. Марвон II нинг хирож солиғи миқдорини кўпайтириши ва маҳаллий халқлар вакилларини оғир қурилиш ишларига кенг жалб қилиши норозиликнинг алангаланишига олиб келди. Мовароуннаҳр ва Хуросонда Аббосийлар вакиллари катта ер эгаларини ўзлари томонга жалб қилишга ҳаракат қиладилар. Аббосийлар вакиллари халифа Хишом (724–743 й.) давридаёқ Ўрта Осиёда ҳаракат қила бошлаган эдилар. Уларнинг тарғиботчилари таъқиб остига олинар, улар қўлга тушгудек бўлса, қўл-оёқлари кесилар эди. Айниқса, Наср ибн Сайёр аббосийлар ва шиаларнинг катта душмани бўлиб, уларни доимо таъқиб этиб келар эди. Аббосийларнинг ҳокимият тепасига келишида Абу Муслим ва унинг ҳаракати муҳим аҳамият касб этди. 746 йил Абу Муслим аббосийлар тарғиботига бошчилик қилиш учун Хуросонга юборилади. Абу Муслимга «Пайғамбар хонадонининг ишончли вакили» деган унвон берилади.

Ўз ташвиқотини Абу Муслим Хуросон зодагонларига мурожаат этиш билан бошлайди. У Марв шаҳридан уч фарсаҳ ғарбда Харкон ариғи соҳилидаги Сафизанж қишлоғини ўзига қароргоҳ қилиб ола-

ди. Аббосийларнинг рамзий ранги ва байроғи қора рангда эди. Шу сабабли Абу Муслим ва унинг тарафдорлари қора кийим кийиб юришади. Хуросон аҳолисига мурожаатида у Қуръон ва ҳадисларга амал қилишга, пайғамбар авлодларига бўйсунишга чақиради. Кейинчалик маҳаллий зодагонлар ҳам уни қўллаб-қувватлай бошлайдилар. Абу Муслим ташвиқоти Мовароуннаҳр ва Хуросон ерларида тезлик билан тарқала бориб, унинг тарафдорлари сони орта бошлайди. Тўпланаётган отлиқ ва пиёдаларга бош бўлиб, Абу Муслим Мохувон қалъасига кўчиб ўтади. Хуросон ноиби Наср ибн Сайёр Абу Муслимга қарши араб зодагонлари вакилларини бирлаштиришга ҳаракат қилади. Лекин унинг барча ҳаракатлари зое кетди. У Абу Муслимга юрак ютиб кураш бошлашга қурби етмай, 748 йилда Хуросон пойтахти Марвни ташлаб чиқиб, Нишопурга йўл олди. Нишопурда унга Абу Муслимнинг саркардаларидан бири қақшатқич зарба бериб, уни мағлубиятга учратди.

749 йили Абу Муслим қўшини халифаликнинг марказий вилоятларига юриш қилади. Ироқ ва Жазоирда уммавийларга ҳал қилувчи зарба берилади. Қўзғолончилар пойтахт – Дамашқни ҳам қўлга киритадилар. Халифа Марвон II тахтдан ағдарилади. Аббосийлардан бўлган Абулаббос Саффоҳ (749–754 й.) халифалик тахтига ўтиради. Жойларда Уммавийларнинг барча вакиллари қириб ташланади. Шундай қилиб, араб халифалиги ҳокимияти Аббосийлар қўлига ўтади.

751 йил Бухоро шаҳрида Шорик ибн Шайхулмаҳрий бошчилигида қўзғолон кўтарилади. Қўзғолончилар шиалик талабларини илгари суриб, Али авлодидан халифа тайинлаш шиорини кўтариб чиқишади. Абу Муслим қўзғолонни бостиришда Зиёд ибн Солиҳ бошчилигидаги 10.000 кишилик қўшин юборади. Бу қўзғолон фақатгина Бухорхудод Қутайба ибн Туғшоднинг ёрдами билангина бостирилади.

Абу Муслим Ўрта Осиёнинг шимолига кириб келган Хитой императорининг қўшинига ҳам ҳал қилувчи зарба беради. 751 йил Талас водийсидаги хитойликлар билан бўлган жангдан сўнг Хитой қўшини ҳайдаб чиқарилади. Шу билан халифаликнинг шимолий чегараси ҳам мустаҳкамланиб, қатъий чегара ўрнатилади. Халифаликнинг таъсири бутун Ўрта Осиё ҳудудида асосий ва қонуний бўлиб қолади. Гарчи Абу Муслим садоқат ила хизмат қилса-да, араб ҳоки-

мияти унга ишонмас эди. Халифа унга жангга юбориш ҳақида нома йўллаб, уни марказга келишга мажбур қилади. 755 йил Ҳаж сафаридан қайтаётган Абу Муслим халифа томонидан хиёнаткорона Бағдодда ўлдирилади. Унинг ўлими халқ оммасининг умумий норозилигига сабаб бўлди. Унинг мурдаси Самарқандга олиб келиниб, Хўжа Темим Ансорий мақбараси ёнига катта ҳурмат билан кўмилади.

Аббосий халифалар даврида халқ оммасининг аҳволи янада оғирлашди. Суғорилмайдиган ерлардан ҳосилнинг ярми, суғориладиган ерлардан 1/3 қисми солиқ сифатида олинадиган бўлди. Кўп ҳолда солиқлар бир маротаба ўрнига икки маротаба ҳам олинадиган бўлди. Озод жамоаларнинг ҳуқуқлари чеклаб қўйилди. Ерлар зодагонлар томонидан ижарадор деҳқон – кадиварларга бўлиб берила бошланди. Ҳамма ҳашар қурилиш ишларида аҳоли текин ишлаб бериши лозим эди. Шаҳар ҳунармандларининг аҳволи ҳам оғир бўлиб, улар ўз маҳсулотларидан катта солиқ тўлашар эди. Шунингдек, оғир солиқлар кўчманчи чорвадорлар бўйнига ҳам қўйилар эди.

Шундай бир аҳволда халқ ҳаракатлари кучайиб кетади. Абу Муслимнинг ўчини олиш шиори остида унинг сафдоши Сумбод бошчилигида қўзғолон кўтарилади. 755 йилда кўтарилган бу қўзғолон тез орада Хуросон ва Табаристонга ҳам ёйилади. 70 кун давом этган бу қўзғолон қаттиққўллик билан бостирилиб, Сумбод Райда қатл этилади. Гарчи у қатл этилса-да, Абу Муслим тарафдорлари яширин «муслимия» гуруҳига асос соладилар.

VIII асрнинг 70–80-йилларида Мовароуннаҳрда жуда улкан халқ қўзғолони кўтарилади. Қўзғолончилар оқ рангдаги кийим кийганлиги учун тарихда у «оқ кийимлилар» қўзғолони деб ҳам шуҳрат қозонади. Бу қўзғолоннинг раҳбари Муқанна (боши ва юзига ёпинғич ташлаб юргани учун унга шундай лақаб берилган) эди.

«Муқанна Марв атрофи аҳолисидан, – дейилади «Бухоро тарихи» номли Наршаҳий асарида, – Кози деб аталган қишлоқдан бўлиб, асл номи Ҳошим ибн Ҳаким эди. У илгари кудунгар (кигиз босувчи) лик қилар эди, кейин илм ўрганиш билан машғур бўлади ва ҳар хил илмларни: кўзбўямачилик, сеҳр ва тилсим илмларини ўрганади. Кўзбўямачиликни яхши билиб олиб, пайғамбарлик даъвосини ҳам қилади. Муқанна кўзбўямачиликни ўрганган ва ғоятда зийрак бўлиб, қадимги олимлар илмларига оид кўп китобларни ўқиган ва жодугарликдан устоз бўлган эди. Унинг отасини номи Ҳаким, у Абу Жаъфар

давридаги Хуросон амири лашкарбошиларидан бўлиб, асли Балхдан эди».

Қўзғолон 776 йили бошланади. Муқанна ўзининг 36 та мурид билан Амударёдан ўтиб, Кеш вилоятига йўл олади. Бухорхудод Туғшод уни қўллаб-қувватлай бошлайди. Муқанна Кеш яқинидаги Сом (Санам) қалъасини ўзига қароргоҳ қилиб олади. Бутун Қашқадарё воҳаси қўзғолончилар қўлига ўтади. Муқанна умумий мулкий тенглик ва арабларни Ўрта Осиёдан ҳайдаб чиқариш ғояларини тарғиб этар эди.

Муқанна таълимоти Суғд, Илоқ (Охангарон), Шошда ҳам ёйила бошлади. Қўзғолонда турли ижтимоий гуруҳлар вакиллари қатнашиб, уларни бир фикр – истилочиларни мамлакатдан ҳайдаб чиқариш, мустақил давлат барпо этиш ғояси бирлаштириб турар эди.

Қўзғолонга зарба бериш учун халифа Абу Жаъфар 776 йилда Жаброил ибн Яҳё бошлиқ катта ҳарбий кучни Мовароуннаҳрга юборади. Бироқ Жаброил қўзғолончилардан енгилади. У катта талофатлар бериб, базўр Самарқандга етиб келади. 10.000 аскар билан Жаброилга ёрдамга юборилган Уқба ибн Салим Кеш ва Самарқанд оралиғида, Ғарига бошлиқ 14.000 кишилик қўшин Термиз яқинида қўзғолончилар томонидан тор-мор келтирилади. Натижада, Чағониён қўзғолончилар қўлига ўтади.

Қўзғолон маркази Наршахда, Бухоро атрофида жойлашади. Шу йили Наршах яқинида Бухоро ҳокими Хусайн ибн Мувоз ва Самарқанд ноиби Жаброилнинг бирлашган қўшини ўртасида тўрт ой жанг бўлади. «Оқ кийимлилар» бу жангда қўллари аввал устун келади, кейинчалик сон жиҳатидан кўп бўлган араблар Наршах қалъаси девори остидан узунлиги 50 газли чуқур қазиб, уни қулатиб, қалъага кирадилар. Наршах қалъаси араблар томонидан эгалланади. Кеш ва Самарқанд эндиликда қўзғолоннинг асосий марказларига айланади.

Курашнинг охирги босқичи Кеш воҳаси (Қашқадарё)да жуда авж олади. Муқанна қароргоҳи бўлган Сом (Санам) қалъасини қамал қилиш Харошийга топширилади. Узоқ вақт қамалдан сўнг муқанначилар таслим бўладилар (VIII аср 80-йиллари бошларида).

Ўз даврининг энг қудратли давлати бўлган халифаликни ларзага солган Муқанна бошчилигидаги қўзғолон шу тариқа тугайди. Бу қўзғолоннинг енгилишига бир неча сабаблар бор эди. Аввало, қўзғолончилар уюшқоқлик билан ҳаракат қила олмадилар. Маҳаллий зо-


дагонлар алоҳида гуруҳ ташкил этиб, кейинчалик барчаси хиёнат йўлига кириб, араблар томонига ўтиб кетдилар. Муқаннанинг ўзи Сом (Санам) қалъасида бўлиб, бевосита қўзғолонга раҳбарлик қила олмади. У умумий тенглик ғоясини кўтариб чиққан бўлса-да, ўзи кичик давлат бошлиғига айланиб борди.

Ўзаро урушлар натижасида аҳоли жуда чарчади, экинзорлар пайҳон қилинди, иқтисодий таназзул бошланди. Муқаннадан сўнг унинг сафдошлари ҳаракати ҳам бўлиб ўтди. Бу қўзғолон халифалик кучини заифлаштиради ва бошқа ўлкаларда ҳам озодлик ҳаракатлари бошланишига туртки бўлади.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, ислом динининг кўп жиҳатдан афзаллиги, ахлоқ ва интизом нуқтаи назаридан оммавийлиги хусусияти араблар босиб олган мамлакатлар аҳолиси томонидан уни тез орада қабул этилишига сабаб бўлади. Қутайба сингари уни пул ва қилич билан жорий этиш мумкин эмас эди. Қачонки, ислом моҳиятига етилгачгина, унга рағбат ва эътиқод кучайиб кетади. Олиқсолиқ, маиший ҳаёт бобида, закот масаласида Қуръон ва шариат аҳкомларининг қоидалари меҳнаткаш аҳоли томонидан тезда қабул қилинди. Аллоҳ олдидаги тенглик эса диннинг аҳамиятини кучайтирар эди. Исломнинг халқпарварлик руҳи ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Зеро, ислом дини маънавий бўшлиқни тўлдирди. Диёримизда ота-боболаримиз дини – ислом фақатгина мустақиллик шарофати билан қайта тикланди.







Президентимиз ташаббуси билан буюк диний арбоблар – Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом ал-Мотурудий, Бурҳониддин ал-Марғиноний, Абдулҳомид Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд ва бошқаларнинг таваллуд ёшларининг кенг миқёсда нишонланиши, уларнинг охирги манзилгоҳлари обод қилиниб, зиёратгоҳларга ай-

лантирилиши, диний байрамларимиз, анъаналаримиз, қадриятларимизнинг тикланиши, диндорларга ўз эътиқод ҳуқуқларининг қайтариб берилиши, қатор масжид-мадрасаларнинг, халқаро ислом тадқиқот маркази, Ислом университетининг очилишлари ва бошқа хайрли, савобли тадбирлар мусулмон оламининг бир қисми бўлган Ўзбекистонда ҳақиқатда муқаддас Ислом динига қанчалик эҳтиром билан қаралаётганлигининг ёрқин исботидир. Зеро, Президентимиз И.Каримовнинг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» номли рисоласида бизнинг маданиятимиз, маънавиятимиз, ўтмишимиз ислом тарихи, унинг қонун-қоида ва анъаналари билан чамбарчас боғланиб кетганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади.


Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. Солиқ сиёсати. Араблар Ўрта Осиёни босиб олгач, бу ҳудуддаги ҳамма шаҳар ва аҳоли жойларида ўз қўшинларини жойлаштирдилар. Бу ҳарбий кучлар ўз вақтида маҳаллий аҳоли устидан назорат қилиб турарди. Араб халифалиги тасаррufига ўтган Мовароуннаҳр ҳудудида кўпгина йирик ер эгалари – деҳқонларнинг мавқеи аввалги ҳолатича сақланиб қолди. Улар сиёсий жиҳатдан халифа ва унинг ноибига бўйсунар эдилар.

Бутун VIII аср давомида араб зодагонларининг деҳқонлар билан тил топишув ҳоллари кучаяди ва айнан мана шу даврда йирик деҳқон уруғ-аймоқлари қўли остидаги ер-мулкларнинг юқори араб ҳарбий мулкдорига ўтиши рўй беради. Араб қўшини таркибига маҳаллий аҳоли ичидан кўплаб эркаклар мажбуран сафарбар қилинди. Ҳарбий ҳаракатлар натижасида аҳолининг бир қисми ҳалок бўлди, бир қисми асирга олинди. Барча шаҳар ва қишлоқларда ўз ҳарбий гарнизонларини жойлаштирган араблар шу ҳарбий кучларга таяниб, аҳолидан турли солиқлар ундиришар, уларни турли жамоа ишларига сафарбар қилишар эди.

Йирик ер эгалари ўртасидаги зиддият ва қарама-қаршилик арабларнинг аралашувига сабаб бўлар ёки мулкнинг бир шахсдан иккинчисига ўтишини таъминлар эди. Ўрта аср муаллифлари маълумотларига кўра, деҳқонлар қўли остида қишлоқ жамоалари бўлиб, бу жамоадан ер олган кишилар хирож тўлаганлар. Деҳқонлар мустақил қўрғонларда ҳаёт кечириб, уларнинг яхши қуролланган ҳарбий бўлинмалари бўлган. Бундай бўлинмаларнинг аскарлари чокарлар деб аталган. Деҳқонлар халифа ноибининг маҳаллий аҳоли орасидан бўлган вакилига бўйсунадилар. Меҳнаткаш аҳоли, асосан, кадиварлар, ка-

шоварзлар ҳамда қуллар деҳқонларда мавжуд бўлган ер-мулкларнинг маълум улушини ижарага олиб ишлашган ва бунинг эвазига солиқ тўлаганлар. Деҳқонлар орасида ер-мулк, шахсий уй-жой ва қўрғонлар масаласида низо ва жанжаллар чиқиб қолса, муаммони халифа ҳал қилган. Ҳар бир ҳуқуқий муаммо ислом қонун-қоидаларига биноан кўриб чиқилган.

Араб халифалиги давлат бошқаруви



VIII аср ўрталарига келиб Мовароуннаҳр ҳудудида сиёсий бошқарув араб халифалиги сиёсий тизимига мослаштирилган эди. Вилоятлардаги ҳокимлар ва бошқа ҳукмдорларнинг қўли остидаги маъмурий-идора усули ўз шаклини сақлаб қолган бўлишига қарамай, ҳокимлар халифа ноибига итоат этишлари шарт эди. Маҳаллий давлат бошлиқларининг кўпчилиги ўз ҳуқуқлари ва имтиёзларини сақлаб қолиш мақсадида ислом динини қабул қилган эдилар. Ислом динини қабул қилмаган зодагонлар ўз мол-мулкларидан маҳрум этилар ёки катта миқдордаги товон тўлар эдилар.

Араблар иқтисодий ҳаётни ўз қўлларидан чиқармаслик мақсадида босиб олинган ҳудудларда сосонийлар тартибидаги солиқ тизимини жорий қилдилар. Булар, асосан, қуйидагилар эди:

1. Қавонин ёки мукатиъа – майда вилоятлар ва туманлардан хазинага тушиб турган йиғин.

2. Мақосима – ҳосилнинг маълум улуши миқдорида тўланган. Унинг ҳажми суғоришга боғлиқ ҳолда белгиланган.

3. Мисоха – ер ҳажмига қараб миқдори белгиланадиган солиқ бўлиб, унда экин экилиши ёки экилмаслигига эътибор берилмаган.

Бу солиқ тизимига ер солиғи – **хирож** (ҳосилнинг ўндан бир ёки ўндан икки қисми миқдорида), чорва, ҳунармандчилик, савдо-сотиқдан **закот** (қирқдан бир миқдорда) ҳамда исломни қабул қилмаган шахслардан олинадиган – **жизья** солиғи ҳам қўшилган.

Замонавий илмий адабиётларда таъкидланишича, арабларнинг Ўрта Осиёни босиб олинган ҳудудларини бошқариш маркази Марв шаҳри бўлиб, бу ердан туриб халифанинг ноиби Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонни идора қилган. Юқорида таъкидлаганимиздек, VIII асрнинг ўрталари ва охирларига келиб, Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудудларида сиёсий бошқарув араб халифалиги сиёсий тизимига мослаштириб бўлинган эди. Бу даврда Мовароуннаҳрда Суғд, Шош, Фарғона, Хоразм, Уструшона, Тохаристон кабилардаги маҳаллий ҳокимлар зиммасига аҳолидан белгиланган солиқларни йиғиш, маъмурий бошқарувни амалга ошириш асосида ислом дини ғояларини аҳоли ўртасида ёйиш асосий вазифа қилиб белгиланган эди. Маҳаллий ҳокимлар фаолияти халифа томонидан тайинланадиган махсус амирлар томонидан катта назорат остига олинган бўлиб, бундан ташқари улар халифанинг Хуросондаги ноибига итоат этиши шарт бўлган.

Араблар истилосидан кейин Мовароуннаҳрда мусулмон қонунчилик тизими ҳам жорий этилди. Ислом ҳуқуқшунослигининг асосини ташкил этувчи муқаддас китоб – Қуръони карим ва Ҳадиси шарифга ҳамда фиққшунос олимларнинг турли саволларга жавоблари ва қарорларига таянар эди. Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, Ислом динининг кўп жиҳатдан афзаллиги, ахлоқ ва интизом нуқтаи назаридан оммавийлиги хусусияти араблар босиб олган мамлакатлар аҳолиси томонидан унинг тез орада қабул этилишига сабаб бўлади.

Таянч сўзлар

Кидарийлар, хионийлар, эфталийлар, ички ва ташқи курашлар, Кидар, Пиро, «оқ хунлар», Прокопий Кесарский, тегин, хоқон, Лазар Парбский, массагетларнинг етакчи уруғи, «Мадинат-ат-тужжор», қалъали истеҳкомлар. Девори қиёмат, Кампирак, Ривдад, Кушония, Арқуд, «камо-

ни чочий», маъмурий марказ, Заҳариқ, Дарғом, «кадивар»лар, шаҳаншоҳ Перўз, халқаро савдо, буддавийлик, христианлик, монийлик, епископлик, метрополия, турк эл, туркаш, тукю, туқдус, қабила бошлиғи Абанбу, Асан, Асян-шод, Туу, Бумин, хоқонлар, Катта Хинган тоғлари, сиёсий ва маданий мерос, кишкиялик Земарх, Баҳром Чубин, Арслон Тўба, Ғарбий Турк хоқонлиги, Сўёб, ябғулар, тудунлар, Тўн ябғу, «ўн ўқ эли», «шод», ихшид, ихрид, афшин, будун, тегин, элхон, эл, «қора будун», маликшоҳ, «дарёнинг ортидаги ерлар», Қутайба ибн Муслим, Тархун, Ғурак, Диваштич, Шарик ибн Шайхулмайр, шиалик талаблари, Али авлодлари, Девон ад-дар, қавонин, мақосима, мисоха, хирож, жизья.

Савол ва топшириқлар

1. Кидарийлар, хионийлар ва эфталитларнинг сиёсий ҳамда этник тарихи ҳақида сўзлаб беринг.
2. Эфталитларнинг ижтимоий-иқтисодий тарихи ҳақида нималарни биласиз?
3. Эфталитлар давридаги маданий ҳаёт ҳақида маълумот беринг.
4. Турк хоқонлигининг сиёсий тарихини сўзлаб беринг.
5. Ғарбий Турк хоқонлиги ҳақида нималарни биласиз?
6. Турк хоқонлигидаги давлат бошқаруви ҳақида гапириб беринг.
7. Хоқонликдаги маданий ҳаёт, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ қандай кечган?
8. Араб халифалиги сиёсий тарихини гапириб беринг.
9. Қандай сабабларга кўра араблар қисқа муддатда Мовароуннаҳр ерларини босиб олган эдилар?
10. Арабларнинг давлат бошқаруви ва солиқ сиёсати ҳақида нималарни биласиз?

6-мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар

1. Адылов Ш.Т. Становление и развитие городской культуры Бухарского Согда по материалам стратегических исследований (IV в.до н.э. – VIII в.). Автореф.канд.дисс. – Самарканд: 1987.
2. Альбаум Л.И. Балалыктепе. – Ташкент: Фан, 1960.
3. Афрасиаб Вып. 1-2-3-4. – Ташкент: Фан, 1969, 1973, 1974, 1975.
4. Белиницкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. – Л.: Наука, 1973.
5. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000.
6. Абулғози. Шажараи Турк. – Тошкент: Чўлпон, 1990.

7. Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
8. Гумилёв Л.Н. Қадимги турклар. – Тошкент: Фан, 2007.
9. Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Тошкент: 1991.
10. Муҳаммаджонов А.Р. Қадимги Тошкент. – Тошкент: Фан, 1988.
11. Муҳаммаджонов А.Р. Қадимги Бухоро. – Тошкент: Фан, 1991.
12. Насимхон Раҳмон. Турк хоқонлиги. – Тошкент: 1990.
13. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия - Тохаристан. – Ташкент: Фан, 1990.
14. Шишкин В.А. Варахша. – Ташкент: Фан, 1963.
15. Сагдуллаев А. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент: Академия, 2000.
16. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Масъул муҳаррирлар Д.А.Алимова, Э.В.Ртвеладзе. – Тошкент: Шарқ;, 2001.
17. Ўзбекистон тарихи. Масъул муҳаррирлар А.С.Сагдуллаев, Б.Эшов. II-нашр. – Тошкент: Университет, 1999.

7-МАВЗУ. IX–XII АСРЛАРДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ. ИЖТИМОИЙ- СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ

Режа:

1. Араб халифалигининг парчаланиб бориши. Тоҳирийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросон.
2. Сомонийлар ҳукмронлиги. Марказлашган давлатнинг ташкил топиши.
3. Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр.
4. Ғазнавийлар давлати. Маҳмуд Ғазнавий.
5. Салжуқийлар давлати.
6. Хоразмшоҳ – Ануштагинийлар даврида ўзбек давлатчилиги.

1. Араб халифалигининг парчаланиб бориши. Тоҳирийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросон

Тоҳирийлар сулоласи ва мазкур давр тарихи юзасидан таъкидлаш жоизки, тарихий манбалар ва кейинги даврдаги адабиётлар сони кўп эмас. Тарихий манбалар орасида Ибн ал-Асирнинг (1160–1234) «Ал-комил фит-тарих» тоҳирийлар ҳукмронлиги воқелигини нисбатан батафсил баёни билан ажралиб туради. Мазкур китобда, айниқса, тоҳирийларнинг ҳукмронлиги ўрнатилиши масаласи билан боғлиқ воқеалар муфассал баён этилган. Ибн ал-Асир ўз асарида кўп ҳолда ат-Табарийнинг «Тарихи ар-русул ва ал мулук» асарига таянган эди. XX аср тарихшунослигида Тоҳирийлар ҳукмронлигининг у ёки бу жиҳатлари В.Бартольд, С.Лэн-Пуль, Р.Фасмер, К.Босворт асарларида ўз аксини топган. Эрон тарихчиси С.Нафисийнинг «Тарихи хонадони Тоҳирий» (Теҳрон, 1956) асари шу йўналишдаги тадқиқотлар ичида чуқур кўлами билан ажралиб туради.

IX асрга келиб Ўрта Осиё, хусусан, Мовароуннаҳрда араб халифалигига қарши олиб борилган курашлар натижасида маҳаллий сулола вакилларининг мустақилликка бўлган интилишлари кучайиб кетди. Чунончи, халифаликнинг ички ҳудудларида ҳам зиддиятлар кескинлашиб бораётган эди.

Рофе ибн Лайс қўзғолонини бостириш учун йўл олган халифа Хорун ар-Рашид 809 йилнинг март ойида Хуросоннинг Тус шаҳрида вафот этди. Халифанинг ҳокимиятга даъвогар икки ўғли бўлиб, катта ўғил Абдуллоҳ 798 йили Хуросон ва халифалик шарқий ерлари

ҳокими этиб тайинланган эди. Абдуллоҳ она томонидан келиб чиқишига кўра зодагонларга бориб тақалмаган. Шу боис ҳам халифа уни кичик ўғли Муҳаммаддан кейин ворис бўлишини эълон қилган эди. Абдуллоҳга «ал-Маъмун» (арабчасига «омадли», «иқболи баланд») фахрли тахаллуси берилган. Кичик ўғил Муҳаммадга эса «ал-Амин» (арабчасига «ишончли», «садоқатли») тахаллуси берилиб, у Ироқ, Сурия, Мағриб билан чегарадош ерларнинг ҳокими этиб тайинланган эди.

Хорун ар-Рашид вафот этган вақтда ал-Маъмун Хуросоннинг марказий шаҳри Марвда бўлиб, собиқ халифанинг буйруғига кўра етиб келган эди. Ал-Аминнинг халифа сифатида тахтга ўтиришини (809–813) аввал бошда Маъмун берилган ваъдасига кўра хотиржамлик билан қабул қилди. Лекин тез орада ал-Амин ўз валиаҳди сифатида ўғли Мусони тайинлаши ака-укалар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашувига олиб келди. Табиийки, тахтга даъвогар бўлган ал-Маъмун янги халифанинг бу қарорини қабул қила олмас эди. Гарчи ал-Амин тарафдорлари кўп бўлса ҳам, унинг саъй-ҳаракатларига кўпчилик ҳарбийлар норозилик билдирдилар. Самарқандда қўзғолон кўтарган Рофе ибн Лайс ал-Маъмуннинг ҳокимият масаласида аввал бошида тутган вазминлигини қадрлаб, ўз исёнига чек қўйди ҳамда ундан узр сўраб келди. Ал-Маъмун уни гвардия бошлиғи этиб тайинлади. Мусонинг тахт меросхўри этиб тайинланишига жавобан Маъмун ал-Аминнинг номини барча расмий маросимлардан чиқариб ташлаб, у билан чопарлар алмашувига чек қўйди. Кўплаб Хуросон ва Эрондаги аслзодалар Маъмунни қўллаб-қувватлай бошладилар.

Келиб чиқиши бўйича Ҳирот ёнидаги Бўшанг шаҳри ҳокими бўлган Тоҳир ибн ал-Ҳусайн (Тоҳир ибн ал-Ҳусайн ибн Мусаъб ибн Зурайк ибн Асад ал-Ҳузайи) ал-Маъмунни қўллаган ҳолда унга хизмат қилишни бошлади. 811 йили Рай яқинида Тоҳир ибн ал-Ҳусайн халифа ал-Аминнинг ишонган саркардаси ибн Мохон (Али ибн Исо ибн Мохон) бошчилигидаги қўшинни мағлуб этди. Ибн Мохон зулмидан азият чеккан аҳоли ал-Маъмун қўшинлари фаолиятини қўллаб-қувватладилар. Тоҳир ибн ал-Ҳусайн жангларнинг бирида ўз шижоати ва мардлигини кўрсатиб, икки қўлда қилич билан жанг намунасини намоён қилган. Шу боис, Тоҳир «Зул Йаминайн» (арабчасига «икки қўллаб курашувчи») фахрий тахаллусига сазовор бўлган. То-

ҳир ибн ал-Ҳусайн ал-Маъмунга садоқат билан хизмат қилиб, 813 йили Бағдодни эгаллашга муваффақ бўлди. Ал-Амин қатл этилиб, Ибн ал-Асирнинг ёзишига кўра унинг боши аввал минора пештоқига илиб қўйилиб, кейинчалик янги халифа ал-Маъмун ихтиёрига барча халифалик расмий ашёлари билан Тоҳир томонидан жўнатилди.

Янги халифа ал-Маъмунни (813–833) барча қонуний ҳукмдор сифатида тан олди. Лекин Маъмун ўзаро низоларни бартараф қилиш мақсадида 819 йилга қадар Марвдан туриб ҳукмронлик қилди ва фақатгина шу йили (819) Бағдодга қайтиб келди. Ал-Маъмун Тоҳирнинг хизматларини инобатга олган ҳолда уни Бағдод шаҳри ҳамда ал-Жазира (Месопотамиянинг жанубий қисми) вилоятининг ҳокими этиб тайинлади. Таъкидлаш жоизки, Тоҳир ибн ал-Ҳусайн бутун халифалик ҳаётида катта роль ўйновчи шахс бўлиб қолди. Ал-Маъмун Бағдодга қайтиб келгач, ўз ҳокимиятидан хавфсираб, Тоҳирни пойтахтдан четлатишга қарор қилди. Ибн ал-Асирнинг ёзишига кўра, халифа ўзига садоқат билан хизмат қилган Тоҳирни иниси ал-Аминни бир пайтлар ўлдирганлигини баҳона қилиб (ҳолбуки, буни ал-Маъмуннинг ўзи буюрган эди), қолаверса, уни «маккор шахс» дея атаб, 821 йили Хуросонга ҳоким этиб тайинлади. Шу даврда Мовароуннаҳр ҳудуди ҳам Хуросон таркибига кирар эди.

Хуросонга ҳоким бўлиб келган Тоҳир ибн ал-Ҳусайн халифалик билан муносабатларини чеклай бошлади. Жума намозида халифани олий ҳукмдор сифатида тилга ҳам олмай қўйди. Бу халифа ҳокимиятини аниқ тан олмаслигидан далолат берар эди. Шу тариқа Эрон, Хуросон, Мовароуннаҳр ва унга туташ ерларда янги Тоҳирийлар (821–873) сулоласи ҳукмронлиги юзага келди. Халифалик сиёсатидан норози кўплаб маҳаллий зодагонлар янги сулолани қўллаб-қувватлай бошладилар. Тоҳирнинг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсати халифага табиийки, мақбул бўлмади. 822 йили Тоҳир ибн ал-Ҳусайн ўз ётоқхонасидан ўлик ҳолда топилди. Шубҳасиз, унинг ўлимида халифанинг қўли бор эди.

Тоҳирнинг ўлимидан сўнг тез орада унинг ўрнига ўғли Талҳа ибн Тоҳир (822–830 й.) ноиб этиб тайинланди. Бунинг сабаби шунда эдики, халифалик айнан маҳаллий ҳукмдорларнинг кучидан арабларга қарши қўзғолонларни бостиришда фойдаланар эди. Хуросон ноибининг муҳим вазифаларидан бири эса ўзига қарашли ҳудудларда вилоят ҳокимларини сайлаш бўлган. Хусусан, Тоҳир дастлабки сомо-

нийлар вакилларини Самарқанд, Уструшона, Фарғона ва Шошга ҳоким қилиб тайинлаган.

Талхадан кейин тахтга ўтирган Абдуллоҳ ибн Тоҳир (830–844) ўзигача бўлган ноиблар сиёсатини давом эттирди. Тоҳирнинг мустақилликка интилувчи сиёсатини кейинчалик унинг ворисларидан Абдуллоҳ давом эттирди. Бу даврда Хуросон ноиблигига Мовароуннаҳр, Хоразм, Сейистон, Кўҳистон, Табаристон ва Журжон ҳудудлари кирган. Ҳар бир вилоят бир неча маъмурий бирликларга бўлинган. Бу бирликлар катта ва кичик туманлардан иборат бўлган. Абдуллоҳ ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида айрим ҳарбий ислоҳотлар ўтказган. Бундан ташқари, Тоҳирийлар юритган сиёсатнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, уларнинг исломлаштириш сиёсати эди. Айрим маълумотларга кўра, Тоҳирийлар даврида Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида ислом дини кенг тарқалади.

Тоҳирийлар (821 – 873 йй.)

Тоҳир I ибн ал-Ҳусайн	(821 – 822 йй.)
Талҳа ибн Тоҳир	(822 – 828/830 йй.)
Абдуллоҳ ибн Тоҳир	(828/830 – 844 йй.)
Тоҳир II ибн Абдуллоҳ	(844 – 862 йй.)
Муҳаммад ибн Тоҳир	(862 – 873)

Тоҳирийлар мустаҳкам ҳокимият яратиш ва қишлоқ хўжалигини тартибга солиш борасида жиддий чора-тадбирларни амалга оширдилар. Улар янги каналлар бунёд этиб, сувдан фойдаланишни яхшилаш чораларини кўрдилар. Абдуллоҳ ибн Тоҳирнинг (830–844) буйруғи билан ўлкадаги йирик қонуншунослар суғориш учун фойдаланиладиган сув тақсимоти қонунлари тўплами – «Китоб ал-куний»ни туздилар. Ушбу қонунлар юзлаб йиллар мобайнида Мовароуннаҳрда сувдан фойдаланишдаги баҳс-мунозараларни ҳал этишда асос бўлиб хизмат қилган.

Тоҳирийлар шундай ижтимоий-иқтисодий сиёсат юритганларки, бу сиёсат, асосан, аҳолининг ҳукмрон табақаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган эди. Мисол учун, бизга қадар сақланган Тоҳир ибн Ҳусайннинг ўғли Абдуллоҳга ёзган васият хатида шундай дейилади: «Шуни билгинки, бойлик кўпайиб хазина тўлиб тошганда ҳам у да-

ромад келтирмайди. У фуқаро зарурати, улар ҳақ-ҳуқуқларини адо этишга, уларни ташвиш ва қарзлардан озод этиш учун сарфланган тақдирдагина кўпаяди, ортиб боради; бу билан халқ оммасининг эътибори қозонилади; шу билан халқ фаровонлиги таъминланса, бу ҳокимларга зеб беради, давроннинг эмин-эркинлиги шу бўлади, шуҳрат ва қудрат бағишлайди; шу билан бирга агар шундай иш юритсанг, ер солиғини катта миқдорда ундириш имониятига эга бўласан ва бойлигинг ошади. Бу билан сен халқ оммасига саховат қўлини очсанг, бойлигинг ортади, куч-қудрат эгаси бўласан, қўшин сақлайсан ва ҳаммани ўзингга мафтун этасан». Тоҳир ўз ўғлини мана шундай сиёсат юргизишга чақиради ҳамда Абдуллоҳ ибн Тоҳир кўп ҳолда отасининг маслаҳатларига амал қилган.

Ўз даврида Абдуллоҳ йирик ер эгалари ва давлат амалдорлари томонидан айрим ерлардаги деҳқонларга нисбатан бўлаётган ноҳақликларни чеклашга ҳаракат қилди. У деҳқонларнинг аҳволини бирмунча тартибга солувчи махсус фармон эълон қилди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу фармонда, жумладан, шундай дейилади: «Оллоҳ бизни уларнинг қўли билан боқади, бизни уларни оғзи билан олқишлайди ва уларга озор беришни тақиқлайди». Албатта, бу билан Абдуллоҳ бутунлай зироаткор-деҳқонларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳукмдор бўлган, деб бўлмайди. У «деҳқонларга озор бермасликни» талаб қилишига сабаб, бусиз давлат хазинасига етарли солиқлар келиб тушмас эди.

Аҳволни яхшилаш учун айрим ҳаракатлар қилинган бўлишига қарамай, Тоҳирийлар даврида аҳоли кўпгина қатламларининг, айниқса, зироаткор-деҳқонларнинг аҳволи оғир бўлиб қолаверди. Мисол учун, 844 йилда Абдуллоҳ ибн Тоҳир зироаткор-деҳқонлардан олинган хирождан катта миқдордаги маблағ тўплаган эди. Солиқларнинг кўплиги деҳқонларнинг қўзғолон кўтаришига олиб келган.

Манбаларда Тоҳирийларнинг исломлаштириш сиёсатида қатъият билан турганликлари қайд этилади. Улар ҳуқуқий муносабатларни ислом пешволарига таянган ҳолда ривожлантирганлар. Шунинг учун ҳам Тоҳирийлар ислом динини халқ орасида кенг ёйиш сиёсатини давом эттириб, ислом руҳонийларини асосий таянч деб билганлар. Талҳа ибн Тоҳир даврида зардўштийлик дини сақланиб қолган Уструшонада ҳам ислом дини қабул қилдирилган.

Мустаҳкам тартиб сақланишини хоҳлаган Абдуллоҳ ибн Тоҳир ўзига қарши ҳар қандай ҳаракат ёки қўзғолонни олдини олишнинг энг муҳим усули – солиқ йиғувчиларнинг суиистеъмолликларига йўл қўймасликда деб ҳисоблар эди. У турли солиқларнинг миқдорини камайтирмаган бўлса-да, солиқлар йиғишда турли жиноий ишга қўл урганларни жазолар эди. Амал ва мансаб эгаларининг ўзбошимчалигини олдини олиш ва давлат хазинасига зиён етказмаслик мақсадида Абдуллоҳ ўз қўл остидаги ўзига содиқ кишилар орасидан айғоқчилар танлаб, уларнинг хизматидан фойдаланар эди. Бундай махфий шахслар жойларда ҳукмдорларнинг юриш-туриши, ҳар бир мансабдорнинг Абдуллоҳ олдидаги мажбуриятларини қай даражада бажаришлари хусусида ноибга хабар етказиб туришган.

Тоҳирийлар давлати кўп сонли билимдон амалдорларга муҳтож эди. Шу боис, Абдуллоҳ ибн Тоҳир аҳолининг барча қатламлари маълумот олишини таъминлашга ҳаракат қилди. Манбаларнинг маълумот беришича, Абдуллоҳ отаси Тоҳир сингари шоир ҳам бўлган. Абдуллоҳнинг Марв, Амул ва Хоразмни бошқариб турган жияни Мансур ўзининг фалсафий асарлари билан машҳур бўлган. Таъкидлаш жоизки, Абдуллоҳнинг ўғли Тоҳир II (844–862) ҳам отасидан ўрнак олишга ҳаракат қилган.

Умуман, Абдуллоҳ ва Тоҳир II ҳукмронликлари даври маҳаллий маданиятнинг қайта тикланиш даври бўлди. Аммо бу мураккаб ва қийин жараён эди. Гап шундаки, Тоҳирийлар сулоласи вакилларининг ўзлари, хусусан, Абдуллоҳ ибн Тоҳир ўзининг араб маданиятига хайрихоҳлигини таъкидлар эди. Шунга қарамасдан, бизга қадар етиб келган айрим ёзма манбалар ва моддий ашёлар маҳаллий маданият ривожидан далолат беради.

IX–X асрнинг бошларига келиб илгариги даврларда бўлгани каби Ўрта Осиё деҳқончилик воҳаларидаги давлат ҳокимиятининг асосий вазифаларидан бири – кўчманчилар ҳужумларидан ҳимояланиш эди. Айнан мана шу мақсадларда бу даврда қуролли кўнгиллиларнинг махсус гуруҳлари, дин учун курашувчилар – ғозийлар гуруҳлари тузилади. Ғозийлар гуруҳларининг асосий қисмини касодга учраган деҳқонлар ва ҳунармандлар ташкил этар эди.

Маҳаллий ҳукмдорлар деҳқончилик воҳалари чегараларини дашт чегараларидан ҳимоя қилиш учун ғозийлар гуруҳларидан фойдалана бошлайдилар. Араб муаллифларининг маълумот беришларича,

ғозийлар «маҳаллий ҳукмдорлар учун бир вақтнинг ўзида ҳам таянч, ҳам нотинчлик сабаби» га айлана бошлайдилар. Чунки бир томондан, улар кўчманчиларнинг ҳужумларига қарши туриб, деҳқончилик воҳаларини уларнинг ҳужумларидан сақлаб турса, иккинчи томондан, кўп ҳолларда маҳаллий зодагонларга қарши халқ ҳаракатларининг фаол иштирокчилари эдилар.

IX асрнинг 70-йилларида Ғозийларнинг қуролланган гуруҳлари Ўрта Осиё ва Эрон чегараларидаги халқ ҳаракатининг асосини ташкил этарди. Бу халқ ҳаракатларидан ҳунарманд **мисгар (саффор)** ака-ука Ёқуб ва Амр ибн Лайслар (Саффорийлар) ўз ниятларини амалга ошириш учун фойдаландилар. Аввал бошда Саффорийлар кичик бир қароқчилар гуруҳини тузадилар ва кейинроқ Сейистондаги ғозийлар гуруҳларига қўшиладилар. Лашкарбошилик қобилиятига эга бўлган Ёқуб ибн Лайс тез орада ғозийлар гуруҳларининг бошлиғига айланади. Ёқуб бошчилигидаги ғозийлар гуруҳи Сейистондаги сиёсий ҳаётга фаол аралаша бошлайди ва халқ ҳаракатларидан фойдаланиб, 861 йилда Сейистоннинг маркази Заранж шаҳрини эгаллайди.

Шу тариқа Ёқуб Сейистоннинг ҳокими бўлиб олади ҳамда 10 йил давомида Тоҳирийларнинг сўнгги ҳукмдори Муҳаммад ибн Тоҳир (862–873) эгаллаб турган халифаликнинг шарқий вилоятларини улардан тортиб олади. 873 йилда Ёқуб Тоҳирийлар қўшинларини тормор этиб, Хуросоннинг пойтахти Нишопур шаҳрини эгаллайди. Шу билан Мовароуннаҳр ва Хуросондаги Тоҳирийлар ҳукмронлигига барҳам берилади.

Бағдоддаги халифалик ҳокимияти Ёқубнинг муваффақиятларидан анчагина хавотирга тушиб, унга қарши бир қатор чоралар кўрган бўлса-да, бу ҳаракатлар натижасиз тугади. 874 йилда халифа бўлиб ўтган воқеаларни тан олиб, Ёқубни Хуросон ва Мовароуннаҳрга ноиб этиб тайинлашга мажбур бўлади.

876 йилда Ёқуб ибн Лайс халифа ҳокимиятини эгаллаш мақсадида Бағдодга қўшин тортади. Бағдоддан 100 км узоқликдаги Дар ал-Акул деган жойда Ёқуб ва халифа қўшинлари тўқнашиб, Ёқуб мағлубиятга учрайди. Ушбу муваффақиятсиз юришдан сўнг уч йил ўтгач, Ёқуб ибн Лайс вафот этади ва унинг ўрнини укаси Амр ибн Лайс (879–900) эгаллайди. Амр ибн Лайс халифага ўз вассаллигини билдирганидан сўнг, Мовароуннаҳр ва Хуросонни бошқариш ҳуқуқини бе-

рувчи ёрлиқ олади. Аммо Тоҳирийларда бўлгани каби Саффорийлар ҳам амалда халифаликдан мустақил сиёсат олиб борганлар.

Саффорийлар, асосан, майда ва ўртаҳол ер эгаларига суянган ҳолда давлатни идора қилдилар. Улар халқдан олинадиган солиқ миқдорини ўзгартирмадилар. Шунинг учун ҳам кенг халқ оммаси уларни қўллаб-қувватламади. Саффорийлар диний-маънавий ҳаётда аксарият айирмачилик йўлини олиб бордилар. IX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Сомонийлар сулоласи тарих саҳнасида пайдо бўлди. 900 йилда Амр ибн Лайс қўшинлари Сомонийлардан мағлубиятга учради ҳамда шу тариқа Саффорийлар ҳукмронлигига чек қўйилди.

2.Сомонийлар ҳукмронлиги. Марказлашган давлатнинг ташкил топиши

Сомонийлар даври тарихига оид манбалар орасида Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг «Мафотиҳ улулум», Ибн ал-Асирнинг «Ал комил фит-тарих» асарларининг моҳиятини ўрганишнинг алоҳида ўрни мавжуд. Шунингдек, мазкур давр хусусида араб географ ва сайёҳларидан Ибн Хўрдодбек, Ибн ал-Факиҳ, Ибн Руст, Ибн Фадлон, Қудам, Маъсудий, Истаҳрий, Ибн Ҳавқал, ал-Муқаддасий асарларида тегишли маълумотлар учрайди.

XX аср тарихшунослигида Сомонийлар давлати тарихи тўғрисида В.Бартольд, Е.А.Давидович, А.А.Семёнов, Э.В.Ртveладзе, К.Босворт асарлари алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбек тарихшунослигида А.Зиё, Ш.Камолиддинов ва бошқаларнинг масала моҳиятига оид илмий чиқишлари эътиборга сазовордир.

IX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Мовароуннаҳр ва Хуросонда Сомонийлар сулоласи юзага келди. Бу сулолага Сомон қишлоғи (манбаларда – Балх яқинида, Самарқанд атрофларида, Термиз яқинида) оқсоқоли Сомонхудотнинг авлодлари асос соладилар. Йирик ер эгаси бўлган Сомонхудот Маъмун Хуросон ноиблиги даврида унинг хизматига ўтиб, тез орада эътиборга тушади. Сомонхудотнинг ўғли Асад ҳамда невaралари ҳам Маъмун саройида хизмат қилишган. Шахсан Маъмуннинг буйруғи билан Асаднинг ўғиллари 820 йилда турли вилоятларга ноиб этиб тайинланди. Хусусан, Нуҳ Самарқандни, Аҳмад Фарғонани, Яҳё Шош Уструшонани, Илёс Ҳиротни бошқара бошлайдилар.

Даставвал, Асаднинг катта ўғли Нуҳ укалари мулкларини бирлаштириб, халифаликдан мустақил давлат барпо этиш ҳаракатини бошлади. Чунки Нуҳнинг номидан тангалар зарб этилгани маълум, Нуҳ вафотидан сўнг укаси Аҳмад унинг ишларини давом эттириб, аста-секин Мовароуннаҳрни Сомонийлар сулоласи бошчилигида бирлаштиришга киришади. Тоҳирийлар Аҳмаднинг бу ҳаракатларига қаршилик кўрсата олмадилар. 865 йилда Аҳмад вафот этгач, кўпчилик Сомонийлар томонидан сулола бошлиғи сифатида Аҳмаднинг ўғли Наср тан олинади.[8]

873 йилда Бухоро шаҳри ва унинг атрофларини Тоҳирийларнинг сўнгги вакили Муҳаммад ибн Тоҳир эгаллаб, ушбу ҳудудларга солиқлар солди. Бундан ғазабланган халқ Муҳаммадга қарши қўзғолон кўтарди. 874 йилда Муҳаммад ибн Тоҳир Хоразм шаҳарларини талаётган бир пайтда Бухоро зодагонлари Насрдан Бухорога ноиб юборишни илтимос қиладилар. Наср Бухорога Исмоил ибн Аҳмадни (849–907) ҳоким қилиб жўнатади. Наср Исмоилни ўз ноиби деб ҳисоблар эди. Исмоил ибн Аҳмад Бухорода ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олгач, Самарқандга юбориладиган солиқни бермай қўйди ҳамда акасига тобе бўлишни истамади. Натижада, 886 йилда ака-укалар ўртасида биринчи тўқнашув бўлиб, Исмоил енгилди ва у вақтинча Бухоро ноиблигидан туширилди. 888 йилдаги иккинчи жангда Исмоил Наср қўшинларини тор-мор этишга муваффақ бўлди. Гарчи бу курашда Наср енгилса-да, унинг сулола бошлиғи сифатидаги мавқеи сақлаб қолинди. Наср ўлимига қадар бу ҳолат давом этди. 893 йилда Наср вафот этгач, Исмоил Мовароуннаҳрнинг тўлақонли ҳукмдори бўлиб қолди. Пойтахт тез орада Самарқанддан Бухорога кўчирилди. Исмоил Сомоний 893 йилда кўчманчиларга қарши қўшин тортиб, дастлаб Тарозни, кейин эса Уструшонани эгаллашга муваффақ бўлди.

Бағдод халифаси ал-Муътадид (892–902 йй.) Исмоилнинг қудрати ошиб кетаётганидан саросимага тушиб, 898 йилда Мовароуннаҳр ноиблигидан Исмоилни тушириб, унинг ўрнига Саффорий Амр ибн Лайсни ҳоким этиб тайинлаш ҳақида ёрлиқ жўнатади. Мовароун-

---

[8] Аҳмаднинг олти нафар ўғли бўлиб, катта ўғли Наср Самарқандни бошқарар эди.

наҳр ноиблиги тўғрисидаги ёрлиқни олгач, Амр ибн Лайс Исмоилга қарши қўшин тортди. 900 йилда Балх атрофида Исмоил Саффорийлар қўшинларини тор-мор этди. Манбалардаги маълумотларга кўра, Исмоилни нафақат Бухородан, балки Хоразм ва Фарғонадан ҳам келган ҳарбий кучлар қўллаб-қувватлаган эдилар. Наршахийнинг маълумот беришича, Исмоил бу жангда Бухоро ҳунармандлари ва оддий халқнинг қўлига қурол бериб, ўз озодлигини сақлаб қолишга чақирган. Кенг халқ оммасининг қўллаб-қувватлаши натижасида Исмоил Сомоний араб босқинидан кейин биринчи бўлиб, ўзаро жанжаллар домига тортилган, босқинчилар томонидан таланган ўлкани қудратли ва мустақил давлатга айлантириш йўлини тутди. Шу тариқа Исмоил Мовароуннаҳр ва Хуросон, Эроннинг қатор шарқий ва шимолий вилоятларини ўз ичига олувчи йирик давлатга асос солди ва бу ҳудудларда Араб халифалиги ҳукмронлигига чек қўйилди.

Фарғона, Исфижоб (Сайрам), Шош, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Чағониён, Хутталон, Кеш, Хуросон, Сейистон, Ғазна каби қатор вилоятлар Сомонийлар давлати таркибига кирди. Исмоил Сомоний йирик ер эгаси бўлиб, маҳаллий зодагонлар ва савдогарларга таяниб, давлатни идора қилган. Исмоил ва бошқа Сомонийлар ҳам ички ижтимоий зиддиятларни йўқота олмадилар. Натижада, деҳқонларнинг ер эгаларига қарши чиқишлари бўлиб турган. Бундан ташқари, айрим чекка вилоятлар ҳокимлари марказлаштириш сиёсатига қаршилик қилиб турганлар.

907 йилда Исмоил Сомоний вафот этиб, тахтни унинг ўғли Аҳмад ибн Исмоил эгаллади. Аҳмад узоқ вақт ҳукмронлик қилмади (907–914 йй.). Унинг даврида давлатни идора этишда араб тилини қайта тикланиши, бошқарувдаги баъзи салбий ҳолатлар кўпгина маҳаллий зодагонлар ва турк ғуломларининг норозилигини уйғотди. Натижада, у 914 йилда турк ғуломлари томонидан ўлдирилиб, тахтга унинг 8 ёшли ўғли Наср ибн Аҳмад ўтирди ва у балоғатга етгунга қадар давлат ишларини бош вазир Абдуллоҳ Жайҳоний бошқарди.[9]

---

[9] Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳад ибн Наср Жайҳоний (тахм.870–942) буюк географ олим, маълум бир вақт Сомонийлар саройида бош вазир лавозимини эгаллаб турган. Жайҳоний ўз юксак мақоми боис, илм-фан ривожига катта ҳисса қўшган. У жўғрофий билимларни ривожлантирган, турли сайёҳлик экспедицияларига ҳомийлик қилган. Хусусан, у машҳур географ ва сайёҳ Абу Зайд

914 йил охирида Самарқандда яна қўзғолон кўтарилди. Давлатнинг жанубий ҳудудларида бўлган Ҳусайн ибн Али Марвазий раҳбарлигидаги исён, айниқса, кескин тус олди. Бу қўзғолон қарматлар ғояси байроғи остида бўлиб ўтди. Қўзғолон 918 йилда бостирилиб, Марвазий асир олинди. Кўп ўтмай Насрнинг қариндоши Аҳмад ибн Нуҳ ҳокимиятга қарши бош кўтарди. 922 йилда эса Илёс ибн Исҳоқ қўзғолон кўтарди. Тинмай давом этган қўзғолон ва исёнлар Сомонийлар давлатининг қудратига таъсир кўрсатиб, у аста-секинлик билан инқирозга юз тута бошлади.

Таъкидлаш лозимки, Наср ибн Аҳмад ҳукмронлиги даврида Сомонийлар давлати ҳудудларида карматлар диний ҳаракати анча кескин тус олди. Карматлар исломни кенг тарқалишига, ер эгалиги муносабатларини кучайишига қарши чиқдилар ва илгариги анъаналари қишлоқ жамоаларини қайта тиклаш ғояларини ёқлаб чиққан эдилар. Мазкур ҳаракат мамлакатда маълум нотинчликларга сабаб ҳам бўлди. 943 йилда тахтга ўтирган Насрнинг ўғли Нуҳ карматларга қарши шафқатсиз кураш олиб борди. Уларнинг мол-мулкларини мусодара қилди.

Нуҳ ҳукмронлиги даврида (943–954) Сомонийлар давлатининг инқирози яққол кўзга ташлана бошлади. Бўшаб қолган хазинани тўлдириш мақсадида Нуҳ солиқлар миқдорини кўпайтирди. Бу эса табиийки, халқ норозилигини янада оширди. Халқ норозилигидан фойдаланган Нуҳнинг амакиси Иброҳим ибн Аҳмад Хуросон ноиби Абу Али Чағоний ёрдамида вақтинча Бухоро тахтини эгаллаб олишга муваффақ бўлди. Абу Али Чағоний Хуросонга қайтгач, Нуҳ яна Бухоро тахтига қайтди ва исёнкор қариндошларини қаттиқ жазолади. Сомонийларнинг Абу Али Чағоний билан кураши кейинги йилларда ҳам давом этди.

Абдулмалик I ҳукмронлиги даврида (954–976) ички низо ва парокандалик кучайиб, туркий гвардия бошлиғи Алп Тагиннинг ҳокимият бошқарувидаги обрўси ортиб кетди. Солиқларнинг йил сайин кўпа-

---

Балхийни қўллаб-қувватлаган, географ ва шоир, асли араб бўлган Абу Дулафни Хитой ва Ҳиндистонга саёҳатга жўнатган, араб географи ва сайёҳи ибн Фадлонга қулай шароит яратган ва ҳоказо. Жайҳоний ўзининг 7 жилддан иборат «Китоб ал-масолик вал-мамолик» («Масофалар ва мамлакатлар китоби») асари билан ном чиқариб, унга кўплаб олимлар, жумладан, Беруний ҳам юқори баҳо берган эди.

йиб бориши, зодагонларнинг ўзаро жанжаллари, ноибларнинг марказга бўйсунмай қўйиши ва саройда бўлаётган тахт учун курашлар Сомонийлар давлатини жуда заифлаштириб юборди.


Бу курашлар, айниқса, Амир Нуҳ II (976–997 йй.) ҳукмронлиги даврида кескин тус олди. Ички низолар оқибатида Нуҳ II Еттисув ва Қошғарда вужудга келган Қорахонийлар давлатининг Мовароуннаҳрга қилган юришларига кескин қаршилик қилолмади. Сомонийлар давлатидаги беқарорликдан фойдаланган Қорахоний Хорун Буғрахон 990 йилда Ғарб томон қўшин тортди ва икки йил давомида Сомонийларга қарашли бир қанча вилоятларни босиб олди. Шундан сўнг Сомонийлар давлати ўз мавқеини тиклай олмади. Сомоний ҳукмдорларининг Қорахонийлар билан олиб борган кураши мамлакатни ҳолдан тойдирди.

Мансур II ҳукмронлиги (997–999) даври ҳам юқорида қайд қилинган таназзул ҳолатидан фарқли кечмади. Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг жанубдан расман Сомонийларга қарашли Хуросон ўлкасига таҳдиди, Қорахонийларнинг доимий равишда чегараларни бузиб, ичкари томон силжий бошлашлари, Хоразмда деярли мустақил Маъмунийлар сулоласининг саъй-ҳаракатлари, ҳарбий саркарда, зодагонларнинг ҳокимият учун кураши, чекка вилоятлардаги нотинч вазият – буларнинг ҳаммаси амалдаги давлат мавжудлигига чек қўювчи омиллар бўлди. Наср Илекхон бошчилигидаги Қорахонийлар 999 йили Мовароуннаҳр ҳамда Сомонийлар вакили Абу Иброҳим Мунтасирнинг ҳокимиятни қайтариб олишдаги саъй-ҳаракатлари бесамар тугаб, унинг ўзи 1005 йили ўлдирилди. Шу тариқа Сомонийлар сулоласи барҳам топди.

Сомонийлар Мовароуннаҳр ва Хуросонда мустақил давлат тузиш учун аввалambор кучли марказлашган ҳокимият тузиш кераклигини яхши тушунишган. Бу, айниқса, Исмоил Сомоний даврида долзарб масалага айланган эди. Йирик ер эгаси бўлган Исмоил, биринчи навбатда, маҳаллий зодагонлар ва савдогарларнинг манфаатларини кўзлаб иш тутди. Давлатнинг иқтисодий куч-қудратини ошириш, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва савдо ривожланиши учун кенг шарт-шароитлар туғдириб бериш лозим эди. Шу мақсадда Исмоил катта ва яхши қуролланган, сараланган қуролли кучларни ташкил қилишга киришди. У, айниқса, турк ғуломларидан иборат қисмларни тузишга эътибор берди. Натижада, Сомонийлар давлати тез

орада мусулмон шарқидаги марказлашган кучли давлатга айланди. Мамлакатнинг қудратини мустаҳкамлаш мақсадида Исмоил Сомоний бир қанча ислоҳотлар ўтказди. Мана шундай ислоҳотлардан бири давлатни бошқариш маъмуриятини жорий қилиш бўлди. Бу маъмурият даргоҳи – амир саройи ва девон – давлат идораси, вазирликлардан иборат бўлган.

Сомонийлар давлат бошқаруви



Давлатни бошқарувчи олий ҳукмдор амир унвонига эга эди. Исмоил Сомоний ўз даврида марказлашган давлат бошқаруви тизимини жорий этган эди. Сомонийлар давлати мажмуини мустаҳкамлашда Нуҳ II Сомонийнинг маърифатли вазирлари Абдуллоҳ Муҳаммад Жайҳоний ва Абуфазл Муҳаммад Баламийларнинг хизматлари катта бўлган. Сомонийлар ҳукмронлиги даврида бош вазир лавозимига, асосан, шу икки сулола вакиллари тайинланган. Давлат мажмуи даргоҳ (амир саройи) ва девонга (вазирликлар, давлат идораси) бўлинган.

Саройда сиёсий ҳокимият соҳиби хорас қўл остида бўлиб, у олий ҳукмдор фармонлари ижросини назорат қилган. Даргоҳ ҳамда бошқа муҳим давлат идораларининг хавфсизлигини амалга ошириш хизматини бош ҳожиб ва унинг ходимлари олиб борган. Саройда шарбатдорлар, дастурхончилар, таштадорлар, отбоқарлар, хўжалик бекалари каби турли хизматчилар бўлган. Саройдаги барча хўжалик ишларини вакил бошқарган. Вакил саройдаги энг эътиборли кишилардан бири ҳисобланган. Наршахийнинг маълумот беришича, Наср II даврида Бухоро регистонида давлатдаги 10 та девонга атаб махсус 10 та бино қурилган. Давлатда қуйидаги девонлар фаолият кўрсатган:

1. Девони вазир (бош вазир девони). Бу девонга қолган барча девонлар бўйсунган. Бош вазир девони барча маъмурий, сиёсий, хўжалик ва ҳарбий маҳкамаларни назорат қилган.

2. Девони мустауфи (молиявий ишлар девони). Бу девон давлатнинг барча молиявий ишларини бажарган ва назорат қилган. Девон хазинадор томонидан бошқарилиб, унинг ихтиёрида ҳисобчилар, мунший ва котиблар, дафтардорлар бўлган.

3. Девони амид ал-мулк ёки **ал-расаил** (расмий ҳужжатлар девони). Бу девон давлат аҳамиятига молик бўлган барча ҳужжатларни тузиш ва ишлаб чиқиш билан шуғулланган. Шунингдек, бу девон чет давлатлар билан бўлган дипломатик муносабатларни ҳам назорат қилган.

4. Девони соҳиб-аш-шурот (ҳарбий ишлар девони). Бу девон давлатнинг бутун ҳарбий ишларини назорат қилган, жумладан, амирнинг шахсий қўшинини (гвардиясини) бошқарган. Ушбу девонбошининг махсус ёрдамчиси – ариз бўлган. У маҳкама ва унинг бошлиғи амир қўшини хазинаси билан шуғулланган. Қўшинга бир йилда

тўрт марта маош тўланган. Бу девон ҳарбий интизомни таъминлаб турган.

5. Девони соҳиб ал-борид (хат-хабарлар назоратчиси девони). Ушбу девон марказда қабул қилинган муҳим қарорлар, ҳужжатлар, хабарномаларни вилоят ва шаҳарларга етказиш билан шуғулланган. Бу девоннинг вилоятлардаги бошлиғи фақат марказга бўйсунган. Бу девон ходимлари вилоят ва шаҳарлардаги, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган воқеаларни марказга етказиб турган. Шунингдек, бу девон давлат элчилари, вилоят ва шаҳарлар ҳокимлари устидан махфий назорат ўрнатган.

6. Девони мухтасиб (бозорлар ва кўчалар, шариат қонун-қоидаларига риоя қилишни назорат қилувчи девон). Бу девон хизматчилари қиладиган асосий иш шаҳар ва қишлоқларда, кўча ва бозорларда тартиб-интизомни, тош-тарозини назорат қилиш эди. Аҳоли томонидан шариат қонун-қоидаларига риоя қилишнинг назорати ҳам шу девон зиммасида бўлган. Ушбу девонбоши ўз мирғазаб (ходим)лари билан барча шаҳарларда фаолият кўрсатган.

7. Девони мамлакаи хос (давлат иш бошқарувчиси девони). Бу девон сарой таъминоти билан боғлиқ сарф-харажатларни назорат қилган. Муҳим давлат ишлари ва айниқса, хазина кирим-чиқимини назорат қилиш ҳам шу девон зиммасида бўлган.

8. Девони вақф (вақф ерлари девони). Мачитлар, мадрасалар, умуман диний муассасалар ихтиёрида бўлган ер-сув, мол-мулк кабиларни бошқарган.

9. Девони қози аз-зиё (қозилик ишлари девони). Бу девонни давлатнинг бош қозиси бошқарган. Девон барча вилоятлар ва шаҳарлардаги қозилар фаолиятини назорат қилиб турган.

10. Давлат мулклари девони. Бу девон ҳукмдор сулолага тегишли мол-мулк бошқаруви, назорати, ҳисоб-китоби билан шуғулланган.

Юқорида санаб ўтилган девонларнинг барчаси (соҳиб ал-борид девонидан бошқа) маҳаллий ҳокимлар ва олий марказий ҳокимиятга бўйсунган. Таъкидлаш лозимки, Сомонийлар даврида маҳаллий бош-қарув тизими ҳам самарали фаолият юритган. Вилоят бошқарувчилари – ҳоким, шаҳарлар бошқарувчилари эса – раис деб юритилган. Вилоят ҳокимлари кўп ҳолларда ҳукмрон сулола вакилларидан ва катта таъсирга эга бўлган йирик зодагонлардан тайинланган.

Сомонийлар даврида вилоят ва туманлар амир томонидан тайинланган ҳокимлар томонидан идора қилинган. Одатда, бундай лавозимга маҳаллий бой зодагонлар тавсия этилган. Сомонийлар давлатида мусулмон руҳонийларининг таъсири ниҳоятда кучли бўлган. Улар марказий ҳокимият ишларида ҳам фаол иштирок этганлар. Сомонийлар давлатининг диний ҳаётида ҳанифийлар мазҳабига мансуб руҳонийлар ҳамма диний лавозимларни ўз қўлларига олишган. Руҳонийларнинг бошлиғи «устод», кейинчалик «Шайх ул-ислом» деб аталган. «Устод» дан сўнг ўз лавозими бўйича руҳонийлар орасида «хатиб» турган. У жоме масжидларида жума намозида хутба ўқиш ҳуқуқига эга бўлган. Бу даврда Бухоро Шарқдаги ислом оламининг энг нуфузли марказларидан бирига айланади. Мовароуннаҳрдаги дастлабки мадрасаларнинг бу ерда барпо этилиши ҳам бежиз эмас.

Ер эгалигининг қуйидаги шакллари мавжуд бўлган:

Мулки султоний: шахсан амирга тегишли ер-сув, тегирмон, дўконлар. Бу мулкни қишлоқ чорикорлари ижарага олганлар. Яна ер эгалигининг тўма (умрбод берилган ер), иқто (меросий) турлари бўлган.

Хусусий шахсларга тегишли мулк: ҳукмдор табақа хонадони, деҳқон-зодагонларга, саййидлар, сипоҳсолор, бадавлат савдогарларга тегишли мулклар ҳисобланган. Шартли ер эгалиги ҳам бўлган.

Вақф мулклари: диний муассасалар ва мадрасаларга тегишли мулк. Бу мулкни муассаса мутаваллиси бошқарган.

Жамоа мулки: яйлов, тоғ ёнбағирларидаги лалми ерлар.

Хирож ҳажми шариат ва давлат қонунлари асосида белгиланган. Сомонийларнинг биргина Бухоро ва Кармана вилоятлари хирожидан тушган даромади 116866 дирхамни ташкил қилган.

Сомонийлар даврида ерлар қайтадан тақсим қилинди. Ер эгаларининг янги гуруҳи ташкил топди. Уларнинг кўпи сипоҳийлардан чиққан эди. Масалан, Алп Тагиннинг Хуросонда ва Мовароуннаҳрда 500 та қишлоғи бўлиб, бирор шаҳар йўқ эдики, унда унинг қасри ё боғи, ёхуд карвонсаройи бўлмаса. Унинг тасарруфида минглаб отлар ва чорва моллари бўлган.

Сомонийлар даврида қудратли марказлашган давлатнинг вужудга келиши натижасида Мовароуннаҳр ва Хуросонда маълум барқарорлик қарор топди. Бу ҳолат мамлакат иқтисодий ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Мовароуннаҳр ва Хуросон бу вақт-

да Шарқнинг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган ўлкаларидан ҳисобланган.

Хуросон ва айниқса, Мовароуннаҳр деҳқончилик ўлкалари қаторига кирган. Бу ерларда деҳқончилик, асосан, сунъий суғоришга асосланган. Кўплаб сой ва дарёлардан чиқарилган катта-кичик каналлар мавжуд бўлган. Бухоро воҳасида Шопуркон, Шоҳруд, Кармана, Пойканд, Самарқанд воҳасида Барж (Дарғом), Бармсой, Бузмадисой, Иштихон каби каналлар шаҳар ва қишлоқларни сув билан таъминлаган. Бундан ташқари, бундай каналлар Хоразм, Қашқадарё, Фарғона ва Шошда ҳам бўлган. Манбаларга қараганда, Шош аҳолиси халифа Мўътасимга (833–842) мурожаат қилиб, воҳада сув етишмаслиги туфайли канал қурилишига ёрдам сўраган. Сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликдан ташқари лалмикор деҳқончилик ҳам яхши йўлга қўйилган.

Далаларда буғдойнинг турли навлари, арпа, шоли ва бошқа бошоқли экинлар экилган. Қишлоқ хўжалигида пахта етиштиришга алоҳида аҳамият берилган. Пахта, айниқса, Зарафшон, Қашқадарё ва Марв воҳасида кўп экилган. Боғдорчилик ҳам яхши ривожланган. Боғларда олма, шафтоли, нок, беҳи, анор, анжир, ёнғоқ каби турли мевалар етиштирилган. Узум етиштириш яхши йўлга қўйилган. Айниқса, Самарқанд, Марв, Ҳиротда етиштирилган узумлар жуда қадрланган. Умуман, Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг мевалари ўзининг турли навлари ва юқори сифатлилиги билан бутун Шарқда донг таратган. Кўплаб қуруқ мевалар Европанинг турли шаҳарларига жўнатилган.

Сомонийлар даврида Хуросон ва Мовароуннаҳр қишлоқ хўжалигининг турли тармоқлари, хусусан, деҳқончилик яхши ривожланган. Сомонийлар даврида деҳқончилик билан бир қаторда, ҳунармандчилик ҳам кенг суръатлар билан тарқалган. Шаҳар аҳолисининг кўп қисми ҳунармандчиликнинг турли соҳалари билан машҳур бўлишган. Манбаларда қайд қилинишича, Мовароуннаҳрда, айниқса, тўқимачилик яхши тараққий қилган. Бу ерларда ипак ва жундан тайёрланган турли-туман газламалар ўзининг юқори сифатлилиги, бежирим ва нафис нақшлари билан ажралиб турган. Бухоронинг Зандана, Самарқанддаги Ведар ва Сурхондарёдаги Дарзанги тўқимачиларининг маҳсулотлари фақатгина Мовароуннаҳр ва Хуросондагина эмас, балки Ироқ, Эрон ва Ҳиндистонда ҳам маълум бўлган. Хусу-

сан, Наршаҳийнинг ёзишича, Занданада тайёрланган газламаларга Шарқ бозорида эҳтиёж жуда катта бўлган. Ибн Хавқал ва Муқаддасийнинг қайд этишича, Ведарда тайёрланган юқори сифатли газламалар аҳолининг юқори табақалари орасида жуда қадрланган. Бу газламалардан, асосан, амирлар, вазирлар, турли амалдорлар, қозилар ўзларига либослар тиктирганлар. Ведар газламаси ҳатто Хуросон парчаси ҳам деб аталган. Газламаларнинг турли навлари Кешда, Насафда, Дабусияда ва кўпгина бошқа шаҳарларда ҳам тайёрланган.

Кулолчилик ҳам Сомонийлар даврида ўз тараққиётининг энг юқори босқичларига кўтарилган. Кулолчилик чархини янада мукаммалланиши натижасида идишларни безашда сирлардан фойдаланишни кашф этилиши бу борада катта ютуқ бўлди. Натижада, идишларнинг турлари ҳам, шакллари ҳам кўпайди. Уларнинг сифати кескин даражада ошди. Идишлар турли ранглар билан безатила бошланди. Манбаларда қайд қилинишича, айниқса, Самарқанд, Бинкет ва Марв кулоллари тайёрлаган идишлар, ўзининг бежирим шакли, юқори сифати, ажойиб ва нафис нақшлари билан ажралиб турган. Эпиграфик нақш билан безатилган турли-туман идишлар, айниқса, диққатга моликдир. Шу даврга оид шаҳарларда олиб борилган археологик изланишларга қараганда, кулоллар шаҳарларда маҳалла-маҳалла бўлиб яшаганлар. Мана шундай маҳаллалар Самарқандда, Марвда, Аксикатда, Термизда топилган ва ўрганилган.

Бу даврда шишасозлик ҳам кенг ривожланган. Ўрта Осиё шишасозлари турли шаклдаги катта-кичик шиша идишларни тайёрлаганлар. Идишлар, асосан, кўкимтир ва шаффоф рангдаги шишалардан тайёрланган. Уларнинг маълум қисми нақшлар билан безатилган. Шишасозларнинг устахоналари Нисо, Марв, Термиз, Пойканд каби шаҳарларда топилган. Ўрта Осиё шишасозларининг маҳсулотига бошқа ўлкаларда эҳтиёж катта бўлган.

Ёзма манбалар ва олиб борилган археологик қазиш ишларига қараганда, бу даврда кон саноати тараққиётида катта ўзгаришлар рўй берган. Бу даврда Бадахшонда кумуш, олтин, биллур, ложувард каби қимматбаҳо металл ва тошлар қазиб олиш давом этган. Уструшонанинг Минк туманида катта миқдорда темир рудаси, Буттамда олтин, кумуш, мис ва бошқа металлар, Тузкон кўлида туз, Фарғонадаги Нокад деган жойдан олтин, кумуш, Исфара яқинида тошкўмир қазиб олинган. Фарғонада нефт ҳам борлиги ёзма манбаларда қайд қилинган.

Сомонийлар (819 – 1005 йй.)

Аҳмад ибн Асад – Фарғона ҳокими (819 – 864)

Наср ибн Аҳмад – аввал Самарқанд ҳокими, сўнгра Мовароуннаҳр ҳокими сифатида (864 – 892)

Исмоил ибн Аҳмад (Исмоил Сомоний) (874 – 892 – Бухоро, 892 – 900 – Мовароуннаҳр ҳокими) 900 – 907 – Давлат ҳукмдори

Аҳмад ибн Исмоил	(907 – 914)
Наср ибн Аҳмад (Наср II)	(914 – 943)
Нуҳ ибн Наср	(943 – 954)
Абдумалик I	(954 – 961)
Мансур I (Мансур ибн Нуҳ)	(961 – 976)
Нуҳ II (Нуҳ ибн Мансур)	(976 – 997)
Мансур II	(997 – 999)
Абдумалик II	(999)
Абу Иброҳим Исмоил ал – Мунтасир	(танаффус билан 1000 – 1005)

Шу даврда қоғоз ишлаб чиқариш ҳам яхши ривожланган. Қоғоз ишлаб чиқариш бўйича энг йирик марказ Самарқанд бўлиб, ундаги қоғозларнинг маҳсулоти фақат Ўрта Осиё ёки Шарқда эмас, балки Европада ҳам машҳур бўлган. Самарқанд қоғозининг олти нави манбаларда қайд қилинган.

Юқорида қайд қилинган ҳунармандчилик турларидан ташқари сомонийлар даврида Ўрта Осиёда тоштарошлик, заргарлик, дурадгорлик каби соҳалар анча ривож топган. Сомонийлар даврида кучли ва мустақил давлатнинг пайдо бўлиши деҳқончилик, ҳунармандчиликнинг ривожланиши, шаҳарларнинг тараққиёти, ўз навбатида, ички ва ташқи савдони янада узвийлашувига ва тараққиётига олиб келди. Аввало, шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги савдо кенгайди. Иккинчи томондан шаҳар ва қишлоқларнинг қўшни кўчманчи халқлар ва бошқа давлатлар билан алоқаси ривожланди.

Ёзма манбаларда қайд қилинишича, бозорлар катта-кичик шаҳарларда ва ҳатто қишлоқларда ҳам бўлган. Айниқса, карвон йўллари бўйлаб жойлашган шаҳарларда бир нечтадан бозорлар бўлган. Бухоро, Хўжанд, Насаф, Кеш, Термиз, Ҳирот, Марв, Нишопур шаҳарларидаги бозорлар катта ва жуда гавжум бўлган. Истаҳрийнинг ёзишича, Самарқандда Мовароуннаҳрнинг бош бозорлари жойлашган.

Бу ерга ҳамма ердан савдогарлар келган. Мовароуннаҳрда тайёрланган маҳсулотларнинг катта қисми Самарқандга келтирилган ва ундан кейин бошқа ўлкаларга тарқалган. Ички ва ташқи савдода айрим кичик шаҳарларнинг ҳам ўрни катта бўлган. Бу борада Пойканд шаҳри муҳим аҳамият касб этади. Манбаларда ёзишлишича, бу шаҳарда сомонийлардан олдин ҳам савдогарлар Хоразм, Каспий бўйидаги ўлкалар ва Хитой билан олди-сотди ишлари олиб боришган. Шаҳар ҳокимлари савдогарлар учун ҳамма шарт-шароитларни туғдириб беришга ҳаракат қилганлар. Шаҳарда ўнлаб карвонсаройлар мавжуд бўлган, улар бозорга яқин жойларда жойлашган. Савдо расталари карвонсаройнинг ўзида ҳам бўлган. Карвонсаройлар йўлларда ҳам қурилган.

Бозорларда сотиладиган моллар, аввало, маҳаллий аҳолининг эҳтиёжини қондиришга қаратилган. Ҳунармандлар ўз молларини сотиб, озиқ-овқат молларини харид қилишган, ўз навбатида, деҳқонлар ҳунармандчилик молларини харид қилишган. IX–X асрларда Ўрта Осиёнинг иқтисодий ҳаётида савдо-сотиқ катта аҳамиятга эга эди. Бу борада кўчманчилар билан чегарадош бўлган шаҳарларнинг аҳамияти катта бўлган. Кўчманчилар шаҳарларга келиб, деҳқончилик ва ҳунармандчилик маҳсулотларини харид қилганлар, тери ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини сотганлар.

Ўрта Осиёлик савдогарлар ўз молларини араб халифалиги таркибига кирган давлатларга, Кавказга, Хазар ва Булғорияга, Хитой ва Ҳиндистонга олиб бориб сотганлар. Ўрта Осиёдан Хитой билан Ўрта Ер денгизини бирлаштирувчи ва жануби-шарқий Европага олиб борувчи карвон йўллари ўтган. Айниқса, Ўрта Ер денгизи билан боғловчи карвон йўли анча гавжум бўлган. Бу йўл Бағдод, Ҳамадон, Нишопур, Марв, Амул, Бухоро, Насаф, Кеш, Самарқанд, Уструшона, Чоч, Баласоғун орқали Хитойга олиб борган. Хитойга Ўрта Осиёдан отлар ва шиша буюмлар олиб борилган. Хитойдан эса турли-туман ипак газламалар келтирилган. Хазар, Булғор ва Рус ерларига Ўрта Осиёдан қуруқ мевалар, турли-туман газламалар, гуруч ва кумуш чиқарилган. Ўз навбатида, жануби-шарқий Европадан Ўрта Осиёга мўйна, мис, тери, қорамол, қуллар келтирилган. Жануби-шарқий Европа билан бўлган савдо алоқаларида хоразмлик савдогарларнинг ўрни катта бўлган. Мазкур иқтисодий ҳолат ривожи кейинги сулолалар даврида ҳам давом этган.

3. Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр

Таъкидлаш жоизки, қорахонийлар давлати тарихшунослиги у қадар бой эмас. Тарихчи олимлар қорахонийлар давлати тарихи ҳали тўлиқ ўрганилмаганлигини таъкидлашган. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Маҳмуд Ўшийнинг «Фатовои қозихон», Ибн ал-Асирнинг «Ал-комил фит-тарих» асарида қорахонийлар тарихи хусусида тегишли маълумотлар мавжуд. XX аср тарихшунослигида О.Пицак, В.Кочнев, Е.А.Давидович нумизматик материаллар асосида мазкур давр тарихига оид тадқиқотларни амалга оширганлар. Қирғизистонлик олим О.Караев илк бора қорахонийлар даври тарихига бағишланган монография яратган. Ўзбек тарихшунослигида А.Зиёнинг тадқиқот иши алоҳида аҳамиятга эга. Б.Маҳмудовнинг номзодлик диссертациясида давлат бошқаруви таҳлил этилган.


X асрнинг иккинчи ярмига келиб ички зиддиятларнинг кучайиши ва кескинлашуви натижасида Сомонийлар давлати кучсизлана бошлайди. Сомонийларга тобе бўлган вилоятларда, айниқса, Хуросонда улар ҳокимиятига қарши кўтарилган исёнлар, тожу тахт учун узлуксиз олиб борилган курашлар Сомонийлар давлати инқирозини яқинлаштирган эди. Бундай вазиятдан Еттисув ва Қашғарда яшовчи туркий қабилалар унумли фойдаландилар. Чунки X асрнинг иккинчи ярмига келиб бу ҳудудлардаги туркий қабилалар – қарлуқлар, чиғиллар, яғмолар ва бошқалар ўзларининг кучли давлатларини тузишга муваффақ бўлган эдилар.

Қорахонийлар чиғиллар ёки қарлуқлар қавмига мансублиги ҳақидаги нуқтаи назар ўрта асрлар даври тарихининг кўпчилик тадқиқотчилари томонидан эътироф этилади.

Қорахонийлардан биринчи бўлиб исломни қабул қилган ва мусулмонча Абдулкарим деган ном олган ҳукмдор Хорун Буғрахон ҳисобланади. Айрим ёзма манбаларда у Буғрахон ат-Туркий деб номланади. Мисол учун, Ибн ал-Асир ўзининг «Китоб ал-комил фит-тарих» асарида маълумот беришича, Қашғар, Баласоғундан то Чан (Хитой) чегарасигача бўлган ерлар Буғрахон ат-Туркий ҳукмронлиги остида бўлган.

Бутун Тянь-Шань ва Еттисувни эгаллаб бўлгандан сўнг, қорахонийлар Сомонийлар давлати таркибида бўлган Мовароуннаҳрга ҳам ҳарбий юришлар уюштира бошлайдилар ва тез орада Фарғона ва

Қорахонийлар давлат бошқаруви



Исфижоб (Сайрам) ни босиб олишга эришадилар. 990–992 йилларда қорахоний Хорун (Ҳасан) Буғрахон Сомонийларга тегишли бўлган Ўрта Осиёдаги мулкларнинг каттагина қисмини босиб олди. 992–993 йилларда Ҳасан Буғрахон Самарқанд ва Бухорони ҳам эгаллайди. Манбаларнинг маълумот беришича, Сомонийлар давлатида катта таъсирга эга бўлган турк лашкарбошиси, Хуросон ҳокими Абу Али Симжурий ва яна бир лашкарбоши Балх ҳокими Фойиқ очиқдан-очиқ Қорахонийларга ён босадилар. Яъни, Симжурий Ҳасан Буғрахон билан музокаралар олиб борган бўлса, Фойиқ Работи Малик яқинидаги Буғрахонга қарши жангда ҳар томонлама устунликка эга бўлишига қарамай, таслим бўлади. Ҳасан Буғрахон Самарқанд ва Бухорони эгаллагач, касаллиги туфайли урушни давом эттиролмасдан Қашғарга қайтишда, йўлда Қўчқорбоши деган жойда 993 йилда вафот этади.

Ҳасан Буғрахон вафотидан сўнг улуғ хон (қорахон) лавозимини унинг жияни Али ибн Мусо эгаллайди. Аммо у узоқ вақт тахтга ўтира олмади. Тахтни Қорахоний Наср Илекхон эгаллади. Сомонийлар

давлатидаги ички низоларни, Сомоний ҳукмдорлари ва турк лашкарбошилари ўртасидаги келишмовчиликларни диққат билан кузатиб турган Қорахонийлар 996 йилда Наср Илекхон бошчилигида Бухорога янги юришлар уюштирдилар. Сомоний ҳукмдори Нуҳ II Ғазна ҳокими Сабуқтегинни ёрдамга чақиради. Балхдан катта қўшин билан етиб келган Сабуқтегин Кеш ва Насаф оралиғида жойлашиб, ўз қўшинлари билан келиб қўшилишини сўраб, Нуҳ II га элчи юборади. Лекин ўз «вассали» га унча ишонмаган Бухоро ҳукмдори вазири Ўзайрининг фикрига қўшилиб, бу таклифни рад этади ва Сабуқтегинни Бухорога чақиради. Бундан ранжиган Сабуқтегин ўғли Маҳмудни 20 минг қўшин билан Бухорога жўнатади. Ўзи эса Наср Илекхон билан музокаралар олиб бориб, Қорахонийларга Сомонийларга тегишли бўлган шимолий ҳудудларни тақдим этади.

Шундай қилиб, 1005 йилга қадар Сомонийлар ва Қорахонийлар ўртасида кўплаб урушлар бўлиб ўтди ва ўша йили сўнгги Сомоний Абу Иброҳим Исмоил Мунтасирнинг Бухорони озод этишдаги ҳаракатлари муваффақиятсиз якунланади ва Сомонийлар сиёсий тарих саҳнасидан тушиб кетдилар. Хуллас, XI аср бошларида Қорахонийлар давлати Амударёнинг юқори ва ўрта оқимларидан то Еттисув, шарқда эса Торим дарёсигача бўлган ҳудудларни ўз ичига олган эди. Айрим олимларнинг фикрича, шу вақтдан бошлаб Қорахонийлар Бухоро, Самарқанд ва умуман, Амударёгача бўлган ҳудудларни ҳам бошқарганлар. Сиёсий жиҳатдан олиб қараганда, XI аср бошларида Туркистон бир қанча сиёсий кучлар томонидан идора этилган. Шарқий Туркистон, Тошкент, Исфижоб, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Чағаниён, Хутталон вилоятлари Қорахонийлар, Амударёнинг чап қирғоқ ерлари то Ғазнагача, Хуросон, Сейистон вилоятлари Ғазнавийлар, Хоразм эса Хоразмшоҳлар, Орол денгизидан шарқ ва шимолдаги ерлар ўғизлар иттифоқи томонидан бошқарилар эди.

Қорахонийларнинг Мовароуннаҳрдаги ҳукмронлиги 200 йилга яқин давом этади. Сомонийларга тегишли бўлган ерларни эгаллаш жараёнида Қорахоний бошқарувчилари вақтинчалик бўлса-да бирлашиб, туркийларнинг йирик Қорахонлар давлатини барпо этадилар. Бу давлат бир нечта вилоятларга бўлиниб, Мовароуннаҳрга дастлаб Наср Илекхон ҳокимлик қилган. Шижоатли ва моҳир саркарда Наср Илекхон дўстона муносабатлар ўрнатиш тарафдори экан-

лигини билдириб, қўшниси Маҳмуд Ғазнавий билан элчилик муносабатлари ўрнатади. Аммо бундай муносабатлар узоқ чўзилмади. Маҳмуд Ғазнавийнинг шимолий Ҳиндистонда уруш олиб бораётганлигидан фойдаланган Наср Илекхон 1006 йилда катта қўшин билан Амударёдан кечиб ўтиб, Балх, Тус, Нишопур шаҳарларини босиб олади. Шунга қарамасдан, Ғазнавийлар Қорахонийларни Хуросондан ҳайдаб чиқаришга муваффақ бўлдилар. 1008 йилда Қорахонийлар яна Хуросонга ҳужум қилдилар. Маҳмуд Ғазнавийнинг ўзи 500 та жангга ўргатилган филларга эга бўлган катта қўшин билан Қорахонийларга қарши чиқди ва уларнинг қўшинини бутунлай яксон қилди. Шундан кейин Қорахонийлар Хуросонга ҳарбий юриш уюштиришга бошқа журъат этмадилар.

Наср Илекхоннинг ўлимидан сўнг орадан бироз вақт ўтгач, Мовароуннаҳрдаги ҳокимият Қорахонийларнинг Ҳасанийлар сулоласига мансуб Алитегин қўлига ўтди. Мовароуннаҳрни узоқ йиллар бошқарган Алитегин билан Қорахонийларнинг улуғ хони (тамғачхон) Юсуф Қодирхон ўртасида яхши муносабат ўрнатилган эди. Бу муносабатнинг янада кучайиб кетишидан чўчиган Маҳмуд Ғазнавий Юсуф Қодирхон билан келишиб, Алитегинга қарши иш тутдилар. Улар 1025 йилда Мовароуннаҳрга юриш қилдилар. Алитегин Зарафшоннинг ўнг оқимида яшаётган кўчманчи туркман қабилалари ва Салжуқхоннинг неваралари Исмоил, Тоғрул ва Довудлардан ёрдам сўрайди. Бу жангда Қорахонийлар мағлубиятга учраган бўлсаларда, Алитегин Мовароуннаҳрда ўз ҳокимиятини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Мовароуннаҳр ерларига батамом ўрнашиб олгандан сўнг орадан кўп ўтмай, яъни 1015–1016 йиллар Қорахоний ҳукмдорлари, хонзодалар ва йирик амалдорлар ўртасида тож-тахтни эгаллаш, йирик яйловларни қўлга киритиш, айрим вилоятларни босиб олиш учун курашлар авж ола бошлайди. Натижада, 1041 йилга келиб Қорахонийлар давлати иккига: шарқий ва ғарбий қисмга бўлиниб кетди. Ғарбий қисм Мовароуннаҳрдан то Фарғона водийсининг ғарбий туманларигача бўлган ҳудудларни эгаллаган бўлиб, унинг пойтахти даставвал Бухоро, бир муддат Ўзганд, кейин эса Самарқанд эди. Шарқий қисм Еттисув, Қашғар, Тароз, Исфижоб, Шош ва Шарқий Фарғонани ўз ичига олган. Унинг пойтахти аввал Баласоғун, кейин эса Қашғар эди.

XI асрнинг ўрталарига келиб Хуросондаги Ғазнавийлар давлати Салжуқийлар томонидан йўқ қилинди. Мовароуннаҳрни эса Қорахонийлар ўз қўлларида сақлаб қолдилар ва бу ерда Иброҳим ибн Насрнинг сиёсий фаолияти бошланади. У ўз қўшинлари билан аввало, Амударё бўйидаги Хутталон, Вахш, Чағаниённи босиб олади ва тез орада бутун Мовароуннаҳр ерларини забт этади. У янги пойтахт қилиб ўзига Самарқандни танлади ва шу ердан туриб ҳокимиятни бошқарди (1040–1068)

Иброҳим ибн Наср билан Салжуқийлар ўртасидаги муносабат анча ёмон эди. У Салжуқийларнинг бир неча ҳужумларини қайтаришга эришган. 1068 йилда Иброҳим ибн Наср вафотидан сўнг унинг ўғиллари ўртасида тахт учун кураш бошланиб, бу курашда Шамсулмулк ғалаба қозониб, ҳокимиятни эгаллайди. 1072 йилда Салжуқий Султон Алп Арслоннинг вафотидан фойдаланган Қорахоний Шамсулмулк Салжуқийларга тегишли бўлган Термиз ва Балх вилоятларини эгаллади. Аммо кўп ўтмай Алп Арслоннинг вориси бўлган Султон Маликшоҳ бошчилигида Салжуқийлар Қорахонийларни қайтариб юбордилар.

1080 йилда Шамсулмулк вафот этиб, тахтга Қорахоний Аҳмад ўтиради. Аҳмадхон даврида мусулмон уламолари ва турк лашкарбошилари ўртасидаги кураш авж олиб кетади. Бундан фойдаланган Салжуқий Маликшоҳ Амударёдан кечиб ўтди ва қаттиқ жанглардан сўнг Бухоро ҳамда Самарқандни эгаллади. Аҳмадхон эса асир олинади. Лекин Мовароуннаҳрни ўз қўлида сақлаб қолишга кўзи етмаган Маликшоҳ Аҳмадхон билан сулҳ тузиб, катта ўлжалар олиб орқага қайтади. Аҳмадхоннинг Салжуқийларга итоаткорлиги ҳарбий лашкарбошилар ва руҳонийларнинг норозилигига сабаб бўлганлиги боис, оқибат 1095 йилда у фитна уюштирилиб ўлдирилади.

XII асрнинг бошларига келиб Қорахонийлар тахтига Арслонхон (1102–1130) ўтириб, ярим мустақил давлатни бошқарган бўлсада, тўла мустақиллик учун ҳаракат қилади. Уламолар билан келишмовчилик ва бетоблиги туфайли Арслонхон тахтни 1130 йилда ўғли Насрга топширади. Арслонхон Салжуқий Султон Санжардан ёрдам сўрайди. Ўша йили Султон Санжар фитначиларни жазолаб, Самарқанд шаҳрини эгаллайди ва шу даврдан бошлаб Қорахонийлар ўз мустақиллигини деярли йўқотиб, Салжуқийларга қарам бўлиб қоладилар.

Орадан кўп ўтмасдан Мовароуннаҳрга янги кўчманчи қабилалар Қорахитойлар (киданлар) ҳужуми хавфи пайдо бўлди. XII асрнинг 30-йилларида Қорахитойлар Шарқий Туркистон ва Еттисувни, яъни Шарқий Қорахонийлар ҳудудини босиб олдилар. Шарқий Қорахонийлар анча заифлашиб қолганлиги туфайли ўз мулкларини ҳимоя қила олмадилар. Ғарбий Қорахонийларнинг ҳам аҳволи бундан яхши эмас эди. 1137 йилдаги Хўжанд яқинидаги бўлган жангда Қорахитойлар қўшини Қорахоний Маҳмудхон қўшинларини тор-мор этдилар. Бу пайтда Хоразмни эгаллаш билан банд бўлган Султон Санжар ўз вассали Маҳмудхонга етарли ёрдам бера олмади. Самарқанд талон-тарож қилиниб, катта товон ундирилгач, Қорахитойлар орқага қайтдилар.

Орадан кўп ўтмасдан, яъни 1141 йилда Қорахитойлар яна Мовароуннаҳр ерларига бостириб келдилар. Уларнинг ҳужумини тўхтатиш учун Султон Санжар катта қўшин билан Самарқанд яқинига етиб келади. Бу сафар жанг Самарқанд яқинидаги Қатвон чўлида бўлди. Ҳал қилувчи бу жангда Султон Санжар ва Қорахоний Маҳмудхонларнинг бирлашган қўшинлари Қорахитойлар томонидан мағлуб этилди.

Самарқанд, Бухоро ва бутун Марказий Мовароуннаҳрни эгаллаган Қорахитойлар катта ўлжалар билан орқага қайтдилар. Қорахитойлар Баласоғундан ташқари ҳамма ерлар ҳокимиятини Қорахонийлар қўлида қолдирдилар. Қорахонийлар энди Қорахитойларга қарам бўлиб, ҳар йили уларнинг пойтахти Баласоғунга катта-катта ўлпон юбориб турар эдилар. XIII асрнинг бошларида Муҳаммад Хоразмшоҳнинг Мовароуннаҳрга юришлари туфайли Қорахонийлар ҳукмронлиги бутунлай барҳам топди.

Қорахонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида ўз мулкларининг сарҳадларини бир неча марта ўзгартирганлар. Мисол учун, Мовароуннаҳрни эгаллагунига қадар уларнинг мулклари Тяншань ва унинг атрофларини эгаллаган бўлса, XI аср бошларига келиб эса хоқонлик чегаралари Амударёгача етган. Орадан кўп ўтмай, улар Шарқий Туркистонда Қашғарни ва Хўжандни қўлга киритдилар. Бундай ҳолат хоқонликнинг ижтимоий-иқтисодий тузумига ҳам катта таъсир кўрсатди. Ҳар бир вилоят маълум сиёсий мавқега эга бўлган ҳолда хондан кичикроқ унвонга эга элекхонлар томонидан бошқариладиган бўлди.

Қорахонийлар Сомонийларга нисбатан давлат тузилиши ва бошқарувининг бошқачароқ шаклини жорий этишга ҳаракат қилдилар. Уларда ҳокимият Сомонийларда бўлгани каби тўғридан-тўғри отадан ўғилга эмас, балки акадан укага, кейин сулоланинг навбатдаги авлодига ўтган. Айрим олимларнинг фикрича, Қорахонийларнинг бутун уруғи ҳокимиятнинг жамоавий соҳиби бўлиб, сулоланинг ҳар бир аъзоси ўзининг келиб чиқишига кўра, умумсулола мулкининг бир қисмига даъво қила оларди. Бу мулкнинг асосий қисми сулоланинг уч улуғ аъзоси – улуғ хоқон, кичик хоқон ва элекхонга тегишли ҳисобланарди. Уларнинг ҳар қандай авлодига ўз ҳиссаси ажратиб берилар эди.

Қорахонийларда иккита пойтахт: Қашғар ва Баласоғун мавжуд эди. Улуғ хон шу шаҳарлардан биридаги қароргоҳда ўтирган. Улуғ хоқон ёки улуғ хон **«хоқон ул-хоқон»** деган номда юритилиб, араб манбаларида мазкур унвон «султон ус-салотин», форс манбаларидаги «шаҳаншоҳ» га мос келади. Қорахонийларга қарашли ерлар тамғачхон томонидан унинг ўғиллари, қариндошлари ўртасида тақсимланган эди. Шу боис, ер-мулк масаласида ота-ўғил, амаки ва жиянлар ўртасида доимий низолар юз бериб, у сиёсий аҳволга салбий таъсир кўрсатиб турган.

Қорахонийлар Мовароуннаҳрни босиб олгач, бу ердаги ижтимоий-сиёсий ҳаётда катта ўзгаришлар содир бўлганлиги боис, Қорахонийлар ўз давлатларини вилоятларга бўлиб ташлайдилар. Мовароуннаҳр вилоятининг пойтахти Самарқанд, Фарғонаники эса Ўзганд шаҳри эди. Бу вилоятлар бошлиқлари элекхонлар бўлиб, улар Қашғардаги тамғачхонларга расман тобе эдилар. Қорахонийлар даврида Самарқанд элекхони анча кучайиб кетган эди. Самарқанд элекхони саройида Сомонийлар давлатида бўлгани каби вазир, соҳиби борид, муставфий, ҳожиб, раис-мухтасиб каби амалдорлар бўлган. Таъкидлаш жоизки, Қорахоний ҳукмдорлари мусулмон уламолари билан қалин алоқа ўрнатганлар ва имомлар, сайидлар, шайхлар, садрларни қўллаб-қувватлаганлар.

Қорахонийлар давлати бошлиғи лавозими, хоқоннинг тахти меросий саналган. Маъмурий идоралар иккига: **даргоҳ ва девонга** бўлинган. Хоқоннинг улуғ ҳожиби хоқон билан фуқаро ўртасида воситачилик қилган. Хоқон саройида қуйидаги амалдорлар бўлган: оғичи – шойи кийимлар хазиначиси; бирук – меҳмонларни қабул қилиш бўйи-

ча мутасадди; ошчи – хоқон ошхонаси бошлиғи (боғарчи); битикчи – мунший; котиб – мирза; қушчи – хоқон овининг ташкилотчиси.

Хоқон ҳарбий қўшинлари **черик** дейилган, унга **субоши** ёки **сипоҳсолор** қўмондонлик қилган. Кичик зобит човуш, сипоҳийлар тўдаси қўмондони хайлбоши дейилган. Қўшин ўнлик, юзлик, мингликларга бўлинган. Қорахонийлар хоқони қўши (ҳарбий лагер) **хонтўй** дейилган. Хоқон қўшида доим 9 та сариқ байроқ ҳилпираб турган. Хоқонликда элчини ялавоч ёки ялафар деб аталган.

Хоқонлик ҳудудлари **эл, вилоятларга** бўлинган. Ижтимоий тузумда мавқеи анча баланд ҳисобланган йирик заминдорлар – деҳқонлар қатлами қорахонийлар даврида ўз аҳамиятини йўқотди. Ўрта Осиё кўҳна зодагон тоифасининг бундай аҳволга тушишига асосий сабаб сиёсат майдонида юз берган сулолалар ўртасидаги тахт алмашуви, энг таъсирли жиҳати эса кўчманчилик шароитига мослашган эл-улусларининг ўтроқ аҳоли ҳудудларининг ишғол этишидир.

Қорахонийлар (927 – 1213 йй.)

Абдулкарим Сотуқ Буғрахон	(вафоти – 955 йй.)
Мусо ибн Сотуқ	(вафоти – 992 йй.)
Сулаймон ибн Сотуқ	(?)
Али ибн Мусо	(вафоти – 998 йй.)
Аҳмад ибн Али	(вафоти тахминан 1015–1018 йй. оралиғи)
Мансур Арслоншоҳ	(1015 – 1024 йй. оралиғи)
Аҳмад II Тўғонхон	(тахм. 1024 – 1026 йй.)
Юсуф Қодирон	(1026 – 1032 йй.)
Муҳаммад Айн ад-давла	(1041 йй.)
Иброҳим Бўритакин	(1041 – 1068 йй.)
Наср I	(1068 – 1080 йй.)
Хизрхон, Аҳмад ибн Хизрхон	(1095 й. ўлдирилган)
Маъсуд ибн Муҳаммадтегин, Хорунтегин, Иброҳим, Ҳасантегин	
Маҳмуд ибн Муҳаммад	(вафоти – 1141 йй.)
Иброҳим ибн Муҳаммад	(вафоти – 1156 йй.)
Жалолиддин Али	(вафоти – 1160 йй.)
Маъсуд II	(вафоти – 1170 йй.)

Муҳаммад ибн Маъсуд	(вафоти – 1173/74 йй.)
Иброҳим IV	(1178 – 1204 йй.)
Усмонхон	(1204 – 1213 йй.)

Сомонийлар замонида мазкур сулола учун хос марказлашган давлат тузумидан қониқмаган аслзода деҳқонлар Қорахонийларни қўллаб-қувватлаган эдилар. Йирик хонадон соҳиблари – Қорахонийлар ҳокимиятда узоқ давр тура олмадилар ва вақти келиб биз ҳудудимизнинг асосий ҳукмдорлари бўлиб қоламиз, деб ўйлашган эди. Уларнинг бундай режаларини тушунган яғмо ва чигилларнинг бошлиқлари зодагонларни қувғин қила бошладилар. Бунинг оқибатида кекса бой қатлам вакиллари ўз экинзорлари, уй-жойлари, мулклари ва бойликларидан маҳрум бўлдилар. Деҳқон деган ном эндиликда фақат оддий жамоачига нисбатан айтиладиган бўлиб қолди. Аслзодалар ўзларининг даромад манбаи – ер-мулкдан маҳрум бўла бошлаган сари оддий жамоачи зироаткорлар ижарачиларга айлана бордилар. Бу пайтда ерлар эгасиз ва қадрсиз бўлиб қолди. Унумдор жойлар яйловларга айланди. Бироқ кейинги воқеалар жараёнида Мовароуннаҳр ижтимоий ҳаётида жонланиш юз берганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Қорахонийларда оддий халқ **будун** дейилган. Солиқ тўловчи фуқаро раият деб аталган. Қабила бошлиқлари бек дейилган, савдогарлар сарт деб аталган. Қорахонийлар давлатида ҳунармандчилик (кулолчилик, тўқувчилик, шишасозлик, темирчилик, заргарлик), шунингдек, зироат ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи соҳалар тараққий этган. Шунингдек, қимматбаҳо тошлар, олтин, мис, темир қазиб олинган. Шаҳарсозлик иншоотлари пишиқ ғиштдан бунёд этилган. Хонликда ер эгалигининг иқтаъ шакли кенг тарқалган. Манбада шундай дейилади: «Иқтаъга соҳиб бўлганлар (муқталар) шуни билишлари лозимки, улар фақатгина раиятдан ҳақ молини яхшилик билан олишга ҳақлидирлар ва одамлар ўз танув моллари, бола-чақалари, асбоб-ускуналари билан хавфсиз бўлишлари шарт. Агар одамлар саройга келиб, ўз ҳолларини маълум қилмоқчи бўлсалар, улар қаршилик қилмасинлар ва қайси бир муқта шундай қилса, қўлини қисқартириб, иқтасини тортиб олиш, ўзига жазо бериб, бошқаларга ибрат этиб кўрсатиш керак. Уларга шуни билдириб қўйиш лозимки, мулк ҳам, раият ҳам хонникидир. Муқталар ва валийлар уларни бошларида шаҳнадек туриб, подшоҳни раият билан бирга

хавфсизликдан сақлайдилар («Сиёсатнома»)». Хоқон, вақф, жамоа мулклари Қорахонийлар тасарруфидаги асосий ер-мулклар ҳисобланади.

Қорахонийлар давлатида Салжуқийларда бўлгани каби иқтаъ эгаси ўз мулкида ишлаётган зироаткорлардан белгиланган миқдорда қонун билан қайд этилган солиқдан бошқа ортиқча маҳсулот ёки ҳақ олишга ҳуқуқи бўлмаган. Мажбурий равишда бирор-бир маҳсулот тортиб олинса, бундай вазиятда иқтаънинг маълум миқдори қирқиб олинган ёки умуман тортиб олинган.

4. Ғазнавийлар давлати. Маҳмуд Ғазнавий

Собиқ совет даври тарихшунослигида Ғазнавийлар, хусусан, мазкур давлатнинг энг ёрқин намояндаси Маҳмуд Ғазнавий тўғрисида умумий ҳамда бир ёқлама салбий қарашлар устунлик қилган. Дарслик ва адабиётларда Маҳмуд Ғазнавийни асосан «талончи», «зўравон ҳукмдор» деб кўрсатиш одат тусига кириб қолган. Мавзунинг манбашунослигига тўхталганда Маҳмуд Ғазнавий, Ғазнавийлар тарихи Абулфазл Байҳақийнинг «Тарихи Маъсудий» асаридагина ўз аксини кўпроқ топганлигини таъкидлаш жоиз. Шу билан биргаликда, Низомулмулкнинг «Сиёсатнома», Низомий Арузий Самарқандийнинг «Чаҳор мақола», Ибн ал-Асирнинг «Ал-Комил фит-тарих» ва бошқаларда Маҳмуд Ғазнавий ва у барпо этган давлат хусусида тегишли маълумотлар учрайди.

Маҳмуднинг отаси Сабуқтегин асли Сирдарё бўйларида яшаган барсхон туркий қабиласига мансуб бўлиб, ёшлигида асир олиниб, сўнгра қул қилиб сотилган эди. Сомонийлар туркий гвардияси бошлиғи Алптегин уни ўз қарамоғига олган. Сомонийлар давлатининг туркий аскарлар қўшинида хизмат қилган Сабуқтегин 977 йилдан бошлаб Ғазна ва унинг атрофларини Сомонийлар ноиби сифатида бошқаради. Бу вақтга келиб Сомонийлар сулоласи инқирозга юз тутган бўлиб, Сабуқтегин расман ноиб бўлса-да, ўзини мустақил ҳокимлардек тутарди. Шижоаткор саркарда Сабуқтегин айнан Сомонийлар амири Нуҳ II (976–997 й.) душманларига қарши курашда ёрдам бериб, «Носириддин ад-давла» (Давлат ва дин ҳимоячиси) ўғли Маҳмуд эса «Сайф ад-Давла» (Давлат шамшири) деган шарафли номларга сазовор бўлишади.

Сабуқтегиннинг таъсири мамлакат ичра тез орада шу қадар кучайиб кетдики, унинг қаршисида Нуҳ II тахтда расман ўтирган аслида заиф ҳукмдорга айланиб қолди.

Бухоро тахтига 999 йили Мансурнинг укаси Абдулмалик II эгалик қилади. Бундан ғазабланган Маҳмуд Хуросонга қўшин тортади ва уни буткул Сомонийлар давлатидан ажратиб олади. Орадан кўп ўтмай, Сомонийлар давлати Қорахонийлар сулоласи қўлига ўтиб, охирги амир ҳам зиндонбанд қилинади. Шундай воқеаларга бой 999 йили Бағдод халифаси ал- Қодирбиллоҳ Маҳмуд Ғазнавийга **«Яминуд-давла ва аминул-милла» (Мусулмон давлатининг ўнг қўли ва миллатнинг омонлиги)** деган фахрий унвон ва Хуросон ҳокимлигига ёрлиқ, байроқ ва ноғора юборади. Ўз навбатида, Маҳмуд Ғазнавий ҳам Аббосийлар халифасини расман тан олиб, уни пайғамбар авлоди сифатида қадрлайди. Бу эса Маҳмуд Ғазнавий давлатининг тўлиқ мустақиллигидан дарак берар эди.

1001 йилдаги Қорахонийлар хони Наср Илекхон билан ўзаро келишувига биноан Амударё чегара сарҳад қилиб белгиланди. 1002 йили эса Маҳмуд Эроннинг Сейистон вилоятини қўлга киритади. 1006–1008 йилларда Қорахоний Қодирхон Маҳмуд Ғазнавий йўқлигидан фойдаланиб, Хуросонга юриш қилади. Бундай ҳол икки бор такрорланиб, Маҳмуд ҳар иккала ҳолатда ҳам Қодирхон қўшинларини тормор келтиради ва Хуросондан ҳайдаб чиқаради. 1010–1011 йилларда Ғур вилоятига юриш қилиб, унинг ҳокими ибн Сурийни асир олади. Кейин Ғарчистонни (Марв ва Ҳирот оралиғидаги ҳудуд) эгаллаб, подшоҳ Шаррни ҳам банди қилади. 1015 йилда эса ҳозирги Афғонистоннинг чекка тоғли ҳудуди Ҳамовандни босиб олади. 1002–1026 йиллар мобайнида Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистонга 17 маротаба юриш қилади. Шубҳасиз, бу юришларда султон кўплаб бойликларни қўлга киритади, ўнлаб шаҳар-қишлоқларни вайрон қилади. Биргина 1019 йилги юришда 350 та фил, 57 мингта асир, беҳисоб бойликларни ўлжа сифатида қўлга киритган.

Маҳмуд Ғазнавий Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмунни (1009–1017 й.) ўзига куёв қилиб олиб, тез орада таъсирини Хоразмга ҳам ўтказиш тараддудига тушади. Бу вақтга келиб, Хоразм юксак деҳқончилик маданиятига эришган, мусулмон дунёсида илм-фан маркази, юксак салоҳиятли олимлар юрти сифатида ҳам донг таратган эди.

Аввалига Ғазнавийнинг элчиси, кейин Султон Маҳмуднинг ўзи Маъмунни сиқувга олиб, ундан қарамликни талаб қила бошлайдилар. Бир тарафдан Маҳмуд Ғазнавий, бошқа тарафдан атрофдаги аъёнлари ҳамда зодагонлар томонидан қаттиқ қистовга олинган Хоразмшоҳ 1017 йил баҳорида сарой фитнаси қурбонига айланади. Натижада, Маҳмуд бу воқеликни баҳона қилиб катта қўшин билан келиб, Хазорасп ёнидаги жангда Хоразм қўшинини мағлубиятга учратади. Хоразмдан кўплаб бойликлар билан бирга, фан ва маданият арбоблари ҳам Ғазнага кўчириб келтирилади. Улар орасида улуғ олим Абу Райҳон Беруний ҳам бор эди. Хоразмга эса султоннинг собиқ бош ҳожиби Олтинтош ноиб этиб тайинланди.

Қорахонийларнинг ўзаро тафовутларидан фойдаланган Маҳмуд Ғазнавий 1024 йили Амударё бўйларига юриш қилиб, Чағаниён, Қобадиён, Хутталон ва бошқа чегарадош вилоятларни ўз давлати таркибига киритади. XI аср тарихчиси Гардизий «Зайнул ахбор» асарида Маҳмуд Ғазнавий билан Тамғачхон Қодир Қорахонийнинг юзма-юз учрашуви ҳақида ҳикоя қилади. Учрашув 1025 йили Самарқанд жанубидаги бир жойда бўлиб ўтади. Шундан сўнг Султон Мовароуннаҳр ишларига янада кўпроқ аралаша бошлади.

Шиа мазҳабидаги Буваҳийлар сулоласи ҳукмронлигига чек қўйган султон Маҳмуд Ғазнавий 1029 йили Рай ва Жилобни ҳам ўз мулкига қўшиб олади. Натижада, Маҳмуд Ғазнавий мусулмон шарқидаги энг йирик ва қудратли давлат соҳибига айланади. Албатта, Маҳмуд Ғазнавий ўз даврининг фарзанди бўлиб, мураккаб ва зиддиятли вазиятлар, қарама-қаршиликларга бой бўлмиш ўрта асрларда ҳукмдорлик қилган. Бу ҳол унинг барча саъй-ҳаракатлари, ички ва ташқи сиёсатида яққол намоён бўлган.

Ғазнавийларнинг машҳур султони X аср охирлари – XI аср бошларида Ўрта Шарқда юзага келган сиёсий, ижтимоий, маънавий-диний аҳволни таҳлил этишга ҳаракат қилади. Шу даврда мусулмон оламида турли диний оқим ва мазҳаблар, ҳар хил йўналишлар ҳаракати кучайиб кетди. Улар орасида ихтилофлар, диний айирмачилик кайфиятидаги қарматлар ва айниқса, шиаликнинг ўта сўл оқими Исмоилийлик кўринишида хавфли эди. Мазкур оқимлар тинч ҳаётга рахна солар, ўзаро қўрқув ва ваҳимани кучайтириб, кўплаб бегуноҳ кишиларга зарар етказар эди.

Анъанавий сунний оқимига қарши турли диний гуруҳлар кўпроқ Ҳиндистон билан чегарадош чекка вилоятларда ўз фаолиятларини кучайтириб юборадилар. Жумладан, Мўлтон (ҳозирги Покистон ҳудуди) ҳокими Абул Футуҳ Довуд ибн Наср янги мазҳабга асос солиб, ўз аҳолисини унга даъват эта бошлайди. Пайғамбар йўли – суннийликнинг ҳанафия мазҳабига содиқ бўлган Султон Маҳмуд Ғазнавий шу оқимларга қарши аёвсиз кураш олиб боради. Шубҳасиз, унинг Ҳиндистонни талон-тарож қилишини бу билан оқлаб бўлмайди. Аммо сабабларни ҳам кўздан қочирмаслик керак. Ўз даври фарзанди бўлмиш султон диний фитналарга қарши курашда Бағдод халифаси фармонлари, Имом Аъзам Абу Ҳанифа кўрсатган йўл шариат қонун-қоидаларига таянар эди.

Мисол учун, айнан қарматлар 929 йили Маккада талончилик уюштириб, Каъбадаги муқаддас тош «Ҳажар ул Асвад»ни олиб кетишади. Тош фақат 20 йилдан кейингина жойига қайтарилади. Абу Райҳон Беруний «Осор ул Боқия» асарида қарматлар бошчиси Абу Тоҳир Сулаймон томонидан Маккада амалга оширилган ғайриинсоний ҳаракатларни надомат билан таъкидлаб ўтади.

Эроннинг Дайлам вилоятида қўним топган исмоилийлар эса ўзларича номақбул деб ҳисоблаган шахсларни жисмонан йўқ қилишар, ўз фаолиятларида ислом дини қонун-қоидаларини тафтиш қилиб, анъанавийликка қарши чиқишар, террор ва даҳшат уйғотишни асосий қуролларига айлантириб олган эдилар. Кўплаб савдо карвонлари бу ерларни четлаб ўтар, кўзга кўринган арбоблар, уламо ва бошқа шахслар ўз жонлари учун қаттиқ қайғуришар эди. Чунки Исмоилий жосуслари кутилмаган фитналар билан уларни «овлаш»ни кенг йўлга қўйишган эди. Бағдодда юз йилдан зиёд сиёсий ҳукмронликни қўлга олган Буваҳийлар (945–1055) халифаликнинг диний-маънавий ҳаётига катта талофат етказганлар. Бу фикр-мулоҳазаларга кўра шуни айтиш мумкинки, мусулмон халқлари ҳаёт ва фаолиятида маънавият ва тинч-тотув ҳаёт кечиришига қарматчилик, Исмоилийлик ва бошқалар катта хавф туғдирар, шу боис ҳам Султон Маҳмуд Ғазнавий уларга қарши курашишни ўзининг бош ғоясига айлантирган эди.

Райнинг буваҳий ҳукмдори Маждуд-давла Рустам (997–1029) ёшлиги сабабли давлат ишларини унинг онаси малика Саййида олиб борган. У билан бўлган ёзишмалардан сўнг Маҳмуд аёл ҳукмдор устига юриш қилишни ўзига эп кўрмади. Саййида ҳаётлик чоғида бирон

маротаба ҳам Райга тазйиқ ўтказилмаган. Тарихчи Ибн ал-Асир берган маълумотига кўра, онаси вафот этгач, Рустам Исмоилийлардан кўп азият чекади. Натижада, ўзи Султон Маҳмуддан ёрдам сўраб, мурожаат қилди. 1029 йил Рай эгалланган, Султон қўлга киритилган ўлжанинг катта қисмини Бағдод халифасига жўнатади ва бу бойлик асосан қурилиш ва ободончилик ишларига йўналтирилади. Бу хусусда машҳур тарихчилар Абулфазл Байҳақий, ибн ал-Асир, Гардизий ва бошқалар турли маълумотларни ёзиб қолдиришган. Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистон ва бошқа юртлардан олиб келинган ўлжаларни кўп ҳолларда ободончилик ҳамда қурилиш ишларига сарфлаган. Жумладан, у Ғазнада илк давлат мадрасаси, машҳур жоме масжиди, улкан сув тўғони ва яна неча-неча иншоотлар барпо эттиради. Ғазна тез орада Шарқнинг энг гўзал ва обод шаҳарларидан бирига айланади. Беруний Ғазна ҳақида гапирганда, бу шаҳарда ҳашаматли саройлар, мадраса ва бозорлар кўплигини қайд этади.

Султон Балх ва Нишопурда ҳам бир қанча қурилишларни амалга оширган. Шунингдек, Султон илм-фан ва маданият арбобларига ҳам ҳомийлик қилган. Берунийнинг энг сара асарлари Ғазнада дунёга келган. У Султон билан кўпгина юришларда иштирок этган. XI аср муаллифи Арузий Самарқандий «Чаҳор мақола» асарида Беруний билан Султон ўртасида анча илиқ муносабат бўлганлигини таъкидлайди. Абулфазл Байҳақийнинг машҳур «Тарихий Маъсудий»сида, гарчи Султон билан Берунийнинг муносабатлари ҳамиша ҳам силлиқ кечмаганлиги қайд этилса-да, лекин Султоннинг буюк олимга хайрихоҳлик билан қараганини эътироф этади. Беруний Маҳмуд Ғазнавий вафотидан (1030) кейин ҳам Ғазнада то умрининг охиригача – 1048 йилга қадар яшаб қолади. У Ғазнада расадхона очиб, шогирдларига дарс беради, унумли ижод қилади. Маҳмуд Ғазнавий отаси Сабуқтегин ёзиб қолдирган «Маънавий улуғворлик бамисоли аланга ва шамол, буларнинг ҳаракат ва парвоз хусусияти бор. Маишат эса қия ердаги қум уюмига ўхшаш, унинг тубанликка сурилиш хосияти бор», деган насиҳатига кўра илм-фан соҳасига ҳам катта эътибор билан қараган. Шуниси диққатга сазоворки, Султон 1019 йили мусулмон оламида илк давлат мадрасасини очиб, унга ноёб қўлёзмаларни тўплатган.

Аслида Абул Қосим исмли форс шоирига Фирдавсий тахаллусини берган ҳам Маҳмуд Ғазнавий ҳисобланади. Султон аввал Фир-

давсийга ижобий муносабатда бўлган. Лекин шоир ижоди учун муносиб ҳақ олмаганлигини рўкач қилиб, берилган 60 000 кумуш дирҳамни бир неча кишига бўлиб тарқатиш орқали ҳурматсизлик кўрсатгач, Султон бундан қаттиқ ғазабланади ва уни ўлимга ҳукм қилади. Аммо Фирдавсийнинг тавба-тазаррусидан кейин кўнгли юмшаб, ҳукмни бекор қилади ва шаҳардан чиқиб кетишни буюради. Шоир Тусга йўл олади. Салдан кейин Султонни ҳажв тиғига олган байтлар ёза бошлайди. Бу эса Маҳмуд Ғазнавий номининг кейинчалик ҳам Фирдавсий ижодида салбий оҳангда тилга олинишига замин ҳозирлайди. Умуман олганда, бошқа форсийзабон шоирлар, масалан, Абулҳасан Фаррухий, Абдулмажид Саноий ва бошқалар Султон саройида самарали ижод қилганлар.

Маҳмуд Ғазнавий буюк олим Абу Али ибн Синонинг ҳам ўз саройида хизмат қилишини хоҳлаган. Ўз вақтида Хоразмшоҳ Маъмундан бошқа олимлар қаторида уни Ғазнага юборишини талаб қилган. Шу боис, Гурганжга Ибн Али Миқол бошлиқ элчиларни ҳам махсус жўнатган эди. Лекин Масиҳий ва Ибн Сино Султон Маҳмуд Ғазнавий саройида хизмат қилишни истамай, Хоразмдан қочишга қарор қилишади. Маҳмуд Ғазнавий ибн Синони ўз саройига жалб этишга кўп уринди, ҳатто унинг сиймосини қоғозга 40 нусхада кўчиртириб, қандай қилиб бўлмасин, уни топиб келтиришга фармон беради. Таъкидлаш жоизки, Ибн Сино ва Султон орасидаги муносабатлар чигал хусусиятга эга бўлиб, ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва ечимини кутаётган масалалар қаторига киради.

Султон Маҳмуд Ғазнавийлар давлатининг устуни эди. Унинг вафотидан сўнг ўғли Маъсуд (1030–1041 й.) шуҳрат поғонасини Салжуқийларга топширишга мажбур бўлди. Султон Мавдуднинг (1041–1050 йй.) Ғазнавийлар шуҳратини қайтариш учун саъй-ҳаракатлари деярли бесамар тугади. Тез орада Ғазнавийлар давлати қўли остида Шарқий Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистоннинг бир қисми қолди, холос. Ғурийлар ҳукмдори Ғиёсиддин Муҳаммад 1186 йили охирги султон Хисрав Маликни Панжобда ўлдириб, буткул Ғазнавийлар сулоласига хотима беради.

Ғазнавийлар Ўрта Шарқ ҳудудида ягона геосиёсий майдонни бирлаштиришга муваффақ бўлдилар, шунингдек, улар ҳукмронлиги даврида маънавий ҳаётга таҳдид солувчи кучларга нисбатан чек қўйил-

ди, илм-фан, адабиёт, шаҳарсозлик қурилишида маълум тараққиёт юз берди.

Маҳмуд Ғазнавий X аср биринчи чорагида мусулмон шарқи сиёсат майдонида катта ўрин тутган буюк саркарда ва йирик давлат арбоби сифатида тарихда ном қолдирди. Ҳар бир тарихий шахс каби унинг фаолияти ҳам зиддиятли ва қарама-қаршиликлардан холи бўлмаган. Айниқса, бу ҳол унинг бутун ҳукмронлик даврининг асосий моҳиятини ташкил этган.

Ўрта асрлар тарихини ёритиш, воқеа ва жараёнларни тавсифлаш вақтида маълум бир жойларда Исмоилийлар ҳаракати, исмоилийлик атамаларига мурожаат қилинди. Табиийки, ўқувчида бу борада ўзига яраша саволлар пайдо бўлади. Мазкур диний оқим хусусида ат-Табарий, Оталик Жувайний, Рашидиддин, Ибн ал-Асир ва бошқа муаррихлар асарларида тегишли маълумотлар учрайди. Ушбу масала XXI аср ўзбек тарихшунослигида О.Маҳмудовнинг тадқиқот ишида ҳам қисман ёритилган.

Исмоилийлик диний оқимининг асосчиси Исмоил шиаларнинг олтинчи имоми Жаъфар ас-Содиқнинг катта ўғли бўлган. Исмоил ичкиликка ва маишатга берилган, Бағдоддаги аббосий халифаларга қарши ўта кескин муносабатда эди. 760 йили Жаъфар ас-Содиқ ўз ўғлининг хулқ-атвори ва муносабатидан хавфсираган ҳолда уни ворисликдан маҳрум этади. Исмоил тарафдорлари бу ҳолни тан олмайдилар. Айирмачилик характеридаги ғоялар билан чиқа бошлаган Исмоил тарафдорлари ўзларини Исмоилийлар деб номлашади. Исмоил ўлимидан кейин (762 й.) унинг тарафдорлари ўз ғоявий доктриналарига эга бўладилар. Кейинчалик турли ғоялар таъсирида Исмоилийлар ўзларининг диний-фалсафий тизимини шакллантирдилар.

Уларнинг таълимотларида ислом аҳкомларини тафтиш қилиш, анъанавийликдан узоқлашиш, ичкилик ва маишатга изн бериш, пайғамбарларнинг ҳаммасини ҳам тан олмаслик, имомларга эътиқод қилиб, илоҳий имом Маҳдийнинг қайтиб келишига қатъий ишонч билдириш, масжидлар, зиёратгоҳларни тан олмаслик, исломдаги анъанавийликни бидъат деб тушунтириш ва ҳоказолар устувор бўлган. Кейинчалик Исмоилийлар очиқдан-очиқ ислом динига мухолиф ғояларни илгари сурганлар. Исмоилийлар Мисрда ва Сурияда аббосий халифалар таъсири заифлигидан фойдаланган ҳолда ҳокимиятни қўлга олиб, фотимийлар халифалигига асос соладилар.

Исмоилийлардан кейинчалик қарматлар ҳаракати ҳам ажралиб чиққан. Исмоилийларнинг мухолифат айирмачилик ҳаракати, мантиқий асосдаги ислом аҳкомларига қарши саъй-ҳаракатлари, аҳоли ичида айирмачилик кайфияти, низо-парокандаликни кучайтирди, ахлоқ-одоб қоидалари, эътиқод тушунчаларига заҳмат етди. Фотимийлар халифалиги хайрихоҳлиги остида қарматлар Баҳрайнни босиб олганлар. «Умумий тенглик» ғоясини ниқоб қилиб олган ҳолда кўплаб ножоиз ҳаракатларни амалга оширганлар. 929 йили қарматлар Маккага ҳужум қилиб, уни талон-тарож қилдилар, ҳажга борганларни ўлдирганлар, тирик қолганларни қул қилиб сотганлар, «Ҳажар ал-асвод» (Каъбадаги муқаддас тошни) ўзлари билан олиб кетдилар.

Исмоилийларнинг фотимийлар халифаси ал-Ҳаким (996–1021) ўзининг ақл бовар қилмайдиган ҳаракатлари билан аввал турли диний жамоаларга қарши кураш бошлади, сўнгра ўзини «Худо» деб атаб, ҳаж сафарини ман этди. Исмоилийлар мазҳабларараро курашни кучайтиришар, маънавият асослари, эътиқод бирлигига рахна солишар, уларнинг ғояларини қабул қилмаганларни жисмоний жиҳатдан йўқ қилишар эди. Исмоилийлар ўз айирмачилик ғояларини Яқин ва Ўрта Шарқда ёйишга ҳаракат қилиб, бу йўлда кўплаб разилликларни амалга оширдилар. Аввал Аюбийлар (1169–1250), сўнгра Мамлуклар сулолалари (1250–1517) ҳукмронлиги даврида Миср ва Сурияда ушбу диний оқим саъй-ҳаракатларига деярли чек қўйилди. Кейинчалик Исмоилийлар ўзларига марказ сифатида Эрон шимолидаги Дайлам ҳудудини танлашди ҳамда шу ердан туриб ўз саъй- ҳаракатларини амалга ошира бошлашди.

Исмоилийлар ғояларига қарши чиққан салжуқийларнинг буюк вазири Низомулмулкни 1092 йили ўлдирдилар, 1135 йили Бағдод халифаси ал-Мустаршид ҳам Исмоилийлар фитнаси қурбони бўлди. Шунингдек, Исмоилийлар жосуси Хоразмшоҳ Такашнинг вазирини ўлдириб, султоннинг ўзига ҳам суиқасд уюштирдилар. Улар ўз жосуслари орқали Сомонийлар ҳукмронлиги даврида Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги мавжуд ички сиёсий аҳволдан фойдаланиб, айирмачилик оловини ёқишга ҳам ҳаракат қилдилар. Исмоилийлар қатор сулолалар, хусусан, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳларнинг сунний ҳукмдорларини ўзларига душман деб билганлар.

Исмоилийлик ҳаракатига аввал Маҳмуд Ғазнавий, сўнгра салжуқий султонлар кураш олиб борганлар. Хоразмшоҳ Такаш 1198 йили Исмоилийларни мағлубиятга учратган. Исмоилийлар Жалолиддин Мангуберди фаолиятига ҳам мухолиф муносабатда бўлиб, кўп ҳолда мўғуллар босқинига ёрдам берганлар.

Исломий билимлар тараққий топган, ўтроқ маданий турмуш тарзига эга Мовароуннаҳрнинг мустаҳкам эътиқоддаги аҳолиси бундай айирмачи диний ҳаракат ғояларига қатъий қарши бўлганлар. Бизнинг заминда бу ғоялар илдиз отишига йўл қўйилмаган. Тарихчи Ибн ал-Асир Мовароуннаҳрдаги сўнгги Исмоилий жосуслар 1045 йили Қорахоний ҳукмдор Иброҳим Тамғачхон томонидан ўлдирганлигини ва бошқа ҳеч қачон бу ерларда мазкур оқим тарафдорлари пайдо бўлмаганлигини қайд этган. Ўрта аср мусулмон тарихчилари ўз асарларида бир овоздан Исмоилийлик ҳаракатини қоралаб, ислом дини асослари, аҳоли турмуш тарзи, давлат хавфсизлигига рахна солувчи куч сифатида уларга салбий баҳо берганлар.

Ғазнавийлар (977 – 1186)

Сабуқтегин	(977 – 997 йй.)
Исмоил	(997 – 998 йй.)
Маҳмуд Ғазнавий	(998 – 1030 йй.)
Муҳаммад	(1030 йй.)
Маъсуд I	(1030 – 1041 йй.)
Али ибн Маъсуд ибн Маҳмуд	(1049 йй.)
Абдуррашид	(1050 – 1053 йй.)
Фарруҳзод ибн Маъсуд	(1053 – 1059 йй.)
Иброҳим ибн Маъсуд	(1059 – 1099 йй.)
Маъсуд III	(1099 – 1115 йй.)
Шерзод	(1115 – 1116 йй.)
Арслоншоҳ	(1116 – 1119 йй.)
Баҳромшоҳ	(1119 – 1153 йй.)
Ҳисравшоҳ	(1153 – 1160 йй.)
Ҳисравмалик	(1160 – 1186 йй.)

Мўғулларнинг Хулагу бошчилигидаги қўшини 1256 йили Эльбрус тоғларидаги Оламут қалъасини эгаллаб, охирги Исмоилий имоми Ҳуршоҳни қатл этди. Мамлуклар султони Бейбарс 1273 йили

эса Суриядаги Исмоилийларнинг сўнгги маскани бўлмиш ал-Қаҳф қалъасини эгаллаб, ушбу оқимнинг Яқин Шарқдаги бедодлигига чек қўйди.

5. Салжуқийлар давлати

Салжуқийлар тарихи хусусида бир қатор тарихий манбалар мавжуд. Улар орасида ал-Мовардийнинг «Ал-аҳком ас-султония вал-валоёт ад-диния» («Султончилик аҳкомлари ва диний бошқарувлар»), Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» Садриддин Али Ҳусайнийнинг «Зубдат ат-таворих», «Тарихи Саложақа», Заҳириддин Нишопурийнинг «Салжуқийнома», Абул Фазл Байҳақийнинг «Тарихи Маъсудий» Ибн ал-Асирнинг «Ал-Комил фит-тарих» асарларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

XX аср тарихшунослигида Салжуқийлар масаласи юзасидан А.Лэмбтон, К. Каэн, Г.Хорст, С.Лэн-Пуль, К.Босворт, Б.Заходер ва бошқалар тадқиқот ишларини амалга оширганлар. Салжуқийлар давлати хусусидаги фундаментал асар туркман тарихчиси С.Агажановга тегишли бўлиб, юқоридаги мавзу муаллиф томонидан эълон қилинган адабиётларда тўлақонли равишда ёритилган.

Салжуқийлар келиб чиқиши бўйича туркий ўғуз қавмига тегишли бўлиб, Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ерларда кўчманчи тарзда ҳаёт кечирар эдилар. Ўғуз қабилалари бир неча уруғларга бўлинган эди. Ушбу уруғлардан бири – қиниқ уруғи бўлиб, унинг сардори – Салжуқ ибн Дўкак исмли киши бўлган. Тарихчилар, хусусан, Ибн ал-Асир Салжуқни истеъдодли, ўз фикр-мулоҳазасига эга раҳбар сифатида таърифлаган. Улар маълум сабабларга кўра X асрнинг ўрталарида Жанд вилоятига келиб ўрнашиб, сўнгра ислом динини қабул қиладилар. Бу ерда бошқа кўчманчи туркий қавмлар билан турли даражадаги курашлар бўлиб ўтди.

Салжуқнинг Арслон, Микоил ва Мусо исмли ўғиллари бўлган. Тарихий манбаларнинг хабарига кўра у Жандда 107 ёшда вафот этиб, ўша ерга дафн этилган. Микоил ҳам ўзаро курашларнинг бирида ҳалок бўлиб, унинг ўғиллари Ябғу, Тўғрулбек Муҳаммад, Чағрибек Довудлар Бухородан 12 фарсаҳ узоқликдаги ерларга келиб ўрнашдилар. Қорахонийларнинг Амударёдан жанубга ўтишларига қарши ҳаракат бошлаган Маҳмуд Ғазнавий Салжуқийларнинг куч-қуввати, ҳар-

бий салоҳиятини гувоҳи бўлди. У Салжуқийлардан Арслон ибн Салжуқни қўлга олди.

Шу воқеадан сўнг Маҳмуд Ғазнавий 1025 йили 4000 оиладан иборат Салжуқийларга Амударёдан кечиб ўтиб, Сарахс, Фарова, Обивард атрофларидаги ерларга келиб ўрнашишга рухсат берди. Салжуқийларнинг бир қисми Исфахон ва Кирмонга кетишлари маълум зиддиятларни келтириб чиқарди. 1029 йили Маҳмуд Ғазнавий уларга қарши кураш олиб борди. Салжуқийлар аввал Маҳмуд Ғазнавий, сўнгра унинг ўғли Маъсуднинг солиқ сиёсатига қарши чиқа бошладилар. Бу пайтда Хоразмда ҳам вазият кескинлашди. Ғазнавийларга қарам бўлган Олтунтош вафотидан сўнг унинг ўғли Хорун ибн Олтунтош Хоразм ҳокими этиб тайинланган эди. Хорун қорахонийлар билан тил бириктирган ҳолда 1030 йили Хуросонга юриш қилди. Маъсуд Хорунни йўқ қилишга муваффақ бўлди ҳамда қорахонийлар билан дипломатик келишувни амалга оширди. 1035 йилга келиб Салжуқийларнинг Хуросонда навбатдаги норозилик исёнлари бошланди. Исёнлар оқибатида кўплаб номақбул ишлар, талончилик ҳаракатлари ҳам бўлиб ўтиб, бу ҳақли тарзда оддий аҳоли норозилигига олиб келди. 1038–1039 йилларда Маъсуд Ғазнавий Балхдан Сарахс томон қўшин тортиб, Салжуқийларнинг ўша ердаги қисмларини тормор келтирди. Маъсуддан узоқроқда бўлган Тўғрулбек эса Нишопур атрофларини эгаллаб, катта ўлжани қўлга киритди. Салжуқийларнинг Тўғрулбек ва Чағрибек Довуд бошчилигидаги қўшинлари Хуросоннинг турли ҳудудларида ўз мавқеларини оширдилар. 1040 йил баҳорида Сарахс ва Марв оралиғидаги саҳрода жойлашган Данданакон номли кичик қалъа ёнидаги жанг Ғазнавийлар султони Маъсуд Ғазнавийнинг (1030–1041) мағлубияти билан тугади.

Маъсуд Ғазнавий қолган-қутган қўшинини олиб, тезлик билан орқага чекинишга мажбур бўлади. Жанг майдонининг ўзига тахт олиб чиқилиб, Тўғрулбек янги юзага келган Салжуқийлар давлатининг биринчи ҳукмдори деб эълон қилинди (1040–1063). Маъсуд Ғазнавий Хуросон ва Мовароуннаҳр аҳолиси ичида уни қўллаб-қувватловчилар кўп бўлмаслигини англаган ҳолда Ҳиндистон томонидан қўшин йиғишга ҳаракат қилмоқчи бўлади. Шу йўналишда ўз укаси Муҳаммадни тутқунликдан озод қилиб, ўзи билан сафдош қилиш режаси чиппакка чиқди. 1041 йили Муҳаммад ва унинг тарафдорлари томонидан Маъсуд ўлдирилди. Маъсуднинг ўғли Мавдуд бу воқеадан ха-

бардор бўлгач, катта қўшин билан Динур (Фатҳобод) ёнидаги жангда амакиси Муҳаммадни мағлубиятга учратди. Мавдуд гарчи Термиз ва Балхни қўлда ушлаб қолган бўлса-да, лекин у юборган қўшин ҳам Салжуқийлардан мағлуб бўлди.

Салжуқийлар рахнамоси Тўғрулбек (1040–1063) бошчилигидаги қўшин тез орада Хуросоннинг катта қисми, Хоразм, Деҳистон, Гургонни қўлга киритди. 1042 йили Тўғрулбек отлиқлари Шимолий Эрондаги Рай вилоятини қўлга киритдилар. Салжуқий отлиқлар Озарбайжон, Форс, Ироқ ерларига тез-тез ҳужум уюштириб турдилар. Тўғрулбек қўшини 1055 йили Бағдодга кириб келди. Бағдоддаги аббосийлар халифаси ал-Қаюм (1031–1075) Тўғрулбек ҳукмини тан олган ҳолда уни «султон» деб эълон қилди. Тўғрулбек қўшинлари Кирмон ва Форсни эгаллаб, Византия империясига қақшатқич зарба берди. Тез орада Хоразм, Хуросон, Эрон, Ироқ ва Кавказнинг бир қисмини ўз ичига олган Салжуқийлар давлати юзага келди. Тўғрулбекнинг кучли марказлашган давлатни юзага келтириш, мамлакатда ўзаро парокандаликни тугатиш мақсадини, турли айирмачи диний гуруҳларга қарши курашини аҳолининг катта қисми, хусусан, халифанинг ўзи ҳам қўллаб-қувватлар эди.

Тўғрулбек вафотидан сўнг тахтга унинг жияни Муҳаммад Алп-Арслон ўтирди (1063–1072). Алп-Арслон тахтга ўтиргач, уни тан олишни хоҳламаган баъзи Салжуқий қариндошларига қарши кураш олиб борди. Алп-Арслоннинг амакиси Фахр ал-Мулк Ҳиротда ўзини мустақил деб эълон қилди. Алп-Асрлон катта қўшин билан Ҳиротни эгаллашга муваффақ бўлади. Фахр ал-Мулк уни ягона ва қонуний султон сифатида тан олди. Шундан сўнг кучли ҳарбий лашкарбоши бўлган Алп-Арслон Чағониёнга юриш қилади. Чағониён ҳокими Мусо жангда асир олинди. 1065 йили Алп-Арслон Жайхун (Амударё)дан ўтиб, Жанд ва Сабронга юришни амалга оширди. Жанд ҳам унинг ҳукмини тан олди. Шу тариқа давлат ҳудуди янада кенгайди. Босиб олинган ерларда, одатда, маҳаллий ҳокимлар, сулолалар ҳукмига деярли чек қўйилмаган. Улар ўз аҳолисидан йиллик бож солиғи тўлашар, олий ҳукмдор сифатида Салжуқийлар султонини тан олишар эди. Султон кўп ҳолда истило қилинган ерларни ўз қариндош-уруғлари, таниқли ҳарбий бошлиқларга бўлиб бера бошлади.

Алп-Арслон кейинги ҳарбий ҳаракатларни давом эттириб, 1071 йили Кичик Осиёдаги Манцикерт қалъаси ёнида Византия импера-

тори Роман IV Диогенга (1067–1071) ҳал қилувчи зарба берди. Император бутун қўшини билан Алп-Арслонга асир тушди. Манцикерт ёнидаги жанг Данданақон (1040) жангидан сўнг Салжуқийлар томонидан амалга оширилган иккинчи йирик ҳарбий операция бўлди. Бу жанг ҳосиласи ўлароқ, Салжуқийларнинг Олд Осиёга кириб келишларига кенг йўл очилди. Алп-Арслон Мовароуннаҳрга ҳарбий юриш вақтида 1072 йили маҳаллий қалъа бошлиқларидан бири Юсуф ал-Хоразмий томонидан оғир яраланди. Асирликдаги Юсуфнинг қаҳрамонона хатти-ҳаракатига дарҳол чек қўйилиб, ўзи ўша заҳотиёқ Салжуқий аскарлар томонидан ўлдирилди. Оғир яраланган султон Алп-Арслон ҳам тезда вафот этди. Султон Марвга дафн этилди.

Ибн ал-Асирнинг ёзишича, Алп-Арслон ҳаётлик чоғидаёқ 1066 йили Эрон шимолидаги Радкон (Радакон) деган жойда сарой аъёнлари олдида ўғли Маликшоҳни тахт вориси дея эълон қилган эди. Жалолиддин Маликшоҳ номи билан тахтга ўтирган янги султон ҳукмронлиги роппа-роса йигирма йил давом этди (1072–1092). Унинг даври Салжуқийлар ҳукмронлигининг энг гуллаб-яшнаган даври бўлди. Султон Жалолиддин Маликшоҳ аввал қорахонийлардан Термизни қайтариб олди. Қорахонийлар султон устунлигини тан олдилар. 1089 йили Салжуқийлар султони Жалолиддин Маликшоҳ Қорахонийлар хони Аҳмадхондан норози гуруҳлар билан келишган ҳолда Мовароуннаҳрга юриш қилиб, Самарқанд ва Бухорони эгаллади. Шундан сўнг султон Қашғар томонга юриш қила туриб, Фарғонанинг Ўзганд шаҳрига етиб келди. Султоннинг ҳарбий юришидан чўчиган Қашғар ҳокими унинг олий ҳукмронлигини тан олганлиги ҳақида чопар жўнатди. Кейинчалик Самарқандда кўтарилган қўзғолон боис, шаҳар иккинчи маротаба маҳв этилди.

Жалолиддин Маликшоҳ даврида Салжуқийлар давлатининг чегаралари Шарқий Туркистондан Ўрта ер денгизига қадар чўзилиб кетди. Таъкидлаш жоизки, бу улкан ҳудуддаги ерлардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётни бошқариш учун малакали мутахассислар керак бўлар эди. Шундай бир вазиятда Мовароуннаҳр ва Хуросон маданий қатламларидан чиққан ўқимишли маҳаллий халқ вакилларини давлат ишларига жалб этиш бошланди. Шундай кишилардан бири асли Тусдан бўлган Абу Али ибн Али ибн Исҳоқ бўлиб, у деярли 30 йил давомида (1063–1092) Алп-Асрлон, Маликшоҳ саройларида бош вазир лавозимида бўлган. Унинг юксак салоҳияти, ақлу зако-

ватига юқори баҳо бериб, султон Маликшоҳ вазирига «Низомулмулк» («Давлат низоми, қонун-қоидаси») фахрий тахаллусини берди. Низомулмулк ўзининг машҳур «Сиёсатнома» асарида давлат бошқаруви, сиёсат тамойиллари ҳақида сўз юритган.[10]

Давлатни марказлаштириш, ўзаро парокандалик ва айирмачиликка қарши кураш, хўжалик ва маданий ҳаётни юксалтиришда Низомулмулкнинг ҳиссаси юксак даражада бўлган. Низомулмулк марказлашган, қудратли давлат учун керак бўладиган амалдорларни тегишли қонун-қоидалар услубида тарбиялашда қатор шаҳарларда «Низомия»-мадрасаларини ташкил этди. У анъанавийлик тарафдори бўлиб, ижтимоий-маънавий ҳаётда Исмоилийлик диний оқимига қарши турган.[11] Султон Жалолиддин Маликшоҳ ўлимидан сўнг (1092), ўзаро тожу тахт учун курашлар бошланиб кетди. Бу курашда султоннинг ёш ўғли Беркиёруқ (1094–1105) ғолиб бўлди. Кейинчалик ҳам низолар давом этиб, XII аср бошларида Салжуқийлар давлати амалда икки қисмга бўлиниб кетди. Мовароуннаҳр ва Хуросон кирган шарқий Салжуқийлар қисмида Маликшоҳнинг ўғли Санжарнинг таъсири ортиб борди. 1097 йилдан Хуросон ҳокими бўлган Санжар олий ҳукмдорга расман бўйсунса-да, амалда мустақил ҳаракатлар олиб борди. 1099 йил у Тохаристонни, 1102 йил Самарқандни қўлга олди. Термиз ёнида Қорахонийлар хони Қодирхон қўшинини мағлубиятга учратиб, Мовароуннаҳр тахтига бошқа Қорахоний вакили, ўз жияни Арслонхонни ўтказишга муваффақ бўлди.

1104 йили Ғазна қўлга киритилди. Ғазнавийлардан тахтга ўтказилган Баҳромшоҳ ҳар йили Санжарга беш минг динор бож солиғи тўлаш мажбуриятини олди. Олий султон Ғиёсиддин Муҳаммад I (Муҳаммад Топар) вафотидан кейин бошланган ўзаро курашларда Санжар ғолиб бўлди. Тахтга Султон Муизиддин Санжар (1118–1157) номи билан ўтирган янги ҳукмдор шарқий ва ғарбий Салжуқийларни бирлаштирди. Ўз ғалабасидан манфаатдор тарзда Мозандарон,

---

[10] Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асари 1997 йили ўзбек тилига таржима қилинган.

[11] Низомулмулк томонидан олиб борилаётган сиёсий йўл маълум давлат амалдорларига мақбул эмас эди. Турли фитна-фасодлар боис, Низомулмулк 1092 йил истеъфога чиқиб, ҳажга йўл олган пайтида Исмоилий жосус томонидан ўлдирилди.

Дамованд, Қумис, Дамғон, Рай ерларини ҳам эгаллади. Унинг ҳукмдорлик рутбасини Сейистон, Хоразм, Ғазна, Мовароуннаҳр ерлари ҳам тан олди. Санжарнинг султонлик ҳокимиятини олишда Хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳаммад катта кўмак кўрсатди. Гарчи Султон Санжар барча Салжуқийларнинг олий ҳукмдори саналиб, унинг номи рамзий тарзда хутбада, тангаларда қайд этилса-да, лекин Ироқ, Кичик Осиё, Жанубий Кавказда уни расман тан олишар, аслида бу ерларда мустақил Салжуқий ҳокимлар ҳукмронлик қилишар эди. Султон Санжар қўлида узоқ вақт Мозандарон, Хоразм, Сейистон, Ғазна, Мовароуннаҳр қарам бўлиб келди. Санжарни узоқ ҳукмронлиги даврида муаррихлар «Малик ал-машриқ», «буюк султон», «султонлар султони», «улуғ шаҳаншоҳ» нисбалари билан улуғлашган. Султон Санжар ўз пойтахти сифатида Марв шаҳрини танлаган.

Таъкидлаш лозимки, Салжуқийлар давлати сингари улкан ҳудудларни ўз ичига олган давлатни ягона марказдан туриб бошқариш осон эмас эди. Шунинг учун ҳам марказдан туриб бошқарувдаги қийинчиликлар, сулола вакилларининг тожу тахт учун курашлари, маҳаллий ҳукмдорларнинг мустақилликка интилишлари, қарам ўлкалардаги норозилик ҳаракатлари Салжуқийлар давлатининг заифлашувига сабаб бўлган эди. Натижада, Султон Санжар даврига келиб Салжуқийлар давлатининг ғарбий Ироқ қисмида унинг таъсири пасайиб қолади. Мамлакатнинг шарқий қисми – Эрон, Афғонистон, Хоразм ва Мовароуннаҳрда Султоннинг таъсири бирмунча кучли эди. Аммо 1141 йилда Султон Санжар ва унинг вассали ҳамда иттифоқчиси Қорахоний Маҳмудхоннинг бирлашган қўшинлари билан қорахитойлар ўртасида Самарқанд яқинидаги Қатвон чўлидаги жангда Султон Санжар қўшинлари мағлубиятга учрайди. Натижада, Мовароуннаҳр қўлдан кетиб, султоннинг мавқеи анча пасайиб кетди.

Салжуқийларнинг мағлубиятидан Хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳаммад Отсиз усталик билан фойдаланиб, 1141 йилнинг қишида Салжуқийларнинг пойтахти Марвни босиб олди ва 1142 йилда Нишопурга юриш қилди. Лекин Султон Санжар Хоразм қўшинларини Хуросондан қувиб чиқарди ва Отсизни яна ўзига бўйсундиришга эришди. Султон Санжарнинг ҳаракатларига қарамай, Салжуқийлар давлати ўзининг аввалги қудратини йўқота бошлаган эди. Салжуқийларга ҳал қилувчи зарбани Балх ва Хутталон вилоятларида яшовчи ўғиз қаби-

лалари берди. 1153 йилда улар Султон Санжар қўшинларини тормор этиб, унинг ўзини асир олдилар. Ўғузлар ҳимоясиз қолган Марв ва Нишопур шаҳарларни талон-тарож қилиб, ўт қўйдилар. Султон Санжар 1156 йилда асирликдан қочишга муваффақ бўлса ҳам, лекин Салжуқийлар давлатини тиклай олмади ва бир йилдан кейин вафот этди. Султон Санжар вафоти билан (1157 й.) салжуқийларнинг Ўрта Осиёдаги ҳукмронлиги ўз поёнига етди.

Салжуқийлар (1040 – 1157 йй.)

Тўғрулбек	(1040 – 1063 йй.)
Алп Арслон	(1063 – 1072 йй.)
Жалолиддин Маликшоҳ I	(1072 – 1092 йй.)
Маҳмуд I	(1092 – 1094 йй.)
Рукниддин Беркиёруқ	(1094 – 1104 йй.)
Маликшоҳ II	(1104 – 1105 йй.)
Ғиёсиддин Муҳаммад	(1105 – 1118 йй.)
Муизиддин Санжар (Султон Санжар) –	(1118–1157 йй.)

Салжуқийлар 1157 йилдан – 1194 йилгача фақат Ғарбий Эрон ва Ироқда ҳукмронлик қилишган. А.Зиё тадқиқотларига кўра, Салжуқийлар давлат бошқаруви ўзига хос эди. Давлат бошлиғи, олий ҳукмдор Салжуқийлар хонадони вакили бўлиб, Султон ул-аъзам унвонига эга бўлган. Илгариги сулолаларда бўлган каби, Султон номига хутба ўқилиб, тангалар зарб этилган. Мол-мулк, ер-сув тақсимлаш давлат ва бошқарув мансабларига тайинлаш, давлат кирим-чиқимларини назорат қилиб туриш, амалдорлар ва хизматкорлар фаолиятини назорат қилиш, янги қалъалар, шаҳарлар, ҳашаматли иншоотлар қуришга бошчилик қилиш кабилар султоннинг зиммасида бўлган.

Салжуқийлар бошқарув тизимида бош вазир алоҳида мавқега эга бўлган. Манбаларда бош вазир – раис ур-руасо (раисларнинг бошлиғи), саъид ур-руасо (бошлиқларнинг каттаси) деб аталиб, у барча девонлар фаолиятига раҳбарлик қилгани ҳолда хазина, молия, солиқ, давлатга тегишли бўлган ишлаб чиқариш муассасалари ишларини назорат қилган.

Салжуқийлар бошқарув тизими даргоҳ ва девонга бўлинган бўлиб, даргоҳдаги энг асосий хизмат ва вазифалар қуйидагилар эди:

Улуғ ҳожиб – олий ҳукмдорнинг энг яқин кишиси, даргоҳ билан девонлар ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштириб турувчи, расмий қабулларни уюштирувчи амалдор.

Амири ҳорис – олий ҳукмдор чиқарган жазолар ҳукмларини ижро этиш билан шуғулланувчи амалдор.

Салоҳдор – саройдаги қурол-аслаҳа, айниқса, олий ҳукмдорга тегишли нарсаларни сақлаш билан шуғулланувчи амалдор.

Хос вакил – даргоҳ ишларини бошқарувчи амалдор.

Жангдор – султон ва даргоҳ хавфсизлигини таъминловчи амалдор. Ундан ташқари олий ҳукмдор ҳузуридаги даргоҳ фаолиятини таъминлашда жомадор, шаробдор, чошнигир (султоннинг овқатланишига масъул), сарҳанг, мирохўр, таштдор каби амалдорлар ҳам хизматда бўлган.

Салжуқийлар давлат бошқарувидаги девонлар сулолавий ва расмий девонларга бўлинган. Сулолавий девонлар олий ҳукмдор хонадони фаолияти билан боғлиқ бўлиб, бу хонадонга тегишли бўлган мол-мулк, ер-сув, хазина кабиларнинг бошқаруви ва ҳисоб-китоби билан шуғулланган. Расмий девонлар қуйидагилар бўлган.

Девони туғро – бу девон олий ҳукмдорнинг фармонлари, қарорлари, расмий ёзишмалари ва ҳужжатларини тайёрлаб, уларни муҳр бостиришга тақдим этган. Жойларга расмий ҳужжатлар юбориш, улардан ҳужжатлар қабул қилиш, чет элларга мактублар юбориш, давлат ҳужжатларида махфийликни таъминлаш ҳам шу девоннинг вазифаси эди.

Девони истифо (молия девони) – давлат кирим-чиқимларини, солиқлар, бож ва бошқа молиявий даромадлар, уларни алоҳида рўйхатга олиш билан шуғулланган. Бу девоннинг хизматчилари даргоҳ кирим-чиқимлари, хазинадаги аҳвол, мавжуд нақд пулнинг ҳисоби, давлат қарамоғида бўлганларга кетадиган харажат, маош, нафақа миқдори кабиларни ҳам назорат қилганлар.

Девони ишроф (давлат назорати) – молия-солиқ ишларини назорат қилиш ва текшириш, вақфга тегишли мулклар устидан умумий назорат олиб бориш, сулолага тегишли ер-сувлар, қимматбаҳо молия қоғозлари, зарбхоналар, амалдаги муҳрлар, бозор мутасаддилари, солиқчилар, қишлоқ оқсоқоллари ва бошқа амалдорлар устидан назорат олиб борган.

Девони арз (ҳарбий вазирлик) – лашкарга мўлжалланган маош ва таъминот, ҳарбийларнинг рўйхати, янгиланиб туриши, ҳарбий қисмларнинг таркибий сони, уларга кетадиган харажатларнинг тури ва ҳажми, от-улов, ҳарбий юришлар пайтидаги таъминот, ҳарбийлар кўригини ташкил этиш каби вазифаларни бажарган.

Салжуқийлар ҳокимиятида, айниқса, Султон Санжар ҳукмронлиги даврида ҳокимиятда ҳарбий саркардалар катта ўрин эгаллаганлар. Ҳарбий бошлиқлар ва саркардаларнинг кўпчилиги турли уруғ ва қабилалардан (ўғуз, туркман, халаж, чиғил ва бошқ.) чиққан кишилардан бўлган. Ҳарбий саркардалар табақаси ўз таъсирини Султон Санжар бошқараётган ҳокимиятга ўтказиб, уларнинг ихтиёри билан иш тутишни талаб қилганлар. Ҳарбий саркардаларнинг мавқеи Султон Санжарнинг Қатван чўлидаги мағлубиятидан сўнг янада кучайиб кетган эди.

Салжуқийлар даври маҳаллий бошқарув тизимида вилоят бошлиқлари (волийлар) ҳам ўз девонларига эга бўлганлар. Волийларни олий ҳукмдор тайинлаган ва мансабидан олган. Волийлар бутун вилоят ҳаёти билан боғлиқ барча соҳаларга бошчилик қилганлар. Молия, солиқ, суд, ҳарбий ишлар, жазо идоралари волийлар назорати остида фаолият кўрсатган. Туманлар ва шаҳарлар миқёсидаги бошқарув тизими ҳам вилоятларники сингари бўлган.

6. Хоразмшоҳ – Ануштагинийлар даврида ўзбек давлатчилиги

Ўзбек давлатчилиги тараққиёти тарихида қадимий Хоразм воҳаси ўзига хос ўринни эгаллайди. Унда кечган сиёсий жараёнлар кўп ҳолда бутун минтақадаги ҳолатга бевосита таъсир кўрсатган. Иқлим шароити нисбатан ноқулай бўлган воҳада асрлар давомида мазкур ҳудудда яшовчи заҳматкаш ва танти, шижоатли ва меҳнатсевар аҳоли қўли билан қатор сув иншоотлари, қалъа ва шаҳарлар барпо этилганлиги, бой маданий ва маънавий мерос вужудга келганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хоразм эли ҳукмдори – Хоразмшоҳ унвонига ўз вақтида бир қатор сулолалар мансуб бўлганлар. Жумладан, 305–995 йилларда Африғийлар, 995–1017 йилларда Маъмунийлар, 1017–1034 йилларда Ғазнавийлар ноиби бўлмиш Олтунтош авлодлари шулар жумласидандир.

Лекин айнан Ануштагинийлар (1097–1231) давридагина мазкур унвон мавқеи ўзининг баланд чўққисига чиқиб, мазкур сулолани ўз даврининг энг буюк ва нуфузли салтанатига айлантиришга муваффақ бўлди. Хоразмшоҳ – Ануштагинийлар давлати тарихига оид бир қатор тарихий манбалар мавжуд бўлиб, улар орасида қуйидагилар ўз кўламига кўра алоҳида ўрин эгаллайди. Ибн ал-Асирнинг (1160–1234) «Ал-комил фи-т-тарих» («Муфассал тарих»), Рашидиддин Файзуллоҳ ал-Ҳамадонийнинг (1247–1318) жаҳон тарихига бағишланган «Жоме ут-таворих» («Тарихлар мажмуаси»), Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг катта аҳамият касб этувчи «Сийрат ус-султон Жалолиддин Манкбурни» («Султон Жалолиддин Мангубердининг ҳаёт фаолияти»), Оловуддин Отамалик Жувайнийнинг (1226–1283) «Тарихи Жаҳонкушой» («Жаҳонгир тарихи»), Ҳамидуллоҳ Қазвинийнинг «Тарихи гўзида» («Сайланган тарих») асарлари шулар жумласига киради.

Хоразмшоҳ – Ануштагинийлар давлати тарихи XX аср тарихшунослигида ҳам чуқур ўрганилганлигини таъкидлаш лозим. Рус олимларидан В.В.Бартольд, С.П.Толстов, А.Я.Якубовский, С.Волин ва бошқалар юқорида таъкидланган масаланинг у ёки бу жиҳатларига эътибор берган ҳолда ўз асарларида тегишли масала моҳиятини ёритиб берганлар. Шубҳасиз, хоразмшоҳлар тарихи хусусидаги фундаментал асар шарқшунос олим З.Бунёдов қаламига мансуб «Хоразмшоҳ – Ануштигинлар давлати» китоби ҳисобланади. Муаллиф ўз асарида Хоразмшоҳлар давлатининг пайдо бўлиши, тараққиёти, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, иқтисодий муносабатлар, маданият масалаларини мукаммал тарзда ёритиб беради.

Хоразмшоҳ – Ануштагинийлар (1097 – 1231)

Ануштагин	(тахм. 1077 – 1097 йй.)
Қутбиддин Муҳаммад	(1097 – 1127 йй.)
Оловуддин Отсиз	(1127 – 1156 йй.)
Эл Арслон	(1156 – 1172 йй.)
Оловуддин Такеш	(1172 – 1200 йй.)

(1172 – 1193 йй. мобайнида иниси Султоншоҳ билан ҳокимият борасида рақобат қилган)

Оловуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ	(1200 – 1220 йй.)

Жалолиддин Мангуберди (Манкбурни) (1220 – 1231 йй.)

Ушбу асарни ўзбек китобхонлари 1998 йилда ўз она тилларида ўқишга муяссар бўлдилар[12]. Мустақиллик йилларида мавзуга оид адабиётлар ичида Азамат Зиёнинг 2000 йили чоп этилган «Ўзбек давлатчилиги тарихи» асарини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур адабиётда муаллиф ўзбек давлатчилиги тарихида Хоразмшоҳ – Ануштагинийлар давлатининг тутган ўрни ва ролини манбалар таҳлили асосида кўриб чиқишга муваффақ бўлган. Мавзуга оид масалаларнинг маълум жиҳатлари қатор хорижий олимлар асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Улар орасида К.Босворт, Иброҳим Қафас ўғли, Ж.А.Бойл, К.К.Валкер, Р.Крауссет, Д.Мартин, Р.Махапандита, Е.Кноблич, О.Тонарий, Г.Брокгельман ва бошқаларнинг асарларини таъкидлаш мақсадга мувафиқдир.

Хоразмшоҳ – Ануштагинийлар сулоласининг асосчиси Ануштаген тарихчилардан Рашидиддин, Ҳофизи Абрўларнинг ёзишларига қараганда ўғизларнинг туркий «бекдили» уруғига мансуб бўлиб, ёшлигида қул қилиб сотилган. Уни салжуқий ҳарбий амирларидан Иззиддин Ўнар Билгитагин сотиб олган. Султон Жалолиддин Маликшоҳ I (1072–1092) даврида Ануштагин саройда ишончли кишилар сафидан жой олиб, тез орада таштдорлик мансабини эгаллаган. Энг ишончли кишиларга тақдим этилувчи ушбу мансаб эгаси тез орада султоннинг энг яқин кишиларидан бирига айланади. Кейинчалик у Хоразм мутасарруфи мансабига тайинланиб, унга Хоразм шихнаси (қалъа бошлиғи) унвони берилади. Султон Рукниддин Беркиёруқ (1094–1104) даврида Хуросон ҳокими бўлган Додбек Ҳабаший ибн Олтунтош (1097 йили вафот этган) Ануштагиннинг хизматларини инобатга олган ҳолда унинг ўғли Қутбиддин Муҳаммадни Хоразм ҳокими этиб тайинлаб, унга «Хоразмшоҳ» унвонини беради. Айнан шу йилдан сулола тарихи бошланади.

Қутбиддин Муҳаммад (1097–1127) отаси ҳаётлик чоғидаёқ Марвда ўқиб, таълим олган, қатор дунёвий ва диний илмлардан бохабар маърифатли шахс бўлган. Тарихий манбалар уни қобилиятли раҳ-

---

[12] Китобнинг яна бир таржимаси проф. Ҳ.Болтабоев томонидан 2012 йили таржима қилинди. Қаранг: Зиё Бунёдов. Марказий Осиёга доир тадқиқотлар. – Тошкент: «Mumtoz so'z», 2012.

бар сифатида маърифат аҳлига ҳомийлик қилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишган. Аҳли Хоразмда «Ўз фуқароларига адолатли» ҳукмдорнинг обрўси баланд эди. Хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳаммад Салжуқийларнинг ҳокимияти учун курашларида фаол қатнашган. Жумладан, 1100 йили султон Жалолиддин Маликшоҳ I нинг ўғли Санжар нинг Хуросон ҳудудларини эгаллашда ва унга қарши исённи бостиришда иштирок этди. Шунингдек, у 1118 йили Санжар томонида туриб, уни султонлик тахтига ўтиришига муносиб ҳиссасини қўшди. Моҳир дипломатик хусусиятига эга бўлган Хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳаммад турли низоларни бартараф этишда ҳам фаол иштирок этар эди. Хусусан, Салжуқийлар султони Султон Санжар (1118–1157) Самарқанддаги Қорахонийлар хони Муҳаммад Арслонхонга (1102–1130) қарши ҳаракати Қутбиддин Муҳаммад воситачилигида ушбу низо тинч йўл билан ҳал этилди. Бу эса Хоразмшоҳнинг ўз даврида қанчалик нуфузи баланд бўлганлигидан дарак беради.

Ўзи бошқариб турган ҳудуд учун қанчалик масъул эканлигини ҳис қилган Хоразмшоҳ кўчманчи қабилаларнинг ҳужумини бартараф этишга ҳам муваффақ бўлган эди. Тарихий ёдгорликларда Хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳаммадни «Подшоҳ Қутбид-дунё вад-дин Абул-фатҳ Муъин Амирал-мўминин» («Дунё ва дин Қутби, ғалабалар отаси, Мўминлар амири – халифа ёрдамчиси») унвони билан аташгани ҳам унинг юқори обрўли давлат арбоби бўлганлигидан дарак беради. Хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳаммад 30 йил давомида Хоразмда узлуксиз ҳукмронлик қилди. Гарчи у то вафотига қадар (1127) Салжуқийлар, хусусан, султон Санжарга садоқат билан хизмат қилган бўлса-да, Хоразм эли манфаатлари учун имкон қадар ҳаракат қилганлигини тарихий манбалар тўлиқ тасдиқлайди. Унинг садоқатли хизматини эътироф этган султон Санжар Хоразмшоҳ вафотидан сўнг ҳокимлик курсисини ҳеч иккиланмай унинг ўғли 29 ёшли Ал-Малик Абу Музаффар Оловуддин Жалолиддин – Отсизга (1127–1156) топширди.

Отсиз отаси сингари салжуқийлар пойтахти Марвда таълим олган, илм аҳлини қадрловчи ҳукмдор бўлган. У уламо ва олимларга ҳомийлик қилар, ўзи ҳам форсийда рубоийлар ёзар, кўплаб шоирларнинг байтларини ҳам ёддан билар эди. Тарихий манбалар Отсизни ўз аҳолисига ғамхўр, адолатли, халқ ҳурматига сазовор бўлганлиги, унинг ҳукмронлик даври, асосан, осойишталикда ўтганлигини таъкидлашган.

Асли жасур саркарда бўлган Отсиз Салжуқийларга хизмати даврида кўплаб муваффақиятларга эришди, жангу жадалларда ғолиб бўлди. Салжуқийлар султони ҳам унинг довюраклиги ва жасурлигини қадрлар эди. Иккинчи томондан эса Отсизнинг ўсиб бораётган обрў-эътибори султон ҳокимиятига рахна солишидан султон Санжар ҳам хавфсирар эди. Бағдод халифаси ал-Мустаршид (1118–1135) томонидан 1133 йили Отсиз номига элчининг жўнатилиши асносида султон Санжарга қарши кураш масаласининг кўтарилиши, ўзаро кескинликнинг кучайишига сабаб бўлди. Бу ҳолат, ўз навбатида, халифалик томонидан Хоразмшоҳ Отсизнинг юқори обрў-этиборга молик ҳукмдор сифатида тан олинганлигини ҳам билдирар эди. Ўзининг ўн йиллик ҳукмронлиги мобайнида Отсиз Хоразмни ички ва ташқи жаҳатдан мустаҳкамлашга катта эътибор берди. Етарлича куч тўплаб, ўз ҳудудини мустаҳкамлаб олган Хоразмшоҳ эндиликда қарамликдан қутулиш вақти етди деб ҳисоблаган ҳолда ички ва ташқи сиёсатда мустақил ҳаракат қила бошлади. Султон Санжар итоатига бўйсунмаган ҳолда Жанд ва Манғишлоқ ерларига юриш уюштириб, бу ҳудудларни ўз давлати таркибига киритди. Бу итоатсизлик эса, ўз навбатида, Султон Санжарнинг 1138 йили октябрида Хоразм томонига ҳарбий юриш қилишига сабаб бўлди. Султон Санжар шу йўл билан бошқа қарам сулолаларга ҳам тобеликдан чиқиш учун жазоланиш муқаррарлигини кўрсатмоқчи эди.

Салжуқийлар билан бўлган жангда Хоразмшоҳ ўн минг нафар жангчисини йўқотди. Жангда Салжуқийлар томонидан ўлдирилганлар орасида Хоразмшоҳнинг ўғли Отлиқ ҳам бор эди. Султон Санжар Хоразмшоҳ Отсиз устидан қозонилган ғалаба хусусида ўша давр таомилига мувофиқ барча тобе ўлка ва вилоятларга фатҳномалар жўнатиб, Хоразмга юришини ўз ҳолича оқлаб кўрсатишга ҳаракат қилди.

Отсиз мағлубиятидан сўнг Султон Санжар томонидан Хоразм унинг жияни Сулаймоншоҳга иқто сифатида берилди. Орадан ҳеч қанча ўтмай, 1139 йилнинг февралида Отсиз Хоразм аҳолисининг қўллаб-қувватлаши ҳамда кўмаги билан ҳукмронликни қайтариб олди. Шундан сўнг деярли мустақил равишда воҳада ҳукмронлик қилиб, ўз хатти-ҳаракатларида Салжуқийлар султонига ҳисоб бермади. Жумладан, у Бағдод халифаси ал-Муқтафий (1136–1160) билан элчилик муносабатини ўрнатиб, ўзини Хоразм ва унга қўшиб олинган ҳудуд-

лар ҳукмдори сифатида тан олишни сўради. Халифа томонидан Отсиз мустақил ҳукмдор сифатида тан олиниб, унга халифа ал-Муқтафий томонидан «султон» олий мартабаси берилганлиги хусусида фармон етиб келди. Отсиз эса мустақил ҳукмдорлик рамзи сифатида 1141 йилдан ўз номи билан олтин тангалар зарб эта бошлади.

Мазкур тарихий давр ўз мураккаблик жиҳати билан ҳам характерланишини таъкидлаш жоиз. Бу, аввало, Марказий Осиё ҳудудларига бостириб кирган, кейинчалик ярим асрдан зиёд вақт давомида мазкур ҳудуд сиёсий жараёнларида фаол қатнашган қорахитойлар номи билан боғлиқдир.

Асли келиб чиқиши Хитойнинг шимолий-ғарбий қисмларидан бўлмиш кўп сонли кидан қабилалари XII аср бошларидан ғарбга қараб юришларини амалга ошира бошладилар. Тарихчи Ибн ал-Асирнинг «Ал-комил фи-т-тарих» асарида ёзилишича, уларнинг ҳукмдорининг унвони «гўрхон» бўлиб, гўрхон ас-Сини (яъни, «Хитой томонидан келган» деган маънода) 1128 йилдаёқ Қашғар чегараларига қадар келиб, унинг ҳокими Салжуқийларга қарам Аҳмад ибн ал-Ҳасан билан тўқнашган. Тез орада қорахитойлар маркази Баласоғун бўлмиш Еттисув ва Шарқий Туркистон ҳудудларида ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар. Шу ердан туриб улар эндиликда Мовароуннаҳрдаги салжуқийларга қарам ғарбий Қорахонийлар ҳукмронлигига ҳам таҳдид қила бошладилар. Мусулмон тарихчилари мазкур сулолани «қорахитойлар» номи билан атаганликлари боис ҳам шу ном остида улар тарих саҳифаларидан жой олдилар.

Қорахитойлар тез орада қирғизлар ва уйғурларни ҳам ўзларига бўйсундиришга муваффақ бўлдилар. 1137 йили қорахитойлар Мовароуннаҳрга бостириб кириб, Хўжанд ёнида Қорахитойлар хони Маҳмуд ибн Арслонни мағлуб этдилар. Маҳмуд Самарқандга шошиб чекиниб, мудофаа чораларини кўрди. Тарихчи Ибн ал-Асирнинг ёзишича, «бу воқеа Мовароуннаҳр аҳолисига салбий таъсир этиб, улар қўрқинч ва таҳликада тонг отгандан оқшомга қадар етиб келиши мумкин бўлган фалокатни кутар эдилар». Қорахонийлар хони Маҳмуд салжуқийлар султони Санжарга қарам бўлиб, унга садоқат билан хизмат кўрсатар эди. Шу боис ҳам у ўз муваффақиятсизлигидан афсус чекиб, султон Санжарга ёрдам сўраб мурожаат қилди. Султон Қорахитойларга қарши урушга олти ой давомида тайёргарлик кўрди. Урушга султонга қарам барча ҳудудлар: Сейистон, Fур, Fазна,

Мозандарон ва бошқа ҳокимликлар жалб қилинди. Ибн ал-Асирнинг ёзишича, султон Санжар 100000 кишилик қўшин тўплашга муваффақ бўлган.

Хитой манбаларининг таъкидлашича, қорахитойларнинг ҳам 100000 нафар қўшини бўлганлиги таъкидланади. Султон Санжар билан гўрхон ўртасидаги элчилар алмашуви эса вазиятни баттар чигаллаштириб юборди. Ҳал қилувчи жанг 1141 йилнинг 2 сентябрь куни Самарқанд ёнидаги Қатвон даштида рўй берди. Султон Санжар қўшини буткул мағлуб бўлиб, унинг ўзи аранг жанг майдонидан чиқиб кетди. Қорахитойлар тез орада бутун Мовароуннаҳрни эгалладилар. Кўчманчи қорахитойлар ўз олдиларига Мовароуннаҳрдаги қорахонийлар ҳукмронлигини йўқ қилишни мақсад қилиб қўймаганлар. Қорахитойлар уларга қарам – вассал сулола сифатида сақланиб қолишининг ўзи етарли эди. Қорахонийлар тез орада маркази Баласоғун бўлган ўз давлатларига жўнаб кетдилар. Мовароуннаҳрдан олинадиган ҳар йилги ўлпон уларни қониқтирар, аксарият ҳолда ўлка ички ишларига аралашмас эдилар. Тарихчи Ибн ал-Асир қорахитойлар гўрхони алоҳида олинган ерларни ўз яқинларига бўлиб беришга қарши бўлганини ҳам таъкидлаб ўтади.

Қорахитойлар билан бўлган жангда султон Санжарнинг енгилиши унинг эски шон-шуҳрати ва обрўсига анча салбий таъсир кўрсатди. Султон кейинчалик ҳам Мовароуннаҳрда ўз ҳукмини қайта тиклашга ҳаракат ҳам қилмади. Мазкур ҳолат Хоразмшоҳ Отсизга ҳам қўл келди. У 1141 йилнинг октябрида султон Санжарга қарши бош кўтарди. Аввал Сарахс, сўнгра пойтахт Марвни ҳам эгаллашга муваффақ бўлди. Отсиз Марвдан султон хазинаси билан бирга, кўплаб илм-фан вакилларини ҳам Хоразмга олиб кетди. Бу эса Хоразмшоҳнинг ўз ҳудудини илм-фан ва маданият марказига айлантириш нияти борлигини кўрсатар эди. Шундан сўнг Отсиз Хуросоннинг асосий шаҳарларидан бири бўлмиш Нишопур ва бошқа шаҳар, қишлоқларни қўлга киритди. Унинг Нишопур шаҳри аҳолисига йўллаган номасида Хуросонга ўз юришларини султон Санжарнинг бир ёқламалик, ноҳақ сиёсати оқибатидан дея таъкидлади.

Узоқни кўра билган Отсиз султонга қарши курашида қорахитойларнинг ҳарбий куч-қудратини эсдан чиқармади. Қорахитойлар билан тузилган битимга кўра Хоразмшоҳ ҳар йили уларга 30000 олтин динор тўлаш мажбуриятини олди.

Султон Санжар Хоразмшоҳ Отсизнинг мустақил хатти-ҳаракатлари унинг давлат асосларига таҳдид сола бошлаганлигини эътироф этган ҳолда, қорахитойлардан олган зарбасидан ўзига кела бошлагач, собиқ вассалига қарши ҳужумга тайёргарлик кўрди. Марвга қайтиб келиб, қўшинни жангга тайёрлай бошлади. Султон Санжарнинг Хоразмга иккинчи юришида пойтахт аҳолиси мардонавор ўз она шаҳарларини ҳимоя қилдилар.

Кучлар нотенглигини билган ҳамда аҳолини талон-тарож, пойтахтни вайронагарчиликдан асраб қолиш мақсадида Отсиз султон Санжарга бўйин эгиб, сулҳ тузишга қарор қилди. Султон Санжар Отсизнинг мустақил давлат тузиш томон ҳаракатлари яна давом этишини англаган ҳолда унинг ҳар бир саъй- ҳаракатларини диққат билан кузатиб борди, шу мақсадда ўз номидан атоқли шоир, адиб Собир Термизийни Гурганжга вакил сифатида жўнатди.

Хоразмшоҳ Отсиз 1145 йилнинг октябрида Сирдарёнинг Оролга яқин ҳудуди Жандни берухсат равишда, деярли жангсиз эгаллади. Мазкур ҳудуд Хоразм давлатининг бир қисми деб эълон қилинди.

Табиийки, Отсизнинг мазкур хатти-ҳаракати султон Санжарга жуда ёмон таъсир қилди! Отсизнинг «исёнкорона» деб ҳисобланган ҳаракатлари учун жазоланиши лозим деган қарор билан султон 1147 йил ноябрида Хоразмшоҳга қарши ўзининг учинчи ҳарбий юришини бошлади. Хоразм қалъалари, жумладан, Хазорасп икки ой давомида қамал қилинди. Гурганж юриши бошланган вақтида Отсиз дарвеш Оҳу-пўш воситачилигида сулҳ битимини тузиш таклифини сўради. Таъкидлаш жоизки, Хоразмшоҳ яна кучлар нотенглигини билган, қолаверса, ўлкани ортиқча қон тўкиш ва хонавайронликдан сақлаб қолмоқчи бўлган. Тарихчи Отамалик Жувайний бу борада қуйидагиларни ёзиб қолдирган эди: «Ўзаро сулҳ шартномасига кўра Хоразмшоҳ Отсиз султон Санжарга тобелик билдириб, ўрта асрлар одатига кўра унинг оёғи остидаги ерни ўпиб, таъзим этиши шарт эди. Лекин Хоразмшоҳ бу каби тобелик урфини бажармади. Султон Санжар ҳузуридаги «мулозиматга (хизматга) келди ва отидан тушмаган ҳолда султонга салом берди. Бу ҳам етмагандек, Хоразмшоҳ султон билан учрашув жойини биринчи бўлиб тарк этди. Султон Санжар Отсизнинг бу «беодоблигидан» жаҳли чиқса ҳам, яқинда ўзи унга шафқат, мурувват қилгани учун аҳдини ўзгартиради. Султон бунга норозилик билдирмай, Марвга қайтиб кетди».

Юқоридаги тарихий мулоҳаза Хоразмшоҳ Отсизнинг мардонавор хулқ-атворини яна бир карра намоён этган эди. Гарчи Отсиз султон Санжарга яна бир карра ўз тобелигини билдирса-да, янги юзага келган сиёсат майдонида Хоразмшоҳ – Ануштагинийлар давлати ўрин олаётганлигини ўз ҳаракатлари ила исбот қилган эди. Отсизнинг Жанд ва Сирдарё бўйларидаги ерларга юриши ҳамда бу ҳудудларнинг эгалланишига эндиликда заифлашиб бораётган султон Санжар ҳеч қандай муносабат билдирмади. Шунингдек, амир Кўмачнинг Балхни салжуқийлардан тортиб олиши, ҳозирги Афғонистон марказида юзага келган янги ғўрийлар давлати раҳбари Оловиддин Ҳусайн билан ўзаро урушлар, Сейистон ҳокими Тожиддин Абулфазл, Ҳирот ҳокими Али Чатрийларнинг хиёнатлари, қорахитойлар томонидан доимий хавфнинг мавжудлиги, ҳокимият масаласида ҳукмрон доиралардаги ўзаро низолар – буларнинг ҳаммаси султон Санжар ҳокимиятига путур етишига сабаб бўлди. Кексайиб, куч-қувватдан қолган султон Санжарда эндиликда уларга қарши амалий ҳаракатлар учун на маънавий, на моддий жиҳатдан куч-қудрат қолмаган эди.

Сиёсат майдонида кучлар нисбатан ўзгарди, бир пайтлар қудратли бўлган салжуқийлар салтанати умри поёнига етиб бораётган эди. Шундай бир мураккаб вазиятда 1153 йилги ўғизлар ғалаёни салтанатга ҳал қилувчи зарба бўлиб хизмат қилди. Султоннинг солиқ борасидаги сиёсатидан норози ўғизларнинг уюшган ҳарбий кучлари билан султон қўшини ўртасида 1153 йилнинг апрелида Балх яқинида бўлган жанг султон ҳарбий кучларнинг мағлубияти билан тугади. Қақшатқич жангда султон ҳарбий лашкарларининг катта қисми қириб ташланди, кўплаб нуфузли амирлар ўлдирилди. Марв шаҳри аёвсиз талон-тарож қилинди. Марв, сўнгра Нишопурда амалга оширилган хунрезликларда кўплаб таниқли олим, шоир, уламолар ҳалок бўлдилар.

Исён натижасида бир пайтлар ўз даврининг қудратли ҳукмдори бўлган султон Санжарнинг ўзи ҳам асир олинди. Бундай бир вазиятда Хоразмшоҳ Отсиз салтанат учун масъулиятни ўз бўйнига олиш, қолаверса шу йўл билан ҳудудни кенгайтириб, давлатни мустаҳкамлаш мақсадида Амударёнинг юқори оқимидаги Омул қалъасини эгаллашга ҳаракат қилди. Шу боис имкон топиб, асирга тушган султонга чопар йўллади.

Асирликдаги кекса султон Санжар ўз сиёсий тажрибаси ҳамда мавжуд аҳволидан келиб чиққан ҳолда Омул қалъасини олмоқчи бўлиб

чопар жўнатган Отсизга қуйидаги жавобни юборади: «Мен сенга фақат Омул эмас, бошқа жуда кўп қалъаларни ҳам бераман, фақат шу шарт биланки, бизни қутқариш учун ўғлинг Эл-Арслон бошчилигида бу ёққа лашкар юборасан».

Хоразмшоҳ Отсиз ўзининг асосий мақсади сифатида давлатини тамомила қарамликдан чиқариш, салжуқийлар ҳукмронлигини тугатиш деб ҳисоблар эди. Лекин ўғиз қабилаларининг кучайиб бориши, салтанатда юзага келган таҳликали вазият, ўзаро бошбошдоқлик Отсизнинг бу хавфга қарши туришига сабаб бўлди. Шу боис ҳам, Хоразмшоҳ Отсиз Сейистон ҳукмдори Тожиддин Абул Фазлга, Ғур подшоҳи Оловуддин Ҳусайнга, Мозандарон малиги (ҳокими) Абулфатҳ Рустамга мактублар жўнатиб, барчани ўзаро нотинчликларни тугатиб, султон Санжарни асирликдан қутқариб, ўғизлар солаётган хавфга чек қўйишга даъват этди. Шундай бир пайтда салжуқийлар тахтига Санжарнинг жияни Рукниддин Маҳмудхон ўтирди. Ўзаро низо-парокандалик кучайиб кетмаслиги учун Отсиз янги султонга ўз хайрихоҳлигини билдирди.

Салжуқийларнинг янги ҳукмдори султон Маҳмудхон Хоразмшоҳ Отсизнинг минтақада тутган мавқеини тушунган ҳолда «ўғузлар исёни»га қарши курашда ундан ҳарбий ёрдам сўради. Хоразмшоҳ Отсиз 1156 йилнинг апрель ойида катта ўғли Эл-Арслон билан исённи бостириш ҳамда султон Санжарни асирликдан қутқариш мақсадида ўз қўшинига бошчилик қилган ҳолда Хуросоннинг Шаҳристон деган жойига қадар етиб келди. У ён-атрофдаги ҳокимликларга мурожаат этиб, биргаликда саъй-ҳаракатларни амалга оширишга даъват этди. Шундай бир вақтда султон Санжарнинг ўғизлар асирлигидан қочиши вазиятни бир мунча ўзгартириб юборди. Отсиз султон Санжарга мактуб жўнатиб, унинг озодликка чиқиши билан табриклади ҳамда унга ўз садоқатини изҳор этди. Хоразмшоҳнинг ўғиз қабила бошлиқларига исёнга чек қўйиш ҳақида қилган мурожаатлари ҳамда султон Санжарнинг асирликдан қочиши ўғизлар ҳаракатининг нисбатан пасайишига олиб келди. Асирликдан қутулган султон Санжар эса маълум вақт Термизда бўлди.

Хоразмшоҳ Отсиз Хуросоннинг Ҳабушон мавзеида турган вақтида оғир дардга чалиниб қолди ва 1156 йилнинг 30 июль куни 61 ёшида оламдан кўз юмди. Ўрта аср шарқи тарихчилари Рашидиддин, Ибн ал-Асир, ан-Насавий ва бошқалар Отсизнинг фаолияти-

ни юқори баҳолаб «Салжуқийлар салтанатининг устунларидан бири эди», дея уни таърифлаганлар. Отсиз ўз фуқароларига нисбатан адолатли ҳукмдор бўлиб, манбалар тили билан айтганда «уларнинг мол-мулкига чанг солмас, раиятга ғамхўр..., оғирчилик ва осойишталик замонларида у билан бирга эди». Хоразмшоҳ доимо сабр-тоқат, шижоат билан мустақиллик учун кураш олиб борди. Аслида ҳам Отсиз тўлақонли равишда Хоразмшоҳ – Ануштагинийлар давлатининг асосчиси ҳисобланади. У Хоразм давлатининг халқаро алоқаларини бошлаб берди, давлат нуфузи ва обрўсини кўтариш жараёнига замин яратди.

Отсиз вафотидан кейин бўлган ҳокимият учун саъй-ҳаракатларда унинг катта ўғли Эл-Арслоннинг қўли баланд келди (1156–1172). Эл-Арслон 1156 йилнинг 22 август куни Хоразм тахтига ўтирди. Тахтга ўтирган янги ҳукмдор ўз отасининг сиёсатини давом эттиришга ҳаракат қилди. Шу боис, жануб – Хуросон ҳудудига катта эътибор берди. Ҳокимиятини мустаҳкамлаш, низо-парокандачиликнинг олдини олиш ҳамда давр таомилига мувофиқ султон Санжарга ўз итоатини билдириб, нома жўнатди. 1156 йил октябрда Эл-Арслон расман «Хоразмшоҳ» дея эътироф қилинди. Ўрта шарқ салжуқийлар салтанати бир неча қисмлардан иборат бўлиб, уларнинг аксарияти фақат султон Санжарни олий ҳукмдор сифатида тан олар эди. Султон Санжар асирлик пайтида султонлик тахтига ўтирган унинг жияни Маҳмудхонни кўпчилик салжуқий амирлар, ҳарбий саркардалар олий ҳукмдор сифатида тан олмасдилар. Шундай бир вазиятда салжуқийларнинг буюк султони Санжар 1157 йилнинг 9 майида вафот этди. Султон Санжар таъсири остида бўлган Мовароуннаҳрда салжуқийлар ҳукмронлиги барҳам топди. Хоразмшоҳ Эл-Арслоннинг янги султон Маҳмудхонга бўлган муносабатида ҳам ўзгариш юз берди.

Одатда, Хоразмшоҳлар салжуқий султонларига мурожаатларида ўзларини «банда», яъни «қарам», «қулингиз» дея мурожаат этган бўлсалар, эндиликда Эл-Арслон уларга нисбатан ўз мактубларида «мухлис» (самимий дўст) атамасини ишлата бошлади. Бу билан Хоразмшоҳ ўзининг бундан буён салжуқийлар ҳукмида эмаслигини ҳам таъкидлади. Султон Санжар вафотидан кейин салжуқийлар ичида ўзаро низо ва парокандалик янада кучайди. Вазиятнинг кескинлашувидан Бағдод халифалари ҳам манфаатдор бўлиб қолишга уринар эдилар. Хуросонда ҳам аҳвол кескинлашди. Салжуқийлардан Ойбек,

ал-Азизий, Ойтегин, Ой Або каби энг таъсирли ва кучли амирлар Хуросон сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнай бошладилар. Ўғузлар эса ҳамон шарқий Хуросонни эгаллаб туришар эди. Ҳокимият масаласида ўзаро низолашаётган кўплаб амирлар эндиликда минтақада катта мавқега эга бўлаётган хоразмшоҳ Эл-Арслондан ҳимоя истаб мурожаат қила бошладилар. Эл-Арслон ҳам Хуросон мулклари учун курашга тортилди. Тез орада Хуросондаги Журжон ва Деҳистон ҳудудлари Эл-Арслон таъсир доирасига ўтди.

Собиқ салжуқийлар амири Ой Або билан Ироқ салжуқийлари ўртасидаги ўзаро низо ва курашлар бир неча йилга чўзилиб кетди. 1167 йили Хоразмшоҳ томонидан Байҳақ, Сабзавор, сўнгра катта аҳамиятга молик Нишопур шаҳри эгалланди. Нишопурнинг эгалланиши хоразмшоҳлар ва салжуқийлар ўртасидаги муносабатни тамомила узилишига сабаб бўлди. Хоразм қўшини Ироқ салжуқийларига зарба бериб, Озарбайжонга қадар кириб борди. Эл-Арслон қорахитойлардан азият чеккан қарлуқларга ёрдам бера туриб, Моваруннаҳр ишларига ҳам аралаша бошлади. Қорахитой ва туркман қўшинларини енгиб, қарлуқларни Самарқанд ва Бухоро атрофларидаги азалий ерларига қайтарди. Қорахитойларга масаланинг бу тариқа ечими манзур бўлмади. Қорахитойлар ҳукмдори ўз вассали бўлмиш Самарқанд ҳукмдори қорахоний Қилич Тамғочхонга (Абул Музаффар Маъсуд) «Қарлуқларни Самарқанд ва Бухоро вилоятларидан Қошғарга кўчирма қилишга» фармон берди. Қарлуқларнинг бир қисми Хоразмшоҳ Эл-Арслон ҳамда отаси Отсиз даврида бир неча йиллардан буён қорахитойларга бож-хирож тўлаб турар, қарлуқларга бўлган муносабат бир вақтнинг ўзида қорахитойларга қарши курашда уларни ўзига иттифоқчи деб ҳисоблашини англатар эди.

Айёрбек бошчилигидаги қарлуқларнинг бир қисми Хоразмшоҳ салтанатидан паноҳ топди. Бу эса, ўз навбатида, Хоразмшоҳлар давлати билан қорахитойлар ўртасидаги муносабатни кескинлаштириб юборди. 1171 йили Қорахитойлар қўшини Амударёдан ўтиб, Хоразм ерларига бостириб кирди. Давлат хавфсизлиги, кучлар нотенглигини чамалаб кўрган Эл-Арслон сув тўғонларини очиб, пойтахт Гурганж яқинидаги ерларни сувга бостиришга фармон берди, ўзи эса Омул қўрғони томон чекинди. Қорахитойлар билан жангда Хоразмшоҳ хасталиги туфайли қатнаша олмади. Жангда қорахитойлар ғолиб келиб, қарлуқлар сардори Айёрбекни асирга олдилар. Касаллиги ку-

чая борган Эл-Арслон Гурганжга қайтиб келди ва 1172 йилнинг 17 март куни вафот этди. Хоразмшоҳ Эл-Арслон отаси каби давлат мустақиллигига тўла эришиш, унинг ҳудудларини кенгайтиришни ўз ҳукмдорлигининг асосий мақсади дея қараган эди. Унинг ҳукмронлиги даврида хоразмшоҳлар давлати Хуросон ерлари ҳисобига маълум даражада кенгайди, Хоразмшоҳ билан эса кўпчилик ҳукмдорлар келишиб иш тутишга мажбур бўлишди. Эл-Арслон Бағдод халифалиги билан муносабатларни муттасил равишда ижобий руҳда олиб боришга ҳаракат қилди. Шу билан бирга, ҳали ушбу давлат қорахитойларга бож тўлар, бу эса тўлиқ сиёсий мустақиллик учун катта ғов бўлиб турар эди.

Хоразмшоҳ Эл-Арслон ўз вафоти арафасида катта ўғли Оловуддин Такиш Жанд вилоятида бўлгани боис, кичик ўғил Султоншоҳ Маҳмудни валиаҳд этиб тайинлаган эди. Эл-Арслон вафотидан кейин хоразмшоҳлар тахти учун юқорида номи зикр этилган ака-укалар ўртасида ўзаро кураш бошланиб кетди. Султоншоҳнинг ўз иниси Такишни зўрлаб ҳузурига олиб келишга уринишлари ҳамда ёлғиз унигина ягона ҳукмдор деб тан олишга бўлган ҳаракатлари самарасиз тугади.

Ушбу воқеалардан хабар топган Такиш Жандни дарҳол тарк этиб, ёрдам сўраб қорахитойлар маликаси Чэн Тиёнга (1164–1177) мурожаат қилди. Такишнинг кейинчалик ҳам йиллик ўлпон тўлаб туриши хусусидаги ваъдасини олган қорахитойлар маликаси Фума бошчилигидаги қўшинни Хоразмга юборди. Қорахитойлар қўшини келаётганини эшитган Султоншоҳ тезда пойтахтни тарк этиб, Хуросонга чекинди. Оловуддин Такиш 1172 йил 11 декабрь куни расман хоразмшоҳлар тахтига ўтирди. Такишни шижоатли, жасур саркарда ҳамда кучли давлат арбоби деб ҳисоблаган халқ оммасининг катта қисми уни қўллаб-қувватлаб турар эди. Бироқ асосий курашлар палласи ҳали олдинда бўлиб, ака-укалар ўртасида тожу тахт низолари йигирма йилга чўзилиб кетиб, кўплаб қонли жанглар, хонавайронлик келтирувчи урушларга сабаб бўлади. Султоншоҳ ва Такиш ўртасидаги курашга аввал Нишопур ҳокими Ой Або, сўнгра Ғур Султони Ғиёсиддин, қорахитойлар ҳам аралашдилар.

Ҳокимиятни олишда Такишга ёрдам берган қорахитойлар эндиликда истаган вақтида «Хоразмдан хоҳлаганча ўлпон олиш мумкин», деб ўйлаб, турли номақбул ишларни амалга ошира бошладилар.

Қорахитойлар Хоразмда ҳатто Хоразмшоҳ Такишнинг ҳукмини ҳам тан олмай қўйдилар. Бу эса Такиш томонидан уларга қарши тегишли чоралар кўришга мажбур қилди. Шу туфайли қорахитойлар билан ўзаро муносабатларга совуқлик тушди. Қорахитойлар билан муносабати кескинлашган Такишга қарши ҳаракат қилиш мумкин деб ҳисоблаган Султоншоҳ Ғур султони Ғиёсиддиндан ҳарбий кўмак кучи олишга эришди. Иккинчи томондан Султоншоҳ қорахитойларга мурожаат қилиб, Такишга қарши курашда ёрдам кучи сўради. Такиш билан муносабатлари бузилган қорахитойлар маликаси Султоншоҳ томонидан туриб жанг қилиш учун ўз қўшинини Хоразмга жўнатди.

Ушбу урушга Такиш жиддий тайёргарлик кўрди, Гурганжга борадиган йўлларни сувга бостирди, қалъаларни мустаҳкамлади ва ҳоказо. Такиш билан жанг қилишга журъат этолмаган қорахитойлар саркардаси Фума Султоншоҳнинг «Хоразм халқи у томонидалиги» ҳақидаги ваъдалари пуч эканлигини, аксарият хоразмлик ҳарбийлар, аҳоли Такишни қўллаётганликларини тушунган ҳолда орқага қайтиб кетди. Султоншоҳ қорахитойлардан бир қисм қўшин олишга эришиб, улар ёрдамида Хуросон шаҳарларини забт этди. Марв, Тус, Жом, Нисо, Обивард шулар жумласидан эди. Хуросонда юзага келган вазият Такиш давлати учун хавф туғдирар, шу боис ҳам у аввал Султоншоҳга қарши эмас, балки Хуросонда муҳим аҳамиятга эга Нишопурни эгаллашга ҳаракат қилди. Нишопур ҳокими Санжаршоҳ аслида бутун ҳокимиятни ўз вазири Менглитагин қўлига топширган бўлиб, бу вазир эса ҳокимиятни ўз ҳолича бошқарар, вилоятда жабр-зулм, зўравонлик ҳаддидан ошган эди. Нишопурни тинчлик билан ўз измига ўтказишни лозим деб топган Такишга Менглитагин хиёнаткорона йўл тутди. 1187 йил 27 май куни 40 кунлик қамалдан сўнг Нишопур таслим бўлди. Хоразмшоҳ «шаҳарда адолат ва раҳм-шафқат гиламларини ёйди, шаҳарни нафрат ва зўравонлик ахлати ва чақиртошларидан тозалади».

Жабр-зулм билан тортиб олинган барча нарсалар ўз эгаларига қайтарилди. Нишопурга Хоразмшоҳнинг ўғли Насриддин Маликшоҳ ҳоким этиб тайинланди. Гарчи Хуросоннинг анчагина қисми хоразмшоҳлар давлати таркибига кирган бўлса-да, аммо Марв, Сабзавор ва унга туташ ерлар ҳали ҳам Султоншоҳ ихтиёрида эди. Султоншоҳ ўз иниси Такишга нисбатан анча кучсизлигини англаб етсада, лекин бир неча маротаба Такиш чегаралари, Нишопурга талон-

чилик юришларини амалга оширди. Такиш вайрон бўлган Нишопур деворларини тиклаб, ўз қўшини билан Каспий денгизи жанубий сарҳадларидаги Мозандарон (Табаристон)га юриш қилди.

Такиш бир неча йиллик курашларда ўзини хоразмшоҳлар давлатининг ҳақиқий ҳукмдори эканлигини намоён қилди. Хоразм ва деярли барча Хуросон ерлари аслида Такиш ҳукми остида бўлиб, унинг обрў-эътибори ҳамда ҳарбий қудратини хуросонлик амирларнинг деярли барчаси тан олди. Бу ҳол билан шубҳасиз, Султоншоҳ ҳам келишишга мажбур эди. 1188 йилнинг баҳорида бир қатор хуросонлик обрў-эътиборли зотлар воситачилигида Султоншоҳ ва Такиш ўртасида сулҳ битими имзоланди. Аксарият амирлар Такиш томонига ўтдилар. Табиийки, бундай вазиятда деярли қўшинсиз қолган, ён-атрофидаги таянчларидан маҳрум бўлган Султоншоҳ Такиш томонидан тақдим этилган шартларга сўзсиз бўйсунишидан бошқа иложи йўқ эди. Султоншоҳга Хуросондаги уч вилоят тақдим этилди. Мазкур битимдан сўнг, 1189 йил 4 июлда Хуросондаги Родкон деган жойда расман султон мақомида Оловиддин Такишнинг тахтга ўтириш маросими ўтказилди.

Такишнинг Хуросондан пойтахт Гурганжга қайтиб кетиши билан Султоншоҳ яна ўз исёнкорона фаолиятини бошлади. У эндиликда хоразмшоҳлар юксалишидан хавфсираётган Ғурийлар давлати, қорахитойлар билан ўзаро муносабатларни ўрнатишга ҳаракат қилди. Улар ёрдамида Хуросон ерларига юришларни амалга оширди, Такиш йўқ вақтида ҳатто Гурганжни ҳам қамал қилди. Султон Оловиддин Такиш ўз исёнкор укасини батамом бўйсундириш мақсадида 1193 йилнинг баҳорида яна Султоншоҳ устига юриш бошлади. Уларни яна сулҳга чорлаб ташкил этилган музокаралар ҳам самарасиз бўлди. Бундай вазиятда Султоншоҳнинг ишонган сўнгги вакили Сарахс қалъаси мустаҳфизи (қалъа ҳарбий бошлиғи) Бадриддин Чақир султон Такиш томонига ўтиб, қалъа калитлари, Султоншоҳ хазинасини Хоразмшоҳга топширди. Мазкур воқеа Султоншоҳнинг келажакда ўз давлатини яратиш хусусидаги орзу-истакларини чиппакка чиқарди. Орадан икки кун ўтгач, 1193 йил 19 сентябрь куни бошига тушган бу кўргуликни кўтара олмаган Султоншоҳ Маҳмуд вафот этди. Шу тариқа ака-укалар ўртасида давом этган йигирма йиллик кураш ўз ниҳоясига етди. Султоншоҳ измидаги барча ерлар Хоразмшоҳ илкига ўтди.

Такиш асосий рақибини мағлуб этгач, 1193 йилдан ташқи сиёсат борасида дадил ҳаракат қилишни бошлади. У аввало ўз шимолий-шарқий сарҳадларини мустаҳкамлаш борасида Жанд ҳудудига алоҳида эътибор берди. Қорахитойлар ўз вақтида Такишдан тегишли жавоб олганликлари учун ҳам ўзлари ҳужум уюштиришга жазм қилолмай, кўчманчи қипчоқ қабилаларини хоразмшоҳлар давлатига қарши гиж-гижлар эдилар. Мазкур ҳудудлар хавфсизлиги борасида Такиш Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги муҳим истеҳкомлардан бири Барчинлиғкент, сўнгра Работи Тўғон шаҳарларини ўз давлати таркибига қўшиб олди. Бухорода ўз номига хутба ўқиттириб, Мовароуннаҳрга ҳам таъсирини ёя бошлади.

Ироқ салжуқийлари султони Тўғрул III билан ўзаро шартномага мувофиқ шимолий Эрондаги Рай шаҳри хоразмшоҳлар давлати таркибига кирди. Лекин тез орада Тўғрул III шартномани бузиб, Райни қайта эгаллади. Шунингдек, у Бағдод халифаси таъсир доирасидаги ерларга ҳам ҳужум қила бошлади. Бундай вазиятда халифа ан-Носир (1180–1225) Такишдан ёрдам сўраб, Тўғрул III қўли остидаги ерларни хоразмшоҳларга иқто сифатида берилиши хусусида ўз фармонини Хоразмшоҳга жўнатди. Салжуқийларнинг ўзаро шартномани бузганлиги ҳамда халифанинг мурожаати султон Такишнинг жанубга юришига сабаб бўлди. Такиш ҳузурига султон Тўғрун III дан норози бўлган қатор ҳарбийлар бош эгиб келдилар. Такиш уларни меҳрибонлик билан қабул қилиб, илтифот ва ёрдам кўрсатди.

1194 йилнинг март ойи бошларида Султон Тўғрул III хоразмшоҳлар қўшинига қарши уруш бошлади. Жангда Ироқ салжуқийларининг сўнгги вакили Тўғрул III мағлуб бўлиб, хоразмшоҳлар қўшини томонидан ўлдирилди. Унинг мағлубиятидан сўнг Такиш Ҳамадон ва унга туташ ерларни қўлга киритди. Султон Оловуддин Такиш томонидан Ироқ Ажамининг эгалланишидан, мазкур ерларнинг бир қисми тегишидан умидвор бўлган халифа ан-Носир норози бўлди. Хоразмшоҳ Такишни халифага итоат этиши хусусидаги элчилик саъй-ҳаракати эса самарасиз тугади. Тез орада Хоразмшоҳ Такиш ва халифа ан-Носир ўртасидаги муносабатлар тамомила узилди. Халифа ан-Носирнинг хоразмшоҳлар қўли билан ўз ҳудудларини кенгайтириш, султон Такишни ўзига итоат эттириш хусусидаги режалари чиппакка чиқди. Аксинча, Такиш томонидан халифа «Хоразмшоҳ ҳукмронлигини тан олиши, Бағдоддаги султон саройини Салжуқийлар

замонидаги ҳолда тиклаш» талаб қилинганидан кейин вазият янада кескин тус олди. Табиийки, халифа ан-Носир бу талабни кескин рад этди.

Шу тариқа хоразмшоҳлар ва Бағдод халифалиги ўртасидаги ўзаро душманлик муносабатлари кейин ҳам давом этиб, у мўғуллар истилосига қадар давом этди. Такишнинг Эрон ерларидан узоқда бўлиши халифа қўшинларига қўл келди. Тез орада халифа қўшини Ироқ Ажамини эгаллаб олишга муваффақ бўлди. Хоразмшоҳлар давлати таркибига кирган ерлардан халифа қўшини чиқиб кетиши тўғрисидаги талаб халифа ан-Носир томонидан инобатга олинмади. Шундан сўнг ўзаро мунозарали ҳудудлар бир неча маротаба қўлдан-қўлга ўтди. Халифа қўшинлари шимолий Эрондаги Рай вилоятини ҳам қўлга киритишга муваффақ бўлдилар.

Хоразмшоҳ Такиш халифа билан ўзаро элчилик алмашуви, музокаралар ҳеч қандай иш бермаслигини англаб етган ҳолда ҳамда ўз давлати манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Бағдод халифалигига қарши қатъий ҳаракатларни бошлади. 1196 йилда халифа қўшинлари тор-мор этилиб, Ҳамадон, Рай, Исфаҳон ва унга туташ ерлар яна хоразмшоҳлар давлати ихтиёрига ўтди. Бағдод халифаси ан-Носир (1180–1225) Ироқи Ажамни қандай қилиб бўлмасин қўлга олиш мақсадида Такишга қарши аввал шу ерлар ҳокими Майочуқни, сўнгра Ғур ҳукмдори Ғиёсиддин ал-Ғурийни қарши қўйишга ҳаракат қилди. Халифанинг бу сафарги хатти-ҳаракатлари ҳам зое кетгач, у Такиш билан муносабатларни йўлга қўйишга интилди. 1198 йили Хоразмшоҳ Такиш Хуросон, Туркистон ва Ироқи Ажам ерлари султони эканлиги тан олинган фармон эълон қилинди.

Шу тариқа Хоразмшоҳнинг юқорида номи қайд этилган ҳудудлар мустақил ҳукмдори эканлиги тасдиқланди. Ўзаро элчилик алмашуви, хусусан, султон Такишнинг жияни амир Сайфиддин бошчилигидаги Хоразмшоҳ элчиларининг Бағдодга келиши ушбу муносабатларни мустаҳкамлади. Ушбу муносабатлар Такишнинг юқори салоҳиятли давлат арбоби ҳамда моҳир дипломат бўлганлигини яна бир карра тасдиқлади. Ўзаро низолардан чарчаган Кирмон[13] аҳлининг Такишга мурожаати ҳам ижобий тарзда ўз ечимини топди. 1198 йили

---

[13] Кирмон – Эрон жануби-шарқидаги тарихий ҳудуд.

Такиш Кирмондаги низо-фитналарга чек қўйиб, мазкур ҳудудни ҳам ўз давлати таркибига қўшиб олди. Такиш ўз ҳукмронлигининг сўнгги йилларини Яқин ва Ўрта Шарқда хавфсизлик ва маънавиятга таҳдид солувчи исмоилийлар диний гуруҳига қарши курашда ўтказди. У Эроннинг Дайлам вилоятида жойлашган исмоилийларнинг иккинчи муҳим қалъаси Ал-Қоҳира (Арслон Кушони)ни қўлга олишга муваффақ бўлди.

Султон Оловуддин Такиш 1200 йилнинг 3 июль куни (ҳижрий йил ҳисобида 596 йил рамазон ойининг 19-куни) Хуросоннинг Шаҳристон деган жойида вафот этди. Унинг жасади пойтахт Гурганжга олиб келиниб, ўзи томонидан қурдирилган катта мадраса қошидаги мақбарага дафн қилинди. Таъкидлаш жоизки, ўрта аср муаллифлари бир овоздан Хоразмшоҳ султон Оловиддин Такишни ўз халқига адолатли ҳукмдор, юксак қобилият соҳиби, буюк дипломат ва кучли лашкарбоши бўлганлигини қайд этишади. Хоразмшоҳ мусиқа ва адабиётни севар, ҳозиржавоб, гапга чечанлиги билан ажралиб турар эди. Ўз вақтида давлатнинг шимолий чегаралари хавфсизлиги кўп ҳолатда туркий қипчоқлар таъсирига боғлиқ эди. Такиш қипчоқлар билан ўзаро иттифоққа кириб, қипчоқлар хони Жонкишининг қизи бўлмиш Туркон Хотунга уйланади. Қипчоқларнинг баёт уруғидан бўлган Туркон Хотун билан кўплаб туркий қавмлар, ҳарбийлар ҳам кириб келдилар. Кейинчалик Туркон Хотун уларнинг қудратли ҳомийсига айланди, сўнгра эса давлатда туркий- ҳарбий қатлам ҳам юзага келди.

Тарихий манбалар Туркон Хотунни ҳокимиятга интилувчан, риёкор ҳамда қасоскор аёл бўлганлигини таъкидлашади. Унинг тугал ҳосиласи эса кейинчалик султон Муҳаммад (1200–1220) ҳукмронлиги даврида тўлиқ намоён бўлди.

Хоразмшоҳ Такиш томонидан қолдириб кетилган улкан давлат унинг вориси Қутбиддин Муҳаммад томонидан давом эттирилди. 1200 йил 3 август куни (ҳижрий 596 йил шаввол ойининг 20-куни) пойтахт Гурганжда Хоразмшоҳлар давлатининг янги султони Қутбиддин Муҳаммад тантанали равишда тахтга ўтирди (1200–1220). Кейинчалик у отасининг тахаллуси Оловуддин номини ҳам олди. Хоразмшоҳ Оловуддин Қутбиддин Муҳаммад ўз ҳукмронлигининг дастлабки давриданоқ ички ва ташқи сиёсатда қатор муаммоларга дуч келди. Мозандарон (Табаристон)да Ҳусомиддин Ардашер Аст-

роботгача бўлган ерларни эгаллаб, мазкур ҳудудлардан хоразмлик қўшинни ҳайдаб чиқарди. Ажами Ироқда ҳам вазият оғирлашиб, мазкур ҳудудлар ҳам янги султон қўлидан чиқиб кетиш эҳтимоли кучайди. Хоразмшоҳ Муҳаммад бундай вазиятда Хуросондаги аҳвол ҳам мушкуллашиши мумкин, дея ҳисоблаб, укаси Тожиддин Алишоҳни Ажами Ироқ маркази Исфаҳондан чақириб олиб, уни Хуросон ноиби этиб тайинлади.

Тожиддин Алишоҳнинг Ироқдан кетиши бу ердаги маҳаллий ҳокимларнинг ажралиб кетиш хавфини кучайтириб юборди. Улар ичида, айниқса, Изиддин Кўкча халифанинг изни билан қатъий ҳаракат бошлади. Ўз вақтида унга қарши Шамсиддин Ойтуғмиш ҳаракат қилиб, тез орада бутун Форс Ироқи ҳудудларини эгаллаб олишга муваффақ бўлди. Нишопурнинг собиқ ҳокими, ўзбошимчалиги боис лавозимидан олинган Ҳиндухон эса аввал Марвда исён кўтармоқчи бўлади, сўнгра эса Ғур султони ҳузурига қочиб, ундан ёрдам сўради. Ғур султони Ғиёсиддин Ғурий хоразмшоҳлар тушиб қолган мушкул вазиятдан фойдаланиб қолиш мақсадида Ҳиндухонга ёрдам беришга қарор қилди. Шу мақсадда у 1201 йилнинг февраль ойида катта қўшин билан Хуросонга йўл олди. Марвга Ҳиндухонни жазолаш мақсадида Хоразмшоҳнинг вакили Чақир ат-Туркий жўнатилган эди. Чақир ат-Туркий Марвни Ғурийлардан қаттиқ ҳимоя қилди. Лекин кучлар нотенглиги, шаҳарни ортиқча хонавайрон бўлишидан сақлаб қолиш мақсадида Ғур султонига таслим бўлди. Марв эса эндиликда Ғур султонига қарам Ҳиндухон қўлига топширилди. Тез орада Ғурийлар қўшини томонидан Хуросоннинг Сарахс, Нисо, Обивард, Тус шаҳарлари эгалланди. Хуросоннинг маъмурий маркази бўлган Нишопурда юқорида таъкидланганидек, султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг акаси Тожиддин Алишоҳ ҳокимлик қилар эди. Гарчи Хоразмшоҳ томонидан Нишопурдан тезда чиқиб кетиш ҳақида буйруқ олган бўлса-да, лекин Тожиддин Алишоҳ шаҳарни мардонавор ҳимоя қилди. Аммо Ғиёсиддин Ғурий Нишопурни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Султон Ғиёсиддин Ғурий янги истило қилинган Хуросон шаҳар ва вилоятларига ўз ноибларини тайин этиб, орқасига қараб кетди. Ўтган вақт давомида Хоразмшоҳлар тушиб қолган оғир сиёсий вазиятдан чиқиш йўлида кучли ва катта қўшин йиғишга муваффақ бўлдилар. Хуросон ерларига юриш қилишдан аввал Хоразмшоҳ адолат

юзасидан Ғур султони Ғиёсиддинга мурожаат қилиб, агарда хоразмшоҳлар давлати манфаатига яна зид иш тутгудек бўлса, тегишли жавоб бериши муқаррар эканлиги хусусида огоҳлантирди. Ғур султонига Хоразмшоҳ Муҳаммад, жумладан, шундай деб ёзган эди: «... Биз ҳозир отамиз таъзиялари билан ва мамлакат ишларини тартибга солиш билан машғул бўлиб, сизнинг ишларингизга қаршилик қилолмаган эдик. Энди биз заиф эмасмиз ва сизнинг мамлакатингизни ва бошқа вилоятларни босиб олишга кучимиз етажак».

Бир неча йиллардан бери Ғурда ҳукмронлик қилаётган султон Ғиёсиддин Ғурий шу вақтга келиб анча кексайиб, касалманд бўлиб қолган эди. Хоразмшоҳ ўз мурожаат хатида айнан султоннинг шу ҳолатига ҳам урғу берган эди. Ўз мактубига жавоб келишини ҳам кутмай Хоразмшоҳ Муҳаммад 1201 йилнинг августида кутилмаган ҳолда Ҳиротни қуршаб олди. Ҳирот 40 кун қамал қилинса-да, уни ишғол этишнинг иложи бўлмади. Шу пайт Ҳиндистондан ўз қўшини билан етиб келган Ғиёсиддиннинг укаси Шаҳобиддин Ғурий билан бўлган ўзаро жанг икки томонга ҳам катта талофат етказди. Шаҳобиддин Ғурий Хоразм ерларига кириб келиш йўлига тўсиқ қўйиш мақсадида Марварид дарёси кўприкларини бузиб ташлади. Шундан сўнг Хоразмшоҳ Марв, Нишопур, Сарахс ерларини қайта эгаллашга муваффақ бўлди. 1203 йилнинг бошида Ғур султони Ғиёсиддин Ғурий вафот этди. Ғурийлар ўртасида тожу тахт масаласида низолар бошланди.

Хоразмшоҳлар муваффақиятидан ғазабланган Шаҳобиддин Ғурий қайта Хоразм томон юришга отланди. Гарчи тўғонлар бузилиб, ўтиш йўлларини сув босган бўлса-да, лекин Ғурийлар ер қуришини бир ой кутиб, Қорасув анҳори бўйида Хоразмшоҳлар қўшинига зарба берди, Шаҳобиддин бошчилигидаги ғурийлар қўшини пойтахт Гурганжни қуршаб олди. Пойтахт аҳолиси ўз жонажон шаҳарларини мардонавор ҳимоя қилишга киришдилар. Шаҳар мудофаасида хоразмлик машҳур уламо Имом Шаҳобиддин ал-Ҳивақий таълимоти қаршилик ҳаракатининг маънавий қувватига айланиб, бутун халқ оммасини душманга сафарбар қилди. Ал-Ҳивақий бутун мол-мулкини мудофаа иши учун сарф этиб, хайрли ишда бошқаларга ўрнак бўлди. Туркон Хотун мудофаа ишида фаол қатнашиб, унинг саъй-ҳаракати билан пойтахтда 70000 нафар қуролланган мудофаачилар қўшинлари ташкил этилди. Хоразмшоҳ эса мамлакатнинг турли қисмларига чо-

пар жўнатиб, пиёда ва отлиқ аскарлар йиғишга буюрди. Гурганжга ҳужум қилиш учун дарёни кечиб ўтмоқчи бўлган Шаҳобиддин Ғурий қорахитойлар қўшинига дуч келди.

Хоразмшоҳларнинг мурожаатига кўра, қорахитойлар хони Ҳуюрхон томонидан юборилган қўшин ичида Ўтрор ҳокими Тожиддин, Самарқанддаги қорахонийлар хони Усмонхон, қорахитойларга қарашли Тароз ҳокими Таянгулар бош бўлиб, улар Андҳудда Шаҳобиддин Ғурий қўшинига қақшатқич зарба бердилар. Ушбу жанг 1204 йилнинг октябрь ойи бошларида бўлиб ўтди. Шаҳобиддин Ғурий тўлиқ мағлубиятга учради, ўз мол-мулкини битим асосида топшириб, ўз давлатига қайтиб кетишга мажбур бўлди. Шаҳобиддин Ғурий ўз давлатида парокандалик ва низолар оқимига дуч келди. Бундай вазиятда (1205 йил январь) улар Хоразмшоҳ билан тинчлик шартномасини имзолаб, Хуросоннинг бир қисмини султон Муҳаммад Хоразмшоҳга қайтариб берди. Ўзаро низо ва парокандаликда қолган ғурийлар давлати ичида вазият оғирлашиб кетди.

Шаҳобиддин Ғурий бу ўзаро курашлар қурбонига айланиб, 1206 йилнинг мартида ўлдирилди. Султоннинг ўлдирилиши Ғурийлар давлатининг емирилишидан дарак берар эди. Тез орада Ғурийларга хизмат қилган ноиб ва амирлар турли ҳудудларда ўз ҳукмронликларини ўрната бошладилар. Шундай бир вазиятда ўзини ғурийларнинг янги султони деб эълон қилган Маҳмуд қўлида бир пайтлар қудратли ғурийларга бўйсунган ҳудудларнинг бир қисми қолди холос. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ғурийлар салтанати заиф ҳолатга тушиб қолганлигидан фойдаланиб, тез орада Балх, Ҳирот, кейинроқ Мозандарон, Сейистонни олди. Ғурийлар султони Маҳмуд Хоразмшоҳ Муҳаммад талабига кўра ўзини хоразмшоҳлар давлатининг ноиби деб эълон қилди. У султон Муҳаммад номини хутбага қўшиб ўқитиб, унинг номидан тангалар зарб этди, Хоразмшоҳга ўз итоати рамзи сифатида битта оқ фил ҳамда хазинасидаги энг қимматбаҳо буюмларни жўнатди. Шу тариқа султон Муҳаммад Хоразмшоҳ тахтга келганидан сўнг йўқотилган ерларнинг асосий қисмини қайтиб қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Мовароуннаҳрда шу даврга келиб анча мураккаб сиёсий аҳвол юзага кела бошлади. Мовароуннаҳрда олий ҳукмронликка даъвогар қорахитойлар XII асрнинг 40-йилларидан буён ўзларига қарашли ерлардан мунтазам равишда бож солиғи ундириб келишар, ҳар

бир шаҳарга ўзларининг ноибларини қўйиб, жабр-зулмни кучайтириб юборган эдилар. Аҳоли қорахитойлар талон-тарожи ва зўравонлигидан чарчаган эди. Самарқанд ва Бухородаги ҳукмрон қорахонийлар хони Усмон ва Мовароуннаҳрнинг нуфузли зотлари султон Муҳаммад Хоразмшоҳга мурожаат қилиб, қорахитойларга қарши курашда ёрдам сўрайдилар. Қорахонийлар хони Усмонхон ёрдам эвазига солиқларни Хоразмшоҳга тўлаб, унинг номини хутбага қўшиб ўқишга, унинг номидан тангалар зарб этишга ваъда берди. Бу эса Мовароуннаҳр ерларини Хоразмшоҳ илкига ўтишини англатар эди. Бухородаги Малик Санжар қўзғолони бу ҳолни бироз орқага сурди.

1206 йили Бухорода диний унвондаги садрлар ҳукмига қарши асли савдогарнинг ўғли бўлмиш Санжар исён кўтарди. Ўзини ҳоким сифатида Малик Санжар деб номлаган қўзғолончилар раҳбари Бухородаги «эътиборли кишилар»ни ҳайдаб чиқариб, уларнинг мол-мулкини мусодара этди. Бухоро садрлари унга қарши курашда Хоразмшоҳдан ёрдам сўрадилар.

Шу даврдан бошлаб жанубдаги муаммоларни муваффақиятли ечган Хоразмшоҳ Муҳаммад қорахонийлар мурожаатига мувофиқ Мовароуннаҳр ишларига аралашишни бошлади. Султон Муҳаммад Бухорога юриш қилиб, уни эгаллади. Малик Санжар исёни бостирилиб, ўзи қўлга олинди. Мовароуннаҳрнинг асосий шаҳарларидан бири –Бухоронинг қўлга олиниши султон Муҳаммад Хоразмшоҳ мавқеи янада ўсишига сабаб бўлди. Қорахонийлар ўзларини хоразмшоҳлар вассалига айланганликларини тан олдилар. Қорахитойлар Мовароуннаҳр ҳудудларини хоразмшоҳлар тасарруфига ўтишидан қатъий норозилик асносида бўлажак урушга жиддий тайёргарлик кўрдилар. Хоразмшоҳ қўшинининг жон-жаҳди билан курашига хоинликлар салбий таъсир кўрсатди. Қорахитойлар хони Ҳуюрхон бошчилигидаги қўшин қўли устун келди. Жанг қорахитойлар ғалабаси билан тугаб, Хоразмшоҳ ҳам асирликка тушиб қолди. Хоразмшоҳнинг жангдан қайтмагани кўплаб миш-мишларга сабаб бўлди. Тахтга султоннинг акаси Тожиддин Алишоҳ ўтирди. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ бахтли тасодиф туфайли асирликдан қутулишга муваффақ бўлди. Тахтда йўқ вақтида хиёнат кўчасига кирган кишилар жазоланди, Тожиддин Алишоҳ эса Фирузкўҳга қочиб, жон сақлади. Кейинчалик султоннинг акаси ва унга жой берган султон ноиби, собиқ Ғур султони

Маҳмуд ҳам Гурганжга жўнатилиб, қатл этилдилар. Шу тариқа ғурийларнинг қарам ҳолатидаги салтанатига ҳам буткул барҳам берилди.

Ўзаро парокандаликка чек қўйган султон Муҳаммад Хоразмшоҳ олдида шу вақтдаги унинг асосий душмани – қорахитойларга қарши кураш эндиликда асосий мақсад бўлиб қолди. Бу пайтга келиб султон мавқеи шунчалик мустаҳкамландики, бир неча ўн йиллардан буён Ўрта Осиёдаги сиёсий вазиятга таъсир кўрсатиб келаётган қорахитойларга ҳал қилувчи зарба бериш вақти етган эди.

Отсиз ҳукмронлиги давридан бошлаб ҳар йили хоразмшоҳлар қорахитойларга тегишли ўлпон тўлаб туришар эди. 1209 йили султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳузурида навбатдаги ўлпон ҳақи учун келган қорахитойлар элчисининг сурбетлик ҳаракати султон паймонасини тўлдирди. Элчи қатл этилиб, қорахитойларга қарши жангга зудлик билан тайёргарлик кўрилди. Бутун салтанатда қорахитойлар жабр-зулмига қарши тарғибот ишлари олиб борилди. Қорахитойлар томонидан эзилиб келаётган аҳоли учун хоразмшоҳлар қўшини халоскорлар сифатида кутиб олинди. Тез орада Хоразмшоҳ қўшини Сирдарёдан кечиб ўтиб, Иламиш даштида Таянгу бошчилигидаги қорахитойлар навкарлари билан тўқнашди. 1210 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган Иламиш даштидаги шафқатсиз жангда қорахитойлар мағлуб бўлдилар. Таянгунинг ўзи ҳам асирга олинди. Бутун Сирдарё бўйларидаги ерлар, Фарғонанинг Ўзган, Ўтрор ва унга туташ барча ерлари ҳам султон давлати ҳудудига қўшиб олинди. Бутун Мовароуннаҳр султон қўлига ўтди. Унинг барча шаҳар ва қишлоқларига султон ўз кишиларини ҳоким, шихна (комендант) лавозимларига тайинлади.

Хоразмшоҳ Муҳаммад юқорида таъкидланганидек, қорахитойларни мағлуб этганидан сўнг, қорахонийлар хони Усмонхон унга қарамликни тан олган, султон қизи Хон Султонни унга турмушга узатиб, ўзига куёв қилиб олган эди. Усмонхон султонга куёв бўлгач, туркийлар одатига кўра келин хонадонида бир йил қолиши лозим эди. Самарқанддаги хоразмликлар шихнаси Дўст Або Усмонхон йўқлигидан фойдаланиб, шаҳарда жабр-зулмни кучайтириб, ножўя ишларни амалга ошира бошлади. Усмонхон Самарқандга қайтиб келгач, Хоразмшоҳ вакиллари, хоразмлик амалдор, ҳарбийларни қириб ташлашга буйруқ берди. Султон қизи Хон Султон қалъага яшириниб,

жон сақлашга муваффақ бўлди. Усмонхон хоразмшоҳлар қарамлигидан воз кечиб, қорахитойларга шаҳарни топширишни маълум қилиб, гўрхонга элчилар юборди.

Султон бундан қаттиқ ғазабланиб, ўз қўшини билан Самарқанд устига юриш қилди. Самарқанд аҳли шаҳар мудофаасида қатнашиб, ўз шаҳарларини жуда мардонавор ҳимоя қилдилар. Султон қўшини шаҳарни эгаллагач, уч кун давомида шаҳар аҳли жазога мубтало этилди. Натижада, ўн мингга яқин одам ҳалок бўлди. Султоннинг қизи Хон Султон ўз эри Усмонхонни ўлдиришни талаб қилди. Шундан сўнг Қорахонийлар хони Усмонхон ва унинг барча авлодлари қатл этилди. Қорахонийларга алоқадор барча кишилар оилалари билан ўлимга маҳкум этилдилар. Қорахонийлар сулоласининг умри шу тариқа 1212 йили ўз ниҳоясига етди. Султон умри тугаб бораётган заиф қорахитойларнинг Мовароуннаҳр чегараларига юриш қилишларининг олдини олиш мақсадида 10000 кишилик қўшинни Исфижоб (Сайрам)га юборди. Найманлар раҳбари Қушлихон эса тез орада Қорахитойлар ерларида ҳокимиятни ўз қўлига олди.

Султон шундан сўнг ўз эътиборини яна жанубга – Хуросон, Эрон томонига қаратди. Форс Ироқи (ёки Ироқи Ажам – ҳозирги ғарбий Эрон ерлари)да вазият бир неча йил кескинлашиб, ўзаро курашларда Озарбайжон отабеклари, Бағдод халифалиги, турли ҳарбий ноиб, саркардалар иштирок этдилар. 1215 йил Ироқи Ажам (Форс Ироқи)да ҳокимиятни олган Сайфиддин Ўғилмиш (у бир неча йил Хоразмшоҳ хизматида бўлган эди) Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ номини хутбага қўшиб ўқитди. Натижада, Форс Ироқи қайта султон измига ўтди. Кейинчалик Эроннинг Кирмон вилояти ҳам қўшиб олинди. Шундан сўнг султон қўшини Ҳиндистон ва Эрон оралиғидаги Микрон, сўнгра Балужистонни эгаллашга муваффақ бўлди. Хоразмлик қўшин Араб денгизи бўйидаги Ўрмуз бўғозига чиқиб, унинг ҳокими Мақиқни ҳам бўйсундиришга муваффақ бўлди. Тарихчи Ибн ал-Асир Хоразмшоҳ номини ҳатто Арабистон ярим ороли жанубишарқида жойлашган Уммонда ҳам тан олиб, унинг номини «хутбага қўшиб ўқитишган» деб ёзган эди.

1216 йили Ғазна, Ғур, Бомиён ерлари қўлга олиниб, султон Муҳаммад Хоразмшоҳ давлати Синд дарёси бўйигача чиқиб, бевосита Ҳиндистон билан чегарадош бўлиб қолди. Аввал бошида Форс Ироқи султон қўлига ўтганлигига жим қараб турган Бағдод халифаси ан-

Носир ҳамда Озарбайжон Отабеги[14] Ўзбек тез орада мазкур ҳудудлардан Хоразмшоҳ вакилини сиқиб чиқаришга ҳаракат қилишди. Шу мақсадда ўзаро уларнинг келишувига мувофиқ Форс Ироқи (Ироқи Ажам)дан Хоразмшоҳ ноиби Сайфиддин Ўғилмиш исмоилийлар раҳбари Жалолиддин Ҳасан юборган жосус томонидан ўлдирилди. Озарбайжон ҳокими Отабек Ўзбек Исфаҳонни, Отабек Саъд ибн Занги Рай, Қазван, Ҳувор ва Симнон ерларини эгалладилар. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ бу воқеани эшитгач, 100000 кишилик қўшин билан Ироқи Ажамга юриш бошлади. Рай яқинида Форс Отабеги Саъд ибн Зангининг қўшини тўлиқ мағлуб этилди, ўзи асир олинди. Озарбайжон тоғликларига чекинган Отабек Ўзбек ҳам султон тазйиқидан чўчиб, тез орада тобеликни қабул қилди. Шундан сўнг Хоразмшоҳ Муҳаммад ерлари таркибига Аррон, Озарбайжон, Ширвон ва ҳозирги Доғистоннинг Каспий бўйидаги Дарбанд ерлари ҳам қўшиб олинди. Собиқ Озарбайжон Отабеги (ҳокими) Ўзбек итоатгўйлик белгиси сифатида ўзи паноҳ топган тоғли Фаррозин қалъасини ҳам топширди.

Қўшиб олинган ерларда султон Муҳаммад Хоразмшоҳ номи хутбаларга қўшиб ўқитилиб, унинг номидан тангалар зарб этилди. Шунингдек, султон Муҳаммад Хоразмшоҳ Ўзбекнинг илтимосини инобатга олган ҳолда Грузия қироли Георгий IV га элчи юбориб, бундан буён Отабек Ўзбек ерлари унга қарашли эканлиги, шу боис, Озарбайжон ерларига «ҳужум қилишдан тийилиши» ҳақида огоҳлантирди.

1217 йилга келиб султон Муҳаммад Хоразмшоҳ давлати таркибига Форс Ироқи (Ироқи Ажам), Мозандарон, Аррон, Озарбайжон, Ширвон, Форс, Кирмон, Микрон, Манғишлоқ, Кеш, Сейистон, Ғур, Ғазна, Бомиён ерлари, жумладан, 400 га яқин шаҳарлар кирди. Тарихчи ан-Насавий тили билан айтганда, бу ғалабаларга у ўз «ақл-заковати билан эришди ва бу ғалабалар билан ўзини зийнатлади». Султон қўшини Сурия, Кичик Осиё ва Миср томонига юриш қилиши ҳақидаги гап-сўзлар эса Яқин Шарқ ҳукмдорларини анча вақтгача беҳаловат бўлишларига сабаб бўлди. Ироқдан Ҳиндистонгача,

---

[14] Отабек Ўзбек 1225 йилгача Озарбайжонда ҳоким бўлиб турди. Уни Жалолиддин Мангуберди 1225 йил ҳокимиятдан маҳрум этган.

Орол денгизи атрофларидан Араб денгизи соҳилларигача бўлган ерларда ҳукм сурган Хоразмшоҳ Муҳаммад давлати XIII аср бошларидаги шарқнинг энг буюк ва қудратли давлатига айланди.

Султон Самарқандни ўз пойтахти дея эълон қилиб, 1218 йил айнан шу шаҳарга келиб ўрнашди. Таъкидлаш жоизки, хоразмшоҳлар давлатида ўзига хос диархия – яъни иккиҳокимлик тузуми юзага келди. Гарчи султон Муҳаммад Хоразмшоҳ мутлақ ҳукмдор, қудратли давлат эгаси ҳисобланса-да, аслида эса ўз онаси Туркон Хотун измига тўлиқ бўйсунар эди. Кўп ҳолда султон фармонлари онаси томонидан бекор қилинар ҳам эди. Султон онасига қарши ҳеч қачон қарши чиқмас ва бу ҳолатни тарихчи ан-Насавий қуйидагича изоҳлаб, уни икки сабабга боғлаб кўрсатган эди «биринчидан, онасининг унга бўлган меҳрини қадрлаши, иккинчидан, мамлакатнинг барча амирлари онасининг уруғидан эканлигидан». Туркон Хотун «Жаҳон ҳокими» деган лақабга эга бўлиб, унинг шахсий муҳри (туғро)да: «Исмат уд-дунё вад-дин Улуғ Туркон малика нисо ал-оламийн» («Дунё ва унинг покдомони, Улуғ Туркон, олам аёлларининг маликаси») деган битик ёзилган эди. Туркон Хотун пойтахт Гурганжда доимий истиқомат қилар, ўз саройи, улкан мулкларга эга эди. Султон босиб олинган ерлардаги энг бой ҳудудларни, энг яхши ўлжаларни онасига тақдим этар эди. Малика салтанат, молия ишларини шахсан ўзи бошқарар, тегишли тарзда фармонлар берар, ноиб ва амалдорлар тайин этилишини назорат қилар ва ҳоказо. Туркон Хотун Жалолиддин Мангубердини эмас, балки кенжа Қутбиддин Ўзлагшоҳни тахт вориси этиб тайинлади.

Чунки Ўзлагшоҳнинг онаси Туркон Хотуннинг уруғидан эди. Туркон Хотун бошқа уруғдан бўлмиш шаҳзода Жалолиддиннинг онаси Ойчечакни хуш кўрмас эди. Туркон Хотун кўрсатмасига кўра, вақтивақти билан асир олинган ёки гаровда ушлаб турилган шахслар, собиқ ҳокимлар қатл этиб турилар эди. Хоразмшоҳлар давлати бошқарув тартибида анъанавий даргоҳ ва девон тизимига риоя қилинар эди.

Хоразмшоҳлар давлатида марказий бошқарув идораси **«ал-мажлис ул олий ал фахри ат-тожи»** деб номланган бўлиб, уни вазир бошқарган. Вазир – мамлакатда султондан кейинги энг юқори мансабдор шахс бўлган. Вазир султоннинг бош маслаҳатчиси бўлиб, бевосита унга бўйсунган. Вазир расмий маросимларда, давлатлараро алоқаларда, мустамлака юртлар билан олиб бориладиган музокаралар-

да Хоразмшоҳ номидан иштирок этиб, султон ва раият (фуқаролар) ўртасида воситачилик қилган. Барча давлат амалдорлари, жумладан, амирлар, беклар ва ҳарбий бошлиқлар вазирга бўйсунган. **Вазирнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат бўлган:

– асҳоб ад-даванин ёки девонхоналар амалдорларининг бошлиғи. Юқори мансабли амалдорларни ишга тайинлаган ёки ишдан бўшатган;

– давлат амалдорларига нафақалар (арзак) ва моддий ёрдам (маважиб) жорий этиш ишларини бошқарган;

– давлат амалдорларини ҳаёт учун зарурий озуқа ва ашёлар билан таъминланишини белгилаган;

– божхона ва хазина фаолиятини назорат қилган;

– султонга мунтазам равишда ҳамроҳлик қилган, баъзи пайтларда қўшин жўнатиб уларга бошчилик қилган.

Хоразмшоҳлар давлатида вазирлик лавозими катта ҳурматга эга бўлиб, ўрта аср манбаларининг бирида вазир ҳақида шундай маълумот берилади (З. Бунёдов бўйича): «Энг юксак маҳкама – вазорат (вазирлик) бўлиб, барча жамоат ишлари ҳамда одамлар ҳаётининг тўғри йўлдан бориши у билан алоқадордир, бунинг натижасида мамлакатнинг чиройи ва мартабаси ортади, давлатда тартиб ва қонунчилик ўрнатилади... Вазир – идора қилиш қонунларини биладиган, давлат келажагини биладиган, ҳаётий тажрибага бой, яхши ишларга ундовчи, шон-шуҳрат ва ютуқларга етакловчи, фуқаролар аҳволидан рўйи-рост хабардор қилиб турадиган, кўрсатмаларига тўла равишда ишониш мумкин бўлган киши бўлиши лозим...»

Вазирларга **садр, дастур, хожайи бузрук** каби унвонлар берилган. Вазир лавозимидаги шахс ўзининг сиёҳдони (довот) ва маълум хил мовутдан ўралган салласи (дастор) билан ажралиб турган. Улар, асосан, араб-форс мансабдорлари муҳитига мансуб кишилар бўлиб, араб ҳамда форс тили, маъмурий ишдаги лаёқати, сарой тартиб-қоидаларини билиши шарт эди. Хоразмшоҳлар давлатининг вазирлари, асосан, Хоразм, Бухоро, Нишопур, Исфахон, Балх, Ҳиротдан чиққан арбоблар бўлган. Хоразм давлатига қарашли вилоятларнинг маъмурий бошқарувида ҳам вазирлар бўлган.

Хоразмшоҳлар давлатининг маркази Гурганж шаҳри эди. Буюк географ олим Ёқут Ҳамавий мўғуллар истилоси арафасида, 1219 йили мазкур шаҳарда бўлганида у ҳақда «Мен Гурганж каби буюк, бой ва

гўзал шаҳарни кўрмадим», деб ёзган эди. Шаҳар, айниқса, султон Такиш ва Оловиддин Муҳаммадлар ҳукмронликлари даврида гуллаб-яшнади. Шаҳарда 50 дан зиёд ҳунармандчилик соҳалари тараққий этган, шаҳар ички ва ташқи савдо чорраҳаларида жойлашгани боис, савдо-сотиқ жуда тараққий топган. Гурганж савдогарлари ўз моллари-ни ҳатто Испанияга ҳам олиб бориб сотганлар. Закариё Қазвиний шаҳар аҳолисининг кўпчилиги, ундаги Танура ва Майдон маҳаллалари, Қобилон дарвозаси ҳақида маълумот ёзиб қолдирган. Шаҳар жуда обод, хушманзара, ҳашаматли иморатларга бой бўлган.



Тарихий манбаларда биргина Хоразм воҳасида 11 та шаҳар мавжуд бўлганлиги ҳам қайд этилади. Мамлакатдаги бошқа энг йирик шаҳарлар қаторида Бухоро ва Самарқанд ҳам тилга олинади. Биргина Бухоро вилоятида 5 та шаҳар, 50 га яқин қишлоқлар мавжудлиги воҳанинг бой салоҳиятидан дарак берар эди. Ундан ташқари, Ўрта Осиёнинг ўзида хоразмшоҳларга тегишли Кеш, Тароз, Ўтрор, Хўжанд, Термиз, Исфижоб, Ўзганд, Насаф, Банокат, Нисо, Марв ва

бошқа ҳудудлар мамлакат ҳаётида катта роль ўйнаган. Хоразмшоҳларга тегишли Нишопур, Исфаҳон, Шероз, Ҳамадон, Ғазна, Балх, Рай ва бошқа ҳудудлар катта шаҳарлар сирасига кириб, ўз вақтида маданий ўчоқлар вазифасини ҳам ўтаган.

Таянч сўзлар

Халифалик, туркий гвардия, амир, ҳожиб, элекхон, қорлуқ-чиғил, девон, даргоҳ, қорахитой, мадраса, Мовароуннаҳр, хўжалик ҳаёти, ҳоким, султон, Хуросон, сулола, давлат, раис, устод, вазир.

Савол ва топшириқлар

1. IX – XII асрларда мавжуд бўлган давлатлар тарихи ҳақидаги асосий ёзма манбаларни изоҳлаб беринг.
2. VIII аср охири – IX аср бошларида Мовароуннаҳр ва Хуросонда сиёсий вазият қандай эди?
3. Абдуллоҳнинг сув тақсимоти ҳақидаги қонуни ҳақида нима дея оласиз?
4. Сомонийлар давридаги девонлар фаолиятини қандай изоҳлайсиз?
5. Маҳмуд Ғазнавий сиёсий фаолиятини қандай баҳолайсиз?
6. «Сиёсатнома» асари ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?
7. Хоразмшоҳ – Ануштагинийлар халқаро муносабатлари қандай кечган?

7-мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000.
3. Асқаров А.А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: Университет, 2007.
4. Бунёдов З.М. Хоразмшоҳ – Ануштагинлар давлати (1097–1231). – Тошкент: Мумтоз сўз, 2012.
5. Босфорт К.Э. Мусулмон сулолалари. – Тошкент, 2008.
6. Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиши жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001.
7. Низомулмулк. Сиёсатнома. – Тошкент: Адолат, 1997.
8. O‘zbekiston tarixi. Prof. R.H.Murtazayevaning umumiy tahriri ostida. – Toshkent: 2005.

9. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012.

10. Буюк сиймолар, алломалар. – Тошкент: Мерос (уч китоб), 1996,1998.

11. Уватов У. Донолардан сабоқлар. – Тошкент: Абдулла Қодирий, 1994.

12. Усмон Ориф. Баҳовуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. – Тошкент: Университет, 1993.

13. Насафий. Хожа Аҳмад Яссавий. – Тошкент: Ғофур Ғулом нашриёти, 1993.

14. Ирисов А. Ҳаким ибн Сино. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992.

15. Азизхўжаев А. Давлатчилик ва маданият. – Тошкент: Шарқ, 1997.

8-МАВЗУ. ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ҲАЁТИДА IX–XII АСРЛАРДА ЮЗ БЕРГАН УЙҒОНИШ ДАВРИ. АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Режа:

1. IX–XII асрларда маданий юксалишнинг шарт-шароитлари. Ўрта Осиёлик буюк алломаларнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси.
2. Хоразм Маъмун академиясининг илм-фан тараққиётидаги ўрни.
3. IX–XII асрларда ислом дини ва суфийлик. Буюк муҳаддис ва диншунос олимлар.
4. Меъморчилик ва санъат.

1. IX–XII асрларда маданий юксалишнинг шарт-шароитлари. Ўрта Осиёлик буюк алломаларнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси

IX–XII асрларда Ўрта Осиё ҳудудида юз берган Маданий уйғониш (ренессанс), унинг тарихи, мазмун-моҳияти, шу даврда ижод қилган буюк алломаю уламолар, уларнинг инсоният илм-фани, маданияти равнақига қўшган улкан ҳиссаси ҳамиша жаҳондаги тадқиқотчилар, олимлар диққат марказида турган. Шу боис ҳам бу хусусда ёзма манбалар жуда кўп.

XX аср тарихшунослигида ушбу масала билан қатор ғарб олимлари, хусусан, Г.Э.Грбнебаум, А.Мец, Л.Дахият, Ф.Лот, У.Уотт, К.Броккельманн, В.Шпулер, К. Босворт ва бошқалар қатор тадқиқот ишларини амалга оширганлар. Шунингдек, рус ва совет олимларидан С.П.Толстов, М.Е.Массон, И.И.Умняков, Б.А.Розенфельд, П.Г.Булгаков, В.В.Бартольд, И.Ю.Крачковский, ўзбек олимлардан Я. Ғуломов, И.Мўминов, О.И.Исломов, У.Каримов, М.Хайруллаев, Б.Аҳмедов, А.Ўринбоев, А.Ирисов, А.Носиров, И.Низомиддинов, А.Аҳмедов, Ҳ.Ҳасанов, Ф.Сулаймонова, Д.Юсупова, С.Каримова ва бошқалар қўйилган масаланинг турли жиҳатларини очиб беришга муваффақ бўлдилар. Буюк алломаларнинг ибратли ҳаёт фаолияти ва ижоди, юртимиздан етишиб чиққан улуғ зотларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссаси XXI асрга келиб ҳам илм аҳлини ўзига жалб қилиб келмоқда. Бу хусусида малакатимиз Президенти И.Каримов ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида ҳақли

тарзда қуйидагиларни эътироф этган эди: «... заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётганини ғурур билан таъкидлаш лозим».

Минг йилликлар давомида турли цивилизация ва маданиятлар, жаҳон савдо йўллари чорраҳасида жойлашган ўлкамиз ҳудудида ўзига хос бебаҳо маънавий қадриятлар ва маданият мавжуд бўлган. Илғор маданият, илм-фан халифалик ҳукми даврида айнан юртимиз ҳудудида ривож топган Бағдод халифалигидаги мусулмон уйғониш даври, илм-фан, маданият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. Улкан халифалик ҳудудларида тараққиёт даражаси турлича ўлка ва халқларнинг бир давлатга бирлашуви, улар ўртасида тегишли муносабатларнинг ўрнатилиши, иқтисодий ҳаётининг равнақ топиши ички ва ташқи савдо алоқалари ривожига туртки бўлди. Бу эса халифалик халқлари маданиятининг жадал тараққий этишига ҳам туртки бўлди. Бу даврда металлургия, тоғ-кон, тўқувчиликда янгиликлар татбиқ этилди, қоғоз, сопол, шиша ишлаб чиқариш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, қишлоқ хўжалигида сунъий суғориш, гидротехник иншоотлардан фойдаланиш, ирригация шохобчаларини қуриш, турли ўсимликларни экиб, кўпайтириш йўлга қўйилди. Ҳунармандчиликнинг кўплаб соҳалари ривожланиб, турли буюмлар сони ва сифати ўсди, ички ва ташқи савдо алоқалари янада ривожланди.

Дарё ва денгизларда ҳам янги савдо йўллари пайдо бўла бошлади. Шу даврда юзага келган кўплаб афсона, ривоят, ҳикоят, жумладан, «Минг бир кеча» эртакларида мазкур давр қаҳрамонлари фаолияти адабий талқинда, шарқона лутф билан баён этилган эди. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги кенг кўламли ўзгаришлар турли муаммоларни келтириб чиқарар эдики, буни фақат илм-фан ечишга қодир бўлган. Хусусан, табиий фанлар, математика, астрономия, геометрия катта иншоотларни қуриш, кемасозлик, савдо-сотиқ учун зарур бўлган. Аҳоли жойлашуви, кўпайиши, шаҳарларнинг тараққий топиши тиббиёт фанига эҳтиёжни туғдирган бўлса, ҳунармандчилик, тоғ-кон саноати учун геология, минералогия илмидан бохабарлик тақозо қилинган. Тараққиёт, шунингдек, кимё ривожига кенг йўл очади. Улкан халифалик ҳудудида араб тили нафақат восита тили, балки илм-фан тилига ҳам айланди. Шу даврда яратилган аксарият илмий адабиётлар араб тилида битилар эди. Аббосий халифалар (750–1258)

даврида юқорида таъкидланган ўзгаришлар янада тараққий этди, ислом маданияти, илм-фан юқори чўққига чиқди. Халифалик ўз давлат бошқаруви, турмуш тарзи, урф-одат, маданият, меъморчилик соҳаларида кўпроқ шарқий ҳудудлар, хусусан Мовароуннаҳрдан намуна олди, кўп ҳолатда Эрон, Хуросон, Мовароуннаҳр заминидан чиққан арбоблар халифалик ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнай бошладилар. Аббосийлар даврида яратилган маънавий бойликда аждодларимизнинг улкан ҳиссаси мавжуд эди.

762 йили халифалик пойтахти Дамашқдан Бағдодга кўчди. Тез орада Бағдод халифалик илмий марказига айланди. Аббосий халифалардан Хорун ар-Рашид (786–809), айниқса ал-Маъмун (813–833) нафақат илм-фанга хайрихоҳлик билан қарадилар, балки унинг ривожига ҳомийлик ҳам қилдилар. Хорун ар-Рашид даврида Бағдодда ташкил этилган кутубхонада кўплаб ноёб китоблар жам этилиб, бошқа тиллардаги адабиётларни таржимонлар араб тилига ўгирар эдилар.

Ал-Маъмун (813–833) ҳукмронлиги даврида илм-фанга ҳомийлик янада кучайди. Табобат, фалсафа, астрономия, математика фанларига оид юнон, сурия, санскрит, паҳлавий, хоразм тилларидаги асарлар араб тилига таржима қилинди. Халифа ал-Маъмуннинг Марвда жойлашган даргоҳидаги аксарият олимлар: Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Жавҳарий, Аҳмад Фарғоний, ал-Марвазий, Али ал-Марвазий ва бошқалар кейинги ижодий фаолият юритиш учун Бағдодга таклиф қилинди. Шу тариқа халифалик пойтахти Бағдодда «Байт ул-ҳикма» («Донишмандлар уйи») – «халифа Маъмун академияси» ташкил топди. Илм марказида немис тадқиқотчиси Ҳ.Зутер таъкидлаганидек, олимларнинг аксарияти Хуросон, Мовароуннаҳр, Бақтрия, Фарғонадан бўлган.

Шу тариқа аксарият бизнинг заминдан чиққан олимлар томонидан яратилган араб тилидаги илм-фан юзага келди. Европада кейинчалик катта хатога йўл қўйилиб, уларнинг барчасини «араб олимлари» деб аташган эди. «Байт ул-ҳикма»да юнон фани, ҳинд – санскрит маданияти ўрганилди, тиббиёт, астрономия, математикага оид адабиётлар таржима қилинди, уларнинг баъзиларига шарҳ ёзилди, замонавий алгебра, геометрия, оптика асослари яратилди, кимё фани жуда тараққий топди. Академия нафақат таржима ва таҳлил ишлари билан банд эди, балки илмий аснодаги экспедицияларни ҳам уюш-

тирган. Масалан, 830 йили ал-Хоразмий раҳбарлигида Ғарбий Ҳиндистон, кейинчалик Византияга сафарлар уюштирилган. Шу даврда нафақат пойтахт Бағдод, балки Кат, Марв, Бухоро, Самарқанд, Балх ва бошқа Ўрта Осиё ҳудудларидаги шаҳарларда ҳам илм-фан кенг тараққий топа бошлаган. Ислом дини Қуръон ва ҳадислардаги таълимотда илмга интилиш, диний билимлар билан бир қаторда, дунёвий илмларни ҳам эгаллашни тарғиб қилди. Бу эса ўз навбатида, оддий аҳоли ичида ҳам хат-савод чиқариш, бадиий адабиётдан бошланғич маълумот олиш, ислом динига оид билимлар кўникмасига эга бўлиш, афсона, ривоят, достон, эртаклардаги қаҳрамонларни мадҳ этиш имкониятини юзага келтирди. Натижада, шеърият, адабиёт юксак даражада ривожлана борди. Расмий доирада илм-фан, маърифатни қўллаб-қувватлаш мазкур соҳа вакиллари обрў-эътиборини ниҳоятда юксак мавқега эришувига сабаб бўлди. Ислом динининг бирлаштирувчи кучи туфайли илм-фан ва маданият бобида улкан муваффақиятлар қўлга киритилди. Аксарият замонавий фанларнинг пойдевори ҳам айнан шу даврда қўйилди.

Фанда «Уйғониш даври» деб аталадиган давр Ғарбий ва Марказий Европа мамлакатларида XIV–XVI асрлардаги ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалаш учун ишлатилган. Биринчи маротаба «уйғониш» атамасини XVI аср италян рассоми ва тарихчиси Ж.Вазари ўз асарларида ишлатади. «Уйғониш», «уйғониш даври» атамалари XIV–XVI аср ижтимоий-иқтисодий ривожланиш моҳиятини очиб бермасдан, кўпроқ антик давр меросини, яъни антик маданиятга ўхшаш маданиятни қайтадан «тирилиши», «уйғониши» маъносида ишлатила бошланди. Кейинчалик фанда бу атама кенг қўлланила бошланди. Шу маънода кўпчилик тадқиқотчиларнинг IX–XII асрлар Ўрта Осиё халқлари тарихида маданият ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ҳам «уйғониш» даври аташи тўлиқ мақсадга мувофиқдир.

IX–XII асрлар Ўрта Осиё халқлари тарихида моддий ва маънавий ҳаётнинг ривожланишида олдинги даврларга нисбатан кескин юксалиш даври бўлди. VIII асрда араб халифалиги ҳозирда Ўрта Осиё деб аталмиш ҳудудни фатҳ этиб бўлган, босиб олинган ерларда ислом дини кенг ёйилиб, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаёт араб халифалиги тартиб-қоидаларига бутунлай бўйсундирилган эди. Халифалик таркибига киритилган ўлкаларда фақат ислом динигина эмас,

балки араб тили ва унинг имлоси ҳам жорий этилди. Чунки араб тили халифаликнинг давлат тили бўлса, ислом дини унинг мафкураси эди. Шу сабабли бу мамлакатларда араб тилини ўзлаштиришга интилиш кучли бўлган. Исломни қабул қилган аҳолининг араб тили билан мулоқоти ибодат вақтларида Қуръон сураларини тиловат қилишдан иборат бўлган бўлса, маҳаллий зодагонлар араб тилини халифалик маъмурлари билан яқинлашиш ва мамлакатда ўз сиёсий мавқеларини тиклаб, уни мустаҳкамлашнинг гарови деб ҳисоблайдилар. Араб тилига бўлган бундай эҳтиёж ва интилиш туфайли кўп вақт ўтмай, Мовароуннаҳрда ҳатто ўз она тилидан кўра араб тили ва ёзувини ўзлаштириб олган билимдонлар пайдо бўлди. Чегаралари борган сари кенгайиб, улканлашиб бораётган халифалик учун илм аҳли сув ва ҳаводек зарур бўлиб қолди.

821 йилда Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг ноиби этиб тайинланган Тоҳир ибн Ҳусайн халифалик ўйлаганидек сиёсат юритмади. У халифа номини хутба намозидан чиқариб ташлашга кўрсатма берди. Тоҳирийлар сўзда ўзларини халифаликнинг ноибидек кўрсатсаларда, амалда мустақил иш юритиш ҳаракатини бошлаб юбордилар. Шундай қилиб, мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши учун замин пайдо бўлди.

873 йилда Тоҳирийлар ҳукмронлиги ўрнига Саффорийлар ҳукмронлиги ўрнатилди. Бу, ўз навбатида, Мовароуннаҳрни Хуросондан ажралиб, ўз мустақиллигини тиклаб олиши учун асос бўлди. IX асрнинг охирги чорагида Мовароуннаҳр Сомонийлар қўл остига ўтиб, мустақилликни янада мустаҳкамлаб олади. Сомонийлар сулоласининг энг йирик вакилларидан бири бўлмиш Исмоил Сомоний кучли давлат тузишга ҳаракат қилади ва бу ишни муваффақиятли равишда уддасидан чиқади.

Мовароуннаҳр деб аталадиган бу ҳудудда мустақил давлатларнинг ташкил топиши уларда сиёсий барқарорлик, иқтисодий ривожланиш ва маданий ҳаётнинг равнақига катта таъсир кўрсата бошлади. Бухоро, Самарқанд, Урганч ва Марв каби шаҳарлар илм-фан ва маданият марказлари сифатида шаклланиб, ривожлана бошлади.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, Ўрта Осиёда IX–XIII аср бошларида Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар давлатлари ҳукм сурдилар. Бу давлатлар халқаро майдонда ўз мавқеи ва тутган ўрни жиҳатидан катта эътибор ва ну-

фузга эга бўлдилар. Аҳмад, Наср, Исмоил Сомоний, Алптакин, Маҳмуд Ғазнавий, Тўғрулбек, Султон Санжар, Отсиз, Такаш сингари тадбиркор ва узоқни кўра оладиган давлат арбоблари даврида Ўрта Осиёда ҳаётнинг барча жабҳаларида юксалишларга эришилди, давлат ҳокимияти мустаҳкамланди, нисбатан тинчлик, осойишталик ва барқарорлик вужудга келди.

Тарихчи Абу Мансур ас-Саолобийнинг Сомонийлар Бухоросига берган таърифи бутун Ўрта Осиё давлатларининг IX–XIII аср бошларидаги аҳволига тегишлидир: «...шон-шуҳрат макони, салтанат каъбаси ва замонасининг илғор кишилари жамланган, ер юзи адибларининг юлдузлари порлаган ҳамда ўз даврининг фозиллари йиғилган (жой) эди». Ўрта Осиё ҳукмдорлари илм аҳли билан яқинлашдилар. Мамлакатни бошқаришда уларнинг билими ва маслаҳатларидан фойдаландилар. Ҳукмдорларнинг аксарияти бу даврда ўз саройларида олим, шоир ва уста санъаткорларни жамлашга, турли соҳалар бўйича қимматбаҳо китобларни тўплашга одатландилар. Саройга жалб этилган олим ва шоирлар кутубхоналардаги нодир қўлёзма асарлар билан мағрурланардилар.

Дамашқ, Қоҳира, Бағдод, Куфа, Басра ва бошқа катта шаҳарларда Ўрта Осиёдан бориб фан, маданият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган авлод-аждодларимиз бу даврга келиб кўпая борди. Бағдод шаҳри Шарқнинг илм-фан маркази сифатида оламга танилди, чунки IX асрда бу ерда «Байт ул-ҳикма» («Донишмандлар уйи») – Шарқнинг фанлар академияси ташкил этилди. Бунга монанд ҳолда X аср охирларида Хоразмда ҳам халифа Маъмун даврида (995–997 й.) «Донишмандлар уйи» – «Байт ул-ҳикма» – «Маъмун академияси» (Хоразм академияси) ташкил топди. Бу икки илм ўчоқларида Шарқнинг машҳур ва маълум олиму алломалари таҳсил олганлар. Улар орасида Аҳмад Фарғоний, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино ва бошқа буюк алломаларнинг номлари бор.

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783–850) қадимги Хоразм диёрида туғилиб, вояга етади. Ғоятда ўткир зеҳн эгаси ва ноёб қобилият соҳиби бўлган ал-Хоразмий ёшлик чоғидан бошлаб аниқ ва табиий фанларни ўрганишга қизиқди, араб, форс, ҳинд ва юнон тилларини эгаллади, бу тилларда ёзилган китобларни қунт билан ўқиб, мутолаа қилди. У дастлабки таълимни хусусий муаллимлардан олди ва сўнгра ўша даврнинг йирик маърифат марказларидан бири бўлган



Марв мадрасасида ўқиди. Халифа Хорун ар-Рашиднинг ўғли Маъмун халифалик тахтига ўтиргач (813 й.), Муҳаммад ибн Мусо **ал-Хоразмийни** ўзи билан бирга Бағдодга олиб кетади ва у ерда ташкил этилган «Байт ул-ҳикма»га бошлиқ этиб тайинлади. Бағдодда у Сурия, Ироқ, Эрон, Хуросон ва Мовароуннаҳр олимлари билан ижод қилади.

Хоразмий математика, геометрия, астрономия, география, тарих илми ва бошқа фанлар соҳасида баркамол ижод қилди. Унинг «Ал Жабр вал муқобала» («Тенгламалар ва қаршилантириш»), «Ҳисоб ал-Ҳинд» («Ҳинд ҳисоби»), «Китаб сурат ал-Арз» («Ер сурати ҳақида китоб»), «Китаб ат-Тарих» («Тарих китоби»), «Китаб ал-Амал Бил Устурлабат» («Устурлоб билан ишлаш ҳақида китоб») каби асарлари олимга жаҳоншумул шуҳрат келтирди. Хоразмий яратган 20 тадан ортиқ асардан бизнинг давримизгача фақат 10 тасигина етиб келган.

Хоразмий ижодий меросида «Алжабр ва ал-муқобала» китобининг илмий аҳамияти ниҳоятда буюкдир. Бу китоби билан у математика тарихида биринчи бўлиб алгебра фанига асос солди. «Ал-гебра» атамаси ушбу китобнинг «ал-жабр» деб юритилган қисқача номининг айнан ифодасидир. Хоразмий номи эса математикада «алгоритм» атамаси шаклида ўз ифодасини топди. Унинг «Ал-жабр» асари асрлар давомида авлодлар қўлида ер ўлчаш, ариқ чиқариш, бино қуриш, меросни тақсимлаш ва бошқа турли ҳисоб ва ўлчов ишларида дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Хоразмийнинг бу рисоласи XII асрдаёқ Испанияда лотин тилига таржима қилинади ва қайта ишланади. Кейинчалик асрлар давомида Европа олимлари Хоразмий асарларини қайта-қайта ишлаб, у асосда асарлар ёзадилар. Хоразмийнинг арифметик рисоласи, ҳинд рақамларига асосланган ўнлик позицион ҳисоблаш системаси Европада, қолаверса, бутун дунё тараққиётида буюк аҳамият касб этди, алгебрани мустақил фан даражасига кўтарди.

Олимнинг «Китоб ат-Тарих» («Тарих китоби») асарида Хуросон, Кичик Осиё ва Мовароуннаҳрнинг VIII–IX асрлар тарихига оид қисқа ва аниқ маълумотлари ўз ифодасини топган. Хоразмийнинг «Зиж»

(«Астрономик жадвал»), «Қуёш соати ҳақида рисола» асарлари фалакиётшунослик фанининг ривожланиш тараққиётига катта ҳисса қўшди.



Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Носир ал-Фарғоний 797–865 йилларда яшаб ижод қилган ватандошимиздир. Аҳмад Фарғоний ўз асарлари билан фан тарихида катта из қолдирди. У математика, география, астрономия, тарих соҳаларида ижод қилди.

Фарғонийнинг ижодий фаолияти Бағдодда улуғ мутафаккир олим Ал-Хоразмий раҳбарлигидаги «Байт-ул-ҳикма» билан боғлиқдир. У араб атамашунослигининг пайдо бўлиши ва илмий тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб, Бағдод ва Дамашқда расадхоналар қурилишида шахсан қатнашди. Аҳмад Фарғонийнинг китоблари дунёга маълум ва машҳурдир. «Китоб фи Усул илм ан-Нужум» («Фалакиёт илмининг усуллари ҳақида китоб»), «Фалакиёт рисоласи», «Фалак асарлари сабабияти», «Ал-Мажистий», «Илм-хайя», «Ал Фарғоний жадваллари», «Устурлоб билан амал қилиш ҳақида», «Ой ернинг устида ва остида бўлганида вақтни аниқлаш рисоласи», «Етти иқлим ҳисоби», «Устурлоб ясаш ҳақида китоб» асарларининг қўлёзмалари Англия, Франция, Германия, Миср, Ҳиндистон, АҚШ ва Россияда сақланмоқда.

Аҳмад Фарғонийнинг бу асарларидаги илмий кашфиётлари бутун жаҳон фани ва маданиятига улкан ва муносиб ҳисса қўшди. У 812 йилда қуёш тутилишини олдиндан башорат қилиб берди, ернинг думалоқ эканлигини илмий далиллар билан исботлаб, бир хил фазо ёритгичларни ҳар хил вақтда кўрилишини, тутилишини ҳамма жойда ҳар хил кузатиш мумкинлигини изоҳлаб берди.

Аҳмад Фарғоний яратган илмий кашфиётлар натижалари қайси фан соҳасида бўлишидан қатъи назар, ғоятда пишиқ, пухта ва ниҳоятда мукаммал бўлган. XII асрдаёқ олимнинг асарлари лотин тилига таржима қилинганлиги ва Европага тарқалганлиги бу фикрнинг исботидир. Европаликлар Аҳмад Фарғонийни «Ал Фраганус» деб атаганлар. Унинг асарларини лотин, немис, инглиз, француз, рус ва бошқа тилларга таржима қилганлар.



Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад Форобий 873 йилда Фороб (Ўтрор) яқинидаги Васиж шаҳарчасида таваллуд кўрган ва 951 йилда Дамашқда вафот этган.

Ўрта Осиёнинг йирик қомусий олимларидан бири, Шарқ уйғониш даврининг энг кўзга кўринган арбоби, Шарқ фалсафасининг отаси Форобий аввал Фороб, Бухоро ва Самарқандда билим олди ва турли тилларни ўрганди. Бағдодга келгач, фаннинг турли соҳалари бўйича билимларини чуқурлаштирди.

У илмий салоҳиятини ошира бориб, фаннинг деярли барча соҳаларини эгаллаб, 160 дан ортиқ асар ёзди. Форобийнинг риёзиёт, фалакиёт, табобат, мусиқа, фалсафа, тилшунослик ва адабиётга оид асарлари бутун оламга машҳур бўлди. У ёзган «Аристотелнинг «Метафизика» асари мақсадлари ҳақида», «Тирик мавжудот аъзолари ҳақида», «Мусиқа китоби», «Бахт-саодатга эришув ҳақида», «Сиёсат ал Мадания» («Шаҳарлар устида сиёсат юргизиш»), «Фозил одамлар шаҳри», «Масалалар моҳияти», «Қонунлар ҳақида китоб», «Тафаккур юргизиш мазмуни ҳақида», «Мантиққа кириш ҳақида китоб», «Фалсафанинг моҳияти ҳақида китоб» ва бошқа асарлари буюк олимнинг илм ва дунёқараш доирасининг беқиёс даражада кенглиги ва чуқурлигидан далолат беради.

Форобий фаннинг назарий ва фалсафий томонларини ёритишга ҳаракат қилган. У Платон, Аристотелнинг барча фалсафий, табиий, илмий асарларига, Птоломейнинг осмон жисмлари ҳаракати, Александр Афродийнинг руҳ ҳақидаги психологиясига оид, Галеннинг тиббиёт бўйича асарлари, Эпикур, Зенон, Эвклид рисолаларига тақриз ва шарҳлар ёзди. Агар илм-фан ривожидаги ўзининг қўшган буюк хизматлари учун Аристотел «Биринчи муаллим» унвонига сазовор бўлса, Форобий донишмандлиги, Аристотелни яхши билганлиги, қомусий ақли ва илм-фан тараққиётига қўшган катта ҳиссаси учун «Ал-муаллим ас-Соний – «Иккинчи муаллим», «Шарқ Аристотели» деган мўътабар унвон олди.

Форобийнинг «Инсон танасининг аъзолари ҳақида»ги рисоласи тиббиёт илмининг мақсад ва вазифаларини аниқлашга бағишланган. «Астрологиянинг тўғри ва нотўғри қоидалари ҳақида»ги рисоласи-

да астрологларнинг руҳий ва ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни осмоний жисмлар ҳақидаги илмий тахминларига асосланган фаолиятини, ёлғон тасаввурлар ва уйдирмалардан фарқлаш зарурлигини таъкидлайди.

Олимнинг кўп жилдли «Мусиқа ҳақида катта китоб» асарининг мусиқа илмининг катта билимдони, созанда ва ажойиб бастакор ҳам бўлганлигини тасдиқлайди. У янги мусиқа асбобининг ихтирочиси ҳам бўлган.

Ўрта аср фанининг ривожи ва тараққиётида Форобийнинг илм таснифи бўйича олиб борган илмий ижодий ишлари ғоятда қимматлидир. У «Илмларнинг келиб чиқиши ҳақида», «Илмларнинг таснифи ҳақида» ва бошқа рисолаларида ўша даврда маълум бўлган 30 га яқин илм соҳасининг тартиби, таснифи ва тафсилотини беради.

Форобийнинг илмий - фалсафий мероси халқимизнинг буюк маънавий бойлиги сифатида асрлар оша авлодлар учун муҳим ижод манбаи бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий (899–959) Бухоро яқинидаги Наршах (ҳозирги Вобкент туманида) қишлоғида 899 йилда таваллуд топган. Наршахийнинг илмий асарлари тўғрисида маълумотлар жуда кам. Унинг фақат «Тарихи Бухоро» («Бухоро тарихи») асари бизгача етиб келган. Асар қўлёзма нусхаларда ва ҳозирги замон илмий тарихий адабиётларда «Тарихи Наршахий», «Таҳқиқ ул-вилоят» («Вилоят ҳақиқатини аниқлаш»), «Ахбори Бухоро» («Бухоро ҳақида хабарлар») каби номлар билан аталиб келинган. Асарнинг турли номлар билан аталишига ҳам сабаблар бор. Бу асарнинг Наршахий томонидан ёзилган дастлабки асл нусхаси сақланиб қолмаган. Унинг бизгача етиб келган қисми 1128 йилда Қува шаҳридан бўлган Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Қубовий араб тилидан форс тилига қисқартириб таржима қилган нусхасидир. Ундан кейинги йилларда ҳам Наршахийнинг асари бир неча таҳрирларга учраган, баъзи матнлари қисқартирилган ва сўнгги воқеалар асосида тўлдирилган. Абу Наср Аҳмад Қубавий асар матнини қисқартириш билан чегараланмай, балки Табарий, Абу Ҳасан Нишопурийнинг «Ҳазоиқ ул-улум», Иброҳимнинг «Ахбар-и Муқанна» каби асарларидан фойдаланиб, уни тўлдиради. Ана шу тариқа, «Бухоро тарихи»га Наршахий яшаб ўтган даврдан кейинги 1178–1179 йиллардан 1220 йилларга қадар бўлиб ўтган тарихий воқеалар кириб қолган.

«Бухоро тарихи» асари ўзининг илмий аҳамиятини йўқотмаган ва ҳозирги кунда Сомонийлар даври тарихи бўйича энг ноёб, қимматли асар ҳисобланади. Асарда Сомонийлар давлатининг сиёсий, иқтисодий, маданий, ижтимоий ҳаётига оид маълумотлар келтирилган. Мовароуннаҳр ва Хуросон аҳолисининг араб босқинчиларига қарши Муқанна бошчилигидаги қўзғолони билан боғлиқ бўлган маълумотлар ҳам бу асарда маълум даражада ўз ифодасини топган. Наршахий сарой тарихчиси бўлганлиги сабабли ҳукмрон табақа сиёсатини ёқлаб, халқнинг ҳокимиятга қарши чиқишини қоралаган.



Биз ўрганаётган давр IX–XII аср фан ва маданиятининг равнақини **Абу Райҳон Беруний**сиз (973–1048 й.) тасаввур қилиш мумкин эмас. У ўз замонасининг барча фанлари – физика, математика, астрономия, геодезия, тарих, география ва бир неча бошқа фанларни пухта эгаллаган олим бўлган. У 362 ҳижрий йили (973 й.) Хоразмнинг қадимги Кат шаҳрида туғилди. Ўша даврда Кат шаҳри Хоразмшоҳлар – Африғийлар сулоласининг пойтахти бўлиб, Ўрта Осиёнинг Хитой, Ҳиндистон, Яқин Шарқ давлатлари, Кавказ ва Шарқий Европа давлатлари билан боғлаб турувчи савдо ва маданий марказларидан бири эди. Афсуски, Берунийнинг замондоши Ибн Синоникига ўхшаган таржимаи ҳоли бизгача етиб келмаган. Шунинг учун у бошланғич таълимини кимдан, қачон олганлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Аммо бир нарса аниқки, у ёшлигиданоқ илм-фанга жуда ҳам қизиққан, қобилиятли, меҳнаткаш бўлган.

У ўз она тилиси бўлган хоразм тилидан ташқари, яна бир қанча тилларни – суғдий, форс, ҳинд, юнон ва қадимги яҳудий тилларни ҳам ўрганган. У Ҳиндистонда бўлар экан, тез орада нафақат Ҳиндистон тарихи, маданиятини, ҳатто санскрит тилини ҳам ўрганади. Хоразмдаги Маъмун академиясининг энг кўзга кўринган фаол иштирокчиларидан бирига айланади. Шу билан бирга, у шоҳ Маъмун II нинг энг яқин маслаҳатчиси сифатида мамлакат сиёсий ишларида ҳам фаол қатнашади.

Беруний Урганчда яшаган даврида Ибн Сино билан ёзишмалар олиб борган. Бизгача уларнинг савол-жавобларидан 18 таси етиб

келган. Бу ёзишмалар Берунийнинг табиат фалсафаси ва физика масалалари билан қанчалик қизиққанлигидан гувоҳлик беради. Саволжавобларнинг мазмунида Аристотелнинг ақл билан ҳис этиш орқали чиқарган хулосаларига Беруний ўзининг тузатиш ва тажриба орқали аниқлаган хулосаларини қарши қўйган. Ибн Сино эса Аристотелни ҳимоя қилгани маълум бўлади.

Беруний Хоразмда яшаган вақтда ҳали жуда ёш бўлишига қарамай, Кат шаҳрида муҳим астрономик кузатишлар ўтказган. Бу кузатишлар учун ўзи асбоблар ихтиро қилган. Беруний 22 ёшида ўзи туғилиб ўсган ватанни ташлаб кетишга мажбур бўлади ва аввал Райга, кейин Журжонга келади. Бу ерда машҳур табиб, астроном, файласуф Абу Сахл Исо ал-Масихий билан танишади ва ундан таълим олади. Беруний ўзининг машҳур асарларидан бири бўлмиш «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарини Журжонда ёза бошлаган.

Тарихдан маълумки, 1017 йилда Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни босиб олади ва Берунийни ҳам Хоразмшоҳ саройидаги бир қанча олимлар қатори Ғазна шаҳрига олиб кетади. Беруний Ғазна шаҳрида 1017 йилдан то 1048 йилгача ҳаёт кечиргани маълум. Бу йиллар Беруний ҳаётида ўзига хос давр бўлади. Бир томондан ғурбатда яшаган бўлса, иккинчи томондан илмий фаолиятда жуда ҳам маҳсулдор даври бўлади. Беруний фаолиятини ўрганувчи олимларнинг фикрича, бундай ҳол, яъни давлат ишларига аралашмаган, сиёсий фаолиятдан четлашган олим ўзининг бўш вақтини илмий-тадқиқот ишларига сарфлайди.

Беруний табиат фанларининг ривожига бебаҳо ҳисса қўшган олимдир. У ўзининг илмий асарларида дунёнинг тузилиши ҳақида фикр юритганда Птолемей фикрига суянса ҳам, амалда ернинг ҳаракати ҳақида Птолемей тартибига зид келувчи фикрларни баён қилади. У «Геодезия» асарида геотцентризм билан боғлиқ бўлган баъзи назарияларнинг тўғрилигига шубҳа билан қараганлигини очиқдан-очиқ баён этади. Бу билан у дунёнинг гелиотцентристик тузилиши ҳақидаги назарияни яратишга ҳисса қўшганлардан бири ҳисобланади.

Беруний ўз даврининг катта математиги ҳам бўлган. У математика масалаларига бағишланган асарларида геометрия, арифметика, алгебра, сонлар назарияси, тригонометрия тушунчаларини маълум тартиб билан таърифлайди. Ҳозирги замон тадқиқотчиларининг кўпчилиги Берунийни тригонометрия фанининг ривожига қўшган

ҳиссасини жуда ҳам юксак баҳолашади. Улар Берунийни тригонометриянинг математикада мустақил фан деб билган олим сифатида кўрсатмоқдалар.

Беруний 1030 йилда «Ҳиндистон» номли энг йирик асарини ёзади. Бу асар жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, бу ҳақда жуда кўп ғарб ва шарқ олимлари ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Берунийнинг бу асари устида 20 йил иш олиб борган Э.Захау унинг арабча танқидий тексти билан инглизча таржимасини 1888 йилда Лондонда нашр эттиради. Ана шу олим «ҳиндшуносликда Берунийга тенг келадиган бирор олим на ундан олдин ва на ундан кейин бўлганлигини билмаймиз» – деган эди. Йирик арабшунос олим Р. Розен «Ҳиндистон» асарини қадимги ва ўрта аср ғарб ва шарқ адабиётида «мисли кўрилмаган» – деб баҳолайди. Ҳинд олимларидан Ҳамид Ризо эса «Ўрта аср ва янги замон муаллифларидан ҳеч бири Ҳинд маданиятининг чигал масалаларини илмий руҳда тушуниш бўйича Абу Райҳон Беруний эришган ютуқларга эриша олмади. Берунийнинг «Ҳиндистон» асари классик намуна бўлиб қолиши билан бирга, муаллифнинг қадимги ҳинд маданияти ва фанига тортиғидир» – деган эди. Абу Райҳон Беруний 1048 йили Ғазнада вафот этиб, ўша ерда дафн этилган.



Абу Али ибн Сино (980–1037) Бухоро яқинида жойлашган Афшона қишлоғида таваллуд топган. Отаси зиёли, ўқиган, билимдон киши бўлиб, асли Балхдан бўлган. Ибн Сино ўша давр зиёлилар оиласида ҳукм сурган турмуш тарзи тизими бўйича «Қуръони карим»ни ёшлик чоғидан ёд ола бошлайди. Бу билан кифояланиб қолмасдан, отаси унга фалсафа, ҳинд ҳисоби каби соҳаларни ҳам ўқита бошлайди. Ҳатто Абу Абдуллоҳ ан-Нашали деган кишини ўғлига мураббий қилиб олади. У ўспиринлик йилларида, 16 ёшида шунчалик чуқур шуғулланганки, ҳатто бирон-бир кеча ҳам тўйиб ухламаган экан. Фан асослари билан тинимсиз шуғулланиш, кўп вақтлар давомида амалга оширган машаққатли меҳнат тез орада ўз самарасини беради, у 17 ёшидаёқ олим сифатида шаклланиб, табиб деган ном чиқара бошлайди. Мукофот сифатида сарой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятига сазовор бўлади.

Ибн Сино ҳам ўша даврда Хоразмда фан ва маданият ҳомийси сифатида ном чиқарган Маъмун (999–1016) саройига боради. У ерда файласуф Абусахл Масиҳий, табиб Абул Хайир Хоммар, қомусий олим сифатида бутун дунёда тан олинган Абу Райҳон Беруний ва бошқа машҳур олимлар бор эдилар. Аммо олимнинг тинч ижоди бу ерда ҳам кўпга чўзилмайди. Хоразмни Маҳмуд Ғазнавий эгаллагач, у Ҳамадонга жўнайди. Ўша даврда Ҳамадон ҳукмдори Шамс ад-Давла бўлиб, у дардга чалиниб қолади. Ибн Сино Бухоро амирини даволаганидек, уни ҳам тузатиб юборади ва эвазига вазир этиб тайинланади. Ўша давр сарой фисқу фасодлари туфайли у зиндонга ташланади. Исфаҳон ҳукмдори Алоуддавла Ҳамадонни босиб олгач, у зиндондан озод қилинади.

Ибн Синонинг замондоши, унинг шогирди Жузжонийнинг ёзишича, у жисмоний жиҳатдан жуда бақувват бўлган. Бироқ шаҳармашаҳар дарбадарликда юриш, юқорида қайд қилганимиздек, кечалари ухламасдан узлуксиз ишлаш ва таъқиб остига олишлар олимнинг саломатлигига таъсир кўрсатади ва 1037 йилнинг июнь ойида 57 ёшида вафот этади. Бу буюк алломанинг қабри Ҳамадонда жойлашган.

Ибн Сино ҳақиқий энциклопедик олим бўлиб, ўз даврининг деярли барча фанлари билан муваффақиятли равишда шуғулланган ва уларга оид илмий асарлар яратган. Турли манбаларда унинг 450 дан ортиқ асарлари қайд қилинган бўлса ҳам, замонлар ўтиши билан уларнинг кўпи йўқолиб кетган ва бизгача фақат 242 таси етиб келган.

Ибн Синонинг тоғларни пайдо бўлиши тўғрисидаги ажойиб фикрлари, минереология ва геология фанларига қўшган ҳиссаси жуда салмоқлидир. Жумладан, у минералларни тўрт гуруҳга бўлиб, уларнинг оригинал классификациясини таклиф этади. Бу классификация то XIX асргача деярли ўзгаришсиз сақланиб келди. Олимнинг минереология соҳасидаги ишларининг муҳимлиги таъкидланиб, 1956 йилда Ўзбекистонда топилган минерал Авиценит деб аталган.

Ибн Сино ботаника масалалари билан ҳам кўп шуғулланган. Чунки табобатда ишлатиладиган доривор моддаларнинг аксарияти ўсимликлардан олинади. Машҳур швед ботаниги Карл Линней (1707–1778) Ибн Синонинг ботаника соҳасидаги хизматларини таъкидлаб, тропик мамлакатларда денгиз сувида ҳам ўсувчи ва доимо яшил ҳолда қоладиган бир дарахтни Авиценна деб атади. Ҳам Ғарбда, ҳам Шарқ-

да «Авиценна» ва «Шайхур-Райис» номи билан шуҳрат қозонган бобокалонимиз ҳақиқатан ҳам мустақил Ўзбекистон ёшлари қалбида ўз тарихи ва аждодлари билан фахрланиш ҳис-туйғуларини уйғотади.

Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рудакий (960–1041) тахминан 960 йилда Самарқанд яқинида жойлашган Панжрудак қишлоғида туғилган. Шунинг учун ҳам шоирнинг тахаллуси у туғилган қишлоғининг номидан келиб чиқиб Рудакий дейилади. Яна бошқа манбаларда айтилишича, ўша даврда халқ чолғу асбоблари орасида «руд» номли мусиқа асбоби бўлиб, шоир уни чалишни жуда яхши ўрганган, шунинг учун ҳам шоир тахаллусини шу асбобдан олган деб ҳам ҳисоблайдилар.

Рудакийнинг таржимаи ҳолига бағишланган барча манбаларда унинг камбағал оиладан эканлиги, ёшлигидаёқ мусиқа асбобларини яхши чалишни ва ашула айтишни севганлиги қайд этилади. Ёш шоирнинг шеърлар ёзиши ва мусиқага бўлган бундай муҳаббати тез орада уни машҳур қилиб юборади. Бу даврда шеърият, айниқса, сарой шеърияти, қасиданавислик, яъни шахсга мадҳия ўқиб, кўкларга кўтариб мақташ кенг авж олган эди. Қасиданависликнинг асосий моҳияти мақтов кимнинг шахсига қаратилган бўлса, ўша кишини улуғлаш бўлган. Рудакий эса маълумотларга қараганда, қасида тўқишга уста бўлган. Шунинг учун ҳам бўлса керак, уни Сомонийлар саройига таклиф қиладилар. У даврда ҳокимият тепасида Наср ибн Аҳмад турарди. Шу даврдан бошлаб, унинг ҳаётида сарой даври бошланади. Сарой ҳаёти ўзининг ўта мураккаблиги билан ажралиб турган, фисқу фасодларга тўла бўлган. Рудакий қариган вақтида саройдан қувилади ва қолган умрини ўзининг она қишлоғида фақирликда ўтказади. Саройдан қувилаётган пайтда унинг кўзига мил тортиб, кўр қилинади.

Рудакий форс-тожик шеъриятининг асосчиларидан бири ҳисобланади. XI аср шоири Рашидийнинг айтишича, Рудакийнинг бир миллион уч юз минг байт шеъри борлиги ҳисоблаб чиқилган. Аммо бизгача минг байт, эллик рубоий, шеърлар, достон ва бошқалар етиб келган, холос. Бу асарларда шоир дўстлик, муҳаббат, яхшилик қилиш, бировнинг дилини оғритмаслик каби улуғ инсоний фазилатларни улуғлайди. Доимо эзгулик қилишга чорлайди.

Рудакий ўз шеърларида ҳаётнинг ўзи устод эканлиги, ундан кўп нарсаларни билиб, ўрганиб олиш мумкинлигини таъкидлайди ва

шундай қилиш лозим эканлигини уқтиришга ҳаракат қилади. Ҳаёт таълими бутунлай бошқача таълим эканлигини, уни баъзида ширин, баъзида аччиқ эканлигини кўрсатади. Бундай таълимни ҳеч бир ўқитувчи бера олмаслигини уқтиради.

Ҳар бир киши олмаса ҳаётдан таълим,
Унга ўргата олмас ҳеч бир муаллим.

Бизгача Рудакий қаламига мансуб «Калила ва Димна», «Даврони офтоб», «Синднома» каби поэмалардан парчалар етиб келган. Рудакийнинг асарлари ҳақида гап юритар эканмиз, унинг тили содда, кенг халқ оммасига жуда ҳам тушунарли бўлганлигини кўрамиз. Шунинг учун ҳам у кенг халқ оммаси орасида шуҳрат топган. Унинг асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Маҳмуд Қошғарий фаолияти билан бевосита шуғулланувчи олимларнинг фикрича, бу зот 1029–1038 йиллар орасида Қашғарда туғилган. У ўзига тўқ, зиёли оиладан бўлиб, Қашғарда яхши билим олади. Ҳатто у Бухоро ва Нишопур шаҳарларида ўз билимларини кенгайтириб, катта-катта олимлар билан суҳбатда бўлади. Маҳмуд Қошғарий яшаб ижод этган йиллар Қорахонийлар давлатининг гуллаб-яшнаган даврига тўғри келади. Маҳмуд Қошғарий жуда кўп сафарларда бўлади ва ўзининг асарлари учун бой маълумотлар тўплайди. Кўп йиллик изланишлар натижасида «Девони луғатит турк» ва «Жавоҳири-наҳв» «Турк тили синтаксиси асослари» асарларини ёзади. Минг афсуслар бўлсинки, охирги асар ҳанузгача топилмаган. Маҳмуд Қошғарийни бутун илм оламига танитган асари унинг «Девони луғатит турк» асаридир. Бу китоб араб тилида ёзилган. Унда олим кўп йиллар давомида туркий қабилалар орасида олиб борилган кузатишлар асосида туркий тилларни қиёсий ва тарихий усуллар билан таҳлил қилган ва бу тилларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилган. Олимларнинг фикрича, муаллиф ушбу тадқиқотида жуда кўп сўзларнинг этимологиясини ҳам аниқ ва тўғри изоҳлаб берган.

Асар икки қисм (муқаддима ва луғат)дан иборат. Олим асарга ўзи тузган дунё харитасини ҳам илова қилади. Бу ҳол асарнинг қимматини янада оширади. Харита доира шаклида чизилган бўлиб, унда мамлакат, шаҳар, қишлоқ, тоғ, чўл, довон, денгиз, кўл, дарё ва ҳоказолар

номлари ёзилган. Харитада ёзилмай қолган номлар эса асар матнида берилган. Харита, асосан, ҳозирги Шарқий ярим шарга тўғри келади. Маҳмуд Қошғарийнинг ўзи бу ҳақда шундай ёзган: «Румдан Мочингача бўлган... шаҳарлар ўрнини аниқлаш мақсадида уларнинг ҳаммасини ер шаклидаги доирада кўрсатдим».

Асарда турли уруғ-қабилалардан қипчоқ, ўғиз, татар, ямак, басмил, ябону, қай, бошқирт, қирғиз, уйғур, жамил, тару, ичроқ, тухси, яғмо, чигил, тангут, табғоч, шунингдек, форс, араб, хитой, рус халқлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади. Асарда булардан ташқари бир неча туркий тилдаги ҳикматли сўзлар берилган.

Маҳмуд Қошғарийнинг бу асарида Ўрта Осиё ҳудудидаги бир қанча шаҳарлар номларининг келиб чиқиши масалалари ҳам алоҳида кўрсатилган. Китобда туркий ёзув тўғрисида аниқ маълумотлар берилиб, 18 ҳарфдан иборат турк (уйғур) алифбоси ҳам кўрсатиб ўтилган.

Маҳмуд Қошғарийнинг бу китоби дунё халқларининг жуда ҳам кўп тилларига таржима қилинган. Асарнинг бунчалик катта аҳамиятга эга бўлиши муаллифнинг ҳаётни яхши билганлиги, турли билимларни пухта ўзлаштирганлиги ва асарни ҳаёт тажрибасига асосланиб ёзганлигидан далолат беради. Шунинг учун бу асар ўз илмий қимматини бугунги кунда ҳам йўқотгани йўқ.

Қорахонийлар даврида яшаган яна бир ўз даврининг атоқли шоири, донишманд ва давлат арбоби **Юсуф Хос Ҳожиб**дир (XI аср). Унинг таржимаи ҳоли, туғилган йили ва ҳаёти тўғрисида ёзилган бирон-бир асар сақланиб қолмаган. У Қорахонийлар сулоласининг пойтахти Баласоғунда туғилган ва шу ерда ижод этган. Ҳозирги кунда Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» – «Бахт-саодатга бошловчи билим» деб номланган дидактик, бадиий-фалсафий асари бизгача етиб келган бўлиб, бошқа асарлари маълум эмас. Шоирнинг ўзи бу ишга роппароса 18 ой сарфлаган ва унга жуда ҳам пухта тайёргарлик кўрган.

Асар насрий муқаддимадан сўнг 77 байтдан иборат бўлган шеърий муқаддима билан бошланиб, 73 бобнинг мундарижаси берилади. Бошланғич боблар ўша давр анъаналарига биноан бошланиб, Аллоҳ ва Пайғамбар, ислом динининг фойдаси ва дунёвий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-илмий масалалар билан тугалланади.

Асар шунчалик кўп қамровлики, унда кўтарилган масалаларни оддий санаб ўтишнинг ўзи ҳам бир неча саҳифаларни ташкил этади:

Масалан: Етти сайёра ва ўн икки бурж.
Инсон фарзандларининг қадри билим ва тафаккурда.
Тилнинг фазилат ва манфаатлари.
Китоб эгасининг узри.
Билим ва ақл-идрокнинг фарқи тўғрисида.
Баҳад мадҳи.
Ой тўлдининг бахт ҳақидаги ҳикояси.

Ана шу санаб ўтилганлардан ҳам кўриниб турибдики, асарда шоир инсон масаласини ажратиб олади. Инсоннинг ижтимоий моҳияти, унинг ҳаётдаги ўрни, вазифаси ҳар томонлама таҳлил қилинади.

«Қутадғу билик» асарида билим ҳақида алоҳида боб бўлиб, унда билимдан ҳеч бир зиён бўлмаслиги, у кишиларга фақат фойда, қадр-қиммат, ҳурмат ва эҳтиром келтириши айтиб ўтилади. Шунингдек, асарда марказлашган давлатни мустаҳкамлашга қаратилган низоларга чек қўйиш каби ўша давр учун жуда катта аҳамиятга молик бўлган масалаларга ҳам алоҳида эътибор берилади. Шу билан бирга, давлатни идора этиш йўллари, бунинг учун беклар бу йўлда ўз атрофига билимдон, ақлли одамларни тўплаши лозим эканлигини алоҳида таъкидлайди. Эл-юртни бошқариш асосида икки нарса ётади деб кўрсатган шоир. Бири адолат кўрсатиш бўлса, иккинчиси, улардан марҳаматни аямасликдир. Юқорида қайд қилинганидек, шоирнинг бу асари дунё жамоатчилиги томонидан яхши қабул қилинган энг нодир асарлар қаторидан ўрин олган.

Мустақиллик йилларида буюк аждодлар илмий мероси ва фаолиятини қайта ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Уларнинг хотираларига юксак ҳурмат ва эҳтиром давлатимиз сиёсатининг асосий қирраларидан бири бўлиб қолди.

2. Хоразм Маъмун академиясининг илм-фан тараққиётидаги ўрни

Илмий марказ тузиш, фан тараққиётига хизмат қилиш, унинг самараларидан фойдаланишга интилиш анъанаси X аср охири – XI асрнинг бошларида Хоразмда ҳукмронлик қилган Маъмунийлар (995–1017) сулоласи даврида ҳам давом эттирилди ва янада юқори поғонага кўтарилди.

995 йил Гурганж амири Маъмун ибн Муҳаммад ибн Ироқ Африғийлар сулоласига барҳам беради. Кат шаҳрини босиб олади ва пойтахтни Гурганжга кўчириб, ўзини Хоразмшоҳ деб эълон қилади. Унинг вориси Али ибн Маъмуннинг таклифи билан 1004–1005 йилларда Абу Наср ибн Ироқ, Ал Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масиҳий, Ал Хўжандий, кимёгар олим Абду Малик ас-Солибий каби ўз даврининг ўнлаб буюк олимлари Гурганж шаҳрига тўпланадилар. Шу тариқа 1004 йилдан бошлаб Гурганжда «Дор-ул-ҳикма ва маориф» (баъзи манбаларда «Мажлиси уламо») номини олган илмий муассаса тўла шаклланди.

Бу ерда илмнинг барча соҳаларида тадқиқот ва изланишлар олиб борилган, жуда кўп манбалар тўпланган, таржимонлик ишлари бажарилган. Ҳинд, юнон, араб олимларининг ишлари ўрганилган.

XVIII–XX аср тарихчи олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар бу даргоҳ ўз даврининг Академияси бўлганлигини исботлади. Унга шартли равишда «Хоразм Маъмун академияси» деб ном берилди.

Хоразм Маъмун академияси жаҳон илмий тафаккури, маданий ва маънавий тараққиётининг беназир ҳодисаси сифатида тарихда чуқур из қолдирган. Дунё цивилизацияси тарихида бундай анъаналар қадимий илдизларга эгадир. Афлотун Академияси «боғ суҳбатлари» – олимларнинг турли мавзулар бўйича баҳс-мунозаралари шаклида амал қилган бўлса, кейинги даврлардаги илмий марказлар олимларнинг доимий иш олиб борувчи уюшмаларига айланган.

Ушбу тарихий анъаналар араб халифалиги даврида янги сифат даражасига етди. Бағдодда Маъмун ибн Хорун ар-Рашид даврида ташкил топган «Байт ул-ҳикма» шарқнинг энг буюк алломаларини шу жумладан, Ўрта Осиёлик олимларни ўз атрофига тўплаган эди. «Байт ул-ҳикма» ўз даври фан тараққиётини юксак даражага етказибгина қолмай, мумтоз юнон-рим антик даври фанининг ёйилишига ҳам хизмат қилди.

X аср охири – XI аср бошларига келиб араб халифалиги сиёсий ҳокимиятида таназзулий ҳолатлар кузатилган бир вазиятда анъанавий давлатчилик занжири узоқ асрлар давомида узилмай келган Хоразм бирмунча барқарор ривожланиш палласида эди. Хусусан, Африғийлардан ҳокимиятни олган Маъмунийлар даври бор-йўғи 22 йилни ташкил этса-да, ижтимоий-сиёсий, маданий соҳаларда ўзига хос

жўшқин давр бўлди. Айни шу қисқа даврнинг 1004–1017 йиллари орасида шаклланиб, тез суръатлар билан ривожланган **«Байт ул-ҳикма» – «Мажлиси уламо»** шарқона «академиячилик»да мисли кўрилмаган илмий салоҳиятни ишга солди. Асрлар оша тўпланган илмий тажрибалар, Бағдод «Байт ул-ҳикма»си анъаналари тарих тақозоси билан Хоразм тупроғида янада юксак поғонага кўтарилди. Хоразм Маъмун академияси жаҳоний, умумбашарий аҳамиятга эга улкан илмий мерос қолдиришга эришди.

Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган юбилей тантаналарида Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов Хоразмдаги Маъмун академиясини қайта тиклаш ташаббуси билан чиқди ва 1997 йил 11 ноябрда имзо чеккан фармонига биноан Хива шаҳрида Маъмун академияси қайта ташкил қилинди. Бу воқеа ўзбек халқи маданий ва маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллади. Ўзбекистоннинг таклифи ва ташаббуси билан ЮНЕСКО томонидан Маъмун академиясининг 1000 йиллигини халқаро миқёсда нишонлашда иштирок этиш ҳақида қабул қилинган қарор ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шунга мувофиқ қарори асосида 2006 йил 2 ноябрь куни Хива шаҳрида юбилей тантаналари ва халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Президент Ислом Каримов тантанали мажлисда нутқ сўзлади. Ўз нутқида Президентимиз Хоразм Маъмун академияси тарихини ва илмий меросини узлуксиз таълим жараёнига киритиш ҳақида муҳим таклифни ўртага ташлаб, жумладан, шундай деган эди: «Қадимги Хоразм диёрида азал-азалдан илму фан, санъат ва ҳунар равнақ топиб, гуллаб-яшнаган. Юртимиздаги дастлабки Академиялар, хусусан, Маъмун академияси ҳам айнан шу ерда вужудга келганини доимо фахру ғурур билан эслаймиз. Бу ўлкадан етишиб чиққан Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний-дек даҳо аждодларимиз жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшиб, ўз ақл-заковати, ўз салоҳияти билан шу юртимизнинг номини оламга тараннум этдилар».

Х аср муаллифлари Хоразм замини бойликларини, маданий экинлар турларини, халқ турмуш тарзини ифодаловчи кўпгина маълумотлар қолдирганлар. Улар бу ўлканинг узумзорлари, боғ-роғлари кўплигини, бой шаҳар-қишлоқлардан таркиб топганини, халқи билимли, маданиятли эканлиги тўғрисида ёзганлар.

Масалан, Хоразм Маъмун академияси алломаларидан Абу Мансур ас-Саолибий у ердан қўйлар, мўйна, ажойиб ёйлар, тузланган балиқлар олиб кетилишини баён қилган. Хоразмда деҳқончилик юқори даражада ривожланган бўлиб, ўша даврда ўлкада етиштирилган полиз маҳсулотлари, айниқса қовун бутун дунёга машҳур эди.

Ўлкада ҳунармандчилик ҳам тараққий этган. Бухоро, Самарқанд, Гурганж ҳунармандлари ўз устахоналарини Оролбўйи, Волгабўйидан тортиб, то Хитойгача бўлган ҳудудда ташкил қилганлар. Улар сифати ўша давр учун анча юқори бўлган уруш анжомлари, хўжалик буюмларини ишлаб чиқарганлар.

Амударё қуйи оқимида жойлашган Гурганж бутун Марказий Осиёда йирик иқтисодий, сиёсий марказлардан бирига айланади. Хуросон, Мовароуннаҳр, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа мамлакатлар карвонлари шаҳарда тўхтаб, Устюрт орқали Волга бўйига чиқиб, Қора денгиз атрофи, Европа томон йўл олардилар.

Маъмун ибн Муҳаммад (992–997), Али ибн Маъмун (997–1009) лар давлат мустақиллигини янада мустаҳкамлаб, унинг ҳарбий қудратини оширдилар. Энди қўшни бўлган, Хуросонда яқинда ташкил топган Ғазна подшолиги, араб халифалиги, Киев Руси ҳам уни тан олар эди. Хоразм бошқа давлатлар сиёсатида ҳам фаол иштирок этадиган бўлди. Ҳатто Киев князи Владимир Хоразмга ўз вакилларини юборганлиги ҳақида маълумотлар бор. Маъмунийлар мамлакат ҳудудини ҳам анча кенгайтиришга муваффақ бўлдилар: энди Хоразм Сирдарё, Каспий (Хозор) денгизи, Волгабўйи оралиқларини ўз ичига олган эди.

Чет давлатлар билан сиёсий, иқтисодий алоқаларнинг ўсиши, мамлакат мустақиллигининг мустаҳкамланиши ўлкада илм-фан, маданиятнинг юксалишига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Хоразмликлар узоқ ўлкаларга бориб савдо қилишлари натижасида ўзга халқлар маданий ҳаёти билан танишиш имконига эга бўлганлар. Хоразмда осойишталик ва тинчлик қўшни мамлакатлар олимлари, шоиру санъаткорларини ўзига тортар эди.

997 йил бошида Хоразмшоҳ Маъмун ибн Муҳаммад вафот этиб, тахтга Абу-л-Ҳасан ибн Маъмун ўтиргач, Беруний Хоразмга қайтиб келади. Лекин Гурганжга келмай, эски пойтахт Катга келади. Янги Хоразмшоҳ бу пайт яқин қўшни мамлакатлар билан яхши алоқалар ўрнатиб, Гурганжга олимлар ва адибларни тўплай бошлаган

эди. Хоразмшоҳ Али ибн Маъмун билимдонлиги ва илмга бўлган қизиқиши билан машҳур эди. У ҳукмронлик қилган даврда Гурганж Шарқнинг энг йирик илм-фан ва маданият марказларидан бирига айланди. Али ибн Маъмун саройидаги олиму уламоларга ижодий фаолияти учун шароит яратиб бериб, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

Беруний 998 йил охирида қандайдир сабабларга кўра Каспийнинг жануби-шарқидаги Гургон шаҳрига Қобус ибн Вашмгир Зиёрий (978–1012) саройига боради. У Катга қайтиб келиб, кенг кўламда илмий ишлар олиб боради, 995–997 йиллар орасида узилиб қолган кузатишларини тўлдиради ва давом эттиради, Ибн Сино билан фалсафий ёзишмада бўлади. Аллома Гургонда то 1004 йилга қадар муқим туради. Бу йиллар у чуқур илмий изланишлар, астрономик кузатишлар олиб боради ва анча йил илгари Хоразмда бошлаган йирик илмий асари «Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар» («Осор ал-боқия ан ал-қурун ал-хомия»)ни ёзиб тугатади. Бу орада Гурганжда Хоразмшоҳ Али ибн Маъмун саройида олим ва адибларнинг катта гуруҳи тўпланган эди. 1005 йили у ерга Бухородан Абу Али ибн Сино келади.

Ўз таржимаи ҳолида Абу Али ибн Сино қуйидагиларни ёзган эди: «...кейин зарурат юзасидан Бухорони тарк этиб, Гурганж томонга кўчишимга тўғри келди. У ерда илмни севувчи Абу-л-Ҳасан ас-Сахрий вазир эди. У ернинг амири ҳузурига кирдик. Амир Али ибн Маъмун эди. Мен учун, менга ўхшаганларга бериладиган миқдорда ойлик тайин қилишди».

Берунийнинг Гурганжга келиши билан Хоразмшоҳ саройида тўпланган олимлар давраси тўлади. Ўша 1004 йилни шартли равишда Хоразмдаги Маъмунийлар илмий тўгарагининг ёки ҳозирги ибора билан айтганда, Маъмун академиясининг тўла шаклланган даври дейиш мумкин. Маъмун академиясида тўпланган олимлар рўйхати бизгача етиб келмаган ва уларнинг таркиби ҳақида биз фақат тахминлар қилишимиз мумкин. Лекин Абу Мансур ас-Саолибийнинг гувоҳлик беришича, Гурганжда тўпланган фақат арабийнавис адибларнинг ўзи 200 га яқин бўлган.

Хоразмшоҳ Абу-л-Аббос Маъмун саройидаги илмий тўгаракнинг академия дейилиши масаласига келсак, бунга ўрта аср муаллифларидан Абу-л-Ҳасан Байҳақий (1105–1169) ва Низомий Арузий Самар-

қандий (1090–1180) гувоҳлик берганлар. Хусусан, Низомий Арузий Самарқандий ўзининг «Чаҳор мақола» номли асарида бу ҳақда қуйидагича хабар беради: «Хоразмшоҳ Абу-л-Аббос Маъмуннинг бир вазири бор эди, оти Абу Ҳусайн Аҳмад Муҳаммад ас-Сухайл эди, фалсафий тафаккур, олижаноб қалбга эга ва маърифатпарвар эди. Хоразмшоҳнинг ўзи ҳам фалсафага майли кўп ва зукколарга мурувватли эди. Ана шулар туфайли саройда кўплаб файласуфлар ва уламолар тўпланди. Жумладан, Абу Али ибн Сино, Абу Сахд Масихий, Абу-л-Хайр Ҳаммор, Абу Райҳон Беруний ва Абу Наср ибн Ироқ... Уларнинг ҳаммаси шу хизматда ҳаётий эҳтиёжларининг ҳаммаси билан тўлиқ таъминланган эди, ўзаро дўст эдилар, суҳбатлар ва ёзишмалар билан ором олардилар». Байҳақий ҳам шу сўзларни деярли такрорлайди.

Гурганж айнан шу даврда гуллаб-яшнаган. Уни Оқ қалъанинг олти метр баландликдаги мустаҳкам деворлари ўраб турган. Янги қурилган чиройли бинолар шаҳар кўркига кўрк қўшган. Муқаддасий «Гурганж кун сайин кенгайиб бораяпти, Хўжаж дарвозаси олдида ал-Маъмун томонидан қурилган сарой қад кўтарган. Бу сарой дарвозаларига тенг келадигани бутун Хуросонда йўқ. Унинг олдига ал-Маъмуннинг ўғли Али сарой қурдирган. Сарой олдида Бухородагидек майдон бор», – деб ёзади.

Али ибн Маъмун Гурганжда масжидлар, мадрасалар, касалхоналар қурдирган. Шаҳар кўчаларида тозалик юқори даражада бўлган. Зеро, ўша даврларда бунга жиддий эътибор билан қаралган. Йўлларга силлиқланган тошларнинг ётқизилиши, шаҳар ҳаётининг аъло даражада ташкил қилинганлиги IX–XII аср шаҳарларининг алоҳида тартибли бўлишини таъминлаган.

X аср охири —XI аср бошларида Гурганж нотинчликлардан холи бўлиб, у ерда илм фидойилари учун етарли шароит мавжуд эди. Шаҳарда ўз вақтида Абдушукур Балхий, Абулқосим Фирдавсий, Абу Наср Форобий каби IX–X асрларнинг улуғ алломалари ижод қилганлар. Маърифатпарварлиги, илм аҳлига эътибори билан машҳур бўлган Маъмун ибн Маъмун ҳам ўз саройидаги олимларга иззат-ҳурмат кўрсатиб, уларнинг ижодий ютуқларига катта қизиқиш билан қараган.

Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун академияси («Мажлиси уламо»)да Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Сахл Масихий, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Саид ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Му-

жавайх, Абу Мансур ас-Саолибий, Аҳмад Муҳаммад ас-Сахрий, Зайнуддин Журжоний, Абулкарим Зирғалий, Абу Абдуллоҳ ал-Вазир, Абул Ҳасан Маъмун, Абу Муҳаммад Хоразмий, Абдуаввал ибн Абдусамадий, Абу Азоқ ибн Бахном, ал-Косий, Абу Абдуллоҳ Илоқий, Абу Абдулла ан-Найсабурий ал-Хоразмий, ал-Ҳамдақий, Ихмад Масъурий, Абу Муҳаммад Раккоший, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Абубакр Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Сухайл ал-Хоразмий ва бошқа олимлар математика, астрономия, астрология, руҳият, мантиқ, тиббиёт, фалсафа, тарих, тилшунослик, таълим-тарбия, кимё, адабиёт, мусиқа, география, геодезия, топография, механика сингари турли фан соҳалари билан шуғулланиб, бу илмларнинг келажакдаги тараққиётига замин ҳозирладилар.

3. IX–XII асрларда ислом дини ва сўфийлик. Буюк муҳаддис ва диншунос олимлар

IX–XII асрларда ислом дини Ўрта Осиё халқлари давлатчилиги тарихида катта роль ўйнай бошлади. Мовароуннаҳрда бу давр араб халифалигидан мустақил бўлган давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши даври бўлган бўлса, ислом бу вақтда Шарқда кенг тарқалиб, жаҳон дини даражасига кўтарилади, мусулмон дунёсининг мафкурасига айланади. Араб тили давлат тили даражасига кўтарилади. Азалдан саводли бўлган, маданияти юқори даражага кўтарилган халқ тез орада нафақат араб тилини, балки исломни ҳам чуқур ўрганиб, араб тили ва шариат масалаларида китоблар ёзадиган олимларни етиштириб чиқара бошлади.

Халифаликдан ажралиб чиққан мустақил давлатлар Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар ва Ғазнавийлар, Хоразмшоҳлар даврида бу марказлашган давлатларни янада мустаҳкамлаш учун ислом динига, унинг таълимотига, тарихий аҳкомларига эътибор бир неча бор кучая бошлайди. Шаҳарларда масжидлару мадрасалар қурилишига эътибор берила бошлади. Масалан, манбаларнинг дарак беришича, Бухорода дастлабки мадраса Ковушдўзлар тими яқинида барпо қилинади. Ҳатто қонуншунослар учун ҳам махсус «Фақиҳлар мадрасаси» деган ихтисослаштирилган мадраса қурдирилган. Бундай билим масканларида Қуръони карим, Ҳадис илми ва шариат асослари ҳар томонлама мукаммал ўрганилган.

Ўша давр шаҳарлари орасида ислом дини таълимотини чуқур тарғиб қилишда Бухоро шаҳри алоҳида ўрин эгаллайди. Юқорида қайд қилинганидек, мадрасаю мактабларнинг борлиги бу ерда етук илоҳиёт фани намояндалари етишиб чиқишига хизмат қилади. Шунинг учун бўлса керак, Бухоро шу даврдан бошлаб «Қуббатул ислом» – «Ислом динининг гумбази» номи билан шуҳрат топа бошлайди.

Секин-аста марказлашган давлатнинг асосий мафкурасига айланган ислом дини бошқа диний қарашларни сиқиб чиқаради ва халқ оммасини итоатда ушлаб туриш учун қурол воситаси ролини ҳам бажара бошлайди.

Бу даврда ислом таълимоти ривожига бебаҳо ҳисса қўшган Имом ал-Бухорий ва Исо ат-Термизий каби кўплаб уламолар етишиб чиқдилар. Улар шу кунга қадар Ҳадис илмининг энг кўзга кўринган, бутун мусулмон дунёси томонидан тан олинган алломалари даражасига кўтарилган зотлардир.

Имом Бухорий (809–870) Бухорода туғилиб, шу ерда биринчи билимларни олади. Сўнгра билимини янада чуқурлаштириш мақсадида Макка, Мадина, Бағдод, Дамашқ, Куфа, Нишопур каби шаҳарларга боради. Манбалардан бизга маълумки, Имом Бухорий ислом дини масалаларига бағишланган 20 га яқин асар ёзган. Шу китоблар орасида Бухорийни бутун дунёга машҳур қилган асари «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» («Ишончли тўплам»)дир. Бу асар 160 қисмдан иборат бўлиб, 3450 бобни ўз ичига олади. Унда 7275 та ҳақ ҳадис мужассам бўлган. Бухорий ҳадисларни тўплаш ва баён этишда унинг ҳақиқийлигига асосий эътибор берган, унинг ҳақиқатга яқинлигини исботловчи далилларни келтирган ва шу асосда ҳадисларни классификация қилган олимдир. Унинг диққат марказида фаннинг инсон учун тарбиявий аҳамияти, унинг маънавий юксалиши, фозиллиги, донолиги, яхши ва ёмонни ажрата олиши туради. Умрининг охирида у ўз Ватанига қайтиб келади ва Самарқанд яқинида вафот этади. Мустақиллик йилларида бу улуғ бобокалонимиз руҳини шод этиб, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан унинг вафот этган жойида улкан мажмуа – бино барпо қилинди. Ҳозирда бу жой нафақат мамлакатимиз фуқароларининг, балки бутун мусулмон дунёси аҳлининг зиёратгоҳига айланган.

Имом ат-Термизий (824–892 йй.) Термиздан унча узоқ бўлмаган Буғ қишлоғида туғилган. У ҳам Бухорий сингари Шарқнинг жуда

кўп шаҳарларида бўлиб, ўз билимини оширишга ҳаракат қилади. Ат-Термизий ҳадислардан ташқари филология, тарихга оид асарлар ҳам ёзди. Унинг 10 дан ортиқ ёзган асарлари орасида номини бутун мусулмон оламига машҳур қилган асари «Жоме ат-Термизий» ёки «Сунан ат-Термизий»дир. Бу асар исломда уламолар томонидан ҳақиқат деб тан олинган машҳур ҳадислар тўпламидан биридир.

Ислом динининг мамлакатда асосий дин сифатида тан олиниши, бошқа динларнинг оёқ-ости қилиниши, бу даврда меҳнаткаш омма турмуш тарзининг оғирлашуви уларни юпатишга, руҳини енгил қилишга ёрдам берувчи ғояни қидиришга мажбур қила бошлади. Бу ғоя – тасаввуф ғояси бўлди.

Тасаввуф, яъни суфийлик ислом дини асосида шаклланган диний-фалсафий оқим бўлиб, покланган, зоҳид, тақводорлик маъносини англатади. Унинг асосида бу дунё лаззатларидан воз кечиш орқали Аллоҳга етиш, уни билиш, у билан бирлашиш йўлини қидириш ётади. Суфийлик, Қуръон ва шариат талабларини албатта сўзсиз бажариш, ўзини Худонинг қули деб билиш кабилар, ўз хоҳиши билан покланиб, Аллоҳга, руҳий маънавийликка сингиш орқали эришишга асосланади. Тасаввуф таълимоти асосида инсон фаолияти ва унинг камолоти ётади.

Тасаввуфда руҳни камолотга, унинг сўнгги мақсади Аллоҳга эришув йўллари тўрт босқичдан иборат: биринчи босқич – ШАРИАТ деб аталади, унда аввалambор, шариатнинг барча талабларини бажариш ва унга бўйсуниш талаб этилади. Иккинчи босқич – ТАРИҚАТ деб аталади. Унда мурид ўз шахсий истакларидан воз кечиб, ўзини пир ихтиёрига топшириши керак. Учинчи босқич – МАЪРИФАТ бўлиб, унда суфийлар коинотнинг бирлиги Худода мужассам бўлишини, яхшилик ва ёмонликнинг нисбатини ақл билан эмас, қалб орқали англаб олишлари керак бўлади. Тўртинчи босқич ҲАҚИҚАТдир. Бунда суфий шахс сифатида тугаб, Худога – мўлжалланган ҳақиқатга етишиши, Аллоҳга сингиб кетиши ва натижада абадийликка эришуви зарур. Бу жараён маълум давомли вақтни талаб этган. Махсус руҳий жисмоний ҳаракат, фаолият, сиғиниш, ибодатлар оҳанглар ёрдамида амалга оширилган.

Тасаввуфнинг ижтимоий асосини шаҳарлардаги ҳунармандлар, майда савдогарлар ташкил қилган. IX–X асрлардаёқ Ироқ ва Эронда унинг йирик вакиллари кўпайиб боради. Мовароуннаҳрда эса та-

саввуф таълимоти X асрдан бошлаб ёйила бошлади. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида тасаввуфнинг ривожланишида **Юсуф Ҳамадоний** таълимоти муҳим роль ўйнайди. Манбаларда қайд қилинишича, Юсуф Ҳамадоний 1043–1049 йилда Эроннинг Ҳамадон шаҳрида туғилади. Дастлабки билимларини Ҳамадон ва Бағдодда олади. Имом Ғаззолий каби буюк алломаларни тарбиялаб, вояга етказган шайх Абу Али Фарсадийга шогирдликка тушади. Юсуф Ҳамадоний умрининг катта қисмини Ўрта Осиёда ўтказган. У ҳунармандчилик-косибчилик билан шуғулланган. Шунинг учун ҳам бўлса керак, унинг таълимоти, асосан, ҳунармандлар орасида кенг тарқалган ва уларнинг манфаатларини ифодалаган. Юсуф Ҳамадоний суфийлик илми бўйича кўплаб шогирдлар тайёрлади. У Бухорода махсус хонақо қурдириб, ўша ерда шогирдларга дарс берган. Ҳамадоний таълимотида ватанпарварлик ғоялари ўз ифодасини топган. Уни пир деб билган шогирдларидан 213 таси машҳур шайхлар бўлиб етишган эканлар. Ҳамадоний таълимотидан Ўрта Осиёда икки тасаввуф мактаби – Яссавийлик ва Нақшбандийлик келиб чиқади.

Ўрта Осиё ҳудудида биринчи вужудга келган суфийлик оқими **Яссавийликдир**. Бу оқимга 1105 йилда Ясса (Туркистон) шаҳрида туғилган Аҳмад Яссавий асос солган. Аҳмад Яссавий Бухорода Юсуф Ҳамадонийдан таълим олгач, яна она шаҳри Туркистонга қайтиб келади ва шогирдлар тарбияси масаласи билан шуғулланади. Мадраса ва хонақолар қурдиради. Яссавий таълимотининг асослари туркий тилда ёзилган «Девони ҳикмат» асарида баён этилган. У ўтроқ ва кўчманчи туркий халқлар орасида суфийлик таълимотини тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этган.

Яссавий тариқатининг бошқа тариқатларда бўлганидек, ўзига хос **қоидалари** бор. Улар: 1.Мурид ҳеч кимсани ўз шайхидан афзал кўрмаслиги, унга мутлақо таслимият изҳор этмоғи лозим. 2.Мурид шунчалик зукко ва идрокли бўлиши керакки, то ўз шайхининг барча румуз ва ишораларини мукаммал англай олсин. 3.Шайхининг барча аҳволи (сўзлари) ва аъфолари (ишлари)га мурид содиқ бўлиб, унга мутлақо муте ва мутақид бўлмоғи лозим. 4. Мурид ўз муршиди (пири)нинг барча топшириқларини чаққонлик билан сидқидилдан бажариб, уни ҳамиша рози қилиб юрмоғи лозим. 5. Мурид ўз сўзига содиқ, ваъдасига росиҳ бўлиб, ўз муршиди кўнглида ҳеч қандай шак-шубҳа туғдирмаслиги зарур. 6. Мурид ўз ваъдасига вафодор ва сўзида усту-

вор бўлиши керак. 7. Мурид ўз ихтиёридаги барча мол-мулкни, бутун бору йўғини ўз шайхига нисор (бахшида) этмоқ учун доимо тайёр бўлмоғи керак. 8.Мурид ўз шайхининг барча сир-асроридан огоҳ бўлиб, унинг ифшосини (ошкор этишни) ҳеч вақт хаёлига келтирмаслиги керак. 9.Мурид ўз шайхининг барча таклифларини назарда тутмоғи, унинг мушкулотини осон қилмоғи, панду насиҳатларини бажо келтирмоғи шарт. 10. Мурид Аллоҳ висоли учун ўз шайхи йўлида бутун моли ва жонини нисор этмоққа тайёр туриши, унинг дўстига дўст, душманига душман бўлиб яшамоғи шарт.

Аҳмад Яссавийнинг фикрича, шариатсиз тариқат, тариқатсиз маърифат, маърифатсиз ҳақиқат бўла олмайди. Улар доимо бир-бирини тўлдиради. Бу йўл камолот йўли бўлиб, инсон ҳаётининг асл моҳиятини ташкил этади.

Юсуф Ҳамадонийнинг яна бир шогирди **Абдухолиқ Ғиждувоний** бўлган. Яссавий билан Ғиждувоний шу даражада иқтидорли шогирдлардан бўлишганки, кейинчалик улардан бири «Яссавия», иккинчиси «Нақшбандия» тариқатининг асосчилари бўлиб етишадилар. Хожа Абдухолиқнинг таржимаи ҳоли, туғилган ва вафот этган саналари аниқ. У 1103 йилда Ғиждувонда туғилиб, 1179 йилда ўз ватанида вафот этади. Хожа Абдухолиққа дастлабки саводни ўз туғилган юртида Имом Садриддин беради. Кейинчалик ўқишни Бухорода давом эттириб, юқорида қайд қилинганидек, Юсуф Ҳамадонийга шогирд тушади. Тарихий манбаларнинг хабар беришича, устоз ва шогирднинг бир-бирларига ҳурмати, меҳр-оқибати шу даражада бўлган эдики, улар биргаликда Шарқнинг фан ва маданият ўчоқларидан бўлмиш Самарқанд, Бухоро, Марв, Исфахон, Балх сингари шаҳарларга борганлар ва у ерларда тасаввуф соҳасидаги ўз билимларини янада чуқурлаштирган эканлар.

Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний Шарқ фалсафа тарихида ўзига хос ўрин эгаллайди. Унинг фалсафий дунёқараши тасаввуфдаги Хожагон (Хожалар) ҳалқасида шаклланди. Агар бизгача Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар»и мерос бўлиб қолган бўлса, Хожа Абдухолиқ Ғиждувонийдан «Рисолайи Соҳибия» «Рисолайи Шайх буюк Ҳазрати Абу Юсуф Ҳамадони» каби асарлар мерос бўлиб қолган. Аммо бу асарлар ҳали яхши ўрганилмаган ва кенг халқ оммаси орасида тарғиб қилинмаган. Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний устозидан кўп нарсаларни ўрганар экан, ўзи ҳам кўп ҳолларда мустақил фикр юритиб, баъзи

масалаларда ўз йўлини шакллантиришга ҳаракат қилган. У зикр айтиш усули бўйича «Зикри Хуфия», «Зикри дил» амалини тарғиб қила бошлаган. Хожа Абдухолиқнинг устози Юсуф Ҳамадоний ўша вақтда ўз саҳобалари билан «Алония» зикр тушиш амалини бажарган. Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний юқорида қайд қилинганидек, «Хожагон» (Нақшбандия) тариқатининг асосий қонун-қоидаларини ишлаб чиққан буюк алломадир. Унинг асарлари, ҳаёти, қилган ишлари бутун турк оламида алоҳида ўрин эгаллаб, маънавий ҳаётда ўчмас из қолдирган.

Нажмиддин Кубро (1145–1221) – тасаввуф таълимотининг Ўрта Осиёдаги йирик вакилларидан бири. Сўфийликдаги Кубравия оқимининг асосчисидир. У 1145 йилда Урганчда туғилиб, Миср, Табриз ва Ҳамадонда илм олган. Кўҳна Урганчга қайтиб, ўз таълимотини ривожлантириб, шу ерда янги сўфийлик оқимига асос солади. У «Фавоих ал-Жамол ва фавотих ал-Жалол» («Жамолининг муаттарлиги ва камолотнинг эгалари»), «Ас-усул ал-ашара» («Ўнта қонун ва қоидалар») номли қатор рисола ва асарлар ёзиб, ўз таълимотини такомиллаштиришга эришди. Кубровия тариқатининг асосини 10 та қонун-қоидалар ташкил этади. Уларга, асосан, «тавба», «зухд» («молдунёдан воз кечиш»), «таваккал» («Аллоҳ йўлида»), «қаноат», «узлат», «доимий зикр», «таважжуз», «сабр», «муроқаба» («камолот топиш») ва «ризо» (халққа етишиш) каби қоидалар киради. Кубровия тариқати Яссавия тариқатидан фарқ қилиб, таркидунёчилик рад этилади. Унда камолот йўлида олиб бориладиган машаққатли меҳнат жараёнида бу дунё ноз-неъматларидан баҳраманд бўлиш кераклиги илгари сурилади. Бу таълимотда ватанга, халққа бўлган муҳаббат ғояси ниҳоятда кучли бўлиб, ҳар қандай оғир шароитда ҳам халқ билан бирга бўлиш, ватан ҳимояси учун курашиш, унинг мустақиллигини сақлаш зарурлиги даъват қилинади. Ўз ғоясига содиқ Нажмиддин Кубро ватан ҳимояси йўлида шаҳид бўлди ва жасорат намунасини ўз муридларига кўрсата олди.

Шариат аҳкомлари, мусулмон ҳуқуқи ҳақида Бурҳониддин Марғинонийнинг XII асрда ёзилган «Ҳидоя» асари катта ўрин тутади.

Буюк фиқҳшунос олим **Абу Бакр ибн Абдулжамил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғиноний** (1123-1197) 1123 йилнинг 23 сентябрида Фарғона водийсининг Риштон шаҳарчасида таваллуд топган. 13 йил давомида Марғилонда яшаб, илк таҳсилни шу ерда олган.

Қуръони карим, ҳадис, фиқҳ илмларини чуқур ва мукаммал ўрганганлиги ва бу борада ўз даврининг етук пешвоси бўлгани боис, Бурҳониддин, яъни "дин исботи", "дин далили" исми билан машҳур бўлган. Бурҳониддин Марғиноний кейинчалик Самарқандда ўз таҳсилини давом эттириб, билим доирасини кенгайтирган. Ўз даврининг етук фиқҳ олимларидан сабоқлар олиб, мадрасада ўқиган. Ҳадис илми, Қуръони карим тафсирларини мукаммал билимдони бўлиб ном чиқарган. Айниқса, фиқҳ-мусулмон ҳуқуқи бўйича етук олим сифатида тан олинган. 1149 йили ҳаж сафарига бориб, йўл-йўлакай ўз билим доирасини кенгайтирган. Ҳанафия мазҳаби бўйича асосий ҳуқуқий қўлланма «Ҳидоя» – энг аниқ ва мукаммал асар сифатида мусулмон оламида кенг шуҳрат қозонди. Ушбу асарни ал-Марғиноний 1178 йили Самарқандда ёзиб тугатган. «Ҳидоя» 4 та катта қисм, 57 та китобдан иборат. Ҳар бир китоб ислом ҳуқуқининг тегишли масаласига бағишланган. Машҳур фиқҳшунос олимнинг бизгача 4 нафар асари етиб келган, холос. У олижаноб инсоний фазилатларига эга, камтарин ва хокисор зот бўлган. Ўзининг «Китоб ал-машойих» асарида 40 нафар уламо, олимларни ўзига устоз деб кўрсатади. Алломанинг қатор салоҳиятли шогирдлари бўлган.



Самарқанд. Имом ал-Мотурудий мақбараси

Бурҳониддин Марғиноний мусулмон дунёсига буюк фиқҳшунос олим сифатида танилиб, унинг "Ҳидоя" асари бир неча асрлар давомида жамиятда ҳуқуқий нормативларни ўрганишда катта роль ўйнаган. Мустақиллик йилларида Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг илмий мероси қайта ўрганилиши бошланди, "Ҳидоя" асари нашр қилинди. Юртбошимиз И.Каримов ташаббуси билан буюк фиқҳшунос олим, улуғ ватандошимиз хотирасига улкан эҳтиром кўрсатилган ҳолда 2000 йил мамлакатимизда унинг 910 йиллиги кенг нишонланди.

Машҳур дин арбоби, калом ва фиқҳ илмининг билимдони, файласуф, "мотурудия" таълимоти асосчиси **Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандий - Имом ал- Мотурудий** (870–944) 870 йили Самарқанд яқинидаги Мотуруд деган жойда таваллуд топган.

Аввал шу ерда, кейинчалик ўз таҳсилини Самарқандда олган. Ҳаёт фаолияти, асосан, Самарқандда ўтган. Самарқандда кўплаб кўзга кўринган уламо, олимлардан сабоқ олиб, Абу Бакр Аҳмад ал-Жузжоний, Абу Наср Аҳмад ал-Ийодий, Наср ибн Яҳё ал-Балхий, ал-Фадлларни ўзига устоз деб билган.

Имом ал-Мотурудий кўп шогирдларни тайёрлаган. Улар орасида Абул Ҳасан ар-Рустағфаний, Исҳоқ ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ва Абдул-Карим ал-Паздавий каби машҳур диншунос олимларни ҳам кўрсатиш мумкин. Ал-Мотурудий ҳанафийлик таълимотига суянган ҳолда давр талабидан келиб чиқиб, уни ривожлантирди ва ислом дини эътиқодий асосларини қайта ишлаб чиқди. Шу билан у Мовароуннаҳр ислом илоҳиёт мактабининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Ал-Мотурудийнинг бизгача жуда оз, асосан "Китоб ал-тавҳид" асари етиб келган. Имом ал-Мотурудийни улуғлаб «Имом ал-мутакаллим» деб аташган. Алишер Навоий унга "Султон ал-муиззин", яъни "фахрий олимлар султони" деб юқори баҳо берган.

Ал-Мотурудий 944 йили вафот этиб, Самарқанддаги Чокардиза қабристонига дафн этилган. Унинг қабри устидаги мақбара советларнинг динга қарши сиёсати вақтида, XX аср 30-йилларида бузилиб, вайрон этилди. Истиқлол шарофати ила Президентимиз И.Каримов ташаббуси билан ушбу алломанинг пок номи тикланди. Ўзбекистон ҳукуматининг қарори билан алломанинг 1130 йиллиги 2000 йили мамлакатимизда кенг нишонланди, шу муносабат билан қатор тадбирлар, халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Юртбошимиз та-

шаббуси билан унинг қабри устида янги меъморий иншоот – муҳташам мақбара барпо этилди.

Шундай қилиб, тасаввуф Мовароуннаҳр аҳолисининг маънавий ҳаёти билан чамбарчас боғланган таълимот бўлиб, ўрта асрнинг халқпарвар адиб ва машойихлари уни чуқур билишга ва у орқали оммага зиё ва маърифат тарқатишга интилганлар.

4. Меъморчилик ва санъат

IX–XII асрларда ўлкада марказлашган йирик давлатларнинг шаклланиши ва уларнинг ривожи, давлатчиликнинг мустаҳкамланиши, маънавий ҳаёт, илм-фаннинг ривожланишигагина эмас, балки моддий маданиятнинг ҳам ривожланишига асос бўлди. Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Ўзган ва Марв каби шаҳарларда саройлар, масжид, мадрасалар, миноралар, мақбаралар, тим ва карвонсаройлар кўплаб қурила бошлади.

Бу давр Ўрта Осиё меъморчилигида ижтимоий шароитдан келиб чиқиб, қурилиш материали сифатида пахса, хом ғишт ва пишиқ ғишт ҳамда боғловчи элемент сифатида ганчдан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган эди. Бу вақтда синч қадаб қуриладиган уй-жойлар ва умум аҳамиятга эга бўлган бинолар, саройлар, масжидлар, мадрасалар қурилишида ёғоч ҳам муҳим ўрин эгаллар эди.

X асрларга келиб бинокорликда қурилиш тартиби ҳам ўзгара бошлади. Маҳобатли қурилишда томи гумбаз билан ёпилган куб шаклидаги бинолар муҳим аҳамиятга эга бўла бошлади. Бухорода қурилган Исмоил Сомоний қабри устига пишиқ ғишт билан қурилган гўзал мақбара фикримизга мисол бўла олади. Бу бино тўртбурчак шаклида бўлиб, томи гумбаз қилиб ёпилган. Тўртбурчакдан найзали равотлар ёрдами билан саккиз қиррали шаклга ўтилган. Шу билан бирга, бу бино тўрт фасадлидир. Унинг тўрттала томони ҳам бир хил, олд томонидек безатилган. Оддий қилиб айтганда, бинонинг олди, ёни ва орқа томони йўқ. Ҳамма томони бир хилда безатилган. Исмоил Сомоний мақбарасини қуришда ва безатишда араблардаги ўша давр учун хос бўлган меъморий хусусиятлардан ҳам кўп фойдаланилган. Масалан, бинонинг ташқи бурчакларига устунлар ўрнатиш. Бино ичидаги бундай шаклдаги, шунингдек, думалоқ манзарали майдонлар ҳам исломгача бўлган ёдгорликларда учрайди.

IX–X аср меъморчилиги услубларининг сақланиб қолганлигини кўплаб масжидлар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Ёзма манбаларда қайд қилинишича, сомонийлар давридаги кўпгина масжидлар ўз вақтида арабларгача бўлган ибодатхоналарнинг масжидга мослаштириш асосида қурилган. Улар бир хонали бўлиб, масжиднинг томлари устунга таяниб турган. Масжидларнинг томи, одатда, гумбаз шаклида бўлган. Масжидларда, айниқса, меҳроблари шаклли, ёзувли қилиб қирқилган ғиштлар, ўйма ганчлар ва ҳатто тилла сувлар билан безатилган. Бу даврга оид масжидлар тўғрисида сўз юритилганда, Бухородаги Мағоки Атторон, Пойканд масжиди, Термиздаги Чорустун, Шаҳристондаги Чилдухтарон масжидларини қайд қилиш мумкин. Бу ёдгорликлар Ўрта Осиёда диний меъморчиликнинг ривожланиш йўлларини кузатиш имкониятини берди.

Наршахийнинг ёзишича, амир Наср ибн Аҳмад Бухоро Регистонида ўзи учун сарой қурдирган ва унинг қурилишига катта маблағ сарфлаган. Бу сарой ғоят гўзал бўлган. Саройнинг олдида эса девонлар учун бинолар қурилган. Амир ва ҳокимлар саройи Нишопур, Марвда, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ҳам бўлган. Бу саройлар ўзларининг катталиги ва гўзаллиги билан ажралиб турган. Кўп ҳолларда бундай саройлар хушманзара жойларда, боғлар ичида бунёд этилган.

Саройларнинг гўзаллигини Термиз шаҳридаги сарой мисолида кўриш мумкин. Бу сарой тўлиқ очиб ўрганилган. Сарой шаҳар мудофаа деворларидан ташқарида, боғлар орасида жойлашган ва 10 гектарга яқин майдонни ишғол этган. Сарой мудофаа деворлари билан ўралган. Сарой маҳобатлилиги, серҳашамлиги ва бағоят гўзал, нафис безаклари билан одамни ўзига жалб қилади.

Сомонийлар даврига оид шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг уйлари тўғрисида ҳозир археология анча маълумотларга эга. Бу борада қадимий Самарқанд-Афросиёб, Хорашкент-Канка, Бинкент, Термиз, Марв, Деҳистон каби ўнлаб ёдгорликларда олиб борилган изланишларнинг натижаси диққатга моликдир. Афросиёбда бу даврга оид катта бир маҳалла очиб ўрганилган.

Сомонийлар даврида меъморчилик ўз тараққиётида катта ютуқларни қўлга киритган. Ўрта Осиё меъморлари бу даврда шундай ноёб бинолар, санъат дурдоналарини бунёд этганларки, улар асрлар оша одамларни ҳайратга солиб келмоқда.

Қорахонийлар Ўрта Осиёни босиб олгандан сўнг бу ердаги маданий ҳаётда ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Шаҳарлар тараққий этди, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ривожланди. Шаҳарлар ривожланиши билан шаҳар аҳолиси сони ҳам кўпайиб борди. Сомонийлар давридаёқ йирик шаҳарлар бўлган Самарқанд, Бухоро, Термиз, Марв, Қорахонийлар даврида янада кенгайди. Бу шаҳарлар энди уч қисмли – арк, шаҳристон, работдан иборат эди. Уларда янгидан-янги ҳашаматли иморатлар пайдо бўлиб, бу иморатлар ўз тузилиши ва нақшлари билан ажралиб турарди.

Қорахоний ҳукмдори Шамс-ул-Мулк Бухоро яқинида сарой барпо этди ва бундан ташқари Ҳазара қишлоғи яқинида Дингарон масжидини ва унинг ёнида Барат-и-Малик номи билан машҳур бўлган карвонсарой қурдиради. Бухоро шаҳрида 1127 йилда Қорахоний Арслонхон томонидан машҳур иморат – Минорайи Калон барпо этилди. Вобкентда XII асрнинг охирида Бухоро садри Абдулазиз II томонидан қурилган минорани, Жарқўрғонда (Сурхондарё вилояти) Қорахонийлар томонидан 1108–1109 йилларда барпо этилган минорани, шунингдек, Бухородаги Намозгоҳ ва Атторий масжидини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Қорахонийлар даврида Самарқанд шаҳрида ҳам кўплаб бинолар барпо этилди. Афросиёбдаги археологик қазилмалар шундан далолат бериб турибди. Лекин мўғуллар истилосидан сўнг бу бинолар вайронага айланди.

Термиз шаҳри XI–XII асрларда анча ривожланди, янги мустаҳкам мудофаа девори қурилди, бу ерда барпо этилган Термиз ҳукмдорлари саройи, айниқса, машҳурдир. Бу саройни қазиб очган археологлар турли идишлар билан бирга, афсонавий ҳайвонлар тасвирини ҳам топишди. XI–XII аср бошларида Хоразмда ҳам кўпгина бинолар қад кўтарди, жумладан, Урганчдаги Фахриддин Розий ва Шайх Шариф мақбарасини, кўплаб карвонсаройларни, Буронқалъа, Найифқалъа ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин.

Биз ўрганаётган даврда меъморчиликдан ташқари бир неча сув иншоотларини қуриш ва унда йўнилган тош, пишиқ ғишт, сувга чидамли қурилиш қоришмаларидан – бандлар, новлар, кўприклар, сардобалар ва коризлар қурилган. Бу иншоотлар мамлакатда фан ва ишлаб чиқариш ғоятда ривожланганлигидан далолат беради. 1,5 млн. м.куб сувни тўплаш имкониятига эга бўлган Хонбанди номли сув

омборининг қурилиши фикримизнинг далили бўлиб хизмат қилади. Манбалардан маълум бўлишича, бундай сув иншоотларини қуриш учун сувнинг вертикал ва горизонтал босим кучларини ҳисоблаб чиқиш ва тоғда қурилганлиги учун тез-тез ернинг қимирлаб туриш кучларини ҳам математик йўллар билан ҳисоблаб чиқиш лозим бўлган ва бу иш муваффақиятли амалга оширилган.

Бу давр меъморчилиги билан бир қаторда, унга боғлиқ бўлган наққошлик ва тасвирий санъат ҳам жадал суръатлар билан ривожланди. Иморатларни ўймакор устунлар ва тўсинлар, деворларни эса бўёқли, ганчкор нақшлар билан безаш кенг расм бўла бошлади. Секин-аста наққошлик санъатида ҳам илгаригидек, одамлар ва ҳайвонларни тасвирлангандан кўра мураккаб геометрик ва гулли нақшларга ўтила бошланди.

Наққошлик санъати қадимги Термизда жуда ривожланган эди. Бу борада Ҳаким Термизий мақбараси давридан сақланиб қолган ўйма нақш парча, айниқса, қимматлидир. Унда Самарқанд усулини эслатувчи себарча шаклидаги ўзига хос услублар мавжуддир. Бу даврда хаттотлик санъати китобларни кўчиришдагина эмас, балки биноларни безашда ҳам кенг қўлланила бошланди.

IX–XII асрларда маданий ҳаётнинг яна бир таркибий қисмини ташкил этувчи мусиқа санъати ҳам ривожланди. Албатта, марказлашган йирик давлатларда иқтисод, халқларнинг турмуш тарзи яхшилана боргани сари илм-фан, меъморчилик, тасвирий санъат билан бирга, мусиқа ҳам ривожлана бошлайди. Албатта, ҳар ердагидек бу ерда ҳам байрамлар, тўйлар, халқ сайиллари мусиқа ва қўшиқларсиз ўтмаган. Бу ҳақда Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк» асарида келтирилган маълумотлар диққатга сазовордир. Бу даврда уд, танбур, қубуз, рубоб, най, сурнай, карнай, қушнай каби ғоят хилмахил торли, забурли ва пуфлаб чалинадиган чолғу асбобларидан кенг фойдаланилган. Бу даврда ҳатто янги созлар ихтиро этилган. Масалан, Рудакийнинг замондоши Абу Хафз Суғдий найга монанд шоҳруд номли торли асбоб яратган эди. Манбаларда Абу Бакр Рубобий, Бунаср, Буамир, чангчи Лўкарий каби созанда ҳамда ҳофизларнинг номлари сақланиб қолган. Рудакий руд ва танбур каби созларни яхшигина чаладиган созанда ва хушовоз ҳофиз бўлган. Унинг машҳур «Буйи жўйи Мўлиён» шеъри ушшоқ куйида айтилиб, ниҳоятда шуҳрат қозонган. Ана шу давр куйлари, қўшиқлари халқимиз-

Қорахонийлар Ўрта Осиёни босиб олгандан сўнг бу ердаги маданий ҳаётда ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Шаҳарлар тараққий этди, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ривожланди. Шаҳарлар ривожланиши билан шаҳар аҳолиси сони ҳам кўпайиб борди. Сомонийлар давридаёқ йирик шаҳарлар бўлган Самарқанд, Бухоро, Термиз, Марв, Қорахонийлар даврида янада кенгайди. Бу шаҳарлар энди уч қисмли – арк, шаҳристон, работдан иборат эди. Уларда янгидан-янги ҳашаматли иморатлар пайдо бўлиб, бу иморатлар ўз тузилиши ва нақшлари билан ажралиб турарди.

Қорахоний ҳукмдори Шамс-ул-Мулк Бухоро яқинида сарой барпо этди ва бундан ташқари Ҳазара қишлоғи яқинида Дингарон масжидини ва унинг ёнида Барат-и-Малик номи билан машҳур бўлган карвонсарой қурдиради. Бухоро шаҳрида 1127 йилда Қорахоний Арслонхон томонидан машҳур иморат – Минорайи Калон барпо этилди. Вобкентда XII асрнинг охирида Бухоро садри Абдулазиз II томонидан қурилган минорани, Жарқўрғонда (Сурхондарё вилояти) Қорахонийлар томонидан 1108–1109 йилларда барпо этилган минорани, шунингдек, Бухородаги Намозгоҳ ва Атторий масжидини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Қорахонийлар даврида Самарқанд шаҳрида ҳам кўплаб бинолар барпо этилди. Афросиёбдаги археологик қазилмалар шундан далолат бериб турибди. Лекин мўғуллар истилосидан сўнг бу бинолар вайронага айланди.

Термиз шаҳри XI–XII асрларда анча ривожланди, янги мустаҳкам мудофаа девори қурилди, бу ерда барпо этилган Термиз ҳукмдорлари саройи, айниқса, машҳурдир. Бу саройни қазиб очган археологлар турли идишлар билан бирга, афсонавий ҳайвонлар тасвирини ҳам топишди. XI–XII аср бошларида Хоразмда ҳам кўпгина бинолар қад кўтарди, жумладан, Урганчдаги Фахриддин Розий ва Шайх Шариф мақбарасини, кўплаб карвонсаройларни, Буронқалъа, Найифқалъа ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин.

Биз ўрганаётган даврда меъморчиликдан ташқари бир неча сув иншоотларини қуриш ва унда йўнилган тош, пишиқ ғишт, сувга чидамли қурилиш қоришмаларидан – бандлар, новлар, кўприклар, сардобалар ва коризлар қурилган. Бу иншоотлар мамлакатда фан ва ишлаб чиқариш ғоятда ривожланганлигидан далолат беради. 1,5 млн. м.куб сувни тўплаш имкониятига эга бўлган Хонбанди номли сув

омборининг қурилиши фикримизнинг далили бўлиб хизмат қилади. Манбалардан маълум бўлишича, бундай сув иншоотларини қуриш учун сувнинг вертикал ва горизонтал босим кучларини ҳисоблаб чиқиш ва тоғда қурилганлиги учун тез-тез ернинг қимирлаб туриш кучларини ҳам математик йўллар билан ҳисоблаб чиқиш лозим бўлган ва бу иш муваффақиятли амалга оширилган.

Бу давр меъморчилиги билан бир қаторда, унга боғлиқ бўлган нақққошлик ва тасвирий санъат ҳам жадал суръатлар билан ривожланди. Иморатларни ўймакор устунлар ва тўсинлар, деворларни эса бўёқли, ганчкор нақшлар билан безаш кенг расм бўла бошлади. Секин-аста нақққошлик санъатида ҳам илгаригидек, одамлар ва ҳайвонларни тасвирлангандан кўра мураккаб геометрик ва гулли нақшларга ўтила бошланди.

Нақққошлик санъати қадимги Термизда жуда ривожланган эди. Бу борада Ҳаким Термизий мақбараси давридан сақланиб қолган ўйма нақш парча, айниқса, қимматлидир. Унда Самарқанд усулини эслатувчи себарча шаклидаги ўзига хос услублар мавжуддир. Бу даврда хаттотлик санъати китобларни кўчиришдагина эмас, балки биноларни безашда ҳам кенг қўлланила бошланди.

IX–XII асрларда маданий ҳаётнинг яна бир таркибий қисмини ташкил этувчи мусиқа санъати ҳам ривожланди. Албатта, марказлашган йирик давлатларда иқтисод, халқларнинг турмуш тарзи яхшилана боргани сари илм-фан, меъморчилик, тасвирий санъат билан бирга, мусиқа ҳам ривожлана бошлайди. Албатта, ҳар ердагидек бу ерда ҳам байрамлар, тўйлар, халқ сайиллари мусиқа ва қўшиқларсиз ўтмаган. Бу ҳақда Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк» асарида келтирилган маълумотлар диққатга сазовордир. Бу даврда уд, танбур, қубуз, рубоб, най, сурнай, карнай, қушнай каби ғоят хилмахил торли, забурли ва пуфлаб чалинадиган чолғу асбобларидан кенг фойдаланилган. Бу даврда ҳатто янги созлар ихтиро этилган. Масалан, Рудакийнинг замондоши Абу Хафз Суғдий найга монанд шоҳруд номли торли асбоб яратган эди. Манбаларда Абу Бакр Рубобий, Бунаср, Буамир, чангчи Лўкарий каби созанда ҳамда ҳофизларнинг номлари сақланиб қолган. Рудакий руд ва танбур каби созларни яхшигина чаладиган созанда ва хушовоз ҳофиз бўлган. Унинг машҳур «Буйи жўйи Мўлиён» шеъри ушшоқ куйида айтилиб, ниҳоятда шуҳрат қозонган. Ана шу давр куйлари, қўшиқлари халқимиз-

нинг классик куйи «Шошмақом» ва бошқалар учун асос бўлиб хизмат қилди.

Бу даврда шеърият ғоятда тараққий этганлигини қайд қилган эдик. Шеърият доимо мусиқа билан, ўз навбатида, мусиқа мусиқашунослик фани билан узвий равишда боғлиқ ҳолда ривожланади. Ўша даврнинг буюк алломаларидан Ал-Форобий, Абу Али ибн Синолар мусиқа ва мусиқашуносликка катта эътибор бердилар ва ўзларининг нодир асарларини яратдилар.

Биз аждодларимиз қолдирган буюк меросни – IX–XII асрларда мамлакатимиз ҳудудида юз берган чуқур ижобий ўзгаришлар, илм-фан, маданият ривожланишини ўрганар эканмиз, уларнинг яратилишида ўзларининг ҳиссаларини қўшган буюк алломалар, олиму фузалоларнинг жаҳон цивилизацияси ривожланишига қўшган улушларини алоҳида таъкидлаймиз. Жаҳон маданияти ривожидаги уларнинг ўринларини аниқлаб олишимиз ва кўрсатишимиз вақти келди. Булар мустақил Ўзбекистонда ёш авлодни миллий ғоя, миллий мафкура, Ватанга муҳаббат, садоқат, ғурур руҳида тарбиялашда катта роль ўйнайди.

Таянч сўзлар

Мовароуннаҳр, Хуросон, Хоразм, Бухоро, Самарқанд, фалакиёт, ҳандаса, академия, мадраса, ренессанс, илм-фан, адабиёт, меъморчилик, ҳадис, муҳаддис, «Байт ул-ҳикма», Хоразм Маъмун академияси, аллома, олим, маданият.

Савол ва топшириқлар

1. IX–XII асрлар маданий юксалишнинг асосий омиллари қандай бўлган?
2. Уммавийлар ва Аббосийлар халифалигининг маданият борасидаги сиёсатида фарқлар нимада?
3. «Байт ул- ҳикма» ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?
4. Хоразм Маъмун академияси қачон ва ким томонидан ташкил этилган?
5. «Шайх ур-раис» унвонига сазовор қайси олимларни биласиз?
6. Мовароуннаҳр ҳадисшунослик мактаби ҳамда сўфийлик таълимоти ҳақида гапириб беринг.
7. Истиқлол йилларида буюк аждодларимиз илмий меросини ўрганишда қандай ишлар амалга оширилди?

8-мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.

2. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000.

3. Асқаров А.А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: Университет, 2007.

4. Бунёдов З.М. Хоразмшоҳ – Ануштагинлар давлати (1097 – 1231). – Тошкент, 1998.

5. Босфорт К.Э. Мусулмон сулолалари. – Тошкент: 2008.

6. Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиши жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001.

7. Низомулмулк. Сиёсатнома. – Тошкент: Адолат, 1997.

8. O'zbekiston tarixi. Prof. R.H.Murtazayevaning umumiy tahriri ostida. – Toshkent, 2005.

9. Эшов Б. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи. – Тошкент: «Ma'rifat», 2009.

10. Буюк сиймолар, алломалар. – Тошкент: Мерос (уч китоб), 1996,1998.

11. Уватов У. Донолардан сабоқлар.– Тошкент: Абдулла Қодирий, 1994.

12. Усмон Ориф. Баҳовуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. – Тошкент: Университет, 1993.

13. Насафий. Хожа Аҳмад Яссавий. – Тошкент: Ғофур Ғулом нашриёти, 1993.

14. Ирисов А. Ҳаким ибн Сино.– Тошкент: Ўзбекистон, 1992.

15. Азизхўжаев А..Давлатчилик ва маданият.– Тошкент: Шарқ, 1997.

9-МАВЗУ. МЎҒУЛЛАР ИСТИЛОСИ ВА ЗУЛМИГА ҚАРШИ КУРАШ. ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ

Режа:

1. Мўғуллар давлатининг ташкил топиши. Чингизхон ва Хоразмшоҳ муносабатлари.
2. Мовароуннаҳрга мўғул босқинининг амалга оширилиши.
3. Жалолиддин Мангуберди – Ватан қаҳрамони.
4. Мўғуллар истилосидан кейинги сиёсий вазият. Чиғатой улуси давридаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, хўжалик аҳволи.
5. XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV асрнинг биринчи ярмидаги маданий ҳаёт.

1. Мўғуллар давлатининг ташкил топиши. Чингизхон ва Хоразмшоҳ муносабатлари

Юқоридаги мавзу юзасидан бир қатор тарихий манбалар мавжуд. Жумладан, улар орасида Хитой солномаларидан «Юань-ши», «Шэн у шин чжэн лу», Цзю «Тан-шу», ўрта аср шарқи муаллифларидан Ибн ал-Асир, ан-Насавий, Жувайний, Рашидиддин, Абул Фидо, Ибн Биби асарлари муҳим ўрин тутади. Айниқса, XIII аср I ярми воқелигининг шахсан гувоҳи бўлмиш тарихчи Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг араб тилида ёзилган «Сийрат ас-султон Жалолиддин Манкбурни» («Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти») асари XIII аср биринчи ярмида рўй берган сиёсий жараёнлар, воқеликларнинг батафсил маълумоти билан алоҳида ажралиб туради.

XX аср тарихшунослигида мўғуллар истилоси билан боғлиқ воқелик ва жараёнлар ғарбда М.Першерон, Р.Крауссет, А.Маккензи, Д.Мартин, Ж.Дюпон, Х.Ламба, Л.Гамбис, П.Рачневский, Ж.А.-Бойл, рус ва совет тарихчиларидан В.В.Бартольд, Л.Л.Викторова, Б.Я.Владимирцев, И.П.Петрушевский, Н.Ц.Мункуев, З.М.Бунёдов, Е.И.Кичанов ва бошқалар томонидан чоп этилган турли характердаги адабиётларда ўз аксини топган. Шу билан бир вақтда покистонлик олим Х.Хон, Ироқ олими ал-Убид, туркиялик И.Кафес ўғли, эронлик Д.Сиёқий, иорданиялик Э.А.Латиф, ҳинд олими Р.Маҳапандита ва бошқалар асарларида мўғул истилосининг шарқдаги ҳолати, Жалолиддин Мангубердининг озодлик кураши тўлақонли акс этган.

Республикамиз Президенти И.Каримовнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари натижасида номи унут бўлган кўплаб буюк тарихий сиймоларнинг номлари қайта тикланиб, тарихий адолат қарор топди. Бу эса ўрта аср тарихини янада чуқур ўрганишга имконият яратди. Мустақиллик йилларида чоп этилган дарслик ва адабиётларда мазкур давр воқелиги тўлиқ ўз аксини топа бошлади. Жумладан, ўзбек олимларидан Б.Аҳмедов, А.Аҳмедов, А.Муҳаммаджонов ва бошқалар тарихнинг турли қирраларини ёритиб бердилар. Мустақиллик йилларида ан-Насавийнинг машҳур асари ҳамда тарихчи олим З.М.Бунёдовнинг китоблари ўзбек тилига ўгирилиб, кенг китобхонлар оммасига ҳавола этилди. 1998 йили Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуманда эса мавзуни кўплаб ўрганилмаган қирралари маълум қилинди.

Мўғуллар ҳақида кўплаб маълумотлар мавжуд бўлиб, улар **мену (менва)** номи остида Хитойнинг Тан сулоласи (618–908) солномасида илк бора тилга олинади. Таъкидлаш жоизки, мўғул атамаси ҳалигача ўзининг илмий исботига эга эмас. Улар Олтой ва Жанубий Сибирдаги туркий қабилаларга яқин ва қондош бўлганликлари эҳтимолдан холи эмас. Бу хусусда олимлар турли фикрларни билдирадилар. Мўғул этногенези ҳам мураккаб масала бўлиб, ҳар ҳолда элат сифатида улар XIII асрда юзага келган бўлиши керак. X–XI асрларда эса асли Амур дарёси бўйларида яшаган 16 та уруғ-аймоқларга бўлинган татан (татар)ларнинг таркибий қисми сифатида уларнинг бир уруғидан алоҳида мохе (мўғул) қабиласи вужудга келган дейилади. Бу қабила тезда кучайиб, 1135–1139 йиллари Хитойга қатор юришларни амалга оширишади. Ҳатто Хитой императорлари 1147 йили мўғуллар билан иттифоқ тузишга ҳам мажбур бўлишади.

XII аср ўрталарига келиб Байкал кўли атрофи, ҳозирги Мўғулистон ҳудудларида яшовчи туркий ва тунгус-манжур қабилаларининг кўпчилиги мўғуллар рахнамоси Есугай баҳодир таъсирига ўта бошлайдилар. Лекин унга қарши турган татар, маркит қабилаларини бўйсундириш осонлик билан кечмайди. Есугайни татарлар зиёфат пайтида хиёнаткорона ўлдиришгандан сўнг, унинг ўғли бўлмиш Темучиннинг таъсири мўғуллар ичида кўтарила бошлайди. Темучин (1155–1227) (мўғулча темир устаси) – кучли ва тадбиркор, айёр сар-

карда бўлиб, пароканда қабилаларни турли йўллар билан ўз қўли остида мустаҳкам бирлаштирган шахс эди.[15] 1186 йилда у бошқа бир мўғул саркардаси Жамуха ёрдамида ўзининг эски рақиби маркитларни бўйсундиради. Баъзи маълумотларга кўра, бу ғалабадан сўнг мўғул нўён (ҳарбий бошлиқлар)лари ва навкарлари уни олқишлаб, мўғул ҳукмдори – хон деб эълон қилишган. XIII аср бошида эса яна бир бошқа кучли қабила татарлар устидан ҳам ғалаба қозонади. Темучин 1203 йили керайитларнинг хони Ўнгхонни мағлуб этиб, қўнғирот ва найманлар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатди.

Мўғулларни бирлаштириш чоғида Темучин кучли ҳарбий тузилма ташкил этди. Унга кўра мўғул қабилалари мингликларга бўлинган бўлиб, у бутун бир бошли ҳарбий округ вазифасига тўғри келар эди. Округлар тепасига садоқатли кишилар қўйилар эди. Темучин жуда интизомли, садоқатли ва ўта жанговар ҳарбий тузилмаларни яратишга муваффақ бўлди. Уларни бошқаришни эса аввало, ўз ўғиллари – Жўчи, Чиғатой, Ўгедей, Тули, нуфузли хотини Бурте-фужен, сафдошлари Субутой, Жебеларга топширди. Ўз ҳокимиятини тўлиқ мустаҳкамлаб олгач, Темучин 1206 йили мўғулларнинг умум қурултойи (қурултой халқ хоҳиши – мўғулча)ни чақиради. Қурултойда у олий мўғул ҳукмдори – хон деб тантанали эълон қилиниб, унга бош шаман Теб-Тангрий «Чингизхон» деган фахрий ном беради. Чингиз сўзи тарихчи Рашидиддиннинг ёзишича, «кучли», «буюк» деган маънони англатади.

Қурултойда одат бўйича Чингизхон ўз туғи – байроғини кўтарди, 10 та лавозим жорий этиб, уни ўз яқинларига тақдим этади. Саҳродаги Қорақурум шаҳрини марказий пойтахт деб белгилади. Ўз қўли остидаги мансабларни эса 3 тоифага бўлиб, уларга аниқ вазифаларни бўлиб берди. Уларга Бооргу, Мухали, Наяа масъул бўлдилар. У ўз қўшинларини ҳам ислоҳ этди. Бутун Мўғулистон 95 та ҳарбий-маъмурий бирликка бўлинди. Янги мўғул давлати – Еке Мўнғол улус (буюк мўғул давлати) деб атала бошланди.

Қурултойдан аввалроқ 1203 йилдаёқ ҳали бир тизимга эга бўлмаган қонунлар тўплами вужудга келиб, у ўз ичига ёрлиқлар (буйруқ-

---

[15] Темучин (Чингизхон) таваллуди санаси юзасидан ҳозирда турли қарашлар ҳам мавжуд. Шартли равишда 1155 йил қабул қилинган.

лар), ясоқ (қонунлар), билик (насиҳат)ларни олган эди. «Ясоқ« бизгача тўлиқ етиб келмаган бўлиб, у турли кўринишларда, манбаларда қайд этилади. «Ясоқ» ўз ичига қуйидагиларни киритган: халқаро, шахсий, савдо ва суд ҳуқуқлари. Чингизхон тайин этган давлат бош ҳаками Шики Хутухуга «Ясоқ»қа қараб иш тутишни қатъий белгилаб берган эди. «Ясоқ» қонунлари мўғулларнинг қадимий урф-одатлари, анъаналари, мавжуд сиёсий тузум моҳиятидан келиб чиққан ҳолда кескин ва жуда қаттиқ оҳангда, патриархал ҳарбий тузумни ўзида акс эттирган равишда тузилган эди. «Ясоқ» қонунларининг асосий йўналишлари қуйидагича бўлган:

1. Ҳукмдор (хон) «Ясоқ»қа қатъий риоя этиши хусусида қасамёд қилиши ва унга амал қилиши, амал қилмагудек бўлса, хонни умрбод қамаш мумкин бўлади.

2. Чингизхон мўғуллар орасида диний адоват келиб чиқмаслиги учун барчага тўла диний эркинлик беради. Руҳонийлар солиқдан озод этилади.

3. Аёллар наслни давом эттирувчи бўлганликлари учун ҳам, уруш вақтида уларнинг гуноҳлари кечирилиши лозим.

4. Жазолаш даражаси сифатида ўлим жазосини энг кўп миқдорда қўллаш.

5. Босиб олинаётган мамлакатлар халқларига буткул раҳм-шафқат қилмаслик.

Чингизхон шахсий гвардияси сонини (кешиктан) 9000 кишигача етказди. Унинг аъзолари ҳар 3 кунда навбатчилик қилар, уларнинг ишини шахсан хоннинг ўзи назорат қилар эди. 1204 йили уйғур алифбоси мўғул ёзуви учун қабул қилинди. Шунингдек, мустақил давлат белгиси бўлган муҳр (тамға) ҳамда тақвим қабул қилинди. Чингизхон 1209 йилда танғутларни, 1211 йилда уйғурларни, 1215 йилда эса шимолий Хитойни пойтахт Чжунду (Пекин) билан биргаликда ўзига тобе қилиб олди. Хитойдаги Син сулоласи тугатилиб, жуда катта ўлжа олинди. Хитой юриши вақтида юксак ҳарбий маҳорат ва урушнинг янги усуллари қўлланилди. Маданий жиҳатдан анча қолоқ бўлган мўғуллар кўп жиҳатдан уйғур ва мусулмон аҳли тажрибасидан кенг фойдаланишди. Шарқий уйғурларнинг бошлиғи Едиқут (Саодатбек) Чингизхоннинг дўсти ва маслаҳатчиси, собиқ найманлар хони Таянхоннинг муҳрдори уйғур Тататунга эса мўғулларни саводга ўргатар эди. Мусулмон савдогарларини зеҳни, тадбиркорлигига Чингизхон

доимо юқори баҳо берган эди. Шу билан бирга, улардан кўпинча айғоқчилар сифатида ҳам фойдаланар эди.

Хитойни забт этган Чингизхон шу билан кифоя этиб қолмаслиги аниқ бўлган. Мовароуннаҳрнинг бадавлат савдо аҳли, ўлкамизнинг беҳисоб бойликлари, юқори маданиятли аждодларимиз яратган ажойиб меъморий бинолар, қолаверса қадимий юртимизнинг файзу таровати мўғулларни анчадан бери ўзига жалб қилаётганлиги маълум эди. Мусулмон мамлакатларининг беҳисоб бойликлари тўғрисидаги афсона-ривоятларни эшитиб, текин ўлжа ва бойиш истагида бўлган мўғул ҳарбий зодагонлари Чингизхон бошчилигида зимдан ҳарбий юриш қилиш истагида турар эдилар. Чингизхон давлати ғарбда Қипчоқ чўллари, қорахитойларнинг кўчманчи Ғарбий Ляо (Си Ляо) ва Хоразмшоҳ – Ануштагинийлар давлати билан чегарадош бўлиб қолган эди. Шубҳасиз, унинг ғарбдаги энг йирик ва кучли қўшниси ҳамда рақиби буюк Хоразмшоҳ – Ануштагинийлар давлати (1097–1231) ҳисобланар эди.

1215 йили Дашти қипчоқ юришида Хоразмшоҳ қўшинлари мўғулларнинг Жўчи бошчилигидаги ҳарбий қўшинига дуч келади. Мўғуллар бу ерларда Чингизхоннинг буйруғига кўра маркит қабилаларига зарба бериш учун юриш қилган эдилар. Ўзаро тўқнашувдан сўнг мўғуллар Чингизхондан Хоразмшоҳлар давлатига нисбатан юриш қилиш хусусида ҳеч қандай кўрсатма олмаганликлари учун орқага чекиндилар. Жузжонийнинг ёзишича, султонни ҳар вақт ундан Шарқда жойлашган давлатлар қизиқтирар ва унинг Хитой томонига ҳарбий юриш қилиш нияти ҳам бўлганлиги аниқ эди. Лекин Хитой Чингизхон томонидан ўша йили олинганлигини эшитган султон бу ҳолни тасдиқлатиш ва қолаверса, Чингизхон давлати хусусида аниқ маълумот олиб келиш мақсадида сайидлар авлодидан бўлмиш таниқли зот Баҳовуддин Розийни ўз элчиси сифатида хон ҳузурига жўнатади.

Баҳовуддин Розий бошчилигидаги элчилик гуруҳини Чингизхон Пекинда қабул қилиб, уларга ижобий муносабатда бўлади. Хоразм давлати элчиларига Чингизхон ўзаро икки давлат ўртасида тинчлик ва дўстлик ҳукмронлик қилиши лозимлигини уқтириб, ўзини «Шарқ ҳукмдори», Хоразмшоҳ Муҳаммадни «Ғарб ерларининг эгаси» деб таъкидлайди. Хитой ерларига эндиликда юриш қилиш ножоиз эканлигини англаган Хоразмшоҳ ўз диққат-эътиборини яна жануб ҳамда ғарб ерларига қаратади.

1217 йили Бағдод халифаси ан-Носир (1180–1225) султоннинг Бағдодни унга топшириши ва унинг номини хутбага қўшиб ўқишини қатъий рад этгач, Муҳаммад Хоразмшоҳ катта кишилик қўшин билан аббосийлар халифалигига юриш бошлаб юборади. Хоразмшоҳлар тангалари ва хутбалардан халифа номи чиқариб ташланади. Султон фармонига кўра термизлик шайх Аъламулк ат-Термизий халифа этиб тайинланади. Султоннинг юқоридаги хатти-ҳаракатлари кўпчилик уламолар томонидан маъқулланмайди. Улар султонга халифа устига ҳарбий юриш қилиш, ислом дунёсида Хоразмшоҳга нисбатан салбий муносабат келтириб чиқаришини тушунтирмоқчи бўладилар. Уламолар норозилигини ҳисобга олмаган султон уларнинг кўпчилигини жазога тортади.

Аббосийлар халифалигига муваффақиятсиз юришдан сўнг, 1218 йили Муҳаммад Хоразмшоҳ ўзининг янги пойтахти деб эълон қилган Самарқанд шаҳрига кириб келди ва хутба, тангалардан халифа номини чиқариб ташлаш хусусида фармон берди. Ўша йили Муҳаммад Хоразмшоҳ Чингизхон ҳузурига яна ўз элчиларини юборади. Бунга жавобан Чингизхон кечиктирмасдан қимматбаҳо совғалар ва моллар ортилган катта карвон билан ўз элчиларини Хоразмшоҳ султони ҳузурига юборади. Султонга мўлжалланган қимматбаҳо совғалар ичида Чингизхон ўлжа олган туя ўркачидек келувчи олтин бўлаги ҳам бор эди. Элчиларга хоразмлик таниқли савдогар Маҳмуд Ялавоч (Маҳмуд ал-Аромий) раҳбар этиб тайинланиб, унинг сафдошлари, бухоролик савдогар Али Хўжа ва ўтрорлик Юсуф Қанқалар элчилик рутбасига эга эдилар.

Султон Муҳаммад бу элчиларни 1218 йил баҳорида Бухоро шаҳрида қабул қилади. Элчилар Чингизхон султоннинг зафарли юришларидан хабардор эканлиги, уни қудратли подшоҳ сифатида тан олиб, «ўзининг энг ардоқли ўғиллари қаторида» кўришини баён этишади. Чингизхон ўз номасида қудратини кўрсатиш маъносида Хитой ва қўшни мамлакатларни қандай куч билан эгаллаганлигини ҳам айтиб ўтади. Элчилар номаси, шубҳасиз, султонга маъқул бўлмайди. Айниқса, мўғул давлатининг хонини ўзининг «ўғли» қаторида кўриш бу шарқ устамонлигида қарам қилиш ёки ўз ҳомийлигига олиш деган маънони англатишини султон яхши тушунади. Элчиларга султон жавоби маълум эмас, лекин ўша тунда у ўз ёнига Маҳмуд Ялавочни чорлаб бор ҳақиқатни баён этишни, унинг хизматига ўтиб, махфий

жосус бўлиб хизмат қилишни буюради. Ўз ҳаётидан хавфсираган Маҳмуд Ялавоч муаррих ан-Насавийнинг ёзишича, «султон эшитишни хоҳлаган» маълумотни айтиб, султон таклифига кўнади. Хоразмшоҳ унга қимматбаҳо жавоҳир совға қилиб, Чингизхон билан шартнома тузишга рози эканлигини билдиради.

Чингизхон Маҳмуд Ялавоч гуруҳи хизматидан, тўпланган маълумотлардан мамнун бўлади. Зеро, Ялавоч сохта «жосус» ролини ўйнаб, бор ҳақиқатни Чингизхонга етказган эди. Ўша йилиёқ, яъни 1218 йили Чингизхон султон Муҳаммадга ўз миннатдорчилигини изҳор этиш ва ўзаро шартнома тузиш мақсадида катта савдо ва элчилар карвонини жўнатади. Улкан савдо карвони 450 та мусулмон савдогари ва 500 та туяга ортилган қимматбаҳо моллардан иборат эди. Ўз давлати қудратини намоён этиш ниятида Чингизхон Танғут ва бошқа давлатлардан ўлжа олинган, жанубий Сибир ва Хитойдан талаб келтирилган ажойиб, сара моллар билан хуржунларни тўлдирган эди. Карвон билан, шунингдек, Чингизхон элчиси, мўғуллардан бўлган Ухуна ҳам бўлиб, у Хоразмшоҳга Чингизхон номасини олиб келаётган эди. Нома жаҳон фотиҳлигига даъво қилаётган Чингизхон номидан буйруқнамо оҳангда ёзилган бўлиб, унда жумладан, «... биз бундан буён давлатлар ўртасида тинчлик ўрнатилишини буюрамиз...» дейилган эди. Нома Чингизхон очиқ-ойдин жаҳон эгаси бўлишга иштиёқи баланд эканлигидан далолат берар эди.

Ушбу карвонда асли мовароуннаҳрлик бўлмиш Умархўжа Ўтрорий, ҳаммол Мерокий, Фахруддин Дизақий Бухорий, Аминуддин Ҳаравий сингари савдогарлар, карвон сарбонлари ҳамда ўрда элчилари бор эди. Карвон Урганч (Гурганж) томон йўл олган эди. Лекин Хоразмшоҳларнинг чегара вилояти Ўтрор ерларига кириши биланоқ бу карвон ушлаб қолинди. Ўтрор ҳокими Иналхон (Инолчиқ, унинг форсий тахаллуси Ғойирхон эди) Туркон хотуннинг яқин қариндоши, Хоразмшоҳга яқин шахс бўлган. Иналхон, араб тарихчиси Ибн ал-Асир, ан-Насавийларнинг ёзишича, Хоразмшоҳ ижозати билан бу карвонларни талашга буйруқ бериб, карвон аъзоларини жосусликда айблайди ва уларни қириб ташлайди. Талаб олинган моллар Самарқанд ва Бухоро савдогарлари ўртасида тақсимланиб, Хоразмшоҳ ушбу савдо моллари пулини ўзига олади. Баъзи тарихий манбаларда эса Иналхон гарчи карвонни тўхтатиш буйруғини олган бўлса ҳам, ўз ҳолича уни қириб ташлаган деб ҳам айтилади. Нима бўлган-

да ҳам Хоразмшоҳ қўпол сиёсий хатога йўл қўйиб, элчиларни қирғин-барот қилдиради.

Ўтрор фожиасидан сўнг Чингизхон Ибн Кафрожий Буғрони икки мулозим билан Хоразмшоҳ ҳузурига элчи этиб жўнатди. Ас-Субқийнинг ёзишича, Чингизхон Ўтрор фожиасининг айбдори Иналхонни тутиб мўғуллар қўлига топширишини, элчилар ўлимининг сабабларини кескин тарзда сўрайди. Мўғуллар билан муносабатларни кескинлаштирмаслик учун «Ўтрор ҳокимини Чингизхон қўлига топшириш керак», деган таклифни кўтарган шаҳзода Жалолиддиннинг фикрини султон рад этади. Султон буйруғи билан элчи бўлмиш Ибн Кафрожий Буғро ўлдирилиб, икки мулозимнинг соқол-мўйловлари шармандали тарзда қириб ташланади. Хоразмшоҳ мўғуллар билан эртами-кечми уруш бўлишини яхши англаган, қолаверса, мамлакатда мўғуллар бостириб кириши хусусида турли миш-мишлар ҳам авж олган эди. Шунинг учун султон ҳам Чингизхонга шу йўсинда дағдағали жавоб беришга қарор қилди. Тарихчи Рашиддин ўзининг «Жоме ат-таворих» асарида ёзишича, Хоразмшоҳнинг ушбу дағдағаси ва қилмиши «Чингизхоннинг юрагига шундай таъсир қилдики, унда ортиқ чидам ва тоқат қолмади. Нафрат ўти билан ёниб, у бир ўзи тепаликка кўтарилди, бўйнига белбоғини ташлаб, бош яланг ерга ётиб ибодат қилди. Уч кунгача йиғлаб худога нола қилиб ёрдам сўради...»

Чингизхон ислом оламининг душмани бўлиб қолмаслик учун шундай йўл тутдики, уруш бошланишига расман Хоразмшоҳ сабабчи бўлиб қолди, ўзини эса «олижаноб халоскор» деб ҳисоблади. Аслида эса уруш бўлишини у ҳар жиҳатдан хоҳлар, барча ҳаракатларини уруш бошлаш учун сафарбар қилган эди. Албатта, Хоразмшоҳ ҳам катта хатога йўл қўйган эди, лекин урушнинг сабабчиси ва бошловчиси фақат султон Муҳаммад Хоразмшоҳ бўлмаганлигини, уруш бошланишига ҳар иккала томон ҳам сабабчи бўлганлигини тарихий воқеликлар таҳлили орқали билиб олиш мумкин.

Мўғуллар Хоразмшоҳ устига ҳарбий юриш қилишдан аввал хоннинг буйруғига кўра ҳарбий саркарда Жебе Еттисув ва Қашғар устига 1218 йил ҳарбий юришлар қилиб, Кучлук давлатини тор-мор келтирди. Мусулмонларни доимо таъқиб этиб келган Кучлукка қарши бош кўтарган Шарқий Туркистон аҳолиси Жебени найманлар зулмидан озод этувчи «халоскор» деб қабул қилди. Зеро, Жебе мусул-

монлар учун дин эркинлиги кафолатланишини эълон қилиб, мўғуллар ҳукмронлигини мустаҳкамлаган эди. Шундай қилиб, мўғуллар Ўрта Осиёга ҳарбий юриш қилишдан аввал захира кучларини мустаҳкамлаб, Талас водийсигача бўлган ерларни ўз империялари таркибига қўшиб олдилар. Шу тариқа Чингизхон давлати бевосита Хоразмшоҳлар билан чегарадош бўлиб қолди.

XIII аср бошларидан Хоразмшоҳ – Ануштагинийлар давлати юқорида таъкидланганидек, ўз ҳудудининг кенглиги, салтанат эгасининг нуфузи, халқнинг салоҳияти, маданияти, хўжалик ҳаётининг юқори савияда бўлганлиги билан мусулмон оламида буюк давлат саналар эди. Ўзининг кўпроқ қанғли-қипчоқ ҳамда туркманлардан иборат мунтазам қўшинига эга эди. Тарихий маълумотларга кўра, умумий қўшиннинг сони 400000 га қадар етиб, бу мўғуллар қўшинига нисбатан икки баравар ортиқ эди. Давлат мусулмон оламида қабул қилинган қонун чиқарувчи – даргоҳ ҳамда ижроия – девонлар тизимида бошқарилар, давлат бошлиғи султон ҳокимиятининг ҳуқуқлари ҳеч бир қонун-қоида билан чегараланмаган эди. Салтанатни ҳокимлар, ноиблар, вазирлар, лашкар бошлиқларидан иборат кучли ҳарбий аслзода гуруҳлар, муставфий (дафтардор ҳисобчилар), қозилар, садрлар ва бошқа кўплаб сарой мансабларидан иборат улкан аркони давлат доираси қуршаб турар эди.

Ҳокимлар кўп ҳолда ўз билганича иш тутишар, солиқлар тўплашнинг ҳам аниқ тизими йўқ эди. Ҳашар йўли билан бирон-бир йўл, кўприк, қалъа ва бошқа иншоотларни қуриш (суҳра гирифтан) кенг тарқалган эди. Давлат аҳволи танг бўлганда кўп ҳолда иқтадорларга ишонч қолмас эди. Айрим вилоят ҳокимлари шахсан Туркон хотунга бўйсуниб, ўз билганларича иш тутар эдилар. Султон Муҳаммаднинг волидаси Туркон хотуннинг қўшин олий саркардалари бўлмиш қипчоқ саркардалари билан алоқаси мустаҳкам, ўзи шу қабилага мансуб бўлганлиги учун уларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб турар эди. Саркардалар, қўшин бошлиқлари, вазирлар, ҳокимлар кўп ҳолда унинг ижозати ва кўрсатмаси билан тайин этилар, улар ҳам ўз навбатида, аввало Туркон хотунга бўйсунар эдилар. Туркон хотун бошқа туркий қабиладан бўлмиш келини Ойчечак ва унинг ўғли, набираси Жалолиддинни ёқтирмас, улар ўртасида ихтилоф кучли эди. Хоразмшоҳ «фарзандлик меҳри ва ҳокимиятга олиб келган шахс» сифатида онасини сўзини икки қилмас, ҳамиша унинг фикрларига

хоҳласа-хоҳламаса қўшилар эди. Хоразмшоҳнинг онаси Туркон хотун аслида давлатдаги биринчи даражали шахс ҳисобланар, унинг шиори «эътасамту Биллоҳи Ваҳда» (яъни, «ёлғиз Аллоҳдан паноҳ сўрайман») муҳрга ёзилган бўлиб, ҳукмдор фармонига шу муҳри билан у биринчи имзо қўйса, унинг фармони вожиб ҳисобланар эди. Туркон хотун амри билан тахт вориси этиб ўз қавмидан бўлган невараси Ўзлоқшоҳ тайин этилган.

Муҳаммад Хоразмшоҳ қўшини сони гарчи сон жиҳатидан кўпчиликни ташкил этса-да, бу қўшин ҳарбий интизоми унча мустаҳкам бўлмаган, салоҳияти анча паст, кўпроқ жанубликлардан олинган ёлланма қўшин эди. Ўз навбатида, бу қўшин ватан мудофааси учун эмас, балки кўпроқ истило, талон-тарож, ўлжа олиш учун мўлжалланган қўшин эди. Ҳақиқатда Хоразмшоҳ кучли, ўзига муносиб келувчи рақиб билан кураш олиб боргани йўқ ҳисоби, бу эса юқорида қайд этилганидек, ўз ҳарбий маҳоратига нохолис тарзда юқори баҳо беришига олиб келган эди.

Жойларда ноиб ва ҳокимлик лавозимидаги амалдорлар оддий халққа нисбатан кўпинча зўравонлик, тазйиқ билан муносабатда бўлар, бу эса Хоразмшоҳлар давлатига нисбатан аҳолининг норозилигига сабаб бўлар эди. Солиқлар миқдори бир меъёрда турмас, меҳнаткаш омманинг аҳволи анча оғир эди. Масалан, 1218 йили Хоразмшоҳ хирож солиғини бир йўла уч маротабагача ундириб олишга буйруқ берган эди. 1206, 1212 йилларда рўй берган Бухоро ва Самарқанддаги халқ ғалаёнлари, ўз навбатида, зўравонлик ва солиқлар ошиб кетишига қарши қаратилган эди. Солиқлар ва зўравонликдан эзилган халқнинг султон Муҳаммадга эътиқоди ва ишончи мўғуллар босқини арафасида сусайиб кетди. Шунингдек, султоннинг Бағдод халифалигига юриши ва ўз ҳолича термизлик сайидлардан бўлмиш Шайх Аъламулк Термизийнинг халифа деб эълон қилиниши Мовароуннаҳр уламолари ичида норозиликка сабаб бўлди.

Чингизхон ўзининг ривожланган тизимга асосланган айғоқчилар тармоғи орқали Хоразмшоҳ давлатидаги ушбу аҳволдан бохабар эди. Шунингдек, у ушбу қадимий маданият ва юқори салоҳиятга эга Мовароуннаҳр аҳлини осонликча бўйсундириб бўлмаслигини ҳам яхши билиб, бўлажак маҳорабага жиддий тайёргарлик кўрди. Ўтрор воқеасидан аввалроқ Чингизхон қўшинларининг Еттисувга қилган ҳарбий юришлари султон Муҳаммадни ташвишга солиб қўйган эди. Гарчи

Хоразмшоҳ катта қўшинга эга бўлса-да, ўзаро ихтилофлар, саркардаларга нисбатан ишончсизлик, ўз атрофидан хавфсираш Хоразмшоҳ қўшинининг заифлашуви, ҳарбий интизомнинг пасайишига олиб келган эди.

2. Мовароуннаҳрга мўғул босқинининг амалга оширилиши

Чингизхон 1219 йили ўз ўғиллари бошлиқ 200 мингга яқин асосий ҳарбий кучлари билан анчадан бери пухта тайёрланган Хоразмшоҳ – Ануштагенийлар давлати устига ҳарбий юришни бошлади. Бу кучлар ёзни Иртиш дарёси бўйида ўтказиб, сентябрь ойида чегарадан ўтади. Чингизхонга уйғур эдиқути (хони) Баурчак, қарлуқлар хони Арслонхон ва Олмалиқ ҳукмдори Сиғноқтегинлар ҳам ўз қўшини билан келиб қўшилдилар. Чегарадан ўтган Чингизхон ўз қўшини билан жанубий қозоқ чўлларининг Сирдарёга туташган жойидаги Ўтрор шаҳри яқинида тўплаб, уни 4 қисмга бўлди.

Чиғатой ва Ўқтой қўшиннинг бир қисми билан Ўтрорни қамал этиб, эгаллаш учун қолдирилди. Иккинчи қисм эса Жўчи бошчилигида Сирдарёнинг юқори оқимидаги Жанд, Янгикент, Борчиғлиғкент, Сиғноқ шаҳарларини босиб олиш учун юборилди. Учинчи қисмидаги беш минг чоғли қўшинга Улоқ нўён ва Сукету черби бош бўлиб, Ўтрордан жанубга юриш, Хўжанд ва Банокатни эгаллаш вазифаси топширилди. Чингизхон ўзи бош бўлган тўртинчи асосий қисм (унинг таркибида таниқли саркардалар Жебе ва Субутой ҳам бор эди) Зарафшон воҳаси томон – Бухоро ҳамда Самарқандни истило этиш учун йўл олди.

Шундай қилиб, мўғул босқини бошлангач, Муҳаммад Хоразмшоҳ мўғулларга зарба бериш хусусида Урганчда (Гурганж) ҳарбий кенгаш чақиради. Унда кўзга кўринган давлат арбоблари, аслзодалар, ҳарбий саркардалар иштирок этадилар. Асли хивалик машҳур фиқҳшунос ҳамда давлат арбоби Шаҳобиддин ал-Хивақий бор қўшинни Сирдарё бўйига тўплаб, узоқ йўл босиб келаётган мўғул қўшинига чегара бўйидаёқ ҳал қилувчи зарба бериш тўғрисида ягона ва ҳарбий жиҳатдан ҳақ фикрни билдирди. Шаҳзода Жалолиддин ҳам аслида шу фикрга қўшилган эди. Лекин Хоразмшоҳ ўз саркардаларига, айниқса, қипчоқ ҳарбийларига ишончсизлик билан қарар, катта қўшинни бир жойга тўплашдан, қўшин йиғилганда эса ўзини тахтдан ағдариб ташлашла-

ри мумкин эканлигидан чўчир эди. Шунинг учун султон ва унинг онаси тазйиқи билан кенгаш мудофаа усулига ўтишни маъқул деб топди. Жами 450 тага яқин шаҳар (қалъа) ва вилоятлардан иборат бўлмиш давлатда қўшин катта жангга кириб, ватан шарафини ҳимоя қилиш ўрнига шаҳар ва қалъаларга бўлиб ташланди. Баъзи марказий шаҳарлар, жумладан, «Бухоро ва Самарқанд мудофаасини мустаҳкамлаш зарур», деган фикрга келинди холос. Аммо бу мудофаа тизими ҳам қониқарли даражада ташкил этилмади.

Чегарадаги Ўтрор мустаҳкам шаҳар қалъа бўлиб, мўғулларга олти ой давомида мардонавор қаршилик кўрсатди. Ўтрор ҳокими Иналхон (Ғойирхон) қўлида 20000 чоғли суворий бўлиб, Хоразмшоҳ унга ёрдам тариқасида 50000 кишилик «лашкари бирун»ни ҳам юборган эди.

Қамал давомида қўшимча тарзда яна Қорача Ҳожиб бошчилигидаги 10000 кишилик қўшин ҳам юборилди. Ўтрор ҳокими жасур ва мард саркарда Иналхон унга маҳорат билан бошчилик қилар эди. Аммо айрим зотларнинг хиёнаткорлиги туфайли, мўғуллар шаҳарга ёриб кирдилар. Беш ойлик қамалдан сўнг Иналхон деярли бир ой давомида ўз қўшини билан шаҳар қалъасида қаршиликни давом эттиради. Охир-оқибатда Иналхон деярли бир ўзи қолиб, қалъа томига чиқиб, қўлига тушган нарсаси билан мўғулларга ҳужум қилган. Мард саркардани мўғуллар тириклайин қўлга тушириб, Самарқандга – Чингизхон ҳузурига юборганлар. Чингизхон эса манбаларнинг ёзишига кўра, «кумушни эритиб ўз ҳузурида саркарданинг қулоқ ва кўзига қуйишни буюрган». Иналхон шу тариқа ваҳшиёна равишда ўлдирилган. Ўтрор шаҳри ўз жасорати эвазига мўғуллар томонидан буткул бузиб ташланди.

Бухоро йўналишида кетаётган Чингизхонга эса Зарнуқ (Зеринуҳ) ва Нур қалъалари жангсиз таслим бўладилар. Чингизхон 1220 йилнинг февраль ойи бошларида (баъзи адабиётларда 7 февралда дейилади) Шарқдаги ислом дини гумбази, «бутун мусулмон шаҳарлари онаси» номини олган «исломий илмлар маркази» Бухоро яқинида пайдо бўлди. Уч кунлик шаҳар қамали бошланди. Бухорода бу пайтда 12000 кишилик шаҳар гарнизони ва 20000 кишилик «лашкари бирун» мавжуд эди. Лашкарларга нуфузли саркардалар Ихтиёриддин Қўшлу, Инанчхон Ўғулҳожиб, Ҳамид Пура Қорахитой, Суюнчхон, мўғуллардан қочиб ўтган уйғур саркардаси Кўкхон (Гўрхон) бош эдилар.

Саркардалардан Инанчхон базўр Амударёдан ўтиб қутулишга муваффақ бўлади, Ҳамид Пура Қорахитой мардонавор жангда ҳалок бўлди, қолган-қутган ҳарбийлар эса Бухорога чекинишга мажбур бўладилар. Аҳли Бухоро ўз ҳимоячиларидан айрилгандан сўнг, шаҳар аҳлининг жонини саломат сақлаб қолиш ниятида шаҳарликлар маслаҳатлашиб, Бухоро қозиси Бадриддин қози бошчилигидаги бир гуруҳ оқсоқолларни Чингизхон ҳузурига юборадилар.1220 йили 10 февраль куни мўғуллар Бухорога кириб келадилар. Бухорога кириб келган Чингизхоннинг хатти-ҳаракатлари хусусида Рашидиддин шундай деб ёзган эди: «Чингизхон отда масжиди жоме олдига келиб тўхтади ва шаҳарнинг казо-казоларини ўз ҳузурига чақиртирди. Мўғуллар шаҳар омборхоналарини очиб, ғаллаларни ташиб олдилар. Қуръон нусхалари сақланадиган сандиқларни отларга охур қилдилар, масжидларга мешларда шароб келтириб жойлаб қўйдилар, шаҳар ҳофизлари ва ўйинчиларини чорлаб, рақсга туширдилар. Мўғуллар дол-ғулига келтириб, ўз ашулаларини айтар эдилар. Оқсуяклар, уламолар ва шайхлар отбоқарлар ўрнида отларни қўриқлаш учун отхоналарда турар ва ўша қабила амр-фармонларини бажо келтириш билан машғул эдилар». Бухоронинг талон-тарожи хусусида муаррих ибн Аттор шундай ёзган эди: «Ул кун ҳақиқатда даҳшатли кун бўлди. Бори мангуга кетган эрларининг, хотинларнинг, болаларнинг товушларигина эшитилиб турди. Ваҳшийлар хотинларни. қизларни ҳам ўзларининг биродарлари кўз олдида таҳқирладилар. Бу таҳқирларга уларда кўз ёшларидан ўзга қурол топилмади. Кўплар даҳшатли манзаралардан кўра ўлимни ортиқ кўрдилар. Қози Бадриддин, Имом Рукниддин ва унинг ўғли бу номуссизлик манзараларига чидай олмай, ғазабланиб, ўзлари тенг бўлмаган душманга ҳужум қилиб, ҳалокат топдилар».

Аксарият шаҳарликлар ўз қаршиликларини давом эттирдилар, тунда эса яширинча аскарларга ёрдам бериб, мўғул аскарларига қарши ҳужумлар уюштирдилар. Чингизхон бунга жавобан шаҳарни ёқиб юборишга буйруқ берди. Кўкхон бошчилигидаги 400 та мудофаачилар Бухоро аркида яна 12 кун қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Аркни эгаллаш учун қилинган мўғуллар хатти-ҳаракатлари зое кетди. Қалъадаги чуқурликлар одам ва ҳайвон ўликлари билан тўлиб кетди. Кўкхон ва у бошчилигидаги мудофаачилар қаҳрамонона ҳалок бўлганларидан сўнггина арк эгалланди. Бухороликлар қаршилиги

мўғулларни қаттиқ ғазаблантирди. Бу жасорат эвазига мўғуллар шаҳар аҳлидан 30000 чоғли кишини қириб ташладилар. Келиб чиқишидан қатъи назар қолган аҳоли қулликка маҳкум этилди. Маърифатли, нозик таъб, маданиятли ва илмли Бухоро аҳли истилочилар томонидан зулм ва таҳқирланиш гирдобига тортилди.

Бухородан сўнг Чингизхон Самарқанд шаҳри томон йўл олди. 1220 йил март ойи бошида у Самарқандга етиб келиб, ён-атрофдаги қишлоқларни ер билан яксон қилди. Чингизхон Самарқандни эгаллашга алоҳида аҳамият берди. Самарқанднинг Мовароуннаҳр учун, Хоразмшоҳлар давлати учун аҳамияти беқиёс эканлигини Чингизхон яхши билар эди. Шунинг учун уни эгаллашга катта эътибор билан қаради. Шаҳарда 110000 кишилик ҳарбий гарнизон (ундан 60000 таси туркий, 50000 форсийлар эди.), 20 та ҳарб илмига ўргатилган фил ҳам мавжуд эди. Султон Муҳаммаднинг тоғаси Тўғайхон шаҳар ноиби бўлиб, шаҳар мудофаага бирмунча тайёр ҳам эди.

Шаҳар озиқ-овқат захираси, мудофаа истеҳкомларининг пухталиги жиҳатидан бир неча йиллик қамалга ҳам чидаши мумкин эди. Ўз қароргоҳини мўғуллар босқини бошланиши биланоқ саросимада Балхга кўчирган султон Муҳаммад ҳам Самарқанд мудофаасига умид кўзи билан боқар эди.

Чингизхоннинг ўзи шаҳар ташқарисидаги Кўксарой қўрғонидан туриб шаҳар қамалига бошчилик қилди. 1220 йилнинг март ойи бошларида шаҳар қаттиқ қамал қилиниб, тўхтовсиз ҳужум бошланди. Қамалнинг учинчи кунидан бошлаб унга Чингизхоннинг шахсан ўзи бошчилик қила бошлади. Қамалнинг бешинчи куни уламо, зодагон, шаҳар ҳарбий бошлиқлари «кейинги қаршилик мақсадга мувофиқ эмас ва оммавий қирғин бўлишини олдини олиш керак», деган мақсадда мўғулларга таслим бўлишга қарор қиладилар. Шаҳар қозиси ва шайхулислом бошчилигида Чингизхон ҳузурига Самарқанд аҳли номидан элчилар ташриф буюрадилар. Мўғуллар Самарқанд бош сув иншооти – «Жўйи арзиз» – «Қўрғошин новаси» ни бузиб ташлаб, шаҳарни ташналик гирдобига гирифтор қилдилар. Шаҳар истеҳкоми бузиб ташланди. 20 000 чоғли шаҳар мудофаачилари сув тошқини боис таслим бўлишга мажбур бўлдилар. Тахминан 1000 нафарли мудофаачилар эса султон томонидан 1211–1214 йилларда қурилган жоме масжидига кириб, душманга зарба бера бошладилар. Мўғуллар масжидга ўт қўйиб, мудофаачиларни тириклайин ўлимга маҳкум этди-

лар. Шаҳар қозиси ва шайхулислом ваколати билан ташқарига олиб чиқиб кетилган 50000 нафар кишидан бошқа барча аҳоли қатламлари беҳад талон-тарож қилинди. 30000 нафар ҳунарманд аҳли Чингизхон қариндош-уруғларига тақсим қилиб берилди. Тирик қолган шаҳар аҳлига 200000 динор ўлпон мажбурияти юклатилди. Самарқандда жами аҳолининг фақат бир қисмигина тирик қолди. Мўғуллар томонига хиёнаткорона ўтиб кетган собиқ шаҳар ноиби Тўғайхон тез орада ўзининг 30000 кишиси билан Чингизхон буйруғига кўра қириб ташланди.

Таслим бўлган шаҳарда мўғуллар қилган талон-тарожликлар туфайли «сайқали рўйи замин аст» деб улуғланган, шарқнинг буюк шаҳарларидан бири ҳисобланган, бир пайтлар гуллаб-яшнаб турган Мовароуннаҳр пойтахти ҳувиллаб қолиб, ер билан яксон қилинди.

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг маъсулиятсизлиги, ҳарбий бошлиқларнинг ўзаро иттифоқда бўлмаганлиги, халқ, мамлакат тақдирини ўз ҳолига ташлаб қўйиши оқибатида бу даҳшатли воқеа содир бўлган эди. Бу вақтда султон Муҳаммад Хоразмшоҳ жанубда, Балхдаги ўз қароргоҳида туриб, воқеликни бефарқ кузатиб турар эди. Мўғуллар кириб келаётган вақтдаёқ унга Ироққа қараб чекинишни баъзи амалдорлар маслаҳат беришган эди. Хуросондаги кўпгина саргардонликлардан сўнг султон Каспий денгизининг жанубидаги Ашуради оролига бориб ўрнашади. Ҳам жисмоний, ҳам руҳий, ҳам маънавий жиҳатдан эзилган собиқ ҳукмдор бу ерда плеврит (ўпка қобиғига сув йиғилиши) касалига чалиниб, ўғилларини ўз ёнига чорлайди. Султон қилган гуноҳларига иқрор бўлган ҳолда ушбу оролда хорлик ва азоб-уқубат билан 1220 йилнинг декабрь ойида вафот этди. Орадан бирмунча вақт ўтгандан сўнг, Жалолиддин отасининг мурдасини тоғдаги Ардаҳн қалъасига олиб бориб дафн этади. Ардаҳн мўғуллар томонидан забт этилгандан сўнг, ўз вақтида султонни тириклайин қўлга тушира олмаган аламзада мўғуллар унинг мурдасини кавлаб олиб, Ўгедейга (Ўктой) юборишган. Ўгедей эса унинг мурдасини ёқиб юборишни ҳамда кулини кўкка совуришни буюрган. Шунингдек, хоразмшоҳларнинг ўз вақтида султон томонидан Ардаҳнга яширилган энг қимматбаҳо 10 та сандиққа жойланган жавоҳирлари ҳам мўғуллар қўлига ўлжа бўлиб тушган эди.

Чингизхоннинг катта ўғли Жўчи бошчилигидаги мўғул босқинчилари режа бўйича Сирдарёнинг юқори қисмидаги ерларни эгалла-

ши лозим эди. Босқинчилар маълум муддатдаги қамалдан сўнг Сиғноқ ва Борчилиғкент шаҳарларини эгаллаб, сўнг мустаҳкам қалъа ҳисобланган Хўжандга ҳужум бошлайдилар. Мўғуллар 20000 нафар қўшин ва 50000 чоғли асирга тушган ҳашарчиларни Хўжанд атрофига йиғадилар. Хўжанд ҳокими Темур Малик асли туркий саркардалардан бўлиб, хоразмшоҳлар давлатида ном чиқарган, султон ва унинг оиласига таниш бўлган шахс эди. Мўғулларга қарши тура олиш мумкин эмаслигини сезган Темур Малик (малик – ҳоким маъносида) тахминан 1000 нафар аскари билан Хўжанддан бир километр наридаги Сирдарёнинг мўъжазгина оролига жойлашиб олади. Қулай стратегик аҳамиятга эга бўлган бу оролга мўғуллар ўқлари, палахмон тошлари етиб бормас эди. Темур Маликнинг буйруғига кўра 12 та қайиқ ясатилиб, ўқ ўтмаслиги, ёниб кетмаслиги мақсадида бу қайиқларнинг усти намат билан қопланиб, сирка шимдирилган лой билан суваб чиқилади.

Темур Малик узоқ вақт мудофаа учун эндиликда оролчада туриш мақсадга мувофиқ эмаслигини тушуниб, бор озиқ-овқат захираси ва аскарларини 70 та кемага жойлаб, тунда дарёнинг қуйи оқими бўйлаб сузиб кетади. Мўғуллар икки соҳил бўйлаб Темур Малик кемаларига тўхтовсиз ҳужум уюштирар эдилар. Ҳатто Банокат бўйида дарёнинг у соҳилидан бу соҳилига занжир ҳам тортиб қўядилар. Узоқ, узлуксиз жанг билан улар Жандга қадар етиб келадилар. Мўғул саркардаси Улус Иди Борчилиғкент ва Жанд яқинида манжаниқлар (тошотар замбараклар) ўрнатиб, қайиқларни бир-бирига туташтириб, жасур саркарда йўлини тўсади. Узоқ жанглардан сўнг Темур Малик Урганчга етиб келади ва Урганч ҳимоясида қатнашиб, Жалолиддиннинг озодлик курашида фаол иштирок этади. Кейинроқ, узоқ саргардонликлардан сўнг саркарда Темур Малик ўз юртига дарвеш сифатида келиб, қаҳрамонона равишда мўғул ҳарбийлари қўлида ҳалок бўлади.

Чингизхон 1220 йилнинг ёзини Мовароуннаҳр жанубида ўтказмоқчи бўлди. Чунки у жануб шаҳарларини эгаллашга шахсан бош қўшган эди. Зеро, жанубда ҳали босқинчилар қадами етмаган бир қатор бой вилоят ва шаҳарлар мавжуд эди. Аввал у Наҳшабга бостириб борди. Шаҳарликлар мўғулларнинг мислсиз зўравонлик ва босқинидан яхши хабардор эдилар. Наҳшаб аҳли даҳшатга тушиб, шаҳарни мўғулларга ихтиёрий топширадилар. Шундай бўлса ҳам шаҳардан катта ўлпон ундирилади.

Чингизхон ёзни Наҳшабда ўтказиб, 1220 йилнинг кузида Термизга юриш бошлайди. Термиз Ҳиндистон ва Ўрта Осиё савдо йўллари туташган қулай ерда жойлашган бўлиб, унинг Амударё соҳилига туташган қалъаси ўз вақтида мустаҳкам равишда барпо этилган эди. Термиз ҳокими Фахриддин ҳабаш мўғуллар босқинига мардонавор туриб жавоб беришга қарор қилди. Мудофаанинг ўн биринчи куни шаҳар эгалланди. Шаҳар буткул талон-тарож қилиниб, хонавайрон этилди. Шаҳар аҳли эса даштга ҳайдаб чиқилиб, қириб ташланди. Мовароуннаҳрнинг асосий қисмлари – Сирдарё ҳавзаси, Зарафшон, Қашқадарё водийлари, Бухоро воҳаси, Шош ва Фарғона водийси эгаллангач, Чингизхон эндиликда ўзининг асосий эътиборини хоразмшоҳлар давлатининг маркази Хоразм ўлкасига қаратди. Бу юришга ўғиллари Жўчи, Чиғатой, Ўктой (Угедей)ларни масъул қилди. Айниқса, хон мусулмон Шарқининг энг катта шаҳри бўлмиш, маданият, савдо гуллаб-яшнаган бой-бадавлат қадимги Урганч (Гурганж) истилосига катта аҳамият билан қаради. Ушбу юриш 1221 йилнинг бошида бошланди.

1221 йилнинг бошида «султон» деб эълон қилинган Жалолиддин ва шаҳзодалар Оқшоҳ, Ўзлоқшоҳлар билан Урганчга келади. Лекин Урганчдаги сиёсий вазият, собиқ Жанд ноиби Қутлуғхоннинг унга қарши суиқасди, қипчоқ саркардаларининг хоинона ўзларини тутишлари Жалолиддинни шаҳар мудофаасига бош бўлиш фикридан қайтаради. Қипчоқлар унинг ҳокимият тепасига келишини хоҳламас эдилар. Бундай вазиятда мудофаани ташкил этиб бўлмаслиги аниқ бўлиб қолган эди. Ушбу воқеалардан сўнг Жалолиддин Темур Малик билан биргаликда 300 та киши билан шаҳарни тарк этиб, Хуросонга йўл олади. Унинг ортидан эса тез орада Оқшоҳ ва Ўзлоқшоҳлар ҳам йўлга тушадилар *(Жалолиддиннинг фаолиятини алоҳида қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлгани учун кейинги параграфда бу буюк шахс фаолияти тўғрисида батафсил тўхталиб ўтамиз)*.

Урганчда эса шаҳардаги қипчоқ саркардалари – Ўғул Ҳожиб, Эрбуқа паҳлавон, Али Даруғийний ва бошқалар Туркон хотуннинг жияни ёш Хумортегинни «султон» деб эълон қиладилар. Туркон хотуннинг ўзи Мозандарондаги Илол қалъасига келиб ўрнашиб, ўз ҳаёти ва бойликларини сақлаш тараддудига тушади. Қалъада сувсизликдан силласи қуриган собиқ малика мўғулларга асирга тушиб,

хоразмшоҳлар хазинасини улар қўлига топширади. Кейинчалик Қорақурумда чўри бўлган Туркон хотун 1233 йили хору зорликда вафот этади.

Хумортегин лаёқатсиз, ўз фикрига эга бўлмаган, қўрқоқ шахс эди. Урганчга Чингизхоннинг ўғиллари Жўчи, Чиғатой, Ўгедей, таниқли мўғул саркардалари Тулун черби, Устун нўён, Қозон нўён ва бошқалар ўз ҳарбий кучлари билан етиб келадилар. Хоразм Жўчи бошқаруви илкига тушганлиги учун ҳам, у шаҳарни тинчлик билан мўғулларга топширишни талаб этади. Лекин нима бўлганда ҳам, шаҳарнинг жасур ҳимоячилари мудофаага қатъий тайёргарлик кўриб, жонажон шаҳарларини мўғулларга беришдан қатъий равишда бош тортдилар. Пойтахт атрофини 100000 дан зиёд мўғуллар қўшини билан ўраб олиш бошланди. Шаҳар деворларини бузиш учун манжаниқлар ўрнатилади. Мўғуллар шаҳарни катта куч билан забт этишга киришдилар. Афсуски, янги «султон» шаҳар мудофаасига бош бўла олмади.

1221 йилнинг бошидан бошланган Урганч қамали деярли 7 ой давом этади. Шаҳар аҳли мўғулларнинг қурол-яроғи, палахмон тошларни отувчи манжаниқлари, замбаракларидан чўчимай, мардонавор курашга кирдилар. Найза ва камон ўқларидан қўрқмай, шаҳар деворларининг бузилган ерларини қайта тиклай бошлайдилар. Бир гуруҳ урганчлик ҳарбий навкарлар шаҳардан деярли бир фарсаҳ узоқликдаги Боғи-Хуррам деган жойда мўғулларга зарба беришга ҳаракат қилиб, қаҳрамонона жанг қилдилар. Лекин Жувайнийнинг ёзишига кўра, жангда қўшин ва қурол жиҳатидан устун бўлган мўғуллар шу ерлик тинч аҳоли, жангчилар билан биргаликда 100000 дан зиёд аҳолини қириб ташлайдилар. Султон зобитларининг бошлиғи Фаридун Ғурий ўзининг 500 кишилик ҳарбий қўшини билан мардонавор тарзда шаҳар деворлари ва дарвозалари ҳимоясига бош бўлди. Лекин қўрқоқ ва заиф «султон» Хумортегин шаҳар дарвозасини очиб бериб, ўз ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида хиёнаткорона равишда мўғулларга таслим бўлди. Истилочилар шаҳарга бостириб кира бошлайдилар. Тарихчилардан ан-Насавий, Жувайнийларнинг ёзишларига кўра, Урганч аҳолиси ҳар бир кўча, мавзени жон-жаҳдлари билан ҳимоя қилганлар. Кўприк устидаги жангда шаҳарликлар 3000 нафардан зиёд мўғул аскарларини қириб ташлашга ҳам муваффақ бўладилар.

Шаҳардаги жангларда хоразмлик машҳур аллома, файласуф ва олим, «Кубровия» тариқатининг асосчиси Аҳмад ибн Умар Абул Жаноб Нажмиддин ал-Кубро ал-Хевақий (1145–1221) ҳам фаол қатнашди. Ўзига «Ё Ватан ё шарофатли ўлим» деган ғояни шиор қилиб олган бу 76 ёшдаги буюк шайх мўғулларнинг таслим бўлиш ҳақидаги таклифларини рад этиб, ўзининг беҳисоб шогирд, дўсту ёрон, мухлису сафдошлари билан шаҳар ички мудофаасида иштирок этади. Унинг жанговар чақириғига мувофиқ ҳар бир қарич ерни шаҳарликлар қаҳрамонона тарзда, бир томчи қонлари қолгунча ҳимоя қиладилар. Нажмиддин Кубро қаҳрамонона тарзда жанг қилиб, ўлим олдидан мўғул навкарига ташланиб, уни аввал ҳалок қилиб, сўнгра ўзи шаҳид бўлади.

Шу ўринда Республикамиз Президенти И.Каримов ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида «Урганчни босқинчилардан ҳимоя қилишда байроқ тутиб жон берган Нажмиддин Кубро қаҳрамонлигини» беқиёс куч – маънавий жасорат сифатида ҳақли тарзда эътироф этиб ўтганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шаҳар мудофааси чўзилиб, ҳатто Чингизхоннинг ўғиллари Жўчи ва Чиғатой ўртасида ҳам ихтилоф чиқиб, шаҳарни эгаллаш бошқа бир ўғил – Угедейга топширилди. Беҳисоб қон тўкилиб, бундан сўнгги ҳимоя бефойдалигини сезган шаҳарликларнинг тирик қолганлар жонини омон сақлаб қолиш мақсадида таслим бўлишдан ўзга чоралари қолмайди. Шаҳардан 100000 дан кўпроқ ҳунармандлар ажратиб олиниб, Мўғулистонга жўнатилади. Шаҳар аҳли даштга ҳайдаб чиқарилиб, болалар ва аёллар бўлиб олинади. «Ортиқча» асирлар ҳақоратли ўлимга мубтало этилади. Жувайнийнинг ёзишича, ҳар бир мўғул аскарига шаҳарликлардан 24 та ўлдирилган аскар тўғри келган экан. Қолган барча нарсалар беаёв талон-тарож қилинди. Шаҳар қўлга олинганидан сўнг унинг асосий қисми бузилиб, хонавайрон бўлган эди. Шундан кейин ҳам мўғуллар Амударё тўғонини бузиб, шаҳарни сувга бостирадилар.

Урганч қамали билан бир вақтда Чингизхон 1221 йилнинг баҳорида ўзининг эътиборини Амударёдан жанубдаги йирик савдо йўллари устида жойлашган бой маданий марказлар бўлмиш Балх, Ҳирот, Ғазна, Қандаҳор, Нишопур ва бошқаларга қаратди. Чингизхон шахсан Балх юришига бошчилик қилиб, шаҳарни забт этди. Балх аҳолисини эса қириб ташлади. Баъзи бир жанублик Хоразмшоҳ ноибла-

ри, жумладан Амин-ал мулк ҳам мўғуллар томонига хиёнаткорона равишда ўтиб кетдилар.

Жалолиддинга қарши кураш вақтида қатор қалъа, шаҳарлар қаттиқ жанглар билан ишғол қилинди (Бамиён, Ғазна, Қандаҳор, Гардиз, Валиён ва бошқалар.) Мўғулларнинг жанубдаги охирги эгаллаган шаҳри Ҳиндистоннинг шимолий ғарбидаги Мўлтон бўлиб қолди (1222 йил).

Манбаларда «Жаҳон султонлари пойтахти» ва »Инсоният буюк фарзандлари бешиги» номини олган Урганч (Гурганж), Шарқдаги «ислом таянчи» – Бухоро, қадимий Афросиёб ватани – Самарқанд, масжидларнинг сони (1200 тага етган) билан машҳур «қуббатул ислом» – Балх, ўз мадрасалари билан донғи кетган Марв, ўзининг нозиктаъб илмли кишилари билан маълум Нишопур ва кўплаб машҳур шаҳарлар талон-тарож этилиб, вайрон қилинди. Мўғулларнинг кучли зарбасига учраган баъзи шаҳарлар, масалан, Ўтрор, Сиғноқ, Борчилиғкент ва бошқалар умуман узоқ вақтгача дашту биёбонларга айланиб қолди. Шу даврда яшаган араб тарихчиси Ибн ал-Асир (1160–1244) мўғул босқини хусусида шундай деб ёзган эди: «Улар (яъни мўғуллар) ҳеч кимга шафқат қилмадилар, аксинча, хотинлар, болалар, эркакларни ўлдирдилар, туғилмаган гўдакларни нобуд қилдилар... Бу мусибат тўлқинлари турли томонларга тарқалди ва унинг фожиаси умумий бўлиб қолди ҳамда у шамол булутларни турли томонга ҳайдагани каби бутун вилоятларга ёйилди. Хитой чегараларидан бир халқ чиқиб, Туркистондаги Қашғар ва Баласоғун каби вилоятларни, Мовароуннаҳрдаги Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларни вайрон этиб, қирғин қилиб, талон-тарож қилиб эгаллади. Татарлар ҳеч қайси шаҳарларни омон қолдирмадилар, кетаётиб ҳамма ерни вайрон этдилар. Улар ниманики ёнидан ўтган бўлсалар, ўзларига ёқмаган барча нарсаларга ўт қўйдилар».

3. Жалолиддин Мангуберди – Ватан қаҳрамони



Жалолиддин Мангуберди – она юрт ҳимоячиси, жасур саркарда ва давлат арбоби. халқимизнинг Спитамен, Муқанна, Нажмиддин Кубро, Амир Темур сингари тарихда ўчмас из қолдирган миллий қаҳрамонидир.

Ислом КАРИМОВ

Тарихимиздаги улуғ зотлардан бири мўғул босқинчиларига қарши мардонавор курашган, Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилган буюк саркарда, мардлик тимсоли бўлмиш Жалолиддин Мангуберди ҳисобланади. Ўрта аср мусулмон муаллифлари, жумладан, унинг вазири ва муншийси бўлган ан-Насавий уни Манкбурни (яъни, манк «белги», «хол» яъни «холдор бурунли» деган маънони англатган) номи билан аташган.

Истиқлол шарофати билан озодлик ва эрк курашчиси бўлмиш буюк саркарда Жалолиддин Мангубердининг тарихий номи қайта тикланди. Республикамиз Президенти И.Каримовнинг «Бу юрт тенгсиз алломалар, азиз авлиёлар, подшоҳу саркардалар, ботир ва паҳлавонларни кўп кўрган. Улар орасида миллий қаҳрамонимиз Жалолиддин Мангубердининг бетакрор номи юлдуздек чарақлаб туради. Султон Жалолиддин сиймоси нафақат Хоразм, балки бутун Ўзбекистоннинг фахру ғуруридир», – деган таърифи қўйилган мавзу моҳиятини тўлиқ ўзида мужассам этади.

Жалолиддин оғир бир пайтда, Мовароуннаҳр уруш домига тортилган, мамлакатнинг катта қисми мўғуллар томонидан истило этилган, хоразмшоҳлар қўшини яксон қилинган, амирларнинг бир қисми хоинлик, қолгани ўз жону мулкини асраш йўлига тушган, султон мамлакатни ўз ҳолига ташлаб қўйган, ўзаро саросима ва таҳлика ҳукм сурган бир вақтда тарих саҳнасида пайдо бўлди. Жалолиддин шундай бир оғир вазиятда Ватан ва халқ эрки учун мўғулларга қарши 11 йил давомида кураш олиб борди, 14 маротаба мўғулларга қарши от суриб, унинг 13 тасида ғолибликни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Мўғуллар босқини арафасида Жалолиддин гарчи катта ўғил бўлса-да, бувиси Туркон хотун томонидан ҳокимиятдан четлатил-

ган бўлиб, тахт вориси этиб Туркон хотун уруғидан бўлмиш бошқа бир шаҳзода Қутбиддин Ўзлоқшоҳ валиаҳд деб эълон қилинган эди.

Таомилга кўра шаҳзодаларга ҳудудлар мулк этиб бўлиб берилган эди, жумладан Ғазна, Бамиён, ал-Ғур, Бўст, Такинобод, Замин-Давора ва Ҳиндистон билан чегарадош ерлар Жалолиддинга мулк этиб берилган эди. Гарчи Жалолиддин бувисининг изми билан марказдан четлатилган бўлса-да, лекин султон унга алоҳида муҳаббат билан қарар, унинг жасурлигини қадрлар ва ўзидан узоқлашиб кетмаслигини хоҳлар эди. Шунинг учун ҳам унга вазир этиб таниқли давлат амалдори Шамс-ал Мулк Шаҳобиддин Алп ал-Ҳаравийни, ноиб (ўринбосар) этиб эса саркарда Кузбар Маликни тайинлайди. Мўғуллар таъқибидан ҳайиқиб, маълум вақт Хуросонда саргардон бўлган Муҳаммад Хоразмшоҳ плеврит (ўпкага сув йиғилиши) касали билан оғриб, тахминан 1220 йилнинг охирларида (ҳижрий 617 й.) қувғинликда Каспий денгизидаги Ашуради оролида вафот этди. Ўлими олдидан султон Жалолиддинни «тахт вориси» деб эълон қилиб, султонликнинг баъзи рутбаларини унга топширди. Жалолиддин ўз иниларн Ўзлоқшоҳ ва Оқшоҳлар билан отасини дафн этгач, 70 та кишиси билан тўғри Урганчга (Гурганч) келади. Тез орада унга Хўжанд ҳокими Темур Малик ва бошқа эрксевар кишилар ҳам келиб қўшиладилар. Халқ Жалолиддин Мангубердини шоду хуррамлик ва катта умид билан кутиб олади.

Лекин иниси Ўзлоқшоҳ ва унинг тарафдорлари унга қарши фитна тайёрлаётганидан хабар топгач, бу алфозда мўғулларга қарши курашиб бўлмаслигини тушунган Жалолиддин 300 та кишиси билан яширинча пойтахтни тарк этади. Ҳозирги даврдаги янги тадқиқотлар шуни кўрсатаяптики, Жалолиддиннинг мўғуллар билан илк тўқнашуви аввал бошида Жанд вилоятидаги Ирғиз даштида бўлган. Жалолиддин 16 кун ичида Хоразмдан Хуросон ерларидаги Нисо қўрғони атрофига етиб келади. Чингизхон султон ўғилларининг Хоразмга қайтганликларидан хабар топгач, агарда улар Хуросонга чекинмоқчи бўлсалар, уларга қарши чиқиш зарур деб, ўз қўшинидан Хуросоннинг ҳар ерига пистирмалар қўяди. Жалолиддин Нисо яқинида ўзининг 300 та аскарлари билан мўғулларнинг 700 кишилик қўшинини зарбага учратади. Мўғуллар батамом мағлуб этилади. Ушбу ғалаба мўғулларнинг «афсонавий қудрати» ҳақидаги миш-мишларга чек

қўяди. Жалолиддиннинг обрўси кўтарилиб, халқ оммасида ғалабага бўлган ишонч мустаҳкамланади.

Шундай бир вазиятда Жалолиддиннинг укалари Ўзлоқшоҳ ва Оқшоҳлар саросимага тушиб, нима қилишларини билмай, Жалолиддин кетидан улар ҳам Хуросонга кетишади. Мўғулларнинг кичик қўшини устидан ғалаба қозониб, бу ғалабага жуда катта эътибор бериб юборишади. Шундан сўнг айшу ишратга берилиб, Хуросоннинг Ҳабушан шаҳри яқинида мўғулларга қарши навбатдаги курашда қўлга тушиб, қатл этиладилар. Мўғуллар қатл этилган шаҳзодаларнинг каллаларини намойишкорона тарзда маълум бир вақт Хуросонда олиб юришади. Жалолиддиннинг яна бир иниси, Ироқ ерларининг ноиби Рукниддин Ғурсанжий (манбаларда унга «ақл-заковат ва кўркамликда тенги йўқ» деб таъриф беришган) Эроннинг Устунаванд қалъасида 6 ой мўғулларга қарши кураш олиб бориб, мардонавор тарзда ҳалок бўлади. Жалолиддиннинг бошқа бир укаси, бир вақтлар Кирмон, Макрон ва Кеш ерлари ноиби Ғиёсиддин Пиршоҳ Эроннинг Кирмон вилоятида муқим қолиб, ўзини «султон» деб эълон қилади. Кейинчалик Ғиёсиддин Пиршоҳ Жалолиддинга Эрон ерларидаги курашларида ёрдам беради. Жалолиддин эса бу вақтда Нишопурга етиб келади. Бир ой давомида мўғулларга қарши курашиш мақсадида барча амир, саркардаларга қўшин йиғиш хусусида мурожаат қилади. Мўғуллар унинг ушбу фаолиятидан хабардор бўлганликларини билгач, Завзон (Нишопур ва Ҳирот оралиғида) туманидаги ал-Қоҳира қалъасига келиб ўрнашади. Афсуски, бу вақтда маҳаллий ноиб, ҳокимлар унинг атрофида жипслаша олмайдилар. Ҳали етарли кучга эга бўлмаган Жалолиддин қалъада узоқ туриш хавфли эканлигини тушуниб, Ғазна томон йўл олади.

Чингизхон эса бу вақтда улкан қўшин билан Хуросонга изма-из келаётган эди. Жалолиддин Ғазнага етмасдан яқин орада Ҳирот ҳокими ҳамда қайинотаси бўлмиш Амин Малик билан учрашади ва улар биргаликда Қандаҳор қалъасини қамал қилаётган мўғуллар устига юриш қиладилар. Жалолиддин бу курашда ҳарбий илм тарихида илк бора «пиёда ёйандозлар»ни мўғулларнинг отлиқ аскарларига қарши қўяди. Инглизлар кейинчалик бу ҳарбий усулга юқори баҳо бериб, ўзларининг Кресс ёнидаги машҳур жангларда ундан фойдаланишади. Уч кунлик жангдан сўнг мўғуллар мағлуб этилиб, Жалолиддин ғолиб бўлади ва у Ғазна томон йўл олади.

У 1221 йилнинг февралида Ғазнага кириб келади. Манбаларда қайд этилишича, халқ Жалолиддинни жуда катта тантана билан кутиб олади. Шаҳар аҳли худди ҳайит байрамидек шоду хуррам эди. Ғазнада Жалолиддин хизматига Сайфиддин Ўғроқ ал-Халажий, Балх ҳокими Аъзам Малик, афғон қабилалари сардори Музаффар Малик ва қарлуқлар раҳбари ал-Ҳасан қарлуқ ўз қўшинлари билан қўшиладилар. Жами қўшиннинг сони тарихчиларнинг хабарига кўра 90–130 минг киши атрофида бўлган. Чингизхон Жалолиддиннинг куч-қудрати ошиб бораётгани ва мўғуллар ундан Қандаҳорда зарбага учраганлигидан ғазабланиб, нўён Шики Хутуху бошчилигидаги қўшинни унинг устига юборади. У 1221 йилнинг кузида Жалолиддин ерларига яқинлашиб келади. Бу вақтда мўғулларнинг Текечук ва Молгор бошчилигидаги пешқадам гуруҳи Чорикордан шимолроқдаги Валиён қўрғонини қамал қилишни бошлаган эди.

Жалолиддин бир ҳамладаёқ мўғулларни зарбага учратишга муваффақ бўлади. Бу жангда мўғулларнинг 1000 дан ошиқ кишиси ҳалок бўлади. Кўплаб тарихчилар, жумладан, ибн ал-Асир, Жувайний, Рашидиддин бу жангга юқори баҳо берган эдилар. Жалолиддиннинг мўғулларга қарши муҳим жангларидан бири 1221 йилнинг кузида шимолий Афғонистоннинг Лагар дарёси бўйидаги Парвон дашти яқинида бўлиб ўтади. Бирлашган қўшинга шахсан Жалолиддиннинг ўзи лашкарбошилик қилиб, ўнг қанотга Амин Малик, чап қанотга Сайфиддин Ўғроқ бошчилик қилишади. Мўғуллар жон-жаҳдлари билан курашга кирадилар. Ҳатто Шики Хутухунинг буйруғи билан Жалолиддин қўшинига хавф туғдириш мақсадида ҳар бир мўғул аскари орқасига наматдан ясалган сохта қўғирчоқ – тулуп ҳам ўтказиб қўйишади. Парвон жанги мўғулларнинг мутлақ мағлубияти билан тугаб, Шики Хутуху қолган-қутган қўшини билан Чингизхон ҳузурига базўр қочишга улгуради.

Парвон яқинидаги жанг Мовароуннаҳр ва Хуросон аҳли учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлди. Шу пайтгача мўғулларнинг «илоҳий», «енгилмас» куч-қудратга эгаликлари хусусидаги гап-сўзларга, афсоналарга батамом чек қўйилди. Жалолиддиннинг ғалабасидан Мовароуннаҳр ва Хуросон халқларининг руҳи кўтарилди, ғалаба таъсирида Сарахс, Марв, Ҳирот ва бошқа Хуросон шаҳарларида мўғул истилочиларига қарши халқ исёнлари бошланиб кетди. Бухорода бош кўтарган аҳоли эса мўғулларни шаҳардан сиқиб чиқариш-

га муваффақ бўлди. Чингизхон Жалолиддиннинг кучайиб бориши, унинг халқ оммаси томонидан қўллаб-қувватланиши мўғуллар босиб олган ерлар учун қанчалик хавф туғдиришини яхши англаб етган эди. Шу сабабдан ҳам шахсан ўзи Жалолиддинни қандай қилиб бўлмасин, мағлуб этиш мақсадида шитоб билан катта қўшинга бош бўлиб, жануб томон йўл олди.

Жалолиддин қўшини Парвон жангидан сўнг катта ўлжани қўлга киритган эди. Ушбу ўлжанинг тақсимланиши вақтида Жалолиддиннинг икки саркардаси Амин Малик ва Сайфиддин Ўғроқ ўртасида ихтилоф чиқади. Ихтилоф натижасида Сайфиддин Ўғроқ ва ундан кейин бошқалар ҳам қўшиндан ажралиб чиқиб кетадилар. Жалолиддиннинг қўшини нисбатан камайиб, унинг ўзи танг бир аҳволда қолади. Жалолиддиннинг уни тарк этган саркардаларга қайта иттифоқ тузиш, душманга қарши биргаликда кураш олиб бориш тўғрисидаги мурожаатлари зое кетди. Жалолиддин ичак оғриғи касалига дучор бўлиб турган пайтида мўғулларнинг пешқадам гуруҳи Гардезга (Ғазнадан 50 км. шарқда жойлашган шаҳар) ўрнашганлигидан хабардор бўлади. Жалолиддин хасталигига қарамасдан, Гардездаги мўғул аскарларига тўсатдан зарба бериб, уларни мағлубиятга учратади. У Чингизхонга қарши озчилик қўшин билан кураша олмаслигини англаб, Синд (Ҳинд) дарёси бўйига чекинишга қарор қилади.

Жалолиддинни қандай қилиб бўлмасин, мағлуб этиш ва уни қўлга тушириш илинжида бўлган Чингизхон уни изма-из таъқиб этиб келади. Жалолиддинни таъқиб этиб келаётган мўғулларга, айниқса, Бамиён қалъасидагилар қаттиқ қаршилик кўрсатди. Бамиён қамали вақтида Чиғатойнинг ўғли, Чингизхоннинг суюкли набираси Мутулк ҳалок бўлади. Бундан дарғазаб бўлган Чингизхон қалъадан биронта ўлжа, биронта одамни асирликка олмай, барча қалъа аҳлини қириб ташлашни буюради. Ер билан яксон қилинган собиқ Бамиён қалъаси кейинчалик мўғуллар томонидан «Мўбалиқ» (яъни аҳмоқона шаҳар) номини олади.

Ниҳоят 1221 йилнинг 25 ноябрь пайшанба куни (ҳижрий 618 йил шаввал ойининг саккизинчи куни) Синд дарёси бўйида уч кун давом этган ҳал қилувчи жанг бошланди. Бир қатор ўрта аср мусулмон тарихчиларининг таъкидлашларича, бундай қонли, кескин ва даҳшатли жанг тарихда рўй бермаган экан. Жалолиддин ва унинг қўшини мисли кўрилмаган даражада жасорат ва баҳодирлик намуналарини

кўрсатди. Фақат учинчи кунга келиб, Чингизхон қўшини устунликка эриша бошлади. Жалолиддиннинг тахминан 7-8 ёшли ўғли Чингизхон қўшини қўлига тушиб қолиб, ўлдирилади. Жангда мардонавор курашган Амин Малик ва бошқа кўплаб саркарда, навкарлар ҳам ҳалок бўлдилар. Чингизхон қандай қилиб бўлмасин, Жалолиддинни тириклайин қўлга олишга буйруқ берди. Жалолиддин эса уни қўлга олишга интилаётган мўғул қўшини қуршовини фақат шахсий баҳодирлиги туфайли ёриб чиқиб, Синд дарёси бўйига етиб келишга муваффақ бўлади. Дарё бўйида уни онаси Ойчечак ва ҳарамдаги бошқа аёллар кутиб туришар эди. Шундоқ ҳам бу жангдан руҳан ва жисмонан эзилган Жалолиддинга улар «... бизни ўлдиринг ва машъум асирликдан қутқаринг» дея мурожаат қилишади. Жалолиддин барча ҳарам аёлларини сувга чўктиришга кўрсатма беришдан бошқа иложи қолмайди. Ўзи эса оти билан сувга сакраб, дарёнинг нариги қирғоғи – Ҳиндистон томонга сузиб ўтади.

Жалолиддиннинг ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини йўқотмаслиги, унинг жасорати ва мардлигига, метиндек иродасига Чингизхон ҳам тан беради. Тарихчилардан Жувайний, Рашидиддин ва бошқаларнинг ёзишларига қараганда, Жалолиддиннинг жасоратига қойил қолган Чингизхон ўз ўғилларига қарата «Отанинг фақат шундай ўғли бўлиши лозим. У оловли жанг майдонидан ўзини қутқариб, ҳалокатли гирдобдан нажот қирғоғига чиқдими, ундан ҳали улуғ ишлар ва қиёматли исёнлар келади!» – дейди ва унинг орқасидан таъқиб этишни тақиқлайди. Синд дарёси бўйидаги жангдан сўнг Чингизхон уч ой давомида Жалолиддин қўшинидан ўз вақтида ажраб кетган саркардалар қалъаларини қўлга олиб, уларни йўқ қилиш билан банд бўлган.

Рашидиддиннинг ёзишига кўра, Жалолиддин дарёдан тахминан 120 та тирик қолган кишилари билан Ҳиндистон қирғоғида учрашади. Жалолиддин ҳам, тирик қолганлар ҳам маънавий-руҳий оғир жанглардан жисмонан эзилган ҳолда мураккаб бир аҳволда қолишган эди. Бу вақтда Шатра деб аталган ҳудуддаги маҳаллий ҳинд рожаларидан бири 40000 чоғли қўшини билан дарёнинг бу бетига сузиб ўтган хоразмликларни қириб ташлаш учун етиб келади. Фақатгина Жалолиддиннинг тенгсиз баҳодирлиги ва қаҳрамонона хатти-ҳаракати туфайли рожа ўлдирилиб, қўшин орқага чекинади. Бу жангдан Хоразмшоҳ аскарларининг руҳи кўтарилиб, тез орада Жалолиддин ўз атрофига 3 минг кишилик аскар йиғишга муваффақ бўла-

ди. Оғир вазиятларда ҳам ўзини йўқотмай, қадди букилмаган саркарда Ҳиндистонга ўтгач, Синд дарёси бўйидаги ерларни ишғол қила бошлайди. Тез орада Жалолиддиннинг ҳокимиятини Деҳли султони Шамсиддин Элтутмиш (1211–1236) ва Синд, Учча, Мўлтон, Лоҳур ва Пешовар ҳокими бўлмиш Носириддин Қубача (1205–1227) ҳам тан оладилар.

Ҳиндистонда Жалолиддин 1223 йилнинг охирларигача бўлиб, хоразмшоҳларнинг азалий мулки бўлган Ироқ ва Эронни ўз измига киритиш, мўғулларга қарши курашни давом эттириш мақсадида йўлга отланади. Ўз ўрнига ноиб этиб, таниқли саркарда Жаҳон полвон Ўзбекни қолдириб кетади. Жаҳон полвон то 1229 йилгача Ҳиндистон мулкларини бошқариб, сўнгра Жалолиддин ҳузурига – Ироққа қараб кетади ва унинг ҳарбий юришларида елкадош бўлиб хизмат қилади. 1224 йилнинг бошида Жалолиддин Кирмонга келиб, Кирмон султони бўлмиш укаси Ғиёсиддин Пиршоҳдан ёрдам тариқасида 4000 кишилик қўшин олади. У ўзининг асосий мақсади мўғул истилочиларига қарши курашиб, мустақил давлат яловини тиклаш эканлигини билдиради. Унинг Шероз ва Исфаҳонга ташрифини халқ оммаси катта тантана билан кутиб олади.

Жалолиддин мўғулларга қарши биргаликда кураш олиб бориш мақсадида укаси Ғиёсиддин Пиршоҳ, Бағдод халифалари аз-Зоҳир (1225–1226), сўнгра ал-Мунтасир (1226–1242), Гуржистон маликаси Русудана ва бошқаларга мурожаат қилади. Лекин мўғуллар қасоси, қолаверса, Жалолиддиннинг ҳокимияти кучайиб кетишидан чўчиган кўпчилик мусулмон ҳоким, ҳукмдорлари у билан иттифоқ тузишни хоҳламайдилар. Бағдод халифалиги, исмоилийлар ҳокими Муҳаммад III (1221–1255) эса мўғуллар билан яқинлашишга, Жалолиддинга қарши очиқдан-очиқ курашишга бел боғлайдилар. Малика Русудана ва унинг вазири Авак билан ўзаро иттифоқ хусусидаги таклифлари зое кетгандан сўнг 1226 йил февралида саркарда Гуржистонга юриш қилади. Гуржистон қаттиқ жанг билан эгалланиб, бу ерда кўплаб курашлар бўлиб ўтади. Бош кўтарган Гуржистон иккинчи маротаба 1228 йил эгалланди.

Бир вақтнинг ўзида Жалолиддин Мангуберди Кирмонда унга қарши бош кўтарган хиёнаткор Барак Ҳожибга ва исмоилийларга ҳам қарши кураш олиб боришига тўғри келади. Шунингдек, аҳамиятли ҳисобланган Арарат тоғликлари этакларида жойлашган Хилат

қалъаси ҳам Жалолиддинга узоқ вақт мобайнида қаршилик кўрсатади. 1227 йил охирларида мўғулларнинг Эронга кириб келиш ниятлари борлигини билган Жалолиддин уларга қарши қатъий жангга киришга тайёргарлик кўради. Мўғулларнинг ўша йили юборилган 2000 кишилик авангарди тор-мор этилиб, улардан 400 таси Исфаҳонда намойишкорона тарзда жазоланади. 1228 йил 25 августида Эронни забт этиш учун келган Тайнал нўён бошчилигидаги мўғул истилочилари билан Исфаҳон яқинида ҳал қилувчи жанг бўлиб ўтди. Гарчи жанг вақтида укаси Ғиёсиддин Пиршоҳ хоинлик қилиб, ўз қўшини билан Луристонга чекинган бўлса-да, Жалолиддин қатъий равишда бу ҳолатга эътибор қилмай, шиддатли кураш олиб боради. Манбаларда айтилишича, ҳатто мўғул нўёнининг ўзи «Сен ҳақиқатдан ҳам ўз даврининг эркак ўғлони экансан», – деб унинг жасоратига тан берган экан. Жалолиддин бу жангда буткул ғолибликни қўлга киритади. У саккиз кун мобайнида Эрондаги мўғулларни изма-из таъқиб этиб, уларни мамлакатдан ҳайдаб чиқаради.

Жалолиддин эрта тонгда музаффар саркарда сифатида Исфаҳонга кириб келгач, халқ уни ғолиб султон сифатида шоду хуррамлик билан кутиб олади. Жалолиддиннинг зафарли ғалабаси овозаси бутун ислом оламига кенг тарқалди. Ўша йили ҳатто мўғулларнинг буюк хони бўлмиш Ўгедей Жалолиддиннинг мўғуллар илкига тушиб қолган эгачиси Хонсултон орқали унга мактуб юбориб, у билан сулҳ тузиш нияти борлигини ҳам баён қилади. Жалолиддин бу келишувдан воз кечиб, хатни жавобсиз қолдиради. 1229 йили жангда хиёнат қилган укаси Ғиёсиддинни Жалолиддин авф этади, бироқ тез орада яна фитначилар домига тушиб қолган Ғиёсиддиннинг ўзи унинг қурбонига айланиб, Барақ ҳожиб томонидан ўлдирилади. Бундан воқиф бўлган Жалолиддин фитначиларни жазолаб, Кирмонда осойишталик ўрнатди.

Жалолиддин мураккаб ва зиддиятли даврда яшади. Шубҳасиз, у ҳам ушбу даврнинг фарзанди эди. У қўшинларининг кўплаб ҳарбий юришлар вақтида талончилик, зўравонлик қилишларига гоҳида кўз юмди. Бу эса Эрон, Озарбайжон, Ироқ, Гуржистон аҳлида салбий фикрларнинг юзага келишига, норозиликларнинг пайдо бўлишига ҳам олиб келган. Ҳарбий юришлар вақтида баъзи амалдорлар, хусусан, вазир ал-Жандийнинг риёкорлиги Жалолиддиннинг обрў-эътиборига анча заҳмат етказди. Қалтис ва таҳликали вазиятга қарамай,

султон Жалолиддин ҳокимиятининг ички ҳаётидаги салбий ҳолатларга қарши курашишга жазм қилди. Ўз риёкорлиги ва мансабини суиистеъмол қилганлиги билан ном чиқарган, Жалолиддин йўқ даврларида хазинани талон-тарож қилган вазир ал-Жандий жазоланади. Жалолиддин ўз мансабини суиистеъмол қилган, бу туфайли халққа кўп жабр-зулм келтирган бошқа амалдорлар фаолиятини тафтиш қилиб, уларни ҳам жазога тортади. Табризга ташриф буюрган султон барча арзчиларнинг арз-додини тинглаб, чоралар кўради. Халқ оммасига хайрихоҳлик нуқтаи назаридан Табризни уч йил солиқлардан озод қилади. Доимий жанг ҳаракатларида бўлишига қарамай, Исфаҳонда отасига атаб мадраса қуришни бошлайди, анча вақт қамал қилинган Хилат қалъасини қайта тиклашга буйруқ беради ва ҳоказо. Бу хусусда, жумладан, тарихчи ан-Насавий шундай дея ёзган эди: «Жалолиддин даврида бир қанча фитналар, ғам-қайғу, машаққату андуҳларга, вазирларнинг тарқалиб кетишига ва меҳнаткаш омманинг атрофларда бошпана излаб юришларига барҳам берилди. Улар бирлаштирилди ва мустаҳкамланди».

Лекин нима бўлганда ҳам Жалолиддин Мангуберди ўзининг асосий мақсади мўғул истилочиларига қарши курашиш эканлигини ёдида сақлади. Бу курашда у ён-атрофдаги мусулмон хукмдорларининг қўллаб-қувватлашларига умид боғлаган эди. Лекин кўп ҳолларда юқоридаги маълум сабабларга кўра улар билан умумий тил топишиш имкони бўлмади. Ўз вақтида турк, араб, мусулмон ҳокимлари унинг ҳокимияти Яқин Шарқда кучайиб кетишидан хавфсирашар, Жалолиддин билан иттифоқ тузишни хоҳлашмас эди. Уларнинг баъзилари ҳатто мўғуллар билан очиқдан-очиқ яқинлашиш тарафдори эдилар. Айниқса, Хилат қалъасининг Жалолиддин томонидан эгалланиши унга даъвогар ҳокимларнинг иззат-нафсини топтаган эди. Жалолиддин унга қарши иттифоқ вужудга келганидан хабардор бўлса-да, ҳар ҳолда ҳеч бўлмаганда уни маълум туркий ҳукмдорлар қўллайди, деб янглишган эди.

1230 йил 10 августида Кўния султони, Химс ҳокими, Ҳалаб ҳокими, Маяфариқин ҳокими ва Байнас ҳокимларининг бирлашган иттифоқи Жалолиддинни мағлуб этади. Исмоилийлар эса буткул хоинлик йўлини тутиб, Жалолиддиннинг мағлубияти тўғрисида мўғулларга яширин нома ҳам юборадилар. Жалолиддин мағлубиятидан фойдаланган мўғуллар унинг Озарбайжоннинг Муғон, Ширкабут-

даги қўшин йиғиши мумкин бўлган жойларига қўққисдан зарба беришади. 1231 йил баҳорида у Ганжага келиб, барча гина-кудуратларини унутиб, яна мўғулларга қарши иттифоқ тузиш учун мусулмон ҳукмдорларига мурожаат этди. Лекин унинг таклифи жавобсиз қолиб кетди. Шунда Суриядаги Амида қалъаси ҳокими уни ўз олдига чорлайди. У Ироққа бориб, мўғул истилочиларига қарши Ватан озодлиги йўлида яна қўшин тўпламоқчи бўлади.

Шунда Амида йўли яқинида унга тўсатдан мўғуллар ҳужум қилиб қолишди (1231 йил август боши). Уни 15 чоғли мўғул навкарлари таъқиб этишади. Жалолиддин ўз шерикларидан ажралиб, Маяфариқин (ҳозирги Туркиянинг Силван вилояти) яқинида Айн-ад-дар қишлоғига келади. Ушбу тоғли қишлоқда у курдлар қўлига тушади. Ўзини «султон» деб таништиргандан сўнг уни курдлар ўлдиришга жазм этмайдилар. Уни тегишли жойга етказиб қўйиш эвазига курдларга мукофот ваъда қилинади. Лекин курдлар раҳбари хонадонидан жой олган ҳориб-толган Жалолиддинни бошқа бир курд киши си ўлган иниси хуни эвазига ўлдиради. Бу воқеа тахминан 1231 йилнинг август ойи 17-20 саналари оралиғида рўй беради. Эртаси куни султон буюмларини сотиб юрган курд хусусида Маяфариқин ҳукмдори ал-Малик ал-Музаффарга хабар беришганда у қишлоққа ўз саркардаси Шаҳобиддин Ғозийни юборади. Шаҳобиддин Ғозий султон жасадини олиб, қишлоқ эркакларини барини ўлдиради ва қишлоққа ўт қўйиб юборади. Муаррих ан-Насавий буни эшитиб шахсан Маяфариқинга ўзи келади. Жалолиддиннинг тоғаси вазир Ўтурхон унинг жасадини таниб, қаттиқ изтиробга тушди. Жалолиддин Мангубердининг мурдаси Маяфариқинга дафн этилиб, мўғуллар кириб келгудек бўлса, ҳақоратланмасин деган мақсадда қабри ер билан текислаб юборилади.

Жалолиддиннинг ашаддий душмани Дамашқ ҳокими ал-Малик ал-Ашрафга султон ҳалокати хусусида хабар етказиб, суюнчи сўраганларида, у қайғуга ботиб: «Сизлар унинг ўлими билан мени қутламоқчимисизлар? Аммо сиз воқеанинг аччиғини татиб кўрасизлар. Аллоҳ номи билан қасам ичаманки, унинг ҳалокати ислом оламига мўғулларнинг бостириб киришини англатади. Эндиликда биз билан Яъжуж ва Маъжужлар ўртасида девор бўлиб турган Хоразмшоҳдек одам йўқдир», – деб жавоб берган эди. Ибн Восил эса уни «мўғуллар ва мусулмонлар орасидаги истеҳком бўлган», деб таърифлаган эди.

Банди амир, Самарқанд шаҳрини сув билан таъминлайдиган ягона тўғонларнинг ҳаммаси Чингизхон буйруғига кўра бузиб ташланди. Жумладан, Балх ва унинг атрофлари олти ой мобайнида сув офатини бошдан кечирди. Самарқанднинг асосий аҳолиси, бухороликларнинг кўпчилиги, Урганч ва Марв каби улкан шаҳарлар аҳлининг барчаси она шаҳарларини ё тарк этдилар ёки қириб ташландилар. Истилочилар илк бора юқори маданиятли аҳолининг илм-фан, меъморчилик соҳаларидаги ютуқларини, юксак даражадаги ҳунармандчилик, тижорат, суғорма деҳқончиликни шу ўлкага келиб кўрдилар.

Босқиндан сўнг шарққа донғи кетган заргарлик, қурол-аслаҳа ясаш, нафис матолар тўқиш, нақшинкор нимчалар ишлаб чиқариш ва бошқалар барҳам топди. Воҳаларда сувсизликдан ерлар қақраб, деҳқончиликка қирон келди. Бир неча асрлик тарихга эга бўлган машҳур савдо йўллари издан чиқди. Илм-фан, маданият намояндалари хорзор этилди. Тирик қолган аҳоли вайроналарга, зулм ва зўравонликка, очлик ва қашшоқликка маҳкум этилди.

Чингизхон тириклик вақтидаёқ ўз ўғилларига мулкларини улус қилиб бўлиб беришни бошлаган эди. 1207 йилдаёқ катта ўғил илкига Селенга дарёсидан Иртишгача бўлган ерлар мулк этиб берилган эди. Чингизхон ўлими арафасида (1227 йил, август) эса бошқа ўғилларига ҳам турли забт этилган ерларни улус этиб бўлиб берди. Жанубий Сибирдан Хоразм ва Дарбандгача бўлган ерлар Жўчига, Олтой тоғларининг жанубий сарҳадларидан то Амударё ва Синдгача бўлган ерлар иккинчи ўғил Чиғатойга, Хитой ва Мўғулистон ворис бўлмиш учинчи ўғил Ўгедейга, Эрон ва Хуросон Тулига улус тарзида бўлиб берилди.

Рашидиддиннинг маълумотига кўра, Чингизхон вафотидан сўнг Чиғатойга 4000 та аскар берилган экан. Уларнинг бошлиқлари, ўз навбатида, барлос, жалойир, қовчин ва орлот қабилаларидан бўлган. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, қавчинлар Амударё шимоли, Бухоронинг шарқий томонларида, барлослар Қашқадарё воҳасида, орлотлар Афғонистон шимолида жойлашганлар. Кейинчалик Маҳмуд Ялавоч ҳам ўз сиёсати борасида шу қабилаларга суяниб иш кўрар эди. Мўғуллар кўчманчи халқ бўлгани учун бошқарув тизимини яхши тушунмас эдилар. Чингизхон тириклик вақтидаёқ хоразмлик таниқли савдогар, мўғуллар хизматида анчадан бери фаолият кўрсатаётган Маҳмуд Ялавочни Мовароуннаҳр ноиби этиб тайинлашини бил-



Чингизхон ва мўғул қўшини

дирган эди ва у тез орада Мовароуннаҳр ноиби этиб тайинланади. Унинг қароргоҳи эса Хўжанд шаҳрига жойлашди. Шубҳасиз, Маҳмуд Ялавоч йирик ва бой савдогар бўлиб, манбаларнинг хабарига кўра унинг бойлиги шунчалик кўп бўлганки, ҳатто у бутун Мовароуннаҳрдан олинадиган солиқни олдиндан тўлаши ҳам мумкин эди. Унинг ихтиёрида мўғулларнинг таянчи бўлган солиқ йиғувчи мўғул босқоқлари, маҳаллий ҳокимлар, доруғалар – ҳарбий маъмурлар ҳамда бирмунча мўғул ҳарбий қўшинлари бор эди.

Маҳмуд Ялавочга солиқлар тушумини мунтазам назорат этиш, ўлкада мўғулларга қарши ғалаён бўлишини олдини олиш масъулияти юклатилган эди. Кўпчилик аслзода зодагонлар, савдогарлар, қисман уламолар ҳам ўз жонлари ва қолган мол-мулкларини сақлаб қолиш борасида хиёнаткорона тарзда босқинчилар хизматига ўта бошладилар.

Ўз навбатида, ўлкада ўзларининг таянч воситаси бўлишларига ҳаракат қилган мўғуллар ҳам бу тоифадаги кишиларни қўллаб-қувватлай бошладилар. Мўғул хонлари (вилоят ҳокимлари хон, олий ҳукмдор эса қоон ёки хоқон деб юритилган) ва маҳаллий зодагон, ер эгаларининг зулми натижасида меҳнаткаш халқ эндиликда икки томонлама эзила бошлади. Ўлпону солиқларнинг миқдори тобора ошиб борди, ундан ташқари аҳолидан йиғиб олинадиган турли тўлову йиғимлар, жарималарнинг сони ҳаддан ташқари ошиб кета бошлади.

Янги ер солиғининг номи – **«калон»** дейилиб, у ҳосилнинг ўндан бир миқдорида олинган. 1235 йилги қурултойдан сўнг эса чорва мол бошидан олинадиган ялпи солиқ – **«қопчур»** таъсис этилган. Унга кўра 100 тадан бир миқдорда чорва солиққа тўланар эди (Бу солиқ, асосан, мўғуллар турмуш тарзи хусусиятини ҳисобга олган ҳолда жорий этилган эди). «Ясоқ»қа кўра давлат хазинаси учун **«шулен»** деб ном олган озиқ-овқат солиғи жорий қилинган.

Мазкур солиққа кўра ҳар бир подадан икки яшар қўй, қимиз учун ҳар мингта отдан бир бия олинган. Солиқлар, асосан, хонлар томонидан барот (ижара) тарзида олдиндан хазина учун ундирилиб, сўнгра аҳолидан зўравонлик билан оширилган миқдорда ундирилар эди. Айниқса, ҳунармандларнинг аҳволи оғир бўлган. Уларнинг ўз юртларида тирик қолганларига маҳаллий хонларнинг мулки сифатида муомала қилинар эди. Масалан, 1262 йил Бухорода бўлган Хубилай қооннинг вакили бу ерда 5000 та ҳунарманд Ботухонга, 3000 таси малика Сиюркўктенига (Хубилай ва Мунқаларнинг онаси) тегишли бўлганлигини қайд этади. 1246 йил Мўғулистонда бўлган сайёҳ Плано Карпини энг яхши ҳунармандлар хоқон хизматида эканлигини ва уларга қулларча муносабатда бўлишларини қайд этиб ўтади. Бу гуруҳ шаҳарлик ҳунармандларга эса кундалик овқат берилиб, уларга, дарҳақиқат, қулларча муносабатда бўлинган бўлса, иккинчи гуруҳ шаҳарлик ҳунармандларга эса катта солиқлар солинган.

Мўғулларга қарашли бўлган ҳарбий қурол-аслаҳа ва анжомлар ишлаб чиқарадиган устахоналар – **«корхона»** номини олган бўлиб, у ердаги ҳунармандлар эса қул даражасидаги кишилар ҳисобланар эди. Ҳунармандлар тўлайдиган махсус солиқнинг номи «тамға» деб аталган. Мўғуллар, шунингдек, батамом ҳуқуқсиз қуллар меҳнатидан ҳам фойдаланишар эди. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида ер эгалиги ҳолати ҳам ўзгариб, янги инъом этилган ерлар мўғулча **«суюрғол»** номини олган. Суюрғол ҳажми жиҳатидан (унинг таркибига жуда катта ер майдонлари, сув ҳавзалари, дашт-яйловлар ҳам кириб кетар эди) иқтодан фарқ қилар эди. Бу даврда давлат, мулк (хусусий ерлар), вақф (диний идоралар ихтиёридаги ерлар) ерларда кўп ҳолда ижарага чоракор деҳқонлар меҳнат қилишган. Бир қисм ижарадор – ўртаҳол деҳқонлар эса **музорийлар** деб юритилган.

Буюк хоқон ҳисобланган Ўгедей (1229–1241) давридаёқ мўғуллар ўзларига хизмат кўрсатаётган айрим кишилар, катта ер эгалари, савдогарларга турли ёрлиқ ва пайзалар бера бошладилар. Пайза қимматбаҳо металл (олтин, кумуш) ёки жез, ёғоч тахталардан ишланган бўлиб, унга нўённинг муҳри қўйилар эди. Бундай пайзага эга бўлган кишилар, шу жумладан, элчилар, солиқ йиғувчилар ва бошқа шахслар аҳолидан турли йиғим, тўловларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга эдилар. Кўплаб бериладиган пайза эгалари аҳолидан текинга от-улов, ем-хашак, ётар жой, озиқ-овқат талаб қилишга ҳам ҳақли эди. Савдо йўлларида жойлашган бекатлар **«ём» (жом)** дейилиб, уларнинг хизмати ва харажати маҳаллий аҳоли бўйнида эди. Бу бекатлар бўйлаб давлат ишлари бўйича кўплаб элчи, чопар, вакил ва бошқалар ўтиб, уларга халқ текинга хизмат қилиб, уларни таъминлаб туриши ҳам лозим эди. 1235 йилдан бошлаб хоқон фармонига кўра ҳар бир ёмнинг алоқа хизмати ва ҳаракати иккита туман аҳолисига юклатилди. «Ёмлар бўйидаги аҳолида тоқат ва мажол ҳам қолмаган эди», – деб ёзган эди тарихчи Рашидиддин.

Маҳаллий аҳоли – ҳунарманд, деҳқон, чорвадор, ким бўлишидан қатъи назар, умум ҳашар ишларида қатнашиши ва текинга ишлаб бериши шарт эди. Мўғулларнинг ички хўжалик ҳаётни, савдо-сотиқ соҳасини бир оз жонлантириш борасидаги чиқарган паст қийматли тангалари аҳоли ичида ўз ўрнини топмади. Аксинча, зўрлик, пўписага қарамай, 1232 йилдан бошлаб Самарқандда пул муомаласи барҳам топди, савдо-сотиқ айирбошлов даражасига тушиб қолди. Фарғона, Шош, Термиз ва бошқа вилоятларда мўғул истилосидан сўнг пул зарб этиш ўз-ўзидан тугаган эди. Натижада, тез орада бутун Мовароуннаҳрда пул муомаласи буткул издан чиқди.

Мислсиз жабр-зулм, аҳолининг хўрлик ва қашшоқлик домига ташланиши, солиқларнинг ҳаддан зиёд ўсиши меҳнаткаш аҳолининг тинка-мадорини қуритиб юборди. Аҳоли ичида мўғулларнинг зўравонлиги ва истибдодига қарши норозилик ҳаракати тобора кучайиб, бу норозилик, айниқса, 1238 йилги Маҳмуд Таробий қўзғолонида ўз аксини топди. Бу озодлик қўзғолони 1238 йил Бухородан уч фарсаҳ (тахминан 18-21 км) узоқликдаги Тароб қишлоғида бошланди. Бу қўзғолонда мўғуллар ва маҳаллий зодагонлар зулмидан аҳволи оғирлашган ҳунарманд, деҳқон ва камбағал аҳоли, айниқса, фаол

қатнашади. Қўзғолонга эса асли Тароб қишлоғидан бўлган ғалвир ясовчи ҳунарманд уста Маҳмуд Таробий бошчилик қилади.

Маҳмуд Таробий аввал ўз қишлоғида истилочилар зулми, бедодлигига қарши оташин чақириқлар билан чиқади. Ўз атрофига йиғилган қўзғолончиларга мурожаат этиб: «Эй, ҳақ толиблари, қачонгача кутамиз ва интизорлик тортамиз. Рўйи заминни тангридан қўрқмайдиганлардан пок қилмоқ лозим. Кимнинг қандай қуролга қурби етса, қиличми, ўқ-ёйми, калтакми, қўлга олсин. Қўлдан келганча тангридан қўрқмайдиганлардан биронтасини ҳам тирик қўймаслик лозим», – деган сўзлар билан озодлик курашига халқни даъват этади. Шу пайтда Шероздан келган ҳарбий анжомлар ортилган карвон қўзғолончиларнинг қуролланишига ёрдам беради. Қўзғолон куч-қудрати ошиб бораётганлигини, халқ қўзғолончилар тарафига ўтиб бораётганлигини кўрган мўғул нўёнлари Мовароуннаҳр ҳокими Маҳмуд Ялавочдан ёрдам сўрашга мажбур бўладилар. Маҳмуд Таробий ўзининг кўплаб тарафдорлари билан Бухоро томон йўл олади.

Бухоролик ақоид (диний илм) олими, машҳур шайх Шамсиддин Маҳбубий ҳам қўлига қурол олиб, ўз сафдошлари билан қўзғолончилар сафига қўшилади.

Тарихчи Жувайний Маҳмуд Таробий ҳақида шундай деб ёзган эди: «У акобир, бой-бадавлат кишиларни ҳақорат қилди, шармандасини чиқарди, ўлдиртирди, уларнинг бир қисми эса ундан қочиб қутулди. У оддий халққа ва дарбадарларга, аксинча, илтифот ва марҳамат кўрсатди». Дарҳақиқат, Маҳмуд Таробий Бухоро аҳлига мурувват намуналарини кўрсатди. Бухородан қочган мўғул ҳарбийлари ва бухоролик зодагонлар Карманага келиб паноҳ топган эдилар. Бу ерда улар маълум куч тўплаб, Маҳмуд Таробий устига ҳарбий юришни бошлайдилар. Бундан хабардор бўлган Маҳмуд Таробий душманга қарши курашиш мақсадида шаҳар четидан Кармана йўлига катта ҳарбий куч билан чиқади. Икки ўртадаги қаттиқ жангдан сўнг истилочилар енгилиб, орқага чекиндилар.

Қўзғолончилар мўғулларни то Карманагача қувиб бордилар. Ушбу жангда мўғуллардан 10000 киши қириб ташланди. Лекин бу зафарли жангда қўзғолончилар раҳбарлари Маҳмуд Таробий ва Шамсиддин Маҳбубийлар ҳалок бўлдилар. Қўзғолончилар эндиликда ҳалок бўлган Маҳмуд Таробийнинг ўрнига унинг укалари Муҳаммад ва Алини раҳбар этиб сайлайдилар. Лекин бу янги раҳбарларнинг ҳар-

бий тажрибалари йўқ, халқ уларни яхши танимас, омма ичида улар нуфузга эга эмас эдилар. Бу эса қўзғолоннинг боришига салбий таъсир ўтказди. Орадан бир ҳафта ўтмай, мўғулларнинг Элдуз нўён ва Чаған қўрчи бошчилигидаги янги қўшини қўзғолонни бостириш учун етиб келди. Икки томонлама жангда Маҳмуд Таробий тарафдорлари буткул тор-мор қилиниб, иккала томондан 21 мингдан ошиқ жангчи ҳалок бўлди.

Маҳмуд Таробий бошчилигидаги ушбу халқ озодлик қўзғолони халқимиз озодлик курашлари тарихида ўзига хос из қолдирди. У аввало истилочилар ва улар томонига ўтиб кетган маҳаллий зодагонларнинг умумий зулмига қарши кўтарилган кураш эди. Бу озодлик қўзғолони мўғул истилочиларига улар қанчалик шафқатсиз тузум ўрнатмасинлар, халқ ҳамиша ўз она ватани озодлиги йўлида курашдан чўчимаслигини намоён қилди. Мўғуллар бу қўзғолондан сўнг босқоқлар томонидан йиғиладиган солиқ ва ўлпонларни тартибга келтиришга ҳаракат қилдилар. Маҳмуд Торобий қўзғолонидан кейин Чиғатой қўзғолонни бостиришда сусткашлик қилган деган айб билан Маҳмуд Ялавочни ўз амалидан четлаштириб, уни Мовароуннаҳрдан чиқартириб юборди. Тез орада хоқон уни Дасин (Пекин)га шаҳар ноиби этиб жўнатади. Шундан сўнг Мовароуннаҳр ноиби ҳамда ижарадори сифатида Маҳмуд Ялавочнинг ўғли Маъсудбек тайинланади. У ўлимига қадар (1289 й.) шу лавозимни эгаллаб туради.

XIII асрнинг иккинчи чоракларидан бошлаб, мўғулларнинг ичида ҳам эндиликда маълум сиёсий низолар, парокандаликлар келиб чиқа бошлайди. 1241 йилга келиб босиб олинган Россия, Волга бўйи, Урал ва бошқа ерларда Олтин Ўрда давлати ташкил топади. Мўғуллар 1256 йили Хулагу бошчилигида Эрон, Курдистон, Ироқ ва Яқин Шарқнинг бошқа ерларига ҳужум қиладилар. Мўғул хонлари ўртасида олий ҳукмдорлик учун кураш авж олади. Айниқса, буюк хоқон Гуюкхоннинг (1246–1249) ўлимидан сўнг бу кураш кескин кучаяди. 1251 йили ҳокимият тепасига Ботухон ва Беркахонларнинг қўллаб-қувватлашлари билан Тулининг тўнғич ўғли Мунқа (1251–1259) улуғ хон сифатида сайланади. У дастлаб Чиғатой улусини мулк сифатида тугатади ва уни Ботухон билан бўлиб олади. Кейинчалик Мунқанинг ўлимидан сўнг Чиғатойнинг невараси Олғухон (1261–1266) Олтин Ўрдага қарши курашиб, Чиғатой улусини қайта тиклашга муваффақ бўлади.

XIII асрнинг 60–70-йилларига келиб, расман ягона ҳисобланган мўғул империяси аслида Эрондаги Хулагийлар, Мовароуннаҳрдаги Чиғатойлар, Олтин Ўрда деярли мустақил қисмларга бўлиниб кетган эди. Ҳар бир улус хони ўзини тамомила мустақил санаб, пайти келганда қўшни улусларга ўлжа учун ҳужум ҳам қилиб турар эдилар. Масалан, 1272 йили Хулагийларнинг Оқбек бошчилигидаги аскарлари Кеш ва Наҳшаб шаҳарларини, 1273 йил январида Бухорони талон-тарож этадилар. Бухоро даҳшатли қирғин-баротни бошдан кечириб, етти йилгача вайрона тарзда ётади. Мўғуллар тўғрисида сўз кетганда, яна бир муҳим хусусиятни эътиборга олмоқ керак бўлади. Эндиликда босиб олинган ерларда мўғул ҳарбий саркардалари, нўёнлари, зодагонлари орасида сиёсий дунёқараш ҳам ўзгара бошлайди.

Баъзи нўён, хонлар, ҳарбий маъмурларнинг кичик қисми, уларга эргашган маҳаллий зодагонлар, савдогарлар, уламолар ва бошқалар ўтроқ ҳаётга ўтиш, марказий ҳокимиятни кучайтириб, савдо-сотиқни ривожлантириш тарафдорлари эди. Деҳқончилик ва савдо-сотиқ хазинанинг асосий манбаи бўлиши мумкин эди. Бунинг учун эса шаҳар ва қишлоқларни тиклаш, экинзорларни ўзаро пайҳон этишга чек қўйиш, солиқларни тартибга тушириш, шаҳарлар ривожи, савдо, ҳунармандчиликка ҳомийлик қилиш даркор эди. Юқорида таъкидланган маданийлашишга хайрихоҳлар сафига Мунқахон (1251–1259) ва Чиғатой ноиби, хоқоннинг яқин маслаҳатчиси Маъсудбек (1238–1289) ҳам кирар эдилар. Мунқахон, шубҳасиз, тадбирли ва зеҳнли Мовароуннаҳр ноиби Маъсудбекнинг таъсири остида баъзи бир ижобий ўзгаришларни амалга оширди.

Бутун мўғуллар империясида солиқлар бир хил тарзда ундирилмас эди. Масалан, Хитойнинг шимоли, Мовароуннаҳрда бадавлат киши 10 динор, камбағал 1 динор тўласа, Хуросонда бадавлат киши 7 динор, камбағал эса 1 динор тўлар эди ва ҳоказо. Мунқахон солиқ ва ҳашар ишларини тартибга солиш борасида махсус фармон-ёрлиқ чиқарди. Унга кўра Чингизхон ўлимидан сўнг берилган пайза ва ёрлиқлар бекор этилди, ёмлар бўйлаб алоқа воситаси учун ажратиладиган отлар сони белгиланиб, аҳолидан ортиқча от-улов талаб этиш, ёмлар учун белгиланган отларда шахсий мақсадда фойдаланиш тақиқлаб қўйилди. Мунқахоннинг қонунлаштириб қўйган чора-тадбирлари аҳолини беҳисоб солиқ ва йиғинлардан озод этиб, улар-

нинг тинчлик-осойишталигини бирмунча таъминлади, шаҳар ҳаётининг, ички ва ташқи савдонинг ривожланишига қисман имкон яратиб берди. Бу ислоҳотлар натижасида мамлакатнинг, айниқса, шимолий-шарқий ҳудудлари, жумладан, Фарғона водийсида хўжалик, иқтисодий ҳаётда жонланиш содир бўла бошлайди.

Айниқса, хўжалик-иқтисодий ҳаётни бир меъёрга тушириш, савдо ва пул муомаласини изга солишда Чиғатой улуси ноиби Маъсудбекнинг хизмати ва ислоҳотлари катта ўрин тутган. Маъсудбекнинг мўғул қоонларига шахсан яқинлиги ҳам унинг ислоҳотлар ўтказишига имкон берган эди. 1271 йили мўғулларнинг маданий, ўтроқ ҳаёт тарафдорлари мадади ҳамда Талас қурултойи (1269 й.) қарорларига таяниб, Маъсудбек янги пул (молиявий) ислоҳоти ўтказишга киришди. Унга кўра, ҳар қандай шахс ўзига керакли тангаларни зарбхоналарга олиб бориб, уни хоҳлаган тарзда, лекин бир хил ҳажм, қиймат, вазнда зарб этиши мумкин эди. Аввал бошида қийинчилик билан кечган бу жараён XIII асрнинг 80-йилларига келгандагина фаоллаша борди. Тез орада 16 та йирик шаҳар ва вилоятларда бир хил вазн ва юқори қийматга эга соф кумуш тангалар зарб этилиб, муомалага киритилди. Гарчи атрофдаги ислоҳотларга қарши мўғул ҳарбийлари Эрондан, Еттисувдан Мовароуннаҳрга вайронагарчилик келтириб чиқарувчи курашларни амалга ошириб турсалар-да, лекин ислоҳотлар боришига тўсқинлик қила олмадилар. Маъсудбек 1273–1276 йиллари қайта таланган Бухоронинг тикланишига ўзи бош-қош бўлди. 1282–1283 йилларда Бухородаги зарбхоналар тўлақонли ишлашга киришди. Савдо, иқтисодий муносабатлар ривожланиб бораётган Фарғона водийсида эса Чиғатой хони Дувахон (1291–1306) даврида қадимги манзилгоҳ ўрнида Андижон шаҳрига асос солинди.

XIV асрнинг 1-ярмига келиб, Чиғатой улусида мўғулларнинг ўтроқлашув жараёни кучайиб, мўғул зодагонларининг катта қисми савдо доиралари билан яқинлашиб, ислом маданияти таъсирига берилиши кучайиб борди. Мовароуннаҳр маданий ўлкаси билан яқин алоқа ўрнатиб, ўтроқ ҳаёт кечиришга интилган Чиғатой хонларидан бири Кебекхон (1309, 1318–1326) бўлди. У бутунлай Мовароуннаҳрга кўчиб келиб, ўз қароргоҳини Насаф шаҳри ёнида барпо этди. Кейинчалик бу сарой ўрнида янги Қарши шаҳри юзага келди. Кебекхон давлатни идора этиш, унинг маъмурий тузилишини қайта ташкил этиш, иқтисодий ҳаётни тартибга солиш мақсадида икки хил: маъмурий ва мо-

лиявий ислоҳот ўтказди. Маъмурий ислоҳотга кўра маҳаллий тузилмалар туманларга, вилоятларга айлантирилди. Маҳаллий ҳокимлар – маликлар, садрларнинг ўринлари туркий-мўғул уруғ бошлиқлари қўлига ўтди. Ноиблик эса меросий бўлиб қолди. Бу ислоҳот давлатни бирмунча мустаҳкамлашда ўзининг ижобий самарасини берди.

Маъсудбек даврида пул ислоҳоти амалга оширилган бўлса-да, Кебекхон уни такомиллаштирмоқчи бўлди. Жумладан, у Хулагийлар ва Олтин Ўрда тангалари намунасида икки хил пул: йирик кумуш танга – «динор» ва майда кумуш танга – «дирҳам» лар зарб эттиради.

Динор (2 мисқол, 8 гр. атрофларида) 6 та дирҳамдан иборат бўлиб қолди. Кебек номидан тангалар, асосан, Бухоро ва Самарқандда зарб этилар эди. Шунингдек, Ўтрор зарбхонаси ҳам фаол ишлай бошлади.

Кебекхоннинг ислоҳотлари анчадан бери ўтроқ ҳаёт, маҳаллий аҳоли маданияти билан яқинлашувига қарши бўлган гуруҳларнинг ҳам фаолиятини кучайтириб юборади. Кебекхонинг укаси Оловиддин Тармаширин (1326–1334) акасининг сиёсатини давом эттириб, ўтроқ ҳаёт анъаналарини қаттиқ туриб ҳимоя қилади. XIV аср машҳур сайёҳи Ибн Баттута ўзининг «Саёҳатнома» асарида Тармаширин фаолиятига ижобий баҳо берган. У ислом динини қабул қилиб, Чиғатой улусининг расмий динига айлантирди. Тармаширин сиёсатидан норози бўлган кўчманчи мўғул зодагонлари исён кўтариб, 1334 йилда уни ўлдиришди. Тармаширидан сўнг ҳокимият тепасида бўлган Чангши (1334), Бўзан (1334–1338), Эсон-Темур (1338–1342), Муҳаммад (1342–1343)лар даврида Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида сезиларли ўзгаришлар бўлгани йўқ. Аксинча, маҳаллий қабилалар ҳокимияти, уруғ бошлиқларининг таъсири бу пайтга келиб янада кучайиб, Чиғатой ҳокимиятининг қудрати пасая бошлайди.

XIV асрнинг 40-йилларига келиб, Еттисувда Дуғлот амирлигининг юзага келиши амалда Чиғатой улусининг тарқаб кетишидан, ўрнига Мовароуннаҳр амирлиги юзага келганлигидан далолат берар эди. Чиғатой хонларининг сўнгги вакилларидан бири Қозонхон (1343–1346) марказий хон ҳокимияти куч-қудрати таъсирини кўтариб, ички сиёсатда Кебекхон-Тармаширин йўлини тутишга ҳаракат қилди. У кўчманчи ҳарбийларга қарши кураш олиб бориб, Қашқадарё воҳа-

сида ҳатто уларга қарши таянч маркази сифатида Занжирсарой қалъасини ҳам барпо этган эди. Қозағон бошчилигидаги бир гуруҳ кўчманчи, талончилик сиёсати тарафдорлари 1346 йили фитна натижасида Қозонхонни ўлдиришга муваффақ бўлишади.


Қозағон амир унвонини олиб, давлат бошқарувини ўз қўлига олди. Мовароуннаҳр Қозағон давридаёқ бир неча ярим мустақил қисмларга бўлиниб кетган эди. Мамлакатда сиёсий тарқоқлик авж олиб, ўзаро низолар янада кучайган эди. Кеш (Шаҳрисабз) атрофидаги ерлар Ҳожи Барлос бошчилигидаги барлос уруғига, Хўжанд Боязид Жалойирийга қарам бўлиб қолди, Балх ва унинг атрофидаги ерлар Қозағоннинг невараси амир Ҳусайнга тобе бўлди, Шибурғон эса Муҳаммадхўжа Апверди қўлига ўтиб кетди. Бундан ташқари, Бухорода диний уламолардан иборат садрлар, Хутталонда маҳаллий ҳокимлардан бўлмиш Кайхусрав, Термизда сайидлар, Бадахшонда ўзбошимча маҳаллий шоҳлар ҳокимиятни қўлга олишди.

5. XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV асрнинг биринчи ярмидаги маданий ҳаёт

XIII асрнинг иккинчи ярми – XIV асрнинг биринчи ярмидаги хўжалик, иқтисодий ҳаётдаги силжишлар, савдо-сотиқнинг ривожланиши, қолаверса Чиғатой мўғулларининг тобора ўтроқ ҳаётга мослашиб бориши, босқинчилик вақтида таназзулга юз тутган маданий ҳаётнинг нисбатан жонланишига олиб келди. Аввало шаҳарсозлик билан боғлиқ бинокорлик ва меъморчилик йўлга қўйила бошланди. Маҳаллий диний уламолар ва зодагонлар, гоҳида мўғул зодагонларининг баъзилари қурилиш ишларига ҳомийлик қила бошлашди.

Меъморчиликда алоҳида ўрин тутган ганчкорлик, ғишт ўймакорлиги, кошинпазлик, меъморий хаттотлик қайта тикланди. Мовароуннаҳр, Хоразмда маҳаллий бинокорлар иштирокида хонақо, мақбара, масжид, мадраса, сарой, миноралар қад кўтара бошлади. Шу даврларда барпо этилган кўпгина меъморий обидалар у ёки бу кўринишда ҳозирги кунларгача етиб келган.

Жумладан, Бухородаги Сайфиддин Боҳарзий мақбарасини биринчилардан барпо этилган меъморий бино сифатида кўриш мумкин. Таниқли бухоролик шайх Сайфиддин Боҳарзий нуфузли диний ула-



Қусам ибн Аббос мақбараси. XII аср.

молардан бири бўлиб, у 1258 йили оламдан ўтган эди. Унинг қабри устида тез орада катта мақбара ва ҳонақо барпо этилди. 1333 йили Бухорода бўлган араб сайёҳи ибн Баттута ушбу мақбарага юқори баҳо берган эди. Шунингдек, мана шу даврларда барпо этилган Бухородаги Қусам ибн Аббос мақбараси зиёратхонаси, Хўжа Аҳмад мақбараси, Қўҳна Урганч (Гурганж)даги Нажмиддин Кубро ва Тўрабекхоним мақбараси, масжид ва иккита баланд миноралар (миноранинг ҳозиргача сақланган қисми 62 метрни ташкил этади, мораларнинг биттаси XX аср бошларида қулаб тушган), Хўжанддаги Дувахон мақбараси (кейинчалик вайрон бўлган) ва бошқаларни тилга олиб ўтиш мумкин. Қаршидаги бузилиб кетган сарой, Маъсудбек ҳукмронлиги даврида (1238–1289) Бухорода барпо этилган «Маъсудия», «Хония» мадрасалари ва бошқалар тўғрисида манбаларда маълумот бериб ўтилади.

Мазкур давр бинокорлиги ва меъморчилигида пишиқ ғишт, кошин, парчин, меъморий ўймакор ғиштлар ҳамда ганч ва оҳак, писта кўмир, қумлардан тайёрланган махсус қоришмалар каби қурилиш маҳсулотларидан ҳам биноларни қуришда ҳамда уларни меъморий жиҳатдан безашда кенг фойдаланилади. Ҳашаматли биноларнинг аксарияти эса бир ёки икки гумбазли, тоқу равоқли ва пештоқли бўлган. Нақшинкор ғишт, кошинлар, китоба (лавҳа) билан нақш бе-

риш анъаналари давом эттирилган. Шунингдек, нақшларнинг турли-туман, гулдор бўлиши ўймакор амалий санъат қайта тикланганлигидан ҳам дарак берар эди. Кулолчилик, мисгарлик, заргарликда ҳам нақш билан ишлов бериш ҳолати авж олади.

Шубҳасиз, Чингиз Ўрдаларининг босқини Мовароуннаҳр ва Хуросон илм-фан, адабиёт ўчоқларига катта зарба бўлади. XIII аср ва XIV аср охирларига қадар мўғуллар қадами етмаган ёхуд уларнинг таъсири кам бўлган Деҳли султонлиги, жанубий Эрон, Кичик Осиё, қисман Сурия ва Мисрда илм-фан, маърифат, адабиёт тараққий эта бошлаган эди. Фақатгина XIV аср охири – XV аср бошларига келибгина маърифат, маданият ўчоқлари яна Мовароуннаҳр ва Хуросонга кўчади.

XIII аср ва XIV асрнинг иккинчи ярмида форс-тожик адабиётида, айниқса, Жалолиддин Румий (1207–1272), Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (1219–1293), Амир Хусрав Деҳлавийларнинг (1253–1325) ўрни ва мавқеи кўтарилиб, улар жаҳон адабиёти оламига кенг таниладилар. Асли Балх шаҳридан бўлган Румий 14 ёшлигида ўз оиласи билан мўғул босқинидан қочиб, Кичик Осиёнинг Кўния султонлигига бориб қолади. Кўния, Ҳалаб, Дамашқда таҳсил олиб, буюк тасаввуф илми шоири ва файласуфи бўлиб танилади. У шеъриятда суфий-фалсафий жанрни ривожлантириб, ўзининг 36 минг байтдан иборат «Маснавийи-маънавий» деган достонини яратади. Саъдий эса ўзининг «Гулистон» ва «Бўстон» асарлари, ғазаллари, ахлоқий фикрлари билан кенг шуҳрат қозонади. Унинг асарларида она-Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, меҳр-муҳаббат ғоялари ҳамиша барқ уриб туради. У ўз асарларида кишиларни ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликка, ҳукмдорларни адолат ва инсофга чақириб, салбий хусусиятларни қоралаб чиқади.

Хусрав Деҳлавий Ҳиндистоннинг шимолига мўғул босқинидан қочиб борган асли Кеш (Шаҳрисабз) лик кишилар хонадонида дунёга келади. У Деҳлида султон саройида яшаб, ўзининг ажойиб «Хамса» достонини, Ҳиндистонда ҳозиргача машҳур «Хизрхон ва Дувалра»ни, «Мифтаҳ ал-футуҳ» (Ғолиблик калити) «Нуҳ сипеҳр» (Фалакнинг тўққиз гумбази) каби асарларни ёзади.

XIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тарихнавислик ҳам ривож топа бошлайди. Бу даврда асли Ғур вилоятидан бўлган Абу Умар Минҳожиддин Жузжонийнинг 1260 йил ёзилган «Табақоти Носирий»

(Носирга аталган табақалар), Оловиддин Ота Малик Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонгўшаий» (Жаҳон фотиҳи тарихи), Файзуллоҳ Рашиддиддин Ҳамадонийнинг «Жомэ ат-таворих» (Тарихларнинг жамланиши), Шаҳобиддин ан-Насавийнинг «Сийрат ас-султон Жалолиддин Манкбурни» (султон Жалолиддин Мангубердининг ҳаёт фаолияти) каби нодир тарихий асарлари ҳам жаҳон юзини кўрди.

Бу асарлар, ўз навбатида, мўғуллар истилоси ва ундан кейинги даврни ўрганиш бобида биринчи даражали манбалар ҳисобланади. Бу пайтда шунингдек, ислом, ахлоқ-одоб ва тақводорлиги асосида туркий тилдаги адабиёт ҳам ривож топа бошлади. Хоразмдаги бу адабиётнинг бир вакили машҳур файласуф шоир ва мутафаккир Паҳлавон Маҳмуд (1247–1326) ҳисобланади. У нафақат шоир, мутафаккир бўлибгина қолмай, Ҳиндистон, Шероз, Румда елкаси ерга тегмаган курашчи полвон ҳам эди. Худди шу маънода «Паҳлавон» тахаллуси унга ҳақли равишда берилган. Халқ ичида эса уни яна беҳад саховатли, бағрикенг, адолатли инсон сифатида ҳурмати катта эди. У ғолибликдан тушган мукофотларни етим-есир, ногиронларга ҳадя этар, пўстиндўзлик ҳунаридан келган даромадини атрофидаги камбағаллар билан баҳам кўрар эди. Ўз маблағига ҳатто XIV аср бошларида мақбара ҳам барпо этади. Унинг мардлиги, тантилиги, ҳақпарварлиги тўғрисида бизнинг кунларимизга қадар турли ҳикоят, ривоятлар ҳам етиб келган. Унинг инсонга хос бўлган ажойиб фазилатларни улуғловчи рубоийлари халқ орасида кенг тарқалган эди. У инсон ақл-заковати, ахлоқий камолати ва маънавий поклигини қадрлайди.

Туркий тилда ижод қилган яна бир шахс Носириддин Бурҳониддин Рабғузийдир. У XIII асрнинг охири – XIV аср бошларида яшаб, ижод қилган. Бизгача унинг биргина «Қиссайи Рабғузий» (Қиссасул анбиё) асари етиб келган. Бу асарда муаллиф ўзини «Работ ўғизининг қозиси Бурҳон ўғли Носириддин» деб таништиради. Ушбу асар ислом динини қабул қилган мўғул бекларидан бири бўлмиш Носириддин Тўқбуғанинг илтимосига кўра ҳижрий 709 (милодий 1309–1310) йилда ёзилган. Ушбу асар 72 қисмдан иборат бўлиб, пайғамбарлар (Довуд, Сулаймон, Муҳаммад) ҳақидаги қиссалар, диний ривоят ва ҳикоятлар, халқ оғзаки ижоди, тарихий асарлар, диний китоблар асосида баён этилган диний-фалсафий, тарихий, ахлоқий асардир. Ушбу асар халқ орасида, бахши ва оқинлар ичида ҳамиша маш-

ҳур бўлиб келган. Асарда баён этилган ахлоқий фазилатлар, таълим-тарбия, маърифат хусусидаги фикрлар ҳозирги кунга қадар ўзининг долзарб аҳамиятини йўқотмаган.

Бу пайтга келиб туркий адабиёт ривожи билан бир қаторда, тасаввуф, дин илмларининг ҳам тараққиёти кўзга ташланади. Тасаввуф илмининг машҳур намояндаси, нақшбандийлик тариқатининг асосчиси Баҳовуддин Нақшбанд (Сайид Муҳаммад ибн Жалолиддин (1318–1389) аввало ўз меҳнати билан ҳалол кун кўриш ғоясини ёқлайди. Унинг «Дил ба ёру, даст ба кор» (яъни, дилинг худода бўлсину, қўлинг меҳнатда бўлсин) деган шиори кейинчалик жуда машҳур бўлиб кетди. Унинг номи халқ орасида маълум ва машҳур бўлиб кетиб, Бухоро яқинидаги қабри мусулмонлар зиёратгоҳларидан бирига айланди.

Мустақиллик шарофати билан Баҳовуддин Нақшбанд сиймосига ҳам муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилди. Республикамиз Президенти И.Каримовнинг ташаббуси билан ўтган буюк зотлар мангу ором топган жойларда, жумладан, Баҳовуддин Нақшбанд қабрида ҳам ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. Ҳозирда ушбу мажмуа муқаддас қадамжо, зиёратчилар оёғи аримайдиган зиёратгоҳлар қаторидан жой олган.

Таянч сўзлар

Султон, малик, хос ҳожиб, доруға, қопчур, шулен, ём, ясоқ, босқоқ, суюрғол, нуён, мулк, Кирмон, Синд, Хуросон, Эрон, қипчоқ, қанғли, садр, устоздор, барот.

Савол ва топшириқлар

1. Хоразмшоҳ – Ануштагинийлар давлати таркибига қайси ҳудудлар, қачон, қай усулда кирганлигини изоҳлаб беринг.
2. Хоразмшоҳ – Ануштагинийлар давлати манбашунослиги ҳақида гапириб беринг.
3. Республикамиз Президенти И.Каримов Жалолиддин Мангубердига қандай таъриф берган эди?
4. Сирдарё бўйи ва Хуросонда мўғул босқини қандай кечган?
5. Хоразмшоҳлар авлоди тақдири ҳақида сўзлаб беринг.
6. XIII асрнинг иккинчи ярми – XIV аср биринчи ярми Чиғатой улуси аҳволи қандай кечган?

7. Чиғатой улуси давридаги хўжалик ҳаёт ҳолати хусусида сўзлаб беринг.

8. Чиғатой улуси даврида маданий ҳаёт ҳақида нималарни биласиз?

9-мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.

2. Каримов И. Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган нутқ. 1999 йил 5 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 8-жилд.

3. Абдусеитова М.Х. и др. История Казахстана и Центральной Азии. – Алматы: Bilim, 2001.

4. Бунёдов З. Хоразмшоҳ – Ануштагинлар давлати (1097–1231). – Тошкент: Мумтоз сўз, 2012.

2. Шаҳобиддин ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангубердининг ҳаёт фаолияти. – Тошкент: 1999.

3. Саидов Ш. Султон Жалолиддин Мангуберди давлати ва жанговор ҳаракатлар харитаси. – Тошкент: 2000.

4. Егоров В.А. Историческая география Золотой Орды в XIII–XIV. – М.: Наука, 1985.

5. O'zbekiston tarixi. Prof. R.H.Murtazayevaning umumiy tahriri ostida. – Toshkent, 2005.

6. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Икки жилдлик. Араб тилидан таржима, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи Убайдулла Уватов. – Тошкент: Меҳнат, 1992.

7. Иванов М. Икки буюк саркарда. Чингизхон ва Амир Темур. – Тошкент: Хазина, 1994.

8. История таджикского народа. Кол.-в авторов. Т.I. – Душанбе: 1998.

9. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқаруви тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012.

10. Сагдуллаев А.С. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т.: Академия, 2000.

10-МАВЗУ. АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ. ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ

Режа:

1. Амир Темурнинг марказлашган давлат тузиш учун кураши ва ҳарбий юришлари.
2. «Темур тузуклари» – муҳим тарихий манба.
3. Темурийлар давлатидаги ижтимоий-сиёсий вазият.
4. XV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросон. Темурийлар салтанатининг инқирозга юз тутиши.
5. Темурийлар ҳукмронлиги даврида илм-фан ва маданий ҳаёт.

1. Амир Темурнинг марказлашган давлат тузиш учун кураши ва ҳарбий юришлари

«... Буюк бобокалонларимизнинг маънавий олами хусусида фикр юритганда, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида алоҳида тўхташимиз табиийдир. Чунки тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига йўл очди».

Ислом КАРИМОВ

Мустақиллик йилларида тарих фанида юз берган муҳим ижобий ўзгаришлардан бири – халқимизнинг миллий қаҳрамони, мустабид совет ҳукмронлиги даврида ноҳақ қораланган Амир Темур пок номининг оқланиши бўлди. Республикамиз Президенти И.Каримовнинг ташаббуси билан соҳибқироннинг миллат ва давлат равнақидаги буюк хизматлари эътироф этилган ҳолда унинг 660 йиллиги 1996 йили халқаро миқёсда кенг нишонланди. Соҳибқирон шахсига бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мустақиллик йилларида Амир Темур шахси, унинг давлати, ички ва ташқи сиёсати, Темурийлар ҳукмронлиги хусусида кўплаб аҳамиятга молик ишлар амалга оширилди. Хусусан, республикамизда 1996 йил – «Амир Темур йили» деб эълон қилинди, «Амир Темур халқаро жамғармаси» таш-



Соҳибқирон Амир Темур
(1336–1405)

кил этилди, Темурийлар тарихи давлат музейи очилди, «Амир Темур» ордени таъсис этилди, ЮНЕСКО ташаббуси билан 1996 йил апрелда Парижда халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди, Амир Темур ва Темурийлар даврига оид кўплаб тарихий манбалар таржима қилинди ва ҳоказо. Шубҳасиз, тарихий ҳақиқатни қарор топтириш ишига тарихчи олимлар ҳам ўз муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. А.Ўринбоев, Б.Аҳмедов, Д.Юсупова, У.Уватов, А.Муҳаммаджонов, А.Аҳмедов, О.Бўриев ва бошқа кўплаб олимлар томонидан тарихий манбалар таржима қилинди, эътиборга молик тадқиқотлар амалга оширилди: А.Зиё, Ҳ.Бобоев, С.Хидиров, Ш.Ўлжаева, Д.Обиджонова, Х.Файзиев, Б.Усмонов, О.Раҳматуллаева каби кўплаб тадқиқотчилар эса ўз изланишларида мавзу билан боғлиқ кўплаб тарихий ва ҳуқуқий жиҳатларни очиб беришга муваффақ бўлдилар.

Амир Темур ва Темурийлар тарихи нафақат республикамизда, балки жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан ҳам катта қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда. Амир Темур ҳақида К.Марлоу 1588 йили тарихий пьеса, машҳур немис бастакори Г.Гендель 1724 йили опера, америкалик адиб Э.По 1827 йили шеърий поэма яратган. XX аср тарихшунослигида Р.Гроссе, Л.Керэн, Е.Росе, Х.Хукхем, Ф.Манц, Г.Гломбек, А.Дерага, К.Еноки, Е.Манау, М.Россати ва бошқаларнинг тадқиқот ишлари катта шуҳрат қозонган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, 2000 йилга келиб Европа халқлари тилларида Амир Темур ва Темурийлар ҳақида чоп этилган асарлар сони 500 тани ташкил этган. 2006 йили Амир Темурнинг халқаро миқёсда нишонланган 670 йиллик таваллуд ёши арафасида таниқли француз олими Л.Керен Парижда француз тилида «Самарқандга, Амир Темур даврига саёҳат» номли тадқиқотни амалга оширди.

Буюк давлат арбоби ва маҳоратли саркарда Амир Темур 1336 йил 9 апрелда (ҳижрий 736, шаъбон ойининг 25 кунида) Кешга қарашли Хўжа Илғор (ҳозирги Яккабоғ тумани) қишлоғида барлос

бекларидан бири Амир Тарағай ибн Барқал оиласида дунёга келди. Темурнинг онаси Такинахотун Кешнинг обрўли бекаларидан бири бўлган.

Темурнинг болалиги ва ўспиринлик йиллари Кешда ўтди. Ибн Арабшоҳ, Рюи Гонзалес де Клавихо ва бошқа тарихчилар 1360 йилга қадар унинг ҳаётини айрим маълумотлар билан изоҳлашган. XIV асрнинг 50-60 йилларига келиб Чиғатой улуси ҳудудларида ўзаро парокандалик ва ўзбошимчалик ҳукм сурар эди. Чиғатой хони Темуршоҳ зўрға икки йилга яқин (1358–1359) ҳукмронлик қилди. Шундан сўнг ўзларини анчадан бери мустақил тутаётган бекликлар расман шу даражага даъвогар бўлиб чиқа бошладилар. Кешда Ҳожи Барлос ўзини мустақил деб эълон қилгач, сўнг Хўжандда Боязид Жалойир, Балхда Ўлжой Буғо сулдус, Шибирғонда Муҳаммадхўжа Апверди найман, Хутталон ва Арҳанг саройда амир Кайхусрав ва Ўлжой Апверди, Тотканд ва Сарипулда Хизр Ясавурий ҳамда Қўҳистонда амир Сотилмишлар ўзларини мустақил деб эълон қилдилар. Айирмачилик ҳаракати кучайиб, ҳокимият, бойлик йўлида беклар ўзаро курашлар домига тортилди. Бу урушлар шундоқ ҳам аҳволи ночор бўлган аҳоли бошига кўп кулфатлар солди.

1360–1361 йилларда Мўғулистон ҳукмдори хоқон Тўғлуқ Темур Мовароуннаҳрнинг ички ҳаётига рахна сола бошлайди. Унинг босқинчилик тадбирлари Мовароуннаҳр ҳукмдорларига маълум бўлганидан кейин, улар саросимага тушиб қолганлар. Шулар қаторига Кеш амири Ҳожи Барлосни ҳам киритиш мумкин. Тўғлуқ Темур Хўжандни ишғол этиш ниятида Сирдарёдан ўтганидан сўнг, Мовароуннаҳр амирлари ва Ҳожи Барлос қўрқувдан ўз жонларини сақлаш учун Амударёдан ўтиб, Хуросонга кетиб қолдилар. Темур ўз ҳудудини мўғул босқинчиларидан ҳимоя қилиш мақсадида Тўғлуқ Темур хизматига ўтди. Темур унга Кеш ва унинг атрофидаги ерларни бошқаришни топширди.

1360–1370 йилларда Мовароуннаҳр сиёсий ҳаётида Амир Темур билан бир қаторда таъсир ўтказган шахслардан яна бири Амир Қозағоннинг набираси Амир Ҳусайн эди. Балх ва унинг атрофидаги ер-мулклар унинг тасарруфида эди. 1361 йилда Темур Амир Ҳусайн билан яқинлашиб, иккала ҳоким бирлашган ҳолда мўғул хонларига қаршилик кўрсатиш имконига эга бўлдилар. Вақти ке-

либ, Мовароуннаҳрни бошқаришни Туғлуқ Темур ўз ўғли Илёсхўжага топширди. Мустақил бўлишга ҳаракат қилиб юрган Темур янги ҳукмдорга итоат этмади. Бунинг оқибатида янги зиддият юзага чиқди. Амир Ҳусайн билан Амир Темурнинг бир-бирлари билан яқинлашган ва яхши муносабатда бўлган даврлар 1361–1365 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда Темур маълум қийинчиликларни ҳам бошидан кечиради.

Темур ҳаётида рўй берган ва бир умрга унга тан жароҳатини муҳрлаган воқеа 1362 йилда Сейистонда бўлиб ўтган. Амир Темур жанг вақтида ўнг қўли тирсагидан ва ўнг оёғидан камон ўқи тегиб қаттиқ жароҳатланди. Бунинг оқибатида у бир умр оқсоқланиб юради. Шу боис, ундан даҳшатга тушган душманлари Амир Темурни ҳасад билан «Темурланг» деб аташган.

Туғлуқ Темур ўлимидан сўнг, 1363 йилда Мовароуннаҳр тупроғидан ҳайдалган мўғул хони Илёсхўжа янгидан катта лашкар билан аввалги мулкларини эгаллаб олиш мақсадида Мовароуннаҳр томон ҳаракат қила бошлайди. Мўғул хони, айниқса, ўзининг рақибларига нисбатан қаҳрли кайфиятда эканлиги ҳам маълум эди. 1363–1364 йилларда Темур ва Ҳусайн мўғулларни уч маротаба мағлубиятга учратдилар. Темур ва Амир Ҳусайн бўлғуси қақшатқич тўқнашувга имкон борича ҳарбий кучларни йиғдилар. Тарихга «Лой жанги» номи билан кирган мазкур жанг Чиноз билан Тошкент ўртасида 1365 йилнинг 22 май куни бўлган. Темур ва Амир Ҳусайн Чирчиқ дарёси бўйидаги бу жангда мағлубиятга учраганлар. Мазкур мағлубият сабабларидан бири Амир Ҳусайннинг суст ва ишончсизлик билан ҳаракат қилиши бўлди.

Қайта уриниш беҳуда эканлигини англаб этган Амир Темур жанг майдонини тарк этиб, қолган-қутган аскарлари билан Самарқанд томон қайтиб кетган. Темур сўнгра Кеш томонга йўл олди. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бу пайтда Мовароуннаҳрнинг бош амири Ҳусайн эди. Бирор қарорга келиш эса унинг иродасига боғлиқ бўлган. Шу сабабли Темур ҳам унинг кўрсатмаси билан, кўп ҳолларда Ҳусайннинг розилиги билан иш тутишга мажбур эди. Самарқанд шаҳри, қолаверса, бутун Мовароуннаҳр ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Мўғул хони чангалидан қутулиш самарқандликларнинг ўзига боғлиқ эди. Бу шароитда Самарқанд мудофаасини сарбадорлар ўз қўлларига олдилар.

Сарбадорлар мўғуллар зулмидан озод бўлиш йўлида ўзларини қурбон қилишга тайёр эдилар.[16] Сарбадорлар ҳаракати XIV асрнинг 30-йилларида Эронда ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида пайдо бўлиб, 50–60-йилларда Мовароуннаҳрга ҳам ёйилди. Ҳаракат қатнашчиларининг асосий мақсади мўғул истилочилари ва зулм ўтказувчи маҳаллий қатламларга қарши кураш эди.

Хуросондаги сингари Самарқандда ҳам бу ҳаракат қатнашчиларнинг ижтимоий таркиби айнан бир хил бўлган. Ҳунармандлар, дўкондорлар айрим мадраса мударрислари ва талабалар мазкур ҳаракатга фаол қўшилдилар. Илёсхўжа тўғридан-тўғри Самарқанд томон йўл олди. Шаҳар жоме масжидига йиғилган аҳоли олдида сарбадорларнинг бўлажак раҳбарларидан бири бўлган, мадраса мударриси Мавлонозода сўз олиб, шаҳарнинг ҳар бир аъзосидан катта миқдорда солиқ ва тўлов йиғиб, уни ўз билганича сарф этиб юрган ҳукмдорнинг шаҳарни ўз ҳолига ташлаб қўйганлигини уқтириб ўтади.

Мудофаа раҳбарлигига Мавлонозода қаторига Хўрдак Бухорий ва Абу Бакр Калавий ҳам қўшилдилар. Мудофаа ташкил этилганлигидан хабарсиз мўғуллар ҳукмдорсиз шаҳарни ҳимоясиз деб ўйлашарди. Уларнинг асосий қўшинлари шаҳарга киравершдаги бош кўчадан ҳужум қиладилар. Хавф-хатардан шубҳаси бўлмаган босқинчилар Мавлонозода камончилари билан пистирмада турган жойга яқинлашганларида тўсатдан камон ўқларига дуч келдилар. Шаҳар мудофаачилари мўғулларга уч тарафдан ҳужум қилдилар. Биринчи ҳамладаёқ шаҳарни эгаллаймиз деб ўйлаб, бостириб кирган мўғуллар катта талофат кўриб, орқага чекинишга мажбур бўлдилар.

Самарқандликларнинг ишлаб чиққан ҳарбий режаси пухта бўлиб, ўз самарасини берди. Бир неча ҳужум натижасиз тугагач, мўғуллар шаҳар атрофини қуршаб олиб, узоқ вақт қамал қилиш режасини ўйлаб чиқдилар. Лекин лашкар сафида юқумли касаллик тарқалди. Бу от вабоси (ўлати) эди. Ўлат оқибатида Илёсхўжа қўшинларига мансуб отларнинг катта қисми қирилиб кетди. Илёсхўжа катта йўқотишлар билан дастлаб Самарқандни, кейин эса Мовароуннаҳрни ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Шу пайтда Кешда бўлган Темур бу хабарни Амударё бўйларида бўлган Амир Ҳусайнга етказди. 1366 йилнинг баҳорида улар Самар-

---

[16] Сарбадор – форсча «бошини дорга тиккан» деган маънони англатади.

қандга этиб келадилар ва сарбадорлар раҳбарларини ўз ҳузурларига чорладилар. Учрашув Самарқанддаги Конигул деган жойда бўлди. Бу ерда сарбадорларнинг раҳбарлари билан келишмовчилик юз беради ва улар қатл этиладилар. Темурнинг илтимоси билан фақат Мавлонозода омон қолдирилиб, Хуросонга жўнатилади. Сарбадорлар ҳаракати бостирилгандан сўнг, Амир Ҳусайн ва Темур ўртасидаги муносабатлар кескинлашади. Бунга Амир Ҳусайннинг сарбадорларга нисбатан адолатсизлиги ҳам бир қадар сабаб бўлган эди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Амир Ҳусайн танлаган йўл парокандалик ва бош-бошдоқлик сари етаклар, Темур эса буни яхши англаб етган эди. Амир Ҳусайннинг очкўз ва маккор сиёсати кўпчилик ҳарбийлар, қабила бошлиқларининг норозилигига сабаб бўлди. Ҳусайн кўплаб амирлардан катта ўлжа, пул талаб қила бошлади, сиқувлар амалга оширила бошланди. Темур ўз сафдошларига тўловларда ёрдам берди, уларнинг қарзларини тўлашда, тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг ёзишича, ҳатто ўз хотинининг тақинчоқларини ҳам аямаган. Темурнинг саховати ва олижаноблиги кўплаб амирларнинг унга бўлган ҳурматини оширди. Аксинча, Амир Ҳусайннинг обрў-эътибори тобора пасая бошлади.

1366–1370 йиллар оралиғида Амир Темур ўз эътиборини ички ишларга қаратди. Амир Ҳусайн турли фитна-фасодлар йўлига ўтиб, Темурга қарши зимдан кураш бошлади. Амир Ҳусайн ва Амир Темур ўртасидаги зиддиятлар 1370 йилда Ҳусайннинг ўлдирилиши ва Амир Темурнинг тахтга ўтириши билан якунланди. Мовароуннаҳр амалдаги хон, Чингизхон авлодига мансуб бўлган Суюрғотмиш (1370–1388) қўлига ўтди. Давлат бошқарув тизими эса Мовароуннаҳр амири номини олган Амир Темир қўлида қолди ҳамда у Кеш шаҳридан Самарқандга кўчиб, уни ўз давлатининг пойтахтига айлантирди. Мазкур даврга келиб, Амир Темур доно ва иродали ҳукмдор, узоқни кўзловчи давлат арбоби эканлиги яққол намоён бўла бошлади. Ҳарбий бўлинмалар бошлиқлари этиб амирлардан Жоку, Ҳожи Сайфиддин, Аббос, Искандар, Аълам Шайх, Алайка қавчин, Ардашер қавчин, Қори иноқ ва бошқалар тайинланди. 1370 йилда Шибирғон ҳокими Зинда Чашмдан бошқа барча амир ва қабила бошлиқлари Темур ҳокимиятини тан олган эди. Зинда Чашм айирмачилик йўлини давом эттириб, Балх ва Термиз атрофларидаги ерларни ҳам талон-тарож қила бошлади. Зинда Чашм саъй-ҳаракатларига қарши Амир Темур

Жоку барлос бошчилигидаги қўшинни жўнатди. Зинда Чашм маҳв этилиб, Самарқандга жўнатилди. Амир Темур унга олийҳиммат муносабатда бўлиб, авф этди.

Мураккаб ва зиддиятли даврда Амир Темур Мовароуннаҳрда бирлаштириш сиёсатини бошлаган эди. У Амударё ва Сирдарё оралиғида турган ерларни ўзига бўйсундириб, итоат эттирди. Фарғона, Шош вилоятларини ўз тасарруфига киритиш унга қийин бўлмади. Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Олтин Ўрдага қарашли ерларни эгаллашда у бу ерлардаги ички сулолавий урушлардан фойдаланди.

Амир Темур Хоразмни ҳам қайтадан Мовароуннаҳрга киритишга интилди. 1372 йилда Ҳусайн Сўфи Амир Темурга бож тўламади бунинг устига, Соҳибқирон томонидан юборилган элчига шундай жавоб берди: «Мен мамлакатни қилич билан фатҳ этганман, шунинг учун ҳам уни фақат қилич билан олиш мумкин».

Ўша йили Амир Темур Хоразмга қўшин тортиб келади. Урганчга бориш учун Қиёт шаҳри орқали ўтиш керак эди, бу шаҳар бир оз қаршилик кўрсатгандан кейин Темур қўшини томонидан ишғол қилинади. Қиётнинг қўлдан кетиши Ҳусайн Сўфига кучли таъсир кўрсатди. У Амир Темур билан ярашишга, унинг талабларини бажаришга рози бўлади. Лекин айрим ҳокимлар Амир Темурнинг тезда баланд мартабага эришишини кўролмай, Ҳусайнни унга қарши гиж-гижлай бошладилар. Ҳусайн уларнинг ёрдамига ишониб, Амир Темурга қарши чиқади, аммо у томонидан тор-мор этилади. Шундан сўнг Ҳусайн Урганч қалъасига беркинади ва тезда вафот этади. Унинг ўрнига акаси Юсуф Сўфи (1372) ҳокимиятга келади ва Амир Темур билан яраш шартномаси тузади. Лекин у яраш шартларини хиёнаткорона бузиб, Амир Темур қайтиб кетганидан кейин Қиёт шаҳрини босиб олади ва унга қарши очиқдан-очиқ душманлик ҳаракатларига ўтади. Шундан сўнг Амир Темур Хоразмга иккинчи маротаба юриш қилишга мажбур бўлади. (1373–1374 йй.). Аммо бу ҳарбий тўқнашувгача бормайди, чунки Юсуф Амир Темурга тавба қилиб, яраш шартларини сўзсиз бажаришга ваъда беради. Бу иккинчи юриш натижасида Жанубий Хоразм Амир Темур давлати таркибига киради.

1374 йилдан кейин Амир Темур Хоразмга уч маротаба юриш қилди. Бунинг сабаби Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг Хоразмга даъвоси туфайли эди.

1387–1388 йилларда Тўхтамиш Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда йўқлигидан фойдаланиб, Хоразмга ҳужум қилди. Хоразм ҳокими бўлган Сулаймон Сўфини Амир Темурга қарши қўзғолон кўтаришга ундади. Сулаймон Сўфи бунга рози бўлди. Бу воқеалар Амир Темурни 1388 йили Хоразмга яна юришга мажбур этди. Темур Урганчни ишғол қилди ва сўфийлар сулоласини тугатди.

Шу вақтдан бошлаб Хоразм Амир Темур давлати таркибига, кейин эса Темурийлар давлати таркибига кирган. Шундай қилиб, Етисувдаги ва Сирдарё этакларидаги ерлардан ташқари, Туркистон ерларининг ҳаммаси Амир Темур қўлига ўтди.

Амир Темурнинг ҳарбий юришлари тарихда «уч йиллик» (1386–1388), «беш йиллик» (1392–1396), «етти йиллик» (1399–1405) урушлар деб ном олган. Темур 1381 йилда Ҳиротга юриш қилади. Бу даврда Ҳиротни курдлар сулоласи бошқарар эди. Уларнинг ҳукмдори Ғиёсиддин Пир Али Темурга қаттиқ қаршилик кўрсатмади. Лекин 1383 йилда Ҳиротда қўзғолон кўтарилди. Қўзғолон бостирилди ва курдлар сулоласи қулаши билан сарбадорларнинг сўнгги ҳокими бўлган Али Муайёд ихтиёрий суратда ўз ерлари ва ҳокимиятини Темурга топширди. XIV асрнинг 80-йиллари ўртасига келиб бутун Хуросон Амир Темур ихтиёрига ўтди. «Уч йиллик» уруш даврида Амир Темур Озарбайжон, Табриз, Мозандарон, Ғилонни бўйсундиради. Шундан кейин у Кавказга юриш бошлаб, Тифлис, Арзирум ва Ван қалъасини эгаллади.

Амир Темур Жўчи улуси таркибига бир вақтлар кирган Оқ Ўрда ва Олтин Ўрда учун Мўғулистон ҳокимлари билан бир неча йиллар давомида кураш олиб боришига тўғри келди. Мазкур курашдан кўзланган асосий мақсад аввало, мамлакат шимолий қисмларини кўчманчи тўдалар ҳужумидан муҳофаза этиш, Жўчи улуси таркибига кирган ерларни заифлаштирган ҳолда ўз салтанати таъсир доирасига олиш бўлган. Амир Темур Мўғулистонга қарши кураши ўн тўққиз йил (1371–1390) давом этиб, бу курашда у аввал Анқо тўра, сўнгра Қамариддин сингари хонларни мағлуб этди. Шу тариқа мўғул хонларининг Сирдарё бўйлари, Фарғона водийсига солган хавф-хатарларига чек қўйилди. Жўчи улусидаги парокандалик даврида Оқ Ўрда хони Манғишлоқ ҳокими Тўйхўжа ўғлонни ўлдирди. Тўйхўжанинг ўғли Тўхтамиш ўз ҳаёти хавфсизлигини ўйлаб, Самарқандга, Амир Темур ҳузурига қочиб келди. Амир Темур унга мурувват кўрсатиб,

давлат манфаатларини ўйлаган ҳолда ҳокимиятни олиш йўлида ёрдам берди.

Тўхтамиш ўз рақибларидан уч маротаба мағлубиятга учраса-да, ҳар гал Амир Темур уни оёққа турғазишга ёрдам берди. Оқ Ўрда хони Урусхон Темурга қарши жанг қилишга ботина олмади. Урусхон вафотидан сўнг Амир Темур Тўхтамишга 1376 йили тахтни узил-кесил эгаллашига ёрдам берди. Шимолда Тўхтамишнинг тахтга чиқиши Амир Темур салтанати хавф-хатардан сақланишига ёрдам бериши, қолаверса, ишончли иттифоқчи юзага келишидан соҳибқироннинг ўзи ҳам, шубҳасиз, манфаатдор эди. Лекин Тўхтамишхон берилган ёрдам, кўрсатилган мурувватни тезда унутди. Иккала ўрдани бирлаштириб олгач, талончилик ва жабр зулмни кучайтирди. Рим, Волга бўйи, Шимолий Кавказ халқлари унинг зулмидан қаттиқ азият чека бошладилар. Тўхтамишхон 1385 йил Темурга қарашли Озарбайжонни эгаллашга ҳаракат қилди.

1388 йил январида Амир Темурнинг қайтишини кутган душман орқага қайта бошлади. Амир Темур амирлари Ҳусайн, Шайх Али Баҳодир ва бошқаларга душманни тор-мор қилишни топширди. Улар Сирдарё бўйидаги Сарисув деган жойда душманни қувиб етиб, унга катта талофат етказдилар. Тўхтамиш 1388 йил охирида Амир Темурга қарши қайта ҳужум бошлади. Амир Темур эса урушга тайёрланиш учун Сагорон (Каттақўрғон)да қароргоҳини тикиб, қўшинларини жанговар ҳолатга келтирди. Амир Темур душманнинг орқа тарафидан ҳужум қилиш учун Қўнғи ўғлон, Темур Қутлуғ ўғлон, Шайх Али Баҳодир қўмондонлигидаги қўшинларни юборади. Ҳужум муваффақиятли бўлди. Душман тор-мор этилиб, Тўхтамиш зўрға қочиб қутулди.

1393–1394 йили Амир Темур Шеки (Озарбайжоннинг шимолий қисми)да турган пайтда Тўхтамиш Кавказорти вилоятларига ҳужум қилди. Амир Темур Шекидан чиқиб, Қура дарёси бўйлаб юрди. Олтин ўрдаликлар Амир Темур қўшинлари келаётганини эшитиб, чекинишга мажбур бўлдилар. 1395 йил апрелида Терек дарёси бўйида Амир Темур ва Тўхтамиш ўртасида уруш ҳаракатлари яна бошланиб кетди. Жангнинг асосий қисми ўнг қанотда бўлди. Амир Темур захира қўшин билан жангга кирди ва душманни чекинишга мажбур қилди. Тўхтамиш учинчи жангдан кейин ҳокимиятдан ажралди.

Тўхтамиш қўшинининг Терек дарёси бўйида тор-мор этилиши ва 1395 йилда Сарой Берканинг хароба қилиниши Олтин Ўрдага жуда

кучли зарба бўлди. Шундан кейин у ўзини ўнглай олмади. Олтин Ўрдага берилган қақшатқич зарба Русни мўғул босқинчиларидан озод бўлишига ижобий таъсир этди.

Амир Темурнинг бир мамлакатга қилган юришлари унинг бошқа мамлакатларга қилган юришлари билан кетма-кет тарзда олиб борилганлигини уруш воқеалари кўрсатиб туради. Амир Темур Озарбайжонга бир неча маротаба ҳужум қилиб, 1387 йилда уни бўйсундиришга муяссар бўлди. Арманистон ва Грузияни Амир Темур 1392 йилда бўйсундиради. Темурнинг узоқ Ҳиндистонга юриши 1399 йилда якунланди.

1400 йилда Амир Темур қўшинлари турк султони Боязид Йилдирим ва Миср султони Фараж билан кураш олиб бордилар. 1402 йили 20 июлда Амир Темур Анқара ёнида Боязид билан иккинчи марта тўқнашди ва уни тор-мор этди. Усмонийлар мағлубияти Европа халқлари учун ижобий аҳамиятга эга бўлди. Туркlар Европага ўз ҳужумларини 50 йил орқага сурдилар.

Амир Темур ўз қўшинлари билан 1404 йилнинг охирида Хитойга қараб йўлга чиқади. Ўша йилги қиш Ўрта Осиё тарихида энг қаҳратон қишлардан бири бўлган. Сирдарёнинг суви 1 метрга музлаган, аскарлардан кўпини қулоқ-бурунлари, қўл-оёқларини совуқ олган эди. Амир Темурнинг ўзи ҳам кўп ўтмай шамоллаб қолади. 1405 йил январь ойининг ўрталарида Ўтрорда тўхташга қарор қилишади ва бу ерда 18 февраль куни буюк жаҳонгир Соҳибқирон Амир Темур вафот этди.


Амир Темур 35 йил давомида ҳарбий юришлар қилди. Бу юришлар натижасида у буюк салтанат барпо қилишга эришди. Унинг таркибига Мовароуннаҳр, Хоразм, Каспий атрофидаги вилоятлар, ҳозирги Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Ироқ, Жанубий Россия, Кавказ ва Ғарбий Осиёнинг бир қатор мамлакатлари, жами 27 та ўлка киради. Амир Темурнинг муваффақиятига, аввало, унинг нодир ҳарбий истеъдоди сабаб бўлди. Амир Темур қўшинида қатъий тартиб ва интизом ўрнатилган эди. Ҳар бир жанг режасини ва барча қисмлар учун йўл-йўриқларни ўзи ишлаб чиқарди. Унинг ҳарбий истеъдоди Анқара яқинида Султон Боязидга қарши жангда, айниқса, ёрқин намоён бўлди. Армиянинг юраги ва қўмондонлик ўзагини барлос уруғи вакиллари ташкил этарди. Шу давр воқеаларининг шоҳиди бўлганларнинг гувоҳлик беришича, барлослар ҳарбий ишга ни-

ҳоятда чидамли, ёйдан ўқ узишга жуда уста, ўз ҳукмдорларига содиқ ва сабр-тоқатли бўлганлар.

Амир Темур ички ва ташқи савдо тараққиётига катта аҳамият берди. Унинг саъй-ҳаракати боис, Буюк Ипак йўли тармоғи Мовароуннаҳрга қайтди, савдо йўллари хавфсизлигига, Шарқ ва Ғарб савдо муносабатларига катта эътибор билан қаралди. Соҳибқироннинг Франция қироли Карл VI га ёзган хатидаги қуйидаги мулоҳазалар эътиборга сазовордир: «Сиз ўз савдогарларингизни менинг салтанатимга юборинг, биз уларни илиқ қарши олиб, иззат-икром кўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарларимизни сизнинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга ҳурмат кўрсатинг, уларга ортиқча тазйиқлар қилинишига йўл қўйманг. Сизга бундан бўлак талабим йўқ. Зеро, дунё савдо аҳли ила обод бўлажак!» Шубҳасиз, буюк Темурнинг юқоридаги мулоҳазалари XXI асрда ҳам янгича тартибдаги савдо-иқтисодий муносабатларда муҳим ўрин эгаллайди.

Низомиддин Шомий ўзининг «Зафарнома» асарида шундай деб ёзган эди: «... Унинг адолатию сиёсати ўрнатилган кунларда Мовароуннаҳрнинг энг чекка жойларидангина эмас, балки Хўтан чегарасидан Деҳли ва Канбойит атрофларигача, Бобул Авбобдан то Миср ва Рум ҳудудигача бўлган ерлардан савдогарлар у ёқда турсин, болалару бева хотинлар ҳам ипак матолар, олтин-кумуш ва энг зарур тижорат молларини келтирардилар ва олиб кетардилар. Ҳеч бир кимса уларнинг бир донига ҳам кўз олайтира олмайди ва бир дирҳамига ҳам зиён етказмайди. Бу чексиз неъмат ва поёнсиз марҳаматлар Амир Соҳибқироннинг сиёсати ва адолати натижасидандур». 1404 йили Темур салтанатида бўлган Руи Гонзалес де Клавихо ҳам савдо-сотиқ муносабатларининг юқори даражада тараққий этганлигини, савдо аҳлига кўрсатилаётган мурувват, хавфсизлик чоралари, Мовароуннаҳр бозорларининг серҳашамлигини алоҳида қайд этган эди.

Амир Темур XIV асрдаёқ «Куч – адолатда» шиорини давлат сиёсати даражасига олиб чиқди. Умри давомида соҳибқирон бу шиорни ўзига дастуруламал қилиб олди. Темур давлатидаги бу ахлоқий-маънавий мезон ҳамма даврлар учун эътиборли бўлиб, ҳозирги кунга қадар инсоният ҳаётида долзарб аҳамият касб этиб келмоқда. Амир Темур ҳарбий санъат, солиқ сиёсати, раиятга муносабатда, ўз давлат бошқаруви тизимида, қўл остидагиларга муносабатда ҳам ушбу тамойилга қатъий амал қилди.



Шоҳи-Зинда. XV аср

Амир Темур ўз ҳукмронлиги даврида мутаассиблик, айирмачилик, мазҳабчилик кўринишларига йўл бермади. Осойишталик, тинчлик-хотиржамлик, хавфсизлик борасида аҳамиятга молик ишларни амалга оширди. Бу хусусда соҳибқирон «... салтанатимнинг у четидан бу четигача бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим», дея қайд қилган эди. Амир Темур қурилиш, ободончилик ишларига катта эътибор билан қаради.

Мўғул истибдодидан мерос бўлмиш хонавайрончиликка чек қўйди. Унинг ташаббуси ила Туркистонда Аҳмад Яссавий мақбараси, Тошкентда Шайх Зайниддин бобо мақбараси, шаҳар яқинида Занги ота мақбараси, Шаҳрисабзда Оқсарой, Самарқандда Гўри Амир мақбараси, Бибихоним масжиди, Шоҳи Зиндадаги қатор мақбаралар, шаҳарда сарой ва истеҳком, карвонсаройлар, ҳаммомлар, кўприклар, хонақоҳлар, кўчалар, шаҳар яқинида боғлар барпо этилди. Бу хусусда Соҳибқирон «Агар қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурдирган иморатларга боқинг», дея таъкидлаган эди. Амир Темур саъй-ҳаракати билан мамлакатда илм-фан, маданият тараққиётига кенг йўл очилди. Бу эса кейинги темурийлар ҳукмронлиги даврида яққол ўзини намоён қилди.

Амир Темур барпо этган давлат ўзининг энг ривожланган даврида жуда улкан ҳудудни ўз ичига олган бўлиб, Ўрта Осиёдан ташқари, Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Афғонистонни қамраб олган. У бу давлатни ўғиллари, набиралари ва хос амирлари ёрдамида идора қилди. Бунинг учун у салтанатни суюрғол мулкларга, яъни улусларга бўлди.

Масалан, Маҳмуд Ғазнавийнинг тожу тахти, яъни Афғонистонни Темур тўнғич ўғли Жаҳонгирга, унинг вафотидан (1376 й.) кейин эса Жаҳонгирнинг ўғли Пирмуҳаммадга берди. Хуросонда Шоҳруҳ ҳокимлик қилди. Ҳулокухоннинг тожу тахти, яъни Ироқ ва Озарбайжон Темурнинг бошқа ўғли – Мироншоҳга берилди, Фарғона бўлса Умаршайх ва унинг авлодларининг мулки эди. Гарчи суюрғол мулкларининг эгалари солиқ тўплаш ва маъмурий бошқарувда мустақил бўлсалар-да, Темур ва унинг вазирлари идора қилган марказий ҳукуматга бўйсунардилар.


Марказий давлат маъмуриятини еттита вазир бошқарган. Уларнинг биринчиси вазири аъзам бўлиб, унинг вазифаси олий ҳукмдорни мамлакат ва раият аҳволи ҳақида ўз вақтида хабардор қилиб туришдан иборат бўлди. Иккинчиси (вазири тавочи) ҳарбий ишлар, учинчиси турли сабаблар, асосан, уруш оқибатида эгасиз қолган молмулклар, сайёҳлар ва зиёратчилар ишлари бўйича мутасаддилик қилган. Тўртинчиси ҳукмдорнинг саройига оид бўлган ишлар билан шуғулланган. Яна уч вазир сарҳад вилоятларига тегишли ишларни бошқарган. Етти вазирнинг барчаси девонбегига бўйсунган.

Марказий ҳокимият идораларида, улус ҳокимиятлари девонларидаги каби, вазирлардан бошқа турли табақадаги амалдорлар бўлган. Булар, масалан, шайхулислом, қози ул-қуззот (олий судья), қозийи аҳдас (одат бўйича ҳукм чиқарувчи судья), қози аскар (ҳарбий судья), садри аъзам (олий садр, вақф мулклари мутасаддиси), додҳоҳ (шикоятларни кўриб чиқувчи), эшикоға, сарой вазири, ясовул (ҳукмдорнинг шахсий буйруқларини бажарувчи), қалақчи (хирож миқдорини аниқлаш мажбурияти юклатилган амалдор), мутаҳассил (солиқ ва ўлпон йиғувчи), тавочи (асосан, қўшинларни тўплаш ишига масъул олий амалдор), қоровулбеги, кутвол (қалъа коменданти), муҳтасиб (шариат қоидалари ижроси ҳамда бозорларда нарх-наво, тарозилари тўғрилигини текширувчи мансабдор), воқеанавис (кундалик воқеаларни ёзиб борувчи), мунший (шахсий котиб) ва бошқалар.

Карвон йўлларида сардобаси бўлган махсус бекатлар қурилган, уни ҳарбий назоратчи қўриқлаган.

Манбаларда Темур саройида мавжуд бўлган қабул маросими ҳақида ҳам маълумот сақланиб қолган. Жумладан, тахтнинг ўнг томонида саййидлар, қозилар, уламолар, шайхлар ўтирган. Чап томонда эса амир ул-умаро, беклербеги, қўшин амирлари, нўёнлар, улус, ту-

Амир Темур давридаги давлат бошқаруви



ман, қўшин бошлиқларининг жойи бўлган. Тахтнинг олд томонида девонбеги ва вазирлар ўтиришган. Тахт орқасида, унинг ўнг томонида ўғлонлар ва баҳодирлар, чап томонида эса қоровулбегилар ўтирганлар. Тахтнинг қаршисида қоровул амирлари, этагида эса ичкилар, ясовул хос турган. Тахтнинг ўнг ва чап ёнида додҳоҳлар туришган.

Темур ва темурийлар давлати халқаро майдонда ҳам шуҳрат қозонган. Темур давлати билан Шарқ (Мўғулистон, Хитой, Миср) ва Европа мамлакатлари (Италия, Испания, Франция, Англия ва бошқ.) ўртасидаги ёзишмаларга қараганда, дипломатик, сиёсий ва савдо алоқалари ривожланган. Улар, айниқса, XIVасрнинг 80–90 - йиллари ва XV аср бошида Туркиянинг кучайиши муносабати билан бирмунча жонланди. Маълумки, 1389 йил Туркия европаликларнинг бирлашган қуролли кучларини Сербиядаги Косово майдонида тор-мор қилган ва натижада Сербия мустақилликдан ажралиб, Туркиянинг вассалига айланган. 1393 йили Туркия Булғория, Васахия, Македония, Фессалияни босиб олди. 1396 йили эса турк армияси Никопол (Болгария) ва мусулмонларга қарши салб юриши эълон қилган Венгрия қироли Сигизмунд бошчилигидаги Ғарбий Европанинг энг сара қўшинларини бутунлай тор-мор этди. Боязид армияси ўша пайтда Византия пойтахти Константинополни қарам қилди.

Хуллас, Туркия томонидан нафақат Византия учун, балки бутун Европа учун ҳам реал хавф-хатар туғилган эди. Шунинг учун Европанинг Византия, Италия, Испания ва бошқа давлатларидан Туркияга қарши курашда ёрдам сўраб Темур саройига элчилар серқатнов бўлиб қолдилар. Буларнинг барчаси Темур ва Боязиднинг, яъни икки қудратли турк давлатининг тўқнашувини янада тезлаштирди, бу эса Европага қўл келар эди.

2.«Темур тузуклари» – муҳим тарихий манба

Амир Темур ва унинг даври хусусида замондошлари Ғиёсиддин Алининг «Рўзномайи ғазовоти Ҳиндистон», Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Ибн Арабшоҳнинг «Темур тарихи» ва бошқа бир қанча қимматли асарлар мавжуддир. Лекин буюк жаҳонгир ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асарлар ичида, шубҳасиз, «Темур тузуклари» алоҳида аҳамият касб этади.

«Тузуки Темурий» («Темур тузуклари»), «Малфузоти Темурий» («Темурнинг айтганлари») ва «Воқиоти Темурий» («Темурнинг бошидан кечирганлари») номлари билан аталмиш ушбу асар қимматли тарихий манба бўлиб, жаҳондаги машҳур кутубхоналардан жой олган. «Темур тузуклари» икки қисмдан иборат тарихий ва ҳуқуқий

асар бўлиб, унда соҳибқироннинг давлат тузилиши ва мамлакатни бошқариш хусусидаги нуқтаи назари баён этилади.

Асар Амир Темур томонидан ёзилган бўлиб, аввал эски ўзбек (чиғатой ёки туркий) тилида баён этилган. Бир қатор шарқшунослар – Ч.Рьйю, Г.Этэ, Ч.А.Стори, Н.Д.Миклухо-Маклай ва бошқаларнинг фикрича, унинг бир қўлёзма нусхаси Яман ҳокими Жаъфар пошшонинг кутубхонасида сақланган. «Тузукот» ни илк бора форс тилига таржима қилган Мир Абу Толиб Ҳусайний ат-Турбатийнинг ёзишига қараганда, у ўз ҳаж сафарида мазкур асарни учратганлигини ва ўзи билан олганлигини таъкидлайди. У Арабистондан келгач, асарни форсча таржимасини бобурий подшоҳ Шоҳ Жаҳонга (1628–1657) тақдим этади. Шоҳ Жаҳон тарихни яхши билган илмли шахс бўлганлиги учун аввало асарни ўзи кўриб чиқиб, унда баъзи ноаниқлар ва ғализликларни топади. Подшоҳ ундаги ноаниқликларни тузатиш ва таҳрир этишни Дакан вилояти қозикалони, истеъдодли адиб Муҳаммад Афзал Бухорийга (вафоти 1651/1652 йй.) топширади. Бу хусусда ҳиндистонлик тарихчи Абдулҳамид Лоҳурий (1654 й. вафоти) ўзининг «Подшонома» асарида ҳам қайд этиб ўтган.

Мазкур асар XVIII асрдан бошлаб машҳур бўлиб кетиб, 1783 йили Англияда, 1785 ва 1891 йилда Ҳиндистонда, 1868 йили Эронда чоп этилди. Француз (1787 й.), инглиз (1830 й.), урду (1845 й.) тилларига ҳам таржима қилинган. Эронда қайта 1963 йилда яна бир бора чоп этилган.

«Темур тузуклари» ўзбек тилига 1857 йилда Хивада Муҳаммад Юсуф Рожий томонидан илк бора қисқартириб таржима қилинган. Асарни Мир Абу Толиб Ҳусайний ат-Турбатий матнига мувофиқ ўзбекча тўла таржимаси машҳур арбоб ва адиб Алихон тўра Соғуний томонидан Тошкентда 1967 йили амалга оширилган. Бу таржима мустабид давр мафкураси тазйиғига учраб, нашр этилиши ярим йўлда қолиб кетди. Ниҳоят, 1990 йили Бомбайда чоп этилган форсча матндан ўзбек тилига яна бир таржима (Соғуний таржимасини ҳисобга олган ҳолда) амалга оширилди. Уни шарқшунос олим Ҳабибулло Кароматов ўзбек тилига ўгириб, китоб ҳолида аввал 1991 йили нашр этилди. Рус тилига «Тузукот» 1894 йили Н.П.Остроумов томонидан таржима қилинган.1968 йилда ундан факсимил нашр амалга оширилиб, унга академик И.Мўминовнинг қисқача кириш сўзи илова қилинди. Аввал бошида асар Амир Темур томонидан ёзилгани хусусида

қайд қилинган эди. Кўпгина шарқ манбалари ва муаррихлар буни ўз асарларида таъкидлайдилар. Масалан, Шамсиддин Сомийнинг қомусида шундай дейилади: «Амир Темур «Тузукот» деб юритиладиган қонунлар мажмуасини ёзди. Унда ўзининг ҳаёт йўлини баён қилди». Шарафиддин Али Яздий эса (вафоти 1454 й.) эътиборга лойиқ маълумот келтирган: «Он ҳазрат ўзининг ҳаёти ва турмуши тарзига доир асосий воқеаларни ўз ичига олган туркий ва форсийда алоҳида бир манзума тўздилар». Низомиддин Шомий ҳам «Зафарнома»да шуни таъкидлайди. Шунингдек, таниқли шарқшунос М.Шармуа (1793–1869) ва рус ҳарбий тарихчиси М.И.Иванин (1801–1874) «Тузукот»нинг ҳақиқий муаллифи Амир Темур бўлгани ҳақида фикр билдирадилар. Амир Темурнинг 660 йиллик таваллуди тантаналари арафасида 1996 йил «Тузукот» ўзбек, инглиз, француз тилларида чоп этилди.

«Темур тузуклари» 2011 йили ўзбек тилида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси» деб номланган сўзбоши билан юқори сифатда, қайта нашрдан чиқди.

«Темур тузуклари» – ҳукмдорларнинг турмуш тарзи ва ахлоқ-одоб нормаларини белгиловчи рисола ҳамдир. Ўз вақтида кўпгина ҳукмдорлар, масалан, Ҳиндистонда бобурий Шоҳ Жаҳон (1628–1657), Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1821–1842), Бухоро амири Абдулаҳадхон (1885–1910) ва бошқалар «Тузукот»дан махсус парчалар кўчиртириб, улардан бевосита ўз фаолиятларида фойдаланганлар.

«Тузукот» икки қисмдан иборатдир. Биринчи қисмда жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган машҳур давлат арбоби ва саркарда Соҳибқирон Амир Темурнинг етти ёшидан то вафотига қадар (1342–1405) кечган ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти, унинг Мовароуннаҳрда марказий ҳокимиятни қўлга киритиш, тарқоқликка барҳам бериш ва марказлашган давлат тузиш, қўшни юрт ва мамлакатларни, масалан Эрон ва Хуросонни ўз тасарруфига киритиш, Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон (1376–1395), турк султони Боязид Йилдирим (1389–1402)га қарши ва ниҳоят буюк жаҳонгирнинг Озарбайжон, Гуржистон ва Ҳиндистонга қилган ҳарбий юришлари ихчам тарзда баён этилган. Иккинчи қисм Амир Темурнинг номидан айтилган ўзига хос васият ва панду насиҳатлардан иборатдир. Унда давлатни идора қилишда кимларга таяниш, тожу тахт эгаларининг тутуми ва вази-

фалари, вазир ва қўшин бошлиқларини сайлаш, сипоҳийларнинг маоши, мамлакатларни бошқариш тартиби, давлат арбоблари ва қўшин бошлиқларининг бурч ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг тожу тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматларини тақдирлаш тартиби ва ҳоказолар хусусида гап боради. «Тузукот» ёзиш асли хитой ва турк-мўғул ҳукмдор, хонларидан расм бўлиб қолган одат эди. Масалан, турк хоқонлардан қолган «Қонуннома», Чингизхондан қолган «Билик», Хондамир (1474–1535) ёзган «Қонуни Ҳумоюн», Убайдуллахон (1533–1539) топшириғи билан ёзилган «Сулук-ал мулк» («Подшоларга йўл-йўриқлар») шулар жумласидандир.

Амир Темур ўз олдига буюк салтанатнинг ички сиёсати ва ишчан давлат тизимини қадимий тажрибалардан ижодий фойдаланган ҳолда тузиш, ҳарбий сиёсатни замон талаби асосида тобора такомиллаштириб, мўғул истилоси асоратларини тезроқ бартараф этиш, хўжаликни оёққа турғазиш, савдо-сотиқ, ҳунармандчиликни бир меъёрга тушириш ва ривожлантириш, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, илм-фан, маданият, меъморчиликни тубдан ривожлантириш, ободонлаштириш ишларини кенг кўламда жадаллаштириш каби долзарб вазифаларни қўйган эди. Унинг бундай саъй-ҳаракатлари бир неча ўн йиллар инқирозий ҳолатда бўлган улкан ҳудудни қолоқликдан чиқариш, уни юқори тараққиёт босқичига кўтаришда катта куч-ғайрат, маблағ, билим ва оқилона тадбирларни талаб этар эди.

«Темур тузуклари» ҳаёт тажрибаси ва синови бошидан ўтган, бир умр эл-юрт, салтанат ташвиши билан яшаган фидойи шахс, буюк давлат арбобининг ўй-фикрлари, мушоҳада ва кечинмаларини ўз ичига жо қилган. «Тузукот»да мазкур мулоҳазалар аниқ-равон тарзда, ихчам баён этилган. Соҳибқироннинг «Салтанат ишларининг тўққиз улушини машварат, тадбир ва кенгаш, қолган бир улушини эса қилич билан бажо келтириш зарур», деган кўрсатмасини XXI аср сиёсат майдони учун муаммоларни ҳамжиҳатликда ечишга даъват тарзида кўрсатиш мумкин. «Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир» деган фикрлари ҳозирда ҳам ижтимоий ҳаётда долзарб аҳамият касб этса, «Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йиқар» деган ибораси одамни ҳамиша ўз ақл-заковати, илм-маърифат асносида ҳаёт кечиришга чақиради. Амир Темурнинг «Ях-

шиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззат-икром кўрсатдим», деган сўзи унинг ички маънавияти бойлигидан дарак беради.

Баркамол авлодни тарбиялашда, уларнинг маънавий оламини бойитишда «Тузуклар», шубҳасиз, катта аҳамият касб этади.

3. Темурийлар давлатидаги ижтимоий-сиёсий вазият

Соҳибқирон Амир Темур Хитойга қилинаётган ҳарбий юриш вақтида қаттиқ оғриб, 1405 йил 18 февраль кечаси Ўтрор ҳокими Бердибекнинг саройида вафот этади. Ўз даврининг моҳир табиблари ва уларнинг сардори бўлмиш таниқли табиб Файзуллоҳ Табризийнинг уринишлари буюк ҳукмдор танасидаги касалликка даво бўла олмади. Қазосига қадар ихтиёри ўзида бўлган Соҳибқирон Амир Темур ўзига ворис ва тахт валиаҳди этиб невараси Пирмуҳаммад Жаҳонгирни васият қилиб қолдирди. Амир Темур барпо этган буюк салтанат (жами ўз ичига 27 та ўлка ва вилоятларни жам этган) гарчи Темурнинг маҳорати ва куч-қудрати ила мустаҳкам турган бўлса-да, лекин у ички сиёсат жиҳатидан анча заиф, умумиқтисодий асосга эга бўлмаган эди. Ўғиллар, набираларга мамлакатни қисм-қисмларга бўлиб берилганлиги ва суюрғол тартиби ҳам Амир Темур давлати парокандалигини кучайтирар эди. Амир Темур жасади Самарқандда дафн этилиб, мотам маросимлари тугамасданоқ, тожу тахт учун шаҳзодалар ўртасида ўзаро кураш кучайиб кетди.

Қобул ва шимолий Ҳинд мулкларининг ҳокими бўлмиш Пирмуҳаммадни кўпчилик тахт эгаси сифатида кўришни хоҳламас ҳам эди. Бунинг устига, у анча узоқда бўлиб, Самарқандга тезлик билан етиб келиш учун имкони ҳам йўқ эди. Амир Темур вафотидан сўнг Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва бошқа ерларда нотинчлик бошланиб, ғалаёнли вазиятлар юзага кела бошлади. Секин-аста Темур куч-қудрати билан барпо этилган буюк салтанатга путур ета бошлади. Фосиҳ Ҳавофий Темурдан сўнг тирик қолган ўғил ва набираларни санаб, жами уларнинг сони 36 тага етишини таъкидлаган эди. Айниқса, улар орасида Шоҳруҳ (1377–1447) ва унинг ўғли Улуғбек (1394–1449) алоҳида ҳурмат билан тилга олиб ўтилган. Шу давр муаррихлари тахт эгалигига кўпроқ Шоҳруҳни маъқул кўриб,

унинг инсоний сифатларига юқори баҳо берар эдилар. Шоҳруҳ тахт эгаси бўлишидан аввалроқ ҳам ўзининг оқил ва илмли, зукко ва тақводорлик сифатлари билан ҳурмат қозонган эди. Шунингдек, бу вақтда Темурнинг бошқа бир ўғли Мироншоҳ (1366–1408) ҳам ҳаёт бўлиб, у ҳам асосий тахт даъвогарларидан бири ҳисобланар эди.

Темурнинг садоқатли амирларидан кўпчилиги, жумладан Шоҳмалик ва Шайх Нуриддинлар ҳам тожу тахт Шоҳруҳ Мирзога тегиши тарафдори эдилар. Шундай бир вақтда Мироншоҳ Мирзонинг ўғли, шимолий ерлар (Тошкент, Сайрам, Туркистон) ҳокими Халил Султон (1384–1409) шошилинч равишда ўзининг минг чоғли аскари билан 1405 йилнинг 18 март куни Самарқандни эгаллайди ва ўзини Мовароуннаҳр ҳукмдори деб эълон қилади. Ҳатто у Пирмуҳаммадга тегишли Амударёнинг ўнг бетидаги ерларни ҳам ўз тасарруфида деб эълон қилади. Аввал бошда уни қўллаган Мовароуннаҳр амирлари, ҳарбий саркардалар кўп ўтмай ундан ихлослари қайта бошлайди. Халил Султон ва айниқса унинг хотини Шодимулк пойтахтда кўплаб ножоиз ишларга изн беришади, Темур давридаёқ нуфузли бўлган баъзи амалдор, зодагонлар мулкларини тортиб ола бошлашади. Давлат хазинаси ўз ҳолича совурила бошланиб, ҳокимиятга кўплаб номақбул кишилар кела бошлайди. Шоҳруҳ билан биринчи ўзаро низодан сўнг Халил Султон гарчи унинг олий ҳукмдорлик ҳуқуқини тан олса-да, Мовароуннаҳр унинг ихтиёрида қолажагини маълум қилади. Халил Султонни Ироқ томонидан бошқа бир куч – отаси Мироншоҳ Мирзо ҳам қўллаб-қувватлай бошлайди. Сиёсий калтабинлик йўлини тутган Халил Султондан норозилик тобора кучая бошлайди. Фарғона ҳокими Амир Худойдод Халил Султонга қарши бош кўтаради. Шоҳруҳнинг садоқатли кишиси бўлмиш Шайх Нуриддин Ўтрор ҳокими, ўз укаси бўлмиш Бердибек билан бирга бошқа бир исён кўтарилишига сабабчи бўлади. Халил Султоннинг укаси Мирзо Султон Ҳусайн Амударё бўйларида ўз акасига қарши бош кўтаради. Хоразм эса Олтин Ўрдалик таниқли саркарда Амир Идику ўзбек томонидан ишғол этилади.

1405–1406 йилларда Халил Султоннинг Шоҳруҳ, Пирмуҳаммад қўшинлари билан Мовароуннаҳр тахти учун бир неча бор ҳарбий тўқнашуви содир бўлади. Бутун Темур салтанати ўзаро тожу тахт курашлари домига тортилади. Шоҳруҳ бошқараётган Хуросон, Балхдан то Ҳинд ерларигача бўлган ҳудудга ҳоким Пирмуҳаммад, Ғар-

бий Эрон, Озарбайжон, Ироқ тасарруфида бўлган ҳудудга Мироншоҳ ва унинг авлодлари (Умар Мирзо, Абу Бакр) ҳукмронлик қилиб, салтанат ўзаро бўлиниб кетади. Мовароуннаҳр Халил Султонга расман қарашли деб ҳисобланса-да, Туркистон, Ўтрор, Сайрамда Амир Бердибек, Фарғонада эса Амир Худойдод ҳукмронлик қилишар эди. Барча темурийларни салтанатнинг юраги бўлмиш Мовароуннаҳрни эгаллаш истаги тарк этмас эди.

Мовароуннаҳр ҳокими Халил Султоннинг ўз ҳолича иш тутиши, темурий зодагон, амирларнинг камситилиши, мусулмон уламолари, жумладан, нақшбандия тариқатининг таниқли шайхи Муҳаммад Порсонинг таҳқирланиши мухолиф кучларнинг душманлигини кучайтириб юборди. Шу вақтнинг ўзида ўзаро фитна ва ғалаёнларнинг навбатдаги қурбонлари ҳам пайдо бўлади. 1407 йил 22 февралда тахт валиаҳди ҳисобланган Пирмуҳаммад ўзининг вазири Пирали Тоз томонидан суиқасд натижасида ўлдирилади. (Кейинчалик ўзини Пирмуҳаммаднинг «қасоскори» деб эълон қилган Шоҳруҳ Пирали Тозни Ҳиротда қатл этди). 1408 йил 22 апрелда эса қорақўюнли туркманлар билан жангда ҳокимият учун бошқа бир даъвогар бўлган Мироншоҳ Қора Юсуф томонидан Озарбайжон ва Ироқ учун бўлган жангда ўлдирилади. Натижада, Озарбайжон ва Ироқ темурийлар тасарруфидан чиқади.[17]

1409 йил бошида эса сиёсий вазият янада кескинлашди. Амир Худойдод шу вақтда Халил Султонни Самарқанд ёнидаги Шероз қишлоғида мағлубиятга учратиб, унинг ўзини асирликка олди. Хуросон ҳокими Шоҳруҳ эса ўзига қарашли бўлган Мозандарон ва Машҳадда, сўнгра унинг илкига ўтган Сейистон ва Кирмонда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлайди. Сўнгра бутун эътиборини Мовароуннаҳрга қаратади. Шероз жангидан бир оз аввал Шоҳруҳ Халил Султонга Мовароуннаҳр тахти учун жанг қилиш хусусида ёрлиқ ҳам юборган эди. Шоҳруҳ салтанат марказидаги бедодликларга бундан буён бефарқ бўла олмаслигини эълон қилди. 1409 йил 25 апрелида у Амударёдан ўтиб, Самарқанд томон жадал йўл олади. Халил Султонни қўлга олган Амир Худойдод қўшинларини Шоҳруҳ юборган ҳарбий қисм тор-

---

[17] Шоҳруҳ Мирзо ҳукмронлиги даврида Озарбайжон расман яна салтанат таркибига қайтарилади.

мор этиб, Халил Султонни асирликдан озод қилишади. Олижаноб инсонийлик сифатларига эга бўлган темурий Шоҳруҳ Мирзо ўзаро гина-кудуратларни унутиб, уни яхши кутиб олади. Амир Худойдод эса мамлакатдан қочиб кетади. 1409 йилнинг декабрига қадар Шоҳруҳ Мирзо Мовароуннаҳрда тинчлик-осойишталик ўрнатиб, Халил Султон ва бошқа темурий шаҳзодалар тарафдорларига қарши кескин чоралар кўради, издан чиққан хўжалик ҳаёти, савдо-сотиқни тиклайди.

Темурийлар салтанатининг тақдири ойдинлашиб, Хуросон ҳокими бўлмиш Шоҳруҳ Мирзо (1405–1409) темурийлар давлатининг олий ҳукмдори (1409–1447) сифатида эътироф этилди. Тарихда эса Шоҳруҳнинг деярли 40 йиллик барқарор ҳукмронлик даври бошланди. Ўзаро низо ва фитналар туфайли иқтисодий, савдо муносабатларини чиппакка чиқарган вайронагарчилик ва урушлардан чарчаган халқ марказлашган кучли давлат сари интилаётган Шоҳруҳ Мирзонинг хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлар эди. Чунки фақатгина кучли, марказлашган давлатгина ўзаро осойишталик, иқтисодий барқарорликни таъминлаши мумкин эди.

Темурийлар салтанати тарихида Шоҳруҳ Мирзонинг (1377–1447) ўзига хос ўрни ва роли мавжудлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шоҳруҳ Мирзо номи билан боғлиқ тадқиқот иши илк бора мустақиллик йилларида, Х.Файзиевнинг номзодлик диссертациясида ўз аксини топди.

Шоҳруҳ Амир Темурнинг тўртинчи ўғли бўлиб, у 1377 йили таваллуд топган эди. Унинг онаси Тағой Туркон оғо туркий қорахитой уруғидан бўлиб, келиб чиқиши бўйича ўртаҳол хонадон вакиласи бўлган. Низомиддин Шомий ўзининг «Зафарнома» асарида Шоҳруҳнинг сиёсий фаолияти 1397 йили, унинг Хуросон ҳокими этиб тайинланишидан бошланганлигини таъкидлайди. Шоҳруҳ ёшлигидан анча илмга берилган йигит бўлган. Унинг келиб чиқиши она томонидан аслзодаларга тақалмаслиги кейинчалик Шоҳруҳнинг тахт вориси этиб тайинламаслигининг сабабларидан бири бўлди. Қолаверса, тахт вориси Пирмуҳаммад гарчи Темурнинг невараси бўлса ҳам, Шоҳруҳдан бир ёш катта бўлган. Шубҳасиз, юқоридаги ҳолатлар Шоҳруҳни тахт эгаси бўлиши эҳтимолидан узоқлаштирар эди. Яна бир ҳолатга эътиборни қаратиш зарур. Тарихий манбаларда, масалан, Низомиддин Шомий, Абдураззоқ Самарқандий, Хондамир

асарларида Шоҳруҳни «хоқони сайид», «баҳодир» дея таърифлашади ва ҳеч қаерда «кўрагон» унвони учрамайди. Бу эса Шоҳруҳни Чингизийлар хонадони билан шахсан қариндошлик ришталарини боғламаганлигидан дарак беради. Ҳолбуки, «кўрагон» унвони ўша давр таомилига кўра катта обрў ҳисобланган.

Шоҳруҳ Темур давлати ўзагини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Шу билан бирга, у деярли барча ўлка, вилоят ноибларини ўз лавозимларидан четлаштириб, ўзига ишончли ҳисоблаган қариндош-уруғларини бу лавозимларга қўя бошлайди. Жумладан, Балх ва Бадахшон – Иброҳим Султонга, Шероз – Суюрғатмишга, Кобул ва Қандаҳор – Қайду Мирзога, Хуросоннинг бир қисми – Бойсунқур Мирзога, Ғарбий Эрон ҳамда Ироқи Ажамнинг бир қисми – Султон Муҳаммадга, Форс вилояти – Абдулло Мирзоларга суюрғол тарзида бўлиб берилади.

Шу йўл билан Шоҳруҳ бошқарув тизими қулай ва ихчам бўлади, деб ўйлаган эди. Лекин кейинчалик ишончли қондошлар ичидан ҳам исёнкор ноиблар чиқа бошлайди. Хусусан, Шоҳруҳнинг невараси Султон Муҳаммад Эрон ноиби этиб тайинлангач, марказга бўйсунишдан бўйин товлай бошлайди. Сўнгги маротаба Шоҳруҳ исёнкор неварасини ўлимидан сал аввал (1446 й.), Эронга юриш қилганида, унинг жазосини беришга мажбур бўлган эди.

Шоҳруҳ Мирзо ҳукмронлиги даврида Хитой, Ҳиндистон, Миср, Усмонийлар давлати билан дипломатик ва савдо алоқаларини янги даражада мустаҳкам муносабатлар тарзида ўрнатишга муваффақ бўлди. Шоҳруҳ 1419 йили Амир Шодихўжа бошчилигидаги 500 нафар элчилик гуруҳини Хитойга жўнатади. Элчилар 1422 йили Ҳиротга қайтиб келганлар. Элчилар орасидаги Ғиёсиддин наққош хотира дафтарига ўз эсдаликларини ёзиб қолдирган. Абдураззоқ Самарқандий ўз асарида 1412 йилдан 1430 йилга қадар Хитой билан жами беш маротаба элчилик алмашуви бўлганлигини қайд этади. Шунингдек, ушбу муаллиф 1421–1422 йилларда Мирзо Улуғбек Бухорода бўлган вақтида Тибетдан келган элчиларга «ҳурмат кўрсатиб, қайтиб кетишларига рухсат берди», дея таъкидлаган эди.

Шоҳруҳнинг амалдори дипломат ва тарихчи Абдураззоқ Самарқандий 1441–1444 йилларда Ҳиндистонга элчи бўлиб борган. Абдураззоқ Самарқандий марказий ва жанубий Ҳиндистондаги бир қатор

давлат, шаҳарларда бўлди. Бу хусусда у «Матла ас-саъдайн ва мажма ал-баҳрайн» номли асарида барча сафар хотираларини ёзиб қолдирган. Ҳиндистондаги Деҳли султонлиги, Каликут, Вижаянагар, Бенгал, Жанпур ва бошқалар билан ўзаро муносабатлар ўрнатилган. Шунингдек, бу даврда Миср ва Сурияда ҳукмронлик қилаётган мамлуклар давлати, Олд Осиёдаги Усмонийлар давлати билан ҳам ўзаро дўстона муносабатлар йўлга қўйилган. Тарихчи Ҳофизи Абрў «Зубдат ат-таворих» асарида Шоҳруҳнинг Миср подшосига элчи юбориб, 1444–1445 йиллари Шайх Нуриддин Муршидий бошчилигида Маккага Каъба устига ёпинчиқ – «каъбапўш» жўнатганлигини қайд этади.

Шоҳруҳ давлатида Мовароуннаҳр қисмининг алоҳида ўрни бўлган. Давлатнинг марказий пойтахти Ҳирот шаҳри ҳисобланса-да, Мовароуннаҳрнинг маркази қадимий Самарқанд шаҳри ҳисобланар эди. Мовароуннаҳр ерларининг бошқаруви эса Улуғбек қўлига топширилган бўлиб, у умрининг охирига қадар (1449), 40 йил мобайнида бу ерларни бошқариб келди.



Мирзо Улуғбек (1394–1449)

Буюк олим, давлат арбоби ҳамда маданият ҳомийси **Мирзо Улуғбек (Муҳаммад Тарағай)** Соҳибқирон Амир Темурнинг невараси, Шоҳруҳ Мирзонинг катта ўғли бўлиб, у 1394 йили 22 март куни Темурнинг «беш йиллик» ҳарбий юришлари вақтида Ироқнинг Султония шаҳрида таваллуд топган эди. У Соҳибқирон саройида Амир Темурнинг катта хотини малика Сароймулк хоним ва онаси Гавҳаршодбегим тарбиясида катта бўлди. У Соҳибқироннинг бошқа авлодлари каби анъанага мувофиқ ҳамма ҳарбий юриш, хатти-ҳаракатлар, сарой ҳаётида иштирок этади. Бобоси неваралар, жумладан, ёш Улуғбек таълим-тарбиясига катта эътибор берар, шу нуқтаи назардан 3–4 ёшларидан у қиссахон Ҳамза ибн Али (Шайх Озорий) тарбиясида бўлади. Ундан илк сабоқларни, хат-савод, ҳисоб-китобни ўрганади. Кейинчалик эса унга оталиқ этиб тайинланган амир Шоҳмаликдан давлат бошқаруви тартиб-қоидалари ҳақидаги кўникмаларга эга бўлади. Мирзо Улуғбек Муҳаммад Султоннинг қизи Ўгабегимга уйланиши боис ҳам бобоси сингари «кўра-

гон» («хоннинг куёви») унвонига сазовор бўлади. Чунки Ўгабегим она томонидан наслу насаби Чингизхонга бориб тақалар эди. Шоҳруҳ дастлаб ўғли Улуғбекка Хуросондаги Андхўй билан Шибирғонни идора қилишни буюрди. 1406–1407 йили Хуросоннинг Тус, Ҳабушон, Калот, Бовард, Нисо, Ёзир, Сабзавор, Нишопур каби ҳудудларини ҳам идора калитини Улуғбекка топширди. Кейинчалик Деҳистон ва Астробод ҳам унга қўшиб берилди. Бу ҳақда «Он ҳазрат Мирзо Улуғбекни янгидан Хуросон ва Мозандарон ҳукмдорлигига тайин қилди» – деб ёзган эди Абдураззоқ Самарқандий.

1409 йили Мовароуннаҳр қўлга олингандан сўнг, Шоҳруҳ Улуғбекни шу ўлканинг ноиби этиб тайинлайди. 15 ёшли ўсмир давлат бошқаруви ишлари учун ёш эканлиги ҳисобга олиниб, таниқли амир Муборизиддин Шоҳмаликни унга оталиқ этиб тайинлаб, бошқарув ишлари амалда оталиқнинг қўлида мужассамлашади. Абдураззоқ Самарқандий ўзининг «Матла ас-саъдайн ва мажма ал-баҳрайн» асарида юқоридаги ҳолатни шундай тасвирлаган эди: «Ҳазрат хоқони саид (Шоҳруҳ) Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакати вилоятини саодатли фарзанд, руҳ роҳатию дил қуввати, кўз нурию дин кўмакчиси Мирзо Улуғбек кўрагонга бағишлади». Темуршунос олим О.Бўриев таъкидлаганидек, ҳудуднинг катта ўғилга берилиши ҳақли равишда Улуғбекка кўрсатилган алоҳида меҳр ва илтифотнинг белгиси эди.

Мовароуннаҳрлик амирларнинг баъзилари Улуғбек ва Шоҳмалик ҳокимиятларини тан олишни исташмайди. Жумладан, 1410 йилда қайта бош кўтарган Шайх Нуриддин ғалаёни фақатгина Шоҳруҳ Мирзонинг аралашуви туфайли бостирилиб, ноиблик ўрни Улуғбекнинг ўзига қолдирилади. Исён бостирилгач, Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги ерлар, жумладан, Тошкент, Ясси, Саброн, Сайрам ва бошқа ерлар яна темурийлар илкига ўтиб, у ерлар идораси ҳам Мирзо Улуғбек зиммасига ўтади. 1411 йили Мовароуннаҳрда анча мухолиф кучларига эга бўлган ва Улуғбекнинг мустақил хатти-ҳаракатларига тўсқинлик қилаётган Муборизиддин Шоҳмалик Шоҳруҳ билан бирга Ҳиротга қайтиб кетади. Улуғбек Мирзо эса шу йилдан бошлаб Мовароуннаҳрнинг «ягона ва қонуний султони» сифатида ҳокимиятни бошқаради.

Шоҳруҳ ва унинг ўғли Улуғбек ўз сиёсатларининг устувор йўналишлари этиб, аввало, мамлакат ҳудудларини кенгайтириш ҳамда

марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш деб билдилар. Шоҳруҳ 1413 йили Эронни ўз қўли остига олади. Ўша йили Шоҳруҳ қўшини ёрдамида Улуғбек Олтин Ўрда хонлари ихтиёридаги Хоразмни тортиб олади. Бу курашда фаол иштирок этган Шоҳмалик Хоразм ноиби этиб тайинланади. Улуғбек 1414–1415 йилларда ўз амакиваччаси амирзода Аҳмад (Амирак Аҳмад) ҳукмрон бўлиб турган Фарғонани эгаллайди. Шунингдек, унинг Қошғарга нисбатан сиёсати ҳам муваффақиятли тарзда ҳал бўлади. Аввал бошда собиқ Фарғона ҳокими Аҳмад[18] Қошғардан паноҳ топган эди. Лекин темурийлар билан муносабатларни кескинлаштирмасликни лозим деб ҳисоблаган Қошғар ҳокими Шайх Али Тўғай Улуғбек билан ўзаро музокаралар олиб боради. Натижада, 1416 йили у «Буюк амирнинг руҳи ҳимоясига» ўтиш истагини билдириб, Қошғарни Улуғбек юборган вакиллар Сиддиқ ва Алилар қўлига топширади.

Улуғбек шимолдаги қўшнилари бўлмиш Дашти Қипчоқ ва Мўғулистондаги ички сиёсий аҳвол барқарорлиги ва у ерларда ўзига иттифоқчи бўлган кишиларни ҳокимият тепасида бўлишини истар эди. Шу сабабдан ҳам унинг аралашуви ҳамда ҳарбий кўмаги билан Дашти Қипчоқда Ўрусхоннинг набираси шаҳзода Бароқхон ҳокимият тепасига келди. Мўғулистонда эса Улуғбекнинг ёрдами билан Шермуҳаммадхон рақиби Ваисхонни енгиб, Мўғулистон тахтини эгаллайди. Улуғбек бу хонлар орқали шимолда ва шарқда ўз таъсирини ўтказишни ва ўзига ишончли иттифоқчиларга эга бўлишни кўзлаган эди. Аввал Шермуҳаммадхон Мовароуннаҳр ички ишларига аралашишга ҳаракат қилиб, ўз валинеъматига нисбатан ноҳақ муносабатда бўла бошлайди. 1424 йили ноябрь ойида Шоҳруҳнинг ризолиги билан Улуғбек Мўғулистон устига юриш бошлайди. Унинг асосий кучлари 1425 йил эрта баҳорида Чу дарёсидан ўтиб, Иссиққўл яқинида мўғулларни тор-мор келтиради.

Бу хусусда Улуғбек томонидан Жиззахнинг Илонўтти дарасида лавҳа ҳам ёздирилади. Тез орада шимолдан яна бошқа бир хавф пайдо бўлди. Улуғбек ёрдами билан аввал Дашти Қипчоқ, сўнгра Олтин Ўрда ҳокимиятини қўлга олган Бароқхон Мовароуннаҳр

---

[18] Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Амирак Аҳмадни Шоҳруҳ вазиятни юмшатиш мақсадида Ҳиротга чақириб олди. 1416 йили фитнада айбланган Амирак Аҳмад Маккага жўнатилади.

султони мурувватини ёддан чиқарди. У Сирдарё бўйидаги ерлар ва шаҳарларни (Ўтрор, Саброн, Сиғноқ) талаб, у ерларга ўз даъвоси билан чиқади. 1427 йилнинг бошида Улуғбек Дашти Қипчоққа ҳарбий юриш қилиб отланади. Бу юришда Улуғбек қўшини мағлубиятга учраб, ўзи Тошкентга чекинади. Дашти қипчоқликлар билан бўлган жанг мағлубияти Улуғбекка шунчалик катта таъсир кўрсатадики, у отасининг ўлимигача шахсан ўзи ҳарбий қўшинга бош бўлиб, юришларни бошқа амалга оширмайди. Мўғуллар қўшини кўп ерларни хонавайрон ва талон-тарож қилиб, орқага қайтиб кетадилар. Кейинчалик ҳам бу ҳолат давом этди. Дашти Қипчоқ хони Абулхайрхон ҳам (1428–1468) кўпинча чегараларни бузиб, талончилик билан шуғулланар эди. Унинг 1431, 1435 йиллардаги Хоразмга юришларига Шоҳруҳ ва Улуғбеклар томонидан чек қўйилиб, чегаралар хавфсизлиги таъминланди.



Ҳирот. Гавҳаршодбегим мақбараси.

1428 йили Мирзо Улуғбек томонидан амалга оширилган пул ислоҳоти Мовароуннаҳр ички иқтисодий ҳаётида муҳим рол ўйнади. Замондош тарихчилар, жумладан, Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида солиқлар миқдори ҳам бирмунча пасайтирилган. Мирзо Улуғбек отаси тириклик вақтида гарчи ташқи сиёсат борасида бирмунча мустақил ҳаракат қилган бўлса-да, лекин у ҳақиқатда отаси Шоҳруҳ Мирзонинг Мовароуннаҳрдаги ишончли ва итоаткор ҳокими бўлиб қолади. Улуғбек ички ва ташқи сиёсат борасида отаси билан бамаслаҳат иш тутар, солиқларнинг бир қисмини мунтазам Ҳиротга жўнатар, хутба ва тангаларда отасининг номи зикр этиларди. Шунингдек, у вақти-вақти билан отасига ҳисоб бериб турар, ҳарбий юришлари вақтида унга моддий ва ҳарбий кўмак етказиб берар эди.

Шоҳруҳнинг кексайиши билан тожу тахт учун зимдан пайдо бўлган низолар ҳам фаоллаша боради. Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегим (1457 й. ваф.) сиёсий ишларга фаол аралашиб, невараси Алоуддавлани тахт вориси сифатида кўришни истар эди.

Шоҳруҳнинг яна бир ўғли Муҳаммад Жўки (1402–1444) ҳам ўзини тахт эгаси сифатида кўришга ҳақли деб ҳисоблар эди. Тожу тахт учун зимдан бошланган кураш 1444 йили Шоҳруҳ оғир хаста бўлиб қолганида, айниқса, яққол намоён бўлган эди. Шоҳруҳ хасталикдан тузалиб, 1446 йилнинг сўнгтида ўзининг охирги ҳарбий юришини амалга оширади. Форс ва Ироқи Ажамда унинг невараси Султон Муҳаммад бобосига қарши қўзғолон кўтариб, Ҳамадон ва Исфаҳонни босиб олади. Гарчи Шоҳруҳ исённи бостириб, қўзғолончиларни жазоласа-да, лекин яна хасталаниб 1447 йил 12 мартда Эрон шимолидаги Рай вилоятида оламдан ўтади. Шоҳруҳнинг ўлими Хуросон ва Мовароуннаҳрда ўзаро темурий шаҳзодалар ўртасида тожу тахт учун курашни бошлаб юборди. Мамлакат яна саросима, таҳлика, беқарорлик домига тортилди. Шариат ва урф-одатга кўра ўз-ўзидан олий ҳукмдорлик ягона ворис Мирзо Улуғбек қўлига ўтиши керак эди. Лекин Бойсунқур Мирзонинг ўғиллари Алоуддавла ва Абулқосим Бобур Улуғбекка қарши ҳарбий ҳаракатни бошлаб юборадилар. Хуросон Алоуддавла қўлига, Мозандарон ва Журжон Абулқосим Бобур ихтиёрига ўтади. Султон Муҳаммад эса Ғарбий Эрон ва Форсда ўзини мустақил ҳукмдор деб эълон қилади. Муҳаммад Жўкининг ўғли Абу Бакр эса Балх, Шибирғон, Қундуз, Бағлонни босиб олади. Мамлакатнинг талон-тарож, пароканда бўлишини олдини олиш мақсадида Мирзо Улуғбек муаммоларни тинч-музокара йўли билан ечмоқчи бўлади. Жумладан, у Алоуддавла билан ўзаро музокараларни бошлайди. Алоуддавла Улуғбекнинг ўғли Абдуллатифни асир олиб, уни Ҳиротдаги Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўйган эди. Улуғбек юборган вакил Садр Низомиддин Мирак Маҳмуд, Мовароуннаҳр султонининг Ҳиротга юриш нияти йўқ эканлиги ва бу даъводан у воз кечишини билдиради. Икки ўртадаги чегара Мурғоб воҳаси деб белгиланиб, Абдуллатифга Балх ҳокимлиги берилади.

Лекин ҳеч қанча ўтмасдан, Абдуллатиф ва Алоуддавла ўртасидаги муносабатлар яна кескинлашади. Абдуллатифнинг ўз ҳолича Ҳиротга қарши юриши муваффақиятсиз тугайди. У отаси Улуғбекка ёрдам сўраб мурожаат қилади. 1448 йил баҳорида Улуғбек ва Абдуллатифнинг 90000 кишилик бирлашган қўшини Ҳиротдан 14 фарсаҳ узоқликдаги Тарноб деган жойда Алоуддавла қўшинини тор-мор келтиради. Алоуддавла жанг майдонидан қочади. Ҳирот деярли жангсиз эгалланади. Машҳадгача бўлган ерларни Улуғбек, Астроободгача

бўлган ерларни Абдуллатиф ўз ихтиёрларига олишди. Улугбек бу ҳарбий юришни узоқ давом эттира олмас эди. Чунки Дашти Қипчоқдаги кўчманчиларнинг талончилик юришлари бу пайтга келиб, тез-тез амалга ошиб турар, мамлакатга шарқдан мўғуллар хавф солиб турар эдилар. Қолаверса, ҳукмдор пойтахтни узоқ вақт эгасиз қолдириши мумкин эмас эди.

Тарноб жанги муваффақиятли якунланган бўлса-да, лекин ғалаба Мирзо Улуғбек ва шаҳзода Абдуллатифлар ўртасида муносабатларнинг совуқлашувига ҳам олиб келди. Мирзо Улуғбек бу ғалабани кўпроқ бошқа бир ўғли Абдулазиз номи билан боғлар, ғалаба ёрлиқларида Абдуллатиф номи Абдулазиздан сўнг тилга олинар эди. Абдуллатиф гарчи Ҳирот тахтига ўтирса-да, лекин Шоҳруҳ хазинаси султон ихтиёрига ўтади. Гарчи бу Улуғбек томонидан маълум бир ноҳақлик деб ҳисобланса-да, лекин Улуғбек бундан буён асосий пойтахт Самарқанд, Хуросон давлатнинг бир бўлаги деган ғояни шу хатти-ҳаракати билан англатмоқчи бўлади. Ўта ҳокимиятпараст ва шуҳратпараст, мол-дунёга ўч Абдуллатиф учун шунинг ўзи отасига қарши бош кўтариш учун катта баҳона эди. Абдуллатиф Ҳиротда 15 кунча ҳукмронлик қилиб, сўнг Амударёдан ўтиб, Мовароуннаҳрга келди. Бу пайтда Абулқосим Бобур қўшини эса Ҳиротга яқинлашиб келаётган эди. Мирзо Улуғбек фармони билан Абдуллатиф яна Балхга ноиб этиб тайинланди. Балхда Абдуллатифнинг отасига қарши хатти-ҳаракатлари кучайиб, ўз ҳолича хорижий савдогарлардан олинадиган «тамға» солиғини бекор қилади. Бу солиқ эса, ўз навбатида, давлат даромадининг асосий манбаларидан бири эди. Отасига қарши кайфиятдаги кишиларни ўз атрофига йиғиб, ҳатто Абулқосим Бобур билан ҳам Улуғбекка қарши яширин тил бириктиради. Бу пайтда Мирзо Улуғбек давлатининг сиёсий аҳволи ҳам анча мураккаб тарзда турар эди. Мирзо Улуғбек Абулхайрхон бошчилигидаги дашт қўшинларига қарши курашади. Самарқанд ноиби этиб қолдирилган ўғли Абдулазиз «амирлар хонадонига тазйиқ ўтказяпти» деб овоза тарқалиб, бундан амирларнинг норозилиги кучайиб кетди. Мирзо Улуғбекнинг мураккаб аҳволда қолганидан фойдаланган Дашти Қипчоқ хони Абулхайрхон Мовароуннаҳрга қарши талончилик юришларини амалга оширди. Шунингдек, Мирзо Улуғбек туркманларнинг Ёрали бошчилигидаги исёнини, темурий шаҳзодалардан Абусаиднинг Самарқанд атрофидаги хатти-ҳаракатларини ҳам бос-

тиришига тўғри келади. Давлат яхлитлиги, темурийлар бирлигини сақлаш мақсадида Улуғбек Абдулазизни ўзи билан бирга олиб, маккор ўғли Абдуллатифга қарши курашга отланади. Абдуллатиф эса отасининг оғир аҳволидан фойдаланиб, тезда очиқ исён йўлига ўтди. У Амударёдан кечиб ўтиб, Термиз, Кеш, Ҳисорни қийинчиликсиз эгаллайди.

1449 йилнинг октябрь ойи бошида Самарқанд яқинидаги Дамашқ қишлоғида Мирзо Улуғбек ва шаҳзода Абдуллатиф ўрталаридаги жанг Мирзо Улуғбек мағлубияти билан тугайди. Мағлуб бўлган Мирзо Улуғбек пойтахт Самарқанд томон йўл олди. Лекин хиёнат йўлига ўтган, Самарқандда ҳоким этиб қолдирилган Мироншоҳ қавчин уни шаҳарга киритмай, дарвозаларни беркитиб қўйишга буйруқ берди. Шунингдек, Шоҳруҳия қалъаси қутволи Иброҳим мамлук ҳам уни қалъага қўймайди. Шундан сўнг Улуғбек кейинги хатти-ҳаракатлари фойдасиз эканлигини англаб, Абдуллатифга таслим бўлишга мажбур бўлди. Мирзо Улуғбек тожу тахтдан воз кечиб, Маккага ҳаж сафарига кетишга изн сўрайди. Абдуллатиф ҳажга рухсат бериб, Амир Муҳаммад Хусравни унга ҳамроҳ қилиб жўнатади. Лекин орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан, шаҳар қозиси Шамсиддин Муҳаммад Мискиннинг қаршилигига қарамай, уламоларнинг яширин фатвоси билан Абдуллатиф ўз отасининг ўлимини уюштиради. Ўз даврининг машҳур ҳукмдори ва забардаст олими Мирзо Улуғбек 1449 йилнинг 27 октябрида Самарқанд яқинида фожиали тарзда ўлдирилади. Орадан 2–3 кун ўтмасдан Абдулазиз ва Улуғбекнинг садоқатли тўрт нафар амири ҳам қатл этилади.

Роппа-роса қирқ йил (1409–1449) давом этган, манбалар тили билан айтганда «темурийлар салтанатининг ёрқин гавҳари» Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги шу тариқа ўз поёнига етади. Бу давр кескин, мураккаб курашлар остида ўтса-да, бироқ Мирзо Улуғбек ўз давлатини мустаҳкамлаш, бирликни сақлаш, иқтисодий барқарорликни юзага келтириш, маданий ҳаётни юксалтириш борасидаги хизматлари темурийлар тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ғарбда Мирзо Улуғбек илмий мероси XVII асрдан бошлаб ўрганила бошланди. 1643 йили Оксфорд университети профессори Жон Гривс (Иоганн Гравиус) ўз тадқиқот ишини Улуғбек «Зиж»ига бағишлаган. Бу илк нашрдан сўнг Оксфорд университетида, Европанинг бошқа илм-фан марказларида қатор илмий ишлар нашр этилди. 1693 йили машҳур

поляк астрономи Ян Гевелийнинг лотин тилидаги «Астрономия даракчиси» китоби чоп этилди. Унда Улуғбек фаолиятига юқори баҳо берилган ҳолда иккита гравюра киритилган. Астрономия илоҳийси Урания ҳайкалининг икки тарафида энг машҳур астрономлар қаторида Мирзо Улуғбек ҳам тасвирланган.

Улуғбекнинг «Зиж»и 1725 йили Гринвич обсерваториясининг биринчи директори Д.Флейстиднинг «Осмон тарихи» китобида энг машҳур жадваллар қаторида ўз аксини топган. Инглиз шарқшуноси А.Седийо (1808–1875) 1839–1853 йилларда «Зиж»ни форс ва француз тилларида нашр қилди. XX аср бошларида Мирзо Улуғбек илмий мероси хусусида АҚШ ва Европада қатор асарлар нашр этилди. С.Петербург обсерваториясининг асосчиси, асли Франциядан таклиф этилган астроном Ж.Н.Делиль (1688–1768) Россияда Улуғбек илмий меросини ўрганишни бошлаб берди. Бу ишни кейинчалик рус шарқшунослари Н.Берёзин, В.В.Бартольд ва бошқалар давом эттирдилар. 1908–1909 йиллари Самарқанддаги Улуғбек расадхонаси харобаларининг очилиши унга бўлган қизиқишни янада кучайтирди.

XX аср тарихшунослик фани Мирзо Улуғбекни нафақат буюк олим, балки умумбашарий тараққиёт ғояларини кўтариб чиққан мусулмон оламидаги ягона ҳукмдор сифатида эътироф қилди. Немис олими Н.Меллер (1749–1874) ташаббуси билан Ойдаги кратерлардан бирига Улуғбек номи берилган.

Мустақиллик йилларида Мирзо Улуғбек илмий меросини ўрганиш, буюк олим, маданият ҳомийсига эҳтиром кўрсатиш давлат сиёсати мақомига кўтарилди. 1994 йили ЮНЕСКОнинг қарори билан Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллик юбилей йили деб эълон қилинди. Республикадаги қатор муассаса, ташкилот, майдон, кўчаларга Мирзо Улуғбек номи берилди. Хусусан, Тошкентдаги туманлардан бири, ФА Астрономия институти, ФА Ядро физикаси институти жойлашган посёлка, Ўзбекистон Миллий университети ва бошқалар шулар жумласидандир. Тошкентда ва Самарқандда Мирзо Улуғбек номи билан боғлиқ ёдгорликлар қайта таъмирланди, Улуғбек музейи буткул янги қиёфага кирди. Буюк аждодимизга ўз юртида кўрсатилган эҳтиром авлодларининг улкан эътиборидан дарак бериши 2009 йили Самарқандда ушбу зотга бағишлаб ўтказилган халқаро илмий анжуманда ҳам алоҳида қайд этилди.

Республикамиз Президенти И.Каримов Темурийлар салтанатининг ушбу ёрқин вакили ҳақида сўз юритар экан, унинг ҳукмронлиги хусусида қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эди: «Тақдир бу улуғ зотнинг зиммасига беҳад улкан ва машаққатли вазифалар юклади. Буюк саркарда Амир Темур бунёд этган салтанатнинг вориси бўлишдек ўта масъулиятли вазифа айнан унга насиб этди. Мирзо Улуғбек қарийб қирқ йил мобайнида Мовароуннаҳр диёрининг донишманд ҳукмдори сифатида халқнинг азалий орзуси – тинчлик, тотувлик, илм-фан ва маданиятни тараққий топтириш йўлида улкан шижоат ва матонат кўрсатди».

4. XV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросон. Темурийлар салтанатининг инқирозга юз тутиши

Ўзаро тожу тахт учун кураш Абдуллатифни разиллик ботқоғига ботириб, уни ўз отасининг қотилига айлантирди. Гарчи у тахт эгаси бўлса-да, халқ уни «падаркуш» (отасининг қотили) сифатида лаънатлар, Мирзо Улуғбек тарафдорлари унга душманлик кўзи билан қарар эди. Бундай бир пайтда Абдуллатиф хурофотчи дин аҳллари, дарвешлар гуруҳи билан ҳам яқинлашишга ҳаракат қилди. Бироқ қотил падаркуш тахтда узоқ ўтира олгани йўқ. 1450 йилнинг 8 майида, шаҳар хандағи ёнида, Боғинавдан нарироқда унга қарши суиқасд қилиниб, ўлдирилади. Бу хусусда сўз юритган тарихчи Мирхонд фитначилар тап тортмасдан ҳаракат қилиб, «унинг кесилган бошини Регистондаги Улуғбек ўзи қурдирган мадраса пештоқига намойишкорона тарзда илиб қўядилар», деб таърифлаган эди. Бу қотилликдан сўнг, тезда Самарқанд тахтига темурийлардан бири Мирзо Улуғбекнинг жияни ҳамда куёви Мирзо Абдулло (1450–1451) ўтиради. Бухорода эса ҳокимият Мироншоҳнинг невараси Султон Абу Саид қўлига ўтади. Мирзо Абдулло ўзининг бир йиллик ҳукмронлик даврида мамлакатда барқарорликни тиклашга, Мирзо Улуғбекнинг маданий соҳадаги ишларини давом эттиришга, марказий ҳокимиятни кучайтиришга ҳаракат қилди. У тахт учун даъвогарлар Алоуддавла ва Абу Саидлар билан кураш олиб бориб, Самарқандга қарши юриш қилган Абу Саид қўшинини тор-мор келтиради. Абу Саид Сирдарё ортига қочиб, Дашти Қипчоқ ўзбеклари хони Абулхайрхондан (1428–1468) тахтни эгаллаш учун ёрдам сўраб мурожаат қилади. 1451 йилнинг ёзида Самар-

қанд яқинидаги Шероз қишлоғидаги қаттиқ жангда Мирзо Абдулло ўлдирилиб, тахт Султон Абу Саид Мирзо (1451–1469) қўлига ўтади. Темурийлар давлатининг Хуросон ерлари Шоҳруҳнинг бошқа бир невараси, Бойсунқурнинг ўғли Абулқосим Бобур қўлида сақланиб қолиб, у то вафоти (1457) га қадар Ҳирот тахтини бошқариб туради.

Бу вақтга келиб ўзаро сиёсий тарқоқлик янада авж олади. Биргина Хуросоннинг ўзи ўндан ортиқ қисмга бўлиниб кетади. Жумладан, Хуросоннинг Сабзавор ва Астробод оралиғидаги ерлари Мирзо Жаҳоншоҳга, Балх Абусаидга, Ҳирот Мирзо Султон Иброҳимга, Мирзо Шомаҳмудга Тус, Алоуддавлага Обивард қалъаси тегишли эди ва ҳоказо. Ўзаро тахт учун муттасил курашлар мамлакат иқтисодий ва маданий ҳаётига катта зарар етказиб, инқирозий ҳолатларга сабаб бўла бошлади. Абулқосим Бобур Хуросонни ўз қўли остида бирлаштириш, Шоҳруҳ давлатидаги маданий ҳаётни тиклаш учун саъй-ҳаракат қилади. Шу билан бирга, Абулқосим Бобур Темурийлар салтанатини бирлаштиришга, ўзаро фитна, ўзбошимчаликларга чек қўйишга интилади. Лекин 1454 йили унинг Самарқандга юриши муваффақиятсиз тугаб, 40 кунлик шаҳар қамалидан кейин у яна орқага қайтишга мажбур бўлган эди.

1457 йили Абулқосим Бобур Машҳадда вафот этгандан сўнг, Ҳирот тахти, Хуросон ерлари учун кураш яна авж олди. Бундай вазиятдан усталик билан фойдаланган Мовароуннаҳр ҳукмдори Султон Абу Саид Мирзо 1457 йили Хуросонга юриш қилиб Ҳиротни эгаллайди. Шу тариқа Абу Саид темурийлар давлатининг иккала қисмини бирлаштиришга муваффақ бўлади. Султон Абу Саид Мирзонинг (1451–1469) ҳукмронлик даврида давлат ҳудудлари кенгайиб, унинг чегаралари Шарқий Туркистондан то Ироққача, Сирдарёдан то Ҳиндистон чегараларигача бўлган ерларни ўз ичига олди. Ўз ҳукмронлиги даврида Абу Саид доимий равишда ҳокимиятини мустаҳкамлашга, исёнкор амалдор-ноибларни жазолашга асосий эътиборини қаратди. Шунингдек, у бирмунча иқтисодий ва маданий тадбирлар ўтказишга ҳам уринди. Лекин унинг бу соҳадаги ишлари ўзининг яхши натижасини бера олмади, маърифат ва маданият Мирзо Улуғбек давридек юқори даражага чиқа олмади. Шунингдек, Абу Саид Хуросон, Эрон, Хоразмдаги сиёсий тарқоқликни ҳам буткул тугата олмади. Ҳирот тахтига даъвогарлардан бири Умаршайхнинг эвараси, ёш темурий шаҳзода Султон Ҳусайн (1438–1506) Абулқо-

сим Бобур вафотидан (1457 й.) кейин Хуросон мулки учун ўз ҳаракатларини бошлаб юборган эди. У XV асрнинг 60-йилларида катта ҳарбий қўшинга бош бўлиб, 1461–1464 йилларда Ҳирот, Обивард, Нисо, Машҳад ва Хоразмда ҳокимият учун гоҳ муваффақиятли, гоҳо муваффақиятсиз курашлар олиб борди.

1469 йили эрта баҳорда темурийларга аввалдан тегишли бўлган Ғарбий Эрон ерларини қайтариб олиш мақсадида Султон Абу Саид оққўюнлу туркманларига қарши юришни бошлайди. Бироқ оққўюнлулар ҳокими Узун Ҳасан (1453–1478) томонидан Озарбайжоннинг Муғон даштида жанг вақтида ўлдирилади. Абу Саиднинг ўғиллари Султон Ҳусайн билан тожу тахт учун курашишга ботина олмай, Мовароуннаҳрга қайтиб кетадилар. Султон Ҳусайн эса 1469 йил 24 мартда тантанали равишда Ҳиротга кириб келади. Натижада, темурийлар салтанати яна икки қисм: Хуросон ва Мовароуннаҳрга бўлиниб кетади. Мовароуннаҳр эса кетма-кет султон Абу Саиднинг ўғиллари Султон Аҳмад (1469–1494), Султон Маҳмуд (1494–1496), Султон Бойсунғур Мирзо (1496–1497) ҳамда Маҳмуднинг ўғли Султон Али Мирзо (1498–1501) лар томонидан мустақил равишда бошқарилди. Лекин Султон Аҳмаднинг давлат бошқарувидаги калтабин, уқувсиз ва сусткашлиги, Султон Маҳмуд ва Султон Али Мирзоларнинг давлат ишларининг ўз ҳолига ташлаб, айш-ишратга муккаларидан кетганлиги боис, ушбу ҳукмдорлар даврида ўзаро тарқоқлик янада кучаяди. Айрим вилоят ноиблари, амирларнинг таъсири кучайиб, кўпинча улар мустақил фаолият йўлига ўтиб ола бошлайдилар. Халқ оммаси эса ўзаро курашлардан жабр чекишар, савдо-сотиқ ва деҳқончилик ривожи орқага кетган эди. Сиёсий ҳаёт, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда руҳонийларнинг, айниқса, суфийларнинг таъсири янада кучаяда. Хусусан шу даврнинг кўзга кўринган диний арбоби Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (1404–1490) мамлакатда таъсирли шахсга айланиб, ўзаро кураш ва низолар вақтида мамлакат тинчлигини сақлаш йўлида бир неча маротаба бу курашларни тўхтатиб қолишга муваффақ бўлди. Эл-юрт тинчлиги, осойишталиги йўлидаги унинг фаолияти, албатта, эътиборга сазовордир.

Темурийлар давлатининг жанубида аҳвол ўзгача эди. Султон Ҳусайн (Бойқаро) давлати (1469–1506) ўз таркибига Хоразм, Хуросон, Эроннинг бир қисмини олган бўлиб, у темурийлар тарихида охирги йирик давлат арбобларидан бири бўлиб қолди. Унинг деяр-

ли 40 йиллик ҳукмронлик даври ҳам ўзаро курашлардан холи бўлмаса-да, лекин мамлакатда иқтисодий ва маданий ҳаёт юксак даражада сақланиб қолди. Мамлакат ободлиги, фаровонлиги, иқтисодий ҳаётнинг бир меъёрда кечиши, фан ва маданиятнинг юксалишида ўз даврининг тадбирли ва оқил ҳукмдори Султон Ҳусайннинг роли ниҳоятда катта бўлди. Султон Ҳусайн темурийларнинг Хуросон қисмидаги мулкларида тинчлик-осойишталикни сақлаш, фитна ва ўзбошимчаликка чек қўйиш, меъморчилик ва ободончиликка катта эътибор кўрсатиш, илм аҳли ва маданият арбобларига хайрихоҳлик кўрсатиши ва ҳомийлик қилиши темурийлар ҳукмронлиги вақтида ўзига хос ижобий из қолдирди.



Ҳусайн Бойқаро
(1438–1506)

Мовароуннаҳр томонда расман темурийларга қарам, амалда деярли мустақил бўлган Хисравшоҳ (1457–1495) Ҳисор, Бадахшон, Қўҳистонда ҳокимлик қилар, зўравонлиги ва талончилиги билан маълум эди. Тошкентдаги ҳоким Юнусхон (1415–1487) кейинчалик унинг ўғли Маҳмудхон (1487–1509) лар ҳам ўзларини мустақил давлат эгаси деб ҳисоблашар эди. Хоразмдаги Сўфийлар сулоласи вакиллари ҳам шундай сиёсат юргизар эдилар. Муҳаммад Солиҳ, Бобур, ибн Рўзбехон, Хондамир ва бошқа қатор тарихчилар ўз асарларида шу даврда рўй берган ўзбошимчалик ва талончиликларни алоҳида қайд этганлар.

1499 йилдан бошлаб Ўрта Осиёга ўз юришларини бошлаган Муҳаммад Шайбонийхон (1451–1510) темурийлар ичидаги ички низо ва ноиттифоқликдан фойдаланиб, Мовароуннаҳрга нисбатан истилочилик ҳаракатларини бошлади. Темурий шаҳзодалардан, шу вақтдаги ягона мовароуннаҳрлик иқтидорли ва ҳарбий саркардалик маҳоратига эга бўлган, кейинчалик буюк шоир ва давлат арбоби даражасига чиққан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг саъй-ҳаракатлари ҳам ўз натижасини бермади. 1505–1506 йилларга келиб, Шайбонийхон Хоразм ва Мовароуннаҳрни тўлиқ эгаллайди. Шайбонийхонга қарши курашиш учун йўлга чиққан Хуросон ҳукмдори Султон Ҳусайн (1438–1506) 1506 йилнинг баҳорида вафот этади. Султон Ҳусайннинг



Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530)

ворислари ўртасида тож учун кураш авж олиб, натижада ҳокимият иккита шаҳзодага – Бадиуззамон Мирзо билан Музаффар Мирзоларга ўтади. Қулай вазиятдан фойдаланган Шайбонийхон 1507 йили шаҳзодаларни тор-мор этиб, қаттиқ жанглардан сўнг пойтахт Ҳирот ва бутун Хуросонни ўз қўли остига олади.

Шундай қилиб, деярли бир ярим аср давом этган шон-шавкатли Темурийлар салтанати ўз ниҳоясига етади. Темурийларнинг охирги забардаст вакили Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1525 йилги Панипат жангидан сўнг шимолий Ҳиндистонни эгаллашга муваффақ бўлади. Бобурийлар сулоласи Ҳиндистонда деярли уч аср мобайнида ҳукмронлик қилиб, темурийларнинг шон-шуҳратини у ерда тиклашга муваффақ бўладилар.

XX аср охирлари – XXI аср бошларида Бобур илмий мероси ва тарихини янада чуқур ўрганиш борасида иш юритаётган халқаро «Бобур» экспедицияси бу йўналишда кўплаб самарали ишларни амалга оширди.

5. Темурийлар ҳукмронлиги даврида илм-фан ва маданий ҳаёт

Гарчи XV аср бошидан ички низолар, ўзаро курашлар мамлакат ички ҳаётига салбий таъсир ўтказган бўлса-да, лекин темурий ҳукмдорлардан Шоҳруҳ Мирзо (1405–1447), Мирзо Улуғбек (1409–1449), Султон Ҳусайн (Бойқаро) (1469–1506), қисман Султон Абу Саид (1451–1469) даврларида ички осойишталик, маърифат ва маданиятга катта эътибор берилиши туфайли илму фан ва маданият соҳаси юксалиб, Мовароуннаҳр ва Хуросон яна Шарқнинг маърифат ва маданият маркази номини қайтариб олди.

Бу вақтда нафақат пойтахт Ҳирот ва Самарқанд, балки Мовароуннаҳр ва Хуросондаги бошқа шаҳарларда ҳам олиму фузало, шоиру меъморлар, бастакору наққошлар гуруҳлари тўплана бошлайди. Бухоро, Хоразм, Балх, Машҳад, Шероз ҳам ўзига хос маданий марказлар сифатида ривожлана бошлайди. Тарихда маърифатпарвар-

лиги ва оқиллиги билан ном чиқарган Шоҳруҳ (1405–1447) даврида илм-фан, маданият анъаналари қайта жонлана бошлаган эди.


Шоҳруҳ Ҳирот, Балх шаҳарларини қайта тиклади, Чингизхон юриши вақтида вайрон бўлган Марв шаҳри қайта барпо этилди, унга Мурғоб дарёсидан ариқ қаздирилиб, шаҳар сув билан таъминланди. Хуросоннинг барча шаҳарларида ободончилик, қурилиш ишларига катта эътибор берилди, қатор маданий-маънавий характердаги иморатлар қурилди. Шоҳруҳнинг ўғиллари Мирзо Бойсунқур Ҳиротда, Иброҳим Султон Шерозда илм-фан, маърифат юксалишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Шоҳруҳнинг хотини Гавҳаршодбегим Ҳиротда барпо этган меъморий мажмуаси ҳозирда шаҳарнинг энг диққатга сазовор жойи ҳисобланади.

Ҳиротдаги энг гавжум жойлардан бири Шоҳруҳнинг ўғли Бойсунқур ташкил этган «Китобхона» номини олган жой бўлиб қолди. Бу ерда ўз даврининг энг сара китоблари қайта кўчирилар, сотиб олинар ва сотилар эди. Бу пайтда ҳукмдор ва амалдорларнинг ҳомийлиги натижасида тасвирий санъат, амалий санъат, хаттотлик санъати, айниқса, ривожланди. Мирак наққош бошчилигидаги шарқ миниатюра санъати ҳам ўз фаолиятини шу ердан бошлаган эди.

Ҳиротлик ва хуросонлик кўплаб бадавлат зодагонлар, савдогарлар ҳам илм-фан, маданиятга ҳомийлик қила бошлайдилар. Масалан, Шоҳруҳ даврида яшаган таниқли зодагон Ҳожи Арслон тархон ўзининг маърифатпарварлиги билан ном чиқарган эди. Лекин ҳукмдорлар ичида илм-фан, маърифат ва маданиятга етарли ҳомийлик қилган шахс – бу буюк олим Мирзо Улуғбек ҳисобланади.

Юртбошимиз И.Каримов ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида буюк олим ва давлат арбоби хусусида қуйидаги юксак эҳтиромни акс эттирувчи эътирофни қайд этган эди: «Буюк Амир Темурнинг набираси, беназир аллома Мирзо Улуғбекнинг ўрта асрлар шароитида намоён этган илмий жасорати бугунги кун олимларини ҳам ҳайратга солмасдан қўймайди».

Мирзо Улуғбек замондошлари, муаррихларнинг хабар беришларича, шарқ мутафаккирлари, улар орқали юнон мумтоз илмий асарларидан хабардор бўлган. Мирзо Улуғбек замондоши Ғиёсиддин Кошийнинг ёзишига кўра, ўта зукко ва жуда илмли шахс бўлиб, Қуръони каримни ёд билган, араб ва форс тилларини яхши билиб, тафсир ва ҳадис илми бобида билимдон инсон, фиқҳ, мантиқ, адабиёт, му-



Самарқанд. Регистон майдони

сиқа, риёзиёт ва фалакиёт илмларини чуқур билган қомусий олим бўлган. Мирзо Улуғбек ислом оламида илк бора ҳукмдорлик ва олимлик даражасини биргаликда олиб борди. У Мовароуннаҳрни мусулмон оламининг илмий марказига айлантиришга ҳаракат қилди. Хусусан, Самарқанд, Бухоро, Кеш (Шаҳрисабз) илм-фан марказларига айланди. У 1417 йили Бухорода, 1420 йили Самарқандда, 1433 йилларда Ғиждувонда мадрасалар барпо этди. Самарқанднинг ободончилик ишларига бош-қош бўлиб, Гўри Амир, Шоҳизинда меъморий мажмуаларини охирига етказади. Шоҳи Зинда мажмуасида масжид, пештоқ, чортоқ қурилади. Мирзо Улуғбек даврида Регистон майдони шаклланди, унда Улуғбек мадрасасидан ташқари хонақоҳ, карвонсарой, ўймакор ёғочлар билан безатилган Муқатта масжиди бунёд этилди.

Шунингдек, Кўкалдош жоме масжиди ҳам қуриб битказилди. Ушбу меъморий бинолардан фақат Улуғбек мадрасаси асрлар силкинишларига дош бериб, мажмуадан ягона ёдгорлик бўлиб қолди. Шунингдек, Самарқандда барпо этилган Мирзойи ҳаммоми ва карвонсаройи, Чилустун (қирқ устун) ва Чиннихона саройлари ўзларининг меъморий қурилиши композициялари билан ажралиб турган. Хусусан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Чилустун ва Чиннихона саройларининг

кўркам ва жуда муҳташам бўлганлигини таъкидлаб ўтган эди. Мирзо Улуғбек бошқа шаҳарлардаги меъморий обидалар қурилиши масаласига ҳам эътибор билан қараган. Улар орасида Шаҳрисабздаги Кўк гумбаз масжиди ўзининг ҳашаматлилиги билан ажралиб туради. Бу ердаги Гумбази Сайидон ёдгорлиги қайта тикланди.

Ҳадиси шарифдаги «Илм олмакка интилмоқ ҳар бир муслим ва муслима учун ҳам фарз, ҳам қарз» деган ибора Бухоро мадрасаси пештоқига шиор сифатида ўйиб ёздириб қўйилади. Хусусан, Мирзо Улуғбек Самарқандга ўз замонасининг йирик, таниқли олимларини чорлашга ҳаракат қилган.

Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли замонасининг 100 дан ошиқ олимлари Самарқандга йиғилдилар. Улар орасида Тафтазоний, Мавлоно Аҳмад, ўз замонасининг «Афлотун»и деб ном олган Қозизода Румий, Ғиёсиддин Коший, Муҳаммад Ҳафовийлар ва бошқа таниқли зотлар ҳам бор эди. 1420 йил Самарқанд мадрасаси очилганда, унда 100 дан зиёд талаба ўқиган, мадрасада 50 тадан кўпроқ талабалар учун махсус ҳужралар мавжуд бўлган. Зайниддин Восифийнинг ёзишича, 1420 йили Самарқанд мадрасаси очилганида унда 90 тадан ошиқ олим қатнашган. Илк маърузани Мавлоно Ҳафовий ўқиган. Кейинчалик ўз замонининг таниқли кишилари Абдураҳмон Жомий, Хўжа Аҳрор ва бошқалар ҳам Самарқанд мадрасаларида таҳсил олганлар.

Шунингдек, Самарқандда бу даврда бир неча бошқа мадрасалар ҳам бўлиб (Хоним, Ферузшоҳ, Шоҳмалик, Қутбиддин ва бошқалар), у ерларда ҳам салоҳиятли олимлар дарс беришар эди. 1424–1429 йилларда Самарқанд яқинидаги Обираҳмат анҳори бўйида Мирзо Улуғбек расадхона қурдиради. Расадхона ўша даврнинг ноёб иншоотларидан бўлиб, у доира шаклида барпо этилган, иморатнинг айланаси 47 м, баландлиги 31 м.дан иборат 3 қаватли бино бўлган. Бинонинг ичи бир неча хона, айлана зал, махсус текшириш хоналаридан иборат бўлиб, у ерларда махсус асбоб-ускуналар жойлаштирилган.

Расадхона ички коинот, ер курраси тасвирлари билан безалган бўлиб, халқ ичида шунинг учун «Нақши жаҳон» деган ном билан шуҳрат топган эди. Самони кузатиш ва ўрганиш борасида Ғиёсиддин Жамшид ёрдамида астрономик ўлчов асбоби – улкан секстант ўрнатилган. Бу секстант, ўз навбатида, Шарқдаги энг катта астрономик асбоб ўлчови ҳисобланган. Шунингдек, маҳаллий усталар (Исо



Улуғбек расадхонаси

Устурлобий, Абу Маҳмуд Хўжандий, уста Иброҳим) қўли билан кўплаб зарурий астрономик ўлчов асбоблари ҳам ясалди ва ўрнатилди. Расадхона қошида, шунингдек, 15000 жилддан иборат китоб сақланадиган бой кутубхона ҳам бўлган. Унинг атрофида олимлар яшайдиган ер-чорбоғлар: Боғимайдон ва Чиннихона номи билан шуҳрат топди. Улуғбек Самарқандда ўзига хос астрономия мактабини яратди. Расадхонада Улуғбек билан бир қаторда ўз замонасининг машҳур математиги ва астрономлари Қозизода Румий (Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад), Ғиёсиддин Жамшид Коший, Улуғбекнинг шогирди, ўз даврининг «Птолемей»и номи билан шуҳрат қозонган Али Қушчи (Алоуддин ибн Муҳаммад) ва бошқалар елкама-елка туриб, илмий-тадқиқот ишларини олиб бордилар.

Расадхонадаги тадқиқотлар натижасида 1018 та юлдузнинг ўрни ва ҳолати (координатлари) аниқланиб, астрономик жадвали тузилди. Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ ўлкалари бўйлаб жойлашган 683 географик пунктларнинг жойлашуви Самарқанд кенглик координатлари билан белгилаб чиқилди. Математика фани соҳасида Улуғбек мактаби яратган – ўнлик даражали алгебрали тенглама ечилиб, бир даражали ёйнинг синуси аниқланган.

Шу жиҳатдан буюк олимнинг «Зижи жадиди Кўрагоний» (Кўрагонийнинг янги астрономик жадвали) номли асари диққатга сазовордир. Бу асар 1437 йил ёзиб тугатилган бўлса-да, олим умрининг охирига қадар унга янги натижаларни киритиб борган. Бу асар икки қисмдан иборат бўлиб, унда кенг муқаддима ва 1018 та юлдузларнинг ўрни берилган. Бундан ташқари, Улуғбекнинг «Тарихи арбаъ улус» (Тўрт улус тарихи) номли тарихий асари ва мусиқага бағишланган бешта рисоласи ҳам мавжуддир. Улуғбекнинг ўта салоҳиятли олим бўлганлигини унинг замондошлари Ғиёсиддин Жамшид, Абдураззоқ Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандий ва бошқалар ҳам эътироф этганлар. Жумладан, ўзбек адабиётининг асосчиси буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий (1441–1501) бу хусусда:

Темурхон наслидин Султон Улуғбек
Ки олам кўрмади султон анингдек,

деб унга ўз таърифини берган эди.

Мирзо Улуғбекнинг илмий мероси жаҳон илм-фан оламида ҳамиша юқори баҳоланганлигини, ҳозирда ҳам унинг юлдузлар ҳаракатига оид ҳисоб-китоблари компьютер ёрдамида текшириб кўрилганда атиги бир неча дақиқа фарқ қилинганлигини 1996 йил ЮНЕСКОнинг бош котиби Федерико Майор Республикамиз Президенти И.Каримов билан бўлган мулоқотда фахр билан таъкидлаганини Юртбошимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида алоҳида қайд этиб, буюк ватандошимиз меросига юксак баҳо берган эди. Улуғбек расадхонаси ёдгорлиги мустақиллик йилларида қайта таъмирланди, расадхона атрофи ободонлаштирилиб, буюк олим ҳурматига бағишланган монументал композиция барпо этилди.

Бу даврда, шунингдек, Самарқанд Шарқнинг маданий марказига айланганлиги учун машҳур файласуф Али ибн Муҳаммад Журжоний, таниқли табиб Мавлоно Нафис, шоир Хаёлий Бухорий, «Юсуф ва Зулайҳо» достонининг муаллифи Дурбек, қасида жанрининг таниқли намояндаси шоир Саккокий, машҳур хаттот Абдураҳим Хоразмий ва бошқалар Улуғбек ҳомийлиги остида Самарқандда яшаб ижод қилдилар. Шунингдек, Шарқнинг кўплаб таниқли олим ва шоирлари фузалои-уламолари Самарқандга тез-тез келиб турдилар. Улуғбек даврида ўзига хос тарихнавислик мактаби ҳам пайдо бўлди. XV асрдаги таниқли тарихчилар, «Зубдат ат таворих» (Тарихларнинг юқори қисми) асарининг муаллифи Ҳофизи Абрў, «Матла ас-саъдайн ва мажма ал-баҳрайн» (Икки денгизнинг қўшилиши ва икки саодатли юлдузнинг балқиши) асарининг муаллифи Абдураззоқ Самарқандий, «Равзат ас сафо» (Жаннат боғлари) асарининг муаллифи Мирхонд, «Ҳабиб ус сияр» (Дўстга мактуб) ва бошқа қатор асарларнинг муаллифи Хондамир Улуғбек яратган маданий шароитда ўсиб улғайдилар. Улуғбек давридаги маданий марказ кейинчалик «Улуғбек академияси» номини олиб, даставвал машҳур француз ёзувчиси ва олими Вольтер (1694–1778) томонидан эътироф этилган эди. Аждодларимиз тарихида 1004 йилда тузилган Маъмун академиясидан сўнг, Улуғбек академияси Ўрта Осиё тарихида иккинчи академия сифатида юзага келди.

Мирзо Улуғбекнинг вафотидан сўнг маданий марказ Хуросонга, жумладан, унинг пойтахти Ҳиротга кўчди. Ҳирот маданий ва илмий марказининг шаклланишида Хуросон ҳукмдори Султон Ҳусайн (Бойқаро) (1469–1506) ва айниқса, буюк шоир ва мутафаккир, ғазал мулкининг султони Мир Алишер Навоийнинг (1441–1501) роли ниҳоятда беқиёс бўлди. Маърифатли ҳукмдор бўлмиш Султон Ҳусайн (Бойқаро) бутун Хуросонда илм-фан, адабиёт, маданият ҳомийсига айланади. Унинг ўзи «Ҳусайний» тахаллуси остида ғазаллар ёзган. Бизгача унинг шеърий «Девон»и ва насрий «Рисола» асарлари етиб келган. Таъкидлаш жоизки, Султон Ҳусайн (Бойқаро) хайрихоҳлиги ва ҳомийлиги маданий юксалишга катта туртки бўлган.

Юртбошимиз И.А.Каримов Алишер Навоийга шундай баҳо берган:

«Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир».

Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўққи, Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса.

Буюк мутафаккир ва давлат арбоби, ўзбек адабиёти асосчиси Алишер Навоий 1441 йили Ҳиротда таниқли барлос баҳодири Ғиёсиддин хонадонида дунёга келган. У ёшлигиданоқ ниҳоятда заковатли ва зеҳнли бола бўлган. Унинг беш ёшида ёзган ғазалига таниқли ўзбек шоири Лутфий ўз вақтида катта баҳо берган эди. Ёшлигиданоқ у темурий шаҳзода Султон Ҳусайн билан дўст бўлиб, кейинчалик улар Хуросон ҳокими Абулқосим Бобур (1451–1457) хизматида бирга бўлганлар. Ҳусайннинг хизмат даврида Алишер Навоий Машҳад ва Ҳирот мадрасаларида таҳсил кўради. Кейинчалик Мовароуннаҳр ҳокими Султон Абу Саид тазйиқи билан Самарқандга кетишга мажбур бўлиб, у ерда икки йилча туриб, ўз билимини янада такомиллаштиради. 1469 йили Хуросон тахти Султон Ҳусайнга текқандан сўнг, унинг таклифи билан Алишер Навоий Ҳиротга келиб, аввал муҳрдорлик, сўнгра вазирлик лавозимида фаолият кўрсатади. Жумладан, Алишер Навоий ўзининг вазирлик лавозимини эгаллаган вақтида (1472–1476) мамлакатда имкон борича осойишталик ва адолат ўрнатишга ҳаракат қилади. Унинг хатти-ҳаракатлари натижасида


шаҳарлар юксалди, сув чиқарилиб, кўпгина ерлар обод қилинди, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ишлари янада ривожланди. Навоий илм-фан, маърифат ва маданият аҳлига шахсан ўзи ҳомийлик кўрсатди. Гарчи тожу тахт учун курашларда ва фитна-низолар натижасида Навоийнинг Султон Ҳусайн билан оралари бир оз совиган бўлса-да, лекин Навоий умрининг охирига қадар давлатнинг таянч шахсларидан бири бўлиб қолади. Жумладан, у вазирлик лавозимидан кетар экан, султон Навоийга шоҳона тўн кийгизиб, унинг ҳеч бир илтимоси ерда қолмаслигини айтади. Алишер Навоийнинг биргина ўзи 300 тадан зиёд турли қурилиш, ободончилик ишларига бош-қош бўлади. Ҳиротдаги Инжил дарёси бўйида унинг қурилиш ишлари учун махсус ер ҳам ажратиб берилади. У барпо этган Ҳиротдаги «Ихлосия», «Шифоия» мажмуалари, Тус вилоятидаги Туруқбанд сув омбори ва канали, Ҳирот ва Машҳаддаги қатор суғориш иншоотлари, Астроболддаги сарой ва масжид, Марвдаги мадраса шулар жумласидандир. Эл-юрт фаровонлигини ўйлаган Навоий ўз даромадларининг аксарият қисмини хайрия ишларига сарфлайди.



Алишер Навоий
(1441–1501)

Одамий эрсанг демагил одамий,
Ониким йўқ халқ гамидин гами.

деб ўз таърифини берган эди шоир. Шахсан унинг маблағлари ҳисобидан 52 та работ, 19 та ҳовуз, 16 та кўприк, 9 та ҳаммом ва бошқалар қурилди. Шунингдек, Навоий бутун Хуросонда 12 тадан ошиқ аҳамиятли бўлган ва таъмирланишга муҳтож масжид, минора, работ ва бошқаларни таъмир этиб, ўз ҳолига қайтаради. Жумладан, Навоий таъмир этган Ҳиротдаги жоме масжиди ҳозирги кунга қадар Ҳирот шаҳрининг гўзал иншоотларидан бири ҳисобланади. Алишер Навоий ҳомийлиги остида Шарқ миниатюраси мактабининг етук намояндаси «Шарқ Рафаэл»и номини олган Камолиддин Беҳзод, таниқли табиблар Абдулҳай Муний, Дарвиш Али, хаттотлардан – Султон Али Машҳадий, мусиқачилардан – Ҳусайн Уддий, шоир ва та-



Ҳирот шаҳри. Қадимий қалъа харобалари. Ҳозирги давр.

рихчилардан – Соҳиб Доро, Муҳаммад Низомий, Камолиддин Биноий, Давлатшоҳ Самарқандий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Мирхонд, Зайниддин Восифий, Муиниддин Муҳаммад Исфизорий ва бошқалар самарали ижод қилдилар. Алишер Навоий илк бора ўзга шоирлардан фарқли равишда туркий тилда 1483–1485 йилларда бешта достондан иборат «Хамса» асарини ёзди.

Буюк шоирнинг 20 тадан зиёд йирик асарлари мавжуддир. Улар «Хазойинул маоний», «Лисон ут тайр», «Маҳбуб ул қулуб», «Мажолисун нафоис», «Муншаот», «Муҳокаматул луғатайн», «Мезонул авзон» ва бошқалар. Булар тарихий, фалсафий, ахлоқий мезонларни ўз ичига олиб, уларда инсониятга хос бўлган барча ижобий хислатлар улуғланади. Навоий ўз асарларида Ватанга, туғилиб ўсган ерига нисбатан буюк муҳаббатни куйлайди, муҳаббат ва садоқат, ҳалоллик ва поклик, дўстлик ва ҳамкорлик, эзгулик ва адолат каби ўчмас ғояларни тараннум этади. Буюк мутафаккир инсонларни ўзаро меҳр-оқибатли, инсоф-диёнатли, бағрикенг, олижаноб, меҳнатсевар бўлишга чақириб, айнан юқори ахлоқий сифатларга эга бўлган инсонгина мамлакат равнақига бевосита ҳисса қўшиши мумкинлигини, ҳар бир киши ўз ахлоқи ва одоби ила жамият маънавий ҳаётини юксалтира олишини уқтириб ўтади. Илм олишга интилмоқ, хат-саводли бўлиш, ўз ҳалол меҳнати, пок қалби билан умр кечириш ҳақидаги эзгу фикрлар унинг асарларидан жой олган.

Навоийнинг ўзи ҳам баркамол, комил инсондир. Алишер Навоий ўз умри ва ижодини халқ осойишталиги ва фаровонлиги, давлат рав-

нақи ва ободлиги, маданият, фан, адабиёт тараққиётига бағишлайди. Жаҳон аҳли Навоийни нафақат улуғ шоир ва давлат арбоби, балки буюк инсонпарвар шахс, қомусий олим, бетакрор сўз санъаткори, Гомер, Низомий, Шота Руставели, Шекспир, Бальзак, Пушкин, Толстой, Тагор каби адабиёт даҳолари қаторидан жой олганлигини эътироф этади. Москва, Токио, Боку шаҳарларида ушбу мутафаккирга ҳайкаллар ўрнатилганлиги, асарларининг ўнлаб жаҳон халқлари тилларига таржима қилинганлиги юқоридаги фикрнинг тасдиғи бўлиб қолади.

Улуғ шоирнинг ўлмас меросини ўрганиш мустақиллик йилларида ўзининг ҳақиқий даражасига чиқди, адибнинг барча асарлари қайта чоп этилди. Ҳукуматимиз қарорига биноан Навоий номидаги давлат мукофоти таъсис этилди. Ўлкамизда Навоийнинг улуғ номини билмаган зот йўқдир. Халқимизнинг Алишер Навоий буюк номига юксак ҳурмат ва эҳтироми Президентимиз И.Каримовнинг «Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир», деган сўзларида тўлақонли ўз ифодасини топган.

Президентимиз И.Каримов ташаббусига кўра, 1991 йили Алишер Навоийнинг 560 йиллиги жуда катта тантана билан нишонланиб, шоирнинг маҳобатли ҳайкали халқимизнинг улуғ мутафаккирга эҳтироми сифатида пойтахтимиз марказида қад кўтарди.

XV асрнинг забардаст ўзбек шоирлари ичида Лутфий, Дурбек, Саккокий, Гадоий, Атоий ва бошқаларнинг ҳам номлари маълум ва машҳур бўлган. Жумладан, Навоийдан аввал туркигўй шоир Лутфий (1366–1465) яшаб, ижод этган. Унинг ўз вақтида 20 дан зиёд ажойиб асарлари мавжуд бўлиб, бизгача фақат машҳур «Гул ва Наврўз» ва ғазаллар девони этиб келган холос.

Бу даврларда, шунингдек, Шарафиддин Али Яздийнинг (1454 йили вафот этган) Темур тарихига бағишланган, Низомиддин Шомийдан сўнг ёзилган бир хил номдаги «Зафарнома» асари яратилди. Форстожик адабиёти ривожида, айниқса, машҳур шоир ва олим, Навоийнинг замондоши ҳамда дўсти Абдураҳмон Жомийнинг (1414–1492) хизмати буюк бўлди. Жомий ва Навоийнинг дўстлиги эса тарихда ўзбек-тожик халқи иттифоқлигининг буюк рамзи бўлиб қолди.

Таянч сўзлар

Амир, даргоҳ, девон, вазир, улус, доруға, қутвол, арзбеги, тавочи, Чиғатой улуси, хон, Хуросон, Мовароуннаҳр, салтанат, тузуклар, туман, черик, жавонғор, баронғор, султон, сарбадор, раият, сипоҳ, Мўғулистон.

Савол ва топшириқлар

1. Чиғатой улусида XIV асрнинг биринчи ярмида кечган жараёнлар ҳамда унинг инқирози сабабларини қайд этинг.
2. Мовароуннаҳрда кучли ва марказлашган давлат барпо этишда Амир Темурнинг тарихий хизматларини кўрсатиб беринг.
3. Амир Темур ҳарбий санъати хусусида нималарни биласиз?
4. «Темур тузуклари» тарихи ҳақида гапириб беринг.
5. «Куч – адолатда» шиорини изоҳланг.
6. Республикамиз Президенти И.Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида Амир Темурга қандай баҳо берилган эди?
7. Амир Темур салтанати тўғрисидаги қайси тарихий манбаларни биласиз?
8. «Темур тузуклари» – тарихий манба деганда нимани тушунасиз?
9. Клавихо кундалигида Амир Темур давлати қандай тавсифланган?
10. Амир Темур давлати халқаро алоқаларини гапириб беринг.
11. Истиқлол йилларида Амир Темурга кўрсатилган ҳурмат ва эътибор нималарда ўз ифодасини топган?

10-мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. Амир Темур ҳақида сўз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И. Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир. Асарлар, 5- жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
4. Абдураимов М. Темур ва Тўхтамиш. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2000.
5. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000.
6. Аҳмедов А. Улуғбек. – Тошкент: 1994.
7. Аҳмедов Б. Соҳибқирон Темур. – Тошкент: 1996.
8. Шарофиддин Али Яздий. Зафарнома. – Тошкент: Шарқ, 1997.
9. O'zbekiston tarixi. Prof. R.H Murtazayevaning umumiy tahriri ostida. – Toshkent: 2005.

10. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Икки жилдлик. Араб тилидан таржима, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи Убайдулла Уватов. – Тошкент: Меҳнат, 1992.

11. Абдураҳмонов А. Улуғбек академияси. – Тошкент: 1993.

12. Муҳаммаджонов А. Амир Темур ва Темурийлар даври. – Тошкент: Фан, 1996.

13. Саидаҳмедов И. Давлат ва ҳуқуқ тарихи. – Тошкент: Фан, 2006.

14. Сагдуллаев А. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент: Академия, 2000.

15. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012.

16. М. Иванов. Икки буюк саркарда. Чингизхон ва Амир Темур. – Тошкент: Хазина, 1994.

17. Амир Темур жаҳон тарихида. – Тошкент: Шарқ, 1996.

18. Темур тузуклари. – Тошкент: Маънавият, 2011.

19. Амир Темур ўгитлари. – Тошкент: Наврўз, 1992.

20. Q.Usmonov, M.Sodiqov, S.Burxonova. O'zbekiston tarixi. Darslik. – Toshkent: «Iqtisod-moliya», 2006.

21. Абдураззоқ Самарқандий. Матла ас-саъдайн ва мажма ал-баҳрайн. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008.

22. Ўлжаева Ш. Амир Темур ва темурийлар даврида миллий давлатчиликнинғ ривожланиши. – Тошкент: Фан, 2005.

11-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДЛАРИНИНГ ХОНЛИКЛАРГА БЎЛИНИБ КЕТИШИ, УНИНГ САБАБЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

Режа:

1. Шайбонийлар давлати. Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт.
2. Аштархонийлар сулоласи даврида Ўрта Осиё.
3. Бухоро амирлиги. Манғитлар сулоласи.
4. Қўқон хонлиги. Минглар сулоласи.
5. Хива хонлиги. Иноқлар ва қўнғиротлар.
6. Сўнгги ўрта асрларда қорақалпоқлар (сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт).

1. Шайбонийлар давлати. Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт

Ўрта Осиё халқларининг XVI асрнинг боши – XIX асрнинг биринчи ярми тарихига оид кўпдан-кўп ёзма манбалар ҳозирги даврга кунларимизга қадар сақланиб қолган. Улар аввало, маҳаллий тарихнавислик мактаблари вакилларининг асарлари, қолаверса, Ўрта Осиёга ташриф буюрган элчилар, сайёҳлар, зобитларнинг маълумотларидан иборат. Ушбу манбалар юқоридаги давр тарихи, ижтимоий-иқтисодий ва хўжалик-маданий ҳаёт ҳамда сиёсий жараёнлар ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Улар орасида қуйидагиларни алоҳида санаб ўтиш мақсадга мувофиқдир: Бобурнинг «Бобурнома», Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома», Мулла Шодининг «Фатҳнома», Фазлуллоҳ Рўзбеҳоннинг «Меҳмонномаи Бухоро», Зайниддин Восифийнинг «Бадойе ул-вақоe», Ҳофиз Таниш Бухоронийнинг «Абдулланома», Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Тарихи Муқимхоний», Хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ал-мулук», Мирза Бади девоннинг «Мажма ал-аркам», Мир Муҳаммад Салимнинг «Силсилат ас-салотин», Абдураҳмон Давлатнинг «Тарихи Абулфайзхоний», Мулла Вафо Кармагий ва Олимбекнинг «Туҳфат ал-хоний», Абулғозийнинг «Шажараи турк», Ниёзмуҳаммад Хўқандийнинг «Тарихи Шоҳруҳий», Муҳаммад Ҳакимхоннинг «Мунтахиб ат-таворих», Огаҳийнинг «Фирдавс ул-иқбол», Аҳмад Донишнинг «Манғит амирлари тарихи» каби асарлардир.

XVI–XIX асрнинг биринчи ярми тарихига оид манбалар маълумотларини илмий муомалага киритишда кўплаб шарқшунос, тарихчи ва ҳуқуқшунос олимлар тадқиқот ишларини олиб бордилар. Бу йўналишда В.Абдуллаев, А.Арендс, Б.Аҳмедов, С.Азимжонова, М.Абдураимов, Я.Ғуломов, У.Каримов, А.Кононов, Н.Малицкий, Р.Муқминова, А.Муҳаммаджонов, Р.Набиев, Т.Неъматов, Н.Норқулов, А.Ўринбоев, А.Зиё, Ҳ.Бобобеков, Ш.Воҳидов, Р.Холиқова, М.Йўлдошев, Ҳ.Бобоев, А.Саидов, З.Муқимов, И.Саидаҳмедовларнинг тадқиқотлари диққатга сазовордир.

Сиёсий тарих. Маълумки, XIV аср бошларига келиб, 1236 йилда Ботухон томонидан асос солинган Олтин Ўрда давлати икки қисмга бўлиниб кетади ва унинг шарқий қисмида Оқ Ўрда давлати ташкил топади. Айрим тарихий манбаларда бу ҳудудлар «Ўзбеклар мамлакати» деб ҳам юритилади. XV асрнинг ўрталарига келиб Шарқий Дашти Қипчоқ ҳудудларида Жўжихоннинг бешинчи ўғли Шайбон уруғидан бўлган Абулхайрхон кўчманчи ўзбеклар давлатига асос солди. Мовароуннаҳрдаги ўзаро курашлардан фойдаланган Абулхайрхон Сирдарёнинг ўрта оқимидаги бир қанча шаҳарларни, Хоразмнинг бир қисмини босиб олишга эришди.

Манбаларнинг (Мулла Шоди, «Фатҳнома») маълумот беришича, 864 ҳижрий (1459–1460 йй.) йилда Абулхайрхоннинг катта ўғли Шоҳбудоғ вафот этади. Ундан қолган саккиз ёшли Муҳаммад ва беш ёшли Маҳмуд уйғур Бойшайх кўкалдош тарбиясига берилади. Шоҳбудоғнинг катта ўғли Муҳаммад Шоҳбахт кейинчалик Шайбонийлар давлатига асос солади. Манбаларнинг маълумот беришича, Муҳаммад Шоҳбахт Шайбонийхон истеъдодли шоир ва саркарда, замонасининг ўқимишли ва билимдон кишиларидан бўлган.

XV асрнинг сўнгги чорагига келиб темурий шаҳзодалар ўртасидаги тож-тахт учун ўзаро курашлар авж олган эди. Кўпгина мулклар ва вилоятлар, хусусан, Фарғона, Ҳисор, Самарқанд билан Бухоро, Тошкент, Хоразм ўзларини мустақил ҳисоблаб, кўп ҳолларда бир-бирлари билан кураш олиб борар эдилар. Шунинг учун ҳам Мовароуннаҳрдаги темурийлар салтанати амалда мустақил бошқариладиган кичик-кичик вилоятларга бўлиниб кетган эди. Шайбонийхон эса темурийлар ҳукмронлигига барҳам бериш учун бундай вазиятдан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилди.

Темурийлар ўртасидаги сулолавий урушлар, кейинроқ эса Шайбонийхон қўшинларини қўллаб-қувватлашда Тошкент зодагонлари катта роль ўйнадилар. 1485 йилда Тошкент ҳокимиятини машҳур диний арбоб Хўжа Аҳрор ёрдамида Юнусхон эгаллаган бўлса, унинг вафотидан сўнг ўғли Маҳмудхон (1487–1503йй.) Тошкент тахтини эгаллайди.

Маҳмудхон темурийларга қарши курашда Шайбонийхон иттифоқини умид қилган бўлса-да, у ўз ниятига ета олмади. 1494 йилда Самарқанд ҳукмдори Султон Али Мирзо вафот этгач, темурийлар ўртасидаги низолар янада кучайиб кетди. Бундан фойдаланган Шайбонийхон 1497 ва 1499 йилларда Самарқандга ҳужум уюштириб, уни икки марта қамал қилди.

1500 йилда Андижон ҳокими Бобур Мирзо Самарқандга юриш қилди. Аммо Шайбонийхон ундан олдинроқ ҳаракат қилиб, Самарқандни эгаллади. Бобурнинг Самарқандни эгаллаш борасидаги ҳаракатлари зое кетди. Бунга қадар Шайбонийхон Бухорони ҳам қўлга киритган эди. Шундан сўнг Шайбонийхон 1503 йил баҳорида асосий қўшинлари билан Тошкент ҳокими Маҳмудхон ва Фарғона ҳокими Аҳмадхонларга қарши юриш қилиб, Тошкент вилоятидаги Шоҳруҳия ва бошқа кўпгина қалъаларни босиб олишга эришади. Фарғонадаги Архиан қалъаси ёнида бўлган шафқатсиз жангда Маҳмудхон ҳалок бўлади ва Тошкентда қолдирилган унинг ўғли Муҳаммад Султон Шайбонийхон қўшинлари яқинлашиши билан Тошкентдан қочиб кетади.

Тошкентга мустаҳкам ўрнашиб олган Шайбонийхон қўшинларининг катта қисми унинг укаси Маҳмуд Султон бошчилигида Хоразмга юриш бошладилар. Кат ва Булдумсоз қалъаларини эгаллаган Маҳмуд Султон бу ҳудудлардаги бир қисм аҳолини мажбуран Бухорога кўчиришга буйруқ беради. 1505 йилда ўн ойлик қамалдан сўнг шайбонийлар Урганч шаҳрини эгаллайдилар.

Шайбонийхоннинг ўзи катта қўшин билан 1504 йилда Ҳисор вилоятига юриш қилди. Бу пайтдаги Ҳисор вилоятининг ҳокими Хусравшоҳ анча катта ҳарбий кучга эга бўлса-да, Шайбонийхонга жиддий қаршилик кўрсата олмади. Бунинг натижасида Ҳисор вилояти барча тоғли туманлари билан бирга Шайбонийхон ихтиёрига ўтди ва Қундуз, Толқон, Бадахшон ҳамда Балх ишғол этилди.

Шайбонийхоннинг марказлашган давлат тузиш йўлидаги рақибларидан бири Дашти Қипчоқдаги қозоқ султонлари эди. XVI асрнинг

бошларида қозоқ султонлари Шайбонийхоннинг жанубга қилган ҳарбий юришларидан фойдаланиб, Мовароуннаҳрга бир неча марта босқинчилик урушлари уюштирадилар, Бухоро ва Самарқандни талон-тарож қилиб, аҳолини асир қилиб олиб кетадилар. 1509 йилда Шайбонийхон қозоқ султонлари Жониш Султон, Бурундуқхон ва Қосим Султонларга қаттиқ зарба бериб, бунинг натижасида Сиғноқ, Ясси, Саврон шаҳарларини қўлга киритади ҳамда Туркистондаги Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасини таъмирлашга буйруқ беради.

Шайбонийхон 1509 йилнинг ёзида Марвни эгаллашга муваффақ бўлди. Унинг бу даврга қадар бўлган юришлари натижасида Дашти Қипчоқ, Хоразм, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг катта қисми Шайбонийлар қўл остида бирлаштирилди. Марв шаҳрини эгаллаган Шайбонийхон Эроннинг кичик вилоятларига юриш қилади ҳамда Машҳад ва Тус шаҳарларини эгаллаб, улардаги муқаддас жойларни зиёрат қилиб, баъзи меъморий иншоотларни таъмирлашга буйруқ беради. Машҳад ва Тус шаҳарларини эгаллаган Шайбонийхон Эрондаги Шоҳ Исмоил асос солган Сафавийлар давлатига хавф солади.

1510 йилда Эрондан орқага қайтган Шайбонийхон унинг изидан катта куч билан етиб келган Эрон шоҳи Исмоил Сафавий қўшинлари билан жангга киришди. Марв яқинида бўлиб ўтган бу жангда Шайбонийхоннинг кам сонли қўшинлари[19] мағлубиятга учради ҳамда замондошлари томонидан «Халифа ур-Раҳмон ва Имом аз-Замон» деб улуғланган Муҳаммад Шоҳбахт Шайбонийхон бу жангда ҳалок бўлди.

Марв яқинидаги ғалабадан сўнг Шоҳ Исмоил Шайбонийларга қарши курашда темурий шаҳзода Заҳириддин Бобур билан иттифоқчиликни таклиф этди. Ундан ташқари, Шайбонийхон ўлимидан кейинроқ ўзбек султонлари орасида бошланган келишмовчиликлар давлатнинг заифлашувига олиб келди ҳамда шайбонийлар кейинги жангларда мағлубиятга учрай бошладилар. Натижада, Ҳуросон ва Хоразм қўлдан бой берилди. Бобур 1511 йилда Шоҳ Исмоил қўшинла-

---

[19] Ибн Рузбехоннинг маълумотларига кўра, Шайбонийхон 1509 йилда қўшинларининг асосий қисмини орқага қайтариб юборган. Бу билан у Мовароуннаҳрдаги сиёсий барқарорликни сақлаш ҳамда қозоқ султонларининг янги босқинларини олдини олишни кўзлаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

ри ёрдамида шайбонийлар қўл остидаги Ҳисор, Кўлоб, Қундуз, Бадахшон ва Қарши ерларини эгаллаб, Самарқандни ҳам учинчи марта қўлга киритди. Мовароуннаҳрни бутунлай қўлга киритиш ниятида бўлган Бобурга Сафавийларнинг тажрибали саркардаси Нажмиддин Сонин бошчилигидаги 12 минг қўшин келиб қўшилди.

Бобурнинг иттифоқчилари – шиа мазҳабидаги эроний қизилбошлиларнинг[20] талон-тарожлари (айниқса, Самарқанд ва Қарши шаҳарларида) туфайли маҳаллий аҳоли Бобурни қўллаб-қувватламади. Бобур ва эронийларнинг бирлашган қўшинлари билан Шайбонийлар ўртасидаги ҳал қилувчи жанг 1512 йилнинг ноябрида Ғиждувон яқинида бўлиб ўтади. Мазкур жангда Шайбонийхоннинг жияни, Султон Маҳмуднинг ўғли Убайдулла Султон томонидан иттифоқчилар қўшини тор-мор этилди. Бу мағлубиятдан сўнг Бобур Мовароуннаҳрдан бутунлай чиқиб кетди ва Қобул ҳамда унинг атрофларида ўз ҳукмронлигини тўла мустаҳкамлади. 1526 йилнинг бошида Бобур Ҳиндистонга юриш бошлади ва у ердаги Иброҳим Лўдийнинг қўшинларини тўла тор-мор келтириб, янги салтанат – Бобурийлар салтанатига асос солди. Бу салтанат Ҳиндистонда 332 йил (1526 –1858 йй.) ҳукмронлик қилди.

Муҳаммад Шайбонийхоннинг вафотидан сўнг давлатдаги марказий ҳокимият анчагина заифлашди. Беклар (амирлар) ва султонларнинг кўпчилиги Шайбонийхондан кейинги бир нечта хонларга номигагина бўйсундилар. Шайбонийхон вафотидан сўнг унинг жияни Султон Маҳмуднинг ўғли Кучкунчихон (1510 –1530 йй.) тахтга ўтирди. Айнан Кучкунчихон даврида султонларнинг мустақиллиги кучая бориб, улар орасида Бухоро мулки ҳукмдори Убайдулла Султоннинг обрўйи анча баланд эди. Кучкунчихондан кейинги ҳукмдор Абу Саъид (1530 –1533 йй.) нинг қисқа ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда марказий ҳокимият заифлашиб, амирлар ва султонлар ўртасидаги низолар янада кучайди. Бу пайтда Хоразм мустақил давлат бўлиб ажралиб чиқди ва Туркистон ерлари парчалана бошлади.

---

[20] Сафавийларнинг асосий таянч кучи бўлган турк кўчманчилари XV асрнинг 2-ярмида «қизилбошлилар» деб аталган. Бу ҳарбий кўчманчилар шиа имомлари шарафига бошларига 12 қизил чизиқли салла ўраб юрганлар.

Ўзаро урушларга бирмунча барҳам беришга эришган Убайдулла Султон 1512 йилда Бухоро ҳукмдори бўлган бўлса, 1533 йилдан бутун марказлашган ўзбек давлатининг олий ҳукмдори этиб сайланади. Убайдуллахон пайтахтни Самарқанддан Бухорога кўчиради. Ўша пайтда Самарқанд ҳукмдори бўлган Кучкунчихоннинг ўғли Абдулла Султон ҳам Убайдуллахон ҳокимиятини тан олишга мажбур бўлди.

XVI асрнинг 40-йилларига келиб йирик зодагонлар ва сулолалар ўртасида Мовароуннаҳрнинг пойтахт шаҳарлари ва мулклари учун ўзаро курашлар яна авж олди. Ҳукмдор хонадони вакиллари ўртасида, айниқса, Бухоро ва Самарқанд учун кураш кучайди. Бу даврда Самарқандда Кучкунчихоннинг учинчи ўғли Абдуллатифхон (1541–1552 йй.), Бухорода эса Убайдуллахоннинг ўғли Абдулазизхон (1540–1550 йй.) ҳукмронлик қилиб, ҳар иккаласи ҳам ўзини расмий хон деб ҳисоблар эди.

Ўзаро ҳамда сулолавий курашлар давом этаётган бир шароитда Шайбонийхоннинг набираси Муҳаммад Ёрсултон бир неча ой тахтни бошқарганидан сўнг амалдаги ҳокимият Бароқхон (Наврўз Аҳмадхон, 1551–1556 йй.) қўлига ўтди. Тошкент ва Сирдарё бўйидаги шаҳарлар ҳукмдори бўлган Наврўз Аҳмадхон Бухорода ўз ҳокимиятини тан олдириш учун Самарқанд ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларига бир неча марта юришлар қилиб турди.

1556 йилда Наврўз Аҳмадхон вафот этгач, Балх ҳукмдори Пирмуҳаммадхон (1556–1561 йй.) Бухоро тахтига ўтиради. Шунга қарамасдан, 1556 йилда Ахси ва Андижон мулки ҳукмдорлари Бухорони эгаллашга ҳаракат қилиб кўрдилар. Аммо ўша пайтда жуда катта нуфузга эга бўлган жўйбор шайхи Хўжа Ислом томонидан қўллаб-қувватланган шайбоний Искандар Султоннинг ўғли Абдулла Султон бунга йўл қўймади. Пирмуҳаммадхон Балхда қолиб, тахтни бошқараётган, унинг номига хутба ўқитилиб, тангалар зарб этилаётган бўлса-да, 1557 йилдан Бухорода Абдулла Султон ҳукмронлик қила бошлайди.

Мустақил мулклар ва йирик зодагонларнинг ўзаро урушларидан уларнинг ўзларига қарши фойдаланган Абдуллахон II аста-секинлик балан Мовароуннаҳр ва Хуросон ерларини ўз ҳокимияти остига бирлаштира бошлади. Унинг бу ҳаракатларини жўйбор шайхлари Хўжа Ислом ҳамда унинг ўғли Хўжа Саъдлар фаол қўллаб-қувватлаб турдилар. 1561 йилда Абдуллахон II Пирмуҳаммад билан алоқа-

ларни узди ва отаси Искандар Султонни (1561–1583 йй.) хон деб эълон қилди. Искандар Султон номигагина хон бўлиб, мамлакатнинг бошқарув ишларига деярли аралашмас, ҳокимият амалда Абдуллахон II қўлида эди. 1583 йилда Искандар Султон вафот этгач, Абдуллахон II расмий хон деб эълон қилинди.

Шайбоний ҳукмдорлари орасида Абдуллахон II ўзининг қатъиятлилиги, яхши сиёсатчи ва саркардалик қобилияти билан ажралиб туради. У марказлашган шайбонийлар давлатини тиклаш мақсадида бебош ва ўзларини мустақил ҳисоблайдиган амирлар, султонлар, мулклар ҳукмдорлари билан тинимсиз кураш олиб боришга мажбур бўлди. Тинимсиз урушлар натижасида 1573 йилда Фарғона, 1574 йилда Шаҳрисабз, Қарши, Ҳисор вилоятлари, 1578 йилда Самарқанд, 1582 йилда Тошкент, Шоҳруҳия, Сайрам, Оҳангарон, 1583 йилда Балх, 1584 йилда Бадахшон, 1588 йилда Ҳирот ва унинг атрофлари, 1595 йилда Хоразм Абдуллахон II ҳокимияти остига бирлаштирилди. Тинимсиз урушлардан чарчаган маҳаллий аҳоли кўп ҳолларда Абдуллахон II нинг марказлаштириш сиёсатини қўллаб-қувватлар эди.

Абдуллахон II узоқ йиллик олиб борилган урушлардан сўнг бутун Мовароуннаҳр, Ҳисор, Хуросоннинг катта қисми, Хоразм ва Туркистонни қўлга киритиб, Шайбонийхон тузган давлатни қайта тиклашга эришди. Аммо ҳудудий жиҳатдан жуда катта бўлган бу давлат сиёсий жиҳатдан ўта мустаҳкам эмас эди. Бу давлатнинг кучқудрати ҳокимият тепасида турган ҳукмдорнинг шахсий фазилатларига суянар ҳамда унда мустаҳкам давлатчилик тизими яратилмаган эди. Айнан шунинг учун ҳам 1598 йилда Абдуллахон II вафот этгач, орадан қисқа муддат ўтиб қийинчиликлар ва жангу жадаллар натижасида тикланган бу давлат инқирозга юз тутди ҳамда ҳокимият тепасига бошқа сулола вакиллари келдилар.

XIV асрнинг бошларида Мовароуннаҳрнинг Муҳаммад Шайбонийхон томонидан босиб олиниши бу ҳудудларнинг хон уруғи вакиллари бўлган ўзбек султонлари томонидан бўлиб олинишига сабаб бўлди. Айрим ҳолларда Шайбонийхон баъзи қабила бошлиқларига маълум мулкларни ҳам берган. XVI асрнинг 60-йилларидан бошлаб Бухоро шайбонийлар давлатининг маъмурий-сиёсий маркази сифатида эътироф этилганидан сўнг қонун кучига эга бўлган барча ҳужжатлар Бухородан чиқарилган. Давлатдаги мураккаб бош-

қарув аппаратини ташкил этган кўп сонли амалдорлар гуруҳи ҳам айнан Бухорода марказлашган.

Маъмурий жиҳатдан Бухоро хонлиги вилоятлар ва туманларга бўлинган. Мирза Девоннинг маълумот беришича, Бухоро хонлиги бошқарувида ўзига хос анъана ва қонунлар ўрнатилган бўлиб, жойлардаги юқори мансабга эга бўлган зодагонлар давлат бошлиғи томонидан ҳокимликка кўтарилган.

Йирик ҳудудларда ташкил топган шайбонийлар давлати **хон** томонидан бошқарилган. Хонликнинг сиёсий тизимида ўзбек давлатчилигининг сомонийлардан темурийларгача бўлган даврида қарор топган давлат бошқаруви қонун-қоидалари ҳамда хусусиятлари билан биргаликда, кўчманчиларга хос анъаналар ҳам мавжуд бўлган. Хон чекланмаган ҳокимиятга эга бўлиб, у ўз атрофида вилоят, туман ҳокимлари ҳамда нуфузли қабила бошлиқларини бирлаштирганидан сўнг мустақил сиёсат олиб борган. Аммо айрим вилоят ҳокимлари мавқеи кучайиб, марказий ҳокимиятга бўйсунмай қўйган ҳолатлар ҳам бўлиб турган. Бундай ҳолат, айниқса, Абдуллахон II даврида кучайган бўлиб, у ҳокимларнинг барчасини зўрлик билан бўйсундирган эди.

Шайбонийлар давлати бошқарувида исломий одат ва шариат қонун-қоидаларига қаттиқ риоя қилинган. Давлатдаги олий ҳукмдорлик отадан болага эмас, балки сулоладан энг улуғ ёшли шахсга ўтиш тартиби дастлабки шайбонийлар даврида сақланиб қолган бўлса-да, XVI асрнинг 40-йилларидан бошлаб ворисийликда отадан болага ўтиш анъанаси кучаяди ҳамда Абдуллахон II даврида аниқ бир шаклга тушади. Аммо бу ҳолат узоқ давом этмади.

Давлат бошқарувида хон саройидаги олий даражали амалдорлардан ташкил топган **марказий бошқарув** ҳамда вилоятлар ва туманлардаги **маҳаллий бошқарув** асосий ўринда турар эди. Табиийки, хон улар ёрдамида ҳамда бевосита иштирокида давлатдаги маъмурий бошқарувни амалга оширган.

Илгариги сулолалар даврида бўлгани каби шайбонийлар даврида ҳам энг олий давлат идораси – **даргоҳ** ҳисобланган. Даргоҳ тепасида хон турган, бу идора сарой девонида жамланган ҳамда давлатнинг ички ва ташқи ҳаётига оид барча масалаларни ҳал қилган. Чунончи, давлатнинг олий даражали амалдорлари аъзо ҳамда бош вазир томонидан бошқариладиган бу маҳкама давлатнинг сиёсий, молиявий,

ҳарбий, ташкилий ва бошқа масалаларини кўриб чиқар эди. Бу ерда қабул қилинган қарорлар хоннинг тасдиғи билан кучга кириб, ҳаётга тадбиқ этилган. Таъкидлаш жоизки, кўплаб кўкалдош, оталиқ, нақиб, вазири аъзам, вазир, девонбеги каби олий даражали сарой амалдорлари, нуён, туғбеги, кутвол, доруға, қурчибоши каби ҳарбий амалдорлар, жўйбор шайхлари, садрлар, шайхулислом каби диний уламоларнинг фикрлари ва манфаатлари ҳам қарорлар қабул қилинишида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Шайбонийлар давлат бошқарувидаги муҳим вазифалардан бири **нақиб** бўлган. Нақиблик мансаби хон ҳузурида жуда катта ваколатларга эга бўлиб, нақиб хоннинг энг яқин ва ишончли кишиларидан ҳисобланган. Манбаларга кўра, расмий қабул маросимларида нақибнинг олий ҳукмдордан чап томонда биринчи бўлиб жой олиши нақибнинг даргоҳдаги юксак мартабасидан далолат беради. Шунингдек, хон томонидан чиқарилган фармон ва ёрлиқларда ҳам нақибнинг номи биринчи бўлиб зикр этилган. Нақибга давлатнинг ички ва ташқи сиёсати ҳамда ҳарбий масалаларда олий ҳукмдорнинг биринчи маслаҳатчиси сифатида қаралган Айрим ҳолларда ҳарбий музокаралар учун ҳам хон рақиблар томонга ўз нақибини жўнатган.

Ҳарбий юришларни уюштириш, урушларни давом эттириш ёки тўхтатиш, рақиб томоннинг ҳарбий-стратегик томонларини ўрганиш каби вазифалар ҳам нақибга юклатилган ҳамда хон унинг маслаҳатлари билан қарор қабул қилган. Манбаларга кўра, нақибларга ўта масъулиятли бўлган элчилик вазифалари ҳам юклатилган. Шайбоний ҳукмдорлари нақиблик лавозимига, асосан, пайғамбар авлодларидан бўлган сайидлар хонадонига мансуб шахсларни тайинлаганлар.

Шайбонийлар давлатидаги муҳим мансаблардан яна бири **оталиқдир**. Бу мансабга тайинланган шахс, аввало, вояга етмаган шаҳзоданинг тарбияси учун масъул бўлган. Мазкур лавозим эгаси шаҳзодага оталиқ қилиб, отасининг ўрнини босадиган даражада тарбия берган. Оталиқлар шаҳзодаларга мулк қилиб берилган вилоятлардаги хон ҳокимияти сиёсатини белгилаш ва амалга оширишда катта аҳамиятга эга бўлганлар. Хонлар вояга етмаган шаҳзодаларга вилоятларни мулк сифати тақсимлаб берганда уларни доимий назорат қилиш учун ўзининг ишончли кишиларини оталиқ қилиб тайинлаган. Бундай ҳолларда шаҳзодалар вояга етгунига қадар маълум вилоятлардаги бошқарув ишлари оталиқлар қўлида бўлган. Оталиқ-

лар амалда бутун бир вилоят тақдирини, унинг марказий ҳокимият билан муносабатларини ҳал қилганлар.

Давлат ишларида **кўкалдош** (айнан маъноси – бир онадан сут эмган) мансаби ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Кўкалдошлар давлат билан дўстона ва душманлик муносабатида бўлганлар ҳақида маълумотлар тўплаган. Шунинг учун ҳам кўкалдош даргоҳнинг энг ишончли кишиларидан ҳисобланиб, бу амалдаги кишиларнинг вазифаси мамлакатда олий ҳукмдор олиб бораётган сиёсат дахлсизлиги, унга фуқаронинг муносабатларини ўрганишдан иборат бўлган. Кўкалдошлар юқори мавқега эга бўлиб, бадавлат кишилар бўлган. Тошкент ва Бухорода кўкалдошлар ўз маблағлари ҳисобидан мадраса қурдиргани маълум.

Хон ясовули лавозимидаги шахслар сулола ички муносабатларига оид тадбирларни бошқариб турганлар. Чунончи, олий ҳукмдор билан шаҳзодалар ўртасидаги муносабатларни ўрнатилган тартиб асосида йўлга қўйиш, хоннинг шаҳзодаларни қабул қилиши, уларнинг арзлари, илтимосларини хонга етказиш каби тадбирлар шулар жумласидандир.

Шайбоний хонлар ҳаётида овчилик муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шунинг учун ҳам хон ҳузуридаги **қушбеги** ёки **амири шикор** лавозими масъулиятли ҳисобланган. Амири шикорнинг вазифаси хон ва султонларнинг овларини уюштириб туриш бўлган. Ов қилинадиган жой атрофидаги қишлоқлар аҳолиси ўз от-улови, қурол-аслаҳаси билан келиб хон ва султонларнинг ов ўтказишларида уларга ёрдам бериш, улар дам олганларида қўноқ ҳамда озиқ-овқат билан таъминлаш ишлари ҳам қушбегининг вазифасига кирган. Манба тили билан айтганда, «турли овчи қушлар (лочин, бургут – Э.Б.), този итлар ва бошқалар» ни тайёрлаш ҳам амири шикорнинг зиммасида бўлган.

Давлат даргоҳидаги хавфсизликни таъминлаш, ички тартиб-қоидалар, келди-кетдидан хабардорлик **эшикоғабоши** лавозимидаги шахс зиммасида бўлган. Ушбу мансаб чап эшикоғабоши, ўнг эшикоғабоши, эшикоғабоши каби лавозимларга тақсимланиб, бу хизмат вакиллари уруш пайтларида олий ҳукмдорнинг энг муҳим ҳарбий топшириқларини ҳам бажариб борганлар.

Умуман олганда, А.Зиё тадқиқотларига кўра, ўша замонларга хос равишда давлатнинг бирор-бир хизмат идораси, хизмат тури намояндалари уруш пайтларида ўзларининг тўғридан-тўғри вазифалари-

га қўшимча равишда ҳарбий фаолият билан ҳам шуғулланиб келганлар. Бу ҳолатни **мирохўр** (олий ҳукмдорга тегишли йилқи, от-улов, уларнинг таъминоти кабиларга масъул), **шиғовул** (чет эл элчиларини қабул қилиш бўйича махсус хизмат бошлиғи), **қушбеги, чуҳрабоши** (махсус ҳарбий қисм бошлиғи), **баковул, дастурхончи** каби хизматлар фаолияти орқали ҳам кўришимиз мумкин. Яъни, улар ўз идоравий вазифаларидан ташқари ҳарбий юмушларни ҳам бажариб келганлар.

Мамлакатнинг сиёсий ҳаётида, давлат бошқарувида ҳарбий маъмурий амалдорлар, йирик саркардалар, қўшин бошлиқларининг (умаро) ҳам ўрни катта эди. Даргоҳдаги ҳарбий ишлар билан боғлиқ чуҳрабоши ва қурчибоши (қурол-аслаҳа хизмати бошлиғи) вазифаларидан ташқари жибачи, жарчи, қоровулбеги, туғбеги каби хизматлар ҳам бўлган. Ички ва ташқи хавфни бартараф этишда, янги ерларни босиб олиш учун қилинадиган истилочилик юришларда қўшинларнинг сони, ҳарбий тайёргарлиги, қўшин бошлиқларининг қўмондонлик маҳорати кабилар катта аҳамият касб этган.

Шайбонийлар давлати бошқарувида ҳарбий-маъмурий амалдорлардан ташқари, **уламолар, шайхлар** ва **хожалар**нинг ҳам мавқеи катта бўлган. Энг кучли ҳукмдорлар ҳам уламолар билан ҳисоблашишга мажбур бўлганлар. XVI асрнинг бошларида Шайбонийхон йирик дин пешволарининг давлат ишларига сиёсий таъсирини анчагина пасайтиришга муваффақ бўлган ва диний ҳамда дунёвий ҳокимиятни ўз қўл остида бирлаштирган эди. Орадан кўп ўтмасдан, Бухоро хонлигининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида, айниқса, Бухоро шаҳрида йирик дин пешволарининг таъсири яна кучаяди. Бу даврда, айниқса, Бухоро яқинидаги Жўйбор қишлоғидан чиққан хожаларнинг мавқеи жуда ошиб кетади.

XVI асрнинг ўрталаридан бошлаб жўйбор шайхлари олий ҳукмдор тақдирини ҳал қилиш даражасидаги мавқега кўтариладилар. Қишлоқларда катта-катта ерларга, шаҳарларда эса йирик кўчмас мулкларга эга бўлган шайхлар йирик зодагонлар ва амалдорларга ҳам ўз таъсирини ўтказганлар. Манбаларга кўра, забардаст шайбонийлар ҳукмдорларидан бири бўлган Абдуллахон II ҳам аввал Хожа Ислом, кейин эса Хожа Саъдларнинг сиёсий ва хўжалик фаолиятини қўллаб-қувватлашга мажбур бўлган. **Шайх-ул-ислом** ҳам жўйбор шайхлари хонадонидан сайланган. Дин пешволари орасида шайх

ул-ислом, садр, қози калон, муфти каби диний мансабларнинг мавқеи анча юқори бўлган.

Ер эгалиги муносабатлари. Барча туркий халқларда бўлгани каби шайбонийлар давлатида ҳам ҳокимият қўшинларнинг тузилиши масалаларида одат ҳуқуқлари нисбатан устунроқ бўлган. Ушбу давлат ташкил топган дастлабки даврда, асосан, Абулхайрхон давлатининг тузилиши ҳамда анъаналари сақланиб қолинди. Ундан ташқари, ер-мулк масаласида темурийлар давлатида шаклланган хизмат эвазига ер-мулк инъом қилиш шаклларидан шайбонийлар давлатида ҳам қўлланилган. Тадқиқотчиларнинг хулосаларига кўра, бу даврда Бухоро хонлигида ер ҳуқуқи масалаларида: давлатга қарашли ерлар, ушр ерлари, хурри хорис ерлар, вақф ерлари, хон ва амалдорларга тегишли ерлар, кўчманчи қабила ва уруғларга тегишли ерлар, суюрғол ерлари, танҳо ерлар ҳамда тархонлик ерлари мавжуд бўлган.

Иқтоъ атамаси XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб гарчи муомаладан чиқиб, ўз ўрнини туркийча «**суюрғол**» атамасига бўшатиб берган бўлса-да, шайбонийлар даври айрим манбалари ва ҳужжатларида «**иқтоъ**» атамасини учратиш мумкин. Чунки иқтоъ, суюрғол, танҳо атамалари ва шу шаклдаги ер мулки ҳуқуқининг мазмуни бир-бирига деярли яқин бўлган. Яъни, бундай ер мулклари давлат олдидаги маълум бир хизматлари учун ҳадя ёки инъом маъносини англатган.

Суюрғол шайбонийлар даврида ҳам кенг қўлланилган бўлиб, шаҳзодалар, йирик зодагонлар ва нуфузли дин пешволарига маълум шарт ва имтиёзлар асосида берилган ер мулки у наслдан наслга ўтган. Суюрғол эгаси давлатга тўланадиган солиқлардан озод қилинган бўлиб, суюрғолидан оладиган даромаддан ўз ихтиёрича фойдаланган. Бундай имтиёзли суюрғол «**дарубаст суюрғол**» деб аталган.

Шаҳарлар, туманлар ва ҳатто вилоятлар ҳам алоҳида хизмат кўрсатган шахсларга суюрғол қилиб берилган. Мисол учун XVI асрнинг бошларида Қарши Худойберди Султоннинг суюрғол мулки бўлган.

Давлат ерлари деҳқонларга муддатсиз меросий фойдаланишга ижара сифатида берилган. Дарубаст сифатида мулк ва ер бериш, Абдуллахон II даврида, айниқса, ривожланиб, у ўзининг пирлари Хожа Ислом ва унинг авлодларидан Хожа Съаадга ҳамда бошқа Жўйбор хожаларига бутун-бутун босиб олинган вилоятларни дару-

баст сифатида ҳадя қилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, ушбу мулк меросий суюрғол (ҳадя) бўлиб, у барча солиқлардан озод қилиш ҳақидаги имтиёзлар билан бирга, ворисликка қолдириш ҳуқуқи билан берилган ер ва бошқа мулклардан иборат бўлган.

Жўйбор хожаларининг Бухоро, Самарқанд, Насаф (Қарши), Марв ва бошқа вилоятларда катта ер майдонлари бўлиб, бу мулклар мерос тариқасида авлоддан авлодга ўтган ва барча солиқлардан озод этилган. Хонлар ва бошқа йирик амалдорлар томонидан уларга ҳадя этилган ер мулкларидан ташқари улар Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг серунум яйловларига, беҳисоб подаларга, катта шаҳарларда жойлашган ўз ҳунармандчилик дўконларига, савдо расталарига, тегирмонлар, ҳаммом ва карвонсаройлардан келадиган даромадларга ҳам эга бўлганлар.

Каттадан-катта бойликларга эга бўлган жўйбор шайхлари ўз хусусий ерларидан ташқари вақф ерлардан келадиган даромадни ҳам назорат қилганлар. Хожаларнинг давлат ишларидаги мавқеи шунчалик кучли эдики, улар ҳатто амалдорларни юқори мансабларга тайинлаш ёки четлатишда ҳам катта таъсирга эга бўлганлар.

Шайбонийлар даврида ер эгалигининг қуйидаги асосий турлари мавжуд эди:

1. **Мулки султоний** ёки **мулки мамлака** (манбаларда мамлакаи девон, мамлакаи подшоҳий, замини мамлака, мамлакати султоний, мамлака атамаларида ҳам учрайди) давлатга қарашли ерлар бўлиб, бу ерларни сотиш, ҳадя этиш, вақфга бериш фақат хоннинг ихтиёрида бўлган.

2. **Мулки холис** ёки **мулки хурри холис** – маълум шахсларга тегишли бўлиб, ҳукмдор томонидан давлат олдидаги хизматлари учун берилган шахсий ерлар (суюрғол, иқтоъ, тархон, тиул ва бошқ.). Бундай ерлар ва уларнинг эгалари дафтардор томонидан махсус дафтарга қайд этиб борилган.

3. **Вақф ерлари – ҳукмдор** ёки бошқа шахслар томонидан диний муассасаларга мулк қилиб берилган ерлар ва суғориш иншоотлари. Бундай ерлардан келган даромаднинг асосий қисми мутаваллилар, қозилар ва мусулмон диндорларига тушган.

4. **Қишлоқ жамоалари эгалик қиладиган ерлар**.

Шайбонийлар даврида деҳқончиликка алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, аввало, суғориш тизимини тартибга келтириш учун қатор


тадбирлар амалга оширилган. Бу жараёнда минтақадаги йирик сув манбалари – Зарафшон, Чирчиқ, Сирдарё, Амударё, Вахш, Мурғоб каби йирик дарёлар ва кўплаб кичик дарёлар ҳамда кўллар, тоғ сувларининг имкониятларидан кенг фойдаланилган. Шайбонийхон даврида, сиёсий беқарорлик йилларида, Абдуллахон II даврида сунъий суғориш ишларининг аҳамияти йўқолмаган. Ундан ташқари, шайбонийлар даврида деҳқончиликнинг тараққиётини таъминловчи ислоҳотлар ўтказилган. Хусусан, қаровсиз ва лалми ерларни давлат мулкига киритиб, бундай ерларда деҳқончиликни ривожлантириш, деҳқончилик қилишни хоҳлаганларга ҳар томонлама ёрдам бериш, маълум муддат солиқлардан озод этиш, ердан олинадиган солиқларни йиғишдан маҳаллий амалдорларнинг ўз мансабларини суиистеъмол қилишларига йўл қўймаслик учун ҳам тегишли тадбирлар амалга оширилган.

Солиқ тизими. Бухоро хонлиги девонхонасида молиявий ва солиқ ишлари ҳисоби бўйича махсус дафтарлар мавжуд бўлиб, уларда турли солиқлар, ижара тўловлари, маълум маҳсулотлар савдосидан тушган даромадлар қайд этиб борилган. Аммо кўпгина сабабларга кўра, жумладан, хон хазинасининг давлат хазинасидан ажратилмаганлиги, кўпчилик амалдорларнинг ўзбошимчалиги, тўпланган ўлпонларни ижарага бериш, аҳолидан олинадиган солиқларнинг тўсатдан ошиб кетиши кабилар солиқ тизимидаги тартибсизликларни келтириб чиқарар эди. Бундай ҳолатда ўлпон тўловларининг қаттиқ ўрнатилган меъёрлари мавжуд бўлмасдан, ягона умумдавлат солиқ тизими кўпинча бузилиб турган.

Таъкидлаш лозимки, белгилаб қўйилган «шариат» ўлпонларига бошқа тўловлар қўшилган бўлиб, солиқлар ўлчови нисбатан кучли зодагонлар ва йирик ер эгаларининг ижтимоий сиёсатидан келиб чиқиб белгиланган. Солиқ тўловчиларнинг асосий қисми деҳқонлар бўлиб, сиёсий беқарорлик давридаги иқтисодий инқирозлар туфайли йирик зодагонлар шаҳарликлардан ҳам катта миқдорда солиқлар ундирганлар. XVI асрда солиқларнинг катта қисми маҳсулот сифатида олинган. Тарихий манбаларнинг маълумот беришича, шайбонийлар даврида бож, ўлпон, солиқ, жарима ва мажбурий тўловларнинг 40 дан ортиқ тури мавжуд бўлган. Оддий аҳоли тўловларининг кўплаб турларини, жумладан, ер ва сувдан фойдаланганлик учун махсус солиқлар, амалдорлар фойдасига тўловлар, феодал мулкларни сақлаш учун ўлпонлар, шаҳар деворлари, мачитлар, мадрасалар қури-

лишлари, суғориш иншоотлари барпо этиш, йўллар ва кўприклар қурилишлари учун турли тўловларни тўлаганлар.

Шайбонийлар даврида ижтимоий тузум



Бу даврда солиқ тўловчи аҳоли **фуқаро (раият)** деб аталган ҳамда улардан турли солиқлардан ташқари жарималар ҳам ундириб олинган.

Аввалги даврда бўлгани каби, шайбонийлар даврида ҳам ердан олинадиган солиқ **хирож (мол)** деб аталиб, ҳосилнинг маълум қисми ундирилган. XVI–XVIII аср ёзма манбаларда бу атама «мол», «молижиҳот», «мол ва жиҳот», кўпроқ «хирож» сифатида тилга олинади. Бу тўловнинг миқдори шароитга қараб 3/1, 4/1, 5/1, айрим ҳолларда эса 2/1 қилиб белгиланган. Мулк ерларидан ҳосилнинг 10/1 миқдорида солиқ ундирилиб, у ушр деб аталган. Хирож, асосан, маҳсулот сифатида ундирилган.

Хирождан ташқари «доимий», «қонуний» ва «фавқулодда» каби бож ва ўлпон турлари мавжуд бўлиб, уларнинг сони ўзаро урушлар ва давлат марказлашуви даврида янада кўпайган. Уруш ҳаракатлари даврида деҳқонлар ва ҳунармандлардан олинадиган солиқ «**аваризот**» деб аталиб, у қисман пул билан ундирилган.

Марказий ҳокимият вакиллари фойдасига ҳам махсус солиқлар ундирилган. Мисол учун, доруғалар фойдасига **доруғачи ёки доруғалик** деган солиқ пул кўринишида тўланган. Афсуски, шайбонийлар даврида пул кўринишида тўланган ўлпон ва солиқлар ҳақида маълумотлар жуда кам. Шунга қарамасдан, «пул» атамаси қўшилган **пилла пули, кўкнор пули, сабзи пули, харбуза (тарвуз) пули** каби ўлпон ва солиқлар ҳам пул кўринишида тўланган бўлиши керак. Шунингдек, шаҳар аҳолиси, ҳунармандлар ва дўкондорлар махсус солиқ – **тамға** тўлаганлар. Ундан ташқари, йирик бойлар ва судхўрларга тегишли савдо расталаридаги дўконларни маълум ҳақ эвазига ижарага олиб, ўз маҳсулотларини сотганлиги учун **тахти жой (тагжой)** деб аталувчи солиқ ҳам пул билан тўланган.

Шайбонийлар давлатига қарам бўлган, кўчманчи турмуш тарзи кечириб, чорвачилик билан шуғулланган аҳолига ишлаб бериш ва белгиланган тарзда солиқ тўлаш мажбурияти юклатилган. Кўчманчи чорвадор аҳоли ҳарбий юришлар вақтида ўз от-улови, яроғ-аслаҳаси ва озиқ-овқати билан бирга урушларда қатнашганлар. Уруш ҳаракатлари даврида, асосан, ўтроқ аҳолидан ошлиғ (ошлик) солиғи ундирилган. Бу солиқ доимий бўлмаса-да, ҳаракатда бўлган қўшинни сақлаш учун озиқ-овқат йиғими сифатида тўпланган. Шунингдек, қўшинни таъминлаш учун тағор деб номланган озиқ-овқат ўлпони ҳам тўланган. Озиқ-овқат солиқларининг миқдори қатъий белгилаб қўйилмаган бўлиб, уни ҳукмдорларнинг ўзлари хоҳлаганча белгилаганлар.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, шайбонийлар даврида солиқ ва йиғимлар билан бир қаторда, жарималар ҳам бўлган. Мисол учун, кўчманчилар қишда истеъмол қилиши учун ҳар йили кузда ўз хўжайинларига сўйиш учун битта боқилган чорва молини берганлар. Бу – **суғум** деб аталган. Шунингдек, хонлар, султонлар ва ўғлонлар бир манзилдан иккинчи манзилга кўчиб ўтаётган вақтларида уларга озиқ-овқат тўплови шибоғу (сибоғу) берилган бўлиб, «у кўпинча пиширилган гўштдан иборат бўлган». **Совурин** ва **пешкаш** йиғинлари

ҳам жарималар қаторига киритилади. Бу йиғимлар пул, маҳсулот, чорва моллари, қимматбаҳо буюмлар, қуллар кўринишида ҳукмдорга тортиқ қилинган.

Бу даврда деҳқонлар ва шаҳар аҳолиси, айниқса, ҳунармандлар меҳнат мажбурият (мардикор, қалъа, бегор ва бошқ.)ларини бажарганлар. Бу мажбуриятлардан озод этилганлар эса маълум миқдорда пул тўлаганлар. **Мардикор** – йирик бойларга қараш бўлган деҳқонлар мажбурияти бўлиб, суғориш иншоотларини барпо этиш, таъмирлаш ҳамда тозалаш билан боғлиқ оғир мажбурият бўлган. Бир неча йиллаб давом этадиган янги каналлар қурилишида минг-минглаб деҳқонлар иштирок этганлар. Оддий аҳолига, шунингдек, қалъалар ва шаҳар деворларини тиклаш ва таъмирлаш мажбурияти ҳам юклатилган бўлиб, у **қалъа** ёки **харжи қалъа** деб аталган (Амин Бухорий).

Ҳунармандчилик ҳамда бозор савдосидаги йиғимлар хон хазинасининг асосий даромади ҳисобланган. Шунинг учун ҳам олий ҳукмдор ҳокимияти кучайган даврлар айрим ҳукмдорлар (Убайдуллахон, Абдуллахон II) солиқ тизимини тартибга солишга ҳаракат қилганлар. Аммо бундай ҳаракатлар ҳар доим ҳам керакли натижаларни бермаган.

Шайбонийларнинг пул ислоҳотлари. Шайбонийлар давлатида турли вазндаги олтин, кумуш, мис, мис ва кумуш аралашмасидаги тангачақалар муомалада бўлган. Тадқиқотчиларнинг фикрича (Давидович Е.А.), олтин тангалар фақат Шайбонийхон ва Абдуллахон II даврларидагина зарб этилган. Бу даврда пул зарб этиш ҳамда кумуш ва мис тангаларнинг муомалада бўлиши бир-бири билан боғлиқ ҳолда кечган. Нумизматик маълумотларга кўра, XVI асрдаги пул муомаласининг асосини «танга» «тангача», «хоний» деб аталган кумуш ҳамда «мис динор» ёки «динор» деб аталган мис тангалар ташкил этган. Энг кичик мис тангачалар «пул» ёки «қора пул» деб аталган.

Муҳаммад Шайбонийхон 1507 йилда Ҳиротни эгаллагач, бу ердаги жоме масжидида кенгаш чақириб, пул ислоҳоти ҳақидаги фармонини эълон қилади. Бу пайтда Ҳиротдаги пул муомаласи чуқур инқирозга учраган бўлиб, ушбу ислоҳот Хуросондаги савдогар-зодагонларни Шайбонийхон томонига оғдириши лозим эди. Янги кумуш тангачаларнинг вазни 5.2 г. бўлиб (илгариги темурийлар тангалари 4.8 г. эди), унга Шайбонийхоннинг номи ва унвони битилган.

1507 йилда бу ислоҳот ҳали охирига етмаган эди. Манбаларга кўра, бу йилда Мовароуннаҳрда ҳали темурийлар тангалари тўла муомалада бўлган. 1508 йилда ислоҳот якунига етиб, Шайбонийлар давлатининг барча ҳудудларида – Самарқанд ва Бухорода, Марв, Кеш, Насаф, Нисо ва Сарахсда, Ҳирот, Машҳад, Нишопур ва Сабзаворда бир хил вазндаги, бир хил сайқалланган тангалар зарб этилиб, муомалага киритилади. Бир хил кумуш ва мис тангалар бутун мамлакат бўйлаб муомалага чиқарилиб, пулнинг қадрсизланишига барҳам берилади.

Аммо бу ҳолат узоққа чўзилмади. 1510 йилда Шайбонийхон вафот этгач, ўзаро урушлар ва 1512–1513 йиллар қиши қаттиқ келганлиги марказий Мовароуннаҳрда қимматчилик ва очарчиликка олиб келди. Ундан ташқари, Шайбонийлар ва Бобурнинг мис тангаларни кўпроқ зарб эттириб, муомалага киритиш орқали даромадларини кўпайтириш йўлидаги ҳаракатлари пулнинг қадрсизланишини янада кучайтирди. Шайбонийларнинг ҳокимиятни мутлақ қўлга киритиши ва сиёсий вазиятнинг барқарорлашуви ҳам пул қадрсизланишининг олдини ололмади. Чунки бозорларда мис пуллар ниҳоятда кўпайиб кетиб, маҳсулот нархидан анча ошиб кетди. Кумуш пуллар бутунлай муомаладан чиқиб, зарб этилмай қўйди. Бу ҳолат мамлакатда янгидан пул ислоҳоти ўтказиш заруриятини туғдирди.

Давлатдаги бу галги ислоҳот анча оғир ва кўп босқичли бўлиб, бу сафар умумдавлат миқёсидаги пул муомаласини бир меъёрга тушириш учун ўн беш йил керак бўлди. Ушбу ислоҳотни кўпчилик тадқиқотчилар Кучкунчихон (1510–1529) номи билан боғлайдилар. Даставвал Бухорода (Убайдулла Султоннинг мулки), кейин эса Самарқандда (Кучкунчихон мулкидаги пойтахт) бошланган бу ислоҳот жараёнида юқори вазнли мис тангалар зарб этилиб, паст вазнли тангалар муомаласи тақиқланди. Кумуш тангалар зарб этилиши қисман йўлга қўйилган бўлса-да, уларнинг вазни Бухоро ва Самарқандда бир хил эмас эди. Фақат 1525 йилга келиб бутун давлат бўйлаб бир хил тангалар зарб этиш йўлга қўйилди. Бу жараёнда ҳар қандай шахс ўзининг метали ёки буюмларини зарбхонага элтиб, белгиланган вазндаги кумуш тангани эркин зарб эттириши мумкин эди. Бунинг учун хазинага маълум миқдорда тўлов тўланган.

Аммо кумуш пуллар зарб этилиши ва муомалага киришидан топилган даромаднинг асосий қисми давлат ғазнасига тушмас эди. Йи-

рик мулк эгалари тангаларга ҳукмдор номи ва унвонини қўшиб зарб этсалар-да, зарбхоналардан келган даромадни ўзларига қолдирар эдилар. Давлатнинг, асосан, тўртта шаҳрида – Бухоро, Самарқанд, Балх ва Тошкентда доимий равишда кўп сонли кумуш тангалар зарб этилишига қарамай, Кармана, Тоткенд (Зарафшон воҳаси), Ахси, Кеш, Ҳисор, Ясса каби шаҳарларда ҳам кам бўлса-да, зарбхоналар ишлаб турган. Натижада, XVI асрнинг ўрталарига келиб кумуш пулларнинг қиймати тушиб кетди. Бундан ташқари, мамлакат ташқарисида ҳам (масалан, қўшни Бобурийлар давлатида) Шайбонийлар кумуш тангаларини зарб этиш авж олди.

Бундай шароитда XVI асрнинг 60-йилларидан бошлаб Абдуллахон II савдо-сотиқ учун зарур бўлган пул ислоҳотини босқичма-босқич амалга оширди. Чунки Абдуллахон II ҳукмдор сифатида нафақат давлат сарҳадларини кенгайтириш, марказлашган давлат барпо этиш, балки савдо-сотиқ мамлакат иқтисодининг муҳим тармоғи эканлигини яхши англаган эди. У отаси Искандархон (1560–1583 йй.) давридаёқ кумуш металл етишмовчилигини бартараф этиш билан бирга, Бухорода олтин тангаларни доимий зарб этишни йўлга қўйди ва буни қаттиқ назорат остига олди.

Абдуллахон II ислоҳоти, асосан, кумушнинг нархи ошишига нисбатан кумуш тангаларнинг қийматини оширишга қаратилган эди. 1583 йилга қадар юқорида эслатилган тўртта йирик шаҳарда Искандархон номидаги бир хил вазн ва қийматга эга бўлган кумуш тангалар зарб этилади. 1560 йилдан кейинги 1583 йилгача бўлган давр Абдуллахон II нинг кўплаб жангу жадаллар даври бўлиб, бу юришлар ва ўзаро курашлар катта маблағ талаб этар эди. Шунинг учун Абдуллахонга ҳам, унинг рақибларига ҳам катта миқдордаги пул зарур эди.

1583 йилда отаси вафотидан сўнг олий ҳукмдор бўлган Абдуллахон II ўз пул ислоҳотининг сўнгги қисмини амалга оширди. Яъни, у кумуш тангалар зарб этишни ўз пойтахти Бухорода марказлаштирди. Бухорода Абдуллахон II номидан ҳар йили кўп миқдорда кумуш тангалар зарб этилди. Балх, Самарқанд ва Тошкентда эса танга зарб этиш кескин камайтирилди. Шунингдек, Абдуллахон II шаҳар савдосидаги кундалик эҳтиёж маҳсулотлари учун мис тангалар зарб этишни йўлга қўйди.

Шайбонийлар ўтказган пул ислоҳотлари орасида Абдуллахон II нинг ислоҳоти нисбатан муваффақиятли бўлиб, бу ислоҳот пул муо-

маласи инқирозига барҳам берди, кумушнинг давлат ҳудудларидан кўплаб чиқиб кетишини тўхтатди, хусусий металлни яна зарбхоналарга жалб этди. Ушбу ислоҳот Абдуллахон II ички сиёсатининг бир қисми бўлиб, транзит, халқаро ва ички шаҳар савдосининг тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этди.


Ҳарбий қурилиш ва бошқарув. Шайбонийлар давлатида, сиёсатида, бошқарув ишларида йирик саркардалар, қўшин бошлиқлари, қўмондонлар ва амирларнинг ҳарбий маҳорати катта аҳамиятга эга эди. Барча шайбоний ҳукмдорлари ҳарбий сиёсатни Дашти Қипчоқ ўзбекларининг анъаналарига асосланиб олиб борганлар ҳамда бу жараёнда зарур ҳолларда зудлик билан тўпланадиган кўп сонли қўшинларга таянганлар. Ундан ташқари, шайбонийлар ички ва ташқи хавфни бартараф этишда, давлат сарҳадларини кенгайтириш учун қилинадиган юришларда қўшинларнинг сони, ҳарбий тайёргарлиги, жанг усуллари, қурол-яроғлар, қўшин бошлиқларининг ҳарбий маҳорати кабиларга ҳам катта эътибор қаратганлар.

Шайбонийлар давлатида қўшин тўплаш, қўшиннинг таъминоти, унинг таркиби, қўшинни жангга тайёрлаш, қурол-аслаҳалар, ҳарбий ва қоровуллик хизматини ўташ, ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш Чингизхон ва Амир Темур қўшинларининг ҳарбий тузилишига асосланган бўлиб, унга Шайбонийхон томонидан дашт ўзбекларига хос бўлган айрим ўзгаришлар киритилган. Қурол-аслаҳаларнинг ўзгариши эса Абдуллахон II даврига тўғри келади.

Ҳарбий қўшин, асосан, отлиқ ва пиёда аскарлардан ташкил топган. Ҳарбий ҳаракатлар даврида қўшин ўқ-ёй, узун найза, қилич, гурзи, узун дастали жанг болтаси (табарзин), чангак каби асосий ҳужум қуролларидан фойдаланган. Абдуллахон II даврида пилта милтиқлар пайдо бўлган. Қўшинда ҳимоя воситаси сифатида қалқон (сипар) ҳамда темир симдан майда қилиб тўқилиб, усти ипак ва бахмал мато билан ёпилган совут (жовшан) ёки жиба (жева) – темир ёки пўлатдан ишланган махсус кийим кабилардан фойдаланилган. Шайбонийлар қўшинининг олий бош қўмондони хоннинг ўзи ҳисобланган. Алоҳида бўлинмалар – ўнг қанот, сўл қанот, қалб, қоровул ва ҳировулларга хоннинг ўғиллари, қариндошлари ёки жангда синалган, тажрибали ва довюрак нуёнлар (ёки султонлар) бошлиқ қилиб тайинланган. Илгариги даврларда бўлгани каби Шайбонийлар

қўшини ҳам ўн минглик (туман), минглик, юзлик, ўнлик бўлинмаларга бўлинган.

Шайбонийлар ҳарбий қўшинларининг тузилиши қуйидагича бўлган:



Шайбонийлар қўшини, асосан, **қалб** деб аталувчи марказий қисм, **баронғор** (ўнг қанот) ва **жавонғор** (сўл қанот) қисмларидан ва **ҳировул** (қўшиннинг орқа қисми) дан ташкил топган. Манбаларда қўшиннинг қанотларига бошчилик қилган саркарда ўғлон деб ҳам эслатилади. Қўшин олдида **манглай** деб аталувчи ҳарбий қисм ярим доира

шаклида саф тортиб борган. Унинг олдида эса тез ҳаракатланувчи кичик жанговар қисм илғор бўлган. Шунингдек, умумий қўшин олдида **қоровул** деб аталувчи махсус қисм, қўшиннинг ўнг ва сўл қанотлари олдида борувчи **кичик ғўл** деб номланувчи бўлинмалар ҳамда қўшин ортидан борувчи махсус ёрдамчи бўлинма – **чанох** ҳаракат қилган.

Қўшин таркибида **туғчи** қисм, яъни байроқ остида захирада турувчи (туғни қўриқловчи) 20–30 минг кишилик жанговар ҳарбий бўлинма ҳамда **забонгири**, яъни душман томонидан «тил» тутиб келувчи махсус бўлинма ва хабаргири – душман тўғрисида маълумот келтирувчи (разведка) махсус бўлинмалар ҳам бўлган. Ҳарбий юришлар пайтида хон учун расмий қабул маросимлари ўтказиладиган жой – **баргоҳ** деб аталган. Қўшинда сараланган ўзбек навкарларидан тузилган хоннинг хос соқчилари ҳам катта аҳамиятга эга бўлган.

Қўшинни йиғиш ва юришга тайёрлаш, уларнинг маошини тўлаш ҳамда бошқа ташкилий ишлар билан махсус амалдор – **тавочи** шуғулланган. Қўшинни қурол-яроғ билан таъминлашга масъул бўлган амалдор **жевачи** бўлиб, у хоннинг қурол-аслаҳаларига ҳам жавобгар бўлган. Хон ва қўшин бошлиқларининг алоҳида топшириқларини бажарувчи шахслар ясовул (Абдуллахон II даврида – **мубошир**) деб аталган. Хоннинг шахси ва саройни қўриқловчилар қурчи, хон байроғини кўтариб юрувчилар яловбардор деб номланган. Абдуллахон II даврида қўшинга замбараклар жорий этилган бўлиб, қўшинда **тўпчибоши** мансаби пайдо бўлади. Ҳарбийлар устидан қаттиқ назорат ўрнатилган бўлиб, улар содир этган жиноят ва жазо турлари махсус ҳарбий судьялар – қози аскар ҳамда **муфти аскар** томонидан кўриб чиқилган.

Шайбонийлар давлатида маданий ҳаёт. Ислом дини. Аввалги сулолалар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда юксак даражада ривожланган маданий анъаналар шайбонийлар даврида ҳам давом этди ҳамда бойитилди. Бу даврда маданий ҳаётнинг кўплаб жабҳаларида: адабиёт, тарихнавислик, хаттотлик, мусиқа, эпиграфика, меъморчилик, наққошлик, ислом маданияти кабиларда айрим сиёсий ҳаётдаги инқироз ҳолатларига қарамасдан, ривожланиш жараёнлари кузатилади.

Адабиётнинг турли жанрларида Муҳаммад Солиҳ, Хожа Афсодий, Восифий, Мажлисий, Убайдий, Бақоий, Шайдо, Ошиқ, Азизий,

Нисорий, Мушфиқий, Нахлий, Мутрифий кабилар баракали ижод қилдилар. Бу даврдаги адабиёт намояндалари Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Озарбайжон, Шарқий Туркистон каби қўшни давлатлардаги қалам аҳли билан ижодий алоқада бўлдилар.

Бу даврда яратилган адабий асарлар орасида бухоролик адабиётшунос олим ва шоир Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаккири аҳбоб» («Дўстлар ёдномаси») асарини келтириш (1516–1597) мумкин. Қомусий хусусиятга эга бўлган бу асарда XVI асрда Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон, Туркия ва Шарқий Туркистонда яшаб ижод этган 228 та шоирлар, жумладан, Жомий, Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Ҳусайн Воиз Кошифийлар тўғрисида, Арслонбоб, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Занги ота, Шайх Худойдод каби тасаввуф намояндаларининг ҳаёти, кароматлари ҳақида, шунингдек, тарихий воқеалар, илм-фан ривожи, санъат соҳасидаги ютуқлар, турли шаҳарлардаги меъморчилик ривожи ҳақида маълумотлар берилади. Абдуллахон II га атаб ёзилган мазкур асар Ўрта Осиё, Эрон ва Ҳиндистондаги адабий муҳит ҳақида бой маълумотлар берувчи манба ҳисобланади.

Бу даврда ҳукмрон сулола вакиллари адабиёт ривожига ҳомийлик қилиш билан бирга, ўзлари ҳам ижод билан шуғулланганлар. Хусусан, Шайбонийхон, Убайдуллахон, Абдуллахон II, Дўст Муҳаммад Султон (Наврўз Аҳмадхоннинг ўғли) кабиларнинг айрим асарлари ва ғазаллари бизгача сақланиб қолган.

Бу даврда тарихнавислик соҳасида ҳам кўплаб тарихий асарлар яратилди. Сулола асосчиси Шайбонийхон ва унинг ворисларига атаб ёзилган Абдуллоҳ Ибн Муҳаммад Ибн Али Насруллоҳийнинг «Зубдат-ал асар», Мулла Шодийнинг «Фатҳнома», Биноийнинг «Шайбонийнома», Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома», Фазлуллоҳ Рўзбехоннинг «Меҳмонномаи Бухоро», Зайниддин Восифийнинг «Бадойе ул вақое», Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланома», муаллифи номаълум бўлган «Таворихи гўзида», Нусратнома» кабилар фикримиз далилидир.

Манбаларнинг маълумот беришича, бу даврда рассомлик, хаттотлик ва мусиқа санъати, фиқҳ, тиббиёт, риёзиёт (математика), ҳандаса (геометрия) ва илми нужум (астрономия) соҳаларида ҳам ривожланиш юз беради. Масалан, кўпроқ шоир сифатида танилган Мушфиқий (1538–1588 йй.) фалсафа, астрономия, фиқҳ, ҳисоб, физика,

мусиқа, араб тили каби соҳаларда ҳам етук саналган. Бу даврда тиббиёт соҳасида ҳам қатор асарлар яратилган. Жумладан, Кучкунчихон ва Абу Саидхон замонларида яшаган машҳур табиб ва олим Султон Али «Дастур ал-илож», «Муқаддимаи дастур ал-илож» рисолаларини ёзиб, уларда инсон танасидаги касалликларнинг шарҳи ҳамда уларни даволаш тўғрисида маълумотлар берган. Абдуллатифхоннинг шахсий табиби Муҳаммад Юсуф, Наврўз Аҳмадхон саройида эса табиб Шоҳ Алилар фаолият олиб бориб, «Кўз касаллигига оид асарлар сараси», «Кўз табиблари учун қўлланма» каби асарлар яратганлар. Шунингдек, Муҳаммад Юсуфнинг «Иситмани ўрганишга доир», «Қон томири ва сийдик» каби асарлари ҳам маълум. 1562–1567 йилларда табиб Убайдуллоҳ Қаҳҳол тиббиётга оид муҳим қомусий асар «Касаллик шифоси»ни яратган. Ушбу асарларда келтирилган даво услублари, ташхис қўйиш, дорилар тайёрлаш каби маълумотлар ўрта асрлар мусулмон Шарқи тиббиётига хос илғор анъаналар XVI асрда ҳам давом этганлигини кўрсатади.

Шайбонийлар ҳукмдорлари меъморчилик соҳасида ҳам қатор ишларни амалга ошириб, турли мақсадларга мўлжалланган қурилиш ишларини бажарганлар. Меъморчилик иншоотлари нафақат ҳукмрон сулола вакиллари, балки хусусий мулкдорлар томонидан ҳам бунёд этилган. Мамлакатнинг Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қарши, Кармана, Туркистон, Марв, Балх, Ҳирот, Хива каби кўплаб шаҳарларида турли меъморчилик иншоотлари – мадраса ва мачитлар, хонақоҳлар, тимлар, миноралар, ҳаммомлар, карвонсаройлар, сардоба ва кўприклар бунёд этилиб, шаҳарлар деворлари таъмирланди. Мисол учун, Самарқанддаги Шайбонийхон қурдирган Хонийа, Абу Саид ва Қулбобо Кўкалдош номлари билан боғлиқ мадрасалар, Самарқанд яқинидаги сув айирғич, Бухорода шаҳар деворининг таъмирланиши, Мир Араб, Абдуллахон, Модарихон мадрасалари, Тошкентдаги Бароқхон (ҳозирги Хасти Имом) ва Кўкалдош мадрасалари, Туркистонда Шайбонийхон масжиди, Карманада Қосим Шайх масжиди, Балхда қалъа деворининг таъмирланиши, Абдуллахон, Қулбобо Кўкалдош мадрасалари, Ҳиротда Кўкалдош мадрасаси кабилар шулар жумласидандир.

Бухоро хонлигидаги меъморчилик ва шаҳарлар тараққиёти Абдуллахон II даврида, айниқса, юксалди. Ҳозирги Ўрта Осиёнинг деярли бутун ҳудудларини ўз ичига олган давлатни барпо этиш жара-

ёнида Абдуллахон II жуда кўплаб ҳарбий юришлар олиб борган бўлсада, мамлакатдаги иқтисодиёт, маданият, шаҳарлар тараққиётига алоҳида эътибор қаратган. Чунончи, Ўрта Осиёдаги XVI асрга оид меъморчилик обидаларининг асосий кўпчилик қисми бу ҳукмдор даврида бунёд этилган бўлиб, манбаларнинг маълумот беришича, уларнинг сони 1000 дан ошади.

Маълумки, XV асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёда ислом дини тараққиётига Хўжа Аҳрор алоҳида ҳисса қўшади. Кейинроқ эса бу ҳудудлардаги маънавий-диний ҳаётда суфийликнинг бир қатор йирик намояндалари шаклланади. Сиёсий ҳокимиятнинг Шайбонийлар қўлига ўтиши натижасида Темурийлар давридаги йирик диний уламолар янги диний вакиллар, хусусан, XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жўйбор шайхлари билан алмашади. Улардан энг машҳурлари Хожа Муҳаммад Ислом (1493–1563 йй.), Хожа Съаад (1531–1589 йй.), Хожа Тожиддин Ҳасан (1547–1646 йй.), Хожа Абураҳим (1575–1628–29 йй.) кабилар бўлиб, улар Нақшбандия тариқатининг йўлбошчилари эдилар. Бу даврда Мовароуннаҳрда Яссавия ва Кубровия тариқати намояндалари ҳам мавжуд бўлган бўлса-да, бу иккала тариқат вакиллари Мовароуннаҳрнинг сиёсий ҳаётига жуйбор шайхлари каби таъсир эта олмас ва аралашмас эдилар.

Яманнинг Хадрамаути деган жойида туғилган Саид Шамсуддин Абдуллоҳ XV асрнинг 80-йилларида Мовароуннаҳрга келади ва Хўжа Аҳрорнинг муриди бўлади. Ўрта Осиё ислом дини тарихига Мири Араб номи билан кирган бу шахс кейинчалик Шайбонийхон ва Убайдуллахон даврларида жуда катта обрў ва мавқега эга бўлиб, йирик мулкдорга айланади. Туркистондаги Саврон шаҳрида яшаган Мири Араб Бухорога тез-тез бориб, сарой ишларига аралашиб турарди. Унинг мавқеи шунчалик баланд эдики, ҳаттоки хон ва унинг атрофидагилар ҳам у билан ҳисоблашар эдилар.

Шайбонийлар давридаги вилоят ҳокимлари ўзларининг юқори лавозимдаги амалдорлар билан муносабатларини яхшилаш учун тез-тез шайхларга мурожаат этиб турганлар. Шунингдек, ҳукмрон доира вакиллари ҳам ўзларининг сиёсий курашларида суфийлар мададидан фойдаланганлар.

Шайбонийлар даври тарихига хулоса қилиб айтиш мумкинки, бу даврдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётда кўплаб ижобий ўзгаришлар юз берганлигига қарамасдан, ўрта асрлар та-

рихининг бошқа даврларида бўлгани каби, бу даврда ҳам ўзаро урушлар доимий бўлиб турди. Бу даврга келиб, давлат бошқарувида яна кўчманчи ва ярим кўчманчи анъаналар устунлик қила бошлади. Шунга қарамасдан, бу давр Ўзбекистон давлатчилиги тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг таъсири илм-фан ва маданият, шаҳарсозлик ҳамда меъморчилик равнақи билан изоҳланади.

Шайбонийлар сулоласи ҳукмдорлари

Муҳаммад Шоҳбахт Шайбонийхон – 1500–1510 йй.
Кўчкунчихон – 1510–1530 йй.
Абу Саъидхон – 1530–1533 йй.
Убайдуллахон – 1533–1539 йй.
Абдуллахон I – 1539–1540 йй.
Абдулазизхон (Бухорода) – 1540–1550 йй.
Абдуллатифхон (Самарқандда) – 1540–1551 йй.
Наврўз Аҳмадхон-Бароқхон (Тошкентда) – 1551–1556 йй.
Пирмуҳаммадхон – 1556–1561 йй.
Искандархон – 1561–1583 йй.
Абдуллахон II – 1583–1598 йй.
Абдулмўминхон – 1598–1599 йй.
Пир Муҳаммадхон II – 1599–1601 йй.

2. Аштархонийлар сулоласи даврида Ўрта Осиё

Сиёсий тарих. 1598 йилда Абдуллахон II вафот этгач, тахтга унинг ўғли Абдулмўмин ўтирди. Ўзаро урушлар натижасида у узоқ вақт ҳокимиятни бошқара олмай ҳалок бўлди. Тахтга Абдуллахон II нинг амакиваччаси Пирмуҳаммад II ўтириб, у ҳам узоқ вақт ҳукмронлик қила олмади.

Абдуллахон II вафотидан кейин марказий ҳокимиятнинг инқирози ва мамлакатдаги тартибсизликлардан Бухоро хонлигининг ички ва ташқи рақиблари зудлик билан фойдаланишга уринишди. Пирмуҳаммадхон бу рақиблар қуршовларини бартараф қилишга ожизлик қилди. Чунончи, мамлакатнинг жанубида Эрон шоҳи Аббос Сабзавор, Машҳад ва Ҳиротни эгаллаб олди. Юсуф Мунши маълумотларига кўра, «Мовароуннаҳрда ҳам бутун давлатда бўлгани

каби бошбошдоқликлар авж олиб, ҳеч ким бировга бўйсунишни хоҳламади». Ана шундай шароитда янги сулола – Аштархонийлар сулоласи ҳокимият тепасига келди.

Аштархонийлар чингизийлар авлодидан бўлиб, XV асрнинг 80-йилларидан бошлаб Астрахан (Ҳожи Тархон)да хукмронлик қилганлар. XVI аср ўрталарида Астрахан Иван Грозний томонидан босиб олингач, сулола ҳукмдори Ёрмуҳаммад Султон ўз яқинлари билан Бухорога келади. Манба тили билан айтганда, «урус (номила) машҳур насронийлар босқини дастидан (қочиб) Ёр Муҳаммадхон фарзандлари Жонимуҳаммад Султон, Аббос Султон, Турсун Муҳаммад Султон, Пирмуҳаммад Султон ва аҳли аёли билан Мовароуннаҳрга келди».

Бухоро ҳукмдори Искандар Султон Ёрмуҳаммад ҳамда унинг оила аъзоларини яхши кутиб олиб, улар билан дўстона муносабатда бўлди. Орадан кўп ўтмай, Ёрмуҳаммаднинг ўғли Жонимуҳаммад (Жонибек Султон) Исқандархоннинг қизи Зуҳробегимга уйланди. Шу тариқа Ёрмуҳаммад ва унинг авлодлари Шайбонийлар саройида катта мавқега эга бўла бошладилар. Жонибек Султон ва Зуҳробегимдан уч ўғил – Динмуҳаммад, Боқимуҳаммад, Валимуҳаммад туғилди. Вақти келиб Динмуҳаммад Хуросондаги вилоятларнинг бири Обивардга, Боқимуҳаммад эса Самарқандга ҳоким этиб тайинланади.

Бошбошдоқликлар ва ўзаро урушларга чек қўйиш мақсадида 1601 йилда бухоролик бир гуруҳ йирик зодагонлар Жонибек Султонни Бухоро ҳукмдори тахтига таклиф этадилар. Жонибек Султон катта ўғли Динмуҳаммад фойдасига тахтдан воз кечди. Обивард ҳокими Динмуҳаммад эса Бухорога келишда қизилбошлилар билан бўлган тўқнашувда ҳалок бўлди. Шундан сўнг Жонибек Султоннинг иккинчи ўғли Боқимуҳаммад ҳокимиятни бошқарди. Бу пайтда Самарқанд ҳокими бўлган Боқимуҳаммад Боғи шамол атрофларида Пирмуҳаммад II қўшинларини мағлубиятга учратиб, Бухоро тахтига ўтирди (1601–1605 йиллар). Шу тариқа Мовароуннаҳрда тарихий манбаларга кўра, Аштархонийлар (Астрахан ёки Ҳожи Тархонлик ҳукмдорлар) ёки Жонийлар (Жонибек султон номидан) деб ном олган ва бир ярим аср ҳокимият тепасида бўлган сулола ҳукмронлиги даври бошланди.

Илк даврда пул муомаласидаги тангалар Жонибек Султон номидан зарб этилган бўлса-да, амалда ҳокимиятни Боқимуҳаммад бош-

қарди. У мамлакатдаги тарқоқликка барҳам беришга ҳаракат қилиб, аввало Хоразмни мамлакатга қўшиб олди. 1602 йилда Балхни қўлга киритгач, Боқимуҳаммадхон уни укаси Валимуҳаммадга ҳадя қилиб, Андхуд, Шибирғон, Маймана, Бағлон, Бадахшон ва Ҳисорни ҳам Бухорога бўйсундирди. Боқимуҳаммадхон мамлакат ички ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, давлат бошқарувини тартибга солишга ҳаракат қилди. Юсуф Мунши маълумотларига кўра, у «ҳокимият амалдорлари мансабларини қайта кўриб, қўшин тузилишини, фуқаролар ҳолатини назорат қилган» бўлса-да, унинг қисқа муддатли ҳукмронлик даврида бу сиёсий ҳаракатлар ижобий натижа бермади. 1605 йилда Боқимуҳаммадхон вафот этгач, тахтга унинг укаси, Балх ҳокими Валимуҳаммад (1605–1611) ўтиради.

Валимуҳаммадхон ҳукмронлиги даврида ҳам Балх ва Ҳирот учун курашлар давом этди. Бу курашларда Валимуҳаммадхоннинг қўли баланд келган бўлса-да, у 1607 йилда Эрон шоҳи Аббос I билан сулҳ шартномасини имзолади. Бунинг натижасида Хуросон бутунлай Сафавийлар қўлига ўтиб кетди. Натижада, бусиз ҳам Валимуҳаммад саройи ишларига доимий аралашиб юрган, кўп ҳолларда хонсиз ҳам қарор қабул қиладиган, ўзларини сиёсий жиҳатдан мустақил деб ҳисоблайдиган бир гуруҳ бухоролик амалдорлар Валимуҳаммадга қарши 1608 йилда фитна уюштирадилар. Хон Эрон шоҳи Аббос I ҳузурига қочиб кетади. Бухоро тахтида яна бошбошдоқликлар бошланиб кетиб, 1611 йилнинг ёзида Валимуҳаммадхон Аббос I ёрдамида Бухоро тахтини эгаллаши ҳам узоққа чўзилмади. 1611 йилнинг октябрида Самарқанд атрофидаги Имомқулихон билан бўлган тўқнашувда Валимуҳаммадхон ҳалок бўлди. Аштархонийлар тахтига Боқимуҳаммаднинг ўғли Имомқулихон (1611–1642) ўтиради.

Бу даврга келиб маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзбошимчалиги ҳаддидан ошиб, бу ҳолат, айниқса, ўтроқ аҳоли турмуш тарзига салбий таъсир этарди. Имомқулихон ўзбошимча ҳокимлар ҳаракатини сусайтиришга муваффақ бўлди. Имомқулихон Хоразм ва Хуросонни қайта қўлга кирита олмаган бўлса-да, Тошкент, Андижон, Туркистон шаҳарларига хавф солиб турган қозоқлар, қалмиқлар ва бошқа кўплаб кўчманчиларга қарши кураш олиб борди. Айрим ҳолларда уларга ён бериб, кўчманчилар кучларидан Эрон шоҳларига қарши курашда фойдаланди. Имомқулихон Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги ерларга ўғли Искандар Султонни ҳоким этиб тайинлади. Аммо

тошкентликлар Искандар Султон сиёсатидан норози бўлиб исён кўтардилар ва натижада у ўлдирилди. Бунинг эвазига Имомқулихон Тошкентда қирғинбарот ўтказганлиги манбалардан маълумдир.

Шунга қарамасдан, манбаларнинг гувоҳлик беришича, Имомқулихон даврида хон ҳокимиятининг мавқеи ошиб, ички вазият, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий барқарорлик яхшиланди. Муҳаммад Юсуф (ибн Ҳожи Бақо)нинг «Тарихи Муқумхоний» асарида берилишича, «Имомқулихон ночорлар ишини енгиллаштирди, арз билан келганларни қайтармади. Унинг замонида на камбағал, на бечора қолмаганди. Чиқарган буйруқлари ижроси борасида амалдорларига қаттиқ турди, қоронғи тушиши билан оддий кийим кийиб, вазири ва қўрчи билан бозорлару маҳаллаларни айланиб, оддий халқнинг ҳақиқий аҳволидан хабардор бўлиб турарди». Умрининг охирида кўзи ожиз бўлиб қолган Имомқулихон 1642 йилда Маккага ҳаж сафарига жўнаб, 1644 йилда Мадинада вафот этади.

Имомқулихондан сўнг тахтга унинг укаси Нодирмуҳаммад (1642–1645 йй.) ўтирди. Нодирмуҳаммад хон бўлгунига қадар Балх ҳокими бўлиб, узоқ вақт тахтни бошқара олмади. У ҳокимият тепасига келгач, мамлакатдаги аҳвол тезда ўзгариб кетди. Чунки хон давлат ишларида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган зодагонларга яқинлашолмай, улар билан тил топиша олмади. Ундан ташқари, Нодирмуҳаммадхон мамлакатнинг ижтимоий - сиёсий ҳаётида муҳим ўрни бўлган амирлар ва султонлар мавқеини чеклаш билан бирга, мамлакатнинг асосий вилоятларини ўзининг олти ўғли, бир набираси ва икки жиянига бўлиб берди. Жумладан, ўғиллари Абдулазиз Султонга Самарқанд, Хисрав Султонга Бадахшон билан Қундуз, Баҳром Султонга Тошкент, Субҳонқули Султонга Балх, Қутлуқ Муҳаммад Султонга Ҳисор, Абдураҳмон Султонга Шибирғон ва Андхуд, набираси Қосим Султонга Хузор, жиянлари Муҳаммадёр Султонга Шаҳрисабз, Сўфи Султонга Толиқон берилди.

Бундай шароитда, орадан кўп вақт ўтмай, вазият кескин ўзгарди. Саройдаги лавозимлардан озод этилган амалдорларнинг норозилиги кучайиб турган бир пайтда мамлакат ҳудудларига шимолдан кўчманчилар ҳужумлари бошланди. Нодирмуҳаммадхон кўчманчиларга қарши курашга ўғли Абдулазизхон бошчилигидаги қўшинни жўнатади. Олий ҳукмдордан норози бўлган бир гуруҳ амалдорлар 1645 йилнинг апрелида Учтепа атрофидаги Янгисарой деган жойда

Нодирмуҳаммаднинг катта ўғли Абдулазиз Султонни хон деб эълон қиладилар. Бу пайтда Қарши даштларида ов қилиб юрган Нодирмуҳаммадхон ушбу хабарни эшитиб Балхга кочади.

Абдулазизхон ҳукмронлиги даври (1645–1681 йй.) ўзаро курашлар билан бошланди. Балхда ўрнашиб олган Нодирмуҳаммад қолган ўғилларига ва янги хондан норози бўлган Бухоро амирларига таяниб, Абдулазизхон ҳокимиятини тортиб олишга уринди, аммо бунинг уддасидан чиқа олмади. Шундан сўнг Нодирмуҳаммадхон ҳинд ҳукмдори Бобурий шаҳзода Шоҳ Жаҳондан ёрдам сўради. Бундан фойдаланган Бобурийлар Балх ва Бадахшонни эгаллаб, бу ҳудудларда икки йил ҳукмронлик қиладилар. Нодирмуҳаммад эса Эрон шоҳи ҳузурига қочиб кетди. 1647 йил октябрда Абдулазизхон Балхга ҳужум қилиб, уни Бобурийлардан тортиб олди. Нодирмуҳаммад эса 1651 йилда ҳаж сафарига кетиб, йўлда вафот этди.

Абдулазизхон даврида мамлакатда нотинчликлар ҳукм сурди. Айниқса, Балхда ҳукмронлик қилаётган Субҳонқули Султон билан Абдулазизхон ўртасидаги кураш кескинлашди. Абдулазизхон Балхни Бухорога бўйсундиришга бир неча марта уринган (1652–1657 йй.) бўлса-да, Субҳонқули Султонни мағлуб эта олмади. Бундан ташқари, олий ҳокимиятнинг заифлашгани ҳамда ўзаро урушлардан фойдаланган Хива хонлари Бухорога тез-тез ҳужумлар уюштириб турдилар. Улар 1658 йилда Кармана ва Вардонзани талон-тарож қилиб, 1662 йилда Бухорогача етиб келдилар. Балх можаролари 1658 йилда Абдулазизхоннинг пири Абдуғаффор хожанинг аралашуви билан бироз барҳам топган бўлса-да, амалда Субҳонқули Султон Балхни мустақил бошқарган.

Хива билан узоқ урушлар устига мамлакатдаги турли ижтимоий қатламлар ўртасидаги ихтилофларнинг кескинлашиб бориши мамлакат ҳаётига салбий таъсир кўрсатган. Манба тили билан айтганда, Абдулазизхон даврида «Мовароуннаҳр ва Балх вилоятлари хоразмликлар ва қозоқлар ҳужумлари туфайли ҳалокат ёқасига келиб қолди». Қариб қолган Абдулазизхон душман ҳужумларини қайтаролмай қолган эди. Ундан ташқари, унинг даврида йирик ер эгаларининг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигининг кучайиши марказий ҳокимиятни янада заифлаштирганди.

1681 йилда Абдулазизхон тахтни укаси Субҳонқули Султонга топшириб, ўзи ҳаж сафарига жўнайди. Субҳонқулихон (1681–1702 йй.)

ҳукмронлиги йилларида ҳам мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият ўзгармади. Чунончи, Субҳонқулихон даврида унинг ўғиллари ўртасида Балх ҳокимияти учун кураш янада авж олди. Бу жараёнда унинг ўғилларини Балхдаги обрўли хонадонлар қўллаб турдилар. Маҳаллий амалдорлар давлат хазинасига ҳам солиқлар тўламаганлар. Бу ҳолат марказий ҳокимиятнинг Балхдаги мавқеи ниҳоятда заифлашиб кетганидан ва маҳаллий сиёсий кучларнинг, хусусан, йирик амирларнинг мавқеи ошиб кетганидан далолат беради.

Янги ҳукмдорнинг ҳокимият тепасига келиши Бухоро ва Хива муносабатларини ҳам юмшатмади. Хиваликлар Абдулазизхон ва унинг ўғли Анушахон бошчилигида Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларига талончилик юришлари уюштириб, шаҳар ва қишлоқларни вайронага айлантирдилар. Оқибатда суғориш ишлари издан чиқиб, деҳқончиликка путур етди. Бозорларда қимматчилик бошланиб, халқнинг аҳволи ёмонлашди. Мана шундай шароитда Субҳонқулихон давлатнинг бўшаб қолган хазинасини тўлдириш мақсадида қўшимча солиқларни жорий этиб, бир неча йиллик солиқларни олдиндан йиғиб олишга буйруқ берди.

Субҳонқулихоннинг ўғли Убайдуллахон (1702–1711) мамлакатда ҳукм сураётган сиёсий тарқоқликни тугатишга ҳамда марказий давлат ҳокимиятини мустаҳкамлашга ҳаракат қилган сўнгги Аштархоний ҳукмдори бўлди. Унинг Самарқанд, Ҳисор, Термиз ва Шаҳрисабзга қилган юришлари натижасиз тугаган бўлса-да, узоқ қамалдан сўнг Балхни эгаллашга муваффақ бўлди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Убайдуллахон Балхни эгаллагач, қўшиндаги отлар ва туялар деҳқонлар экинларини пайҳон қилмасликлари ҳақида буйруқ беради. Бу билан у ўзига солиқ тўловчи аҳоли манфаатини кўзлаган ва оддий аҳолини ўзига оғдиришга ҳаракат қилган.

Шунга қарамасдан, Убайдуллахоннинг маҳаллий ҳукмдорлар ҳамда амирларнинг сепаратик қаршилигини синдириш йўлидаги кўплаб ҳаракатлари самара бермади. Убайдуллахон давлатдаги бошқарув аппаратида ислоҳот ўтказишга ҳаракат қилиб, кўплаб амалдорларни мансабидан четлаштирди. Уларнинг ўрнига ҳунармандлар ва савдогарларнинг болаларини турли мансабларга тайинлади. Шунингдек, у мамлакатдаги йирик ер эгалари бўлган жўйбор шайхларининг солиқ имтиёзларини бекор қилди. Аммо Убайдул-

лахоннинг бу ҳаракатлари унга норози кучларнинг кўпайишига хизмат қилди холос.

Убайдуллахон мустақил амирларнинг иқтисодий қудратига зарба бериш, давлат хазинасини бойитиш ҳамда мамлакат молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида 1708 йилда пул ислоҳотини ўтказди. Бу ислоҳотга кўра, хазинада мавжуд кумуш тангалар эритилиб, ҳар биридан тўртта кумуш танга қайта зарб қилинди. Қиймати паст бўлган янги тангалар эски тангалар билан бир хил муомалада бўлиши эълон қилинди. Аммо зарб этилган паст қийматли тангалар бозорларда савдогарлар томонидан олинмасдан, дўконлар ёпиб қўйилди. Натижада, аҳолининг норозилиги кучайиб, Бухорода қўзғолон кўтарилди. Бу қўзғолон катта қийинчилик билан бостирилган бўлса-да, мамлакатдаги аҳвол яхшиланмади ва 1711 йилда Убайдуллахон фитнанинг қурбони бўлди.

Убайдуллахоннинг ўлимидан сўнг мамлакатда сиёсий тарқоқлик янада кучайди. Алоҳида вилоятларнинг ҳарбий - сиёсий қудрати орта бориб, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Балх, Шаҳрисабз ва Бадахшон ҳокимлари ўзларини мутлақо мустақил ҳисоблаганлар. Мана шундай шароитда Бухоро тахтига 16 ёшли Абулфайзхон (1711–1747) ўтказилди. Айрим манбалар Абулфайзхон тахтга ўтирган пайтдаёқ Убайдуллахоннинг сиёсатини давом эттиришга ҳаракат қилганлигини тасдиқласа-да, унинг атрофидаги амирлар бу ҳаракатларга кескин қарши чиқдилар. Ҳар томонлама мавқега эга бўлган амирлар Абулфайзхондан ўз манфаатлари йўлида фойдаландилар ва охир-оқибатда Абулфайзхон қўғирчоқ ҳукмдорга айланиб қолди.

Мамлакатдаги турли ҳукмдорлар ўртасидаги сиёсий тарқоқлик авж олган бир шароитда манғит уруғидан бўлган Муҳаммад Ҳакимбий ҳокимиятни эгаллашга ҳаракат қила бошлади. Саройдаги оталиқ мансабида бўлган Ҳакимбийнинг қўлига ҳокимият ўтишига кўпгина амирлар қарши чиқдилар. Улар орасида Шаҳрисабз ҳокими Иброҳимбий кенагас 1722 йилда ўзининг бир гуруҳ маслакдошлари билан асли келиб чиқиши Хива хонларидан бўлган Ражаб Султонни Самарқанд ҳокими деб, ўзини эса «амирлар амири» деб эълон қилди. Ражаб Султон бошчилигида бир нечта ўзбек уруғлари амирларини бирлаштирган Иброҳимбий Бухорога юриш қилди. Бу юришда Муҳаммад Ҳакимбий мағлубиятга учраган бўлса-да, Ражаб Султон Бухорони эгаллай олмади ва қозоқ султонларидан ёрдам сўради.

Аштархонийлар, хусусан, Убайдуллахон ва Абулфайзхон даврларида **қўшбеги** лавозимидаги амалдорларнинг ҳам мавқеи ўсган. Аниқроғи, шу мансабдаги шахснинг мавқеи кўтарилиши билан у эгаллаб турган лавозимнинг ҳам аҳамияти юксалган. Мисол учун, «Убайдуллаҳома»да маълумот берилишича, Тўрақули қўшбегибоши мансабга тайинлаш ва унвон бериш, хон ёрлиғисиз шахсан ёзма кўрсатмалар тарқатиш, олий қабулларда ўз хоҳиши билан иштирок этиш каби имтиёзларга эга бўлган. Ўша манба тили билан айтганда, бу даврда қўшбегибоши «амирларнинг энг улуғи» эди.

Бу даврда Бухородан кейинги энг нуфузли шаҳар Балх бўлиб, уни тахт вориси бошқарар эди. Расмий даражадаги давлат бошқаруви икки босқичли бўлиб – **марказий ва маҳаллий бошқарув** тизимига эга эди. Вилоят ҳокимларининг марказий ҳокимиятга бўйсуниши белгиланган йиллик солиқларни тўплаб, хон хазинасига юбориб туриши, хон фармонига кўра, ҳарбий юришларда ўз қўшинлари билан қатнашишдан иборат бўлган холос. Кўп ҳолларда ўзларини марказий ҳокимиятдан мустақил деб ҳисоблаган вилоят амирлари ва ҳокимлари ҳам ўз бошқарув тизимига ва ҳарбий кучларига эга бўлган.

Бу даврда амалдорлар тоифасига кирган шахслар ўз эгаллаб турган лавозимларидан, масъулиятли вазифаларидан ташқари, сиёсий жараёнлар ва ҳарбий юришларда ҳам иштирок этганлар. Мисол учун, манбаларга кўра, 1722 йилда Вобкент остонасидаги Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ бошчилик қилган Абулфайзхон ва Самарқанд ҳокими Ражаб Султон қўшинлари билан бўлган тўқнашувда девонбеги, қўшбеги, парвоначи, додҳоҳ, мирохўр, эшикоғабоши, тўқсабо, дастурхончи каби мансабдорлар ҳам иштирок этганлар.

Бу даврдаги бошқарувда дунёвий лавозимдаги амалдорлар билан бир қаторда, **диний лавозимдаги** амалдорларнинг ҳам мавқеи баланд бўлган. Бошқарув тизимида йирик дин пешволари **хожалар** ва диний мансаб эгалари бўлмиш **шайхулислом, садр, қози калон** ва бошқалар катта аҳамиятга эга бўлган.

Илгариги даврда бўлганидек, бу даврда ҳам давлат бошқарувида Жўйбор хожаларининг мавқеи баланд бўлиб, асосий диний мансабдорлар улар ичидан тайинланган. Бухоро шайхулисломи ҳам жўйбор шайхлари орасидан тайинланиб, Абулфайзхон даврида бу лавозимни Хожа Яҳёнинг ўғли Муҳаммад Ҳаким Хўжа эгаллаган. Шайхулислом жамиятда жуда катта роль ўйнаган бўлиб, нафақат диний,

балки барча ишлар бўйича ҳукмдорнинг доимий маслаҳатчиси бўлган. Ҳар бир вилоятнинг ўз қозиси бўлиб, улар диний, оилавий, ворисчилик ҳамда жиноий ишларни кўриб чиққанлар. Ҳарбийлар учун ҳам алоҳида қозилар бўлиб, улар **қозийи-аскар** деб аталган.

Бухоро хонлигидаги ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда **муфтининг** ўрни алоҳида бўлган. Муфти фиқҳ (ҳуқуқ) ва ҳадисни жуда яхши биладиган қонуншунос бўлиши лозим бўлган. XVII асрнинг охири – XVIII аср бошларида давлат ҳокимиятининг заифлашуви оқибатида дарвиш гуруҳларининг ҳам роли ортиб борган.

Аштархонийлар даврига келиб Бухоро хонлиги ҳудудлари кескин қисқариб кетди. XVIII аср бошларига оид манбаларда хонликка бўйсунувчи олтита вилоят: Бухоро, Самарқанд, Сагараж, Ўратепа, Шаҳрисабз ва Хузор тилга олинади. Имомқулихон ҳукмронлиги даврида Ҳисор, Туркистон, Фарғона ва Балх вилоятлари вақтинчалик қайта бирлаштирилган бўлса-да, Абулфайзхон даврига келиб, Хива (вилояти) ва Қўқон хонликлари алоҳида давлат эди.

Мавжуд манбаларда Бухоро хонлигига бўйсунувчи вилоятлар ўртасидаги аниқ маъмурий чегаралар ҳақида маълумотлар сақланиб қолмаган. Кўпгина вилоятлар, хусусан, Ҳисор, Шаҳрисабз, Фарғона амалда ярим мустақил бошқарилиб, Бухорога номигагина тобе ҳисобланган. Аввалги даврда бўлганидек, аштархонийлар давлати вилоятлар, туманлар ва бошқа маъмурий бирликларга бўлинган.

Қишлоқ хўжалиги ва аграр муносабатлар. Аштархонийлар даврида ҳам давом этган сиёсий парокандалик, урушлар ва ўзаро курашлар мамлакат иқтисодиётининг асоси бўлган қишлоқ хўжалигига ҳам таъсир этмасдан қолмади. XVIII асрга оид айрим манбалар Зарафшон ва Фарғона водийсидаги деҳқонларнинг ўз ерларидан қочиб кетиши ҳолатлари ҳақида ҳам маълумотлар беради. Ҳукмдорлар солиқ ва ўлпонларни ўз вақтида ва доимий йиғиб олиш учун ҳам мамлакат иқтисодиётини кўтаришга ҳаракат қилсалар-да, бу ҳаракатлар аксарият ҳолларда самарасиз тугарди. XVII асрнинг бошларига келиб кўплаб суғориладиган ерлар жўйбор шайхларига берилган. Шариат қонунларига кўра, сув сотилмаслиги ва сотиб олиниши мумкин бўлмаса-да, бой амалдор ва руҳоний ер эгалари суғориш каналларининг хўжайинлари эдилар. XVII аср 80-йилларининг охирларида Хива ҳукмдорларининг кўплаб ҳужумлари натижасида келиб чиққан сув таъминотининг бузилиши Аштархонийлар давла-

тидаги кўпгина вилоятларда, айниқса, Самарқанд, Қарши, Фарғона вилоятларида очарчиликка сабаб бўлди. Манба тили билан айтилганда, «деҳқонларда тариқ ва буғдой нони йўқ эди».

Сиёсий беқарорлик ва ўзаро урушлар давом этиб турган оғир шароитда ҳам деҳқонлар ўз хўжаликларини тиклашга ҳаракат қилганлар. Бухоро хонлигининг асосий деҳқончилик ҳудуди Зарафшон воҳаси эди. Сўнгги ўрта асрлар муаллифлари бошқа вилоятларда ҳам экинлар ва боғ-роғлар мавжудлиги ҳақида маълумотлар берадилар. Мисол учун, Фарғонанинг «ажойиб боғлари ва далалари», Қаршининг «суғориладиган ерлари», Тошкент воҳасининг «тоғли ғалла-кор туманлари», Термизнинг «яхши қовунлари ва ғалласи», Шаҳрисабзнинг «яхши ҳосил берувчи ерлари» ҳақида маълумотлар бор.

Ашгархонийлар даврида суғориладиган ерларга Ўрта Осиё минтақаси учун анъанавий бўлган буғдой, арпа, жўхори, ловия, мош, шоли, пахта, сабзавот ва полиз экинлари, дашт ва тоғолди адирларидаги лалми ерларда буғдой, арпа, қовун, тарвуз ва бошқалар экилиб, деҳқончилик қилинган. Ўзаро урушлар деҳқончилик тараққиётини бирмунча орқага суриб турган бўлишига қарамасдан, тинчлик даврларида ерлардан анча юқори ҳосил олинган.

Бу даврда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида полиз экинлари етиштириш анча ривожланган. Бу экинлар орасида қовун, айниқса, кўп етиштирилган. Бу ҳақда «Бобурнома»да шундай маълумот берилади: «Мовароуннаҳрнинг ҳеч қаерида Бухородагидек кўп ва хўб қовун бўлмайди. Фарғона вилоятида, Ахсида Бухороникидан ҳам ширинроқ мири тимурий навли қовун бўлса-да, Бухорода қовунларнинг нави кўп, улар ҳам жуда ширин». Маҳмуд Ибн Вали (XVII аср) ҳам ҳозирги Ўзбекистоннинг кўпгина ҳудудларида қовун етиштирилганлиги ҳақида маълумотлар беради. Полиз маҳсулотларидан, асосан, пул кўринишида солиқлар олинган.

Суғориладиган ерларнинг кўпчилик қисмини боғлар ва узумзорлар ташкил қилган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент каби шаҳарлар атрофида боғлар, чорбоғлар мавжуд бўлган.

Бу даврда чорвачилик ҳам қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи сифатида катта аҳамиятга эга эди. Хон ва йирик сарой амалдорлари, дин пешволари, қабила бошлиқлари, йирик чорвадор бойларга тегишли катта-катта яйловларда, дашт ҳудудларда минг-минглаб қўйлар, подалар, йилқилар, туялар боқилган. Бобур маълумотлари-

га кўра, йирик зодагонларнинг 30–40 мингтагача қўйлари бўлган. Андижон бекларидан бири қалъа ҳимояси пайтида бу ердаги аскарларга 18 мингта қўй тарқатган. Айрим ҳудудларда, масалан, Қоракўлда қорақўл териси, Қаршида қора ва кўкимтир кулранг тери ишлаб чиқариш ривож топган. Қўйчилик ярим кўчманчи аҳолининг асосий бойлиги ҳисобланган.

Ўтроқ деҳқончилик туманларида анъанавий уй чорвачилиги ривожланган. Сут-қатиқ учун сигир, семиртириб боқиш учун буқа ва қўй боқиш давом этган. Ҳўкизлар ва отлардан деҳқончиликда омоч тортиб ер ҳайдашда кенг фойдаланилган. Чорвачилик ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган қўйлар, йирик шохли ҳайвонлар, қорабайир отлар, икки ўркачли туялар ҳамда жун, тери ва бошқа маҳсулотлар етказиб берадиган асосий тармоқ сифатида аштархонийлар даврида ҳам ўз мавқеини сақлаб қолди.

Айрим аштархоний ҳукмдорлари даврида мамлакатнинг асосий бойлиги ҳисобланган ерни тақсимлаш расман олий ҳукмдор қўлида бўлса-да, амалда кўплаб давлат ерлари йирик амалдорлар ва дин пешволарига тегишли эди. Айниқса, XVIII асрдан бошлаб, ярим кўчманчи қабилалар бошлиқлари бўлган амирлар ва бекларнинг ҳокимияти кучайиб, улар амалда йирик ҳудудларнинг хўжайинлари эдилар.

Шайбонийлар даврида бўлгани каби аштархонийлар даврида ҳам давлат ерлари **мамлакаи девон, мамлакаи подшоҳи, замини мамла, мамлакаи султони, мамлака** каби номлар билан аталган. Олий ҳукмдор ерни сотиш, ҳадя этиш ёки вақф мулкига ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган. Шартли ер эгалари **суюрғол, иқта, танҳо, тиул** каби номлар билан аталган. Таъкидлаш лозимки, XVII–XVIII асрларга келиб, суюрғолнинг мазмуни ўзгаради. Бу даврга келиб суюрғол, асосан, ҳукмдор хизматида бўлган руҳонийлар – сайидлар, хўжалар, шайхлар, уламолар, шунингдек, шоирларга ҳадя қилинган. Маҳмуд ибн Вали шундай маълумот беради: «Агар подшо ерни кимгадир ҳадя тариқасида берса, бундай ерлар уламолар ва сайидларга берилса, суюрғол дейилади, агар ҳарбийларга берилса, у ҳолда танҳо дейилади».

Шаҳарлар. Ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ. Илгариги даврларда бўлгани каби сўнгги ўрта асрлар даврида ҳам жамият ҳаётидаги шаҳарларнинг роли асло пасаймаган. Савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик, асосан, шаҳарларда марказлашган бўлиб, фан ва маданият ҳам шу ерда тараққий этган. Йирик иқтисодий, сиёсий-маъмурий ва мада-

ний марказлар бўлган Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарлари Мовароуннаҳрнинг иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнаган.

Самарқанд ўзининг ихтисослашган бозорлари ва савдо қаторлари билан ажралиб турган. Манбаларда ёзилишича, «бу шаҳарнинг битта ўзига хос хусусияти борки, бу хусусият бошқа шаҳарларда кам учрайди, яъни ҳар бир маҳсулот учун алоҳида бозор бўлиб, улар бири-бири билан аралашиб кетмайди. Бу ажойиб анъанадир». Дарҳақиқат, Аштархонийлар даврига оид турли манбалар Самарқанддаги кўзагарлар, темирчилар, заргарлар, чопондўзлар, дўппидўзлар, баққоллар, қассоблар, чўянчилар, читпазлар, бўёқчилар, нонфурушлар каби кўплаб алоҳида бозорлар ҳақида маълумотлар берадилар. Бу даврдаги кўплаб меъморий иншоотларнинг қурилиши туфайли шаҳарнинг кўриниши ҳам ўзгарди. Мисол учун, ўзбек амирларининг мавқеи кучайган даврда Ялангтўшбий томонидан Регистон майдонида Шердор ва Тиллакори (1631–1642) мадрасалари бунёд этилди. Самарқанд атрофларида боғ-роғлар билан бир қаторда, сув тегирмонлари ҳам мавжуд бўлган. Қоғоз ишлаб чиқариш, жумладан, бутун дунёга машҳур бўлган Самарқанд қоғози ишлаб чиқариш устахоналари ҳам мавжуд бўлган.

Бу даврда Тошкент мамлакатнинг маъмурий бошқарув ва иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнаган бўлиб, бу ерда ички ва ташқи бозор учун кўплаб маҳсулотлар мавжуд эди. Тошкент, айниқса, тоғкон саноати маҳсулотлари қозоқ даштлари билан савдо-сотиқ муносабатларида машҳур бўлганлиги манбаларда эслатиб ўтилади. Тошкент атрофларида боғлар ва узумзорлар мавжуд бўлган. Тошкент қалъаси ташқарисида Кайковус чорбоғи жойлашган. Манбаларда бу чорбоғ «улуғ султонлар тахтининг жойи» ва Тошкент ҳокимларининг қароргоҳи сифатида қайд этилади.

Тошкентда ва унинг атрофларида турли мамлакатлардан келган савдогарлар тўхташлари учун карвонсаройлар мавжуд бўлган. Шунингдек, карвонсаройлар Чирчиқ дарёси бўйлаб кетувчи тоғ йўли бўйларида ҳам қад кўтарган. Тошкентнинг кенг дашт ҳудудлари чегарасидаги воҳада жойлашганлиги бу даврда ҳам шаҳар хўжалигининг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга бўлган бўлса-да, манбалар кўчманчиларнинг кўплаб ҳужумлар уюштирганликлари ҳақида ҳам маълумотлар беради. Шу билан бирга, Тошкентнинг ҳимоя де-

ворлари кўп марталаб шаҳар аҳолисининг ҳимоясини таъминлаганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Шайбонийлар давридаёқ пойтахтга айлантирилган Бухоро шаҳри ҳам йирик ҳарбий-сиёсий, маъмурий ва маданий марказлардан бўлиб, аштархоний ҳукмдорларининг қароргоҳи шу ерда жойлашган эди. Мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган Бухоро шаҳри манбаларга кўра, «бир нечта дарвозаси бўлган баланд девор билан ўраб олинган ва уч қисмга бўлинган. Унинг икки қисми ҳукмдорга, бир қисми эса савдогарлар ва бозорга тегишлидир». Шаҳарда зич қурилган турар жойлар ҳамда хўжалик иншоотлари (карвонсаройлар, тимлар, ҳаммомлар ва бошқ.) жуда кўп бўлиб, унча аниқ бўлмаган маълумотларга кўра, унинг ҳудуди ва атрофида деҳқончилик қилинадиган ерлар бўлган.

Мамлакатнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида бир неча бошқа шаҳарлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. XVII–XVIII асрнинг баъзи йилларида Андижон Фарғонанинг маркази бўлган бўлса, айрим пайтларда бу вазифани Ахси шаҳри бажарган. Бу даврда Қарши, Шаҳрисабз, Термиз, Жиззах, Хўжанд, Хоразмдаги шаҳарлар, кейинроқ Қўқон каби кўплаб йирик шаҳарлар мавжуд бўлган бўлса-да, марказдан қочувчи кучлар ҳукмронлиги шароитида шаҳарлар ўртасида савдо - иқтисодий алоқалар суст эди. Сиёсий тарқоқлик ҳамда ярим мустақил мулкларнинг мавжудлиги уларнинг ўзаро алоқаларини сезиларли даражада чеклаб қўйган эди.

Бу даврда ҳунармандчиликнинг асосий марказлари шаҳарлар бўлган бўлса-да, ўзаро иқтисодий муносабатларнинг заифлашуви ҳамда натурал хўжаликнинг ривожланиши сабабли энг керакли ҳунармандчилик маҳсулотлари етиштириш кўпгина йирик қишлоқларда ҳам ривожлана бошлайди. Мамлакатнинг ҳунармандчилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи, асосан, маҳаллий ҳунармандлар маҳсулотлари ҳисобига қондириларди. Бу даврда тўқимачилик ва у билан боғлиқ ҳунармандчилик турлари (ип йигириш, газламалар тайёрлаш, кийимлар тикиш ва бошқалар) ривожланишда давом этади.

Самарқанд ва Бухородаги ҳунармандчиларнинг катта қисми мато билан шуғулланувчи кичик ишлаб чиқарувчилар бўлган. Мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам турли-туман матолар тайёрланган. Мато тайёрлаш маҳсулот сифати, ипагининг тури, қайта ишланиши, ранг берилиши жиҳатлари билан фарқланиб турган. Матоларнинг

асосий хом ашёси пахта, ипак, кам ҳолларда жун ҳисобланган. Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз каби шаҳарлар ва уларнинг атрофларидаги йирик қишлоқлар олача, бўз, чит, духоба каби матолар билан шуҳрат қозонган.

Бу даврда ҳунармандчиликнинг энг ривожланган тармоқларидан бири бўлган кулолчилик мамлакатнинг барча йирик шаҳарларида, кўпгина қишлоқларида мавжуд бўлиб, бу соҳанинг ривожида бутун Ўрта Осиёга хос анъаналар билан бирга, маҳаллий хусусиятлар ҳам алоҳида ажралиб туради. Кулолчилик маҳсулотлари тайёрловчи ҳунармандлар, асосан, уч тоифага: косагарлар (егуликлар, мевалар, ширинликлар учун идишлар), кўзагарлар (суюқликлар учун идишлар, хумлар) ва қурилиш ашёлари (силлиқланган ғиштлар, тандирлар) тайёрловчиларга бўлинган. Ички бозорда кулолларнинг маҳсулотига талабнинг юқорилиги, хом ашё манбаи бўлган соф тупроқнинг кўп жойларда мавжудлиги кулолчиликнинг тараққиётини таъминлаган эди.

Ёғочга ишлов берувчи ҳунармандлар ёғоч хом ашёсидан турли-туман маҳсулотлар тайёрлаганлар. Бундай ҳунармандлар эшиклар ва дераза ромлари, аравалар ва ғилдираклари, сандиқлар, бешиклар, меҳнат қуролларига дасталар ва соплар, қайиқлар (Амударё ва Сирдарё бўйларида) каби кўплаб маҳсулотлар тайёрлаганлар. Энг яхши усталар ёғочга нақш бериш билан шуғулланганлар. Бой зодагонлар уйларининг пештоқлари, эшиклари, устунлар, шунингдек, масжид ва мадрасалар устунлари, хонақоҳлар эшиклари жимжимадор ва мураккаб шаклдаги нақшлар билан безатилган.

Илм-фан ва маданият. Меъморчилик. Ўтган даврларда бўлгани каби Аштархонийлар даврида ҳам кўп тармоқли илм-фан, меъморчилик ва амалий санъат, маданият тараққиёти давом этди. Бу даврдаги ижтимоий-фалсафий фанлар илгариги асрлар анъаналари асосида тараққий этиб, бир қатор даврга мос йўналишлар ҳам пайдо бўлди. Замонавий тадқиқотчилар бу даврдаги ижтимоий-фалсафий фанлар ривожи, айниқса, адабиёт, тарихнавислик, фалсафий-ҳуқуқий ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий йўналишларда, айниқса, сезиларли бўлганлигини таъкидлайдилар.

Бу даврда ўрта асрлардаги анъанавий тарихнавислик давом эттирилиб, кўпгина тарихий адабиётлар яратилди. Чунончи, Маҳмуд ибн Валининг XVI аср охири – XVII аср бошларидаги Хуросон ва

Мовароуннаҳр тарихига оид «Баҳр ал-асрор» асари, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг Балх ҳокими Муқимхонга атаб ёзилган «Тарихи Муқимхоний» асари, Хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ал мулк» бадиий-тарихий асари, Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдулланома», Муҳаммад Вафо Карманагийнинг «Туҳфат ул - хоний», Абдураҳмон Толенинг «Тарихи Абулфайзхон» каби тарихий асарларини айтиб ўтиш лозим. Бу асарларнинг аксариятида хон ҳокимиятини, унинг шахсини улуғлаш билан бирга, ўша давр жамиятидаги инқирозли ҳолатлар сиёсий тарқоқлик ва ўзаро урушлар натижаси эканлиги тўғри англаниб, унга барҳам беришнинг асосий чораси ҳокимиятни марказлаштириш ҳамда уни адолатли бошқаришдир, деган фикрлар ҳам илгари сурилган. Шунингдек, ушбу тарихий асарларда мусулмон оламида кенг тарқалган афсоналар, ривоятлар, шеърий ҳамда насрий шаклдаги ҳикматли сўзлар, Қуръон оятлари ҳамда диний китоблардан парчалар тарихий воқеаликка ўта маҳорат билан сингдириб юборилган. Бу ҳолат аштархонийлар даври тарихшунослигида ҳам ўрта аср анъаналари давом эттирилганлигининг белгисидир.

XVII аср Ўрта Осиёдаги ижтимоий-фалсафий фикрларнинг йирик вакилларидан бири Ибн Муҳаммаджон Юсуф ал-Қорабоғийдир (1563–1647). Кавказнинг Қорабоғ қишлоғида (Озарбайжон) таваллуд топган ушбу аллома аввал Ширвон, Шероз кейин эса Самарқандда ижод этиб, Бухорода вафот этган. Фалсафий йўналишда ижод қилган Қорабоғий тиббиёт, астрономия каби табиий фанларни яхши билиши билан бирга, шеърлар ҳам ёзиб турган. Қорабоғий бутун дунёни ягона танага ўхшатиб, унинг аъзолари қонуний бир-бирига боғлиқлигини таъкидлаб шундай ёзади: «Одам ягона вужуд ҳисобланади ва барча мавжуд нарсалар, мавжудот унинг аъзолари ҳисобланади».

XVII асрнинг Ўрта Осиёдаги мутафаккирларидан яна бири Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад ал-Бухорий бўлиб, у ал-Мавлиёвий тахаллуси билан ҳам маълумдир. Ал-Бухорийнинг ижоди фақат фалсафий қарашлар билан чегараланиб қолмай, тарих, шеърият, ҳуқуқ, тилшунослик кабиларни ҳам қамраб олади. Мутафаккирнинг бизга қадар етиб келган бўлиб, бу асарларда асосий эътибор ўрта асрларда кенг тарқалган руҳлар ва инсоннинг руҳий кучларига қаратилган. Муҳаммад ал-Бухорий ўзигача бўлган му-

тафаккирлардан фарқ қилган ҳолда руҳнинг тўрт кўринишини ажратади. Булар табиий, ўсимлик, ҳайвонот ва инсоният руҳларидир.

Аштархонийлар давлатида адабиет, айниқса, Субҳонқулихон даврида анча равнақ топди. Бу даврда ижод қилган шоирлар орасида Турди Фароғий фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбекларнинг юз уруғидан бўлган бу шоир Абдулазизхон даврида катта нуфузга эга бўлиб, сарой доираларига яқин бўлган. Турди Фароғийнинг бизга қадар тўрт юз мисрадан ортиқ шеърлари етиб келган бўлиб, уларда оддий меҳнаткаш халқ аҳволига ачиниш, амалдорлар зулмини қоралаш, ўзаро тинч-тотувлик ва аҳилликка чақириш ғоялари илгари сурилади.

XVII–XVIII асрларда Бухорода тўртта йирик тазкира яртилади. Булар – Мутрибийнинг «Тазкират аш-шуаро», Малиҳо Самарқандийнинг «Музаккир ал-асҳоб», Мулла Содиқ Самарқандийнинг «Риёз аш-шуаро», Нурмуҳаммад Насафийнинг «Масхан ан-мусаннифин» тазкираларидир. Биргина Мутрибийнинг тазкирасида уч юз йигирмадан зиёд шоирлар ҳақида маълумотлар бор. Бу даврда Сайидо Насафий Қаршида тикувчилик қилиб, ижод қилган бўлса, Самарқандлик ижодкорлар Ғофур Самарқандий атторлик, Масиҳо темирчилик, Манзур Самарқандий косиблик, Фитрат Самарқандий зардўзлик билан шуғулланганлар. Шунингдек, XVII–XVIII асрлар Хивада яшаб ижод этган Абулғози Баҳодурхон, Нурмуҳаммад Ғариб Андалиб, Паҳлавон Равнақ, Муҳаммад Ниёз Нишотий, Қўқонда яшаб ижод этган Бобораҳим Машраб, Хўжа Назар ўғли Ҳувайдо, Мулла Шермуҳаммад Акмал каби ижодкорларни санаб ўтиш мумкин.

Бу даврда табиий фанлар равнақи учун кўпгина ишлар ҳам амалга оширилган. Хусусан, Хон Улум тахаллуси билан маълум бўлган Қози Муҳаммад Акбархон Эрон алломаси Баҳовуддин Омияйнинг «Хулосат ал-Ҳисоб» («Арифметиканинг моҳияти») китобига изоҳлар ёзган. Бир қатор математик асарлар меросни тақсимлаш масалаларига қаратилган бўлиб, Турсун ал-Зоминийнинг «Турфа-йи амир» («Амирга ҳадялар»), Муҳаммад Амин ас-Чахорёкининг «Масоил-и ададия» («Арифметиканинг қўлланилиши»), «Рисола фи-л-васият» («Васият ҳақида рисола»), Ал-Бадиий ал-Хисорийнинг асарлари шулар жумласидандир. Шунингдек, Мирза Бади Девон «Мажма ал-аркам» асарининг каттагина қисми математикага бағишланган.

Бу даврда меъморчилик ҳам ўзига хос йўналишларда ривожланганлигини кузатиш мумкин. XVII–XVIII асрларга келиб, маҳобатли меъморчиликда минтақавий меъморчилик мактаблари: Хоразм, Мовароуннаҳр, Фарғона, Тошкент кабиларнинг ўзига хос хусусиятлари кузатилади. Бу даврда Бухоро, Хива, Самарқанд, Тошкент, Шаҳрисабз, Термиз каби кўплаб шаҳарлар ўрта асрлар анъанавий тузилиш шаклларини сақлаб қолади. Мамлакатнинг барча ҳудудларида кўплаб масжид ва мадрасалар, бозорлар, хонақоҳлар, карвонсаройлар, работлар, ҳаммомлар, сардобалар ва бошқа меъморий иншоотлар барпо этилади. Меъморий иншоотлар орасида Бухорода Абдулазизхон томонидан бунёд этилган мадрасани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ундаги мармар тахтачалар, қимматбаҳо кошин безаклар, нафис, ганчли гумбазлар ушбу давр меъморчилигида ҳам етакчи анъаналар сақланиб қолганлигидан далолат беради. Шунингдек, Бухорода Убайдуллахон томонидан мадраса ва масжид, Боқи Муҳаммадхон томонидан масжид, Субҳонқулихон томонидан касалхона (Даруш-шифо), Нодир Девонбеги томонидан масжид ва мадрасадан иборат меъморий мажмуа – Лаби Ҳовуз кабилар бунёд этилган.

Бу даврда Самарқандда ҳам ҳозирги кунгача сақланиб қолган меъморий иншоотлар барпо этилган. Хусусан, Самарқанддаги йирик мулкдорлардан бири бўлган Ялангтўшбийнинг Регистон майдонида бунёд этган иккита йирик мадрасаси диққатга моликдир. Бу иншоотлардан бири Улуғбек мадрасаси рўпарасидаги Шердор мадрасаси бўлиб, улар тузилиши жиҳатидан бир-бирига ўхшаб кетади. Мадрасанинг номланиши унинг пештоқига тасвирланган иккита шер тасвири билан боғлиқ бўлиб, ушбу мадрасанинг нақш ва безакларида қадимги Шарқ меъморчилик анъаналари давом этганлиги кузатилади.

Ялангтўшбий томонидан қурилган иккинчи иншоот Тиллакори мадрасаси ҳам аштархонийлар давридаги меъморчиликнинг нодир намуналаридан ҳисобланади. Бу мадраса безатилишида жуда кўп олтин ишлатилганлиги боис ҳам «Тиллакори» («олтин қадалган») деб номланган. У ўз вақтида жума масжиди вазифасини ҳам бажарган. Ялангтўшбий қурдирган ушбу иккита иншоот Самарқанддаги Регистон майдонининг яхлит меъморий ансамбли сифатида шаклланади. Шунингдек, бу даврда Самарқанд атрофида Назр девонбеги мадра-

саси, Хўжа Аҳрор қабри олдида мадраса, шаҳардаги Қози Соқий мадрасаси, Самарқанд ва Бухоро йўлида кўплаб сардобалар бунёд этилади.

Бундан ташқари, аштархонийлар даврида Балхда Нодирмуҳаммадхон, Субҳонқулихон мадрасалари, Балх атрофида қатор чорбоғлар саройлари билан, Балх аркидаги иморатлар, жоме масжиди, Ҳазрати Али мозоридаги гумбаз, Хивадаги Араб Муҳаммадхон, Хўжамберди Шерғозихон мадрасалари, Бухорода Пояндавий оталиқ масжиди, Шодимбек мадрасаси, Бозори гўсфанд мадрасаси, Қаршида Шермуҳаммадбий ва Хўжа Қурбоний мадрасалари, Шаҳрисабз атрофида Хўжа Илм кон меъморий мажмуаси каби кўплаб иншоотлар бунёд этилади. Ушбу иншоотлар бу даврда мамлакатда мавжуд бўлган ўзаро урушлар ва мураккаб сиёсий вазиятга қарамасдан, Мовароуннаҳр меъморчилигида азалий анъаналар давом этгалигидан далолат беради.

Шундай қилиб, Ўзбекистон тарихидаги Аштархонийлар даври (1601–1756) бошбошдоқлик, ўзаро курашлар, маҳаллий ҳокимларнинг марказга бўйсунмаслиги даври бўлиб, А.Зиё таъбири билан айтганда, сиёсий беқарорлик тахминан юз йил ўтиб, сулола инқирози ҳамда давлатнинг учга бўлиниши билан тугади. Ташқи алоқалар, асосан, қўшни ҳудудлар билан чекланиб қолиб, мамлакат жаҳон тараққиётида рўй бераётган кўпгина янгиликлардан четда қолди. Шунга қарамасдан, маданий ҳаётнинг баъзи соҳаларида (меъморчилик, тарихнавислик, адабий муҳит, ислом ҳуқуқи) тараққиёт жараёнлари кузатилади.

Аштархонийлар ҳукмдорлари

1. Боқимуҳаммад – 1601–1606 йиллар.
2. Валимуҳаммад – 1606–1611 йиллар.
3. Имомқулихон – 1611–1642 йиллар.
4. Нодир Муҳаммадхон – 1642–1645 йиллар.
5. Абдулазизхон – 1645–1681 йиллар.
6. Субҳонқулихон – 1681–1701 йиллар.
7. Убайдуллахон – 1702–1711 йиллар.
8. Абулфайзхон – 1711–1747 йиллар.
9. Абдулмўмин – 1747–1748 йиллар.

10. Убайдуллоҳ II – 1748–1753 йиллар.
11. Шерғози – 1754–1756 йиллар.

3. Бухоро амирлиги. Манғитлар сулоласи

Сиёсий тарих. Сўнгти аштархонийлардан бўлган Абдулфайзхон ҳукмронлиги даврида марказий ҳокимият заифлашганлигидан фойдаланган ўзбек уруғлари турли вилоятларда ҳокимиятга қарши исён ва ғалаёнлар кўтаришиб, ўзларини мустақил деб эълон қила бошладилар. Улар орасида аштархонийлар саройида катта нуфузга эга бўлган, манғит уруғи бошлиқларидан бири Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ (вафоти 1743) ҳамда унинг ўғли Муҳаммад Раҳимбийнинг ҳаракатлари, айниқса, кескин эди.

Бухорода бўлиб ўтаётган тартибсизликлардан фойдаланган Эрон шоҳи Нодиршоҳ 1745 йилда Муҳаммад Раҳимбий раҳбарлигида Бухорога катта қўшин жўнатди. Муҳаммад Раҳимбий Бухорода вазиятни юмшатиш борасида катта ишларни амалга оширди. Миёнқол ва Шаҳрисабздаги қўзғолонлар бостирилди. Муҳаммад Раҳимбий давлат аппарати тизимини ўзгартиришга ва ҳукумат амалдорларини алмаштириш ишларига жиддий киришди.

У деярли барча йирик давлат мансабларига ўзининг яқин қариндошлари ва маслакдошларини қўйиб, уларнинг ёрдамига таяниб, пойтахтда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олди. 1746 йилда Нодиршоҳ ўлдирилгач, орадан кўп ўтмай Абдулфайзхон ҳам ўлдирилди. Тахтга ўтирган Абдулмўмин ҳам 1748 йилда ўлдирилди. Унинг ўрнига ниҳоятда ёш бўлган Убайдулла Султон номигагина тахтга ўтқазилди. 1756 йилга келиб ўзбекларнинг тўрт уруғи – манғит, хитой-қипчоқ, баҳрин саройларнинг йирик амалдорлари, руҳонийлар ва уруғ оқсоқолларининг розилиги билан Муҳаммад Раҳимхон (1756–1758) тахтга ўтирди ва манғитлар сулоласи ҳукмронлигини бошлаб берди. Давлат эса амирлик деб атала бошланди.

Муҳаммад Раҳимхон марказлашган давлат тизими тузиш сиёсатини олиб борди. У йирик мулкдорларни давлатни бошқарув ишларига аралаштирмай, мустақил сиёсат юргизди. Бу ҳукмдор Миёнқол, Нурота, Ургут, Кобадиён, Бойсун каби марказий ҳокимиятни тан олмаган вилоятларга юришлар қилиб, уларни бўйсундиришга эришди. Унинг даврида Зарафшоннинг юқори оқими, Жиззах, Зо-

мин яна Бухорога қўшиб олинди. Муҳаммад Раҳимхон қисқа муддат ичида жуда катта ҳудудни бирлаштирган манғитларнинг марказий давлат тизимини барпо этди. 1758 йилга келиб Тошкент, Қўқон, Марв, Балх, Қундуздан элчилар келиб, унинг ҳокимиятини тан олганликларини билдирадилар.

Муҳаммад Раҳимхон вафотидан сўнг унинг балоғатга етмаган набираси Фозилтўра тахтга ўтқазилиб, ҳокимият аслида Муҳаммад Раҳимхоннинг тоғаси Дониёлбий оталиқ (1758–1785) қўлига ўтди. Дониёлбийнинг ҳукмронлиги даври марказий ҳокимиятнинг заифлашуви билан изоҳланади. У тахтга ўтирган дастлабки пайтдаёқ марказлашган давлат сиёсатига қарши ғалаёнлар ва қўзғолонлар кўтарилди. Миёнқол воҳаси, Шаҳрисабз ва Китоб, Шеробод ва Бойсун, Ҳисор вилоятларида катта-катта халқ ғалаёнлари ва чиқишлар бошланиб кетди. Даставвал Ҳисорга бадарға қилинган юз, кенагас, буркут, баҳрин, сарой каби ўзбек уруғларининг амирлари бош кўтардилар. Улар манғитлар сулоласини тахтдан ағдаришни режалаштирган эдилар. Дониёлбийнинг амирларни тинчлаштириш учун қилган ҳаракатлари зое кетди. Шундан сўнг Дониёлбий қўзғолонларга қарши қўшин жўнатди ва Бухоро шаҳри аҳолисининг ёрдами билан қўзғолон бостирилди. Исёнчи амирларнинг кўпчилиги қатл этилди.

Орадан кўп ўтмасдан юз уруғларининг бошлиғи Фозилбий бош кўтарди. Дониёлбий қийинчилик билан бўлса-да, бу қўзғолонни ҳам бостирди. Айниқса, 1771 йилда Шаҳрисабз ва Хузорда кўтарилган қўзғолон давлат асосларини жиддий ларзага солди. Бу қўзғолонни ҳам катта куч сарфлаб бостиришга эришган Дониёлбий қўзғолончилар раҳбарларини қатл эттирди. Мамлакатда ғалаёнларнинг деярли тўхтовсиз кўтарилиб туриши марказий ҳокимиятнинг обрўсини, қудратини тушириб юборди. Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ҳам ночор ҳолатга тушиб қолди. Натижада, 1784 йилда пойтахт Бухорода ҳам қўзғолон кўтарилди. Қўзғолон бостирилган бўлса-да, Дониёлбий 1785 йилда тахтни ўғли Шоҳмуродга топширишга мажбур бўлди.

Шоҳмурод тахтга ўтирганидан сўнг «**амир**» унвони билан ҳокимиятни бошқаради(1785–1800 йй.). У ўз ҳукмронлиги даврида шаҳарлар тараққиёти ва ободончилигига, ирригация ва қишлоқ хўжалиги ривожига алоҳида эътибор берди. Тарихда «**Амири маъсум**» («Гуноҳсиз амир») номи билан қолган Шоҳмурод ўз даврида марка-

зий ҳокимиятни нисбатан мустаҳкамлашга эришди. Унинг ҳукмронлиги даврида мамлакатни ривожлантиришга йўналтирилган тўртта муҳим ислоҳот – **молия, суд, маъмурий ва ҳарбий ислоҳотлар** ўтказилди. Аввало 1758 йилдан бошлаб, амирликда тўла ҳолатда (аралашмаларсиз) кумушдан иборат бўлган кумуш тангалар, олдингиларидан ўзининг қиймати, сифати ва ташқи кўриниши билан фарқ қиладиган соф тилла тангалар зарб этила бошланди. У давлат зарбхоналарида аҳолининг ўз шахсий жамғармаларидан олиб келган кумуш ва олтиндан бир хил ўлчамдаги кумуш ва тилла тангаларни зарб қилишга кенг рухсат берди.

Амир Шоҳмурод адлия соҳасида ўтказган ислоҳоти билан мамлакатда суд ишларини олиб боришни бирмунча эркинлаштирди. Манбаларга кўра, амирликдаги суд ҳайъати ишларини Шоҳмуроднинг бевосита ўзи бошқарган. Суд ишларини олиб бориш учун махсус судлов қонунлари мажмуаси ишлаб чиқилган бўлиб, барча вилоят, туман, беклик қозилари айнан мана шу қонунлар мажмуаси асосида иш олиб борганлар. Умуман олганда, амир Шоҳмурод томонидан ўтказилган ислоҳотлар мамлакатдаги марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаб, иқтисодий юксалишни таъминлаган эди. Шунингдек, солиқларнинг тартибга солиниши, суд ишларидаги ноҳақликларга чек қўйилиши, маҳаллий амалдорлар устидан назорат ўрнатилиши – савдосотиқ ва ҳунармандчиликнинг, қишлоқ хўжалигининг юксалишига шароит яратиб берган эди.

Шоҳмурод ўзи идора этиб турган марказлашган давлат тизимини янада мустаҳкамлаш соҳасида ҳам маълум ишларни амалга оширди. Унинг даврида ҳам амирликда бир нечта уруғлар ва айрим вилоятларнинг норозиликлари содир бўлиб турган эди. Хусусан, 1786 йилда Кармана сарҳади аҳолиси Бухоро амирига бўйсунишдан бош тортди. Шоҳмурод Кармана аҳолисини бўйсундириш учун бир неча марта юриш қилишга мажбур бўлди. Карманадан сўнг итоат этмай қўйган Шаҳрисабз ва Хўжандга қилинган юришлар муваффақият билан якунланди.

Мамлакатда амалга оширилган ислоҳотлар ва муваффақиятли ҳарбий ҳаракатлар натижасида анча мустаҳкамланиб олган Шоҳмурод қўшини Афғонистонга ҳам ҳарбий юришлар уюштиради. Хусусан, Шоҳмурод Амударёнинг ўнг қирғоғидаги илгариги Бухоро ерларини қайтариб олиш учун Афғон амири Темуршоҳга қарши

урушлар олиб боради. Бу урушлардан сўнг Шоҳмурод ва Темуршоҳ ўртасида сулҳ тузилиб, Амударё ҳар иккала давлат ўртасидаги чегара деб белгиланди. Амир Шоҳмурод 1800 йилда вафот этганидан сўнг унинг ўғли амир Ҳайдар (1800–1826) валиаҳд сифатида тахтга ўтирди. Отаси даврида Қаршининг ҳокими бўлган амир Ҳайдар оқ кигизга ўтқазилиб, хон этиб кўтарилади. Аммо Ҳайдар хон унвонини эмас, балки «амир ал-мўминин» унвонини олди. Манбаларга кўра, хутба амир Ҳайдар номига ўқилган бўлса-да, тангалар амир Ҳайдар, амир Шоҳмурод ва Дониёлбий номларидан зарб этилган.

Отасининг сиёсатини давом эттиришга ҳаракат қилган амир Ҳайдар ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Бухоро ҳудудининг бутунлигини сақлаш, Зарафшоннинг юқори оқими ҳудудлари, Шаҳрисабз, Миёнқол ерларини қўлда сақлаб қолиш учун курашлар олиб борди. Ўратепани вақтинча ўзига бўйсундиришга эришди.

Амир Ҳайдар даврида Хива хонлари амирлик ҳудудларига тез-тез талончилик урушлари қилиб турдилар. 1806 йилда амир Ҳайдар бутун Бухоро аҳлини қуролланишга ва Хива хони Элтузарга қарши курашишга чақирди ҳамда уларни мағлубиятга учратиб, амирлик ҳудудларидан ҳайдаб чиқаришга эришди. Бу воқеалардан сўнг Бухоро билан Қўқон ўртасида урушлар бошланиб кетди. Қўқон хони Олимхон 1807, 1810 йилларда Ўратепага ҳужум қилиб, катта ўлжаларни Қўқонга олиб кетди. Бундай ҳужумлар Қўқон хони томонидан Жиззах ва Зоминга ҳам уюштирилиб турилди.

Доимий равишда олиб борилган уруш ҳаракатлари катта харажатларни талаб этганлиги боис, амир Ҳайдар қўшимча солиқлар йиғиш ҳақида фармон берди. Бу эса меҳнаткаш аҳоли аҳволини янада оғирлашишга ва амир Ҳайдар ҳамда у олиб бораётган сиёсатга қарши чиқишларга олиб келди. Мана шундай қўзғолонлар 1821–1825 йилларда Миёнқол, Самарқанд ва Ургутда бўлиб ўтди. Амир Ҳайдар бу қўзғолонларни катта қийинчиликлар билан, қўзғолончиларга катта ваъдалар бериш эвазига бостиришга эришди. Шаҳрисабз ва Марв воҳаси учун ҳам Амир Ҳайдар урушлар олиб боришга мажбур бўлди.

Ўз даврида Амир Ҳайдар қўшни Афғон давлати ҳукмдори Шужоъ ал-мулк Дурроний билан дўстлик алоқаларини ўрнатган бўлсада, Қўқон ва Хива давлатлари билан Бухоро давлати ўртасидаги муносабатлар кескин эди. Манбаларга кўра, шундай шароитда амир

ТУРКМАНИЯ
ЧЕРНОЕ МОРЕ
ГРУЗИЯ

Ҳайдар ҳатто Туркия султони Маҳмуд II га ёрдам сўраб мурожаат этган ва унинг итоатига ўтишга тайёр эканлигини ҳам маълум қилган.

Амир Ҳайдар 1826 йилда вафот этганидан сўнг унинг иккита катта ўғиллари амир Ҳусайн (икки ярим ой) ва амир Умар (тўрт ой) қисқа муддат тахтга ўтириб, ўз укалари Насрулло томонидан ўлдириладилар. Шундан сўнг тахтга амир Ҳайдарнинг учинчи ўғли Насрулло ўтирди. Амир Насруллонинг ҳукмронлик даври (1826–1860) аввало, Бухоро амирлигидаги сиёсий тарқоқлик, зодагонларнинг бошбошдоқликларига барҳам бериш билан изоҳланади. Амир Насрулло ҳокимиятни бошқаришда ниҳоятда қаттиққўллик сиёсатини олиб борди. Ўзининг бераҳмлик сиёсати туфайли амир Насрулло «қассоб амир» деган номга сазовор бўлган эди.

Амир Насрулло марказий ҳокимиятни тан олмайдиган бўйсунмас маҳаллий ҳокимларга қарши қаттиқ кураш олиб борди. Бу борада Шаҳрисабз Бухорога бўйсунмай қўйган энг йирик мустақил вилоят ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам амирнинг сиёсатидан норози бўлган кўплаб амалдорлар Шаҳрисабзга қочиб паноҳ топганлар. Амир Насрулло 1832 йилда Шаҳрисабзга қарши уруш бошлаб, 32 марта юришдан сўнг 1552 йилда Шаҳрисабз ва Китобни бўйсундиришга эришади.

Амир Насрулло Қўқон ва Хива хонлари билан ҳам урушлар олиб борди. У 1842 йилда Қўқонга юриш қилиб уни эгаллади. Аммо бу пайтда Хива хони Оллоқулихон Бухоро чегараларига ҳужум қилганлигини эшитгач, Қўқонга ўз ноибини қолдириб, орқага қайтишга мажбур бўлди. Амир Насрулло ўз қўшинлари билан Хивага юриш қилиб, Хазораспни қамал қилди. Аммо мағлубиятга учраб, қайтиб кетишга мажбур бўлди.

Амир Насрулло ўз ҳукмронлиги даврида Ўратепа ва Хўжанд учун Қўқон хони билан тўхтовсиз урушлар олиб борди. Бунинг натижасида, шаҳарлар қўлдан-қўлга ўтиб, кўпгина вайронагарчиликлар келиб чиқди, талон-тарожлик авж олди.

Манбаларга кўра, Қўқондан Кешгача бўлган барча мамлакатларни бўйсундирган амир Насрулло Бухоронинг амалдаги охирги мустақил ҳукмдори бўлиб қолди. Амир Насруллодан сўнг тахтга унинг ўғли амир Музаффар (1860–1885) ўтирди. У манғитлар сулоласидан бўлган тўртинчи амир бўлиб, унинг 25 йиллик ҳукмронлик даврида

жуда кўп воқеалар содир бўлдики, улардан энг аянчлиси – Бухоро амирлигининг Россия императори вассалига айланишидир.

Амир Музаффар ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларида уламоларга деярли эътибор бермади, улар билан бирор-бир масала юзасидан маслаҳат ҳам қилмади. Аммо 1868 йилда амир руслардан мағлубиятга учрагач, уламоларга ён беришга мажбур бўлди. Чунки уламолар маҳаллий аҳолини русларга қарши курашишга даъват этган эдилар. Лекин фурсат қўлдан бой берилган эди. Уламоларнинг халқни кўтариши ҳам, амирнинг ўғли Катта Тўра (Абдумалик), Китоб ва Шаҳрисабз бекларининг саъй-ҳаркатлари ҳам бесамар кетди. Зирабулоқ яқинидаги жангда мағлубиятга учраган амир Музаффар руслар томонидан тузилган шартномага имзо чекишга мажбур бўлди. Унга кўра амир Ўратепа, Жиззах, Зарафшон воҳаси ҳудудларидан маҳрум бўлди, рус ҳукуматига 125 минг тилло миқдорда товон тўлайдиган бўлди ҳамда Бухоронинг Россияга вассаллигини тан олди.

Амир Музаффар ҳукмронлиги даврида амирлик ҳудудлари анча қисқарди. Бунга, аввало рус босқини сабаб бўлган бўлса, катта қийинчилик билан бўйсундирилган Шаҳрисабз ва Китоб бекликлари яна Бухорога буйсунишдан бош тортдилар. Ундан ташқари, русларга тўланган катта товон эвазига амирлик хазинаси бўшаб қолди. Амир ўз хазинасини тўлдириш учун қозилар ва раисларга аҳолидан турли хил солиқлар йиғишга рухсат берди. Чунки бу йиғимларнинг катта қисми турли хил совғалар ва инъомлар тариқасида хазинага келиб тушарди.

Амир Музаффар ўғли Абдулаҳадни тахт меросхўри деб эълон қилди ва ўша йили уни Россия императори Александр Александровичнинг тахтга ўтириш маросими тантанасига қатнашиш учун Москвага жўнатди. Подшо Александр III га Бухоро юлдузи ордени топширилди ва Абдулаҳад ҳақиқий тахт вориси сифатида Россия томонидан тасдиқланди. 1883 йилда эса амир Музаффар Россия империясининг I даражали Муқаддас Анна ордени билан тақдирланди. Архив маълумотларига қараганда, бу мукофотни Бухорога империянинг нуфузли амалдорларидан бири – генерал-майор, князь Витгенштейн бошчилигидаги махсус элчилар гуруҳи олиб келган.

Амир Музаффар 1885 йил 31 октябрда касаллик туфайли вафот этади. Унинг ўғли амир Саййид Абдуллаҳад 1885–1910 йиллар Бухоро амирлиги тахтини бошқарди. Абдулаҳад 14 ёшидан бошлаб Кар-

мана беги этиб тайинланган. Рус сайёҳларининг маълумотларига кўра, у Карманада жуда оддий кун кечирган. 1885 йил 4 ноябрда амир Абдулаҳадни Бухоро аркида оқ кигизга ўтказиб, тахтга ўтказиш маросими бўлиб ўтди.

Амир Абдулаҳад саёҳат қилишни яхши кўрган. У турли йилларда Москва, Санкт-Петербуруг, Киев, Одесса, Екатеринослав, Боку, Тифлис, Ботуми, Севастопол, Боғчасарой каби шаҳарларда бўлган. Амир ҳар йили Кавказда, Қрим ёки Ялтада дам олган. Унинг ҳукмронлиги даврида қийноқлар, ўлим ҳукми ва энг даҳшатли жазо – Бухородаги Минораи Калондан ташлаб юбориш ман этилган. Амир Абдулаҳад даврида амирликда мис, темир, олтин қазиб чиқариш, телефон линиялари ва темир йўллари қурилиши, савдо фаол ривожлантирилади.

Абдулаҳад амирликдаги ҳарбий кучларга алоҳида эътибор берган. Ёшлик чоғидаёқ бўлажак амир ўз гарнизонида ҳарбий машқлар ўтказиб, Кармана қалъасини яхши ҳарбий ҳолатда тутган.1895 йилдан бошлаб Бухоро амирлигида милиция хизмати йўлга қўйилган. Кейинчалик ҳам амир Абдулаҳад ўз қўшинини ҳарбий тайёргарлигини ошириш ва замонавий қуроллантириш учун кўпгина ишлар қилган.

Амир Абдулазиз 1910 йил 22 декабрда буйрак касалидан вафот этгач, 1911 йил январда унинг иккинчи ўғли Саййид Мир Олим тахтга ўтиради. Олимхон 1893–1896 йилларда Петербургда таълим олган. Ундан сўнг аввал Насаф вилоятига, кейин эса Карманага ҳокимлик қилган. 1911–1920 йиллар Бухоро тахтини бошқарган амир Олимхон Бухорода совет ҳукумати ўрнатилгач, Афғонистонга чиқиб кетди ва 1944 йил Қобулда вафот этди.

Амирликнинг ҳудуди, маъмурий тузилиши ва аҳолиси. Ўрта Осиё хонликлари ичида Бухоро амирлиги алоҳида мавқега эга бўлган, катта ҳудудларни эгаллаган давлат эди. Манбаларга кўра, XVIII асрнинг ўрталарига келиб Бухоро амирлиги ҳудудларида бирмунча ўзгаришлар содир бўлади. Бу даврда Бухоро ҳукмдорлари ўз тасарруфларида Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги Вобкент, Ғиждувон, Қоракўл, Вағоза туманлари, Қашқадарё ва Миёнқол воҳаларини сақлаб қолган эдилар. Хўжанд, Тошкент, Ҳисор, вақти-вақти билан эса Ғузор, Шаҳрисабз, Нурота, шунингдек, Амударёнинг ўнг соҳилидаги Балх, Андхай, Маймана, Бадахшон ва Шибирғонлар ҳам Бухорога вассал бўлишига қарамай, унга итоат этмай қўйганлар. Сиёсий пароканда-

ликнинг асосий сабаби – сўнгги аштархонийлар давридаги ўзаро курашлар, марказдан қочувчи кучлар мавқеининг ўсиши эди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, яъни манғитлар сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилгач, Бухоро амирлиги яна аста-секин мустаҳкамлана бошлайди. Шу асрнинг 70–80-йилларига келиб Бухоро амирлигининг марказий ҳудудини Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини ўз ичига олган Зарафшон воҳаси ташкил қилар эди. XIX асрнинг бошларига келиб Бухоро амирлиги ҳудудига Зарафшон ҳамда Қашқадарё воҳаларидан ташқари, Сурхон воҳаси, Ҳисор, Хўжанд, Ўратепа, Панжикент каби аҳоли зич жойлашган туманлар, Жанубий Туркманистоннинг катта қисми, жумладан, Чоржўйдан то Мурғоб дарёсигача бўлган ҳудудлар кирар эди. Бу даврда Бухоро амирлиги ҳудудларининг кенгайишига асосий сабаб – манғитлар сулоласининг марказлашган давлат барпо этишга интилиши эди. XIX аср бошларида Бухоро амирлиги бир томондан Эрон ва Афғонистон, иккинчи томондан Хива хонлиги, учинчи томондан қозоқ жузлари ва тўртинчи томондан Қўқон хонлиги ҳудудлари билан чегарадош эди.

Бухоронинг сўнгги амири Саййид Амир Олимхоннинг 1927 йилги маълумотларига кўра, XX аср бошига келиб «Бухоро мамлакати Амударёнинг шарқий соҳилларидан, яъни Россия Помиридан то Хиванинг кенг давлатларигача чўзилиб боради. Бухоро шимол тарафдан Қизилқум саҳроси билан, ғарб тарафдан Сирдарё ҳамда Хўқанд хонлиги билан, жанубда эса Афғонистон, Шарқда туркман ўлкаси ҳамда Хива дашти билан чегарадош».

XIX асрнинг 50-йилларида Бухоро амирлиги бир неча **вилоятлардан** ташкил топган бўлиб, улар Бухоро ва Самарқанд туманларига бўлинган эди. Вилоят ҳукмдорлари **ҳоким** деб аталган. Кейинчалик вилоят ўрнига бекликлар пайдо бўлгач, уларнинг ҳукмдорлари **бек** деб аталган. Янги маълумотларга кўра, бу даврда Бухоро амирлигида 44 та беклик мавжуд бўлган.

Мирзо Бади Девоннинг «Мажмаъ ул-арқам» асаридаги маълумотларга кўра, амирлик қуйидаги маъмурий-ҳудудий бўлакларга: 100 минг танобдан иборат суғориладиган ер **туманга**, 50 минг танобдан иборат суғориладиган ер ҳазорага, 25 минг таноб суғориладиган ер **нимҳазорага**, 10–15 минг таноб суғориладиган ер **обхўрига**, 400 таноб суғориладиган ер қарияга, 300 таноб суғориладиган ер **маъраза-**

га (экинзор) бўлинган. Бундай тартибда бўлиниш бўйича **хирож, закот** ва бошқа турдаги солиқларни йиғиш ва олиш қулай бўлган.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, маҳаллий маъмурият намояндалари **мавзени** қишлоқ ва **масжид**лардан каттароқ ҳудудий бўлинма деб таърифланганлар. Мисол учун, Карки вилояти мавзеларга бўлинса ҳам улар, ўз навбатида, **бекчаларга** бўлинган, бекча қишлоқлардан иборат бўлган. Помир вилоятларидаги Рўшон ва Шуғнон маъмурий туманлари оқсоқоллик дейилган. Аҳоли яшайдиган пунктлар манбаларда учта атама – **қишлоқ, мавзе, даҳа** номлари орқали қайд этилган.

Маълумотларга кўра, Бухоро амирлиги аҳолиси XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тез кўпая бошлайди. XIX асрнинг бошларига келиб амирлик аҳолиси тахминан 2 млн.дан ошиқ, 50-йилларига келиб тахминан 2,5 млндан ортиқ кишини ташкил этган. Бухоро шаҳрида тахминан 60 мингдан зиёдроқ, Самарқанд шаҳрида эса тахминан 50 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилган.

Амирлик аҳолисининг катта қисмини ўзбеклар ташкил қилган бўлиб, жуда кўплаб ўзбек уруғлари вакиллари амирликнинг деярли барча ҳудудларида яшаганлар. Аҳоли таркибидаги тожиклар Самарқанд, Бухоро, Нурота, Ургут, Китоб каби шаҳарларда, тоғли туманларда, жумладан, Панжикент, Вахш, Ҳисор, Қоратегин, Кўлоб, Шаҳрисабз, Қобадиён, Яккабоғ бекликларида, Зарафшоннинг юқори қисмида истиқомат қилганлар.

Туркманлар ҳам Бухоро амирлиги аҳолисининг сон жиҳатидан катта қисмини ташкил этганлар. Улар амирликка қарашли бўлган Амударёнинг икки қирғоғида жойлашган ерларда, яъни амирликнинг жанубий ва ғарбий ҳудудларида истиқомат қилишган. Бухоро амирлиги ҳудудида аҳолининг кичик қисмини араблар ташкил этган бўлиб, улар асосан Қарши ва Шеробод бекликларида яшаганлар. Сўнгги тадқиқотларда (Р.Холиқова) амирлик аҳолисининг жойлашуви, яшаш тарзи, хўжалик юритиши ва этник таркиби қуйидагича берилади:

Бухоро амирлиги аҳолисининг ҳудудий жойлашуви

Ҳудудлар (водий ва воҳалар)	Истиқомат қилувчи аҳоли сони (тахминан)	Фоиз ҳисобида
Зарафшон воҳасида	700.000	31.8
Қашқадарё воҳасида	500.000	22.2
Қизилқум ва Яккасув бўйидаги воҳаларда	225.000	12.0
Амударё бўйидаги воҳаларда (Сурхоннинг қуйилишидан то Чоржўйгача)	300.000	14.0
Қолган ҳудудларда	430.000	20.0
Бутун амирлик бўйича	2.155.000	100.0

Бухоро амирлиги аҳолисининг яшаш тарзи бўйича тақсимоти

Аҳолининг яшаш тарзи	Аҳоли сони	Фоизда
Ўтроқ аҳоли	1.399.606	65.0
Ярим кўчманчи аҳоли	322.986	15.0
Кўчманчи аҳоли	430.648	20.0
Жами:	2.153.240	100.0

Бухоро амирлиги аҳолисининг хўжалик юритиш бўйича тақсимоти

Аҳолининг хўжалик юритиш тарзи	Аҳоли сони	Фоизда
Деҳқончилик ва чорвачилик	1.830.254	85.0
Ҳунармандчилик ва савдо	215.324	10.0
Доимий хўжалик иш юритишга эга бўлмаганлар	107.662	5.0
Жами:	2.153.240	100.0

Бухоро амирлиги аҳолисининг этник таркиби

Этник гуруҳлар	Жами аҳолига нисбатан фоиз ҳисобида	Аҳоли сони
Туркий халқлар	85.0	1.830.254
Эроний халқлар	12.0	258.389
Бошқа элатлар	3.0	64.597
Жами:	100.0	2.153.240

Шунингдек, амирлик ҳудудида ҳиндлар, эронийлар, яҳудийлар, лўлилар, афғонлар, қорақалпоқлар, қозоқлар ва қалмиқлар ҳам истиқомат қилганлар.

Бухоро амирлигида истиқомат қилган номаҳаллий халқлар, жумладан, ҳиндлар ва яҳудийлар ижтимоий қатлам сифатида тўла ҳуқуқга эга эмас эдилар ва улар алоҳида мавзеларда яшаганлар. Амирликда ўтроқ аҳолидан ташқари, тоғ олди ва дашт ҳудудларда кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли ҳам яшаган.

Давлат бошқаруви тизими. Бухоро амирлигида XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб манғитлар сулоласининг вакиллари ҳукмронлик қиладилар. Сулола ҳукмронлигининг асосчиси Раҳимбий ибн Ҳакимбий бироз муддат (1747 йилдан кейин) Абдулфайзхоннинг ўғилларига оталиқ бўлган бўлиб, 1756 йилда сайидлар, хўжалар ва руҳонийлар томонидан Бухоро тахтига ўтказилади. Раҳимбий хон унвонини олмасдан, ўзини «ноиб ул-ҳукумат» («ҳоким ўринбосари») деб билган. Дониёлбий оталиқ ҳам хонликка даъво қилмай аввал Фозилтўрани, кейин эса Абдулғозийни(1758–1784) хон деб эълон қилиб, ўзи уларга ноиб ҳисобланган. Шоҳмурод 1785 йилда Бухорода «амир» унвони билан тахтга ўтиради.

Бухоро амирлигининг сиёсий тизими, идора этиш тартиб-қоидалари, давлат рамзлари, унвон ва мансаблар ҳақида кўпгина олимлар тадқиқот ишлари олиб борганлар. Ушбу тадқиқотларнинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, манғитлар ҳукмронлиги даврида давлат тизимида жиддий ўзгаришлар амалга оширилмаган. Бу даврда олий ҳукмдор гарчи амир унвони билан ҳокимиятни бошқарган бўлса-да, Бухоро амирлиги ҳам ўз тизими, қонун-қоидалари, бошқарув тартиблари ва бутун моҳияти билан ўрта асрлар Мовароуннаҳрдаги мусулмон давлатлари, хусусан, шайбонийлар ва аштархонийлар давлат тизимидан деярли фарқ қилмаган.

Бухоро амири Саййид Олимхон ўзининг «Бухоро халқининг ҳасрати тарихи» асарида Бухоро амирлигининг сиёсий ва идоравий ташкилотлари ҳамда давлат бошқаруви ҳақида маълумотлар бериб, жумладан, қуйидагиларни ёзади: «Бухоро амирлари ҳукм юритишларида – шариат усул ва одатларига риоя қилар эдилар. Бухоронинг ислом уламолари амирни пайғамбар халифаси – ўринбосари, усул ва шариат ҳимоячиси деб билар эди. Амирнинг тирикчилиги бутунлай шариатга мос бўларди, уни бузиш мумкин эмас эди. Бухоро хонлари

бутунлай манғитларнинг ўзбек тоифасидан бўлган. Бухоро подшоҳларини ўзбек одатларига кўра, тўшакча устига табаррукона ўтказиб, саййидлар, хўжалар ва муллолар уни ердан кўтарадилар.

Бухоро мамлакати 28 та вилоят (боғот)га бўлинар эди. Энг катта вилоятларга амирнинг ўзи ҳокимларни тайинлар эди. Бу вилоятларга Нурота, Қоракўл, Бойсун, Ҳисор, Деҳнов, Қўрғон, Болжувон, Кўлоб, Қубодиён, Дарвоз, Рўшон, Самарқанд, Миёнқол, Фароб, Урметон ва Масчоҳлар кирар эди. Валиаҳдга қарашли мулк Қарши ҳисобланар эди».

Бухоро амирлигида давлат мутлақ қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятга эга бўлган амир томонидан бошқарилар эди. Давлат аҳамиятига молик бўлган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, диний ва бошқа масалалар Бухородаги бош қароргоҳ – Аркда кўриб чиқилган ҳамда ҳал этилган. Бош қароргоҳ ҳисобланган Аркда амир ва унинг оиласидан ташқари қўшбеги, шиғовул, тўпчибоши, мирзабоши каби сарой амалдорлари ўз оилалари ва хизматкорлари билан яшаган.

Заруратга қараб мамлакат пойтахтида амир бошчилигида **Давлат Кенгаши** чақирилиб турилган. Анъанага кўра, лавозимларига қараб 5 тадан 20 тагача амалдорлар аъзо бўлган ушбу кенгашда мамлакат ҳаётига доир энг муҳим масалалар кўриб чиқилган.

Илгариги даврларда бўлгани каби манғитлар даврида ҳам давлат бошқаруви тизими икки бўғин – **марказий ва маҳаллий бошқарув** тизимидан иборат бўлган. Бу тизимлар мусулмон давлатларига хос мураккаб бошқарув тармоқларига эга бўлган ҳамда асосан амир, сарой амалдорлари, ўзбек уруғлари ва қабила бошлиқлари, уламолар, ҳарбий бошлиқлардан ташкил топган. Амирликдаги марказий ҳокимият амир бошчилигидаги сарой аъёнлари қўлида бўлса, маҳаллий бошқарув вилоят ноиблари қўлида эди. Вилоят беклари амир томонидан, асосан, манғит уруғи вакилларидан тайинланган.

Амирликнинг пойтахти Бухоро ва унинг атрофидаги туманлар амир томонидан бошқарилган. Вилоят беклари нисбатан кичик ҳудудий бўлинмалар амлок мулклар ҳисобланиб, уларнинг бошқарувчилари амалдор деб аталган. Амирликнинг маъмурий тузилишидаги энг қуйи бўғин қишлоқ жамоалари бўлиб, уларни оқсоқоллар бошқарган. Хуллас, Бухоро амирлиги рус истилосига қадар ҳозирги Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон республикаларининг катта қисмини ўз ичига олган Ўрта Осиёдаги йирик давлат эди.

Мансаблар, унвонлар ва амаллар. Аввало, таъкидлаш лозимки, манбалар ва адабиётларда Бухоро амирлигида мавжуд бўлган унвон, мансаб ҳамда амалларга оид маълумотлар жуда чалкаш, кўп ҳолларда бир-бирини инкор этади. Сўнгги йилларда Ш.Воҳидов ва Р.Холиқовалар ўз тадқиқотларида ушбу масалаларга аниқлик киритишга ҳаракат қилганлар. Қуйида уларнинг тадқиқотларига асосланиб, амирликдаги мансаблар ва унвонлар ҳақида сўз юритамиз.

Бухоро амирлигидаги энг юқори унвон ва мансаблар, аввало, **манғит** уруғи вакилларига, **саййидларга, хўжаларга** ҳамда уламоларга берилган бўлиб, давлатдаги энг юқори унвон амир **ул-умаро, оталиқ, ҳоким (валий, бек), қўшбеги ва девонбегилар** бўлган. **Давлат амир, амир ул-умаро** томонидан бошқарилиб, у амалда ва расман чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлган. Олтин Ўрда давлатида жорий этилган оталиқ унвони манғитлар даврига келиб оталиққа олинган шахснинг маслаҳатчиси ва ишончли вакили, ҳарбий ва маъмурий ишларда асосий вакилига айланди. Амир Шоҳмурод даврида оталиқнинг ваколатлари чекланиб, унга Зарафшон дарёси сувининг тақсимотини назорат қилиш, Бухоро **канали (руд-и шаҳр)** ва доруғалик вазифаси юкланади.

Бу даврда **қўшбеги** ёки **қўшбегийи боло** энг олий сарой мансаби ҳисобланиб, унинг мавқеи жуда баланд бўлган. Амалда бош вазир вазифасини бажарган бу мансаб эгаси иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий масалалар бўйича амирнинг энг яқин одами бўлган. Саройдаги олий мансаблардан яна бири девонбеги бўлиб, бу мансабдор вазир ваколатларига эга бўлган. Девонбеги молия, даромад ва харажатлар ҳамда солиқ йиғиш устидан тўла назорат қилиш ишларига жавоб берган.

Амирликдаги марказий давлат бошқарувида Бухоро шаҳри алоҳида ўрин эгаллаган. Жумладан, Бухоро шаҳри ҳокими **амирнинг биринчи вазири** ва бошқа вилоятлар бошқарувчиси ҳисобланган. Шаҳардаги жамоат тартибини сақлаш миршабларга топширилган бўлиб, улар шаҳар миршаббошисига бўйсунишган. Бухоро шаҳри миршаббошисига бошқа барча шаҳарлар миршаббошилари бўйсунган. Манғитлар даврида Бухорода қўшбеги, қозикалон, бош раис ва миршаббоши биргаликда **«чор ҳоким»**, яъни **«тўрт ҳоким»** деб юритилган.

Амирликнинг бошқарув тизимида бош раис алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Ушбу амал ярим диний, ярим тарғиботчи усулида эди. Амирликда бош раис, одатда, эшон раис ёки раис-уш шариат деб аталган бўлиб, унга барча маҳаллий раислар бўйсунган. Бош раис уларни вақти-вақти билан амир олдида текширувдан ўтказиб турган. Эшон раис қозикалондан кейин турадиган амалдор бўлиб, унинг маҳкамасига вақтинча ўринбосарлик қилувчи **халифа, ноиб, мулозимлар, мирзалар, мирохўрбоши, терговчи, шаҳар мироби** кабилар кирган.

Амир саройида ижро ҳокимиятини амалга оширувчи лавозимлар қаторига шаҳар хавфсизлигига жавобгар бўлган миршаб ва унинг қўл остидагилар, сув таъминотига жавобгар бўлган мироб ва унинг қўл остида ишлайдиганлар кирган. Миршаб қўл остида **ясовулбоши, девонбеги, маҳрамбоши, мирзалар, даҳбоши, шабгард (кечки қоровул), фаррошбоши** кабилар бўлган. Мироб тасарруфида эса **маҳрам, мирзалар, баковуллар, мирохўрлар, сув тармоқлари назоратчилари, маҳалла, мавзе ва қишлоқ оқсоқоллари** фаолият юритганлар.

Амирнинг иккинчи вазири қўшбегийи поён, баъзи манбаларда мир поён деб аталган бўлиб, унга ясовулбоши, мирохўрбоши, хазиначи, мирзалар, баковулбоши, закотчилар бўйсунган. Мири поён уларни бевосита ўз назоратига олиб турган.

Бухоро амири ҳузурида юқори лавозимдаги мансабдорлар билан бирга, қуйи амалдаги мансабдорлар ҳам мавжуд бўлган. Амир фармонларини етказувчи парвоначи, амирга доимо ҳамроҳ бўлиб юрувчи ҳидоячи, амир маслаҳатчиси ва хорижий меҳмонларни кутиб олувчи шиғовул, амир осойишталиги ва тинчлигини муҳофаза қилувчи **тоиготар (тунқатор),** амирга қаратилган салом ва таъзимларни қабул қилувчи жавобгар салом оғаси, амир дастурхонига жавобгар дастурхончи, амир сафари чоғида намозга чорловчи имоми жилов, амир сафари чоғида қонун билан шуғулланувчи муфти жилов, амир маслаҳатчилари гуруҳи жамъоға кабилар шулар жумласидан. Амирга бўлган садоқати ва хизмати учун алоҳида шахслар додҳоҳ, иноқ, тўқсабо, оталиқ, эшикоғаси каби унвонларга эга бўлганлар.

XVIII–XIX асрнинг биринчи ярмида амирликда энг олий диний мансаб шайхулислом ҳисобланган. Аммо бу даврда унинг вазифалари анча торайган эди. XIX аср ўрталаридан бошлаб шайхулислом ўрнини қозикалон эгаллайди. Юқорида эслатилган амир ҳузуридаги

кенгашда дин вакилларидан қозикалон, шайхулислом, нақиб ва раис қатнашган.

Амир Музаффар давридан бошлаб амирликдаги барча ҳуқуқий нормалар қозилар томонидан ҳал қилинган. Барча фуқаролик, хўжалик ва жиноий ишлар Қуръон асосида кўриб чиқилган ҳамда жазолар тайинланган. Қозилар амир иродасига кўра қозикалон томонидан тайинланган. Шариат бўйича бошқарув қозилар қўлида бўлган. Қозикалон амирлик пойтахтининг бош қозиси бўлиши билан бирга, давлатдаги бошқа қозилар бошлиғи ҳисобланган.

Амирликда расман учта диний унвон – ўроқ, судур ва садр мавжуд бўлган. Манбаларга кўра, мадрасани тугатган шахс мулла, қози, раис амалларини эгаллаши мумкин бўлган. Юқоридаги амалларда бир неча йил ишлаганидан сўнг шариат ҳуқуқлари соҳасида тўплаган билим ва тажрибалари асосида бундай шахсларга дастлаб ўроқ, кейин судр ва сўнгра садр унвонлари берилган. Энг охирги диний унвони бўлган шахслар қозикалон, муфтий, аълам, охун каби диний амалларни эгаллаши мумкин бўлган.

Амирликда ҳарбийлар томонидан содир этилган жиноятлар ва уларнинг шикоятларини шу масалалар билан шуғулланувчи махсус амалдор – қози аскар кўриб чиққан. Ҳарбий жиноятлар бўйича фатво тайёрлаш муфтий аскар зиммасида бўлган. Демак, амирликдаги ҳарбийлар ва фуқаролик ишлари алоҳида-алоҳида маҳкамалар томонидан кўриб чиқилган.

Амир Насрулло даврида амирликда мунтазам қўшин – сарбозлар қўшини ташкил этилган. Энг юқори ҳарбий унвонлар саркарда, амири лашкар, додҳоҳ (қўшин бошлиғи) кабилар бўлиб, қўронбеги, тўқсабо, мингбоши каби олий тоифали ҳарбий амалдорлар ҳам фаолият юритган. Бекликлар ҳудудидаги қўшинга бекларнинг ўзлари раҳбарлик қилганлар. Бекнинг энг яқин ёрдамчилари ясовулбоши бошчилигидаги ясовуллар бўлган. Қўшинда понсадбоши, юзбоши, элликбоши, ўнбоши, мирохўр каби бўлинма бошлиқлари ҳам бўлган. Мингбоши байроқ (туғ) кўтариб юриш ҳуқуқига эга эди.

Ер эгалиги муносабатлари. Деҳқончилик ва чорвачилик. Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Бухоро амирлигида ҳам аграр муносабатлар, яъни ерга эгалик муносабатлари иқтисодий ҳаётнинг асосини ташкил этган. Манбаларга кўра амирликда ер эгалигининг қуйидаги тўртта тури: давлатга тегишли ерлар (мулки султо-

ний); хусусий ерлар(мулк); диний муассасалар ихтиёридаги ерлар (вақф) ва қишлоқ жамоаларига тегишли ерлар мавжуд бўлган. Архив манбаларида амлок ерлар, амлоки султоний, подшоҳ ерлари каби атамалар билан аталган давлат ерлари билан бир қаторда, мулки хирожий, хирож ерлари атамаси ҳам тилга олинади.


Амир энг катта ер эгаси ҳисобланган. Давлат ерларини расман сотиш, ҳадя этиш ҳамда вақфга бериш тақиқланган бўлса-да, бунга доимо ҳам амал қилинмаган. Давлат ерлари бўш ётган ерлар (қамишзорлар, тошлоқ, тўқайзор, тоғолди)ни ўзлаштириш ҳисобига кўпайтириб турилган. Бундай ерларни ўзлаштирган шахслар бир неча йил солиқлардан озод этилиб, кейин белгиланган тартибда солиқ тўлаганлар.

Ундан ташқари, давлат (амлок) ерлари ҳукмдор олдида катта гуноҳ қилган йирик ер эгаларидан мусодара қилинган ерлар ҳисобига ҳамда меросхўри бўлмасдан вафот этган шахсларнинг ерлари давлат ихтиёрига ўтиши ҳисобидан ҳам кўпайган. Айрим манбаларга кўра, давлат ерларидан доимий мавжуд бўлган ер солиғи – хирож олинган бўлса, бошқа манбаларда давлат ерларидан ҳосилнинг катта қисми, яъни 40–50 фоизи олинганлиги қайд этилади.

Амирликда мавжуд бўлган яна бир ер эгалиги шакли мулк (хусусий) ерлар бўлиб, бу ер эгалиги шакли қўзғалмас мулк ҳисобланган ҳамда ҳеч қандай чекланишларсиз мерос қилиб қолдириш мумкин бўлган. Мулк ерларидан олинадиган солиқлар ҳақида тадқиқотчиларнинг турли фикрлари мавжуд. Янги тадқиқотлар (Р.Холиқова) таҳлили шуни кўрсатадики, мулки хурр ёки мулки холис айрим йирик ер эгаларига тегишли бўлган ер эгалиги шакли ҳисобланган. Мулки хурр эгаси доимо амалдаги ҳукмдор томонидан берилган ёрлиққа эга бўлиши шарт бўлган ва айнан шу ёрлиқ туфайли у ер солиғидан озод қилинган.

Амирликда деҳқон аҳли фойдаланаётган ерларга нисбатан мулки хирож атамаси ишлатилган. Бундай ерларга эга бўлган ер эгалари ўз ерларини эркин сотиш, мерос қолдириш ва ҳадя қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Бундай ерлардан расман ҳосилнинг учдан бири миқдорида солиқ белгиланган бўлса-да, амирликнинг ҳар бири ҳудудида ўрнатилган ва белгиланган тартиб ҳамда урф-одатларга кўра, солиқ миқдори ҳосилнинг учдан биридан то бешдан биригача бўлган.

Бухоро амирлигидаги унвон ва мансаблар



Анъанага кўра, **вақф ерлари,** асосан, диний муассасалар – **масжидлар, мозорлар, хонақоҳ, мадрасалар**га ер майдонларини мерос қолдириш ҳамда хайр-эҳсон қилиш натижасида вужудга келган бўлиб, у ер эгалигининг алоҳида шаклини ташкил этган. Ушбу ерлардан тушган фойда мутавалли ихтиёрига келиб тушган. Мутавалли, асосан,

вақф эгалари авлодларидан тайинланган бўлиб, у вақф ҳужжатларига асосланиб, фойдани тақсимлаб чиққан. Амирликда вақф ерларини сотиш, бундай ерлардан солиқ олиш тақиқланган бўлса-да, манбалар ва ҳужжатлар бунга амал қилинмаганлигини кўрсатади.

Амир Насрулло давридан бошлаб ер эгалигининг танҳо шакли тарқалади. Насрулло ўзига бўйсунмаган амалдорлар ва уруғ оқсоқолларининг ерларини мусодара қилиб, бундай ерларни вақтинча эгалик қилиш ҳуқуқи билан ўз тарафдорларига ҳадя (танҳо) қилган. Амир Музаффар давридан бошлаб танҳо тоғли ҳудудларга ҳам ёйилади. Танҳо турли ҳажмда (бир неча танобдан бир неча юз танобгача) берилган бўлиб, танҳонинг берилиш миқдори энг аввало, ернинг суғорилиши, унумдорлиги, қолаверса, амалдорнинг эгаллаган мавқеи ва таъсирига ҳам боғлиқ бўлган.

Деҳқончилик ва чорвачилик Бухоро амирлиги иқтисодининг асосий тармоқлари ҳисобланган. Аҳолининг саксон беш фоизи деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлиги ҳам фикримиз далилидир. Амирликда XVIII асрнинг охирларидан бошланган иқтисодий юксалиш, аввало, деҳқончиликнинг тикланиши билан изоҳланади. Анъанага кўра, суғориладиган ҳамда лалмикор ерларда деҳқончилик соҳасида буғдой, арпа, жўхори, полиз ва сабзавот экинлари етиштиришга катта эътибор қаратилган. Узумчилик ва боғдорчилик ҳам яхши ривожланган. Манбаларга кўра, амирликда узумнинг 10 дан ортиқ навлари етиштирилган.

Амирликда шоликорлик ҳам яхши тараққий этган. Нисбатан сифатли шоли Шаҳрисабз, Каттақўрғон ва Ҳисор воҳаларида етиштирилган. Шаҳрисабз ва Ҳисор шоликорлари амирликнинг пойтахти Бухорони доимий равишда сифатли гуруч билан таъминлаб турганлар.

Амирликда XIX асрнинг бошидан бошлаб Россияга кўп миқдорда пахта сотилиши натижасида пахтачиликка эътибор кучайтирилган. Рус манбаларига кўра, Бухоро амирлигининг «Қашқадарё воҳаси, Сурхондарё воҳасида, Яккабоғ, Китоб, Чироқчи, Қарши, Шаҳрисабз, Ғузор, Термиз, Шеробод, Ҳисор туманларида пахта катта миқдорда етиштирилади. Ўрта Осиё хонликлари ичида Бухоро пахтаси алоҳида диққатга сазовор бўлиб, у анча қиммат туради».

Шариатда чекиш тақиқланганлигига қарамасдан, Қарши ва Миёнқол воҳаларида тамаки етиштириш ривожланган. Қарши тамакиси

энг сифатли тамаки ҳисобланган. Ундан ташқари, амирликда ипакчиликнинг ривожланишига ҳам катта эътибор қаратилган. Бухоро воҳаси, Зарафшон водийси, Кармана, Шаҳрисабз, Китоб, Миёнқол, умуман, сув кўп бўлган барча ҳудудларда тут дарахтлари ниҳоятда кўп ўстирилган. Бухорода ва бошқа йирик шаҳарларда тоза ипак ва ярим ипакдан турли хил матолар тайёрланган.

Амирликдаги деҳқончилик ва боғдорчилик оддий ва анъанавий ҳолатда бўлган. Ерлар от, ҳўкиз, кам ҳолларда туяларга омоч қўшилиб ҳайдалган ҳамда мола, кетмон ва бел орқали ишлов берилган.

Амирликда мавжуд бўлган чўл ва дашт ҳудудлари, тоғ ва тоғ олди адирлари маҳсулдор чорвачилик учун қулай имкониятлар яратган. Амирликнинг чўл ҳудудларида, жумладан, Бухоро ва Қарши ҳудудларида қоракўл тери етиштиришга ихтисослашган қўйчилик тараққий этган. Бунга асосий сабаб, ташқи бозорда (айниқса, Россия бозорида) қоракўл терисига, ундан ишланган маҳсулотларга талаб ниҳоятда катта эди. Чорвачиликнинг етакчи тармоғи сифатида йилқичилик нафақат дашт ҳудудларда, балки воҳаларда ҳам ривожланган. Шаҳрисабзнинг қорабайир ва Қаршининг араби отлари ўз чидамлилиги, тезлиги ва кучи билан бутун амирлик ва ундан ташқарида ҳам машҳур бўлган.

Чорвачиликда туячиликка ҳам алоҳида эътибор берилган. Оғир ва олис йўллар ҳамда сувсизликка чидамли бўлган оғир юк кўтарувчи туялардан карвон савдосида, тегирмонларда, ёғ чиқаришда, кам ҳолларда ер ҳайдашда фойдаланилган. Шунингдек, туянинг сути ва жуни қадрланган. Амирликда чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларнинг ички ва ташқи бозорга туёқли моллар, сифатли тери, жун ва бошқа турли маҳсулотлар (шол, намат, арқон ва бошқ.) ҳамда озиқ-овқат (гўшт ва сут маҳсулотлари) етказиб беришдаги аҳамияти ниҳоятда катта эди.

Ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ. Бухоро амирлигида асосий ҳунармандчилик марказлари сифатида шаҳарлар катта аҳамиятга эга бўлган бўлса-да, кўпгина йирик қишлоқларда ҳам ҳунармандчиликнинг кундалик эҳтиёж учун зарур соҳалари ривожланган эди. Бутун ўрта асрларда мавжуд бўлганидек, амирлик даврида ҳам ҳунармандлар уюшмалари (касаба, цехга эга бўлганлар) ташкил топиши маҳсулот ишлаб чиқариш устидан назорат ўрнатишга, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳуқуқини сақлаш ва рақобатбардошликка интилиш билан боғлиқ эди.

Амирликдаги **ҳунармандчиликнинг** барча соҳаларида бундай уюшмалар мавжуд бўлиб, уни сайлаб қўйиладиган шахс – раис ёки оқсоқол бошқарган. Ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар нархини белгилашда, турли солиқ ва тўловлар йиғимида, уста ва шогирд муносабатларида, хўжалик ишларини юритишда уюшма раисининг хизмати катта бўлган.

Илгариги даврларда бўлганидек, амирликнинг ҳунармандчилиги соҳасида тўқимачилик унинг асосий тармоғи ҳисобланган. Ушбу тармоқнинг ривожланишига асосий сабаб, биринчидан, соҳа учун маҳаллий хом ашё манбалари – **пахта, жун, ипак** етарли даражада бўлган бўлса, иккинчидан, ички ва ташқи бозорда, кундалик ҳаётда тўқимачилик маҳсулотларига талаб катта эди. Амирликда, айниқса, бўз, чит, олача кўп миқдорда тайёрланган. Қарши, Ҳисор, Балжувон, Деҳнов, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва уларнинг атрофларида ипак матолар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бошқа шаҳар ва қишлоқларда ҳам ип йигириш, мато тўқиш, тайёр кийим тикиш, гилам тўқиш ва бошқа тўқимачилик соҳалари анча ривожланган. Манбалар маълумотларига кўра, Бухоронинг зарбоф тўнлари, Шаҳрисабзнинг ироқи дўппилари, Термизнинг ҳарир матолари, Самарқанд ва Бойсун ҳунармандларининг ипак матолари амирликдан ташқарида ҳам жуда машҳур бўлган.

Амирлик ҳунармандчилигидаги муҳим тармоқлардан яна бири бу – кулолчилик эди. Хўжалик тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган кулолчилик амирликнинг деярли барча ҳудудларида ривожланган эди. Кулолчилик энг тараққий этган марказлар Бухоро, Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз, Ургут, Деҳнов, Ғиждувон кабилар бўлиб, уларнинг маҳсулотларига ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган. Амирлик кулолчилигида Ўрта Осиёнинг кўпгина кулолчилик мактабларига хос бўлган манзаралар (турли гуллар ва ўсимликлар тасвири), турли ҳайвонлар, қушлар, ҳашоратлар ёки улар танасининг бир қисмини шартли равишда тасвирлаш кулол усталар томонидан кенг қўлланилган.

Амирлик иқтисодиётининг металлга ишлов бериш соҳаси ҳам яхши ривожланган. Шаҳрисабз, Ургут, Нурота, Бойсун, Шеробод каби тоғли туманлардан маъданлар қазиб олинган бўлиб, улардаги конлардан фойдаланиш баъзи танаффуслар билан XX аср бошларига қадар давом этган эди.

Бу даврда амирликдаги **металлга ишлов** бериш тараққий этган қуйидаги тўртта асосий тармоғи – **темирчилик, мисгарлик, чўян қуйиш ва рихтагарлик**ни алоҳида кўрсатиш мумкин. Темирчилик соҳасида усталар қишлоқ хўжалигида ва кундалик турмушда ишлатадиган меҳнат қуроллари, ҳарбийлар учун жанговар қуроллар ясаганлар. Амирликнинг кўпгина шаҳарларида Темирчи, Гузари, Чилангарон каби чилангар-темирчиларнинг махсус маҳалла гузарларининг мавжудлиги ушбу ҳунармандчилик турининг анча тараққий этганлигини кўрсатади. Амирликнинг, асосан, йирик шаҳарларида мисгарлик ҳам ривожланган. Мис хос ашёси, асосан, Россиядан келтирилган бўлиб, ундан чилим идишлари, баркаш, лаган, кўзача, тоғорача каби кўплаб идишлар ясалган ҳамда улар турли нақшлар билан моҳирона безатилган.

Бухоро амирлигининг металлга ишлов бериш саноатида **дегрезлик-чўян қуйиш**нинг алоҳида ўрни бор эди. Бу соҳа усталари, асосан, шаҳарлардаги махсус гузарларда яшаганлар. Улар чўяндан қозон, чироқ, манқалдон каби буюмлар ясаганлар. Бронзадан буюмлар ясаш – рихтагарлик ҳам амирликнинг кўпгина шаҳарларида тараққий этган эди. Ушбу касб соҳиблари турли буюмлар ва тақинчоқлар ясаганлар.

Ундан ташқари, амирликда **ҳунармандчиликнинг** бошқа кўпгина турлари ҳам ривожланган. Хусусан, Бухоро, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги заргар усталар томонидан тайёрланган заргарлик буюмлари, қимматбаҳо тошлар, металл ва турли хил шишалардан ясалган тақинчоқлар амирлик ва ундан ташқари ҳудудларда ҳам машҳур бўлган. Кўнчилик ҳам яхши ривожланган тармоқ ҳисобланган. Чармгар усталар томонидан яхши ишлов берилган терилардан турли хил оёқ кийимлари, бош кийимлар, пўстин ва ним пўстин, турли хил мешлар (сут, сув, қимиз ва бошқ. учун) тайёрланган.

Амирликнинг деярли барча ҳудудларида ёғоч ўймакорлиги яхши ривожланган. Шаҳарларда моҳир дурадгорлар кўп бўлган. Амирликнинг шаҳар ва қишлоқларида тайёрланган ҳунармандчилик маҳсулотлари ички бозор эҳтиёжларини таъминлабгина қолмасдан, кўп ҳолларда ташқи бозорга ҳам чиқарилган.

Бухоро амирлиги ҳукмдорлари ва аҳолиси савдо-сотиқ ишларига катта эътибор қаратишган. Амирликда ҳунармандчилик ва ундаги ишлаб чиқаришнинг тараққий этиши доимий савдо-сотиқ му-

носабатларининг янада кенгайишига асос бўлган эди. XVIII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигининг кўпгина шаҳарларида карвонсаройлар қурилишига катта эътибор қаратилиб, бу ҳолат савдо муносабатлари ривожини янада мустаҳкамлашга хизмат қилган эди.

Амирликнинг йирик шаҳарлари – Бухоро, Самарқанд, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Каттақўрғон, Деҳнов, Нурота ва бошқалар асосий савдо марказлари эди. Манбаларга кўра, XIX аср бошларига келиб йирик карвон йўллари чорраҳасида жойлашган Қарши шаҳрининг аҳамияти ошиб кетади. Ички бозорларда аввало кундалик эҳтиёж моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар, пахта матолари, жун ва ипак матоларига талаб катта бўлган. Ички савдонинг тараққиётида йирик шаҳарларнинг атрофларидаги қишлоқлар билан иқтисодий муносабатлари ҳамда шаҳарлараро савдо-сотиқ алоқаларининг ривожланганлиги муҳим ўрин тутган. Чунончи, амирликдаги бозорлар нафақат шаҳарлар, балки уларнинг атрофидаги қишлоқлар аҳолисининг талабларини қондиришда ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Амирликдаги барча шаҳарларда, йирик қишлоқларда ихтисослашган бозорларнинг мавжудлиги ички савдонинг давлат иқтисодиётидаги муҳим аҳамиятидан далолат беради.

Ички савдонинг тараққий этишида амирликда мавжуд бўлган пул муомаласининг ўрни катта эди. Хусусан, манғитлар ҳукмронлиги даврида бу соҳада бирмунча барқарорлик ўрнатилган бўлиб, муомалада асосан уч турдаги – **тилло, танга (кумуш) ва пул (мис)** мавжуд эди. Шаҳар ҳамда қишлоқлардаги савдо-сотиқ ва тўловларда, асосан, танга ва пул ишлатилган.

Бухоро амирлигида қўшни давлатлар ва халқаро савдо алоқаларини ривожлантиришга катта эътибор берилган. Ташқи савдо алоқаларида Хива ва Қўқон хонлари, қозоқ ва туркман даштлари, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Қашғар ва айниқса, Россия билан бўлган савдо муносабатлари муҳим ўрин тутган эди.

Кўчманчи қозоқлар амирлик бозорларига паласлар, наматлар, жун, тери, гўшт ва сут маҳсулотлари келтирган бўлсалар, деҳқонлар ва ҳунармандлар қозоқ даштларини озиқ-овқат маҳсулотлари, сабзавотлар, кундалик эҳтиёж моллари, кийим-кечаклар, пахта матолари билан таъминлаганлар. Амирликда туркман гиламлари ва

отларига талаб катта бўлган. Туркманлар амирлик бозорларидан бошқа маҳсулотлар билан бирга, кўпроқ ҳар хил матолар харид қилганлар.

XVIII аср охири – XIX аср бошларидан бошлаб Бухоро амирлигининг ташқи савдо алоқаларида Россиянинг савдо шаҳарлари (асосан, Оренбург ва Астрахан) муҳим ўрин тута бошлади. Россияга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари – тери, қоракўл тери, жун, пахта, ипак толалар, турли матолар олиб чиқилган. Россиядан эса турли фабрика маҳсулотлари, чўян, мис, қўрғошин келтирилган.

Бухоро **савдо**гарлари Балх ва Бадахшонга савдо карвонлари билан қатнаб турганлар. Бу ҳудудларга амирликдан қозонлар, Бухоро матолари, Россиядан келтирилган игна, ойна, қайчи кабилар олиб келинган ҳамда Бухорога кумуш, олтин олиб қайтилган.

Савдо карвонлари Қобул ва Ҳиндистонга ҳам бориб, савдо-сотиқ ишларини амалга оширган. Ҳиндистондан қимматбаҳо тошлар, доридармонлар, хушбўй гиёҳлар, кашмир матолари келтирилган. Ўз навбатида, ҳинд савдогарлари Бухоро бозорларидан Россиядан келтирилган маҳсулотлар, маҳаллий матолар, зарбоф тўнлар, қорабайир отларни харид қилганлар. Амирлик савдогарлари Хитой, Шарқий Туркистон билан ҳам савдо-сотиқ алоқалари олиб борган. Хитой билан савдо алоқалари Қўқон хонлиги орқали олиб борилган бўлиб, Хитойга пахта, қоракўл тери, турли хил ҳунармандчилик маҳсулотлари етказиб берилган. Ўз навбатида, Хитойдан кўплаб ипак матолари ва чинни буюмлар келтирилган.

XIX аср бошларида бошланган ва 40–50-йилларидан бошлаб жиддий равишда кучайган Россия ва Англиянинг Ўрта Осиё, жумладан, Бухорога нисбатан қизиқиши, амирлик иқтисодий ҳаётига уларнинг кириб келиши, ўз навбатида, Бухоро амирлигида ишлаб чиқариш муносабатларининг жадал суръатлар билан ўсиши ҳамда ишлаб чиқаришнинг ривожланишига олиб келди. Маҳаллий ҳунармандлар, савдогарлар, умуман ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча тармоқ эгалари ишлаб чиқаришга бўлган муносабатларини ўзгартирдилар. Манбалар тили билан айтганда, «Ўрта Осиё хом ашёси ва унинг баъзи бир маҳсулотларига талаб кучая бошлади. Бундан рағбатланган маҳаллий ишлаб чиқариш тармоқлари имкониятлари борича ўз жамоаларида ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуришга ҳаракат қилдилар».

Бунинг натижаси ўлароқ, XIX аср ўрталарига келиб, талабдан ортиқча маҳсулот ишлаб чиқариши туфайли бухоролик савдогарлар ташқи савдо алоқаларини кучайтирдилар. Хусусан, бухоролик савдогарлар Россияга кўпроқ пахта ва ипак газлама маҳсулотларини олиб бориб, Россиядан темир ва мис келтира бошладилар. Ҳунармандчилик маҳсулотлари кўплаб Ҳиндистон, Эрон ва Хитойга чиқарилиб, бу ҳудудлардан, асосан, қимматбаҳо металлар келтирилган.

Солиқлар. Бухоро амирлигида энг асосий солиқ бу ердан олинадиган хирож солиғи эди. Бу солиқ **амлокдор ва оқсоқоллар** иштирокида ҳосил пишиб етилган пайтда ҳосилга қараб белгиланган. Ҳажми эса ҳосилнинг учдан, тўртдан, айрим ҳолларда бешдан бир қисми кўринишида бўлган. Деҳқонлар амлокдор учун ўн ботмон ердан ярим пуд **кафсан** солиғини, доруғалар учун **кафсани доруға** (ҳосилнинг кам ҳажмдаги маълум қисми) ҳам тўлаганлар. Ундан ташқари, амир далаларни айланганда, ҳарбий харажатлар пайтида ҳам қўшимча солиқ ва тўловлар олинган.

Қонуний ер солиғидан ташқари, ер эгалари ҳар бир таноб боғ ёки томорқадан махсус таноб пули ва ем-хашак етиштирадиган ерлардан алаф пули олинган. Улар умумий номда танобона деб ҳам юритилган. Бу солиқлар ерларнинг бозор жойлашган жойга узоқ-яқинлигига қараб ҳажм жиҳатидан фарқ қилган. Амир Насрулло даврида амирликнинг солиқ тизимига бироз ўзгартиришлар киритилади. Яъни, полиз экинлари экиладиган ерлар учун қўш пули жорий этилган. Кейинчалик бу солиқ полиз экинлари экмайдиган бошқа ерлардан ҳам олинадиган бўлган.

Амирликдаги яна муҳим солиқлардан бири – **закот** эди. Закот давлатнинг мол-мулкдан оладиган солиғи бўлиб, мол-мулк нархининг қирқдан бир ҳажмида ундирилган. Бу солиқнинг энг даромадли томони маҳсулотларга солиқ солиш, шунингдек, савдогарларнинг маҳсулот учун олиб келган пулларига солиқ солиш бўлган. Закот маҳсулотлардан бир неча марта ундириб олинган. Чорвачилик туманларида закот маҳсулот кўринишида (бешта туядан битта қўй ёки эчки, қирқта қўйдан битта қўй ёки эчки каби) ундирилган.

Урушлар даврида фавқулодда солиқ – **жул** ундирилган. Ундан ташқари, савдо-сотиқдан даллоли, бошқа вилоятлар ва давлатлардан олиб ўтилаётган маҳсулотлар учун бож, дарёдан маҳсулотни қайиқда олиб ўтгани учун сув пули, бозордаги савдо жойи учун пули

тахтажой, бир жуфт омоч тортадиган от ёки ҳўкиз учун **яксара** (бир ботмон ғалла), омоч тортадиган битта от ёки ҳўкиз учун **нимсара** (ярим ботмон ғалла) каби солиқлар олинган. Янги ариқлар ва каналлар қазиш, эскиларини тозалаш учун маҳаллий аҳоли ҳашарларга жалб этилган. Оммавий жамоат ишларида иштирок этмаганлардан шариатга кўра, боқипули деб аталувчи жарима олинган. **Солиқлар, тўловлар ва жарималар** пул ва маҳсулот кўринишида маҳаллий солиқ йиғувчилар ҳамда амир тайинлаган кишилар томонидан йиғиб олинган.

Амирликдаги маданий ҳаёт. XVIII асрнинг охирларига келиб амирликда иқтисодий ҳаётнинг бирмунча юксалиши маданий ҳаётга ҳам таъсир этмасдан қолмади. Айниқса, илгариги даврларда шаклланган мактаб ва олий таълим берувчи мадрасалар фаолияти бу даврда анча юксалади. Бошланғич таълим берувчи мактаблар амирликнинг барча йирик қишлоқларида, шаҳарларининг барча маҳаллаларида мавжуд бўлиб, бу мактабларда болаларнинг дастлабки саводи чиқарилган. Мактабларда араб алифбосида савод чиқарилиб, Қуръоннинг оятлари ёдлатилган. Шариатга оид дастлабки сабоқлар берилган.

Мадрасалар амирликнинг барча шаҳарларида мавжуд эди. Мадрасаларда ўқитиш игариги даврларда бўлганидек уч босқичда, 1) паст қадам, 2) миёна (ўрта) қадам ва 3) пешқадамда амалга оширилиб, етти йил давом этган. Мадраса ўқитувчилари – мударрислар ва бошқа хизматчилар маошлари, талабалар нафақалари, кутубхона харажатлари, таъмирлаш ишлари ва бошқаларга кетадиган маблағлар вақф ерларидан келадиган фойда ҳисобидан қопланган. Мадрасалар, одатда, ҳукмдорлар, амалдорлар, нуфузли шахслар, йирик дин пешволари ва савдогарлар томонидан кўп ҳолларда пишиқ ғиштдан икки қаватли қилиб қурилган. Уларнинг биринчи қаватида масжид, қироатхона ва кутубхоналар, иккинчи қаватида эса талабалар яшайдиган ҳужралар жойлашган.

Мадраса талабалари диний билим бўлган Қуръони карим, фиқҳ, шариат асослари, диний-ахлоқий адабиётлар билан бирга тил, адабиёт, тарих, фалакиёт, мантиқ, фалсафа, хандаса (математика) каби дунёвий ва аниқ фанлардан ҳам таълим олганлар. Шунга қарамасдан, бу даврда мадрасаларда диний-ахлоқий таълимга асосий эътибор қаратилиб, дунёвий таълим бериш нисбатан орқада қолган эди.

Бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган меъморчилик ёдгорликлари ҳамда ёзма манбалар амирликда адабиёт, тарих, хаттот-

лик ва мусиқа санъати, меъморчилик ривожланганлигидан далолат беради. Демак, Амир Ҳайдар саройида мунши (амир котиби) лавозимида хизмат қилган Мирзо Содиқ Мунший XIX аср бошларидаги адабий муҳитнинг кўзга кўринган намояндаларидан бири эди. Ундан мерос қолган шеърий Девон – «Девони Содиқ Мунший» ҳамда шеърий усулда битилган тарихий асари унинг адабиёт ривожига қўшган ҳиссасини кўрсатади. Бу даврда амирликнинг турли шаҳарларида яшаб ижод қилган кўплаб шоирлар (шоир Ҳозиқ, шоир Мужрим ва бошқ.) ижодида халқпарварлик, жабр-зулмга қарши исёнкорлик кайфияти кучли бўлиб, улар кўп ҳолларда ҳукмдорлар ва амалдорлар томонидан қувғинга олинган. XIX аср адабиётида Шавқий тахаллуси билан шеърлар ёзган каттақўрғонлик Муҳаммад Шариф, «Чор дарвиш», «Мафилоро», «Тўтинома» каби асарлар муаллифи Мулла Қурбон Хиромий ва бошқалар катта роль ўйнаганлар. Шунингдек, бу даврда Аҳмад Дониш, Очили Мурод Мирий Катта Қўрғонийлар ҳам адабиётга хос бўлган асарлар яратганлар.

Бу даврда яратилган тарихий асарларнинг кўпчилиги ҳукмрон манғитлар сулоласи тарихига бағишланган бўлиб, уларда ўрта асрлар тарихнавислигидаги анъаналар давом эттирилгани кузатилади. Амирликда яшаб ўтган илм-фан намояндаларининг фаолияти кўп қиррали бўлиб, уларнинг аксарияти тарихий асарлар ҳам яратганлар. Хусусан, Мулло Ибодулланинг «Тарихи амир Ҳайдар», Муҳаммад Шарифнинг «Достони амирони манғит», Мир Олим Бухорийнинг «Фатҳномаи султоний», Мирзо Абдулазим Сомийнинг «Тарихи салотини манғития», «Даҳмаи шоҳон», Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад Нақининг «Тожу тавориҳ», Аҳмад Донишнинг «Манғитлар хонадони ҳукмдорлари тарихидан қисқача рисола», Мирзо Содиқ Муншийнинг «Манғит ҳукмдорлари тарихи» кабилар шулар жумласидандир.

Амирликнинг маданий ҳаётида хаттотлик ҳам муҳим ўрин эгаллаган эди. Бу даврда Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз каби шаҳарларда хаттотлик мактаблари мавжуд эди. Ўз касбининг устаси бўлган моҳир хаттотлар давлат ва хўжалик ҳужжатлари тайёрлашда, илмий-бадиий асарлар ёзиш ва кўчиришда, меъморий иншоотларга турли ёзувлар (Қуръони карим оятлари, ҳадислар, ҳикматлар)ни чиройли нақшлар тарзида битишда машҳур бўлганлар.

Бу даврда амирликнинг Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши, Ғузор, Каттақўрғон, Деҳнов каби кўплаб шаҳарларида масжид ва мадрасалар бунёд этилган. Бухородаги Домулло Турсунжон мадрасаси, Худойдод меъморий (масжид, мадраса ва сардоба) мажмуаси, Эрназар элчи мадрасаси, Қаршидаги Али ва Мир Муҳаммад мадрасалари шулар жумласидандир. Ундан ташқари, бу даврда шаҳарларда кўплаб ихтисослашган ёпиқ бозорлар, карвонсаройлар, ҳаммомлар, йўллар бўйларида сардобалар бунёд этилган.

Хуллас, Ўзбекистон давлатчилиги тарихида Бухоро амирлиги давлатининг ҳам ўз ўрни ва мавқеи бўлиб, манғитлар ҳукмронлиги даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда қатор юксалишлар бўлиб ўтди. Аммо мамлакат иқтисодий жиҳатдан қудратли ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкам эмас эди. Кўп ҳоллардаги иқтисодий танглик, сиёсий беқарорлик, ўзаро низолар XIX асрнинг иккинчи ярмида давлатнинг катта ҳудудларини Россия томонидан босиб олинишига сабаб бўлди. Бухоро амирлари 1920 йилга қадар Россияга вассал сифатида тахтни эгаллаб турдилар.

Бухоро амирлигидаги манғитлар сулоласи ҳукмдорлари (1756–1920)

1. Муҳаммад Раҳимбий – 1756–1758 йиллар.
2. Дониёлбий – 1758–1785 йиллар.
3. Амир Шоҳмурод – 1785–1800 йиллар.
4. Амир Ҳайдар – 1800–1826 йиллар.
5. Амир Ҳусайн – 1826 й. икки ярим ой.
6. Амир Умар – 1826 й. тўрт ой.
7. Амир Насрулло – 1826–1860 йиллар.
8. Амир Музаффар – 1860–1885 йиллар.
9. Амир Абдуллаҳад – 1885–1910 йиллар.
10. Амир Олимхон – 1911–1920 йиллар.

4. Қўқон хонлиги. Минглар сулоласи

Сиёсий тарих. XVIII асрнинг бошларида Фарғона водийсида шаклланган янги давлат – Қўқон хонлигига маҳаллий аҳоли вакиллари бўлган минг уруғи асос солди. Чунончи, XVII асрнинг охири – XVIII аср бошларида аштархонийларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаёти-

да юз берган тушкунлик, Фарғона водийси иқтисодий мустақиллигининг ўсиши ҳамда 1704 йилда Чодак хўжаларининг исён кўтариб, Фарғонанинг бир қисмини эгаллаши бунга шарт-шароит яратиб берди. Аммо Фарғонанинг шимоли ва шимоли-ғарбидаги Косон, Ашт, Чодак ҳудудлари хўжалар қўл остида бўлса-да, улар мустақил давлатга асос сола олмадилар.

Маълумотларга кўра, минг уруғининг бошлиғи, тахминан 1669–1670 йилларда туғилган Шоҳруҳбий ибн Ашур Муҳаммад (1709–1721 йй.) Чодак хўжалари қўлида бўлган сиёсий ҳокимиятни куч билан тортиб олиб, 1709–1710 йилда Фарғона водийсидаги минглар сулоласи ҳукмронлигига асос солди. Аммо унинг ҳокимияти ҳали аштархонийлардан тўла ёки батамом мустақил эмас эди. Чунки манбаларда Шоҳруҳбийнинг номи аштархоний Абулфайзхондан сўнг тилга олиниб, Шоҳруҳбийга Бухоро хони томонидан оталиқ унвони берилгани эслатилади. Бу ҳақда тадқиқотчиларнинг ҳам фикрлари мунозаралидир. Нима бўлганда ҳам, Шоҳруҳбий Бухоро хонлигидан мустақил равишда (нисбатан бўлса ҳам) сиёсат олиб боришга ҳаракат қилиб, минглар сулоласи тасарруфидаги ерларни кенгайтира бошлади. Шоҳруҳбий ҳукмронлиги даврида Қўқон, Наманган, Марғилон, Конибодом, Исфара ва уларнинг атрофларидаги қишлоқлар минглар сулоласи қўлида бўлган.

Шоҳруҳбийнинг ўғли ва вориси Муҳаммад Абдураҳимбий (1721–1733) тахтга ўтирганидан сўнг минглар тасарруфидаги ерлар яна кенгая бошлади. Абдураҳимбий 1724 йилда Андижонни, 1725 йилда Хўжандни, 1726 йилда Ўратепани босиб олиб, хонлик ҳудудларига қўшиб олди. У қисқа муддат бўлса-да, Бухорога қарашли Самарқанд ва Каттақўрғонни эгаллаб, Шаҳрисабзга ҳам таҳдид солган. Абдураҳимбий Қўқон (Хўқанд) қишлоғи ўрни ва атрофида янги шаҳарга (дастлаб Қалъаи Раҳимбий деб номланган, кейин эса Қўқон) асос солади ва бу шаҳар хонликнинг пойтахтига айланади.

1733–1750 йилларда ҳукмронлик қилган Муҳаммад Абдулкаримбий ибн Шоҳруҳбий асосий эътиборини мудофаа ишларига қаратди. У хонликнинг пойтахти Қўқонда Исфара, Қатағон, Марғилон, Ҳайдарбек номли дарвозалар қурдириб, шаҳар атрофини мустаҳкам девор билан ўратиб олди. Шу билан бирга, у 1741–1745 йиллардаги қалмоқлар (жунғорлар)нинг Фарғонага қилган ҳужумларига зарба берди. Абдулкаримбий қалмоқларга қарши курашда қирғиз-қипчоқ-

лар ва Ўратепа ҳокими Фозилбий юз ёрдамига таянди ҳамда хонлик мустақиллигини сақлаб қолди.

Абдулкаримбий 1750 йилда вафот этганидан сўнг хонлик тахтига унинг ўғли Абдураҳмон ўтирди. Аммо у тахтда тўққиз ой ўтириб, сўнг Марғилонга ҳоким этиб жўнатилди ҳамда тахтга Абдураҳимбийнинг иккинчи ўғли Эрдонабий ўтирди. 1753 йилда қалмоқларнинг тазйиқи ва талаби билан уларнинг қўлида гаров сифатида ушлаб турилган Бобобек хонлик тахтига кўтарилди. Лекин орадан бир йил ҳам ўтмай, Ўратепа юриши вақтида Бобобек Бешариқда ўлдирилди ҳамда Эрдонабий (1755–1769) қайта Қўқон тахтини эгаллади. Хитойлик географларнинг маълумотларига кўра, унинг ҳукмронлиги даврида, 1759–1760 йилларда Фарғона тўртта мулк: Андижон, Наманган, Марғилон ва Қўқонга бўлинган бўлиб, улар ичида Қўқон етакчилик қилган. Эрдонабийдан сўнг тахтга Шоҳруҳбийнинг учинчи ўғли Шодибекнинг фарзанди Сулаймонбек ўтиради. Унинг тахтни эгаллашида уруғ оқсоқолларининг кўмаги катта бўлган бўлса-да, у атиги 6 ой ҳукмдорлик қилди.

1770 йилда Қўқон тахтига Абдураҳмонбийнинг ўғли Норбўтабий (1770–1801) ўтиради. Норбўтабий марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашда, бўйсунмас ҳокимлар қаршилигини бостиришда нисбатан муваффақият қозонади. У Чуст ва Намангандаги ғалаёнларни бостирганидан сўнг, бу шаҳарларга ўз одамларини ҳоким этиб тайинлайди. Норбўтабий бир қанча уринишлардан сўнг Андижон, Ўш, Хўжанд ва яқин атрофдаги қўшни ҳудудларни босиб олади. У 1799 йилда Тошкентни ҳам босиб олишга ҳаракат қилди, аммо унинг юборган қўшинлари мағлубиятга учради.

Норбутабийдан сўнг унинг ўғли Олимхон (1801–1810) тахтга ўтириб, Қўқон хонлигининг сиёсий қудратини мустаҳкамлаш, мамлакат ҳудудларини кенгайтиришга алоҳида эътибор берди. Натижада, Қўқон хонлигининг сиёсий мавқеи ошиб борди. Олимхон даврига келиб Қўқон хонлигидаги давлат бошқаруви олдинги давлатлар бошқарув тизимидан деярли фарқ қилмас эди. Унинг даврида Қўқон давлати кучайиб бориши билан давлатнинг сиёсий мақоми ҳам ўзгаради. Агар Қўқоннинг дастлабки ҳукмдорлари «бий» ва «бек» унвони билан мамлакатни идора қилган бўлсалар, Олимхон давридан бошлаб (1805 йил) ҳукмдорлар расман «хон» деб юритила бошланди.

Ўз даврида Олимхон ҳарбий юришлар қилиб ўзига янги вилоятларни, жумладан, Оҳангарон воҳаси, Тошкент, Чимкент, Туркистонни бўйсундиришга муваффақ бўлди. Қисқа муддат Ўратепани ҳам эгаллади, Жиззах ва Зоминга юришлар қилди. Ҳарбий ислоҳотлар ўтказиб, марказлашган ва кучли давлат тузиш учун ҳаракат қилаётган Олимхоннинг сиёсатидан норози бўлган айрим зодагонлар гуруҳи унга қарши фитна тайёрлай бошладилар. Олимхон ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида укаси Рустамбекни, бир нечта саркардаларни, дин пешволарини ўлдиртириб юборади. Манбаларнинг маълумот беришича, бу воқеалардан сўнг кучайиб кетган фитначиларга Олимхоннинг укаси Умарбек бошчилик қилган. Натижада, 1810 йилда Олимхон Тошкентдан Қўқонга қайтаётганда, Олтиқуш мавзесида ўғли Шоҳруҳбек билан бирга Қамбар Мирза томонидан отиб ўлдирилади.

Манбаларга кўра, Умархон (1810–1822) ҳукмдорлиги даврида йирик ер эгалари, ҳарбий саркардалар ва руҳонийларнинг мавқеи янада ошади. У давлат бошқаруви ишларида изчил тартиб, қонун-қоидалар ўрнатди ва диний ишларни тартибга солди. Натижада, 1818 йилда Умархон руҳонийларнинг розилиги билан «амир ал-муслимин» унвонини олиб, ҳам диний, ҳам дунёвий ҳокимиятга эга бўлади.

Муҳаммад Ҳакимхон маълумотларига кўра, Умархон даврида Амир Темур ва Султон Ҳусайн Бойқаро замонига тақлидан унвон ва лавозимлар жорий этилиб, уларга ҳокимиятга яқин шахслар тайинланади. Шунингдек, Олимхон зулмидан қочиб кетган айрим амалдорлар Умархон хизматига қайтиб келиб, лавозимларни эгаллайдилар.

Манбаларнинг гувоҳлик беришига қараганда, Қўқон хонлигининг Ўрта Осиё минтақасидаги сиёсий жараёнлар ва ўзаро муносабатларга фаол аралашуви ҳам Умархон давридан бошланади. Ўз даврида Умархоннинг элчилари Хива, Хитой ва Туркия давлатларига жўнатилганлиги маълум.

Н.Петровский Умархон ҳукмронлиги даври ҳақида қуйидаги маълумотларни беради: «Умарнинг хонлиги ҳам олдинги хонларникидек давом этди, яъни у ўз ерларини кенгайтирди. Бу хон даврида Туркистон вилояти мусулмонларнинг Ҳазрат (Султон ал-орифин Аҳмад Яссавий давф этилган Туркистон) шаҳри билан бирга забт этилди. Умархон халқ севиб ардоқлаган хонлардан бири бўлди.

Қўқонда икки қатор шеър тарқалган бўлиб, унда Умархон ҳақида жуда илиқ ва яхши сўзлар айтилар эди».

1822 йилда Умархон касалланиб вафот этганидан сўнг тахтга унинг ўғли Муҳаммадалихон (Мадалихон, 1822–1842) ўтиради. Унинг ҳукмронлиги даврида Қўқон хонлигининг ҳудуди янада кенгайиб, қирғизларнинг баъзи туманлари хонликка қўшиб олинади ҳамда Кўлоб, Ҳисор, Бадахшон, Дарвоз, Масчоҳ каби вилоятлар Муҳаммадалихон ҳукмронлигини тан оладилар.

Манбаларга кўра, Муҳаммадалихон ҳукмронлигининг дастлабки йиллари тинч ва одилона кечган. У 1826–1831 йиллар давомида Қашғарга юришлар қилиб, бу ердаги мусулмонларни хитойликлар зулмидан озод қилди ҳамда 70 минг уйғур мусулмонларини Андижон вилоятига кўчириб келтирди. Натижада, дин пешволари Муҳаммадалихонга «Ғозий» («дин ҳомийси», «дин йўлида курашувчи») унвонини бердилар.

1840 йилда Муҳаммадалихоннинг бош маслаҳатчиси, давлатни бошқарув ишларида катта тажрибага эга бўлган Ҳаққули мингбошининг туҳматга учраб, хон томонидан қатл этилиши шусиз ҳам қалтис бўлиб турган вазиятни янада кескинлаштириб юборди. Ундан ташқари, хон давлат ишларига лоқайд бўлиб, асосий вақтини ҳарамида ўтказа бошлади. Натижада, давлатнинг бошқарув ишларида суиистеъмолликлардан умумий норозиликлар бошланиб, хонни ағдариш учун фитна тайёрлана бошлади.

Лекин ўз кучлари билан фитнани амалга оширишга кўзи етмаган бир гуруҳ Қўқон амалдорлари бошқа хон сайлаш мақсадида Бухоро амири Насруллога нома ёзиб, ундан ёрдам сўрашди. Қўқон юриши учун баҳона тополмай турган Амир Насрулло бу таклифни тезда қабул қилиб, 1842 йил апрелда Қўқонни босиб олди. Қўқондан оиласи билан Наманган томонга қочган Муҳаммадалихон тутиб келтирилиб, оиласининг бир қисми билан қатл эттирилди.

Амир Насрулло Қўқон хонлигининг Бухорога қўшиб олинганлигини эълон қилиб, Қўқонда ўз ноиби Иброҳим додҳоҳ Манғитни қолдиради. Аммо Иброҳим додҳоҳнинг Қўқон халқига ўтказган жабр-зулми, солиқларнинг ҳаддан ташқари ошиб кетиши натижасида аҳоли қўзғолон кўтариб, Бухоро ҳукмронлигидан озод қилиш учун қипчоқларни ёрдамга таклиф этадилар. Қипчоқлар Муҳаммадалихоннинг қариндоши Шерали бошчилигида Қўқонга келиб, бухороликларни

тор-мор этдилар ҳамда Шералихон (1842–1845) тахтни эгаллади. Қипчоқлар эса шу вақтдан бошлаб узоқ вақт хонликда етакчи мавқега эга бўлдилар.

Қўқонда бўлган воқеалардан хабар топган амир Насрулло 1842 йилнинг кузида яна Қўқонга юриш қилди, аммо бу сафар унга омад кулиб боқмади. Муҳаммадалихон даврида юзбоши бўлган Мусулмонқули қипчоқ Насруллонинг ишончига кириб, Қўқонга келади ва қўқонликларни таслим бўлишга кўндириш ўрнига, бир тан-бир жон бўлиб амир Насруллога қарши курашга чорлайди. Унинг маслаҳатига кўра Қўқонда ҳимоя воситалари кучайтирилди. Бир ойдан зиёдроқ Қўқонни қамал қилган амир Насрулло ўзига қарши суиқасд уюштирилаётганлиги ҳамда хиваликлар чегарага жойлашган Бухоро қишлоқларига ҳужум қилаётганлиги ҳақидаги хабарни олиб, Бухорога қайтишга мажбур бўлди.

Бухороликларнинг кетиши билан Қўқон хонлигида бир муддат тинчлик ва осойишталик ҳукм сурди. Шералихон кекса одам бўлиб, оққўнгил ва мулойим инсон эди. Унинг даврида барча давлат лавозимларини қипчоқлар эгаллаб, давлат бошқарувини ўз қўлларига олдилар. Аммо 1845 йилда Бухорода бўлган Олимхоннинг ўғли Муродхон (Қўқонда 11 кун хон бўлган) амир Насруллонинг ёрдами билан Қўқонга келиб, Шералихонни қатл этади ва тахтни эгаллайди. Бу пайтда Наманганда бўлган мингбоши Мусулмонқули бу воқеадан хабардор бўлгач, Шералихоннинг беш ўғлидан бири Худоёрхонни олиб Қўқонга келади ҳамда уни хонлик тахтига ўтказади (1845–1853, 1863, 1865–1875). 16 ёшга кирган Худоёрхоннинг ёшлигидан фойдаланган Мусулмонқули мамлакатни деярли ўзи бошқарди. Худоёрхоннинг биринчи хонлиги даврида иккита куч – ўтроқ аҳоли ва кўчманчи туркий қабилалар ўртасидаги ҳокимият учун кураш хонликнинг асосий муаммосига айланди.

Умуман олганда, XIX асрнинг ўрталарига келиб Қўқон хонлигидаги сиёсий жараёнлар ҳамда ички аҳвол янада оғирлашган эди. Сўнгги тадқиқотларга кўра, бунинг сабаби биринчидан, ўтроқ аҳоли кўчманчи ва ярим кўчманчи бўлган қипчоқлар ҳокимиятини тан олмаганлар. Хонлик ҳудудларидаги баъзи вилоят ҳукмдорлари Мусулмонқулга қарши чиқдилар. Иккинчидан, ҳокимиятда юқори мавқени эгаллаш ҳамда хонга таъсир ўтказиш учун қипчоқлар орасида ҳам ўзаро курашлар борарди. Бу курашларда қипчоқларнинг қулон

уруғидан бўлган Мусулмонқули ҳам фаол иштирок этган. Учинчи сабаб эса қипчоқларнинг ўтроқ аҳолига нисбатан юритган сиёсати эди. Қипчоқлар ўтроқ аҳолига нисбатан беписандлик назари билан қараб, бошқа элат ва этник гуруҳларни камситганлар. Тўртинчидан эса ташқи омил – Россия империясининг аста-секинлик билан хонлик ҳудудларига бостириб кириши сиёсий жараёнларнинг янада кескинлашувига сабаб бўлган эди.

1852 йилга келиб, Мусулмонқули ва қипчоқларга қарши кураш учун ўтроқ мулкдорлар ва тошкентлик зодагонлар Худоёрхон атрофида бирлашдилар. Бу кучлар ёрдамида Худоёрхон Мусулмонқулини 1853 йилда қатл этиб, унинг тарафдорларини йўқ қилгани билан тахт учун курашларга барҳам бера олмади. Бундай вазиятда хонликнинг ички аҳволи оғирлашиб, у фаол ташқи сиёсатдан ҳам анча орқада қолди. 1858 йилда Шералихоннинг иккинчи хотинидан бўлган ўғли Маллахон Худоёрхонни тахтдан ағдариб, ўзини хон деб эълон қилди. Маллахон ва Алиқули қирғиз бошчилигида янгидан тикланган кўчманчилар гуруҳи узоқ ҳукмронлик қилмади. Айнан шу гуруҳ аъзолари Маллахонга қарши тил бириктириб, 1863 йил 25 февралда уни ўлдирдилар. Тахтга эса Худоёрхоннинг акаси Саримсоқбекнинг ўғли Шоҳмурод ўтказилди. Лекин қўшин бошлиқлари ва саройдаги кўпчилик амалдорлар унга қарши фитна уюштириб, Худоёрхонга яна тахтга ўтиришни таклиф этиб, одам юборадилар.

Бу пайтда Маллахон ўлимини эшитган Худоёрхон Амир Музаффарнинг рухсати билан Бухородан Жиззахга келган эди. Туркистон ҳокими Қаноатшоҳ ёрдамида қўшин йиғиб, 1863 йилнинг март ойида Жиззахдан Тошкентга келган Худоёрхон Қўқонга қарши юриш учун Тошкент қўшини билан Хўжандга келади. Бу орада амир Музаффар ҳам Бухоро лашкари билан Хўжандга келади. Худоёрхон Қўқонга ҳужум қилишни режалаштираётган пайтда, яъни 1863 йилнинг 5 майида шаҳар аҳолиси унга шимолий дарвозаларни очиб бердилар. Натижада, Қўқонда қирғин бошланиб, Шоҳмуродхон ўз тарафдорлари билан Марғилонга қочди. Худоёрхон иккинчи марта (1863) тахтни қўлга киритди.

Аммо хонликдаги қирғиз-қипчоқлар Косон ва Чуст атрофларида қўзғолон кўтардилар ва Тўрақўрғонга ҳужум қилдилар. Улар ҳатто Тошкент атрофларидаги қабила бошлиқларига нома юбориб, мадад беришни сўрадилар. Оқибатда, Тошкент атрофида қозоқлар қўзғо-

лон кўтариб, Тошкентни қамал қилдилар. Худоёрхон томонидан юборилган қўшинлар бу исёнларни бостиришга муваффақ бўлдилар. Аммо мағлубиятга учраган қирғиз-қипчоқ бошлиқлари тахт учун курашни давом эттирдилар. Хусусан, Шодмонхўжа, Саид Маҳмудхонтўра, Алиқулилар Султон Саидхон бошчилигида Марғилон томондан келиб, Андижонни босиб олдилар ва унинг атрофларидаги Балиқчи, Қува, Асака, Шаҳрихон, Ўш, Пойтуғ мавзеларини талон-тарож қилдилар. 1863 йил 26 апрелда Султон Саидхоннинг қўшини Мингтутга келиб, Қўқонни қамал қилди. Амир Музаффарнинг Худоёрхонга ёрдами туфайли қирғиз-қипчоқ лашкари Асака томонга кетиб, Қўрағулча дарасида ҳимояга ўтди. Қаттиқ курашлардан сўнг 1863 йилнинг 24 июлида Султон Саидхон Қўқон тахтини (1863–1865) эгаллади. Худоёрхон эса яна Бухорога қочди.

Хонликдаги ички низолар ташқи душманларга ниҳоятда қўл келган эди. Бундай вазиятдан унумли фойдаланган чор Россияси қўшинлари 1864 йилда Туркистон ва Чимкентни босиб олди. 1865 йил баҳорида улар Тошкентга яқинлашиб, Ниёзбек қалъасини эгалладилар. Узоқ қамалдан сўнг 17 июнда Тошкент эгалланди.

Қўқондаги саросималиклардан фойдаланган Худоёрхон 1865 йилнинг ёзида амир қўшинлари ёрдамида сўнгги маротаба Қўқон тахтини қўлга киритди. Шундан сўнг у амирнинг талабларига бошқа итоат этмай қўйди. Худоёрхон 1867 йил январь ойида Россия билан савдо битимини, 1868 йил 13 февралда Қўқон ва Россия шартномасини имзолади. Худоёрхон 1868–1873 йиллар оралиғида Россия билан муносабатларини яхшилаш мақсадида Тошкентга кўплаб совға-саломлар юборди. Шунингдек, Россия савдогарлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб берди. Натижада, Қўқон хонлиги амалда Россиянинг вассалига айланиб қолди.

Хонлик ҳудудида ҳукм сурган нисбий осойишталик 1873 йилгача давом этган бўлса ҳам, ҳукмдор, унинг яқинлари ва маҳаллий ҳокимларнинг жабр-зулми ҳамда қирғиз-қипчоқларнинг қайта бош кўтариши натижасида бу ерларда ўзаро низолар, халқ чиқишлари бошланди. Хусусан, 1873 йилда Пўлатхон (асли исми Мулла Исҳоқ Ҳасан ўғли) қирғизлар томонидан хон қилиб кўтарилиб, у бошчилигида қўзғолон бошланди. Саройдаги нуфузли амалдорлардан бири Абдураҳмон офтобачи Худоёрхонни тахтдан ағдариш ва унинг ўғли Сайид Насриддинбекни хон тахтига ўтказиш мақсадида Пўлатхон би-

лан тил бириктирди ва Ўрдада исён кўтарди. Сайид Насриддинбек Абдураҳмон офтобачи кўмагида хон деб (1875–1876) эълон қилинди. Худоёрхон Насриддинбек фойдасига тахтдан воз кечиб, аввал Хўжандга, ундан Тошкентга қочди.

Насриддинбекнинг ҳокимият тепасига келиши ҳам мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг кескинлигини бартараф эта олмади. Буни тушуниб етган Абдураҳмон офтобачи хонлик аҳолисини Россияга қарши курашга сафарбар қилмоқчи бўлди. Аммо русларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келиб, Маҳрам яқинидаги жангда улардан енгилди. Пўлатхон ҳам русларга қарши курашиш мақсадида Қўқонга ҳужум қилмоқчи бўлиб турган вақтда, яъни 1875 йил 25 сентябрда Насриддинхон Россия империяси ҳукумати билан битим тузди. Бу хабар тезда бутун Қўқонга ёйилиб, аҳоли яна исён кўтарди ва Ўрдага ҳужум қилди. Насриддинхон тахтни ташлаб Хўжандга қочди. Марғилонда Россия империяси аскарларига қарши аҳолини сафарбар қилаётган Пўлатхон қўшинига шаҳарликлар, мадраса талабалари ва кўчманчи аҳоли вакиллари келиб қўшилди. Уларга қўзғолон вақтида босқинчилар билан ҳамкорлик қилган кишилар ва хон оиласи вакилларини қатл этиш буюрилди.

Бу пайтда Наманганда бўлган Скобелев Россия империясининг топшириғига асосан 1876 йил февралида Қўқон хонлигини бутунлай босиб олишга киришди. Абдураҳмон офтобачи ва Пўлатхон қўлга олинди. Абдураҳмон офтобачи Россиянинг Екатеринослав губерниясига, Насриддинхон эса Владимир губерниясига сургун қилинди. Шу тариқа, 1876 йил 19 февралда 150 йилдан кўпроқ ҳукм сурган Қўқон хонлиги тугатилиб, ҳудудлари Россия империяси томонидан босиб олинди ва унинг ўрнига Фарғона вилояти ташкил этилди.

Маъмурий-ҳудудий тузилиши ва аҳолиси. XVIII аср охирларида хонликнинг ҳудуди фақат Фарғона водийсидан иборат бўлиб, бу даврда Норбўтабий водийдаги барча беклик ва вилоятларни ўз итоатига киргизиб, уларни Қўқонга бўйсундирди. Унинг даврида Андижон ва Марғилон вилоятлари водийдаги энг катта мулклар эди. Олимхон даврида хонлик ҳудудлари Тошкент ва унинг атрофидаги ерлар ҳисобидан анча кенгайди. Тарихий манбаларда Тошкент мулки – вилоят, шаҳар, Тошкент ва Дашти Қипчоқ вилояти номлари билан тилга олинади. Унинг ҳудудларига Оҳангарон, Чиноз, Тошкент атрофи, Сирдарё бўйларидаги Туркистон шаҳри ва унинг атрофлари кирган.

Бу мулкнинг ҳокимлари манба ва ҳужжатларда ҳоким, ҳукмдор, волий, ноиб атамалари билан тилга олинади. Умархон даврида Хўжанд, Ўратепа ва Жиззах атрофидаги ерларга ҳам кетма-кет юришлар қилиниб, 1817 йилда Ўратепа босиб олинади.

Муҳаммадалихон даврида хонликнинг ҳудудлари янада кенгаяди. Бу даврда хонлик шимолда Россияга қарашли Ташқи Сибирь округи билан, ғарбда Хива ва Бухоро амирлиги билан, жанубда Қоратегин, Дарвоз ва ундан узоқроқдаги ерлар – Шуғнон, Рўшон, Вахон ва (бу ҳудуд Қўқонга номигагина қарам бўлган) Кўлоб билан, шарқда Қашғар билан чегараланган. Хонлик ерларига Сирдарё билан Қоратегин ўртасида жойлашган Фарғона ҳудудлари, Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Наманган, Хўжанд ва бошқа шаҳарлар, Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасида жойлашган Қурама вилояти, Туркистон, Сирдарёнинг қуйи оқимидаги то Балхаш кўлигача бўлган қирғизлар яшайдиган ерлар, кўчманчи қирғизлар яшайдиган Биллур тоғининг шарқий этаклари, 1830 йилдан бошлаб ғарбий этаклари ҳам кирган.

XIX аср манбаларида Қўқон хонлиги беклик, баъзан вилоят ва саркорлик сифатида тилга олинган маъмурий-ҳудудий қисмларга бўлинган ҳамда уларни хон томонидан тайинланадиган беклар, ҳокимлар ва саркорлар бошқарган. Айрим манбалар (А. Кун) Қўқон хонлигидаги 15 та бекликнинг номини келтиради. Булар: Қўқон ва унинг атрофи, Марғилон, Шаҳрихон, Андижон, Наманган, Сўх, Маҳрам, Булоқбоши, Аравон, Балиқчи, Чортоқ, Навкат, Косон, Чуст ва Бобо дарҳон. «Туркестанские ведомости» (1876, №13) тўпламида эса Асака, Марғилон, Балиқчи, Ўш, Сўх, Косон ва Ўзган саркорлик сифатида ҳам тилга олинади.

Ҳокимлар ва ҳудудий бўлинма бошлиқлари хон оиласи аъзолари, унга яқин гуруҳлар, юқори табақа вакиллари ҳамда етакчи қабилалар сардорлари орасидан тайинланган. Мисол учун, Худоёрхон даврида еттита беклик хоннинг ўғиллари ва яқин қаришдошлари томонидан бошқарилган. Ўз навбатида, ҳокимлар вилоят ҳудудларини ўзларининг фарзандлари ва қариндошларига бўлиб берганлар. Қўқон хонлигининг маъмурий-ҳудудий бошқарув тизимида бек (ҳоким, волий) ва унинг ўрдаси алоҳида ўрин эгаллаган. Хон томонидан тайинланган ҳоким ва қози кўплаб ваколатларга эга бўлган.

Бек ўрдасида ҳам хон саройидагидек юзлаб амал ва унвонлар жорий этилган бўлиб, улар маҳаллий аҳолидан йиғиладиган солиқ ҳамда тўловлар ҳисобидан кун кечиришган. Беклар хоннинг итоаткор вассаллари бўлиб, мамлакатни идора этишида уни қўллаб-қувватлашлари, зарур бўлганда унга ёрдам беришлари, унинг ҳурмат-иззатини жойига қўйишлари, керакли вақтда ўз қўшинлари билан ҳарбий юришларда иштирок этишлари ва совға-саломлар юбориб туришлари лозим бўлган.

Қўқон ҳонлигида Қўқон, Тошкент, Андижон, Наманган, Марғилон, Чимкент, Жиззах, Ўш, Хўжанд, Ўратепа каби аҳолисининг сони жиҳатидан катта, ҳунармандчилик ва савдо ривожланган, мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ўнлаб шаҳарлар мавжуд бўлган. Хонликнинг пойтахти Қўқон шаҳри бўлиб, у мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий маркази эди.

XIX асрда хонликнинг чегара ҳудудларини бир неча қалъа ва истеҳкомлар муҳофаза қилган. Улар жумласига Оқмасжид, Авлиёота, Пишпак, Тўқмоқ, Қуртка, Ниёзбек, Маҳрам кабиларни киритиш мумкин. Чу водийси бўйлаб бунёд этилган истеҳкомлар эса нафақат чегара муҳофазаси учун, балки уларнинг атрофидаги шаҳар ва қишлоқларни итоатда ушлаб туриш учун ҳам хизмат қилган. Ушбу шаҳар ва қалъаларда ҳарбий қисм ҳамда уларга бошлиқ бўлган ботирбошилар бўлган. Мудофаа мақсадлари учун қурол ва аслаҳалар сақланган.

Хонлик таркибига кирувчи ҳудудлар аҳолисининг жойлашуви ва турмуш тарзи бир-биридан фарқ қилган. Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсининг суғорилиб, деҳқончилик қилинадиган қисми аҳоли жойлашуви жиҳатидан зич бўлиб, улар ўтроқ ҳаёт кечирганлар. Саҳро, тоғ ва тоғ олди текисликларидан иборат ҳудудларда кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли яшаган.

Хонликдаги аҳоли сони ҳақида манбаларда турли маълумотлар берилади. Бу маълумотларга кўра, XIX асрнинг бошларида хонликда (Тошкент ва Туркистонни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) аҳоли сони 1 миллион, XIX асрнинг ўрталарида 1,5–2 миллион, XIX асрнинг иккинчи ярмида 3 миллион киши бўлган бўлса, Россия империяси томонидан кўплаб ҳудудларнинг босиб олиниши ҳамда уларнинг босқинчилар маъмурияти таркибига кириши натижасида хонлик тасар-

руфидаги Фарғона водийсида 2 миллионга яқин аҳоли қолгани тахмин қилинади.

Аҳоли таркибида ўтроқ аҳоли кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолига нисбатан кўпчиликни ташкил этган. XIX аср бошларида аҳолининг 40 фоиздан ортиғи кўчманчи ва ярим кўчманчи бўлса, шу асрнинг охирига келиб улар 15 фоизни ташкил этган. Хўжалик машғулотларига кўра, ўтроқ аҳолининг асосий қисми деҳқончилик, ҳунармандчилик, косиблик ҳамда савдо-сотиқ билан банд бўлса, кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли чорвачилик билан шуғулланган.

Қўқон хонлиги аҳолисининг кўпчилиги ўзбеклар бўлиб, мамлакат шаҳар ва қишлоқларида тожиклар ҳам яшаган. Хонликда яна қирғизлар ва қипчоқлар ҳам истиқомат қилганлар. Улар Сирдарёнинг бошланиш жойларидан Балхаш кўлигача бўлган тоғли районлардан то Қашғар чегарасигача бўлган ерларда, Еттисув, Талас водийси, Олой тоғлари, Бадахшон, Фарғона водийси ҳудудларида кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳаёт кечиришган. Бундан ташқари, Фарғона водийсида қорақалпоқлар, Андижон атрофларида уйғурлар, Тошкент атрофларида қозоқлар, хонликнинг шарқий қисмида, Қўқон хонлигини Бухоро ва Россиядан ажратиб турадиган чўлларда кўчманчи қозоқлар яшаганлар.

Манбаларнинг маълумотларига кўра, XIX асрнинг бошларида қирғизлар, қалмоқлар, уйғурлар, қорақалпоқ, қозоқ ва қипчоқлар Хитой ҳукумати тазйиқи остида Шарқий Туркистондан Фарғона водийсигача кўчиб келишга мажбур бўлганлар. Шунингдек, хонликнинг айрим шаҳарларида лўлилар, ҳиндлар, афғонлар, араблар ва бошқа Осиё халқлари истиқомат қилганлар. Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топганидан сўнг руслар, яҳудийлар, арманлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшаганлар.

Давлат бошқаруви. Мансаблар ва унвонлар. Ўзбекларнинг минг қабиласи (уруғи) бошлиқларидан бири Шоҳруҳбий асос солган Қўқон хонлигидаги давлат бошқарув тизими ўрта асрларда Мовароуннаҳрда ҳукм сурган мусулмон давлатлари бошқарув тизимидан фарқ қилмас эди. Хонликда Бухоро амирлигида бўлгани каби Амир Темур даврида шаклланган ҳамда Шайбонийлар даврида қисман ислоҳот қилган давлат бошқаруви ва тизими мавжуд бўлган. Хонликда энг олий ва марказий унвон хон унвони бўлиб, унинг ҳукумати чекланмаган.

Фармон бериш ва унинг бажарилишини назорат этиш салоҳиятлари хоннинг қўлида бўлган.

Хонликнинг минг қабиласидан бўлган ҳокимлар турли йилларда Шаҳрисабз, Ургут, Моғиён, Урмитан вилоятлари ва бекликларида ҳам ҳукм сурганлар. Олимхон давригача (1798 й.) минг уруғи бошлиқлари бий унвони билан ҳокимиятни бошқарганлар. Олимхон 1805 йилда ўзини расман хон деб эълон қилди. Хон унвони билан ҳокимиятни бошқарган Умархон (1810 –1822) 1818 йилда ўзини «амир ул-муслимин» деб эълон қилди. 1822 йилда Муҳаммад Алихон ҳам хон унвони билан тахтга ўтирган.

Хон авлодлари хонзода, амирзода, мирзода, шаҳзода, тўра деб аталганлар. Хонликдаги давлат низоми мутлақ якка ҳокимлик бўлиб, хоннинг ўзи чекланмаган ҳокимиятга эга бўлса-да, маълум тарихий даврларда унинг салоҳияти ва ҳокимияти чекланиб, сарой амалдорлари ҳамда қўшин бошлиқларининг хонга таъсири кучли бўлган. Бунга Мусулмонқулининг мингбоши ва оталиқ бўлган даврини (Худоёрхон даврида, 1844 –1852) ёки Алиқулининг амирлашкарлик ва вазирлик даврини (Султон Сайидхон, 1863–1865) мисол қилиб келтириш мумкин. Бу ҳолат хоннинг сиёсий куч-қудрати маълум иқтисодий асосларга ҳамда маълум ижтимоий гуруҳлар фаолиятига боғлиқ бўлган дейишга асос бўлади.

Мамлакатда хон энг катта ва йирик мулкдор бўлиб, хонлик ҳудудидаги барча бойликларга, ер, сув, қўриқ ерлар, кўлу анҳорларга эгалик қилган. Улардан келадиган закот, хирож, танобона ва бошқа солиқлар шаклидаги даромадлар хон хазинасини мунтазам равишда тўлдириб турган. Хон ва унинг қариндошлари, сарой аҳли ва маъмурият, қўшинлар ва қўшин бошлиқлари, асосан, солиқлар ҳисобидан рағбатлантирилган.

Манбалар маълумотларига кўра, хон саройида мингбоши бошчилик қиладиган Кенгаш тузилган бўлиб, бу кенгаш саройдаги давлат аҳамиятига молик муҳим ишларни кўриб чиққан. Дастурхончи, рисолачи ва бошқа муҳим амалдорлар аъзо бўлган ушбу кенгаш давлат бошқарувида муҳим аҳамиятга эга эди.

Қўқон хонлигида, асосан, Олимхон, Умархон ва Муҳаммад Алихонлар даврида (1798–1842) давлат бошқаруви ва давлатчилик, ички ва ташқи сиёсат анча барқарор ҳамда нисбатан тинч ривожланган. Аммо XIX асрнинг ўрталарига келиб Қўқон хонлиги инқирозга уч-

рай бошлайди. Тадқиқотчилар ушбу инқирознинг асосий сабаблари сифатида ўтроқ халқ ва кўчманчи аҳоли ўртасидаги қарама-қаршиликларни, ўзаро низо ва урушларни, хон тахти учун олиб борилган курашларни, Бухоро амири билан бўлган низолар ва душманликлар, сарой амалдорларининг хоинликлари кабиларни кўрсатадилар. Буларнинг натижасида иқтисодий ҳаётда тараққиёт пасайиб, ижтимоий тарқоқлик кучайиб борди ва давлат инқирозга юз тутди.

Қўқон хонлигида унвонлар ва мансаблар улар ижрочиларининг вазифалари ҳамда мартабаларига қараб ҳарбий, ҳарбий-маъмурий, сарой унвон ва мансаблари ҳамда маъмурий вазифалари, диний мансаб ва унвонлар ҳамда диний қозихона амалларига бўлинар эди. Хон саройида қуйидаги ҳарбий мансаб ва унвонлар жорий этилган:

Амир ул-умаро – амирлар амири. Хон томонидан кенг ваколатлар берилган (давлатдаги муҳим ишлар, амалдорларни амалга қўйиш ва олиш, давлатдаги ички тартибни сақлаш, саройдаги тартиб-интизом кабилар) шахс бўлиб, хондан кейинги энг юқори мансаб ҳисобланган.

Амирлашкар – амир ул-умародан кейинги мансаб. Қўқон хонлигида мингбоши ҳарбий унвонининг вазифалари, даражаси амирлашкарликка тенг бўлган.

Мингбоши – маъмур сифатида минг нафар отлиқ аскар берадиган мулкнинг ҳокими. Бу унвондаги шахс ҳарбий юришлар вақтида қўшинни бошқариб, лашкарбоши унвонини олган. Бу унвоннинг эгаси вазирликка ҳам даъвогар бўлган. Бу унвон Шералихон даврида (1842–1844 йй.) юқори даражадаги вазифага айланиб кетган.

Ботирбоши – ботир, баҳодирлар бошлиғи. Беш юз кишидан кўп лашкарга бошчилик қилган. Вилоятларда ботирбоши ҳарбий ва қўшин ишларига масъул эди. Ботирбоши баъзан қурилиш ҳамда суғориш ишларига ҳам бошчилик қилган. (Улуғ наҳр ариғи, Отабек ботирбоши).

Қўшбеги – ҳарбий қўшиннинг бошлиғи. Бу мансаб юриш ва жанг вақтларида берилиб, унинг эгаси мингбоши унвонини олишга даъвогарлик қилган ҳамда алоҳида вилоятга ҳам ҳоким бўлиши мумкин эди.

Воли ёки волий (ноиб, муовин) – тобе этилган вилоят ва туманларда хоннинг ўринбосари. Вилоятларда лашкар унга итоат

этган ҳамда у вилоятнинг ҳарбий маъмурий ишларига бошчилик қилган.

Қалъабон ёки кутвол – Қўқон хонлигининг чегараларида жойлашган қалъа ва истеҳкомларнинг ҳокими бўлиб, шу ҳудудларнинг ҳарбий-маъмурий, хирож ва бож олиш ишларига жавобгар бўлган. Ҳарбий мақсадга кўра, қалъабон вазифасига додҳоҳдан қўшбегигача бўлган шахслар тайинланган.

Қўрбоши – қўрхона яъни аслаҳахона бошлиғи. Бу мансаб эгаси хон ва мингбошига итоат этган. Қўрбоши қўрхона, милтиқхона, тўпхоналарга бошчилик қилиб, хом ашё топиб келишдан тортиб то тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни хон қарорига биноан тарқатиб бериш жараёнига жавобгар бўлган.

Ёфар – соқчилар бошлиғи. Бу мансаб эгасининг гуруҳи юз нафар аскардан иборат бўлган. Ёфар ўз гуруҳининг ҳисоб-китоби, йиллик харажатини аскарлари учун хазинадан олиб берган. Манбаларда ёфарлар ғаллагир (ғалла олувчи), жавгир (буғдой олувчи) ва сарпо олувчи сифатида ҳам қайд этилган.

Тўпчибоши – тўпчилар, замбаракчилар гуруҳи бошлиғи.

Тўқсабо – ўзларининг туғига эга бўлган ҳарбий гуруҳнинг бошлиғи.

Понсадбоши – беш юз нафар аскардан иборат гуруҳ раҳбари.

Юзбоши – юз кишилик ҳарбий даста бошлиғи.

Панжоҳбоши – элликбоши, эллик нафарли ҳарбий гуруҳ бошлиғи.

Даҳбоши – ўн кишилик ҳарбий гуруҳ бошлиғи.

Қоровулбеги – соқчилар ва қоровуллар бошлиғи.

Ҳарбийлар қаторига аскар, сарбоз, нукар, сипоҳи, мерган, маҳрам, ботур, тўпчи, занбарчи, қўрчи, қоровул кабилар ҳам кириб, қўшин сафида ноғорачи, сурнайчи, тўғчи (байроқдор) кабилар ҳам хизмат қилганлар. Бу ҳарбий унвонлар орасида мингбошидан понсадбошигача бўлганлари олий унвонлар, қўрбошидан қоровулбошигача бўлганлар ўрта унвонли мансаблар, қолганлари эса паст унвонлар ҳисобланган. Элликбошидан мингбошигача бўлган ҳарбий лавозимдаги амалдорлар ўз хизматларига мулозимлар олганлар. Понсадбошидан юқори мансабдаги ҳарбийларга яна мирзолар ва муншийлар ҳам хизмат қилган. Манбаларда ҳарбийларга саройдан йилига турли ҳажмдаги маош берилганлиги қайд этилган.

Қўқон хонлигидаги сарой унвон ва мансаблари қуйидагилар эди:

Оталиқ – хон ёки хонзоданинг мураббийси, уларнинг ҳомийлари. Улар тарбиялаган хонзода тахтга ўтирганидан сўнг, оталиқлар ҳам юқори мансаб ва унвонларни эгаллаганлар.

Бекларбеги – бекларнинг беги. Бу унвон хоннинг ворисига ёки баъзи вилоятларнинг ҳокимига берилган.

Бий – туркий қабилаларнинг бошлиқлари.

Девонбеги – хон девонининг бошлиғи, Қўқон хонлиги вилоятларидан Тошкент ва Дашти қипчоқ мулкида ҳам девонбеги мансаби бўлган.

Хазиначи – давлат хазинасининг ҳисоб-китобига жавобгар шахс. Хазиначилар вилоят марказларида ҳам фаолият юритган.

Иноқ – хоннинг хос ва сирдош мулозими.

Эшикоғаси ёки чеҳраоғаси – эшик олдидаги соқчи, посбон. Хон маҳрамлари ва соқчи-мулозимларининг бошлиғи. Нотаниш кишиларни хон ҳузурига ижозатсиз қўймасликка жавобгар шахс.

Парвоначи – бу унвон эгаси хон номига келган хат ва аризаларни саройга олиб кириб, жавобини олиб чиққан. Бу унвон бошқа унвон соҳибларига ҳам берилган.

Додҳоҳ – хон олдига фуқароларнинг хоҳиш-истак ҳамда мақсадларини баён этиш ҳуқуқига эга мансаб, сарой унвони.

Дастурхончи – хон дастурхонига, умуман, ошхонасига жавобгар сарой мансаби.

Сарой қоровулбегиси – хон ўрдасининг соқчиларига бошлиқ бўлган сарой амалдори.

Тунқатор – тун бўйи уйғоқ бўладиган соқчи. Хоннинг дам олиши ва юришлари вақтида қўриқчилик қилиб, хоннинг яқин кишиларидан тайинланадиган амалдор.

Офтобачи – хоннинг хос мулозимларидан бўлиб, унинг ювиниши ва таҳорати вақтида хизмат қиладиган амалдор.

Шарбатдор – энг олий ва фахрий унвонлардан бўлиб, хоннинг хос мажлислари ва сафарларида хизматда бўлган.

Ҳидоятчи – хон саройига юборилган тортиқ ва совғаларни қабул қилиб олиб, хон назаридан ўтказувчи амалдор.

Шиғовул – саройга ташриф буюрган элчилар ва чопарларни хон ҳузурига бошлаб кирувчи амалдор. Манбаларга кўра, бу мансабдаги амалдорнинг вазифалари кенг бўлган.

Саркор – саройдаги хон амалдорларининг бошлиғи. Бу мансабдаги шахс хонга тегишли шифохоналар, корхоналар ҳамда қурилиш ишларига ҳам бошчилик қилган.

Қушбеги (мири шикор) – ов пайтида хонга ҳамроҳлик қиладиган мансаб эгаси. Қушбегининг овчи итлари, лочин ва бургутлари бўлиб, ов пайтидаги хоннинг дам олиш жараёнларига ҳам бу шахс жавобгар бўлган.

Саломоғаси – хон номидан халққа салом берувчи.

Китобдор – сарой кутубхонаси учун жавоб берадиган амалдор.

Рисолачи – элчилар ва уларнинг хат-хабарларига жавоб бериш учун масъул бўлган сарой амалдори.

Жамъоға – хоннинг суҳбати, қабули ҳамда базмларига иштирок этувчиларга хабар бериб, чақириб келадиган сарой амалдори.

Жарчи – халқ йиғиладиган оммавий жойларда хоннинг фармон ва буйруқларини жар солиб (баланд овоз билан) эълон қиладиган шахс.

Чопқучи – пичоқ ясовчи, хон саройидагилар учун қуроллар (пичоқ, ханжар, қилич) ясаб, қўрчи вазифасини ҳам бажарган.

Шотир – хон рикоби олдида юрадиган хизматчи, одамларни хон келишидан хабардор этиб, уларни таъзимга чорлаб турган.

Удайчи – хон рикоби олдида юриб, унинг шаънига баланд овоз билан мақтовли сўзлар ва ҳамду санолар айтиб борувчи хизматчи.

Юқоридаги амал ва мансаб эгалари ўз хизматлари эвазига йиллик маош (пул, от, қўй, ғалла кўринишида) олганлар. Бундан ташқари, уларга ер-мулклар ҳам берилган.

Бутун ўрта асрлар мусулмон давлатларида бўлгани каби Қўқон хонлигидаги мусулмон руҳонийлари ҳам алоҳида имтиёзларга эга бўлган ижтимоий табақа ҳисобланган. Хонликдаги давлат бошқарувида, таълим-тарбияда, суд ишларида ҳамда жамият ҳаётининг турли соҳаларида уларнинг фикри катта аҳамият касб этган. Қўқон хонлигида қуйидаги диний ва қозихона мансаб, унвон ҳамда амаллари мавжуд бўлган:

Шайх ул-ислом – диндорларнинг энг олий унвони бўлиб, 1818 йилда Умархон томонидан жорий этилган.

Хожа калон – фиқҳ олими (ҳуқуқшунос) нинг фахрий унвони.

Халифа – ўринбосар. Қўқондаги нақшбандия, қаландария, яссавия тариқатларининг раҳбарлари.

Аълам – фақиҳ, олим ҳамда шариат қонун-қоидаларининг билимдони.

Охунд – билимли ва мадрасада ўқийдиган киши.

Судур – вақф мулкларининг даромадлари ҳамда ҳисоб-китобига жавобгар мансабдор.

Ўроқ – вақф ерларининг хирож ва солиқларига масъул шахс, ўроқ шаклидаги нишонни салласига тақиб юрган.

Мударрис – мадрасада таълим берувчи устоз.

Имом ва имом хатиб – масжид имоми ҳамда жума намозларида хутба ўқиб хизмат қиладиган имом.

Муаззин – мусулмонларни намозга чақирувчи, азон айтувчи.

Қози ул-қуззот – қозилар қозиси (адлия вазири).

Қози калон – хонлик пойтахти ҳамда вилоятлар марказларидаги қозилар ва қозихоналар устидан назорат қилувчи амалдор.

Қозии аскар – қўшин қозиси.

Таракачи – мерос қолган мол-мулкларни меросхўрларга тақсимлаб (тарака) берувчи шахс.

Хонликдаги диний ва қозилик лавозимида бўлганлар давлат томонидан белгиланган маош ҳамда турли эҳсонлар ҳисобидан кун кўрганлар. Мадраса, масжид, мозорлар ўзларининг вақф мулкларига эга бўлиб, шу мулк даромадидан ўз хизматчиларига маош берганлар. Вақф мулкларига мутавалли мутасадди – бошлиқ эди.

Ер эгалиги муносабатлари ва солиқлар. Қўқон хонлиги хўжалик ҳаётининг асосини ташкил қиладиган соҳа деҳқончилик эди. Чунки хонликнинг асосини ташкил этган Фарғона водийсида сув манбаларининг етарли даражада бўлганлиги деҳқончилик хўжалигида мўл ҳосил бўлишини таъминлаган. Хонликда XVIII асрга қадар ерларни суғориш учун сойлар ва жилғаларнинг сувларидан ҳам унумли фойдаланилган.

Хонликдаги тахт учун ўзаро курашлар ҳамда сиёсий тарқоқлик давом этаётган бўлишига қарамай, XVIII аср иккинчи ярмидан бошлаб айрим туманларнинг суғориш тармоқлари таъмирланган ва янгилари қазилган. Чунки хонликда ип ва газлама ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бориши, бу маҳсулотларни Россия ва у орқали Шарқий Европа мамлакатлари бозорларида кўплаб сотила бошлаши, уларга бўлган талабнинг тобора кучайиб бориши суғорма деҳқончилик ерларини кенгайтириш ҳамда янги ерларни ўзлаштиришни тақозо қилар эди.

Шунинг учун ҳам XIX аср Қўқон хонлигида, хусусан, Фарғона водийсининг суғорилиши тарихида янги даврни бошлаб бердики, айнан шу даврдан бошлаб, водийда йирик суғориш иншоотлари, ариқлар, каналлар, тўғонлар қурила бошланган. Масалан, Сирдарёнинг асосий ирмоқларидан бўлган Норин ва Қорадарёлардан сув оладиган Шаҳрихонсой канали, Наманган Янги ариғи, Чинобод ариғи, Улуғнаҳр, Андижонсой канали, Олтиариқ, Мутаган ариғи ва бошқа суғориш тармоқларининг кўпайиши, суғориладиган далаларнинг сезиларли даражада кенгайиши ҳамда деҳқончилик ва боғдорчиликнинг ривожланишига олиб келган.

Қўқон хонлигида суғориш иншоотларини барпо этишнинг маълум тартиб-қоидалари мавжуд бўлган. Чунончи, суғориш тармоқлари ва уларни барпо этиш ишлари икки гуруҳга ажратилган. Биринчи гуруҳга ҳажм жиҳатидан кичик суғориш иншоотлари кириб, ундан қишлоқ аҳолиси фойдаланган. Уларга маҳаллий мутасадди кишилар, мироббошилар бошчилик қилган. Иккинчи гуруҳ суғориш иншоотларига ҳажм жиҳатидан катта ва йирик каналлар киритилиб, уларни бунёд қилиш ишларига хонликнинг турли вилоятларидан қазувчи – ҳашарчилар жалб этилган. Бундай иншоотлар қурилишига бевосита хон ёки жойлардан унинг вакили бошчилик қилган.

Хонликда деҳқончилик экинларининг аксарияти Ўрта Осиё хонликларига хос бўлиб, ғаллачилик, боғдорчилик, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш ҳамда ипакчилик яхши ривожланган. Донли экинлардан маккажўхори етиштириш кенг тарқалган бўлиб, у шаҳар ва қишлоқларда камбағалларнинг асосий истеъмол маҳсулоти ҳисобланган. Шунингдек, XIX асрга келиб хонликда пахтачилик соҳасига катта эътибор берила бошланган.

Хонлик ғарбий қисмининг табиий шароити боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш учун жуда қулай бўлган. Жануби-ғарбий Хўжанд, Конибодом, Исфара, Сўх, Чимён, Риштон ҳудудлари, асосан ўрик етиштиришга тўла ихтисослашган. Бу даврда бутун Фарғона водийсида тут дарахти кенг тарқалиб, тоғ олди ва қадимги деҳқончилик воҳаларидан ҳисобланган Сўх, Исфара, Наманган, Аштда ипакчилик учун тут қадимдан ўстириб келинган.

Хонликда ер ва сув ҳукмрон табақаларники ҳисобланган, ерга эгалик қилишнинг тўртта тури мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар эди: 1. Хирож ерлар – ер эгаларининг хусусий ерлари. 2. Давлат ёки

амлоқ ерлари – хонга қарашли ерлар – ўрмонлар, тўқайлар, йўл ва кўприклар. 3. Хусусий ерлар – хоннинг махсус фармойиши билан йирик амалдорларга берилган ерлар (суюрғол). 4. Вақф ерлари – диний муассасалар, яъни масжид, мадраса ва мозорларга қарашли ерлар.

Манбаларга кўра, амлоқ хон ихтиёридаги ер бўлиб, у «**замини хос**», деб аталган. Бундай ерлар хон томонидан айрим гуруҳ ва мансабдор шахсларга берилган. Ерни олган киши унга ўз ҳисобидан ишлов бериб, суғорган. Олган ҳосилидан эса хонга солиқ тўлаган ва бу солиқ миқдори хирож[21] дан кўпроқ бўлган.

Ерга эгалик қилишда мулк, ижара, урғу, танҳо шаклларидан ҳам фойдаланилган. **Мулк** – бойларга қарашли хусусий ерлар бўлиб, улар деҳқонларга ижарага берилган. Маълумотларга кўра, **ижара** – муайян шартлар асосида бериладиган барча кўчмас ва кўчадиган мулк – ер, ариқ, тегирмон, тим, раста, улов ва бошқаларни ўз ичига олган мулк шакли бўлса, урғу – мусодара қилиш йўли билан хон мулкига айлантирилган ёки гуноҳкорни қўлга олишда жонбозлик қилган шахсларга берилган ер ва мол-мулкдир.

Танҳо – ҳукмдор томонидан алоҳида хизмат кўрсатган кишиларга амлоқ ерлардан баъзилари инъом этилиши туфайли пайдо бўлган мулк шакли бўлиб, бундай ерларда солиқ йиғиш ҳуқуқи танҳо эгалари – танҳодорларга берилган. У ўзига берилган ер, бир нечта қишлоқ, ҳатто катта мулкнинг йиллик ёки ярим йиллик даромадини ҳадя сифатида олган. Баъзан амалдорлар бир умр танҳодор бўлган ва ўғли хон марҳаматига сазовор бўлса, танҳодорлик мерос сифатида давом этган. Ҳарбийларга танҳо ёки хирож тақдим этилса, у тархон деб аталган.

Бу даврда хонликнинг даромади маҳсулот ва пулдан иборат бўлиб, улар, асосан, солиқлар ундириш йўли билан ҳосил қилинган. Солиқ ва мажбуриятлар хонликнинг барча шаҳар ва қишлоқларида деярли бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Мамлакатда мавжуд солиқлар жорий этилишига кўра тўрт турга: шариат қонун-қоидаларига биноан белгиланган асосий солиқлар; расмий солиқлар; анъанавий солиқлар; фавқулодда жорий этилган солиқлар.

---

[21] Хирож – ҳосилнинг 1/5 дан 1/8 қисмигача ташкил этган.

Манбаларга кўра, шариат қонун-қоидалари асосида жорий этилган асосий солиқлар – **хирож, ушр ва закот** ҳисобланган. Деҳқончиликда донли экинлар экиладиган ерлардан олинадиган солиқ – хирож деб аталган. Бу солиқ ҳосилнинг бешдан бир қисмини ташкил этиб, 5 қоп ғалланинг бир қоп миқдорида ундирилган. Солиқнинг бир қисми маҳсулот, бир қисми эса пул билан тўланган.

Ушр ерлари – «**замини ушр**» деб юритилган ерлардан ҳосилнинг ўндан бир қисми миқдорида ушр солиғи руҳонийлар фойдасига ундирилган. Закот – маҳсулотдан олинадиган савдо солиғи ёки чорва моллари ҳисобидан олинадиган солиқ бўлиб, даромаднинг қирқдан бир қисмини ташкил этган. Хонликнинг савдогарлик сармоялари аниқ бўлмаганлиги сабабли, шароитга қараб даромаддан закот олинган. Шунингдек, чорва молларидан ҳам қирқдан бир улуш ҳисобида закот олинган. Архив ҳужжатларида анъанавий закотдан ташқари, бўроқи закоти, элатия закоти, саркарда закоти кабилар ҳақида маълумотлар бор.

Хонликда жорий этилган танобона, хонсолиқ, карвонлардан чегара ёки махсус белгиланган шаҳарларда, Сирдарё кечувидан олинадиган бож тўловлари, туз божи, бозорларда савдогарлардан, хон маблағига қурилган барча иншоотлардан олинадиган солиқ кабилар расмий солиқларга кирган. Боғдорчилик, сабзавотчилик, полизчиликда экин экиладиган ер майдонининг ҳажмига қараб таноб солиғи олинган. Солиқ йиғувчи амалдор танобчи (ҳар бир таноб ердан солиқ олувчи), закот солиғини йиғувчи амалдорлар закотчи деб аталган.

Анъанавий солиқларга тўй маросимларидан, мерос бўлинишидан, тарозидан, дарёдан ўтиш учун соллардан, қирғиз ва қозоқларнинг чорвасидан олинадиган ва шунга ўхшаш солиқлар кирган. Хонликда булардан ташқари яна турли хил фавқулодда солиқлар мавжуд бўлиб, у тилла пули ва мис пули, улов пули, алаф пули, нафсона, муштак, кафсан, яксара ва бошқалардир.

Солиқлар қатъий белгиланган миқдорда ҳамда ўз вақтида йиғилиши шарт бўлса-да, хон ва амалдорларнинг ихтиёри билан бу ҳолат ўзгариб турган. Ҳарбий ҳаракатлар пайтида, айниқса, солиқларнинг тури ва миқдори оширилган.

Хон хазинасига келиб тушган солиқлар – **хоссачи**, бек хазинасига тушган солиқлар – беклик деб аталган. Манбаларга кўра, хон ихтиёридаги ерлар «**замини хос**» деб аталиб, ундан келадиган барча даро-

мад хоннинг ихтиёрида бўлган. Хон хазинасига тушадиган солиқларнинг деярли барчаси Қўқон шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқлардан йиғилган. Четдан хон ихтиёрига маҳсулот ва чорвадан йиғиладиган закот, Сирдарё кечувидан олинадиган бож, туздан, хоссачи жойлардан, хон маблағига қурилган барча иншоотлардан олинадиган солиқ, тўй маросимларидан ва мерос бўлишдан йиғиладиган солиқлар тушган.

Қўқон холигида солиқлардан озод қилинган, яъни, **«мулки ҳур»** ерлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг эгалари бўлган саййид, хўжалар, шайхлар ва эшонлар хоннинг махсус иноятномалари асосида барча солиқлардан озод қилинганлар. Шунингдек, хонзода ва тўралар, баъзи қози, раис, амин, дарвеш ва сўфилар ҳам таноб солиғидан озод қилинган.

Солиқлардан ташқари аҳоли мажбурий равишда турли ишларга – каналлар қазиш, ариқларни тозалаш, ободончилик ишлари, турли қурилишларга, айниқса, ҳукмрон табақаларнинг хизматларига жалб этилган. Солиқ, тўлов ва мажбуриятларнинг йилдан-йилга ошиб бориши натижасида Қўқон хонлигида халқнинг норозилиги ортиб бориб, хонликдаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви давлатнинг сиёсий инқирозини таъминлаб берган эди.

Ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ. Қўқон хонлигида мамлакат пойтахти ва бошқа кўплаб шаҳарлар аҳолисининг асосий қисми ҳунармандчилик ва косибчилик билан шуғулланганлар. Ҳунармандчилик шаҳарларда ихтисослашган кўринишга эга бўлиб, буюмларнинг бир тури ва бирор қисмини ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар мавжуд бўлган. Ҳунармандлар ўз касбларининг сир-асрорларини мукаммал ўзлаштирган моҳир усталар бўлиб, ишлаб чиқарган маҳсулотларини юксак санъат даражасига кўтарганлар.

Хонликнинг деярли барча шаҳар ва қишлоқларида ҳунармандчиликнинг тараққиёти бир хил бўлган бўлса-да, ишлаб чиқариш ўзининг айрим хусусиятлари, яъни маҳсулотнинг тури, сифати билан ажралиб турган. Ҳунармандчиликнинг темирчилик, заргарлик, тўқувчилик, дегрезлик, кулолчилик, мисгарлик ва бошқа тармоқлари кенг ривожланган бўлиб, хонликнинг ҳар бир шаҳри муайян соҳада ишлаб чиқарган маҳсулоти билан донг таратган. Мисол учун, Қўқон шаҳри заргарлик ва қоғоз ишлаб чиқариш, Шаҳрихон ва Чуст тикувчилик ҳамда темирга ишлов бериш, хусусан, пичоқчилик, Марғи-

лон, Наманган ва Андижон эса ипак газламалари, Тошкент ўзининг тикувчилик, тўқувчилик, чўян, темир-мис маҳсулотлари билан машҳур бўлган.

Бутун хонлик ҳудудида ишлаб чиқариш қўл меҳнатига асосланган бўлиб, асосий ҳунар турлари – ип ва ипак матолар тўқиш, оёқ кийим тайёрлаш, терига ишлов бериш, кулолчилик маҳсулотлари тайёрлаш, темирчилик, эгар-жабдуғ ясаш, бўёқчилик, мисгарлик, заргарлик, дурадгорлик, аравасозлик, ҳарбий қурол ишлаб чиқариш, ўймакорлик, мум ишлаш, писта кўмир тайёрлаш, каштачилик, дўппичилик, пичоқчилик кабилар эди. Ундан ташқари, хонга тегишли порох ишловчи ва қоғоз тайёрловли устахоналар ҳам бўлган.

Хонликда қуролсозликка алоҳида эътибор қаратилган. Бу тармоқ шаҳар ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг обрўли соҳаларидан бири ҳисобланган. Қўқон шаҳрида замбараклар, милтиқлар, қиличлар, пичоқлар, ханжарлар, қалқонлар, найзалар ва бошқа ҳарбий анжомлар тайёрланган.

Хонликнинг ҳунарманд-косибчилиги серқирра ва мазмунан бой бўлиб, ижтимоий ҳолатига кўра ҳунармандлар иккита – юқори ва қуйи табақаларга бўлинган. Юқори табақа вакилларига ўз устахонаси, меҳнат қуроллари ва хом ашёсига эга бўлган усталар кирган. Мулкдор табақалар қўлидаги устахоналар ва меҳнат қуролларидан фойдаланувчилар, юқори табақага кирувчи усталарнинг қўлларида кунбай ёлланиб ишловчилар – қуйи табақа ҳисобланган.

Хонликда ҳунармандчилик ва косиблик ишлаб чиқаришини, асосан, пахтачилик, ипакчилик, чорвачилик тармоқлари ва ер ости бойликларини қазиб чиқариш соҳалари хом ашё билан таъминлаган. Ҳунармандчилик учун зарур бўлган хом ашёлар хонлик ҳудудидан олиниши билан бирга, четдан ҳам харид қилинган. Асосий хом ашёлардан бири бўлган олтин Сирдарёнинг юқори оқимидан, Қонсув дарёсидан олинган. Шунингдек, Косонсойдан, Қоратоғнинг шимолидаги Кукрев дарёсидан, Чирчиқ дарёси бўйларидан, Бурчмулла ёнидан, Чотқол дарёсининг юқори оқимидан ҳам олтин олинган. Ҳунармандлар темир рудасини Олой тоғ тизмаси этакларидан, қўрғошин ва бошқа маъданларни Қоратовдан қазиб олганлар. Манбаларга кўра, ер ости бойликларини қазиб чиқариш содда ва кам бўлиб, у эҳтиёжни талаб даражасида қондира олмаган. Шунинг учун ҳам аксарият металлар Россиядан олиб келинган.

Қўқон хонлиги ҳаётида ички ва ташқи савдо муносабатлари алоҳида аҳамиятга эга эди. Ички савдо – ўтроқ деҳқонлар, кўчманчи чорвадорлар ва шаҳар-қишлоқ ҳунармандлари ўртасидаги анъанавий маҳсулот айирбошлашга асосланган. Аҳолининг кундалик эҳтиёжлари ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган маҳсулотлар билан таъминлаб турилган. Барча ички савдо чакана бўлиб, улгуржи савдо деярли бўлмаган.

Ҳунармандлар ва косиблар савдо орқали яқин алоқада бўлганлар. Ҳунармандлар аксарият ҳолларда ўз маҳсулотларини ўзлари сотганлар. Деҳқон ва чорвадорлар эса ҳафтанинг муайян кунлари ўз молларини бозорга олиб чиққанлар. Бозорлардаги нарх-наво бир хилда турмаган. Нарх-наво хонликдаги тинчлик-осойишталик, урушлар, об-ҳавонинг ёмон келиши оқибатида ҳосилдорликнинг пасайиши каби омилларга қараб ўзгариб турган.

Қўқон хонлигининг энг асосий савдо ва тижорат маркази Қўқон, Тошкент, Марғилон, Андижон, Хўжанд, Наманган, Ўш, Ўратепа каби шаҳарлар бўлиб, улар орасида Қўқон нафақат хонлик, балки бутун Ўрта Осиёнинг савдо марказларидан бири ҳисобланган. Маълумотларга кўра, Қўқон бозорлари ўзининг маҳсулотларга бойлиги ва нарх-навонинг бошқа шаҳарларга нисбатан анча арзонлиги билан ажралиб турган. Шаҳарнинг деворлар билан ўралган катта бозорлари маҳаллий аҳоли ва четдан келган савдогарлар билан доимо гавжум бўлган. Рус манбаларида келтирилишича, XIX асрнинг 20-йилларида Қўқонда олтита бозор бўлиб, улар якшанба, чоршанба ва пайшанба кунлари ишлаган. Бу бозорларда қаттиқ назорат ўрнатилган бўлиб, харидор ҳаққига хиёнат оғир жазога тортилган.

Қўқон хонлигининг иқтисодий ҳаётида ташқи савдо ҳам муҳим аҳамият касб этган. Мамлакат ғарб ва жанубида Бухоро, Хива, Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, шарқда Хитой (Қашғар орқали), шимолда Дашти Қипчоқ кўчманчилари ва, айниқса, Россия билан кенг савдо алоқалари ўрнатган. Айрим манбаларда хонликка япониялик ва англиялик савдогарлар ҳам келганлиги эслатиб ўтилади.

Хонликдан чет элга, асосан, ипак ва ипак матолар, пахта, чарм, қимматбаҳо тошлар, заргарлик буюмлари ва бошқа маҳсулотлар чиқарилган. Чет элдан чой, металл, чинни, уй-рўзғор буюмлари, тайёр газлама, кийим-кечак, пойабзал, олтин, кумуш ва бошқалар келтирилган.

Хонликнинг савдогарлари Бухоро ва амирлик чегараларидаги шаҳарлар билан мунтазам савдо алоқалари олиб борганлар. Ҳар иккала давлатнинг савдогарлари савдо ишларида фаол иштирок этиб, қўқонлик савдогарлар Бухоро амирлигига хўжалик ҳаётда зарур бўлган рус темири, пўлат ва чўяндан ясалган буюмлар, тамаки, рўмол, гуруч ва баъзи хитой ёки маҳаллий ипак газламалари, чой, чинни идишлар олиб боришган бўлса, бухоролик савдогарлар эса Қўқонга ҳинд чойи, сурп мато, ҳарир, бўёқ, афюн (тарёк), зардўзлик маҳсулотлари, ип ва газлама олиб келишган.

Рус чити Бухоронинг Қўқон хонлиги ўртасидаги савдосида алоҳида ўрин эгаллаган. Бу мато Оренбург ёки Петропавловскдан Казалинскка, ундан Бухоро, Самарқанд ва Хўжанд орқали Қўқонга олиб келинган. Шунингдек, хонликка Машҳаддан олиб келинадиган инглиз газламалари, оз миқдорда бўлса ҳам Қобулнинг тўн ва саллалари, ҳинд атторлик моллари ҳам келтирилган.

Қўқон хонлигининг Қашғар билан савдо муносабатлари худди Бухоро амирлиги каби бўлиб, Қашғардан Қўқонга афюн, чинни идишлар, кумуш, хитой ипак матолари, тола ва гиламлар олиб келинган. Қозоқ жузларининг Россияга тобе этилиши ҳукмдор табақалар ўртасидаги ўзаро урушларнинг тўхташига сабаб бўлди ва бу ҳолат Ўрта Осиёнинг, жумладан, Қўқон хонлигининг Сибир, Урал, Волга бўйи билан савдо алоқларига кенг йўл очди.

Хонлик Ҳиндистон билан ҳам мунтазам савдо алоқаларини олиб борган. Манбалардаги маълумотларга кўра, Ҳиндистондан йилига Қўқон, Тошкент, Бухоро ва Қашғарга Қобул орқали 10000 дан 15000 туягача маҳсулот юборилган. Улар орасида ип газламалар, ипак, эчки жуни, отлар ва бошқалар чиқарилган. Отлар савдонинг катта фойда келтирадиган манбаларидан бири бўлган. Ҳинд савдогарлари хонликдаги шаҳарларда яшаб, тижорат ва ҳатто судхўрлик билан шуғулланганликлари ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Қўқоннинг ташқи алоқаларида Қўқон-Россия савдо муносабатлари ҳам алоҳида ўрин тутган. Манбаларга кўра, 1861 йилдан кейин рус саноатининг жадал ривожлана бошлаганлиги хом ашё базаси ва ташқи бозорга бўлган эҳтиёжнинг янада кучайганлиги Россиянинг Қўқон бозорини фаол эгаллаб, ундан чексиз фойдаланишнинг асосий сабабларидан бири бўлган. Россиядан Қўқонга темир, мис, пўлат, чўян ва темир буюмлар, чит ва сифатсиз газламалар, оз миқдорда

бахмал, шакар, ойналар, чарм, Россияга тобе бўлган қозоқ чўлларидан қўйлар ва унинг териси, чарм ва чарм маҳсулотлари, кигиз олиб келинган. Хонликдан эса Россияга, асосан, пахта олиб чиқилган.

Меъморчилик ва амалий санъат. XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX аср бошларида Қўқон хонлиги кучли марказий ҳокимиятга эга бўлган марказлашган давлат сифатида қарор топиши натижасида иқтисодиётнинг бирмунча жонланиши маданий ҳаётга таъсир этмай қолмади. Мамлакат пойтахти Қўқон ва бошқа шаҳарларда бир қатор меъморчилик обидалари, йўллар, кўприклар, ҳаммомлар қурилди, амалий ва хаттотлик санъати ривож топди. XIX асрнинг биринчи ярмида хонликда Умархон, Муҳаммадалихон, Нодирабегим, Худоёрхон, Султон Муродбек, Султон Сайидхон, ҳарбий бошлиқлардан Мусулмонқули, Аликули, Холмуҳаммад мингбошилар ва замонасининг илғор, маърифатли кишилари томонидан меъморий обидалар қурдирилди, шаҳарсозлик тез суръатлар билан ривожланди. Меъморчиликда асосий эътибор мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, дарвеш ва қаландарлар учун такяхоналар, қорихоналар, сардобалар, кўприклар, ҳаммомлар, бозор расталари барпо этиш ишларига қаратилган.

Меъморчилик иморатларининг маркази Қўқон шаҳри эди. 1842 йилги маълумотларга кўра, бу ерда 15 та мадраса мавжуд бўлиб, энг кўзга кўринганлари Ҳаким тўра, Моҳлар ойим, Муҳаммадалихон, Норбўтабек, Жомий, Олий, Султон Муродбек, Хўжа додҳоҳ, Минг ойим мадрасалари бўлган. Шаҳар маркази Чорсуда тўртта йирик мадраса қад кўтарган. Ушбу мадрасаларнинг 38 тадан 108 тагача ҳужраси бўлган.

Бу даврда Тошкент шаҳрида ҳам бир қанча мадрасалар барпо этилган. Жумладан, Умархон даврида Тинчбоф гузарида Шукурхон мадрасаси, Кўкча даҳасида Эшон Бўрихўжа Санчиқмони мадрасаси қурилган. Кейинроқ Муҳаммадалихон фармони билан шаҳар регистонида мадраса қад ростлаган ва унга Мир Иноятуллоҳ бош мударрис этиб тайинланган. Исохўжа мадрасаси, Чархчикўча мадрасаси, Маҳмуд дастурхончи мадрасалари ҳам шу даврда бунёд этилган.

Шунингдек, Марғилонда Саидаҳмадхўжа мадрасаси, Андижон шаҳри атрофида Отақўзи мадрасаси, Мирзақули Бўлиш мадрасаси кабилар қурилган. Умуман олганда, хонликнинг Қўқон, Тошкент, Андижон, Хўжанд, Ўратепа, Марғилон, Туркистон каби шаҳарларида 200 дан ортиқ мадрасалар барпо этилган.

Хонликда жоме (жума ва ҳайит намозларини ўқиш учун) ва маҳалла (беш вақт намоз ўқиш учун) масжидлари қурилишига алоҳида эътибор қаратилган. Жоме масжидлари ўзининг салобатлиги билан ажралиб турган. Улар баланд гумбазли ва текис шифтли бўлиб, ҳар иккала турдаги бинонинг ички кўринишидаги шифтига ва ташқи кўринишидаги гумбаз безагига алоҳида эътибор берилган. Масжидлар биносининг қурилиши ва уларнинг таъмири, асосан, вақфлар ҳисобидан амалга оширилган.

Қўқон хонлигида мақбаралар хонлар, саййид ва хўжалар қабрлари устида барпо қилинган ва уларнинг қурилиши ҳамда таъмирланиши савобли ишлардан ҳисобланган. Шунингдек, мақбаралар қурдириш обрў орттириш воситаси ҳам бўлган. Фарғона водийсида XVIII – XIX асрларда қурилган мақбараларнинг ички кўринишида XI – XII асрларга хос анъаналар кузатилади.

Хонлик меъморчилиги тарихида жамоат бинолари сирасига кирувчи ҳаммомлар алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳаммомлар пишиқ ғиштдан, бир неча гумбазли қилиб қурилган ва улар эгасининг номи билан аталган.

Хонликда меъморчиликнинг ривожланиши савдо-сотиқ муносабатлари билан боғлиқ бўлган иншоотлар қурилишида ҳам кузатилади. Хонлик ҳудудларида марказий йўллар бўйлаб работ ва карвонсаройлар фаолияти давом этган, бозорлар ривожланган. Жумладан, Тошкентда Чорсу бозори саккизта кўчани бирлаштирган. Бу бозор ўнга яқин савдо майдонлари ва қирққа яқин савдо-ҳунармандчилик расталарини ўз ичига олган. Расталар кўчанинг икки томони бўйлаб жойлашган ва уларни кўча ўртасини эгаллаган баланд тим бирлаштирган. Тим ёғоч тиркагич ва тўсиқлардан ташкил топган. Бундай бино ва иншоотлар ҳукмдорлар, алоҳида амалдорлар ва шахслар томонидан қурдирилган.

Хонлик меъморчилигида ёғоч, темир, пишиқ ёки хом ғишт, юпқа сопол ғишт, ганч, мармар, харсанг тош, соғ тупроқ ва оҳак асосий қурилиш материаллари бўлган. Темир ва ёғоч кам бўлганлиги боис, қурилишда кўпроқ пишиқ ёки хом ғишт, ганч, тош, лой, сомон ва оҳак ишлатилган. Бинолар пойдеворига харсангтош ёки мармартош ётқизилган. Қурилишда терак, тол, тут, ёнғоқ, қайрағоч ва арча ёғочларидан кенг фойдаланилган. Пишиқ ғишт, ганч, юпқа сопол ғиштлар махсус хумдонларда пишириб тайёрланган.

Хонликда қурилган биноларнинг умумий тузилиши ва режалаштиришида анъанавийлик сақланиб қолган бўлса-да, Қўқон меъморчилигида ташқи алоқаларнинг ҳам таъсири сезилади. Биноларнинг безакларида ранг-баранг ғиштлар кўп ишлатилган. Шипларга солинган гуллар Ўрта Осиёдаги қадимий ёдгорликлардан ўзининг жимжимадорлиги, бўёғининг ёрқинлиги, уларнинг баъзан кўзни қамаштирадиган даражада аралаш-қуралаш бўлиб кетганлиги билан фарқ қилган.

Қўқон хонлигида қурилиш ва меъморчилик билан бирга, амалий санъат ҳам ривож топган. Хусусан, амалий санъатнинг наққошлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги соҳалари юксак даражада тараққий этган бўлиб, улардан меъморчиликда кенг фойдаланилган. Амалий санъатнинг юқори даражаси Худоёрхон саройида, Олтиариқдаги Дўсти Худо масжида айвонида ишланган нақшларда, Андижон атрофидаги Отақўзи мадрасаси безакларидаги ислимий нақшларда, Чодак масжидининг ёғоч ва ганч ўймакорлигида, Риштондаги Хўжа Илғор масжидининг шифт безакларида яққол кўзга ташланади.

Қўқон хонлиги меъморчилиги ва амалий санъатида бутун Ўрта Осиё учун хос бўлган анъанавий услублар билан бир қаторда, маҳаллий хусусиятлар ҳам сақланган. Қўқон, Тошкент меъморчилик мактабларининг вакиллари жамоат биноларини қуриш ва уларни безашда, нақшлар танлашда ўз мактабларининг анъаналарини такомиллаштирганлар ҳамда ривожлантирганлар. Қўқон ва Тошкентнинг маҳаллий меъморчилик мактаблари ўзларининг кенг режали, ҳажмли манзаралари, безак ва жиҳозларнинг ғоят нафислиги, рангларнинг шўхчанлиги ҳамда ёғоч ва ганч ўймакорлиги билан ажралиб туради. Хонлик меъморчилигида чиройли қилиб айлантириб урғу берилган, ичига ислимий нақшлар туширилган, кўпроқ қизил ҳамда яшил бўёқлар билан жилоланган безаклар кўпчиликни ташкил этади.

Бу даврда хонликда хаттотлик ва китобат санъати ҳам ривож топган эди. Қўқон хонлигининг ўз хаттотчилик мактаби бўлиб, мамлакатда кўплаб хаттотлар яшаб, ижод қилганлар. Хаттотларнинг аксарияти шоир, тарихчи бўлган ёки миниатюра санъати билан шуғулланган. Қўқонлик Муҳаммад Латиф, Абдулғози Хўжа Хўқандий, Мирзо Бобокалон Хўқандий, Аҳмаджон котиб, Абдуғафур хаттот, Мирзо Шариф Дабир, тошкентлик Муҳаммад Юнус Тойиб Тошкандий, Абдулваҳобхўжа муҳркан, эшон Абдусамиъхўжа Хатиб ўғли

кабилар кўзга кўринган хаттотлардан бўлган. Бу хаттотлар насх, шикаста, настаълиқ каби ёзув усулларини пухта эгаллаганлар. Хаттотлик санъати, асосан, Қўқон, Тошкент, Андижон, Хўжанд, Ўратепа каби шаҳарларда кўпроқ ривож топган.

Илм-фан. Тарихнавислик. Сўнгги ўрта асрларга келиб Ўрта Осиёнинг деярли барча ҳудудларида илм-фан, таълим ва маърифат соҳаларида диний таълимотлар ҳукмронлик қила бошлади. Бошланғич мактабларда ҳам, мадрасаларда ҳам асосий эътибор диний таълим беришга қаратилган. Диний фанларни ўқитиш мадрасаларнинг асосий вазифаси ҳисобланиб, дунёвий фанлар, айниқса, табиий фанлар тараққиётида бирмунча турғунлик кузатилади. Маданий ҳаётда юзага келган бундай вазият Қўқон хонлигидаги илм-фаннинг аҳволига, айниқса, бу соҳа ровожининг бирёқламалик хусусиятига сабаб бўлган эди.

Бу даврда аниқ ва табиий фанларнинг хўжалик ва маиший ҳаётда, яъни амалиётда қўлланиладиган соҳаларигагина эътибор қаратилган. Кундалик турмушда тиббиёт, меъморчиликда математика ва ҳандаса, суғорма деҳқончиликда ўсимликшунослик, гидрология ва муҳандислик илмидан фойдаланилган. Шунга кўра, хонликда аниқ ва табиий фанлардан тиббиёт, география, табиатшунослик фанлари билан шуғулланган олимларни кўрсатиш мумкин.

Тошкентлик Муҳаммад Солиҳ (Қарохўжа эшон домла) ўлкашунос-географ, табиатшунос-зоолог олим сифатида ижод қилган. У ўзининг «Тарихи жадидаи Тошканд» («Тошкентнинг янги тарихи») асарида Тошкент шаҳри ва воҳасининг географияси, топонимикаси, ўсимлик оламини ёритган. Табобат билан шуғулланган Мулло Аваз Муҳаммад тиббиётга оид «Маварих ал-қулуб» («Қалблар сурури») номли асар муаллифидир. У табиб сифатида беморларини гиёҳлар ёрдамида даволаш билан ҳам машҳур бўлган.

Хўжандлик Ҳожи Юсуф Ҳайъатий эски мактабда таҳсил олиб, ўзи мустақил равишда астрономия, табиат, география фанларини ўрганган. Дунёнинг кўпгина мамлакатларига саёҳат қилган Ҳожи Юсуф узоқ йиллар давомида ўзининг «Фалакиёт» номли асарини яратган. Аммо ушбу асар бизнинг кунларимизгача етиб келмаган. Қўқонлик Муҳаммад Ҳакимхонтўра ўзининг «Мунтахаб ат-таворих» («Сайланган тарихлар») асарида Туркистонга оид географик ва сейсмологик маълумотлар бериб, 1823 йилда Фарғонада юз бер-

ган зилзила ҳақида батафсил баён қилган. Унинг географияга оид маълумотлари эса Ўрта Осиё географик адабиётининг саргузашт-саёҳат жанри бўла олади.

Умуман олганда, хонликда аниқ ва табиий фанлар ўз ривожида давр талабларидан орқада қолиб кетган бўлса-да, ижтимоий-гуманитар фанлардан тарих ва тарихнавислик, адабиёт кўпроқ ривожланди. Қўқон тарихнавислик мактабига мансуб асарлар шеърий ёки қисман шеърий услуб йўлида ёзилганлиги билан ажралиб туради. Гарчи бу даврда яратилган тарихий асарларда мақтов, баландпарвоз гаплар, ҳукмдор шахсини улуғлаш каби хусусиятлар кўзга ташланса-да, бу асарлар ўз даврининг маҳсули бўлиб, ўша давр ҳақида маълумот берувчи муҳим манбалар сифатида жуда қимматлидир.

Булар қаторига Ниёз Муҳаммад Хўқандийнинг «Тарихи Шоҳруҳий», Мирза Олим ибн Мирза Раҳим Тошкандийнинг «Ансаб-ул салотин ва таворих ул-хавоқин», Отабек Фозил ўғлининг «Муфассал тарихи Фарғона», Акмал Шермуҳаммад Хўқандийнинг «Амирнома», Фазлий Фарғонийнинг «Умарнома», Мирзо Қаландар Мушрифнинг «Шоҳномаи Нусратпаём», Муҳаммад Ҳакимхонтўранинг «Мунтахаб ат-таворих», Мулло Аваз Муҳаммаднинг «Тарихи жаҳоннамойи», Тоҳири Хўжандийнинг «Ғаройиби сипоҳ» каби кўплаб тарихий асарларни киритиш мумкин.

Адабиёт. Қўқон хонлиги маданий ҳаётида адабиётнинг ўрни, айниқса, юқори эди. Шунинг учун адабиёт ривожига катта таъсир кўрсатган Қўқон адабий муҳитининг шаклланиши хонликда маданият тараққиётини белгиловчи муҳим мезон бўлди.

Истеъдодли шоир ва шоиралар, ёзувчилар, яъни ўз илмининг усталари томонидан шаклланган Қўқон адабий муҳитининг ўзига хос хусусияти – унинг вакиллари икки йўналишда ижод қилганликларидадир. Биринчи йўналишга мансуб ижодкорлар сарой шоирлари бўлиб, уларнинг асарларида бой табақа вакиллари мадҳ этилган. Иккинчи йўналиш вакилларининг асарларида эса халқнинг орзу-умидлари, интилишлари, дарду ҳасратлари ўз ифодасини топган. Ҳар иккала йўналиш вакилларининг умумий жиҳати ҳам мавжуд бўлиб, бу уларнинг асарларида Ватан тимсоли, унга бўлган чексиз муҳаббат ҳиссининг илгари сурилганлигидир.

Қўқон адабий муҳитининг вакиллари ва асарларидан Амирий тахаллуси билан фалсафий ва лирик ғазаллар битган Умархонни,



Нодирабегим



Увайсий

Фазлий ва Муширифтомонидан ёзилган «Мажмуат уш-шуаро» («Шоирлар тўплами») тазкирасини, Ҳувайдонинг «Девони Ҳувайдо», «Роҳати дил» асарларини, Гулханий ва Махмур асарларини, Муҳаммад Юнус Тоиб, Муҳсиний, Насимий, Хўқандий, Нодир, Нозил, Писандий, Нодирабегим, Увайсий, Анбар отин, Дилшод, Зебунисо каби кўплаб шоир ва шоираларни келтириш мумкин.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Қўқон хонлигидаги адабий муҳит ва маданий ҳаётни шакллантиришда темурийлар даврига тақлид яққол кўзга ташланади. Буни ҳукмдор Умархон даврида шаклланган, унинг бошчилигида фаолият кўрсатган адабий муҳит ва адабиёт намояндалари мисолида, яратилган асарларнинг шакли ва жанрларида кўриш мумкин. Маданий ҳаёт ва адабий муҳитда ҳам минг сулоласини улуғлашга интилиш устунлик қилди.


Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Қўқон хонлиги ниҳоятда мураккаб, сиёсий курашлар авж олган бир даврда вужудга келиб, шаклланди. Чунки хонлик ташкил топган давр Ўрта Осиёда буюк империялар даври ўтиб, маҳаллий йўлбошчи сулола вакиллари турли йўллар билан ҳокимиятни қўлга олиб, қабилавий конфедерация асосида давлат туза бошлаган даврга тўғри келди. Урушлар ва ўзаро курашларга бой бўлган Қўқон хонлиги давлат бошқарув шаклига кўра мутлақ монархия бўлиб, мамлакатда мулкдор табақалар, етакчи уруғлар


(минг, қипчоқ, қирғиз, сарой)ларнинг зодагонлари, руҳонийлар, айниқса, саййидлар ва хўжалар юксак мақомга эга эдилар.

XIX аср ўрталаридаги сиёсий бошбошдоқлик, ўзаро уруш ва низолар мамлакат ҳаётига салбий таъсир кўрсатиб, Қўқон хонлиги ҳаётининг барча соҳаларида тушкунлик даври бошланади. Бундан унумли фойдаланган Россия империяси «ўз чегараларида» тинчлик ўрнатиш баҳонасида хонлик ҳудудларини босиб олди ва унинг ўрнига 1876 йилда Фарғона вилояти ташкил топди. Шунга қарамасдан, Қўқон хонлиги минтақадаги йирик давлатлардан бири сифатида ўзига хосликларга эга бўлиб, Ўзбекистон давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутади.

Қўқон хонлиги ҳукмдорлари

Шоҳруҳбий – 1709 – 1721 йиллар.
Абдураҳимбий – 1721 – 1733 йиллар.
Абдукаримбий – 1733 – 1750 йиллар.
Абдураҳмонбий – тўққиз ой ҳукмронлик қилган.
Эрдонабий – 1751 – 1753 йиллар.
Бобобек – 1753 – 1754 йиллар.
Эрдонабий (иккинчи марта) – 1755 – 1769 йиллар.
Сулаймонбек – 1769 йилда олти ой ҳукмронлик қилган.
Норбўтабек – 1770 – 1801 йиллар.
Олимхон – 1801 – 1810 йиллар.
Умархон – 1810 – 1820 йиллар.
Муҳаммад Алихон – 1821 – 1842 йиллар.
Бухоро амири ноиби Исҳоқ манғит – 1842 й. уч ой.
Шералихон – 1842 – 1844 йиллар.
Худоёрхон – 1845 – 1858, 1863(тўрт ой), 1865 – 1875 йиллар.
Маллахон – 1858 – 1862 йиллар.
Шоҳмуродбек – 1862 – 1863 йиллар.
Султон Муродхон – 1863 – 1865 йиллар.
Насриддинбек – 1875 – 1876 йиллар.


Қўқон хонлигидаги ҳарбий-маъмурий мансаблар ва унвонлар
Олий даражали
Ўрта даражали
Паст даражали
Мингбоши
Амирлашкар
Қўшбеги
Ботирбоши
Ноиб
Қалъабон
Қўрбоши
Ёфар
Тўпчибоши
Понсадбоши
Юзбоши
Элликбоши
Даҳбоши
Қоровулбеги
Аскар
Сарбоз
Навкар
Мерган
Маҳрам
Ботур
Жазоилчи
Тўпчи
Занбари
Қўрчи
Қоровул


Қўқон хонлигидаги сарой унвонлари ва мансаблари
Олий даражали
Ўрта даражали
Паст даражали
Оталиқ
Бекларбеги
Бий
Девонбеги
Хазиначи
Иноқ
Эшикоғаси
Парвоначи
Додҳоҳ
Дастурхончи
Саркор
Шарбатдор
Офтобачи
Тунқатор
Қушбеги
Ҳидоятчи
Китобдор
Рисолачи
Баковул
Мирзабоши
Сармунши
Меҳтар
Закотчи
Мирохўр
Шиғовул
Мироб
Доруғабоши
Саломоғаси
Мирзо
Жаъмоға
Мунши
Сурнайчи
Кариайчи
Дафчи
Човкучи
Шотир
Эгарчи
Жиловдор
Жарчи


Қўқон хонлигидаги диний унвон ва мансаблар
Олий даражали
Шайхулислом
Хожа калон
Қози ул-қуззот
Қози калон
Қози мутлақ
Қози аскар
Қози раис
Қози жилов
Муфтий
Аълам
Ўрта даражали
Охун
Судур
Нақиб
Мударрис
Имом
Имом хатиб
Имоми жилов
Муаззин
Сўфи жилов
Мутавалли
Ўроқ
Паст даражали
Муфтий аскар
Таракачи
Миршабхона
Садри
Миршаб
Мулозим

КЎҚОН ХОНЛИГИ СИЁСИЙ КАРТАСИ
БУХОРО ХОНЛИГИ
ХИВА ХОНЛИГИ
ТУРКМАНИЯ
ҚОРАҚУМ

5. Хива хонлиги. Иноқлар ва қўнғиротлар

Хива хонлигининг ташкил топиши ва сиёсий тарихи. 1510 йилда Шайбонийхон вафотидан сўнг Хоразм ҳудуди Эрон шоҳи Исмоил томонидан бўйсундирилди. 1510–1512 йилларда Хоразмни Эрон шоҳининг ноиблари идора қилдилар. Аммо 1512 йилда Хоразм ҳудудларида эронийларга қарши халқ ҳаракатлари бошланди. Ушбу ҳаракатга Вазир шаҳрининг (Устюртда, Кўҳна Урганчдан 60 км узоқликда жойлашган бу шаҳарни XV асрда ўзбек хонларидан бўлган Мустафохон барпо этган) қозиси Умар Шайх бошчилик қилди. Қўзғолончилар Хоразмнинг Вазир, Урганч, Хива, Хазорасп шаҳарларидаги эроний ноиблар ва уларнинг қўшинларини қириб ташладилар.

1512 йилда Хоразмнинг обрўли шайхларидан бўлган Шайх Ота авлодлари кўчманчи ўзбекларнинг Берка султон авлодидан бўлган Элбарсхонга мактуб йўллаб, уни Хоразм тахтига таклиф қилдилар. Элбарсхон тахтга ўтиргач, эронийларни мамлакат ҳудудларидан бутунлай ҳайдаб чиқариб, амалда мустақил хонликка асос солди. У мамлакат ҳудудларини ҳозирги Туркманистоннинг жанубий қисми, Эроннинг шимолидаги Серахс вилояти, Манғишлоқ, Абулхон, Дурун ҳисобига анча кенгайтирди. Аммо ўзбек султонлари ва шаҳзодалар ўртасида сиёсий бирлик йўқ эди. Тез орада улар ўртасида ҳокимият учун ўзаро курашлар авж олиб кетди. Ушбу курашлардан фойдаланган Бухоро ҳукмдори шайбоний Убайдуллахон 1537–1538 йилларда қисқа муддат Хоразмни эгаллашга муваффақ бўлди.

Убайдуллахоннинг ҳукмронлиги узоққа чўзилмади. Убайдуллахон зулмига чидай олмаган хоразмликлар Анушахоннинг ворислари бошчилигида бухороликларга қарши қўзғолон кўтардилар. Убайдуллахон 1538 йилда яна Хоразмга қўшин тортди. Хазорасп билан Хива шаҳарлари оралиғидаги Кардаронхос деган жойда Бухоро қўшинлари мағлубиятга учради. Шайбонийлардан озод бўлган Хоразмда энди ички курашлар авж олиб кетди. Шунингдек, Урганч, Кат, Янги шаҳар, Хива, Хазорасп каби шаҳарлар ва вилоятлар ҳукмдорларининг марказдан қочувчи ҳаракатлари кучайиб, улар амалда ўзларини мустақил ҳисоблар эдилар. Айрим шаҳарлар бир вақтнинг ўзида иккита ҳукмдор томонидан (мас., Хивада Пўлат Султон ва Темир Султон) бошқарилди. Ўзаро курашлар, айниқса, Элбарсхон ва Анушахон авлодлари ўртасида кучайиб кетди. XVI асрда Абдулғозий

маълумотларига кўра, бундай курашлар натижасида қисқа муддатга ҳокимиятдан ўнлаб хонлар алмашганлар. Натижада, марказий ҳокимият деярли инқирозга учраган эди. Ўзаро курашлар ва сиёсий танглик, ўз навбатида, иқтисодий ҳаётнинг ҳам издан чиқишига сабаб бўлган эди.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Хожимхон (Хожи Муҳаммадхон, 1558–1593, 1598–1602) ҳукмронлиги даврида Хоразмдаги ўзаро урушларга бироз барҳам берилиб, тинчлик ва осойишталик ўрнатилди. Суғориш ва деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ишларига жиддий эътибор қаратилиб, ташқи савдо ҳамда муносабатлар ривож топди. Хожимхон ҳукмронлиги даврида пойтахт Урганчдан Хивага[22] кўчирилади. Бунга асосий сабаб биринчидан, Амударё ўзанининг ўзгариб, Каспий денгизига оқмай қўйиши натижасида Урганч ва унинг атрофларидаги сув танқислиги бўлса, иккинчидан, Хиванинг бу даврда сиёсий ва иқтисодий мавқеи анча кучайиб, асосий савдо марказига айланиши яна бир сабаб эди. Пойтахт Хивага кўчирилганидан сўнг давлат ҳам Хива хонлиги деб атала бошланди.

Бу орада Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II Шайбонийлар давлатини қайта тиклашга муваффақ бўлиб, Хоразм ҳудудларини яна Шайбонийлар тасарруфига олиш учун ҳаракат бошлади. Чунончи, бир неча юришлардан сўнг 1593 йилда Хоразм яна Шайбонийлар қўлига ўтди. Абдуллахондан мағлубиятга учраган Хожимхон Хивани ташлаб, бир гуруҳ навкарлари билан Эронга қочди ва шоҳ Аббос саройидан паноҳ топди. 1598 йилда Абдуллахон II вафот этганидан сўнг Ҳожимхон шоҳ Аббосдан рухсат олиб, Хоразмга қайтди. Янги шароитда у Урганч билан Вазирни бошқаришни ўз зиммасига олиб, Хива билан Катни Араб Муҳаммадхонга, Хазораспни Исфандиёр Султонга берди. 1600 йилда Ҳожимхон Урганч ва Вазир қалъалари бошқаришини Туркиядан келган ўғилларига топшириб, ўзи Хивада кичик ўғли Араб Муҳаммадхон билан қолади. 1601 йилда Ҳожимхон 83 ёшида вафот этгач, тахтга унинг ўғли Араб Муҳаммадхон (1602–1623) ўтирди.

Араб Муҳаммадхоннинг дастлабки ҳукмронлиги йилларида тожу

---

[22] Хиванинг пойтахтга айланганлиги санаси тўғрисида – 1556 й, 1598 й, 1602–1621 йй., 1611–1612 йй.,1610–1612 йй., 1557-1603 йй. каби фикрлар мавжуд.

тахт учун курашлар давом этди. Хусусан, 1605 йилда найман уруғи вакиллари Элбарсхон авлодига мансуб Хусрав Султонни тахтга ўтказишни режалаштирадилар. Аммо бу фитна ошкор бўлиб, Хусрав Султон қатл эттирилади. Орадан икки йил ўтгач, уйғур оқсоқолларининг маслаҳати билан Солиҳ Султон деган кимса тахтга даъвогар бўлади, бу исён ҳам бостирилиб, Солиҳ Султон ўлдирилди.

1616 йилга келиб тахт ва мансаб талашиш можароларига Араб Муҳаммадхоннинг ўғиллари ҳам қўшилдилар. Унинг Исфандиёрхон, Ҳабаш, Элбарс, Абдулғози, Шариф Муҳаммад, Хоразмшоҳ ва Афғон Султон исмли 7 нафар ўғли бор эди. Исфандиёр, Абдулғозий Султон Катда, Ҳабаш билан Элбарс султонлар Вазир ва Урганч ҳокимлари этиб тайинланган эдилар. Хон фарзандларининг ҳар бири тахтга даъвогар эди. Айниқса, Ҳабаш султон билан Элбарс султонларнинг ҳаракатлари кескин эди. Ота-болалар ўртасидаги зиддиятлар кучайиб, охир-оқибатда қонли урушга айланди. 1621 йилда Тошли Ёрилиш ариғи (Хива яқинида) ёнида Араб Муҳаммадхон ва унинг ўғиллари Ҳабаш ҳамда Элбарс султон қўшинлари ўртасида жанг бўлди. Исфандиёр ва Абдулғози султонлар отаси томонида туриб курашган бўлсалар-да, бу жангда Араб Муҳаммадхон енгилди. Араб Муҳаммадхон аввал кўзлари кўр қилиниб, Хивага жўнатилди. 1623 йилда эса Қум қалъаси яқинида Араб Муҳаммадхон хотинлари, ёш ўғиллари ва иккита набираси билан ўғиллари Хабаш ва Элбарс султон томонидан ўлдирилди. Исфандиёр Эронга (гарчи унга Маккага боришга рухсат берган бўлса-да), Абдулғози эса Бухорога қочиб, жон сақладилар.

623 йилда отасининг қатл этилганини эшитган Исфандиёрхон Дурун шаҳри, Абдулхон тоғларидан туркманларнинг така, ёвмут, сариқ уруғларидан қўшин тўплаб, Урганчга юриш бошлади. Урганч яқинида Исфандиёрхон ва Ҳабаш – Элбарс қўшинлари ўртасида 23 кун давом этган жангда бирлашган ака-укалар қўшинлари Исфандиёр қўшини томонидан тор-мор этилди. Элбарс қўлга олиниб, қатл этилди. Ҳабаш Сирдарё бўйларидаги қорақалпоқлардан нажот сўради. Аммо у бу ердан бошпана тополмади ва навкарлари билан қўлга олиниб, Исфандиёрхонга топширилди ҳамда уларнинг барчаси қатл этилди.

1623–1643 йиллар давомида Хива хонлиги тахтини Исфандиёрхон бошқарди. Ўзининг йигирма йиллик давлат бошқарувини Ис-

фандиёрхон туркман қабила бошлиқларига таяниб олиб борди. Хонликнинг юқори лавозимларига туркманлар тайинланиб, уларга катта имтиёзлар берилди. Натижада, ўзбек уруғларининг Исфандиёрхон сиёсатига қарши норозилиги кучайиб борди. Исфандиёрхон тахтга ўтирган йилиёқ найман уруғларини қирғин-барот қилди. Хонликдаги ўзбек уруғлари уч бўлакка бўлиниб, бири – Манғит, бири – Қозоқлар юрти ва яна бири Мовароуннаҳрга кўчиб кетди. Орадан кўп ўтмасдан ўз юртига қайтиб келган ўзбеклар Исфандиёрхон томонидан қиличдан ўтказилди.

Исфандиёрхон хонлиги даврида ҳам Хоразмда тинчлик ва осойишталик ўрнатилмади. Тожу тахт учун курашлар илгариги даврлардагидек давом этди. Хонликдаги сиёсий ҳокимиятни туркманлар қўлига бериб қўйган Исфандиёрхондан норози бўлган кучлар уни тахтдан четлатиш режаларини туздилар. Бу кучларга хоннинг укаси Абулғози бошчилик қилди. Шунингдек, Амударёнинг Оролга қуйилиш жойида (Орол бўйи) истиқомат қилган ўзбеклар (бу ерда ўзбек қўнғиротлари катта сиёсий мавқега эга эдилар)нинг хонликнинг сиёсий ҳаётига таъсири кучайиб борди.

Манбалар маълумотларига кўра, 1643 йилда Орол бўйи ўзбеклари Абулғози султонни (1643–1663) хон қилиб кўтардилар. Хоразм давлатчилиги тарихида йирик давлат арбоби ва тарихнавис ижодкор сифатида машҳур бўлган Абулғозихоннинг ҳаёт йўли оғир кечган. Абдулғозихон отаси Араб Муҳаммад тахтдан кетгач, ўзи тахтга ўтиргунга қадар узоқ йиллар (йигирма йилдан кўпроқ) муҳожирликда яшашга мажбур бўлган эди. У дастлаб Бухоро ҳукмдори Имомқулихон ҳимоясида, кейинроқ эса икки йилга яқин қозоқ султони Эшимхон саройида яшаган. Шундан сўнг Тошкентга келиб, бу ерда икки йил яшади. Тошкентдан Бухоро орқали Хивага қайтган Абулғозини Исфандиёрхон босқинчиликда айблаб, ҳибсга олади ва Исфахон шаҳрига Эрон шоҳи ҳузурига бадарға қилади. Исфахон яқинидаги Таборак қалъасида ўн йил асирликда яшаган Абулғози 1639 йилда ўз назоратчилари ёрдамида бандиликдан қочишга муваффақ бўлди. Шундан сўнг у бир йилга яқин Хуросоннинг Моҳин қишлоғида, икки йилга яқин Манғишлоқ туркманлари орасида яшайди. Кейин уни қалмиқ хони ўз ўрдасига таклиф этади. Бу ерда Абулғози бир йилга яқин яшагач, қалмиқ хони тўплаб берган катта куч билан 1643 йилда Урганчга қайтиб, Орол бўйи ўзбеклари ёрдамида Хива тахтига ўтиради.

Академик Б.Аҳмедовнинг ёзишича, «Абулғози ҳаммаси бўлиб йигирма йил атрофида хонлик маснадида ўтирди. Лекин бошқа ҳукмдорларга ўхшаб ҳузур-ҳаловат кўрмади. Умри кўпроқ уруш-талашларда ўтди». Манбаларга кўра, Абулғозихон ҳақиқатан ҳам бутун умрини тахт учун кураш ва жангу жадалларга бағишлаган ҳукмдор бўлган. Аммо у давлат арбоби сифатида ҳам қобилиятли шахс бўлган. Абулғозихон даставвал хонликда марказлашган бошқарув тизимини мустаҳкамлашга эътибор қаратди. Бу жараёнда у, аввало, туркман йўлбошчиларини бошқарув ишларидан четлаштирди. Уларнинг ер-сувлари, мол-мулклари мусодара қилиниб, ўзлари мамлакат ичкарисига сургун қилинди.

Хонликдаги барча лавозимларга ўзбек уруғларининг бошлиқлари қўйилди. Хива тарихчиси Мунисниng маълумот беришича, Абулғозихон маъмурий ислоҳот ўтказиб, хонликнинг бошқарув тизимини батамом янгитдан ташкил этди. Хонликнинг бошқарув тизимида ўзбек уруғларининг мавқеи ортиб борди ҳамда уларнинг 360 нафар вакили хон саройида турли лавозимларга кўтарилди. Хон янги амалдорлар орасидан энг обрўли 32 нафарини ўз ёнига олди. Мунис таъбири билан айтганда, «андоқким икки шайх ул-ислом, икки қози, бир раис Саид ота авлодидан, бир мутавалли, бир нақиб, тўрт оталиқ, тўрт иноқ, тўрт мироб, тўрт парвоначи, икки оқо, икки арбоб, тўрт чиғатойи иноқи ва бир вазирким, ҳоло меҳтар дерлар ва бир қушбеги, бу иккови ўринсиз хон ҳузурида оёқ устида турадилар».

Абулғозихон ўзбек қабилаларини ўтроқлаштириш сиёсатини олиб бориш билан бирга, уларни тўртта гуруҳга бўлиб, Бухоро билан чегарадош бўлган Дояхотун (Дарғонота яқинида)дан тортиб, то Оролгача бўлган ҳудудларга жойлаштирди. Шунингдек, Абулғозихон 1645–1650 йилларда Хуросон, Жанубий Туркманистон, Тажан, Мурғоб, Артек, Гурлан, Абулхон ва Манғишлоқ атрофидаги туркманлар устига юришлар уюштирди. Хонлик сарҳадларини кенгайтиришга ҳаракат қилди. Хоннинг топшириғи билан Вазир қалъаси аҳолиси Гурлан қалъаси яқинида тикланган Кичик Вазир қишлоғига кўчирилди. 1646 йилда Абулғозихоннинг буйруғига биноан Урганчарна ариғи қазилади ва унинг яқинида янги қалъа бунёд этилиб, бу қалъага Янги Урганч деб ном берилади. Бу ерга Кўҳна Урганч аҳолисининг бир қисми кўчириб келтирилади. 1648 йилда Ғозиобод канали қазилиб, унинг яқинида чегара истеҳкоми қурилади.

Давлат бошқаруви ва бунёдкорлик ишлари билан шуғулланган Абулғозихон тарихчи, табиб сифатида ҳам бебаҳо мерос қолдирган. Тахминан 1657 йилда Абдулғози табобатга оид «Манафиъ ул-инсон» («Инсонга фойдали нарсалар») номли асарини ёзган бўлса, 1658–1664 йилларда «Шажараи турк» номли тарихий асарларини яратди.

Абулғозихон ҳали ўзи ҳаётлик даврида Хива хонлиги тахтини ўғли Анушахон (1663–1687)га топширди ва орадан олти ой ўтиб вафот этди. Анушахон Хива хонлиги мавқеи ва қудратини ошириш мақсадида отасининг ишларини давом эттирди. У Бухоро, Самарқанд ва Хуросонга бир неча марта ҳарбий юришлар уюштириб, хонлик чегараларини мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтириш ҳаракатида бўлди. Анушахоннинг ҳарбий юришларида жасорат кўрсатган туркманларга бўлган муносабат ўзгарди. Хон туркманларга Хоразм воҳаси ҳамда унинг атрофларига кўчиб келишига рухсат берди.

1687 йилда сарой аъёнлари томонидан фитна уюштирилиб, Анушахон ўлдирилади. Тахтга эса унинг ўғли Худойдод (1687–1688) ўтказилади. Афсуски, янги ҳукмдорнинг хонлик фаолияти узоқ давом этмади. Огаҳий хабарларига кўра, сиёсатда билимдон ва халққа адолатли хон сифатида обрў орттира бошлаган Худойдодни иниси Арангхон[23] шаҳид этди. Аммо Арангхоннинг (1689–1690) ҳукмронлиги ҳам узоқ давом этмади. 1690 йилда у Орол ўзбеклари билан бўлган жангда ҳалок бўлди.

Арангхон вафотидан сўнг Бухоро хони Субҳонқулихон Хива тахтига ўз одами Шоҳниёзни (1690–1707) ўтказиб, амалда Хива хонлигини Бухорога вассал давлатга айлантирди. Шунинг учун ҳам Шоҳниёз гарчи ўзини хон деб эълон қилган бўлса-да, ўз фаолияти давомида Бухоро таъсиридан қутула олмади. XVII асрнинг охири – XVIII асрнинг бошларига келиб, Хива хонлигида сиёсий тарқоқлик, тахт учун курашлар ва маҳаллий ҳукмдорларнинг мустақилликка интилиш ҳаракатлари авж олиб кетади. Вилоятлар ҳокимлари хонга итоат этмай қўйганликлари боис, Хива хони сарой амалдорлари ва маҳаллий ҳукмдорлар қўлидаги қўғирчоққа айланиб қолган эди. Шунинг учун ҳам XVIII асрга оид айрим ёзма манбаларда Хива хонлиги «Беш қалъа» деб аталган бўлса керак. Унинг таркибидаги Хазо-

[23] Айрим адабиётларда Эрнакхон ёки Эрангхон деб ҳам берилади.

расп, Хонқа, Урганч, Кат ва Шовот қалъаларининг марказий ҳокимиятга тобелиги юзаки хусусиятга эга эди.

Шоҳниёз Бухоро таъсиридан қутулиш ҳамда марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида 1703 йилда Россия ҳукмдори Пётр I га мактуб йўллайди. Бу мактубда Хива хонлигини Россияга қўшиб олиш сўралган эди. Пётр I нинг Хивани Россия таркибига қўшилганлиги ҳақидаги ёрлиғи 1707 йилда Хиванинг янги ҳукмдори Араб Муҳаммадга (1707–1715) топширилади. Аммо Хивада сиёсий курашлар авж олиб турган шароитда ушбу ёрлиқ ҳеч кимнинг эътиборини тортмади. Умуман, Огаҳий маълумотларига кўра, Арангхон давридан то Шерғозихон даврига қадар Хивада ўнлаб ҳукмдорлар алмашганлар.

Шерғозихон (1715–1728)нинг ҳукмронлиги даври сиёсий воқеаларга бой бўлди. Унинг ҳукмронлиги даври ўзбек, туркман, қорақалпоқ зодагонларининг ўзбошимчалик ҳаракатларига қарши кураш билан ўтди. Бу пайтга келиб, Орол бўйи ўзбеклари орасида ҳам сиёсий вазият кескинлашиб кетган эди. Бунинг асосий сабаби – Орол бўйида яшаётган ўзбекларнинг Қўнғирот, Манғит, Хўжайли ва Қипчоқ уруғига мансуб аҳолисининг мустақиллик учун курашлари эди. Бу курашларга бошчилик қилган Манғит бийларидан бўлган Шералибий Хива хонлигига итоат этишдан бош тортиб, Орол бўйини мустақил ҳокимлик деб эълон қилди. Шерғозихон бу ердаги ҳаракатларни бостиришга интилган бўлса-да, бу ишнинг бутунлай уддасидан чиқа олмади.

XVIII асрнинг бошларига келиб Россия ҳукуматининг Хива хонлигининг ички ишларига аралашуви кучайди. Россия ҳукмрон доиралари Ўрта Осиё, жумладан, Хива хонлигини ҳам босиб олишни режалаштира бошлаган эдилар. Россия ҳукмдори Пётр I нинг 1717 йилда Хивага уюштирган Бекович-Черкасский бошчилигидаги экспедицияси ҳам айнан шу мақсадда ташкил этилган эди. Аммо Шерғозихоннинг ҳийла ишлатиши натижасида 6 минг кишидан иборат бу экспедиция бир кечада қириб ташланди. Шунга қарамасдан, то Ўрта Осиё босиб олинмагунича Чор Россияси ҳукуматининг бундай ҳаракатлари давом этди.

Ички курашлар, шаҳзодаларнинг ўзаро можаролари, кўплаб йиғиладиган солиқлар хонликдаги иқтисодий аҳволни оғирлаштириб юборди. Натижада, 1728 йил Хивада ҳокимиятга, хоннинг зулмига

қарши қуллар бош кўтарадилар. Оқибатда, Шерғозихон ва унинг мулозимлари ўлдирилди.

Шерғозихон ўлимидан кейин тахтга ўтирган қозоқ султони Элбарсхон (1728–1740) даврида ички курашлар давом этиб, қўшни ҳудудларга кўплаб талончилик юришлари уюштирилиб туриши натижасида Хива хонлигининг ҳарбий қудрати заифлашиб борди. Бу вазиятдан унумли фойдаланган Эрон шоҳи Нодиршоҳ 1740 йилда Хива хонлигига ҳужум бошлади. Даставвал Хазорасп ёнида Хива қўшинлари билан эронийлар ўртасида қаттиқ жанг бўлди. Бу жангда Хива қўшинлари енгилиб, Хазорасп қалъасига чекинди. Эронийлар Хазорасп қалъасини узоқ муддат қамал қилиб, уни эгаллай олмагач, Хонқа қалъасига ҳужум қилдилар. Бу пайтда вазият ўзгариб, Элбарсхонга мадад бериб турган манғит беклари Нодиршоҳ томонга ўтиб кетдилар. Оқибатда, Элбарсхон енгилди ва қўлга олиниб, Нодиршоҳ томонидан қатл этилди.

Элбарсхоннинг мағлубиятидан сўнг қозоқларнинг Кичик жуз қабиласи бошлиғи, рус фуқаролигини қабул қилган Абулхайрхонни Хива тахтига ўтказдилар. Абулхайрхон сулҳ тузиш учун Нодиршоҳга нома юбориб, рад жавобини олди. Орадан қисқа вақт ўтиб, Нодиршоҳ Хивага иккинчи марта юриш қилди ва уни эгаллади. Абулхайрхон эса қозоқ даштларига қочиб кетди. Бу ерга Нодиршоҳ Манғит бекларидан бўлган Ортиқбек ва Хўрзодбекларни ноиб этиб тайинлади. Аммо Орол бўйи ўзбеклари Нодиршоҳга итоат этишдан бош тортиб, Абулхайрхоннинг ўғли Нуралини ўзларига хон қилиб кўтардилар. 1741 йилда Хивада эронийларга қарши қўзғолон кўтарилиб, Нодиршоҳнинг ноиблари ўлдирилди, аскарлари ҳам қириб ташланди. Хивага Нуралихон хон қилиб тайинланди. Аммо Нуралихоннинг хон сифатида сиёсий таъсири деярли йўқ эди.

1741 йилда Нодиршоҳ ўғли Насрулло бошчилигида яна Хивага юриш қилиб, Нуралихон ва унинг тарафдорларини Хивадан ҳайдаб юборди.Тахтга эса Элбарсхоннинг ўғли Абдулғози II хон қилиб тайинланди. Аммо унинг ҳукмронлиги ҳам узоқ чўзилмади. 1746 йилда Хивада Манғит иноқлари томонидан уюштирилган фитнада Абдулғози II ўлдирилди. Шундан сўнг Нодиршоҳнинг розилиги билан 1747 йилда қозоқ султони Абдулхайрнинг укаси Таибхон (Каипхон, 1747–1757) тахтга ўтказилди. Манбаларда Таибхоннинг ниҳоятда зо-

лим ҳукмдор бўлганлиги эслатилади. У Хива тахтига ўтиргач, аввало, ҳокимиятини иноқлар таъсиридан халос қилиш мақсадида Манғит иноқларидан бўлган Ҳузурбекни тарафдорлари билан қатл эттирди. Давлатдаги йирик мансаблар эса қозоқ бекларига бўлиб берилди. Таибхон аҳолига нисбатан жабр-зулмни кучайтириб, 1756 йилда Хива аҳолисидан 40 минг танга қўшимча солиқ йиғиб олди. Бу эса Хивада халқ қўзғолонига сабаб бўлди. Таибхон тахтни ташлаб, қозоқ даштларига қочиб кетди. Ҳокимиятни эса қисқа муддат унинг укаси Абдуллахон эгаллади.

Хивадаги ички низолардан фойдаланган Бухоро ҳукмдори Муҳаммад Раҳимбий Хивани ўз таъсирига ўтказиш ҳаракатини бошлади. Шу мақсадда ўз одами Темур Ғозихон (1757–1763)ни Хива тахтига ўтказди. Темур Ғозихон ҳам Хивада етарли даражада сиёсий барқарорлик ўрната олмаган бўлса-да, унинг ҳукмронлиги давридан бошлаб хонликда ўзбекларнинг қўнғирот уруғидан бўлган иноқларнинг мавқеи ортиб борди. Темур Ғозихон бир неча йил ҳукмронлик қилиб, сарой фитнаси натижасида ўлдирилди. Унинг ўлимидан сўнг Хива ҳокимияти қозоқ султони Тавкахон (1763) қўлига ўтди. Бироқ орадан кўп ўтмасдан, у ҳам тахтдан маҳрум бўлди. 1763 йилда иноқ Муҳаммад Амин амалда Хивадаги олий даражадаги ҳукмдорга айланди.

Хива қўнғиротлари сулоласининг сиёсий тарихи. 1763 йилдан бошлаб Хивада қўнғирот уруғи иноқлари ҳокимият тепасига келган бўлсада, 1804 йилгача Хива хонлари ҳукмдор сифатида бошқа шахсни хон қилиб эълон қилганлар. Қўнғиротлар сулоласи ҳукмдорларидан Муҳаммад Амин иноқ (1763–1790) Хивада ҳокимиятни қўлга олгач, саройдаги бир қанча лавозим ва амалларга ўзига содиқ ва ишончли одамларни тайинлади. Янги хон шу йўл билан хонликдаги муҳим сиёсий-маъмурий, молиявий ва ҳарбий ҳокимиятни ўз қўлига олиб, айрим мустақил бекларни ўзига итоат эттирди.

Манбалардаги маълумотларга кўра, шаҳарлик савдогарлар, ҳунармандлар ва дин пешволари ёрдамида ўз ҳокимиятини анча мустаҳкамлаган Муҳаммад Амин иноқ 1770 йилда туркманлар ҳужумини, 1782 йилда бухороликлар тажовузини муваффақиятли қайтарди. Унинг ҳукмронлиги даврида Хива хонлигида деҳқончилик, савдосотиқ ва ҳунармандчиликни ривожлантириш мақсадида маълум чоратадбирлар амалга оширилди. Маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзаро ни-

золари ва курашларига чек қўйилиши натижасида хонликдаги иқтисодий ҳаёт яхшиланиб борди.

Муҳаммад Аминнинг ўғли Аваз иноқ (1790–1804) отасининг ишларини давом эттирган бўлса, Авазнинг ўғли Элтўзар иноқ 1804 йилда Хива тахтига ўтириб, сохта хон Абдулғози V ни ҳайдаб юборди ва ўзини расмий хон (1804–1806) деб эълон қилди. Шу тариқа Хивада қўнғиротлар сулоласи ҳукмронлиги расмий қарор топди. Элтузархон хонликдаги мустақил ҳокимларни бирлаштириш сиёсатини давом эттирди. Аммо унинг ҳукмронлиги узоқ давом этмади. 1806 йилда Элтузархон бухороликлар билан бўлган жангда ҳалок бўлди. Тахтга унинг укаси Муҳаммад Раҳимхон I ўтирди.

Муҳаммад Раҳимхон I (1806–1825) марказлаштириш сиёсатига катта эътибор бериб, Хива хонлигини бирлаштиришни ниҳоясига етказди. Хива тарихчиларининг маълумотларига кўра, Муҳаммад Раҳимхон I хонликдаги вазиятни тўғри тушуниб, шунга яраша давлат сиёсати ишлаб чиқди ва ушбу сиёсатни қатъиятлик билан амалга оширди. Хусусан, унинг бевосита ташаббуси билан хонликда маъмурий-сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ислоҳотлар ўтказилди.

Душманларига, марказдан қочувчи кучларга ниҳоятда бешафқат бўлган Муҳаммад Раҳимхон I ўз атрофига ўзбек, туркман, қозоқ ва қорақалпоқларнинг нуфузли вакилларини тўплаб, уларга амаллар ва унвонлар берди. Хон саройи қошида доимий фаолият кўрсатувчи Кенгаш (Девон) таъсис этилди. Руҳонийларга ҳам алоҳида эътибор берилиб, Шайх ул-ислом Кенгашнинг аъзоси ва хоннинг энг яқин масаҳатчисига айланди. Муҳаммад Раҳимхон I мусулмон руҳонийларининг халқ орасидаги мавқеини ҳисобга олиб, сайидлардан бўлган Сайид Пирмуҳаммад Хўжанинг қизига уйлангани ҳам маълум.

Бу хон даврида мамлакатнинг иқтисодий ҳаёти жонланганлиги ҳақида ҳам маълумотлар талайгина. Унинг даврида махсус ислоҳотлар ўтказилиб, солиқлар тартибга солинди. Божхона ташкил этилиб, ички ва ташқи савдодан келадиган даромадлар кўпайиб борди.

Муҳаммад Раҳимхон I мамлакат сарҳадларини кенгайтириш ҳамда бўйсунмас қабилаларни итоат эттириш мақсадида қатор ҳарбий ҳаракатлар олиб борди. Жуда қийинчилик билан бўлса-да, 1811 йилда Орол-Қўнғирот тобе эттирилди. 1812–1813 йилларда Сирдарё бўйидаги қозоқ ва қорақалпоқ овулларига кетма-кет қўшин юборилиб, улар Хива хонига бўйсундирилди. Шундан сўнг хонлик ҳудудларини

Жанубий Туркманистон ва Хуросон вилоятлари ҳисобига кенгайтириш ҳаракати бошланди. Аммо бу масалада Хива билан Бухоро ўртасида кураш бошланиб кетди. 1817 йилги Чоржўй қалъаси яқинидаги биринчи тўқнашувда Хива қўшинлари мағлубиятга учради. Шунга қарамасдан, Муҳаммад Раҳимхон I Бухоро ҳудудларига 1820, 1823, 1824 йилларда талончилик урушлари қилиб турди.

Жанубий Туркманистон ва Хуросон вилоятларига ҳарбий юришлар Муҳаммад Раҳимхондан кейин тахтга ўтирган ўғли Оллоқулихон (1825–1842) ва набираси Раҳимқулихон (1842–1845) даврида ҳам давом этди. Оллоқулихон 1842 йилда вафот этгач, тахтга унинг ўғли Раҳимқулихон ўтирди. Тахтни эгаллаган янги хон ҳам Жанубий Туркманистон ерларига ҳужум бошлади. У шунингдек, Хазораспни қамал қилди. Аммо мағлубиятга учраб, орқага чекинишга мажбур бўлди. Бу орада Раҳимқулихон Чоржўйни қамал қилиб, унинг атрофидаги қишлоқларни талади. Раҳимқулихон Хуросон учун бўлган жангларнинг бирида ҳалок бўлгач, тахтга унинг укаси Муҳаммад Аминхон (1845–1855) ўтирди.

Муҳаммад Аминхон ҳукмронлиги даврида ҳам Жанубий Туркманистон ва Хуросонда тинчлик ҳукм сурмай, хонга қарши исёнлар давом этди. Айниқса, Марв ва Серахс шаҳарларида кўтарилган қўзғолонлар ҳокимиятни ларзага келтирди. Қўзғолончилар Хива хонига бўйсунишдан бош тортиб, хон амалдорлари ва солиқ йиғувчиларни тутиб қатл қилдилар. Огаҳий маълумотларига кўра, Муҳаммад Аминхон Марв ва Серахс учун ўн маротаба юриш қилган, фақатгина 1854 йилда Марв қўзғолони қийинчилик билан бостирилади. 1855 йил Серахс остонасида туркманлар билан Хива лашкарлари ўртасида бўлган жангда Хива қўшинлари мағлубиятга учраб, Муҳаммад Аминхон, унинг ўн тўрт нафар шаҳзодалари ва сарой амалдорлари фожиали ҳалок бўлдилар.

1855 йил Саид Абдуллахон (беш ярим ой – 1855 йил 20 март – 27 август) Хива тахтига ўтирди. Аммо бир гуруҳ сарой амалдорлари Саид Абдуллахонни тан олмасдан, унга қарши фитна уюштириб, ёвмут туркманлари билан алоқа ўрнатдилар ҳамда уларни исёнга чорладилар. Ёвмутлар исён кўтариб, Ғазават ва Илонли атрофларидаги қишлоқларни талай бошладилар. Саид Абдуллахон Хивадаги фитначиларни фош қилиб, унинг иштирокчиларини қатл эттиргач, исёнчиларга қарши кураш бошлади. Даставвал Хива қўшинлари би-

лан бўлган жангда ёвмутлар мағлубиятга учраб, дашт ичкарисига чекинган бўлсалар-да, августнинг охирида ёвмутлар Хива навкарлари қароргоҳига (Илонли яқинида) тўсатдан тунда ҳужум қилдилар. Бу ҳужумда Хива навкарлари мағлубиятга учраб, Саид Абдуллахон ўлдирилди.

Бу воқеадан кейин саройдаги вазир Муҳаммад Ёқуб меҳтар бошчилигидаги бир гуруҳ амалдорлар Саид Абдуллахоннинг ўн етти яшар укаси Қутлуғ Муродни хон қилиб кўтардилар, Ёқуб меҳтар ва Иброҳим қўшбеги давлат бошқарувида хоннинг энг яқин кишилари эдилар. Бу орада хонликдаги сиёсий вазият яна кескинлашиб кетди. Қутлуғ Муродхонга бўйсунмаган туркман ёвмутлари Ота Муродни, қозоқ ва қорақалпоқлар Жорлиқ Тўрани ўзларига хон деб эълон қилдилар. Қутлуғ Муродхон уларнинг исёнларини қийинчилик билан бостирди. Аммо унинг ҳукмронлиги ҳам узоқ чўзилмади (тўрт ярим ой). Қутлуғ Муродхон ўз укаси Ниёзбек Муҳаммад томонидан ҳийла ишлатилиб уюштирилган фитна (ёвмут туркманлари ёрдамида) натижасида ўлдирилди.

Қутлуғ Муродхон ўлимидан сўнг Хива тахтига Сайид Муҳаммадхон (1856–1864) хон қилиб кўтарилди. У ҳокимиятга келган пайтда хонликда сиёсий вазият кескинлашган, иқтисодий аҳвол ниҳоятда оғир бўлиб, кўпчилик вилоятларда очарчилик ҳукм сурган, юқумли касалликлар тарқалган эди. Вазиятни тўғри баҳолай олган Сайид Муҳаммадхон юз бераётган исёнларни тинч йўл билан ҳал қилиш, тинчликни қарор топтириш, иқтисодиётни тиклаш чораларини кўрди. У аввалambор Бухоро ва Россия билан савдо алоқаларини яхшилади. Деҳқончилик, ободонлаштириш ва қурилиш ишларида қатор тадбирлар ўтказилди. Аммо хонликдаги ички нотинчлик тўхтамади. Хонликда фақат ўзбек уруғларигина эмас, балки ярим кўчманчи ва чорвадор аҳоли бўлган туркман, қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа халқлар оғир солиқлар ва турли тўлов ҳамда мажбуриятларга тортилганлиги боис, хонликнинг турли шаҳар ва вилоятларида норозиликлар, исёнлар бўлиб турди.

Сайид Муҳаммадхон 1864 йил 10 сентябрда касалланиб вафот этгач, тахтга унинг ўғли Сайид Муҳаммадхон Раҳимхон II (1864–1910) ўтирди. Соний ва Феруз номлари билан ҳам машҳур бўлган бу ҳукмдор Хива хонлари орасида энг адолатпарвар ва маърифатпарвар ҳукмдор бўлганлиги боис ҳам, 47 йил давомида мамлакатни идора қилган.

Унинг замондошлари бўлган Огаҳий ва Баёнийлар асарларида Сайид Муҳаммадхон Раҳимхон II (Феруз) фаолиятида адолатпарварлик ва ҳақгўйлик, қаттиққўллик ва талабчанлик билан бирга маърифатпарварлик ташаббускорлик билан уйғунлашиб кетганлиги ҳақида маълумотлар берадилар. Бу хон ўзининг бутун ҳукмронлиги даврида эл-юрт фаровонлиги, тинчлик-осойишталиги учун курашди. Хонликда деҳқончилик, суғориш ишлари, савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик тараққий этди. Бу даврда Хоразмда, айниқса, илм-фан, адабиёт ва санъат, меъморчилик юксалди. Хоннинг ўзи «Феруз» тахаллуси билан ижод қилиб, ўзбек мумтоз адабиёти ривожига катта ҳисса қўшди.

Замонавий Хоразм тарихчилари Сайид Муҳаммадхон Раҳимхон II ҳукмронлигини икки босқичга ажратадилар. Биринчи босқич – 1864 – 1873 йиллар, хон ҳукмронлигининг дастлабки ўн йиллиги бўлиб, бу даврда Муҳаммадхон Раҳимхон II давлатни мустақил бошқариб, мамлакатда тинчлик ва фаровонликни қарор топтириш, қишлоқ хўжалиги, савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик, фан ва маданиятни юксалтириш йўлида улкан ишларни амалга оширди. Иккинчи босқич – 1873 йил августдан 1910 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. 1873 йилда Хива генерал Кауфман бошчилигидаги рус қўшинлари томонидан босиб олингач, тузилган сулҳга биноан Хива хонлиги Россияга қарам давлатга айланди. Бу даврда Муҳаммадхон Раҳимхон II нинг фаолияти Россия ҳукумати томонидан қатъий чекланди ва назорат остига олинди. Шунга қарамасдан, хон ўзининг адолатпарварлик ва бунёдкорлик фаолиятини давом эттирди.

Муҳаммадхон Раҳимхон II вафотидан сўнг тахтга унинг ўғли Сайид Исфандиёр (1910–1918) ўтирди. Исфандиёрхон хонлик даврини янгиликлардан бошлади. Унинг фармони билан аҳоли қадимдан тўлаб келаётган солиқларнинг бир неча тури қисқартирилди. Генерал-майор унвонига эга бўлган Исфандиёрхон ҳам отаси каби рус ҳукуматига тобе эди. Унинг даврида хонликда бир қанча қўзғолон бўлиб ўтди. Хон бу қўзғолонларни руслар ёрдамида бостирди. 1918 йил 1 октябрда туркман Қурбон Муҳаммад Сардор (Жунаидхон)нинг буйруғи билан Исфандиёрхон ўлдирилди. Ҳокимиятни Жунаидхон ўз қўлига олди. Аммо у Хива тахтига ўтира олмас эди. Шу боис, Исфандиёрхоннинг укаси Саид Абдуллахон (1918–1920) номигагина хон қилиб кўтарилди. 1920 йил 2 февралда Хивага кириб келган қизил

армия қўшинлари Жунаидхон лашкарларини тор-мор этиб, ҳокимиятни советларга топширди.

Хива хонлигининг ҳудуди, маъмурий тузилиши ва аҳолиси. Хонликнинг аниқ чегаралари ҳақида маълумотлар сақланмаган. Чунки хонлик пайдо бўлган дастлабки даврлардан бошлаб сиёсий вазият ва ҳарбий ҳаракатларга қараб давлат чегаралари доимий равишда ўзгариб турган. XIX асрга келиб хонлик таркибига туркман, қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа халқларнинг қўшилиши натижасида давлат сарҳадлари анча кенгайди. Манбаларга кўра, Элтузархон (1804–1806) даврида хонликнинг худуди унча катта бўлмасдан, шимолий чегараси Орол-Қўнғирот ҳокимлиги, жанубий чегараси эса Дарғонота билан чегарадош бўлган. XIX аср ўрталарига оид рус манбаларида хонликнинг ғарбий чегараси Каспий денгизигача, жанубда эса Марв водийси орқали Эронга туташиб кетганлиги, шимолда эса Урал дарёсигача чўзилганлиги қайд этилган.

Хива хонлиги маъмурий жиҳатдан XVI–XVIII асрларда вилоятларга бўлинган бўлса, XVIII аср охири – XIX аср бошларидан бошлаб давлатдаги асосий маъмурий ҳудудлар беклик деб аталган. Манбаларга кўра, бу даврда хонликда 16 та беклик ва 2 та ноиблик мавжуд эди. Улар Хазорасп, Гурлан, Хонқа, Кўҳна Урганч, Қўшкўприк, Питнак, Қиёт, Шоббоз (Шоҳаббоз), Шовот, Тошҳовуз, Амбарманак, Урганч, Хўжайли, Шуманай ва Қўнғирот бекликлари ҳамда Бешариқ ва Қиёт-Қўнғирот ноибликларидир. Уларни хон томонидан тайинланган беклар ва ноиблар бошқарганлар. Хива шаҳри бошқаруви хон ва бош вазир ихтиёрида бўлган. Хонликнинг пойтахти турли даврларда Вазир, Кат, Кўҳна Урганч, Хива шаҳарлари бўлган.

Муҳаммадхон Раҳимхон I (1806–1825) хонликнинг маъмурий бошқарув тизимини тубдан ўзгартирди. Бекликларнинг марказий ҳокимиятга бўйсунмаслигини ҳисобга олиб, Муҳаммадхон Раҳимхон I хонлик ҳудудида кентларга ажралишни бекор қилди ва манбаларга кўра, хонликда аввал 15 та ҳамда кейинроқ яна 11 та ҳокимлик ташкил этди. Булар қуйидагилар эди: Хазорасп, Остона, Урганч, Кат, Тошҳовуз, Қўшкўприк, Оқдарбанд, Гурлан, Кўк қашқа, Қўнғирот, Кўҳна Урганч, Илонли, Тахта, Хонқа, Шоббоз, Маноқ, Ғозиобод, Шайх, Манғит, Хўжайли, Шуманай, Тўрчи, Оқтепа, Қорағон, Хитой. Ҳокимликлар, ўз навбатида, масжид-қавмларга бўлинган. Манбалар хонликда жами 1537 та масжид-қавмлар бўлганлиги ҳақида

маълумот беради. Вилоят ҳокимлари хон томонидан, масжид-қавмларнинг қози ва оқсоқоллари эса вилоят ҳокимлари томонидан тайинланган.

Шундай қилиб, Хива хонлиги маъмурий жиҳатдан ҳозирги Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Қозоғистон ва Туркманистон Республикаларининг бир қисмини ўз ичига олган давлат эди.

Хива хонлигининг ўтроқ деҳқончилик воҳаларида, асосан, ўзбеклар яшаб, улар давлатдаги аҳолининг кўпчилик қисмини ташкил этганлар. Хонликда, шунингдек, туркманлар, қозоқлар, қорақалпоқлар, кам миқдорда тожиклар, яҳудийлар, ҳиндлар, эронийлар, руслар, арманлар, немислар ҳам яшаганлар. Хива хонлигидаги аҳолининг умумий сони ҳақида маълумотлар деярли йўқ. Архив ҳужжатлари ва рус сайёҳларининг маълумотлари бу масалага қисман аниқлик киритади. Хусусан, XIX асрнинг биринчи чорагига оид маълумотларда хонлик аҳолиси 300 минг, шу асрнинг 40-йилларига оид маълумотларда 300 мингга яқин, сўнгги чорагига оид манбаларда 700 мингга яқин деб берилса, архив манбаларини чуқур ўрганган олим М.Йўлдошев XIX аср ўрталарида хонликда 800 мингга яқин одам истиқомат қилганлиги ҳақида маълумот беради.

XIX асрнинг ўрталарига келиб хонликда шаҳар ҳаётининг ривожланиши натижасида шаҳар аҳолисининг сони кўпайиб борди. Хива, Хазорасп, Хонқа, Урганч, Қўнғирот, Кўҳна Урганч каби шаҳарларда рус сайёҳлари берган маълумотларга кўра, 2 мингдан 5 минггача хонадон яшаган. Хонлик пойтахти Хива шаҳрида 21 мингдан ортиқ аҳоли яшаган.

Давлат тизими. Мансаблар ва унвонлар. XVII асрда Хивада муайян бир сулола ҳукмдор эмас эди. Чингизийлар сулоласига мансуб баъзи шахслар Хивага чақирилиб, хонлик тахтига кўтарилган бўлсада, амалда ҳокимият қўнғирот сулоласидан бўлган иноқ қўлида бўлган. 1804 йилдан бошлаб фақат Қўнғиротлар сулоласи вакиллари Хивада хон бўлганлар.

Хива хонлигида унвон ва мансабларни сарой, ҳарбий ва диний унвон ҳамда ва амалларга бўлиш мумкин. Тадқиқотчиларнинг фикрича (Ш. Воҳидов), бу тасниф соф назарий бўлиб, аслида хонлик даврида муайян унвон ва мансаблар соҳалар бўйича берилмаган. Ўша вақтда амалдор ва унвон эгаси кўпинча хонга нисбатан шахсий садоқати, қавми яқинлигидан бир мансабдан бошқа мансабга ўтиб, ун-

вонлар соҳибига айланган. Хонликда энг олий унвон хон бўлиб, у маъмурий, сиёсий ва ҳарбий ваколатларга эга бўлган.

Хива хонлиги давлат тизимида Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигидан фарқли ўлароқ, хон ҳузурида Олий Кенгаш амал қилган. Маълумотларга кўра, бу Олий Кенгашни Муҳаммад Раҳимхон I «ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун илгари иноқ ва оталиқлар бошлиқ бўлган уруғ оқсоқоллари кенгаши ўрнига таъсис этган эди. Бу Олий Кенгашга турли даъво ва жиноий ишларни кўриш ва қарор чиқариш ҳуқуқини берди». Бу Кенгашнинг ваколати чегараланган бўлиб, маслаҳат берувчи органга ўхшар, унинг аъзолари энг юқори мансаб ва унвондаги амалдорлар бўлган. Кенгаш мажлисида бошқа амалдорларга қараганда иноқ, шайх ул-ислом, девонбеги ва ясовулбоши ҳал этувчи овозга эга бўлганлар. Кенгаш мажлислари масаланинг муҳимлигига қараб, хон томонидан чақирилар эди. Олий Кенгаш оқсоқоллардан, яъни маълум мансаб ва унвон эгаларидан, чунончи, нақиб, шайх ул-ислом, мутавалли, мироб, қози, фармончи, дарға, шиғовул, дастурхончи, арбоб, мирохўр кабилардан иборат эди. Шунингдек, хоннинг қариндош-уруғларидан бўлган беклар, оталиқ, иноқ ва бийлар ҳам бу кенгашга кирганлар.

Бу тор доирадаги Кенгаш гарчи давлат ташкилоти сифатида расмийлаштирилмаган бўлса-да, унинг қарори хоннинг қароридек кўрсатилса-да, амалда юқори қонун чиқарувчи маъмурий ва суд ҳокимияти эди. Кенгаш хонликнинг ички ишларига доир ҳамма масалалар бўйича қарор қабул қилар ва хонликнинг бошқа давлатлар билан бўлган ташқи муносабаларига доир муаммоларни ҳал этар эди. Гарчи Кенгаш давлатнинг турли-туман ички ва ташқи ишларини муҳокама қила олса-да, муҳокама қилинган масалалар бўйича қарор чиқариш, аввало, хоннинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлган.

Хон саройидаги унвон ва мансаблар. Унвонлар орасида энг каттаси **иноқ** эди. Одатда, иноқлар энг қудратли ўзбек уруғларидан тайинланган ҳамда улар хоннинг яқин маслаҳатчилари бўлган. Иноқлар йирик амалдор, яъни уруғ бошлиғи ҳисобланган. Абулғозихон тантанали маросимларда иноқларга ўз ёнидан тўртта жой ажратган. Иноқлар бий, султон, мингбоши каби унвонларни ҳам олганлар. XX аср бошларига келиб иноқлар бек мартабасига тушиб, олий сарой амалдорларидан маъмурий мансаб эгаларига айланадилар.

Оталиқ – уруғ оқсоқоли. Иноқ бошлиқ тўпа (гуруҳ)га бирлашган уруғ бошлиғи. Хоннинг энг яқин маслаҳатчиларидан бири бўлган. Оталиқ қилич ва пичоқ тақиб юрган.

Бий – сарой унвони. Иноқ ва оталиқдан кейинги мартаба. Бий қабила ва уруғнинг бошлиғи ҳисобланиб, кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий халқларнинг, жумладан, ўзбекларнинг уруғ оқсоқолларига бериладиган унвон эди. XVII–XIX асрларда бийлар йирик ўзбек қабила ва уруғларига бошчилик қилиб, фақат марказий ҳокимиятга итоат этганлар. Бий унвони авлоддан авлодга мерос қилиб қолдирилган.

Амир ул-умаро – Амирларнинг амири, Хива хонлигида XIX асрнинг ўрталарида таъсис этилган. Сайид Муҳаммадхон бу унвонни биринчи марта ўзининг акаси Сайид Маҳмуд тўрага берган эди. Муҳаммад Амин иноқ ҳукмронлиги даврида амир ул-умаро унинг акаси Фозилбий эди. Ўшандан кейин амир ул-умаро унвони ҳеч кимга берилмаган.

Қўшбеги – Хива хонлигида саройнинг олий мансабларидан бири бўлиб, молия ва солиқ йиғиш ишларини бажарган. Қўшбегининг махсус девони ҳамда унга тобе этувчи амалдорлари бўлган.

Меҳтар – катта, улуғ деган маънони беради. Меҳтар сарой хизматкорларининг бошлиғи вазифасини бажариб, хонга яқин кишилардан ва хон уруғига мансуб аъёнлардан тайинланган. Меҳтарнинг ҳам ўз девони бўлиб, ер солиғи – «солғут» тўплаш ҳам унинг хизматига кирган.

Бекларбеги – Қорақалпоқ ва кўчманчи халқларнинг оқсоқолларига бериладиган фахрий унвон. Бекларбегининг вазифаси уларнинг ўз уруғларидан йиғиладиган харажатларнинг тўғрилигини текшириб туриш ва уларни тўла равишда хазинага топшириш устидан назорат қилишдан иборат бўлган. Бу лавозимга амалдорлар, одатда, хоннинг қариндош-уруғларидан тайинланган.

Бек – XIX асрда Хива хонлигининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида беклар анча катта роль ўйнаганлар. Бек – хон ва давлат арбобларининг қариндошларига, фарзандларига бериладиган фахрий унвондир.

Парвоначи – хон саройидаги олий вазирлардан бири. Парвоначи саройнинг ички ва ташқи ишларида ҳам фаол қатнашиши мумкин бўлган. У арзу шикоятларни хонга етказиб, жавобини қайтарган. Шунингдек, парвоначи хоннинг фармонларини сарой аъёнларига етказиб турган.

Эшикоқоси – сарой дарвозаларини қўриқлаш ишларини бошқарган. Ойболта унинг мансаб аломати бўлган. Ҳукмдор саройда бўлган вақтда эшикоқоси уни қўриқлаш билан шуғулланган. Эшикоқоси арзгўйларнинг нима хусусда келганларини суриштириб, уларни саройдаги тегишли амалдорлар томонига жўнатар эди. Фақат жуда муҳим хабарлар билан келган кишиларгина хон ҳузурига киритилган.

Саройда дарвоза ортида турадиган **қоровуллар ва махсус дарвоза қўриқчиларидан** ташқари хонни қўриқлайдиган **тунқатор** ёки **тунотарлар**, яъни кечаси билан хонни қўриқлаб чиқадиган хизматчилар ҳам бўлган.

Маҳрам – ишончли хизматкор, сидқидилдан хизмат қилувчи сарой ичкарисидаги ходим маъноларини англатади. Маҳрамлар хонга яқин кишилар ҳисобланган. Давлат бошқарувида улар бевосита хоннинг маслаҳатчилари бўлишган. Маҳрамлар хоннинг оромхонасига кириш ҳуқуқига эга бўлганлар.

Хива хони саройида яна қуйидаги унвон, мансаб ва вазифалар мавжуд бўлган: **офтобачи, бухчабардор, соатбардор, китобдор, мўзабардор (хон пойабзалини берувчи), шарбатдор, маҳрам боши (юқори лавозим ҳисобланган), тўшакчи, карнайчи, сурнайчи, жарчи, ошмеҳтар (хон ва сарой ошхонаси бошлиғи), сорбон (туячилар), камон халфа (овчи, қушчи), мерганлар, сайис (от боқувчи), кўмирчи, кучанчи (эгар-жабдуқчи), тамакисоз, лойкаш, кулол, ходимчи, рўмолчи, селобчи (жом ушлаб турувчи), пояки (чилимчи), аравачи, носчи, қиличкор (қилич ва шамшир ясовчи), ошпаз, товоқчи, даракчи (отчопар), жирчи (ашулачи), йўнувчи (дурадгор), девон (мирза), мушриф (озуқа йиғувчи), божбон (закотчи)** ва бошқ. Уларнинг барчаси сарой хазинасидан маош олганликлари ҳақида маълумотлар бор. Саройдаги умумий тартибни арбоб назорат қилган.

Хонликдаги ҳарбий унвонлар ва мансаблар. Давлатдаги энг олий ҳарбий амалдор хоннинг ўзи эди. Кўп ҳолларда шахсан хон бошчилигида, айрим ҳолларда таниқли саркардалар бошчилигида бошқа ҳудудларга юришлар уюштирилган. Энг юқори ҳарбий-маъмурий лавозим **амир ул-умаро** эди. Ундан кейинги расмий равишдаги юқори саркарда **ясовулбошилик** мансаби эди. Хонликда улар икки киши бўлиб, бири ёвмуд туркманларига, иккинчиси эса човдирларга қўмондонлик қилар эди. Хон ҳузуридаги расмий қабул маросимларида ясо-

вулбошиларнинг доимий ўринлари бўлмас эди. Лекин улар хон ҳузурида бўладиган тор кенгашда **меҳтар, қўшбеги ва девонбеги** билан бир қаторда қатнашар эдилар. Ясовулбошига ясовуллар, миршаблар, шотирлар, эшикоқолари итоат этганлар.

Ясовулбошидан кейинги ҳарбий унвон **мингбоши** эди. Ҳарбий юришлар пайтида мингбошиларга катта масъулият юкланган. Яъни, улар қўшинни айтилган ерга тўплаши, уларнинг тайёргарлик даражасини назорат қилиши, жанг пайтида қўшиннинг маълум гуруҳига йўлбошчилик қилиши лозим бўлган. Шунинг учун ҳам архив ҳужжатларига кўра, мингбошилар яхши инъомлар олганлар.

Хива хонлигида ҳарбий истеҳкомлар – қалъалар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар маъмурий-мудофаа вазифани бажарган. Бундай қалъалар **кутвол (қалъабон)** қўлида эди.

Хива қўшинларида **саркардалар** муҳим аҳамиятга эга бўлган. Саркардалар бир неча юздан бир неча минггача бўлган навкарга бошчилик қилганлар. Юришлар пайтида саркарда бошчилигида туғ (байроқ) кўтариб борилган. Байроқ кўтариб борувчиларга **туғбеги** бошчилик қилган. Қўшинда **юзбоши, панжшоҳбоши (эллиқбоши), даҳбоши** (ўнбоши), **қоровул, маҳрам, навкар** каби вазифалар бўлган.

Навкарлар солиқлар ва турли мажбуриятлардан озод қилинганликлари боис, катта ер эгаларини қаттиқ ҳимоя қилганлар. Хива қўшинида деҳқонлардан олинадиган навкарлардан ташқари, туркманлар, қорақалпоқлар, қозоқлар ва бошқа кўчманчи халқлар аскарлари ҳам бўлиб, улар хонга мажбурий равишда маълум миқдорда аскарлар берганлар.

Хонликдаги диний ҳамда қозихона унвонлари. Хивада давлатни бошқариш бўйича ислом дини мафкуравий асосни ташкил этган. Қонунларга шариат тартиб ва йўриқлари асосида амал қилинган. **Шайх ул-ислом** – хонликдаги энг юқори мартабали киши эди. У диний маросимларнинг аниқ бажарилиши устидан назорат қилган. Маросимлар пайтида шайх ул-ислом хоннинг ўнг томонида ўтириш ҳуқуқига эга бўлган.

Қози ул-қузот (қози калон) -- мусулмон ҳуқуқи ва қонунлар бажарилишини шариат асосида назорат қилган. Қози калон пойтахтда ўз девони ва маҳкамасига эга бўлган. Вилоят марказларида ҳам вилоят қозиси бўлган. Улар маҳкамаларининг номи Дор ул-қазо деб атал-

ган. Лашкарлардаги қонун-қоидалар кетидан қозии аскар (аскар қозиси) назорат қилиб, шаърий масалаларни ҳал этиб турган.

Муфти – қозиларнинг ҳуқуқшунослари ҳисобланган. Улар бирор иш кўрилаётган пайтда иштирок этишлари, ҳукмона тузишлари ва ҳукмларнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун ҳужжатларга муҳрларини босишлари лозим эди. Хивада бош муфти еттита бўлиб, барча муфтиларнинг хон ёнида ўрни бор эди. Лашкарда ўзининг муфти лашкари хизмат қилган.

Аълам – муфтиларнинг бошлиғи ҳисобланган. Унинг вазифаси фатволарда келтириладиган шариат ривоятларини текширишдан иборат бўлиб, айрим ривоятларнинг асл нусхасига мослигини аниқлагач, аълам унга ўз муҳрини босган.

Раислар – шариат тартиб-қоидалари, диний маросимлар – рўза, беш вақт намоз, таҳорат, хайри-эҳсон ишларининг аниқ бажарилиши устидан назорат қилган. Ота-оналар болаларини ўз вақтида мактабга юбориши, бозорларда сотувчилар харидорларни алдамаслиги, тарозиларни текшириб туриш ҳам раиснинг вазифаси бўлган. Ҳар бир шаҳар ва катта қишлоқнинг ўз раиси бўлиб, қози калон тақдимига мувофиқ хон томонидан тайинланган.

Мутавалли – диний муассасаларда хайр-эҳсон маблағлари ва хўжалик ишлари билан шуғулланувчи хўжалик нозири. Мутаваллининг вазифаси вақф мулки, ундан фойдаланиш ва келадиган даромадни назорат қилиш, уни тақсимлаш, ижарага бериш, охун ва мударрисларга маош тўлаш кабилардан иборат эди.

Мударрис – мадраса ўқитувчиси, муайян илоҳиёт фанидан дарс берган. Охун-охунд – ваъзхон, нотиқ, дин тарғиботчиси. Мударрис ва охунлар ўзлари таълим берган мадрасанинг вақфидан маош олиб турганлар. Шунингдек, мадраса уларга ҳужра ҳам берган.

Хива хонлигининг давлат тузилиши ўзининг мукаммаллиги жиҳатидан ўз даврининг баъзи бир Ғарбий Европа давлатлари тузилиши даражасида бўлмаса-да, бироқ маълум идора қилиш тизими мавжуд бўлиб, етарли даражада тартибли эди. Шунга биноан, юқорида эслатганимиздек, давлат мансаблари сарой-маъмурий, диний ва ҳарбий лавозимларга бўлинар эди. Бу вазифаларни бажарувчиларга давлат хазинасидан тегишли маош ва мукофотлар берилган. Санаб ўтилган турли-туман амалдорлар ва хизматкорларнинг мавжудлиги Хива хонлигида жуда катта бошқарув аппарати

бўлганлиги, мукаммал бошқарув сиёсати юритилганлигини тасдиқлайди.

Ер эгалиги. Деҳқончилик ва чорвачилик. Бутун Ўрта Осиё ҳудудида бўлгани каби Хива хонлигида ҳам ер эгалигининг қуйидаги шакллари ҳукмронлик қилган: давлатга қарашли ерлар ёки подшолик ерлари; хусусий шахсларга қарашли ерлар; диний муассасаларга қарашли ерлар ёки вақф ерлари.

Подшолик ерлари бевосита давлатга, хонга тегишли бўлиб, авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтган. Давлат ерларига доимий суғориладиган экинбоп ерлардан ташқари, ташландиқ ерлар, қумлик, адирлар ва яйловлар, кўл ва тўқайзорлар ҳам кирган. Давлат ерлари босиб олинган ҳудудлар, хонга қарши мулкдорларнинг мусодара қилинган ерлари, янги ерларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига ҳам кенгайиб борган. Давлат ерлари хон томонидан мулкдорларга ва ижарачи деҳқонларга, беватан (ерсизлар)ларга фойдаланиш учун бўлиб берилган.

Бундай ерлардан давлатга олинган ҳосилнинг 40-50 фоизигача маҳсулот ёки пул кўринишида солиқ ундирилган. Давлат ерлари хонлик хазинасининг асосий манбаи ҳисобланган. Хон ўзига холис хизмат қилган амалдорларга, яқин қариндошларига, содиқ хизмат қилган навкарларга ва диндорларга давлат ерларидан инъом қилиб берган. Бундай ерлар солиқлардан озод этилган.

Хусусий (мулк) ерлар хоннинг шахсан ўзига, унинг яқин қариндошларига, йирик бойларга, сарой амалдорларига, ҳарбийларга ва бошқа зодагонларга тегишли ерлар бўлган. Хонликнинг сувга яқин бўлган ўтроқ марказий туманларидаги унумдор ва серҳосил ерларнинг асосий қисми мулкдорлар қўлида эди. XIX асрнинг биринчи ярмига оид маълумотларга кўра, мулк эгаларига тегишли ерлар хонликдаги барча суғориладиган ерларнинг ярмидан кўпроғини ташкил этган. Манбаларнинг маълумот беришича, айрим мулкдорлар ихтиёрида икки-уч минг танобдан ўнлаб минг танобгача ер бўлган. Мисол учун, Питнак, Хазорасп ва Шўрохон шаҳарлари ҳамда уларга туташ бўлган қишлоқлар амир ул-умарога тегишли бўлган. Муҳаммадаминхон ўғли Абдулла тўрага 20 минг танобдан ортиқ ерни инъом қилган ва ҳоказо.

Вақф ерларига диний муассасаларга, масжид, мадраса, қабристон, хонақоҳларга қарашли ер-мулклар кирган. Бу мулклар диний муас-

сасаларга хон, амалдорлар ва айрим шахслар томонидан вақф қилиб берилган. Бундай ерлардан келган даромад диний муассасалар эҳтиёжи учун сарф этилган. Маълумотларга кўра, XIX аср ўрталарида хонликдаги вақф мулкининг умумий ҳажми 170–175 минг танобни ташкил этган.

Хива хонлигидаги кам ерли ва умуман ерсиз, от-уловсиз деҳқонлар кўпчиликни ташкил этган бўлиб, улар давлат, мулк ҳамда вақф ерларида ижарага ишлаганлар. Ижарадорлар ижарага олган ер миқдорига қараб давлатга солиқ тўлаганлар. Улар кимнинг ерида хизмат қилишларига қараб **беватан, коранда** ва **вақфкор** деган қатламларга бўлинган. Давлат ерларини ижарага олган ерсиз ва камқувват деҳқонлар беватанлар, мулк ерларидаги ижаракорлар коранда, вақф ерлари ижаракорлари эса вақфкор деб аталган.

Деҳқончилик ва чорвачилик Хива хонлиги иқтисодий ҳаётининг асосларидан ҳисобланган. Деҳқончиликда Амударё қуйи оқимидан олинган кўплаб каналлар ва ариқлар муҳим ўрин эгаллаган. Таъкидлаш лозимки, Хива хонлигида сув манбаларининг етарли бўлишига қарамасдан, деҳқончилик тараққиёти қўшни Бухоро хонлигидагидек юксак даражада ривож топмаган эди.

Хонликда донли экинлардан буғдой етиштириш нисбатан кенг ривожланган бўлиб, буғдой Питнакдан Шоҳаббозгача бўлган ҳудудларда, айниқса, кўп экилган. Суғориладиган ерларда буғдойнинг саранчи нави кўп етиштирилган. Буғдой йиғиб олинган далаларга қовун, тарвуз, мош, жўхори каби экинлар экилган. Хонликда кўплаб шоли экинзорлари мавжуд бўлган.

Пахта етиштириш, асосан, Гурлан, Янги Урганч, Хива, Хонқа, Шоҳаббозда ривожланган. Пахта чигитидан ёғ олиниб, толаси маҳаллий ҳунармандлар эҳтиёжи учун берилган ва ташқи бозорга чиқарилган. Сув кўп талаб қилмайдиган (Хазорасп, Қўнғирот, Тошҳовуз, Илонли, Ғазават, Манғит ва Гурлан) кунжут, нўхат, мош, арпа ва бошқа экинлар экилган. Сабзавот – полиз экинлари кўплаб етиштирилган. Хоразм қовунлари қўшни ҳудудларда ҳам машҳур бўлган. Боғдорчилик ҳам анча тараққий этган. Аммо ипакчилик яхши ривожланмаган.

Хонликнинг ўтроқ деҳқончилик туманларида чорвачилик яхши ривож топмаган. Воҳаларда йирик ҳайвонлар деҳқончиликда (ер ҳайдаш, ҳосилни янчиш, сув чиқариш ва бошқ.) фойдаланиш, гўшт ва

сут маҳсулоти учунгина боқилган. Хонлик аҳолисининг гўштга бўлган талабини кўчманчи туркман ва қозоқ қабилалари қондирганлар. Кўчманчилар қўй, йилқи, туя етиштириб, аҳолини гўшт, сут, тери, жун билан тўла таъминлаб турган.

Солиқ сиёсати. Хива хонлигида қўшни давлатларда бўлгани каби хирож, закот, бож, жизъя каби солиқлар мавжуд бўлган. Муҳаммад Раҳимхон I амалга оширган иқтисодий ислоҳот туфайли хонликдаги солиқ сиёсатига ўзгартиришлар киритилади. Хусусан, илгари маҳсулот кўринишида йиғиб олинадиган хирож ўрнига пул солиғи – солғит (солғут) жорий этилди. Бунга кўра, 10 танобдан ортиқ ери бўлганлар йилига 3 тилло (54 танга), 5–10 таноб ери бўлганлар 2 тилло (36 танга), 5 танобгача ери бўлган деҳқонлар 1 тилло (18 танга) миқдорда солиқ тўлаганлар. 15 танобгача ерни ижарага олган ижаракорлар йилига давлат хазинасига 34 танга, 10 танобгача ерни ижарага олганлар 22,6 танга, 5 танобгача ерни ижарага олганлар 11,3 танга миқдорида солиқ тўлаганлар. Ижаракор деҳқонлар давлат хазинасига солиқ тўлашдан ташқари, ижарага ер берган хўжайинга пул ёки маҳсулот билан ҳақ тўлаши ёхуд ишлаб бериши лозим бўлган.

Хонликдаги ярим ўтроқ ва чорвадор аҳоли ҳам давлат хазинасига белгиланган миқдорда хирож ва закот тўлаганлар. XIX аср бошларидан бошлаб улардаги хирож солиғи солиқ кесма деб атала бошлаган. Бунга кўра, қорақалпоқлар ва қўнғиротлар экин майдони ва ҳосил миқдоридан қатъи назар давлат хазинасига ҳар йили 24,5 минг кичик тилло миқдорида солиқ тўлаб турганлар. Қорақалпоқлар ва қозоқлардаги ерсиз ва от-уловсиз деҳқонлар хон, унинг қариндошлари ва сарой амалдорларининг шахсий ерларида ижаракор бўлсалар, ҳосилнинг ҳар 4 ёки 5 ботмони ҳисобидан икки ботмон миқдорида давлат хазинасига солиқ тўлаганлар.

Чорвадор аҳоли хон хазинасига закот солиғи тўлаган. XIX аср бошларига қадар бу солиқ натура кўринишида, 40 бош чорва ҳисобидан бир бош ундирилган бўлса, кейинги даврларда закотни ундиришга ўтилган. Эндиликда чорвадорлар йирик чорва учун 40 бош чорвадан 5 тилло, майда чорванинг ҳар 40 бошига 10 аббос (10 аббос – 25 кумуш танга) миқдорида солиқ тўлаганлар.

Юқоридагилардан ташқари хонликнинг барча ўтроқ, ярим ўтроқ ва кўчманчи аҳолиси қазув, бегор, қочув, отланув, бож пули, милтиқ солиғи, улов тутув, қўналға, чопар пули, тарози ҳақи, миробона,

дарвозабон, мир туман ҳақи, афанак пули каби қўшимча тўлов ҳамда мажбуриятларни ҳам бажарганлар. Улар орасида энг оғири қазув, қочув ва бегор бўлиб, бу давлат қурилиши, ариқларни ва дарёдаги дамбаларни таъмирлаш, қалъа, сарой, шаҳар деворлари, йўл ва кўприклар қурилиши ҳамда таъмирланиши учун ҳар йили 12 кун бепул ишлаб бериш мажбурияти бўлган.

Ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ. Шаҳарлар. Хоразм ҳунармандчилиги ихтисослашган бўлишига қарамай, ярим кўчманчи хўжаликларда уй ҳунармандчилиги устунлик қилган. Ҳунармандчиликнинг асосий соҳаларидан бири тўқимачилик эди. Кўчманчи аҳолининг турли матоларга бўлган талаби ва қисман ташқи бозор учун маҳсулот етказиб бериш зарурияти тўқимачилик саноати ривожини тақозо этган. Хонликда ипак, ярим ипак ва пахта матолар ишлаб чиқарилган. Матолар, асосан, қўлда тайёрланган.

Ундан ташқари, хонликда кулолчилик, мисгарлик, дегрезлик, темирчилик, дурадгорлик каби анъанавий ҳунармандчилик турлари ҳам ривожланган. Манбалар шаҳар ва қишлоқларда ер ҳайдайдиган мослама тайёрловчилар (пазачи), от абзали тайёрловчилар (кучанчи), мисгарлар, заргарлар, пичоқчилар, қинчилар, бўёқчилар, телпакдўзлар, қулфгарлар, жувозчилар, шамчилар, совунчилар, новвойлар, ошпазлар кабилар махсус касб-ҳунарга ихтисослашганликлари ҳақида маълумотлар беради.

Хивада гилам тўқиш ўзининг қадимий аҳамиятини хонлик даврида ҳам сақлаб қолди. Илгаригидек гилам тўқиш билан туркманлар ҳам шуғулланганлар. Хива гиламлари ички ва ташқи бозорда машҳур бўлган. Умуман олганда, маҳаллий ҳунармандларнинг маҳсулотлари ички ва ташқи бозор учун ишлаб чиқарилган.

XVI асрнинг охирига келиб Амударё асосий ўзанининг ўзгариши Хоразмнинг ташқи савдо алоқаларига ҳам таъсир этди. Хоразмнинг илгариги савдо марказлари ўз аҳамиятини йўқота бориб, Россия билан савдо алоқаларида Волганинг қуйи оқимлари орқали ўтган йўллар катта аҳамият касб эта бошлади. Астраханда хивалик савдогарларга имтиёзлар берилган бўлиб, улар рус савдо ярмаркаларида иштирок этиб турганлар. XVIII асрнинг ўрталаридан бошлаб, Оренбург шаҳрига асос солингач, Хива савдогарлари Уралбўйи орқали савдо-сотиқни янада жонлантирдилар. Хивадан Россияга пахта матолар, мевалар, қимматбаҳо тошлар, қоғоз маҳсулотлари, парча ва буюм

шаклидаги ипак ва ярим ипак матолар, гиламлар, туя жунидан матолар, қисман қоракўл, гуруч, сайғоқ (кийик) шоҳи, кашмир матоси каби маҳсулотлар олиб борилган. Россиядан эса Хивага олтин ва кумуш тангалар, мис, чўян, темир ва бошқа металлар, пахта, ипак ва юнг матолар, бўёқлар, шакар, чой, биллур идишлар, ошланган тери каби маҳсулотлар келтирилган.

Хива хонлиги савдогарлари қўшни Бухоро ва Қўқон хонликлари билан, шунингдек, Хитой, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон билан ҳам савдо алоқалари олиб борганлар. Бу давлатларга Россиядан келтирилган маҳсулотлар билан бирга, маҳаллий маҳсулотлар (заргарлик буюмлари, гиламлар, отлар) ҳам олиб борилган. Чет давлатлардан, асосан, турли матолар, металл, зираворлар, бўёқлар, фил суяги, шакар (қанд) каби маҳсулотлар келтирилган.

Хива хонлигининг Янги Урганч, Кичик Вазир, Қиёт, Хонқа, Тирсак, Гурлан, Хазорасп, Қўнғирот, Шоҳаббоз каби шаҳарлари ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ марказлари эди. Манбаларнинг маълумотларига кўра, XIX асрнинг биринчи ярмида Янги Урганч ҳимоя деворлари билан ўраб олинган савдо маркази бўлиб, унда бир ярим мингта хонадон бўлган. Урганчлик савдогарларни нафақат Бухоро, Қўқон ва Туркистон бозорларида, балки Астрахан, Оренбург, Нижний Новгород, Москва, Қашғар, Машҳад, Қобул бозорларида ҳам кўплаб учратиш мумкин бўлган. Урганч бозорлари, асосан, ички савдо маҳсулотларига мўлжалланган бўлса-да, ташқи савдо учун маҳсулотлар йирик савдогарларнинг уйларидаги устахоналарда тайёрланган. Шаҳарда 300 га яқин савдо дўконлари бўлган.

XVII–XVIII асрларда Қиёт шаҳри саройлари, масжид ва мадрасалари билан шуҳрат қозонган бўлиб, XIX асрнинг биринчи ярмидан ўз аҳамиятини йўқота бошлайди ва 50–60 хонадондан иборат қалъага айланади. Бу ерда 30 га яқин дўконлар бўлиб, сешанба ва шанба кунлари бозор бўлган.

Жувархас каналининг Амударёдан сув оладиган жойида жойлашган Хазорасп шаҳри барча қулайликларга эга эди. Шаҳарда саккизта масжид ва шунча мадраса бўлиб, 450–500 та хонадон истиқомат қилган ҳамда 400 га яқин савдо дўконлари бор эди. Ҳунармандчилик маҳсулотлари, асосан, дўконларда ва қисман уйларда тайёрланган. Хазораспда катта бозор душанба ва жума кунлари бўлган.

Хонликдаги йирик савдо-ҳунармандчилик марказларидан бири Гурлан эди. Манбаларга кўра, XIX асрнинг ўрталарида шаҳарда,

атроф ҳудудлар билан қўшиб ҳисоблаганда, уч мингтагача хонадон истиқомат қилган. Шаҳарда кўплаб масжид ва мадрасалар, боғлар, тутзорлар бўлиб, далалардаги шоли, пахта ва буғдойдан яхши ҳосил олинган.

Маълумки, XVII асрнинг бошларига келиб Хива бутун хонликнинг пойтахтига айланган эди. Араб Муҳаммадхон даврида Хивада йирик мадраса бунёд этилган бўлса, Абулғозихон давридан бошлаб шаҳарнинг сиёсий-маъмурий ва иқтисодий мавқеи янада кўтарилди. Пойтахт шаҳар сифатида шаҳарнинг мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида XIX асрнинг охирларига қадар Хивада кўплаб масжид ва мадрасалар, бозорлар ва карвонсаройлар, сарой ва миноралар, ҳаммомлар бунёд этилди. Манбаларга кўра, Хива бозорлари ҳафтанинг деярли барча кунлари ишлаб, раислар томонидан бошқарилган. Рус сайёҳлари Хива бозорларини гавжумлиги ва маҳсулотларга бойлиги, ажнабий савдогарларнинг кўплиги билан Бухоро ва Қўқон бозорларидан қолишмаслиги ҳақида маълумотлар қолдирганлар.

Маданий ҳаёт. Меъморчилик. Хива хонлигининг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида бўлиб ўтган воқеалар маданий ҳаётга таъсир этмасдан қолмади. Шунга қарамасдан, хонликдаги маданият ўзига хос йўналишларда давом этди. Маданий ҳаёт равнақи таълим-тарбия, адабиёт, тарихнавислик, меъморчилик ва амалий санъат кабиларда кузатилади.

Бутун Ўрта Осиёда бўлгани каби, Хива хонлигида ҳам асосий илм ўчоқлари бошланғич мактаблар ва мадрасалар эди. Бошланғич мактаб, яъни қуйи таълимда ўқиш-ёзишни ўрганиб, хат-савод чиқарган ўсмирлар пойтахт Хивадаги ҳамда Бухородаги мадрасаларда ўқиб таълим олганлар. Манбаларга кўра, XIX асрда Хива хонлигида 1500 га яқин бошланғич мактаб ва 130 та мадраса бўлган. Фақат Хиванинг ўзида 22 та мадраса бўлиб, улар ичида Муҳаммад Раҳимхон, Шерғозихон, Раҳмонбердибий, Оллоқулихон, Хожа Маҳрам, Фозилбек, Давлат Қоракўз, Бекниёз девонбеги мадрасалари алоҳида нуфузга эга эди.

Хоразм адабий муҳитида илғор ғояларни тарғиб этган шоирлардан бири Нурмуҳаммад Ғариб Андалиб (1710–1770) эди. Классик поэзиянинг турли жанрларида ижод қилган Андалибнинг «Саид Ваққос», «Зайнул араб», «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун» каби достонлари машҳурдир.

Хивада ижод этган шоирлар ичида Муҳаммад Ризо Огаҳий (1809–1874) алоҳида ўринга эга. Тарихчи, таржимон ва шоир бўлган Огаҳийнинг 1832 йилда тузилган «Таъвизул ошиқон» («Ошиқлар тумори») девонидаги ғазаллари, айниқса, машҳурдир. Бу даврда, шунингдек, Паҳлавон Равнақ, Муҳаммад Ниёз Нишотий, Муҳаммад Хокисор, Табибий, Мунис, Комил Хоразмий, Комдон, Муродий каби шоирларнинг ижоди ривож топди. XVII – XVIII асрларда «Гўр ўғли» мажмуаси достонлари ривожлантирилди, «Тоҳир ва Зуҳра», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Сайёд ва Ҳамро», «Санобар», «Юсуфбек ва Аҳмадбек», «Баҳром ва Дилором» каби достонларнинг фольклор ва халқ оғзаки ижодидаги кўринишлари тараққий этди.

Бу даврда тарихнависликдаги анъаналар сақланиб қолди. Тарихий асарлар орасида Абулғозининг «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» («Туркманлар шажараси») ўзбек тилида битилган муҳим асарлар ҳисобланади. Тарихнавислик анъаналарини кейинчалик Мунис, Огаҳий, Муҳаммад Юсуф Баёний каби тарихнавислар давом эттирдилар.

XIX аср бошларида Муҳаммад Раҳимхоннинг буйруғи билан Шермуҳаммад Мунис (1778–1829) «Фирдавс ул-иқбол» («Бахту саодат жаннати») асарини яратди. Хива хонлигининг XVIII–XIX асрлар тарихи ҳақида қимматли маълумотлар берувчи бу асарни кейинроқ Оллоқулихон топшириғи билан Мунисниng жияни Огаҳий давом эттирди ва 1872 йилгача бўлган воқеалар билан бойитди. Шунингдек, Хива хонлиги тарихига бағишланган асарлар орасида Баёний (1859–1923)нинг «Шажараи Хоразмшоҳий» асари ҳам қимматли ҳисобланади.

Хоразм Ўрта Осиёда ўзига хос услубларга бой бўлган меъморчилик мактабига эга воҳа ҳисобланади. Бу ҳудудда пайдо бўлган меъморий иншоотлар нафис безаклари, жимжимадор нақшлари билан Хоразм меъморчилик мактабининг ўзига хослигини кўрсатиб туради. XVIII–XIX асрларда Хива хонлигида кўплаб иншоотлар бунёд этилди. Айниқса, хонликнинг пойтахтлари Урганч ва Хива шаҳарларида кўплаб саройлар, масжид ва мадрасалар, хонақоҳлар, карвонсаройлар, ёпиқ бозорлар қурилган. Хивадаги меъморий ёдгорликлар, асосан, Ичан (ички) қалъада бунёд этилган. Хоннинг ёзги қароргоҳи бўлган Дишан (ташқи) қалъа ҳам нодир меъморчилик намунаси ҳисобланади.

Хонликдаги бошқа шаҳарлар – Янги Урганч, Хазорасп, Тошҳовуз, Янги Вазир, Шоҳаббоз, Гурлан, Хўжайли, Қўнғирот кабилар мудофаа деворлари билан ўраб олиниб, уларда ҳам кўплаб меъморий иншоотлар бунёд этилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, XVI асрдан XX аср бошларига қадар мавжуд бўлган Хива хонлиги – Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихида, иқтисодий ва маданий ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиб, жамият тараққиётининг минтақа ҳудудларидаги ўзига хос томонларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Унинг тарихи Ўзбекистон тарихининг ажралмас қисмидир.

Хива хонлари

1. Эрон шоҳининг ноиблари – 1510 –1512 йиллар.
2. Элбарсхон – 1512–1537 йиллар.
3. Аванишхон – 1537 й. (бир неча ой).
4. Шайбоний Убайдуллахон – 1537–1538 й. (бир неча ой).
5. Ҳожимхон (Ҳожи Муҳаммадхон) – 1558–1593 йиллар.
6. Шайбоний Абдуллахон II – 1593–1598 йиллар.
7. Ҳожимхон – 1598–1602 йиллар.
8. Араб Муҳаммадхон – 1602–1623 йиллар.
9. Исфандиёрхон – 1623–1643 йиллар.
10. Абулғозихон – 1643–1663 йиллар.
11. Анушахон – 1663–1687 йиллар.
12. Арангхон (Эранг, Эрнак) – 1688–1690 йиллар.
13. Шоҳниёзхон – 1690–1707 йиллар.
14. Араб Муҳаммад – 1707–1715 йиллар.
15. Шерғозихон – 1715–1728 йиллар.
16. Элбарсхон – 1728–1740 йиллар.
17. Нодиршоҳ (Эрон шоҳи) – 1740 йиллар.
18. Абулғозихон II – 1741–1747 йиллар.
19. Таибхон (Каипхон) – 1747–1757 йиллар.
20. Темур Ғозихон – 1757–1763 йиллар.
21. Тавкахон – 1763 й. (бир неча ой).

Хива қўнғиротлари сулоласи

22. Муҳаммад Амин иноқ – 1763–1790 йиллар.
23. Аваз иноқ – 1790–1804 йиллар.

24. Элтўзархон – 1804–1806 йиллар.
25. Муҳаммад Раҳимхон I – 1806–1825 йиллар.
26. Оллоқулихон – 1825–1842 йиллар.
27. Раҳимқулихон – 1842–1845 йиллар.
28. Муҳаммад Аминхон – 1845–1855 йиллар.
29. Абдуллахон – 1855 й. (беш ярим ой – 20 март –27 август).
30. Қутлуғ Муродхон – 1855 й. (тўрт ярим ой).
31. Сайид Муҳаммадхон – 1856 –1864 йиллар.
32. Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) – 1864–1910 йиллар.
33. Сайид Исфандиёрхон – 1910–1918 йиллар.
34. Сайид Абдуллахон – 1918–1920 йиллар (амалда Жунаидхон).


Хива хонлигидаги олий даражали унвонлар ва мансаблар



6.Сўнгги ўрта асрларда қорақалпоқлар (Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт)

Тадқиқотчилар милоддан аввалги VI асрга оид Бехистун ёзувларида эслатилган сака тиграхаудаларни (чўққи қалпоқли саклар) ҳозирги Қорақалпоғистон ҳудудида яшаган қабилалар деб ҳисоблайдилар. Манбаларга кўра, милоднинг VI–VIII асрларида Орол денгизи атрофларида бижанак ва ўғиз этник гуруҳлари шаклланади. Тадқиқотларга кўра, бижанак қабилалари қорақалпоқларнинг аждоди ҳисобланади. Қорақалпоқ халқи шаклланa бошлаган VIII–X асрларда Орол атрофи Кердер вилояти деб юритилган. Мўғул босқини натижасида Амударё тўғони бўзиб ташлангач, Кердер вилояти сувсиз қолади ва бу ердаги қорақалпоқларнинг бир қисми Волга ва Урал дарёлари бўйларига, Сирдарёнинг юқори оқимларига кўчиб кетадилар.

Ўрта асрларга (X–XII) оид рус манбаларида қорақалпоқлар «черные клобуки», маҳаллий манбаларда эса «қора бўркли» номи билан тилга олинади. «Қорақалпоқ» этнонимининг қачон пайдо бўлганлиги номаълум. Ҳар ҳолда 1598 йил Абдуллахон II томонидан Сиғноқдаги муқаддас Зиёвиддин мақбарасига берилган ёрлиқда қорақалпоқлар шу ном билан тилга олинган. Кейинги давр манбаларига кўра, XVI асрда қорақалпоқларнинг айрим гуруҳлари Волга, Урал, Эмба дарёлари оралиғида, шунингдек, Бухоро хонлиги ҳудудларида ўрнашадилар. XVII асрдан бошлаб то XVIII аср ўрталарига қадар қорақалпоқлар Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими бўйлаб жойлашиб, кичик жуз қозоқлари билан қўшничиликда яшайдилар. Бу даврда улар иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қозоқ хонларига тобе эдилар. Уларнинг бошқаруви қозоқ султонлари қўлида бўлган.



Қозоқ ҳукмдори Тавкахон (1680–1718) ҳукмронлиги даврида қорақалпоқларни унинг ўғилларидан бири бошқарган. 1694 йилдан бошлаб Тавкахоннинг ўғли Табурчак султон қорақалпоқларга бош бўлган бўлса, 1709 йилдан Табурчакнинг ўғли Каип султон уларга бошчилик қилган. 1722 йилдан бошлаб қора-

қалпоқлар хони Эшмуҳаммадхон бўлади. Кейинроқ эса XVIII асрнинг 30–40-йилларида қорақалпоқлар Кичик жуз хони Абулхайр тасарруфига ўтадилар.

Қорақалпоқлар қозоқ хонларига ҳар йили кўп миқдорда ғалла, 2000 тагача отлиқ сарбозлар бериб туришлари, қозоқларнинг рус чегаралари, Бухоро ва Хивага ҳарбий юришларида иштирок этишлари лозим бўлган. Шунингдек, улар ўз ҳудудларидан ўтган карвонлардан қозоқ султонлари учун бож олганлар.

XVIII асрнинг биринчи чорагига келиб савдо-сотиқнинг ривожланиши натижасида қорақалпоқларнинг Бухоро ва Хива билан алоқалари кучайиб, бошқирдлар, улар орқали эса Россия билан ўзаро алоқалар йўлга қўйилади. 1721 йилга оид манбада «қорақалпоқлар Бошқирдистон (Башкирия)га кўплаб келадилар, шунингдек, бошқирдлар қорақалпоқларга дўстлари билан келадилар ва ҳар йили бир ой ёки уч ҳафтадан бир-бирлариникида яшайдилар» дея маълумот берилади. Шунингдек, бу даврда турли ҳудудларда яшаётган қорақалпоқлар орасида бирлашишга интилиш ҳаракати бошланиб, Сирдарё қорақалпоқларининг Зарафшон воҳаси ва Хоразм қорақалпоқлари билан алоқалари йўлга қўйилади. Буларга асосий сабаб – жунғорлардан кутилаётган ҳужум хавфи эди. Шунинг учун ҳам 1721–1722 йилларда Россия ҳукумати билан қорақалпоқлар ўртасида элчилар алмашинган эди. 1723 йилда жунғор ҳукмдори Цеван Рабдон қўшинлари Қозоқ хонлиги ерларига бостириб кирдилар. Жунғорларга қаршилик кўрсата олмаган қозоқларнинг катта қисми турли томонларга тарқалиб кетдилар. Қорақалпоқларнинг бир қисми Сирдарёнинг юқори оқимлари бўйлаб Тошкент ва унинг жануби-ғарбига, бир қисми эса Сирдарёнинг қуйи оқимига, Орол бўйларига кетиб қолдилар. Биринчи гуруҳ жунғорларга, иккинчи гуруҳ эса Кичик жуз қозоқларига тобе бўлиб қолдилар.

XVIII асрнинг 40-йиллари бошларида қорақалпоқларнинг Россия билан элчилик алоқалари яна йўлга қўйилди. 1743 йилда Маман бий бошчилигидаги қорақалпоқ элчилари Петербургда Россия ҳукмдори Елизаветанинг «ҳомийлик» ҳақидаги ёрлиғини олдилар. Бундан ғазабланган Кичик жуз қозоқлари хони Абдулхайр ўша йили Орол бўйи қорақалпоқларига ҳужум қилиб, уларни талон-тарож қилади. Абулхайрхоннинг ҳужуми қорақалпоқларнинг Жонидарёга ҳаракатларини кучайтирди. 1746 –1747 йилнинг қишида қора-

қалпоқлар Ўрта жуз қозоқ ҳукмдори Аблай султон ҳужумига дучор бўладилар.

Қозоқ хонлари ва султонларининг ҳужумларига дош беролмаган Оролбўйи қорақалпоқларининг бир қисми Сирдарёнинг юқори оқимларига кетиб қолишга мажбур бўладилар. Асосий қисми эса жанубий-ғарбга томон, Хива хонлиги чегараларига, Қувондарё ва Жонидарё оралиғидаги ҳудудларга ўрнашадилар.

1748 йилда Ўрта жуз султони Бароқ ўзининг тарафдорлари ёрдамида Абдулхайрни ўлдиради. Абдулхайрнинг ўғли Нурали хон деб эълон қилинади. Аммо унинг ҳокимиятини барча Кичик жуз қабул қилмади. Йирик зодагонлар султон Ботирни хон дея эътироф этганлари боис, Кичик жуз икки ҳокимликка бўлиниб кетди. Шунингдек, Сирдарёнинг қуйи оқимидаги кўчманчиларга бошчилик қилаётган Абдулхайрнинг яна бир ўғли Эрали султон ўзини акаси Нурали султондан мустақил ҳисоблар эди.

1762 йилда Эрали султон Сирдарё бўйларида қолган қорақалпоқлар устига юришлар қилиб, уларни Жонидарё ва Орол мулкларига кўчишга мажбур қилади. XVIII–XIX аср бошларида бутун Қувондарё ва Жонидарё ҳавзалари қорақалпоқларнинг мулклари эди. Бу ерда улар Оролбўйи ўзбеклари ва қорақалпоқлари билан нафақат сиёсий иттифоқда бўлдилар, балки этник жиҳатдан ҳам аралашиб кетдилар. Улар иттифоқчиликда қозоқ хонлари ва султонлари, Хива хонларига қарши курашлар олиб бордилар.

Бу даврда қорақалпоқлар бийлар маслаҳатлари орқали бошқарилган. Ҳар бир қабила уюшмасига йирик ер мулки ва чорва эгаси бўлган бийлар бошчилик қилган. Бир қанча қабила ва уруғлар бирлашмаси ўн тўрт уруғни (он тор уру) манғит уруғи бийлари бошқарган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб қорақалпоқлар ва Хива ҳукмдорлари ўртасида курашлар авж олди. Муҳаммад Амин иноқ Хива хонлиги марказий ҳокимиятини кучайтириш сиёсатини олиб бориб, қорақалпоқларни хонликка бўйсундиради. Хива хонлигида Муҳаммад Амин иноқ ва унинг ўғли Аваз иноқ ҳукмронлигида қорақалпоқлардан сохта хонлар (Ортиқғозихон, Ёдгорхон, Абулғозихон IV, Абулғозихон V) сайланган. Шунга қарамасдан, қорақалпоқларнинг Хива ҳукмдорларига қарши курашлари узоқ йиллар давом этди. Муҳаммад Амин иноқ, кейинчалик эса Муҳаммад Раҳимхон I даврларида қорақалпоқларнинг қолдовли уруғи бошлиғи Ойдўстбийга

қатор имтиёзлар берилди. Аммо бу ҳам натижа бермай, Ойдўстбий охир-оқибат Хива хонига қарши қорақалпоқларни қўзғолонга бошлади. Аммо бу қўзғолон шафқатсизларча бостирилди.

XIX аср қорақалпоқларнинг ижтимоий тизимида уруғ-қабилачилик анъаналари сақланиб қолган эди. Қорақалпоқлардаги ижтимоий табақаланиш натижасида бир томонда бойлар, йирик ер эгалари, йирик чорвадорлар, иккинчи томонда эса бойлар қўлида ишлаб кун кўрувчи камбағал фуқаролар ажралиб турган. Хоразмдаги қорақалпоқларга ерлар хон томонидан қабила ва уруғлар фойдаланиши учун берилган бўлса-да, аслида энг яхши ерлар уруғ ва қабила бошлиқларига тегишли бўлган.

Қорақалпоқлар яшайдиган ҳудудларда Хива хонлигида мавжуд бўлган ер эгалигининг уч тури – **давлат (хон) ерлари,** йирик ер эгаларининг **мулк ерлари,** диний муассасаларга тегишли бўлган **вақф ерлари** сақланиб қолган. Қорақалпоқларда **бийлар, оталиқлар, беглар беги, бойлар, савдогарлар, қози, раис, мироблар, ҳарбий бошлиқлар (ботирлар)** ҳамда уламолар – **муллалар, эшонлар, охунлар** кабилар йирик ер эгалари ҳисобланган. Деҳқонлар асосан кам ерли бўлиб, уларнинг ерлари бир-икки танобдан ошмаган. Кам ерли ёки умуман ерсиз деҳқонлар давлат, мулк ва вақф ерларидан фойдаланиб, бунинг эвазига ҳосилнинг маълум қисмини ер эгаларига берган ёки ер эгасига ишлаб бериш мажбуриятини бажарган. Ерсиз қорақалпоқ деҳқонларининг кўпчилиги Хоразмнинг жанубига, ўзбеклар ва туркманлар бойларининг ерларига ишлаш учун борганлар.

Энг яхши яйлов ерлари, кўллар, қамишзорлар қорақалпоқ зодагонларига тегишли бўлган. Барча ерлардан фойдаланиш улар ихтиёрида бўлиб, сувдан фойдаланиш ҳам бундан мустасно эмас эди. Қорақалпоқ жамиятида ижтимоий табақаланиш чорвачилик хўжаликларида ҳам кўзга ташланади. Амалдорлар ва руҳонийлар йирик чорва эгалари бўлган. Улар бир неча минглаб чорва молларига эгалик қилганлар.

XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар қорақалпоқлардаги асосий маъмурий мансаблар уруғ бошлиғи – **бий, жузбасы (юзбоши), маҳрам** (закот йиғувчи), **мироб, қози, раис** кабилар эди. Улардан асосийси бий бўлиб, бийлар ўз қабила ёки уруғларидан хон хазинасига солиқлар йиғиш, уруғ ёки қабила ичидаги можароларни ҳал қилиш,

жумладан, ер - сув муносабатлари ва жиноий ишларни ҳал этиш вазифаларини бажарганлар.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бийларнинг ҳуқуқлари чегараланади. Хива хони Сайид Муҳаммадхон қорақалпоқларнинг бошқарув тизими учун қўшимча иккита ноиб, олтита оталиқ, иккита беглар беги ва битта оғабий мансабларини жорий этди. Булар орасида оғабий энг юқори мансаб бўлиб, қолганлари унга бўйсунган. Қорақалпоқлардаги бошланғич маъмурий бирлик овуллар бўлиб, уларни жамиятнинг ҳукмрон табақалари вакиллари бўлган оқсоқоллар кенгаши бошқарган. Қорақалпоқларнинг асосий маъмурий маркази Амударёнинг ўнг қирғоғида Чимбой, чап қирғоғида эса Қўнғирот бўлган.

Қорақалпоқлар бўйсундирилганидан сўнг уларга ҳам хонликдаги солиқ, тўлов ва мажбуриятлар жорий этилди. XIX аср бошларидан бошлаб, қорақалпоқлар ҳали янги ерларга жойлашиб, ўзлаштириб олмаганликларига қарамай, Хива хонлари маҳсулот тўловларини талаб қила бошладилар. Ундан ташқари, доимий йиллик солиқ (20 минг тилла ҳажмида) – салғут-кесма солиғи жорий этилди. Энг оғир мажбуриятлардан бири қорақалпоқлар хон қўшинларидаги 2 минг аскарни боқишлари ва қўшин учун навкар беришлари керак эди. Шу билан биргаликда, аҳоли ариқ ва каналлар қазиш ҳамда тозалаш ишларига (ҳашар) жалб этилган.

Хива хонлари қорақалпоқларни бўйсундирганидан сўнг (XIX асрнинг бошлари) уларнинг Хоразмда, Амударёнинг ҳар иккала қирғоғида жойлашуви жараёни, асосан, тугалланади. Чап қирғоқ қорақалпоқлар Қўнғирот ва Хўжайли оралиғида, Шуманай канали ҳавзасида жойлашган бўлсалар, ўнг қирғоқ қорақалпоқлар Кўкўзак, Кечитли каналлари, Амударё бўйларида, Кушканатав этакларида жойлашадилар.

XIX аср бошларида қорақалпоқларнинг иқтисодий аҳволи анча оғир эди. Янги ерларга жойлашган бу аҳоли ерларни ўзлаштириш учун, даштни ҳосилдор ерларга айлантириш учун суғориш тизими яратиши лозим эди. Бу эса, албатта, катта куч, меҳнат ва вақт талаб этар эди.

Амударё ҳавзасидаги қорақалпоқларнинг асосий хўжалик тури деҳқончилик эди. XIX асрнинг биринчи чорагида бу ерда учта қорақалпоқ деҳқончилик воҳалари: Қалликул, Кушканатав ва Кегейли

шаклланади. Чап қирғоқ Амударёда шаклланган Қалликул воҳаси Ловдин, Шанглибасув, Шуманай, Қиёт – Жарган каналларидан сув олган. Ўнг қирғоқ Амударё, ҳозирги Чимбой шаҳрининг шимолиғарбида шаклланган Кушканатав воҳаси Амударёнинг табиий ирмоғи Қорабайлидан сув олган. Хитой ва қипчоқ қабилаларининг ерлари бўлган бу воҳа XIX асрнинг биринчи ярмида қорақалпоқларнинг муҳим деҳқончилик воҳаси эди.

XIX асрнинг ўрталарига келиб қорақалпоқлар жойлашган ҳудудларда яна иккита –Чимбой ва Қўнғирот хўжалик туманлари шаклланади. Бутун XIX аср давомида қорақалпоқлар хўжалик ҳаётининг асосини қуйидаги бешта – **Чимбой, Давқара, Таллиқ, Қўнғирот, Хўжайли** каби хўжалик туманлари ташкил этган эди. Таъкидлаш лозимки, бу хўжалик туманларидаги деҳқончиликнинг ҳолати Амударё суви билан боғлиқ бўлган. Табиат инжиқликларига қарамасдан (сув тошқини, қурғоқчилик, қишнинг эрта ёки кеч келиши), қорақалпоқлар деҳқончилик хўжаликларини ривожлантириб борганлар.

Қорақалпоқ хўжаликларида ерга ҳўкиз қўшилган омоч ва мола билан ишлов берилган бўлиб, асосан, буғдой, шоли, жўхори, сули, каноп, беда, қовун, тарвуз, қовоқ, мош, нўхат каби маҳсулотлар ички эҳтиёжлар учун етиштирилган.

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб Қўнғирот хўжаликларида пахта етиштириш йўлга қўйилган. Қорақалпоқ боғдорчилигида жийда, ўрик, шафтоли, олма кўплаб етиштирилган.

Аҳоли чорвачилигида йирик шохли ҳайвонларни кўпайтириш устунлик қилган. Уй чорвачилигида жуни, териси, сути ва гўшти учун кўплаб эчки ва қўйлар боқилган. Отлар кам боқилган. Туялар фақат бойлардагина бўлган. От ва туялар юк ташиш ва чиғир айлантиришда ҳам ишлатилган. Хўжаликда балиқчилик ҳам ривожланган. Балиқчилар Орол, Қуванишдарё, Амударё ва Давкар, Қўнғирот, Қора Терен кўлларида тирикчилик қилганлар. Қорақалпоқлар деҳқончиликдан бўшаган куз ва қиш ойларида овчилик билан ҳам шуғулланганлар.

Қорақалпоқларда ҳунармандчиликнинг **темирчилик, тикувчилик, тўқувчилик, косиблик, кулолчилик, заргарлик, дурадгорлик** каби кўплаб турлари ривожланган эди. Деҳқончиликда бўлгани каби ҳунармандчиликда ҳам асосий маҳсулотлар ички эҳтиёж учун ишлаб чиқа-

рилган. Кўпчилик усталар ўз овуллари учун маҳсулот ясаганлар ва улар меҳнати учун ғалла ва чорва олганлар.

Сўнгги ўрта асрларда Хива хонлигининг шимолидан ўтган савдо карвон йўллари Чимбой, Хўжайли, Қўнғирот, Кўҳна Урганч шаҳарларини Хива билан боғлаган. Ундан ташқари Хивани Казалинск билан боғлайдиган йўл Чимбой орқали ўтган. Поволжье, Уралск, Оренбургдан Устюрт орқали Хивага келадиган яна бир йўл Қўнғирот яқинидан ўтган. XIX асрдан бошлаб Хива хонлигининг савдо алоқаларида қорақалпоқлар фаол иштирок эта бошлаганлар. Улар хонлик бозорларида буғдой, чорва ва балиқ маҳсулотларини сотиб, рус, Хива ва Бухоро маҳсулотлари (кундалик эҳтиёж моллари)ни харид қилганлар. Қорақалпоқларнинг Қўнғирот, Хўжайли, Манғит, Чимбой, Шўрахон каби шаҳарларининг савдо-сотиқдаги аҳамияти катта эди.

Сўнгги ўрта асрлар қорақалпоқ халқи маданияти оғир табиий шароит, Хива хонларига тобелик заминида бўлса-да, ўзига хос йўналишларда шаклланиб, равнақ топди. Қорақалпоқларнинг катта қисми Қўнғирот, Қиёт, Чимбой, Нукус, Қипчоқ, Манғит, Жанга қалъа, Ойдўст қалъа, Эрназар қалъа, Кўк ўзак, Эшон қалъа каби шаҳар ва қалъалар қорақалпоқ халқи томонидан яратилган маданий ва меъморчилик ёдгорликларининг маркази ҳисобланган.

Манбаларга кўра, қорақалпоқларда ёшлар саводини даставвал мактабларда чиқарганлар. Ушбу бошланғич мактабларда 5-6 ёшдан бошлаб қабул қилинган ўқувчилар Қуръон ва ҳадисларни ўқиш ва тиловат қилишни ўрганганлар. Мактабда саводини чиқарган ёшлар Хива ва Бухоро мадрасаларида, қорақалпоқларнинг Қорақум Эшон, Калила охун, Эгамберган охун, Ойибет эшон, Эшонқалъа мавзеларидаги мадрасаларда таълим олганлар.

Қозоқ маърифатпарвар олими Чўқон Валихонов ўз даврида «қорақалпоқлар саҳродаги биринчи шоир ва қўшиқчилар... минглаб достонлар, қиссалар, қўшиқларни қорақалпоқлар ёдда сақлаганлар», дея бежизга айтмаган эди.

Дарҳақиқат, қорақалпоқларнинг қаҳрамонлик достонлари қадимдан маълум. Улардан «Қирққиз», «Алпомиш», «Қўблан», «Маст подшо», «Эдигей» кабиларда қорақалпоқларнинг воқеаларга бой тарихи куйланади. Бу даврда қорақалпоқ халқида жирав-бахшичилик ривожланган бўлиб, Жиен Жирав (1730–1784), Шанкай Жирав (1814–

1884), Жисмурат Жирав (1836–1908) кабилар машҳур эди. XIX аср қорақалпоқ шоирлари Жиен Жиравни «қорақалпоқ поэзиясининг отаси» деб атаганлар.

Қорақалпоқ машҳур шоирларидан бири Кунхўжа Иброҳим ўғли (Жисмурат, 1799–1830) бўлиб, унинг умри муҳтожликда ўтган. Унинг «Ўроқчилар», «Оқ қамиш», «Чўпонлар» каби шеърлари машҳурдир. Ажиниёз Касибай ўғли (1811–1878) ҳам қорақалпоқ халқининг машҳур шоирларидан биридир. Ажиниёз шеърларида ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғоялари устунлик қилади. Шоирнинг «Бўзатов» достонида қорақалпоқ халқининг бошқа юртларга мажбуран кўчиб кетиши куйланади. Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақ (1827–1900) қорақалпоқ классик адабиётининг машҳур намояндаларидан биридир. Унинг ижодида қорақалпоқ халқининг XIX асрдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти акс этган.

Шундай қилиб, 1873 йилда Россия ҳукумати билан тузилган Гандимиён шартномасига кўра, Хива хонлиги Россия вассалига айланди. Амударёнинг ўнг қирғоғида яшайдиган қорақалпоқлар ҳудудлари Россияга қўшиб олинди. Бу ҳудудларда Амударё бўлими ташкил этилди ва 1877 йилдан у Туркистон генерал-губернаторлигининг Сирдарё вилояти таркибига қўшилди. Қорақалпоқларнинг Амударёнинг чап соҳилида яшайдиган кам қисми 1920 йилга қадар яна Хива хонлигига тобе бўлиб қолди.

Таянч сўзлар

Хон, оталиқ, амир, Мовароуннаҳр, манғит, қўнғирот, девонбеги, қозикалон, қўшбеги, қипчоқ, мулк, Бухоро, Хива, Қўқон, иноқ, мунший, Кўкалдош, Балх, мажҳул мулк, тўлғама, Дашти Қипчоқ, даргоҳ, девон.

Савол ва топшириқлар

1. Дашти Қипчоқ ва Мовароуннаҳр ўртасида XV аср охирлари XVI аср бошида кечган муносабатларнинг этник шаклланиш жараёнига таъсирини тушунтириб беринг.
2. «Мажҳул мулк» тушунчаси нимани англатади?
3. Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида давлат бошқаруви тизимида кечган жараёнлар нималардан иборат бўлган?
4. Шайбонийлар ва Аштархонийлар даври меъморчилиги хусусида гапириб беринг.

5. Ўзбек халқи этник шаклланишининг сўнгги босқичи ҳақида сўзлаб беринг.

6. Ўзбек хонликларининг XVIII–XIX аср I ярмида Россия билан кечган ўзаро муносабатлари ҳақида маълумот беринг.

7. XVII–XIX аср тарихшунослик мактаби вакиллари фаолиятларини изоҳлаб беринг.

11-мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар

1. Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2006.

2. Худойқулов Т.Д. XIX асрда Қўқон хонлигининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти. Тар.фан.номз.дисс. – Тошкент: 2009.

3. Муқимов З. Шайбонийлар давлати ва ҳуқуқи. – Тошкент: Адолат. 2007.

4. Бабаджонов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. – Ташкент: Токио, Янги нашр. 2010.

5. Бобобеков Ҳ.Н. Қўқон тарихи. – Тошкент: Фан. 1996.

6. Холиқова Р.Э. XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларида Россия Бухоро муносабатлари тарихи. Тарих фан. док. дисс. – Тошкент: 2005. .

7. Шерипов У.А. Хива хонлиги тарихи (1511–1920 йй.). Тарих фан. номз. дисс. – Урганч: 2009.

8. Хоразм тарихи. 1-жилд. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир М.Матниёзов. – Урганч: 1997.

9. Сабурова С. XIX аср ва XX аср бошида Хива хонлигининг давлат тизими.Тар.фан.номз.дисс. – Тошкент: 2002.

10. Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал эгалиги ва давлат тузилиши. – Тошкент: 1959.

11. История Узбекистана. Колл-в. авторов. – Ташкент: 1993.

12. Сагдуллаев А ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент: Академия, 2000.

13. Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. – Тошкент: Академия, 2006.

14. Эшов Б.Ж. Ўзбекистон давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012.

ГЛОССАРИЙ

Аворизот – фавқулоддаги харажатлар учун тўпланадиган йиғим.

Авқоф – масжид ва мадрасаларнинг вақф хўжалиги билан шуғулланувчи.

Ажам – араб халқлари ва мамлакатларидан ўзга юрт ва халқлар.

Азархурра – оташпарастлар сиғинадиган муқаддас олов, ўт.

Айл – Амир Темур аскарий қисмларининг ўн нафарли бўлинмаси.

Айлбоши – ўн нафарли аскарий бўлинманинг кичик зобити, аскарбоши.

Аккор – коранда, қишлоқнинг зироаткор аҳолиси.

Амид ул-мулк – давлат ҳужжатлари ва элчилик алоқалари вазири.

Амир ул-умаро – амирлар амири, бош саркарда.

Анимизм – руҳ ва жонга ишониш; ота-боболар руҳига сиғиниш.

Ариз – қўшин таъминоти билан шуғулланувчи вазир.

Арк – ички қалъа, ҳукмдорнинг шаҳар ичидаги қўрғон – саройи, қароргоҳи.

Аркбеги – подшо қароргоҳининг бошқарувчиси.

Атрабон – оташпарастлик ибодатхонасининг руҳонийси, оташгоҳ хизматчиси.

Ахриман – зардўштийлик динининг зулмат, очлик, уруш, ўлим, гуноҳ ва барча ёвузликлар худоси.

Ахурамазда – зардўштийлик динининг бош тангриси, ёруғлик, фаровонлик, сиҳат-саломатлик, тинчлик ва барча эзгуликлар худоси.

Банд – тошлардан бино қилинган сув омборининг тўғони; сув омбори; тўғон.

Банно – ғишт терувчи бинокор.

Бантак – қул.

Барзикор – қўшчи, зироаткор, қишлоқнинг меҳнаткаш аҳолиси.

Барид – кирим.

Барот – ижарага олиш.

Бек – эл-юрт, вилоят ҳокими.

Бегор – жамоат ишларига сафарбар этиш; ҳашар.

Бий – уруғ, қабила оқсоқоли.

Бож – савдогарлардан олинадиган солиқ.

Боргоҳ – подшоҳ саройидаги қаср, қабулхона.

Босқоқ – мўғуллар ҳокимлик қилган XIII–XIV асрлардаги маҳаллий ҳоким.

Буронғор – қўшиннинг ўнг қаноти.

Бурж – шаҳар ва қалъа деворлари ва миноралари.

Бурғу – карнай.

Бўдун – чорвадор аҳоли; қора бўдун – қора, оддий халқ.

Вазир – девонхона бошлиғи.

Вазкиром – солиқ йиғувчи, молия ходими.

Вағн – ибодатхона.

Вағнпат – ибодатхона руҳонийси.

Вағнзе – ибодатхона ер ва мулклари.

Висоқбоши – тўрт нафарли аскарий гуруҳ бошлиғи; чодир бошлиғи.

Дапирпат – котиб, элчи, саркотиб.

Дебо – товланувчи нафис ипак мато.

Девон – вазирлар маҳкамаси.

Девонбеги – вазирлар маҳкамасининг бош маъмури.

Деҳнишин – ўтроқ, қишлоқ аҳолиси.

Деҳқон – илк ўрта асрларда «қишлоқ ҳокими», ер эгаси.

Дигир – чархпалак ва чиғирларга ариқдан ёки чиғир хандақдан сув ботиргич кўза.

Динор – бир мисқол (4,8гр) оғирликда зарб этилган олтин ёки кумуш танга.

Довул – катта ноғора.

Доруға – ҳарбий маъмур.

Доруғона – доруғалар фойдасига олинадиган тўлов (солиқ).

Дуданг – ҳосилнинг олтидан икки ҳисобида олинадиган деҳқончилик солиғи.

Дўлоб – чархпалак; қудуқдан сув чиқарадиган чарх.

Ём – жом, савдо йўлларидаги қўноқ.

Жизъя – ислом динига ўтмаганлардан олинадиган жонбоши солиғи.

Жоме масжиди – жума кунлари жамоат намози ўқиладиган катта масжид.

Жория – чўри.

Жувонғор – қўшиннинг сўл қаноти.

Жуйбон – сув тақсимловчи мироб.

Зобитона – киримни ҳисобловчи молия ходими учун олинадиган тўлов (солиқ).

Закот – чорвадан олинадиган солиқ; тўпланган бойликдан даромад солиғи.

Зарбхона – чақа ва тангалар зарб этиладиган устахона.

Изофа – захира қисм.

Илми аруз – поэтика.

Илми ҳайъат – астрономия.

Ихшид – илк ўрта аср вилоят ҳокими, хон ёки амир авлодлари.

Иқтоъ, иқтаъ – йирик мансабдорга ҳадя этилган ер ва мулк.

Кадивар – илк ўрта асрларда йирик ер эгаларига қарам бўлган зироаткор қишлоқ аҳолиси; чорикор.

Кай ёки кави – паҳлавон, ботир йўлбошчи (ҳукмдор).

Калавачи – ип йигирувчи.

Калон – XIII асрдаги ер солиғи.

Канбул – қўриқчи аскарий бўлинма.

Карбос – бўз; пахта ипидан тўқилган мато.

Кашоварз – илк ўрта асрлардаги озод қўшчи, зироаткор.

Каҳҳол – кўз табиби.

Кешик – XIII асрда мўғуллар қўшинидаги захира қисм; гвардия, гуруҳ.

Кибор – аслзода улуғ кишилар.

Кориз – ер ости сув иншооти.

Корикор – хизматкор.

Кофия – араб тили морфологияси.

Кошин – сирли, рангдор, қурилишдаги сопол безак.

Коҳ – сарой, ички қалъа, арк, ўрда.

Коҳин – ибодатхона хизматчиси.

Коропластика – маъбудаларнинг сопол ҳайкалчалари.

Куҳандиз – ҳукмдор қароргоҳи, акропол, пойтахт.

Кўрагон – хон куёви.

Кўшк – истеҳкомли баланд қўрғон.

Лабиринт – танбур, далон, дарвоза олди истеҳкоми (адаштирувчи йўлак).

Лавҳ – ёзув тахтаси, ёзув курсичаси ёки курси.

Лак – юз минг.

Лаҳм – ер ости йўли.

Лойқоқ – сел лойқалари қопланган майдон.

Мадраса – олий диний илмгоҳ.

Мажус – оташпараст.

Мажусий – оташпарастлик диндори.

Манглай – илғор гуруҳ.

Меш – сув ёки қимиз олиб юрадиган тери халта ёки тўрва, саноч.

Мирихазора – минглик ҳарбий бўлинманинг амири (сардори).

Мироб – сув хўжалиги бошқарувчиси.

Миробона – сув солиғи.

Миррих – Зардўштийлардаги уруш, жанг ва ғалаба тангриси.

Мои сардарахт – боғ ва дарахтзорлардан олинадиган солиқ.

Музорий – қўшчи, зироаткор, экин экувчи.

Мулк – хусусий ер.

Мулки вақф – мадраса ва масжидлар тасарруфидаги ер-мулк, хайрли ишлар учун ажратилган мол-мулк.

Мулки девоний – давлат ерлари.

Мамлакаи хос – давлат мулклари.

Мусаллас – узум ёки майиздан тайёрланган ширин шароб, май, хаома.

Мустафий – марказий ҳокимият девонхонаси дафтардор ҳисобчиси; молия вазири.

Мухассилона – солиқ йиғувчилар учун тўлов.

Муҳркаш – чит ва матоларга гул босувчи.

Мухтасиб – тош-тарози, нарх-наво ва мафкура назоратчиси.

Мушриф – сарой иш бошқарувчиси.

Муқтоъ ёки иқтадор – иқтоъ ер ва мулкларига эга бўлган ер эгаси.

Муҳораба (маҳораба) – жанг, уруш, ҳарбий тўқнашув.

Муҳрдор – девонхонанинг муҳр сақловчиси; муҳр босувчи, муҳр соҳиби.

Наус – оташпарастлар хилхонаси, остадонлар сақланадиган мозор-қўрғон.

Наф – шаҳар ва қишлоқ аҳолиси.

Нафтандоз – нефтли ва пиликли кўзачаларни ирғитадиган палахмон, ҳарбий мослама.

Намозгоҳ – ийд ибодатлари ўқиладиган масжид; ийдгоҳ.

Нова (нов) – сув ташлағич тарнов; сув ташлағич.

Ноҳид – Зардўштийлардаги ҳосилдорлик ва фаровонлик маъбудаси.

Остадон (оссуарий) – сопол тобутча.

Оташгоҳ – муқаддас ўчоқ; ўтхона, оловхона.

Оҳангар – темирчи.

Пайза – Мўғуллар даврида имтиёзли шахсларга бериладиган ёрлиқ.

Пайкон – камон ўқи ёки найзанинг тош, суяк ёки металли учи.

Палахмон – тошотар; ҳарбий қурол.

Пандус – кўтарма йўл.

Парчин – сирланган ранг-баранг ғишт парчалари.

Пойкор – кичик мироб; қишлоқ мироби.

Работ – ташқи шаҳар, карвонсарой.

Раис – шаҳар ҳокими.

Раъдандоз – ўт отғич; ҳарбий қурол.

Риёзиёт – математика.

Савқулжайш – стратегия.

Садоқ – ўқдон.

Садоқхона – камон ва ўқдонлар омбори.

Сардоба (обдон) – пишиқ ғиштдан қурилган гумбазли ҳовуз; сувхона.

Саришумор – жонбош солиғи.

Саррожлик – эгар ва жабдуқ ясовчи устахона.

Сатрап – вилоят ноиби (аҳамонийлар ва антик давр).

Сатрапия – маъмурий бўлим, вилоят (аҳамонийлар ва антик давр).

Стратег – мудофаа ва қўшин вазири (антик давр).

Сахронишин – саҳройи, туякаш.

Соҳибқирон – кунчиқиш ва кунботиш эгаси, жаҳон эгаси, жаҳонгир, адолат соҳиби.

Соҳиби жамоа – ҳосил миқдорини белгиловчи маъмур учун йиғиладиган тўлов.

Соҳиби муаййид – мактубот ва ахборот вазири.

Соҳиби шурот – ҳарбий вазир.

Суворий – отлиқ аскар.

Суюрғол – олий табақа зодагонларига инъом қилинган ер-мулк.

Таважжуҳоти хорижий – фавқулоддаги харажатлар солиғи.

Тамға – савдо божи; савдогарлардан олинадиган солиқ.

Таноб – 200–250 кв. м ҳажмдаги ер майдони.

Тарбият ул-жайш – ҳарбий тактика.

Тиркаш – камондан ўқ узадиган нишон туйнуги.

Тотем – уруғ ёки қабила жамоалари сиғинадиган ҳайвон, ўсимлик ёки жисм.

Тотемизм – тотемларга сиғиниш.

Тоқ ёки Тим – усти ёпиқ бозор ва ҳунармандчилик растаси.

Тудун – турк хоқонлигининг вилоят ҳокимликларидаги вакили, вилоят ҳокими.

Туман – ўн минглик ҳарбий қисм.

Туман оғаси – ўн минглик аскарий қисм амири, қўмондон.

Туғро – давлат нишонаси, рамзи, герб.

Устурлоб – астрономия асбоби.

Ушр – ҳосилдан 10% ҳисобида олинадиган деҳқончилик солиғи.

Фармондор – бошқарувчи.

Фарна – Зардўштийлардаги бахт ва толе худоси.

Фулус – майда мис чақа.

Хабаргир – хабарчи, айғоқчи, кузатувчи.

Хазора – минглик аскарий бўлинма.

Хандақ – мудофаа иншооти, зовур.

Харажу мараж – бошбошдоқлик, ўзбошимчалик, бебошлик.

Хатиб – дин пешвоси.

Хаттот – китоб ва рисолалар кўчирувчи котиб.

Хвабу – вилоят ҳокими, йирик ер эгаси.

Хватов – ҳоким.

Хирож – ҳосилнинг 25-33% ҳисобида олинадиган қишлоқ хўжалик солиғи; XV асрда бу солиқ «мол» деб юритилган.

Хонашумор – ҳар хонадондан олинадиган жонбошн солиғи.

Хонақоҳ – ғарибхона, мусофирхона.

Хонбанди (конбанди) – сув омбори, катта ҳовуз.

Хоқон ёки қоғон – ҳукмдор, подшо.

Хубби – Зардўштийлардаги сув худоси, сув маъбудаси.

Хушун – юз нафарлик ҳарбий бўлинма.

Хушунбоши – юзлик бўлинма зобити.

Чилангар – темирчи.

Чилангарлик – темирчилик.

Чиғир – туя ёки ҳўкиз қўшиб айлантириладиган сув кўтаргич иншооти.

Чокар – ҳарбий дружина, кўнгиллилар тўдаси.

Чокардиза – чокарлар қалъаси, турар жойи.

Чорикор – ҳосилдан 25% олиш ҳисобига ишловчи ёлланма қўшчи зироаткор.

Чоҳпар – ўра.

Шайх ул-ислом – дин ва илм пешвоси.

Шаҳристон – ички шаҳар.

Шод – ўн минглик лашкар бошлиғи.

Шулен – XIII асрда олинган озиқ-овқат солиғи.

Элоқ – кичик юрт, кичик мулк.

Этногенез – халқ ва элатларнинг келиб чиқиши.

Ябғу ёки жабғу – эл-юрт ҳокими, маҳаллий ҳоким.

Ясовул – соқчи.

Ясоқлар – Чингизхон жорий этган қонун-қоидалар тўплами.

Ўлпон – ер солиғи.

Ўрдугоҳ – қўшин лагери тўхтайдиган қўноқ, подшо қароргоҳи.

Ўтлоқ ва сувлоқ – яйловлардан олинадиган солиқ.

Қабо – устки кийим, ёпинчиқ.

Қайр – дарё, анҳор ёки шоҳариқ бўйларидаги табиий намли ерлар.

Қам – шаман, кўк тангрига сиғинувчилар эътиқоди.

Қаср – сарой, олий ва ҳашаматли бино.

Қопчур – мўғуллар даврида чорвадан олинадиган солиқ.

Қорахон – буюк хоқон.

Қутвол – давлат қурилиши бошлиғи, саркори, қалъа ва қўрғон соқчиси, қароргоҳ назоратчиси.

Қўрғон, қўрғонча – атрофи баланд пахса девор билан ўралган дарвозали истеҳком.

Қўш – бир жуфт ҳўкиз билан ҳайдаладиган ер майдони.

Ғози – дин ҳомийси, дин йўлида курашувчи.

Ғозий – ғолиб.

Ғувокор – савдогар (илк ўрта асрлар).

Ғул – мунтазам қўшин.

Ҳайлбоши – суворийлар амири, ўнлик амири.

Ҳожиб – ҳарбий бошлиқ.

Ҳожиб ул-бузрук – қўмондон

Ҳожиб ул-ҳужоб – бош қўмондон.

МУНДАРИЖА

КИРИШ 3
1-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ОБЪЕКТИ, УНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ, МАНБАЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ 7
1. Ўзбекистон тарихи фанининг фан сифатида тутган ўрни. Унинг ўрганиш предмети ва объекти 7
2. Ўзбекистон тарихи фанининг методологик, илмий-назарий асослари, усуллари ва тамойиллари 11
3. Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масалалари 15
4. Ўзбекистон тарихини ўрганишда манбалар ва ёрдамчи фанлар 19
5. Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг аҳамияти 24

I. ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИНГ ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВРИ
2-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН – ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ 29
1. Ўзбекистон цивилизацияси ҳақида қисқача маълумот 29
2. Инсониятнинг дастлабки аждодлари. Антропогенез жараёни 33
3. Энг қадимги даврни даврлаштириш. Палеолит даври 38
4. Мил. авв. XII – IV минг йилликларда Ўрта Осиё 49
5. Ибтидоий тасвирий санъат. Бронза даври ютуқлари. Ёзув ҳақида янги маълумотлар 63
6. Ўзбекистон ҳудудларида илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши жараёнлари. ... 72
7. «Авесто» – Ўзбекистон тарихини ўрганишдаги муҳим манба ва маънавий мерос 77

3-МАВЗУ. ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНИК ШАКЛЛАНИШИ 93
1. Этногенез ва уни ўрганиш масалалари 93
2. Ўлкамиз ҳудудларидаги қадимги маҳаллий аҳоли ва ўзбек халқининг шаклланиш босқичлари 99
3. Ўрта асрлардаги этник-маданий жараёнлар. «Ўзбек» атамаси 105

II. ИЛК ДАВЛАТЧИЛИККА ЎТИШ ВА ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДАВРИ
4-МАВЗУ. ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ДАСТЛАБКИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ 110
1. Илк давлатлар пайдо бўлишининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий асослари 110
2. Илк давлатлар ҳақидаги ёзма манбалар. Қадимги аҳоли 117
3. Қадимги Бақтрия, Хоразм ва Суғдиёна давлатлари 123

4. Аҳамонийлар даврида Ўрта Осиё 139
6. Александр Македонскийнинг ҳарбий юришлари ва унга қарши кураш. Ўзбекистоннинг антик давр давлатлари. 154

5-МАВЗУ. БУЮК ИПАК ЙЎЛИ – МУЛОҚОТ ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИ . 195
1. Энг қадимги йўллар 195
2. Буюк Ипак йўли 206
3.Ўрта асрлар даври йўллари 211
4. Буюк Ипак йўли ва ҳозирги замон 217

III. ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИНГ ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ
6-МАВЗУ. ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ, МАДАНИЙ ҲАЁТ 223
1.Милодий IV-VI асрларда Турон замин тарихи. 223
2.Туркий хоқонлик даврида Ўрта Осиё 234
3.Ислом дини. Араб халифалиги даврида Мовароуннаҳр 247
7-МАВЗУ. IX–XII АСРЛАРДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ. ИЖТИМОИЙ- СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ 265
1. Араб халифалигининг парчаланиб бориши. Тоҳирийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросон 265
2.Сомонийлар ҳукмронлиги. Марказлашган давлатнинг ташкил топиши ... 272
3. Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр 285
4. Ғазнавийлар давлати. Маҳмуд Ғазнавий 294
5. Салжуқийлар давлати 303
6. Хоразмшоҳ Ануштагинийлар даврида ўзбек давлатчилиги 311

8-МАВЗУ. ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ҲАЁТИДА IX–XII АСРЛАРДА ЮЗ БЕРГАН УЙҒОНИШ ДАВРИ. АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ 341
1. IX–XII асрларда маданий юксалишнинг шарт-шароитлари. Ўрта Осиёлик буюк алломаларнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси 341
2. Хоразм Маъмун академиясининг илм-фан тараққиётидаги ўрни 358
3. IX–XII асрларда ислом дини ва сўфийлик. Буюк муҳаддис ва диншунос олимлар 364
4. Меъморчилик ва санъат 372

9-МАВЗУ. МЎҒУЛЛАР ИСТИЛОСИ ВА ЗУЛМИГА ҚАРШИ КУРАШ. ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ 378
1. Мўғуллар давлатининг ташкил топиши. Чингизхон ва Хоразмшоҳ муносабатлари 378
2.Мовароуннаҳрга мўғул босқинининг амалга оширилиши 388
3. Жалолиддин Мангуберди – Ватан қаҳрамони 398

4. Мўғуллар истилосидан кейинги сиёсий вазият. Чиғатой улуси давридаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, хўжалик аҳволи .....
5. XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV асрнинг биринчи ярмидаги маданий ҳаёт .....

10-МАВЗУ. АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ. ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ .....
1. Амир Темурнинг марказлашган давлат тузиш учун кураши ва ҳарбий юришлари .....
2.«Темур тузуклари» – муҳим тарихий манба .....
3. Темурийлар давлатидаги ижтимоий-сиёсий вазият .....
4. XV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросон. Темурийлар салтанатининг инқирозга юз тутиши .....
5.Темурийлар ҳукмронлиги даврида илм-фан ва маданий ҳаёт .....

11-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДЛАРИНИНГ ХОНЛИКЛАРГА БЎЛИНИБ КЕТИШИ, УНИНГ САБАБЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ .....
1. Шайбонийлар давлати. Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт. .....
2. Аштархонийлар сулоласи даврида Ўрта Осиё .....
3. Бухоро амирлиги. Манғитлар сулоласи .....
4. Қўқон хонлиги. Минглар сулоласи .....
5. Хива хонлиги. Иноқлар ва қўнғиротлар .....
6.Сўнгги ўрта асрларда қорақалпоқлар (Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт) .....

ГЛОССАРИЙ .....

409
419
425
425
439
443
456
460
472
472
497
517
544
579
608
617

Ўқув-услубий нашр

Б.ЭШОВ, А.ОДИЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

1-жилд

Муҳаррир
Гавҳар МИРЗАЕВА

Техник муҳаррир
Сурайё АҲМЕДОВА

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишга 27.01.2014 й.да рухсат этилди. Бичими 60x84 1\16.
Босма тобоғи 39,25. Шартли босма тобоғи 36,63.
Гарнитура «LexTimes Cyr+Uzb». Офсет қоғоз.
Адади 130 нусха. Буюртма № 268.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.
Лицензия рақами: AI № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:
Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс – 273-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru